

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

## Н ҲАРФИ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
ТОШКЕНТ

**Ушбу китобдан фақатгина шахсий мутолаа, танишиб чиқиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Тижорий мақсадда фойдаланиш (сотиш, кўпайтириш, тарқатиш) қонунан тақиқланади.**

**Н** — ўзбек кирилл алифбосининг ўн бешинчи ҳарфи; тил олди, бурун, сонор, портловчи, жарангли ундош товушни ифодалайди. Сўз боши (най, новда, нон), ўртаси (анор, ғунча, қанот) ва охири (боғбон, ўтин, тугун) да кела олади. Н товуши айрим сўзларда, сўз бирикмалари орасида б товуши олдидан талаффуз қилинганда, м товушига айланади (танба > тамба, манба > мамба, сунбула > сумбула, ўн беш > ўм беш), лекин бу ҳодиса имлода акс этмайди. Н товуши соф ўзбекча сўзларда сўз бошида учрамайди. Н ҳарфи г ҳарфи б-н бирга, н+г тарзида тил орқа, бурун, портловчи, жарангли ундош товушни ифодалайди; бу товуш сўз ўртаси (сингил, денгиз, тингла) ва охири (онг, тенг, дўнг) дагина келади.

Н ҳарфи Авесто, Ўрхун-Енисей, сўгд, туркий (уйғур) ёзувларида, шунингдек, араб ва лотин алифболари асосидаги ўзбек ёзувида ўзига хос кўринишларга

эга.

**НАБАТЕЯ ПОДШОЛИГИ** - Иордания худудида қадимда мавжуд бўлган давлат (мил. ав. 3-а. охири — 2-а. боши — мил. 106). Мил. ав. 6-а. бошида Эдем р-нига араб қабилаларидан набатейлар келиб ўрнашган. Улар ҳақида илк марта Библияда қайд этилган. Мил. ав. 3-а. охири — 2-а. бошларида пойтахти Петра ш. бўлган Н.п. вужудга келган, уптолемейлар сулоласи бошқарган Мисринг таъсир доирасига кирган. Н.п.нинг 1-подшоси — Харитат I (мил. ав. 169 й.дан шохлик қилган). 87 (ёки 85) й.да Харитат III (мил. ав. 87—62) Дамашкни бўйсундирган. Мил. ав. 60-й.лар охиридан Н.п. Рим вассали. Н.п.нинг равақ топган даври Харитат IV даврига (мил. 9—40) тўғри келади. Н. п.нинг сўнгги подшоси Раббил II (71 — 106) бўлган. 106 й. Рим императори Траян Н.п.ни ту-

гатиб, унинг худудини Римнинг Араби-стон провинциясига айлантирган. Наба-теяликлардан ҳозир фақат оз сонли ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган.

**НАБЕРЕЖНИЕ ЧЕЛНИ** - Тата-ристон Республикасидаги шаҳар (1930 й.дан, 1982—88 й.ларда Брежнев ш.). Кама дарёсидаги пристань. Яқин т.й. станцияси — Круглое Поле (17 км). Аҳолиси 520,3 минг киши (1998). Ил-гари ёғочсозлик, тўқимачилик ва озик-овқат саноати маркази эди. 1970 й.да Кама автомобиль з-дининг қурилиши муносабати б-н тез ривожланди. Озик-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Қуйи Кама ГЭС бор. Поли-техника, педагогика ин-тлари, кўғирчоқ театри ишлаб турибди.

«**НАБИ**», набидлар — 1890—1905 й.ларда Парижда ижод қилган рассомлар гуруҳи; П. Серюзье, М. Дени, К. Руссель, П. Боннар, Э. Вюйяр, А. Майоль ва б. П. Гоген ва Понт-Авене мактаби таъсирида бўлган «Н.»лар «модерн» услубининг ўзига хос турини яратдилар. Уларнинг ижодига адабий символизмга яқинлик, рангнинг ҳукмронлиги, шаклнинг умум-лашма беагаи, майин мусиқий ритм, француз санъати, япон гравюриси ва ита-льян примитивини услублаштириш хос. Серюзье, Дени, Руссель асарларига ди-ний мистик кайфият хос бўлса, Боннар, Вюйяр ва б.нинг асарлари нозик лирик образ қурилиши б-н ажралиб туради. «Н.»лар маҳобатли рангтаъсир, графика, амалий безак санъатига мурожаат қилдилар (гилам, витраж, мебель учун эскизлар).

**НАБИЕВ** Вали Набиевич (1916.31.1 — Ғиждувон тумани — 1999.7.3) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи старшина. 16-гвардиячи отлик аскарлар дивизиясининг 60-гвардиячи Чернигов отлик аскарлар полки, 2-эскадрон взвод командирининг ёрдамчиси. 1936—38

й.ларда армия сафида, Ҳасан кўли ёни-даги жангда қатнашган. 1943 й. 18 сент. да Днепр дарёсини биринчилардан бўлиб кечиб ўтишдаги жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944 й. 15 янв.). Урушдан кейин Ғиждувон ш.да яшаган. Ғиждувон туманида к-з райси, к-злараро маиший хизмат кўрсатиш ком-бинатининг бошлиғи лавозимларида иш-лаган. 2001 й. 9 майда Ғиждувон туман марказидаги Хотира майдонида бюсти ўрнатилган, кўчалардан бирига Н. номи берилган

**НАБИЕВ** Жўрабек (1941.10.2, То-жи-кистоннинг Ғулакандоз қишлоғи) — хонанда (лирик тенор), бастакор, актёр. Тожикистон халқ артисти (1980). Лени-нбод (ҳоз. Хўжанд) пед. ин-тини ту-гатган (1963). Хўжанд давлат мусиқали комедия театрида яккахон хонанда (1962—96), директор (1996—98). Тош-кент консерваториясининг проф. (2000 й.дан). Фарғона-Тошкент ҳофизлик мак-табининг намояндиси бўлиб, Бухоро мақом ижрочилик услубини ҳам мукам-мал ўзлаштирган. Ниҳоятда кенг репер-туаридан мақом йўллари, бастакор ашу-лалари, катта ашулалар, ўзбек, тожик ва б. халқлар қўшиқлари ўрин олган: «На-сруллоий», «Самарқанд Ушшоғи», «Тош-кент Ироқи», «Мўғулчаи Дугоҳ», «Феруз I-II», «Бебокча» ва б. Унинг муаллиф-лик қўшиқларидан «Қараб қўй», «Унут-масман», «Сен туғилган кун», «Қурбон бўлсайдим», «Эл дегай афсонадир» ва б. ўзининг халқчиллиги, мазмундорли-ги, мусиқий ифодавийлиги б-н ажралиб туради. Мусиқий театр сахнасида Озар («Тугалланмаган қўшиқ»), Содирхон («Уйғониш») каби образлар яратган. Осиё, Европа, Америка мамлакатларида гастролда бўлган. «Мелодия» граммёзув фирмасининг «Олтин диск» мукофотида сазовор бўлган (1990).

**НАБИЕВ** Малик (1916.5.1, Тошкент) — рассом, педагог, Ўзбекистан БА акад. (1997), Ўзбекистан халқ рассоми (1992).

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган (1933—37), Тошкент пед. ин-тини тугатган (1962). Тошкент рассомлик билим юртида (1938—58), 1958 й.дан Тошкент педагогика ин-тининг бадий графика ф-тида ўқитувчи, рангтасвир кафедраси мудири (1963-88), 1973 й.дан ҳоз. Тошкент педагогика уни-ти проф. Н., асосан, портрет ва тарихий жанрларда ижод қилади. Тарихий мавзудаги асарларига ғоя ва мавзунинг равшанлиги, кураш, карама-қаршиликларда тўқнашган томонлар ҳолатини аниқ белгиланиши, давр руҳини аниқ тасвирлаш каби хусусиятлар хос бўлса, портретларида замондош шахслар табиий ҳолатда, самимий тасвирланади: «Дўстим портрети» (1933), «Кўзғолон бостирилди» (1940), «Македонияликларга қарши Спитамен кўзғолони» (1960), «Абу Райҳон Беруний» (1950, 1972), «Бобур» (1962), «Халқ артисти Ҳасанов» (1970), «Ўқитувчи М. Ғоипова» (1977), «Амир Темур» (1994) портретлари ва б. Рисолалар ва услубий қўлланмалар муаллифи. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Бошланғич синфларда расм чи-зиш методикаси, Т., 1965; Расм чизишни ўргатиш методикаси, Т., 1971; Рангшу-нослик, Т., 1995.

**НАБИЕВ** Малик Набиевич (1913.18.1 — Тошкент — 1992.10.1) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1963), техника фанлари д-ри (1955), проф. (1956). Ивано-ново кимё-технология ин-тини тугатган (1935). Донбассадаги Горловка ўғит з-дида ишлаган (1940). Чирчиқ электр кимё к-тида бош муҳандис (1940—43), Чирчиқ шаҳар партия кўмитаси котиби (1943—44), Ўзбекистон Республикаси Давлат План комиссияси раисининг биринчи ўринбосари (1944—47), Респу-блика Министрлар Совети бошқармаси бошлиғи (1948), Чирчиқ электр кимё к-ти

бош муҳандиси (1948—51). Ўзбекистон ФА кимё ин-тида лаб. (бўлим) муди-ри (1951—86), бош илмий ходим (1986 й.дан), Ўзбекистон ФА кимё-технология фанлари бўлими акад.-котиби (1952—56, 1966—86). Асосий илмий ишлари янги минерал ўғитлар турларини олиш, ўғитлар сифатини яхшилаш, мураккаб ўғитлардан рационал фойдаланишга оид. Н.нинг ковшоқланиб (ёпишиб) қолмайдиган аммиак селитраси олиш усули Чирчиқ электр кимё к-тида ва б. корхоналарда амалиётда қўлланди. Н. ўз шоғирдлари б-н биргаликда аммоний-лаштирилган суперфосфат олиш усули-ни ишлаб чиқди ва уни Кўкон, Жамбул, Самарқанд ҳамда Чоржўй кимё з-дларида амалга оширди. Фосфат хом ашёсини нитрат кислота б-н парчалаб, қаттиқ ва суюқ, мураккаб ўғитлар (СУМ-I, СУМ-II, СУМ-III, СУМ-IV, СУМ-V) ни и.ч. техно-логиясига асос солди, чигит таркибидаги мой моддаларини кўпайтиришга таъсир этувчи «ЦАКС» дефолиантини ихтиро қилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1968).

М. Набиев. Амир Темурнинг Тўхтамуш устидан ғалабаси (1994).

Ас.: Азотнокиелотная переработка фосфатов, Т., 1957; Аммонизированный суперфосфат из фосфоритов Каратау, Т., 1960; Калийные соли Тюбегатана, Т., 1965; Кондесированные фосфаты и удо-брения на их основе (Б. М. Беглов, А. Т. Здуко б-н ҳамкорликда), Т., 1974.

Ад.: Ахмеров Қ. Ўзбекистон кимёгар-лари, Т., 1974.

**НАБИЕВ** Рашид Набиевич (1912, Самарқанд — 1985.10.6, Тошкент) — та-рихчи олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъ-зоси (1952), тарих фанлари д-ри (1967). Самарқанд пед. техникуми (1927—30) ва Фарғона пед. ин-ти (1930—33) да ўқиган. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори (1947—52), бўлим му-дири (1956—62), ФА Ижтимоий фанлар бўлими мудири (1952—56). 1962 й.дан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида

катта илмий ходим. Илмий фаолияти Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистон тарихига оид бир қанча ўқув қўлланмалар, дарсликлар муаллифи.

Ас: XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар кўзғолони, Т., 1942; Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худоярхана), Т., 1973; Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки, Т., 1966.

**НАБИЙ** (араб, кўплиги — анбиё, илохий хабар келтирувчи) — к. Пайгамбар.

**НАБИРА**, неvara — биринчи ва учинчи бўғин авлодлар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини ифодалайдиган агама. Ота-онага ўғил ёки кизнинг фарзанди (бобога, бувага нисбатан) Н. бўлади; ўғилнинг боласи ўғил Н., кизнинг боласи киз Н., киз Н.нинг эри Н. куёв, ўғил Н.нинг хотини Н. келин деб аталади.

**НАБИС** (Nabis) (? - мил. ав. 192) -Спарта ҳукмдори (тирани) (мил. ав. 207—192). Еврипонтийлар шоҳ хонадонига мансуб бўлган. Бир қанча қатъий тадбирларни амалга оширган: бир қисм мулкдорларни қувғин қилган, айримларини қатл этган; йирик ер эгаларининг ерларини мусодара қилиб, гражданлик таркибига киритилган ерсиз спартиатлар ва илотларга бўлиб берган. Н. даврида Спарта кўшини кучайган, Аргос босиб олиниб, у ерда ҳам шу ислохотлар ўтказилган. Бутун Пелопоннес бўйича туб ислохотлар ўтказилиши хавфи Н.га карши Ахей иттифоқининг уруш бошлашига сабаб бўлган. Иттифоқчиларга ёрдамга Рим армияси ҳам етиб келган. 195 й. тузилган сулҳга кўра, Н. ҳокимияти фақат Спарта ҳудуди б-н чекаб кўйилган. Н.нинг кайтадан уруш қилиши унинг ҳам куруқликда, ҳам денгизда мағлубиятга учраши б-н тугаган. Н. хоинона ўлдирилиб, Спарта Ахей

иттифоқига кўшиб олинган.

**НАБОКОВ** Владимир Владимирович [асл номи; тахаллуси Сири; 1899.10(22).4, Петербург - 1977.2.7, Швейцария] — рус ёзувчиси. Инглиз тили ва маданиятига ихлосманд бой дворян оиласида дунёга келган. Бир неча Европа тилларини мукамал билган Н. 1914—17 й.ларда отасининг маблағи ҳисобига илк шеърый тўпламларини чоп этган. 1919 й.да Англияга бориб, Кембриж ун-тида тахсил кўради, 1922 й. эса Берлинга кўчиб ўтади. Н. шу ерда рус мухожирларининг «Руль» газ.да, шунингдек, «Замонавий битиклар» жур. (Париж) да Сири (жаннат куши) тахаллуси остида шеър ва ҳикояларини эълон қилади. «Машенька» (1926) романи ва ундан кейинги «Чорбанинг қайтиши» (1928) лирик новеллалари, машҳур шахматчининг хаёт фожиасига бағишланган «Лужин химояси» (1930) қиссаси ва б. асарлари Н.га шуҳрат келтиради. Н. рус тилида 9 роман («Қирол, дама, валет», «Истеъдод» ва б.), бир қанча пьеса («Ўлим», «Воқеа», «Вальснинг кашф этилиши» ва б.), ҳикоя ва шеърлар ёзган. Унинг ижодий услубида мистификация, турли-туман ўйинлар, хаёлот ва алаҳсирашлар, пародиялар, қутилмаган сюжет қурилмалари устуворлик қилади. Н. 1940 й.да АҚШга кўчиб бориб, асосан, инглиз тилида ижод этган. «Себастиан Найтнинг чинакам хаёти», «Ада», «Нурсиз олов», «Лолита», «Ёркин нарсалар», «Арлекинларга бир кара!» сингари романлари, «Евгений Онегин»нинг таржимаси ва Пушкин асарига ёзган 3 жилдди изоҳлари Н. адабий меросининг асосий қисмини ташкил этади.

Ас: Машенька, Защита Лужина. Приглашение на казнь. Другие берега, М., 1988; Лолита, М., 1989.

**НАБОНИД** — Бобилнинг сўнгги подшоси (мил. ав. 556—539 йларда ҳукмронлик қилган). Оромийларлан. Н. Эрон б-н курашиш учун Фарбий Осиё-

нинг барча оромий кабилаларини ягона давлатга бирлаштиришга ҳаракат қилган. Арабистондаги Тайму ва б. вилоятларни тобе эттириш учун 10 йил курашган, ўғли Валтасарни Бобил ноиб қилиб тайинлаган. Диний ислохотлар ўтказган, Ой маъбуди Синага ҳомийлик қилган. 539 й. кузида Бобил форслар томонидан босиб олинган. Н. асир олинган.

**НАБОПАЛАСАР**, Набу аплауцур — Янги Бобил подшоҳлиги ва халдей шоҳлари сулоласи асосчиси (мил. ав. 626—605 й.ларда ҳукмронлик қилган). 626 й. бобилликларни Оссурияга қарши кўзғолони раҳбари. Бобил 729 й.дан Оссурия қўл остида эди. Н. 626 й. охирида — Бобил, 620 й. — Урук, 615 й. — Ниппур ш.ларини эгаллаган. 614 й. Мидия подшоҳи Киаксар б-н иттифок тузган ва у б-н биргаликда Оссурия устидан 609 й. узил-кесил ғалаба қозонган.

**НАВ** — селекция натижасида яратилган, муайян морфологик, физиологик ва хўжалик белги ҳамда хусусиятлари турғун ва наслдан ўтиб борадиган, бир турга мансуб ўсимликлар мажмуи; маданий ўсимликлар учун энг кичик тасниф бирлиги. Ўсимликларнинг жайдари (маҳаллий) ва селекция йўли б-н етиштирилган Н.лари бўлади. Жайдари (маҳаллий) Н. маълум бир жойда экин етиштиришда узок, давом этган ялпи танлаш натижасида юзага келади (қ. Халқ, селекцияси). Селекция Н.и и.т. муассасаларида ўсимликлар селекциясининг турли илмий усулларини қўллаб олинади. Танлаш йўли б-н Н. ичиди биологик барқарорлик (ўсимликларнинг бир типда бўлиши) юзга келтирилади. Ўзидан чангланувчи ўсимликларда Н. ўзидан чангланиш йўли б-н (гомозигот линия, қ. Гомозиготапик), четдан чангланадиган экинларда четдан чангланиш б-н ва биринчи авлод гете-розигот дурагайларида ҳар йили дурагайлаб туриш йўли б-н сақланиб боради (гетерозигот линия, қ. Гетерозиготапик). Селекция

йўли б-н чиқарилган Н. ўз сифатларини бир канча авлодлар давомида сақлаб боради. Бироқи.ч. жараёнида ирсий ўзгарувчанлик туфайли салбий мутациялар пайдо бўлиши, механик ва биол. ифлосланиш, ўсимликларнинг касалликларга чидама пасайиб қолиши ва б. натижасида Н. хусусиятлари аста-секин ўзгариб боради. Энгяҳши Н.дан фойдаланиш қ.х. экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг самарали усулларидан биридир. Бунинг учун элита уруғлари керак бўлади, бундай уруғларни уруғчилик хўжаликлари етиштириб беради. Ўсимликлар Н.ларининг ҳақиқийлиги нав назорати ёрдамида аникланади. Эски Н. янгилари б-н алмаштириб турилади, яъни нав алмаштириш ишлари олиб борилади. Ўзбекистонда и.т. муассасаларида яратилган барча экинлар Н.лари Давлат нав синовидан ўтказилиб, энг яхшилари и.ч.га жорий этиш учун ажратиб олинади. Ҳар йили экиш учун тавсия этиладиган Н.лар рўйхати республиканинг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан Ўзбекистон Републикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрида эълон қилинади.

Ад.: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари таърифи, Т., 2001.

**НАВ АЛМАШТИРИШ** - экилаётган экинлар навларини ҳосилдорлиги ҳамда бoшқа қимматли хўжалик белгилари устун бўлган янги навлар б-н алмаштириш. Янги навлар Давлат нав синаш комиссияси томонидан аввалги навларга қараганда ҳосилдорлиги, ҳосилнинг ёки қайта ишланган маҳсулотнинг сифати, машина ишлови ва йиғиштиришга мослиги, ноқулай шароитга, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги кўрсаткичлари бўйича устун бўлгандагина алмаштирилади.

Ҳар бир Н.а. даври экин турларини такомиллаштиришда янги сифат босқичи ҳисобланади. Ўзбекистонда экиладиган 105 дан ортиқ ғалла, дон, мойли, техника, ем-хашак, сабзавот, полиз, картошка, мевали, манзарали, ўрмон ва б. экинлар турлари бўйича янги чиқарилган, тикланган, чет мамлакатлардан келтирилган ўсимликлар Н.а. ишлари илмий ва ташкилий асосга қўйилган ва Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан олиб борилади.

Республикада асосий экинлардан бири бўлган ғўза бўйича 20-а.нинг 20-й. ларидан бошлаб 8 марта Н.а. ўтказилди. Натижада алмаштирилган навлар ҳосилдорлик, тола миқдори ва сифати, тола чиқиши ва тола узунлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлик бўйича узлуксиз устуликни таъминлади. Ўзбекистонда Н.а. даврларида жами 170 га яқин ғўза навлари районлаштирилди.

Ўзбекистонда 1937—92 й.лар давомида бугдой бўйича 7 марта нав алмаштирилди. Натижада янги аср бошига келиб дон мустақиллигига эришилди.

**НАВ НАЗОРАТИ** — навнинг ҳақиқийлигини белгилаш ҳамда уруғлик экинларининг нав тозаллигини аниқлаш. Уруғлик экинларини апробация қилиш ва апробациянинг тўғрилигини экилган уруғлик тўпларидан олинган намуналарни грунт нав таҳлили усулида текшириш йўли б-н амалга оширилади. Н.н.да уруғлик фонди ҳужжатлари рўйхатга олинади ва расмийлаштирилади, уруғчиликдаги уруғлик экинлар нав софлигини сақлашга қаратилган барча қоидаларга риоя қилинади. Экилган уруғлик фонди грунт нав таҳлили 1926 й.дан, республика уруғлик пахта ст-яларида эса 1935 й.дан ўтказилади. Навнинг ҳақиқийлигини белгилашда ўсимликларнинг морфологик белгилари навнинг расмий белгилари б-н солиштирилади. Навнинг софлигини аниқлаш

бўйича ўтказиладиган апробация ва грунт таҳлиллари ҳар бир экин ёки бир гуруҳ экинлар бўйича махсус услубиятлар асосида амалга оширилади.

Расмийлаштирилган элита уруғларининг нав софлиги элита-уруғчилик хўжаликлариде ўтказиладиган элита синови тажрибаларида биринчи репродукция бўйича қўшимча равишда назорат қилинади. Селекция муассасаларининг давлат нав синовиға топширишға мўлжалланган янги навлари нав софлиги Республика «Ўздавуруғназорат» маркази уруғчилик ва уруғшунослик ст-ясида аниқланади.

Патент б-н ҳимоя қилинадиган навларнинг нав софлигини таъминлаш оригинаторлар зиммасида, уларнинг Н.н.ни Ўзбекистан Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси амалга оширади.

**НАВ СИНАШ**, нав синови — қ.х. экинларининг янги навлари ва дурагайларини стандарт навларға қиёсан бир хил шароитларда ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, қ.х.да етиштиришға яроқчилигини текшириш (қ. Давлат нав синаш тармоғи).

**НАВАНДАК**, Наванд — ўрта асрдаги Чағониён шаҳарларидан бири (5—6—18-а.лар). Баъзи олимлар фикрича, «Н.» атамаси «нав» ва «хандақ»дан олиниб «янги хандақ» маъносини аниқлаган. «Н.» номи «наванд» («чопарлар») сўзининг кичрайтирилган шакли деб қарашлар ҳам бор (Ш. Камолитдинов). 12-а.да Балхдаги маҳаллалардан ва Самарқанд дарвозаларидан бири «Наванд» деб аталган. 15-а. охирида темурийлар даврида Н.да зарбхона бўлган, бу ерда «Наванд» деб битилган маҳаллий мис тангачалар чиқарилган. Сурхондарё вилоятидаги Узун ш.дан 3 км шим.-шарқда жойлашган Кофирқалъа (ёки Новандактепа) шаҳар харобаси ўрнида бўлган деб ҳисобланади. Шаҳар хандақ (кенг-лиги 50 м) б-н ўралган мустақкам

арк, шахристон (450x450 м) ва катта рабоддан ташкил топган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С, Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX—начала XIII вв., Т., 1996.

**НАВАРРА** — ўрта асрларда Пиренеи я.о.да пойтахти Памплона бўлган қироллик (905—1512). Илк тарихи кам ўрганилган. 9-а. ўрталарида Н. графлиги араблар ва франклар ўртасидаги кураш натижасида мустақилликка эришган. Н.нинг 1-қироли Санчо Гарсия (905—925 й.лар ҳукмронлик қилган) бўлган. Санчо III Буюк даврида (1000—1035) Н. ўз ҳудудига Леон, Кастилия, Арагон, шунингдек, Испания ва Франциядаги басклар ерларини қўшиб олган. Санчо III нинг ворислари даврида Н. ўзининг аввалги ҳудудининг деярли ҳаммасидан ажралган. 1076—1134 й.ларда Н. Арагонга тобе бўлган. 1234—84 ва 1328—1512 йларда Н.даги қироллик тахтини француз графлари, 1285—1328 й.ларда француз қироллари эгаллашган. Н. иккисодий қолоқ давлат ҳисобланган. 1512 й. Н.ни Фердинанд Арагонский босиб олган, натижада Н. Испанияга қўшиб юборилган. Қуйи Н. эса 1589 й.гача расман мустақил қироллик бўлган, шундан сўнг (Н. қироли Генрих Наваррский Франция тахтига Генрих IV номи б-н чиққач) Франция таркибига қўшилган.

**НАВАХО** (ўзларини дене деб аташди) — АҚШдаги атапасклар гуруҳига мансуб индейс халқи. 170 минг киши (1987). Диндорлари — христианлар; синкретик (аралаш) культ издошлари ҳам бор.

**НАВБАҲОР** — оташпарастларнинг қад. бутхонаси. Балхнинг жан. тарафида шаҳар ёнида жойлашган. Ибн ал-Фақихнинг ёзишича, Н.да оташпарастларнинг жуда катта маъбудаси бўлган ва унга сиғиниш учун теварак-атрофдан жуда кўп киши келиб турган. Н. кўп мар-

та бузилиб, яна тикланиб турган. У биринчи марта Араб халифалиги даврида вайрон қилинган.

**НАВБАҲОР** — Наманган вилояти Поп туманидаги шаҳарча (1979 й. 15 дек.дан). 1972 й.да, Наманган — Қўқон автомагистрали ёнида, чўлда, кум барханлари орасида вужудга келган. Туман марказидан 25 км, вилоят марказидан 75 км. Наманган — Андижон т.й.даги ст-я. Аҳолиси 2 минг киши (2003). Н.да умумий таълим мактаби, тўлиқсиз мактаб, балиқчилик акциядорлик жамияти, фуқаролар йиғини биноси, 5 тиббий пункт, врачлик амбулаторияси, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

**НАВБАҲОР** — Фарғона вилояти Фурқат туманидаги қишлоқ. Туман маркази. Т.й. станцияси — Яйпан. Н.дан Фарғонагача 105 км. Аҳолиси 3,1 минг кишидан зиёд (2003). Сўх сойидан сув олади. Н.да туман ташкилот ва идоралари, «Ишонч» ип-йиғирув корхонаси, 2 умумий таълим мактаби, ихтисослаштирилган лицей, маданият уйи, марказий стадион, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Н. оркали Тошкент—Андижон т.й. ва Хўжанд—Қўқон автомагистрали ўтган.

**НАВБАҲОР БЕНТОНИТ ГИЛ КОНИ** — Навоий вилояти Навбаҳор туманида, Жан. Нурота тизмасининг жан.-ғарбий ён бағрида. Қалқонота қишлоғидан 12 км шимолда жойлашган. Кон 1998 й.да А. У. Мирзаев ва Х. Чиниқуловлар томонидан очилган ва разведка қилинган. Тасдиқланган захираси 7142,6 минг т. Бентонит гилларининг саноатбоп горизонтлари эоцен кесмасида жойлашган ва субкентглик бўйлаб 3 км масофага чўзилган асимметрик синклиналь бурманинг қанотларини ташкил этади. Конда гилнинг 3 тури: ишқорий ва ишқорий-ер бентонитлари ҳамда карбонатли полигорскитлар мавжуд. Уларнинг

умумий қалинлиги 7—13 м.

Ишқорий бентонитлар кулранг, яшилроқ кулранг, ёғсимон. Сувда секин, аммо кучли шишади. Минерал таркиби, асосан, монтмориллонитдан иборат. Гилда қўшимча сифатида гидрослюда, кварц ва темир гидроксидлари учрайди.

Ишқорий-ер бентонитлари оч кулранг, ёғсимон. Сувда юпқа пластинкаларга тез ажралади, лекин, кам шишади. Жинс ҳосил килувчи минераллари монтмориллонит ва гидрослюдадан иборат. Қўшимчалар сифатида палигорскит, кварц ва темир гидроксидлари учрайди.

Карбонатли палигорскит гиллари оч кулранг, деярли оқ. Чиғаноқсимон синишга эга, сувда парчаланмайди. Палигорскитмонтмориллониткальцитли полиминерал таркибига эга.

Бентонитлар нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилишдаги бурғилаш ишларида енгил ювувчи суюқлик сифатида, палигорскит гиллари эса туз ва иссиқлик агрессиясига чидамли суюқликлар тайёрлашда ишлатилмоқда. Бир тонна бентонит гилдан 12—14 м<sup>3</sup> ювувчи суюқлик тайёрлаш мумкин. Пахта ёғи, вино ва мева шарбатларини тозалашда адсорбент сифатида фойдаланилмоқда. Ишқорий бентонитларни совун, лок-бўёқ, керамзит, дори препаратлари ва косметика воситалари и.ч.да, ичимлик суви, техник ва саноат оқова сувларини тозалашда ишлатиш мумкин. Н.б.г.к. қулай иқтисодий-географик шароитга эга. Гил очик усулда казиб олинмоқда.

**НАВБАҲОР ТУМАНИ** - Навоий вилоятидаги туман. Вилоятнинг жан.-шарқида жойлашган. 1980 й. 12 мартда ташкил этилган. 1988 й.да Навоий туманига қўшиб юборилган. 1992 й.да яна алоҳида туман сифатида қайта тузилган. Н.т. шарқда Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани, ғарбда вилоятнинг Конимех тумани ва Бухоро вилояти, шим. да вилоятнинг Нурота ва Конимех туман яйлов ерлари, жан.да Навоий туманла-

ри б-н чегарадош. Майд. 1,57 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 86,5 минг киши (2003). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арабсарой, Бешработ, Гигант, Олчин, Туркистон, Янгийўл, Янгикўрғон) бор. Маркази — Бешработ қишлоғи.

Табиати. Н.т. Зарафшон дарёсининг шим.-шарқий қирғоғи бўйлаб Қоратов ва Зарафшон дарёси оралиғида жойлашган. Туман шим.дан Нурота тоғлари б-н ўралган. Н.т. худудининг кўп қисми чўл, рельефи нотекис: чуқурлик ва тепаликлар алмашилиб боради. Бал. 500—800 м. Иқлими кескин континентал. Ёзи қуруқ, иссиқ, киши қуруқ, совуқ. Йиллик ўртача т-ра 14—15°. Энг паст т-ра —13° (янв., фев.да), энг юқори т-ра 42° (июнь, авг.да). Йиллик ёғин 250—300 мм. Вегетация даври 212 кун. Тупроқлари лёсс, бўз, қўнғир, шўртоб тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шувок, исирик, қамиш, зарпечак ва б. ўсади. Туман хўжаликлари сувни Зарафшон дарёсидан чиққан Ўнг қирғоқ канали, Конимех. Човли, Арабсарой ариқларидан олади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (93%), шунингдек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ, татар ва б. миллат вақиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 55 киши.

Хўжалиги асосан, қ.х.га ихтисослашган. Пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланилади. Картошка, кунжут, мош, зиғир ҳам экилади. Токзорлар бор. Қорақўл қўйлари боқилади.

Туманда «Бентонит» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, 22 кичик ва хусусий корхона, 126 хусусий фирма, 11 акциядорлик, 8 масъулияти чекланган жамият, 4 ассоциация, 1 ширкат корхонаси, 8 давлат, 32 хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, 12 қурилиш, 2 савдо корхонаси, деҳқон бозори мавжуд (2003). Қ.х.нинг етакчи тармоқлари пахтачилик ва ғаллачилик. Туманда 22,4 минг га ер майдони экинзор ва дарахтзорлар б-н банд. 10 минг га ерга пахта, 8 минг га ерга



ғалла, қолган қисмига полиз, сабзавот, ем-хашак ва б. экинлар экилади. Н.т.да 14 ширкат хўжалиги, 7 фермер хўжаликлар уюшмаси, 1000 га яқин фермер, 100 дан зиёд деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда (1 ширкат хўжалиги қорақўл кўйлари боқишга, 29 фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган).

Туман ширкат ва шахсий хўжаликлариди 33 минг қорамол, 60 минг қўй ва эчки, 412 от боқилади (2003). Н.т.да 255 км автомобиль йўллари мавжуд. Шулардан 108 км давлат аҳамиятидаги йўллар. Туман худудидан Тошкент—Учкудукт.й. (21 км масофада), Навбахор—Нурота, Навоий — Учкудук, Навоий —Бухоро йўналишларида автобуслар қатнайди.

2002/2003 ўқув йилида туманда 28 умумий таълим, 5 таянч, 2 бошланғич мактабларида 23 мингга яқин ўқувчи таълим олди, шунингдек, 1 спорт мактаби (754 ўқувчи), маънавият ва қўшимча таълим маркази (960 ўрин), «Истиклол» касб-хунар коллежи (750 ўрин), «Учтут» нафис санъат лицейи фаолият кўрсатмоқда.

Марказий маданият уйи, 5 қишлоқ маданият уйи, 3 қишлоқ клуби, «Навбахор таронаси» ашула ва рақс халқ ансамбли, марказий кутубхона (112352 нусха китоб), унинг 24 та тармоғи ва туман болалар кутубхонаси, 2 жамоатчилик, «Нафосат», «Оила» клублари ишлаб турибди. Марказий касалхона (2895 ўрин), 6 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 8 қишлоқ врачлик пункти, 1 поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларида 104 врач ва 584 ўрта тиббий ходим ишлайди.

Туман худудиди мил. ав. 5-а. — мил. 4-а.ларга оид археологик ёдгорликлар мажмуи (Қалқонота қишлоғи ёнида), Учтут қишлоғи яқинидаги чақмоқтош конлари (ашель, мустье ва юқори палеолит даврига оид тош қуроллари топилган), Сармишсой, Қораунгурсой, Биронсой дараларидаги қоятош суратлари (мил. ав. 7-а. — мил. 3-а.лар, айримлари мил.нинг 1 — 10 а.лари) ва б. бор. 1982 й. 1 апр.дан

«Навбахор тонги» туман газ. нашр этилади (адади 1500).

**НАВИГАЦИЯ** (лот. navigo — кемада сузаман) — 1) кемаларда сузиш, учиш аппаратларида учиш; кемаларни (денгиз Н.си), учиш аппаратлари — самолёт, вертолёт ва б.ни (ҳаво Н.си), космик аппаратлар — космик кемаларни (космик Н.) бошқаришнинг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланидиган фан. Асосий вазибалари: энг хавфсиз ва қулай йўлни (курени) танлаш; Н. асбоблари ёрдамида ҳаракат йўналиши ва ўтган йўлни аниқлаш; аппаратларни бошқариш учун энг қулай хари-тафафик проекцияларни ўрганиш ва танлаш; Н. ма-салаларини аналитик ва график усулларда ечиш; аппаратнинг танланган йўлдан оғишига сабаб бўладиган ташқи омилларни ҳисобга олиш; сунъий йўлдошлар ва Ердаги нишонлар ёрдамида аппарат ўрнини аниқлаш ҳамда бу маълумотларнинг аниқлигини текшириш. Н.нинг вазибалари геодезия, хари-таграфия, гидрография, океанология ва метеорология усулларидан фойдаланиб ҳал этилади.

Денгиз Н.си қадимдан маълум. Кемаларни бошқаришнинг оддий усуллари қад. Шарқ халқларига маълум бўлган. Кема курсини магнит мили ёрдамида аниқлаш усули топилгач (11-а.), тенг бурчакли тўғи цилиндрик проекциялаш усулини қўллаб хари-та тузилгач (16-а.), механик лаг (кеманинг ўтган йўлини аниқлайдиган асбоб) кашф қилинган (19-а.), ҳозирги Н.га асос солинди. 19-а. охири —20-а. бошларида физика фанининг тараққиёти этиши натижасида кемаларни бошқаришнинг электр Н. ва радиотехника асбоблари яратилди. Л. Эйлер, М. В. Ломоносов ва б. олимлар Н. масалаларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнадилар. А. С. Попов радиони ихтиро қилгандан сўнг Н. тараққиётининг янги босқичи шаклланди. Н.да импульсли, импульс-фазали ва фазали радионавигация тизимлари ёки секторли радиомаяклардан

фойдаланилди. Очқенгиздаги Н. учун глобал радионавигация тизимлари ишлаб чиқилди. Бу мақсадда навигация сунъий йўлдошлари тизимидан фойдаланиш анча самарали.

Фаннинг ривожланиши ва техниканинг такомиллашиши натижасида Н. маълумотларини олиш, ишлаб чиқиш ва бевосита бошқариш тизимига узатиш ишларини автоматлаштиришга имкон туғилди; 2) маҳаллий иқлим шартшароитларни ҳисобга олган ҳолда, денгиз, дарё ва б. сув ҳавзаларида кемачиликка имкон берадиган мавсум.

**НАВКАР**, ну кар (мўғулча ноҳор — дўст, ўртоқ) — 1) мўғул хонлари, нўён хузурида хизмат қилувчи олий табақали йигитлар. Н.лар — қуролланган эркин кишилар бўлиб, нўёнларга ўз ихтиёрлари б-н хизмат қилишган ва уларнинг қарамоғида бўлишган. Уруш пайтида Н. авваламбор жангчи, тинчлик пайтида эса кўриқчи ва «уй кишиси», хонадонга яқин киши бўлган. Н.лар хизматлари эвазига даставвал уй-жой, озик-овқат, кийим-кечак ва қурол-яроғ, кейинчалик эса ҳарбий ўлжанинг бир қисми, инъом этилган ер мулки ва қароллар б-н тақдирланганлар, бу эса уларни йирик зодагонларнинг вассалларига айланишларига имкон берган. Хизмат пиллапоясида ўз истеъдодини намойиш этган кўпгина Н.лар кейинчалик турли ҳарбий бўлинма ва қисмларга кўмондон бўлганлар; 2) Амир Темур ва темурийлар даврида Н. атамаси — «хизматкор», «аскар», «кўшин» маъноларида қўлланилган; 3) Усмонли турк империяси 14—17-а.ларда Н. «танкўриқчи, хизматкор»; 4) Сафавийлар давлатида Н. — ҳарбий-маъмурий мансабдорга тобе ҳарбий хизматчи, аскар; 5) Хива хонлигида Н. — «лашкар»ни англаган; 6) Бухоро хонлигида Н. хизмати учун давлат томонидан белгиланган маош б-н таъминланган ва мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган. Ҳарбий ҳаракатлардан бўш пайтларда Н. соқчилик вазифасини бажарган.

**НАВКАТ-ҚУРАЙШ** — ўрта асрлардаги Кеш вилоятига қарашли шаҳар. Кешдан Насафга борадиган йўлда, ҳоз. Қамаш туманидаги Қавчин қишлоғи ўрнида жойлашган. Хожа Аҳрор мулкларига оид вақф ҳужжатларида (15—16-а.лар) қайд этиб ўтилган. Н.-Қ. Олтинтепа шаҳар харобаси ўрнида бўлган деб ҳисобланади. В. В. Бартольднинг фикрича, Н.-Қ.даги «Қурайш» сўзи исломнинг дастлабки даврларида бу ерда арабларнинг Қурайш қабиласи яшаганлигига ишора. Қурайшлар Қутайба ибн Муслим қўшинининг кўпчилик қисмини ташкил этган. Қашқадарёда ҳоз. яшайдиган араблар шуларнинг авлодлари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Сўғдийча Навкат — «Янги қалъа» ёки «Янги қишлоқ» демакдир.

**НАВМИТАН** — Кушон подшолиги даври (1—4-а.лар)да вужудга келган қад. қалъа харобаси. Бухородан 15 км жан. да, Н. қишлоғи яқинида жойлашган. Қад. Рудизар (Шаҳруд) каналининг қурилиши муносабати б-н Н. обод бўлган. 16-а. да Н.да Жўйбор хожапари ўзларига хос ҳашаматли макбаралар, сағаналар бино қилганлар. Бухоронинг қад. ва ўрта аср тарихини ўрганишда Н. муҳим аҳамиятга эга.

**НАВНИ РАЙОНЛАШТИРИШ** - қ.х экинларининг юқори маҳсулдор, маҳсулот сифати ва б. кўрсаткичлари бўйича қимматли янги навлари ва дурагайларини танлаб олиш ва муайян табиий зоналардаги хўжаликларда экиш (жойлаштириш). Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини р-нлаштириш Ўзбекистонда 1934 й.да жорий этилган. Районлаштириш учун қимматли хўжалик белгиларига ва маҳсулдорлигига кўра, муайян зонада илгари р-нлаштирилган навга қараганда устун турадиган янги нав тасдиқланади. Н.р. (1996 й. 29 авг. да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги қонунига кўра, республика ҳудудида

экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш)да амалдаги конунларга кўра дастлаб маҳаллий ёки хорижий селекция муассасаларида яратилган янги навлар давлат синовини ўтказиш учун Республика қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилади. Бунда оригинатор (навнинг эгаси) томонидан навни синаш, р-нлаштириш, химоя хужжати (патент) олиш учун ариза, синов даврида тегишли микдордаги оригинал уруғлик (кўчат) б-н таъминлаш ҳақида қафолат хати, навнинг таърифи, селекция муассасасида ўтказилган уч йиллик синов натижалари, маҳсулотнинг сифати ҳақида маълумотлар, навнинг рангли фотосурати тақдим этилади.

Н.р. учун хўжалик жиҳатидан фойдалилиги бўйича синовлар куйидаги тавсифларни аниқлаши керак: ҳосилдорлик, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ, ташки муҳит шароитларига (совуққа, курғоқчиликка чидамлилиқ) таъсирчанлик, тезпишарлик, олинадиган маҳсулот сифати ва б. Таклиф этиладиган янги нав реестрда рўйхатга олинган (илгари р-нлаштирилган) навлардан бир ёки икки муҳим хўжалик ва биологик тавсифига кўра яхшироқ бўлиши, қолганлари бўйича улар даражасида бўлиши ёки улардан унча паст бўлмаслиги керак. Синовлар камида икки йил давомида ўтказилади, кўп йиллик экинлар тўғрисида эса улар камида икки йил давомида тўлиқ ҳосил бергандан кейин (қ. Нав синаш) р-нлаштириш ҳақида эксперт комиссияси хулосаси қабул қилинади. Н.р. уни кўпайтириш, уруғлик ва кўчатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритиш ва реализация қилиш ҳуқуқини беради, шунингдек, бу навлар экилган майдонларда апробация ўтказилиши ва уларнинг уруғлик сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати берилиши учун ҳам ҳуқуқий асос бўлади.

Н.р. тартиби ҳамда навларни жойлаштириш режаларини Республика ҳукумати

қабул қилади. Уни республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус руҳсатисиз бузиш, ўзгартириш мумкин эмас.

**НАВО** (форс. — куй, оҳанг) — Ўн икки мақом тизими ҳамда Шашмақом таркибидаги учинчи мақом. Шашмақомдаги Н.нинг чолғу қисмлари Таснифи Н., Таржеи Н., Гардуни Н., Нағмаи Орази Н., Мухаммаси Н., Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ҳусайний, Сақили Н. деб аталади. Улар муайян куй мавзулари ва доира усуллари негизда яратилган. Н.нинг ашула бўлими 2 гуруҳ шўъбаларга бўлинади. Биринчи — Сарахбори Н. (2 таронаси б-н), Талқини Баёт (таронаси б-н), Насри Баёт (2 таронаси б-н), Орази Н. (3 таронаси б-н), Ҳусайний Н. деб номланувчи шўъбалар ҳамда Уфари Баёт (Супориши б-н) қисмларидан ташкил топади. Улар навбатма-н-вбат туркум тарзида турли доира усулларида айтилади. Иккинчи гуруҳ шўъбалар — Савти Н., Мўғулчайи Н. ва Мустазоди Н. деб юритилади. Уларнинг ҳар бири Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар каби шохобчалардан тузилган. Н. шўъбалар шакли анча мураккаб бўлиб, даромад, миёнхат, дунаسر, авж ва туширим тузилмаларидан ташкил топади. Н.нинг шўъбаларида, асосан, Ораз ва Баёт намудларидан авж сифатида фойдаланилган.

Н. мақомининг кўп ашула (маё, Баёт шўъбалари асосида яратилган Баёт — 1, 2, 3, 4, 5) ва чолғу (сурнай, танбур, дутор) йўллари мавжуд. Р. Глиэр, Т. Содиков («Лайли ва Мажнун» операси), А. Козловский («Улугбек» операси ва б.), М. Бурхонов («Алишер Навоийга қасида»), М. Ашрафий («Дилором» операси), М. Маҳмудов («Наво» симфонияси) ва б. композиторлар Н. йўлларида унумли фойдаланишган. Н. атамаси ва шу номли мумтоз мусиқа асарлари тожик, туркман, уйғур, эрон, озарбайжон, араб, турк халқлари мусиқа меросида кенг ўрин олган.

Равшан Юнусов

**НАВО** (нова) — ярим ёй шаклидаги безак тури; шифт б-н девор оралигидаги қайрилма эгик шаклли ҳошия безак. Миллий меъморликда биноларнинг ички ва ташқи қисмини безашда ишлатилади. Замоновий биноларнинг ташқи қисмида том б-н девор оралигида бўртиб чиқиб (деворга оқиб тушадиган сувни тўсиб) туради ва бинога салобатли кўриниш беради. Н. безаги ганч, ёғоч, мрамар ва б.дан тайёрланиши мумкин. Уста Ширин Муродовнинг ганчли ажойиб Н. намуналари Тошкент ш.даги кўпгина бинолар (Навойий театри, Тошкент куранти ва б.) ни безаб турибди. Халқ усталаридан Т. Арслонқулов, М. Усмонов, Ш. Ғафуров, Ж. Ҳақимов, С. Норқўзиев, О. Файзуллаев ва б. нақшли ганч, ёғоч Н.ларни кенг қўллаган.

**НАВОБ** — Бобурийлар салтанати вилоят ҳоқими. 18-а.нинг 1-ярмида салтанат инқирозга юз тутгач, Бенгалия, Аркот, Ауд ва б.нинг Н.лари мустақил ҳоким бўлиб қолганлар. 18-а.нинг 2-ярмида инглиз мустамаलाкачилари Н.ларни ўзларига бўйсундирганлар ва шундан кейин Н.ларни тайинлаш, вазифасидан четлатиш улар ихтиёрида бўлган.

**НАВОИЙ** — Қ. Алишер Навоий.

**НАВОИЙ** — Навоий вилоятидаги шаҳар (1958 й.дан). Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбида, Зарафшон дарёси водийсида, вилоятнинг шарқий чеккасида, 347 м балангликда. Т.й. станцияси. Автотранспорт йўлларининг муҳим тугуни, Тошкентдан 509 км. Иклими континентал, йиллик ўртача т-ра 15,Г, июлники 28,3°, янв. ники 0,4°. Майд. 60 км<sup>2</sup>. Н. таркибида Кармана тумани бор. Аҳолиси 145,5 минг киши (2003; 1995 й.—112,7 минг; 1974 й.—80 минг; 1960 й.—20 минг киши).

Н. Зарафшон водийсидаги тез ўсаётган, ёш индустриал шақар, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий номи-

га қўйилган. Зарафшон дарёсининг яқинлиги, йирик к.х. худуднинг марказида жойлашганлиги, транспорт б-н яхши таъминланганлиги шаҳарнинг тез ўсиш омили бўлди. Н. Ўрта Осиёда йирик электр энергия ва кимё саноати марказига айланди. Н.да 136 акциядорлик жамияти, 334 давлат корхонаси, 1103 хусусий корхона бор. Шаҳарда 21 йирик саноат корхонаси мавжуд. Вилоят саноат корхоналари ялпи маҳсулотининг кўп қисми Н.да ишлаб чиқарилади. Шаҳар саноат тармоқларида электр қуввати, минерал ўғитлар, ип ҳамда ипак газламалар ишлаб чиқарилмоқда. «Навойий-азот» и. ч. бирлашмаси, электр-кимё з-ди, Навоий кончилик-металлургия, ун, нон к-тлари, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Кизилқумцемент» корхонаси, пахта тозалаш, машинасозлик, сут, ипак курти з-длари, «Синтепон» корхонаси, озик-овқат ва маҳаллий саноат муассасалари бор. Саноат, транспорт ва к.х. техникасини таъмирлайдиган бинолар, маиший хизмат кўрсатиш к-ти ҳамда хунармандчилик тармоқлари ишлаб турибди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар б-н ҳамкорликда қурилган 18 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан «Агама», «Зериспарк» корхоналари самарали ишламоқда. Шаҳар орқали Учқудук, Бухоро, Нукус ш. ларига боровчи т.й. ўтган. Н.да 20 га яқин йўналишда автомобиль транспорти катнайди. Халқаро аэропорти Н.ни Тошкент орқали Республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар б-н ўзаро алоқалар ўрнатишда хизмат қилади. Шаҳар Навоий вилоят ҳокимияти биноси худудида (қад. Карманадя) Мир Сайд Баҳром мақбараси (11-а.), Қосим Шайх хонақоси (16-а.) ва б. меъморий ёдгорликлар мавжуд. Н. йирик илм-маънавият ва маърифат марказларидан. Бу ерда 2 олий ўқув юрти (Навоий давлат педагогика ин-ти, Навоий давлат кончилик ин-ти), академик лицей, 25 умумий таълим мактаби, 3 Меҳрибонлик уйи (шундан 2 таси оилавий), 6 коллеж, 3 маҳсус интер-

нат-мактаби (шундан 1 таси ногиронлар учун), бизнес мактаби, 2 музей (вилоят ўлкашунослик музейи, унинг Қосимшайх Азизон мажмуаси филиали, 2 маданият саройи, маданият ва истироҳат боғлари, Ёш томошабинлар театри, 8 жамоат кутубхонаси, стадион, сузиш ҳавзаси, 10 касалхона, 5 поликлиника, шошлинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, 7 тиббий диспансер фаолият кўрсатади. 1958—60 й.ларда шаҳар ягона бош план асосида иссиқ иқлим, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қурилган. Меъмор ва қурувчилардан бир гуруҳи давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Шаҳар кўкаламзорлаштирилган, фаввора ва сузиш ҳавзалари кўп. Алишер Навоий таваллудининг 560-йиллиги муносабати б-н Н.да Навоий ҳайкали ўрнатилди (2001).

Зулхумор Абдиева, Рамазон Эгамов

**«НАВОИЙ»**, Навоий юбилеи — юқори сифатли мева берадиган серҳосил ўрик нави. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида Арзами, Гулунги навларини ча-тиштириб яратилган (К. В. Васильев ва Л. А. Протасевич). Дарахти кучли ўсади. Шох-шаббаларининг қалинлиги ўртача, тупига яхши шакл бериш мумкин, бал. 7,5—9 м гача, кенглиги 7 м гача боради. Қисман ўзидан ва четдан чангланади. Ме-васи июнь охири — июль бошларида пи-шади. Меваси йирик, думалок, тилларанг-сарик ва кизғиш. Пўсти силлик, қалин. Эти оч сарик, қаттиқ. Кўчати ўтқазилгач, 4-йили ҳосилга киради, 15—17 ёшида ту-пидан 200 кг гача мева олинади. Меваси янгилигида ейилади, консерва қилинади ва қоқи солинади. Узоқ жойларга юбо-ришга чидамли. Тошкент, Жиззах, Сир-дарё, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун р-нлаштирилган.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ**  
**ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ** — мада-ний-маърифий муассаса; 1992 й.да Наво-

ий ш.да ташкил этилган. Музейнинг архе-ология, этнография, нумизматика, таби-ат, тасвирий санъат ва саноат бўлимлари бор. Музейда Навоий вилояти худудидан топилган археологик ёдгорликлар, вило-ят табиати, санъати, саноати (Навоий кон металлургия к-ти, «Қизилкумцемент», «Навоий азот» и.ч. бирлашмаси, Навоий ГРЭС каби саноат корхоналари тарихи ва фаолияти, уларнинг маҳсулотларидан на-муналар) акс эттирилган. 2500 дан ортик хужжатлар ва экспонатлар, вилоят таби-ати, хайвонот ва ўсимликлар дунёси, сув ҳавзалари, чўл табиатига хос табиий бой-ликлардан намуналар намойиш этилади. Музей фонди (Нурота, Зарафшон, Хатир-чи, Кармана, Конимех ва б. бўлимлари б-н бирга) 35 мингдан зиёд (2003), шу-нингдек, илм-фан, тиббиёт, спорт каби ижтимоий соҳаларни ёритувчи материал-лар тўпланган.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ** - ЎзР тар-кибидаги вилоят. 1982 й. 20 апр.да Бу-хоро ва қисман Самарқанд вилоятлари худудларидан ташкил этилган. 1988 й.да маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, 1992 й. бошида қайта тикланди. Шим. ва шим.-шарқдан Қозоғистон, жан.-шарқдан Жиззах, Самарқанд, жан.дан Қашқадарё, жан.-ғарбдан Бухоро вило-ятлари б-н чегарадош. Майд. 111,0 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 802,3 минг кишига яқин (2003). Н.в. таркибида 8 қишлоқ тумани (Конимех, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепа, 5 шаҳар (Зарафшон, Қизилтепа, Навоий, Нурота, Учқудук), 8 шаҳарча (Конимех, Лангар, Маликработ, Мурунгов, Тин-члик, Шалқар, Янгиработ, Ҳозғон) ва 53 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2003). Маркази — Навоий ш. Табиати. Н.в.нинг худуди табиий шароитига кўра, 3 қисмга бўлинади: вилоятнинг шим.-ғарбий қисмини Қизилкум чўли эгаллаган — бу ерда берк ботиклар (Карақота, Мўлали, Мингбулок), зол кумли текисликлар ва қолдик тоғлар (Овминзатоғ, Етимтоғ, Бўкантов, Томдитов ва х.к.) бор; жан.-

шарқий қисмини Нурота тоғ тизмаларининг ғарбий қисми паст ва ўртача баландликлардаги тоғлар (Қоратоғ, Октоғ ва б.) ҳамда тоғлараро ботиклар (Нурота ботиғи ва б.) эгаллаган; Зарафшон дарёси воҳасининг ўрта қисмида вилоятнинг пахтачилик зонаси ўрнашган. Н.в.даги тоғлар, асосан, силур, девон, тошқўмир, бур, палеоген, неоген даврлари жинсларидан тузилган. Текислик ва қумликлар тўртламчи геологик даврдаги комплекс табиий омиллар таъсирида ўзгарган. Мурунговда олтин, Овминзатоғ шим. да графит топилган. Вилоятда вольфрам, фосфоритлар, кварц қуми, цемент, оҳақтошнинг захиралари мавжуд. Н.в.да минерал шифобахш, шўр ва ер ости чуқур сув захиралари аниқланган. Чунончи, Томдидулоқ, Қаракота, Чингилди атрофларидан топилган сувлардан хўжаликда кенг фойдаланилмоқда. Вилоят сейсмик жиҳатдан 7 балли зилзила зонасига киради. Қизилкум чўли туфайли иқлими кескин континентал чўл иқлими: ёзи узоқ, қуруқ, иссиқ, июлда ўртача т-ра 27,2—29,6°, кумда офтобда т-ра 60—70° гача кўтарилади. Январда ўртача т-ра — 1,9° дан — 0,6° гача. Чўл ва яйловларда, воҳаларда иқлим ўртача. Ёғин, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Йиллик ёғин 125—282 мм. Вегетация даври 177—212 кун. Н.в.нинг асосий сув манбаи — Зарафшон дарёси. Зарафшондан Конимех канали чиқарилган. Н.в.ни сув б-н таъминлашда Қуйимозор, Тўдақўл сув омборлари, Конимех каналининг аҳамияти катта. Вилоятнинг шим. ва ғарбий катта қисми кўчма кум барханлари, унда-бунда учрайдиган гилли чўллардан иборат. Астрагал, шувок, шўра, исирик, қамиш, зарпечак, саксовул, юлғун, ва б. чўл ўсимликлари ўсади. Чўл тупроқларида чиринди кам, оҳақ, гипс, эрувчи тузлар кўп. Чўл ўсимликлари, айниқса, шўра, шувок кабилар қоракўл қўйлари ва б. моллар учун озуқа бўлади. Букантовда ва Мингбулоқ ботиғида қобон, бўри, чиябўри, тулки, узун думли мушук, чўл мушуги, бошқа ерларда малла юмронқозик, каламуш,

сичқон, суғур, сассикқўзан, жайрон, калтакесак, турли хил илонлар, тошбақа, қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, қирғовуллар, қарға, ҳаққа, мусича, чумчук учрайди.

Қизилкум чўлида пастак кўҳна тоғлар, Мингбулоқ ботиғи, шунингдек, Қаракота ҳавзаси, шўрхоқ текисликлар ва пастликлар, қатор кум тепалари алоҳида манзара кашф этган. Яйловларда чорва боқилади. Саксовул, қандим, черкез, сингрэн, окпечак, селин, эфемер ва шўралар чорва моллари учун озуқа.

Аҳолисининг кўпчилигини ўзбеклар (63,3%) ташкил этади. Шунингдек, рус (13,5%), козоқ (11,5%), татар (2,6%), украин (1,4%), қорақалпоқ (1,4%), тожик (1,3%), озарбайжон (0,9%), белорус (0,2%) ва б. миллат вакиллари яшайди. 1 км<sup>2</sup> га ўртача 7 киши тўғри келади. Шаҳарликлар — 319,7 минг кишига яқин, қишлоқ аҳолиси — 482,6 минг кишидан зиёд (2003).

Хўжалиги. Саноатининг етакчи тармоқлари энергетика, қончилик (олтин ва б. металллар қазиб олиш), металлургия, кимё, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати қорхоналаридан иборат. Йирик қорхоналари: Навоий кон-металлургия к-ти, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Навоийазот» и. ч. бирлашмаси, «Қизилкумцемент», «Электркимё», «Нуротамармар» қорхоналари, маҳаллий саноат концерни. Тўқма кон чикиндиларидан олтин ажратиш олувчи «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма қорхонаси самарали фаолият кўрсатяпти. Улардан ташқари «Агама», «Зериспарк», «Бентонит» ва б. қўшма қорхоналар ишлаб турибди. Жами 20 дан ортиқ қўшма қорхона бор. 730 га яқин кичик қорхона, 30 ширкат қорхонаси, 10 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Кичик қорхоналардан «Иттифок», «Навоий» (қурилиш материаллари ишлаб чиқаради), «Эдэм» қорхоналарининг хиссаси салмоқлидир.

Экспорт

қилинадиган

маҳсулотларнинг аксари қисмини пахта толаси, аммиак селитраси, кимёвий тола, сульфат аммоний, ортоаминофенол ташкил қилади. Четдан халқ истеъмоли моллари, кальций карбид, каустик сода, тиомочевина, тикув ускуналари, тиббий техника, юк ва енгил автомобиллар, автобуслар ва уларга эҳтиёт қисмлар, хўжалик ускуналари келтирилади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик; шунингдек, боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш б-н ҳам шуғулланилади. Чорвачилиги кўп тармоқли. 228 минг дондан зиёд қорақўл териси тайёрланади (2003). Н.в. қорақўл тери тайёрлаш бўйича республикада 1-ўринда туради. Қ.х.да фойдаланиладиган ерлар майдони 9266,2 минг га, ҳайдаладиган ер майд. 111,1 минг га, яйловлар 9137,5 минг га (2003). Барча экин майд. 112,6 минг га, шу жумладан, пахта 39,4 минг га, дон экинлари 42,0 минг га, картошка, сабзавот, полиз экинлари 1,4 минг га ерга экилади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2,6 минг км коллектор дренаж тармоқлари, 138 зах қочириш қудуғи қурилган. Н.в.да деҳқончилик майдонлари АмуБухоро машина канали Навоий, Ўртақўл, Аму, Сумбул, Майна тармоқлари ҳамда Зарафшон дарёсидан сув оладиган Тосс, Шовот, Човли, Ўнг ва Чап қирғоқ, Навкар, Кони-мех каналлари орқали сув б-н таъминланади. 32 йирик сув чиқариш электр насос ст-ялари ишлаб турибди. Н.в.да 75 ширкат, 4 минг фермер хўжаликлари мавжуд. Вилоят жамоа ва хусусий хўжаликларида 200,0 минг қорамол (шу жумладан, 96,4 минг сигир), 1458 минг қўй ва эчки, 723 минг парранда бор (2003).

Транспорти. Т.й.ларнинг узунлиги — 390,7 км, автомобиль йўлларники — 4,1 минг км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси — 3,3 минг км). Тошкент— Бухоро — Туркманобод, Тошкент— Учқудук — Нукус йўналишларидаги т. й. линиялари вилоят худудидан ўтади. На-

вой, Зарафшон, Учқудук ш.ларида замонавий аэропортлар бор. Ҳаво йўллари Навоий ш.ни Тошкент орқали республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар б-н боғлайди.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. 2002/2003 ўқув йилида вилоятда 376 умумий таълим мактаби бўлиб, 201,3 минг ўқувчи, 5 гимназияда 6,4 мингга яқин ўқувчи, 2 академик лицейда 1040 ўқувчи, 11 мусиқа ва 19 спорт мактабида 16795 ўқувчи таълим олади. Н.в.да 2 олий ўқув юрти (Навоий давлат пед. институтга, Навоий давлат кончилиқ ин-ти) бор. Бу олий ўқув юртларида 7,7 минг талаба таълим олади (2003). Вилоят шаҳар ва туманларида 1998—2003 й.ларда 18 коллеж ва академик лицейлар бинолари ишга туширилди. Улар замонавий ўқув қуроллари ва техника б-н жиҳозланди. Вилоятда 23 касб-хунар коллежида 16,03 минг талаба ўқийди.

Навоий ўлкашунослик музейи, унинг Қосим Шайх мажмуаси филиали ва вилоятдаги 7 та бўлими, 253 жамоат кутубхонаси (1893 минг нусха асар), 105 дан зиёд клуб, 7 маданият саройи, 429 бадиий хаваскорлик жамоалари бор. Н.в.да Ёш томошабинлар театри фаолият кўрсатади.

Вилоятда 5 маданият ва истироҳат боғи, кўплаб фавворали кўкаламзор хибонлар мавжуд. Зарафшон ва Навоий ш.ларида меҳнаткашларнинг хордик чиқариши учун сунъий кўллар барпо қилинган. Бир қанча туманларда боғлар яратилган. Халқ хунармандчилиги ҳам ривожланган.

Соғлиқни сақлаш. Н.в.да 3223 ўринли (10 минг кишига 45,3 ўрин), 40 касалхона муассасаси, 1567 врач, 7,013 минг ўрта маълумотли тиббий ходим ишлаб турибди. 85 аёллар консултацияси, 93 қишлоқ врачлик пункти, 116 фельдшер-акушерлик пункти, 16 қишлоқ участка касалхонаси бор. 18 поликлиника, 3 амбулаторияда ихтисослаштирилган даволаш марказлари ташкил этилган. Вилоятда 4 профилакторий фаолият кўрсатади.

Спорт. Н.в. спортчилари спортнинг

қўплаб турлари бўйича нуфузли мусобақаларда иштирок этмоқдалар (кураш, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б.). Вилоятдан спортнинг сузиш, нафис гимнастика, оғир атлетика, армистлинг, пауэрлифтинг турлари бўйича мамлакат ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан. Марказий стадион, туманларда 13 стадион, 14 сузиш ҳавзаси, спорт мажмуи, 190 спорт заллари, 1287 спорт майдончалари, 18 теннис корти мавжуд. Н.в.да 19 болалар ва ўсмирлар мактабида 15 мингдан зиёд ўқувчи таълим олади, спорт секцияларига 68 мингга қарин ёшлар жалб этилган (2003).

Адабиёти. Навоий заминида қаддан машхур алломалар, шоир ва файласуфлар, адиб ва муҳаддислар, моқир хаттот ва таржимонлар яшаб ўтган. Карминий тахаллуси б-н ижод қилган бир неча ўнлаб ижодкорларнинг номлари маълум. Шулардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Завъ ал Карминий, Абу Ҳамид Аҳмад ибн Лайс ал Карминий (996 й.в.э.), Ал Мунтасир ибн Муҳаммад ал Карминий ва б. Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Завъ ал-Карминий Куръонга тафсир битиши б-н бирга араб, форс шеърятини назариясини ишлаб чиққан, илк марта араб, форс, турк мақолларини киёсий ўрганган. Нажмиддин Абулвафо ал-Бўзжандий (9-а.), Забеҳо ас-Самарқандий (16-а.) Карманада туғилиб бошқа шаҳарларда ижод этганлар. Шунингдек, шоирлар Шайх Паҳлавон Муҳаммад Ғолиб (18-а.), Мавлоно Дилкаш Танбурий (19—20-а. бошлари), Шайх Кўрий Муҳаммад Ҳасан (1823—1921) ва б. шу юрт фарзандларидир. 20-а.да Н.в.дан чиққан ижодкорлар Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари адабий муҳитида шаклландилар. Карманалик шоир Саъдулла Маҳмудовнинг илк китоби 1939 й.да нашр этилган. Шундан кейин Душан Файзий, Тошпўлат Ҳамид, Ёдгор Бахши, Райбулла Саломов, кейинчалик Ойдин Ҳожиева, Сулаймон Раҳмон, Ғаффор Ҳотамов, Ҳосият Бобомуродова, Одил Ҳотамов, Амир Пўлкан ўғли, Ашурали Жўраев, Маруса

Ҳосилова, Назира Йўлдошевлар адабиёт майдонига кириб келишди. Файласуф олим Наим Ғойибов Аҳмад Дониш меросидан «Наводир ал-вақоеъ»дан лавҳалар таржима қилди. 1990-й.лар бошларидан Азиз Саидов, Ҳалима Аҳмедова, Фахриддин Низомов, Вафо Файзуллаев, Барно Эшпўлатов, Бектемир Пирнафасов, Сурайё Зоирова, Фарҳод Арзиев сингари ёш шоирлар фаол ижод қилмоқдалар. Айни пайтда қозоқ ва тожик тилида ёзаётган ижодкорлар сафига рус тилида асарлар яратаётган ёш адиблар ҳам қўшилди. Ибодулла Жаҳонгиров озарбайжон ёзувчиси Анорнинг «Оқ кўрфаз» киссасини таржима қилди.

Н.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуоти, радио ва те-левидениеси. Н.в.да 2 газ. («Дўстлик байроғи», «Знамя дружбы»), 9 туман газ., 1 шаҳар газ. чиқади. Вилоятда, шунингдек, 22 тармок ва тижорат газ., 2 журнал нашр этилади.

Н.в.да дастлабки радио-эшиттиришлар 1982 й.да бошланган. 1982 й.дан вилоятда телестудия ташкил этилиб телекўрсатувлар берилди бошлади. Вилоятда шунингдек, «Қизилқум» (2002 й.дан) нодавлат телеканали кўрсатувлар олиб боради.

Меъморий ёдгорликлар. Н.в.да қад. давр, илк ва ўрта асрларда қурилган 10 дан зиёд меъморий ёдгорликлар бор. Шулардан қад. Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси (11-а.), Қосим Шайх меъморий мажмуаси (16-а.), Катта Гумбаз масжиди (17—18-а.лар), Қизилтепа тумани Ванғози қишлоғидаги Тошмачит (16—19-а.лар), Нурота туманидаги Абдуллахон банди (16-а.), Бухоро — Навоий йўлидаги Работи Малик қарвонсарой ва сардобаси (11-а.) машхур. Вилоятда 30 га қарин археология ёдгорликлари мавжуд. Айниқса, Навбахор тумани Учтут қишлоғидаги шахта (неолит даври), Нурота тумани худудидаги Қоратоғда ўйиб ёзилган қоятош ёзувлари (мил. ав. 3-а.) ва



б. тарихчилар диккатадир.

Қаҳрамон Ражабов, Зулхумор Абдиева, Барно Эшпўлатов

**НАВОИЙ ИССИКЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ** - Ўзбекистондаги йирик иссиқлик электр станцияси. «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компанияси таркибида шўба корхона. Навоий ш.нинг Кармана тумани худудида жойлашган. 1960—81 й.ларда қурилган. Биринчи агрегати 1962 й. фев.да ишга туширилган. Электр ст-ясининг асосий ускуналари очиқ ҳавода ўрнатилган. Асосий ёқилғи тури — таркибида олтин-гугурт бўлган табиий газ ҳисобланади, эҳтиёт ёқилғиси сифатида эса мазутдан фойдаланилади.

Ст-яда ўрнатилган кувватлари 1250 МВт бўлган 11 та турбоагрегат (6 та блок), 8 буғ қозони бор. Буғ қозонлари 540° иссиқликда ва 130 атм. босимидаги буғни ишлаб беради. Сувни Зарафшон дарёсидан олади.

Н.и.э.с. Ўзбекистоннинг ғарбий-жан. худудларини электр энергияси б-н таъминлайдиган асосий манбадир. Ст-я Қизилқумдаги тоғ-кон ва газ саноати корхоналарига, Навоий «Электркимё-заводи», «Қизилқумцемент» корхона-сига, АмуБухоро, Қарши магистрал каналларидаги насос ст-яларига, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон ш.лари истеъмолчиларига электр энергияси беради. Шунингдек, Навоий ш.даги корхоналарни ва коммунал-маиший эҳтиёжларни иссиқ сув б-н таъминлайди. Электр ст-яси кучланиши 220 минг вольтли электр узатиш линиялари б-н Урганч ш.даги тақсимлаш қурилмаси орқали Тахياتош иссиқлик электр ст-ясига, Каттақўрғон, Самарқанд ш.ларидаги тақсимлаш қурилмалари орқали Ўрта Осиё Бирлашган энергетика тизими («Энергия» бирлашган диспетчерлик маркази)га уланган. 2002 й.да 5931,5 млн. кВт-с электр энергияси ишлаб чиқарилди, истеъмолчиларга 3042 минг Гкал иссиқлик етказиб берилди.

**НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ** (Навоий КМК) - «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни таркибидаги йирик саноат корхонаси. 1958 й.да ташкил топган. К-тда уран, олтин, кумуш, қурилиш материаллари, мармар маҳсулотлари, фосфоритлар қазиб олинади. Бундан ташқари, сульфат кислота, заргарлик, трикотаж ва тўқимачилик буюмлари, машинасозлик ва маиший техника ишлаб чиқарилади. Қидирув-разведка ишлари, маъдани қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб то уран оксиди ва чала оксиди, соф (999,9) олтин олишгача бўлган тугалланган жараёни амалга оширувчи саноат корхонаси ҳисобланади.

К-т таркибида республиканинг 5 та вилоятида жойлашган 5 та кон бошқармаси ва улар негизида қурилган Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод, Мурунгов конидан олтин рудалари қазиб олиш.

ш.лари, Зафаробод, Красногорск шахарчалари ҳамда бошқа саноат, маданий-маиший объектлар бор.

Шимолий кон бошқармаси (Учқудуқ ш.) 1958 й.да барпо этилган. Учқудуқ кони негизида уран маъданини очиқ ва ер ости усулида, ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида қазиб олиш ва қайта ишлаш; «Кўкпатас» конининг таркибида олтин бўлган маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхона-нинг асосий фаолият йўналишини ташкил этади; Марказий кон бошқармаси (Зарафшон ш.) — Мурунгов ноёб олтин конини ўзлаштириш учун 1964 й.да барпо этилган. 1967 й.нинг март ойидан бошлаб очиқ усулда кон ишларини олиб боради; Жанубий кон бошқармаси (Нуробод ш.) — Собирсой уран конини ўзлаштириш мақсадида 1964 й.нинг янв. ойида ташкил этилган (уран қазиб олиш; Зармитон ва Маржонбулоқ конларидаги таркибида олтин бўлган маъданларни қазиб олиш; мармар қазиб олиш ва ундан силлиқланган, пардозлаш тахтачаларини и.ч.; турли диаметрга эга бўлган поливи-

нилхлорид ва полиэтилен кувурларни ва бошқалар и.ч.). 5-кон бошқармаси (Зарафобод ш.) — Бухоро вилояти худудида жойлашган. 1971 й.нинг фев.ида Букиной уран конлари гуруҳини саноат усулида ўзлаштириш учун Ленинобод кон-кимё комбинатининг бўлинмаси сифатида ташкил этилган. 1993 й.да Навоий КМК таркибига унинг таркибий бўлинмаси ҳуқуқи б-н кирган (ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида уран казиб олинади); 2-кон бошқармаси (Красногорск шахарчаси) — Тошкент вилоятининг Паркент тумани худудида жойлашган. 1954 й.да Човли уран конини ўзлаштириш учун кон казиш корхонаси сифатида ташкил этилган. 1995 й.дан эса Навоий КМК таркибида (пардозловчи габбро тошини саноат усулида казиб олиш; фосфорит хом ашёсини қайта ишлаш); «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 1963 й.нинг окт.да к-т бўлинмаларининг иш фаолиятини таъминлаш учун таъмирлаш базаси сифатида ташкил этилган; Заргарлик заводи (Зарафшон ш.) — 1992 й.да Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси сифатида ташкил қилинган. 1996 й.дан к-т бўлинмаси (заргарлик буюмларини ясаш); «Агама» давлат трикотаж фирмаси — 1990 й.да халқ истеъмоли молларини и.ч. ва сотиш бўйича қўшма корхона сифатида ташкил этилган. 1997 й.дан бошлаб устки трикотаж буюмлари и.ч.га ихтисослашган, Навоий КМКнинг шўъба корхонаси; Зарафшон қурилиш бошқармаси — 1967 й.да ташкил топган. 7 қурилишмонтаж бошқармаси, темир-бетон буюмлари 3-ди, механизациялаштирилган ишлар бошқармаси, и.ч.-технологик-бутлаш бошқармаларини ўз ичига олади, саноат ва фуқаролик қурилишини амалга оширади, автомобил ва т. й.лари қурилишини олиб боради; Кизилқум фосфорит мажмуаси — маъдан казиб олиш ва фосфорит унини и.ч. бўйича корхонанинг 1-навбати 1998 й.да ишга туширилди. 2001 й.нинг авг. ойидан қуйдирилган фосфорит концентра-

тини ишлаб чиқаради ва уни Самарқанд кимё 3-ди ҳамда Олмалиқ «Аммофос» акциядорлик жамиятига етказиб беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда олтин ва уран казиб олиш саноатининг ривожланишида янги тарихий босқич бошланди. Бу давр мобайнида Навоий КМКда Учқудукда олтин ажратиб олиш мажмуаси, 3гидрометаллургия 3-ди ва Кўкпатас ҳамда Давғизтовда олтин конларининг қурилиши ниҳоясига етказилди ва улар ишга туширилди, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси барпо қилинди, эмульсияли портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи 3-д қурилди.

Комбинатда ишлаб чиқарилган олтин ёмбилар. Таркибида олтин мавжуд бўлган маъданларни казиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Навоий КМК кўп йиллар мобайнида юқори техник-иктисодий кўрсаткичлар б-н барқарор ишлаб келмоқда. Мамлакат мустақиллиги йилларида олтин и.ч. 1,5 баравар кўпайди. Ишлаб турган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, янги навбатларни қуриш, шунингдек, олтин и.ч. самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берувчи энг янги илмий-техник тадқиқотлар жорий этилди.

К-т Ўзбекистондаги йирик илмий марказлар ва муассасалар, ўқув юрглари, жаҳондаги кончилик ва рангли металлургия саноатидаги энг йирик компаниялар б-н ҳамкорлик қилади. Машҳур фирмалар б-н узок муддатли мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Навоий КМК «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2000). К-т директори Н. И. Кучерский ва экскаватор машинисти А. И. Панинга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган, кўпгина ходимлар меҳнатдаги ютуқлари учун Ўзбекистон Республикасининг ордени ва медаллари б-н мукофотланган.

Ад.: Кучерский Н. И., Флагман индустрии независимого Узбекистана, Т., 1997; Кучерский Н. И. и др., Навоийский горно-металлургический комбинат: история создания и развития, Т., 2002.

Николай Кучерский.

**НАВОИЙ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ** — кон-металлургия соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган давлат олий ўқув юрти. Навоий ш.да жойлашган. Ин-т 1995 й.да «Қизилкумнодирметаллолтин» давлат концерни қошида ташкил этилган. Ин-т таркибида кончилик, кимё-металлургия, энержомеханика, Зарафшон умумтехника (Зарафшон ш.да) ва Олмалик, конметаллургия (Олмалик ш.да) ф-тлари ва 21 кафедра мавжуд бўлиб, 10 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар (2 касбий таълим; менежмент; электроэнергетика; металлургия; машинасозлик технологияси, машинасозлик и.ч. жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; кимёвий технология; кончилик иши; автоматлаштириш ва бошқарув; кон электромеханикаси) ва 5 мутахассислик бўйича магистрлар (рангли ва нодир металлургияси; фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш; фойдали қазилма конларини очиб усулда қазиб олиш; фойдали қазилмаларни бойитиш; касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси) тайёрланади. Ин-т қошида интернат лицейи фаолият кўрсатади. 2002/2003 ўқув йили ин-тда 2,5 мингга яқин талаба ўқиди; 7 фан д-ри ва проф., 44 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т олимлари хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари б-н ўқув жараёнини такомиллаштириш ва и.т. ишларини ҳамкорликда олиб бориш бўйича алоқалар ўрнатган.

**НАВОИЙ КУТУБХОНАСИ** - к. Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

**НАВОИЙ МАҚБАРАСИ** - Ҳирот (Афғонистон)даги меъморий ёдгорлик. Шаҳар ташқарисидаги Мусалло марказида, Инжил ариғининг жан. қирғоғи яқинида жойлашган гумбазли оддий бино. Гавҳаршодбегим мақбарасига қиёслаб хиротлик савдогар хожи Ғулумхайдар Мухтарзода қурдирган

(1947). Тарҳининг ташқариси 10x10 м, ичкараси 6x6 м. Девор қалинлиги 1 м. Анъанавий майда чорси ғишт (18x18x5 см) ганчхок лойида терилган. Ички безағида ганчқори нақш ва ироқисимон безағ қўлланган. Тарзлари равоқли, тобадонли, жан. равоқ — очик эшик вазифасини ўтайди. Гумбаз ости гардишининг 4 томонида дарча бор. Мақбара безағсиз, хона ўртасида кичик даҳма қора мрамар (182x41—35,6x4 см) б-н қопланган, унда настаълик хатида «Ҳазрат Амир Кабир Низомиддин Алишер Навоий Ҳиравий. Таваллуди 844, вафоти 906 ҳижрий, Доғнишпарвар вазир» деган сўзлар битилган. Мазкур қабртош Қобулдан келтириб ўрнатилган (1967). Н.м.ни ва унинг атрофидаги масжид, мақбараларни қайта қуриш ўзбек меъморлари томонидан лойиҳалаштирилмоқда.

**НАВОИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** — педагог кадрлар тайёрлайдиган давлат олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосан 1992 й. 15 мартда Тошкент пед. ин-тининг Навоий филиали (1983 й. асос солинган) неғизидан Навоий ш.да ташкил этилган. Ин-тда 7 ф-т (физика-мат., бошланғич таълим методикаси ва мусика, табиатшунослик, жисмоний тарбия, ўзбек филол.си, тарих, хорижий тиллар), 25 кафедра, 10 дан ортиқ ўқув ва илмий лаб. бор. Кутубхонасида 100 мингдан ортиқ асар сақланади (2003). Ин-т қошида ихтисослашган академик лицей мавжуд. Ин-тда 16 таълим йўналиши (бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, мат.-информатика, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, қозоқ тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз тили ва адабиёти, геогр. ва иқтисодий билим асослари, биол., кимё ва экология, физика-астрономия, миллий истиклол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, мактабга-ча таълим ва болалар спорти, мусикий таълим, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) бўйича бакалаврлар, инфор-

матика, ўзбек тили, тарих мутахассис-ликлари бўйича магистрлар, ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича аспирантурада илмий педагогик кадрлар тайёрланади. 2002/2003 ўқув йили ин-тда 5200 талаба таълим олди; 355 ўқитувчи, жумладан, 18 фан д-ри ва проф., 60 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т фаолияти Р. Раҳмонов, У. Т. Турниёзов, Т.Г.Гулбоев, П. Мусаев, Г. Т. Темиров, О. Файзиев, М. Олтинов, Б. Ф. Избосаров, К. С. Холиқов, Ш. Ж. Мухаммадиев, А. Зайниддинова, Р. А. Рўзиев, М. Фармонова каби проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. 2003 й.гача ин-тда 9,5 мингга яқин мутахассис тайёрланди. 1985 й.дан «Лайли» ашула ва раке ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда.

**НАВОИЙ ТЕАТРИ**, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри — опера ва балет санъати соҳасидаги Ўзбекистоннинг асосий театри. Унинг ташкил топиши Муҳиддин Қориеқубовнинг Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли б-н боғлиқ. Мазкур ансамбль 1929 й. Қориеқубов ва Тамарахоним саъй-ҳаракати б-н Ўзбек давлат мусикали театрига айлантирилган. «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин» спектакллари халқ чолғулари жўрлигида ижро этилган. 30-й.ларда «Ичкарида», «Лайли ва Мажнун», «Пўргана» спектаклларида халқ чолғу асбобларига симфоник оркестр созлари кўшилиб, ўзбек операсининг яратилишига замин тайёрланган. Қозоғистонлик композитор Е. Брусиловскийнинг «ЭрТарғин» (1937) ва Озарбайжон композитори М. Магомаевнинг «Наргиз» (1938) операларининг сахналаштирилиши ҳам труппани опера санъатини ўзлаштиришида муҳим роль ўйнади. 1939 й. 11 июнда биринчи ўзбек операси «Бўрон» (С. Василенко ва М. Ашрафий мусикаси, К. Яшин либреттоси) намойиш қилинди. 1939 й. 20 июнда театр Ўзбек давлат опера ва балет театрига айлантирилди. Театр жамоаси «Бўрон»да эришган ютуғини Р. Глиэр ва Т. Содиковнинг «Лайли ва

Мажнун» операси б-н мустаҳкамлади. 1941 й. Фарғона канали курувчиларига бағишланган «Улуғ канал» (С. Василенко ва М. Ашрафий ) операси (1940) сахналаштирилди. «Улуғбек» (А. Козловский), «Махмуд Торобий» (О. Чишко) опералари уруш йиллари яратилди. Опера б-н бир каторда ўзбек балети ҳам етилиб борди. 1933 й.да «Пахта» (Н. Рославец) балети сахналаштирилди, бироқ муваффақиятсиз чиқди. Дастлабки муваффақият Ф. Талнинг «Шохида» (1939) балетидан бошланди. У ни А. Томский, М. Турғунбоева ва Уста Олим Комиловлар сахналаштирдилар. Кейинчалик «Гуландом» (Е. Брусиловский), «Оқ билак» (С. Василенко) балетлари кўйилди. Жаҳон мумтоз репертуаридан «Кармен» (Ж. Бизе), «Карға моткаси» (П. Чайковский) каби опералар б-н бирга «Бокчасарой фаввораси» (Б. Асафьев), «Коппелия» (Л. Делиб) балетлари сахналаштирилди.

Театр жамоаси 1947 й. янги бинога кўчиб ўтди ва 1948 й. Тошкент рус опера театри б-н бирлашиб, Алишер Навоий номини олди. Р. Глиэр ва Т. Содиковнинг «Гулсара», Т. Жалилов ва Б. Бровциннинг «Тохир ва Зухра» опералари, М. Левиевнинг «Сухайл ва Мехри», Г. Мушелнинг «Раққоса» балетлари янги бино сахнасида намойиш этилди. Илк бор ўзбек тилида П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси, Л. Минкуснинг «Дон Кихот», Р. Глиэрнинг «Кизил гул» балетлари 40-й.ларнинг охирида сахна юзини кўрди. 50—60-й.лар театр фаолиятида кескин бурилиш ясалди, театр янги опера хонандалари ва балет артистлари б-н тўлдирилди. Унга 1959 й.да «Академик», 1966 й.да «Катта театр» унвонлари берилди. 1950—60 ва кейинги йилларда сахналаштирилган асарларнинг аксарияти томошабинларга эстетик завқ бағишлай оладиган миллий услуб ва ифодавий воситалар, оҳанг ва шакллар б-н бойитилди, халқ мусикаси интонацияларидан ижодий фойдаланилди. «Дилором», «Шоир қалби» (М. Ашрафий),

«Зайнаб ва Омон» (Т. Содиков, Б. Зейдман, Ю. Ражабий, Д. Зокиров), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков), «Ҳамза» (С. Бобоев), «Сўғд элининг коплони» (Икр. Акбаров), «Петр I» (П. Петров), «Оловли фаришта» (С. Прокофьев), «Порги ва Бесс» (Ж. Гершвин) каби опералар, «Орзу» (Икр. Акбаров), «Олтин калитча» (Б. Зейдман), «Севги тумори» (М. Ашрафий), «Қирқ киз» (А. Фейгин), «Спартак» (А. Хачатурян), «Кармен сюита» (Ж. Бизе — Р. Шchedрин), «Икки дил достони» (О. Меликов), «Маскарад» (В. Лапутин), «Етти гўзал» (Қ. Корсаев) сингари балетлар, шунингдек, мумтоз композиторлардан Л. Делиб, М. Мусоргский, А. Бородин, Н. Римский-Корсаков, П. Чайковский, Ж. Верди, А. Ақан, Ш. Гуно, В. Моцарт, Ж. Пуччини ва б.нинг асарлари б-н театр мавқеи кўтарилди. Ижрочилик санъати ҳам шу йиллар юксалди, оркестр маҳорати, хор, кордебалет маданияти ўсди, опера реж.лари, балетмейстер, хормейстер ва дирижёрлар санъатида катта ютуқларга эришилди.

Театр жамоаси Россия, Ҳиндистон, Германия, Сингапур, Малайзия, Япония, Таиланд каби ўнлаб мамлакатларда бир неча бор гастролда бўлган. Ўз навбатида Н. т. сахнасида Америка, Европа ва Осиё мамлакатларининг етакчи яккахон хонанда, балет усталари ва дирижёрлар ўз санъатларини намойиш қилди.

Муस्ताқиллик йилларида театр ривожини юксак даражага кўтариш, миллий опера ва балет спектакллари яратишга жиддий эътибор берилди. 1991—2003 й.лар мобайнида «Маликаи айёр» (С.Жалил), «Умар Хайём», «Ахмад ал-Фаргоний» (М. Бафоев), «Тахтга йўл» (Н. Зокиров), «Амир Темур» (Г. Гендель), «Буюк Темур» (А. Икромов) опералари, «Шоирона миниатюралар» (У. Мусаев), «Насриддиннинг қилмишлари» (С. Юдаков), «Минг бир кеча» (Ф. Амиров) каби балетлар сахналаштирилди. Театр репертуаридан ўнлаб мумтоз опера ва балет асарлари ҳам ўрин олди. Театрда турли йилларда М. Ашрафий, Б. Иноятов, Ф.

Шамсиддинов, Н. Гольдман, Х. Шамсиддинов, Ф. Тўлаганов, А. Абдуқаюмов, Д. Абдурахмонова сингари дирижёрлар, З. К,о-булов, М. Тоғжизода, М. Мухамедов, Э. . Юнгвальд—Хилькевич, А. Миролимбо-ева, Ф. Сафаров каби реж.лар, Тамирахоним, М. Турғунбоева, В. Губская, Г. Измайлова, Е. Барановский, П. Йоркин, М. Макарьянц, И.Юсупов ва б. балетмейстерлар, М. Мусаев, Р. Брим, М. Гвоздиков ва б. рассомлар, М. Қориёқубов, Ҳ.Носирова, Б. Мирзаев, К. Зокиров, Ф. Абдурахмонов, А. Азимов, Н. Аҳмедова, С. Крбулова, С. Ярашев, В. Гринченко, Р. Лаут, С. Беньяминов, М. Довидов, Ж. Низомхўжаев, Э. Йўлдошев, И. Жалилов, Б. Қориева, З. Давлетмуродова, В. Васильев, И. Кистанов каби санъаткорлар ижод қилишган. К. Муҳиддинов, М. Раззокова, Р. Латипов, Г. Ҳам-роева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар О. Александрова, Г. Азизова, Д. Ёқубова, В. Геллертов, А. Шалберкин, Н. Шилова, Т. Мухамедова, Н. Ҳасанова ва б. театрнинг хоз. кундаги етакчи опера ва балет ижрочиларидир. Театрнинг бош дирижёри — Ф. Ёқубонов, бош балетмейстери — И. Юсупов, бош хормейстери — С. Шодмонов, бош рассом — З. Ботиров, бадиий раҳбар — А. Эргашев. Ҳоз. репертуарида 50 га яқин спектакль мавжуд.

Театр биноси 1947 й.да қуриб битказилган (меъмор А. Шчусев лойиҳаси асосида). Бино безагида Т. Арслонкулов, А. Болтаев, Қ. Жалилов, С. Норқўзиев, Уста Ширин Муродов, Жалил ва Болта Жўраевлар (Давлат мукофоти, 1948) ва б. қатнашган. Бино тарзи ва интерьерини безашда миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланилган. Деворларида Ч. Аҳмаров (Давлат — мукофоти, 1948) нинг А. Навоий асарларига ишлаган миниатюралари акс этган. Бино тарзлари пешайвон шаклида равоқлар (3 олд, 2 ён томонларидаги равоқлар 9 та) қаторидан иборат. Фойе, томоша зали, сахна ва б. 3 қаватга жойлашган. Безакларида Бухоро меъморлик мактабининг ганчқори без-

аклари; тошкентлик усталарнинг намён ва равоқлари, гулдаста безаклари; хивалик усталарнинг ганчкори, мрамар, нақш, ёғоч ўймакорлигидаги ўзига хос услублари; самарқандлик усталарнинг бўртма, муқарнасли жозибатор лавҳалари, фарғоналик усталарнинг ўсимликсимон безаклари; термизлик усталарнинг унутилиб кетган майда давра ва жингалак тасвирили ўймаси янгидан жонлантирилган. Бинонинг пастки залидаги деворий расмларда мусика, рақс шеърят ва рассомликни ифодаловчи мажозий образлар (гўзал аёллар) тасвирланган. Ў. Тансиқбоев, М. Аринин, К. Чепраков ва б. бино фойеларида қўшимча деворий расмлар ишлаганлар. Томоша зали 760 ўринли.

Мамажон Раҳмонов, Ирина Коптелова

**НАВОИЙ ТУМАНИ** - Навоий вилоятидаги туман (1926—58 й.ларда Кармана, 1962 й.дан хоз. номда. 1980 й.да Н.т.дан Навбахор тумани ажралиб чиққан. 1988 й.да қайта қўшилган, 1992 й.да яна ажралган). 1999 й.да Кармана ш. Навоий ш. таркибига қўшилганлиги муносабати б-н, туман маркази Маликработ шаҳарчасига кўчирилди. Н.т. Зарафшон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Шим.дан Навбахор тумани, ғарбдан Қизилтепа тумани, шарқдан Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани, жан.дан Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,95 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 69,5 минг киши (2003). Туманда 6 кишлоқ фуқаролар йиғини (Дўрмон, Жалойир, Нарпай, Уйрат, Янгиарик, Ҳазора), 1 шаҳарча (Маликработ) бор.

Табиати. Туман ҳудуди Зарафшон воҳасида жойлашган. Жан. ҳудудлари адирларга туташиб кетади. Иклими кескин континентал, ёзи иссиқ, қиши совуқ. Январнинг ўртача т-раси 0,4°, июль ойининг ўртача т-раси 28,9°. Туман ҳудудидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади (65 км масофада). Тупроқлари, асосан, маданийлашган ўтлоки, оддий бўз

тупроқлар. Табиий ўсимликлардан жийда, шувок, оқ ва қора саксовул, жузғун, черкез, қуёнсуяк, сегин, илоқ, янтоқ, сарсазан, етмак, жингил, тол, қамиш, юлғун, ёввойи жийда ва б. бор. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, юмронқозик, турли хил калтакесаклар, ўргимчаклар, қўшоёқ, типратикан, илонлар, қушлардан лойхўрак, ўрдак, хўжасавдоғар, чумчук, майна, қарға қабилар учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (99,7%); шунингдек, тожик, рус, татар, қозок ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup>га 73 киши.

Хўжалиги. Туман асосан, қ.х. га ихтисослашган. Халқ хўжалигида банд бўлган 25,1 минг аҳолининг асосий қисми қ.х.да ишлайди. Маликработ шаҳарчасида мева-сабзавот консервалаш цехи (қуввати 3 млн. т шартли банка) мавжуд. Н.т.да 740 га яқин кичик, 55 қўшма, 10 ширкат корхоналари, паррандачилик ф-каси фаолият кўрсатмоқда. Туман ер фонди 94,9 минг га, шундан 22,5 минг га ер суғорилади, 16,7 минг га экинзор, 27,7 минг га қ.х.да фойдаланмайдиган ерлар, 469 га боғ, 390 га тоқзор, 264 га тутзорлар, 735 га бўз ерлар, 45 минг га яйлов, 2 минг га томорка ерлари, 762 га боғ ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари, 720 га мелиоратив ерлар мавжуд. Н.т.да 8 ширкат хўжалиги, 2 агрофирма, 2 та фермер уюшмаси бор. 8,9 минг га ерга пахта, 6,6 минг га ерга бошокли дон, 195 га ерга сабзавот ва полиз экинлари экилади. Экинзорларини суғориш учун сув, асосан, Зарафшон дарёсидан магистрал каналлар ва насос қурилмалари ёрдамида олинади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида 23,7 минг қора-мол, 46,1 минг қўй ва эчки боқилади. Туманда ўрмон хўжалиги бор. Қорақўлчилик, ипакчилик б-н ҳам шуғулланилади. Асосий транспорт воситаси — автомобиль транспорти. Автомобиль йўлларининг уз. 600 км дан зиёд (шундан 98 км республика аҳамиятига молик). Жами автомобиль йўлларининг 215 км асфальт б-н қопланган. Навоий

— Учкудук т.й. туман худудини 11 км масофада кесиб ўтади. Н.т.да Навоий шаҳар аэропорти жойлашган.

Тумандаги 24 умумий таълим мактабида 17169 ўқувчи таълим олади, 6 кишлоқ маданият уйи, 1 марказий, 24 тармок, 1 болалар кутубхонаси (китоб фонди 242139 нусха) фаолият кўрсатмоқда. Марказий касалхона (295 ўрин), 13 амбулатория-поликлиника, 8 дорихона ва б. тиббий муассасаларда 125 врач, 517 ўрта тиббий ходим ишлайди (ҳар 10 минг аҳолига 16,1 врач, 69,9 тиббий хамшира, 9,3 даволаниш жойи тўғри келади). 1931 й.дан «Навоий овози» газ. чоп этилади (адади 710 нусха).

**НАВОИЙ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ** - қ.«Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти.

**НАВОИЙ «ЭЛЕКТРИКМЁ ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** - Ўзбекистондаги энг йирик кимё к-тларидан бири. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари (гербицидлар, инсектоакарицидлар, зооцидлар, ўсишни бошқарувчи моддалар), ацетилен қуруми, активлаштирилган кўмир, оддий суперфосфат, сирка кислотаси, А, В маркали этилацетат, метил-ацетат, суюқ шиша, халқ истеъмол моллари — ош тузи, йодланган ош тузи ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Корхона 1971 й. Навоий кимё комбинати таркибидан Навоий электркимё комбинати дирекцияси сифатида ажралиб чиқди. 1972 й. корхонани кенгайтириш учун Навоий туманида 935 га ер ажратилди ва унинг 1- навбатини лойиҳалаштириш ишлари бошланди. Дастлаб хлорорганик моддалар и.ч.га мўлжалланган. 1976 й.дан корхона ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашди. 1976—80 й.да унинг биринчи навбати қурилди. 1980 й.да биринчи маҳсулот — қоторой гербициди иш-

лаб чиқарилди. К-т 1981 й.дан Навоий «Электркимё заводи» деб номланди, 1994 й.дан ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти, 1996 й.дан Навоий «Электркимёзаводи» акциядорлик жамияти — Ўзбекистон-Панама қўшма корхонаси. Таъсисчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси.

Корхона республикадаги ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситаларни тайёрловчи ягона корхонадир. Корхона фаолияти Ўзбекистон Республикаси қ.х. нинг кимёвий воситаларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. 1996 й. дек. ойида Франциянинг «Спейшим» фирмаси б-н ҳамкорликда йиллик қуввати 10 минг т бўлган фозалон и.ч. линияси ишга туширилди, мевали экинлардаги ўсимлик бити, кана, Колорадо кўнгизи ва б. зараркундаларни йўқотишда қўлланиладиган фозалон инсек-тоакарицидини и.ч. йўлга қўйиди.

2000—2002 й. давомида четдан олиб келинган хом ашёлардан 30 турдаги ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимё воситалари ишлаб чиқарилди.

Корхона кўп йиллардан буён Швейцариянинг «Сингента», «Далстон», Германиянинг «Лурги», Япониянинг «Сумитомо», Хитойнинг Хунан экспорт-импорт корпорацияси, «Делян», Буюк Британиянинг «Дау Агросайнс» фирма ва компаниялари б-н ҳамкорлик қилади.

Рихсивой Ёкубов.

**«НАВОИЙ АЗОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** — Ўзбекистондаги йирик кимё саноати корхонаси. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Навоий ш.да жойлашган. Корхонада ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот турлари: минерал ўғитлар, нитрон толаси, сирка кислотаси, тиомочевина, хлор ва хлор маҳсулотлари, каустик сода. Бундан ташқари, 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар, органик ва ноорганик кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Минерал ўғитлар, турли хил органик

синтез маҳсулотлари ва акрил толаси (нитрон) и. ч. мақсадларида табиий газни қайта ишлашга ихтисослашган корхона сифатида қурилган. Табиий газ, ҳаво, каустик сода, ош тузи ва б. асосий и.ч. учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

3-д 1964 й.да Навоий кимё комбинати номи б-н ишга туширилди. Шу йили кучсиз азот кислотаси и.ч. бўйича корхонада 1-агрегат фойдаланишга топширилди. 1965 й.дан аммиак корхона тўлик ҳажмда ишлашга ўтди.

Хом ашёдан комплекс фойдаланиш натижасида корхонада нитрон — «сунъий жун» толаси ишлаб чиқарувчи 3-д қурилиб, 1971 й.да илк маҳсулот олинди. Шундан бери тўқимачилик, енгил ва б. саноат учун ўта муҳим ҳисобланган «сунъий жун» ишлаб чиқарилади. 1965—75 й.ларда аммиак ва минерал ўғитлар и.ч.нинг 1—2—3-навбатлари ишга туширилди. 2001 й.да Германиянинг «Лурги Хемниц ГмБХ» фирмасининг иштирокида қурилган ва энг замонавий ускуналар б-н жиҳозланган хлор, ўювчи сода, хлор кислотаси ва натрий гипо-хлорит и.ч. йўлга қўйилди. Бирлашмада хлорни қайта ишлаб поливинилхлоридга айлантирган ҳолда каустик сода и.ч. бўйича 2-навбат цехини қуриш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

«Н.» а.ж. маҳсулотлари Россия, Эрон, Тожикистон, Украина, Буюк Британия, Нидерландия, Қозоғистон, Қирғизистон, АҚШ, Болгария давлатларига экспорт қилинади. Навоий кимё комбината 1975 й.да «Навоийазот» и.ч. бирлашмасига, 2002 й.да «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. Корхонада 11 мингга яқин муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар меҳнат қилади (2003).

Рихсивой Ёқубов.

**НАВОИЙ-УЧҚУДУҚ АВТОМАГИСТРАЛИ** — Ўзбекистон Республикасидаги халқаро аҳамиятли йўл. 1968—75 й.да қурилган. Зарафшон воҳасида кишлоқ хўжалиги (асосан, чорвачилик, қорақўлчилик) ва саноатни ривожлан-

тириш — узоқ яйловларга ем-хашак ташиш, қазилма бойликларга бой бўлган конлардан қазиб олинаётган хом ашёни Навоий кон-металлургия комбинати-га қайта ишлаш учун тўхтовсиз ташиб келтириш ва б. мақсадларда бунёд этилган. Йўл Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудидан ўтган бўлиб, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларини Навоий, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва б. шаҳарлар б-н узвий боғлайди.

Европа—Осиё трансконтинентал автомагистрали қурилиши б-н истиқболда йўлнинг Учқудуқдан Қозоғистон чегарасидаги Кўкаёзгача бўлган 190 км узунликдаги қисми таъмирланиб, қайта қурилади ва Кўкаёздан Қизилўрда ш.гача бўлган автомобиль йўли қурилиши тугаллангач, йўл Қизилўрда ш.да Чимкент — Самара автомагистралига кўшилади.

Йўлнинг умумий уз. 291 км. Шундан 111 км асфальбетон, 180 км қора қопламали. Йўлдаги транспорт ҳаракатининг қатнов жадаллиги Навоийда суткасига 6530, Зарафшонда 2627, Учқудуқда 485 автомобилга тенг (2003).

Тоҳиржон Мирзаев.

**НАВОИЙ-УЧҚУДУҚ-НУКУС ТЕМИР ЙЎЛИ** - Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидан ўтувчи темир йўл. 1994—2001 й.да қурилган. Йўлнинг умумий уз. 700 км га яқин. Навоий, Учқудуқ, Мискин, Тўрткўл ш.ларидан ўтиб, Нукусгача етказилган.

Илгари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари б-н Туркменистон ҳудудидан ўтадиган Туркманобод (Чоржўй) — Урганч темир йўли орқали боғланган эди. Н.—У—Н. т.й. қурилиши юк ва йўловчилар ташиш масо-фасини 450 км га ва қатнов муддатини 6—7 соатга қисқартириб, мамлакат иқтисодиётига ҳар йили 19 млн. АҚШ долларига яқин маблағни тежаш имкониятини беради. Темир йўл минерал ресурсларга ғоят бой минтақани ўзлаштиришда



муҳим аҳамиятга эга. Темир йўл орқали йўловчилар, халқ хўжалиги юклари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва б. юклар ташилади.

Тоҳиржон Мирзаев.

**НАВРОЦКИЙ** Евгений Львович (1886, Киев —1921.1.2, Тошкент) — селекционер олим, Ўзбекистонда ўрта толали ғўзанинг дастлабки селекция навларини яратган. Андижон тажриба даласти селекционери (1912—20). Руссель ва Триумф америка ғўза навларидан кўп марта танлаш усули б-н Навроцкий [(0100), 1913] ва Навроцкий зафари (Триумф Навроцкого, 0251), 1915] навларини чиқарди. Н. яратган ғўза навлари пахтачиликнинг ривожланишида катта роль ўйнади ва 20-а.нинг 20-й.ларидан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда экилган асосий навлар бўлди.

Н.нинг асосий илмий ишлари ғўза навларини яратиш ва синаш масалаларига бағишланган.

**НАВРЎЗ** — қ. Ўн икки мақом.

**НАВРЎЗ** (форс. — янги кун) — шамсия (куёш) йил ҳисобида йилнинг биринчи куни (қ. Календарь); Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қад. анъанавий байрами. Баҳорги тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Куёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Н. деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Н. байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб, Н. байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Асрлар утиши б-н турли халқларда Н. байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафқурасига мослашган.

Тарихий манбаларга кўра, Н.ни байрам қилиш ахоманийлар давридан бош-

ланган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Бу ўлкаларга ислом дини киритилганидан кейин Н. байрами ман қилинган, аммо халқ ўз севган байрамини нишонлашда давом этган. Ўрта Осиё ва Эрон халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан қутулган давр (9—10-а.)дан бошлаб, Н. байрамини ўтказиш яна расмий тую олган.

Қад. пахлавий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шохнома» асарида Н. байрамнинг пайдо бўлишини афсонавий шох Жамшид номи б-н боғлайди. Н. байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва б. асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит-турк» асарида Н.га бағишланган халқ кўшиқлари келтирилган. Ўрта осийлик тарихчи олим Абу Бақр алнаршахий (899— 959) ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Н. куни Сийёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйишларини ва бунга уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтганини ёзган («Бухоро тарихи», Т., 1966). Ўрта Осиё худудида Н. байрами нишонланганлиги тўғрисида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор. Ҳоз. Ўзбекистон худудида яшаган халқлар ҳам бу кунни янги йилнинг бошланиши деб қувонч б-н кутиб олганлар. Бир неча кун илгари тайёргарлик ишлари бошланган. Буғдойни ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан сумалак тайёрланган, кўкат чучвара, ялпиз сомса каби таомлар пиширилган, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилган, баҳор ҳақида кўшиқлар қуйланган. Н.нинг биринчи куни қишлоқ жойларида болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Н.га бағишланган кўшиқ айтишган. Хонадон эгаси уларни совға-салом ва егуликлар б-н сийлаган. Болалар егуликларнинг бир қисмини қишлоқдаги бева-бечораларга улашишган. Бу удум ҳозир ҳам Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг

айрим қишлоқларида сақланган. Н. янги йил байрамигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам ҳисобланган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёда ҳам Н. байрами ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари расм бўлган. Лекин, собиқ совет тузуми даврида (20-а. 80-й. лар ўрталаридан) асоссиз равишда Н. диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қаторида Н. байрами яна тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам Н. умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади, 21 март дам олиш куни деб эълон қилинган. Ҳар йили шу куни республиканинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларда байрам сайиллари ташкил қилинади, кониертлар берилади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Н.га бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва б. тансиқ таомлар пиширилади. Н. кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр-эхсон ташкилотлари — меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар хузурига ташриф буюриб, уларни кутлаб, совға-саломлар улашади.

Ад.: Ўзбекистон юксалиш йўлида, Т., 2001; Қорабоев У., Ўзбек халқ байрамлари, Т., 2002.

Шавкат Миролимов.

**НАВРЎЗ** (1922 й. гача Янгиобод) — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги қишлоқ, туман маркази. 1980 й.да ташкил этилган. Вилоят маркази ва яқин т.й. станцияси Гулистонгача 12 км. Аҳолиси 1200 киши (1998). Н.да туман ҳокимияти биноси, деҳқон бозори, қорхоналар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умумий таълим мактаби, иқтидорли болалар лицейи, стадион, теннис корти, тиш даволаш поликлиникаси, тез тиббий ёрдам пункти ва б. муассасалар бор.

**НАВРЎЗ**, Дурагай 2826 — кечпишар ўрик нави. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида дурагайлаш (кечки Самарқанд х Руҳи Жуванон х Ёшлик) йўли б-н чиқарилган (К. В. Васильев, Л. А. Протасевич). Дарахти гўж ўсади. Кеч гуллайди. Меваси йирик (40 г гача), юмалоқ-овал, сиртининг ярмидан кўпроқ қисми тўқ қизил, пўсти юпқа, хушбўй, ширин ва бир оз нордон, таркибида 13% қанд, 0,84% кислота бор. Данаги йирик, мағизи ширин. Июлнинг бошларида пиша бошлайди.

Кучати экилгандан кейин 5-йили ҳосилга қиради, тупидан 120 кг гача мева беради. Совуққа чидамли, шамолга бардошли, пишиб етилган меваларнинг бир қисми шохларида туршакланиб қолади. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбий вилоятларида устирилади.

«**НАВРЎЗ**» — ресторан мажмуи. Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида жойлашган замонавий меъморий иншоот. 1991 й.да ишга тушган. Лойиҳасини Ўзбекистон савдо биноларини лойиҳалаш ин-ти (Узгипроторг) тайёрлаган (меъморлар: Р. Ёқубов, В. Островерхое, Н. Баторин). «Н.» 2 қаватли, 1-қаватида «Бахт уйи», «Қишки боғ» деб аталган маданий ҳордиқ чиқариш маскани, қаҳвахона (40 ўринли), бар (100 ўринли) ва турли хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд. 2-қаватда 3 та зал ёнма-ён жойлашган. Заруратга қараб заллар уртасидаги кўчма деворли тўсиклар олиниб қатта зал (1000 ўринли) ҳосил қилиш мумкин. «Усто» бирлашмаси усталари Маҳмуд Қосимов, Маҳмуд Абдурахмонов, Равшан Ниёзовлар миллий услубда ганч ўймакорлигида дид б-н безаган махсус (олий мартабали меҳмонлар учун) «Зиёфатхона» ҳам мавжуд. Меъморий жиҳатдан «Н.» куркам замонавий кўринишга эга, анъанавий халқ санъати б-н уйғунлашган. Мармар зинаполяр маҳобат б-н бино ичкарасига йўллайди. Атрофидаги фавворалар

мажмуи, кўкаламзорлаштирилган майдон бинони янада тантанавор кўрсатади.

**НАВРЎЗ АХМАДХОН** - қ. Бароқхон.

**НАВРЎЗГУЛ** (Primula) — наврўзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ер юзиди 500 дан ортиқ, Ўзбекистонда 10 тури учрайди. Доривор Н.нинг бўйи 15—30 см. Илдиз олди барглари тухумсимон, чети тўмтоқ аррасимон, бандли, қанотчали. Тўпгули соябонсимон. Гули йирик, сарик. Меваси — кўп уруғли, кўнғир, кўсакча. Барги таркибиди С витамини, каротин, сапонин ва б. бирикмалар бор. Илдизи ва илдизпоясининг қайнатмаси бронхит касаллигида балғам кўчирувчи дори сифатида, баргининг дамламаси авитаминозда қўлланади. Н.нинг Ўзбекистондаги турлари манзаралидир.

**НАВРЎЗГУЛДОШЛАР** (Primulaceae) - туташ тожбаргли икки уруғпаллали, бир ва кўп йиллик ўсимликлар оиласи. Пояси ярим бута, яхши ривожланмаган, бўғиз баргли. Барглари оддий, тукли. Гуллари тўғри, икки жинсли, меваси кўсак. 23 туркумга мансуб 1000 га яқин тури бор. Мас, наврузгул, цикламен, седмичник ва б. учрайди. Баъзилари манзарали (Мас, цикламен, наврузгул ва б.). Ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

**НАВРЎЗОВА** Ишпика Сibaгадуловна (1949.15.5, Удмуртия Республикаси)— Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Удмуртия пед. интини тугатган (1973). 1974 й.дан Пскент туманидаги 16-, 1985—99 й.ларда 17-мактабда рус тили ўқитувчиси. Н. дарсларни 200 дан ортиқ кўргазмали қурол, янги педагогик технология асосида олиб борган, ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаган.

**НАВТАКА**, Навтоқа — қад. Суғд вилояти. Номи эҳтимол суғдчада «янги тоқ», «янги иншоот» ёки «яқинда

қурилган»ни билдиради. Н. Александр (Искандар)нинг Ўрта Осиёга қилган юриши (мил.ав. 329—327 й.лар) даври ҳақидаги ёзма манбаларда учрайди. Н.даги қалъалардан бирида Доро III нинг котили Бесс асир олинган. Мил. ав. 328 й.да Александрнинг кўшини Н.да қишни ўтказган. Айрим олимларнинг фикрича, Н. Қаршидан 10 км шим.-ғарбдаги Ерқўрғон ш. харобаси ўрнида бўлган. Бироқ Н.нинг ҳоз. Қашқадарё вилоятининг шарқий қисмида жойлашган дейишга кўпроқ асослар бор.

Ад.: Ртвеладзе Э., Великий шелковый путь, Т., 1999.

**НАВУХОДОНОСОРП** - Бобил подшоши (мил. ав. 605—562). 605 й. Сурия ва Фаластин ҳудудини босиб олган, 598 й. Шим. Арабистонга юриш қилган. 597 й., сўнгра 587 й. (бошқа маълумотларга кўра, 586 й.) қўзғолон кўтарган Куддус ш.ни вайрон қилган. Яҳудия (Иудея) подшолигини тугатган ва Яҳудиянинг аксарият аҳолисини асир қилиб олиб кетган. Унинг даврида машҳур «Бобил минораси» ва осма боғлар бунёд этилган.

**НАВЧА**, думров — ўтмишда бойларга ёлланиб ишлайдиган ўспирин йигитлар. 19-а. охири —20-а. бошларида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида кенг тарқалган. Н. деҳқончилик б-н боғлиқ ҳар хил ишларни: ер ҳайдаш, экин экиш, экинни ўриб-йиғиб олиш, янчиш, ариқзовурларни қозиш, гўнғ чикариш ва б.ни бажарган. Н.ни бой хўжаликлар кўпинча чоракорларга ёрдамчи қилиб олганлар. Н. 9 ойга, яъни баҳорда қўш чикариш вақти (март— апр.)дан то қузгача, ерни шудгор қилгунга (окт — нояб.) қадар бўлган даврга ёлланган. Н. оладиган ҳақини хўжа-йин б-н олдиндан келишиб олган. Иш ҳақи қ. х.дан олинадиган маҳсулот б-н тўланган. Н. донли экинлардан (арпа, бугдой, жўхори ва б.) тахм. 1/5— 1/6 ҳиссадан 7,2 қиссагача ҳақ олган. Агар Н. чоракорга ёрдамчи бўлиб ишласа, унинг иш ҳақи олинадиган ҳосилнинг

1/20—1/25 хиссасигача тўғри келган. Меҳнат ҳакидан ташқари хўжайин Н.ни овқат ҳамда кийим-бош б-н таъминлаши керак бўлган.

**НАГАЛАР** — Ҳиндистондаги халқлар гуруҳи (ао, сема, ангама ва б.). Нагаленд штатининг асосий аҳолиси. Манипур ва Ассом штатлари, шунингдек, Мьянма (100 минг кишидан кўп)нинг қўшни р-нларида яшайдилар. Умумий сони 2 млн. 150 минг киши (2000). Нага тилида сўзлашади. Диндорларининг бир қисми христиан (асосан, баптист) лар, қолганлари анъанавий лийнй эътиқодларга риоя қиладилар. Ҳиндистон ҳукумати 1957 й. Н.ни Ассом штати таркибидан чиқариб, уни Туэнсанга — «нага тоғлари» деб номланувчи марказга бўйсунувчи ҳудудга айлантиришга қарор қилди, 1963 й. эса Нагаленд («Нагалар мамлакати») штати барпо этилди.

**НАГАЛЕНД** — Ҳиндистоннинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Мьянма б-н чегарадош. Маъмурий маркази — Кохима ш. Майд. 16,5 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1,9 млн. киши (2001). Н. 1963 й.да Ассом штатининг нагалар яшайдиган қисмларидан тузилган. Аҳолисининг 67% христиан динига эътиқод қилади. Н. Ассом—Мьянма тоғларида (энг баланд жойи 3824 м, Паткай тоғи) жойлашган. Иклими субэкваториал, муссонли иқлим. 1000 м баландликкача доим яшил тропик ва муссонли ўрмонлар, ундан юқориси игна баргли ўрмонлар б-н қрпланган. Тоғ тепалари яйловлардан иборат.

Н. — аграр штат. Хўжалигининг етакчи тармоғи — декқончилик. Аҳолининг 85% к.х.да банд. Тоғлар оралиғидаги тор водийларда шоли экилади, шунингдек, буғдой, маккажўхори ва дуккаклилар ҳам етиштирилади. Ўрмон хўжалиги ривожланган. Озиқ-овқат (қанд-шакар) саноати корхоналари, қоғоз, фанер, цемент з-длари, ГЭС ишлаб турибди. АЭС қурилмоқда. Хунармандчиликда газлама тўкилади. Кохима ва Лумани ш.ларида

ун-т бор. Юк ва йўловчилар т.й. ва ҳаво йўллари орқали ташилади.

**НАГАНО** — Япониядаги шаҳар, Хонсю о.нинг марказий қисмида, Тикума дарёси водийсида. Нагано префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 360,1 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. К.,х. (боғдорчилик, гулчилик, сут чорвачилиги) р-нининг муҳим савдо маркази. Машинасозлик, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Мусика асбоблари ишлаб чиқарилади. Ун-т бор. Буддизмнинг (Дзенкодзи ибодатхонаси) қад. марказларидан.

**НАГАРЖУНА** (тахм. 2-а.) — қад. ҳинд файласуфи, буддизмнинг мадхьямика мактаби асосчиси. Ўзининг фалсафасини ҳақиқий буддизмнинг «ўртача йўли» деб атади. Асосий асари: «Мадхьямикакарика» ёки «Мадхьямикасутра».

**НАГАСАКИ** — Япониядаги шаҳар, Кюсю о.нинг ғарбида, Нагасаки қўлтиғи соҳилида жойлашган. Нагасаки префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 423,2 минг киши (2000). Йирик порт. Япониянинг жан. сувларидаги балиқовлаш базаси. Кемасозлик ва кема таъмирлашнинг йирик маркази. Машинасозлик, озиқ-овқат, металлургия, тўқимачилик, нефть кимёси, ёғоч тилиш саноатлари ривожланган. Ун-т, савдо-саноат музейи, қад. санъат ва б. музейлар бор. Шаҳар 12-адан маълум. 16—17-а.ларда Н.да пор-тугаллар факторияси бўлган. 2-жаҳон уруши охирида, 1945 й. 9 авг.да шаҳарга ташланган атом бомбаси нагжасида шаҳарнинг кўп қисми вайрон бўлган, 75 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган ва яраланган. Н. эркин режа асосида қурилган. Меъморий ёдгорликларидан 16—19-а.ларда қурилган Сува ибодатхонаси, будда ибодатхоналари ансамллари, кўприклар, католиклар черковлари сақланган. 1945 й. 9 авг.даги вайронагарчиликлардан кейин қайта қурилган бинолар қаторида Тинчилик

боғи (халқаро маданият маркази биноси б-н) ва монументи қурилган.

**НАГОЯ** — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.да, Исе қўлтиғи соҳилида. Айти префектурасининг маъмурий маркази. Ахрлиси 2,17 млн. киши (2000). Мамлакатнинг йирик (Токио ва Осакадан кейин 3-ўринда) саноат, молия, транспорт, савдо ва маданий маркази. Асосий портлардан бири (йиллик юк ортиб-тушириш 110 млн. т дан ортик, Япония ташқи савдо юк айланмасининг 1/2 қисми). Н. — 27 шаҳарни (энг йириклари Тоёта, Окадзаки, Итиномия, Сето) ўз ичига олган агломерация маркази. Машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, электротехника, радиоэлектроника, кемасозлик, автомобилсозлик, аниқ приборсозлик ва б.), қора ва рангли металлургия, нефть кимёси ривожланган. Тўқимачилик (жун ва сунгий газламалар и.ч.), озик-овқат, полиграфия, фарфор-керамика саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, ботаника боғи, музейлар, метрополитен бор. Меъморий ёдгорликлардан Ацута ибодатхонаси (мл. бошларида қурилган), қаср (1612), Тофукудзи ибодатхонаси (735) сақланган.

**НАГПУР** — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. Маҳараштра штатида, Наг дарёси бўйида. Аҳолиси 1,96 млн. киши (2001); асосан ҳинди, маратхи тилида сўзлашади. Муҳим савдо-транспорт тугуни. Мумбай — Калькутта т. й. ва автомагистралининг деярли ўртасида жойлашган. Ип газлама саноатининг йирик маркази. Озик-овқат, керамика, ойнашиша, полиграфия саноатлари ривожланган. Совиткичлар и.ч., шина з-длари мавжуд. Ҳунармандчиликда олтин ва кумуш ипли матолар тўкилади. Ун-т, археология музейи, и.т. муассасалари, шаҳар агрофида апельсин боғлари бор, пахта экилади. Н. яқинидан марганец казиб олинади. Шаҳарга 18-а. бошларида асос солинган. 18-а.нинг 30-й.ларидан Маратх султонлиги таркибидаги Бхонсле

давлати пойтахти бўлган. 1853 й. Британия Ҳиндистони таркибига қўшилди ва Марказий провинцияларнинг маъмурий марказига айланди. 1950—56 й.ларда Мадхья-Прадеш штатининг маъмурий маркази бўлган.

**НАДДОФ** (араб. — тарамок, титмоқ) — ўрта асрларда пахта ёки жун титувчи, саваловчи киши. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида алоҳида маҳаллаларда яшаган. Уларнинг меҳнати, асосан, қалавачилик — ип йигирувчиларга пахтани чигитдан ажратиб, савалаб беришдан иборат бўлган. Н.лар шаҳар аҳолисининг энг камбағал табақаси ҳисобланиб, босқинчилик зулмига қарши кўзғолонларда асосий кучни ташкил этган. Мас, Самарқандда мўғуллар зулмига қарши кўтарилган Сарбадорлар кўзғолонига Н.лар маҳалласининг оксоқоли Абу Бакр Кулуип (Калавий) Наддоф бошчилик қилган.

**НАДЕЖДИН** Борис Борисович (1905.4.5, Смоленск ш. — 1961.7.3, Тошкент) — композитор ва педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). Москва консерваториясини тугатгач (1936), Тошкент консерваториясида (1937 й.дан), Ҳамза но-мидаги мусиқа билим юртида (1941 — 45) ўқитувчи. Ўзбекистонда профессионал композиторлик таълими ривожига, мусиқа мактаблари педагогик (фортепиано) репертуари шаклланишига катта ҳисса қўшган. Ижодида ўзбек халқ куйларига кенг таянган ва ижобий қўллаган. Бастакорлар Т. Жалилов б-н ҳамкорликда «Асрлар» (1943) ва «Алломиш (1949), Ю. Ражабий б-н «Фарҳод ва Ширин» (1944) мусикали драмаларини яратган. Шунингдек, симфоник оркестручун «Симфониетта», «Сегох», «Пахта» (Ю. Ражабий б-н), «Болаларга», «Вальс», овоз ва чолгулар оркестри учун «Абдурахмонбеги», «Эй, Ватан»; болалар учун фортепиано пьесалари ва қўшиқлар яратди. Тошкентдаги 5-болалар мусиқа мактабига Н. номи бе-

рилган. Шогирдлари орасида С. Бобоев, Б. Гиенко, Сайфи Жалил, Т. Курбонов, С. Хайитбоевлар бор.

**НАДИМ** (араб. — дўст, улфат) — му- сулмон давлатларида, Ўрта Осиё хонли- кларида хонлар, подшолар, амалдорлар- нинг энг якин хизматкори, махрами ва маслаҳатчиси. Базмларда иштирок этган кишилар ҳам бир-бирларига нисбатан Н. ҳисобланган.

**НАДИМИЙ** (тахаллуси; асл номи Болтаниёз Курбонниёз ўғли) (? — Хива — 1938) — шоир, хаттот. Ака- си Муҳаммад Ёқуб Ҳаррот Девондан хуснихат қоидаларини ўрганган. Н. ум- рининг охиригача Хивадаги идораларда турли лавозимларда ишлаган. Шарқ шо- ирларининг асарларини мутолаа қилиб, уларнинг таъсирида шеърлар ёзган. 1908 й.да кўчирган мукамал девонида ўзбек мумтоз шеърятининг турли жанрла- рида ёзилган асарлар бор. Шеърларида инсоний муҳаббатни улуғлайди, киши- ларни олий фазилатлар эгаси бўлишга чақиради. Н. китобат қилган Абдулвоҳид ибн ал-Муфтийнинг «Ажойиб ул-қисас» асари таржимаси (1907, инв. № 874), за- мондош шоирлардан Шиносий девони (1908, инв. №1145), Табибийнинг 2 дево- ни (1909, инв. №927, 1910, инв. № 257) ва ўзи таржима қилган «Вомиқ ва Узро» достони (1910, инв. № 2057) ва ўзининг 3 девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти Қўлэмалар фондида (№ 901, 902, 906) сақданмоқда. Н. асарлари баёзларда ҳам учрайди (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти Қўлэмалар фон- ди, инв. инв. № 6771, 6939, 6969).

**НАДИР** (араб. — назир) — зенит- га диаметрал қарама-қарши вертикал чизикнинг уфқдан пастда осмон гумбази б-н кесишган нуқтаси.

**НАДР МУҲАММАДХОН**, Нодир Муҳаммадхон ибн Динмуҳаммадхон ибн Жонибек султон (1592 — тахм. 1651)

— аштархонийлардан бўлган Бухоро хони (1642—45). Балхҳоқими (1606-42). Н.М. даврида мамлакатда ички низо- лар кучайиб, ҳатто фарзандлари (12 та ўғли) ҳам унга буйсунмай қўйган. Бун- га унинг ўта такаббурлиги, мол-мулкка ўчлиги, қайсарлиги сабаб бўлган. Бу эса аҳолининг умумий норозилигини келти- риб чиқарган. Бундан ташқари, шим.дан кўчманчилар мамлакат ҳудудига хужум қилиб уни талон-торож этмоқда эдилар. Н.М. уларга қарши ўғли Абдулазизни юборди. Бироқ Н.М.дан норози амир- лар харбий сафар чоғида Абдулазизни хон деб эълон қиладилар. Бундан хабар топган Н. М. Балхга кетишга мажбур бўлган ва бобурийлардан Шох Жаҳондан ёрдам беришни сўраган. Шох Жаҳон икки ўғли (Муродбахш ва Аврангзеб)ни катта кўшин б-н Балхга жўнатиб, уларга вилоятни босиб олишни топширади. Бо- бурийларнинг ниятидан воқиф бўлган Н. М. уларга қарши чиқиб, Маймана йўлида жангда енгиледи ва Эронга шох Аббос II (1642—67) паноҳига қочади ва у ерда 2,5 йилча қриб кетади. Бобурийлар Балх вилоятини 2 й. горат қилишган. Мутта- сил жанглар, мамлакатдаги очарчилик, каттиқ киш хиндистонлик аскарларга салбий таъсир қилган. Шох Жаҳон аскар- ларини Ҳиндистонга чақириб олишга мажбур бўлади. Балхни эса Эрондан таклиф этилган Н.М.га топширади. Бу Н.М.нинг ўғилларини яна ташвишга со- либ, уларни бирлашишга мажбур қилган. Абдулазизхон укаси Субҳонқулини Балх- га ноиб этиб тайинлайди (1651). Н. М. тахтдан воз кечиб Маккага, ҳаж сафа- рига кетишга мажбур бўлади ва йўлда вафот этади. Мадина яқинидаги акаси Имомқулихон қабри ёнига дафн этилган. Муҳаммад Юсуф Муншийнинг ёзишича, Н. М.нинг юк ортилган 600 туяси, 8000 ажойиб тулпор отлари, 80 минг қорақўл қўйи бўлган. Н. М.нинг хазинасида фа- ранги бархат матоларга тўла бир неча сандиқлар сақланган. Махмуд ибн Вали Н. М фармони б-н машҳур асари — «Бахр ул асрор» («Сирлар денгизи»)ни ёзган.

**НАЖАФ**, аннажаф — Ирокнинг жан. қисмидаги шаҳар, Фурот дарёсининг ўнг соҳилида. Нажаф муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 310 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Н. — Макка ва Мадинага бориладиган йўл ёқасидаги савдо-транс-порт маркази. Шаҳарга 8-а. ўрталарида асос солинган. 11-а.да девор б-н ўралган. Н. — шиаларнинг муқаддас шаҳарларидан. Н.да халифа Али масжид-мақбараси (Аббосийлар даврида қурилган) бор.

**НАЖАФОВ** Сулаймон Наримон ўғли (1937.25.7, Озарбайжон Республикаси Ақдам тумани — 1993.25.10, Жиззах) - театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Боку ш.даги рассомлик билим юргини (1968) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1976). 1976 й.дан Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида, 1991 й.дан Жиззах вилоят кўғирчоқ театрида рассом. Н. ижоди адабий асардаги миллий ва бадиий ғоянинг тасвирий образини сахна безакларида яратишга қодирлиги б-н диққатга сазовор. Жиззах театрининг «Холисхон» (1978), «Зўраки табиб» (1978), «Ойгул ва Бахтиёр» (1979), «Келинлар кўзғолони» (1979), «Ваган ишқи» (1981), «Хонума хоним» (1982), «Катта ўғил» (1984), «Қасам ва виждон» (1988) каби, Жиззах кўғирчоқ театрининг «Темирбойнинг саргузаштлари» ва б. спектакллари шулар жумласидан.

**НАЖД** — Саудия Арабистонидаги вилоят. 5—6-а. ўрталарида арабларнинг кинда қабиласи қўл остида бўлган. 7—9-а.ларда Араб халифалиги, кейинчалик Арабистон я.о.да мавжуд бўлган давлатлар таркибида. 18-а.да ваҳхобийлар ҳаракати маркази бўлган. Улар бу ерда Н. амирлигини тузганлар (18-а. охири — 20-а. боши, танаффуслар б-н). Биринчи жаҳон урушидан сўнг Н. амирлиги Шим. ва Марказий Арабистонни бирлаштириш

курашига рахнамолик қилган, натижада Хижоз, Нажд ва бирлашган вилоятлар давлати (1932 й.дан Саудия Арабистони) пайдо бўлган.

**НАЖДАК** (туркийча) — майда ва юпка донадор кристаллардан иборат тоғ жинси. Бокситларнинг метаморфизмга учрашидан ҳосил бўлади. Н. таркибидаги корунд бошқа минераллар (магнетит, хлорит, гематит, кварц ва мўрт слюдалар ва ҳ.к.) б-н бирикиб кетган. Таркибида 60% гача корунд бўлган Н. табиий абразив материалларга киради. Н.нинг каттиклиги минералогик шкала бўйича 7—8. Ранги қора, қорамтир кулранг, тўқяшил. Н. кўпинча мрамрларда линза, шток, уюм, томирлар шаклида, баъзан эса габбро, норит, гранитларда ва бу жинслар контактида ксенолитлар кўринишида мавжуд. Ўзбекистонда кўп жойларда (Нурота тоғлари, Молгузар ва б.) учрайди.

**НАЖМИ СОНИЙ** (Иккинчи Нажм) (лакаби; асл исм-шарифи Амир Нажмиддин Ёр Аҳмад Исфаҳоний) (? — 1512.12.10, Ғиждувон) — Эрон шоҳи Исмоил I Сафавийнинг энг машҳур саркардаси. «Н.С.» лакабини 7-а. охиридаги араб саркардаси номидан олган. 1512 й. Бобур Мовароуннаҳр тахтини қайтариб олиш учун курашаётганда унинг илтимосига кўра, Исмоил I қизилбошлиларнинг катта кўшинига (12 минг аскар) Н.С.ни кўмондон қилиб ёрдамга жўнатган. Бобур Н.С. кўшини б-н Қаршини камал қилиб, 3-куни уни эгаллаган, қизилбошлилар шаҳар аҳолисини қатлимо қилишган. Н.С. ҳеч қандай қаршиликка учрамай Бухоро томон юриб Ғиждувонни камал қилган. Бу ерда тўсатдан шайбонийлар кўшинининг шиддатли ҳужумига дуч келиб, тор-мор қилинган. Н.С. жангда ҳалок бўлган. Кўп сонли қизилбошлилар кўшинидан оз қисмигина юртга қайтиб кетган. Бобур б-н Исмоил I иттифоқи барҳам топган. Бобур яна Кобул мулкига қайтиб кетишга мажбур бўлган.

**НАЖМИДДИН АН-НАСАФИЙ**  
**АС-САМАРҚАНДИЙ** - қ. Насафий, Абу  
Хафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад.

**НАЖМИДДИН КУБРО** - қ. Кубро.

**НАЖМИДДИН КУБРО**  
**МАҚБАРАСИ** — Кўҳна Урганчдагн меъ-  
морий ёдгорлик (14-а. 20—30-й.лари).  
Суфийликдаги кубравийлик оқимининг  
асосчиси, шоир, олим ва шайх Нажмид-  
дин Кубро номи б-н боғлиқ. Мақбара 3  
хона (Нажмиддин Кубро сағанаси жой-  
лашган катта хона, бир неча қабрлари  
бўлган кичик хона ва зиёратхона)дан  
иборат. Миёнсарой ва хоналар гумбаз  
томли, ўзаро бир-бири б-н боғланган.

Бош тарзи чуқур равоқли, пештоқ-  
гумбазли, кошинкори накш б-н  
ҳошияланган, ёзувларида қурилган йили  
сақланган, Пештоқ юқориси муқарнасли  
шарафа б-н яқунланган. Пештоқ де-  
ворлари ва сағана оқ, кўк, ҳаво ранг ва  
жигарранг кошин б-н қопланган. Ёғоч  
ўймакорлигида ишланган эшигига исли-  
мий накш туширилган. Катта хонанинг  
ички гумбаз ости бағали қалқонсимон,  
16 киррали, 4 бурчаги тоқу равоқли, ганч-  
кори муқарнаслар б-н безатилган. Хона  
ўртасидаги сағана ўзига хос миллий ус-  
лубда ишланган. Бу кейинчалик Хоразм  
меъморий ёдгорликларида намуна сифа-  
тида кенг қўлланилган. Н.К.м.да Хоразм  
меъморлигида мусаввир ва кошинпазлар  
томонидан эришилган барча ютуқлар на-  
моён бўлган.

**НАЖМИДДИНОВ** Муҳиддин хожи  
(1888 — Андижон — 1964) — халқ со-  
зандаси (датор, танбур) ва хонанда-  
си. Бобоси Шамсиддин ва отаси На-  
жмиддин ҳофизлардан датор ва танбур  
чалишни ҳамда Фарғона — Тошкент  
маком йўлларини ўрганган. Тожи Муб-  
талодан «Уззол», «Илғор», «Ажам Ше-  
розий», «Насруллои», «Наврўзи ажам»  
йўлларини ўзлаштирган. Айникса,  
«Курд», «Чўли курд», «Сайкал» ва б.

куйларни даторда маҳорат б-н ижро эт-  
ган. 1924 й. Н. Андижонда Ҳамза таш-  
кил қилган миллий мусиқа тўғарагида  
мусиқа раҳбари бўлган. Ўзбек давлат  
концерт-этнографик труппаси (1926—  
28), Ҳамза театри (1929—30)да созанда.  
Самарқанд вилоят мусикали драма теа-  
три (1930—31) ҳамда 1931 й.дан Қўқон  
темирийўлчилар театрида мусиқа раҳбари.  
В. Успенский ва И. Акбаров 1931 й.дан  
Н.дан бир қанча йирик куй ва ашулалар  
ёзиб олишган.

**НАЖМИДДИНОВ** Турсун Хўжаевич  
(1901.15.12 — Тошкент — 1972.14.3)  
— инфекционист олим, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган фан ва техника арбо-  
би (1944), тиббиёт фанлари д-ри (1944),  
проф. (1944). Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт  
ф-тини тугатгач (1928), шу ун-т тропик  
касалликлар кафедраси ординатори, ас-  
систенти, доценти (1928— 32), ТошТИ  
инфекцион ва тропик касалликлар кафе-  
драси мудири (1953— 70), 1971 й.дан ил-  
мий консультант. Асосий илмий ишлари  
безгак, бруцеллёз, гелиминтоз, лейшма-  
ниоз, ришта, ўлаг, тиф ва паратиф ҳамда  
эпидемик гепатит касалликларининг ке-  
либ чиқиш сабаблари, уларнинг олдини  
олиш ва даволашга оид. Тошкент ш.даги  
олим яшаган куча, 2-ТошТИ инфекци-  
он ва тропик касалликлар кафедраси Н.  
номи б-н аталади.

Ас: Краткое руководство по внутрен-  
ним и тропическим болезням, Т., 1939;  
Клиника затяжной малярии в Средней  
Азии, Т., 1943; Лечения малярии синте-  
тическими препаратами, Т., 1950.

**НАЖМИДДИНОВ** Шокир  
(1903.15.1 -Тошкент — 1990.19.10) —  
актёр, суфлёр. Ўзбекистон халқ артиста  
(1970). Ижодини 1918 й. хаваскор актёр  
сифатида бошлаган. 1919—22, 1924—27,  
1934—57 й.лар Ҳамза театрида актёр,  
1957—75 й.лар суфлёр. Бухоро ва Тош-  
кент маданий оқартув муассасаларида  
ишлаган. Н. эпизодик роллар устаси  
бўлиб, унинг ижоди кучли психологик



драматизми б-н ажралиб туради. Сулаймон, Аскар (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Каримбахши, Арслон (Фитрат, «Ҳинд ихтилочилари», «Арслон»), Ортиқбой (Ғ. Зафарий, «Ҳалима»), Ишчи (У. Исмоилов, «Рустам»), Родриго (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Юсуфжон (К. Яшин, «Холисхон»), Домла (Ойбек, «Қутлуғ қон») ва б. унинг сахнада яратган образларидан намуналаридир.

**НАЖМИДДИНОВ** Ҳайдар (1850-1922) — ўймакор наққош, Фарғона ўймакорлик мактаби асосчиси. Отаси уста Нажмиддиндан хунар ўрганган. 1890 й.дан Қўқонда ўйма нақшли эшиклар ва безаклар яратган; биноларнинг шарафа, муқарнасларини яратишга, мусиқа асбобларини бадиий безашга моҳирлиги б-н шуҳрат қозонган. «Паранг» («устаси паранг») лақабини олган. Ижодида паргари нақш (30 дан ортиқ тури) дан фойдаланган; у бегаган кўп киррали курси, лавх, кутичалар жозибадорлиги б-н ажралиб туради. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

«**НАЖОТ**» — жадидлар газетаси. Туркистондаги ўзбек жадид матбуотининг нодир нашрларидан бири. Россиядаги 1917 й. фев. инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида ўрнатилган муваққат ҳукумат томонидан нашр этилган. Жами 20 сони чиққан. Муҳаррири Мунавварқори бўлган. «Н» фев. инқилоби туфайли барҳам топган мустабид чор тузумини кескин танқид қилган, фев. инқилобига хайрихоҳдик билдирган, Туркистон халқларини, қайси миллатга мансубликдан қатъи назар, жипслашишга, синфий айирмага бормасликка, мустақил давлат барпо қилишга даъват этган. «Н.»да даврнинг кўзга кўринган қаламқашларидан Камий (шоир), Маҳмудхўжа Бехбудий, Холмуҳаммад Охундий, Мирмулла Шермуҳамедов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамиёров (Тавалло), Лазиз Азиззода, Абдулла Қодирий, Шокиржон Раҳимий, Рауф Музаффаров

ва б. ҳамкорлик қилганлар.

Ад.: Зиё Саид, Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870—1927); Танланган асарлар, Т., 1974; Пидаев Т., Матбуот — миллат чироғи, Т., 1999.

**НАЗАЛИЗАЦИЯ** — (франц. nasalisation лот. nasus — бурун), бурунланиш — нутқ товушлари (асосан унлилар)нинг юмшоқ танглай пасайиши ва ўпқадан чиқаётган ҳаво оқимининг айна бир пайтда ҳам оғиз, ҳам бурундан чиқишидан иборат артикуляцияси. Оғиз ва бурун резонаторларининг айна бир пайтда қўзғалиши натижасида товуш алоҳида тембрга эга бўлади. Н. фонемаларнинг фаркланувчи белгиси бўла олиши мумкин; фонемалар Н.си, бошқача айтганда, бурунланган фонемалар кўпроқ француз, поляк, португал, ҳинд тилларида учрайди. Мас, а —а, е —а ва б.

**НАЗАРБЕК ЗИЛЗИЛАСИ** - 1980 й 10 дек.да Тошкент ш.нинг ғарбидаги Назарбек қишлоғида рўй берган. Зилзила кучи 12 балли MSK—64 шкаласи бўйича 8 баллга тенг. Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси М=5,4 бўлди. Зилзила натижасида аксарияти хом гишт ва пахсадан қурилган уйлар шикастланган. Тошкент ш.нинг Назарбекка туташ қисмидаги иморатларда ҳам кўплаб ёриқлар пайдо бўлган, айрим деворлар қулаган ва х.к. Бир-икки йил давомида зилзиланинг кўп марта қайта силкиниши (афтершоклар) кузатилган.

**НАЗАРИЯ** — билимнинг бирор соҳасига оид асосий ғоялар тизими; воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли. Н. борлиқнинг муайян соҳасига оид бўлган тажрибалардан умумлаштирилган маълумотлар асосида келиб чиқади. Илмий билишда Н.нинг асосий вазифаси тажрибалар берган далилларни изоҳлаш, шу б-н бирга, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, юзага келадиган янги

наrsa ва ҳодисаларни олдиндан кўра олишдан иборат. Ҳар қандай Н. илмий билишнинг натижаси сифатидаги билиш шакли бўлсада, лекин уни тугалланган, ўзгармас, мутлақ билим деб қарамаслик керак. Н. билиш жараёнида биз тўплаган билимларнинг натижасигина эмас, балки янги билимлар ҳосил қилиш йўлидаги бошланғич асосдир. Н. ҳамма вақт амалиёт б-н узвий боғлиқ бўлади ва шундагина у ҳаракат ва ривожланишнинг қуролига айланади. Н.нинг бошланғич шакли гипотезалр. Амалиётда гипотезанинг тўғри, ҳақиқат эканлиги исботланса, шу асосда янги Н. юзага келиши мумкин. Илмий билиш жараёнида кишиларнинг илмий Н.лар б-н қуролланганлиги унга илмий олдиндан кўриш — илмий башорат қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, янги қонуният ва янги Н.ларнинг шаклланишига олиб келади.

**НАЗАРМАТ** (Назармат Эгамназаров; 1917.7.11, Тожикистон, Хўжанд, Нов қишлоғи) — шоир, журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). Самарқанд ун-тини тугатган (1941). 2-жаҳон уруши кдтнашчиси. «Қизил Ўзбекистон» (1947—54), «Тошкент ҳақиқати» газ. таҳририятида адабий ходим, бўлим мудири (1954—85). Ижодий фаолияти 30-й.лар охирида бошланган. «Ёшлик завқи» (1941), «Ватан ишқи» (1949), «Яшил далалар» (1955), «Сир бўйи — нур бўйи» (1959), «Тоғдаги гулханлар» (1962), «Най садоси» (1965), «Баҳор кўшиғи» (1968), «Шаҳримиз болалари» (1970), «Мангу олов» (1972) шеърли тўпламлари муаллифи. Кўплаб шеърлари кўшиқ бўлган. «Юракдаги ўк» дostonи (1965) ва «Сайёд жасорати» кicсаси (1973) 2-жаҳон уруши мавзуида. Абулқосим Фирдавсий, Хисрав Деклавий, Абдурахмон Жомий, Бедил, Мирзо Турсунзода, Миршакар ва б. шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ад.: Назармат, Т., 2003.

**НАЗАРОВ** Аноркул Мамадович

(1950.5.6, Бўка тумани) — композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1995). Тошкент консерваториясини тугатган (1973). Навоий театрида созанда (1968—85), Узтелерадиокомпанияси қошидаги Эстрадасимфоник оркестрининг бош дирижёри ва бадиий раҳбари (1989—96), «Ўзбекнаво» бирлашмасининг бош директори (1996—2001). Ижодида кўшиқ асосий ўрин тутди («Дўлана», «Аразлама», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон муштарак», «Озод элнинг ўғлиман» ва б.). Шунингдек, кино ва телефильмлар, театр спектакллари, цирк томошалари учун муסיкалар ва б. асарлар ёзган. Абдулла Қодирий но-мидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1997).

**НАЗАРОВ** Бахтиёр (1945.17.9, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), филол. фанлари д-ри (1984), проф. (1994). ТошДУни тугатган (1966). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт интида илмий ходим, илмий котиб (1969—72; 1979-83), директор (1986—90), бўлим мудири (1996 й.дан). Ўзбекистон ФА Бош илмий котиби ўринбосари (1973—79), вице-президент вазифасини бажарувчи (1999—2000). Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси (1990—92), Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари (1992—94), айни вақтда «Ўзбек тили ва адабиёти» жур.нинг бош муҳаррири (1986-94).

Н.нинг илмий ишлари 20-а. ўзбек адабиёти тараққиёти, хусусан, танқидчилик ва адабиётшунослик методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ва адабий алоқа масалаларига бағишланган. Тадқиқотларида Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов маҳорати ўрганилган. Ойбекнинг 20 жилдли Мукамал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда катнашган. Миллий истиклол ғояси б-н суғорилган, янги типдаги дарсликлар (ўрта мактабнинг 9, 11 синфлари учун «Ўзбек адабиёти», олий мактаб учун «XX аср ўзбек адаби-

ёти тарихи»)нинг муаллифларидан бири.

Ас: Бу сеҳрли дунё, Т., 1980;  
Ҳаётийлик — безавол мезон, Т., 1985.

## НАЗАРОВ

Бахтиёр

Муҳаммаджонович (1942.2.5, Наманган вилояти Нанай қишлоғи) — кино рассоми; Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2000). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1965) ва Москва кино санъати ин-ти (1971)ни тугатган. «Ўзбекфильм» киностудиясида бош рассом (1983—90); айни бир пайтда Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида театр ва кино декорацияси кафедраси мудири (1983—90). Н. «Сени кутамиз, йигит» (1971), «Шум бола» (1976), «Олтин мўйна» (1980), «Ҳаёт мазмуни» (1985), «Шариф — Маъриф» (1992), «Шаршара сеҳри» (ижрочи продюсер, 2003) ва б. бадий фильмлар, театр спектакллари учун сахна безаклари яратди. Н. хорижий мамлакатлар фильмларига ҳам декорациялар яратган: «Буюк Пётр» (АҚШ, 1983), «Шахризоданинг сўнги эртаги» (1983—84), «Уч қиролнинг уруши» (Марокаш-Италия-Испания, 1989), «О, муҳаббат» (Ҳиндистон, 2001) ва б. Н., шунингдек, дастгоҳ рангтасвирида ҳам ижод қилади: «Олим Хўжаев» (1973), «Лутфихоним Саримсоқова» (1974), «Малик Қаюмов» (1977) каби портретлар; «Ўзбекистон ёшлари», «Ҳиндистон аёллари», «Келинчак», «Она» каби туркум асарлари ва б.

**НАЗАРОВ** Зойир (1941.22.12, Ромитан тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Бухоро пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1965). 1965 й.дан Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 21-мактаб, 1974 й.дан 26-мактаб мат. ўқитувчиси. Н. мат. дарси самарадорлигини яхшилашда турли услубларни ишлаб чиққан.

**НАЗАРОВ** Мавлон Худойбергенович (1910.15.6, Чимкент вилояти Туркистон тумани — 2000.31.3, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган фан арбоби (1970). Тарих фанлари д-ри (1963), проф. (1965). СамДУни тугатган (1936). Комсомол (1941—44) ва партия (1944—52) ишларида. ТошДУ (1952—64) ва Тошкент политехника ин-ти (1964—92)да кафедра мудири. ТошТУнинг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасида маслаҳатчи проф. (1992-93).

**НАЗАРОВ** Тўйчи (1896, Фарғона тумани Каптархона қишлоғи — 1974.18.8, Фарғона тумани Қалача қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1-Украина fronti, 4-танк армияси, 17-механизациялашган бригада, 2-мотоўқчи батальони ўқчиси. 1945 й. 24 янв.да Польшанинг Кёбен ш. р-нида Одер дарёсини кечиб ўтиш ва ўнг сохилни эгаллашдаги жасурати учун 1945 й. 13 апр.да Қахрамон унвонига сазовор бўлган. Фрондан қайтиб келгач, к.х. ишларида ишлаган. Водил қишлоғида ҳайкал ўрнатилган.

**НАЗАРОВ** Қурбон (1909.1.1 — Қўқон — 1989.10.9) — актёр, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Самарқанд кишлоқ хўжалиги техникумида (1924—26), Москва Бадий академик театри студиясида таълим олган (1930—32). Ижодий фаолиятини Самарқанд «Кўк кўйлак» театрида актёр сифатида бошлаган (1926). 1932—73 й.лар Қўқон театрида актёр, реж. И. ижодига ўтқир характерли образлар яқин бўлиб, сахнада Солихбой (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Бобохон (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зухра»), Хусрав (Хуршид; В. Успенский, «Фарход ва Ширин»), Хусайн Бойқаро (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий») каби бир қанча ёрқин роллар ўйнаган. Реж. сифатида «Маликаи Турандот» (К.Гощи), «Гулсара» (К. Яшин, М. Мухамедов; Т. Жалилов), «Аршин мол олон» (У. Ҳожибеков), «Навбахор», «Парвона» (Уйғун), «Олтин девор» (Э.Воҳидов) ва б. асарларни сахналаштирган. «Тоҳир ва Зухра», «Фурқат», «Улуғбек юлдузи» ва б. фильмларда суратга тушган.

**НАЗАРОВА** Норбиё (1945, Пастдарғом тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1973). 1965 й.дан Каттақўрғон туманидаги 1-, Пастдарғом туманидаги 49-, 1967 й.дан 53-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

**НАЗАРОВА** Тамара (1925.24.12 - Тошкент — 1998.24.2) — Ўзбекистон халқ артисти (1969). Москва ўзбек опера студиясини тугатган (1946). Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек ашула ва раке ансамблида яккахон (1940—42), Муқимий театрида (1942—55 ва 1960—71), Наманган театрида (1955—59) актриса. Уруш йиллари Ўзбекистон санъат усталари сафида фронт концерт бригадаларида қатнашган. Н. ижросида нозик лиризм самимийлик б-н уйғунлашиб кетади. Моҳин, Зухра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоқир ва Зухра»), Нозноз (М. Урдубодий; С. Рустамов, «Беш сўмлик келин»), Наталка (Н. Котляревский; Н. Лисенко, «Полтавалик Наталка»), Роҳатой (К. Яшин; Х. Тўхтасинов, «Офтоб-хон»), Қадирғоч, Нурхон (К. Яшин; Т. Жалилов, «Алпомиш», «Нурхон»), Ширин (А. Навоий; Ю. Ражабий, «Фарҳод ва Ширин»), Сунбул (Х. Ғулом; М. Левиев, «Ажаб савдолар») каби роллари б-н шухрат қозонган. Н. кинода (Ғули, «Алишер Навоий»; Фотима, «Сен етим эмассан» ва б.) ҳам суратга тушган.

**НАЗАРХОН КАНАЛИ** — Қорақалпоғистондаги канал. Қипчоқ қишлоғидан шим.да Амударёнинг ўнг қирғоғидан сув олади. Уз. 40 км дан ортик. Амударёнинг ўнг томонидан унга параллел йўналишда оқади. Канал 1928—29-й.да қазилган, дастлаб 17 км бўлган. 1937—38 й.да реконструкция қилинган. Н.к. Нукус туманини сув б-н таъминлайди.

**НАЗЗОМ** (тахаллуси; асл исми

Иброҳим бин Сайёр бин Хоний) (? , Балх — тахм. 845) — араб файласуфи. Басрада таълим олган. Кўп асарлар ёзган, лекин улар бизгача етиб келмаган. Унинг баъзи фалсафий фикрлари б-н Абу Ман-сур ал-Бағдодий, Шаҳристоний, Азад-Дин ал-Ижйий, Насриддин Тусий ва б.нинг асарлари орқали танишиш мумкин. У юнон фалсафасини яхши билган. Эрон ва Ҳиндистон диний ва фалсафий таълимотларидан хабордор бўлган. Н. Шарқнинг йирик мутафаккири, муътазилийлар тарафдори бўлиб, ўз фалсафий мактаби — назомийликни яратган. У эркин фикрни ёқлаб чиққан, анъанавий исломнинг баъзи қоидалари б-н келиша олмаган, диний хурофотларга, тақдир тўғрисидаги ақидага қарши чиққан. Н. Аллоҳни ваҳдати вужуд таълимоти асосида талқин қилган. Унинг фикрича, дунёдаги ўзгаришлар моддий зарраларнинг чексиз ҳаракати натижасида содир бўлади, моддий дунёдаги жараёнларга худо аралашмайди. Н. барча масалаларни ақл ёрдамида ҳал қилиш тарафдори бўлган.

**НАЗИР АКБАРБОДИЙ** (тахаллуси; асл исм-шарифи Сайид Вали Мухаммад, 1735, Дехли — 1830, Агра) — ҳинд шоири. Урду тилида ижод қилган илк халқ шоири. У шеърятга оддий меҳнаткаш образини олиб кирган. Достон, ғазал, рубоий, маснавий, қасида ҳамда ҳажвий шеърлар ёзган. Ижодида дунё ва аҳли дунё мавзуси катта ўрин эгаллайди. Н.А. табиат манзаралари, турли халқ сайиллари, ҳиндулар, мусулмонларнинг байрамларини юксак бадиий маҳорат б-н, жонли тарзда баён қилган. «Одамнома», «Банжарнома», «Оқибат», «Ёмғир мавсуми манзараси», «Кашшоклик», «Бахти қаро шаҳар» каби асарлари машҳур.

Н.А. шарқ адабиётида кенг тарқалган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун сюжетлари б-н бир қаторда кад. ҳинд адабиётидаги (Рам ва Сита, Нала ва Дама-янтий), шунингдек, панжоб оғзаки ижо-

дидаги образларга (Ҳийр ва Ранжҳа) ҳам мурожаат қилган.

**НАЗИРА** (араб.) — Шарқ адабиётидаги анъанавий усуллардан бири; ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшатма тарикасида ёзилган асар. Н.ни мумтоз шоирлар татаббу деб ҳам юритишган. Навоий ўз «Ҳамса»сининг Низомий «Панжганжи»га татаббу деб атайди. Истеъдолли назирағўй адиблар маълум бир асарга ижодий ёндашиб, шу асар мавзуини бойитиш ва ривожлантириш, янги муаммо ва ғоявий мотивларни кутариш, янги образ ва характерлар яратишни мақсад қилган. Ўтмиш шоирларининг яхши асарларига Н. ёзиш ўзбек адабиётида ҳам учрайди. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий ва б. шоирлар Н.лар битганлар.

**НАЗИРОВ** Набижон Назирович (1931. 9.6, Ўш — 1987.6.7, Тошкент) — физиолог, радиобиолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981). ВАСХНИЛ мухбир аъзоси (1970), проф. (1969). ТошДУ ни тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси ин-тида илмий ходим (1956—60). 1961 й.дан Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тининг ўсимликлар радиаци-он биол. лаб. мудири. Н. биринчилардан бўлиб ионловчи радиациянинг ғўзага таъсирини тадқиқ қилди. У хўжалик белгилари жиҳатидан қимматли бўлган 20 дан ортиқ ўрта толали ва ингичка толали ғўзанинг янги линиялари ва навлари (тезпишар ва серҳосил АН-Каттакўрғон, вилтга чидамли АН-401, барги табиий равишда тўқиладиган АН-402 ва б.) ни яратди.

Ас: Действие радиации на физиологические и биохимические процессы у хлопчатника, Т., 1969; Радиочувствительность хлопчатника и генетический эффект ионизирующей радиации, Т., 1970; Наука и хлопок, Т., 1977.

**НАЗЛА** — қ. Глаукома.

**НАЗМ** (араб. — тузум, тартиб; тизма шеър) — қ. Шеърят.

**НАЗР** (араб. — сўз бериш, ваъда қилиш) — ислом қонуншунослигида бирор савобли ишни бажаришга аҳд қилиш ёки муайян нарсани дин йўлида ҳада қилиш ҳақида диндорнинг ўз-ўзига ваъдаси. Исломда Н.га ташвиқот йўқ. Аммо, Н. қилган одам уни бажариши шарт ҳисобланади. Агар бажармаса бир вожиб амални тарк этган ҳисобланиб, оғир гуноҳкор бўлади. Кейинчалик халқўртасида Н. сўзи ҳайр-садақа, эҳсон қилиш маъноларида ҳам ишлатила бошлаган (Мас, масжид, мазор ёки тиланчига Н. бериш каби). Исломга кўра, Н. имкони бор киши учун вожиб. Моддий ёки жисмоний жиҳатдан бажаришга қодир бўлмаган одам Н. қилмаслиги лозим.

**НАЗРАНЬ** — РФдаги шаҳар (1967 й.дан), Ингушия Республикаси пойтахти. Ростов-Дон—Боку т.й. линияси йўналишидаги т.й. станцияси, Грозний ш.дан 91 км ғарбда жойлашган. Ахрлиси 76,4 минг киши (1998). Электр асбоблар, ун з-длари, трикотаж ф-каси бор.

**НАЗРУЛ ИСЛОМ** (1899-1976) - бенгал шоири. Илк шеърларини Ҳофиз асарлари таъсирида ёзган. «Исёнкор» достони (1922), «Оловли уд» (1922), «Заҳарли най» (1924), «Фалокат нағмалари» (1924), «Булбул» (1928) шеърӣ тўпламлари, «Камбағалнинг изтироблари» ҳикоялар тўплами (1924) ва «Туман» романи (1924) мавжуд. Уларда инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари илгари сурилган. 30-й.ларнинг бошларида касаллиги туфайли адабий фаолияти тўхтаб қолган. Унинг «Инсон» шеърӣ тўплами ўзбек тилида нашр этилган (1981). Э. Воҳидов Н. И. ҳаёти ва ижодига бағишлаб «Рухлар исёни» достонини ёзган (1978).

**НАЗРУЛЛАЕВ** Алишер Ибодуллович (1953.24.9, Ғиждувон) — уста кулол, Ғиждувон кулоллик мактабининг

7-авлод вакили. Ўзбекистон халқ устаси (2002), Ўзбекистон Бадий академияси акад. (2003). Самарқанд меъморлик — қурилиш ин-тини тугатган (1975). Хунарни отаси уста Ибодулла Назруллаевдан ўрганган. Н. ижодида Гиждувон кулоллик мактаби анъаналарини ривожлантирган; у яратган сопол буюмлар (товоқ, лаган, коса, кўза, кўшқулоқ ва б.) кўрғошин тусли сирланиши б-н ажралиб туради. Нақш замини тўқ жигаранг, шакллар буюм юзасида асимметрик эркин жойлаштирилади; «Думи бургут» «мурғи сафед», «гули товус» каби нақш мужассамотлари куш, ўсимлик, гул нақшларининг но-зик уйғунлаштирилган шаклида намоён бўлади. Америка, Европа, Осиё қитъаларидаги маданий марказлардаги нуфузли танлов, кўрғазмаларда фаол иштирок этади. Н. ишларидан намуналар республика ва хорижий мамлакатлардаги музей, тўплам, хусусий коллекциялардан ўрин олган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1996).

**НАЗРУЛЛАЕВ** Ибодулла (1927, Гиждувон) — уста кулол, Гиждувон кулоллик мактабининг 6-авлод вакили. Гиждувон кулоллик анъаналарини ривожлантирган. Гиждувонлик уста Усмон Умаровдан хунар ўрганган. Н. яратган буюмлар (коса, лаган, пиёла ва б.) бе-заги нафис ранглар уйғунлиги ва жилоси, мужассамотлар ечими ҳамда жозибаси б-н ажралиб туради, анъанавий ислимий, хандасий нақшларни кенг қўллаган. Н. ижодида реал мужассамотлар б-н бир қаторда афсонавий куш тасвирлари ҳам ўз аксини топган. Айниқса, устанинг товус тасвири туширилган (товоқилабгардон каби) лаганлари машҳур; қошия нақшларда анъанавий тўлқинсимон ўсимлик новдалари тасвири, хандасий нақшларни кенг қўллайди.

**НАЗРУЛЛАЕВ** Лутфулла (1903.15.7, Бухоро — 1962.27.12, Тошкент) — театр актёри. Ўзбекистон халқ артисти (1945). Москва узбек драма студиясида ўқиган

(1924—27). Дастлаб Бухоро театрида ишлаган (1921—24). 1927 й.дан Ҳамза театрида ишлаган. Холмат («Бой ила хизматчи»), Хусайн Бойқаро («Алишер Навоий»), Дадавой («Навбахор»), Раҳимжон («Шоҳи сўзана»), Полоний («Гамлет»), Егор («Егор Буличёв ва бошқалар»), Эстефан («Кўзибулоқ қишлоғи»), Горностаев («Любовь Яровая») каби ранг-баранг ва тўлақонли сахнавий образлар яратиб, ўзбек актёрлик мактабининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшиб, Н. ўзбек театрида биринчи бўлиб, Хусайн Бойқаро сиймосини бутун мураккаблиги б-н гавдалантирган. «Алишер Навоий» фильмида эса Уста Жалолиддин образини яратди. Қандай роль уйнамасин, Н. овози, юз ифодалари, тана ҳаракатларидан унумли фойдаланиб, Уз қаҳрамонларининг авваламбор инсоний моҳиятини, феъл-атвори-ни, кайфиятини ифода қилишга интилган. У, айниқса, кулгили ва ҳажвий образлар устаси бўлган.

**НАЗРУЛЛАЕВ** Нурилла (1870 - Самарқанд — 1939) — самарқандлик ёғоч ўймаkori. Отаси уста Назрулладан хунар ўрганган. Н. меҳнат фаолиятида ислимий ва паргари усулларини, чока пардоз, пахпардозларни унумли қўллаган; уйма нақшлар устаси сифатида шуҳрат қозонган. У беаган эшик, дарвозалар кўркамлиги, жозибали нақшлари б-н диққатга сазовор.

**НАИМ САИД**, Саидов Наим (1902, Қўқон - 1939.2.6, Тошкент) - журналист ва таржимон. Қўқондаги Мадраса, «янги усул» ва «Намуна» мактабларида таҳсил кўрғач, Москвага бориб, дастлаб ишчилар ф-ти (1923—24), сўнгра давлат журналистика ин-ти (1925—28) да ўқиган: Тошкентга қайтгач, «Қизил Ўзбекистон» (1928—30) газ. муҳаррири ўринбосари, сўнг «Янги Фарғона» газ. масъул муҳаррири (Қўқон, 1930—31), Ўздавнашр бош муҳаррири (1931 — 33) булиб ишлаган. Н.С. таржимонлик фаолиятида ўзбек тилига русча сўз ва ата-

маларни олиб кириш ва ўзбек тилининг шу асосда рушлаштирилишига қарши она тилининг софлиги учун курашган. Айни пайтда у араб ёзуvidан лотин ёзуvига ўтиш жараёнида халқ оммаси саводсиз бўлиб қолмаслиги учун «Катталар учун алифбо», «Саводсизлар учун алифбо», «Чала саводдилар учун алифбо», «Кўрлар учун алифбо» (1929—30), «Саводсизлар учун ўқиш китоби» (1936) сингари ўқув қўлланмаларини яратган. 20—30-й.лар ўзбек матбуотида фаол иштирок этган. Н.С. «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлганлик ва ёшлар ўртасида миллатчилик кайфиятини тарқатганликда айбланиб ҳибсга олинган (1938.30.1) ва камоқхонада вафот этган.

**НАИМОВ** Ҳаёт (1912.21.3 — Бухоро — 1995.14.2) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1967). Бухоро мусика билим юртини тугатган (1930). Бухоро театрида созанда (1930—41), актёр (1941—78), реж. ёрдамчиси (1978—86). Н. купроқ ҳажвий актёр сифатида танилиб, ўзбек халқ масхарабозлик те-атрининг ижрочилик анъаналарини давом эттирган. Ранг-баранг сатирик ва драматик образлар яратиб, сахна санъатида узига хос ижро услуби б-н из қолдирди. Қози (Ҳамз а , «Майсаранинг иши»), Вали (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Шмага (А. Островский, «Айбисиз айбдорлар»), Мансур (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Заргаров (А. Қаҳҳор, «Оғрик тишлар»), Мирзакаримбой (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Ҳошим лаббай (С. Ғани; Ф. Солиев, «Гуй»), Тошболта (Ҳ.Ғулум; М. Левиев, «Тошболта ошиқ»), Мулла Башир (С. Жамол, «Гули сиёҳ») каби образлар б-н элга танилди.

**НАЙ** — пуфлаб чалинадиган мусика асбоби. Шарқ мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Н. бўйламасига ва ёнламасига ушлаб чалинади; ёнламасига ушлаб чалинадиган Н.лар тури етакчи хисобланади. Н.нинг энг кад. тури чупон Н.дир. Тайёрланиш

материалига кура турлича номланади: г-ров Н., ёғоч Н., мис Н. ва ҳ.к. Мазкур найларнинг диаметри 20—30 мм ва уз. 450—520 мм бўлади. Н. каналининг бир учи (юқориси) тиқин б-н беркитилади. Ана шу юқорисига яқин ён томонида пуфланадиган тешиги ҳамда унинг пастроғида 6 та чалғич бармоқ тешиклари бўлади. Бу тешиклар бармоқлар б-н тўла ёки ярим бер-китиш ва пуфлаш кучини ўзгартириш натижасида 2,5 октава диапозонидаги товушқатор ҳосил қилиш мумкин. Бармоқ б-н беркитиладиган тешикларнинг қарама-қарши томонида товушлар мувозанатини саклашга ёрдам берадиган 2 ёки 3 та тешик ҳам бўлади. Анъанавий ўзбек ва тожик чолғу ансамбллари таркибида Н. етакчи со-злардандир. Куй бошланадиган пардага боғлиқ ҳолда Н.га мослаб бошқа асбо-блар со-зланган. Шунинг учун найдаги бармоқчалғич тешикчалар берки-тилиш сонига қараб миллий созандалар ораси-да «беш қўл», «тўрт қўл», «уч қўл» деб номланувчи со-злаш турлари қўлланган. Ҳозирда Н. асбобининг ўрни яққанавоз ва жўрнавоз со-з сифатида янада кенгай-ди, ундан халқ чолғу ансамбллари ва оркестрларида фойдаланишнинг янғича усуллари юзага келди.

**НАЙЗА** — 1) санчиш ёки ирғитиш учун мўлжалланган ов ва жанг қуроли. Палеолит даврида пайдо бўлган. Илк Н. 1,5 дан 5 м гача узунликдаги ёғочдан учи ўткир қилиб ясалган. Дастлаб Н. учи-га ўткир тош, кейинчалик суяк санчки маҳкамланган. Жез даврида Н. санчкиси металлдан ясалган. Қўлланилишига қараб Н.нинг узунлиги турлича бўлган: ирғитиладиган Н.лар қалта, пиёда аскарлар Н.си ўртача, отлик аскарлар Н.си узун бўлган. 19-а.да милтиқ учи-га санчкисимон (учлик) ва пичоқсимон (тактик) Н.лар ўрнатилган. Н. жаҳрн халқларининг деярли ҳаммасида кенг тарқалган; 2) енгил атлетикада қўлланиладиган асбоб.

**НАЙЗА** (амалий санъатда) — нақш тури; нақшошликда учи ўткир ов ва жанг куроли (найза)нинг услублаштирилган шаклининг такрорланишидан ҳосил бўлади. Сопол ва металл буюмлар безак мужассамотида кенг қўлланади, хошия нақшлар орасига ишланади. Н. барг (ўсимлик баргига ўхшаш), Н. бўйин (ости бўғим-бўғим Н. шаклида), Н. гул (ўртада тик чизик, юқори ва куйида икки томонга қарата чиқарилган шохлари, ёнларида новдалари бўладиган), Н. мадохил (тут дарахтининг кайчи барги каби учли) каби хиллари бор.

**НАЙЗАБАРГ** (*Sagittaria*) — булдуруқўтдошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўтлар туркуми. Ўзбекистонда уч япрокли Н. (*S.trifolia*) ўсади. Барглари илдиз бўғздан 60—100 см гача ўсади, найзасимон, учи ўткир, банди узун. Гуллари оқ, поянинг учига оддий ёки шохланган шода ҳолида, асосан 3 ҳалқа бўлиб жойлашган. Июнь-сен.гача гуллаб мевалайди. Меваси ёнғоқча. Илдизпоясидан найзабарг, туганакли новдалар ўсади. Туганаги ва уруғидан кўпаяди. Бир тупи 10 мингтагача уруғ тугади. Уруғлари шамол ва сув орқали тарқалади. 18—26° ҳароратда униб чиқади. Ўрта Осиёда тарқалган. Шопипояларга катта зарар еткази. Асосан, суғориш ва ташландик ариқ ва каналлар бўйларида ўсади.

Кураш чорал ари: уруғликни тозалаш, экинни сийракрок экиш; гербицидлар пурақаш.

**НАЙЗАБОЗЛИК** — кўл жанги турларидан бири; рақибни найза санчиб маҳв қилиш. Н. жанг қилишнинг қад. усулларида бири бўлиб, найза пайдо бўлиши б-н вужудга келган. Н.да химоя воситаси сифатида қалқон ва совутдан фойдаланилган. 19-а.нинг ўрталаридан бошлаб, милтиққа найза ўрнатилгач, Н. зарур бўлгандагина қўлланилган.

**НАЙЛОН** (инг. nylon) — полимидлардан олинадиган сунъий тола. Ювув-

чи моддалар ва ишқаланиш таъсирига чидайди. Табиий ипақдан мустаҳкам (к. Полиамид толалар).

**НАЙМАН**, найманлар — ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига кирган қабила уюшмаси. Рус этнографи А.Д.Гребенкиннинг 19-а. 70-й.ларида берган маълумотида кўра, ўзбек Н. Зарафшон водийси (63 та кишлоғида), Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг Термиз туманида кўнғиротлар б-н бирга яшаб келишган. Кейинчалик дастлаб Афғонистоннинг Балх вилоятига, сўнгра Зарафшон водийсига кўчиб кетишган.

Ўзбек Н.лари 19-а. охирида 3 та йирик уруққа бўлинган: кўштамғали, садирбеги, увахтамғали. Булардан таш-қари, Н.да бир қанча уруғ бўлимлари ҳам мавжуд бўлган: агран, айрончи, бадир, бия, боғанали, болтали, букалай, бурунсов, жагалбойли, жостовон, жилонли (илонли), жумалок бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, сегиз урув (саккиз уруғ), саринайман, туртул (тўрт ўғил), тўрттамғали, ургуч, украш, чанғали, чўмичли, ғозоёкли, қорагадой, қорасирак, қарғали, қилтамғали, култамғали ва б. Нарпай туманидаги Н.: пўлатчи, улус, зарман, кичкилдик, оснайман. Аччили найман, каттаки, найман, тўрғоқ найман, уйшун найманларга кам бўлинган.

Ўзбек Н. авлодларини бошқа қавмлар таркибидан ҳам учратиш мумкин. Мас, ўзбек-саройларининг энг йирик тўрт уруғидан бири наймансарой деб номланган. Шунингдек, қипчоқсаройда чоркуса найман, кўштамғали сарой ва кўнғирот саройда ҳам Н. тармоғи бор. Ҳаттоки ўзбек кенагаслари ва жузлари

таркибида ҳам Н. шохобчаси учрайди. Бу ҳолат ўзбек қавмларининг этноге-нези муштараклигидан, ўзаро этногенетик ва этномаданий алоқалардан далолат беради.

Н. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бошқирдистон, Татаристон ва



Мўғулистон худудларида ҳам яшаганлар.

Н.ларнинг келиб чиқиши мунозарали. Бир гуруҳ олимлар (И.Н.Березин, В.В.Бартольд, Б.Я.Владимирцов ва б.) Н.нинг этногенезини мўғуллар б-н боғлайдилар. Улар «найман» сўзининг этимологиясини (мўғулча «саккиз», «саккиз қабила») ўз фикрларига далил килиб кўрсатадилар. Иккинчи бир гуруҳ эса (Н. А. Аристов, Х.Ховорст, С.А. Аманжолов ва б.) эса Н.ни турк деб ҳисоблайдилар. Қад. Шарқ кўлёмаларида ҳамда Урхун ёзувларида «саккиз ўғуз» қабиласи иттифоқи тилга олинади. Улар яшаган ерларни 10-а. ўрталарида киданлар ишғол этганлар. Саккиз ўғузлар киданлар томонидан тобе этилади, киданлар уларни Н. деб атай бошлаганлар. Демак, Н. аслида туркий халқлардан бўлганлар. Н. 8-а. ўрталарида Байкал кўлининг жан. да яшаганлар. 9-а. ўрталарида улар Урхун дарёсининг юқори қисмидан то Тарим ва Қора Иртишгача бўлган ерларни эгаллайдилар. Кейинчалик Н. эгаллаб турган ерларнинг чегараси Хонбой ва Олтой тоғларигача этган. Улар шарққа, керайтлар, шим.да қирғизлар, ғарбда қанғилилар, жан.да эса уйғурлар б-н чегарадош бўлганлар. 12-а.нинг ўрталарида Н. кучайиб, Марказий Осиёда ўз хукмронликларини ўрнатдилар. Н. давлати 13-а. бошигача, яъни мўғуллар истилосига қадар мавжуд бўлган. Н.ларнинг охирги хони — Таянхоннинг пойтахти Жаршизнаур деган (Қорақурумга яқин) жойда жойлашган.

1204 й.да Н.нинг катта бир қисми мўғулларга тобе бўлади. Мўғулларга итоат этмаган Н. эса Балхаш кўлининг ғарбидаги чўлларда, жан.да Олакўл бўйларигача бўлган ерларда, Сирдарё бўйларида, Улуғтоғ ҳамда Ишим дарёси бўйларида яшаганлар. Сирдарё бўйларидаги Н.нинг катта қисми кейинчалик Хоразмга ва Мовароуннахрга кўчиб келиб ўрнашганлар. Улар аста-секин ўтроқлашиб, ерлик халқларга аралашиб кетганлар.

Қозоғистон чўлларида кўчиб юрган

Н.нинг бир қисми Шайбонийхониинг Мовароуннахрга қилган юришларида фаол қатнашган. 15-а.нинг охири — 16-а.нинг бошларида улар ҳоз. Ўзбекистон худудларига кўчиб ўрнашган. Н.нинг Дашти Қипчоқда қолган қисми эса қозоқ, қорақалпоқ ва нўғойлар таркибига кирган. Н.нинг деярли кўпчилиги 13-а. бошларигача христиан динида бўлган. Уларнинг бир қисми эса қора киданлар таъсирида будда динини ҳам қабул қилганлар. Аммо Н. этикодаида ибтидоий динларнинг, хусусан шаманизм қолдиқлари кучли бўлган. 13— 14-а.лар давомида Н.лар исломди-нини қабул қилганлар.

Ўзбек Н.нинг кўпчилик қисми Зарафшон водийсида (Пастдарғом ва Нарпай туманларида) ўтроқ ҳолда яшаб, кўпинча деҳқончилик б-н машғул эди. Улар томли (пахса, чўпқори) уйларда яшаганлар. Ўтроқ Н.нинг бойлари чорвачилик б-н ҳам шуғулланганлар. Жом чўли, Ўртачўл, Зирабулоқ тоғида яшовчи Н.нинг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланган. Булар кўпинча қоракўл кўйлари, тоғ ва тоғ бағирларида яшаганлари эса жайдари кўйлар, қорамол, туя ва от саклаганлар. Чорвадор Н. ўтовларда яшаганлар. 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошларида ўзбек Н. ҳам бошқа қабилалар каби ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб, мазкур халқнинг шаклланишида фаол қатнашганлар.

Ад.:Рашидаддин., Сборник летописей, т. 1., вып. 1., М. -Л., 1962; Норбоев Н., Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳақида, Т., 1997.

Очил Бўриев.

**НАЙМАН АДирЛАРИ** - Фаргона вилоятидаги адирлар. Фаргона водийсида, Каркидон сув омборининг шим. ғарби, Қораадир тоғларининг жан.-ғарбида жойлашган. Бал. 725—750 м, юқори плиоцен-қуйи тўртламчи даврнинг алевролит, конгломерат, гил, кумтошларидан тузилган. Адирлар ўртача парчаланган. Жан.дан бошланувчи сой ўзанлари уларни бир неча жойда кесиб ўтган. Ювилган

тўқ бўз тупрокларда эфемерлар, эфемероидлар, шувоқ кенг тарқалган. Яй-лов чорвачилигида фойдаланилади.

**НАЙМАНСОЙ** — Фарғона вилоятидаги сой. Сўх сойининг Сарикўрғон гидротугунидан бошланади. Дастлаб шим.-ғарбий йўналишида 12—15 км масофада адирларни кесиб ўтади. 40 км дан сўнг тармоқларга бўлиниб кетади Унинг Ўртақўрғон, Каламуш, Қумбости, Бекобод, Тўрасой, Шайхназар каби ўнлаб тармоғи бор. Сойда куз ва қишда сув кам бўлади, баҳор ва ёз пайтларида бу сойга кўп сув ташланади. Н. Ўзбекистон ва Данғара туманларидаги хўжаликлар ерини сув б-н таъминлайди.

**НАЙПАЧОҚ** — ёғочдан ясалган пуфлаб чалинадиган созларда товуш ҳосил қилувчи юпка пластинка. Илгари қамишдан тайёрланганлиги учун қамиш тил деб аталган. Ҳозир бошқа материаллардан ҳам тайёрланади. Якка (кларнет, саксофон каби созларда) ва жуфт (сурнай, гобой, фагот каби созларда) турлари бор.

**НАЙПОЯ** - соябонгулдошларга мансуб йирик ўтлар туркуми. 70 дан ортиқ тури маълум. Асосан, Шарқий ярим шарнинг мўътадил минтақасида тарқалган. Ўзбекистонда гулпар тури кўп ўсади. Гулширага бой. Кўпчилик турларининг поя ва барглари еийш мумкин, баъзилари чорва моллари учун озуқа. Терини куйдириш хусусияти бор.

**НАЙРАНГБАЗЛИК** - миллий ўзбек цирк санъати тури, қ. Иллюзионизм.

**НАЙРОБИ** - Кения пойтахти, 1700 м баландликдаги ясситоғликда жойлашган. Иқлими экваториал, муссонли иқлим. Июль ойининг ўртача т-раси 15°, мартники 18,7°. Йиллик ёғин ўртача 930 мм. Аҳолиси 2,07 млн. киши (1998). Н. маъмурий жиҳатдан провинцияга тенглаштирилган пойтахт округини ташкил

қилади.

Шаҳарга 1899 й.да Момбаса — Кисуму т.й.нинг қурилиши натижасида асос солинган. Кейинроқ инглизларнинг ҳарбий базаси бўлган. 1963 й.дан мустақил Кения пойтахти. Н. — т.й. ва шоссе йўллари тугун и. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим савдо-саноат маркази. Озиқ-овқат, кўн-пойабзал, тўқимачилик, металлсозлик, кимё, қоғоз, ойнашиша, цемент саноати корхоналари мавжуд. Миллий ун-т, миллий музей, Сорсби бадиий галереяси, миллий театр, кутубхона, тадқиқот марказлари бор. Шаҳар тўғри бурчакли режа асосида, бинолар европача усулда қурилган. Туризм ривожланган.

**НАЙТИШЛИЛАР** (Tubulidentata) -йўлдошли сут эмизувчилар туркуми. Уз. 1—1,5 м, думи 45—60 см, вазни 80 кг дан ортиқ. Тумшугининг учи найга ўхшаш чўзиқ. Олдинги оёқлари 4, кейинги оёқлари 5 бармоқли бўлиб, туёксимон тирноқлари бор. Тирноқлари ёрдамида термитлар инини бузади ёки ер овқлайди. Тили узун, чувалчангсимон. Тишлари ўзаро қўшилиб ўсган дентин найчалардан иборат (номи шундан олинган); тиш эмали ва илдизи бўлмайди; тиши доимо ўсиб туради. Курак ва йирткич тишлари ривожланмаган. Н.га фақат 1 тур — Африка найтишлиси (*Orycteropus afer*) қиради. Аф-риқанинг Сахрои Кабирдан жануброқда жойлашган барча ҳудудларида тарқалган. Тунда фаол ҳаёт кечиради. Уз. 3 м гача ин қазиб, 1 йилда 1 бола туғади. Асосан, термитлар ва чумолилар б-н озикланади. Териси ва гўшти учун овланади. Кўпчилик ҳудудларда сони кес-кин камайиб бормоқда.

**НАЙЧА** — 1) чакка (соч)га тақиладиган аёллар тақинчоғи; босма усулида гуллар б-н безатилган юпка металл япроқча ўрами (най шакли) дан иборат; ўрта қисмига феруза кўзли йирик думалоқ мунчоқ ўрнатилган, Н.нинг 2 чети феруза кўзлар қатори б-н

хошияланган; атрофи ва ўртасидан шокила (маржон, япрокча, баъзан танга)лар осилган. Н.дан чаккадаги соч толаларини кистириб қўйиш учун фойдаланилади; 2) заргарликда соч-попукка. тақиладиган кумушдан ясалган найсимон бўлак; Н. юзаси босма ислимий нақшлар б-н безатилган, юқори қисми куббали, кубба атрофи эмаль ёки феруза кўзлар б-н ўралган; қуйи қисми кенгайиб бориб 4 та бўлак (паррак)га ажралади. Н. орасидан ўрилган (эшилган) қора иплар (соч) тутами ўтказилади; 3) чакка ва бошга тақиладиган тақинчоқларнинг пат, уқпар ўрнатиш учун қилинган қисмлари ҳам Н. деб аталади.

**НАЛБАНДЯН** Микаэл Лазаревич [1829.2(14). 11, Ростов-Дон тумани — 1866.31.3.(12.4), Камишин ш.] — арман ёзувчиси, файласуф. Янги арман адабий тилининг асосчиларидан бири. 1855—58 й.лар Москва ун-тининг тиббиёт ф-тида таҳсил олган, сўнг шу ерда арман тилида нашр этиладиган «Юсисапайл» («Шимол ёдуси») жур.да ишлаган (1858—60). «Колокол» ва «Современник» жур.ларининг таъсирида инқилобий демократизм томонига ўтган. Н. 1860—62 й.ларда Туркия, Ҳиндистон ва Ғарбий Европа мамлакатларига саёҳати давомида А. И. Герцен ва Н. П. Огарёвлар б-н танишган. Кейинроқ «Мегу» («Асалари») жур. қошида яширин инқилобий ташкилот тузган, жамиятни кескин танқид этувчи асарлари учун камоққа олинган ва кейинчалик сургунда вафот этган. Н. фалсафа, иқтисод, пед., тилшунослик б-н шуғулланган, Фейербах ва Чернишевский фикрларини ривожлантирган. Н. фалсафаси арман халқи ижтимоий тафаккури ривожига муҳим босқич ҳисобланади. Асосий публицистик асари «Дех-қончилик ҳақ йўл» (1862). «Бировга сўз, бошқага келин» (1858), «Қундалик» (1858—60) романлари б-н арман танқидий реализмига асос солган. Адабий-эстетик қарашлари «Арман ёзуви ҳақида сўз» (1854—55), «Танқид» (1858)

асарларида ўз ифодасини топган.

**НАЛИВКИН** Владимир Петрович (1852.15.7, Калуга - 1918.20.1, Тошкент) — тарихчи, шарқшунос, лингвист ва педагог. 1873 й. артиллерия билим юртини тугатгач, Туркистонда хизмат қилган, Хива ва Қўқон юришларида қатнашган. Қисқа муддат Наманганда ҳарбий бошлиқнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ерли аҳолининг тили, турмуши ва урф-одатларини яқиндан ўрганиш учун Нанай қишлоғидан ер сотиб олиб, оиласи б-н шу ерда бир неча йил яшаган. Ўзбек, тожик, араб тилларини пухта ўрганган. Н. Туркистон ўлкасида очилган биринчи рус-тузем мактабининг дастлабки ўқитувчиларидан бўлган, Тошкент ўқитувчилар семинариясида маҳаллий тиллардан дарс берган (1890 й.гача). 1890—95 й.ларда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд губернаторининг ёрдамчиси бўлган. II Давлат думасининг депутатлигига сайланган. 1917 й.да Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитасига раислик қилган, меньшевикларни ёклаган. У Туркистон ўлкасининг тарихи, этнографияси, ислом мадания-ятига доир кўплаб асарлар ёзган, ўзбек («сарт»), форс тиллари бўйича қўллан-малар яратган, «сартча» (ўзб.)-русча, русча-«сартча» (ўзб.), русча-форсча луғатлар тузган. Акад. В. В. Бартольднинг таърифича, Н. «руслар орасида ўзбек тили ва турмушини энг яхши билган» олим эди. Унинг хотини М. В. Наливкина б-н бирга ёзилган «Фарғонадаги ўтроқ аҳоли аёлларининг турмушига доир очерklar» ҳамда «Қўқон хон-лигининг қисқача тарихи» асарлари шарқшунос олимлар томонидан юқори баҳоланган. Кейинги асар 1899 й.да Парижда француз тилида А.Дозон таржимасида босилган. Большевиклар Таъсис мажлисини тарқатиб юбориб, зўравонлик б-н ҳокимиятни босиб олгандан кейин Н. бўлажак қатагонлар ва ваҳшийликларни олдиндан кўра олган. У 1918 й. 20 янв.да Тошкентда большевиклар тузумига норозилик сифатида хотинининг кабри устида

ўзини отиб ўлдирган.

Ас: Русско-сартовский и сартовско-русский словарь, с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда, сост. В. Наливкин и М. Наливкина, Казань, 1884; Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края, изд., 2, испр, Т., 1986; Сартовская хрестоматия для Туркестанской учительской семинарии, Т., 1896; Руководство к практическому изучению сартовского языка, Самарканд, 1898.

Ортикбой Абдуллаев.

**НАЛИВКИН** Дмитрий Васильевич [1889.13(25).8, Петербург, - 1982.3.3, Санкт-Петербург] — рус геологи ва палеонтологи, акад. (1946), Туркменистон ФА фахрий аъзоси (1951), Мехнат Қахрамони (1963). Илмий ишлари стратиграфия, палеонтология, палеозой палеогеографияси, регионал геол., Урал, Ўрта Осиё, Шаркий Европа платформаси фойдали қазилмаларини излаб топишга бағишланган. Н. — фациялар ҳақидаги таълимотга асос солувчилардан бири. Геологик хариталар тузишда катнашган.

Ас: Очерки геологии Туркестана, М., 1926; Учение о фациях, 3 изд., т. 1—2, М.—Л., 1955—56; Брахиоподы верхнего и среднего девона Туркестана, М.—Л., 1930; Ураганы, бури и смерчи, Л., 1969.

**НАЛЬЧИК** ш. (1921 й.дан) - Кабарда-Балкария пойтахти. Катта Кавказнинг шим. этакларида, Нальчик дарёси бўйида жойлашган. Т.й. станцияси. Аҳолиси 235,7 минг киши (1998). Н. Кабарда-Балкария саноат маҳсулотининг 50%ини беради. Машинасозлик («Севкавэлектрод», «Телемеханика» корхоналари, электровакуум, ярим-ўтказгичли приборлар, станок-созлик ва б. з-длари), рангли металлсозлик, кимё озик-овқат, энгил саноатлари ривожланган. Баланд тоғ геофизика илмий тадқиқот ин-ти, 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, Кабарда-Балкария ун-ти), 2 театр, ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари, филармония

фаолият кўрсатади. Бальнеологик ва тоғ-иклимий курорти бор (Н.дан 3 км нарида, Долинскда 500—550 м баландликда жойлашган). Н. Шим. Кавказдаги туризм ва альпинизм марказларидан бири. Н. 1817— 18 й.ларда русларнинг ҳарбий истехко-ми сифатида вужудга келган.

**НАМ СИҒИМИ**, тупроқ нам сигими — тупроқнинг намни тутиш хусусиятини тавсифловчи катталиқ; тупроқ масса-си ёки курак тупроқ ҳажмига нисбатан фойзлардаги намлик миқдори ёки сув қатламининг мм лардаги баландлигида ифодаланади. Туп-роқнинг гранулометриқ таркиби ва тузилишига, ундаги гумус таркибига боғлиқ. Н.с.нинг асосий турлари тўла Н.с. (тупроқнинг барча говақлари сув б-н тўлганда) тупроқ сингдира оладиган сув миқдори; капилляр Н.с.— грунт сувлари сатҳи устидаги тупроқ қатлами сув ва тупроқ зарралари ўртасидаги молекуляр тортишиш кучлари таъсирида тутиб турадиган энг кўп сув миқдори. Меъёрий (чегарадаги) дала Н.с. (барча гравитацион сув оқиб кетгандан сўнг тупроқ тутиб қоладиган сув миқдори, ўсимликлар учун асосий намлик манбаи). Меъёрий дала ва капилляр Н.с. қ.х. экинлари оптимал суғориш режимини ҳамда мелиорация учун зарур сув нормаларини ҳисоблаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Меъёрий дала Н.с. 1 м калинликдаги гилли тупроқ учун, одатда, тупроқ массасига нисбатан 25%, оғир ўртача кумокликда 19%, энгил кумокликда 16%, кумлоқда 13% ва кумликда 10% атрофида бўлади (яна қ. Ўсимликнинг сув режими).

Собиржон Азимбоев.

**НАМ ТЎПЛАШ** — қор ва ёмғир сувларини тўплаш, оқиб кетишига йўл қўймаслик йўли б-н тупроқца нам йиғишга қаратилган агротехникавий тадбир. Тупроқнинг 1,5—2 м қатламида экинлар келгуси йил баҳорда ёки ёзнинг бошланишида фойдаланиши мумкин бўлган сув захирасини яратиш учун

ўтказилади. Н.т. намгарчилик етишмай-диган ва ўзгариб турадиган минтақаларда муҳим аҳамиятга эга. Ўрта Осиё худудида Н. т., асосан, тоғ олди р-нларда олиб борилади. Н.т. бошқа агротехникавий тадбирлар (эрта шудгорлаш, кузги ёки қишки сув бериш ва ҳ.к.) б-н қўшиб олиб борилганда яхши самара беради. Н.т. га куздан ҳрзирлик кўрилади, жойнинг рельефи, тупроқ ҳолати ва ҳ.к.ни ҳисобга олган ҳолда олдиндан тайёрланган технология ха-ритасига мувофиқ олиб борилади.

**НАМАҚОБ СУВЛАР** — 1) лиман, шўр қўллар, сунъий ҳавзалар, шунингдек, ер ости сувларининг юқори даражада минераллашган табиий сувлари. Улар ер ости гидросферасида кенг тарқалган. Н.с. ҳароратига қараб совук ( $20^{\circ}$  дан паст); илик ( $20—35^{\circ}$ ), иссиқ ( $35—42^{\circ}$ ) ва жуда иссиқ сувларга бўлинади (қ. Ер ости намақоблари).

**НАМАНГАН** — Наманган вилоятидаги шаҳар. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Аҳоли сони бўйича Фарғона водийсида олдинги ўринда. Ўзбекистоннинг йирик индустриал шаҳарларидан бири. Фарғона водийсининг шим.да, Шим. Фарғона канали б-н Намангансой кесишган ерда, 450 м баландликда жойлашган. Майд. 83,3 км<sup>2</sup>. Июлнинг ўртacha т-раси  $26,3^{\circ}$ , янв. ники  $-2,3^{\circ}$ . Аҳолиси 395,8 минг киши (2003).

Фарғона водийсининг қад. пойтахти Ахсикент (Ахсикент) 1620 й.даги қаттиқ зилзила натижасида вайрон бўлганлиги сабабли, унинг аҳолиси ҳоз. Наманган ш. худудига кўчиб ўтган. Н. туз кони («Намак кон») яқинида вужудга келган бўлиб, шаҳар номи ўрта асрларга оид тарихий қужжатларда биринчи марта тилга олинади. Заҳириддин Бобур ўзининг «Бобурнома» (16-а.) асарида Н. қишлоғи ҳақида гапириб ўтган. В. П. Наливкиннинг («Қўқон хонлигининг қисқача тарихи», Қозон, 1886) ёзишича, Н. 1643 й.га ман-

суб вакф хужжатларида учрайди. 18-а.да Н. Қўқон хонлигига тобе бўлган. Бирок вилоятни бошқарувчи бек қароргоҳи сифатида ўз аҳамиятини саклаб қолган. У фақат шаҳар аҳолисигина эмас, балки атрофдаги туманлар аҳолисига ҳам хизмат қилувчи хунарман-дчилик маркази бўлган. Дехқонлар Н. бозорларида ип ва газламалар, мис идишлар, заргарлик буюмлари ва меҳнат қуроолларини сотиб олишган. Шаҳарда меъморлик сезиларли даражада тараққий этган.

Хўжа Амин мақбараси (17-а.), Мулла Қирғиз мадрасаси (1911-12) ва Ота Валихон тўра масжиди (20-а.) каби меъморий ёдгорликлари ҳозир ҳам мавжуд. 1817—22 й.ларда Н. аҳолиси кучи б-н катта Янгиариқ канали қазилиб, сув таъминоти яхшиланди. 1842—45 й.ларда шаҳар баланд девор б-н ўраб олинган. 1813—14 й.ларда Н.га келган рус офицери Ф. Назаров бу ерда шаҳар ҳокимининг девор б-н ўралган саройида анча катта гарнизон борлигини аниқлаган. Қўқон хонлиги ҳукмронлигининг сўнгги кунларигача Н. бек қароргоҳи бўлиб келди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона маъмурий вилояти тузилгач, Н. унинг уезд шаҳарларидан бирига айланди. 1894—95 й.ларда уезд муассасалари учун давлат бинолари қуридди. 20-а.нинг бошларида Н. Ўрта Осиёнинг «эски» ва «янги» қисмлардан иборат типик шаҳрига айланди. 1912 й.да шаҳарга Қўқон томонидан т.й. ўтказилди. 1914 й. 3-длар сони 17 тага етди. Бундан ташқари, 2 ёғ 3-ди ҳам қурилди. Шаҳардаги ҳар минг кишидан 22 таси саноат ишчиси бўлган. 1916 й.да Н.да Николай II нинг мардикорликка олиши ҳақидаги фармонига қарши меҳнатқашларнинг чиқиши бўлди (қ. Мардикорлик). Большевикларнинг босқинчилик уруши даврида Н.даги корхоналарнинг қарийб 80%ида иш тўхтаб қолди. Урушдан кейин саноат корхоналари тикланиб, ривожлана бошлади. Мотор таъмирлаш, сут-ёғ, консерва, ғишт, пахта тозалаш 3-длари, нон к-ти, электр ст-яси ва бир қанча майда маҳаллий

саноат корхоналари ишга туширилди. Вилоятда пахтачилик, пиллачилик ва қ.х.нинг бошқа тармоқлари ривожланиши шаҳарда кенг истеъмол буюмлари ва озик-ов-қат маҳсулотлари саноатининг ривожланишига сабаб бўлди. Шу даврда шаҳарда 3 электр ст-я, вино ва пиво з-длари, йигирув-тўқув ф-каси, таъмирлаш-механика устахонаси қурилди. Саноатнинг ялпи маҳсулоти йилдан-йилга ортиб борди. 2-жаҳон уруши йилларида шаҳарда пойабзал ф-каси, тикувчилик корхонаси, гўшт к-ти, маҳаллий ва кооператив саноат корхоналари ишга туширилди. Урушдан кейин енгил, озик-овқат, оғир, кимё, металлсозлик, электротехника ва қурилиш саноатлари ривожланди. Шаҳарни электр энергия б-н тўла таъминлаш мақсадида 1946 й. Намангансойда 2-ГЭС қурилди. 1949 й.да марказий экскаватор ст-яси ташкил этилиб, бу ерда турли хил экскаватор, скрепер, бульдозер каби қ.х. машиналари таъмирланди. Ўрта Осиёда ягона электротехника з-ди (саноатда ва рўзғорда ишлатиладиган) электр иситкич асбоблари ишлаб чиқара бошлади.

Н. республиканинг енгил ва озик-овқат саноатлари марказларидан бирига айланди. Бу ерда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотларининг 15%ини ишлаб чиқарувчи йирик тўқи-мачилик корхоналари қурилди.

Шаҳарда 36 қўшма корхона мавжуд. Шулардан, Ўзбекистон—Япония «Силк Род», Ўзбекистон—Швейцария «Нестле», Ўзбекистон — Туркия «Аснам-Текстиль» ва б. қўшма корхоналарнинг хиссаси салмоқлидир. «Атлас», «Нотўқимачи», «Намангангўштсутсаноат», «Наманганэкстрактё», «Наманган-мебель», «Намангандонмаҳсулот», «Мехмаш», «Карбонам», корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарда 400 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари бор. Мустақиллик йилларида шаҳар бутунлай ўзгариб кетди. Илгариги тор кўчалар ўрнида кенг ва раван йўллар бунёд этилди. «Бобуршоҳ», «Дўстлик»,

«Марғилон», «Оромгоҳ», «Уйчи» кўчалари тубдан қайта таъмирланди. Н. азалдан ўзининг хунармандчилиги б-н ном қозонган. Шаҳарнинг турли бурчакларида кичик бозорчалар бўлиб, хунармандлар, савдогарлар, дехқонлар ўз маҳсулотларини ана шу бозорчаларда сотишган. Кейинги 10 й. ичида бу бозорлар ўрнида «Чорсу», «Дўстлик», «Тахтакўприк», «Шоҳбекат», «Жаҳон» сингари замонавий бозорлар қад кўтарди. Шаҳар марказида Амир Темур, Бобур хиёбонлари, «Гинчлик» майдони, Машраб номидаги боғ бунёд этилди. Бобур боғи худудида «Хотира» майдони барпо қилинди. Бобуршоҳ кўчасида академик лицейнинг ўқув биноси ва ётоқхонаси, Дўстлик кўчасида транспорт-алоқа коллежининг биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Санъат, маданият, тиббиёт, саноат коллежларининг бинолари тубдан қайта таъмирланди ва жиҳрзланди. Шаҳар марказида тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, эндокринология, «Она ва бола» марказлари, кўпгина маҳаллаларда амбулаториялар ишга туширилди. Аксарият маҳаллаларда гузарлар қурилди. Шаҳарда 21 автотранспорт ва 7 алоқа корхонаси, 48 йирик қурилиш корхоналари мавжуд. Транспорт воситалари қатнайдиган кўчаларининг уз. 1010 км. Троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Аэропорт бор. Вилоят туманларига автобуслар қатнайди. Шаҳарга «Ўздунробита», «Камалак — ТВ» ва «ДЭУ Юнител» қўшма корхоналари хизмат курсатмоқда. Н.да 38 йирик савдо корхонаси ва кўпгина савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Н. республиканинг фан ва маданият марказларидан бири. Шаҳарда ун-т, 2 ин-т, 10 коллеж, 2 касб-хунар мактаби, 2 академик лицей, иктисодиёт лицейи, 51 умумий таълим мактаби, 53 мактабгача тарбия муассасаси бор. 2002/2003 ўқув йилида ун-т ва ин-тларда 11129, ўрта махсус ўқув юртларида 10630 талаба, касб-хунар мактабларида 498, лицейларда 1608, умумий таълим мактабларида 76801 ўқувчи

таълим олди. Шаҳарда 2 театр, болалар кўғирчоқ театри, 27 жамоат кутубхонаси, 5 клуб, 4 маданият ва истироҳат боғи, 2 маданият саройи, 6 маданият уйи, 5 музей, 2 болалар мусика мактаби мавжуд (2003). 5 спорт мактаби, бир канча стадион ва сузиш ҳавзалари, «Пахлавон», «Динамо» спорт мажмуалари, «Дўстлик» теннис майдонлари, отчопар бор. 67 касалхона, 2 туғруқхона, 15 поликлиника, 6 аёллар консултацияси, тиббий диспансер, 4 шаҳар врачлик пункти, санаторий-профилакторийлар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Муродулла Ҳайдаров.

**НАМАНГАН АДИРЛАРИ** - Наманган вилоятидаги адирлар. Наманган шаҳридан шим.да, жан.-ғарбий йўналишда жойлашган. Уз. 35—40 км, эни 8—10 км. Адирлар плиоцен — қуйи тўртламчи даврнинг қўнғир алевролитларидан тузилган, уларга кичик қатлам холда гравелит ва конгломератлар аралашган. Н.а. меридианал йўналишда оқадиган сой (Чортоқсой, Почтаотасой, Наманган-сой, Косонсой ва б.)лар ўзани б-н бўлинган. Чеккалари атрофидаги текисликларга секин-аста қўшилиб кетган. Бир оз тикроқ ён бағирларида туб жинслар юзаси очилиб қолган. Тупроқлари ювилган, дағал скелетли, юпқароқ, гумус миқдори 0,5—1,0%. Оддий бўз тупроқларда ранг, қўнғирбош, эфемероидлар кенг тарқалган. Яйлов чорвачилигида фойдаланилади. Кейинги вақтларда адирли ерлар ўзлаштирилиши муносабати б-н тупроқларнинг шўрланиши, эрозия, ён бағирларининг ўпирилиши каби жараёнларнинг ривожланиши кузатилмоқда.

**НАМАНГАН «АСНАМ ТЕКСТИЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ** - Ўзбекистон — Туркия қўшма тўқимачилик корхонаси. Масьулияти чекланган жамият мақомига эга. Таъсисчилари: «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Енгилсаноатинвестхотамшэ» акциядорлик жамияти ва Туркиянинг «Астоп» фирма-

си. Корхона қурилиши 1992 й. июлида имзоланган шартномага асосан бошланиб, 1994—2001 й.ларда қурилди ва и.ч. қувватларидан фойдаланиш 2001 й. апр. дан бошланди.

Низом жамғармаси 6,99 млн. АҚШ доллари. Шундан Ўзбекистон томини-нинг улуши 42% (2,93 млн. доллар), хо-рижий ҳамкорлар улуши 58% (4,06 млн. доллар). Н. «А.Т.» Қ.К.нинг йиллик лойиҳа қуввати 3600 т пахта калава ип и.ч. Корхона пахта толасидан тайёр газламалар, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Йигирув, тўқув, пар-дозлаш мажмуасига эга.

**НАМАНГАН «АТЛАС» АКЦИЯ-ДОРЛИК ЖАМИЯТИ** - Ўзбекистондаги йирик тўқимачилик корхонаси. «Ўзбек ипаги» уюшмасининг «Шойи» акциядорлик компанияси таркибида. Корхона, асосан, табиий ипак, соф ипакдан тайёрланган миллий хонатлас, тандаси соф ипак ва аркоғи пахта ипли адрас ва беқасам газламалари ҳамда соф ипакдан қадимги миниатюралар тасвирлари б-н гиламлар ишлаб чиқаради. Жамият таркибида пиллакашлик, бўёқчилик, тўқувчилик корхоналари бор.

1925 й.да маҳаллий ҳунарманд, тўқувчи косибларни бирлаштирган «Янги ривожия» артели ташкил этилган. 1962 й.да корхона Наманган шойи тўқиш ф-касига айлантирилди. 1971 й.да Наманган абрли шойи тўқимачилик к-ти, 1994 й.дан ҳоз. номда. 1973 й.ларда 202 т ипак ишлаб чиқарадиган пиллакашлик корхонаси, 1976—80 й.да 7,2 млн. м миллий газлама и.ч. қувватига эга бўлган бўёқчилик ва тўқувчилик корхоналари ишга туширилди. 1994 й.да к-т давлат тасарруфидан чиқарилди ва акциядорлик жамиятига айлантирилди.

1998 й.да пиллани қайта ишлаш жараёнида чиққан чиқиндилардан ипак тайёрлашга ихтисослашган «Силк Род» Ўзбекистон—Япония қўшма корхонаси ишга туширилди. 2002 й.да пахта ипи ишлаб чиқарадиган «Чанна-Текс»

Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси куриб битказилди. 2003 й.да эса Жанубий Кореянинг «Ай-Ди-Зи» корпорациясининг замонавий пиллакашлик автоматлари ўрнатилиб, корхона қувватлари оширилди. Мах-сулотлари хорижга экспорт қилинади.

Корхонада 1,6 млн. м тайёр газлама (шундан 956 минг м ипак газлама, 645 минг м ип газлама), 65 т табиий ипак тайёрланди (2002). Корхонада 3000 га яқин ишчимухандис ходимлар ишлайди.

### **НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ**

- маданий-маърифий муассаса. Наманган ш.да жойлашган. 1920 й.да ўлкани ўрганиш мақсадида ташкил этилган. Дастлаб (ша-ҳар тарихига оид ашёлар намойиш қилинган) «Халқлар музейи» сифатида фаолият кўрсатган. 1941 й.дан ҳрзирги мақомига эга. Музейнинг табиат, тарих, санъат, маънавият ва ус-лубият, адабиёт ва кўлёмалар ҳамда хазина бўлимлари бор. Музейда ўлка табиати, моддий маънавий маданияти тарихини ўзида акс эттирган 60 мингдан зиёд экспонатлар (жумладан, археологик топилмалар, амалий санъат намуналари, санъат асарлари ва б.) мавжуд. Музей таркибига «Хотира ва кадрлаш уйи», Бобораҳим Машраб уй-музейи, вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги бошқа жамоатчилик музейлари кирган. Музейнинг асосий биноси 1986 й.да замонавий лойиҳа асосида қурилган.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** - ЎзР таркибидаги вилоят. 1941 й. 11 мартда ташкил этилган (1960 й. 25 янв.да Андижон ва Фарғона вилоятлари таркибига қўшиб юборилган. 1967 й. 18 дек.да қайта ташкил этилди). Н.в. республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг шим.-ғарбий қисмида, Тяньшан тоғ тизмаси тармоқлари — Курама ва Чатқол тоғларининг ён бағрида жойлашган. Шим. ва шим.-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, жан.-шарқдан Андижон, жан.дан

Фарғона, шим. ва шим.-ғарбдан Тошкент вилояти ва Тожикистоннинг Суғд вилояти б-н чегарадош. Майд. 7,44 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1982,7 минг киши (2002). Н.в.да 11 кишлоқ тумани (Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуёт, Янгикўрғон), 8 шаҳар (Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуёт, Ҳаққулбод), 11 шаҳарча (Жомашўй, Тошбулоқ, Навбахор, Олтинкон, Уйғурсой, Чоркесар, Халқобод, Уйчи, Ўнҳаят, Янгикўрғон, Оқтош), 99 кишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Наманган ш.

Табиати. Вилоят қудудининг асосий қисми Сирдарёнинг ўнг соҳилида, кенг Фарғона водийсида жойлашган. Ер юзаси, асосан, текислик бўлиб, шим.да қатор тепаликлар ва Чатқол ҳамда Курама тоғлари б-н ўралган. Баландлиги 350—800 м. Тоғ ва адирлар, тор водийлар, воҳалар тўртламчи геологик даврнинг катта-кичик дарёлари ва ирмоқларнинг фаолиятидан ҳосил бўлган. Вилоят худуди геологик фаол зонада жойлашган ва 8 баллгача-зилзилалар бўлиб туради. Кенг майдонни эгаллаб ётган ва деҳқончилик объекти бўлган Қорақалпоқ чўли неоген даврида пайдо бўлган. Фойдали қазилмалардан Чодак олтин кони, тоғ кварци, сур-ма, мис, нефть, гипс, оҳақтош ва б. қурилиш материаллари, шифобахш минерал сувлар (Чортоқда) топилган. Чуёт-Поп ер ости сувининг иссиқлиги 50° (1300 м дан чиқади). Сув таркибида йод ва бром бор. Чодақсойдан (450 м чуқурликдан) 23° иссиқликдаги во-дород-сульфидли сув чиқади. Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғон сувлари ўзининг минералланиш даражаси ва характери бўйича машҳур Мацеста, Чакрак, Тал сувларидан қолишмайди. Ер ости сувлари тоғ, адир, тоғ олди ботикларида ва ёйилмаларда йирик тошли, шағалли ва қумли қатламларда жойлашган. Сирдарёга яқин зоналарда ер ости (сизот) сувлари мавжуд. Икли-ми кескин континентал. Ёзи узок,, иссиқ,



қиши қисқа, нисбатан совуқ. Йиллик ўртача т-ра 13°. Янв.да т-ра —25° гача пасаяди, июнда 35—45° га етади. Вегетация даври 229 кун. Вилюятнинг турли қисмларида ёгин миқдори турлича. Наманганда ўртача йиллик ёгин миқ-дори 230 мм, ғарбида 90—190 мм, шар-кий туманларида 300—400 мм, тоғ этакларида 600 мм. Ёгиннинг энг кўп қисми баҳор ва кузда ёғади. Дарёлари ёгиндан, тоғлардаги қор ва музликлардан сув олади. Н.в.да 16 даре ва сой, кўплаб мавсумий сойлар мавжуд. Энг кагта да-реси — Сирдарё. У Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин ва Сирдарёга Чатқол тоғларидан оқиб тушадиган Поччаотасой, Чортоқсой, Чустсой, Олмоссой, Чодақсой, Ғовасой, Косонсой, Намангансой каби серсув тоғ дарёлари куйилади. Косонсой, Чортоқ, Эскиер сув омборлари, Охунбобоев, Шим. Фарғона, Катта Наманган каналлари қурилган. Баҳор ва ёз бошларида содир бўладиган сел ҳоди-саларидан сақланиш учун сел омборлари барпо қилинган. Тупроқлари про-лювиал, ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ, оч тусли бўз, айрим жойларда шўрхоқ, оч тусли қўнғир, жигарранг. Адирлар кум-тош, мергель, лёсс ва чағиртошлар б-н қопланган. Баҳорда эфемер ўсимликлар ўсади, чорва моллари боқилади. Текислик қисмларида бўз, қўнғир тупроқлар, қадимдан дехқончилик қилиб келинганидан табиий ҳолати ўзгарган ва унумдорлиги оширилган. Косонсойда типик ва қорамтир бўз тупроқ, Наманган, Уч-қўрғон, Чуст туманларида оч бўз тупроқ тарқалган. Текислик қисмининг экин экилмайдиган ерларида шўра, шувок, лаола, оғулоқ, Сирдарё бўйларида бета-га, астрагал ва б. ўсади. Тоғларда арча-зорлар, ёввойи олча, олма ва ёнғоқзорлар учрайди. Тоғларнинг баланд қисми субальп ўтлоқлари — ёзги яйловлардан иборат. Н.в.да деярли ўрмон йўқ. Наманган мевали ўрмон қўчатзори ва Наманган ўрмон қўчатзори мавжуд. Чўл ва адирлар ўзлаштирилиб юборилгандан бўри, тулки, қобон, юмронқозиқ кам учрайди.

Тоғларда тоғ такаси, суғур бор. Адирларда каламуш, дала сичко-ни, эркемар, типратикан, чўл тошба-қаси, турли хил илон ва калтақасак кўп. Қушлардан бургут, қалқик ва б. бор. Қо-рабовур, ёввойи ўрдақ ва б. овланади. Даре, сой ва б. сув ҳавзаларида ҳар хил балиқ яшайди, ондатра кенг тарқалган. Поччаотасой, Ғовасойда қундуз ҳам учрайди. Н.в. худудининг интенсив ўзлаштирилиши оқибатида судралиб юрувчилар, қушлар, суг эмизувчилар, балиқларнинг кўп турлари қама-йиб бормоқда.

Аҳолининг асосий қисмини узбеклар (87,8%) ташкил этади, шунингдек, тожик (9,0%), киргиз (1,0%), рус (0,8%), татар, украин, озарбайжон, яҳудий, белорус, арман, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам (жами 89 миллат) яшайди. Аҳоли зичлиги ўртача 1 км<sup>2</sup> га 266 киши. Қишлоқ аҳолиси 1238,9 минг киши, шаҳарликлар 743,8 минг киши (2002).

Хўжалиги. Н.в. республика и.ч. ва маданий тараққиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Вилюят саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалаш, озик-овқат саноатлари. Н.в.да 170 дан зиёд саноат корхоналари мавжуд. Энг йирик саноат корхоналаридан — машинасозлик, автомобилларни тузатиш, ғишт, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, озик-овқат (вино з-ди, пиво к-ти, «Наманган салқин ичимликлари», «Роҳат», «Наманганконсерва», «Ширинлик», «Косонсойконсерва» корхоналари), кимё, «Электротерм» и.ч. бирлашмасининг етакчи корхонаси, ипак газламалар к-ти, бадий буюмлар ф-қаси ва х.к. 3402 ки-чик, 249 ширкат, 76 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулар орасида: «Наврўз» Ўзбекистон—Канада, «Шоҳи Сўзана», «Нестле-Ўзбекистон», «Шамс ЛТД», «Нур», «Оҳангар», «Чуст пичоғи», «Наманганшина», «Косонсой-Текмен», «Попфен», «Силк-Роад», «Касмир Дери», «Наманганқоғоз», «Янис IV», Узбекистон—Россия «Кем-тош», «Шифо» корхоналари, Ўзбекистон—Хитой «Чан-

на-Текстиль» қўшма корхонаси, Ўзбекистан—Туркия «Ко-сонсойтекстиль» ва б. бор.

Қишлоқ хўжалиги. Вилоят қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Н.в. мамлакатда етиштирилаётган пахта-танинг 8—9% ини беради. Ғаллакорлик, полизчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, ипакчилик ва чорвачилик ривожланган. Текисликдаги суғориладиган ту-манларда чорвачилик, асосан, кора-мол, тоғ олдиларидаги табиий ўтлоқларда қўй ва эчки (жумладан, майин жунли) боқилади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерлар майдони 548,1 минг га, шундан ҳайдаладиган ерлар 219,8 минг га, яйловлар 287,9 минг га, боғ ва кўп йиллик дарахтзорлар 31,2 минг га, тоқзорлар 8,7 минг га ни ташкил қилади. Дон экинлари 80,4 минг га, пахта 109,5 минг га, картошка 1,3 минг га, сабзавот 3,5 минг га, полиз экинлари 1 минг га, озука экинлари 14,4 минг га майдонни эгаллайди, 7760 га ўрмонзор, 3 минг га тутзор бор (2001). Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 4 минг км коллектор дренаж тар-моқлари қурилган. Вилоятнинг ҳамма туманларида суғориладиган майдоннинг асосий қисмида пахта ва дон экинлари экилади. Н.в.да 134 ширкат хўжалиги, 94,8 минг дехдон хўжалиги, 3,5 минг фермер хўжалиги бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларда 667,1 минг қорамол (шундан 261,4 минги сизир), 899,3 минг қўй ва эчки, 5,8 минг от мавжуд, пар-рандачилик б-н қам шуғулланилади.

Транспорти. Т.й.ларнинг уз. 138 км. Автомобиль йўллари уз. 1,7 минг км (шу жумладан, қаттиққопламалиси 1,6 минг км). Троллейбус линияси уз. 80 км. Наманган б-н Тўрақўрғон ш.лари ораллигида ҳам троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Андижон—Қўқон, Наманган—Учқўрғон ўртасида поездлар қатнайди. Наманган—Тошкент, Наманган—Марғилон—Фарғона, Наманган—Андижон, Наманган—Қўқон—Самарқанд йўналишида автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Фарғона водийсини республика пойтахти

б-н боғловчи Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Камчик довонида уз. 358 ва 891 м дан иборат бўлган иккита тоннель қурилиб фойдаланишга топширилди. Н.в. хаво транспортининг ривожланиши 1941 й.да аэродром қуриш б-н бошланди. 1984 й.да замонавий хаво лайнерларига хизмат қилувчи учиш ва қўниш майдони ишга туширилди. Ўрта Осиё давлатларидаги шаҳарлар, шунингдек, РФнинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Уфа, Симферополь, Новосибирск, Магадан, Норильск, Якутск, Красноярск, Мирний каби шаҳарлари ва Украина пойтахти Киев ш. б-н мунтазам алоқа йўлга қўйилди.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. 2000/2001 ўқув йилида вилотда 671 умумий таълим мактаби (493,4 минг ўқувчи), 19 та лицей, 6 махсус мактаб-интернат, 2 та академик лицей (1350 ўқувчи), 43 касб-хунар коллежи (31 мингга яқин ўқувчи) фаолият кўрсатди.

Вилоятдаги 3 та олий ўқув юрти (Наманган ун-ти, Наманган мухандислик-педагогика ва Наманган мухандислик-иктисодиёт ин-глари)да 11 мингдан зиёд талаба таълим олди (2001). 1999—2001 й.лар мобайнида барча қулайликларга эга бўлган жами 28 касб-хунар коллежи (18 минг 875 ўқувчига мўлжалланган), ҳамда 2 академик лицей (1500 ўрин) бунёд этилди. Улар замонавий ўқув қуруллари ва техника б-н жиҳозланди. Вилоят ўқувчилари Республика микёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида мунтазам қатнашмоқдалар. Халқаро АКСЕЛС танловида ғолиб чиқиб хорижий давлатларда таҳсил олиб қайтаётган ўқувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. АҚШнинг ўқувчилар ўртасида ўтказилган АКСЕЛС танловида Н.в.дан 40 ўқувчи иштирок этди. Вилоятда 2 та (Наманган ўлкашу-нослик ва Поп археологик) музей, 1 марказий, 409 жамоат кутубхонаси (1 млн. нусхадан ортиқ асар), 162 маданият уйи, 8 маданият ва истироҳат боғи, 5 театр (шу жумладан, Алишер Навоий номидаги вилот мусикали драма

теат-ри) бор. Вилоят театр сахналарида Ўзбе-кистон халқ артистлари Р. Ҳамроев, М. Азизова, С Раҳмонов, М. Мансуров, М. Убайдуллаев, Х. Охунова, Ў. Нуралиев, К. Раҳимовлар; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: М. Дадабоев, А. Рахимов, А. Тожибоева, М. Исомидинов, Т. Сайдуллаевлар самарали ижод қилдилар (2001 й. да театр биноси реконструкция қилинди).

Халқ ҳунармандчилиги айниқса, Наманган ва Чуст ш.ларида қадимдан ривожланган. Чустда пичок, идиш-товок, қ.х. қуроллари ишлаб чиқарилади, дўппидўзлик, каштачилик б-н шуғулланилади, халатлар учун бекасам ва атлас газламалар тў-қилади. Чуст бадий буюмлар ф-каси бор.

Соғлиқни сақлаш. Н.в. да 11 650 ўринли 115 касалхона, 250 дан ортиқ дори-хона, Республика шоши-линч тиббий ёрдам марказининг фи-лиали, кунига 30 минг беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган 256 амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турибди. Н.в.да ўтган 10 йил мобайнида 104 кишлоқ шифокорлик пунктлари барпо этилди, 41 кишлоқ шифокорлик амбулатория-си ва фельдшер-акушерлик пунктлари кишлоқ шифокорлик пунктларига айлантирилди. Шу даврда 1505 ўринли касалхона, бир сменада 43,7 минг беморни қабул қилувчи поликлиникалар қуриб бит-қазилди, шошилинч тиббий ёрдам мар-кази, вилоят кўп тармоқли касалхона-си, вилоят кардиология маркази, ўсма касалликлар, Наманган шаҳар оналар ва болалар физиотерапевтик, юкумли касалликлар касалхоналари фойдаланишга топширилди. Улар замонавий тиббиёт аппаратлари, асбоб-ускуналар б-н жиҳозланди. Наманганда Семашко номидаги республика физиотерапевтик илмий тадқиқот ин-ти, республика акушерлик ва гинекология илмий тадқи-кот ин-ти ҳамда республика Саломатлик ин-тларининг вилоят филиаллари, неврология, эндокринология ва урология марказ-лари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича «Сомом авлод» дастури асосида 2000 й.дан бошлаб «Дельфин», «Виктор» ва б. замонавий аппаратлар б-н жиҳозланган «Она ва бола» скрининг маркази ишлаб турибди. 6 санаторий (жумладан, «Чорток», «Гулшан», «Косонсой»), Кўксарой дам олиш зонаси мавжуд.

Спорт. Вилоятдан спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, сув полоси, чим устида хоккей, мини футбол, кўл тўпи, шахмат турлари бўйича спортчилар мамлакат мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқ-далар. Н.в.да «Навбахрр» марказий ста-диони, шунингдек, 28 стадион, «Пахлавон», «Динамо», «Ал-помош», «Соғлом авлод» спорт мажмуалари, 22 су-зиш ҳавзаси, 54 теннис корти, 1 велотрек, 2 отчопар, 473 спорт зали, 305 отиш тири, 571 баскетбол, 1754 волейбол, 375 кўл тўпи, 422 кичик ва 563 катта футбол майдон ва майдончалари бор. 590 мингдан зиёд киши жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланади. Уларнинг 260 минг нафаридан ортиги ўсмирлар. Наманган довругини оширган ва аънамага айланган «Универсиа-да-2000» тадбири катта умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Шахмат, чарм тўп бўйича Осиё, жаҳон чемпионатлари, саралаш мусобақалари, теннисчиларнинг «Буюк ипак йўли», «Сателлит», «Фьючерс» каби турларининг ўтказилиши Наманганни дунёга яна ҳам кенгроқ танитди. Наманган ш.нинг Давлатобод туманидаги «Навбахор» стадиони, «Дўстлик» теннис мажмуаси, «Ёшлик» сузиш ҳавзаси, Наманган ш.даги «Пахлавон», «Ал-помош», «Динамо» спорт мажмуалари, Тўрақўрғон туманидаги «Кураш» мажмуаси каби спорт иншоотларида халқаро мавқедаги спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Н.в.да 15 халқаро тоифадаги спорт устаси, 900 дан ор-тиқ спорт уста-си, 2400 спорт усталигига номзод, 5000 дан зиёд 1-тоифадаги спортчи тайёрланди. Вилоятнинг 200 дан ортиқ спортчи-си Ўзбекистон миллий терма жамоала-

ри аъзоларидир. Н.в.дан 2000 й.да бокс бўйича республика чемпиони, стол теннис, шахмат ва б. спорт турлари бўйича халқаро мусобақа совриндорлари етишиб чикди. Наманганда ўтказилган 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида белбоғли курашчиларнинг 5-Халқаро биринчилигида Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Украина, Белоруссия, Россия, Ҳиндистон ва Туркия спортчилари иштирок этди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида ўқувчиталабалар фаоллиги тобора ошиб бормоқда. 2000 й.ги Универсиадада Н.в. спортчилари биринчи ўринни олишди. 2001 й. «Баркамол авлод» мусобақаларида Фарғонада 2-ўринни, 2002 й. Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида фахрий учинчи уринни эгаллади. «Алпомиш», «Барчиной» тестларига 500 мингга яқин ўқувчи, 30 мингга яқин талаба, ишчихизматчи жалб қилинди. Катталиқда республикада 2-ўринда турган (36 минг ўринлик) «Навбахор» стадиони негизда махсус футбол мактаби, «Олимпия захиралари» спорт мактабида баскетбол, волейбол, қўл тўпи бўйича спортчилар тайёрланмоқда. Наманганда «Гулбахор» аёллар футбол жамоаси фаолияти равақ топяпти. Тошбулоқдик ёш қаратғичи ўқувчи Достон Турғунов АҚШда «Атланта кубоги» соврини мусобақаларида иштирок этиб, биринчиликни қўлга киритиб, олтин медаль б-н қайтди. Стол теннис бўйича Севара Қрдинова 1999 й.да Швецияда ўтган жаҳон ёшлар чем-пионатида жаҳон чемпиони бўлди. Шахмат бўйича Осиё чемпионатида Ольга Сон 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони, ёзги биатлондан Му-ҳаббат Кандакова Европа очиқ чемпионати ғолиби, эркин кураш бўйича Рустам Мамажонов Осиё кубогини, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Саидали Йўлдошев Хитойда ўтган Осиё чемпионати ғолиблигини, бокс бўйича Тўлашбой Дониёров халқаро мусобақалар ғолиблигини, ака-ука Бахтиёр ва

Шухрат Бозоровлар кураш бўйича Ўзбекистоннинг бир неча бор мутлақ ғолиблигини ва халқаро турнирлар ғолиблари унвонини, ака-ука Жўра ва Муталли Мамажоновлар қаратғич бўйича АҚШ ва Венгрияда ўтган халқаро турнирлар ғолиблигини қўлга киритдилар.

Адабиёти. Наманган қадимдан халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларига бой ўлкадир. Шу диёрда яратилган ва кенг тарқалган оғзаки ижод намуналарини халқ кўшиқчилари, эртақчилари хоз. кунгача сақлаб келганлар. Улардан ёзиб олинган кўшиқлар, термалар, асо-тирлар, ривоятлар ва эртақлар бир қанча тўпламларга киритилган. Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Наманган ва б. туманларда халқ дostonчилик мактаблари давом этган. Учқўрғонлик дostonчилардан 20-а.нинг 20-й.ларидаёқ «Ёзи б-н Зебо» дostonи ёзиб олиниб, кейинчалик нашр қилинган.

Ёзма адабиёт Наманганда кўхна асрлардан бошлаб ривожланиб келди. Бу ўлка ўз ижодий услуги, овози ва созига эга бўлган бир қанча истъёдод эгаларининг ватанидир. Қад. Ахсикент ш.да 11 — 12-а.ларда сўз санъатининг бир қанча йирик намояндalари камол топ-дилар. Маркази Ахсикент бўлган Наманган адабий муҳити шаклланиб тараққий эта боради. Абу Рашид-Аҳмад Ахсикатий, Абул Вафо Ахсикатийлар ўз даврининг етук адиб ва олимлари эди. Йирик истъёдод эгаси Асириддин Ахсикатий малик уш-шуаро ва амири шуаро унвонларига сазовор бўлди. Ўзбек мумтоз адабиётининг намояндаси Бобораҳим Машраб шу ўлкада вояга елди. 18-а. охири — 19-а. 1-ярмидаги адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари малик уш-шуаро Фазлий ҳамда Нодир, Ғозий, Мажзуб, Мунший, Мухлис, Махзун ва б. ўзбек адабиёти хазинасига салмоқли хисса қўшдилар. 19-а.нинг 2-ярмида Нодим, Шавқий, Ибрат, Ҳайрат, Хилватий ва б. шоирлардан иборат ижодкорлар гуруҳи Наманганда эътиборли бир адабий муҳитни вужудга келтирди. Бу муҳитда ижодий

камолотга эришган Мухаммадшариф Сўфизода Ўзбекистон сўз санъаткорлари орасида биринчи бўлиб халқ шоири фахрий унвонини олди. Исҳоқхон Ибрат ва Мухаммадшариф Суфизода 20-а. бошларида жадидчилик, миллий уйғониш ҳаракатининг етук ва-киллари сифатида фаолият курсатдилар. Улар уз шеърларида халқни ғафлат ва қолоқликдан чиқариш, миллат онгини уйғотиш учун илм-маърифат зарурлигини ташвиқ қилдилар. Шоир Рафиқ Мўмин 20-а. 20-й. лар шеърлятида эрк ва ҳақиқат куйчиси бўлиб та-нилди. Беназир истеъод эгаси Усмон Носир ўзбек адабиётининг йирик на-мояндаларидан эди. Зафар Диёр болаларнинг севимли шоири булиб қолди. Йулдош Шамшаров, Парда Турсун ўзбек насри таракқиётида уз уринларига эга бўлдилар. Чустий, Шўхий ўз шеърлари б-н эл орасида танилди.

20-а.нинг 2-ярмидаги Наманган адабий муҳити ижодкорларга бой бўлди. Жонрид Абдуллахонов, Турғун Пўлат, Нуриддин Бобоҳўжаев, Хусниддин Шарипов, Ҳабиб Саъдулла, Дадахон Нурий, Эрмухаммад Нурматов, Абдуғани Абдувалиев, Аҳмад Турсун, Зиёвуддин Мансуров ва б. турли жанрдаги асарлари б-н танилдилар. Шоир Ҳабиб Саъдуллага Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилди. Наманган адабий муҳити умумўзбек адабиётининг ажралмас, таркибий қисми сифатида ривож топмокда.

Н.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатмокда.

Матбуот, радио ва телевидение-си. Н.в.да 2 вилоят газ. («Наманган ҳақиқати», «Наманганская правда»), 11 туман газ., шаҳар газ.лари чиқади. Вилоятда, шунингдек, тармоқ газ.лари ва журналлар нашр этилади.

Н.в.да дастлабки радиоэшиттиришлар 1932 й.да бошланган. 1990 й.дан вилоятда телестудия ташкил этилиб телекўрсатувлар берилди бошлади. 2000 й. да янги телемарказ қурилиб фойдаланишга

топширидди. Телемарказ Германия «Си-менс» фирмасининг замонавий телевидео-аппаратураси б-н жиҳозланди.

Меъморлик ва археологик ёдгорликлари. Вилоятда 85 археологик, 15 га яқин меъморий ёдгорлик бўлиб, шулардан кдц. шаҳар ва истехкомлар қолдиқлари: Ахсикент (мил. ав. 3—2-а. лар.), Мунчоктепа (жез даври), Ойритом, Муғтепа (антик давр) ва б.; меъморий ёдгорликлардан: Жоме масжиди (18-а.), Чодак мадраса-масжиди (18-а.), Шайх Исҳоқ Эшон (19-а.), Ота Валихон тўра (20-а.), Ҳаққулобод (1903) масжидлари, Юсупхон Эшон (18-а.), Мавлоно Лутфулло Чустий (1913) меъморий мажмуалари, Ғойиб Назар (1892), Мулла Қирғиз (1911—12) мадрасалари, Хўжа Амин (17-а.), Бой Хамадоний (19-а.), Мавлоно Намангоний (1907) мақбаралари, Юсуфбой Ҳожий уйи (20-а. бошлари) ва б. машхур.

Муродулла Ҳайдаров.

**НАМАНГАН ЗИЛЗИЛАСИ** - Наманганда рўй берган зилзила. 1927 й. 12 авг.да содир бўлган. Зилзила магнитудаси Рихтер шкаласи бўйича М-6, зилзила кучи 12 баллик MSK-64 шкаласи бўйича 8 балл бўлган. Н.з. гипоцентри 14 км чуқурликда, эпицентри эса Фарғона шим.даги флексура-ёрилмасида жойлашган. Зилзила вақтида кўпгина уйлар шикастланган. Ўша йили 19 авг.да зилзиланинг энг кучли афтершоки 7 балл куч б-н такрорланди. Унинг магнитудаси М-5,7, чуқурлиги Н-20 км. Яна бир неча ой давомида зилзиланинг кўплаб афтершоклари рўй берди.

**НАМАНГАН «КАРБОНАМ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** - «Ўзкимёсанот» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги корхона. Асосий и.ч. маҳсулотлари: техник, тозаланган карбоксилметилцеллюлоза, бургилаш реагенти, шунингдек, халқ истеъмоли моллари, гулқоғоз елими ва б. ишлаб чиқаради. Наманган кимё заводи номи б-н 1942 й.да нефтни қайта ишлаш са-

ноати учун карбоксилметилцеллюлоза и.ч. мақсадида ташкил этилган. 1983 й.да 3-дда тозаланган карбоксилметилцеллюлоза и.ч. бўйича янги цех очилди. 1991 й.гачаз-д собиқ Иттифоктар-кибига кирувчи республикаларнинг нефть-газ саноати эҳтиёжларини таъминловчи ушбу турдаги маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси эди. Корхона 1997 й.дан «Карбонам» очик турдаги акциядорлик жамияти. 3-д техник ва тозаланган карбоксилметилцеллюлоза и.ч.га ихтисослашган Марказий Осиёда ягона корхона. Фаргона фуран бирикмалари 3-дида ишлаб чиқариладиган целлюлоза асосий хом ашё ҳисобланади. Корхона маҳсулотларининг 30% ички бозорга, қолган қисми экспортга чиқарилади. Асосий истеъмолчилари — нефтни қайта ишлаш ва лок-бўёқ саноати корхоналари. Н. «К.» А.Ж. йилига 13 минг т техник ва 2,6 минг т тозаланган карбоксил-метилцеллюлоза и.ч. қувватига эга.

**НАМАНГАН «МЕХМАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** — «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибидаги и.ч. корхонаси. Асосан, ностандарт курилмалар, сув қувурлари зулфинлари, махсус технологик ускуналар, к.х. техникаларига эҳтиёт қисмлар, металлконструкциялар ва халқ истеъмол моллари, гилам тўқиш дастгоҳлари, сейфлар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 1974 й.да «Наманган механизация ва автоматлаштириш воситалари машинасозлик заводи» номи б-н ишга туширилган, 1982 й.да илғор технологик ускуналар б-н қайта жиҳозланган корхона қуриб битказилди. 1991й.га қадар харбий саноат ускуналари и.ч.га ихтисослаштирилган. 1995 й. дан ҳоз. номда. Корхонада бир йилда 50 дан ортик турдаги маҳсулотлар тайёрланади.

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ** - муҳандис ва иқтисодчи мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент

тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти Наманган филиали негизида 1992 й. ташкил этилган. Ин-т таркибида 5 ф-т (иктисод, молия, механика, технология ва сиртки) бор. Ин-тда 17 та кафедра, иқтидорли талабалар интернати, лицейи, иқтисодий таълим худудий (регионал) маркази ва унинг қошида ихтисослашган спорт бўлими, илмий ва халқаро алоқалар, маънавият бўлимлари ва иқтидорли талабалар б-н ишлаш, ахборотлар технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази, мультимедиа синфлари, тайёрлов курслари, марказий кутубхона ва шохобча кутубхоналар (80 минг нусха), 4 та илмий лаб., «Лочин» спорт-соғломлаштириш клуби, «Зиё» кичик босмахонаси мавжуд. Ин-тда дарсликлар, рисола ва услубий қўлланмалар чоп этилади.

Ин-тда 9 та йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланади, магистратура ва аспирантура мавжуд. Ин-тда 120 проф., ўқитувчи, жумладан 7 фан д-ри ва проф., 61 фан номзоди, доцентлар ишлайди (2003).

Ин-т 2 мутахассислик (менежмент ва тўқимачилик хом ашёсини дастлабки ишлаш мутахассисликлари) бўйича аспирантура оркали олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди.

Магистратурада узлуксиз таълим тизимининг юқори малакали магистрларини тайёрлаш учун 6 та мутахассислик гуруҳлари ташкил қилинган. Ин-т олимлари Москва тўқимачилик академияси ва Санкт-Петербург технология ва дизайн ин-ти, АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги «Евроазия» жамғармаси ва Халқаро меҳрибонлик корпуси б-н ҳамкорлик қилиб келади. Ин-тда ўтказилган и.т. ишлари натижасида 10 дан ортик ихтиро қилинди ва уларнинг аксарияти и.ч.га жорий этилди. Ин-тда 2002/2003 ўқув йилида 2300 дан ортик талаба таълим олди.

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ** - муҳандис-педагоглар, муҳандислар, иқтисодчипедагог ва иқтисодчилар

тайёрлай-диган олий ўқув юрти. Саноат, транспорт, қурилиш, машинасозлик, озик-овқат ва кимёвий технология, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ахборотлар технологияси, электроэнергетика, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудит қамда молия йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Тошкент политехника ин-тининг Наманган филиали негизда Наманган саноат-технология ин-ти номи б-н ташкил этилган (1991). 1998 й.дан ҳоз. номда. Ин-т касб-хунар коллежлари учун муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Ин-т таркибида 7 ф-т (механика, машинасозлик, технология, қурилиш, информатика, иктисодиёт, малага ошириш), 27 кафедра, тадбиркорлик ва бизнес мактаби, академик лицей, ахборот технологиялари ва масофавий таълим бўлими, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда бир қанча касб ва тил ўргатувчи курслар фаолият кўрсатади. Ин-тда бакалавриятнинг 17 таълим йўналиши ва магистратуранинг 11 мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади.

Ин-т олимлари долзарб йўналишларда, жумладан, озик-овқат ресурсларини ривожлантириш, янги қурилиш материаллари яратиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, халқ хўжалигида куёш энергиясидан фойдаланиш, қ.х. экинлари ҳосилдорлигини ошириш каби мавзуларда назарий ва амалий аҳамиятга молик и.т. ишлари олиб боради. Бир қанча илмий ишлан-малар и.ч. га жорий этилган.

Ин-тда 230 дан ортиқ проф.-ўқитувчи, жумладан, 15 фан д-ри, проф., 110 дан ортиқ фан номзоди, доцентлар ишлайди (2003). Ин-тда аспирантура, магистратура, ўқув-илмий кутубхона (ПО мингдан ортиқ асар) мавжуд. Ин-т бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Голландия, Жа-нубий Корея, Франция) б-н ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ин-т ташкил топгандан бери 10 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди. Ин-тда 2002/2003 ўқув йилида 4100

талаба таълим олди.

**НАМАНГАН НЕФТЬ КОНИ** - Наманган ш.нинг шим.-шарқида, Наманган антиклиналь бурмасида жойлашган. Наманган структураси дастлаб 1933 й.да ўрганилган. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасига асосланиб чуқур бурғи қудуғи қазилди. Палеоген ётқизикларининг доломитлашган оҳак-тошлардан тузилган туркистон қатламларидаги 5-горизонтда нефть борлиги тасдиқланди. Умумий қалинлиги 10 м, самарали қалинлиги 3—4 м, ўртача ғовақлиги 10%, ўтказувчанлиги 30—100 миллидарсигача. Горизонтнинг ўртача чуқурлиги 3630 м, уз. 5,4 км, эни 3,6 км. Бошланғич қатлам босими 600 атмосфера, газ омили 180 м<sup>3</sup>/т.

Нефтнинг зичлиги 0,856 г/см<sup>3</sup>. Таркибидаги олтингугурт 0,30%, кокс 3,4%, парафин 5,0%, қатронлар 8% ни ташкил этади. Қатлам ҳарорати 87°, енгил фракциялар чиқиши 100°да 3%, 200° гача 23% ва 300° гача 41%. Нефтдаги йўлдош газ зичлиги 0,955 (азот миқ-дори 3,0% гача ва метан 63,9%). Қатлам сувларининг зичлиги 1,060 г/см<sup>3</sup>, минераллашганлиги 4708 мг/экв.

**НАМАНГАН «НОТЎҚИМАЧИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** - «Ўзбек енгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги саноат корхонаси. 1932 й.да «Беш йиллик» артели номи б-н ташкил этилган. 1941—43 й.да фронт учун шинель ва мовутлар ишлаб чиқарилган. 1965 й.дан корхона йигирв-тўқув нотўқима мато ф-касига, 1982 й.да Балиқчи нотўқима мато ф-каси ишга туширилгач, нотўқима мато и.ч. бирлашмасига айлантирилди. 1994 й.дан ҳоз. номда. 1995 й.да сунъий мўйна и.ч. технологияси ўзлаштирилди.

Корхонада, асосан, маҳсулот ўраш учун нотўқима мато, пахтали ватин ва сунъий мўйна ишлаб чиқарилади. 2002 й.да 16,5 млн. м<sup>2</sup> нотўқима матолар тайёрланди.

**НАМАНГАН ТЕАТРИ,** Алишер Навоий номидаги давлат мусиқали драма театри — дастлабки театрлардан бири. 1931 й. 15 июнда «Интилиш» (А. Султонов) спектакли б-н очилган. Профессионал театр жамоасининг асосини маҳаллий мактаб ва техникумларнинг ўқитувчилари, ҳаваскорлик драма тўғараги қатнашчилари ташкил этган. Труппанинг бади-ий раҳбари ва театр ташкилотчиси Раззоқ Ҳамроев (Н. Розикий б-н) бўлган. С. Отахонов, Б. Эминов, А. Тошбоев, А. Тўрахонов, Х. Шарипов, Н. Исҳоков, кейинроқ М. Азизова, Т. Жаъфарова, С. Раҳмонов, М. Дадабоев, Т. Со-диқов ва б. театрнинг дастлабки ижодкорларидир. 30-й.лар театр учун сахна санъатини эгаллаш йўлидаги ўзига хос мактаб йиллари бўлди. Бу даврда сахналаштирилган «Хужум» (В. Ян, Чўлпон), «Маликаи Турандот» (К. Гоцци), «Ҳалима» (Ғ. Зафарий) каби спектакллар бадиий йўналишига кўра кўпроқ ташвиқот харак-терида эди. 30-й.ларнинг ўрталарида жамоанинг ижодий фаолиятида маълум бурилиш ясалди. А. Турдиев, Р. Ҳамроевнинг актёрлар б-н ижодий ҳамкорлиги самарали натижа берди ва «Гулсара», «Номус ва муҳаббат» (К. Яшин), «Рустам» (У. Исмоилов), «Отсиз» (А. Мажидий), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза) каби спектакллар яратилди. Актёрлар образ яратишда қолип ва бир хилликни бартараф этиб, аста-секин қахрамонлар ички дунёсини очиш санъати, инсон хусусиятларини тасвирлаш маҳоратини эгаллаб бордилар.

1936 й. театр илк бор Тошкентга гастролга келади, «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Рустам», «Аршин мол олон» каби спектакллари пойтахт томошабинлари томонидан ижобий баҳоланди.

2-жаҳон уруши йиллари театр ижодий труппаси «Қурбон Умаров», «Фронт бўйлаб буйрук», «Бургутнинг парвози», украин театри актёрлари б-н ҳамкорлик-

да Гулак-Артёмовскийнинг «Запорожье-лик Дунай ортида» номли ҳажвий операсини сахналаштирдилар.

Урушдан кейинги йиллар театр репертуари кенгайди. Ижодий кўтаринкилик, репертуар мустақиллигига эришишга актёрлик маҳоратини ўстиришга интилиш сезилди. Айниқса, 50-й.ларнинг 2-ярмида А. Хачатуров бош реж. этиб тай-инлангач, жамоада узлуксиз иш олиб борилиб, оригинал репертуар, спектакль сахналаштиришда ифодавийликнинг янги қирраларини излаш, сахна безакларини янгилаш устуворлик қилди. Айнан шу даврда ўзбек драматургияси б-н театрнинг узаро боғланиш жараёни кучайди. «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Оғрик тишлар» (А. Қаҳхор), «Чин муҳаббат» (О. Ёкубов), «Хуррият» (Уйғун), «Туғма доғ» (С. Қрриев) каби спектаклларда давр муаммолари, халқ ҳаёти ва унинг меҳнатини аниқ тасвирлашга интилиш асосий вазифага айланди. 1957 й. Тошкентга булган гастротида театр маданиятининг анча юксалганлиги, репертуарнинг жанр жиҳатидан ўсганлиги, актёрлик ансамблининг яхлитлиги кузга ташланди. Театр ривожига ўша даврда М. Азизова, О. Тожибоева, Т. Назарова, М. Убайдуллаев қабилар муносиб ҳисса қўшдилар.

1963 й. театр мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилгач, театрнинг ўзига хос репертуарини шакллантириш ҳаракатлари натижаси ўлароқ «Тошболта ошиқ» (Х. Ғулом; М. Левиев), «Нурхон», «Гулсара» (К. Яшин; Т. Жалилов), «Ал-помиш», «Тоҳир ва Зухра» (С. Абдулла), «Гули смёҳ» (С. Жамол), «Ҳали-ма» (Ғ. Зафарий, Т. Тула), «Лайли ва Мажнун» (Ш. Хуршид) каби мусиқали драмалар театр репертуаридан урин олди. Мусиқали драмалар б-н бир каторда «Ўликлар кечирмайди» (Ў. Умарбеков), «Уфқ» (С. Аҳмад), «Каса Маре» (И. Друцэ) сингари драматик спектакллар ҳам қўйилди. Кейинроқ «Юсуф ва Зулайҳа» (Х. Саъдулла; Д. Соаткулов), «Ўн учинчи раис» (О. Абдуллин), «Ёввойи фаришта»



(А. Коломийц), «Темир хотин» (Ш. Бошбеков) каби ижтимоий мавзудаги асарлар муваффақият б-н саҳналаштирилди. Шу даврда театрда ижод қилган Х. Охунова, М. Исомиддиновларнинг хизматлари катта бўлди.

Муस्ताқилликдан кейин театр фаолиятида янги давр бошланди. 90-й.ларнинг ўрталарида театрни Карим Йўлдошев бошқарди. Муस्ताқил репертуар танлаш, мавзу ва жанр диапазо-нининг кенгайиши кўзга ташланди. Бу даврда театр спектакллари ватан та-рихи ёритилган, замонавий мавзу акс этган асарлар ҳамда жаҳон классикасидан иборат бўлди: «Машраб» (А. Турсун), «Ёр истаб» (Х. Шарипов), «Кашмир кўшиғи», «Алпомишнинг ўқ-ёйи» (А. Жаббор), «Усмон Носир қаерда?» (А. Аъзамов), «Кирол Лирнинг набиралари» (У. Шекспир, А. Пушкин, М. Булгаков) ва б. театрининг сўнгги йиллардаги энг яхши спектакллари.

Ўзбекистон халқ артистлари М. Убайдуллаев, У. Нуралиев; О. Тожибоева, К. Расулова, М. Раҳмонов, В. Сайдалиев каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, шунингдек, С. Саримсоқова, С. Омонов, М. Ниёзов, М. Фахриддинова, Х. Мадраҳимова, У. Мирзаев, А. Тожибоев, А. Каримова, М. Абдуллаева ва б. актёрлар театрининг ҳозирги кундаги етакчи ижодкорларидир.

Муҳаббат Тўлахўжаева.

**НАМАНГАН ТУМАНИ** — Наманган вилоятида туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шарқдан Уйчи, Норин, шим.дан Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, ғарбдан Тўрақўрғон, жан.дан Мингбулоқ, Андижон вилоятининг Балиқчи туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,25 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 170,9 минг к/шига яқин (2003). Н.т.да 1 шаҳарча (Тошбулоқ), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини (Боғишамол, Иброҳим Раҳматов, Ирвадон, Миришкор, Охунбобоев, Тепакўрғон, Хонобод, Шўрқишлоқ, Ўзбекистан, Қумқўрғон, Ғалча, Фирвон) бор (2003). Маркази —

Тошбулоқ шаҳарчаси.

Табиати. Н.т. ер юзаси текислик, адир ва дўнгликлардан иборат бўлиб, ўзлаштирилган дашт зонасига киради. Тўртламчи геологик даврнинг оқизик жинслари (лёсс, лой, кум, шағал)дан ташкил толган. Жан.га томон қия (бал. 400—450). Туманда ер ости суви кўп. Қурилиш материалларидан оҳақтош, ғишт тайёрланадиган тупроқлар бор.

Иклими қуруқ субтропик, ёзи қуруқ, иссиқ, киши қисқа, совуқ ва сернам. Ёғин-сочин кам (300—350 мм), буғланиш катта. Январнинг ўртача т-раси — Г, —3° июлники 26,3°. Вегетация даври 236 кун. Об-ҳаво шароити субтропик мевалар (анжир, анор ва б.) етиштириш учун қулай. Соё кўп, водийлари тош-шағал б-н қопланган. Тупроқлари адирларда типик ва оч бўз тупроқ, адирлар орасида суғориладиган ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Туманнинг шим.дан Шимолий Фарғона канали, жан.дан Сирдарё оқиб ўтади. Катта Наманган канали, Янгиарик, Намангансой, Гирвонсой, Ирвадонсой, Ко-сонсой каби сув манбаларидан

Наманган тумани дарвозаси. экинзорлар суғорилади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, қуён ва б., қушлардан ёввойи ўрдақ, ёввойи қаптар, ола-қанот, қалдирғоч, чумчуқ, лайлак, бойўғли ва б. учрайди.

Аҳолисининг аксари қисми ўзбеклар (98,6%), шунингдек, тожик, киргиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1км<sup>2</sup> га ўртача 683 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 13,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 157,2 минг киши (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги асо-сан, к.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари ҳам фа-олият кўрсатади. Пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. «Миришкор» қўшма корхонаси, пахта то-залаш з-ди, кичик ва хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари ишлаб турибди. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Туманда 13

хўжаликда пахта етиштирилади, ипакчилик б-н шуғулланувчи ва сабзавот етиштирувчи ширкат хўжаликлари ҳам бор. 315 фермер хўжалиги 3730 га ер майдо-нида фаолият кўрсатади. Шулардан 114 таси пахтачилик, 35 таси ғаллачилик, 47 таси сабзавотчилик, 78 таси боғдорчилик, 41 таси чорвачилик б-н шуғулланади. Ушбу фермер хўжаликларида 2316 киши ишлайди (2003).

2001/2002 ўқув йилида 42 умумий таълим мактабида 43 минг ўқувчи, 3 та к.х., саноат ва махсус иктисодий коллеж, махсус иктисодий лицейларда 1700 дан ортиқ ўқувчи таълим олди. Болалар мусиқа мактаби бор. Туман маданият саройи қошида ашула ва рақс ансамбли, «Бўстон» фольклор этно-график ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Тумандаги «Ёш техниклар» маскани жамоаси барча танловларда голиб чиққан. Туманда марказий кутубхона, унинг 35 та филиали, маданият саройи ва 12 та маданият уйлари мавжуд.

Марказий стадион (15 минг ўрин), ёлқ теннис корти, 14 футбол, 17 баскетбол, 21 кўл тўпи, 85 волейбол майдони ва майдончалари, 30 спорт заллари ишлаб турибди. Жисмоний тарбия ва спорт б-н 42 мингдан зиёд киши мун-тазам шуғулланмоқда. Спорт секциялари ва тўғаракларида 20 мингга яқин спортчи иштирок этмоқда. Н.т.да туман марказий касалхонаси, юкумли касалликлар, 5 кишлок, 2 хусусий касалхоналар (630 ўрин) мавжуд. 1 ихтисослашган марказий поликлиника, 1 тиш даволаш поликлиникаси, 14 кишлок врачлик пункти, 30 фельдшер-акушерлик пункти, 15 дорихона бор. Тумандаги барча тиббий муассасаларда 170 врач, 883 ўрта тиббий ходим ишлайди. 1962 й. 10 июндан «Истиклол» туман газ. чикали (адади 5 минг).

Муродулла Ҳайдаров.

## НАМАНГАН УНИВЕРСИТЕТИ,

Наманган давлат университети — илмий ва педагог кадрлар таиерлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси

Президента фармонида асосан 1992 й. 15 мартда Наманган пед. ин-ти (1942 й.да асос солинган) негизида ташкил этилган. Ун-тда 12 ф-т (мат., физикатехника, хорижий тиллар, кимё-биол., санъатшунослик, инглиз филол.си, пед., иктисод-геоғр., жисмоний тарбия, ўзбек филол.си, тарих, юриспруденция), ўқув, илмий, маънавият, маркетинг хизмати, мониторинг бўли-ми, маънавият, ахборот ва тахдил, тил ўргатиш, демократик жамяят куриш назарияси ва амалиёти маркази, социологик тадқиқотлар лаб., 38 кафе-дра, бир канча илмий лаб. ва ўқув марказлари, бизнес мактаби, академик лицей бор; кутубхоналарида 500 мингдан зиёд асар сақланади (2003). Ун-т 25 йўналиш (мат., амалий мат., физика, касб таълими, кимё, биол., амалий санъат, чизмачилик ва тасвирий санъат, мусиқа, инглиз тили, немис тили, француз тили, славян филол.си, бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар ме-тодикаси, пед. ва психология, жисмоний тарбия, иктисод, геоғр., ўзбек филол.си, тарих, ҳуқуқшунослик, мил-лий истиклол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш, ижтимоий-маданий фаолият) бўйича бакалаврлар, 16 ихтисослик (физика, мат., тарих, геоғр., рус тили, ўзбек тили, немис тили, инглиз тили, кимё, меҳнат таълими, ҳуқуқшунос-педагог, тармоқлар иктисодиёти, бошланғич таълим, физика ўқитиш методикаси, амалий мат., ўзбек адабиёти) бўйича магистрлар тайёрлайди. Ун-тда аспирантура, докторантура фаолият кўрса-тади. 2002/2003 ўқув йили ун-тда 55 мингга яқин талаба таълим олди, 350 дан ортиқ ўқитувчи, жумладан, 20 фан д-ри ва проф., 140 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т бир канча хорижий давлатларнинг нуфузли ун-т, ин-тлари ҳамда халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилади. Ун-т фаолияти Т. Файзуллаев, А. Аъза-мов, М. Мама-тов, Н. Раҳимов, А. Абду-рахмонов, Ш. Абдуллаев, И. Абдуллаев ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-тда турли йўналишларда и.т. ишлари олиб

борилади. 2003 й.гача ун-т 27 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

**«НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ»** - наманган вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газ. Наманган ш.да ўзбек тилида ҳафтада 2 марта чиқади. Дастлаб «Ишчилар қалқони» (1918—19), «Эркинлик» (1919—21), «Зарбдор» (1921-36), «Сталин ҳақиқати» (1936—48) номларида чиққан. 1958 й.дан ҳоз. ном-да. Газ.да турли даврларда Лутфулла Олимий, Турғун Пўлат, Хусниддин Шарипов, Ҳабиб Саъдулла, Ҳамид Нурий каби ўтқир қалам соҳибалари фаолият кўрсатишган. «Н. ҳ.»да узоқ йиллар самарали меҳнат қилган Иброҳим Юсупов, Фазлиддин Мирзаев, Эрмат Нурматов, Ҳамидахон Мамажонов, Абдуфаттоҳ Ражабов, Ғуломжон Акбаровлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республикада хизмат кўрсатган журналист фахрий унвонларига сазовор бўлишган.

«Н. ҳ.» вилоят ҳаётининг кўзгуси сифатида умумикисодиёт, саноат, қиш-лоқ хўжалиги, таълим ва б. соҳалардаги янгилик ва ўзгаришларни, жисмоний тарбия ва спорт масаласини кенг ва муфассал ёритади. «Тадбиркор» номли иловаси ҳам бор. Газ. адади 5100 (2003).

**«НАМАНГАНМАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** - «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибидаги йирик корхона. 1962 й.да Наманган машинасозлик 3-диноми б-н бунёд этилган. Корхона, асосан, нефть ва газ саноатида, коммунал хўжалигида ишлайтиладиган сурилувчи шпинделли эгилувчан клинли пўлат, титан, чўян зулфинлар, сурилмайдиган шпинделли, параллел чуян зулфинлар, коррозиябардош мембранали клапанлар, юқори босимда ишлайдиган вентиллар ишлаб чиқаради.

1967 й.да трубопроводли задвижкалар и.ч. ўзлаштирилди. 1973 й.дан бошлаб ДУ-150, ДУ-200 титан задвижкалар тайёрлаш йўлга қўйилди ва 1980 й.га

келиб уларнинг номенклатураси 15 хилга етказилди. И.ч. ҳажмлари кўпайиб, қўшимча иш жойлари яратилди ҳамда маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди. Задвижкаларнинг янги турларини ўзлаштириш ва чўян ҳамда пўлат қуйма технологияларни жорий қилиш мақсадида янги қуёв цехи куриб ишга туширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг корхонада республика эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган бир неча турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлана бошлади. Бунинг учун, металл юзасига полиэтилен қоилаш ва қуёв цехида пўлат чиқиндиларни эритиб маҳсулотлар қуйиш тех-нологиялари ўрнатилди. Натижада корхонада ишлаб чиқарилган мембранали клапанлар, чўян ва пўлат қуйма зулфинлар ички ва ташқи бозорда сотилмоқда. Маҳсулотлар (пайвандланган, қуйма пўлат зулфинлар), асосан, Белоруссия, Қозғоғистон ва Россия давлатларига экспорт қилинади.

**«НАМАНГАНСКАЯ ПРАВДА»** («Наманган ҳақиқати») — Наманган вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. Наманган ш.да рус тилида ҳафтада 1 марта чиқади. Дастлаб «Известия Наманганского Совдепа» («Наманган депутатлари кенгаши хабарлари», 1917—20), «Рабочий путь» («Ишчи йўли», 1920-21), «Ударник» («Зарбдор», 1934—45), «За коммунизм», («Коммунизм учун», 1941—58) номлари б-н нашр этилган. 1958 й.дан ҳоз. номда. Газ.да ижтимоийсиёсий, маънавий-маданий ҳамда бозор ислохотларига оид тахлилий мақолалар кенг ёритилади. Шунингдек, ундаги махсус рубрикаларда санъат ва адабиёт ҳақидаги хабарлар, ижодкорларнинг асарлари мунтазам чоп этиб борилади. Адади 1000 га яқин (2003).

**НАМАНГАНСОЙ** — Наманган вилоятидаги сой. Чатқол тоғларининг қорли чўкқиларидан бошланувчи Почи-чаотасойдан Заркент қишлоғи ёнида сув

олади. Адирлар ва адирлар орасидаги текисликларни кесиб ўтади. Уз. 48 км. Қор ва ёмғир сувидан тўйинади. Йиллик сув сарфининг 60% баҳор ва ёз ойларига тўғри келади. Янгиқўрғон ва Наманган туманлари экин майдонларини суғоради.

**«НАМАНГАНТЕКСТИЛЬ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ** - «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги йирик тўқимачилик корхонаси. Корхонада, асосан, пахта толасидан калава ип, сур (хом) ва тайёр газламалар, ногўқима матолар ҳамда харидорлар буюртмаси асосида тикувчилик маҳсулотлари тайёрланади.

Корхона 1967 й.да Наманган шойи ва костюмбop газламалар к-ти номи б-н ишга туширилган. 1974 й.да ЎзССР 50 йиллиги номидаги «Наманган шойи ишлаб чиқариш» бирлашмаси деб номланди. 1994 й.да бирлашма очиктурдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1998 й.дан ҳоз. номда. «Н.» а. ж. вискоза, лавсан толалар ва уларнинг аралашма толаларидан кўйлақбop, плашбop газламалар, сунъий ип газламалар и.ч.га ихтисослашди. Четдан сунъий толаларни харид қилиш имкониятлари чекланганлиги сабабли к-тда 1997 й.дан бошлаб пахта толасидан маҳсулот и.ч. йўлга кўйилди. Корхона таркибида йилига 6,3 минг т калава ип и.ч. қувватига эга бўлган 1-ва 2-ийгирув фкалари, йилига 28,1 млн. м сур ва 28,5 млн.м тайёр газлама и.ч. қувватига эга бўлган тўқув ф-каси, гул босиш-пардозлаш ф-каси, Ҳаққулобод ш.даги тикув ф-каси бор. 1997 й.да Германиянинг «Тручлер», «Гроссенхайнер», «CSM» фирмаларининг замонавий технологиялари б-н жиҳозланган 2-ийгирув ф-каси ишга туширилди ва жаҳон бозорида рақобатбардош ип газламалар тайёрлана бошлади. Жанубий Корея ва Туркия давлатларига пахта калава ип экспорт қилади. Акциядорлик жамиятида 5 мингга яқин ишчиҳизматчилар меҳнат қилмоқда. 2002 й.да 6 минг т калава, 22 млн. м сур газлама, 21,9 млн. м тайёр газ-

ламалар, 320 минг м ногўқима матолар ишлаб чиқарилди.

**НАМАТ** - к. Кигиз.

**НАМДИНЬ** — Вьетнамнинг шим. қисмидаги шаҳар, Хонгха дарёси дельтасидаги порт. Хонамнинь провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 172 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Тўқимачилик саноати (ип газлама ва ипак газлама и.ч.) ривожланган. Озиқ-овқат, ойнашиша саноати корхоналари бор.

**НАМИБ** — Африканинг жан.-ғарбий соҳилларидаги чўл. Атлантика океани соҳили бўйлаб, шим.да Намиб ш. яқинидан жан.да Олифантс дарёси куйилиш жойигача 2100 км га чўзилган. Эни 50—130 км. Ер юзаси текислик бўлиб, материк ичкарасига зинапоясимон кўтарилиб борган (1000—1200 м). Шарқий ва шим. қисми кумли, жан. тошлоқли чўл. Иклимига кирғoқ бўйлаб ўтган совуқ Бенгела оқимининг таъсири бор. Энг илиқ ойнинг ўртача т-раси 17—19°, энг салқин ойники 12—13°. Йиллик ёғин кам бўлсада (10—100 мм), лекин ҳавонинг намлиги юқори. Н.ни Кунане ва Оранж дарёлари кесиб ўтган. Ўсимликлари сийрак. Грунт сувлари ер юзасига яқин жойларда баъзи ксерофит ўсимликлар, акация, алоэ ва б. ўсади. Олмос, уран конлари бор. Миллий боғлар ташкил этилган.

**НАМИБИЯ** (Namibia), Намибия Республикаси (Republic of Namibia) — Африканинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 825,4 минг км2. Аҳолиси 1,8 млн. киши (2002). Пойтахти — Виндхук ш. Маъмурий жиҳатдан 13 туман (district)га бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — республика. Амалдаги конституцияси 1990 й. 9 фев. да қабул қилинган, унга кейинчалик тuzатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1990 й.дан Сэм Нуйома).

Конституцияга биноан у умумий тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Аммо конституцияга 1998 й.да киритилган тузатишга мувофиқ Сэм Нуйома учун президент лавозимида бўлиш муддатини чеклаш бекор қилинди. Конун чиқарувчи ҳокимият — икки палатали парламент (Миллий ассамблея ва Миллий кенгаш). Ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Президент бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди.

Табиати. Н.нинг қирғоқ чизиги текис. Ер юзасининг аксари қисми бал. 900—1500 м ясситоғлик бўлиб, дарё водийлари ва тектоник ботиклар мавжуд. Энг баланд жойи 2600 м (Брандберг тоғи). Ясситоғликнинг шарқий ва шим. чеккалари қия, ғарбий чеккаси эса сохил бўйи текислиги — Намиб чўлига тик тушган. Н.нинг маркази ва жан.даги кенг букилма қуйи кембрий ётқизиклари б-н тўлган. Фойдали қазилмалардан мис, германий, кўрғошин-ванадий, марганец, қалай, вольфрам конлари бор. Олтин, кумуш, уран рудалари, олтингургурт, рух, сохилдан ва денгизнинг сохилга яқин қисмидан олмос хдм қазиб олинади.

Иклими тропик, жуда қуруқ. Энг иссиқ ойи — янв.нинг ўртacha т-раси 18—27°, энг салқин ойи — июлники 12—16°. Йиллик ёгин сохилда 10—15 мм, шим.-шарқида 500 — 700 мм. Кўпгина дарёларида фақат ёмғир ёққан вақтда сув оқади. Йирик дарёлари: Оранж, Замбези ва Кунене. Н. худудининг кўп қисмида тропик чўл ва қизғиш кўнғир тупроқ. Намиб чўлида ўсимлик жуда сийрак. Ясситоғликлар ксерофит бутazorлар б-н қопланган. Баландроқ жойлар чала чўл ва чўл саваннасидан иборат. Ҳайвонлардан эндемик кемирувчилар, ҳашаротхўрлар, найтиш яшайди. Виверралар, кийик, сиртлон учрайди. Ҳайвонларнинг айрим турлари фақат миллий боғлар ва кўриқхоналарда сақланиб қолган, миллий боғларнинг энг каттаси — Этоша миллий боғи.

Аҳолиси. Н. туб жой аҳолисининг ак-

сари қисми банту тиллари оиласига мансуб элатлардан иборат. Готтентот, тоғлик дамара ва бушменлар ҳам яшайди. Европаликлар аҳолининг 7%ни ташкил этади. Расмий тили - инглиз тили. Ахрлининг 90% христианлар, қолган қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Шахар аҳолиси 25%. Йирик шаҳарлари: Виндхук, Уолфиш-Бей, Цумеб, Китмансхуп, Очиваронго.

Тарихи. Қадим замонларда Н. худудида овчилик ва ёввойи дарахт меваларини териш б-н шуғулланувчи бушменлар, кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланувчи готтентотлар ҳамда тоғлик дамралар яшаган. Тахм. 16-адан Н. худудига бантулар (гереро, амбо, каванго, йейе, тсвана ва б.) кириб кела бошлади. Герероларнинг асосий машғулотлари чорвачилик бўлган. 18-а. охирида уларни дехқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланувчи амболар жан.га суриб юборди. Намалар б-н тоғлик дамралар (готтентотларнинг бир гуруҳи) эса мамлакат жан.да ўрнашиб олди. 19-а. бошларида Кап мустамлақасидан кўчиб келган орламлар кўпгина гереро қабилаларини ўзларига бўйсундириб олди. Ҳоз. Н. соҳилига дастлаб 1484 й.да португал денгизчилари келиб тушганлар, шундан сўнг бир неча асргача европаликлар бу ерлар б-н деярли қизикмаганлар. Фақат 1802 й.дан инглизлар Оранж дарёсидан шим. роқда ўзларининг даст-Виндхук шаҳри кўчаларида.

лабки миссияларини туздилар. 1878 й.да Буюк Британия Окаханжада қалъа қуриб, Уолфиш-Бей атрофини ўз мулки деб эълон қилди. 1884 й.да Германия Н. худудини Германия Жан.-Ғарбий Африкаси (ЖҒА) номи б-н ўзининг протекторатига айлантирди. Мус-тамлақачилар ўз ҳукмронлигини ўрнатишда африкалик қабила бошлиқларининг ўзаро адоватидан фойдалан-дилар. Готтентот, мбандеру ва коуа қабилалари мустамлақачиларга энг кўп қаршилик кўрсатдилар. 1 -жаҳон уруши даври (1914—18)да ЖҒАни Жанубий Африка Иттифоқи

(ЖАИ) босиб олди. Урушдан кейин у Миллатлар Лигаси ихтиёридаги мандатлар таркибига ки-ритилди. 1920 й.да ЖҒАни бошқариш мандати ЖАИга берилди. Шу вақтдан ЖАИдаги ирқий тартиблар ЖҒАга ҳам жорий бўлди. 1925 й.да ЖҒАда Қонун чиқарувчи ассамблея тузилиб, депутатликка фақат ок танлилар сайланди. 2-жаҳон уруши (1939—45)дан кейин барча мандат ҳудудлари БМТнинг халқро васийлиги таркибига киритилишига қарамай, ЖАИ (1961 й.дан - ЖАР) ЖҒАни БМТ васийлигига беришдан бош тортиб келди. 1949 й.да эса бу ҳудудни ЖАРнинг вилояти деб эълон қилди. 1946 й.дан ЖҒА масаласи БМТнинг турли органларида муҳокама қилиниб, ЖАРнинг ЖҒАга нисбатан мустамлакачилик сиёсати қораланди.

1966 й.да Бош Ассамблея қабул қилган резолюцияда ЖҒА халқининг ўз тақдирини ўзи хал қилиш ва мустақилликка бўлган ҳуқуқлари қайд қилин-ди, ЖҒАни бошқариш учун ЖАРга берилган мандат бекор қилиниб, бундан кейин бу ҳудудни бошқариш БМТга юклатилди. 1967 й.да ЖҒАни бошқариш учун БМТнинг махсус Кенгаши тузилди ва комиссар тайинланди (аммо 1990 й.гача Н.ни ЖАР бошқарди). 1968 й.да БМТ Бош Ассамблеяси ЖҒА халқ-ининг истагини ҳисобга олиб, ЖҒА но-мини Н. деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди ва БМТга аъзо давлатларни намибиялик ватанпарварларга ёрдам беришга даъват этди.

1960 й.да тузилган СВАПО , (Жан-Ғарбий Африка халқ І ташкилоти) туб жой аҳолининг миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилди. 70-й.ларнинг охириларидан бу ташкилотнинг фаоллиги кучайди. У Н.га дарҳол мустақиллик берилишини ва демократик халқ ҳукумати тузилишини талаб қилди. Ниҳоят, 1990 й. 21 мартда Н. мустақил деб эълон қилинди ва Н. Республикаси деб юритила бошлади. Н. — 1990 й.дан БМТ ва Африка Бирлиги ташкилоти аъзоси. 1991 й. 25 дек.да ЎЗР суверенитетини тан олган. Миллий бай-

рами — 21 март — Мустақиллик эълон қилин-ган кун (1990).

Сиёсий партиялари, қасаба уюшмалари. Жан.-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО), партия, 1960 й.да асос солинган; Турихалле демократик альянси, партия, 1977 й.да тузилган; Демократлар конгресси, партия, 1999 й.да ташкил этилган; Бирлашган демократик фронт, 1989 й.да тузилиб, 1993 й.да партиёга айлантирилган. Н. ишчилари миллий иттифоқи қасаба уюшма бирлашмаси, 1971 й.да тузилган.

Хўжалиги. Н. қончилик саноати ривожланган аграр мамлакат. Қончилик саноати Н. иктисодиётининг негизидир. Ялпи ички маҳсулотда қончилик саноати 21,6%, қ.х. ва балиқчилик 15,4%, қайта ишлаш саноати 6,2%ни ташкил этади. 20-а.нинг 90-й.ларида ҳар йили салкам 800 минг қарат олмос, 1600 кг олтин, 90 т дан зиёд қумуш, 72 минг т рух, 33 минг т мис, 35 минг т қўрғошин, шунингдек, қўп миқдорда уран рудалари, қалай, марганец, вольфрам, ванадий, олтин-гугурт қазиб олинди. Рангли металлургия қорхоналари қурилган. Йилига ўртача 1 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Виндхук, Цумеб ва УолфишБейда йирик иссиқлик электр ст-ялари бор. Қунене дарёсида 320 МВт қувватга эга бўлган ГЭС қурилган.

Қончиликка боғлиқбўлмаган и.ч. саноати унчалик яхши ривожланмаган. Четдан келтирилган қисмлардан машина ва усқуналар йиғадиган з-длар, ёғочсозлик қорхоналари, балиқ уни ва консервалари ишлаб чиқариладиган з-длар, тюлень ёғини қайта ишлайдиган ф-ка, озик-овқат, енгил саноат қорхоналари мавжуд.

К-х.да механизациялашган йирик товар фермер (асосан, чорвачилик) хўжаликлари устун. Қорақўлчилик асосий ўринни эгаллайди. Қорамол ҳам боқилади. Мамлакат ҳудудининг 46% ўтлоқ ва яйловлар б-н банд. Ерларнинг атиги 1% сунъий суғоришсиз экин экишга яроқли. Буғдой, маккажўхори,

тариқ, супурги, сабзаёт етиштирилади. Денгиз бўйи аҳолиси балиқчилик б-н шуғулланади.

Темир йўллар уз. 2,4 минг км, автомобиль йўллари уз. 41,9 минг км, шундан қаттиқ қопламали йўллар — 4,5 минг км. Денгиз портлари: Уолфиш-Бей, Людериц. Виндхук яқинида халқ-аро аэропорт бор. Ўз маҳсулотининг экспорт қилинади. Саноат ва истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжнинг 80% импорт ҳисобига қондирилади. Четга минерал хом ашё (олмос, уран, турли металллар), чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, гўшт консервалари, балиқ) чиқаради. Четдан машина ва асбоб-ус-куна, кенг истеъмол моллари, қурилиш материаллари келтирилади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: ЖАР, Буюк Британия, АҚШ. Пул бирлиги — Н. доллари.

Замонавий тиббиёт ва маориф тизимлари эндигина йўлга қўйила бошлади. Виндхукда Техника коллежи бор. Ил-мий муассасалари: Виндхукда Илмий жамият, Меъморлик ин-ти, Уолфиш-Бейда Экология тадқиқоти департаменти, Виндхукда қ.х. департаменти. Виндхукда халқ кутубхонаси, Архив ва унинг кутубхонаси, Давлат музейи, Свакоп-мунд ва Людериц ш.да музей бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Н.да нашр этиладиган асосий газ. ва жур.лар: «Альгемайне цайтунг» («Умумий газета», немис тилида чиқадиган кундалик кечки газ., 1915 й.дан), «Намиб тайме» («Намиб вақти», инглиз, немис, африкаанс ва пор-тугал тилларида ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1958 й.дан), «Намибиан» («Намибиялик», инглиз тилида чиқа-диган газ., 1985 й.дан), «Нью ира» («Янги давр», инглиз тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган ҳукумат газ.), «Републикейн» («Республикачи», африкаанс, инглиз ва немис тилларида чиқадиган кундалик газ., 1977 й.дан), «Намибия тудей» [«Бугунги Намибия», икки ҳафтада 1 марта Луанда (Ангола)да чиқа-диган жур., 1977 й.дан], «СВАПО информейшн буллетин»

(«СВАПО ахборот бюллетени», ойига 1 марта чиқали). Н. ахборот агентлиги (НАМПА) 1987 й.да ташкил этилган. Н. радиоэшиттириш корпорацияси, радиоэшиттириш ва телекўрсатув маҳкамаси, 1979 й.да тузилган.

Халқ санъати. Н. худудидан қад. қоя расмлари топилган. Улар маъдан бўёқлар б-н ёки ўйма усулда бажарилган. Бир неча минг йиллар аввал бушменлар ва уларнинг аجدодлари чизган бу расмларда хилма-хил ҳаётий воқеалар (ов ва жанг манзаралари, диний маросимлар, афсона қаҳрамонларининг ишлари) тасвирланган. 1907 й.да Брандберг тоғи яқинидаги Маак ғоридан топилган қоя нақши жаҳонга машҳур бўлиб, мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарига мансублиги аниқланди ва у «Оқ аёл» деб номланди. Н.да анъанавий турар жойлар ибтидоий (доира шаклидаги деворлари ўт, шох-шабба, ҳайвон терилари б-н ёпилган) чайлалардан иборат. Чайла ўртасига устун қўйилиб, томи похол б-н ёпилади. Н.да бадий хунармандчилик (кулолчилик, кашгачилик), металлдан қурол, зеб-зийнат (тақинчоқ ва ҳ.к.) ясаш кенг тарқалган.

**НАМЛИК** — ҳаводаги сув буғлари ва физик жисмлар таркибидаги сув миқдори; об-ҳаво ва иқлимни, жисмларнинг хоссаларини белгилайдиган омиллардан бири. Н. ҳавонинг сув буғлари-га, жисмларнинг сувга қанчалик тўйинганлигига, уларнинг табиати-га, зичлигига ёки ғоваклигига, ички ва ташқи сиртлари ўлчамларига боғлиқ. Одатда, Н. жисмнинг дастлабки оғирлигига (оғирлик бўйича Н.) ёки ҳажмига (ҳажмий Н.) нисбатан фоизларда белгиланган сув миқдори б-н ифодаланади. Уни материалнинг қуруқ қисми массаси бирлигига нисбатан олинган сув миқдори б-н ҳам ифодалаш мумкин. Материаллар (Мас, пахта, тахта), мақсулотлар (дон ва б.)нинг Н. даражасини белгилаб қўйишнинг халқ хўжалигида аҳамияти катта. Кўп жисмлар (Мас, дон, цемент) маълум Н.дагина

мўлжалланган мақсад учун ярайди. Одам, жонивор ва ўсимликларнинг ҳаёти ҳам маълум даражадаги Н. ва муҳитнинг нисбий намлигига боғлиқ (яна қ. Ҳаво намлиги). Н. миқдори махсус асбоб — намлик ўлчагич б-н ўлчанади.

**НАМЛИК АЙЛАНИШИ** (Ерда) - к, Сув айланиши.

**НАМЛИК ЎЛЧАГИЧ** — газлар, суюқликлар ва қаттиқ жисмлар (шу жумладан, сочилувчан жисмлар, Мас, тупроқ, кум) намлигини ўлчайдиган асбоб. Гигроскопик, электр-кимёвий, гигрометр ва психометрик хиллари бор. Гигроскопик Н. ўнинг иши материаллар ва моддаларнинг атроф муҳитдаги намлик (сув буглари) ни ўзига ютиш хоссасига асосланган. У газлар ва суюқликларнинг намлигини ўлчашда ишлатилади. Электр-кимёвий Н.ў. жисмлардан электр токи утказилганда унда кимёвий реакция юз бериб, намлик миқдорини ўзгартиришга асосланган. У б-н ҳам газлар ва суюқликларнинг намлиги ўлчанади. Гигрометр Н. ўнинг иши намлик миқдориغا қараб ёғсизлантирилган соч толасининг ўз узунлигини ўзгартириши хоссасига асосланган. У газларнинг намлигини ўлчаш учун ишлатилади. Психрометр Н. ўнинг иши икки термометр (бири курук, иккинчисининг устига ҳўлланган мато ўралган) нинг кўрсатишлар фарқини ўлчашга асосланган. Бу ҳам газлар учун мўлжалланган. М. ў. ларнинг сиғимли, кондуктометр ва ядровий магнит резонанс ҳодисасига асосланган турлари ҳам бор. Булар суюқликлар ва қаттиқ жисмлар намлигини ўлчаш учун мўлжалланади.

**НАМОЁН** (форс. — кўриниш, манз-ра) — нақш мужжасамоти; атрофи хошия нақш (кўпинча занжира, рута) б-н ўралган безак, тасвир ва бдан иборат. Амалий безак санъатида вокелик (чаманзор, боғу бўстон, дарё, гул, барглар ва б.) нинг шартли умумлашма тасвирий об-

разини ўзида акс эттиради. Асосан, Ўрта Осиё наққошлигига хос бўлиб, мустақил нақш мужжасамотининг энг мураккаб тури. Н. яратишда уста наққошлар гириҳ ва ислимий нақшлардан моҳирона фойдаланади, Н.ни узоқ ва яқиндан кўринишини кисобга олади. Нақшнинг банд ва танобларини даражаларга ажратиб, би-ринчи даражали нақш чизикларига алоҳида аҳамият беради. Н.да гириҳ асосий, ўсимликсимон нақш тўлдирувчи ўрин тутади ва у асосий нақш (ги-риҳ)ни босиб ўтмайди. Фақат гириҳдан тузилган Н.да ҳам асосий ва тўлдирувчи нақшлар бўлади, яъни йирик гириҳлар ичига майдалари чизилади. Ўзбекистон ҳудудидаги ҳар бир воҳада Н. бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос безак услубига эга: Хива наққошлигида Н. бандлари бири-бири б-н ўзаро четан каби боғланади, барглар кам ишлатилади, мужжасамот ривожланиш хусуси-ятига эга, унда ҳаракат, мавж кўпроқ кўзга ташланади; Тошкент наққршлигида Н.лар ўсимлик гулларининг кўплиги б-н ажралиб туради; Фарғона Н.ларида табиатдаги гул, барг, мевалар ва б. тўғридан-тўғри табиий шаклда тасвирланади. Замонавий меъморликда, бинолар безакларида, мустақил амалий безак санъати асарларида Н.лар ранг-баранг: меҳробни Н., чорси Н., серафтор Н., мажнунтол Н. ва б. Жумладан, Навоий театри биноси безакларида Н.нинг ажойиб намуналарини кўриш мумкин.

**НАМОЗ** (форс.) — ислом кўрсатмалари бўйича бажариладиган махсус ибодат тури; исломдаги 5 рукндан бири. Н. мусулмонларга меърож кечаси (қ. Исро ва меърож) фарз қилинган биринчи ибодатдир. Бир кеча-кундузда 5 маҳал (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) Н. ўқиш фарз ҳисобланади. Н. ўқиш «Аллоҳу акбар» деб такбир айтиш б-н бошланиб, сано, Қуръон оятларидан тиловат қилишда дуолар ўқиш, рукуъ, сажда, тиз чўкиб ўтириш, салом беришларни ўз ичига олади. Н.нинг бир неча турлари



мавжуд. Мас, фарз, вожиб, суннат, нафл, ишрок, таҳажжуд, казо, шукри вузу, жаноно ва б. кўшимча Н.лар борки, уларни адо этиш мусулмон кишининг ихтиёрий ибодати саналади. Фарз, вожиб, суннат Н.лари эса адо этилиши шаръан талаб этилувчи Н.лар сирасига киради.

Н. ўқиш учун намозхоннинг бадан ва кийимлари ҳамда ўқиш жойи пок бўлиши шарт. Н. қиблага — Маккадаги Каъба ибодатхонасига қараб ўкилади. Уни ўқишда махсус тўшамма — жойнамозагм фойдаланиш одатга айланган. Н.ни киши бир ўзи ёки жамоа бўлиб ўқиши мумкин, лекин жума кунисидаги жума Н.ини масжидда жамоа б-н ўқиш тавсия этилади. Жамоа бўлиб Н. ўқиганда намозхонлар қатор туради, улардан бири (имом) имомликка ўтади. Н. пайтида гапириш, ейиш, ичиш, кулиш, йиғлаш, йўталиш, турли ҳаракатлар қилиш ва б. мумкин эмас. Касал ва ногиронлар Н.ни ўзларига қулай ҳолатда ўқийдилар.

Исломдаги мазҳаблар кўрсатмаларида Н. ўқиш қоидаларининг бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Ўзбекистонда Н., асосан, ханафийлик мазҳабига мувофиқ ўкилади.

**НАМОЗ ПИРИМҚУЛ ЎҒЛИ** (тахм. 1877, Каттақўрғон, Утарчи қишлоғи — 1907) — Самарқандда миллий зулм ва ҳақсизликка қарши кўтарилган оммавий халқ ҳаракати бошлиғи. Барвақт етим қолиб амакисиникида яшайди. Кейин Самарқандга келиб, хат-саводини чиқаради. Рус подшосига маҳаллий маъмурлар кирдикорларидан шикоят қилиб, бир неча бор хат ёзади. Натижа чиқмагач, халқнинг норозилик ҳаракатига бошчилик қилди. Н.П.ў. подшо амалдорлари, бой-бадавлат кишилар мол-мулкани тортиб олиб камбағалларга, бева-бечораларга улашган. Шунинг учун у юкори табақалар, мустамлакачилар орасида «Намоз ўғри», халқ ўртасида эса «Намоз ботир» деб ном қозонган. Намоз бошчилигидаги гуруҳ 1905 й. 29 окт.да қўлга тушиб, Самарқанд камокхонасига

қамалади. 1906 й. 2 фев.да Намоз камокдона остидан 42 кулоч узунликда лаҳим қазиб, 60 нафар сафдоши б-н қочишга муваффақ бўлади. Намоз 3 йил давомида маҳаллий маъмурларга қарши ҳаракатга бошчилик қилди. Қўзғолончилар, асосан, Самарқанд, Каттақўрғон туманларида ҳаракат қилганлар (1904—07). Ўз тўдасидан чиққан хоин томонидан ўлдирилган. Н. П. ўнинг ишлари халқ ўртасида дoston бўлиб кетган. Халқ бахшиси Нурмон Абдувой ўғли «Намоз» достонини яратган.

Наим Норкулов.

**НАМОЗГОҲТЕПА** — энеолит ва жез даврига оид қишлоқ харобаси. Жан. Туркменистоннинг Копетдоғ этакларида жойлашган, майд. 70 га. 1949—52 й.ларда проф. Б. А. Куфтин бошчилигидаги археологлар гуруҳи қазилмалар олиб борган ва бутун Ўрта Осиё энеолит ва жез даврига тегишли археологик даврий системаси ишлаб чиқилган. 1950-й.ларнинг ўрталаридан бошлаб ёдгорликни кенг кўламда ўрганиш иши б-н В. М. Массой бошчилигидаги Санкт-Петербурғ археологлар гуруҳи шуғулланиб келган. Н.да маданий қатламнинг қалинлиги жойларда 34 м гача боради. Н. маданий қатламлари 6 та хронологик босқичларга (На-мозгоҳ 1—6) бўлинган. Улардан Намозгоҳ 1—3 энеолит даврига, Намозгоҳ 4—6 эса жез даврига оиддир. Намозгоҳ — 1 (илк энеолит) даврида аҳоли хом ғиштдан қурилган бир хонали уйларда яшаган. Намозгоҳ — 2 (ўрта энеолит) даврига келиб, уй-жой қурилишида кўп хонали уйлар пайдо бўлади, бу давр қишлоқларининг атрофида мудоффа деворлари қад кўтара бошлаган. Кўп хонали уйлар орасида дойра шаклида оташгоҳлар қурилган. Намозгоҳ — 3 даврига келиб (сўнгги энеолит), қишлоқларнинг ҳудуди анча кенгайди, уй-жой мажмуалари қошида ҳовлилар пайдо бўлган, ҳовлиларни бирлаштирувчи тор кўчалар расмийлашади, кўчалар эса қишлоқ марказига жойлашган очик майдонга туташади.

Энеолит даврининг меҳнат қуроллари, асосан, тошдан, суяқдан ва қисман мисдан ишланган. Сопол и.ч.да ҳали кулоллик чархи кашф этилмаган, сопол идишлар қўлда ясалган. Мас, Намозгоҳ — 1 даври идишларига қора минерал ранг б-н геометрик нақш берилган. Намозгоҳ — 2 босқичи сопол идишларининг шакли ва уларнинг сиртига туширилган нақшлар содда ва кўп жиҳатдан Намозгоҳ — 1 сополларидан кам фарқ қилсада, аммо Намозгоҳ — 1 даврининг «монохром» нақшлари ўрнида Намозгоҳ — 2 даврининг «полихром» нақшли сополлар ясала бошлаган. Намозгоҳ — 3 даврига келиб, ав-валги содда қилиб ишланган геометрик нақшли сополлар ўрнини мураккаб, жимжимадор нозик гулли сополлар эгаллайди. Сополларга «гилам гулли нақш» деб юритилган безак берилган. Ҳайвон ва паррандаларнинг суратларини тушириш одати янада кенг тую олади. Бу эса уруғдошлик жамоасининг диний тасаввурларини «тотемлар» кўринишида намоён бўлишидан гувоҳлик беради. Энеолит даври хўжалигининг асосини суғорма дехқончилик ва хонаки чорвачилик ташкил этган. Намозгоҳ, — 2 давридан бошлаб сунъий сув омборлари қуриш бошланади. Намозгоҳ — 4 даври мажмуалари Н.да илк жез даврининг бошланишидан гувоҳлик беради. Дехқончилик ва хонаки чорвачилик хўжалиги, ҳунармандчиликнинг турли соҳалари кенг ривожланади. Намозгоҳ — 4 даврининг сўнгги босқичида кулоллик чархи кашф этилади. Натижада сопол и.ч. соҳасида шундай сезиларли ўзгаришлар юз берадики, оқибатда Ўрта Осиёнинг жан. р-нлари ўз тараққиёти б-н кўп жиҳатдан Қад. Шарқ маданиятига яқинлашиб қолади. Сопол и.ч.да биконик шаклдаги идишлар., қадах ва вазасимон идишлар пайдо бўлади. Идишларнинг сиртига дарахтлар, эчки ва қушларнинг суратини солиш кенг тую олади. Идишларга «гилам гулли нақш» солиш давом этади. Шу б-н бирга Намозгоҳ — 4 даврининг сўнгги босқичида тиниқ рангли гулсиз сопол-

лар кўпаяди. Меъморликда монументал иншоотлар қуриш кузатилади. Намозгоҳ — 5 босқичида жез даврининг гуллаган палласи бўлиб, ҳар соҳада ривожланишнинг кжсак даражаси кузатилади. Сопол и.ч. корхоналарининг маҳсулоти тўлатўкис товар характерини олади. Сопол идишларнинг тури ва хили кўпаяди. Сополларнинг мутлақак-сарияти нақшсиз ишлаб чиқарилади. Меъморликда монументал иншоотлар қуриш кенг тую олади. Том маънодаги илк шаҳар шаклланади. Намозгоҳ. — 5 даврида юз берган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар Намозгоҳ — 6 даврида янада кенгроқ ва чуқур-роқ давом этади. Н.да сўнгги давр катламлари кам учратилди. Бунинг боиси, айнан шу даврдан энтиборан метропо-лиялардаги шаҳар ҳаёти янги минтақаларга кўчади (Мас, Мурғоб воқаси ва Қад. Бактрияга).

Ад.: Массой В. М., Средняя Азия и Древний Восток, М.—Л., 1964.

Ахмадали Аскарлов.

**НАМОЗШОМГУЛ** (*Mirabilis L.*) - на мозшомгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ва бир йиллик ўсимликлар туркуми; экма гул тури. Ватани — тропик Америка. Ўзбекистонда 2 хил тури учрайди. Ҳидсиз Н. (*M. jalapa L.*), хушбўй Н. (*M. odorata L.*). Бир йиллик манзарали ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 40—80 см, сершоҳ, тукли. Илдизи урчуксимон, йўғон. Барги узун бандли, туби юмалокёки юраксимон, учи ўткир. Гуллари қизил, сариқ, оқ. Гулқўрғони шингилсимон тўпгул. Июлдан совуктушгунча гуллаб уруғлайди. Гуллари кундузи ёпилиб, кечкурун очилади.

**НАМҲО** — КХДРнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Маъмурий жиҳатдан провинцияга тенглаштирилган. Аҳолией 400 минг киши (1990-й.лар ўргалари). Транспорт йўлларининг муҳим ту-гуни. Сарикденгизбўйидаги порт, Пхеньян аванпорти. Рангли металлургия санотининг йирик маркази. Машина-со-

злик, электромеханика, ойнашиша, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Балиқ овланади.

**НАМСАРАЕВ** Хода Намсараевич (1889.27.4, Кижинча қишлоғи, ҳоз. Бурятиянинг Хорин аймағи — 1959.28.7, Улан-Удэ) — бурят ёзувчиси. Бурят адабиётининг асосчиларидан. Ижоди 1919 й.дан бошланган («Қоронғулик» пьесаси). «Оракул Дамби» (1920), «Хўжа-йин ва батрак» (1930) ҳикояларида бурят халқининг ҳаёти акс этган. «Циремпил» киссаси ва «Шундай бўлган...» ҳикоялар тўплами бурят адабиётида яратилган энг яхши асарлардан бири. Халқ оғзаки материаллари асосида «Аламжа Мэргэн» (1936), «Согаадай сэ-сэн», «Харалтуур хаан» асарларини ёзган. «Тонгда» романи (1950) муаллифи. Урушдан сўнг Н.нинг «Танланган асарлар» (1948), «Танланган шеърлар» (1949) ва 5 жилдли асарлар тўплами нашр қилинган (1957—59).

**НАМУД** (форс. — кўриниш, намоён бўлиш) — маком ашула йўлларида муайян шўъбанинг бошка шўъбаларда ишлатиладиган куй тузилмаси. Ҳар бир Н. шўъбанинг бош куй жумлаларидан олиниб, шу ва б. маком қисмларида авж сифатида фойдаланиши мумкин. Н.лар фойдаланиладиган шўъба таркибидаги куй ва дойра усулига мослаб олинади ҳамда мақомларнинг муҳим шакллантирувчи воситаси саналади. Шашмақомда Н.лар сони ўндан ортиқ бўлиб, Сарахбор, Талкин ва Наср шўъбалари асосида юзага келган. Улар Уззол, Ушшоқ, Мухайяри Чоргоҳ, Баёт, Наво, Ораз, Дугоҳ, Сегоҳ, Насруллоийи ва б. Н.ларидир. Булардан Уззол Н.и — Бузрук ва Рост мақомлари, Ушшоқ Н.и — Бузрук, Рост мақомлари, Мухайяри Чоргоҳ Н.и. — Бузрук, Рост, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари, Наво Н.и ва Ораз Н.и — Наво ва Сегоҳ мақомлари, Сегоҳ Н.и — Рост ва Сегоҳ мақомлари, Насруллоийи Н.и — Бузрук ва Сегоҳ мақомларининг шўъбаларида

авж ўрнида ишлатилади. Н.лардан ба-стакорларнинг йирик шаклдаги куй ва ашулаларида қам кенг фойдаланилган. Асарларда ўрнига қараб муайян Н.нинг куй-оҳанглари, вазни ва ҳажми бўйича турлича кўринишлари ишлатилиши мумкин. Мақом, шунингдек, мумтоз ашула ва чолгу йўлларида ўхшаш услубда фойдаланиладиган бошка махсус куй тузил мала-ридан Зебо пари ва Турк авжлари Н.лар қаторида ўрин тутади.

Ад.: Ражабов И., Мақомлар масаласига дойр, Т., 1963.

**НАМУДЛИҒ** — Илоқдаги Шаҳар харобаси (6—11-а.лар). Н. Ангрен ш. яқинида, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. 1966—67 й.ларда ўрганилган. Н.нинг майд. 70 га, 5 бурчакли қалъа ва кенг шаҳристондан иборат бўлиб, даре ва унинг ирмоқлари б-н мудофааланган. 3—4-а.ларда мудофаа деворлари б-н ўралмаган турар жойлар пайдо бўлган. Бу даврда тирнаб учбурчак нақшлар солинган, қизил охрасимон бўёқлар б-н йўл-йўл чизиклар туширилган ва ҳайвон шаклидаги тутқичли сопол идишлардан фойдаланилган. 5—6-а.ларда Н. шаҳарга айланган. 9—10-а.ларга келиб қумуш ва б. рангли металларни қайта ишловчи хунармандлик корхоналари ривожланиши б-н шаҳар гуллаб яшнган. Н.да металл эритиш ва кулолчилик печи, каолин ва бўёқ, модда сақланадиган жойлар топилган. Н.даги идишлар қўлда ва кулолчилик чарҳида ясалган. Ундан шиша, сопол идишлар, ҳар хил тангалар топилган. Уларга оҳра ва ангоб б-н жило бериш расм бўлган Шаҳар 11-а.да инкирозга учраган.

**НАНА СОҲИБ** (асл исми Нана Говинд Данду Пант) (тахм. 1824—?) — 1857—59 й.лардаги Ҳиндистон халқ кўзғолони раҳ-барларидан бири. Инглиз Ост-Индия компаниясининг нафақасида бўлган маратх пешвоси (ҳокими) Бажи Рао II нинг асранди ўғли. Пешво вафоти (1851) дан сўнг компания Н. С.га

нафақа тўлашдан бош тортгани сабабли у халқ кўзғолонига қўшилган. 1857 й.да ўзини пешво деб эълон қилган, Канпур ш. ва вилоятида ўз ҳокимиятини жорий қилган. Мустамлакачиларга қарши йирик жанглarda қатнашган. Кейинчалик кўзғолоннинг бошқа мулкдор раҳбарлари сингари халқ урушини чеклашга ҳаракат қилган. 1857 й. ўртасида Канпур яқинидаги мағлубиятдан сўнг Н. С. Ауд вилоятига чекинган ва кўзғолоннинг асосий мар-казлари тор-мор қилинганидан сўнг Шим. Ҳиндистоннинг чангалзорларига бекинган. Кейинги тақдири маълум эмас.

Ад.: Народное восстание в Индии 1857— 1859, М., 1957; Новая история Индии, М., 1961.

**НАНАЙ ТИЛИ** — тунгус-манжур тиллариан бири. Россия Федерациясининг Хабаровск ва Приморье ўлкалари ва қисман Хитойда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 8 мингдан ортиқ. 3 лаҳжага бўлинади: амур (уссури), ку-рурми, сунгари. Амур лаҳжасининг найхин шеvasи адабий Н.т.га асос бўлган. Н.т. фонетикаси ун-лиларнинг кўплиги, синтаксиси эса содда гапларнинг қўшма гапларга нисбатан кўп қўлланиши ҳамда аникланмиш — аникловчи мослашувининг йўқлиги б-н ажралиб туради.

Россия Федерациясидаги Н.т. учун 1931 й.да лотин графикаси асосида, 1963. й.да рус графикаси асосида ёзув яратилган.

**НАНАЙЛАР** (ўзларини нани деб аташади; эски номи — гольдлар) — асосан, Россия Федерациясининг Хабаровск ва Приморье ўлкаларида яшовчи халқ. Россиядаги умумий сони 10,5 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Хитойда 2 минг кишига яқин Н. яшайди. Нанай тилида сўзлашади. Диндорлари расман православлар, анъанавий эъти-қодлар сақланган.

**НАНДУЛАР**, америка туя кушлари (Rheiformes) — кўкрак тожесякисз кушлар туркуми. Оёқлари уч бармокли, қанотлари ривожланган, лекин Н. учолмайди. Патлари ғовак, яхши югуради ва сузади. 1 оила 2 тури: оддий нанду (баландлиги 170 см гача, оғирлиги 25 кг гача) ва дарвин нандуси, яъни узун тумшукли нанду маълум. Жан. Америка пампаслари ва ярим чўл худудларида тарқалган. Полигам. Туда бўлиб яшайди. Тўдасида 3— 8 та модаси битта уяга 30 та ёки ундан кўпроқ тухум қўйиб, уни 35—40 кун босади, жўжаларини нарлари эргаштириб олиб юради. Н. ўсимлик барглари, новдалари ва майда умуртқасиз хайвонлар б-н озикланади. Гўшти ва пати учун кўп овланиши, тухумлари йиғиб олинishi туфайли сони камайиб кетган. Асосан, чекка худудларда сақланиб қолган. Дарвин нандуси Халқаро Қизил китобга киритилган.

**НАНИЗМ** — (nanismus; юн. nanos — пакана) — қ. Паканалик.

**НАНКИН** (хитойча Наньцзин — жан. пойтахт) — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Цзянсу провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 5,3 млн. киши (1998). Янцзи дарёси куйи окимидаги муҳим транспорт йўллари тугуни. Аэропорт бор. Денгиз кемалари кира оладиган порт. Мамлакатнинг йирик иктисодий, илмий ва маданий марказларидан. Станоксозлик, электр ва радио аппаратуралари и.ч., автомобилсозлик ва қ.х. машинасозлиги, металлургия, кимё, цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси мавжуд. Курилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Хунармандчилик ривожланган. Н.да Хитой ФАнинг филиали, тупроқшунослик ва география ин-тлари, ун-т ва б. олий ўқув юртлари, кутубхона, музейлар, ботаника ва хайвонот боғлари, расадхона бор.

Н.га мил. ав. 472 й.да асос солинган. Турли даврларда шаҳар номи хар хил

аталган. 1368—1421 й.ларда мамлакат пойтахти. 1421 — 1911 й.ларда Цзян-нань нойиблигининг маркази. 1853—64 й.ларда Тайпинлар давлати пойтахти. 1911 — 12 й.ларда Сун Ятсен бошлиқ Хитой Республикаси ҳукуматининг қароргоҳи. 1912 й.дан Цзянсу провинциясининг маъмурий маркази. Маъмурий ва тарихий ёдгорликлардан «Император шаҳри» (14—15-а.лар), шаҳар девори (уз. 34 км), ибодатхоналар, мак-баралар сақланган.

**НАНСЕН** (Nansen) Фритъоф (1861.10.10 — Кристиания (ҳоз. Осло) яқинида — 1930.13.5) — норвег сайёҳи, океанограф, жамоат арбоби. 1880—82 й.ларда Кристиания ун-тида ўқиган. 1897 й.дан ўша ун-тда зоология проф., Петербург ФА фахрий аъзоси (1898). 1888 й.да биринчи бўлиб чанғида Гренландиянинг жан. қисмини кесиб ўтиб, унинг ички р-нлари бутунлай муз б-н қопланганлигини аниқлади. 1893 й. махсус қурилган «Фрам» кемасида Шим. кутбни забт этиш мақсадида йўлга чиқади ва Шпицберген о.гача етиб борди. 1895 й.да Н. экспедиция қатнашчиси Ф. Я. Иогансен б-н «Фрам»ни тарк этиб, и.т. ўтказиш учун кутб томон юрди, лекин 86°14' ш.к.дан орқага қайтишга мажбур бўлди.

«Фрам»да океанографик, метеорологик кузатувлар олиб борилди, Шим. Муз океани саёз эмаслиги аниқланди, сузиб юрган музлар ҳаракатига Ернинг суткалик айланиши таъсири кашф қилинди. Н. 1902 й.да Кристианияда Марказий океанографик лаб. ташкил этди. 1913 й.да Шим. Муз океани қиргоғи бўйлаб сузиб, Енисей дарёси қуйилиш жойигача етиб борди, ундан Шарқий Сибирнинг жан. қисми ва Узоқ Шарққа саёҳат қилди. 1914—18 й.ларда Миллатлар лигасининг ҳарбий асирлар масаласи бўйича Бош комис-сари бўлган. Н. но-мига Арктика ва Антарктикада бир қанча объектлар қўйилган. Инсонпарварлик фаолияти учун Н.га Нобель Тинчлик мукофоти бе-

рилган (1922).

**НАНСИ** — Франциянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Мёрт ва Мозель департаментининг маъмурий маркази. Мёрт дарёси ва Марна—Рейн канали бўйидаги порт. Аҳолиси 106 минг киши (1999). Н. — Лотарингия саноат р-нининг иқтисодий маркази. Транспорт йўллари тугуни. Электротехника, транспорт машинасозлиги, пойабзал, тикувчилик, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Шиша ва чиннидан бадиий буюмлар ишлаб чиқарилади. Ун-тлар, ин-тлар, консерватория, нафис санъат музейи бор. Шаҳар четида темир рудаси конлари ва металлургия 3-ди мавжуд. Н. 16-а.дан маълум. 13—18-а.ларда Лотарингия герцогларининг қароргоҳи бўлган. Меъморий ёдгорликлардан собор (1703—42), черков (15-а.), Герцог саройи (16-а.) ва б. сақланган.

**НАНТ** — Франциянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Атлантика Луараси департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 277,7 минг киши (1999). Транспорт йўллари тугуни. Луара дарёси бўйидаги порт (йилига 20 млн. т дан ортиқ юк ортиб-туширилади): четдан нефть, фосфорит, ўрмон маҳсулотлари ва б. келтирилади; нефть маҳсулотлари, машиналар, ғалла, ун, ўғитлар четга чиқарилади. Металлургия, машинасозлик, хусусан, кемасозлик ва самолётсозлик ривожланган. Кимё, қоғоз, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, нафис санъат, халқ ва Бретани санъати музейлари мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан 12—19-а.ларда қурилган бинолар сақланган.

**НАНТ** — ўртапишар сабзи нави. Бутун-иттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-тида яқка танлаш усули б-н чиқарилган (1943). Узбекистонда 1946 й.дан р-нлаштирилган. Барги яшил, кам тукли. Сабзиси шакли цилиндрсимон, учи тўмтоқ, уз. 15—16 см,

диаметри 3,0—4,0 см, юзаси текис, бир донаси 60—120 г. Эти тиниқ, кизғиш тўқ, сариқ, серсув, ширин, майин, ўзаги ингичка. Таркибида қанд 5,9%, қурук модда микдори 11,9%, каротин 72 мг %. Ҳосили уруғи униб чиққанидан кейин 80—90 кунда етилади. Ҳосилдорлиги 110—120 ц/га. Янгилигида истеъмол қилинади, консерва тайёрланади. Ўзбекистоннинг барча ви-лоятларида экилади.

**НАНЬНИН** — Хитойнинг жан. қисмидаги шаҳар. Гуанси-Чжуан мухтор р-нининг маъмурий, муҳим саноат, илмий ва маданий маркази. Аҳолиси 2,8 млн. киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Юцзян дарёси бўйидаги порт. Қ.х. райони ва қ.х. маҳсулотларини тақсимлаш марказларидан. Металлургия, машинасозлик, енгил, озик-овқат саноати корхоналари, ун-т, тиббиёт ва қ.х. институтлари бор.

**НАНЬЧАН** — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар, Ганьцзян дарёси бўйида. Цзянси провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 4,1 млн. киши (1998). Поянху қўли системасидаги сув йўллари тугуни. Йирик қ.х. районининг маркази. Асосий саноат тармоғи — тўқимачилик (хусусан, ип газлама саноати). Станоклар, автомобиль ва қ.х. машиналари и.ч. корхоналари, целлюлоза-қоғоз, фарфор-керамика, озик-овқат саноати корхоналари, ун-т бор.

**НАПОЛЕОН I**, Наполеон Бонапарт (1769.15.8, Аяччо ш., Корсика о. — 1821.5.5, Муқаддас Елена о.) — француз давлат арбоби ва саркардаси, Франция Республикасининг биринчи консули (1799—1804), Франция императори (1804—14 ва 1815). 10 ёшида Франциянинг Отен коллежига кирган, сўнг ўша 1779 й.да Бриенн ҳарбий ўқув юртига кўчирилган. 1784 й. мазкур ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, Париж ҳарбий мактабига (1784—85) ўтган. 1785 й. подпоручик унвонида армия хизмати-

ни бошлаган. Махсус, умумий илмий, фалсафий, сиёсий, бади-ий адабиётни ўқиб ўрганган. Илғор француз маърифатпарварлари руҳида тарбияланган Н.І 1789 й. Буюк француз инқилобини илиқ кутиб олган. 1792 й. Якобинчилар клубига аъзо бўлган. У Париж ш. гарнизони қўмондони ва 1796 й.да Италияда ҳаракат қилаётган француз армиясининг бош қўмондони этиб тайинланган. Италия компаниясида Н.І ўзини буюк саркарда эканлигини на-моён қилган. Ғолиб сифатида Парижга кириб келган Н.І Мисрға ҳарбий юриш қилиш ҳақидаги қарорини Директориядан ўтказган. Лекин, ўз хоҳиши б-н у Мисрни ташлаб, 1799 й. окт.да Парижга қайтиб келган ва 9—10 нояб.да давлат тўнтариши ўтказиб, консуллик режимини жорий этган ва амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олган. У инқилоб қўлга киритган демократик ютуқларни бекорга чиқарган. Аммо, иқтисодий соҳада инқилоб самараларини, шу жумладан, мулкни қайта тақсимлаш тадбирини ҳимоя қилган, саноат ва савдонинг ривожланишига катта эътибор берган. 1800 й. француз банкига асос солган.

1802 й. Н.І ўзини умрбод консул этиб тайинланишига эришган. 1804 й.да эса император деб эълон қилинган. Янги буржуа монархиясини мустаҳкамлаш мақсадида Н. І 1-хотини Жозефина б-н никоҳни бузган ва 1810 й. Австрия императори Франц I нинг кизи Мария Луизага уйланган. Буюк давлатлар иттифоқиға қарши олиб борган зафарли урушлари, Маренго (1800), Аустерлиц (1805), Йена (1806)даги ажойиб ғалабалари, империя худудини тез суръатда кенгайтиши, Н.І ни амалда бутун Ғарбда (Англиядан ташқари) ва Марказий Европада ҳукмдорға айланиши унинг шон-шухратини янада оширган. 1812 й.да Россияға қарши юришидаги мағлубиятидан сўнг Н.І ўзини ўнглай олмади, унинг «буюк армияси» тор-мор қилинди, Европада Н.І зул-мига қарши халқ-озодлик ҳаракатлари кўтарилди. Н.І га қарши

иттифокчиларнинг ҳарбий уюшмалари вужудга келди. Сўнги урушларда Н.І нинг мағлубиятга учраши, иттифокчи кўшинларнинг Парижга кириб келиши (1814 й. 31 март), уни тахтдан воз кечишга мажбур қилди (1814 й. 31 март). Ғолиб ит-тифокчилар Н.І нинг император ун-вонини сақлаб қолиб, Эльба о.ни унинг ихтиёрига бердилар.

Н.І нинг Францияга қайтадан кириб келиши (1815 й. 1 март) ва «юз кун» деб аталмиш даврда (1815 й. 20 март — 22 июнь) уни 2-маротаба тахтни бошқариши мамлакатда Н. І ни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий кучлар ҳали ҳам мавжудлигидан дарак берарди. Аммо Ватерлоо жангида у иттифокчилар армияси томонидан тор-мор қилинди ва 1815 й. 22 июнда батамом тахтдан воз кечди. Муқаддас Елена о.га сургун қилинган Н.І 6 йилдан сўнг инглизлар асирлигида вафот этган. 1840 й. унинг хоки Парижга Ногиронлар уйига кучириб келтирилган.

Н.І хдрбий кўшинларни касбий (профессионал) армияга айлантирди. Европада энг илғор ҳисобланган француз куролли кучларини яратиш, уларни ҳарбий санъатга ўргатишга, стратегия ва тактикани такомиллаштиришга замин яратди. У душманни тор-мор этишнинг асосий йўли унга қарши қатъий жанг қилишдан иборат деб ҳисобларди. Н.І стратегик ташаббуснинг роли ва аҳамиятига алоҳида урғу берган.

Н.І нинг саркардалик маҳорати жаҳон ҳарбий санъатига чуқур таъсир кўрсатган.

Ад.: Манфред А. 3., Наполеон Бонапарт, М., 1971; Тарле Е., Нашествие Наполеона на Россию. 1812 год, М., 1938; Тарле Е. В., Наполеон, М., 1957; Левицкий Н. А., Полководческое искусство Наполеона, М, 1938.

Темур Ғиёсов.

**НАПОЛЕОН III**, Луи Наполеон Бонапарт (1808—73) — Франция императори (1852—70). Наполеоннинг жияни. Н. III Швейцария, Италия ва б. мамла-

катларда қувғинликда ҳаёт кечирган (1848). 1836 ва 1840 й.ларда Францияда ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрган. 1840 й.да Гам калъасига бир умр камокка ҳукм қилинган. 1846 й. Буюк Британияга қочган. 1848 й. фев. инқилобидан сўнг Францияга қайтиб келган ҳамда йирик сармоядорларнинг диктаторлик режимида интилишидан фойдаланиб, 1848 й. 10 дек.да республика президенти қилиб сайланган. 1851 й. 2 дек.да инқилобга қарши давлат тўнтариши қилиб, қонун чиқарувчи мажлисини тарқатиб юборгач, бутун ҳокимият президент қўлига ўтган. Н.III номи б-н император деб эълон қилинган (1852 й. 2 дек.). Франция Н.Ш ҳукмронлиги даврида Крим урушида, Австрия-Италия-Франция уруши (1859) да, Ҳиндихитой (1858-62), Сурия (1860—61), Мексика (1862—67) ва б. мамлакатларга қилинган интервенцияларда қатнашган. Франция-Пруссия уруши (Седан жанги)да пруссларга асир тушган (1870.2.9.) Париждаги 1870 й. сент. инқилоби натижасида тахтдан ағдарилган. Умрининг охиригача Англияда яшаган.

**НАПОЛЕОН УРУШЛАРИ** - Наполеон консуллиги (1790—1804) ва императорлиги (1804—14, 1815) даврида Франция олиб борган урушлар. Н.у. босқинчилик характерида бўлган. Франция Наполеон ҳарбий диктатураси ўрнатилган вақтда (1799) 1789—99 й.ларда тузилган 2-антифранцуз коалиция (Россия, Буюк Британия, Австрия, Туркия, Неаполь киролиги ва б.) б-н уруш ҳолатида эди. 1800 й. Россия иттифокчилар б-н келиша олмай коалициядан чиққан. Натижада 2-коалиция расман ўз фаолиятини тугатган. Фақат Буюк Британия урушни давом эттирган. 1805 й. 3-антифранцуз коалицияси (Буюк Британия, Австрия, Швеция, Россия) ташкил топган. Шу йили инглиз флоти адмирал Нельсон раҳбарлигида бирлашган испан-француз флотини тор-мор қилган. Бироқ Наполеон курукликда

катта муваффақиятга эришган. У Аустерлиц яқинидаги жангда (1805 й. 2 дек.) Россия-Австрия қўшинларини оғир талафотга учратди. Австрия Франция б-н сулҳ тузишга мажбур бўлган (1805 й. 26 дек.). Россия ва Буюк Британия, Пруссия б-н Швеция қўшилиб 4-анти-француз коалицияси вужудга келган (1806 й. сент.). 1806 й. окт.да Пруссия француз қўшинлари томонидан босиб олинган. 1807 й. июнда Наполеон I Фридрихланд остонасида рус қўшинларини енгган. 1809 й. Буюк Британия б-н яна иттифок тузган (5-антифранцуз коалицияси) Австрия қўшинларини тор-мор келтирган. Наполеон империясига хал қилувчи зарба Россияда берилган. М. И. Кутузов қўмондонлигида рус армиясининг кураши натижасида Наполеоннинг «Буюк армияси» мағлуб бўлган. Россиядан чекинаётган французларга қарши Европа мамлакатларида озодлик уруши бошланиб кетган. 1813 й. фев.да Пруссия Россия б-н иттифоктузган. Бу иттифок б-антифранцуз коалиция (Россия, Буюк Британия, Пруссия, Швеция, Австрия ва б.)нинг ташкил топишига асос бўлган. Шу йили Лейпциг жангида Германия озод қилинди. 1814 й. март охирида иттифокчилар армияси Парижни ишғол қилган. Апрельда Наполеон I тахтдан воз кечишга мажбур бўлган (6 апр.) ва у Эльба о.га сургун қилинган. 1815 й. 1 мартда Наполеон I 1000 кишилик отряд б-н оролдан чиқиб Парижга юриш қилган ва 20 мартда қайта тахтга ўтирган. Лекин, Европа давлатлари уни тан олмаганлар. 25 мартда Россия, Буюк Британия, Австрия, Пруссия ўртасида Наполеон Франциясига қарши иттифок (7-анти-француз коалицияси) тузилган. 18 июнда Наполеон армияси Ватерлоо жангида инглиз-прусс қўшинлари томонидан тор-мор келтирилган. 22 июнда Наполеон тахтдан воз кечган. 1815 й. 20 нояб.да иттифокчилар б-н Франция ўртасида Париж сулҳ шартномаси им-золаниб, унга кўра Бурбонлар ҳокими-яти яна қайта тикланган.

Шодмонқул Пиримқулов.

**НАРА** — Япониядаги шаҳар, Хонсю о.нинг жан.да. Нара префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 366,1 минг киши (2000). Шаҳар-музей, халқаро аҳамиятдаги туризм маркази. Станок-созлик, электротехника, озик-овқат, ёғочсозлик, трикотаж саноати корхоналари мавжуд. Бадий буюмлар, ёғоч ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Ун-т, бадий, миллий музейлар бор. Н. — Япониянинг қад. шаҳарларидан. Мамлакатнинг 710—784 й.лардаги биринчи пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан (7—8-а.ларга оид) ёғочдан қурилган монастир мажмуалари, ибодатхоналар ва б. сақланган.

**НАРАМСИН** (Нарам-Суэн) - Аккад подшоҳи (мил. ав. тахм. 2236—2200). Саргоннинг набираси. Ўзини худо деб эълон қилиб, мустабид ҳокимият ўрнатган. Н.нинг Ғарбий Эрондаги луллубейлар қабиласи устига юриши шарафига ўрнатилган стела — Аккад санъати ёдгорлигидир (Луврда сақланади). Н. даврида гутийлар (кутийлар)нинг Аккадга босқини бошланган.

**НАРАЯН** Притхви (1723—75) — Непал қироли (1769 й.дан). Ғарбий Непалда 1742—69 й.лар мобайнида Горкхва князлигини идора этган. 1743—69 й.ларда Катманду водийсидаги Кантипур, Бхангапур, Ламитаур, Банспур ерларини, сўнгра Кират, Моранг ҳамда Шим. Непалга қарашли Илам ерларини ўзига бўйсундирган. 1769 й. пойтахтни Катманду ш.га кўчирган ва у ерда ягона Непал қиролигига асос солган.

**НАРВА** — Эстониядаги шаҳар. Нарва дарёсининг чап соҳилида, унинг Фин қўлтиғига қуйилиш жойидан 14 км узоқликда. Т.й. станцияси. Аҳолиси 83 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Шаҳар саноатининг асосий тармоқлари — энергетика, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш. Н. яқинида маҳаллий сланецда ишлайдиган Болтик



бўйи ГРЭС, Эстония ГРЭС ишлаб турибди. ГЭС бор. Йирик ип газлама корхонаси — Кренгольм мануфак-тураси, ёғочсозлик, машинасозлик, металлсозлик, озик-овқат ва б. саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Н. кўприк оркали Ивангород (Ленинград вилояти) б-н боғланган. Политехникум, тарих музейи мавжуд. Шаҳар илк бор 1171 й.ги Новгород солномасида Ругодив номи б-н тилга олинган. Дания, Швеция Ливон ордени тасаруфида бўлган. 1704 й.да рус кўшинлари томонидан ишғол қилинди. 1919 й.дан Н. Эстония таркибида. Шаҳарда тарихий меъморий ёдгорликлардан: қаср (13—15-а.лар), шаҳар истехкомлари (14-а.), ратуша (17-а.) сақланган.

**НАРВАЛ** (*Monodon monoceros*) — дельфинлар оиласига мансуб денгиз сут эмизувчиси. Шу уруғнинг ягона тури. Уз. 6,1 м, вазни 1 — 1,5 т гача. Боши юмалок. Терисининг ранги оқиш, қрра доғлари бор. Эркаклари, баъзан урғочиларининг юқори жағи чап томонида 3 м гача узунликда битта тиши ривожланади (шунинг учун баъзан «бир шох-ли» деб аталади). Бу тиши ёрдамида зарур бўлганида музни тешиши мумкин. Тишлари бўлмайди. Арктикада яшайди. Баъзан Янги Ер, Франц-Иосиф ери ва Чукот денгизида ҳам учрайди. Бошоёкли моллюскалар ва баликлар б-н озикланади. Россия Қизил китобига киритилган.

**НАРГИС** Датт (асл исми Фотима Рашид) (1929.1.6. - 1981.3.5) - хинд актрисаси. Кембриж ун-тини тугатган. 6 ёшида «Ҳақиқат излаб» фильмида Бэби Рани ролида суратга тушган. 1942 й. суратга олинган «Такдир» фильмидаги Шама Н.нинг биринчи йирик роли бўлди. 1949—56 й.лар оралиғида Раж Капур б-н 15 та фильм («Дайди», «Жаноб 420», «Ёмғирлар мавсуми» ва б.) ишлашди. У, шунингдек, «Она Ҳиндистон», «Олов», «Ромео ва Жу-льетта», «Барсаат», «Уч денгиз оша саёхат», «Анхоне» каби филь-

мларда бир-бирига ўхшамаган турфа об-разлар галереясини яратди. Айниқса, унинг «Она Ҳиндистон» фильмидаги Радҳа образи актриса ижодида алоҳида ўрин тутди. «Тун ва кун» у суратга тушган сўнгги фильмдир. 1972 й. Тошкентда ўтказилган Осие ва Африка мамлакатлари кинофестивалининг катнашчиси.

**НАРГИС**, нарцисс (*Narcissus L.*) — чучмомадошлар оиласига мансуб ўтлар туркуми. Пиёзбоши куп йиллик. Барги наштарсимон. Гули, одатда, сариқ ёки оқ, яқка ёки гулбанд учида бир нечтадан жойлашган. Гулкўрғони цилиндрсимон найли, кўнғироксимон ёки ко-сачасимон тожли. Меваси этли кўсакча. Кўпинча, Ўрта денгиз р-нларида уса-диган 30 га яқин (бошқа маълумотга кўра 60 тача) тури бор. Ўзбекистонда 2 та тури учрайди: *N. pseudonarcissus L.* — сохта ёки сариқ Н., гулкўрғон барглари оқ. Бачки (сохта) тожи сариқ, чин тожбаргларига нисбатан анча қисқа. *N. poeticus L.* — нафис ёки оқ Н. Ҳар иккала тури кўп йиллик, пиёзли, манзарали усимлик ҳисобланиб, апр. ойида гуллайди. Баъзи турларининг гулларида хушбўй эфир мойи, пиёзбошида алкалоидлар мавжуд.

**НАРЕКАЦИ** — кечпишар хўраки узум нави. Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик и.т. ин-тида Эчкиэмар ва Паркент навларини чатиштириб яратилган. Ғужуми йирик, чўзиқ, тўқ бинафша ранг. Пусти калин, эти серсув, мазаси хушхўр. Ҳосилдорлиги 165—190 ц/га. Касаллик ва зараркунандаларга чидами, совуқка бардоши паст. Янгилигида истеъмол этилади, кишда узоқ сақлашга чидамли.

**НАРЗАН** — карбонат ангидридли, сульфат гидрокарбонатли, кальций-магнийнатрийли минерал сув. Юрак-томир системалари, меъда-ичак йўллари касалликларида, моддалар алмашинуви бузилганда ва б. касалликларда фойдаланилади. Кавказ (Мас, Кисловодск)да, Қримда

ва б. жойларда чиқади.

**НАРЗИҚУЛОВ** Ҳошим (1900 - Самарқанд — 1963.9.1) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1939). Насим Ҳоши-мовнчнт отаси. Ижодий фаолиятини 1918 й.да Абдулла Бадрий раҳбарлигидаги «Самарқанд» муслмон труппасида бошлаган. 1927—30 й.лар «Кўк кўйлак» театрида, 1930 й.дан Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд давлат ўзбек драма театрида актёр, труппа бошлиғи, реж. 1944—48 й.лар Самарқанд вилоят маданият бошкармасининг бошлиғи, 1948—57 й.лар Маданият ишлари вазирлигида театр бўйича масъул ходим бўлиб ишлаган. Миркомилбой (А. Бадрий, «Шўринг курсин, Миркомилбой!»), Муслим (Ғ. Зафарий, «Ҳалима»), Иброҳим (К. Яшин, М. Муҳамедов, «Ичкарида»), Хусрав (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин»), Хон Бобоҳон, Қоработир (С. Абдулла, «Тоҳир ва Зухра»), Султонбек (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон») сингари образлари б-н ўзбек театри санъатига муносиб ҳисса қўшди. «Аршин мол олон», «Фарҳод ва Ширин», «Пўртана» (С. Абдулла), «Ғунчалар» (З. Фатхуллин) каби спектакллари сахналаштирган.

**НАРЗУЛЛАЕВ** Нормурод (тахаллуסי Нарзий) (1934.7.7, Касби тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (2000). Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими (1984). Охунбобоев номидаги Қарши пед. билим юрти (1948), Самарқанд педагогика ин-тининг тил ва адабиёт ф-тини тугатган (1956). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари (1974), шу уюшмада котиб (1976—81), «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир (1981), «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмасининг бош муҳаррири (1991—96), шу нашриёт директори (1996—97). Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармасининг «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида бош муҳаррир (1997 й.дан).

Ижодий фаолияти 1954 й.дан бошлан-

ган. Илк шеърый тўплами — «Суюнчи» (1965). Н. «Зарафшон зарлари» (1970), «Уфкларда кўзларим» (1973), «Лаҳза ва ларза» (1973), «Ёғду» (1974), «Нигоҳлар» (1976), «Севги сеҳри» (1981), «Яхшилик деб яшайман» (1987), «Аник вақт» (1989), «Қалбим қатралари» (1994), «Оқ фариштам, оппоқ фариштам» (1995) ва б. шеърый тўпламлар муаллифи. «Амир Темура ҳақида кўшиқ» асари тарихий мавзуга бағишланган.

Н.нинг болаларга атаб ёзган «Ватан сени эркалаб» (1966), «Шамол ушлаган бола» (1985), «Бош майдон» (1990) асарлари болалар дунёси, уларнинг бегубор олами ҳақида. Н. асарларида замон ва макон бирлиги, дунё ва давр тушунчаси улуғланади, юксак фуқаролик, самимият, бурчга садоқат, ватанга муҳаббат, жонажон ўлка табиатига мафтункорлик туйғулари етакчи ўринни эгаллайди. Н.нинг кўп шеърлари Кўшиққа айланган. «Шухрат» медали б-н мукофотланган (1998).

Ас: Сайланма [2 ж.ли], 1981—85; Юрт ишқида ёнаман, Т., 1996; Бола кўзи билан кўринг дунёни, Т., 1998; Халқим, сен билан қалбим, Т., 2000.

**НАРЗУЛЛОЕВ** Аҳмат Имидович (1956.15.3, Сурхондарё вилояти Денов тумани) — муҳандис-технолог, Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1979). Меҳнат фаолиятини 1979 й.дан Сари-осиё туманидаги Шарғун ғишт з-дида катта усталикдан бошлаган. 1981—86 й.ларда шу з-д директори, Денов экспериментал и.ч. корхонаси директор ўринбосари (1986—90), 1991 й.дан Денов туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи. Яйловлари 100 гектар булган фермер хўжалигида 2000—2003 й.ларда қорамоллар сони 1100 бошдан 1800 бошга етказилди. Гўшт ва сут етиштиришда катта муваффақиятларга эришилди. Шунингдек, хўжаликда замонавий технология б-н жиҳозланган молхоналар, сутни қайта ишловчи кичик з-длар

куруидди. 2000 й.да рентабеллик даражаси 63%ни, 2003 й.да 175%ни ташил этди. Н. ташаббуси ва кўмаги б-н худудда болалар спорти мажмуалари, замонавий врачлик пунктлари ва кичик корхоналар курилиши, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам каби хайрли ишлар амалга оширидди. «Меҳнат шухрати» ордени б-н мукофотланган (2001).

**НАРИГИ ДУНЁ** - к. Охирапг.

**НАРИМ ТИЗМАСИ** — Олтойнинг жан.даги тоғ тизмаси (Қозоғистоннинг Шарқий Қозоғистон вилояти). Уз. 120 км. Энг баланд жойи 2533 м. Палеозой кумтошлари, конгломерат, сланец, туфлардан таркиб топган бўлиб, уларни гранит интрузиялари ёриб чиккан-Тик шим. ён бағрида 1300 м баландликкача қайин, ундан юкорида тилоғоч, дарё водийлари бўйлаб қорақарағай-окқарағай-кедр ўрмонлари ўсади. Жан. ён бағир бетагачалов ва ўтлоқ даштлар, буталар б-н копланган. 1800 м дан юкорида сийрак субальп ўрмонлари, альп ўтлоқлари учрайди.

**НАРИМОНОВ** Ҳамидулла (1910.1.1 -Тошкент — 1982.6.4) — Ўзбекистон халқ артисти (1967). Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1930). Бухоро театрида, 1933 й.дан Ҳамза театрида ишлаган. Н. ижодига нуроний, табаррук, халқ хурматини қозонган кишилар образи якин булиб, актёр уларни ёрқин, ҳа-ётий ва ишонарли яратишга интилган. Асосий роллари: театрд — ижро этган Яичница (Н. Гоголь, «Уйлаиш»), Мадаминбек, Нурбобо (И. Сулган, «Бургутнинг парвози»), «Номъалом киши»), Холмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Хотам, Чўли бобо (Уйғун, «Қотил», «Ибн Сино»), Шоқир (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Шайхулслом (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»); кинода — Ҳасанали («Утган кунлар»), Ёқуб ота («Узгалар ташвишида») ва б.

**НАРКОБИЗНЕС** (юн. пагке бизнес)

наркотик моддаларни олиш ва сотиш б-н шуғулланадиган жиноий уюшма фаолияти. Н.дан қатта фойда кўраётган турли гуруҳ ва шахслар фаолияти халқаро конвенциялар, алоҳида мамлакатларнинг қонунлари б-н ман этилган. Шунга қарамай 20-а. охири ва 21-а. бошида бундай фаолият авж олди.

Н. келтириб чиқараётган глобал оқибатлар инсониятга хавф сола бошлади. Шу боис БМТ доирасидаги ҳамда турли минтақавий учрашувларда Н.га қарши курашда халқаро жамоатчилик куч-ғайратини бирлаштириш таъкидлаб келинади. Яна қ. Гиёҳқандлик воситалари.

**НАРКОЗ** (юн. *narkosis* — қарахтлик) — сунъий йўл б-н (баъзи кимёвий моддалар ва б. омиллар таъсирида) ҳосил қилинадиган чуқур уйқу ҳолати, бунда киши ҳеч нарсани сезмайди, ихтиёрий ҳаракат қила олмайди, эс-хуши бутунлай ёки қисман йўқолади. Тиббиётда хирургик операция вақтида оғриқсизлантириш (анестезия) мақсадида қўлланади. Америкалик хирург Уоррен биринчи бор эфир Н.и б-н операция қилган (1846). Дастлаб Н. учун фақат эфир ва хлороформцзм фойдаланиб ке-линган. Киме фанининг ривожланиши туфайли Н. хрлатини пайдо қиладиган турли хил моддалар кашф этилди.

Н.ни вужудга келтирадиган наркотик моддаларнинг бемор организмга юборилиш усулига қараб ингаляцион (нафас йўллари орқали), ноингаляцион (нафас йўлларидан бошқа йўллар б-н) ва комбинатсиявий Н. (наркотик моддалар икки ва ундан кўп усул б-н юбо-рилганда) фарқ қилинади. Ингаляцион Н.да эфир, флюотан, циклопропан ва б. моддаларнинг буғи хидлатилади, бунда махсус аппаратлардан фойдаланилади. Наркотик моддаларни кислород б-н аралаштириб юбориш нафас йўлларини ҳар хил асоратлардан сақлайди. Венага юбориб пайдо қилинадиган Н.да, асосан, уйқу дорилари — барбитурат кислота ҳосилалари ишла-

тилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бемор тез ухлаб қолиб, ҳеч нимани сезмайди. Суяк ичига, тўғри ичакка, тери остига, мускул орасига қилинадиган Н. камдан-кам қўлланади.

Кўпинча вена Н.и б-н ингаляцион Н. биргаликда амалга оширилади. Бунда Н. бериш наркотик моддаларни венага юборишдан бошланади, бемор ухлаб қолгач, ингаляцион Н. беришга ўтилади. Н. вақтида нафасни вақтинча тўхтатиб турадиган дори-дармонлар ва нафас олишини бажарадиган махсус Н. аппаратларининг қўлланилиши Н. бераётган врач — наркотизатор (анесте-зиолог)га бемор организмнинг барча функцияларини идора этиш имкони-ятини беради. Шу туфайли ўпка, юрак, йирик томирлар ва бош ми-яни бема-лол операция қилиш мумкин. Турли кимёвий моддалар юбориб пай-до қилинадиган Н.дан ташқари махсус кўрсатма б-н электронаркоз қўлланади.

**НАРКОМАНИЯ** (narcomania; юн. narke — қарахлик ва мания) — қ. Гиёҳвандлик.

**НАРКОТИК МОДДАЛАР**, наркотиклар — қ. Гиёҳвандлик воситалари.

**НАРКОТИК ЎСИМЛИКЛАР** - таркибида одамнинг марказий нерв системасига таъсир кўрсатадиган ҳар хил синфга кирувчи органик моддалар (алкалоид, эфир мойи, органик кислоталар, гликозидлар, сапонин ва б.) мавжуд ўсимликлар. Кўпчилик Н.ўдан олиннадиган моддалар тиббиёт ва вете-ринарияда даволаш ва оғриксилантиришда ишлатилади. Таъсир қилувчи моддалари, асо-сан, алкалоидлар. Кўпчилик Н.ў. захарли ва улардан олиннадиган препаратларнинг кўп қабул қилиниши гиёҳвандликка олиб келади. Н.ўнинг кўпчилиги юксак ўсимликларга киради. Кўп турлари Жан. Америка тропикларида, Шим. Америка ва Марказий Осиёда учрайди. Уларнинг ай-римлари доривор экинлар сифатида экиб ўстирилади (афюнли кўкнор, ҳинд на-

шаси, махорка, тамаки, хин дарахти, кока бутаси), айримлари захарли ўсимликлар бўлиб, ёввойи ҳолда ўсади (бангидевона, афсонак, марал-қулок, шувокнинг баъзи турлари). Яна қ. Гиёҳвандлик воситала-ри.

Холима Отабоева.

«НАРОДНОЕ СЛОВО» — ижтимо-ий-сиёсий газета (қ. «Халқ сўзи»)

**НАРПАЙ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ** — репертуар бирлиги, устоз-шо-гирд муносабатлари, ижро усуллари б-н бошқа бахшилардан ажралиб турган до-стончилар гуруҳи. Н.д.м. Эрназар шоир, Ражаб шоир, Тўхтамиш, Абдухолик, Ис-лом Назар ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли, Зиёдулла Исломов каби бахшиларни ўзида бирлаштирган. Бу мактаб вакиллари Нарпай, Каттақўрғон, Жом, Когон, Муборак, Карши атрофла-рида машҳур бўлганлар. Улардан «Ор-зигул», «Сохибқирон», «Эрали ва Ше-рали», «Кунтуғмиш», «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш», «Ҳасанхон», «Зулфизар билан Авазхон», «Ту-лихиромон», «Хир-мондали» каби достонлар ёзиб олинган. Уларнинг акса-рияти нашр этилган.

Анъанавий репертуарнинг чуқур халқчиллиги ва замонавийлиги Н. д. м. нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобла-нади. Бу мактаб вакиллари халқ достон-ларининг демократик асосларини янада кенгайтирдилар. Шунга қўра, Н.д.м. ва-килларида ёзиб олинган дос-тонларда Ойтўра, Холёр, Қинғир чол, Доно чўпон, Ҳамро боғбон, Уста Олим, Умар, Қулмалойик каби кенг меҳнат-кашлар оммасининг турли табақаларига оид хилма-хил образлар яратилган. Бошқа мактабларнинг вакилларида бу хил об-разлар (Кайқубод, Жанжалқал, камбағал чол, ўтинчи ва б.) анъанавийлиги б-н аж-ралиб туради.

Ад.: Мирзаев Т., Халқ бахшилари-нинг эпик репертуари, Т., 1979.

**НАРПАЙ КАНАЛИ** - Зарафшон во-

дийсидаги қад. ва йирик каналлардан бири. Қорадарё (Зарафшон тармоғи)дан тўғонсиз сув олади. Сув ўтказиш имконияти 70 м<sup>3</sup>/с. Суғориш майд. 42,2 минг га; Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида 18,6 минг га, Пахтачи туманида 17,9 минг га, Каттақўрғон туманида 4 минг га, ундан қуйроқда 1,7 минг га ерларни суғоради. Канал трассаси дарёга параллел ҳолда Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари этаклари бўйлаб ўтган. 370 шохобчаси бор. 1929 й.гача унинг уз. 30 км, сув ўтка-зиш имконияти 8—10 м<sup>3</sup>/с бўлган. 1929—32 й.лардаги реконструкцияда узайтирилди, сув ўтказиш имконияти 48 м<sup>3</sup>/с етказилди. Ортикча сувни ташлаб юборадиган 4 шохобча қурилди. 1950 й.да Н.к. Каттақўрғон сув омборига уланди. Қайта реконструкция қилингандан кейин сув ўтказиш имконияти 70 м<sup>3</sup>/с га етди.

**НАРПАЙ ТУМАНИ** - Самарқанд вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да таш-кил этилган. Вилоятнинг жан.да жойлашган. Шарқ ва ғарбдан вилоятнинг Каттақўрғон, Пахтачи, шим.дан Навоий вилоятининг Хатирчи тумани, жан.дан Нуробод тумани, Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,44 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 152 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Оқтош), 1 шаҳарча (Мирбозор), 9 қишлоқ фуқаролар йиғини (Исломош-ир, Косагарон, Олти-ўғил, Чақар, Янгиработ, Янгиқўрғон, Қадим, Қоракўл, Қорасийрак) бор. Маркази — Оқтош ш.

Табиати. Туман худудининг жан.ғарби Қарноб чўли, марказий қисми ва шим.-шарқида Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғлари, тоғ ораларидаги сойлик ва ботиклардан иборат.

Ер юзаси, асосан, учламчи давр чўкинди жинсларидан ташкил топган. Бу ер неоген давригача денгиз бўлган. Неоген давридаги альп орогенетик жа-раёни таъсирида водий қуруқликка айланган. Иклими кескин континентал. Ёзи жазирама иссиқ ва қуруқ, киши совуқ. Йиллик ўртача т-ра янв.да — 1,9°, июлники 27,2°.

Энг юқори т-ра 44°, энг паст т-ра —35°. Вегетация даври 200 кун. Йиллик ёгин миқдори 200 мм. Ёгиннинг кўп қисми баҳор ва қишда тушади. Шим. чегараси бўйлаб За-рафшон дарёси оқиб ўтади. Сой ва жил-ғалар ёзда қуриб қолади. Кдц. Нарпай қапали туман худудидан ўтган. Тупроклари суғориладиган бўз тупроқ, баъзи жойларда шўрланган тупроқдар, тоғ этаги қия текисликларида оч бўз тупроқ, асл бўз тупроқлар учрайди. Ёввойи ўсимликлардан пашмакшўра, оқшўра, бугдойик, қамиш, рўвак, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайра, жайран ва б. учрайди. Қушлардан сўфитўрғай, лой-хўрак, чуғурчик., зарғалдоқ, қирғовул; судралувчилардан геккон калтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кеми-рувчилардан кўрсичқон, кичик кўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қозок., рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> 345 киши (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, ипакчилик, саб-завотчилик. 5364 деҳқон хўжалиги мавжуд. Туманда «Зирабулоқпахта», «Оқтошдон», Зирабулоқ тажрибасинов з-ди, «Оқтошнон», «Саломатлик» корхоналари, 10 қишлоқ қурилиш к-ти, Зирабулоқ магистрал газ йўлларида фойдаланиш бошқармаси, Нар-пай ва Зирабулоқ МТП акциядорлик жамиятлари, 2 автотранспорт корхонаси, Оқтош ва Мирбозор деҳқон бозорлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий экин майд. 21962 га, шу жумладан, суғориладигани 20640 га. 1322 га лалмикор ерлар, 802 га боғлар, 779 тоқзорлар, 515 га тутзорлар б-н банд. Туман худудидан республика аҳамиятидаги автомобиль йўли, т.й. (Зирабулоқ т.й. станцияси) ўтган.

Маиший хизмат ва касб-ҳунар коллежи, 68 умумий таълим мактаби, 47 жамо-

ат кутубхонаси, 26 маданият уйи, Мир-бозор халқ музейи, 560 ўринли марказий касалхона, 3 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 39 фельдшер-акушерлик пункти, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш маркази фаолият кўрсатади. 1932 й.дан «Пахтакор овози» туман газ. чиқади.

**НАРХ**, баҳо — товар қийматининг пулдаги шакли; бозор иқтисодиётида амал қилувчи иқтисодий дастак. Иқтисодий тафаккур тарихидаги айрим қарашларда Н.ни қийматнинг меҳнат назариясига асосланиб талқин қилишган, унга қийматнинг пулдаги ифодаси деб қаралган. 21-а. бошларидаги назариялар Н.ни пулнинг миқдорий назарияси асосида изохлаб, Н.га харажатлар, товарнинг нафлилиги ва рақобат таъсир этишини эътироф этади. Н.ни қиймат белгилайди, аммо у аниқ бир қийматдан юқори ёки паст бўлиши мумкин, бу эса бозордаги муайян товарга бўлган талаб ва таклиф боғлиқ. Н. фақат қийматни эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва б. товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ. Бинобарин, Н. қийматдан миқдоран фарқланади. Маҳсулот таннархи ҳар қандай Н.нинг асоси бўлиб, маҳсулотнинг ҳаётий цикли давомида унинг Н.идаги ўзгаришларга катта таъсир кўрсатади. Н. миқдори харажатларга ва товар сифатига тўғри мутаносибликда, рақобатнинг шиддатига эса тескари мутаносибликда туради. Бозор иқтисодиётида Н. бир неча вазифаларни бажаради: 1) ҳисоб-китоб ва ўлчов вазифаси — Н. воситасида қилинган харажатлар, олинган натижанинг пулдаги миқдори аниқланади. Харажатлар ишлатилган ресурслар миқ-орини унинг Н.ига кўпайтириш орқали ҳисобланади; 2) рақобатлантириш вазифаси — Н. нинг ўзгариши и.ч. ҳажмини ўзгартиради. Талаб Н.га нисбатан тескари мутаносибликка эга. Н. пасайса талаб рақобатлантирилади, аксинча,

Н. ошса (бошқа шарт-шароит ўзгармаган тақдирда) таклиф рағбат олади. Н.даги ўзгариш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга иштиёқ бағишлайди; 3) рақобат воситаси вазифаси — Н. рақибни бозордан си-қиб чиқариш ва бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ишлатилади. Рақо-батчилар Н.ни ўзгартириб туриш, уни шароитга қараб турлича белгилаш ор-қали ўзаро беллашадилар. Н. рақобатлашувнинг иқтисодий воситаси ҳисобланади; 4) иқтисодиётни тар-тиблаш вазифаси — Н. бозор механизмидаги асосий иқтисодий дастак ёки восита. Н. ўзгаришига қараб нимани ва қанча и.ч. кераклиги аниқланади. Муайян товарлар Н.ининг ошиши уларни кўплаб и.ч. кераклигини билдиради, аксинча, Н.нинг пасайиши товар и.ч.ни камайиши ёки умуман тўхтагилиши лозимлигини аниқлатади. Н.га қараб бозори касод товарлардан воз кечилиб, бозори чакқон товарларни и.ч.га ўтилади. Бу эса ресурсларнинг бир соҳадан иккинчисига оқиб ўтиши-га, эски соҳа қисқариб, янги соҳанинг тез ривожланишига олиб келади. Н. ресурсларни қайта тақсимлаш орқали иқтисодиётни тартиблайди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида товарлар ва хизматлар олди-сотдисида қулланилиши Н. тизимини яратади. Миллий иқтисодиёт ҳолатини ҳисоблашда жорий ва қиёсий Н.лар қўлланилади. Жорий Н.лар амалдаги Н.лар бўлиб, улар ёрдамида йил давомидаги и.ч. натижалари ҳисобланади. Қиёсий Н.ларда маълум йил асос қилиб олиниб, и.ч.нинг натижалари шу Н.да ҳисобланади ва бошқа йиллар б-н таққосланади. Жорий Н.лар инфляция туфайли ўзгариши ва реал иқтисодий натижани кўрсатмаслиги сабабли ялли миллий маҳсулот, миллий даромад, реал иш ҳақи ва ш. к. кўрсаткичлар динамикаси қиёсий Н.ларда ҳисобланади.

Н. қайси бозорда амал қилиши, қим-га мўлжалланганлиги ва қайси мақсадни кўзлашига қараб бир неча турларга бўлинади.

Эркин бозор Н.и (мувозанатли Н.) —

эркин бозорда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бўлганидан улардан ҳеч бири ўзи хоҳлаган нархни ўрнатолмайди. Бу ерда талаб-таклиф нис-батига қараб эркин савдолашув Н.и, яъни мувозанатли Н. юзага келади; монопол Н. — монопол бозорда со-тувчи ёки харидор озчилик ёхуд танҳо бўлганида улар хоҳлаган Н. ўрнатилади. Бу бозорга зўрлаб киритиладиган Н. бўлиб, одатдаги Н.лардан юқори бўла-ди ва монопол фойда олишга хизмат қилади; Улгуржи Н. — товар ишлаб чиқарувчилар савдо фирмалари-га то-варларни бир йўла кўтарасига со-тишида қўлланади. Товар биржалари ва савдо уйларида ҳам улгуржи Н.лар қўлланади; шартнома Н.лари — сотувчи ва харидорларнинг розилиги б-н белги-ланадиган ва ўзаро тузиладиган шартно-мада кўрсатиладиган Н. Бундай Н., ода-да, шартнома муддати амал қила-диган даврда ўзгармайди. Кўпроқ мил-лий ва халқаро бозорларда қўлланади. Чакана Н. — товарлар бевосита ис-теъмолчиларга яқкалаб сотилган чоғда қўлланади ва микдори улгуржи Н.дан юқори бўлади; Прейскурант Н. — харидор учун билдир-гич ёки маълумот-нома Н. бўлиб хизмат қилади ва ҳақиқий Н. прејскурантлар (кўрсаткичлар)да эълон қилинган Н. атрофида бўлишини англатади; Дотация-ланган Н. — давлат бюджети ҳисо-бидан махсус арзонлаштирилган, бозор Н.идан пастрок қилиб белгиланган Н., Н.даги фарқ бюджет берадиган дотация б-н копланди. Бу Н.ни ўтиш даврида турган мамлакатларда давлат аҳолини ижтимо-ий ҳимоялаш учун қўллайди; Демпинг Н. — бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва ра-қибларни сиқиб чиқаришда қўллана-диган махсус пасайтирилган Н., халқ-аро бозорларда кўпроқ қўлланади.

Бозор қўламига кўра, Н.лар худудий (минтақавий), миллий ва халқаро бозор Н.лар и га бўлинади. Худудий Н. — фақат маълум худудий бозорга хос бўлиб, у шу худуд доирасидаги омилар таъсирида ҳосил бўлади. Миллий бозор Н.и — бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва

уларнинг хусусия-тини акс эттирувчи Н.лардир. Халқ-аро Н. — муайян товар-га кетган байналминал харажатларни, товарнинг нафлилиги жиҳатидан жаҳон стандарти талабига мос келиш даражаси-ни ва халқаро бозордаги талаб ва таклиф нис-батини ҳисобга олади.

Н.лар фарқининг микдорий ифодаси Н. диапозони дейилади. Н. диапозони Н.лар оралиғининг пулдаги ифодаси-дир. Н. диапозони куйи, ўрта ва юқори Н.ларни ўз ичига олади. Бу диапозон қанчалик катта бўлса, товар муомала-си шунчалик тез юз беради, талаб б-н Н. ўзаро боғланади. Иқтисо-диёт бир-бирига боғлиқ ва ягона бўлга-нидан тур-ли товарлар ва хизматлар Н.лари бир-бирини юзага чиқаради, тўлдиради ва ўзаро таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳар бири ўзи б-н боғлиқ кейинги махсулот харажатларини шакллантиради. Кўпгина соҳаларда ишлатиладиган энг муҳим иқтисодий ресурслар (металл, нефть, ку-мир, газ, ёғоч, буғдой, пахта каби товар-лар) Н.ининг ўзгариши бозордаги жами Н.лар нисбатига таъсир кўрсатади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

**НАРХ ИНДЕКСИ** — муайян давр давомида нархларнинг нисбий ўзгаришлари кўтарилиши ёки пасайи-ши, динамикаси кўрсаткичи. Н.и. яқка ва йиғма Н.и.га бўлинади. Яқка Н.и. ку-затиладиган (ҳисобот) йилдаги муайян товар нархининг базис даврдаги нархга нисбатига, йиғма Н.и. ҳисобот даврида амалдаги нархларда сотилган товарлар гуруҳи қийматининг базис даври нархла-ридаги қиймати нисбатига тенг ва фоиз-ларда ҳисобланади.

Айрим мамлакатларда, Мас, Буюк Британияда товарлар ва хизматларнинг чакана нархлари индекси тахм. 130 минг-дан ортиқ турли товарлар нархлари асо-сида Марказий статистика бюроси то-монидан ҳисоблаб чиқилади ва ҳар ойда эълон қилинади.

**НАРХ ПАРИТЕТИ** — бир товар

нархнинг бошқа товар нархига нисбати. Н.п. бир товарнинг бошқа товарга қандай миқдорда тенглашувини, бир товарни сотишдан тушган пулга қанча бошқа товар берилишини билдиради. Н.п. ўзгариши бозор ҳолатига боғлиқ бўлганида унга талаб-таклиф нисбати, харажатлар, нарх б-н рақобатлашув таъсир этади. Давлат нархнинг ортиши ёки пасайишини чеklang қўйганда бу бозор ҳолатидан келиб чиқмаганлиги сабабли Н.п.да сунъий силжиш рўй беради. Н.п. ўзгаришига инфляция таъсир этади. Иқтисодий учун энг мақбули Н.п.нинг бозор ҳолатига қараб ўзгаришидир, чунки бу талаб-таклифнинг ўзгаришини, бозор нимани талаб қилишини, нимани и.ч. нафли бўлишини билдиради.

**НАРХ ШАКЛЛАНИШИ** - товарлар ва хизматларга белгиланган ярснинг бир қатор омиллар таъсирида юзага келиши жараёни. Умумий маънода — Н.ш.га давлат органлари (солик, кредит ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа кўринишлари орқали) ҳамда иқтисодий фа-олият субъектларининг ўзлари таъсир кўрсатади. Тор маънода — фирмаларнинг ўз нарх стратегиясини ишлаб чиқиши. Н.ш.нинг 3 асосий — эркин, маъмурий ва аралаш типлари мавжуд. Эркин Н.ш. талаб ва таклиф асосида юзага келади. Барча товарлар ва хизматлар нархларининг бевосита маъмурий белгиланиши маъмурий, эркин ва маъмурий Н.ш.нинг турли нисбатларда қўлланилиши аралаш Н.ш.деб юритилади. Н.ш. жараёни товар ишлаб чиқарувчи фирмалар бошланиб, бозор нархи ўрнатилгач, тугалланади.

Н.ш.нинг бозор реал шароитига асосланган 5 асосий қондаси мавжуд; харажатларни қоплаш қондаси — нарх даражаси товарлар сотилганда фирманинг товарларни и.ч. ва сотиш харажатлари тўла қопланиб, тадбиркорга минимал фойдани таъминлаши керак. Агар бу қонда амал қилмаса, фирма зарар кўради ёки тадбиркор ҳеч бир даромад олмай ўз ишини тўхтатади. Харажатларни қоплаш

зарурати нархнинг энг қуйи чегарасини белгилайди ва нархнинг бундан паст бўлиши иқтисодий учун мақбул эмас; фойдани максималлаштириш қондаси — нарх ўртгача харажатлардан юқори қилиб белгиланиши, товар шу нарх б-н сотилганда иқтисодий фойда олиниши керак. Фирма ўз товарига нарх қўйганда фойдани максималлаштиришни мўлжаллайди. Фойдани максималлаштирувчи нарх, одатда, монополлашган бозорда амал қилади; ра-қобатда энгиш қондаси — белгиланган нарх даражаси харидорларни ўзига оғдириб, рақибни бозордан си-қиб чиқариш имконини бериши зарур. Бунинг учун оддий товарлар нархи вақ-тинча паст белгиланади, фойда камаяди, лекин йўқотилган фойда рақобатда энгиш учун хизмат қилади. Мазкур қонда нуфузли товарлар нархни юқорироқ белгиланишини билдиради, чунки уларнинг харидорлари пулдор табақа ҳисобланади; пешқадамлик қондаси — турдош (ўринбосар), яъни бир хил эҳтиёжни қондирувчи товарлар нархи пешқадам фирма белгиланган нархга биноан шаклланади. Бошқа фирмалар нархни пешқадам нархни мўлжалга олиб унга яқин қилиб белгилайди. Бу қонда одатда олигополия бозорида амал қилади. Бундай бозорда фирмалар озчилик бўлиб нархларни бир-бирига яқин белгиланган ҳолда, асосан, сифат ва сервис б-н рақобатлашади.

Нарх қуйи ва юқори чегара оралиғида шаклланади. Агар қуйи чегарани харажатларни қоплаш зарурати белгиласа, юқори чегарани истеъмолчиларнинг харид қобилияти белгилайди. Нарх юқори чегарадан чиқиб кетса харидорларнинг пули етмай, товарлар сотилмайди, қуйи чегарадан паст бўлса фирмалар зарарга учраб, ёпилиб кетади. Н.ш.нинг энг муҳим талаби унинг бозор шароитига мосланиши ва ўзгарувчан бўлишидир. Нарх белгилашга давлатнинг аралашуви бозор қондаларига зид. Шу сабабли давлат бозор нархларини эркинлаштириб, бозор қондасидан ташқарида юзага ке-



ладиган моно-пол нархларни чегаралаб туради.

Аҳмаджон Ўлмасов.

**НАРХ-ФРАНКО** — товарни хари-дорга ташиб етказиб бериш сарфлари-ни ҳам ўз ичига олган улгуржи нарх. У одагдаги нархдан транспорт сарфлари-нинг киритилганлиги б-н фаркланади. Товарни сотувчи ташиб етказиш ман-зили — темир йўл ст-яси, кемалар пор-ти, ом-бор ёки давлат чегараси бўлиши мумкин. Манзилнинг узок-яқинлигига, то-варнинг ортиб-тушириб берилишига қараб Н.-ф. ҳар хил бўлади. Н.-ф. хари-дор учун қулай бўлиб, транспортни таш-кил этиш муаммоларидан озод қилади.

Халқаро савдода Н.-ф.нинг СИФ, ФАС, ФОБ сингари тижорат шартлари бор. СИФ (инг. Cost, Insurance, Freight — киймаг, суғурга, фрахт) — товарнинг со-тилиш нархига товар кий-мати, суғурга ва манзилгача транспорт харажатлари ҳам киради; ФАС (Free Alongside Ship — кема бўйлаб эркин) — сотувчи ўз товари учун кема ёллай-ди, товарини кемагача ўзи ҳисобидан етказиб ва ортиб беради; ФОБ (Free on Board — кемада эркин) — кемани ха-ридор ёллайди, сотувчи ўз то-вари учун кемага юклаш даврига қадар жавобгар бўлиб, товар нархи бевосита товар қиймати ва уни юклашгача бўлган харажатлардан таги кил топади (яна к. Франко).

**НАРШАХ**, Наржак, — Бухоро вилоя-ти Вобкент туманидаги қад. кишлоқ. Илк ўрта асрларда Н.да катта ҳисор (кўрғон) бўлган.

Муқанна кўзюлонитг марказлари-дан бири шу кишлоқда жойлашган. 776 й. апр.да Муқанна тарафдорлари б-н Бу-хоро амири Ҳусайн ибн Маоз лашкари ўртасида Н.да катта жанг бўлади. Ха-лифа Махдийнинг вазири Жаброил ибн Якё арабларга ёрдамга келиб, Н.ни қамал қилади. Тўрт ойлик жангларда Ҳосим Аҳмад бошчилигидаги Муқанна тараф-дорлари бўлган оқ кийимликлар ғалаба

қозонишган. Бирок, араблар ҳийла йўли б-н Н.ни эгаллаб, кўзғолон рах-барларини хоинларча ўлдиришади. Бу пайтда Н.нинг ҳокими бўлган аёл киши (эрининг номи Шараф бўлиб, у Абу Мус-лимнинг лашкарбошиси бўлган)ни ҳам Жаброил ўлдиртирган.

Н.дан машхур тарихчи олим Нар-шахий чиққан. Н. ҳақида Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб» асари-да ҳам муҳим маълумотлар мавжуд (12-а.). Ҳоз. Н. Нарчоқтепа номи б-н машхур.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи. Т., 1966; Камалиддинов Ш., «Китоб ал-ансаб» Абу Саъда Абдалқарима ибн Муҳаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии, Т., 1993.

**НАРШАХИЙ**, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарийя ал-Хаттоб ибн Шарик аннаршахий (899—959) — тарихчи олим. Бухоронинг Наршах кишлоғида туғилган. Таржимаи холига оид маълумотлар кам. Сомонийлар са-рой-ида котиблик қилган. Н. 943—944 й.ларда «Бухоро тарихи» («Таҳқиқи ви-лояти Бухоро») номли асарини араб тили-да ёзиб, уни сомонийлар амири Нуҳ ибн Наср (ҳукмронлик даври: 943—954)га бағишлаган. Н.нинг ўғли Абу Бакр Ман-сур ва невараси ҳадисшунос олим Абу Рафи ал-Ала ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Жаъфар асарни араб тилида давом эт-тиришиб, Мансур ибн Нуҳ (ҳукмронлик даври: 997—999), яъни сўнгги сомоний-лар давригача тўлдиришган. Насафий-нинг «Китоб ал-қанд» («Самарқандий») ва Абу Саъд ас-Самъоний (1113—1167) нинг «Китоб ал-ансоб» асарларида Н. ҳақида маълумотлар мавжуд. Н. ўз туғилган кишлоғида вафот этган. Асар-нинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. 1128 й. қувалик Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубавий асарни форс тили-га қискартириб таржима қилган. 1178—79 й.ларда асар 2-марта қискартирилган. Таржимонлар қискартириш б-н бирга уни янги маълумотлар б-н маълум маъ-

нода тўлдирганлар. «Бухоро тарихи» 36 бобдан иборат бўлиб, асосан, Бухоро воҳасининг тарихига бағишланган. Ки-тобнинг бир неча боби Бухоронинг барпо этилиши, қад. номлари, қад. подшоҳларига бағишланган. Асарнинг махсус бир боби Бухоро агрофидаги Кармана, Нур, Тавоис, Искажкат, Шарғ, Зандана, Вардона, Афшона, Баркат, Ромитан, Варахша, Байканд (Пойкенд), Фороб ва б.

«Тарихи Наршахий» китобининг биринчи беги (Янги Бухоро, 1904). «Бухоро тарихи» китобининг биринчи бети (Тошкент, 1966).

шаҳар ва қишлоқларнинг тасвирига бағишланган. Унда бу жойларнинг тарихи, ахрлиси ва унинг машғулотли, фаолияти ҳамда ташқи шаҳарлар б-н муносабатлари ҳикоя қилинади. Бухоро аҳолисининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган муҳим тарихий воқеалар баён қилинади. Китобда Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, ислом динининг ёйилиши ва Бухоронинг араблар томонидан тақсимлаб олинishi ҳамда халифаликка қарши курашлар, айниқса, Муқанна, Абу Муслим ва б. бошчилигидаги халқ кўзғолонлари батафсил ҳикоя қилинади. «Бухоро тарихи»да 9-а. да Ўрта Осиёнинг араб халифалигидан ажралиб чиқиши, Мовароуннаҳр ва Хуросонда сомониёлар давлатининг барпо бўлиши ва сомониёлар даврида Бухоронинг иқтисодий ва маданий ҳаёти тасвирланган. Асарда Бухоронинг тарихий топографиясига оид маълумотлар бўлиб, унда Бухоро ш.нинг дарвозалари, ички ва ташқи деворларининг қурилиши ҳам арк ва шаҳ-ристоннинг бино қилиниши ҳикоя қилинади. Асар фақат Бухоро тарихи-нигина эмас, балки бутун Ўрта Осиё тарихини ўрганишда ҳамда нодир манбадир. «Бухоро тарихи» Париж (1892)да француз, Бухоро (1904) ва Техрон (1939) да форс, Тошкент (1897)да рус, Кембриж (1954)да инглиз, Тошкент (1966, 1993)да ўзбек тилида, Душанба (1979)да тожик

тилида нашр этилган.

Ас: Бухоро тарихи, Т., 1966.

Ад.: Камалиддинов Ш. С «Китоб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Муҳам-мада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культур Средней Азии, Т., 1993; Нажмуддин аннасафий, Самарқандия, Т., 2001.

**НАРЪЯН-МАР** —РФ Архангельск вилоятидаги шаҳар (1935 й.дан), Ненецлар мухтор округи маркази. Денгиз ва даре порти ва Печоранинг ўнг соҳилидаги пристань. Баренц денгизидан 110 км узоқликда. Аҳолиси 187 минг киши (1998). Тахта тилиш ва мой з-длари, Печора балиқ, гўшт к-глари, ўрта махсус билим юртлари, ўлкашунослик музейи бор. 1933 й.да саноат корхоналари қурилиши муносабати б-н вужудга келган.

**НАСА** (Аэроавтотика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси) — АҚШ ҳукуматига қарашли муассаса. Аэроавтотика бўйича миллий бошқарма номи б-н 1915 й. ташкил қилинган, 1958 й.дан ҳоз. номи б-н аталган. Космик учишлар дастурини ишлаб чиқиш, космик кемалар (КК) яратиш, уларни за-рур асбоблар б-н жиҳзлаш ва б. амалий ишлар ҳамда назарий и.т. ишлари б-н шуғулланади. И.т. ишлари, асосан, хусусий фирмалар томонидан ҳамда НАСА и. т. марказлари, шу жумладан, реактив двигателлар лаб. ва космик нурланишларнинг КК га ва инсонга таъсирини ўрганиш лаб. да бажарилади. Назарий ишлар олий ўқув юртлари ҳамда бошқа шу соҳадаги и.т. муассасалари б-н ҳамкорликда олиб борилади.

**НАСАБ** (араб. — қон-қариндошлик) — бир ота-бободан тарқалган авлод; уму-ман авлод-аждод, наел (яна қ., Авлод).

**НАСАВИЙ** (тўлик исми Абулҳасан Али ибн Аҳмад аннасавий) (?), Наса ш. — тахм. 1030) — ўрта осийлик математик. Аввал бувайхий султонлари, сўнгра

Махмуд Ғазнавий саройида хизмат қилган. У «Ҳинд арифметикаси ҳақида етарлича маълумот» («Ал-муҳиъ фил-ҳисоб ал-ҳинд») номли асар ҳамда Менелей ва Архимед асарларига шарҳлар ёзган. Н.нинг асари бутун сонлар, ўнли касрлар устида амалларга, олтмишли касрларга бағишланган тўртта мақоладан иборат. Асардаги тақрибий квадрат ва куб илдиз чиқариш қоидалари, айникса, диққатга сазовордир. Бу қоидалар ҳоз. белгилашларда қуйидагича:

**НАСАВИЙ**, Шиҳобиддин Муҳаммад аннасавий (? —1249) — тарихчи, Ашхобод яқинидаги Хуран-диз қалъаси ҳокими (1219—21). Н 1220—24 й.ларда мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган. 1224 й.дан Жалолоддин Мангубердинг шахсий қотиби бўлган, унинг ҳарбий юришларида қатнашган. 1241 й. араб тилида «Сийрат ас-султон Жалолоддин Мангуберди» («Султон Жалолоддин Мангубердининг ҳаёти тафсилоти») номли асар муаллифи. Асарда Мовароуннахрни босиб олиниши б-н боғлиқ воқеалар баён этилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ижтимоийсиёсий аҳволи тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Асар 13-а. охирларида форс тилига таржима қилиниб, Техронда, унинг арабча нусхаси Париж, Қоҳирада, русча таржимаси Бокуда ва ўзбек тилида Тошкентда (1999) нашр этилган.

Ас: Шаҳобиддин Муҳаммад аннасавий, Султон Жалолоддин Мангубер-ди ҳаёти тафсилоти, Т., 1999.

**НАСАИЙ**, Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Али ибн Шуайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ал-Хуросоний (827, Насо/ Нисо ш. — 915) — муҳаддис, энг ишончли 6 та ҳадис тўпламидан бири («Сунани Нисоий»)нинг муаллифи. 15 ёшида Хижоз, Йроқ, Шом, Миср ва б. мамлакатларга бориб диний фанларни пухта ўзлаштиради. Дамашқда умавийларга ён босмагани сабабли тазйиқ остида қолади. Бир ривоятга кўра, Маккада, бошқасига кўра,

Байтил-Макдис (Қуддус)да вафот этади. «Ас-Сунан ал-қубро» («Қатта сунан») тўплами унинг шоҳ асари ҳисобланади. Бундан ташқари, «ас-Сунан ас-суғро» («Кичкина сунан») ёки «ал-Мужтабо» («Сайланма»), «ал-Ҳасоис» («Хусусиятлар»), «Ҳазоил ас-саҳрба» («Саҳрбаларнинг фазилатлари»), «ал-Маносик» («Маросимлар») ва б. китобларни ҳам ёзиб қолдирган.

**НАСАФ**, Нахшаб — Қарши воҳасида, Қашқадарёнинг қуйи оқими бўйларида жойлашган ўрта аср шаҳри ва вилояти номи. Н. шаҳри Қарши ш.дан 8 км шим.-ғарбдаги Шулуқтепа шаҳар харобаси ўрнида бўлган. 7—8-а.ларда Н.да от тасвири, G — белгиси ва туркий чехра ҳоким расми туширилган мис тангалар зарб қилинган. 8-а.нинг 2-ярмидан бу тангалар фельс деб аталган. Араблар истилосидан сўнг Н. вилоятнинг маъмурий маркази бўлган. Н. ўрта асрларда 3 қисмдан — арк, шахристон ва рабоддан ташкил топган, мудофаа девори б-н ўралган, 4 та дарвозаси — Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Губдин дарвозалари бўлган. 10-а.да арк харобага айланиб, ҳаёт кенг рабодда давом этган. Ҳоким уйи ва қамоқхона дарё бўйидаги Расал қантара — кўприк боши деган ерда жойлашган, жоме масжиди рабодда, Губдин дарвозаси олдида бўлган, шаҳар бозор б-н ҳоким уйи оралиғида жойлашган. 14-а.да Н. Қарши номини олган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С, Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

**НАСАФИЙ**, Абу ал-Мутиъ (? - Насаф — 930) — шоир. Ҳаёти ва ижодига оид маълумот кам. Араб тилида ижод қилган. Бизгача «ал-Луълуйиёт фи-л-мавоиз» («Мавъизалар дурдоналари») асаригина етиб келган. Асар ибратомуз ҳикоятлар, панд-насихат, ахлоқ мавзудидаги шеърлар, ҳикматлардан иборат. Уларда тўғрилиқ, ҳалоллик, ростгўйлик, яхшилик, илмга

интилиш гоялари улуғланган. Бу асар бадий адабиётда дидактик йўналишнинг шаклланишида, ахлокий-сиёсий йўналишдаги «Сиёсатнома» (Низомулмулк), «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Хибаат ул-ҳақойик», «Қиссаи Рабғузий» каби асарларнинг яратилишида муҳим роль ўйнаган. Уни Маъмуд ибн Ҳасан ибн Қози Ораж «Майамин ут-таржуман ва мунис ул-инсон» («Таржимон саодати ва инсон дўсти») номи б-н форс тилига таржима қилган (1935). 1868 й.да форсийдан ўзбекчага «Мунис ул-инсон» («Инсонлар дўсти») номида ўгирилган нусхалари Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасида сақланади.

А.д.: Равшанов П., Адабий саҳифалар, Т., 1985.

**НАСАФИЙ**, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад (1069—1142) — тарихчи, факих, тилшунос, муҳаддис, муфассир олим. Унинг мусулмон қонуншунослигига доир «ал-Манзумат ан-насафия фил-хилофиёт» («Келишмовчиликлар борасида Насафийнинг назмий асари»), «Ақоид ан-насафий» («Насафий ақоиди»), шариат қонунлари ва Куръони карим шарҳига доир «ал-Йавоқит фил-мавоқит» («Қулай вақтлар хусусида ёқутлар»), 3 китобдан иборат (100 босма табоқ ҳажмида) «Тайсир фит-тафсир» («Тафсир этишдаги қулайликлар»), шунингдек, тасаввуфга доир «Рисолайи Нажмия» китоби бизгача етиб келган бўлиб, улар етарли тадқиқ этилмаган. Мусулмон оламида Абу Ҳафс Насафий асарларига қизиқиш қадимдан катта бўлган. Унинг «ал-Манзумат ун-насафия» асарига замондоши Алоуддин Абулмужоҳид Муҳаммад Самарқандий (вафоти 1157 й.) «Хасрул масоил ва кас-руд-далойил» («Масалаларнинг чеклангани ва далиллар касри») деб номланган тафсир битган. Соҳибкирон Амир Темури даври олимларидан Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний (вафоти 1390) Н. асарларига «Шарҳи ақоид ун-насафия» номи тафсир ёзган. Н.нинг

«ал-Канд фий зикри уламои Самарқанд» [«Самарқанд уламолари хотирасига доир канд(дек ширин) китоб»] номи асари, асосан, самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган. Унда Мовароуннаҳр тарихи, топони-микаси ҳамда Исломи тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида ёти-лаштирилган бўлиб, унинг бизгача етиб келган кўлэзма нусхасининг «хо»дан «коф» ҳарфларигача бўлган қисмигина сақланиб қолган. Шундай бўлсада, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бўлак манбаларда учрамайдиган маълумотларга эга эканлиги боисидан ниҳоятда муҳимдир. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти Н.нинг ушбу асарининг қисқартирилган ҳолдаги ўзбекча таржимасини «Самарқандия» номи остида чоп этган (2001).

**НАСАФИЙ**, Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (? —1310, Бағдод) — муфассир, муҳаддис, фикхшунос. Устози Муҳаммад ибн Абдусаттор ал-Кардарий бўлган. Н. фикҳга доир кўплаб асарлар ёзган. Олимнинг «Канз уд-дақоик» («Дақиқ масалалар хазинаси») асари айниқса машҳур. Унда мусулмон ҳуқуқшунослиги асослари, ханафийлик ва шофийийлик мазҳабларининг ўзига хос қиёсий жиҳатлари акс этган. Бу рисола Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммод ал-Ирди Кермоний томонидан форс тилига таржима қилинган. Н.нинг «Мадорик ат-танзил ва ҳақойиқ ат-таъвил» («Нозил қилинган Куръон маънолари ва тафсир қилиш ҳақиқатлари») тафсир китоби ҳам машҳур. Уни таълиф этишда имом Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсиридан фойдаланган. Н. тафсири ҳозиргача уламолар ва илми толиблар ўртасида шухрат топиб келмоқда ва ундан ислом ўқув юртраида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Н. ҳаётининг

сўнги йилларида Бағдодда мударрислик килган. Н. асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида, бошқа китоб хазиналарида сақланмоқда.

**НАСАФИЙ АЗИЗИДДИН** (тахаллуси; тўлиқ номи Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий) (? , Насаф — 1263, Язд, Абарқўх) — шоир, тасаввуф фалсафасининг йирик вакили. Шайх Кубро таълимоти ва Мухйиддин ибн Арабий тариқатини ўзаро боғлаган кубравий машоихларидан бири. Дастлаб Насаф, сўнг Бухоро мадрасаларида таълим олган. Асосан, фалсафа ва ҳикматни ўрганган, тиб илмида ҳам юксак маҳоратга эга бўлган. Н. А. 1243— 51 й.лар Хуросонда етук орифлардан бўлмиш Саъдиддин Ҳамавий (Ҳамуйа, 1191 —1252) б-н танишиши натижасида тасаввуф йўлига кирган. Элхонийлар Бухорога ҳужум килганда (1272), у ердан Баҳробод (Хуросон)га кетган, Исфаҳон ва Шероз сафаридан сўнг Язднинг Абарқўҳида маскан тутган.

Н. А. форс тилида ижод килган. «Инсони комил» асари Н. А. рисола-ларининг мажмуаси ҳам деб юритилади. 1 мукаддима ва турли мавзуларга бағишланган 22 рисоладан иборат. Ундаги рисодаларнинг купи «Манозил ус-сойирин» («Йўловчилар қўналғаси»)нинг баъзи нусхаларида учрайди. Ушбу асар 556 саҳифа бўлиб, ирфон ва ҳикматларга оид нозик тушунчалардан баҳс юритади. Ирфон ва ҳикмат масалалари ва асоси ҳақида яна «Баёт ут-танзил» номли кичик ва мухтасар китоби ҳам бор. Н.А. нинг билдиришича, унинг фикр ва ақидалари фақат «Мақсад ул-аксо» («Сўнги мақсад») асарида ифодаланган. Асар 8 фасл, 8 боб ва 1 хотимадан иборат. Шунингдек, Н. А.нинг «Зубдат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Усул ва фуруъ» («Илдизлар ва бутоклар»), «Мабдаъ ва маъод» [«Асл макон ва (унга) қайтиш»], «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар қалити»), «Нафси инсоний», «Ваҳдати

вужуд» ва б. китоблари чет элларда чоп этилган. Олам ва одам бирлиги таълимоти Н.А. асарларининг моҳиятини ташкил этади.

Н. А. ижоди араб, инглиз, немис, француз, турк, ҳинд, рус олимлари томонидан тадқиқ этилган. Қўлёзма нусхалари Вена, Лейден, Лондон, Калькутта, Душанба, Истанбул, Санкт-Петербург, Техрон ш.лари кутубхоналарида, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади. «Зубдат ул-ҳақойик» асари Н. Комиллов томонидан ўзбек тилига таржима килинган.

Ад.: Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари, Т., 2001.

Ҳабиб Абдуназар.

**НАСАФИЙ НУРМУҲАММАД** (тўлиқ номи Муҳаммад Амин ибн Нурмуҳаммад Насафий) (18-а., Қарши) — тазкиранавис. Тазкирачиликда Навоий анъаналарини давом эттирган. Н.Н.дан бизгача «Мазҳар ул-мусаннифин» («Адиблар баёнида», 1759) асаригина етиб келган. Асар тарихий воқеалар баёнидан иборат бўлиб, унда тазкирага хос хусусиятлар мужассам. «Мазҳар ул-мусаннифин»да Бухоро амирлиги ҳудудларида кечган тарихий воқеаларнинг баёни б-н бирга бухоролик, самарқандлик, қаршилик шоир, олим, адиблар ҳақида ҳам сўзланиб, уларнинг касб-кори, шахсияти, бадиий ижод соҳасидаги иқтидори ҳақида қайдлар келтирилади. Ундаги маълумотлар 18-а. адабий муҳитини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Муаллиф, айниқса, қосиб-хунармандлар табақасига мансуб — пўстиндўз, қордгар, қоғозфуруш, тиргар (ўк ясовчи) шоирлар ҳақида сўз юритади, уларнинг шеърлар ижод қилишдаги қобилиятларини ҳам муносиб баҳолайди.

Ад. Муҳаммад Носир, Насаф ва Кеш алломалари, Т., 2001.

**НАСИМИЙ** (тахаллуси; асл исми — Али, лақаби — Имоиддин) (1370, Шемаҳи —1471, Ҳалаб) — озарбайжон

мумтоз шоири. Форс, араб тиллари ва адабиётини чуқур ўрганган. Мантик, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирган. Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйган, ўзини унинг шоғирди ҳисоблаганидан илк шеърларини Ҳусайний таҳаллуси б-н ёзган. 14-а. да Озарбайжонда тасаввуфдан ўсиб чиққан хуруфийлар оқими кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутди: инсон, унинг эрки улуғланади; инсонга илоҳий қувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қаралади. Хуруфийлар тариқатининг асосчиси, шоир ва мутафаккир Фазлуллоҳ Наимий 1394 й. Ширвонга келади ва Н. б-н учрашади. Унинг хуруфийлик қарашлари ёш шоирга кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазлуллоҳни ўзига муршид билади. Наимийга ҳамоҳанг Насимий таҳаллусини олади. Илғор фикрли кишилар таъкиб остига олиниб, Наимий Мироншоҳ томонидан қатл қилинган, ҳам ўзини кутқариш, ҳам хуруфийлик ғояларини кенг ёйиш мақсадида Н. Озарбайжондан чиқиб кетади. У Бағдод, Онадўли, Токат, Бурса ва б. жойларда яшайди, ниҳоят Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин Н.ни даҳрийликда айблаб, тириклайин терисини шилдиради.

Н. илк бор озарбайжон тилвида ижод қилгани, озарбайжон адабий тилини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиргани б-н озарбайжон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. У, Ҳасан ўғли ва Қози Бурҳониддиндан кейин, озарбайжон тилида яратилган шеърятнинг устодларидандир. Н. форс тилида ҳам асарлар ёзган, унинг форсий ижоди Эронда алоҳида тўплам ҳолида нашр этилган.

Н. ўзининг исёнкор ва ҳассос шеърлари б-н дунёнинг кўпгина мамлакатларида машҳур. Ўз фикр-ўйлари, туйғу-кечинмаларини халқона содда услубда баён қилган. Н. шеърлари бир қарашда оддий, содда бўлиб кўринсада, лекин мазмунан чуқур ва бадий юксак. У кўпроқ диний-тасавуфий мавзуларни қаламга олиб, ўзи мансуб хуруфийлик ғояларини

улуғлаган. Н. озарбайжон адабиёти тарихида мардлик, жасорат, қақрамонлик тимсоли сифатида шуҳрат қозонган. Лутфий, Алишер Наво-ий, Машраб ва б. ўзбек шоирлари унинг шахси ва ижодига эҳтиром б-н қарашган. «Насойим ул-муҳаббат»да у туркий машойихлар қаторида зикр этилади. Қўлёзмалари Туркия, Ироқ, Сурия, Миср, Эронда ҳамда Париж, Лондон, Кембриж, Оксфорд, Санкт-Петербург, Боку, Тошкент ва б. шаҳарлардаги кутубхоналарда сақланади. Девони нашр қилинган (1844, 1881, 1929).

Ас: Асарлар, Т., 1977.

Ад.: Ариф М., История азербайджанской литературы, Баку, 1971; Орасли Х., Имоиддин Насимий (ҳаёти ва ижоди), Т., 1973.

Эргаш Очилов.

**НАСИРОВ** Дўсжон Сипатдинович (1927.3.1, Мўйноқ тумани — 1992.20.12, Нукус) — қорақалпоқ тилшуноси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), филол. фанлари д-ри (1976). Қорақалпоғистон пед. ин-тини тугатган (1949), шу ин-тда проректор ва кафедра мудири (1955—59), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали Иқтисодиёт ва маданият ин-тида бўлим бошлиғи (1954—55), Тарих, тил ва адабиёт ин-ти ди-ректори ўринбосари, сектор мудири, директор (1959—91), Қорақалпоқ ун-тида кафедра мудири (1991—92). Н.нинг тадқиқотлари қорақалпоқ тили тарихи ва диалектологиясига бағишланган. У «Қорақалпоқча-русча луғат» (1958), «Русча-қорақалпоқча луғат» (1967), «Қорақалпоқ тилининг диалектологик луғати» (1983), «Қорақалпоқ тили» (1985), «Математик терминларнинг русча-қорақалпоқча луғати» (1992) ва б.ни тузишда иштирок этган.

Ас: Қорақалпоқ тилида кўплик категорияси, Нукус, 1961; Қорақалпоқ тилида кўмакчи феъл, Нукус, 1964; Қорақалпоқ умумхалқ сўзлашув тилининг шаклланиши ва унинг диалектал тизими, Нукус, 1976.

**НАСЛ** (араб.) —1) бир популяцияга мансуб индивидларнинг бевосита авлоди; 2) маълум белги-хусусиятларга эга, бир турга мансуб ўсимликлар ва бир зотга мансуб ҳайвонлар гуруҳи. Физиологик, биологик вояга етган ҳайвонот ёки ўсимлик оламидаги индивидлар ўзидан Н. қолдиради. Н. авлод давомчиси ҳисобланади. (қ. Наслчилик).

**НАСЛ АЛМАШИНИШИ** - организмларнинг ҳаётгий циклида улар авлоди (насли, ҳаётгий гуруҳлари)нинг қонуний алмашиниб туриши.

Ҳайвонларда Н.а. бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бир ҳужайралиларга хос бўлган бирламчи Н.а.да жинсий генерация жинсиз кўпаядиган ҳужайра (агамета)лар б-н алмашиниб туради. Мас, фораминифераларда алмашиниб турадиган насл жинсий ва жинсиз индивидлар, яъни гамонт ва агамонтлардан иборат. Гаметалар ҳосил бўлишидан олдин мейоз рўй бергани учун жинсий авлод ва гаметалар гаплоид, зигота ва агамонтлар диплоид бўлади. Куёшлилар ва айрим хивчинлиларда мейоз гаметалар ҳосил бўлиши б-н боғлиқ бўлгани туфайли, фақат жинсий ҳужайралар гаплоид бўлади. Худди шунга ўхшаш хусусиятлар кўп ҳужай-ралилар учун ҳам хос. Иккиламчи Н. а. гетерогония ва метагенез шаклда боради. Гетерогония нормал жинсий кўпайишнинг партеногенез б-н, метагенез эса жинсий ва жинсиз кўпайишнинг галланиб туришидан иборат. Гетерогония сўргичлилар, айрим тўғарак чувалчанглар, бошайлангичлилар, бўғимоёқдилар; метагенез қрбикдилар ва бўшлиқичлилар учун хос. Бўшлиқичлиларнинг жинсий насли эркин яшовчи медузалар, жинсиз насли эса ўтроқ полиплардан иборат.

Ўсимликларда Н. а. гаплоид жинсий, яъни гаметофит ва диплоид жинсиз, яъни спорофит насли б-н алмашиниб туришидир. Гаметофит (гаметалар ҳосил қилувчи бўғин) бир жинсли (айрим

кўнғир сувўтлар, ҳар хил спорали папоротниклар, плаунлар, уруғли ўсимликлар) ёки икки жинсли (сфагнум, тенг спорали папоротниклар, плаунлар) бўлади. Спорофитнинг спо-рангийларида метоз орқали гаплоид споралар ҳосил бўлади. Споралардан яна жинсий бўғин гаметофит ўсиб чиқади. Изоморф Н. а.да гаметофит ва спорофит бир хил (яшил, кўнғир ва кўпчилик қизил сувўтларда), гетероморф Н. а.да гаметофит ва спорофит ҳар хил (юксак ўсимликларда) тузилган. Сувўтларда Н. а.нинг иккала хили ҳам учрайди. Шундай қилиб, изоморф Н. а.да ҳар бир ўсимлик тури икки хил (гаметофит икки жинсли бўлганида) ёки уч хил (гаметофит айрим жинсли бўлганида) алоҳида яшовчи индивидлардан иборат (айрим яшил, кўнғир ва кўпчилик қизил сувўтлар). Гетероморф Н. а.да гаметофит ва спорофит муста -қил ривожланади (ламинария, тенг спорали папоротниклар, плаунлар, қиркбўғимлар) ёки улардан бири ик-кинчиси ҳисобига ривожланади (йўсинлар, уруғли ўсимликлар). Гетероморф Н. а.да, одатда, бир бўғин (кўпинча спорофит) иккинчисидан

устунлик қилади. Юксак ўсимликларда гаметофит линияси бўйича эволюция фақат йўсинларда кузатилади. Уларда спорофит кўсакча куринишида урғочи гаметофитнинг учки қисмида ҳосил бўлади. Қолган барча юксак ўсимликлар эволюцияси спорофит линияси бўйича давом этган. Уларда спорофит барг ва пояли ўсимлик бўлиб, яхши ривожланган. Гаметофит эса кичик, қисқа умр кўрадиган алоҳида ўсимтадан (тенг спорали папоротниклар, плаунлар, қиркбўғимлар) ёки спорофит ҳисобидан ривожланадиган микроскопик ҳосилдан иборат (ҳар хил спорали папоротниклар, плаунлар, очик уруғлилар, гулли ўсимликлар).

**НАСЛ УЧУН ҒАМХЎРЛИК** - қайвон ларнинг ўз наслини яшаб қрлиши ва ривожланишини таъминлаш учун энг қулай шароит яратишидан иборат

фа-олияти. Оддий ҳолда Н.у.ғ. пана жой танлаш ва озик тўплашдир. Мас, айрим пардақанотлилар фалажланган ҳашарот танасига тухум қўяди. Ҳашарот тухумдан чиққан личинка учун озик бўлади. Н.у.ғ.нинг нисбатан мукаммал шакли наслни пассив ва актив парвариш қилишдан иборат. Биринчи ҳолда она ёки ота организм тухумлари ёки ёш наслини терисидаги махсус чу-қурчалари, тери бурмалари, халталарида олиб юради. Н.у.ғ.нинг бу шакли айрим игнатерилилар, қискичбақасимонлар, моллюскалар, чаёнлар, ўргимчаслар, баликлар (денгиз отчаси, игна балиқ), сувда ва қурукликда яшовчилар (доя қурбақа, пипа), тубан сут эми-зувчилар (ехидна, халталилар) учун хос. Актив Н.у.ғ.да вояга етган организмлар пана жой куради; болаларини озиклантиради, иситади, химоя қилади ва парваришлайди. Кўпчилик қушларнинг модаси йиртқич ҳайвонни турли йўллар б-н алдаб, болалари ва тухумлари турган жойдан узоқроққа олиб кетишга ҳаракат қилади. Туёкли ҳайвонлар подаси ёш ҳайвонларни ўраб олиб, уларни йиртқичлардан химоя қилади. Эволюция жараёнида Н.у.ғ. наслнинг яшаб қолиш имкониятини оширади; ортикча серпуштликка барҳам беради.

**НАСЛЧИЛИК** — қ.х. ҳайвонлари зотларини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-зоотехник тадбирлар мажмуи. Инсоният ҳайвонларни хона-килаштирган даврлардан бери давом этиб келади. Н.нинг асосий вазифаси мавжуд қ.х. ҳайвонлари, паррандалари, асалари, баликлар ва ипак курти зотларини муттасил такомиллаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, наслдорлик сифатларини яхшилаш, янги типлар, зот гуруҳлари, линиялари, оилалари, зотлари, кросслари, партенотлонларини яратишдан иборат.

Н. ишлари Н. заводлари, Н. хўжаликлари, Н. фермалари ва оддий хўжаликларда олиб борилади. Н. ишида қўлла-ниладиган асосий усул ур-

читиш учун энг яхши эркак ва урғочи ҳайвонларни танлаш ва уларни саралаш (жуфтлаш)дир. Ўзбекистонда «Наслэли-та» ил-мий-и.ч. бирлашмаси қорамол, ноқоракўл қўйлар, йилки, эчки, асалари; Қоракўлчилик ва чўл экологияси ин-ти ва «Ўзбек қоракўли» компанияси қоракўл қўйлари ва туя (бир ўрқачли ёки икки ўрқачли)лар; «Ўзбалик» кор-порацияси ва Аквакультура и.т. ин-ти балиқ зотининг зоғора балиқ, ўтхўр баликларнинг зотлари бўлган карп, дўнг пешона, оқ амур; «Ўзбек ипаги» уюш-маси ва Ипакчилик и.т. институти 20 тадан зиёд ипак курти зотлари, Ўзбекистон паррандачилик илмий маркази парранда зотларини такомиллаштириш бўйича илмий тажрибалар ҳамда Н. ишларини олиб боради. «Наслхизмат» республика наслчилиги уюшмаси Н. ишлари бўйича барча хизматларни мувофиқлаштиради. Давлат наслчилиги корхонаси хўжаликлардаги қорамол зотларини такомиллаштиришда қатнаша-ди ва уларни энг яхши маҳсулдор бу-қалар авлодларининг сифати бўйича ба-ҳоланган уруғлари б-н таъминлайди.

Республикада Н. ишларига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилиги ишлари бош давлат инспекцияси раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Н. ишларига оид ҳар қандай муносабатлар 1995 й. 21 дек.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилиги тўғрисида» қонуни б-н тартибга солинади.

Изатулла Эшматов.

**НАСЛЧИЛИК ЗАВОДИ** - қ. Давлат наслчилиги заводи.

**НАСЛЧИЛИК КИТОБИ**, наслдор ҳайвонлар давлат китоби — зот стандартларига мос келадиган насли молларни рўйхатга олиш китоби. Н.к.да хўжаликларда урчитилаётган ҳайвонлар зотларидаги энг машхур эркак ва урғочи ҳайвонларнинг келиб чиқиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳақидаги



маълумотлар қайд қилиб борилади. Н.к. зотларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Дунёда биринчи марта Н.к. Англиядаги йўртоқи отларнинг синон натижалари бўйича 1751 й.да нашр этилган. 1793 й.да нашр этилган китобда 1690 й.дан бошлаб йўртоқи соф зотли отларнинг генеалогик маълумотлари тўпланган. Кейинчалик қорамол зотлари: 1822 й.да шортгорн ва гернсей; 1838 й.да жерсей; 1845 й.да герфорд; 1862 й.да абердин-ангусс ва галловей зотлари бўйича Н.к. лари чоп этилган. Россияда 1834 й.да салт минулувчи соф зот ва 1839 й.да орлов зоти бўйича, 1903—08 й.ларда Курск, Харьков ва Шимолий к. х. жамиятларининг Н.к. ташкил этилган. 1924 й.да ярославь, 1926 й.да қизил горбат, 1927 й.да холмогор сигир зотлари тўғрисидаги китоблар чоп этилган.

Ўзбекистонда Н.к. биринчи марта 1941 й.да Н.А.Тетерин ва П.П.Есютинлар томонидан «Ўрта Осиёнинг зотли отлари» бўйича 1-жилд, шунингдек, 1950 ва 1960- й.ларда П. К. Трофимов ва В. А. Шчекинлар томонидан «Қора-байир зотлари» китобининг 2- ва 3-жилдлари, 1982 й.да К.А. Лихов, Н. Т. Горшков ва Т.Д.Сабдушевлар томонидан «Қорабайир зотлари»нинг 4-жилди тайёрланиб, нашр этилган. Қорамолчиликда 1958 й.да А.А. Атбашьян томонидан «Бушуев зот гуруҳи» давлат Н. к.нинг 1-жилди тузилган бўлиб, унда 60 буқа ва 240 сигир, 1982 й.да А. М. Мустафаев томонидан «Бушуев зотлари» давлат наслчилик китобининг 2-жилди тузилиб, бунда 45 буқа ва 568 сигир ҳақидаги маълумотлар берилган. Кўйчиликда 1949 й.да «Ҳисор кўй зотлари»нинг 2-жилди ва 1980 й.да «Қоракўл кўй зотлари»нинг 11 жилди нашр этилган.

Китобда қайд этилган маълумотлардан и. ч.да кенг микесда фойдаланиш мумкин. Ушбу китоб республикада урчи тилаётган наслдор қорамол, от, туя, кўй ва эчкиларни рўйхатга олиш, уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб, хўжалик юритувчи субъектлар

ўртасида кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Изатулла Эшматов.

**НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ** - чорва ҳайвонлари ва паррандаларнинг маълум бир зотига мансуб молларни урчитиш б-н шуғулланадиган хўжалик. Н.х. етакчи наслчилик з-ди б-н ҳамкорликда ягона селекция дастур асосида маълум бир зотдаги молларни етишти-риб кўпайтиради, уларнинг тип ва ти-зимларини такомиллаштиради. Наслчилик ишини олиб боришнинг асосий усули наслчилик з-дларидаги каби соф зотли урчитиш бўлиб, зотдаги тизим ва оилаларни такомиллаштириб, подада дурагай моллар бўлса, уларни қон сингдириш усули б-н чатиштиради. Наслчилик з-дларидан ва чет давлатлардан келтирилган наелли молларни кўпайтириб, ўз репродуктив молларини маълум йўналишда зооветеринария коидалари асосида парвариш қилади.

Шунингдек, ўз подасини тўлдиришдан ташқари оддий наслчилик фермалари-га, наслчилик репродукторларига ва деҳқон (фермер) хўжаликларига насли моллар етказиб беради. Хўжаликда моллар ва паррандалар ҳар йили бо-нитировкадан ўтказилади, наслдор ҳайвонларни давлат китобига ёзишга керакли ҳужжатларни расмийлаштиради.

Н.х. белгиланган тартибда қар беш йилда бир марта Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан давлат аттестациясидан ўтказилади. Н.х.нинг фаолиятига баҳо беришда хўжаликда олиб борилаётган наслчилик ишларининг аҳво-лига, чорва моллари бош сонига, маҳ-сулдорлигига ҳамда уларнинг соғлом-лигига алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистонда Н.х.нинг бир неча то-ифадаги тармоклари ташкил этилган. Улар наслчилик з-длари, Н.х.лари ва наслчилик фермаларидир. 2003 й.да Н.х. тоифасида жами 357 та хўжалик

ишлади. Барча тоифадаги Н.х.ларининг 44 тасини наслчилик 3-длари, 66 тасини Н.х.лари ва 247 тасини наслчилик фермалари ташкил этди. Қорамолчиликда 16 3-д, 24 хўжалик ва 212 наслчилик фермасы, қоракўлчиликда 18 3-д, 13 хўжалик ва 3 ферма, думбали кўйчиликда 2 3-д, 3 хўжалик ва 14 ферма, эчкичиликда 1 та 3-д, 2 та хўжалик ва 4 та ферма, йилкичиликда 3 та 3-д, 1 та хўжалик ва 11 та ферма, туячиликда 2 та ферма, паррандачиликда 1 та 3-д, 1 та I-тартибли ва 1 та II-тартибли репродуктор хўжалиги, балиқчиликда 1 та 3-д, чўчкачиликда 2 та хўжалик, асал-ариччиликда 2 та хўжалик, 2 та ферма ва тут ипак қурти бўйича 3 та наслчилик ст-яси ва 15 та наслчилик 3-ди мавжуд (2003) (яна қ. Давлат наслчилик заводи).

Изатулла Эшматов.

**«НАСОЙИМ ул-МУҲАББАТ»** («Севгй шабадалари») — Алишер Навоий асари. 1495—96 й.ларда Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асари таъсирида ёзилган. Жомий асарига танқидий қараган Навоий «бурунги замондаги машойхдин барчасининг зикрин қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпи-ни, ўзларин ҳам битмайдурлар» дер экан, асарда Жомий, Лутфий, Ашраф Муфлсий, Шайх Санъон, Носир Хис-рав, Насимий ва шулар қатори Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокиргоний каби «турк машойихлари» ҳақида маълумот беради. Навоий асарда илова қилинган шахсларнинг фақат суфиёна қарашларинигина ёритмасдан, адабиёт ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ҳам катта эътибор берган. «Н. ул-м.» Навоийнинг дидактик қарашлари, таржимонлик ва тадқиқотчилик фаолияти ҳамда эстетик қарашларини ўрганиш учун муҳимдир. «Н. ул-м.»нинг баъзи нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик инти кўлёмалар фондида сақланади (инв. № 3415, 857 3420, 8514, 1825).

**НАСОРО** (араб. — насроний

сўзининг кўплиги; масихийлар, христи-анлар) — Қуръонда Исо пайғамбарга эргашган диндорларнинг аталиши. Ривоятларга кўра, Исо Масих Носира номли шахарда туғилган бўлиб, уни Носирий деб атар эдилар. Унга эргашган кмшини эса насроний деб юрита бошлаганлар. Н. Исо Масихни илоҳийлаштиргани учун ислом дини нуктаи назарида ширк аҳлидан ҳисобланадилар. Зеро исломда Аллоҳ таолога ҳеч бир нарсани тенглаштириш, ҳатто ўхшатиш мумкин эмас. Н. эса Исо Масихни муқаддас уқликнинг бири деб унга эътиқод қилади. Шунинг учун ҳам Қуръоннинг кўп оятларида Н. тилга олинади ва Муҳаммад (сав)ни эътироф этишга даъват қилинади.

**НАСОС** — суюқликни босим остида сўриш ва ҳайдаш, газларни сиқиш ёки сийраклантириш, сочиловчи жисмларни сўриш ва ҳайдаш учун ишлатиладиган қурилма (гидравлик ёки пневматик машина, аппарат ёки асбоб). Суюқликларни босимсиз ҳаракатлантириш учун мўлжалланган қурилмалар сув кўтариш машиналари деб аталади. Н.нинг асосий параметри — маълум вақт ичида (вақт бирлигида) ҳайдаладиган сув, газ ёки ҳаво микдори. Баъзан Н.лар учун босим (Р ва Я), истеъмол қуввати N ва ф. и. к. ҳам муҳим.

Қадимда ҳам Н. яратишга уринилган. Мас, қадимги Ўрта Осиё худудида чархпалаклар ёрдамида сув чиқаришган. Юнон механиги Ктесибий ўт ўчириш учун мўлжалланган биринчи Н.ни ихтиро қилган. 18-а. бошларига қадар, асосан, сув кўтариш машиналари ишлатилган. Буг машинаси яратилгандан сўнг уларнинг ўрнини аста-секин Н. эгаллай бошлади. 18-а. охирларида поршенли Н. тарракиёти жадаллашди. 19-а. ўрталарида поршенли буг Н.лари кенг ишлатила бошлади. Шу даврда парракли Н. ҳам пайдо бўдди. 20-а. 20—30-йилларидан бошлаб, баъзи соҳаларда поршенли Н. ўрнига марказдан қочма, ро-торли Н.лар ишлатила бошлади.

Н. тараққийетининг иккинчи йўналиши айланувчи (роторли) Н. яратилишидан бошланади. 17-а. бошида яратилган икки роторли Н. ҳозирги тишли ғилдиракли Н.га ўхшайди. Кей-инчалик роторли Н.нинг бошқа хиллари пайдо бўлди. Немис муҳандиси С. Хинс 1920 й. марказдан қочма қурилма деб аталган биринчи сўрувчи уюр-ма Н.ни таклиф қилди.

Суюкликни ҳайдашда марказдан қочма қучдан фойдаланиш ғоясини 15-а.да Леонардо да Винчи илгари сурган. 17-а. бошида француз муҳандиси Бланкано сув чиқарадиган оқдий марказдан қочма Н.ни ясаган. Иссиқлик двигатели ва электр двигатели пайдо бўлгандан сўнг марказдан қочма Н. кенгроқ қўлланила бошлади. 19-а. охири ва 20-а. бошларида парракли ва бурилма куракли Н.лар яратилди.

Суюкликни босим остида ҳайдашнинг учинчи йўналиши — Н.-аппаратлар яратишдан иборат бўлади. Юнонистонда қиздирилган ҳаво ёки сув буғи ёрдамида идишдаги сувни сиқиб чиқарадиган қурилма яратилган. Сувни ҳайдашда сиқилган ҳаводан фойдаланиш ғояси 20-а. да амалга оширилган. Н.-аппаратларнинг хилларидан бири — сув оқимли Н.; уни инглиз олими Д. Томпсон 1852 й.да таклиф қилган. У сув ва ҳавони сўриш учун ишлатилган. Кейинчалик сувли эжектор, буг-сувли эжектор ва б. тарзидаги Н.лар яратилди, қудуқлардан сув чиқарадиган гидропневматик сув чиқаргич таклиф қилинди. 20-а. бошларида магнитгидродинамик Н.ларнинг яратилиши Н.-аппаратлари тақомиллаштириш йўналишларидан бирига айланди. Атом энергетикасининг тараққиёти муносабати билан 20-а. 50—60-й.ларидагина бундай Н.лар кенг қўлланила бошлади.

Н., асосан, парракли, уюрма ва ҳажмий хилларга, булар эса яна бир неча турларга бўлинади. Парракли Н. двигатели ғилдиракни айлантирганда парраклари суюклик оқимига таъсир қилади ва уни ҳаракатлантиради. Парракли Н.нинг марказдан қочма, диаго-

нал ва ўқавий (ўқ бўйлаб ҳайдайдиган) хиллари бор. Булар суюкликни сўриш хусусиятига эга бўлмагани учун уларни юргизиб юборишда сўриш трубази ва ғилдиракка суюклик куйилади. Парракли Н. 1 — 2500 м сув устунига тент босим керак бўлган жойларда ишлатилади. Ф. и. к. — 90 — 92%. Уюрма Н.да двигатель энергияси уюрма ҳосил қилади; уюрма суюкликни илаштириб, ҳаракатланишга мажбур қилади. Уюрма Н. қовушоқлиги кам суюкликларни ҳайдаш учун қуввати бир неча кВт дан ошармайдиган стационар ва кўчма қурилмаларда ишлатилади. Босими парракли Н.га қараганда 2—10 марта ортиқ, ф.и.к. - 25 - 50%.

Ҳажмий Н.да суюклик Н.нинг берк бўшлиғидан қувурларга поршень (плунжер), шестерня, винт, кулачок ва б. таъсирида ўтказилади. Н.га қираётган ва ундан чиқаётган суюкликнинг солиштирма энергиялари фарқи босим дейилади. Ҳажмий Н.нинг поршенли (плунжерли), мембранали, роторли ва б. хиллари бор. Прошенли Н.да суюклик иш камералари ҳажмининг ўзгариши ҳисобига ҳаракатланади. Роторли Н. шестерняли, пластинкали ва б. хилларга бўлинади. Н.лар сув таъминоти тизимларида, нефть чиқариш, нефть маҳсулотлари ва газларни ҳайдашда, кема ва гидропресс қурилмаларида, автомобилларда, биноларни шамоллатишда ҳамда техниканинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилади.

**НАСОС** (лот. Antlia) — осмон гумбазининг Жан. ярим шаригаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари 4,0 визуал юлдуз катталигида. Фев.да яхши кузатилади. Жан. ва марказий худудларда кўринади.

**НАСОС СТАНЦИЯСИ** - суюкликларни юқорига кўтариш учун мўлжалланган бино; насос агрегати ва қувурлардан иборат иншоот. Н. с.га бошқариш аппаратлари, электр Н. еда эса тақсимлаш қурилмалари, пасайтириш под-станциялари, йиғиш-сўриш ва босим коллекторлари, қўшимча жиҳозлар (асо-

сий насосларни ишга туширадиган вакуумнасослар, ёнгина қарши жи-хозлар, мой ҳўжалиги ва б.) киради. Насос агрегати сўриш қузури, насос, двигатель, узатиш механизми, тескари клапанли босим трубопрово-ди ва зулфиндан иборат бўлади. Ме-лиоратив (суғориш) Н. с.нинг кўзгалмас ва сузувчи хиллари бор. Сузувчи Н. еда насос ва қуч қурилмалари понтон ёки баржаларга ўрнатилади. Кема қатнайдиған йирик каналларни сув б-н таъминлаш, сув омборларини сув б-н тўлдириш, суғориш иншоотлари ва б. учун йирик Н. с. қўлланилади.

Водопровод Н.с. сувни манбадан сув таъминоти жойига кўтарувчи ва ундан водопровод иншоотларига ёки резервуарга ҳамда тозаланган сувни водопровод тармоғига узатувчи кўтариш ст-яларидан иборат. Канализация Н.с. панжарали ва майдалагичли резервуар, машина зали (насосхона) ва б.дан иборат. Бундай Н.с. ер устига ва ер остига ўрнатилади. Халқ ҳўжалигида Н. с.нинг аҳамияти катта. Айниқса, баланд жойларга сув чиқаришда Н. с. жуда қўл келади.

**НАСОС-ФОРСУНКА** — форсунка б-н бирлаштирилган бир плунжерли юк-рри босим қурилмаси. Дизель двигатели ци-линдрларининг қисилишидан алан-галанадиган камерасига ёнилғи пуркаш учун ишлатилади.

**НАСР** (араб. — кўмак, зафар), проза — адабий тур; вазн ва кофия сингари шеъриятга хос унсурларга эга бўлмаган ёзма нутқ маҳсули. Европа халқлари адабиётида бўлганидек, Шарқ халқлари адабиётида ҳам Н. ёзма нутқ шакли сифатида шеъриятга нисбатан кеч-рок пайдо бўлган. 5—8-а.ларга оид Урхун-Енисей ёдгорликларини туркий халқлар адабиётидаги Н.нинг энг кад. намуналари, деб ҳисоблаш мумкин. Шеъриятнинг ривожланиши «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб) ва «Ҳибаат ул-хақойик» (Ахмад Югнакий) каби дostonларнинг яратилиши б-н бирга 10—12-а.ларда Абдулмауй-

яд ва Абуали Балхийларнинг «Шоҳнома», Абдулмауйд Балхийнинг «Гершаспно-ма», Ҳомидиддин Балхийнинг «Макрмати Ҳомидий», Саидаддин Муҳаммад Ав-фий Бухорийнинг «Жавоме ул-хикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт» («Ҳикоялар тўплами ва ривоятлар ёлқини») сингари насрий асарлари вужудга келди. 14-а. бошларида Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий», Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб» сингари насрий асарлари, айниқса, «Бобурнома»нинг яратилиши б-н ўзбек адабиётида миллий Н.нинг асосий қирралари нурианиб кетди. Аммо шунга қарамай, хоз. тушунчадаги Н.нинг тараккиёти бевосита 20-а. б-н — замонавий адабиётнинг шаклла-ниш ва ривожланиш даври б-н боғлиқ. Худди шу даврда том маънодаги ўзбек бадий Н.и яратилди ва у адабий тур сифатида ўз шохобчаларига эга бўлди. 20-а. бошларида вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши, газ. ва жур. саҳифаларида Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадёр», Қодирийнинг «Жувон-боз», «Улоқда» сингари хикояларининг яратилиши, Ҳамзанинг «Янги саодат», С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина» киссалари, Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг

эълон қилиниши б-н замонавий реалистик ўзбек Н.и узил-кесил шаклланди. Бу Н. мумтоз ўзбек адабиётидаги Н.дан даставвал ижобий ва салбий қахрамонлар образи, сюжет ва компо-зицияси, бадий конфликтга эгаллиги, ҳаётий ёки афсонавий-фантастик во-қеаларни муайян бадий тил ва услубда тасвирлаб берганлиги ҳамда бадий қонуниятларга тўла риоя этиб ёзилган-лиги б-н фарқланади.

Агар насрий нутқ янги пайдо бўлганида, шеърий нутқ сингари, жимжимадор ва баландпарвоз бўлган бўлса, 20-а.нинг 1-чорагига келиб, ортиқча ҳашамлардан холи бўла бошлади, реалистик тасвирнинг қонун-қоидаларига тобора бўйсуниб борди. Н.га жонли тил хусуси-ятлари, прозаизм (маиший турмуш белгилари), диалектизм (шевачилик)

унсурлари кириб келди. Бадиий соддалик, та-бийлик, реал ҳаётга яқинлашиш майли Н.нинг асосий мезонларига айланди. Шу б-н бирга ёзувчилар Н.нинг бадиий нутқ кўриниши эканлигини ҳам унут-мадилар. Улар хусусий ижодий услублари ва ёзилаётган асар характеридан келиб чиққан ҳолда зарур ритм (оҳанг)ни танлаб, тасвир воситаларидан самарали фойдаландилар ва фойдаланмоқдалар.

Бадиий адабиёт сўз санъатидир. Сўз Н.да ҳам асосий тасвир материали бўлиб хизмат қилади. Аммо у, шеърятдаги сўздан фаркли ўларок, китобхоннинг диққат-эътиборини ўзига қаратмайди. Аниқроқ айтганда, сўз Н.да характерлар яратувчи, роман ёки ҳикоядаги бадиий оламни ташкил этувчи воқеалар, ҳаракатлар ва б.нинг, яъни асар сюжети-нинг бадиий мужассамланишига ёрдам беради; сўз Н.да тасвир воситасидир. Агар шоир (муаллиф) сўзи устуворлик қилгани ва персонаж сўзи ҳам шоир (муаллиф) сўзи б-н уйғун бўлгани учун шеърят монологик ҳодиса ҳисобланса, Н. диалогик ҳодисадир. У ўзига ранг-ба-ранг, ҳатто бир-бирига мувофиқ бўлмаган овозларни «йиғиб» олади. Бадиий Н.да носир (муаллиф), ҳикоянавис ва персонажларнинг овозлари ўзаро мурак-каб алоқага киришиб, сўзга сермаънолик, серйўналишлик хусусиятларини бағишлайди. Н., шеърят сингари, реал воқеликка ўзгача тус бериб, ўзига хос бадиий оламни яратади.

Н. адабий тур сифатида турли шохобчалардан ташкил топади. Бу шохобчалар жанр деб аталади ва куйидагича таснифланади: очерк, ҳикоя, қисса, роман, эпосея. Бу жанрларнинг ҳар бири, ўз нав-батида, янги-янги кўринишларга бўлинади. Мас, тарихий роман, биоффик роман, психологик роман, саргузашт роман, илмий-фантастик роман ва б.

Н. б-н назм ёки шеърятнинг ўзаро бир-бирига яқин шакллари ҳам мавжуд. Агар лирик проза ёки лирик Н., шунингдек, насрий шеър Н.нинг шеърятга хос лирик туйғу ва оҳанглар устуворлик

қилган кўринишлари бўлса, сочма, сарбаст шеър ёки эркин шеър шеърятнинг Н.га хос белгиларига эга шакллариدير. Агар Қодирий, Чўлпон ёки Ойбек романларида лирик ҳарорат ва нафосат ёғдулари жилва бериб тур-са, Абдулла Қаҳдор, Шукур Холмироз-ев ҳикояларида шафқатсиз реализм ун-сурлари кўзга яққол ташланиб туради. Тоғай Мурод романлари услубида эса ритмик Н. белгилари устувордир. Ҳоз. ўзбек Н. ҳар томонлама бадиий юксакликка эришган ва жаҳон Н.ининг энг яхши тажрибалари ва анъаналари б-н бойиган.

Наим Каримов.

**НАСР** — 1) Шашмақрм мажмуасидаги мақомларнинг ашула бўлими. Н. ҳар бир мақомда мушқилот бўлимидан кейин жойлашган бўлиб, ўз навбатида, шўьбаларнинг 2 катта гуруҳидан ташкил топади. Биринчи гуруҳ Сараҳбор, Талқ-ин, Наср (уз тароналари б-н) ҳамда яқунловчи Уфар қисмини (Супориши б-н), иккинчиси эса, асосан, Савт ва Мўғулча ва шўьбаларини ўз ичига қамраб олади; 2) Шашмақрм мажмуасидаги мақомларнинг ашула бўлимида 1-гуруҳни ташкил этувчи шўьбалардан бири. Н. Сараҳбор ва Талқин шўьбаларидан кейин келиб, сўнгра Уфарга уланади. Шашмақомда Н. йўлида басталанган жами 14 намуна мавжуд. Улар Бузрук макрмида — Н.и Уззол, Насруллоий, Ростда — Н.и Ушшоқ, Наврўзи Сабо, Наво мақомида — Н.и Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво, Дугоҳда — Н.и Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Хусайний Дугоҳ, Сеғоҳ мақомида — Н.и Сеғоҳ, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам, Ирокда — Мухайяри Ироқ деб номланади. Н. йўлида басталанган асарлар Хоразм мақомлари, Фарғона—Тошкент мақом туркумларида ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўтмишда Н. ашула йўлларини муфассал ижро этувчи ҳофизларни «насрчи» деб юритилган.

Равшан Юнусов.

**НАСР ибн А.ЛИ**, Наср (? - 1012) -Мовароуннахр иликхони (999—1012). Қорахонийларти. Бухорони эгаллаш б-н Мовароуннахрнинг босиб олиншини ниҳоясига етказган (999 й. окт.). Сомонийлар амири Абдулмалик ибн Нух ва унинг қариндош-уруғларини асир қилиб, Ўзгандаги зиндонга ташланган. Шу тариқа қудратли бўлган сомонийлар сулоласи қулаган. 1000—1005 й.ларда илик Н. ибн А. сомонийлар ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилган Мун-ғасирга қарши курашган ва ғалаба қилган. 1000 й. Маҳмуд Ғазнавий Н. ибн А. б-н ўз ерлари ўртасидаги чегараларни белгилаш тўғрисида битим тузган, унга кўра, Амударё асосий чегара қилиб белгиланган. Нағжада сомонийлар давлати ўрнида иккита янги давлат таш-кил топган: биринчиси — Қашқардан Амударёгача чўзилган, Шарқий Тур-кистоннинг бир қисмини, Етгисув, Шош, Фарғона ва қад. Суғд ҳудудини ўз ичига олган қорахонийлар; иккинчиси — Шим. Ҳиндистон чегарасидан тортиб Каспий денгизининг жан. қир-ғокларигача чўзилган, ҳоз. Афғонистон ва Шим.-Шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати.

Бироқ Н. ибн А. Хуросонни босиб олиш ниятидан бутунлай воз кечмаганди. 1006 ва 1008 й.ларда қорахонийлар Хуросонга икки марта юриш қилганлар. 1006 й.даги юриш чоғида Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонда эди. Қорахоний қўшинлари Балх, Тус ва Нишопурни босиб олганлар. Бироқ Маҳмуд Ҳиндистондан қайтиб келиб, уларни қувиб юборган. 1008 й.даги Балх яқинидаги жангда Маҳмуд кўшинида 500 та фил бор эди. Н. ибн А. қушини тор-мор этилиб, қорахонийларнинг Амударёнинг жан.даги ҳудудларини эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари шу тарзда тўхтатилган. Н. ибн А. ниятда жасур ва довжур, имон, эътиқодли шахс бўлиб, у ҳақда кўплаб ривоятлар тўқилган. Жа-мол Қаршийнит ёзишича, Н. ибн А. буюк номдор ҳокон, жуда кўп фазилатлар соҳиби бўлган ва

ҳижрий 402 й. (1011 — 12)да Ўзганда вафот этиб ўша ерда дафн этилган.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т.2(1), М., 1963; Материалы по истории Средней и Центральной Азии X — XIX вв., Т., 1988; Самарқанд тарихи, 1-ж., Т., 1971.

**НАСР ибн АҲМАД**, Наср I ибн Асад Сомоний (тахм. 848 — 893) — сомонийлар сулоласи бошлиғи, Самарқанд ҳокими (865—892). Н. ибн А. Норин дарёси бўйидаги Ҳайлам қишлоғида ту-ғилган. 874 и. Хуросон ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳирнинг укаси Ҳусайн ибн Тоҳир Бухорога бостириб келган. Бухоро халқи зулмга қарши кўзғолон кўтарган ва Н. ибн А. хузурига элчилар жўнатиб, сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳрким қилиб юборишни сўраган. Н. ибн А. уз укаси Ис-моил Сомониунинг Бухорога ноиб қилиб юборган. Шундан сўнг Н. ибн А. ўзини бутун Мовароуннахр бошлиғи деб билган ва кумуш дирҳамлар зарб қилдирган (илгари дирҳам тангалар зарб қилишга фақат тоҳирийларнинг ҳуқуқи бори эди). Исмоил бўлса, акасига итоат этмай қўйган ва улар ўртасида 888 й. тўкнашув бўлиб Н. ибн А. қўшинлари бутунлай тор-мор келтирилган.

**НАСР ибн АҲМАД**, Наср II Ибн Исмоил Сомоний (тахм. 906—943) — Сомонийлар давлати ҳукмдори (914— 943). Давлатни 8 ёшли Н. ибн А. номидан вазир Жайхоний бошқарган. Бу даврда сомонийлар сулоласи ичида тахт учун курашлар кучайган. Н. ибн А. тахтга ўтириши б-н амакиси Исҳоқ кўзғолон кўтарган. Хартангда Н. ибн А. ва Исҳоқ қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтган. Жангда Исҳоқ қўшини енгилган. Хуросон ва Нишопурда сомонийларга қарши шиалар кўзғолонлари бўлиб ўтган. Шиалар тарғиботи шу қадар авж олганки, хатто Н. ибн А.нинг ўзи ҳам шиа мазҳабини қабул қилишга мажбур бўлган. Бундан норози бўлган сун-ний рухонийлар турк гвардияси ёрдамида Н. ибн А.га қарши

фитна уюштиришган. Бундан хабар топган Н. ибн А. фитнани фош этиб, ўз ўғли Нух фойдасига тахтдан воз кечган.

**НАСР ибн САЙЁР** аллайсий ибн Лайс ибн Рофеъ ибн Робиъа ибн Журай ибн Ауф ибн Амир (тахм. 666—748) — маш-хур араб саркардаси, Хуросон волийси (738—748). Арабларнинг мударий қабиласидан. 728—29 й.ларда Самарқанд но-иби, сўнгра Балх ва бутун Хуросон ноиби. Кутайба ибн Муслимпинг Мовароуннахрга қилган юришларида иштирок этган. Табарининг ёзишича, Хуросон Н. ибн С даврида ниҳоятда равнақ топган. Н. ибн С Мовароуннахрни узил-кесил араблар қўл остига ўтишига катта ҳисса қўшган. Ўрта Осиёда Ҳорис ибн Сурайж ҳаракатини бостириш учун 738—739 й.ларда Самарқанд, Чоч, Фороб ва Фар-ғонага бир неча бор юриш қилган. Н. ибн С. Мовароуннахрда ўз мавкеини мус-таҳкамлаш учун молия ислохотини ўтқа-зади, шунингдек, исломни янги қабул қилган кишилар жизя солиғидан озод қилинадилар, барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатдан тенглаштирилганлар. Ер эгаси, эътиқодидан қатъи назар, хирож тўлаши шарт қилиб қўйилган. Н. ибн С маҳаллий зодагонлар (деҳқонлар) ёрдамида мамлакатни итоатда тутиб туришга интилган. Шу мақсадда у халифалик томонига ўтган йирик деҳқонларнинг аввалги имтиёзларини тиклайди, бухор-худо/янинг қизига уйланади. Аммо шунга қарамай мамлакатдаги халқ озодлик ҳаракатларига барҳам бера олмайди. Абу Муслим б-н бўлган бир неча жанг-да мағлубиятга учрагач, (қ. Абу Муслим ҳаракати), Ироққа йўл олган. Исфохон рус-тоқларидан бири Сава (Сават, Савах) да вафот этган.

Манбалар: История ат-Табари, Т., 1987; Абу Са'ид Гардизи, Зайн ал-ахбар, Т., 1991.

**НАСРИДДИН АФАНДИ** - қ. Афанди.

**НАСРИДДИНБЕК**, Насриддин хон (1850, Қўқон — 1876 й.дан сўнг, Тошкент), — Қўқон хони (1875 й. июль—окт.). Андижон хркими (1865— 75). Худоёрхоннинг катта ўғли. «Пўлат-хон» кўзғолони даврида Абдурахмон оф-тобачи бошлик бир неча амалдорлар томонидан отасига қарши уюштирилган фитнада катнашган ва Тошкентга қочиб кетган Худоёрхон ўрнига хон қилиб кўтарилган. К.П. Кауфман 1875 й. 22 сент.да Н.ни Марғилонда оғир шартлар битилган шартномага имзо чекишга мажбур қилади. Унга кўра, Н. ўзини Россия вассали деб тан олган. Сирда-ренинг ўнг соҳилидаги ерлар Наманган ва Чует ш.лари б-н бирга Россия ихтиёрига ўтиши ва 2 млн. рубл микдорида контрибуция (товон) тўланиши лозим бўлган. Мазкур битимдан норози бўлган халқ кўзғолон кўтарган ва 9 окт.да кўзғолончилар Қўқонни эгаллашган. Н. Хўжанд орқали Тошкентга келган. Н. Андижонда мухташам Мадраса ва жоме масжиди курдирган.

Ад.: Мирзоалим Мушриф, Қўқон хонлиги тарихи, Т., 1995; Бобобеков Ҳ.Н., Қўқон тарихи, Т., 1996.

**НАСРИДДИНОВ** Латиф (1918 - Тошкент — 1943) — 20-а. ўзбек рангтасвирчи рассомларидан. Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган (1934—38). Натюрморт, портрет жанрида ижод қилган. Ижодини портретлар яратиш б-н бошлаган. Рассом асарларида шахслар ўйчан ҳолатда тасвирланган («Ота портрети», 1938 ва б.), бўёқ қатлами қалин ишлатилган ҳамда пухта ва пишиқ ётқизилган, тасвир шакли ва ранглар жозибали ва ифодали бўлиши воситасида бадий образлар яратишга эришган («Она» портрети, 1940; «Автопортрет», 1942 ва б.). Натюрмортлар, лавҳалар, «Лайли ва Мажнун учрашуви», «Лайли изтиробини», «Мажнун саҳрода», «Мажнун ўлими» каби композициялар яратган. Асарлари Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади.

## **НАСРИДДИНОВА**

Гулихон

(1949.10.7, Тожикистон Республикасининг Кўлоб ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Термиз пед. ин-тининг четтиллар ф-тини тугатган (1971). 1971 й.дан Узун туманидаги 4-мактабда, 1997 й.дан 4-ихтисослаштирилган интернат мактабида инглиз тили ўқитувчиси. Н. ҳар бир дарсни пухта, жонли, техник воситалар ва тест си-новлари асосида ташкил этади. У иш фаолияти давомида давлат таълим стан-дартларини жорий этиш мақсадида но-анъанавий даре усуллари (семинар-даре, конференция-даре, савол-жавоб, экскурсия-даре)дан фойдаланади.

## **НАСРИДДИНОВА** Ёдгор Содиковна

(1920.26.12, Кўқон) — давлат ва жа-моат арбоби. Тошкент темир йўл транспорти ин-тини тугатган (1941). Тошкент темир йўл бекатида муҳандис (1941 — 42). Комсомол ва партия органларида раҳбар лавозимларда (1942—52). Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати вазири (1952—55), Республика Ми-нистрлар Совети раиси ўринбосари (1955—59), Ўзбекистон Олий Совети Президумининг раиси (1959—70), Ит-тифоқ Олий Совети Миллатлар Совети раиси (1970—74), СССР Қурилиш материаллари саноати вазири ўринбосари (1974—78). 1978 й. дек.дан нафақада.

## **НАСРИДДИНШОҲ** (1831-1896.1.5,

Техрон) — Эрон шоҳи (1848—96). Қожарлар сулоласидан. Унингдаврида Бо-бийлар қўзғолонлари шафқатсизлик б-н бостирилган. Н. даврида Европа мамлакатларининг Эрондаги сиёсий таъйиқи кучайган. Н. чет эл (инглиз ва рус) сармо-ядорларига телеграф, банк, йўл ва б. концессияларкни берган. 1892 й.да Англиядан давлатни асоратга соладиган катта қарз олган. Чет эл та-маки концессиясига қарши кўтарилган ҳаракатни жазолагани учун махфий террористик ташкилот ва-кили Мирзо Ризо Кермоний томонидан ўлдирилган.

## **НАСРИЙ ШЕЪР** — лирик кечинма-

ларнинг сочма бадий нутқ шаклидаги ифодаси. Н.ш.да характернингтаракқи-ёти кўрсатилмай, унинг оний ҳолати тасвирланади. Муаллиф нутқининг ҳис-туйғуга бойлиги, индивидуал эмоционал бўёкнинг устулиги, нутқнинг маълум ритмик қонуниятига мослиги, ни-ҳрят, ўзига хос интонацияга эғалиги, пауза-нинг кўплиги Н.ш.нинг муҳим хусусия-тидир. Унда баъзан алоҳида сўз билр ёки бир неча гапга тенг келади. Кўп ҳолларда гап ёки сўзлар сўроқ, ундов оҳангига эга бўлади. Н.ш. баъзан лирик наср деб юри-тилади. Опбек, Усмон Носир, Миртемир ва б. ижодида Н.ш.нинг яхши намуналари бор.

## **НАСРОНИЙЛИК** (араб.) - к. Хри-

стианлик.

## **НАСРУЛЛАХОН** (1806.1.6 - Бухоро

1860.21.9) — Бухоро амири (1826 — 1860), манғитларлан. Амир Ҳайдарнинг ўғли. Отасининг ҳукмронлиги даврида Қаршида ҳокимлик қилган. Амир Ҳайдар вафотидан сўнг ҳокимият учун қурашларда акалари амир Ҳусайн (1797—1826) ва амир Умар (1826й. в.э.)ни орадан кўтариб, Бухоро тахтига ўтиради (1826).

Н. ўз ҳукмронлиги даврида ислом шариати кўрсатмаларига қатъий амал қилган. Н. жасур ва доворак киши бўлганлиги боис унга «баходир», «ботир» унвонлари берилган. Н. давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида уруғ ва қавм бошлиқлари бўлган кўплаб амалдорларни қуйи табақалардан чиққан ёш ва ғайратли кишилар б-н алмаштирди. 1837 й.да ҳарбий соҳада ислохотлар ўтказиб, ўз қўшинининг жанговар ҳолатини яхшилади. Ҳар бири 800 кишидан иборат 50 та сарбозлар бўлуклари ва 250 кишилиқ тўпчилар гуруҳи ташкил қилинган. Мунтазам пиёда қўшинининг сони 40000 кишидан ортик бўлган.

Н. Хива ва Кўқон хонлиқларини Бухоро агрофида бирлаштиришга уринган.



Мамлакатнинг худудий яхлитлигини тиклаш учун Қўқон хонлари томонидан тортиб олинган Хўжанд, Ура-тепа, Тошкент, Жиззах ва Зоминни Бухоро амирлигига қайтарди (1840—42). Фарғона водийси уламоларининг тала-би б-н Қўқонга юриш қилиб, хонлик худудини эгаллаган (1842). Бироқ у Қўқон хони Муҳаммад Алихотш қатл қилиш б-н чекланмасдан, унинг онаси — машхур шоира Нодирабетмнп ҳам ўлдиртиради. Н. томонидан Қўқонга Иброҳим парвоначи мангитнинг ноиб қилиб қолдирилиши салбий оқибатларга олиб келган. Ноиб маҳал-лий аҳолига зулм ўтказиб, солиқларни кўпайтирди. Натижада тез орада Қўқон қўлдан кетади. Н. Марвни ҳам Бухорога бўйсиндиради (1843). Шунингдек, Н. кўшини 20 й.да олиб борган 32 та ҳарбий юришидан сўнг Шахрисабзни узил-кесил эгаллаган (1856). Шахрисабз марказий ҳокимиятга бўйсунгач, у сулҳ рамзи сифатида маҳаллий ҳукмдор Искандар Валлома (валинеъма)нинг синглиси Кенагасхонимга уйланди.

Н. ҳукмронлик қилган йиллар Туркистон минтақасида Россия-Англия ман-фаатлари ўзаро тўқнашган давр ҳисобланади.

Н. томонидан ва унинг даврида Бухорода Қози Ҳасанхўжа, Олимжонбой, Эшони Пир, Мирзо Убайд, Модорихон, Исмоилхўжа (1829) Алий Чўбин, Мирзо Абдулғаффор, Тожиддин мадрасалари (1860) қурилди, Халифа Худойдод меъморий мажмуасининг қурилиши якунланди (1855). Бу пайтда тарихчи Муҳаммад Миролим Бухорий «Фатҳномаи султоний» («Султон фатҳномаси») асарини ёзган. Кейинчалик машхур аллома бўлиб етишган ёш

Аҳмад Дониш Н. назарига тушиб, са-ройга хизматга олинган. Н. Бухорода дафн этилган.

Ад.: Трактат Аҳмад Дониша «История ман-гьтской династии». Душанбе, 1967; Мирза Абдал'азим Сами. Тарихи салатин-и мангитийа. М., 1962; Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият

тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000.

**НАСРУЛЛО ҚУШБЕГИ** (19-а. ўрта лари — 1918, Кармана) — мангитлар даврида нуфузли сарой арбоби, қўшбеги. Амир Абдулахад, ҳукмронлиги даврида аввал Шахрисабз ҳокими, сўнгра саройда хизмат қилган. Бухорода 1910 й. январь воқеалариан кейин Останақул қўшбеги ўрнига қўшбеги ( бош вазир) қилиб тайинланган. Саид Олимхон ҳукмронлиги даврида Н.к. мамлакатда амирдан кейинги нуфузли шахс сифатида мамлакатнинг асосий ишлари б-н шуғулланган. Рус тилини яхши билгани учун амир но-мидан Россия империясининг Бухородаги сиёсий агенти б-н бевосита мулоқотлар ўтказган, бир неча марта Россияга борган.

Н.к. Бухородаги жадидчилик ҳаракатига хайрихолик б-н қараган. Амир Олимхон томонидан Бухорода ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги фармон қабул қилинишида муҳим роль ўйнаган (1917 й. 7 апр.). Лекин Бухорода 1917й. апрель намоийшидан кейин Олимхон Н.к.ни жадидларни қўллаб-қувватлаганликда айблайди ва уни лавозимидан олиб ташлаб, ўрнига мутаассиб Низомиддин Урганжийни қўшбеги қилиб тайинлади(1917й. 15апр.). Н.к. Карманага жўнатилади ва маҳбусликда сақланади. У Колесов воқеасидан кейин амир Олимхоннинг фармонига биноан, 17 кишилик оиласи ва бутун қариндош-уруғлари б-н бирга ўддирилган.

Ад.х Айний С, Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Фитрат, Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври, Т-, 1992; Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Муҳаммад Али Балжувоний, Тарихи нофей (Фойдали тарих), Т., 2001.

Қаҳрамон Ражабов.

**НАСРУЛЛОЙИ** - ўтмишда (16-а.) яшаб ижод этган машхур бастакорнинг исми (тахаллуси)га нисбат бериб аталган мусиқий асарлар номи. Шашмақомда

Бузрук мақоми Мушкилот бўлимида «Мухаммаси Н.» номи б-н асосий чолғу қисмларидан бири сифатида ўрин олган. Ушбу мақомнинг ашула бўлимида Н. наср йўлида яратилган шўьбалардан биридир. У ўзининг куй қиёфаси жиҳатидан Бузрукнинг бош-қа шўьбаларидан бирмунча фарққилади. Ички тузилиши бўйича Н. чолғу муқадимма, даромад, миенхат, дунаср, Турк авжи, туширим куй жумлаларидан ташкил топган. Н. шўьбаси ўзидан сўнг келадиған 3 Таронага эга. Н.нинг бош куй мавзуи бошқа шўьбаларда намуд сифатида ишлатилади.

Хоразм мақомларида ҳам Бузрук мақоми айтиш йўлидан ўрин олган бўлиб, наср шўьбаси услубида яратилган намуналардан. Тошкент — Фарғона мақом йўллари қаторида Н. 5 қисми чолғу куйлар туркуми сифатида маълум. Унинг қисмлари ҳар хил вазн ва доира усулларига туширилган бўлиб, иккинчиси (чапандоз)нинг ашула йўли ҳам мавжуд.

**НАССАУ**, Нассо — Багама Ороллари пойтахти, Нью-Провиденс о.нинг шим. соҳилида. Иклими тропик иклим; янв.нинг ўртача т-раси 21°, июлники 28°. Йилига ўртача 1150 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 172 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Атлантика океани соҳилидаги порт; четга денгиз булути, сизаль, цитрус мевалар чиқарилади. Аэропор-ти халқаро аҳамиятга эга. Халқаро миқёсдаги молиявий марказ (250 дан ор-тиқ банк муассасалари бор). Иклим курорти. Туризм ривожланган. Ахрлининг қатта қисми сайёҳларга хизмат кўрсатиш б-н банд. Озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари, кема верфи мавжуд. Шаҳарга 1656 й.да асос солинган ва Чарльзтаун деб аталган. 1694 й.да испанлар томонидан вай-рон қилинган. 1696 й.да қайта қурилиб, Н. деб номланган. Н. — мамлакатнинг маданий маркази. Кутубхона, музей, коллежлар бор. Меморий ёдгорликлардан Монтегю ва Финкасл фортлари, собор сақланган.

**НАСТАРИН**, сирень (Syringo) — зайтундошлар оиласига мансуб барги тўкиладиган бута ёки дарахтлар туркуми; манзарали ўсимлик. 30 тури бор, асосан, Евросиёда тарқалган. Жуда кўп мамлакатларда экилади. Ўзбекистонда оддий Н. (*S. vulgaris*), форс Н. (*S. persica*), хитой Н. (*S. chi-enensis*) ва б. ўсти-рилади. Барги, асосан, оддий, яхлит, баъзан кесик ёки патсимон қирқилган. Гули майда, ранги оқ, пушти, қизил. Икки жинсли, хушбўй, тўпгули рўваксимон, барг ёзиши б-н бир вақтда гуллайди. Маданий навлари гултўплами уз. 25—30 см гача боради. Тез ўсади. Апр.—май (жан. р-нларда), май—июнь (шим. р-нлар)да гуллайди. Меваси икки уяли кўсак. Уруғидан, пархиш усули б-н ва қаламчасидан кўпайтирилади. Н.нинг турли-туман навлари яратилган. Ўзбекистон ФА Ботаника боғида Н.нинг доривор ва манзарали дурагайлари, интродукция қилинган навлари яратилган. Форс Н. Тошкентда 2 марта (бахрр ва кузда) гуллайди. Гулидан тайёрланадиган экстракт парфюмерия-косметика саноатида, ёғочи дурадгорликда ишлатилади.

**НАСТАЪЛИҚ** — хаттотлик услуби, араб мумтоз хат услубларидан бири. 14-а.да шаклланган, назарий асосчиси Мир Али Табризий. Бу хат насх ва таълиқ хат услублари асосида яратилган бўлиб, ҳар-фларнинг 5/6 қисми эгри ва 1/6 қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. Дастлаб мўътабар қўлёмаларни, асосан, бадий адабиёт намуналарини кучиришда ва алоҳида китъаларни битишда фойдаланилган. Кейинчалик бу ёзув китобат санъатидан насх ва сул ёзувларини сиқиб чиқаради. Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва Ҳиндистонда кенг тарқалган. Жаъфар Бойсунқурий, Азхар Табризий, Султонали Машҳадий ва унинг шогирдлари Н.да ижод қилган. Айниқса, Мир Али Ҳаравийнинг Н.ни Мовароуннаҳрда тарқалишида хизмати қатта. Дарвиш Мухаммад («Фавоид ул-хутут»), Мунис Хоразмий («Саводи

таълим»), Муҳаммад Азим («Миръоти таълим») асарларида Н. хатининг асосларини ўрганиш баён этилган.

**НАСТИЯ** (юн. *nastos* — зич, таранг) — ўсимлик барглари, гулбарглари ва б. қисмларининг ташқи омиллар (ёруғлик, ҳарорат ва б.) таъсирида ҳаракат қилиши. Н. хужайраларнинг нотекис ўсиши еки улардаги таранглик ҳолатининг турлича ўзгариши натижасида содир бўлади. Эпинастида ўсимликнинг учки қисми тез ўсади (Мас, куртак ёки ғунча очганда), гипона-стида эса пастки қисми тез ўсади (Мас, гуллаш тугагандан кейин гул қопламанинг туташиб кетиши). Таъсир этадиган омилларга кўра, фотонастиа (ёруғлик таъсирида), термонастиа (ҳарорат ўзгарганда), никтинастиа (кун б-н тун алмашганда), сейсмонастиа (механик таъсир ёки тебраниш таъсирида), хемонастиа (баъзи моддалар таъсирида) фарқ қилинади. Ўсимликларнинг хашаротлар ёрдамида четдан чангланишида, гулни ноқулай шароитдан қимоя қилишда ва б. ҳрлларда Н.нинг аҳамияти катта.

**НАСТУРАН** (юн. *nastos* — зичлашган ва лот. *uranium* — уран), уран смолали руда — содда оксидлар синфига мансуб минерал. Уранитнинг кри-сталлокимёвий аналоги. Массив ва колломорф агрегатлар. Таркибида ўзгарувчан миқдорда  $UO_3$  (20—55%) ва  $UO_2$  (25—60%) бўлади. Қушимча сифатида радиоген қурғошин, Са, баъзан нодир-ер элементлари, шунингдек, сув учрайди. Н.нинг кристаллик структураси, одагда, уранинитга мос келади. Ранги қора, смоласимон ялтироқ, шаффоф эмас. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 4—6; зичлиги  $UO_2$  ва  $UO_3$  нисбатига қараб, 4500 дан 9000 кг/м<sup>3</sup> гача ўзгариб туради. Электромагнит хоссасига эга. Ниҳоятда кучли радиоактив. Унинг энг куп тарқалган минерали. Мураккаб гидротермал типли конларда Sn ва W минераллари, шунингдек, кобальт,

никель, темир арсенидлари б-н, мис, қўрғошин, висмут, кумуш ва б.нинг сульфидлари б-н бирга ҳосил бўлади. Уран-темир рудали конларда гематит, магнетит ва б. билан бирга учрайди. Чуқинди типли конларда, конгломератларда эса кора уран деб аталувчи ку-кунсимон, тупрокли агрегатларда ҳам маълум. Уран ва радийнинг асосий саноат минералларидан бири.

**НАСТУРЦИЯ**, капуцин (Тгораеolum) — настур-циядошлар оиласига мансуб бир ёки куп йиллик усимликлар туркуми. Купинча Жан. Аме-рикада, асосан, Анд тоғларида ўрмон ва чакалакзорларда 80 га яқин тури ўсади. Новдалари серсув, сершоҳ. Барги қалқонсимон, панжасимон кесик, бандли. Гули якка, йирик, қизил, сариқ ёки олов ранг, икки жинсли. Меваси бир уруғли, уч паллага ажралади. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

**НАСХ** (араб. — бекор қилиш) — Қуръон оятларидан айримларининг қироати ва ёзувини ўзгаришсиз сақланган ҳолда, уларни фақат амалдан қолдириш, татбиқ этмаслик. Шу каби оят — «мансух» (бекор қилинувчи), уни бекор қилувчи оят — «носих» деб аталади. Ислому тарихига кўра, Қуръон оятлари яхлит эмас, балки вақт-вақти б-н, зарурат ва эҳтиёжга кўра, 23 й. мобай-нида нозил қилинган. Бу аснода шари-атнинг айрим ҳукмлари оят ва ҳдислар қўрсатмаси б-н янгилашиб турган. Шунинг учун баъзи оятлар мазмуни бир-бирига зид туюлади. Бундай вақтда улардан қайси бири кейин нозил қилинган бўлса, ўшаниси носих, оддин нозил қилингани эса, мансухдир.

**НАСХ** — ҳаттотлик услуги, араб ёзувидаги мумтоз хат услубларидан бири. 10-ада қуфий ёзуви заминидан яратилган, ихтироси Ибн Муқла. Қуфий ёзувини китобат санъатидан бутунлай сиқиб чиқаргани учун шу ном б-н аталган (Н. сўзи «ўчириш», «бекор қилиш» деган

маънони англатади). Ҳарфларнинг 4/6 қисми эгри ва 2/6 қисми тўғри чизиклар асосида ёзилади. Мумтоз хат услубларида бўлганидек бу хат услубида «алиф» (I), «дол» (j) ва «лом» (j) ҳарфларининг турраси йўқ, «то» (i) ва баъзан «лом» ҳарфида агар ундан кейин «жим» (E), «мим» (f), «хр» ҳарфлари келса, турра бўлади; «ҳо» ҳарфи (j.) \*. кўринишида ёзилади. Асосан қуръон, ҳадис, тафсири кўчиришда қўлланилган, кейинчалик илмий ва бадиий асарлар ҳам шу ёзувда битилган. Турли хат услублари ихтиро қилинганига қарамай, Н. хаги бугунги кунда ҳам турли мамлакатлар матбуотида кенг қўлланилмоқда.

**НАТАНС** (Nathans) Даниел (1928.30.10, Уилмингтон ш.) — америкалик генетик, тиббиёт д-ри (1954 й.дан). Деловэр штати ун-тини тугатган (1950). 1972 й.дан Жон Гопкисн ун-ти тиббиёт ф-ти микробиология бўлими директори. Илмий ишлари молекуляр биологияга оид. Рестриқцион энзимлар (ферментлар) кашф этган ва уларни молекуляр генетикада қўллаган. Нобель мукофоти лауреати (1978, Х. Смит б-н ҳамкорликда).

**НАТО** (NATO — инг. North Atlantic Treaty Organization — Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти сўзларининг қисқартмаси) — қ. Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти.

**НАТРИЙ** (араб, натрун, юн. nitron — табиий сода; лот. patrium), Na — Менделеев даврий системасининг 1 гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Ишкр-рий металл. Тартиб рақами 11, ат. м. 22,9898. Битта табиий изотопи  $^{23}\text{Na}$  бор. Сунъий радиоактив изотопларидан  $^{23}\text{Na}$  ва  $^{24}\text{Na}$  муҳим. Н.нинг табиий бирикмалари — ош тузи  $\text{NaCl}$ , сода  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  қадимдан маълум. Металл ҳолидаги Н.ни 1807 й.да инглиз олими Г. Дэви ўовчи натрийни электролизлаб ажратиб олган. Масса жиҳатдан Ер пўстининг 2,64% ини ташкил қилади. Куёш атмосфераси ва юлдуз-

лараро фазода Н. борлиги аниқланган. Денгиз сувида 1,5-1016 т Н. бор. Н. табиатда фақат би-рикма (тузлар) ҳолида учрайди. Улардан энг муҳимлари: натрий хлорид, яъни ош тузи (тош туз, галит)  $\text{NaCl}$ , натрий сульфат (мирабилит, глаубер тузи)  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ , натрий нитрат (чили селитраси)  $\text{NaNO}_3$ , натрий сульфат (тенардит)  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ , трона  $\text{NaH}(\text{CO}_3)_2$ , натрий алюминий гексафторид (криолит)  $3\text{NaF} \cdot \text{AlF}_3$ , натрий тетраборат (бура — тинкал)  $\text{Na}_2\text{B}_4\text{O}_7 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$  ва б. Бундан ташқари, Н. Са, Sr, Ba, Mg, Al ва нодир-ер элементлари б-н биргаликда кўпгина табиий силикатлар таркибига киради. Н. ўсимликлар (бўйимодарон, денгиз ўти) таркибида ҳам бор. Одам ва ҳайвонлар организмда бирикмалар ҳолида бўлади. Мас, Н. ионлари одам қони плазмасида 0,320%, суюқда 0,6%, мускул тўқимасида 0,6—1,5% ни ташкил қилади. Организмда сарф қилинган Н. ўрнини тўлдириш учун киши суткасига 4—5 г ош тузи истеъмол қилиши лозим. Н. конлари ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистонда Сурхон-дарё вилоятида ва Қорақалпоғистонда катта ош тузи конлари бор.

Н. — қумуш каби оқ, юмшоқ металл; пичоқ б-н осон кесилади. Зичлиги 0,968 г/см<sup>3</sup> (20° да), суюқланиш т-раси 97,83°, қайнаш т-раси 882,9°. Кимёвий жиҳатдан жуда фаол. Ҳавода осон оксидланади. Сув б-н шиддатли реакцияга киришиб (реакция баъзан портлаш б-н боради), натрий гидроксид  $\text{NaOH}$  ва  $\text{H}_2$  ҳосил қилади. Водород, кислород, галогенлар, олтингугурт, углерод ва б. б-н реакцияга кириша олади. Н. суюқ аммиакда яхши эрийди. Кўпгина металллар б-н қотишмалар беради.

Н. ош тузи  $\text{NaCl}$  ни электролизлаб олинади. Н. жуда фаол металл бўлгани учун керосинда сақланиши керак. Уни кавшарлаб бекитилган идиш ёки махсус цистернада ташиш мумкин. Н.ни ишла-тишда махсус коржома, қўлқоп кийиб, кўзойнак тақиш лозим. Иш жойи ёнғинга қарши воситалар б-н жиҳозланиши зарур. Н. бор жойда ёнғинни сув б-н

ўчириш мумкин эмас, акс ҳолда портлаш юз беради.

Н. (ўзи ёки қотишмаси) авиация дви-гателларида, ядро реакторларида, махсус ёриткичларда, металлургияда (қай-тарувчи сифатида ва қотишмалар олишда) ва тетраэтилкўрғошин олишда, бирикмалари тиббиётда касалликларни даволашда, қ.х.да ўғит сифатида ишлатилади.

Натрий бирикмалари. Натрий бикарбонат, ичимлик сода —  $\text{NaHCO}_3$  рангсиз моноклин панжарали кристалл модда, зичлиги 2,16—2,22 г/см<sup>3</sup>. Киздирилганда 50° даёқ ўзидан карбонат ангидрид  $\text{CO}_2$  ни чиқара бошлайди. 100—150° да бутунлай парчала-ниб, натрий карбонат  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  га айланади. Сувда 20° да 8,8%, 60° да 14,1% эрийди. Натрий карбонатга  $\text{CO}_2$  таъсир эттириб олинади. Озиқ-овқат саноатида, тиббиётда ва ўт ўчирувчи модда сифатида ишлатилади (қ. Сода).

Натрий бромид,  $\text{NaBr}$  — бромид кислота ( $\text{HBr}$ )нинг натрийли тузи. Рангсиз гигроскопик кристалл модда, зичлиги 3,20 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш т-раси 747°, кайнаш т-раси 1390°. Сувда яхши эрийди, 30° дан паст т-рада  $\text{NaBr}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$  ҳолида кристалланади.  $\text{NaOH}$  эритмаси  $\text{Br}$  таъсир эттириб олинади. Оптик материал сифатида, тиббиётда ва фо-тографияда ишлатилади.

Натрий йодид,  $\text{NaI}$  — рангсиз кристалл модда, зичлиги 3,665 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш т-раси 662°, кайнаш т-раси 1307°. Ёруғликда ҳаводаги кислород б-н оксидланиб, эркин йод ажратиб сарғаяди. Сувда 20° да 64,1%, 100° да 75,1% эрийди. Сув б-н кристаллоид-ратлар ҳосил қилади:  $\text{NaI}\cdot 5\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{NaI}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ . Метил ва этил спиртида, ацетонда эрийди.  $\text{Fe}_3\text{I}_3$  б-н  $\text{NaCO}_3$  ўртасидаги алмашиш реакцияси асосида олинади. Тиббиётда йод препарати сифатида қўлланади.

Натрий силикатлар — силикат кислоталарнинг натрийли тузлари, натрий метасиликат ( $\text{Na}_2\text{SiO}_3$ ), натрий ортосиликат ( $\text{Na}_4\text{SiO}_4$ ), натрий пиросиликат ( $\text{Na}_6\text{Si}_2\text{O}_7$ ), натрий бисиликат ( $\text{Na}_2\text{SiO}_5$ ),

натрий трисиликат ( $\text{Na}_2\text{Si}_3\text{O}_7$ ). Сувда эриганда куюқ коллоид эритма ҳосил қилади. Натрий ме-тасиликатнинг 1, 5, 6, 8 ва 9 молекула сувли, натрий пиросиликатнинг 3,5 ва 11 молекула сувли кислоталогидратлари мавжуд.

Натрий метасиликат шишасимон аморф модда. Зичлиги 2,614 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш т-раси 1089°. Натрий ортосиликатнинг 2 та модификацияси бор, бир турдан иккинчи турга айланиш т-раси 960°; суюқланиш т-раси 1118° (парчаланаяди). Натрий пиросиликат ўткир қиррали плас-тинкасимон кристалл модда. Зичлиги 2,96 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш т-раси 1115°. Натрий бисиликат ромб панжарали кристалл модда. Зичлиги 2,496 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш т-раси 874°. Натрий трисиликат моноклин панжарали кристалл модда. Зичлиги 2,467 г/см<sup>3</sup>, суюқланиш т-раси 700°. Н.с. тегишли таркибли шишаларни кристаллаш йўли б-н олинади. Шиша, алюмосиликат катализаторлар, цеолитлар, шунингдек, суюқ шиша и.ч.да қўлланади.

Натрий тиосульфат (натрий гипосульфит),  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3\cdot 2\text{H}_2\text{O}$  — рангсиз, ялтирок кристалл модда, зичлиги 2,119 г/см<sup>3</sup>. Сувсиз  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$  ок, порошок, очик ҳавода фақат бир неча кун барқарор. Нам ҳавода тез оксидланади. Спиртда эримайди. 100 г сувда 20° да 70,2 г эрийди. Сувдаги эритмаси ҳаводан кислород ютади. Олтингургуртни натрий сульфатнинг иссиқ эритмасида эритиб:  $\text{Na}_2\text{SO}_3 + \text{S} = \text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ ; натрий гидросульфидни натрий би-сульфитга таъсир эттириб:  $2\text{NaHS} + 4\text{NaHSO}_3 = 3\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3 + 3\text{H}_2\text{O}$  ва б. усулларда олинади. Фотографияда, тўқимачиликда, кўнчиликда, тиббиётда, шунингдек, аналитик кимёда реактив сифатида ишлатилади.

Натрий фосфатлар — мета-, орто- ва пирофосфат кислоталарнинг натрий тузлари. Ортофосфат кислота уч хил фосфат ҳосил қилади, Мас, мононатрий фосфат ( $\text{NaH}_2\text{PO}_4$ ), динатрий фосфат ( $\text{Na}_2\text{HPO}_4$ ); тринатрий фосфат ( $\text{Na}_3\text{PO}_4$ ). Агар  $\text{NaH}_2\text{PO}_4$  киздирилса, ўзидан

сув чиқариб натри й гидропирофосфат ( $\text{Na}_2\text{H}_2\text{P}_2\text{O}_7$ ) га, янада кучлироқ киздирилса, полимер модда — натрий гексаметафосфат ( $\text{NaPO}_3$ )<sub>6</sub> га айланади. Агар  $\text{Na}_2\text{HPO}_4$  киздирилса, натрий пирофосфат ( $\text{Na}_4\text{P}_2\text{O}_7$ ) ҳосил бўлади. Н.ф. сувни юмшатишда, рудаларни бойитишда, тўқимачилик, кўн, озиқ-овқат саноатларида, фотографияда, электролизда ва б. соҳаларда қўлланади.

**НАТРИЙ ГИДРОКСИД** (ўювчи натрий, каустик сода),  $\text{NaOH}$  — рангсиз кристалл модда. Суюкланиш т-раси  $323^\circ$ , кайнаш т-раси  $1403^\circ$ , зичлиги  $2,02 \text{ г/см}^3$ . Сувда яхши эрийди, эриш вақтида исиклик ажратиб чиқаради. Гигроскопик. Сувдаги эритмаси кучли ишқор. Сувсиз  $\text{NaOH}$   $61,8^\circ$  дан юқорида кристалланади. Ҳаводаги намни тортади, шу сабабдан ёйилиб кетади ва натрий карбонатга айланади. Н.г. натрий метали ва натрий гидритни эритади.

Ош тузининг сувдаги эритмаси (на-макоб)ни электролиз қилиб ҳосил қилинади. Сунъий ипак, совун ва б. кимёвий моддалар и.ч.да, тўқимачилик ва б. саноат тармоқларида ишлатилади. Кўпгина органик бирикмалар, чарм ва қоғозларни емиради. Терига тегса куйдиради.

**НАТРИЙ КАРБОНАТ** - кальцийланган сода, карбонат кислотанинг натрийли тузи  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ . Куб панжарали кри-сталлардан иборат рангсиз гигроскопик модда. Суюкланиш т-раси  $858^\circ$ , зичлиги  $2,5326 \text{ г/см}^3$  Сувда  $0^\circ$  да  $6,54\%$ ,  $20^\circ$  да  $17,69\%$ ,  $100^\circ$  да  $31,29\%$  эрийди. Сувда эриганда исиклик ажралиб чиқади. Сувли эритмада  $32^\circ$  да йирик тиниқ  $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ,  $32^\circ$  ва  $34,8^\circ$  орасида  $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ,  $34,8^\circ$  дан юқорида  $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$  кўринишида кристалланади. Н.к. очик ҳавода сақланса,  $\text{CO}_2$  ни ютиб уюшиб қолади. Тўқимачилик, қоғоз, шиша, нефть саноатида, совун и.ч.да ва б. соҳаларда қўлланади.

**НАТРИЙ ЛАМПА** — газ разрядли ёруғлик манбаи. Натрий ( $\text{Na}$ ) буғларида электр разряди юз берганда оптик диапазондаги нурланиш (ёруғлик) пай-до бўлади. Паст босимли ва юқори босимли турлари бор. Паст босимли натрий буғлари ва инерт газлар аралаш-маси тўлдирилган шиша найчадан иборат. Бундай лампа сариқ нур сочгани учун умумий ёритишда ишлатилмайди. Ундан автомобиль йўллари ёритиш, шаҳар кўчаларини безатиш учун фойдаланилади.

Юқори босимли Н.л.нинг найчаси натрий буғларида юқори ( $1200^\circ$  дан юқори) т-рагача электр разрядига чидайдиган поликристалл ( $\text{Mg}$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ )дан тайёрланади. Найчадаги ҳаво сўриб олингандан сўнг унга натрий, гелий ва инерт газ тўлдирилади. Бундай лампа нафис олтин ранг ёруғлик сочгани учун ички ва ташқи ёритиш тармоқларида ишлатилади. Н.л. электр тармоғига ишга тушириш-ростлаш аппаратлари орқали уланади.

**НАТРИЙ СУЛЬФАТ** — сульфат кислотанинг натрийли тузи.  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ , рангсиз модда, аччикроқ; суюкланиш т-раси  $32,4^\circ$ , сувда оз эрийди ( $100^\circ$  да масса жиҳатдан  $29,7\%$ ). Табиатда тенардит ва мирабилит минерали кўринишида учрайди. Кўпчилик тузлар ( $\text{Mg}$ ,  $\text{Li}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{K}_2\text{SO}_4$ ) б-н қаттиқ эритма ва б. сульфатлар б-н қўш тузлар ҳосил қилади. Буларнинг айримлари  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot \text{MgSO}_4 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  (астраханит),  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  (глауберит),  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 2\text{K}_2\text{SO}_4$  (глазерит),  $2\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3$  (беркеит) табиатда учрайди. Н. с. шиша, сульфатли целлюлоза и.ч.да, тўқимачилик саноатида, совун ва чарм и. ч.да, рангли металлургияда, тиббиётда (сурги сифатида) ва ветеринарияда ишлатилади.

**НАТРИЙ ХЛОРИД**, ош тузи,  $\text{NaCl}$  — хлорид кислотанинг натрийли тузи. Куб панжарали кристаллардан иборат рангсиз модда. Суюкланиш т-раси  $801^\circ$ , кайнаш т-раси  $1413^\circ$ , зичлиги  $2,161 \text{ г/см}^3$ .

Сувда яхши эрийди.  $\text{NaOH}$ ,  $\text{HCl}$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{CaCl}_2$  ва б. иштирокида Н.х.нинг сувда эрувчанлиги жуда камаяди. Тоза Н.х.нинг гигроскопиклиги оз, аммо аралашмалар (Мас, магний тузлари) иштирокида унинг гипоскопиклиги жуда ортади. Табиатда галит (тош туз) ҳолида, денгиз ва шўр кўл сувлари таркибида бўлади. Озиқ-овқат ва б. саноат соҳаларида, к.х.да, рўзғорда кўплаб ишлатилади. Ундан ўювчи натрий, хлор, сода, натрий сульфат олишда фойдаланилади.

**НАТРИЙЛИ СЕЛИТРА**, натрий нитрат,  $\text{NaNO}_3$  — нитрат кислотанинг натрийли тузи; азотли ўғитлараан. Сувда яхши эрийдиган рангсиз кристалл модда. Чили селитраси деб ҳам аталади. (Чилидаги табиий конлардан олинади). Саноатда азот оксидни ишқрра юттириб, реакция вақтида ҳосил бўладиган натрий нитратни нитрат кислота б-н оксидлаб олинади. Таркибида 16—16,5% N бор, гигроскопик, сақланганда бир оз муштананади, куруқ ҳолида яхши сочилади. Н.с. физиологик ишқорий ўғит, шунинг учун у, кўпинча, оҳакланмаган нордон чимли-подзолли тупроқларда ишлатилади. Ўрта Осиёнинг карбонатли тупроқларида, айниқса, шўрланган тупроқларда Н.с.ни ишлатиш тавсия этилмайди. Ўзбекистонда Н.с. Чирчик «Электркимёсаноат» акциядорлик жамияти, Навоий «Электркимёзаводи» акциядорлик жамияти, Фарғона «Азот» и.ч. бирлашмасида ишлаб чиқарилади.

**НАТРОЛИТ** (натрий ва юн. lithos -тош) — цеолитлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби  $\text{Na}_2\text{Al}_2\text{Si}_2\text{O}_8\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ , баъзан Na ўрнида K ва Ca бўлиши мумкин. Кристаллокимёвий структураси типи бўйича каркасли алю-мосиликатларга киради. Ромбик ва тет-рагонал сингонияларда кристалланади. Кристаллари, асосан, ингичка игнасимон, шунингдек, радиал-нурсимон, толасимон. Донали зич уюмлардан иборат. Одатда рангсиз, кулранг ёки сар-ғимтир, қизғиш.

Шишасимон ялтироқ ёки садафсимон. Қаттиқлиги минера-логик шкала бўйича 5—5,5; зичлиги 2,2 - 2,5 г/см<sup>3</sup>.

Сув,  $\text{NH}_3$ ,  $\text{CO}_2$ ,  $\text{H}_2\text{S}$  ва б. моддаларни ўзига сингдира олади. Саноатда пер-мутитлар (сунъий алюмосиликатлар) тайёрлашда ишлатилади. Н. қайноқ сувли эритмаларнинг вулкан жинсларидаги бўшлиқ ва ёриқларда цеолит, кальцит, кварц, хлорит б-н бирга чўкишидан ҳосил бўлади. Ўзбекистонда Кура-ма тоғларида (айниқса, Оқтепа, Калмоққир, Қўрғошинкон ва б.), шунингдек, Белтовда (Қизилкум) маълум.

**НАТГА** (Natta) Жулио (1903.26.2, Империя ш., Италия — 1979.1.5, Милан) — италиялик органик кимёгар. Органик бирикмаларнинг полимерланиш жараёнларини ўрганиш ва синтетик ка-учуқлар и.ч.га катта ҳисса қўшган. Тар-тибли тузилишга эга бўлган полимерлар синфини аниқлаган. К. Циглер катализатори деб номланган металлоганик катализаторлар иштирокида ванил мономерларнинг стереоспецифик полимерланишни кашф қилган. Бу усулни қўллаш полипропилен, полибутен ва ш.к. кўпчилик каучуқларни саноат миқёсида и.ч.га имкон берди. Нобель мукофоти лауреата (1963).

**НАТУРА** (лот. natura — табиат) — 1) инсон характери мижози, ахлоқи; 2) пул ўрнига тўланган мол, маҳсулот (қ. Айирбошлаш); 3) (тасвирий санъатда) рассом томонидан тасвирлаш учун танланган воқеликдаги реал объектлар (табиат кўриниши, одам, ҳайвон, буюм ва х.к.). Н. танлаш, кузатиш ҳамда унинг талқинида ижодкорнинг ғоявий-эстетик қарашлари, мак-сади намоён бўлади. Реалистик тасвирий санъат асосларини эгаллашда Н. асосий манба ҳисобланади. Н.ни кузатиш, унинг тузилиши ва расмини чизиш орқали рас-сом, хайкалтарош, меъмор ҳаётни чуқурроқ англаб, дунёвий билимлари кенгайиб, фазовий тасаввурни ортиб боради. Н.дан ижодкор бевосита ҳаётини чизгилар ишлаши, уларнинг этюд,

эскизлари — хомаки расмлар (кўпинча манзара, портрет, натюрморт ва мавзули композициялар) яратиши мумкин.

**НАТУРАЛ АЙИРБОШЛАШ** - айирбошлашнинг илк тури (яна қ. Бартер).

**НАТУРАЛ ЛОГАРИФМ** - асосини Непер сони  $e = 2,71828 \dots$  ташкил қиладиган логарифм.  $N$  сонининг натурал логарифми  $\ln TV$  деб белгиланади.

**НАТУРАЛ СОНЛАР** — оддий ҳисоблашда қўлланиладиган бутун мусбат сонлар: 1, 2, 3 .... Алоҳида-алоҳида нарсаларни ҳисоблаш заруриятидан келиб чиққан (қ. Сон).

**НАТУРАЛ ХЎЖАЛИК** — ўз эҳтиёжларини ўзи яратган маҳсулот ва хизматлар б-н қондирадиган хўжалик. Н.х. қўл меҳнатига асосланади, меҳнат унумдорлиги паст бўлган кўхна меҳнат куруллари ишлатилади. Н.х.нинг кенгайтириши янги ресурсларни жалб этиш, Мас, янги ерларни очиб, экин майдонларини кенгайтириш, моллар сонини кўпайтириш, ишловчилар сонини ошириш орқали амалга оширилади.

Н.х. шароитидаги иқтисодий муносабатлар ҳам содда бўлади, улар узок вақт, ҳатто асрлар давомида, ҳеч бир ўзгаришсиз сақланиб қолади. Мас, Ўрта Осиёда ерларни оғзаки келишув асосида ижа-рага бериш, ижара ҳақини ҳосилнинг бир қисмидан олиш, ҳосилдан кафсан тарқатиш каби муносабатлар узок сақланган. Н.х.нинг энг муҳим белгиси унинг бозордан ажралган бўлишидир.

Бу хўжалиқда пул муносабати бўлмайдиган, яратилган маҳсулотни хўжаликнинг ўзи хонаки қайта ишлайди. Мас, натурал чорвадор хўжалигида жундан матолар, гилам, палос ва кигизлар, теридан эса оёқ кийимлари, пўстин тайёрланади. Н.х. ибтидоий давр ва ўрта асрларда ривож топган. Товар хўжалигига асосланган бозор муносабатларига ўтилгач, у ўз аҳамиятини йўқотади.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши Н.х. микёсини қисқартиради, сўнгра амалда тўлиқ сиқиб чиқа-ради. Лекин унинг айрим унсурлари жаҳон иқтисодиётида сақланиб келмоқ-да. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда унинг аҳамияти катта эмас. Аҳоли турмуш даражаси паст, илмий-техника потенциали юқори бўлмаган, иж-тимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланмаган мамлакатларда Н.х. озик-овқат маҳсулотлари и.ч., уй-жой қурилиши, хунармандчилик ва б.да ҳам муайян роль ўйнаб келмоқда.

Н.х.нинг айрим кўринишлари 21-а. бошларида ҳам Осиёнинг тоғли ҳудудларида, Африка ва Лотин Америкасининг (Амазонка) ўрмонзор ва чакалакзорларида овчилик ва теримчилик б-н шуғулланадиган қабилаларда сақланиб қолган.

**НАТУРАЛИЗМ** (франц. naturalisme, лот. naturalis — табиий) — 19-а.нинг охириги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган оқим ва ижодий метод; реал борлиқни объектив, аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилган. Н. табиий фанларда эришилган муҳим муваффақиятлар таъсирида юзага келган. Асосий тасвир объекти — инсон, унинг табиий ва физиологик ҳаёт тарзи; табиат ва атроф муҳитни унинг маиший ва моддий муҳити деб билган. Бу эса, ўз навбатида, бадий имкониятлари чеklangан бадий маданият тараққиётини таъминлади: Францияда Э.Мане, Э. Дега, А.Тулузлотрек; Бельгияда К. Менье, П.Полус; Германияда М. Либерман, Х. Бартельс, К. Кольвиц; Италияда веризм вакили В.Вела ва б. Тасвирий санъатда Н. борлиқни ғоявий мазмунсиз, бадий умумлашма ва танлашлардан ҳоли, ташки жи-ҳатдан айнан ҳаётий акс эттиради. Лўнда, юзаки тасвирлаш, иккинчи даражали ба-тафеиллик, оддий кўчириш 1820—30 й.лардаёқ намоён бўлди (айниқса, француз рассомлари П.Делораш, О. Берне ва б.), академик



тасвири б-н осонгина қўшилиб салон санъатининг кўплаб турларини юзага келтирди. 19-а. ўргаларидан Н. тарихий, диний ва мажозий жанрлардаги анъанавий кўтаринкилик ту-шунчалари касддан «пасайтириб» маиший далилларда изокланган жўнгина ҳаётга келтирилиши ўзига хос воқеа бўлди.

Адабиётда Н. инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Адабий-бадий асарга «инсоний хужжат» деб қаралди. Н. дастлаб Францияда пайдо бўлди. Француз адиби Эмиль Золя ўзининг «Экспериментал роман» (1880), «Натуралист романчилар», «Театрда натурализм», «Драматургларимиз» (1881) асарларида Н.ни ижодий метод сифатида асослаб берди, Э. Золя атрофида натуралист мактаб вужудга келди (Г. Мопассан, П. Алексис, А. Доде ва б.). Ж. Шанфлери, Л.Э.Дюранчи, Г.Флобер, ака-ука Э. ва Ж. Гонкурлар, П. Амп (Франция), А.Хольд (Германия) ва б. ҳам Н. назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Натуралистларнинг айрим тасвир принципларига, инсонни ахлоқий жиҳатдан яланғоч ҳолатда кўрсатишларига, тасвир объектини танлашга эҳтиёж йўқлиги хусусидаги қарашларига танқидий муносабатлар билдирилган. Айни чоғда, ушбу оқимнинг дунё ада-бийназарий тафаккури тарихидаги мавжуд воқелик экани тан олинган; мавзу доирасининг кенглиги, янги тасвир усуллари, шахс ва оломон муносабатларини ўрганганлари ижобий ҳодиса сифатида баҳоланган.

Француз адабий муҳитида пайдо бўлган Н. таъсири, маълум вақт ўтгач, бошқа мамлакатларда ҳам сезилган. Жумладан, Н.нинг Германияда А. Хольд, Г. Гауптман, Англияда Ж.Мур, Ж.Тиссинг, АКШда С.Крейн, Ф.Нор-рис, Х.Гарленд каби намояндalари бор эди. Гарчанд Россия адабий муҳитида «натурализм» атмаси бевосита қўллан-маган бўлса ҳам, бу оқим таъсири Д.Е. Маминсибиряк, П. Д. Боборикин ижодида сезилади. Н.га хос

айрим унсурлар бошқа ижодий методлар асосида ёзилган турли бадий асарларда ҳам учраши мумкин.

**НАТУРАЛИЗМ** — табиат бутун мавжудотни изохлашнинг ягона ва универсал тамойили деб ҳисоблайдиган фалсафий йўналиш. У «табиат» тушунчасига руҳ ва руҳий нарсаларни ҳам ки-ритади (стоицизм, Эпикур, Ж.Бруно, Гёте, романтизм, 19-а.даги биологик дунёқараш, ҳаёт фалсафаси). И.Кант фикрича, Н. ҳамма содир бўлаётган нарсаларни табиат б-н боғлаш ва ундан келтириб чиқаришдир. Ахлоқца Н. табиат кунунларига мос келувчи ўз шахсий интилишларини ривожлантиришга асосланган ҳаёт тарзи. Бунга ахлоқ тушунчасини табиий қрибиятлар, шуурлар, интилишлар, манфаатлар кураши орқали фалсафий тушунтиришга ҳаракат қилиш ҳам қиради (киниклар, стоиклар, Ж.Руссо, О.Конт, К.Маркс, Ф.Ницше). Социологияда Н. — жамият тараққиёти турли табиий омилларга — иклим шароитлари, география муҳит, одамларнинг биологик ва ирк-ий хусусиятларига боғлиқ деб тушунтирувчи назарияларга мансуб. Н. 17— 18-а.лар маърифатчиларининг етакчи тамойилларидан бири («табиий инсон», табиий жамият, табиий ахлоқ, табиий ҳуқуқ концепциялари ва ҳ.к.). Диний дунёқарашда Н. — пантеистик ғояларнинг намоён бўлишидир, яъни худо б-н табиатни бир деб билиш, ху-дони табиатга сингдириб юбориш, худо б-н моддий олам ўртасига ҳеч қандай тўсиқ қўймаслик {Форобий, Ибн Сино, Бедил, Ж.Бруно, Б. Спиноза}.

**НАТУРФАЛСАФА** — табиат фалсафаси; табиатни бир бутун тизим сифатида, асосан, жонли мушоҳада негизида ёки табиатшуносликдан узлаштирилган билимлар орқали талқин этиш ва тушунтириш, унинг умумий манзарасини тасвири борасидаги фалсафий ури-нишлар мажмуаси. Юнон натурфайласуфлари — Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, апполониялик Диоген, Гераклит

Н.нинг асосчилари бўлганлар. Улар барча мавжуд нарсалар келиб чиқишининг ягона табиий асосини топишга уриндилар. Н.нинг кейинги ривожини Аристотель мактаби ва стоиклар фаолияти б-н боғлиқ бўлди. Н. («*philosophia naturalis*») тушунчаси илк бор Сенеканга учрайди. Н. билан табиатшунослик ўртасидаги чегара ва унинг фалсафасидаги ўрни тарихан ўзгариб турган. Аслида, Н. фалсафа илмининг илк тарихий шакли сифатида намоён бўлди. Юнон натур файласуфлари илм-фан тарихида жуда муҳим саналган кўпгина қарашларни, жумладан, атомистик қарашларни илгари сурдилар. Кейинчалик, Н. одатда, физика ёки физиология, яъни табиат тўғрисидаги таълим деб аталди. Фалсафа худо тўғрисидаги таълим б-н яқинлашган ўрта асрларда Н. фалсафа соҳасидан узоклашди. Н.нинг айрим унсурлари насроний, муслмон ва яҳудий динларининг оламни худо томонидан яратилиши тўғрисидаги таъшимотларига мослаштирилди. Натижада, Н., кўпинча, ҳаёл-парастлик шаклидаги натурсафсатага айланди. Бирок, ўрта асрларда табиатшуносликнинг ривожини б-н боғлиқ тарзда Н. ҳам ривожланди. Бу ҳол Ғарбда схоластика ривожининг сўнгги бо-скичи даври (Фома Аквинский, Буюк Альберт ижоди)да, Шарқда эса ундан анча олдинроқ — Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва б. фаолиятида кузатилади.

Уйғониш даври фалсафасида табиатга нисбатан кизикишнинг ортиб бориши б-н Н.нинг янги намояндалари (Ж. Бруно, Б. Телезио, Ж. Кампанелла, Ж. Кардано, Парацельс, Ф. Патрици) юзага келди. Уйғониш даври Н.си, асосан, пантеизм ва гилозоизм негизидан ривожланди, кўп ҳолларда эса ҳаёлла-растлик тусини олди. Табиатни ўрга-нишнинг тахлилий усуллари устувор бўлган 17—18-асрларда Н. ортга чекинди. Бирок, Н. немис мумтоз фалсафасида фалсафий йўналишлардан бири сифатида янгидан олға сурилди (Кант, Шеллинг, Окен, Гегель, Шопенгауэр, Гёте, Карус). Табиатшуносликнинг

улкан ютуқлари ва идеалистик Н.нинг унутила бориши 20-а.да Н.ни аввал материализм томонга оғдирган бўлса, сўнг уни бутунлай барҳам топтирди. 19-а.нинг охири ва 20-а. бошларида Н.нинг янги турдаги шакллари кайтадан яратишга уринишлар (Оствальд, Рейнке, Дриш, Паладьи, Н.Гартман) юз берди.

**НАТУФ МАДАНИЯТИ** - Фаластин ва Суриядаги мезолит даври маданияти (мил. ав. 10—8-минг йиллик). Вади аннатиф водийси номидан олинган. Н.м.га оид горлар, манзилгоҳлар ва қабрлар тадқиқ этилган. Н.м. кишилари овчилик, балик овлаш, теримчилик б-н шуғулланганлар.

**НАТУФЛАР** — мезолит даври одамлари; гавда тузилишига кўра, ҳинд-ўрта денгиз иркига яқин бўлиб, негроид иркининг айрим белгилари бўлган. Натиф маданияти ёдгорликларидан топилган скелетлар бўйича аниқланган.

**НАТЮРМОРТ** (франц. *nature morte* — жонсиз табиат) — тасвирий санъат жанри. Инсоннинг атрофини ўраб турган реал маиший муҳитда жойлашган ва композиция жиҳатидан яхлит гуруҳни ташкил қилган нарсалар тасвирланади; шунингдек, шу жанрда яратилган расомлик асари ҳам Н. деб аталади. Асосан, дастгоҳли расомлик (рангасвир ва графика)ла, қисман ҳайкалтарошлик (асосан, рельеф)ца ишланади. Н.да «жонсиз буюмлар» (Мас, уй-рўзғор буюмлари, қурол-аслаҳалар ва б.)дан ташқари, табиатдан ажратиб олинган ва буюм, нарсаларга айлантирилган жонли табиат нарсалари (столдаги балик, вазадаги гул ва б.) ҳам тасвирланади. Асосий мавзунини тўлдириш учун баъзан Н.га одамлар, ҳайвонлар, қушларни ҳам киритиш мумкин. Маиший асосидан ажратиб олинган майда нарсаларнинг муҳимлиги бошқа жанрларга нисбатан Н.да намоён бўлади.

Н.да тасвирланаётган (мустикал акс этириляётган ёки картиналарда асар мазмунини бойитадиган ва тўлдирадиган)

буюмлар ўз эгасининг феъл-атворини, кизиқишини ёритишга ёки буюмларнинг шакли, ранги, фактураси, тузилишидаги ритмик, динамик ва статик ҳолатларини кўрсатишга қаратилган.

Н. Қад. Мисрда деворга ишланган фрескаларда, эллинизм даври мозаикаларида, Хитойда («қуш ва гуллар», 7-а. дан) композиция бўлаги сифатида маълум бўлган; Европада 16-а. охири — 17-а. бошларидан мустақил аҳамиятга эга бўлди, кенг тарқала бошлади, энг тараққий этган даври 17-а.га тўғри келади, 18-а.дан «Н.» атамаси қўлланила бошлади. Италиян рассоми М. Караеа-жо ва унинг издошлари (караважизм) Н.нинг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнади: гул ва мевалар, денгиз инъоми — балиқ, қисқичбақалар сеvimли мавзуга айланди. Голландия (В.К.Хеда, П.Клас ва б.), Фландрия (Ф.Снейдерс, Я. Фейт ва б.), Испания (Ф.Сурбаран ва б.), Франция (Ж.Б.Шарден ва б.) ва б.да юксак тараққиётга эришди. П. Сезанн, А. Матисс, Ж. Брак ва б. Н.га кўпроқ эътиборни қаратганлар. 20-а.да Н. реалистик анъаналарини Мексикада Д. Ривера, Д. Сикейрос, Италияда Р. Гутту-золар давом эттирди. Россияда Н. 18-а. да пайдо булди, кузни алдайдиган «худди ўзига ўхшаш» (алдамчи) расмлар ишлашдан (Г.Н.Теплов, П.Г.Богомолов ва б.) шаклланиб бор-ди, 19-а. 1-ярмида ҳаққонийликка, борлиқни ўзидан гўзаллик топишга ҳаракат қилинди (М.А.Врубель, К.Коровин, И.Э.Грабарь ва б.), шакл, фактура ва безакдорлик борасидаги ютуқларга эришилди (П. Кузнецов, П.П.Кончаловский, А.Куприн ва б.).

Ўзбекистон тасвирий санъатида Н. унсурулари қад. давр санъатида (Мас, Афросиёб деворий расмларида — вазадаги мевалар), миниатюра санъатида (Мас, Камолиддин Бехзоднинг Шайбонийхон портретида тасвирланган буюмлар — сиёҳдон, қамчи) учрайди. Н.нинг ҳақиқий шаклланиши ва ривожланиши 20-а.нинг 30—50-й.ларига тўғри келади.

Айни шу даврда расомларнинг ижодида Н.нинг дастлабки намуналари пайдо бўлди: Л.Насриддинов («Нонли Н.»), Ш. Ҳасанова («Хитой чинниси б-н ишланган Н.») ва б.; М. Курзин, В. Рождественский, В. Уфимцев, Н. Кашина, З. Ковалевская, О. Татевосян, С. Абдуллаев, В. Фадеев, Ю. Елизаров ва б. Н. яратдилар. 60—80-й.ларда Л. Салимжонова, Ю. Талдикин, Р. Чориев, В. Бурмакин, Е. Мельниковлар ижодида Н. кенг ўрин тутди. Расомлар Р. Аҳмедов, А. Икром-жонов, М. Нуридинов ва б. Н.да самарали ижод қилиб, Н.нинг тараққиётини таъминладилар.

Неъмат Абдуллаев.

**НАУМОВ** Сергей Николаевич (1874.6.7, Калуга - 1933.11.12, Тошкент) — кимёгар. Туркистон ун-ти проф. (1920 й.дан). 1920—24 й.да шу ун-т тиббиёт бўлими декани, лаб. мудири (1924—25), органик кимё кафедраси мудири (1925 й.дан). Н.нинг нафтенлар соҳасидаги и.т. ишлари қатга аҳамиятга эга. Н. томонидан синтез қилинган 1,4-диметилгексаметилен янги модда сифатида тан олинган. У хинон ва то-лухинондибромидлар тузилишини, хоссаларини ўрганиш соҳасида чуқур изланишлар олиб борди, 2,3-циклогек-сандион 1,4-дикарбон эфирининг тузилишини топди. Мазкур модда ҳосилаларидан хиноксалин, монооксим, диоксим, моногидразон, бипиразолон, озон ва б.ни синтез қилди. Унинг илмий кузатишлари натижалари ўлароқ изомерланиш реакцияларига анча аниқлик киритилди, турли эфир моддалари синтези амалга оширилди. Н.нинг Ўрта Осиё тоғларида учрайдиган табиий селитрани синтез соҳасида қўллаш борасидаги ишлари амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кимё фанининг ривожланиши, миллий кадрлар тайёрлаш, янги йўналишдаги илмий ва илмий-услубий ишларнинг йўлга қўйилишида Н.нинг хизматлари қатга. Унинг шоғирдлари орасида С.Ю.Юнусов, О.С. Содиков, х.Рустамов, К.С. Аҳмедов каби машхур кимёгарлар бор. ЎЗМУнинг кимё ф-ти

проф. С.Н.Наумов номи б-н аталади.

**НАУРУ** (Nauru), Науру Республикаси (Republik of Nauru) — Тинч океаннинг жан.-ғарбий қисмидаги Науру о.да жойлашган давлат. Майд. 21 км<sup>2</sup>. Аҳолиси 12,3 минг киши (2002), Рас-мий пойтахти йўк. Хукумат қароргоҳи Мененг округида, хукумат биноси ва парламент — Ярен округида. Маъмурий жиҳатдан 8 округ (district)га бўлинади.

Н. — Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги республика. 1968 й.ги конституция амал қилади. Давлат ва хукумат бошлиғи — президент. У парламент аъзолари орасидан 3 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни аҳоли томонидан 3 й. муддатга сайланадиган ва 18 аъзодан иборат парламент, ижроия ҳокимиятни хукумат амалга оширади; унинг вазирлари парламент аъзоларидан бўлади.

Науру о. тектоник ҳаракат натижасида сув остида кўтарилган атолл бўлиб, унда ҳалқасимон маржон қоялари кўтармалари сақланган. Ер юзаси — плато (энг баланд жойи 65 м). Платонинг четларидаги камбар (эни 200 м гача) соҳил — террасасимон. Иклими иссиқ; ойлик ўртача т-ра 28°, йиллик ёғин 2500 мм. Доимий оқар сувлари йўк. Ичимлик сув четдан келтирилади. Ўсимлиги қаттиқ баргли дарахт ва бу-талардан иборат. Денгиз кушлари ва хашарот кўп.

Аҳолисининг 60% маҳаллий науру (по-линезиялик)лар, қолган қисми — Оке-аниянинг бошқа оролларида келганлар, хитойлар, филиппинлар ва европаликлар. Расмий тиллари — науру ва инглиз тиллари. Диндорларнинг 60% — протестант, қолганлари — католик ва б.

Оролга европаликлардан биринчи бўлиб 1798 й.да инглиз денгизчиси Ж. Ферн келган, 1830-й.лардан савдогарлар, марварид кидирувчилар кўчиб кела бошлаган. 1888 й.да Германия оролни босиб олиб, уни ўзининг Маршалл о.лари протекторатига қўшди. 1898 й.да Н.да бой фосфорит кони топилди. 1914 й.да орол-

ни Австралия қўшинлари эгаллади. 1919 й.да Н. Миллатлар Лигасининг мандатли ҳудуди сифатида Буюк Британия, Австралия ва

Янги Зеландияга биргаликда бошқариш учун берилди. 1942 й.да Н.ни японлар босиб олди. 1947 й.да БМТ нинг васийлигидаги Науру ороли яна Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия бошқарувига ўтди. 1940—50 й.ларда мамлакатда мустақиллик ҳаракати кучайди. 1951 й.да қабила бошликлари кенгаши (1927 й. тузилган) асосида Н. маҳаллий бошқарув кенгаши ташкил этилди. 1966 й.да тузилган Қонун чиқарувчи ва Ижроия кенгашлари маҳал-лий бошқарув соҳасида ҳақиқий ҳуқуқлар олди. Ниҳоят, 1968 й.да Н. мустақил давлат — Н. Республикаси деб эълон қилинди. Н. — 1999 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 31 янв. — Мустақиллик куни (1968).

Н.да ягона партия — Н. демократик партияси мавжуд, у 1987 й.да тузилган. Мамлакат қасаба уюшма бирлашмаси Н. ишчи ташкилоти деб аталади (1974 й.да асос солинган).

Иқтисодиётининг асосини фосфорит қазиб олиш ва экспорт қилиш ташкил этади (йилига 2 млн. тонна). Тропик ўсимликлар, асосан, кокос пальмаси ўстирилади, сабзавот ва мевалар ҳам етиштирилади. Балиқ овлаш ва хунармандчилик ривожланган. Четга, асосан, фосфорит ва копра чиқарилади, четдан озик-овқат, қурилиш материаллари, машина ва кон ускуналари, ёнил-ғи, уй-рўзғор асбоблари келтирилади. Соҳил бўйлаб 19 км тош йўл қурилган. Фосфорит кони б-н порт оралиғидаги т.й. узунлиги — 6 км. Ташки савдодаги мижозлари: Австралия, Япония, Янги Зеландия. Пул бирлиги — Австралия доллари.

Н. мактабларида 2200 киши таълим олади. 1000 га яқин киши чет элларда ўқийди. Хукуматга қарашли «Буллетин» газ. инглиз ва науру тилларида ҳафтада 1 марта чикади. Н. радиоэшиттириш хизмати (1968 й.дан) ва Н. телевидениеси (1991 й.дан) ишлайди.

**НАУТИЛУСЛАР** (Nautilus) - бошоёкли моллюскалар синфининг бит-та туркуми. Танаси кўп камерали, спиралга ўхшаб ўралган чиғаноқ ичида жойлашган. Чиғаноқ диаметри 15—23 см, вазни 1,8 кг гача. Энг қадимги моллюскалар, ҳозиргача фақат бир неча тури яшаб қолган. Чиғаноқ оғзидан Н.нинг боши ва кўп сонли пайпаслагичлари чикиб туради. Бошқа бошоёкли мол-люскаларга нисбатан соддароқ тузилган. Ҳинд океани шаркида ва Тинч океан ғарбида 100—750 м чуқурликда яшайди. Ўлимтик ва ҳолсизланган қискичбақа ҳамда баликлар б-н озикланади. Урғочилари 10 та гача йирик тухум қўяди.

**НАУТОФОН** (юн. nautes — денгизчи ва фон) — маёкларга ўрнатиладиган мембранали электр-акустик аппарат, товуш тарқатгич. Туман ва булутли пайтларда ёки ёғингарчилик вақтида товуш сигналлари тарқатади. Н. тарқатган товуш 15 денгиз милясцта эшитилади. Кемаларни бошқаришда йўл кўрсатувчи восита сифатида қўлланилади.

**НАФАС**, нафас олиш — организмга кислород кириб, ундан карбонат ангидрид (CO<sub>2</sub>) чикиб кетиши, шунингдек, хужайра ва тўқималарда кислород ёрдамида кечадиган органик моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш реакциялари натижасида организм ҳаёт фаоли-яти учун зарур бўлган энергия ажралиб чиқишидан иборат жараёнлар мажмуи.

Бир хужайрали жониворлар ва тубан ўсимликлар Н. олишидаги газ алмаши-нуви хужайралар сирги орқали, юксак ўсимликларда бутун танадаги хужайралараро қобик орқали диффузия йўли б-н содир бўлади. Тузилишининг мураккаблашиши ва тана ҳажмининг катталлашиб бориши б-н Н. олиш вазифаларини ўтовчи махсус тузилма ёки аъзолар ҳамда қон айланиш системаси ривожлана боради, бу системада O<sub>2</sub> ва CO<sub>2</sub> ни боғлаш ва ташиш хусусиятига эга бўлган

қон ва лимфа айланиб юради.

Ҳашаротларда ҳаво найчалари — тра-хейлар, баликларда — жабралар Н. аъзолари ҳисобланади. Қуруқлик ва сувда яшайдиган ҳайвонлар ўпка б-н биргача тери орқали ҳам нафас олади. Умуртқали ҳайвонлар ва одамда ташқи Н. махсус нафас аъзоларида, тўқима нафаси эса тўқима ва хужайралардаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида амалга ошади.

Баликлар, сувда ва қуруқликда яшовчиларда оғиз туби мускулларининг ҳаракати туфайли жабра ва ўпкага ҳаво киради. Қушлар, сут эмизувчилар ва одамда нерв системасини уйғунлаштирадиган Н. мускуллари (асосан, диафрагма ва коворгалараро мускуллар)нинг бирте-кис қисқариши ташқи Н.ни таъминлайди. Бу мускуллар қисқарганда кўкрак қафасининг ҳажми катталлашиб, ўпка кенгайди, бунда атмосфера босими ўпка ичидаги босимдан фарқ қилади ва ўпкага ҳаво киради (нафас олиш — инспирация). Н. чиқариш (э с к -пирация) пассив (нафас олиш фа-засида чўзилган кўкрак қафасининг пучайиши ҳисобига) ва фаол (баъзи мускулларнинг қисқариши йўли б-н) амалга оширилади. Бир гал нафас олишда ўпкага кирадиган ҳаво миқдори Н. ҳажми деб аталади.

Сут эмизувчилар ва одамда газ алмашинуви, асосан, ўпка альвеоларида содир бўлади ва қонга O<sub>2</sub> нинг фақат 2%и тери орқали тушади. Ўпка орқали бир дақиқада ўтувчи ҳаво миқдори — минутлик нафас ҳажми (МНХ) деб юритилади. Одам тинч турганда бу кўрсаткич 5—8 л/мин, жисмоний иш қилганда эса 100 л/мин ва ундан ортиқроқ чиқиши мумкин. Альвеоляр ҳаво ва веноз қон (ўпка капиллярларидаги) орасидаги газ алмашинуви O<sub>2</sub> (60—70 мм симоб уст.) ва CO<sub>2</sub> (7 мм симоб уст.) парциал босимларнинг ҳар хиллиги туфайли альвеола-капилляр мембрана (одамда мембрананинг умумий юзаси қарийб 90 м<sup>2</sup>) орқали амалга ошади, O<sub>2</sub> қонда гемоглобин моле-куласига боғланиб ташилади. Етиб борган жойида

O<sub>2</sub> тўқимага ўтади, бу жа-раён артериал кон (100 мм симоб уст.) ва тўқималардаги (0—40 мм симоб уст.) номутаносиб парциал босим ҳисобига юз беради. CO<sub>2</sub> ҳам тўқимадаги қонга ва қондан альвеолаларга парциал босимнинг ўзгаришлари ҳисобига утади: тўқималарда 60 мм атрофида, веноздаги қонда — 47 мм, альвеолаларда 25 мм симоб уст. CO<sub>2</sub>нинг 80%и қонга ишқорий металллар (бикарбонат), кам қисми эса гемоглобин б-н бириккан ҳолда (карбгемолобин) бўлади. Газ алмашинувининг жадаллиги Н. коэффициенти б-н таърифланади. Ҳайвонлар ва одамларда бош мия пўстлоғи, буйрак, юрак тўқималарининг O<sub>2</sub> га эҳтиёжи катта.

Н. марказий нерв системаси томонидан идора этилади. Н. олиш мускулларининг рефлектор қисқаришини таъминловчи ҳаракат нервларининг ядролари орқа мия кулранг моддасининг олдинги шохларида жойлашган. Н. олиш ва чиқиришнинг биртекис ишлашини, узунчоқ мияда жойлашган Н. маркази (НМ) таъминлайди. Миянинг «Вароли кўприги»да пневмотоксик марказ мав-жуд бўлиб, у НМ б-н бирга Н. жара-ёнини бошқаради. Н. назоратида қондаги CO<sub>2</sub> миқдорининг аҳамияти катта, бу миқдорнинг ошиши мускуллар қисқаришини кучайтиради ва МНХни оширади, натижада организмдан ор-тикча CO<sub>2</sub> чиқарилади. Уйқу артерияларида рецепторлар мавжуд бўлиб, улар қоннинг кимёвий таркибини назорат қилиб боради ва НМга қондаги O<sub>2</sub> ҳамда CO<sub>2</sub> миқдорининг ўзгариши тўғрисида ахборот беради. Узунчоқ миянинг сиртки қисмида жойлашган хеморецепторлар орқа мия суноқлигидаги CO<sub>2</sub> миқдорининг ўзгаришини сезади. Н. назорати нафақат O<sub>2</sub> ва CO<sub>2</sub> парциал босимини меъёрда ушлаб туришга, балки бу кўрсаткичлар узгаришининг ол-дини олишга ҳам қаратилган.

Ўсимликларнинг ҳамма аъзо, тўқима ва хужайралари Н. олади. Н. олиш жадаллиги ўсимликнинг турли қисмида турлича. Энг юқори Н. ёш, тез ўсувчан аъзо

ва тўқималарга хос. Бутун ўсимликда энг аввал репродуктив аъзолари, кейин барглари, пояси ва идизлари Н. олади. Ёруғликни сезувчи тоғ ўсимликларида Н. олиш жараёни юқори, соябондошлиларда эса аксинча. ташқи муҳит ҳарорати ошиши б-н Н. олиш кучайиб боради, ҳарорат ҳар 10°га ошганда 2—3 мартаба кўпаяди. Аммо маълум бир энг юқори нуқтага етгач, Н. сусайиб, 45— 50°да тўхтайтиди. Паст ҳароратда ўсимликларнинг Н. олиши кескин камайтирилади, ле-кин кишлайдиган ўсимлик аъзоларида Н. қисман сақланиб қолади. Ўсимликларга механик ва кимёвий омиллар б-н таъсир кўрсатилиши натижасида ҳам Н. кучаяди. Ўсимликлар ўсган сари Н. олиш жадаллиги ўзгариб боради. Қуруқ уруғлар жуда паст Н. олади, уруғлар униб чиққач ва кейинчалик ниҳол ўсиши давомида уларнинг Н. олиши бир неча минг мартабагача ошади. Ўсимликларнинг фаол ўсиш босқичи тугаши б-н тўқималарининг Н. олиши сусаяди, бу хужайра протоплазмасидаги қариш жа-раёнлари б-н боғлиқ. Уруғлар ва мевалар пишиши б-н Н. тезлиги камайтирилади.

**НАФАС ОРГАНЛАРИ** - организм б-н ташқи муҳит (сув ёки ҳаво) ўртасида газ алмашинуви учун ихтисослашган органлар. Ҳайвонларда тана қоплагичи ёки ичаги деворининг ботиб кириши ёки бўртиб чиқиши туфайли вужудга келган. Кўпчилик умуртқасиз ҳайвонлар (ғовақтанлилар, бўшлиқичлилар, чувалчанглар, тубан қисқичбақасимонлар, игнатерилилар)да Н.о. бўлмайди. Умуртқалилар орасида тери орқали нафас олиш кам ҳаракатланадиган ва майда ҳайвонлар — айрим балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар учун хос. Н.о. дастлаб чувалчангларда жабралар шаклида пайдо бўлган. Кислород танқис бўлган, окмайдиган лойқа сувларда яшайдиган айрим балиқларда атмосфера ҳавоси б-н нафас оладиган органлар — ўпкалар, лабиринт аппарат ривожланган. Орқа ичакнинг айрим қисмлари орқали

содир бўладиган газ алмашинуви ичак орқали нафас олиш дейилади (айрим лаққасимон ва б. баликлар).

Курукликда яшайдиган хайвонларнинг асосий Н.о. трахеялар ёки ўпкалар ҳисобланади. Онтогенезда Н.о. ўзгариши мумкин. Мас, кўпчилик баликлар эмбрионлари дастлаб тана юзаси орқали нафас олади; кейинроқ уларда сариклик халтасида сариклик нафас олиш системаси ёки сузгичлар (анал, орка, дум) нафас олиш системаси пайдо бўлади. Кейинчалик личинкаларда ташқи жабралар, сўнгра жабра аппарата ривожланади. Амниотлар эмбрионида нафас олиш вазифасини дастлаб сариклик халтаси, кейинроқ аллан-тоис бажаради.

Одамда Н.о. ҳаво ўтказувчи йўллар (бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, кекирдак ва бронхлар) ҳамда ўпкadan иборат.

**НАФАС ҚИСИШИ**, хансираш нафас олиш тезлиги, чуқурлиги ва маромининг бузилиши, одатда, ҳаво этишмаслиги б-н кечади. Физиологик ва патологик хиллари тафовут қилинади.

Физиологик Н.к. жисмоний иш қилаётганда организмнинг кислород эҳтиёжи ошиши натижасида пайдо бўлади. Нафаснинг чуқурлашуви ватезлашуви туфайли организмга ўпка орқали кирадиган кислород миқдори Н.қла 2—3 баробар кўпаяди. Айни вақтда орган измдан нафас б-н ортиқча карбонат ангидрид гази ҳам чиқарилади. Ҳаводаги кислород миқдори одатдагидан анча кам бўладиган баландликка кўтарилганда, ташқи муҳит т-раси ошганда ва ш. к. ҳолларда Н.к. рўй беради. Одам ўз ихтиёрига кўра, яъни онгли равишда нафаснинг тезлиги ва чуқурлигини ўзгартириши мумкин.

Патологик Н.к. айрим касаллик ҳолатларида юз беради. Марказий Н.к. нафаснинг идора қилиниши бузилганда (қ. Нафас) ёки бош миядаги нафас маркази заҳарланганда, организм, Мас, ухлагадиган дорилар ёки наркотик моддалардан заҳарланганда содир бўлади. Ўпкага алоқадор Н.к. кўкрак қафаси ши-

кастланганда, ўпка кучли заҳарланганда (ўпка яллиғланиши, сил, бронхиол астма, ўпка эмфиземаси ва б.) кузатилади. Н.к.нинг бу тури нафас чуқурлиги ва тезлигининг бузилиши, аксари нафас чиқаришнинг қийинлашиши, тери ва шиллик қаватларининг кўкариб кетиши (қ. Цианоз), бўйин веналарининг бўртиб чиқиши, юз кўкариши б-н ўтиши мумкин. Ўпкadan бўладиган Н.к. ҳатто озгина жисмоний ҳаракат қилганда ҳам кучаяди. Юракка алоқадор Н.к. юрак камчилигида рўй беради, бунда тери кўкариб кетиши, оёқ-кўллар совуқ қотиши мумкин. Жисмоний иш қилганда бундай Н.к. кескин камаяди. Одатда, бўғилиб қолишгача олиб келадиган Н.к. бронхиал астма ва юрак астмасида кузатилади. Н.к. авж олганда беморнинг кўкрагини қисиб турган кийимини ечиш, нафас олишини енгиллатиш учун ўрнига ўтказиб қўйиш, у ётган хона деразасини очиб, зудлик б-н тез ёрдам чақириш керак. Ўпкага боғлиқ ҳолда Н.к. б-н кечадиган касалликларнинг олдини олишда организмни мунтазам чиниқтириш, жисмоний машқлар ва нафас гимнастикаси б-н шуғулланиш, нафас йўлларининг юқумли ва аллергия касалликларини ўз вақтида даволатиш, тўғри овқатланиш, семиришга йўл қўймаслик лозим.

**НАФАҚА** — мухтож одамларга давлат, корхона, муассаса ва айрим шахслар томонидан бериладиган ёрдам пули. Ўзбекистон Республикасида меҳнат стажига кўра бериладиган пенсиядан фарқли ҳолда Н. давлат томонидан, асосан, болалиқдан ногирон, ёлғиз қария ва ёлғиз ногиронларга, меҳнатга вақтинчалик қобилиятсизларга, ҳомиладор ва туккан аёлларга, 3 ёшгача бўлган болалари тарбияси б-н банд бўлган аёлларга, ишеизларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ва б. берилади (қ. Ижтимоий нафақа).

**НАФИС** — қишки, эрта ҳосилга кирадиган олма нави. Р.Р.Шредер номи-

даги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида маданий навларнинг эркин чангланишидан олинган уруғдан ўстирилган ўсимликлардан танлаб чиқарилган (1963, М.М.Мирзаев, О.К.Афанасьев, А.Ҳамроҳўжаев). Дарахти кенг пирамидасимон, кучли ўсади, шохшаббаси сийрак, навдалари тўқ жигарранг. Гуллари йирик, пуштиранг. Апр.да гуллайди (10—14 кун). Голден Делишес, Пармен, Жонатан каби навлардан яхши чангланади. Меваси йирик (160—180 г), силлик, қизил, са-рик, эти оқ, ширин, мулоим, ҳар йили ҳосил қилади. Меваси окт. бошларида териб олинади. Кучли ўсадиган пайвандтагларда 5—6-йили, пакана пайвандтагларда 3-йили ҳосилга киради. Бактерияли ва ви-русли касалликларга чидамсиз. Ўзбекистоннинг барча мевачилик зоналарида и.ч. синовлари учун р-нлаштирилган.

**НАФИСИЙ** Саид (1895.8.6 - Техрон — 1966.13.11) — Эрон олими, ёзувчиси ва жамоат арбоби. Техрон ун-ти проф. (1934), Эрон Фарҳангистони (Тил ва адабиёт академияси) аъзоси (1935 й.дан). Техрон, Берн ва Парижда ўқиган. Ижоди 20-й.лардан бошланган. Эрон, Марказий Осиё, Ҳиндистон халқлари адабиёти, маданияти ва тарихи масалаларига, шунингдек, рус ва Ғарбий Европа адабиётларига оид тадқиқотлар қилган. Н. «Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди» номли 3 жилдли монография (1931—40), «Фарангис» (1931) романи, «Қожарлар тарихи», «Баҳрайн тарихи» (1955) ҳамда «Ҳозирги Эроннинг ижтимоийсиёсий тарихи» (1959) каби асарлар муаллифи. «Байҳақий тарихи» (1—3-жилдлар, 1940—53)ни, Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» асарини нашр эттирган. «Нодиршоҳ ҳақида охирги ёдгор» (1926) пьесаси тарихий мавзуда. Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Ибн Сино ва б. ҳақида бир қанча насрий асарлар ёзган, форс тилининг изошли луғати (1930, 5-жилд) ва французча-форсча луғат

(1931—32) тузган. Н. шеърятда замонавий турмушдаги воқеа-ҳодисалар ўз аксини топган. Насрий асарларида ғарб адабиётининг сезиларли таъсири бор.

Ас: Жаннатнинг ярим йўлида, Т., 1974.

**НАФЛИЛИК** — моддий ва маънавий неъматлар, товарларнинг ўз хусусиятларига кўра, эҳтиёжларни қондириш хосаси; товарлар ва хизматларни истеъмол қилишдан ҳар бир шахс ола-диган муайян қониқиш. Иқтисодий назариянинг асосий тушунчаларидан бири. Н. даражаси — субъектив тушунча, у шахснинг манфаати, у ёки бу неъматга интилишига боғлиқ. Неъматларнинг инсон учун муҳимлиги ва аҳамияти уларнинг инсон учун нафлиликка — улар қондирадиган эҳтиёжларнинг эҳтиёжлар тартибидаги ўрнига, даражаси ва аҳамиятига боғлиқ. Ҳар қандай неъматларнинг Н. даражаси унинг табиий хоссаларига, сифатига боғлиқ. Маҳсулот нафлиликка ўсиши учун унинг табиий ва сунъий яратилган хоссалари сифатини яхшилаш лозим. Мас, буюмнинг сифати яхшиланиб хизмат қилиш муддати 2 марта ортса, унинг нафлиликка 2 марта ортиб, олдингисига нисбатан 2 марта кўпроқ эҳтиёжни қондиради. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсишнинг муҳим омили маҳсулот сифати ва унинг Н. даражасини оширишдир. Айрим товарлардан қониқиш яқка қониқишдир, аммо товарларни истеъмол этишда умумий қониқиш ҳам пайдо бўлади. Умумий Н. — истеъмол қилинадиган бойликларнинг барча таркибий қисмлари бўйича нафлиликдир. Умумий Н. товарлар гуруҳига дахлдор ва кишилар талабини тез ўзгартиради. Умуман, товарлар хилма-хил бўлганда Н. пасайишга мойил бўлади. Товарларнинг наф келтириш хусусияти — истеъмол этиш жараёнида истеъмолчида қониқиш ҳосил эта олиши, яъни харидорнинг индивидуал дидига қараб эҳтиёжни қондира олишидир. Товарнинг наф келтириши қанчалик юқори бўлса, шунчалик нархнинг кийматдан



узилиши ҳам юз беради. Аммо бундай хол кам учрайди, чунки товарлар ғоят кўп бўлганидан айрим товарлар нафлиги ўта юкори бўлмайди, ўринбосар товарлардаги Н. уни тутиб туради.

Нархнинг товар нафлилигига монанд ошиб бориши чексиз эмас. Чунки наф келтириш меъёрининг ҳам энг охиригичегараси бўлади. Шу чегарадан ўтгач, товарнинг нафлиги пасая боради. Шундан сўнг, харид этилган ва истеъмол қилинган товар нафлиги пасаяди. Чунки, харид нархининг чекланганлиги туфайли харидор ўз қўлидаги пулига юсак қониқиш ҳосил қиладиган товарларни олади. Бу Н.нинг юкори нуқтаси (максимизацияси) дейилади.

Бозор шароитида истеъмол танловининг асосий чегаралари товарнинг нархи ва истеъмолчининг даромади ҳисобланади. Шу сабабли, нафақат товарнинг нафлилиги, балки Н.нинг мазкур товар нархи б-н нисбати ҳам аҳамиятга эга. Бундай нисбат чамаланган (ҳисобга олинган) меъёрий Н. дейилади. Жамият ривожланишида моддий ва маънавий неъматларнинг Н. жуда муҳим масала бўлганидан иқтисодий тафаккур тарихида объектив ва субъектив нуқтаи назарларда турадиган бир қанча Н. назариялари пайдо бўлди. Н. муаммосига сиёсий иқтисоддаги австрия мактаби вакиллари Э. Бём-Баверк, Ф. Визер, К. Менгер, шунингдек, Г.Госсен ва б. қатга эътибор берганлар. Уларнинг фикрича, кишилар неъматларни Н.га эга бўлгани учунгина кадрлайдилар, истеъмолчи назарида кадрли бўлган нарсагина кадр-қимматга эгадир. Кишилар муайян товарларни кадрлаганларида унинг фақат объектив Н.ни ёки субъектив Н.ни (уни истеъмол этишдан олинадиган қониқишни, нафни) ҳисобга олиш б-н чекланмасдан, унинг меҳнат натижаси эканлиги, ижтимоий меҳнатнинг мужассам эканлигини, яъни муайян ижтимоий қийматга эга эканлигини ҳам ҳисобга оладилар, товарни объектив Н. ва ижтимоий қиймат бирлигидан иборат маҳсулот сифатида кадрлайдилар.

Неъматнинг субъектив кадр-қиммати унинг объектив кадр-қимматининг, объектив Н.и ва ижтимоий қиймати бирлигининг инсоний эҳтиёж, фаровонлик нуқтаи назаридан кадрланадиган субъектив аҳамиятидир (яна қ. Меъёрий нафлилик назарияси).

Ад.: Самуэльсон П.А., Нордхаусс В.Д., Экономика, М., 2000.

Эрлис Алиқулов

**НАФЛИЛИК НАЗАРИЯСИ** - турли неъматлар нафлилигининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти тўғрисидаги таълимот (қ. Нафлилик).

**НАФОСАТ** — гўзаллик тури. Нарса ва ҳодисаларнинг ташқи кўриниши (шакли, ранги)даги алоҳида мукамалликни, мутаносибликни ифодалайди (Мас, спортчи киз ёки йигитнинг қадди-қомати, турфа гулларнинг ранг-баранглиги). Кишиларнинг муомаласи, нутқи, акли, кийинишига нисбатан Н. тушунчаси уларнинг назокатли, нозик дидли эканлигидан дарак беради. Н. бадий адабиётда воқеликдаги табиатан нафис нарса ва ҳодисаларнинг инъи-қоси сифатида ифодаланса, санъатда, нимани акс эттиришидан қатъи назар, акс эттириш услубининг ниҳоятда нозик ифодалилигида, ижро усулининг алоҳида нафислигида юзага чиқади. Ҳақиқий Н.ни сохта, ясама нафисликдан ажрата билиш лозим. Юсак инсоний фазилатларни, халқчил ғоя, ижтимоий мазмунга эга бўлган ва табиат гўзаллигини акс эттирган Н.гина ҳақиқий ҳисобланади.

**НАФРАТ** — муайян шахсга ёки кишилар гуруҳига, ғояга ёки амалий фаолиятга нисбатан қаттиқ ғазаб ва жирканиш туйғуси. Муҳаббаттг зидди. Ақлли, тўғри, ҳалол, пок ва виждонли инсон нопок, ўғри, порахўр, мунофиқ, ахлоқан бузук кишилардан ва уларнинг ишларидан ҳазар қилади, уларга Н. б-н қарайди. Қуръон ва ҳадисларда нопок, имонсиз, тухматчи ва ғийбатчи кишилар ҳам Н.га

лойиқ эканлиги таъкидланади.

**НАФТАЛИН** (юн. naphtha — нефть),  $C_{10}H_8$  — ароматик углеводород; конденсатланган 2 та бензол ҳалқасидан тузилган. Рангсиз, ўзига хос хидли пластинкасимон кристалл. Мол. м. 128,2, суюкланиш т-раси  $80,3^\circ$ , қайнаш т-раси  $218^\circ$ . Заҳарли, зичлиги  $1025 \text{ кг/м}^3$ . Сувда оз, спирт, эфир, бензолда яхши эрийди. Тошқўмир чирки (дёготи)дан олинади. Н. кўпгина органик ярим маҳсулотлар, бўягичлар (нафтоллар, нафтиламинлар ва уларнинг сульфокислоталари), пластификаторлар, суюлтиргичлар, сирт фаол моддалар ва б. олишда бошланғич маҳсулот ҳисобланади. Н.нинг яқин гомологлари — метилнафталинлар ўсимликларнинг ўсиш регуляторлари сифатида, полиметилнафталин инсектицид сифатида, Н.нинг сульфокислота тузлари эмульгаторлар сифатида ишлатилади.

**НАФТАНДОЗ** (араб. — нафт, нефть, форс. — андоз, отмоқ) — нефтни ёндириб олиш қуроли. Ўрта Осиё худудидаги кўплаб шаҳар харобаларидан археологик конуссимон идишлар (симоб кўзача) топишган. Уларнинг аксарияти нақш, безаксиз. В.Л.Вяткин Афросиёб шаҳар харобасидан устига «фатх» — ғалаба деб ёзилган шундай идиш топган. Ўрта асрлардаги кўшинлар таркибида махсус Н.лар қисми мавжуд бўлган. Тарихий манбаларда Н. истилоҳи 16-адан сўнг учрамайди.

**НАФТЕНЛАР** (юн. naphtha — нефть) -циклопентан ва циклогексан каторининг тўйинган алициклик углеводородлари, шунингдек, молекуласида 2 тадан 5 тагача қалқаси бўлган мураккаб би- ва полициклик углеводородлар. Умумий формуласи  $C_nH_{2n}$ . Тўйинган углеводородлардан молекуласидаги углерод атомларининг циклик (ҳалқа ҳосил қилиб) жойланиши б-н фарқ қилади. Асосий манбаи — нефть. Нефтда, цикли (ҳалқаси)да 5 ва 6 та углерод атом бўлиб,

табиатда бирмунча кўп тарқалган Н. бор. Циклида 6 та углерод атоми бўладиган Н. — гексаметиленлар (циклогексан ва унинг гомологлари) муҳим. Улар нефтни ҳайдаш йўли б-н олинади. Каталитик крекинг жараёнида ароматик ёки тўйинмаган углеводородларга айланади. Н., мотор ёнилғиларининг таркибий қисми ҳисобланади.

**НАФТОЛЛАР**, оксинафтал инлар — нафталин ҳосилалари. Мол. м. 144,16. Таркибида 1 та гидроксил (ОН) гуруҳ бўлиб, унинг жойланишига қараб а-ва рнафтолларга бўлинади. Кимёвий хоссаларига кўра, фенолларга яқин туради. Нафталинсульфокислоталарни ишқорлар б-н суюклантириб олинади. Асосан, азобўёқлар ва органик ярим маҳсулотлар олишда ишлатилади.

**НАХ-ДОҒИСТОН ТИЛЛАРИ** - кавказ (ибери-кавказ) тилларининг бир тармоғи. Чеченистон, Ингушия, Доғистон республикаларида, Озарбайжон, Грузия, Туркиянинг айрим худудларида тарқалган 29 та тилни ўз ичига олади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 2,5 млн. кишига етади. Н.-Д.т. ўз навбатида 5 ёки 6 гуруҳга бўлинади. Уларнинг асосийлари: нах тиллари (чечен, ингуш, бацби), авар-анд тиллари (авар, ботлих, годобери, ахвах, каратай, тинда чамали, анд), лак-даргин тиллари (лак, даргин), цез тиллари (цез, бежтин, гунзиб, хваршин), лазгин тиллари (лазгин, табасаран, агул, рутул, цахур, арчин, удин, хиналуг). Фонетикаси унлилар тизимининг мўътадил ривожланиши (3—10) ва ун- ! дошлар тизимининг мураккаблиги (35—40) б-н ажралиб туради. Айрим тилларда унлилар миқдори 15—20 тагача етади. Унлилар чўзиқлик бўйича фарқланмайди. Бир қатор тилларда бурун, бўғиз ва умлаутли унлилар мавжуд. Морфологияси агглютинатив хусусиятга эга. Аффикация, ўзаклар такрори асосий грамматик воситалардан ҳисобланади. Суффиксал сўз ясалиши префиксал усулга қараганда

кенг қўлланади. От ва феъл морфологияси ривожланган. Келишиклар микдори анча кўп. Синтаксиси ва ундаги синтактик ҳолатлар туркий тиллардагига анча яқин. Ушбу тилларнинг луғат таркиби, асо-сан, уларда қадимдан қўлланиб келган сўзлар ва улардан ясалган лексемалардан иборат. Уларда туркий, араб, форс тилларидан ўзлашган, рус тилидан кириб келган сўзлар ҳам анчагина.

Н.-Д.т.дан чечен, ингуш, авар, лак, даргин, лазгин, табасаран тиллари 1921 й.гача араб графикаси асосидаги, 1921—38 й.ларда лотин графикаси асосидаги ёзувга эга бўлган; 1938 й.дан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланиб келинмоқда. Бу гуруҳдаги бош-қа тиллар ўз ёзувларига эга эмас.

**НАХИЧЕВАН**, Нахичеван Мухтор Республикаси — Озарбайжон Республикаси таркибидаги мухтор республика. Закавказьенинг жан.да жойлашган. Араке дарёси бўйлаб Туркия, Эрон б-н чегарадош. Майд. 5,5 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 306 минг киши. Пойтахти — Нахичеван ш. Маъмурий жиҳатдан 6 туман, 4 шаҳар ва 6 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — мухтор республика. Қонун чиқарувчи ҳокимияти Олий мажлис (парламент), ижрочи ҳокимиятни вазирлар кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Н. Закавказье тоғлигининг жан.-шарқий қисмини эгаллайди. Шим.да Даралагез тизмаси, шарқда Зангезур тизмаси (энг баланд жойи — Ка-питжик тоғи, 3904 м). Араке дарёси бўйлаб жан. ва жан.-ғарбий қисми те-кислик. Фойдали қизилмалари: молибден ва полиметалл рудалари, тош- туз, қурилиш материаллари ва б. Минерал сувли булоқлар бор. Иклими кескин континентал, қуруқ. Январнинг ўртача т-раси 3—14°, июлники 25—28° (тоғ чўққиларида 5°). Йилликёғин 190—600 мм ва ундан ортиқ. Араке дарёси ва унинг ирмоқлари суғоришда катта аҳамиятга эга. Тупроқлари кулранг, ўтлоқи кулранг, шўртоб, шўр, кулранг-

қўнғир ва б. Ҳайвонот дунёси хилма-хил: муфлон, коплон, айиқ, тўнғиз, тулки, малла товушқирн ва турли қушлар бор. Бодомли курорти, Дардоғ, Гўмир, Вайхир, Батабат шифобахш булоқлари, Нагажир оромгоҳи бор.

Аҳолиси, асосан, озарбайжонлар; руслар, курдлар ва б. ҳам яшайди. Шаҳарликлар 33,2%. Асосий шаҳарлари: Нахичеван, Ордубад, Жулфа.

Тарихи. Ҳоз. Нахичеван худудида яшаган қад. қабилалардан неолит даврига оид моддий маданият ёдгорликлари сақланган. Н. мил. ав. 8—7-а.ларда Мана ва Мидия давлатлари, мил. ав. 6-а.дан Ахоманийлар давлати, кейинчалик Атропатена давлати таркибида бўлган. Мил. бошларида Н. Ғарб б-н Шарқ ўртасида муҳим савдо манзили ҳисобланган. 3-а.да Эрон, 7-а.да араблар истило қилган, 9—10-а.ларда сожийлар ва салорийлар, 11 -а.да салжуқийлар қўл остида бўлган. 13—14-а.ларда мўғуллар ва Амир Темур қўшинлари Н.ни забт этган. 15-а.да Қора қўюли ва Оқ қўюли давлатлари, 16—17-а.ларда Сафа-вийлар давлати таркибида. 16—18-а.ларда Туркия ва Эрон босқинидан анча вайрон бўлган. 18-а. охирида мустақил Нахичеван хонлиги вужудга келди. 1828 й.ги Туркманчай сулҳига биноан, Нахичеван хонлиги Россия таркибига киритилган. 20-а. бошларида ўлкада дехқонларнинг зулмга қарши ҳаракати авж олди. 1917—19 й.ларда турклар, англизлар, мусовотчилар ҳукмронлик қилди. 1920 й. 28 июлда шўро ҳокимияти ўрнатилди. 1923 й. фев.да Озарбайжон таркибида Нахичеван мухтор ўлкаси ташкил этилди. 1924 й. 9 фев.дан Н. мухтор шўро республикаси, 1990 й. нояб.дан Н. Мухтор Республикаси деб аталади.

Хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноатига, техника экинлари етиштиришга, узумчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Кончилик саноати (Парагачай молибден, Гумушли кўрғошин-руҳ, Нахичеван туз конлари) ривожланган. Машинасозлик ва металл ишлаш (Н. электротехни-

ка 3-ди, Шахбуз авторемонт 3-ди ва б.), ёғочсозлик, бинокорлик материаллари корхоналари бор. Ордубад пиллакашлик ва шойи тўқиш саноат мажмуаси, Нахичеван тикув ф-каси, трикотаж, пойабзал, мебель корхоналари енгил саноатнинг асосидир. Озиқ-овқат саноатининг вино, минерал сув, консерва ва сут маҳсулотлари и.ч. тармоқдари ривожланган.

Қ.х. суғориладиган деҳқончиликка асосланган. Донли экинлар, пахта, тамаки, узум, сабзавот-полиэ экинлари, пилла этиштирилади. Боғдорчилик ривожланган. Чорвачилигида қорамол, қўй, эчки боқилади. Йирик ва маҳсулдор балбас қўй зоти шу ерда кўпайтирилади.

Маданияти. Н.даги умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юрглари учун ўқитувчилар Нахичеван ш.даги Пед. ин-тида тайёрланади. Озарбайжон ФА нинг Н. илмий маркази, Озарбайжон фан-техника ахбороти интининг бўлими, Шахбуз туманида Шемаха астрофизика расадхонасининг астрономия экспедицияси илмий ишлар олиб боради. Н.да 239 оммавий кутубхона, 236 клуб муассасаси, 187 кинотеатр, мусикали драма театри, 4 давлат музейи бор. Маҳаллий радио озарбайжон, рус ва б. тилларда эшиттириш олиб боради. Нахичеван ш.да телемарказ бор.

Н. адабиёти озарбайжон адабиёти б-н бирга ривожланиб келмоқда. 19-а. охири — 20-а. бошларида Ж. Мамадқулизода, Ҳусайн Жовид, Мамед Таги Сидги, Э. Султонов, Али Қули Гамкусар каби ёзувчилар яшаб ижод қилдилар. 20—30-й.ларда Э. Абасов, М. Носирли, М. Жафаров, М. Акпер, А. Со-дик, каби ёзувчилар республика ҳаётини тасвирловчи асарлар, 2-жаҳон уруши йилларида М. Тарвердиев, Н. Нагиев, А. Матодун, И. Сафарли ватан-парварликка даъват этувчи асарлар ёзишди. Замонавий шоирлардан Г. Азим, А. Маҳмуд, К. Огаева, В. Касумова, прозачилардан Г. Рози, Г. Иброҳимов, драматурглардан А. Юсифли, А. Аббосқулиев ва б. машҳур.

Н. худудида мил. ав. 2-минг йил-

ликнинг охири — 1-минг йилликка оид маҳобатли иншоотлар, хайвонларнинг жез, сопол ва тош хайкаллари, ўрта аср Нахичеван меъморлик мактабига хос миноралар, Нахичеван, Жуга, Қорабоғлардаги макбаралар, Ордубаддаги турар жойлар (16—19-а.лар) сақланиб қолган. Кейинги йилларда Н.да куркам уй-жой бинолари, жамоат ва саноат иншоотлари қурилди, меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Озарбайжон реалистик рассомчилигининг асосчиларидан бири Б.Ш.Кенгарли (19-а. охири — 20-а. боши) Н.да яшаб, ижод қилди. Энг кўп тарқалган тасвирий-амалий санъат турлари: тўқувчилик, гиламчилик, маржон ва мунчоқли каштачилик, қўлда гул солиб тўқиш, мис-гарлик, ёғоч ўймакорлиги ва б.

Мусикада халқ кўшиқ ва рақслари (мехнат, турмуш, маросим, қаҳрамонлик, тарихий ва б.) қад. анъаналарга эга. Давра бўлиб ижро этиладиган қўшиқ-ракс (Мас, қад. ялла)лар жўшқинлиги ва турли-туманлиги б-н ажралиб туради. Мусика асбоблари: сурнай, баламан, ноғора, тулум ва б. 19-а. охирида Нахичеванда ҳаваскорлик труппаси ташкил этилди. Н.да профессионал театрни барпо этишда ёзувчи Ж. Мамадқулизода, реж. Г. Араблинский (Халафов) катта хизмат қилди. 1923 й. давлат драма театри ташкил этилди (1962 й.дан Ж. Мамадқулизода номидаги мусикали драма театри). Унинг репертуаридан М.Ф.Охундов, С Вурғун, Ш. Қурбонов, М. Носирли ва жаҳон мумтоз драматургия асарлари ўрин олган. Артистлардан Э. Ахвердиев, И. Ҳамзаев, М. Қулиев, И. Мусаев машҳур.

**НАХИЧЕВАН** — Озарбайжондаги ша-ҳар. Нахичеван Мухтор Республикаси пойтахти. Нахичеванчайнинг (Аракс ир-моғи) ўнг соҳилида. Т.й. станцияси. Автомобиль йўллари тугуни, аэропорт бор. Аҳолиси 61,7 минг киши (1990-й.лар ўргалари). Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари, электротехника,

радиотехника з-длари, мебель ф-каси бор, курилиш материаллари ишлаб чиқарилади, тош тузи қазиб олинади. Университет, Озарбайжон ФАнинг илмий маркази, театр, тарих, адабиёт музейлари, суратлар галереяси мавжуд. Н. мил. ав. 6-а.ларда вужудга келган. 11-а. да Салжукийлар давлати маркази, 12-а. да Элдэгизилар давлати пойтахти, 1828 й.дан Россия империяси, 1923 й.дан Озарбайжон таркибида, 1924 й. 9 фев.дан Нахичеван Мухтор Республикаси пойтахти. Шаҳарда Озарбайжон меъморлиги ёдгорликларидан Юсуф Ибн Қусайир ва Мўмина хотун макбаралари (12-а.) сақланган.

**НАХОДКА** — РФ Приморье ўлкасидаги шаҳар (1950 й.дан). Япон денгизининг Находка қўлтиқчасидаги порт. Узоқ Ша-рқнинг йирик транспорт ва балик, овлаш марказларидан бири. Яқин т.й. станцияси — Тихоокеанская. Аҳолией 160,5 минг киши (1998). Узоқ, Шарқ кема механика, кема таъмирлаш, темир-бетон буюмлари з-длари, балик к-ти, тунука банка (идиш) ф-каси бор. Денгизчилик, мусиқа билим юртлари, Приморье давлат музейи филиали мавжуд. Н. яқинида Восточний порти жойлашган.

**НАХШАБ** - қ. Насаф.

**НАХШАБИЙ** Абу Туроб (? - 850, Қарши) — тасаввуф шайхларидан бири. Пири муршид даражасига эришган. У тасаввуфнинг муҳим шартларидан бири бўлган наф ва кибрни жиловлашнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатган. Алишер Навоий ўзининг «Лисон ут-тайр» достонида Н. номини эҳтиром б-н тилга олган.

**НАША** (Cannabis) — нашадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми; йигириладиганлуб толали, мойли экин. Ватани — Марказий Осиё. Толаси ва мойи учун мил. ав. 1-минг

йилликдан экиб келинган. Бир-бирига жуда яқин 3 тури бор: мада-ний ёки экма Н. (C.sativa) — тола олиш учун Россия, Белоруссия, Украина, Ғарбий Европа мамлакатларида, Ҳиндистонда экилади, ёввойи ҳолда Монголия, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Хитойда ўсади; ҳинд Н.си (C.indica) — Эрон, Туркия, Сурия ва б. мамлакатларда уруғидан куюқ мой, барги ва пояси чекиладиган наша (наркотик маҳсулот — гашиш) ва урғочи тўпгулидан марихуана олиш учун етиштирилади, ёввойи ҳолда Ўрта Осиё, Покистон, Афғонистон, ва б. мамлакатларда ўсади; ёввойи Н. (C.ruderalis) — Ўрта Осиё, Ғарбий Сибирь, Волгабўйида баҳори экинлар орасида, партов ерларда бегона ўт си-фатида кўп ўсади.

Маданий Н.нинг илдизи ўк илдиз. 1,5—2,0 м чуқурликка кириб боради. Пояси 1—5 м гача етади, диаметри 10—30 мм, 7—8 бўғинли, нисбатан иссиқ-севар, намсевар ўсимлик. Навига қараб вегетация даври 65—160 кун. Икки уйли (эркак ва урғочи ўсимликка бўлинади), четдан чангланади. Барглари панжасимон, яшил, бандлари қизғ-иш-бинафшаранг. Гултўплами шингил, урғочи ўсимликларида ғуж, барг қўлтиқларида, эркак ўсимликларида эса ён шохларининг учларида жойлашади. Гуллаш даври 15—25 кун давом этиб, эркак ўсимлик гуллари урғочи ўсимлик гулларидан 4—7 кундан кейин очилади. Меваси икки паллали, бир уруғли ёнғоқча, юзаси силлик, диаметри 2—5 мм. 1000 дона уруғи вазни 10—26 г. Уруғи 1—2° да униб чиқади, 8—10° да майсаланади, —5, —6° совуққа чидайди, 19—25° да яхши ривожланади. Шоналаш-гуллаш даврида сувни куп талаб қилади. Эркак ўсимликлари эрта етилади. Толаси поя пўстлоғида жойлашади, дағал, йўғон, аммо жуда пишиқ, нам ўтказмайди. По-ясида 27% гача тола булиб, ундан да-ғал газламалар, коп-канор, арқон тайёрланади. Уруғида 30—35% мой, 18—23% оксил мавжуд. Мойи қандолатчиликда, консерва, қайта ишлаш, лок-бўёқ саноатида, совун тайёр-

лашда ишлатилади. Кунжараси молларга берилади. Тола олиш учун ёппасига қаторлаб, уруғ олиш учун кенг қаторлаб экилади. Толаси учун гуллаш даврида урилади. Сувда ивителиб, қури-тилади ва толаси ажратиб олинади. Ўрта Осиёда қадимдан наркотик модда берадиган хинд Н.си чилим чекишда ишлатилган.

Ад.: Ёрматова Д., Ўсимликшунослик, Т., 2000; Виноградов Б.И., Атабаева Х., Дементьев А. А., Растениеводство (практикум), Т., 1987.

Халима Отабоева.

**НАШАВАНДЛИК** — наша чекиш натижасида вужудга келган бангилик.

**НАШАГУЛ** (*Rubbeckia laciniata* L), қийиқбарг нашагул — мурак-кабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон манзарали ўсимлик. Ватани — Америка. Бўйи 1—2,5 м. Пояси тик ўсади, пастдаги япроқлари патсимон, юқоридагилари уч бурчакли. Гуллари сариқ ва тўқ кизил. Тўпгули саватча, йирик (7—12 см), шарсимон, кўп гулли, узун бандли, шохлари учида биттадан ўрнашган. Саватчанинг четига ўрнашган гуллари тилсимон, жинсиз, ўртадагилари эса? найчала, икки жинсли. Меваси 5—6 j мм, 4 киррала донча, учида кокили бор.

Уруғи понасимон, чўзиқ. Н. уруғларидан ҳамда бачкисидан кўпайтирилади. Июлдан то кеч кузгача гуллайди. Ўзбекистонда паркларга, майсазор ва гулзорларга экилади.

**НАШАДОШЛАР** (*Cannabaceae*) -икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Кўпинча, мўътадил иклимли р-нларда тарқалган тик пояли ёки илашиб ўсувчи ўтлардан иборат. Гули кўримсиз, бир жинсли, каллаксимон, тупгулла'рга йиғилган; эркак тўпгуллари кўп гулли, рўваксимон, урғочи тўпгуллари кам гулли, каллаксимон. Икки туркуми,(н,аша ва хмель), 3 тури бор.

**НАШАТИР СПИРТ**- қ. Новшадил

спирт

**НАШВАТИ** — халқ селекцияси. йўли б-н етиштирилган нок (олмурут) навлари гуруҳи. Қишки Н., кузги оқ Н., чиллаки Н., ёзги Н. каби навлар шу гуруҳга оид. Ўзбекистонда Н.нинг мурут, олмурут деб аталадиган ёввойи тури — Коржинский ноки (P. korshinskyi Litv.) тоғ этаклари ва ён бағирларида, сойларда ўсади. Меваси думалоқ ёки ноксимон-чўзиқ. Ўзбекистонда қадимдан экиб келинади. Маданий Н. навлари кўчатлари ёввойи нок уруғларидан етиштирилган паивандтагларга пайванд қилиб етиштирилади. 4—6-йили ҳосилга қиради. Дарахти бал. 8—12 м. Бошка нок навларига қараганда эрта гуллайди. Меваси навйга қараб июнь охиридан окт. бошларигача бўлган даврда пиша-ди, огирилиги 120—250 г (баъзан 500—700 г), кўпчилиги сарғиш-кўкиш, ай-римлари рангдор, усти мойсимон ғуборли, силлик. Эти оч сариқ ёки кўкиш-оқ, қуврак, сувли, нордонширин, уруғи йирик; кечпишарлари март—апр. гача сақланади. Акад. Р. Р. Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида Н. нинг Қишки Н. 2, кузги Қизил Н. навлари чиқарилган ва р-нлашти-рилган.

**НАШРИЁТ** - қ. Ноширлик.

**НАШРИЁТ ИШИ** - қ. Ноширлик.

**НАШРИЁТ-ҲИСОБ ТАБОҒИ** - босма нашр ҳажми ўлчов бирлиги. Унга муаллифлик табоғига ҳисобланган асосий матн ҳажми б-н бирга муаллифга ҳақ тўланмайдиган барча матн (нашриёт томонидан ёзилган сўз боши, рукн-сарлавҳа, рукнрақам, зарварак, сарварак ёзувлари ва б.), график материалларнинг ҳажми ҳам қиради. Н-х.т. нашриётдаги ҳисоб-китоб ишларида, муҳаррир, техник муҳаррир, мусахдиҳ ва б. ходимлар меҳнати ҳисоблашда қўлланади (яна қ. Босма табоқ).

**НАШТАР** — чакувчи пардаканотлилар урғочиси захар сочувчи органининг санчувчи кисми. Ҳимоя ва хужум қилиш органи. Тинч ҳолатда Н. корин бўлимининг охирги бўғими ичида жойлашади; зарур бўлганда ташқарига чиқарилади. Н. захар ишлаб чиқарадиган безлар б-н боғланган. Н.нинг остки ва устки тарновсимон паллалари ўртасида най ҳосил бўлади. Захарли суюқлик ана шу най орқали ўлжа ёки душман танасига оқиб боради. Асаларилар Н.и кирраларида майда илмоқчалар бўлади. Асалари йирик ҳайвонларни чаққанидан сўнг Н.ни чиқариб ололмасдан ҳалок бўлади. Чаёнлар Н. и захар суюқлиги оқиб ўтадиган игнасимон найдан иборат бўлиб, орқа кориннинг охирги бўғимида жойлашган.

**«НАШТАР»** — сатирик киножурнал. 1966 й.да «Ўзбекфильм» қошида Сами Абдуқаҳҳор, Анатолий Қобуловлар ташаббуси б-н ташкил этилган. Қундалик ҳаётда учрайдиган ижтимоий иллатларга қарши сатира, юмор ёрдамида курашиш «Н.»нинг асосий вазифасидир. Ҳар бир киножурнал бадиий, хужжатли, баъзан мультипликация йўли б-н суратга олинади. Киножурнални халққа манзур қилишда таникли ёзувчилар (С. Аҳмад, И. Раҳим, С. Абдуқаҳҳор ва б.), театр ва кино актёрлари (Ф. Аъзамов, Ҳ. Умаров, Б. Ихтиёров, К. Жалилова ва б.) нинг хизматлари катта. 1998 й.дан «Н.» «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси қршидаги Республика «Видеомарказ» таркибига ўтказилди. «Н.»да турли йилларда Ғани Шермухамедов, Ўлмас Умарбеков, Сами Абдуқаҳҳор, Анатолий Қобулов каби таникли ижодкорлар бадиий раҳбар, реж., бош муҳаррир сифатида фаолият кўрсатдилар. Ҳоз. кунда А. Юсупов, С. Азларов (бош муҳаррир), Э. Хушвақтов, М. Абзалов, Э. Хачатуров, Қ. Хасанов, С. Бобоев, Ф. Давлетшин, И. Эргашев ва б. «Н.»нинг асосий ташкилотчилари. Актёрлардан Клара Жалилова, Диас Раҳматов, Равшан Солиҳов, Вали-

жон Шамшиев, Зебо Наврузова кабилар фаол иштирок этишади. «Н.» йилига 4 марта чиқарилади (2003).

**НАЪМАТАК** (*Rosa*) — раънодошлар оиласига мансуб буталар туркуми. Бўйи 3 м ча. Барги ток, патсимон мураккаб, пояда кетма-кет жойлашади. Гули хушбўй, ранги ҳар хил, якка ёки 2—3 тадан ўрнашган. Меваси ширали, шакли ва ранги ҳар хил, гул ўрнидаги сохта мева ичида тукли, бир уруғли ёнғоқчалар жойлашган. Н. турлари бир-биридан мевасининг шакли, катта-кичилиги, ранги, новда пўстлоғининг ранги ҳамда новдадаги тиканларнинг оз-кўплиги ва жойланишига қараб фарқланади. Н. ўрмонларда ариқ ёқаларида, буталар орасида, тоғ ён бағирларида ўсади. Гули чиройли турлари боғларда, хибонларда ва кўчаларда ўстирилади.

Итбурун наъматак (*R. canina*) мевасида 4—6%, баъзан 18% ча С, R<sub>2</sub>, К, Р витаминлари, 18 мг%ча каротин, 18% ча қанд, 2% ча лимон кислота, ошловчи ва б. моддалар бўлиб, тиббиётда авитаминознинг олдини олиш ва даволашда қўлланади. Н.нинг манзарали турлари — атиргуллардан олинадиган хушбўй эфир мойи (атиргул мойи), асосан, парфюмерияда, ундан тайёрланадиган атиргул суви (*Aqua Rosae*) фармацевтикада дори-ларнинг ҳиди ва мазасини яхшилаш учун ишлатилади.

**НАЪТ** (араб. — мактов, таъриф) — мумтоз адабиётнинг анъанавий таркибий қисмларидан бири. Одатда, катта шеър-ий-эпик асар (достон)лар, баъзан илмий асарлар бош қисмида ҳамд ва муножотпан кейин келади. Н., асосан, пайғамбар (лар) шаънига айтиладиган мактовдан иборат бўлиб, кўпгина мумтоз шеър-ий асарларда учрайди.

**НАЯРИТ** — Мексиканинг ғарбий қисмидаги штат, Тинч океан соҳилида. Майд. 27,6 минг км<sup>2</sup>. Ахрлиси 919,7 минг киши (2000). Маъмурий марка-

зи — Тепик ш. Ғарбий Сьерра-Мадре тизмалари (бал. 2300 м) тор сохилбўйи текис-лигини Мексика ясситоғлигидан ажратиб туради. Иклими ёзи сернам, тропик iklim. Йиллик ёгин 1000 мм. Тоғ ораларида ёгин микдори 200—300 мм. Асосий дарёлари: Сан-Педро, Рио-Гранде-де-Сантьяго ва б. Текисликларда доим яшил ўрмонлар, тоғ этакларида барг тўкувчи, баландроқда игна баргли дарaxтлар ўсади. Хўжалигининг асосини қ.х. ташкил этади. Асосий экинлари: тамаки, ер ёнғок, шакарқамиш, тропик мевалар. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати ривожланган.

**НАҚАРОТ** — кўшикнулт ҳар баидидан сўнг мунтазам равишда такрорланиб турувчи қисми. Н.нинг шеърый матни, одатда, тўртлик ёки байтдан ташкил топиб, тугал бадий образни ифодалайди. Н. мусика асарининг иккинчи куй даврияси, ихчам ва содда шаклли намуналарда эса куйнинг иккинчи жумласи сифатида гавдаланади. Қўшиқва мадқияларда Н. бошқа қисмлардан мусиқий вазн, услуб ва ижро суръати б-н фаркланиши мумкин. Хоржамоаларига мўлжаллаб яратилган кўшиқларда Н. қисми, одатда, ялпи хор томонидан ижро этилади. Айрим халқ кўшиқ ва яллаларида Н. асосий куйни бутунлигича такрорлайди ва бандлардан такрорый шеър матни туфайли ажратилади. Кўшиқ, ашула, сувора, мақомларнинг шўъба ва тароналарида, шунингдек, ўзбек бастакорлик ижодиётига мансуб асарларда Н.нинг ҳар хил вокал ва чолғу йўллари мавжуд (Мас, Бозғўй).

**НАҚИБ**, нақибхўжа (араб. — бошлик, сардор, қабила бошлиғи, дохий) — Хива хонлигидаги ҳарбий мансабдор. Саййидлар ва хўжалар учун юкори фахрий унвон. Н. ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан деб ҳисоблай-диган саййидлар жамоалари раҳбарларининг лавозими. Хукмрон доиралар Н. орқали саййидлар жамоалари

б-н муомала қилганлар. Н.лик лавозими авлоддан авлодга ўтган. Н. хоннинг энг якин маслаҳатчиларидан бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлган. Расмий қабул маросимларда Н. хоннинг сўл томонида 1-ўринда ўтирган. Хон Н.ларга таянган. Н.ларнинг ўз навкарлари бўлиб, ҳамма ҳарбий сафарларда катнашган. Н.ларнинг вазифаси уруш сафари вақтида кўшин тузиш, уни куроллантириш ва жойлаштириш маҳоратига эга бўлган, одд ва орқадаги, ўнг ва сўл қанотдаги марказ ва пистирмадаги аскар холидан хабардор бўлган, ўз вазифасига лойиқ бўлмаган кишини маълум вазифани бажаришга кўймаган. Хива хонлигида уруш сафарлари вақтида Н. шу вазифаларни бажарган. Хон «сайлов»и вақтида Н. иштирок этган. Н.лар хазинадан таъминланиб турилган.

**НАҚЛ** (араб.) — а) халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки кикоя, ривоят, киксса; б) ҳикоя қилиш, баён қилиш; в) мақол маъносида. Мас, Яхшилик қил, дарёга ташла; балиқ билур, балиқ билмаса, холиқбилур. «Нақл» сўзидан келиб чиққан нокил, нақлчи шакллари ҳикоя қилувчи шахс маъносини англатади.

**НАҚР**, нақра (араб. — зарб, тақиллатиш) — ўтмиш мусика рисоаларида қўлланилган усул зарблари бирлиги. Ритм ўлчовлари араб алифбосидаги Т ва Н ҳарфлари воситасида ифодаланган. Мас, тан (икки Н.дан тузилган узун бўгин), танан [бир қисқа (та) ва бир узун (нан) бўгин] ва қ.қ. Сафиуддин ал-Урмавий, Махмуд аш-Шерозий, Абдурақмон Жомий, Зайнулобиддин ал-Хусайний рисоаларида Н.лар масаласига ҳам махсус тўхтаб ўтилган.

**НАҚШ** (араб. — тасвир, гул) — қисм (таксим)лари муайян тартибда бир маромда такрорланишидан ҳосил бўладиган хандасий шакллар, ўсимлик, куш, хайвон ва б.нинг услублаштирилган тас-



вирларидан таркиб топган бе-зак (гул). Турли нарсалар (ашёлар, қурол, мато, мебель, китоб ва т.к.), меъморий иншоотлар (ҳам ички, ҳам ташқи безаклар), нафис санъат (асо-сан, амалий санъат) асарларида кенг қўлланади, айрим халқларда, шунингдек, одам танасини безаш (татуировка, безаш)га мўлжалланади. Нарса-нинг сиртини безаётган Н. унинггузили-шини юзага чиқаради ва унинг бадиий сифатини оширади. Н. ё мавҳум шакллардан тузилади, ё аниқ мавзулардан ус-лублаштирилади. Ишланаётган ҳам ашё-сига кўра, Н. ишлашнинг турли-туман ус-лук ва усуллари мавжуд: ўйма (ганч, ёғоч, мис, тош, мрамар ва б.), бўяма (қоғоз, мато, ганч, ёғоч, сопол ва б.), чок ёрдами-да тикма (каштадўзлик, зардўзлик ва б.), зарб қилиб, қуйиб (заргарлик, мискарлик ва б.), тўқима (гиламчилик, тўқимачилик ва б.), қадама (инкрустация, панжарасоз-лик ва б.) ва б.

Н.нинг пайдо бўлиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Н. тарихи инсония-тнинг бадиий маданияти каби қадимийдир. Археологик материаллар Н.нинг жаҳондаги барча халқларда қадимдан мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Металл, сопол буюм, ёдиш, қуроллар палеолит, неолит давларида оддий ҳандасий шакллар қаторида ўсимликсимон Н.лар б-н ҳам безатилган. Н. турли ўлкалар, турли халқларда географик муҳит, ўсимлик ва ҳайво-нот дунёси, мадания-ти таъсирида тур-лича ривож топган. Мас, Шимол ўлкалари Н.ларида арча, чорвадорларда мол шохи, дехдонларда узум барги ва ғужуми, ўтроқ аҳолида гул, анор, бо-дом, қалампири тасвирлари кўп учрайди. Европада турли даврларда ҳукмрон бўлган бадиий услублар (барокко, готика, классицизм ва б.) Н.га ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Уйғониш даврида, айниқса, юксак жозибадорликка эриш-ган. 19-а.нинг охиридан бошлаб шу давр-да вужудга келган турли оқимлар Н.ни атайин кам ишлагди, ҳатто ундан бутун-лай воз кечишгача борди.

Н. санъати Ўрта Осиё маданияти

та-рихида жуда қад. бўлиб, ўзига хос на-муналари б-н ажралиб туради. Археологик топилмалар Н.нинг хилма-хил ва ранг-баранг намуналаридан дарак беради. Меъморий ёдгорликларда Н.нинг анча мукамал, ўзига хос ва юк-сак санъаткорлик б-н яратилган нус-халарини учратиш мумкин. Халқ амалий санъатининг ҳар бир турида (хусу-сан, каштадўзлик, гиламчилик, ўймакорлик, ганчкорлик, наққошлик каби) Н.нинг ша-клий имкониятлари нақадар кенг ва бой эканлиги яққол кузатилади. Ўрта Осиёда Н.лар кенг тарқалган бўлиб, улар, асосан, 2 турга бўлина-ди: ҳандасий шакл ва чизиклардан иборат энг му-раккаб Н. тури — гирих, кенг тарқалган ўсимликсимон Н. — ислимий. Ҳар бир Н.нинг ўз конун-қоидалари бор: таксим ва бўлақлар аниқ ўлчамда, уйғун бўлиши, ранглар дид б-н танланган, ўзаро мута-носиб бўлиши лозим. Бу наққош уста-дан кат-та маҳррат, малака талаб қилади. Ўрта Осиёда энг қад. Н. намуналар, асо-сан, меъморий иншоотларда сақланган; Н.нинг ажойиб намуналари ганч, ёғоч ва тошни ўйиб, баъзан бўяб ишланган.

Н. ҳисобига кенг тараккий этди, нақ-қошлик жадал ривожланди. Бино, буюм, идиш, кийим, қуроллар акса-рият Н. б-н безатилди; масжид, Мадраса, мақбараларни ҳашамдор қилишда Н. муқим ўрин эгаллади. Шу даврда меъ-морликда ғиштни турлича қалаб Н. хосил қилиш санъати юксак даражага кўтарилди. Биноларнинг ёғин тушмай-диган жойлари ганч ва ёғоч ўймакор-лиги, бўяма Н.лар б-н безатилди. Жумладан, меъморий ёдгорликлардан Ўзгандаги мақбаралар (интерьер, девор, пешток, равоқлар) ғиштин нафис нақшланган. 14—15-а.ларда кошинкорий Н.лар яра-тилди (Кўхна Урганчдаги Тўрабекхоним кўшки, Са-марқанддаги Шохизинда ан-самбли, Дилқушо кўшки — Ишратхона ва б.). Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари даврида халқ усталари санъати айниқ-са шаҳарларда ўсди, Н., наққошлик кам яна-да ривожланди. Худоёрхон ўрдаси (Хива),

Ситораи Моҳи Хоса (Бухоро), Тошҳовли (Хива) ва б. бинолар моҳир усталар томонидан нафис Н.лар б-н безатилди. Бу эса Ўрта Осиёда Н.нинг ўзига хос услублари вужудга келганлигини кўрсатади.

Бухоро Н.и энг мураккаб, мукам-мал ва жозибатор бўлиб, кўп асрлик ижодий меҳнат анъаналари самарасидир; Н. безак бўлиш б-н бирга бинокорликнинг ажралмас қисмига айланган. Жуда мураккаб гирихлар пухта ўлчам б-н ишланган, гул Н.лари ўзига хослиги б-н (гул Н.да ваза, коса, гул-донлар услублаштирилиб, уларда гул буталари акс эттирилган, япроқ, ме-валар тасвирлари бир маромда берилишига алоҳида эътибори б-н) ажралиб туради. Хива Н.и (юлдузлар ҳосил қилувчи гирихлар орасида ўсимликсимон гулларни маҳорат б-н жойлаштирилиши, барг шаклидаги безакларнинг кўплиги, ўсимликсимон тасвирлар зич, кўп ва турли-туманлиги б-н машҳур. Фарғона Н.и Марғилон, Хўжанд, Қўкон, Фарғона, Наманган ва б. шаҳарларда вужудга келган услублардан иборат. Меъморий ёдгорликлар (Кўкондаги Модарихон даҳмаси ва Даҳмаи шоҳон), 19-а.да яратилган Н.ларда содда ранг-баранглик (са-рик, кизил, яшил, қора, оқ, қўқ, пуштиранг), Н. қисмларининг анча жўнлиги кўзга ташланади. Фарғона Н.ининг ўзига хос жиҳатлари: бино деворларига меҳроби намёнлар ишланиб, улар ҳошия Н. б-н бир-биридан ажратила-ди, ҳошиялар орасига гирих, қолган қисмларга ўсимликсимон гуллар ишланади. Уларда Бухоро, Хива Н.ларининг таъсири сезилади. 19-а. охири — 20-а. бошларидаги Н.лардаевропа Н.ларининг ҳам таъсири бор.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон худудида яратилган рўзғор буюмлари, асбоб ва қуроллар, уй ва иншоотларни Н. (безак)сиз тасаввур қилиш қийин. Ўрта Осиёда ишланган безакли буюмлар, матолар халқаро бозорларда ҳам кадрланган. Турли ўлкалар б-н маданий-иқтисодий алоқалар Н. нинг ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

20-а. бошқа соҳалар қаторида амалий санъат анъаналарининг янги ривожланиш даври бўлди. 30-й.лардан йирик жамоат ва маъмурий бинолар қурилиши ривожланди, бадий буюмлар и.ч. йўлга қўйилди. Алишер Навоий театри, Муқимий театри, Ўзбекистон та-рихи музейи, Халқлар дўстлиги са-ройи, Те-мурийлар тарихи давлат музейи, «Хотира» майдони, Имом Бу-хорий ёдгорлик мажмуаси, Олий Мажлис, Ўзбек миллий драма театри, Ўзбекистон консерваторияси биноларининг турли техника, усуллар б-н ишланган Н.лар ҳисобида қуркам қилингани қад. анъаналарнинг тикланганлиги, янги мазмун б-н бойиб бо-раётганлигига ёрқин далилдир. Халқ усталари Уста Ширин, Ю. Му-саев, Т. Арслонқулов, Қ. Жалилов, Ш. Гафуров, С. Хўжаев, Н. Иброҳимов, М. Қосимов, У. Зуфаров, Қ. Ҳайдаров, У. Аҳмедов, О. Полвонов, Т. Тўхтаўжаев, О. Қосимжонов, Ж. Ҳақимов, Ё. Ра-

Нақш билан безатилган қутича (20-а. ўрталари, Тошкент).

уфов, А. Болтаев, ака-ука Ж. ва Б. Жалиловлар, С. Худойберганов, Ҳ. Раҳимов ва б. яратган асарлар 20-а. ўзбек миллий наққошлигининг ёрқин намуналарига ай-ланди.

Кулоллик, зардўзлик, каштадўзлик, гиламчилик, заргарлик, кандакорлик ва б. соҳаларда Н. б-н безатилган бадий буюмлар турмушга файз киритади. Усталар янги усулларни қўллаб, янги мазмун б-н бойитилаётган Н.лар яратмоқда. Бу жараёнда наққошлардан М. Тўраев, А. Илҳомов, С. Маҳмудов, Қ. Шоисломов, Ҳ. Нуралиев, А. Аскарлов, О. Файзуллаев, С. Шуқуров ва б. йирик усталар шо-гирдлари б-н қатнашдилар. Улар яратган безакларда «кундал», «меҳроби», «бодом», «бута», «чоргул», «шобарг», «ойгул», «занжи-ра» Н. турлари кўп учрайди. Ушбулардан кўринадики, Ўзбекистон муста-қиллигидан кейин барча санъатлар қаторида амалий санъат турлари, шулардан Н., наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги ҳам жадал

ривожланмоқда, уларда қад. унутилаётган анъаналар қайта тикланаётгани, Н. турлари кенгаётгани ва ислимий Н.нинг бир неча турлари уйғунлашаётгани кутатилади. Наққошлар ҳам 1995 й.дан Тошкент ш.да ЮНЕСКО ташкил этган халқ ҳунармандлиги ярмаркаси, Париж ш.да ўтказилган Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари кўргаз-маси ва б.да қатнашиб касбий махр-ратларини намойиш этдилар.

Ад.: Народное декоративное искусство Узбекистана, Альбом, М., 1955; Ремпель Л. И., Архитектурный орнамент Узбекистана, Т., 1967; Рауфов Ё. Наққошлик, Т., 1973; Зоҳидов П., Меймор олами, Т., 1996; Ўзбекистон санъати, Т., 2001.

Пўлат Зоҳидов.

**НАҚШ** — 1) Шарқ халқлари мусиқага хос безак номларидан бири; 2) Ўн икки мақом тизими таркибида учрайдиган мусиқий шакллардан бири. Хўжа Абдулқодир Мароғий (14-а.)нинг Сафиуддин ал-Урмавий (13-а.) асарига ёзган шарҳида Н. 14 хил мусиқий жанр ва шакллар қаторида келтирилган. Нажмиддин Кавкабийнмт ёзишича, Н. мураккаб шаклдаги икки байтни камраб оладиган кичик ҳажмдаги асар сифатида таърифлаган. Н.лар фаръ, турк-зарб, фохтазарб каби қад. дойра усуллари асосида басталаган. «Ғиёс ул-лу-ғат» (19-а.)га кўра Н. шакли хуросонлик бадиҳагўй бахшилар ижоди б-н боғлиқ қолда юзага келган. Ўтмишда Устод Шодий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Кавкабий, Феруз ва б.нинг Н.лари машҳур бўлган. Шашмақом таркибидан ўрин олган Н.лар бизгача умумий (тарона) номи етиб келган. Шу жумладан, Насри Баёт Таронаси, Насри Ушшоқ Таронаси, Сегоҳ Таронаси каби ашула йўлларида Н. хусусиятлари намоён бўлади. Хоразм мақомлари айтим йўлларидаги Н. эса ўз номи б-н юритилади.

Равшан Юнусов.

**НАҚШБАНДИЯ** — тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Накшбанд асос солган. Н. хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини омухта этди, уларга янги рухбериб ривожлантирди. 15—18-а.ларда савдо ва ҳунармандчилик б-н шуғулланадиган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасига кенг ёйилди. Н. таълимоти-нинг асосида «кўнгили худога бўлсин-у, кўл иш б-н банд бўлсин» («дил ба ёру, даст ба кор») шиори ётади. Н. да пиру муридлик қоидалари хийла осонлаштирилган, сиртдан туриб эътиқод қўйиш, имон мустаҳкамлиги, Ҳақтаолога сидқидилдан итоат этиш, ихлос ва маънавий камолот асосий ўрин эгаллайди. Расм-русумлар, одагларни кўр-кўрона адо этиш, риё, сохта диндорлик қораланади. Ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик б-н Аллоҳга интилиш юксак фазилат ҳисобланади. Н.да одамнинг қадри мансаби, бойлиги б-н эмас, маънавий қомиллиги б-н ўлчанади. Н.да ҳунар, касб эгаллаб, ўз меҳнати б-н ҳалол лўкма еб яшаш талаб қилинади, тиланчилик, дарбадарлик б-н кун кечирриш суфий учун иснод саналади. Қул, хизматкор сақлаш, ўзганинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам ман этилади. Н.нинг юкоридаги шиори таркидунёчиликка, текинхўрликка қарши қаратилган. Н.да ман-манлик, суфий, шайхман деб керилиш, шовкин-сурон кўтариб зикру самоъ б-н одамлар диққатини ўзига қаратиш қораланади. Н.да асосий талаб — қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси б-н курашиб руҳда ча-роғонлик топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикри хуфия (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. «Ташқаридан халқб-н, ичкаридан Ҳақб-н бўлиш», ҳар бир нафасни Худо ёди б-н чиқариш, қадамни савоб ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қаб-рини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар

қандай ҳолатда қалб оғохлигига эришиш — Н.нинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган.

Н.да пир ва мурид орасидаги маънавий орифона суҳбатга катта эътибор қилинган. Н.га кўра, суҳбат — анжуман ичра бўлиш, билмагани билиб олиш, юксалиш, кароматлар сиру асрори, илоҳиёт олами нурларидан бахрамандлик бўлса, бунинг акси — хилват эса кишини билимдан, маърифатдан маҳрум қилади. Н.да ўзини ўзи назорат қилиб бориш, олган билимларини дилда мус-таҳкамлаш, умрининг ҳар бир дамини савоб ишга, ҳар бир нафси маънавий камолот учун сарфлаш лозим дейилади. «Вуқифи замоний» (муайян вақтда тўхтаб ўзини текшириш), «вуқифи ададий» (ишларини сарҳисоб қилиб текшириш), «вуқифи қалбий» (қалб амаллари қандай бўлаётганлигини тўхтаб, текшириб бориш) каби шиорлар («қудсий сўзлар») ҳам ана шу назорат усулига қиради. Н., шу тариқа, тасаввуфни ислом шарияти ва пайғамбар суннати б-н янада мустаҳкамроқ боғлади. «Урва-тул вусқо», яъни барча ишда пайғамбар сўзлари ва ишларига суяниш Н. шиорларидан бирига айланди. Н. да суфийлик истевододига ҳам эътибор берилган, яъни баъзи кишиларнинг мен фалон силсиладанман, наслнасабим фалон-фалончиларга бориб та-қалади, деган гапларига қарши Баҳоуд-дин Нақшбанд «гап силсилада эмас», гап Аллоҳнинг жазбасида» деб айтади. Жаз-ба бўлмаса, суфийликда мақоматларга кўтарилш қийин.

Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигидаёқ кенг шухрат қозонди. Н.ни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор хизматлари катта бўлди. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас, балки Бухоро ва Самарқанд ула-молари, Амир Темур авлодидан бўлган шоҳ ва шахзодалар қира бошладилар. 15-а.даёқ Н. Эрон, Афғонистон, Миср, Ҳижоз, Шим. Кавказ, Туркияга тарқала бошлади. Айниқса, «ҳазрати Эшон» ун-вонига мушарраф бўлган Хожа Аҳрор валий — Носирид-дин Убайдуллоҳ фа-

олияти туфайли Н.нинг обрў-эътибори яна ҳам ошди. Баҳоуддин Нақшбанд замонида ман-сабдор шахслар, шоҳу амирлардан узоқ туриш лозим дейилган бўлса, Хожа Аҳрор валий даврида Н. си-ёсий доираларга кириб борди. Н. 16-а. да Ҳиндистонга тарқалди. Бунда Бобо валий, Хожа Боқибиллоҳ (1563—1603), Аҳмад Сирхиндий (1564—1624) фао-лияти яхши самара берган. Айниқса, Аҳмад Сирхиндий у ерда суннийлик йўналишини мустаҳкамлаш учун Н.дан унумли фойдаланган. Н.ни Туркияда ёйилишида Мулла Абдуллоҳ Симавий (1490 й.в.э.), Аҳмад Бухорий ва б. шах-сларнинг хизмати бор. Н. 16—17-а.лар-да Миср ва Ҳижоз (Арабистон)га кириб боради. Эроннинг Нишопур, Исфохон, Язд шаҳарларига тарқалиб, шулар ор-қали Фаластин, Ироқ, Иорданияда кўплаб тарафдорларга эга бўлган. Ҳин-дистон орқали у Индонезия, Малайзия, Цейлонга тарқалди. Кейинги асрларда Россия, Босния ва б. Европа мамлакат-ларига ёйилган. Ҳозирда АҚШ, Канада, Австрияда Н. марказлари, хонақолари, жамғармалари бор.

Н. тариқатининг умуминсоний ғоялар, маънавий камолот, ботиний пок-кликни тарғиб этиши унинг дунёда кенг тарқалишига олиб келди. Унинг мух^ислари бир неча миллион кишини ташкил этади.

Ад.: Алишер Навоий, Тула асарлар тўплами, 17-ж., Т., 2002; Абул Муксин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али, Баҳоуддин Балоғардон, Т., 1993; Идрис шоҳ, Нақшбандий тариқати, Т., 1993; Ко-милов Н., Тасаввуф. Биринчи китоб, Т., 1996; Наврузова Г., Нақшбандия тасавву-фий таълимоти ва баркамол ин-сон тар-бияси, Т., 2002.

Нажмиддин Комилов.

**НАҚШИ РУСТАМ** - Шероз (Эрон) дан 50 км, қад. Истаҳр ш. (Тахти Жам-шид) яқинида жойлашган Ҳусайнкўх қояларидаги ахоманийлар сулоласи подшоҳларининг макбаралари ҳамда ки-

тобалари. Н. Р. Эрон саркардаси — сосонийларшм Яздигард III армияси бош кўмондони Рустам (636 й. араблар б-н бўлган жангда ҳалок бўлган) номига кўйилган. Н.Р. Доро I, Артаксеркс I ва Доро II ларнинг Кўҳи Раҳмат бағрига кавлаб жойлаштирилган мақбараларидан иборат. Доро I мақбараси тўртбурчак шаклида, зардуштийлик анъанаси асосида яратилган бўлиб, энг қад. ёд-горликдир (қ. Доро қабри китобалари). Мақбарадан пастда, чап томонидаги рельефда сосонийлар подшоши Шопур нинг Рим императори Валериан устидан ғалабаси (мил. 260 й.) ва Валерианнинг от миниб турган Шопур I оёғига тиз чўкиб, бош эгиб тургани тасвирланган. Рельеф остидаги ёзувда форсларнинг Закавказьега юриши ифо-даланган (мил. 262 й.). Мақбараларнинг қаршисида бурж — Зардушт қабаси жойлашган. Унинг томи катта ҳажмдаги ясси тош плиталар б-н ёпилиб, деворларида дераза ўрнида очиқ жойлар қолдирилган. Эрон, Кавказ ва Ўрта Осиё аҳолиси уйларига ўхшатиб қурилган буржнинг деворларига пахлавий, парфян ва юнон ёзувларида Сосонийлар даалати таркибига кирган мамлакатлар, бу зиёратгоҳга келтирилган ҳадялар рўйхати берилган. Н.Р. манзаралари ва китобалари ахоманийлар ва сосонийлар босиб олган мамлакатлар ва халқлар тарихи, этнографияси ва маданиятини ўрганишда муҳим манбадир.

Ҳамиджон Ҳамидов.

**НАҚҚОШ** (араб.) — нақш устаси; бе-зак, гул яратувчи уста. Амалий санъатнинг барча соҳаларидаги усталарга нақш нусхалари (ахта, андозалар) тайёрлаб беради; гул босувчи усталар учун нақш қолипларини тайёрлаб берувчи усталарга ҳам нақш мужассамотини чизиб беради. (Наққошлик).

**НАҚҚОШЛИК**, нақшкорлик — амалий санъатнинг қад. соҳаси; нақш яратиш касби. Наққош уста қоғозга ёки матога нақш мужассамотини ёки нақш

таксимини чизиб олади (айниқса, гирих ва ислимий каби мураккаб нақшларда), ахта, андоза тайёрлайди. Амалий санъат усталари 2 хил усулда безак яратадилар: наққошлар тайёрлаган ахта, андоза ёрдамида ҳамда нақш (гул) тўғридан-тўғри безаш жараёни-даусталар тасаввурининг маҳсули си-фатида яратилади. Н.да нақш, безакни малакали наққош усталар чизиб берадилар, бундай нақшларни меъморлик, гиламчилик, каштадўзлик, кандакорлик ва б. даги нақш мужассамотларида бирдай учратиш мумкин. Нақш яратиш устандан дид, маҳоратдан ташқари кунт, узоқ машк-малака талаб қилади. Наққошлар ўтмишда халқ усталарининг энг билим-дон, истеъдодли қисмини ташкил этган, улар устодларда таълим олган, турли фанлар (адабиёт, мусиқа, тарих, кимё, математика)ни яхши билган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги меъморий ёд-горликлар, археологик қазилмалар Н.нинг бу ерда қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Амалий безак санъати турлари (кулоллик, мискарлик, заргарлик, гиламчилик, каштадўзлик, кандакорлик ва б.) ҳамда меъморликнинг таракқиёти Н.нинг ҳам ривожини тақозо этди. Кўйиқрилганқалъа, Тупроққалъа, Кўҳна Урганч, қад. Тер-миз, Айритом, Болаликтепа, Варахша, Афросиёб ва б. жойлардан топилган турли хил услубдаги нақш намуналарининг жозибадорлиги ажодларнинг юксак маданиятидан дарак беради. Н., айнақса, ўрта асрларда (9—12, 14—15, 18—19-а.лар) да кенг тарқалди. Кито-бат санъатиаа кўлёмаларни мўъжаз асарлар б-н безашда Н., мусаввирлик асосий ўрин тутади; меъморликда на-қшларни қўллаш, айнақса, тараққий этиб, ўз қонун-қоидалари ҳамда услублари, ўзига хос ранглар уйғунлигига ва мустақил мужассамотларига эга бўлган.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги меъморий ёдгорликлар, идиш, буюм, меҳнат қуролиларидаги нақшларда умумийлик кўзга ташлансада, Бухоро, Хива, Фарғона, Тошкент ва б. жойларда

шу ерларнинг ўзига хос нақш услублари вужудга келган. Н. авлоддан-авлодга ўтган, шогирдлар устозларидан ўрганган нақш намуналарини истеъдодлари даражасида бойитиб борганлар, Н.ни ривожлантирганлар. Ўзбекистон ҳудуди (турли минтақалари)да ўзига хос бўлган Н. мактаблари шаклланган. Шунга кўра, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, Тошкент Н. и айрим ўзига хос хусусиятлари б-н бир-биридан фаркланади. 20-а. ўргаларидан Н. безак мужассамотларига тасвирлар (меъморий оби-далар, кишилар портретлари ва б.) ҳам киритила бошланди. Жумладан, кандакори буюмлар безагида меъморий оби-далар, чинни буюмлар безагида эса атоқли кишиларнинг портретлари ва б. ўз ифодасини топди.

20-а. 90-й.ларидан Н. усталари ижодий марказ ва уюшмаларга бирлашган ҳолда ижод қилмоқда. «Усто» «Мусаввир», «Хунарманд» усталари ижоди дикқатга сазовор. Н. кенг тараққий этган бўлиб, усталар янги қурилаётган иншоотларда ҳамда маданий ёдгорликларнинг таъмирида фаол иштирок этмоқда. Бево-сита уларнинг иштирокида «Оқсарой» қароргоҳи, Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Туркистон» концерт зали, Ўзбекистон консерваторияси бинолари безалган. Уста наққошлардан М. Тўраев, А. Илҳомов, С Маҳмудов, Қ. Шоисломов, Х. Нуралиев, С. Шукуров ва б. Н. ривожига катта ҳисса қўшдилар. Н. буюмлари б-н усталар хориж кўргазмаларида кам фаол қатнашади.

Малакали наққош усталар қадимдан уста-шогирд усулида тайёрланган. Ҳоз. кунда ҳам шу усулда наққош усталар тайёрлаш сақланган, шунингдек, махсус билим юртлари, коллежларда, ба-дийий марказларда Н. бўйича ҳам мута-хассислар тайёрланади.

Пўлат Зоҳидов.

**НАҒМА**, нағам (араб. — куй) — 1) Шарқ мусиқа илмида мусиқа товуши;

тон. Муайян баландликда садоланиб туриши б-н табиатдаги бошқа товушлардан фарқ қилади. Шарқолимлари Н.ни 2 хил турга бўлишган: қавлий (инсон томоғидан чиқадиған) Н. ва феълий (мусиқа чолғуларидан ҳосил қилинадиған) Н. Куй, кўшиқ ва ашулалар ритм б-н Н.лар уюшмасидан таркиб топади. Н.лар қўшилишидан бўъд, жинс, жам, маком пардалари ва, ниҳоят, яхлит куй — мусиқа асарлари ҳосил этилади. Ўрта аср мусиқа рисоаларида ёзиллишича, то-вушлар бир-бири б-н мақсадга мувофиқ равишда маълум вақт оралиғида қўшилгандагина Н. деб ҳисобланади. Ўтмишда Н.лар юнонча ва арабча иборалар б-н ифодаланган. Арабча атамалари асомий нағамот («Асмоъ уннағам») дейилган; 2) оҳанг, куй. Н. сўзига айрим кўшимча сўзлар боғланиб, турли мусиқа иборалари ҳосил этилади. Мас, Н. боши — достон ва б. кўп қисмли асарларнинг чолғу муқаддимаси, ўтмишда сарой мусиқачиларининг бошлиғи; Н.гар, Н. зан, Н. чи ёки Н. навоз — созанда; Н.и Орази Наво Шашмақом Наво мақомининг чолғу қисмларидан бири; Н. кор ёки Н. соз — бастакор; Н. пардоз ёки Н. саро — созанда, хонанда. Хоразмда гармон чолғуси Н. деб ҳам аталади.

**НАҲАЁН**, Шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён (1916, Жаҳили) — Бирлашган Араб Амирликлари давлат арбоби. Абу-Дабида лийнй таълим олган. 1946—66 й.ларда Абу-Даби амир-лигидаги Ал-Айн ш. хркими, 1966 й. авг.дан Абу-Даби амيري, 1969—71 й.ларда Форс қўлтиғидаги араб амирликлар федерацияси (1971 й. 2 дек.дан мустақил БАА давлати) президенти, 1971 й. дек.дан БАА президенти, 1976 й.дан айни вақтда БАА мудофаа олий кенгаши ва қуролли кучлар бош қўмондони.

**НАҲАНГ** — улкан сув ҳайвонлари (акула, кит, тимсоҳ ва б.)нинг умумий номи.

**НАХВ** (араб.) — қ. Синтаксис.

**НГУЕН ЧАЙ** (Nguyen Trai) (1380—1442) — Вьетнам миллий қахрамони, шоир. 1418—27 й.ларда Ле Лон б-н биргаликда мамлакатни истило этган (1407) Хитой кўшинларига қарши кўтарилган қуролли курашга раҳбарлик қилган. Сохта айблов асосида қатл этилган. Вьетнам сўзлашув тилидаги шеърят асосчиси.

**НГУЕНЛАР** — Марказий ва Жан. Вьетнамдаги хукмрон уруғ (1558—1802), император сулоласи (1802—1945). 1884 й.дан Франция протекторатлигида бўлган.

**НДОЛА** — Замбиянинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Коппербелт провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 380 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т.й. тугуни. Мис минтақасининг савдо маркази. Доруссалом — Ндола нефть қувурининг сўнгги пункти. Мамлакат рангли металлургия саноатининг асосий маркази. Нефтни қайта ишлаш, кимё, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, шина 3-длари, озик-овқат, металлсозлик, цемент, мебель саноати корхоналари, ис-сиклик электр ст-яси бор. Шаҳарга 1902 й.да асос солинган.

**НЕАНДЕРТАЛЛАР** — қад. қазилма одамлар, палеоантропларнинг бир гуруҳи. Н. скелет қолдиқлари (бош мия қутиси, ковурағаларнинг бўлақлари, елка ҳамда сон суяқлари ва б.). 1856 й.да Неандерталь водийсида (ГФР нинг Дюссельдорф ш. яқинида; номи шундан олинган), шунингдек, Осие, Ўрта Осие (қ. Тешиктош одами) ва Африкада топилган. Н. бўйи унча баланд бўлмаган (160 см га яқин), мияси йирик (1700 см<sup>3</sup>), лекин ҳозирги одамларникига нисбатан содда тузилган, кўзининг устида қалин бўртиғи бўлган. Н. бундан 200—35 минг йил аввал — вьюрм музлиги даврида Ғарбий Европада, одатда, ғорларда яшаб, йирик ҳайвонларни овлашган, қуроллар яса-

ган (Мустье маданияти). Олов ёқишни ва ундан фойдаланишни билишган, тўда бўлиб яшашган.

Ад.: Алексеев В. П., Становление человека, М., 1984.

**НЕАПОЛЬ**, Скифлар Неаполи (мил. ав. 3-а. — мил. 3-а.) — Қримдаги скифлар давлати пойтахти. Ҳоз. Симферополь ш. яқинида харобалари: ис-техкомлар, турар жойлар ва хўжалик иншоотлари, макбара, тасвир туши-рилган тош даҳмалар ва б. сақланган.

**НЕАПОЛЬ** — Италиянинг жан. қисмидаги шаҳар. Неаполь қўлтиғи соҳилида, Везувий вулкани этагида жойлашган. Кампания вилояти ва Неаполь про-винциясининг маъмурий маркази. Мамлакат жан.даги муҳим иқтисодий ва маданий марказ. Аҳолисининг сони бўйича мамлакатда 3-ўринда (2001 й.да 993,3 минг киши), атрофидаги шаҳарлар б-н биргаликда Катта Неаполь агломерациясини ташкил этади. Транспорт йўлларининг йирик тугуни, денгиз порти (йилига 15 млн.т юк ортиб-туширилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Катта Н. — йирик саноат маркази: нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, металлургия, машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, кемасозлик, при-борсозлик, станоксозлик, самолётсозлик, автомобилсозлик), электротехника ва радиоэлектроника саноатлари ривожланган. Озик-овқат, тўқимачилик, қоғоз, цемент саноати корхоналари мавжуд. Н. — халқаро туризм марказларидан бўлганлиги сабабли, аҳолининг кўп қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Н.даун-т, вулканология ст-яси, расадхона, опера ва драма театрлари, миллий музей, ба-дий галерея, ботаника боғи, денгиз аквариуми бор.

Н.— қадимда юнонлар қишлоғи бўлган. Мил. ав. 327—326 й.ларда Рим империяси эгаллаган. Н. — Италиянинг қад. юнон маданият марказларидан бири бўлган. 1193 й.да Сицилия қирол-лигига қўшиб олинган, 1266 й.дан унинг пой-

тахти. 1282—1442 ва 1501— 04 й.ларда Неаполь қироллиги пойтахти. 1860 й.дан Бирлашган Италия қироллиги таркибида. Меъморий ёдгорликлардан илк христиан катакомбалари (2—5-а.лар), қасрлар (12—15-а.лар), готика черкови (13-а.), собор (13—20-а.лар), саройлар, монастырь ва б. сақланган. Ҳарбий денгиз базаси.

**НЕАПОЛЬ УНИВЕРСИТЕТИ** - Италиянинг кад. ун-тларидан бири. 1224 й. Неаполь ш.да Сицилия қироллигининг давлат ун-ти сифатида ташкил этилган. Тиббиёт, мат., физика, табиий фанлар, фармакология, муҳандислик, меъморлик, агрономия, ветеринария, ҳуқуқ, иқтисодиёт, филол., фалсафа ва б. соҳдалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 100 мингдан ортиқталаба таълим олади. Кутубхонаси (1615 й. ташкил этилган)да 1 млн.га яқин асар сақланади.

**НЕАПОЛЬ ҚИРОЛЛИГИ** - 1) Апеннин я.о.нинг жан. қисмида 1282 й.дан (расман 1302 й.дан) 1504 й.гача (1442—58 й.ларда танаффуслар б-н) мавжуд бўлган давлат. Сицилия қироллиги парчаланиши муносабати б-н барпо этилган. 1504 й. Испания таркибига кирган; 2) 1806—15 й.ларда Францияга қарам давлат, Франциядан мустақил бўлган Италия худудидаги иккала Сицилия қироллиги б-н бирлашган. Қироллик француз қўшинлари томонидан босиб олинган, Н.қ.да Наполеон I нинг генерали Жозеф Бонапарт (1806—08) ва Мюрат (1808—15) ҳукмронлик қилган. 1815 й. ҳокимият неаполлик Бурбонлар қўлига ўтган.

**НЕАРХ** (Nearxos) (? — мил. ав. тахм. 312) — Александрнинг флот саркардаси. 334 й.дан Ликия ва Памфилия ҳокими. 325 й. Н. бошчилигидаги юнон флоти илк маротаба Ҳиндистондан Месопотамияга сузиб ўтган. Унинг саёҳати баёнида Ҳиндистон, Форс қўлти-гининг табиати ва аҳолиси ҳақида маълумотлар бор бўлиб, улардан Арриан ва Страбон кенг

фойдаланганлар.

**НЕБИТДОҒ** — Туркманистоннинг ғарбидаги гумбазсимон қирлар. Катта Болхон тизмасидан жан.-ғарбда. Н. қадимда денгиз суви б-н қопланган Кўлқор ёки Бобоҳўжа шўрхогидан орол кўринишида кўтарилиб турган. Мутлақбал. 39 м. Н. учламчи давр (неоген)нинг юмшоқ қизил жинсларидан таркиб топган. Н. атрофида нефть конлари бор.

**НЕБИТДОҒ** — Туркманистондаги ша-ҳар (1946 й.дан, 2000 й.дан Болхонобод), Болхон вилояти маркази. Катта Болхон тизмаси этакларида жойлашган. Туркманбоши — Мари йўналишидаги т.й. станцияси. Аҳолиси 89,1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Н. 1933 й.да нефть-газ қазиб олиш муносабати б-н вужудга келган (номи шундан: нефтли тоғ), нефть-газли р-н маркази. Механика, йод з-длари ва б., гиламчилик корхоналари, ГРЭС, ўлка-шунослик музейи бор.

**НЕБИТДОҒ НЕФТЬ КОНИ** - Туркманистоннинг ғарбидаги кон, Туркманбоши ш.дан 165 км шарқда, Небит-доғ қирларида жойлашган. Дастлабки қудуқ 1889 й. қазилган ва бир суткада 10 т нефть олинган. 1926 й. разведка ишлари такрорланган. 1933 й.дан мун-тазам нефть олиш бошланган. Небитдоғ брахиантиклиналь бурмаси кенглик бўйлаб 30 км га чўзилган, эни 10—12 км. Структуранинг қанотларида жинсларнинг ётиш бурчаги 10° дан 25° гача. Бурма дизъюнктив бузилишлар нати-жасида мураккаблашган. Йирик узил-маларнинг асосий зонаси структуранинг ўқи бўйлаб ўтган. Шу жойларда қанотларнинг 200—250 м га пасайиши кузатилади. Саноат аҳамиятига молик нефть-газли горизонтлар ақчагил (би-тумли кумтош, кумли гиллар) ва ап-шерон (кумтош, алевролит, гил) ярусларида ва қизил қатламлар (гил, кум-тош) мажмуида жойлашган. Асосий захира қизил қатламларда (қалинлиги



2000 м гача) аниқланган. Қумтош пачкалар гил қатламчалари б-н ажралган. Пачкаларга бурғиланган қудуқлар юқори дебитли (80—100 т/сутка). Ақчагил ярусида махсулдорлик кам. Апшерон ярусида нефтли 1-горизонтда уюм линза кўринишида (дастлабки дебити 40—50 т/сутка). Нефть оз парафинли, зичлиги 0,850—0,900 г/см<sup>3</sup>. Н.н.к. Турк-манистонда кўп вақтлар йирик кон ҳисобланган.

**НЕБРАСКА** — АҚШнинг марказий қисмидаги штат. Миссури дарёси ҳавзасида. Майд. 200,3 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1,7 млн. киши (2002), шундан 66% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Линкольн ш.; энг йирик шаҳри ва саноат маркази — Омаха. Штат қудудининг катта қисми Буюк текисликларда, ғарбий чеккасида Қояли тоғларнинг тармоқлари (энг баланд жойи 1654 м) бор. Иқлими мўътадил континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси —5°, июлники 24°. Йиллик ёғин 500—700 мм. Йирик дарёлари — Миссури ва Платт. Тоғ ён бағирларида ўрмонлар бор. Н. — аграр-индустриал штат. Қ.х. товар маҳсулотининг ярмидан кўпроғини чорвачилик беради. Чорвачилик, асо-сан, гўшт етиштиришга ихтисослашган. Н.нинг шарқий қисмида деҳқончилик нисбатан ривожланган. Асосий экинлари: маккажўхори ва буғдой. Тез-тез қуғоқчилик бўлиб туради. Штатнинг ғарбий қисмидаги дарё водийсида суғориб деҳқончилик қилинади. Озиқ-овқат саноати ривожланган. Рангли металлургия ва қ.х. машинасозлиги корхоналари бор. Н.да озрок, нефть қазиб олинади.

**НЕВА** (финча *neva* — ботқоқлик) — РФ Ленинград вилоятидаги дарё. Уз. 74 км, эни 1300 м гача, ҳавзасининг майд. (Ладога, Онега кўллари ва б.нинг ҳавзаси б-н бирга) 281 минг км<sup>2</sup>. Н. ҳавзасининг ўзи 5000 км<sup>2</sup>. Ладога кўлидан бошланиб, Болтиқ денгизи Фин қўлтиғининг Нева қўлтиқчасига қуйилади. Ўртача

йиллик сув сарфи дарё қуйилиш жойида 2530 м<sup>3</sup>/сек. Жан.-ғарбий ва ғарбий шамоллар Фин қўлтиғи ва Н.нинг қуйи оқимидан сувни ҳайдайди, натижада сув сат-ҳи кўтарилади ва айрим вақтларда Санкт-Петербургда сув тошади. Дек. да музлаб, апр. охири — май бошларида муздан бўшайди. Ирмоқлари: ўнгдан — Охта; чапдан — Ижора, Тосна, М га. Н.да кема қатнайди: Н. Волга—Болтиқ сув йўлининг бир қисми ҳисобланади. Н.нинг дельтасидаги 42 та оролда Санкт-Петербургда ш. жойлашган.

**НЕВА ЖАНГИ** — князь Александр Ярославич бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан Биргер Ярл кўмондон-лиги остидаги швед отрядини Нева да-рёсининг бўйида тор-мор қилиниши (1240.15.7). Мўғулларнинг Русга истилоси шароитида рус-швед чегараси хав-фсизлигини таъминлаган. Саркардалик маҳорати ва жасурлиги учун князь Александр «Невский» деб атала бошлаган.

**НЕВАДА** — АҚДнинг ғарбий қисмидаги штат. Майд. 286,3 минг км<sup>2</sup>. Аҳолией-2,2 млн. киши (2002), шунинг 88% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Карсонсити ш. Йирик шаҳарлари: Лас-Вегас ва Рино. Штат худудининг аксари қисми Катта ҳавзада. Ғарбида Сьерра-Невада тизмасининг тармоқлари жойлашган. Иқлими континентал, қуруқ иқлим. Январнинг ўртача т-раси —Г, июлники 23°. Йиллик ёғин 150—250 мм. Дарёлари камсув. Чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. Н.да ахрли сийрак. Иқтисодий жиҳатдан ҳам нисбатан кам тараққий этган штат. Кон саноати ривожланган. Н.да олтин, қу-муш, вольфрам, темир, марганец, полиметалл рудалари қазиб олинади. Рангли металлургия, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Колорадо дарёсига катта ГЭС қурилган. Қ-х.да яйлов чорвачилиги етакчи ўрин-да. Қорамол, қўй боқилади. Буғдой, саб-завот, беда ва б. экинлар эки-

лади. Н. худудининг бир қисми ҳарбий полигон. Рино ш.да Невада ун-ти бор. Тури-стлар кўп келади.

**НЕВАР ТИЛИ**, невари — тибет-бирма тилларининг шарқий ҳимолай гуруҳчасига мансуб тил. Баъзи жиҳатлари б-н айрим туркий, мўғул ва ман-жур тилларига яқин туради. Непалда, асосан неварлар яшайдиган Катманду водийсида, шунингдек, қисман Ҳин-дистон ва Бутанда тарқалган. Унда 1 млн.га яқин киши сўзлашади. Н.т. 4 та лаҳжага эга: уларнинг 3 таси Непалнинг марказий қисмидаги Катманду, Бхак-тапур, Лалит-пур ш.ларида ва тўртинчиси Непалнинг шарқий қисмида тарқалган. Фонетикаси учун бўғиз ундошлари, бурунлашган унлилар хос. Морфологик тузилиши агглютинатив, ўзак ва аффиксал морфемалари асосан бир бўғинлидир. Фельлар 5 хил тусланиш шаклига эга. Луғат бойлигининг 75 фо-изи неварча; санскрит ва тибет тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина. Н.т. 14—18-а.ларда Непалнинг рас-мий тили бўлган, бироқ, 18-а. охирида ҳам расмий, ҳам адабий доирада унинг ўрини невал тили эгаллаган. 20-а.да сўзлашув шаклларида, асосан, Катманду лаҳжаси асосида адабий Н.т. кай-та тирила бошлади. Невар ёзуви 9-а. да брахми асосида шаклланган, ҳрзир-гача чекланган ҳолда амалда. Ҳоз. Н.т. 18-а. охиридан деванагари ёзувидан фойдаланиб келади.

**НЕВАРЛАР** — Непалдаги халқ (900 минг киши, 1990-й.лар ўрталари), бир қисми Ҳиндистонда (10 минг киши) яшайди. Невари тилида сўзлашади. Дини — ҳиндуизм ва буддизм; анъана-вий диний эътиқодлар ҳам мавжуд.

**НЕВЕРОВ А.** (тахаллуси; асл исм-шарифи Александр Сергеевич Скобелев) [1886. 12(24).12, Ставрополь уезди, Новиковка қишлоғи — 1923.24.12, Москва] — рус ёзувчиси. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилган. Дех-қончилик

ҳаётидан олинган илк ҳико-яси 1906 й.да нашр этилган. 1917 й.гача бўлган ижодида, асосан, ярим оч, ярим яланғоч ҳолда яшаган дехқонлар ва қишлоқ зиёлилари ҳаёти тасвирланган. Ўтган асрнинг 20-й.лари бошларида Волга бўйларида авж олган очлик Н.ни ризк-рўз ахтариб Ўрта Осиёга келишга мажбур этган. Шу давр таассуротлари Н.нинг қатор ҳикоялари ва «Тошкент — нон шахри», «Ғозу оққушлар» (1923) каби қиссаларида ўз ифодасини топган. Мишқа Додоновнинг меҳридарё кишилар туфайли омон қолиши тас-вирига бағишланган «Тошкент — нон шахри» қиссаси Н. ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Қисса ўзбек тилига тар-жима қилинган ва шу асар асосида кинорежиссёр Ш. Аббосов айни номда кинофильм яратган.

**НЕВИННОМИСК** - РФ Ставрополь ўлкасидаги шаҳар (1939 й.дан, ун-гача Невинномисская Станицаси). Кубань дарёси бўйида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 133 минг киши (1998). Азот и.ч. корхонаси, жунга дастлабки ишлов бериш ф-каси, шина ремонт, буғқозон-меха-ника, автомобиль ремонт, электромеханика, мой экстракция, сут, ки-мёвий уй-рўзгор буюмлари, электр ўлчагич асбоблари з-длари, ун, паррандачилик к-тлари, ГРЭС бор. Ставрополь политехника ин-тининг умумий техника ф-ти, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Н. ёнида Невинномиск канали бошланади.

**НЕВР...**, невро..., нейро (юн. neuron — томир, нерв) — кўшма сўзлар бўлаги. Нерв системасига алоқадорликни билдиради; Мас, неврология, невропатология, нейрохирургия.

**НЕВРАЛГИЯ** (невр... ва algos — оғриқ) — нерв толалари бўйлаб тарқаладиган кучли оғриқ; нерв вақт-вақти б-н санчиб, зирқираб ёки тортишиб оғрийди. Уч шохли нерв, куймич нерви, когур-галараро нерв Н.си кўпроқучрайди. Инфекцион касалли-

клар, интоксикация, шикастланишлар, моддалар алмашинувининг бузилиши, атеросклероз, орга-низмнинг совқотиши, касбга алоқадор зарарлар сабаб бўлади. Н. қайси соҳа нер-вида бўлса, ўша соҳа нервнинг пояси, қобиғи таъсирланади, нерв пояси ши-шади, атрофидаги му-скуллар тортишади (Мас, уч шохли нерв Н.сида юз мус-куллари тортишиши), баъ-зан нервда структур ўзгаришлар кузатилади.

Н. хуружида оғриётган жойда тери оқариши ёки кизариши, терлаш, кўз ёш-ланиши ёки сўлак оқиши, баъзан тошма-лар пайдо бўлиши мумкин.

Дав о Н.нинг келиб чиқиш са-бабига боғлиқ. Оғриқ қолдирувчи, яллиғланишига қарши, умумий қувватга киргизувчи дорилар, физиотерапия, сана-торий ва курортларда даволаниш буюри-лади.

**НЕВРАСТЕНИЯ** (невр... ва юн. *astheneia* — дармонсизлик), астеник нев-роз, асаб толиқиши, асаб ожизлиги — нерв системасининг узок вақт ўта тол и киши, яъни руҳий изтироб натижаси-да келиб чиқадиган касаллик, невроз-ларнинг бир тури Н.га интоксикация (кўпинча алкоғолдан), инфекция, ўта толиқиш, тўйиб овқатланмаслик, бош мия шикастланиши, шунингдек, тез-тез асаб-га тегадиган ва дармонни қуригадиган вазиятлар, кечаси кам ухлаш ва б. сабаб бўлади. Н.да, асосан, астения синдро-мига хос аломатлар юзага келади. Бунда бемор сал-бий таъсиротларга осон бери-лувчан, серзарда, жаҳлдор, тез чарчайди-ган бўлиб қолади, мадори қурийди, ётга-нида тез ухла қолиб, салгина шовкинга уйғониб кетади. Бош мия катта ярим шарлари пўстлоғи фаолиятининг бузи-лиши туфайли олий нерв фаолия-тида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари-нинг муносабатлари бузилиб, аввал би-ринчиси, кейинроқ иккинчиси устунлик қилади. Н. аломатлари ҳам ана шундай келиб чиқади, дастлаб бемор таъсирчан, жаҳлдор, безовта, кейинчалик чарча-

ган, бўшанг, ҳорғин, уйқучан, кайфияти бузук, хотираси пасайган аҳволга тушади. Ҳиссиёт ожизлиги, сезгиларнинг ошиши, тери се-зувчанлигининг оғриқли даража-гача ортиши, бетоқатлик, шу вақтнинг ўзида руҳий ва жисмоний толиқиш, диқ-қат ва хотиранинг пасайиши кузатилади. Н.га хос аломатлардан бири уй-қуниг бузилиши ва тез-тез бош оғриб туриши-дир. Уйқу жуда юзаки бўлиб, аксарият ҳолларда бетўхтов давом этиб, туш кўриш б-н кечади. Кундузи эса уйқу босади, бе-мор уйқудан турганида кучли чарчаган, ҳорғин бўлади. Н.да кўп учрайдиган бел-гилар — бу турли-туман сомато-вегета-тив ва неврологик бузилишлардир. Бунга иштаҳанинг бузилиши, оғиз қуриши, ке-кириш, кўнгил айниши, ич дам бўлиши, қаб-зият, кўп терлаш, томир уриши ва ар-териал босимнинг ўзгарувчанлиги, кўз ковоклари ва бармоқларнинг титраб туриши (тремор), пай рефлексларининг кучайиши, жинсий фаолият су-сайиши ва ҳ.к. киради. Бу аломатлар беморнинг умумий аҳволи яхшиланиши б-н тез-да ўтиб кетади. Н.да меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри уюштириш, спорт б-н шуғулланиш, сайр қилиш, сув муо-лажаларидан фойдала-ниш, витаминли овқатлар истеъмол қилиш, оилада, ишда тинч ва хотир-жам бўлиш беморнинг тез-да соғайиб кетишига олиб келади.

**НЕВРИНОМА** (невр... ва юн. ота -ўсма), шваннома — нерв пояси парда-ларидан (Шванн пардаларидан) ривож-ланадиган хавфеиз ўсма. Н. оёқ,-қўл, шунингдек, бўйин, юз, меъда, тери ва б. периферик нерв толалари бўйлаб ўсади. Эшитув нерви Н.си экстрацереб-рал мия ўсмасининг энг кўп учрайдиган хил и, бунда кулоқда шовкин, карлик, бош ай-ланиши, нистагм ва б. кузатилади. Хи-рургик усулда даволанади.

**НЕВРИТ** (невр... ва юн. *itis* — яллиғла-ниш) — периферик нервларнинг ял-лиғланиши, бунга инфекцион касал-ликлар, тана тўқималарига шикает ети-

ши, моддалар алмашинувининг бузилиши, нервнинг қон б-н таъминланишидаги етишмовчиликлар (Мас, атеросклерозла) ва б. сабаб бўлади. Яллиғланган нервлар атрофида оғриқ, мускуллар атрофияеш ёки фалажи, дармонсизлик, сезувчанликнинг бузилиши, ҳаракатнинг чекланиши кузатилади. Юз, эшитиш, билак, тирсак ва оралиқ нервлар Н.и кўп учрайди. Юз нерви Н.и, одатда, совуқ қотиш, ўрта қулоқнинг яллиғланиши б-н боғлиқ бўлиб, бунда мимика мускуллари фалажланади; кўз юмилмайди, оғиз бурчаги қийшаяди ваҳ. к. Эшитиш нерви Н.ида ўрта қулоқда аста-секин шовкин пайдо бўлиши б-н бирга қундан-қун қулоқ оғирлашиб бораверади. Билак, тирсак оралиқ нервлар Н.и умумий интоксикация, яллиғланиш, жароҳат ва шикастлар оқибатида келиб чиқади.

Бунда кўл панжаси, бармоқларни яхши қимирлата олмаслик, сезувчанликнинг ўзгариши, мускуллар атрофияси кузатилади.

Даво касалликнинг келиб чиқиш сабабларига боғлиқ; бемор қанчалик эрта даволанса, шунчалик тез тузалиб кетади.

**НЕВРОЗЛАР** (невр... асабийлик -узук давом этган руҳий изтироблар натижасида нерв системаси фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган асабий-руҳий касалликлар; ўза-ро яқин функционал руҳий касалликлар (неврастения, истерия, психастения), эмоционал ёки ақлий жиҳатдан толиқиш натижасида, кўпинча инфекция ва б. касалликлар таъси-рида юзага келади. Н. анча кенг тарқалган касаллик бўлиб, асосан, нерв системаси туғма ёки ҳаётда орттирилган заиф кишиларда кузатилади. Н.да марказий нерв системасида ҳам, ички аъзоларда ҳам жиддий органик ўзгаришлар бўлмасда, бош миёда кеча-диган асосий жараёнлар — кўзгалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўз-аро муносабатлари бузилади. Н.да пси-хозлардан фарқли ўлароқ, беморлар ўз касалликларига нисбатан танкидий муносабатда бўладилар.

Н.нинг, асосан, 3 та — истерия, неврастения ва психастения (миядан кетмайдиган ҳолатлар) тури фаркланади. Айрим «аъзолар неврози» (юррак, меъда, ўпка) ҳоз. вақтда Н.нинг алоҳида тури эмас, балки унинг сомато-вегетатив белгилари деб ҳисобланади. Н. кўп учрайди ва йилдан-йилга кўпайиб бориш қонунига эга. Н.дан неврозга ўхшаш ҳолатларни ажратмоқ зарур, бу белгилари жиҳатдан Н.га айнан ўхшаб кетсада, бироқ улар руҳий изтироблар оқибатида эмас, балки бошқа хасталик, Мас, хафакон, мия қон то-мирлари атеросклерози., шизофрени-янинг бошланғич белгиси сифатида намоён бўлади. Н.нинг айрим турлари келиб чиқишида киши шахсининг касаллик олди хусусиятлари (преморбид) катта аҳамиятга эга. Шунингдек, олий нерв фаолияти ожизроқ кишилар шундай фаолияти кучли кишиларга нисбатан Н.га кўпроқ мойил бўладилар. Бундан ташқари, биринчи сигнал сис-темаси юқорироқ бўлган кишиларда — истерия, иккинчи сигнал системаси кучлироқ бўлганларда эса миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози кўпроқ уч-раши исботланган. Булар аралаш невротик ҳолатлар кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Н.ни даволашда пси-хоген омилларни бартараф этиш зарур. Дори-дармонлар б-н бирга психотерапия ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**НЕВРОЛОГИЯ** (невр... ва ...логия) — одам ва ҳайвонлар нерв системасининг тузилиши ҳамда норма ва патологик ҳолатлардаги функциялари, унинг филогенез ва онтогенез) қонуниятлари тўғрисидаги тиббий-биологик фан. Н.нинг бўлимлари — нерв системасининг анатомияеп, гистологиясч, эмбриологияш, нейрофизиологияси, патофизиология, шунингдек, невропатология, болалар невропатологияси, неврогигиена ва б. Қад. дунё тиббиёти нейроморфологиядан элементар маълумотларга эга бўлган. 16-а.да А. Везалий нерв системасини ўрганишда морфофункционал

йўналишни бошлаб берди. 19-а.да нерв системасини микроскопик ўрганишга асос солинади, бу эса нейронч таъриф-лашга имкон берди. Гистология, тасвирий анатомия б-н бирга нейрофизиология ҳам ривожланиб борди; ҳайвонлар миясининг айрим қисмларини ажратиб олиб ўрганишга киришилди. Бош ва орка мияда ҳаракат ва сезги функцияларини белгиловчи махсус марказлар борлиги аниқланди. 19-а.нинг 2-ярмида бош мия васкуляри-заияси, нерв системасининг филоге-нези ва онтогенезини ўрганишда бир-мунча муваффақиятларга эришилди. 19—20-а.ларда И. М. Сеченов, Н. Е. Введенский, Ч. Шерринтонлар ўтказган физиологик тадқиқотлар чет элда Н.нинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. И. П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти, миянинг тузилиши ва функциясининг шаклла-нишида эволюцион-генетик қонуниятнинг очилиши ва б. 20-а.да Н.нинг муҳим ютуқлари бўлди.

Миячанинг адаптацион-трофик функцияси ҳақидаги концепциянинг такомиллаштирилиши, симпатик нерв системасининг мускул қисқаришига таъсир этишини тажрибада аниқланиши, интэрорцепция масалаларининг, бош мия пўстлоғи б-н ички аъзолар ўзаро муносабатининг ўрганилиши ва б. Н.нинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Н. муаммолари Ўзбекистондаги тиббиёт ин-тларининг неврология кафедраларида ўрганилади.

Ад.: Мажидов Н. М., Неврологические воззрения Абу Али ибн Сины, Т., 1980; Мажидов Н. М., Трошин В. Д., Профилактическая неврология: 1—4 т., Т., 1995—98.

**НЕВРОМА** (невр.. ва юн. ота (лот.) — ўсма) — нерв тўқимасидан ривожланган хавфеиз ўсмаларнинг умумий номи. Атрофидаги тўқималардан ажралиб турадиган бўлакчали қаттиқ тугунлардан иборат. Ганглионеврома, неври-нома, нейрофибраматоз ва б. киради. Баъзан Н.

хавfli хилига ўтиши ҳам мумкин. Ретроперитониал бўшлиқ, кўкрак оралиғининг орқа қисми, бўйин ва буйрак усти безида учрайди. Хирурги к усулда даволанади.

**НЕВРОПАТОЛОГИЯ** (невр... ва патология) — неврологиянинг клиник бўлими; нерв касалликларининг сабаблари, аломатлари ва кечилиши ўрганати; уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқади. Н. 19-а.нинг охирида терапиядан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Қад. юн. миер манбаларида нерв системаси касалликлари (эпилепсия, фалаж ва б.) ҳақида, қад. Хитой тиббиёт рисолаларида бош, бел-думғаза оғриганда игна санчиб даволаш тўғрисида маълумотлар бор. Бу соҳадаги дастлабки илмий изланишлар 20-й.ларда минтақамизда кенг тарқалган энцефалит, менингоэнцефалит, қутуриш касалликларига қарши эмлашдан сўнг пайдо бўладиган нерв касалликлари, полирадикулоневрит ва б. хас-таликларни ўрганишга бағишланди. 40—50-й.ларда вирусли нейроинфекциялар устида тадқиқотлар олиб борилди. Нейроревматизм ва нейротон-зилляр касалликлар таснифи яратилди (А. Р. Раҳимжонов); сурункали леп-томенингит касаллиги ҳар томонлама ўрганилди ва уни даволаш йўл-йўриқлари таклиф этилди (Н. М. Мажидов). Болалар ревматизмида ирсий омиллар роли ўрганилди (Ш. Ш. Шомансуров, О. Т. Мажидова ва б.). Геморрагик инсультни хирургик усулда даволаш йўллари ишлаб чиқилди (М. Ҳ. Қориев).

Ҳоз. марказий ва периферик нерв системаси жароҳатлари ва уларнинг асоратлари, мия кон томирлари касалликлари (инсульт, аневризма ва б.), тугма касалликлар (орқа мия чурраси ва б.), шунингдек, бир неча нерв касалликлари устида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Н. системаси касалликларини аниқлашда реография, эхоэнцефалография, компьютер томографияси, магнит-резонанс томографияси каби замонавий усуллардан фойдаланилади.

Нерв системаси касалликларини даволашнинг хирургик усулларини нейрохирургия ишлаб чиқади, психик касалликларни психиатрия ўрганади. Н. нерв системасининг тузилиши ва функциясини ўрганадиган неврология б-н узвий боғланган. Замоनावий дори-дармонлар ва даво усуллари нерв системаси касалликларини муваффақиятли даволаш имконини бермоқда.

Ад.: Мажидов Н. М., Абдуҳақимов Ф. Т., Умумий невропатологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма, Т., 1961; Мажидов Н. М., Умумий невропатология, Т., 1973.

**НЕГАТИВ** (лот. *negativus* — манфий, салбий) — 1) оқ-қора ёки рангли қисмлари объектнинг асliga қарама-қарши бўлган фототасвир. Н.да оқ жойлар қорамтир, қора жойлар оқиш бўлиб кўринади. Рангли Н.датасвирни суратга олинаётган объектнинг кўшимча ранги б-н, Мас, яшил ранг қизил б-н, зангори ранг сариқ ва б. б-н берилади; 2) тесқари тасвирли фото- ёки киноплёнка, фотопластинка; Н.ни махсус эритмада очилтириб, мустаҳкамлаб, ювиб, қуритиб, Н. тасвир ҳосил қилинади. Н. махсус эритмада ишлаб, позитив тасвир, яъни очилтирилган тўғри тасвир олинади.

**НЕГАТИВИЗМ** — олий нерв фаолиятининг бузилиши белгиларидан бири. Бунда бемор ўринсиз равишда ташқи таъсиротларга қаршилик кўрсатади. Пассив ва актив Н. фарқ қилинади. Пассив Н.да бемор талаб қилинаётган ҳаракатни ўжарлик б-н бажармайди. Актив Н.да киши талаб қилинаётган ҳаракатнинг аксини қилади. Н. аксарият шизофрениянинг кататоник шаклида кузатилади. Баъзи болалар ва ўсмирларда нотўғри тартиб оқибатида юзага келадиган Н.ни патологик Н.дан фарқ қила билиш керак.

**НЕГИЗ** — сўзнинг шаклини ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган тил бирлиги; сўзнинг «ўзак +

ясовчи кўшимча» шаклидаги қисми (иш — ўзак, чи — сўз ясовчи кўшимча, демак: ишчи — негиз), ундан кейин кўшиладиган кўшимчалар сўзнинг грамматик шаклини ҳосил қилади. Н.нинг ҳосил бўлиши янги луғавий бирлик б-н алоқадор. Ўзбек тилида кўшимчалар ўзакдан кейин кўшиладиган хусусиятга эга бўлганлигидан, Н. асосан «ўзак + ясовчи кўшимча» шаклида бўлади, лекин бошқа тиллардан кирган олд кўшимчалар мавжудлиги ва бу кўшимчаларнинг сўз ясовчиларга мансублиги Н.нинг «олд кўшимча + ўзак» (бадавлат), шунингдек, «олд кўшимча + ўзак + ясовчи» (нотинч) шакллари ҳам борлигини кўрсатади. Демак, Н. морфемаларнинг кўшилишидан ҳосил бўлади, яъни кўшимча ор-қали ўзакдан Н. яратилади ёки бир Н.дан бошқа Н. ҳосил қилинади (Мас, темирчилик сўзида темир + чи = бирламчи Н., темирчи + лик иккиламчи Н. Н. ва ясама сўз тушунчалари ўзаро алоқадор, лекин бошқа-бошқа ҳодисалардир. Баъзи адабиётларда асос, ўзак-негиз терминлари ҳам Н. сўзининг си-ноними сифатида қўлланади.

Неъмат Маҳкамов.

**НЕГРИ МИССИЯСИ** (1820) - Эрондаги рус элчихонасининг катта маслаҳатчиси А. Ф. Негри (1784—1854) раҳбарлигида савдо шартномаси тузиш учун Бухорога юборилган миссия. Тар-киби полковник Е.К. Мейендорф, палеонтолог Х. Г. Пандер, зоолог ва ботаник Э. А. Эверсман, топографлар Валь-ховский ва Тимофеев, таржимон Яковлев ва б.дан иборат бўлган. Н. м. бирор аниқ битимнинг имзоланишига эриша олмаган бўлсада, келажакда Бухоро б-н Россия ўртасидаги алоқаларнинг тикланишига, савдо-сотиқнинг йўлга қўйилишига ҳамда ҳар икки давлат дипломатик муносабатларида илиқ вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Улар жосуслик характеридаги маълумотларни ҳам тўплашган. Н. м. аъзоларидан Е. К. Мейендорф ва Э. А. Эверсман ана шу са-

фар хотиралари асосида материалларга бой бир неча китоб ёзиб қолдирганлар.

**НЕГРИЛЛ ИРҚИ** (Марказий Африка ирқи) — катта экваториал (негр-австралоид) ирқиға мансуб. Паст бўйлик, сержунлик, узун бурун, юпка лаблик уларга хос. Экваториал Африканинг тропик ўрмонларида тарқалган.

**НЕГРИТОСЛАР** (испанча *negritos*) Осиё пигмейларн, Жан.-Шарқий Осиёдаги бир қанча пакана негроид этник гуруҳлар (андаманлар, семанглар, аз/ялар)нинг номи. Меланезия ирқиға мансуб.

**НЕГРЛАР** (испанча *negro* — қора) — негроид ирқ вакиллари номи. Мусулмон Шарқи мамлакатларида занжилар деб ҳам аталади. Ҳозирда Американинг қора танли аҳолиси бу терминни ҳақорат деб билмоқда ва ўзларини афро-америкаликлар деб аташмоқда.

**НЕГРОИД ИРҚ** — Катта экваториал (негр-австралоид) ирққа киради. Танасининг коралиги, жингалак сочлиги, бурнининг кенглиги, лабларининг қалинлиги, прогнатизм (жағ суякларининг олдинга туртиб чиқиши) хосдир. Африкада, Саҳрои Кабирнинг жанда тарқалган. «Н.и.» термини баъзан экваториал ирқининг синоними сифатида қўлланилади.

**НЕГРОС** — Филиппин архипелагининг марказий қисмидаги орол. Майд. 12,7 минг км<sup>2</sup>. Рельефи, асосан, тоғли. Энг баланд жойи 2460 м (Канлаон вулкани). Ғарбий ва шим.-ғарбий қисмида вулкан тупроқли унумдор текисликлар бор. Иклими субэкваториал, муссонли иқлим. Тоғлар доим яшил тропик ўрмонлар б-н қопланган, текисликларда саванналар учрайди. Шакарқамиш, шоли, маккажўхори экилади. Мис рудаси конлари бор. Н.да Баколод, Дума-гете, Сан-Карлос ш.лари жойлашган.

**НЕГРУЛЬ** Александр Михайлович (1900.25.12, Полтава — 1971.25.7, Москва) — узум генетикаси ва селекцияси соҳасидаги олим, к.х. фанлари д-ри (1938), проф. (1940). РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965). Одесса к.х. ин-тини тугатган (1925). 1926—44 й.ларда Одесса виночилик ст-ясида, Узумчилик ва виночилик и. т. ин-тида (Тбилиси ш.), Бутунитифок ўсимликшу-нослик ин-тида (Санкт-Петербург ш.) узум селекцияси бўлими бошлиғи. 1944 й.дан Москва қишлоқ хўжалиги академияси виночилик ва субтропик экинлар кафедраси мудири. Н. токнинг генеалогик таснифини тузди. Ўрта Осиёда хўраки узумчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, токнинг 16 янги на-вини яратди (М. С. Журавель б-н ҳамкорликда). Бу навлар Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда катта майдонларга экилади (Ўзал қора, ВИР мускати, Жўраузум, Эртаги ВИР, Тарное, Ўзбекистон мускати, Октябрьсий, Победа ва б.). ВАСХНИЛ узумчилик секциясининг раиси, Италия узумчилик ва виночилик академиясининг мухбир аъзоси бўлган.

**НЕЕЛЬ** (Neel) Луи Эжен Феликс (1904.22.11, Лион - 1970) - француз физиги, Франция ФА аъзоси (1953 й.дан). Страсбург (1937 й.дан) ва Гренобль (1945 й.дан) ун-тлари проф. Ядро тадқиқотлари маркази директори (1956—71), Гренобль политехника ин-ти президенти (1971 й.дан). Илмий ишлари магнетизм назариясига оид. Хусусан, антиферромагнетикларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фаразни айтди (Л. Д. Ландаун мустақил тарзда; 1932), ферромагнетизм назариясини ишлаб чикди қамда ферритларнинг кучли магнетизм хусусиятига эга эканлигини ту-шунтириб берди, ўта парамагнетизм ҳодисасини кашф этди. Н. антиферромагнетикларнинг маълум т-радан юқори т-рада ўзига хос магнит хусусиятларини йўқотишни топди. Бу т-ра унинг номи б-н аталади (қ. Неель нуктаси). Но-

бель мукофоти лауреати (1970).

**НЕЕЛЬ НУҚТАСИ**, Кюри антиферромагнит нуктаси — антиферромагнетик жисмнинг ўзига хос магнит хусусиятларини йўқотиб, парамагнетик ҳолатга ўтиш т-раси (TN). Антиферромагнит жисмларнинг магнит ва б. физик хоссалари т-рага боғлиқ равишда ўзгаради. Магнит киритувчанлик т-ра ортиши б-н ортиб боради ва маълум т-радан, яъни Н.н.дан юқори т-рада антиферромагнетикнинг магнит тузилиши бузилади ва жисм парамагнит бўлиб қолади. Антиферромагнетикларнинг номагнит хоссалари (иссиклик ўтказувчанлиги, иссикликдан кенгайиш коэффициенти, электр ўтказувчанлигининг т-ра коэффициентини ва б.) нинг бузилиши энг юқори қийматга етади. Турли антиферромагнетик моддалар учун Н. н. турлича бўлиб, мутлақ nolдан 1000 К гача етади. Мас, FeCO<sub>3</sub> учун Н.н. 57 К, CrSr учун эса 725 К. TN т-рани аниқлаган Л. Неель номи б-н аталади.

**НЕЙРО...**, невро... (юн. neuron — нерв) — қўшма сўзлар бўлаги; нерв системасига алоқадорликни билдиради (Мас, нейрохирургия).

**НЕЙРОГЛИЯ**, глия — нерв тукумасининг хужайра элементлари; нерв хужайраси (нейрон), ўсимталари ва мия капиллярлари оралигини тўлдириб туради. Н.да макроглия ва микроглия хужайралари тафовут қилинади. Макроглия эктодермами ривожланади; эпендима глияси, астроцитлар ва олигоглиядан иборат. Эпендима хужайралари бири-бирига зич тақалиб турадиган юмалоқ шаклга эга; улар бош мия қоринчаси ва орқа миянинг марказий канали оралиқ қисмини тўлдириб, механик, таянч ва трофик вазифасини ўтайди. Астроглия — юлдузсимон қужайралар ўз ўсимталари б-н чигаллашиб, мия поясини ҳосил қилади. Унинг асосий элементи гемато-энце-фалик барьер бўлиб, сув-туз алма-

ши-нувини назорат қилади. Олигоглия хужайралари майда, калта ўсиқчалари бор, нейрон ва аксонлар танасини ўраб туради, аксон миелин қобигининг ҳосил бўлишида иштирок этади, нейронларга моддалар ташилишини таъминлайди. Микроглия хужайралари ўсиқчалари ҳам майда хужайралар бўлиб, мезенхимадан ривожланади; фагоцитоз, шунингдек, нерв системасила химоя вазифасини бажаради.

**НЕЙРОГОРМОНЛАР** (нейро... ва гормонлар), нейросекретлар — нейросекреция хужайралари ишлаб чиқарадиган биологик фаол моддалар. Н. нерв учларида медиаторлараян ҳосил бўлади, бироқ гормонлар каби, қон ёки тўқима суюқлигига ўтади. Кимёвий таркибига кўра, кўпчилик Н. пептидлар (вазопрессин, кортиколбрин ва б.), баъзилари катехоламинлардир. Сут эмизувчиларда Н. манбаи бош миядаги гипотаюмуснинг нейросекретор хужайралари ҳисобланади. Н. баъзи эндокрин безларнинг (қ. Ри-лизинг гормонлар) хужайралари фаолия-тини бошқаради, шунингдек, бошқа аъзолар хужайраларига ҳам таъсир этади (қ. Нейросекреция). Пептид Н. биосинтези нейрон танасидаги эндоплазматик тўрда содир бўлади.

**НЕЙРО-ГУМОРАЛ РЕГУЛЯЦИЯ** (нейро... ва лот. humor — суюқлик) — одам ва юқори ривожланган хайвонлар организмнинг аъзо, тўқималари фаоллиги ва физиологик жараёнларини нерв системаси ва гуморал омиллар (қон, лимфа ва тўқима суюқлигидаги биологик фаол моддалар) таъси-рида бошқарилиши. Н.-г.р. системаси организмнинг ўзгарувчан муҳит шаро-итида нормал ишлашини таъминлаб беради.

Нерв регуляцияси филогенетик нуқтаи назардан гуморал регуляцият нисбатан анча ёш. Тубан организмларда алоҳида хужайралар ва аъзоларнинг ўзаро алоқасини алмашинув жараёнларида ишлаб чиқариладиган кимёвий мод-



далар (метаболитлар) амалга оши-ради. Эволюция давомида тўқима, аъзоларнинг мураккаблашиши ва дифференциялашиши натижасида янги гуморал омиллар {медиаторлар, гормонлар ва цитокинлар} ҳосил бўлди ва гуморал система нерв системаси б-н ўзаро боғланиб борди, натижада, Н.-г.р. системаси вужудга келди. Бунда нерв системаси биологик фаол моддаларнинг синтез қилинишига таъсир этади (Мас, гипоталамусгипофиз гормонларининг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади, бу омиллар қалқонсимон без, жинсий ва буйрак усти безларини фаоллаштира-ди). Ўз навбатида гуморал омиллар нерв системасига икки хил таъсир кўрсата-ди: 1) рефлексор, яъни қон, лимфа ва тўқима суюқликларидаги биологик фаол омиллар нерв системасининг интерорецепторларини «китиклайди»; 2) бевосита таъсир, бунда биологик фаол моддалар тўғридан-тўғри нерв хужайраларига таъсир кўрсатади (Мас, алмашинув жараёнида ҳосил бўладиган СО<sub>2</sub> бош миянинг нафас олиш системасига таъсир кўрсатиб, уни фаоллаштиради).

Ад.: Мажидов Н. М., Трошин В. Д., Профилактическая неврология, 1—4 т. Т., 1995-98.

**НЕЙРОДЕРМИТ** (нейро... ва юн. derma — тери) — терининг нерв-аллергик ка-саллиги. Каттиқ қичишиш, тугунчали тошмалар — папуларлар тошиши, зарарланган соҳа терисининг қалин тортиши б-н кечади. Н.га, асосан, нерв системасининг функционал ўзгаришлари, ирсий омиллари, меъда-ичак касалликлари, ички секреция безлари фао-лияти ҳамда моддалар алмашинувининг бузилиши ва х. к. сабаб бўлади. Н.нинг чекланган, диффуз (тарқок) ва атипик шакллари бор.

Чекланган Н.да терининг маълум бир соҳаси каттиқ қичишади. Зарарланиш ўчоги бўйиннинг орқа ва ён қисми, жинсий аъзолар, думбалар орасидаги бурмалар ва катта бўғимларнинг букувчи юзасида бўлади. Қичишиш кучайганда

терида майда тугунчалар пайдо бўлиб, юзаси кепакли тангачалар б-н қопланади. Кейинчалик тугунчалар бир-бири б-н қўшилиб, каттагинажойни эгаллаши мумкин. Тошмалар оч пушти, қўнғир тусда, ясси ва юмалок, шаклда бўлади. Тери аста-секин қалин тортиб зичлашади. Ўткир яллиғланган ўчоқларда шилинишлар кузатилади. Ҳадеб кашлана бериш натижасида чиққан қон қотиб, қора қўтир бўлади. Ка-саллик узок давом этади.

Диффуз Н.да, асосан, юз, бўйин, қўл ва оёқ букилмалари, жинсий аъзолар ва соннинг ички юзаси зарарланади. Дастлаб оч пушти рангли тугунчалар пайдо бўлади ва инфильтратланади. Тери қуруқ, усти майда кепакли тангачалар б-н қопланади. Тананинг табиий бурмаларида ёриқлар юзага келади.

Терининг кучли қичишиши, тошмалар тошиши, нерв системаси фаолиятининг бузилиши ва б. Н.га хос белгилардир. Кучли қичишиш бемор уйқусининг бузилишига, невротик ҳолатга олиб келади. Касаллик кўпинча фаслга боғлиқ, у, асосан, қишда зўрайиб, ёзда ремиссия хрлатида бўлади. Н. бронхиол астма, вазомотор ринит ва б. аллергия касалликлар б-н бирга кечиши мумкин. Эксудатли Н. ҳам бор, бунда тошмалар намланиб туради, улар тушиб кет-гач, ўрни анчагача қизариб туради.

Витами нлар, гормонлар, тинчлантирадиган дорилар, мазь ва б., шунингдек, физиотерапевтик муолажалар буюрилади.

**НЕЙРОЛЕПТИК МОДДАЛАР** - қ. Психотроп моддалар.

**НЕЙРОЛИНГВИСТИКА** (лот neu-ron -нерв ва lingua — тил) — психология фани соҳаси, афазиянинг психолингвистик жиҳатларини ўрганади. Н.нинг фан сифатида вужудга келиши, бир томондан, нейропсихологиянинг, иккинчи томондан, лингвистика ва психолингвистиканинг ривожланиши б-н боғлангандир. Ҳоз. замон нейропсихологиясида Н.

сўзлашга миянинг системали функцияси сифатида, афазияга эса системанинг бузилиши сифатида қарайди. Н.нинг ривожланиши психолог А. Р. Лурия (1902—77) ва унинг шогирдларининг илмий ишлари б-н боғлиқдир.

**НЕЙРОН**, нейрон (нейро... ) нерв хужайраси, Нерв системасининг асосий структуравий ва функционал бирлиги, калта дендритлар ва узун аксондан иборат (схема). Ҳайвон хужайрасига хос организмлардан ташқари, Н. цитоплазма (нейроплазма)сида нейрофибрилларлар (тигроид мод-да) бўлади. Сезувчи, кўшувчи ва эффектор Н. фарқ қилинади. Н. нерв импульсларини рецепторлардан марказий нерв системасига (сезувчи Н.), марказий нерв системасидан ижрочи аъзоларга (ҳаракатланувчи Н.) ўтказди, бошқа бир қанча нерв хужайраларини ўзаро бириктиради (кўшувчи Н.) Н.лар ўзаро ва ижрочи аъзолар хужайралари б-н синапслар орқали алоқада бўлади. Бош мия қатта ярим шарлари пўстлоғи, миёча, марказий нерв системасининг бошқа баъзи бўлимлари нейрони мураккаб тузилган. Н.лар ўлчами ва сони турли ҳайвонлар ва одамда турлича.

**НЕЙРОПСИХОЛОГИЯ** - психология соҳаси; психик жараёнларнинг бевосита мия фаолияти б-н боғлиқ жиҳатларини ва бош миянинг алоҳида системалари б-н алоқасини ўрганади. Дастлаб неврология бўлими сифатида ривожланган.

**НЕЙРОСЕКРЕЦИЯ** (нейро... ва лот. secretio — ажратма) — айрим нерв хужайралари (нейросекреторлар)нинг физиологик фаол моддалар — нейрогормонлар ишлаб чиқариши ва уни қон ёки тўқима суюқлигига ажратиши; одам ва умуртқали ҳайвонларда Н. функциясини, асосан, гипоталамус бажаради. Нерв импульсларининг кимёвий ўтказувчи омиллар (медиаторлар)ни ишлаб чиқарувчи оддий нерв хужайраларидан

фарқли ўларок, нейросекретор хужайралар цитоплазмасида нейрогормонлар синтез қилинади. Бу гормон нерв хужайраларининг аксонларидан гемолимфа, қон, тўқима ва орқа мия суюқлигига ажралиб, марказий нерв системаси, вис-церал аъзолар (жумладан, эндокрин безлар) фаолиятига таъсир кўрсатади. Тубан умуртқасиз ҳайвонларда нейросекретор хужайралар нерв системасида тарқоқжойлашган. Филогенезда нейросекретор хужайралар нейросекретор марказларга тўплана бошлайди. Умуртқалиларда бу хужайралар оралик миянинг гипоталамик зонасида жойлашган. Нейросекретор хужайраларни классик нейронлар назорат қилади. Ўз навбатида нейросекретор хужайралар, оддий нейронлар каби таъсир потенциалини генерация қилади, импульс аксонлардан уларнинг учларигача боради ва унинг таъсирида нейрогормон атроф муҳитга ажралади.

**НЕЙРОФИЗИОЛОГИЯ** - физиологиянинг бир бўлими. Нерв системаси рефлектор принципда ишлаши ҳақидаги тасаввур 17-а.да француз физиологи Р. Декарт, 18-а.да чех физиологи Й. Прокхаска томонидан илгари сурилган. Бироқ Н. фан сифатида 19-а.нинг 1-яр-мидан, нерв системаси тажриба усуллари б-н ўрганила бошлангандан сўнг шаклланди. 19-а. бошларида Шотландия анатоми ва физиологи Ч. Белл (1811) ҳамда француз физиологи Ф. Мажанди (1822) бириридан беҳабар орқа миянинг орқа илдизи кесилгандан сўнг сезги, олдингиси кесилгандан кейин ҳаракат йўқолишини аниқлади. Шундан сўнг у ёки бу функция нерв системасининг каерида жойлашганлигини аниқлаш учун миянинг турли тузилмаларини кесиш, кейинчалик уларга сунъий йўл б-н таъсир этиш усулидан кенг фойдаланилди. И. М. Сеченов (1863) томонидан марказий тормозланиш, яъни нерв системасининг маълум маркази таъсирланишидан унинг фаол қолати — кўзғалишини эмас, балки сўнишини ву-

жудга келтирадиган ходи-санинг кашф этилиши Н. ривожда муҳим босқич бўлди. Марказий нерв системаси функциясини ўрганишда Н. Е. Введенский, В. М. Бехтерев, инглиз физиологи Ч. Шеррингтон ва б.нинг ҳиссаси катта. Юрактомир фаолияти ва нафасни бошқаришда бош мия со-пининг ролини рус олимлари Ф. В. Овсянников, Н. А. Миславский, шунингдек, француз физиологи П. Флуранс, мияча ролини Италия олими Л. Лючиани аниқ/тган. Бош мия ярим шарлари пўстлоғи функциясини экс-периментал текширишни И. П. Павлов бошлаб берди, шу б-н бирга пўстлокда содир бўладиган нерв жараёнларини объектив қайд қилиш имкониятларини кўрсатди (қ. Олий нерв фаолияти). Рус физиологи А. А. Ухтомский Н.га доминанта принципи ҳақидаги тушунчани киритди. Биоэлектр потенциалларини қайд қилиш методининг кашф этилиши ва ишлаб чиқилиши туфайли Н.да нерв хужайралари фаолиятини ва кўзғалиш ҳамда тормозланиш табиатини ўрганиш масалалари илгари су-рилди.

Ҳоз. Н. олдида нерв системасининг интегратив фаолиятини ўрганиш масалалари турибди. Бу нерв системасини кесиш ва турли қисмларини олиб ташлаш, унинг электр потенциалларини ички ва сиртки электродлар ёрдамида синаш, нерв структурасига электр ва т-ра таъсир этириш ва б. методларга асосланган. Мия сопи ретикуляр фор-мациясининг активлаштирувчи ҳамда тормозловчи таъсирини кашф этиш ва батафсил аниқлаш, соматик ва висце-раль функцияларни бирлаштириб турадиган олий марказлардан бири бўлган мия лимбик системасининг тавсиф этилиши, нерв ҳамда эндокрин

системанинг бошқарилиш механизми гипоталамусаапшмни аниқлаш ва б. кашфиётлар Н.нинг ютуқларидандир. Нерв системаси фаолиятининг хужайра механизмини муфассал ўрганишда микроэлектрод техника хдмда электрон микроскопия яхши натижа бермоқда. Микроэлектродларни нейрон ичига

киритиб, турли типдаги нейронларда кўзғалиш ва тормозланиш қандай пайдо бўлиши, бу жараёнларнинг хужайра ичидаги механизми қай тарз-далиги, бир хужайра активлиги бош-қасига қандай ўтиши тўғрисида маълумотлар олинган. Нерв системаси ус-тида олиб бориладиган экспериментлар асосида баъзи нейрон ва нерв турларининг моделини ясаш ривожланмоқда. Замонавий Н. нейрокибер-нетика, нейрокимё, нейробионика (қ. Бионика) каби фанлар б-н чамбарчас боғланган.

Ад.: Бабский Е. Б. ва б., Одам физиологияси, Т., 1972; Мажидов Н. М., Трошин В. Д., Профилактическая неврология, 1-4 т., Т., 1995-98.

**НЕЙРОХИРУРГИЯ** - хирургияннг бир бўлими. Нерв системаси касалликлари ва жароҳатларини хирургик йўл б-н даволаш методларини ўрганати ва амалда қўллайти. Н. нейроонкология, нейротравматология, нейроангиология, марказий нерв системасининг туғ-ма нуқсонлари ва инфекция-яллиғланиш жараёнида қрладиган асоратлар хирургияси, стеретоксик Н., эпилепсия ва кучли оғрик хирургияси каби бўлимлардан иборат. Бош ва орқа мияни операция қилиш юзасидан олиб бо-рилган кўп йиллик изланиш ва ури-нишлар туфайли 20-а. бошларида Н. мустақил фан сифатида шаклланди. Физиология, неврология, рентгенология, патоморфология, биокимё, анестезиология, терапия ва б. фан ютуқлари Н.нинг ривожланишига имкон берди. Н. Н. Бурденко Москвада, А. Л. Поленов Ленинградда, А. И. Арутюнов Киевда Н. ин-тини ташкил этишда рақбарлик қилдилар (ҳоз. ин-т шу олимлар номи б-н аталади). Кейинчалик бошқа шаҳарлардаги клиникаларда ҳам Н. бўлимлари очилди.

Дастлаб Ўзбекистонда Н. бўлими Травматология ва ортопедия и. т. ин-ти, 1963 й. Самарқанд вилоят касалхонаси (1950) (С. Д. Мадиёров, А. М. Мамадалиев) таркибида ташкил қилинди.

1968 й.дан республиканинг барча вилоят касалхоналарида, жумладан, Тошкентда Онкология ва радиология и.т. ин-тида Н. бўлими (М. Х. Қрриев) фао-лият кўрсата бошлади. 1969 и. 17-ша-ҳар касалхонасида (А. С. Мирсодиқов), Андижон вилоят касалхонасида (М. Д. Дўстмуродов) Н. бўлимлари ташкил топди. Кейинчалик бу бўлимлар тиб-биёт ин-тларида ташкил қилинган. Н. кафедралари ва курсларнинг ўқув ба-заси бўлиб қолди. Нейрохирургик ёрдамни режали равишда бажариш мақсадида 1983 й. Республика Нейрохирургия маркази очилди, кейинчалик у Республика и. т. марказига айлантирилди (1997).

Республикада Н. фани ривожланишида М. М. Максудов, М. Х. Қориев, А. С. Мирсодиқов, С. А. Мадиев, М. Д. Дўстмуродов, А. М. Мамадалиев ва б.нинг муносиб хизматлари бор. 1975 й.дан Республиканинг барча тиббиёт ин-тларида юқори курс талабаларига Н. фани ўқитила бошланди. Республиканинг шаҳар ва вилоят мутахассисларни тайёрлаш, асосан, нейрохирургия илмий марказида, тиббиёт ин-тларининг нейрохирургия кафедралари ва курсларида олиб борилади.

Ихтисослашган нейрохирургик мар-казлар ташкил этилиши бош мия ўсмалари, марказий нерв системасининг туғма нуқсонлари ва яллиғланиш касалликларини даволашда яхши нати-жаларга эришишга, Н.да мия ва орка мия томирлари хирургияси (нейроангиология), стереотаксис каби янги бўлимлар ташкил этишга имкон берди. Н.даги ҳоз. муҳим йўналишлардан бири бош миёда кон айланиши ва ми-яда энергия алмашинуви физиологияси ва патологиясини ўрганишдир. Оператив техниканинг ривожланиши (электрохирургиянинг татбиқ этилиши ҳамда калла ичи босимини пасайтиришга ёрдам берадиган турли препарат ва методларнинг қўлланилиши), диагностика усуллари-нинг такомиллашиши, шунингдек, Н. амалиётида оғриксизлантириш ва ре-

нимация методларининг жорий этилиши Н.да муҳим аҳамият касб этди. Ҳоз. томирларни операция қилиш усули ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда.

Н. соҳасида физика, электроника, кибернетика, радиология ва б. табиий фанларнинг ютуқларидан фойдаланилиши эндиликда глиал ўсмалар, калла суяги ва миянинг оғир шикастлари, эпилепсияни даволаш имконини беради. Марказий нерв системасининг мураккаб функцияларини ўрганиш соҳасидаги Н. ютуқлари невропатология, психиатрия, неврофизиология, психология каби фанларни бойитмоқда.

Ад.: Сосин И. И., Қариев М. Х., Физиотерапия в хирургии, травматологии и нейрохирургии, Т., 1994; Мирсодиқов А. С., Мирсодиқов Д. А., Болалар нейрохирургияси, Т., 2002.

**НЕЙТРАЛИТЕТ** — қ. Бетарафлик.

**НЕЙТРАЛЛАШ**, нейтралланиш реакцияси, нейтрализация — кислота хос-сасига эга бўлган моддаларнинг асос хоссасига эга бўлган моддалар б-н ўзаро таъсир этилиши натижасида иккала бирикманинг ўзига хос хусусиятларини йўқотиши. Н. реакцияси кимё саноатида, баъзи корхоналар чиқиндиларини қайта ишлашда, лаб. амалиётида, хусусан, кимёвий анализда қўлланади (қ. Кислота ва асослар).

**НЕЙТРИНО** (итал. neutrino — нейтронча) — электр заряди нолга, спини  $1/2$  га ва тинч ҳолатдаги массаси нолга яқин бўлган элементар зарра ( $\nu$ ). Леп-тонлар гуруҳига киради. Электрон Н.си ( $\nu_e$ ) ва мюон Н.си ( $\nu^\mu$ ) номлари б-н ҳам ишлатилади. Н. ҳар икки кўринишнинг ўзига хос антинейтриноти бор (электронники  $\bar{\nu}_e$ , мюонники  $\bar{\nu}^\mu$ ).

Электрон ва мюон зарралар бир-биридан квант сонлари (лептон зарядлари)  $L_e$  ва  $L_\mu$  б-н фарқ қилади, яъни  $L_e = +1$ ,  $L_\mu = 0$ . Н. ўзаро кучли таъсирда ҳам, электромагнит ўзаро таъсирда ҳам

катнашмайди ва фақат ўзаро кучсиз таъсирда иштирок этади. Шунинг учун Н.ни бевосита кузатиш қийин. Қувватли атом реакторлари ва тезлаткичлар курилганидан сўнггина, Н.нинг ўта интенсив оқимини олиш ва уни кузатиш имкони туғилди.

Н. массаси жуда кичик, лекин ўтувчанлик қобилияти катта. 1930 й.да В. Паули бета-емирилиш жараёнини ўрга-нишда жуда кичик массали ва спи-ни яримга тенг бўлган нейтрал зарра бор-лигини тахмин қилган эди. Лекин 1932 й.да Ж. Чэдвик нейтронни кашф қилганидан сўнг, Э. Ферми бета-еми-рилиш жараёнида иштирок этадиган бу зар-рани «Н.» деб аташни таклиф этди. В. Паули тахмин қилган зарра 25 й.дан сўнг кузатилди ва фанда янги — Н. фи-зикаси, Н. астрономияси каби соҳалар пайдо бўлди. Аниқланишича, Ернинг ҳар бир килограмм массасида уз-луксиз равишда секундига 7330 та антинейтри-но чиқади. Бу Н.ларнинг ман-баи Ерда-ги радиоактив моддалардир. Куёш, юл-дузлардаги термоядро реак-циясининг махсулотлари Коинотдаги Н. (антиней-трино) манбаи ҳисобланади. Тажрибалар натижасида Н. массаси экани маълум бўлди. Н.нинг магнит моменти жуда ҳам кичик  $m(v)=10^{-7}$  цв, бу ерда цБ — Бор магнетони. Антинейтрино Н.нинг анти-зарраси бўлганидан унинг магнит мо-менти  $\mu(y)$  дан ишораси б-н фарқилади. Ҳоз. вақтда Куёш Н.си, юқори энергияли космик Н.ни қайд қилиш ва текшириш янада кенг амалга оширилмоқда.

**НЕЙТРОН** (инг. neutron, лот. neuter — униси ҳам, буниси ҳам эмас) — тинч ҳолатдаги массаси 1,67- 10<sup>-24</sup> г, спи-ни 1/2, радиуси 1,23 • 10<sup>-23</sup> см, магнит моменти 1,913 ядро магнетонига тенг бўлган электр жиҳатдан нейтрал (электр заряди нолга тенг) элементар зарра; атом ядросининг таркибий қисми. Протон каби Н. ҳам нуклон деб юритилади. Ба-рионлар гуруҳига киради. Н.ни Ж. Чед-вик кашф этган (1932). Эр-кин ҳолда Н.

узук, вақт яшай олмайди: ўртача яшаш даври  $t=16$  мин. Н.нинг ярим парчала-ниш даври 11,7 мин., шу вақт давомида у протон, электрон ва антинейтринога айланади.

1956 й.да Н.нинг антизарраси — анти-нейтрон топилди. Унинг массаси Н. мас-сасига тенг, магнит моменти эса қарама-қарши ишорали, яъни мусбат. Антиней-трон радиоактив бўлиб, у антипротон, позитрон ва нейтринога парчаланади. Н. марказида қандайдир зарядли «ўзак» мавжуд. Бу ўзак агрофида қарама-қарши зарядли айланувчи қатлам бор, лекин бир бутун ҳолда Н. электр нейтрал заррадир. Н. энергиясига кўра ультрасовук (10<sup>-7</sup> эВ гача), жуда совук (10<sup>-7</sup>—10<sup>-4</sup> эВ), совук (1(Н— 5-10-3 эВ), иссиқ (510 3—0,5 эВ), резонанс (0,5—10 4 эВ), оралик (104— 105 эВ), тез (105—108эВ), юқори энерги-яли (108— 10<sup>10</sup> эВ) ва релятивистик (4- Ю10 эВ) бўлади. Энергияси 105 эВ гача бўлганлари секин Н. дейилади.

Н.лар фаннинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Н.лар ҳам бошқа радиоактив нурулар сингари организмга биологик таъсир кўрсатади. Н. хусуси-ятларидан тиббиётда (Мас, нейтроноте-рапия), геологияда (нейтрон каротаж ва б.) кенг фойдаланилади. Махсус усуллар (Мас, радиоактивацион усул) ёрдамида Н.ни аниқлаб, моддаларнинг таркиби ўрганилади.

**НЕЙТРОН БОМБА** — кичик қувватли термоядро заряди б-н таъ-минланган қурол. Оммавий қирғин қуроллари жумласига киради. Н. б.да асосий дастлабки модда дейтерий ва тритий аралашмаси ҳисобланади. Пар-чаланиш ва синтез ядро реакцияси (бир неча ўн млн. °С қизиш) натижасида тез нейтрон оқимлари вужудга келади. Ана шу нейтрон оқимлари шикастловчи таъ-сир кўрсатади. Н. б. фақат одамларни оммавий кириш учун мўлжалланади, бино ва иншоотларга, танкларга зиён етказмайди. Чет элларда (Мас, АҚШ да) 20-а. 70-й.ларида яратилиб, синовдан

ўтказилган, амалда қўлланилмаган (к. Ядро куруллари).

**НЕЙТРОН ФИЗИКАСИ** - физиканинг нейтронлар хоссалари (массаси, радиоактив емирилиши, магнит хоссалари ва х. к.) ва улар б-н боғлиқ бўлган турли жараёнларни ўрганадиган бўлими. Н. ф. нейтрон кашф қилингандан сўнг (1932) унинг хоссаларини ўрганиш асосида вужудга келди ва ривожланди. Совуқ ва иссиқ нейтронлар б-н ўтказилган тажрибаларда уларнинг тўлқин хусусиятлари намоён бўлиб, кўпгина оптик ҳоди-салар кашф қилинди. Бундай нейтронлар хоссалари оптика усуллари ва асбоблари ёрдамида ўрганилади. Иссиқ нейтроннинг моддада ютилиши катта бўлгандан уларнинг ҳар хил моддалар б-н ўзаро таъсири натижасида эластик сочилиш ҳодисаси ва радиацион тутув (п, у) каби экзотермик реакциялар кетиши мумкин. Нейтронлар таъсирида яд-роларнинг, айниқса, оғир ядроларнинг бўлиниши ва бўлинишнинг занжирли реакцияси каби муҳим ядро реакцияларни вужудга келади. Бундай реакцияларнинг кетиши ҳам нейтронлар энергиясига боғлиқ. Ана шундай боғланишлар характерини ва улардан фойдаланиш йўллари (Мас, ядро техникасида) Н. ф. ўрганади ва аниқлайди.

Юқори энергияли нейтронларнинг модда атомлари б-н ўзаро таъсири ядро реакцияларига олиб келади. Бу жараёнлар мураккаб бўлиб, уларни ўрганишда махсус асбоб ва усуллар зарур. Ҳақ юқори энергияли (релятивистик) нейтронлар космик нурлар таркибига ки-радиган зарралардан ҳисобланади. Бундай нейтронларни (уларнинг оқимини) аниқлаш, ўрганиш ва катта энергияли бошқа зарраларга таққослашга, ней-тронларнинг янгидан-янги характери-стикалари (квант сонлари, ўлчаш усуллари, тузилиши ва б.)ни билишга им-кон беради. Бу ишлар ҳам Н. ф.да қараладиган муҳим масалалардан биридир.

Тадқиқот ишларини бажаришда нейтрон манбалари б-н бир қаторда ўлчаш

усуллари, қурилма ва асбоблари (спектрометрлар, индикаторлар, филтрлар, монохроматорлар ва б.)ни ишлаб чиқиш б-н боғлиқ бўлган турли масалаларни ҳал этиш ҳам Н. ф.даги асосий масалалар ҳисобланади.

**НЕЙТРОН ЮЛДУЗЛАР** - катта мас-сали юлдузлар эволюциясида со-дир бўлиши мумкин бўлган охириги бос-қичлардан бири. Н. ю. моддаси, асосан, нейтрондан ва қисман электрон, протон ва оғир ядролардан ташкил топган. Н. ю.нинг коинотда бўлиши мумкинлиги-ни биринчи марта Л. Д. Ландау айтган (1932). 1934 й. эса америкалик астро-номлар У. Бааде ва Ф. Цвикки Н. ю. ўта янги юлдузларнинг чакнашларида хреил бўлиши мумкин, деб тах-мин қилдилар.

Юлдузлар эволюцияси назарияси-да кўрсатилишича, катта юлдузларнинг ядро «ёнилғиси» тугагач, уларнинг мар-казий қисмларида фалокатли сурутда тез юз берадиган гравитацион сиқилиш (гра-витаццион коллапс) кузатилади. Коллапс пайтида модда зичлиги шу қадар кўп ортадики, бунда нейтронлар протонларга нисбатан тургунроқ бўлиб қолади. Бун-дай шароитда протонлар ва тургун атом ядролари нейтронларга ва кўп нейтрон-ли атом ядроларига айланади. Н.с.нинг ўртача зичлиги модданинг ядро зичли-гига тенг ёки ундан ҳам катта бўлади, шу сабабли, Н.ю.нинг тузилиш хусуси-ятлари, асосан, ядро кучларига боғлиқ. Н.ю. учун гравитацион энергия (~10<sup>53</sup> эрг) ҳам характерли. Бу икки омил Н. ю.нинг ички тузилишини ўрганишда кат-та аҳамиятга эга. 1967 й.да айрим Н. ю. (пульсарлар) кашф этилди.

**НЕЙТРОНОГРАФИЯ** (нейтрон ва ...графия) — нейтронларнинг сочилиши асосида молекула, суюқлик ва кристал-ларнинг тузилишини ўрганиш усули. Кристалларнинг атом ва магнит тузили-ши тўғрисидаги маълумотлар нейтронлар дифракциясини кузатишдан, молекула ва кристаллдаги атомларнинг иссиқлик те-

бранишлари ҳақидаги маълумотлар эса нейтронларнинг сочилишини кузатишдан олинади. Нейтронлар электр зарядсиз зарра бўлганлиги туфайли уларнинг моддаларда сочилиши рентген нурлари ва электронларга нисбатан бошқачароқ бўлади. Магнитланувчи моддалар Н.сини махсус бўлим — магнит Н.си ўрганади. Баъзи ҳолларда Н. рентгенография ва б. усулларга нисбатан са-маралироқ натижа беради. Мас, Н. йўли б-н енгил ва оғир элементлардан ташкил топган кристаллардаги водород ва б. енгил элемент атомларининг ўрнини бевосита лаш мумкин. Н. соҳасига оид дастлабки ишлар (1946—48) Э. Ферми номи б-н боғлиқ бўлиб, унинг асосий йўналишлари америкалик олимлар Э. Уоллан ва К. Шалл томонидан ёритилган (1948).

Н.да асосий восита ядро реакторлари деворларидан махсус тиркиш орқали чиқарилган иссиқлик нейтронлари (секин нейтронлар) дастасидир. Даста рўпарасига текшириладиган нишон — модда кўйилади. Нишондан сочилган нейтронлар махсус ҳисоблагичлар ёрдамида қайд қилинади. Ядро реакторлари энергия спектри 0,06 эВ соҳасида максимумга эга иссиқлик нейтронлари манбаи ҳисобланади. Ушбу энергияга мос де Бройль тўлқин уз.  $\lambda \sim 1 \text{ \AA}$  конденсирланган моддалардаги атомлараро масо-фалар б-н киёсланади. Нейтронлар бу моддадаги атомларнинг ўзаро жойлашишини дифракция ёрдамида тадқиқ қилишга имкон беради. Иссиқлик нейтронлари энергиясининг атомларнинг иссиқлик тебранишлари энергияси б-н киёсланиши модданинг динамик ҳоссаларини ўрганишга имкон беради. Нейтроннинг атомларнинг магнит моментлари б-н ўзаро таъсирлаша оладиган магнит моменти мавжудлиги атомларнинг катталигини, жойлашишини ва магнит моментларнинг ўзаро йўналишини тадқиқ қилишга имкон беради.

Сочувчи модда (нишон) сифатида поликристалл ва монокристаллар ишлатилади. Н. ёрдамида водородли би-

рик-малар (хусусан, ош тузи, органик би-рикмалар), тартиб рақамлари бир-биридан кескин фарқ қилувчи элементлар бирикмалари (PbS, ThO<sub>2</sub>, WO<sub>2</sub> ва ҳ. к.), тартиб рақамлари бир-бирига яқин элементлар бирикмалари (FeCO<sub>3</sub>, Ni<sub>3</sub>Mn ва ҳ. к.), бир элементнинг маълум изотопларидан тузилган бирикмалар ва б. кўпгина мураккаб бирикмаларнинг тузилиши ўрганилади. Бирик-малар тузилишини ўрганиш учун структура Н.си мавжуд. Суюқ моддаларни таҳлил қилишда қам Н. жуда қўл келади. Бунда таҳлил қилинадиган модда солинган идиш деворларидан нейтронлар деярли сусаймасдан ўтади ва рентген нурларига нисбатан 10<sup>3</sup> — 10<sup>4</sup> марта кам ютилади. Тажрибаларнинг кенг т-ра (1 дан 1500 К гача) ва босим оралигида олиб борилиши ва б. омиллар Н. усулининг бошқа усуллардан афзаллигини кўрсатади.

**НЕЙТРОФИЛЛАР** (лот. neuter - у ҳам, бу ҳам эмас ва юн. phileo — севаман) — умуртқали ҳайвонлар ва одам қони лейкоцитларининг бир хили. Н. протоплазмаси рангсиз ёки оч пушти, қизғиш-бинафша рангда, донадор. Ўртача катталиги 9—12 мкм. Н. етилиб боришига қараб қуйидагиларга ажратилади: миелоцитлар, ёш Н., таёқча ўзакли Н. ва сегмент ўзакли Н. Н. промиелоцитлардан етилишига қараб ўзга-риб боради, асосий ўзгаришлар ўзагида кузатилади: дастлаб ўзақда ботик ҳосил бўлади, кейин ўзақ букилган таёқчани эслатади, сўнгра орасида ингичка кўприкчалари бор сегментларга (3 тадан 5 тагача) бўлинади. Н. фагоцитоз қилиш ва гуморал омиллар и.ч. хусусиятига эга, шунинг учун микрофаглар гуруҳига киритилган. Катта ёшли одамларда таёқча ўзакли Н. 1—6% ни, сегмент ўзакли Н. 47—72% ни ташкил қилади. Соғлом одам қонида ёш Н. уч-рамайди. Ҳар хил патологияларда сегмент ўзакли Н.нинг сегментланмаган Н.га нисбати ўзгаради. Мас, бу кўрсаткич камайса, Н.нинг чап томонга сил-жиши (кўпгина яллиғланиш жараён-

лари, лейкоцитозда), кўрсаткич кўпайса, ўнг томонга силжиши, лейкопения кузатилади (оғир кечувчи анемияда). Ҳар хил касалликларда Н.нинг хажми, протоплазмаси ва донаторлиги ўзгариши мумкин. Қрнда Н. миқдорининг кўпайиши нейтрофиллэз деб аталади.

**НЕКРАСОВ** Николай Алексеевич [1821.28.11 (10.12), Подольск губернияси, Немиров-Винницкий уезди — 1877.27.12 (1878.8.1), Петербург] - рус шоири. Ярославль гимназиясида таълим олган (1832—37), Петербург ун-тида эркин тингловчи бўлган (1839—40). «Орзулар ва садолар» (1840) номли илк шеърлар китоби танқидчилар томонидан такдидий шеърлардан иборат тўплам сифатида бахрланган. Н. 1841 й.да «Литературная газета» ва «Отечественные записки» журнали б-н ҳамкорлик қилиб, уларда ҳикоя ва қиссалардан ташқари танқидий мақолалар ҳам эълон қилган. Н.нинг «Ватан», «Йўлда» (1845) шеърлари ва «Аёз» дос-тони (1863) да бойлар ва камбағал дех-қонлар ҳаёти акс этган.

В. Г. Белинский ва унинг маслакдош дўстлари Н. дунёқарашида халқпарварлик қарашларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Бу ҳол Н.нинг «Современник» жур. ношири ва муҳаррири бўлган вақтда (1847—66), айниқ-са, ёрқин намоён бўлиб, мазкур жур. инқилобий-демократик тафаккур минбарига айланди. Н.нинг шу даврда яратган шеърларида халқнинг оғир турмуши манзаралари, зиёлиларнинг рухий қаётидаги чарчокдик оҳанглари ўз ифодасини топди. «Шеърлар» тўплами нашр қилинган (1856). Қишлоқ мавзуидаги «Ўй», «Калистрат» шеърлари, «Дехқон болалари» (1861), «Газламафурушлар» (1861) дostonларида шоирнинг рус дехқонига муҳаббати акс этган.

Н. ҳаётининг сўнгги ўн йили «Отечественные записки» жур. б-н боғлиқ. Н. шу даврда «Русияда ким яхши яшайди» (1866—76) достони устида ишлади,

декабристлар ва уларнинг хотинлари тўғрисида дostonлар езди («Бобо», 1870, «Рус аёллари», 1871—72). Н.нинг сўнгги шеърларида дўст-ёрларининг оламдан ўтиши, рус жамиятидаги таназул ва ўзининг оғир хасталикка йўлиққанлиги б-н боғлиқ мунгли оҳанглари устуворлик қилади. Аммо шу б-н бирга унинг айрим шеърларида Россиянинг келажагига умид туйғулари ҳам йўқ эмас.

Н. ижодида рус озодлик ҳаракатининг В. Г. Белинский, А. И. Герцен номлари б-н боғлиқ инқилобий-демократик босқичи ўз тажассумини топди. Халқнинг мушкул аҳволи, унинг ҳам ижтимоий тузум, ҳам шафқатсиз мулкдорлар томонидан эзилиб, қадди дол бўлгани тас-вири Н.нинг бутун ижоди оша «қизил ип» бўлиб ўтади. Унинг лирик қаҳрамони халқнинг аянчли аҳволда турмуш кечираётганини кўриб изтироб чекади, бу халқни бахт-саодат манзилларига олиб боришга, миллий тараккиёт доvonлари сари етаклашга ожизлик қилишини се-зиб, янада эзилади. Лирик қаҳрамон кечинмаларидаги ана шу ожизлик оҳанги шоирнинг хасталиги оғирлашган сайин тобора кучайиб борган.

Н. рус мумтоз шеърятининг бошқа буюк намоёндаларидан биринчи навбатда халқчиллиги, ижодида халқнинг умумлашган образи устуворлик қилиши б-н фарқланади. У халқ деганда даставвал мулкдорлар зулми туфайли хорзор яшаётган мужикларни назарда тутди, улар ҳаётининг нохуш ман-зараларини тасвирлайди. Аммо шу б-н бирга 19-а. ўрталарида шакллана бошлаган илғор рус зиёлиларининг ижтимоий қарашларини ҳам асарларига сингдиришга, бу зиёлиларни шу халқнинг камчил, аммо пешқадам қисми эканлигини кўрсатишга уринади.

Совет даврида Н. ижодида, бир томондан, 19-а.даги рус жамияти ҳаётидаги салбий тамойиллар — «турмуш прозаси» тасвири устуворлик қилгани, иккинчи томондан, декабристлар ва улар хотинларининг образи қатта меҳр б-н яратилгани



учун шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Айни пайтда на-фақат рус, балки қардош халқлар шеърлятида ҳам Н. анъаналарининг давом эттирилиши ва ривожлантирилиши талаб этилди. Ўзбек шоирлари шундай шароитда Н. ижодига хос фақат бир фазилат — халқчилликдан ибрат олишга ҳаракат қилдилар. Н. асарларининг ўзбек тилига асосий таржимони Мир-темир шу масалада рус шоири анъаналарини ривожлантириб, ўзбек шеърлятининг миллий ўзига хослигини таъминлашга улкан ҳисса қўшди.

Н. асарлари ўзбек тилига Миртемир, Зулфия ва б. шоирлар томонидан таржима қилинган.

Ас: Асарлар [2 ж.лик], Т., 1971.

Ад.: Жданов В. В., Жизнь Некрасова, М., 1981.

Наим Каримов.

**НЕКРОБАКТЕРИОЗ**, некробациллёз — уй ҳайвонлари ва кўпгина ёввойи ҳайвонларда учрайдиган юқумли касаллик. Касалликни *Bacterium necrophorum* бактерияси кўзғатади. Бактерия ташқи муҳитга чидамсиз, куёш нури таъсирида тез ўлади. Н. б-н кўпроқ қўй, сигир, от, товуқ (аксарият жўжалар) касалланиб, одамга ҳам юқиши мумкин. Касаллик манбаи — касал ҳайвонлар. Бактерия нафас йўли ва шикастланган тери ёки шиллик пардалар орқали организмни заҳарлайди, натижада тўқималарда моддалар алмашинуви бузилади ва майда кон томирларида тромблар, ички органларда эса метастазалар пайдо бўлади. Касаллик катта ёшдаги ҳайвонларда сурункали, ёшларида эса шид-датли ўтади. Кўпинча туёқоралиғи, туёқнинг юмшоқ қисмлари, кўзиларнинг лаблари, бурун қанотлари, оғиз шиллик пардалари шишиб, яра бўлади. Кейинчалик шу жойларда қон аралаш йирингли суюқлик тўпланиб, тўқималар ирийди. Касал ҳайвон озади, ўлади.

Касаллик эпизоотологик ва клиник маълумотларга асосланиб, бактериоло-

гик текшириш б-н аниқланади.

Олдини олиш: ҳайвонларни бо-қишда ветеринария-санитария қридаларига риоя қилиш; уларни тўлақонли озуқалар б-н таъминлаш; молларни ботқоқланган яйловларда боқмаслик. Касал ҳайвонлар ажратиб олинади ва даволанади, тузалиши қийин бўлганлари сўйилади. Зарарланган орган ва тўқималар йўқотилади. Гўштини чекловларсиз истеъмол қилиш мумкин.

Даволаш: зарарланган жойлар хирургик йўл б-н даволанади, антибиотиклар, сульфаниламидлар, касалликнинг бошланиш даврида калий перманганатнинг 3% ли спиртли эритмаси қўлланади. Касаллик тарқалган хўжаликда карантин эълон қилинади.

**НЕКРОБИОЗ** (юн. *nekros* — улик ва *biosis* — ҳаёт) — ҳужайра ва тўқималарда улар нобуд булишидан олдин юз берадиган ўзгаришлар. Н. моддалар алмашинувининг бузилиши б-н боғлиқ ҳолда ҳужайрада ёғ ва ёки б. моддаларнинг айнашига олиб келиши ва аксинча, бўлиши мумкин (қ. Дистрофия). Ҳужайра ядросидаги ўзгаришлар (ка-риопикноз, кариорексис, кариолизис), цитоплазмалар ёпишқоқлигининг бузилиши Н.нинг асосий белгиларидандир. Касаллик кўзғатадиган омилларнинг узоқ вақт таъсир этиши ва орга-низмдаги нохуш ҳолатлар дистрофик ўзгаришларнинг некроз б-н тугалланишига олиб келади.

**НЕКРОЗ** (юн. *nekrosis* — ўлиш) — 1) тирик организмдаги ҳужайра, тўқима, бугун аъзо ёки унинг бир қисми нобуд бўлиши. Кимёвий ёки физик таъсирлар (ҳарорат, электр токи, кучли кислота ёки ишқорлар, нур энергияси ва б.), шикастланиш, токсинлар (бакте-риал инфекцияларда) сабаб бўлади. Кўпчилик ҳолларда маҳаллий қон айланишининг (тромб, эмболия, инфаркт, гангрена), шунингдек, тўқималар иннервациясининг бузилиши Н. учун қулай шароит туғдиради. Н.да

ўзига хос ўзгаришлар хужайралар (ядро ва цитоплазма буришиб қолади) ва хужайралараро моддада кузатилади. Н. атрофи ажралиб тушади (хужайра ядроси ва ци-топлазмаси бужмаяди) ёки йиринглаб ирийди; хужайра кемтиги ўрнида чан-дик пайдо бўлади. Н.нинг куруқ ёки коагуляцион (ўлган хужайра курийди), ҳўл ёки колликвацион (нобуд бўлган хужайра ирийди) хили ажратилади. Организмнинг бирор ерида Н. вужудга келиши унинг умумий ҳолатига нохуш таъсир кўрсатади. Тана юзасидаги тўқималар Н.га учраб ириганда, аксари уларда патоген микроблар кўпаяди. Шунинг учун ириган тўқималар жаррохлик йўли б-н олиб ташланади; 2) ўсимликларда — тўқима ёки органлар айрим қисмларининг нобуд бўлиши. Н. пайдо бўлишига нокулай физик, механик (музлаш, куйиш, шикастланиш ва б.) ва кимёвий таъсиротлар (ўсимликларни пуркалган ёки чангитилган препаратлардан куйиши) ёки микро-организмлар б-н касалланиш (барглардаги бактериял ва замбуруғли доғлар ва б.) сабаб бўлади. Н. маҳаллий, шунингдек, ўсимликнинг умумий касалланишидан пайдо бўлиши мумкин. Мас, ғўза баргларидидаги Н.ни патоген замбу-руғ (макро-спориоз ва вилт) ёки бакте-риялар (гом-моз) вужудга келтиради.

**НЕКРОПОЛЬ** (юн. nekros — улик, rolls — шаҳар) — қад. кабристон. Бу атама антик ва илк ўрта асрлар давридаги кабристонларга тааллуқли. Н.лар шак-ли, тузилиши, кўмиш одати, ижтимоий-этик буюмлари б-н бир-биридан ажралиб туради. Н.лар тошдан ва тупроқдан кўтармали ёки кўтармасиз қилиб қурилган. Улар ер ости ва ер усти мақбараларга ажралади. Н.лар катанга, ўра шаклида бўлиб, тош, ёғоч ёки ғишт б-н ўралган. Сағана, муғхона, эҳром ва мақбаралар тошдан, пишиқ ёки хом ғишдан ишланган. Н.га мур-далар қуйдирилиб ёки ўз ҳолича кўмилган. Мурдани қуйдирмасдан кўмишнинг тур-

ли хиллари бўлиб, мурдалар қай ҳолатда ётқизилиши кўшиб кўмиладиган асбобларга кўра, бир-биридан ажралиб туради. Қуйдириб кўмишда мурдани қуйдиргандаги қулни қабргатўкиб ёки бирон идишга солиб, баъзан, ҳар хил буюмлар кўшиб кўмилган.

**НЕКТАР** (юн. nektar) — қ. Гулшира.

**НЕКТАРХЎРЛАР** (Nektariniidae) -сайроқи чумчүксимонлар оиласи. Уз. 9,5—25 см. Тумшуги узун, ингичка, кўпинча пастга эгилган, нарининг патлари модасига нисбатан чиройли, ялтирок. 8 уруғи, 104—115 тури субтропик ва тропик минтақалар (Африка, Жан. Осиё, Шим.-Шарқий Австралия) да тарқалган. Ўсимлик гуллаган даврда озик кидириб кўчиб юради. Буга ва дарахтларда яшайди, тоғларда 4000 м гача баландликда тарқалган. Кўпчилик турлари чиройли сайрайди. Уясини дарахтлар шохининг учига қуради. 1—3 та ту-хум кўяди. Ҳашаротлар, нектар ва ме-валар б-н озикланади. Нектарни дарахт шохига ёки гулга кўниб олиб сўради. Қолиблар қанот қокиб бир жойда уча туриб, нектар сўради. Н. ўсимликларни чанглатишда иштирок этади. 1 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

**НЕЛЬСОН** (Nelson) Горацио (1758. 29.9, Бёрнем-Торп, Норфолк графлиги — 1805.21.10, Трафальгар бурни яқинида, Испания) — инглиз флоти саркардаси, инглиз вице-адмирал (1801), виконт (1801). Француз ва ис-пан флотларига қарши курашда қатор ғалабаларга эришган, шу жумладан, Абикур ва Трафальгар ёнида (шу жангда оғир яраланиб қалок бўлган). Н. ма-неврли тактика усули қўллаш ва катъий ҳаракат қилиш тарафдори бўлган. Н.нинг флот саркардаси сифатидаги фаолияти маълум даражада Буюк Британиянинг денгиздаги қудратини ошишига имкон берган. Лондонда дафн этилган.

**НЕЛЬСОН ҒҶЗАСИ** (*Gossypium nelsonii* Frux.) — ёввойи ғўза тури. Биринчи марта 1974 й.да америкалик олим П. Фриксел таърифлаб берган. Австралиянинг шим.-ғарбий қисмида, тоғ массивининг шим. томонидаги қоялар бағрида тарқалган. Н.ғ. бўйи 2 м гача етадиган, қалин туклар б-н копланган тик ўсувчи бута. Барглари думалоқ тухумсимон шаклда, учи тўмтоқ, баъзан барг бўлаклари зўрға сезилади. Барг шири безлари йирик, қизил. Гуллари ўртача катталиқда, барг кўлтиғида ёки ҳосил шохларида тўпгул кўри-нишида бўлади. Гулбарглари пушти, асосида аниқ кўринадиган тўқ қизил доғлар бор. Очилмайдиган майда гуллари ҳам учрайди. Гулёнбаргчалари жуда майда, қиличсимон шаклда, тукли, тўкилиб кетмайди. Кўсақлари 3—5 чанокли, тухумсимон, учи текис, сирти қора смолали жуда кўп безчалар б-н копланган. Чигитлари конуссимон, устида 5 мм ча туклари бор. Бу тур ғўза тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги б-н ажралиб туради. Биологик хусусиятлари етарли ўрганилмаган.

**НЕМАН** (литовча Нямунас) — Белоруссия, Литвадаги дарё (қисман РФнинг Калининград вилояти ҳудудидан оқади). Уз. 937 км, ҳавзасининг майд. 98200 км<sup>2</sup>. Минск қирларининг жан.дан бошланади. Болтиқ денгизининг Куршский кўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Н. қуйи қисмида икки тармоққа бўлинади: Русне (асосий) ва Гилия. Н. ҳавзасида кичик кўллар кўл. Қрр, қуйи қисмида ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сар-фи 678 м<sup>3</sup>/сек. Дек.да музлайди. Март охирида, айрим вақтда фев. ёки апр.да муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгдан — Березина, Мяркис, Нярис, Нявежис, Дубиса, Юра, Ми-ния; чапдан — Шчара, Шяшупе. Бир-штонасдан қуйилиш жойигача мунтазам равишда кема қатнайди. Ёғоч оқизилади. Н.да Каунас, Гродно, Друскининкай, Алитус, Пренай, Бирштонас, Юрбаркас каби шаҳарлар жойлашган.

**НЕМАТОДАЛАР** (Nematoda) - бирламчи тана бўшликли чувалчанглр типига мансуб чувалчанглр синфи (к. Тўғарак чувалчанглр).

**НЕМАТОДИРОЗЛАР** — кавш кайтарувчи ҳайвонларда учрайдиган гельминтоз касалликлар. Ҳайвонларнинг ингичка ичакларида паразитлик қилувчи *Nematodirus* авлодига мансуб нематодалар кўзгатади. Асосан, ёш моллар (кўзилар) касалланади. Касаллик, асосан, яйловларда алиментар йўл б-н юқади. Н. курғоқ, кескин ўзгарувчан иқлимли, тупроқда мис ва кобальт етишмайдиган, лекин бор ва молибден ортиқча бўлган ҳрлларда муайян ҳудудларда учрайди. Ҳайвон организмда гижжа 21—26 кун давомида жинсий етилади, 5 ойгача паразитлик қилади ва ташқи муҳитга кўплаб микдорда тухум чиқариб туради. Касал ҳайвонлар ҳолсизланади, ориклаб, ичи кетади, кўп сув ичади, нафас олиши тезлашади.

Даволаш: нилверм, нафтамон, панакур, фарантел берилади.

Олдини олиш: ҳайвонларни маданий ўтлоқларда боқиш, минерал қўшимчалар қўшилган тўйимли озуқалар бериш.

**НЕМАТОДОЗЛАР** — одам ва ҳайвонларда юмалоқ гижжалар — нематодалар кўзгатадиган инвазион касалликлар (гельминтозлар). Паразитлар барча турдаги умуртқалилар организмнинг кўпгина аъзо ва тўқималарини (аксарият овқат ҳазм қилиш аъзоларини) шикастлайди. Ҳайвонлар нобуд бўлади ёки маҳсулдорлиги камаяди, бу б-н Н. чорвачиликка катта зиён келтиради. Қулай иқлим шароити (ҳарорат, намлик, оралик хўжайин бўлиши, чорва молларини саклаш қондаларига риоя этмаслик, шунингдек, уларни даволаш ва профилактика қилиш тузук йўлга қўйилмаганлиги) Н. ривожланишига имкон беради. Катталарга нисбатан болалар кўпроқ касалланади ва уларда касаллик оғир кечади.

Одам, паразитнинг егук тухумлари меъда-ичак йўлига ёки личинкалари терига тушганда зарарланади. Н.нинг қуйидаги турлари фарқланади: аскаридоз, анкилостомидоз, энтеробиоз, трихоцефалёз, трихинеллёз ва б.

Бошқа гельминтозларга ўхшаш Н. ҳам, асосан, озодаликка эътибор бермаслик оқибатида келиб чиқади.

**НЕМЕРТИНАЛАР** (Nemertini) - деярли барча турлари денгизларда яшай-диган умуртқасиз ҳайвонлар типи. Гав-даси билатерал симметрияли, чувалчангсимон, киприкли эпителий б-н копланган. Тана бўшлиғи бўлмайд; ички органлари оралиғи паренхимадан иборат. Танаси ясси. Қон айланиш системаси яхши ривожланган, туташ. Нафас системаси йўк. Нерв системаси бош мия ва 3 та бўйлама нерв поясидан иборат. Бошининг олдинги учиди хартумчаси бор. Хартумча оғиз ёнидаги махсус чуқурчага тортиб олиниши мумкин. Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз тешигидан бошланиб, анал тешиги б-н тугайди. Айрим жинсли, тухум қўйиб кўпаяди. Тухумдан пилидий личинкаси чиқади. Жинссиз фрагментация йўли б-н ҳам кўпайиши мумкин. Деярли барча Н. йиртқич; бўғимоёқлилар, моллюскалар ва балиқлар б-н озикланади. Айрим вакиллари паразит ёки комменсал. Бу типга битта — не-мергиналар синфи киради. 800 га яқин тури маълум. 30 тури чучук сувларда ва 10 тури курук/шқда тарқалган. Уз. 0,5 мм дан 30 метргача ва ундан ҳам кўпроқ (60 м гача). Кенглиги 9 мм гача.

**НЕМЕТ** (Nemeth) Дьюла (1890.2.11, Карцаг) — венгер шарқшунослар туркуноси. Венгрия ФА мухбир аъзоси (1922), акад. (1935), филол. фанлари д-ри (1916), Будапешт ун-тининг проф. (1916—64), Болгария ФА ва ГДР ФА мухбир аъзоси (1954; 1955), Лондондаги қироллик Осие жамиятининг фахрий аъзоси (1955). Туркия, Қрим, Кавказ (кумуқлар) ва Волга бўйи халқлари (чу-

вашлар)нинг тиллари, фольклори, адабиёти ва этнографиясини ўрганиш бўйича катта тадқиқотлар олиб борган. Руний ёзув ёдгорликларини шарҳлашдаги хизматлари б-н турк-шунослик фанига муносиб ҳисса қўшди. У венгер руний ёзувларининг 16 белгиси туркий руний ёзувларининг тегишли белгиларига жуда яқинлигини, Талас водийсидаги туркий ёзув ёдно-малари б-н қарийб ўхшашлигини аниқлади. Шунингдек, Н. Урхун ёзувларининг ўқилишига ҳам тузатишлар киритган. Унинг «Усмоний турк грамматикаси» асари турк тили бўйича муҳим қўлланмадир. Бу китоб 1962 й.да инглиз тилида ҳам нашр этилган. Н.нинг туркий лахжалар бўйича кўп йиллик текширишларининг яқунлари йирик асари — «Видин турклари»да берилган.

**НЕМИРОВИЧ ДАНЧЕНКО** Владимир Иванович [1858.11 (23).12, Озургети, Грузия — 1943.25.4, Москва] — реж., педагог, театр танқидчиси, ёзувчи, драматург. Рус театри ислохотчиларидан. 1898 й. К. С. Станиславский б-н Москва Бадий театри (ҳоз. МХАТ) ни ташкил этган. Труппанинг ижодий ва ташкилий ишларини ҳам ўзлари амалга оширганлар. «Репертуар раҳбари» сифатида Чехов ва М. Горький но-мидаги театрларни ҳам ҳамкорликда ишлашга жалб этган. Реж. сифатида ак-тёрлар б-н ишлашга алоҳида эътибор қаратган. Актёр кечинмаларининг кучи ва таъсирчанлигини сиполик, вазминлик б-н етказишга эришишга ҳаракат

қилган. «Ака-ука Карамазовлар», «Як-шанба», «Юлий Цезарь», «Анна Каренина», «Душманлар», «Уч опасингиллар» каби спектакллари катта шуҳрат қозонган. 20—30-й.лар театр қиёфаси аъёнаси ва юксак маҳоратини сақлаб қолиш мақсадида эҳтиёткорлик, уddaбуронлик б-н маъмурий ва репертуар сисёсатини олиб борди. 1919 й. Мусикали студия (1941 й.дан Станиславский ва Немировичданченко номидаги мусикали театр)ни ташкил этди. «Янги иш», «Ол-

тин» каби пьесалар, «Эски уй», «Саҳна ортидаги драма» сингари романлар ҳамда киссадар ёзган.

**НЕМИС ДАВЛАТ ОПЕРАСИ** (Die Deutsche Staatsoper) — Берлиндаги опера театри. 1742 й.да очилган (1918 й.гача Қирол опера театри). Миллий опера санъати ривожланишида муҳим роль ўйнаган; репертуаридан итадьян ва француз композиторлари б-н бирга Л. Бетховен, К. М. Вебер, Л. Шпор, Р. Вагнер, Р. Штраус ва б. немис композиторлари асарлари асосий урин олган. Театрда Европанинг энг машхур дири-жёрлари (В. Фуртвенглер, О. Клемперер, Р. Штраус, Г. Караян ва б.) фаолият кўрсатган. Ҳозир театр немис операсининг энг яхши анъаналарини ривожлантирмоқда ва чет эл мумтоз ва замонавий композиторларининг операларини ташвиқ қилмоқда. Н.д.о. биноси 2-жаҳон уруши даврида қисман бузилган. Қайта тиклангач, 1955 й.да очилган.

**НЕМИС ОРДЕНИ** — к. Тевтон ордени.

**НЕМИС ТИЛИ** — хинд-европа тиллари оиласидаги герман тиллари гуруҳига мансуб тил. ГФР, Австрия Республикаси, Швейцария Конфедерацияси (қисман), Люксембург Герцоглиги (қисман), Бельгия Қироллигининг расмий тили. Россия Федерациясида, Шим. ва Жан. Американинг бир қанча мамлакатларида ҳам тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 110 млн. кишидан ортиқроқдир. Н. т. франк, сакс, тулинг, алеманн, бавар сингари ғарбий герман кабилалари шевалари асосида таркиб топган ва куйи немис, ўрта немис ва жан. немис лаҳжаларига, ҳар бир лаҳжа гуруҳи эса ғарбий ва шар-қий гуруҳчаларга ажралади. Н. т.нинг тараққиёт тарихида миллий тилгача бўлган (16-а.гача) ва миллий тил (18-а.дан) даврлари фарқланади; 16—17-а.лар ўтиш даври ҳисобланади. Ҳоз. адабий тил меъёрларининг шаклланиши асосан 18-а. охирида тугалла-

ниб, бу даврда грамматик тизим ва имло барқарорлашган.

Ҳоз. Н. т. фонологик тизимида монофтонг ва дифтонглар 45 фоизни ташкил этади (16 унли фонема ва 3 дифтонг); ундошлар тизими 18 ундош фонема ва 2 қоришиқ товушдан иборат. Барча фонемалар ҳосил бўлиш ўрни, усули ва талаффузи жиҳатидан ўзаро фарқланади, муайян ўзига хосликларга эга. Грамматик қурилиши аналитиксинтетик хусусият б-н ажралиб туради. Мас, отларда жинс ва келишик шакллари, асосан, аналитик тарзда, сон категорияси эса синтетик тарзда ифодаланади. Бу ҳолат бошқа сўз туркумларидаги шакллар ифодасида ҳам ку-затилади. Гапнинг асосий тури феъл марказли гап. Ясама, қўшма феъллардан ифодаланган кесим қисмларининг гап таркибида дистант ҳолатда қўлланиши Н. т.нинг алоқиди хусусияти ҳисобланади.

Сўз яшаш воситалари тизими яхши ривожланган; сўз қўшиш б-н от (асосан, термин) ясалиши кенг қўлланади. Луғат таркибида асл немисча сўзлар қатори лотин, француз, итальян, инглиз ва б. тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам кўплаб учрайди. Ёзуви лотин графикасига асосланган.

Адабий Н. т.нинг Австрия ва Швейцариядаги вариантлари Германиядаги вариантдан адабий тилдан турлича фойдаланиш ва унинг лаҳжалар ҳамда сўзлашув тилига муносабати нуқтаи назаридан ўзаро фарқланади.

**НЕМИСЛАР** (ўзларини дойче деб атайдилар) — халқ, Германиянинг асосий аҳолиси (74,6 млн. кишидан ортиқ). Умумий сони 86 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, Россия Федерациясида 843 минг киши, Қозоғистонда 958 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Немис тилида сўзлашади. Диндорлари — протестантлар (асосан, люте-ранлар) ва католиклар.

Немис халқининг этник асосини мил. 1-минг йиллик ўрталарида Рейн ва Одер дарёлари оралиғида яшаган кад. герман

қабилалари: франклар, сакслар, баварлар, алеманнлар, тюринглар, тевтонлар, кимврлар қабилалари иттифоклари ташкил этган. Бу иттифоқ намояндалари 10-а. га келиб ўзларини — «тевтонлар» деб атай бошлаганлар. Н. 9-ада элат бўлиб шаклланган. Немис халқининг шаклланиши жараёнида (12—13-а.лар) ғарбий славян (полаб) ва Бол-тикбўйи қабилалари (прусслар ва уларга қардош литва қабилалари) ҳам қатнашган. 1871 й.да Пруссия етакчилигида Германиянинг сиёсий ва иқтисодий бирлашуви немис миллатининг шаклланишини, асосан, ниҳоясига етказган. Н.нинг аксарияти юксак ривожланган саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд.

**НЕНЕЦ ТИЛИ** — Россия Федерациясининг шимолида яшовчи ненецларнинг тили; самоди тшглариан бири. Кола ярим о.дан Енисей дарёсининг ўнг қирғоғигача бўлган тундра зонасида ва Пур дарёси ҳавзасидаги тайга зонасида тарқалган; 25 мингдан ортиқ киши сўзлашади. Тегишли равишда 2 та: тундра ва ўрмон лаҳжаларига бўлинади. Н.т. фонетик жиҳатдан бошқа самоди тилларидан сезиларли фарқ қилади; синтаксиси эса содда гапларнинг кўплиги б-н ажралиб туради. Луғат таркибида овчилик, буғучилик, балиқчиликка оид сўзлар анчагина. Адабий Н.т. тундра лаҳжаси асосида шаклланган.

Н.т. 1932 й.дан лотин графикаси асосидаги, 1937 й.дан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланади.

**НЕНЕЦЛАР** (ўзларини хасова деб аташади; эски номлари — самоедлар, юраклар) — Архангельск ва Тюмень вилоятлари, Красноярск ўлкаси (РФ) да яшовчи халқ. Умумий сони 34 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Ненец тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар, бир қисми анъанавий диний эътиқодларга сиғинади.

## НЕНЕЦЛАР МУХТОР ОКРУГИ

(1977 и. 7 окт.дан) — РФ Архангельск таркибидаги мухтор округ. Шим. иқтисодий р-нга киради. 1929 й. 15 июлда мил-лий округ сифатида ташкил этилган. Россия Европа қисмининг чекка шим.-ғарбида жойлашган. Худудининг асосий қисми Шим. Кутбий дойра орқасида. Оқ, Баренц, Печора ва Кара денгизларига туташ. Колгуев ва Вайгач ороллари ўз ичига олади. Майд. 176,7 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 46,6 минг киши (1998). Рус, ненец, комилар яшайди.

1 км<sup>2</sup> га 0,3 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 59,4%. Округда 1 шаҳар ва 2 шаҳарча бор. Пойтахти — Нарьян-Мар ш.

Ер юзаси асосан, текислик, бир неча паст тоғлар (кряжлар), Тиман кряжи ва Пай-Хой тизмаси (бал. 467 м гача) бор. Большеземельск ва Малоземельск тундралари ботқокдашган. Иқлими субарктика иқлими, ёзи салқин, киши узок ва совук. Январнинг ўртача т-раси —12° дан (жан.-ғарбда) —22° гача (шим.-шарқда), июлники 6° дан (шим. да) 13° гача (жан.да). Йиллик ёғин 350 мм гача. Тўнгиб ётган ер кўп. Вегетация даври 72—110 кун. Энг қатта дарёси — Печора. Асосан, глейли тундра ва глейли-торфли, жан.-ғарбда глейли-подзол тупроқлар тарқалган. Худудининг У4 қисми тундра зонасида. Даре водийларида толзорлар бор. Даре қайирлари ва Печора дельтаси ўтлок. Худудининг кўп қисми бугу учун яйлов. Оқ тулки, оқ сичкон, қушлардан тундра каклиги, ғоз, ўрдақлар яшайди. Даре ва денгизлар балиқка бой.

Саноати ёғоч тилиш, балиқ консерва, гўшт-сут корхоналаридан иборат. Нефть, газ, торф, қурилиш материаллари конлари мавжуд. Буғучилик б-н шуғулланилади, денгиздан балиқ овланади. Бурка тикиш, совға буюмлари и.ч. анъанавий каеборлик ҳисобланади. Йирик корхоналари: «Печоралес», балиқчилик к-ти, Нарьян-Мар ёғ з-ди ва гўшт к-ти. Бош саноат маркази — Нарьян-Мар ш. Қ.х.да сут чорвачилиги етакчи ўринда. Картошка, сабзавот, турнепс экилади.

Мўйнали хайвонлар овланади. Печора дарёсида кема катнайди. Денгиз портлари: Нарьян-Мар, Амдерма. Юклар, асосан, автомобиль транс-портида ташилади.

**НЕО...** (юн. neos — янги) — қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи қисмининг янги, янгича ёки бир қадар ўзгарганлигини билдиради (Мас, неолит, неологизм, неореализм).

**НЕОАНТРОПЛАР** (нео ... ва юн anthropos — одам) — қазилма (крома-нёнлар) ва ҳоз. замон кишилари номи.

**НЕОВИТАЛИЗМ** (нео... ва витализм) — биол.даги идеалистик оқим, витализм шаклларида бири. 19-а.нинг 2-ярмида «ски» витализм ўрнида пайдо бўлган. Н.нинг асосчиси Х. Дришнинг кўрсатишича, организмнинг яхлит ва гармоник ривожланишини материядан юқори турадиган динамик омил, яъни «энтелехия» белгилаб беради. Ота-она учун хос бўлган белгиларнинг наелга ўтиши ва олий нерв фаолияти ана шу энтелехия б-н боғлиқ. Мослашгашшкнинг нисбийлиги тўғрисидаги Ч. Дарвин таълимотига қарама-қарши ўларок, Х.Дриш мослашганликни абсолютлаштиради ва уни энтелехия бошқариб туришини тан олади. Н.нинг бошқа тараф-дорлари фикрича, физиологик жараёнлар ва организмлар ривожланишининг асосини «доминанта», «ҳаёт энергияси», «куч майдони» каби моддий бўлмаган «ташқиллаштирувчи» омиллар ташкил этади. Пировардида Н. теология б-н яқинлашиб, биол. фанининг ривожланишига монельлик қилади.

**НЕОГЕГЕЛЧИЛИК** (нео... ва гегелчилик) — фалсафий оқим. 19-а.охири ва 20-а. бошларида Германияда шаклланиб, кейин бошқа мамлакатларга тарқалган. Неогегелчилар Гегель таълимотини янгича изохлаб, шу асосда бир бутун дунёқарашни яратишга уриндилар.

Н. марказида тарих ва маданият, давлат, ҳуқуқ фалсафаси масалалари ётади; диалектик метод тафовутларнинг эклектик синтези, қарама-қаршиликларни муросага келтирувчи омил сифатида талқин этилади. Н. турли мамла-катларда турлича шаклда намоён бўлди. Н.нинг намояндалари: Ж. Х. Стирлинг, Э. Керд, Ф. Брэдли, Б. Бозанкет, Ж. Э. МакТаггарт, Р. Коллингвуд (Буюк Британия), Г. Болланд (Нидерландия), Б. Кроче, Ж. Жентиле (Италия), В. Диль-тей, Р. Кронер (Германия), И. А. Ильин (Россия), Ж. Валь, А. Кожев (Франция). Халқаро «Гегельчилар иттифоқи» тузилиб (1930; маркази Нидерландия), Гаагада (1930), Берлинда (1931), Римда (1934) конгресслари бўлган. 1930- й.лар ўртасида мустақил фалсафий оқим сифатида барҳам топди. 2-жаҳон урушидан кейин «Гегелчилар иттифоқи»ни қайта тиклашга уринишлар ҳеч қандай самара бермади. Аммо Н.нинг баъзи ғоялари ҳоз. замон файласуфларининг қарашларида баъзан кўзга ташланиб туради.

**НЕОГЕН СИСТЕМАСИ (ДАВРИ)**, неоген (нео... ва юн. genos — тутилиш, ёш) — Ернинг геологик тарихида охиридан олдинги даврда ётқизилган тоғ жинслари қатлами. Н.с.(д.) кайнозой гуруҳи (эраси)га мансуб бўлиб, палеоген системаси (даври)дан кейин ва антропоген системаси (даври)дан олдин туради. Изотоп солнома бўйича Н.с.(д.) 25 млн. йил мукаддам бошланган ва 21,75 млн. йилдавом этган. 1833 й. Италияда инглиз геологи Ч. Лайель томонидан 2 бўлим — миоцен (куйи) ва плиоцен (юқори)га бўлинган. Дастлаб учламчи системанинг юқори бўлими сифатида ажратилган. Н.с.(д.) номи 1853 й. австриялик геолог М. Гёрнесс томонидан таклиф қилинган.

Н.с.(д.) ҳамма жойда миоцен ва плиоцен мажмуасига ажратилади. Миоцен денгиз ва гипсли ётқизикларидан, плиоцен эса гил кум ётқизикларидан иборат. Апеннин ва Болкон я.о.ларида плиоценда кўплаб вулкан қатламлари учрайди.

Қора ва Каспий денгизлари ўрнида палеоген охирида Дунё океанидан ажралиб қолган хавза мавжуд бўлган. Плиоцен бошида Қора ва Азов денгизлари ўрнида Понт, кейинроқ Киммерий кўли бўлган, Каспий денгизи эса кичикроқ хавза кўринишида қолган. Плиоцен охирида катта денгиз трансгрессияси бўлиб, у океан б-н ту-ташди. Кавказда плиоценнинг калин вулканик қатламлари вужудга келди. Ўрта денгиз серҳаракат ўлкасида Альп, Карпат, Болкон, Атлас, Апеннин, Кичик Осиё, Кавказ, Помир, Ҳимолай каби баланд тоғларнинг ҳосил бўлиши яқунланди. Жан.-Ғарбий Осиёда ботикларда, асосан, континентал ётқизиклар тўпланди. Тинч океан чеккаларида йирик бурмаланиш ўлкалари ҳосил бўлди.

Н.с.(д.)нинг денгиз ётқизиклари Тинч океаннинг бутун чеккалари бўйлаб тарқалган, улар калин чўкин-дивулканоген қатламларидан иборат. Унинг каттагина қатламлари Марказий Америкадаги оролларда ҳам мавжуд. 1968 й.дан чуқур бурғилаш асосида денгиз ва океан тубининг неоген ётқизиклари ўрганила бошланди. Тоғларнинг ўсиши тоғлараро ва чекка ботикларнинг қосил бўлиши б-н бирга кечди. Ботикларнинг букилиши жадаллашиб улар ювилган жинслар б-н тўлдирилди. Ер пўсти ҳаракати натижасида чўқиндй қатламлар сиқилиб бурмаланди. Ёриклар бўйлаб ер юзасига чикқан магма лава қатламлари кўринишида вулкан конусларини ҳосил қилган (Апеннин, Кичик Осиё, Болкон я.о.лари, Кавказ). Н.с.(д.) охирида ички денгизлар (Қора, Каспий, Мармар, Тиррен ва б.)нинг чуқур ботиклари вужудга келди. Улар тубининг тузилиши океанларникига ўхшаш. Индонезияда кейинчалик оролларга айланган сув ости грядалари кўтарилди, чуқур сув ости новлари ва сойликлар ҳосил бўлди.

Тинч океан чеккаларида материклар соҳилида тоғ системалари (Жордильера, Анд, Камчатка, Япония, Филиппин, Янги Гвинея) вужудга келди. Марказий

Осиёдаги тоғлар ҳам шу даврда қосил бўлди. Айни вақтда Африка ва Осиёда ёриклар бўйлаб Ер пўстининг чуқур рифт ботиклари ва уларни ўраб турган кўтарилмалар шаклланди. Ёриклар бўйлаб силжиш зилзила ва вулканизми кучайтирди. Н.с.(д.) ётқизикларининг қалинлиги тоғ олди ва тоғ оралиғи ботикларида бир неча км га етади. Қурғоқчил ўлкаларда гипс, калий ва б. тузларнинг калин қатламлари вужудга келган. Антарктидада музликлар Н.с.(д.) бошида, шим. ўлкаларда эса неоген охирида ҳосил бўлган. КаД-бурмаланиш ўлкаларида вертикал тектоник ҳаракатларнинг неогенда фаоллашиши «эпиплатформали орогенез» номини олган.

Органик дунёси. Неоген даври ўсимликларининг кўпгина туркум ва турлари ҳозиргача сақданиб келмоқда. Шим. ярим шарда иқлим неоген бошида ҳоз. даврга нисбатан анча илик, ва сернамроқ бўлган.

Сибирда кенг баргли ўрмонлар, Ғарбий Европанинг нисбатан шим. кенгликларида пальма, дафна ва б. дарахтлар ўсган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон текисликларида ҳоз.га ўхшашроқдашт ва чўл ўсимликлари Н.с.(д.) бошларида ҳам мавжуд бўлган.

Неоген бошларида Европа худудидида курукликдаги фауна кескин янгиланган: халталилар, қад. вахший ҳайвонлар ўлиб битган. Улар ўрнида ҳоз. ҳам яшаб келаётган ҳайвонларнинг аждодлари пайдо бўлган. Шим. ва Шарқий Африкада континентал ётқизиклар орасидан маймун скелетларининг айрим суяклари топилган.

Ҳашарот ва кемирувчиларнинг янги туркумлари пайдо бўлди. Шим. Америка сут эмизувчилари бошқалардан холи ривожланди. Неоген ўрталарида Европа ва Осиёнинг кенг худудларида даштга хос ҳайвонлар тарқалди. Неоген охирида ҳозиргача тропик минтақаларда яшаб келаётган кўпгина ҳайвон туркумлари Европада йўқолиб кетди. Жан. Америка Н.с.(д.)да кўп вақт алоқидида материк



бўлганлиги учун у ерда Шим. ярим шарда учрамайдиган ўзига хос фауна (халталилар, туёкдилар, кеми-рувчилар ва ясси бурун маймунлар) ривожланди. Фақат плиоцен ўрталарида Шим. Америкадан кўплаб ҳайвонлар жан.га томон силжиди. Австралия палеоген бошидан алоҳ.ида бўлиб, у ерда йирик халталилар яшаган.

Н.с.(д.)нинг денгиз фаунасида пластинкажабралилар ва қориноёкли моллюскалар, фораминифералар кўп ва хилма хил бўлган. Уларнинг кўплари қозирда ҳам яшаб келмоқда. Фораминифера ва остракодалар муҳим стратиграфик аҳамиятга эга.

Неоген қатламлари б-н кўпгина фойдали қазилма конлари боғлиқ. Чўкинди фойдали қазилмалардан энг муҳи-ми Яқин ва Ўрта Шарқ, Фарғона, Калифорния, Карпатолди ва б. жойлардаги тоғ олди букилмаларида нефть ва газдир. Неоген ётқизикларида кўнғир кумир ва лигнит ҳам кўп учрайди. Ол-тингугурт, туз (Ўрта Осиё), титан, калай, рутил, цирконийнинг сочма конлари бор. Сирма, кўрғошин, рух, сурма ва б. элементлар кони интрузив ва эффузив жинслар б-н боғлиқ. Океанларда нефть ва газ кумгилли шельфларда (Мексика қўлтиғи, Ўрта денгиз, Беринг денгизи ва б.) учрайди. Австралия шим.-шарқдаги шельфда махсулдор қатлам миоцен рифига ман-суб. Темир-марганецли конкрециялари ҳам истикболли.

Ад.: Хаин В. Е., Ронов А. Б., Балуховский А. Н., Неогеновые литологические формации континентов, 1979.

**НЕОДАРВИНИЗМ** (нео... ва дарвинизм) — генетика ривожланишининг илк босқичида вужудга келган ва не-мис олими А. Вейсман асос солган эволюцион концепция. Н.нинг асосида унинг таълимоти ётади. Вейсман ва унинг шогирдлари Дарвиннинг табиий танланиш эволюциянинг асосий омили эканлиги тўғрисидаги таълимотини ҳимоя қилиб, дарвинизм б-н ламаркизмни бирлаштириш ҳақидаги ҳар қандай уринишлар-

га қатъиян қарши чиқишган. Улар ламаркизм принципларига қарши чиқиб, пассив адаптация органларнинг машқ қилиши натижасида ке-либ чиқиши мумкин эмаслигини баён қилишган. Орттирилган (туғма булмаган) белгиларнинг наслданаслга утиши ҳақидаги Ламарк таълимотининг нотўғри эканлигини исбот қилишган. Мантиқан бу тўғри фикрлар Вейсманнинг «Муртак плазмасининг мустақил-лиги» гипотезасида ўз ифодасини топган. Гипотезага кўра, ҳар бир организм соматик (тана) ва муртак плазмасидан ташкил топган. Соматик плазма ташки муҳит таъсирида ўзгариши мумкин, аммо муҳит муртак плазмасига таъсир этмайди ва у келгуси авлодга турғун ҳолда ўтади. Вейсман муртак плазмаси фақат ташқи муҳитдан эмас, балки уни химоя қилиб турган тана плазмасидан ҳам мустақил бўлади, деган хато ғояни илгари сурган. Шунга қарамай, унинг муртак плазмаси (ядро)нинг ирсиятдаги роли тўғрисидаги фикрлари кейинчалик тасдиқланди.

**НЕОДИМ** (нео... ва юн. didymos — эги-зак; лот. Neodymium), Nd— Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 60, ат. м. 144,24. 5 та баркарор изотопи -  $^{142}\text{Nd}$ (27,07%),  $^{143}\text{Nd}$ (12,17%),  $^{145}\text{Nd}$ (8,3%),  $^{146}\text{Nd}$ (17,22%),  $^{148}\text{Nd}$ (5,78%) ва 2 та радиоактив изотопи —  $^{144}\text{Nd}$ (23,78%, T<sub>1/2</sub>=25-1015й.),  $^{150}\text{Nd}$ (5,67% T<sub>1/2</sub>=22-1015 й.) мавжуд. Ер пўстида масса жиҳатидан  $2,5 \cdot 10^{-3}\%$ , денгиз сувларида 9,2-10~6 мг/л Н. бор. Табиатда монацит, бестнезит (20% гача Nd<sub>2</sub>O<sub>3</sub>) ва лопарит минераллари кўринишида учрайди. Лантаноидлар гуруҳига қиради. 1885 й.да австриялик кимёгар К. Ауэр кашф қилган. Оч кулранг металл. Зич-лиги 7,0 г/см<sup>3</sup>. Қайнаш т-раси 3027°, суюкланиш т-раси 1016°, оксидланиш даражаси +3, +4, гоҳо +2. Тузларининг аксариси қизғиш-бинафша рангли. Н. бирикмалари рангли, бадийи ва оптик шишалар, лазер материаллар,

чинни и.ч.да, чуян, пулат ва б. кртиш-маларга легирловчи кушимча сифатида кулланади.

**НЕОИМПРЕССИОНИЗМ** (нео... ва импрессионизм) — 19-а. 2-ярмида Европа тасвирий санъати (рангтасвир) да юзага келган оқим. Дастлаб Франция (1885)да пайдо булган. 19-а. охири —20-а. бошларида Бельгия, Италия ва б. мамлакатларга тарқалган. Н. намояндлари (Ж. Сера, П. Синьяк ва б.) импрессионизмнинг субъектив анъаналарини ривожлантирдилар, оптика соҳасидаги замонавий кашфиётларни қўллаган ҳолда уни илмий асослашга уриндилар: мураккаб ранг тусланишларини бос-қичма-босқич соф рангларга ажратиш усуллари (бўёқларни тўртбурчак ёки думалоқ нукталар шаклидаги ранг сурт-малари тарзида юзага — холстга ёнма-ён жойлаштириш)га услубий хусусиятлар бахш этиб, янги мураккаб ранг тусланишларини ҳосил қилишга ҳара-кат қилдилар. Н. асарлари мозаикани эслатади, бадиий образни ҳаётий во-қеаларга қарама-қарши қўйиб, ҳаётий лавҳаларнинг жонли тасвиридан воз кечдилар, натижада асарлар ҳаётий аниқлик ва нафисликдан маҳрум бўлди. Н.нинг ранг борасидаги изланишлари кейинги давр санъати (жумладан, фо-вмзлг)нинг шаклланишида ўз ифодасини топди. Н. услубини рангтасвирнинг ҳажмли — фазовий ечими б-н уйғунлаштиришга уринишларни Бельгия (Т. ван Рейселберге) ва Италия (Ж. Сеган-тини) рангтасвирида кўриш мумкин. 19-а. охирида Шарқ мамлакатлари-га ҳам бу оқим белгилари кириб келган. Ўзбекистонда Ў. Тансиқбоевнинг илк ижодиди («Карвон», 1920), А. Мирсоатов асарларида бу хусусиятлар кўзга ташланади.

**НЕОКАНТЧИЛИК** — фалсафий оқим. 19-а.нинг 2-ярми —20-а. бошида, асо-сан Германияда вужудга келган. Кант фалсафасини тиклашга, уни қайта ишлашга уринади. Н. вакиллари Кант-

нинг «нарса ўзида» деган тушунчасини рад этиб, билишнинг априор (тажрибадан холи) эканлигини исботламоқчи бўлишган. Улар дунёни билиш фақат аниқ фанларнинг вазифаси, фалсафанинг вазифаси эса илмий билишнинг услубий ва мантикий асосларини ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисоблайди. Неокантчилар тушунчани воқеликдан ажратиб қўяди ва уни ўз-ўзидан ривожланувчи тафаккур маҳсули деб тушунтиради. Неокантчиларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари хилма-хил бўлиб, улар, асосан, ислохотлар васиёсий ёнбосишларни тарғиб қилувчи сиёсий гуруҳлар мавқеини ифодалар эди. Кейинчалик Н. физиологик (Г. Гельм-гольц, Ф.А.Ланге), психологик (Л. Нельсон), танқидий реализм (А. Риль), Марбург мактаби, Баден мактаби, фикционализм (Х. Файхингер), француз неокритицизми (Ш. Ренувье) каби бир қанча йўналишларни бирлаштирди. Н. этикаси асосида борлиқ ва унинг заруриятини қарама-қарши қўйиш ётади.

**НЕОКЕЙНСЧИЛИК** - иқтисодиётни тартибга солиш бўйича назария, кейнсчиликнинг 2-жаҳон урушидан сўнг юзага келган, тарихий шароитга мослашган шакли. Н.нинг таникли вакиллари — Р. Харрод, Н. Калдор, Ж. Робинсон, Е. Домар, А. Хансен. Н. 20-а.нинг 50-й.лари бошида жаҳондаги иқтисодий инқироз, илмий-техника инқилоби, мустамлакачиликнинг емирилиши таъсирида шаклланди. Янги тарихий шароитда иқтисодий ўсиш суръатлари анча пасайди, инқирозлар даври тез-тез тақрорланадиган бўлиб қолди. Бу шароитларда назария ва иқтисодий сиёсат Ж. М. Кейнс ғоялари б-н чегараланиши мумкин эмас эди. Н. асосий эътиборни кенгайтирилган тақрор и.ч. нинг миқдорий боғланишларига қаратди. Иқтисодий ўсиш муаммоларига давлатнинг энг муҳим иқтисодий сиёсати сифатида қараладиган бўлди. Н.га кўра, капиталистик (бозор) иқтисодиёт янги шаро-

итда иктисодий мувозанатни сти-хияли тартибга солиш механизмини йўқотади ва уни давлат томонидан до-имий ва бевосита тартибга солиш за-рурати юзага келади. Шу сабабли икти-содиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий муаммолари ҳам ўзгариб, инкирозга қарши тартибга солишнинг бандлик назариясидан иктисодий усиш назариясига катта эътибор берилди.

Н. методологиясида такрор и.ч. муаммоларига макроиктисодий, ҳалқ хўжалиги нуктаи назаридан ёндошув мавжуд. Унда миллий даромад, умумий иж-тимой маҳсулот, умумий талаб ва так-лиф, умумий инвестиция ва б. категориялардан фойдаланилади, улар такрор и.ч. жараёнининг баъзи бир энг умумий миқдорий боғланишларини таҳлил қилишга имкон беради. Ж. М.

Кейннинг такрор и.ч., шунингдек, мультипликатор назарияси тўлдирилади. Н. акселератор назариясини илгари сурди. Иккала назарияни бирлаштириш натижасида такрор и.ч.нинг кенгайишини ижтимоий-иктисодий жараён сифатида эмас, балки техника-иктисо-дий жараён деб тушунтирилади. Н. тарафдорлари кенгайтирилган такрор и.ч.нинг ўзига хос формулаларини яратдилар ва уни иктисодий ўсиш моделлари, деб атадилар. Е. Домар ва Р. Харрод томонидан ишлаб чиқилган иктисодий ўсиш моделида (Харрод— Домар модели) иктисодиётни мўътадил суръатларда ўсиши динамик бар-қарорликнинг асосий шарти сифатида қаралади. Динамик барқарорлик ва до-имий ўсишга эришиш автоматик ра-вишда бўлмаслиги, балки давлатнинг иктисодиётда фаол иштироки туфайли рўй бериши мумкинлиги таъкидланади. Даромад ўсишини таъминлашда инвестицияларнинг роли, и.ч. қувватларининг оширилиши муҳим, яъни иктисодий ўсиш бандликка ёрдам беради. Н. таълимоти чуқур инкирозлар, уруш ва урушдан кейинги даврлар учун самарали бўлди. 20-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб Н. таълимотига нисбатан дав-

латнинг иктисодиётга аралашуви бўйича неолиберализм ғоялари олдинги ўринга чиқди.

Абдухалил Раззоқов.

**НЕОКЛАССИК ИКТИСОДИЙ НАЗАРИЯ** — иктисодий назарияда маржинализм ғоялари анъаналарини давом эттирган етакчи йўналиш. Бу назариянинг энг машқур вакиллари А. Маршалл (Буюк Британия), Л. Вальрас (Швейцария), Ж. Кларк (АҚД1), К. Вискель (Швеция), А. Парето (Италия), П. Самуэльсон, К. Эрроу (АҚД1) ва б. Ҳозир жакондаги иктисодчиларнинг аксари-ят қисми Н. и. н. тарафдорларидир. Мазкур назария маржиналистик та-моийлар асосида шаклланиб, 20-а. дан Н. и. н. деб номланди.

Н. и. н. да рақобатли бозорда товарлар, хизматлар нархининг шаклланишини ва и.ч. омилларини ўрганиш учун энг сўнгги — меъёрий катталиклар — меъёрий нафлилик ва меъёрий унум-дорлик, меъёрий тушумлар, меъёрий харажатлар ва б. таҳлиллари қўлланилади. И. ч. омиллари ва товарларнинг бозор нархи уларнинг камёблиги б-н боғлиқ. Н. и. н. нуктаи назарига кура, меъёрий миқдорлар кишилар ўзларининг иктисодий фаолиятида қабул қила-диган қарорларида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Н. и. н.нинг асосий ғояси мукамал рақобат мувозанатли икти-содиётни яратади деган қарашдан

иборат. Шунингдек, бу назарияда икти-содиёт тавсифига микроиктисодий ёндашувлар устунлик қилади. Д. Рикардо ва К. Маркс даврида катта мунозара-ихтилофларга сабаб бўлган даромадларни тақсимлаш назарияси масаласида неоклассиклар уни жуда тинч ва жўн йўл б-н ҳал этадилар: ҳар қандай и.ч. омили эгаси бу омилнинг меъёрий унумдорлигига, яъни қўшимча ёлланган ишчи ишлаб чиқарган ёки капи-талнинг қўшимча бирлиги яратган мах-сулотга тенг даромад олади. Н. и. н. ҳар қандай бозорни талаб ва таклиф эгри чизиклари ёрдами-

да таҳлил қилади. Талаб ва таклиф эгри чизиклари кеси-шадиган нуқта неъматларнинг мувозанатли нарҳини ва мувозанатли миқдорини кўрсатиб беради.

А. Маршалл 1890 й.да ёзилган «Иқтисодиёт тамойиллари» асарида «сиёсий иқтисод» тушунчасидан воз кечди ва «economics» тушунчасини қўллади. Бу тушунчанинг юзага келиши иқтисодиётни сиёсатдан халос қилиш б-н баробар воқеа эди. Чунки давлатнинг иқтисодиётга аралашувчи ҳамма вақт ҳам самарали бўлавермаган. 1902 й.дан бошлаб «Экономикс» курси Кембриж ун-тида ўқитила бошланди. Янги йўналиш тарафдорлари эркин рақобат ва бозор ғоясини яна жонлантирдилар, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ролини кескин чеклаш кераклигини кўрсатиб беришди. Н. и. н.ларнинг бир қанча мактаблари мавжуд: Австрия мактаби, Лозанна (математик) мактаби, Кембриж (инглиз) мактаби, Америка мактаби. Кейинги даврда (П. Самуэльсон) «неоклассик синтез» концеп-цияси ҳам пайдо бўлди. «Неоклассик синтез» бу аслида ҳозирги неокейнсчилик ва неолиберал ғояларни илк неоклассик қарашлар б-н бирлаштириб, уйғунлашти-рилишидир.

Ҳоз. даврда, айниқса, ривожланган мамлакатларда Н. и. н. иқтисодиёт фанининг амалда барча муаммоларига нисбатан қўлланилади.

Ўд: Раззоқов А. ваб., Иқтисодий таълимотлар тарихи, Т., 2002.

Абдухалил Раззоқов.

**НЕОКЛАССИЦИЗМ** - 19-а. 2-ярми -20-а.лар санъатида антик санъат, Уйғониш даври санъати ва классицизмнинг мумтоз анъаналарига таянган ижтимоий йўналиш ва ғоявий мазмун жиҳатидан турлича бўлган оқимларни ифодаловчи атама. Н. (ўтмиш санъатга мурожаат этиш дастури сифатида) жонли борлиққа қандайдир «абдий» эстетик қадриятларни қарама-қарши қўйишга интилиш заминида пайдо бўлган (рассом Х. Маре, А. Фейербах, хайкалтарош

А. Хильдебранд ва б.). «Н.» атамаси 17-а. — 18-а. 1-ярмидаги классицизмдан фарқлаш мақсадида 18-а. 2-ярми —19-а. 1-чорагидаги классицизмга нисбатан ҳам қўлланади. Н., айниқса, меъморлик ва тасвирий санъатда кенг тарқалди, шунингдек, адабиёт ва мусика тараққиётига ҳам таъсир кўрсатган.

Меъморликда 20-а. бошларида модерннинг ўта ҳашамдор ва ноаниқ курилмаларига акс таъсир сифатида ёркин намоён бўлди (О. Перре — Франция; П. Беренс — Германия; О. Вагнер — Австрия ва б.). 30-й.ларда Италия ва Германия меъморлигида дабдабали иншоотлар қурилишида кенг қўлланди. 50-й.лардан, асосан, АҚШ расмий иншоотларида ривожланди (Э. Стоун, Г. Гроппиус, Ф. Жонсон ва б.), Россия (И. Жолтовский, И. Фомин ва б.) меъморлари ижодида намоён бўлди.

Тасвирий санъатда «Н.» атамаси кенг қамровли бўлиб, турли бади-ий оқимларга нисбатан қўлланади, классик образнинг ички уйғунлигини замонавий ҳаётдаги номутаносиблик-ка қарама-қарши қўйиш хоҳиши кучли ифодаланади. Н.нинг ҳайратга со-лувчи айрим нуқталари прерафаэлитлар (19-а. ўрталари) ижодида сезилади. Яхлит ҳодиса сифатида немис неоиде-ализми (1870-й. охири)нинг назарий қарашлари ва амалиётида намоён бўлди; имперессионизмдан таъсирла-ниш кўринишларидан бири сифатида кенгтарқалди. 19-а. охири —20-а. бошларида сўнгги академик анъаналар б-н антик санъат дастурларини уйғунлаштирган Н. модерн услуби б-н яқинлашган. Ҳайкалтарошлар А. Майоль, Э. А. Бурдель (Франция), Г. Вигеланн (Норвегия), К. Миллес (Швеция), С. Т. Коненков, А. Т. Матвеев, С.Д. Меркуров (Россия) ва б., рассомлар Ф. Ходлер (Швейцария), П. Тови де Шаванн, М. Дени (Франция), В. А. Серов, А. Е. Яковлев (Россия) ва б. ижодида инсон-пар-варлик асослари сақданди. 20—30-й.лар тасвирий санъатида баъзи оқимлар (футуризм, кубизм ва б.)га жавоб тарзида

пайдо бўлган оқим ва йўналишларнинг ҳам Н.га алоқадорлиги кузатилади. Ўз навбатида Н. ҳам Германия, АҚШ ва б. мамлакатлар санъати оқимларига таъсир кўрсатган.

М у с и к, ада 20-а.да мусикий романтизм ва, айниқса, экспрессионизм услубларига акс таъсир сифатида ривож топган. Илк классик ҳамда ундан олдин бўлган баъзи услублар (Мас, ба-рокко) нинг мусикий хусусиятларини тиклашга асосланган. Н. асарлари полифоник воситаларнинг ривожланган-лиги, мусика шакли мантаний қоидаларига асосланганлиги, бадий образлар объектив руҳда яратилганлиги б-н ажралиб туради. Йирик вакиллари: И. Стравинский, П. Хиндемит, Б.Барток, А. Казелла, О. Респиги, А. Лютославский ва б. Ўзбекистонда Н.га Ф. Янов-Яновский, Т. Қурбонов ва б. муружаат қилган.

**НЕОКОНФУЦИЙЧИЛИК** (нео... ва конфуцийчилик) — Сун династияси хукмронлиги даврида (10—13-а.лар) Хитой фалсафасида пайдо бўлган оқимлардан бири. Илк конфуцийчиликдан, асосан, унинг ахлокийсиёсий ғоясидан фарқли ўлароқ, Н.да онтология, натурфалсафа ва космогония масалалари муайян ўрин эгаллайди. Н. вакиллари янги ғоя ва тушунчаларни, хусусан, или (бурч ва қонун) син-мин (табиат ва тақдир) каби тушунчаларни ишлаб чиқдилар. 10—11-а.да яшаб, ижод этган Сун-фу, Ху-Юан ва Ши Цзе Н. асосчилари ҳисобланади. Н.да 6 та асосий концепция — буюк чегара, принцип (ли-қонун), моддий куч, инсон табиати, нарсалар табиатини англаш, инсонпар-варлик муҳим ўрин тутди. Н. Мин династияси даврида (1368—1644) янада ривожланди, унга оид китоблар нашр қилинди. Н. 20-а.нинг 30-й.ларида Чэн-Чжу мактаби ғоялари Фэн Юлан фал-сафий карашларининг шаклланишида асосий манба бўлди. Н. Япония, Корея ва Вьетнамда ҳам қатга таъсирга эга бўлган. Н. 1949 й.да ХХР барпо этилгач, барҳам топди.

**НЕОЛАМАРКИЗМ** {нео... ва ламаркизм) — Ламарк таълимотининг айрим ҳолатларига асосланган ҳар хил идеологик эволюцион концепциялар йи-ғиндиси. Н. эволюцион таълимот ривожланишининг Дарвинягш кейинги босқичида пайдо бўлган. Дарвин наза-риясининг айрим аспектларини тан олган неоламаркистлар табиий танла-нишнинг ижодий ролини инкор қилишган. Н.да 3 асосий йўналиш мав-жуд. Ортоламаркизм— органик олам эволюцияси Дарвин уқтирганидек табиий танланиш асосида эмас, балки организмларнинг азалдан белгиланган ички кучлари иштирокида амалга ошиши. Мазмун моҳияти б-н бу йўналиш Э. Коп, Г. Осборн, Л. С. Берглар илгари сурган автогенез кон-цепциясидан бошқа нарса эмас. Ме-ханоламаркизм— организмларнинг азалдан белгиланган ички кучлар асосида ташқи муҳитнинг ўзгаришига жавобан мақсадга мувофиқ структура ва функцияларини ўзгартириши. Ме-ханоламаркистлар адаптив модификацияларни эволюцион янги ҳосила ва улар наслданнаслга ўтади деб кўрсатишади. Психоламаркизм — эволюция сабабини организмларнинг онгли хатти-ҳаракатлари орқали тушунтиришга уриниш. Н. қандай йўналишда бўлмасин, у ривожланишни мақсадга мувофиқлигини эътироф этиб, табиий танланишнинг ижодий ролини инкор қилади.

**НЕОЛИТ** (нео... ва юн. lithos — тош) — янги тош даври, тош даврининг сўнгги босқичи. Осиё ва Европа минтақаларида қайд этилган ва қазиб ўрга-нилган. Н. даври осори атиқаларининг аксарияти мил. ав. 6—3-минг йилликлар б-н саналади. Тош давринчт бу янги босқичи қарийб 3 минг йил давом этган. Н. даврида одамзоднинг тур-муш тарзи ва иқтисодий ҳаётида бир қатор йирик туб ўзгаришлар содир бўлади. Овчилик ва теримчилик каби табиатга боқим ҳаётий машғулотлар негизида ибтидоий

деҳқончилик ва хонаки чорвачилик юзага келиб, кишилиқ тарихида илк бор дастлабки ишлаб чиқарувчи хўжалиқларга асос солинди. Н. одамининг хўжалиқ ҳаётидаги тараққиёт тақозоси б-н сополдан идиш-товоклар ясаиб илк куллик, суяк ва хайвон шохларидан дук, игна, бигиз ва урчуқ тошлар ҳамда оддигина ёғоч дастгоҳлари ясаиб, ип йигириш, балиқ ови тўрларини тўқиш ва хонаки тўқимачилиқ юзага келади. Чакмоқтошлардан турли хил майда ва йирик махсус (ўқ ёй ва найза пайконлари, парма, пона, арра, болта, ўроқ, ўроқранда) қурол ва асбоблар ясаиб, тош қуроллар яшаш услубияти такомиллашди. Тош қуроллардан кенг фойдаланилди. Тош болталарни пармалаб дастага ўрнатиш, силлиқлаб тиғини чиқариш, синган сопол идишларни чегалаш, мунчок ва турли тошлардан ясалган маржонларни ипга ўтказиб шодалаш учун пармалаш каби техник усуллар кашф этилди. Тош болта, пона, ўроқ, ўроқранда, арра, чоп-килар каби хўжалиқ қуроллари воситасида деҳқончиликдан ташқари, синҷори чайла ва кулбалар каби турар жойлар барпо этилиб, қайиқлар ясалади. Н. одамининг меҳнат фаолиятидаги ўзгаришлар, хўжалиқ ҳаётида юзага келган ихтиролар туфайли бу тарихий босқич, фанда «Н. инқилоби» деб аталди. Бу бос-қич давомида она уруғдошлиги тизимлари камол топди. Ибтидоий деҳқончилик ва чорвачиликка асос солинди, куллик ва тўқимачилиқ каби касб-хунарлар кашф этилиб, ота уруғдошлигига ўтиш учун замин яратилди.

Бироқ, табиий географик шароитларнинг тақозоси б-н Н. қабилаларининг турмуш тарзи турли минтақаларда ҳар хил кечди. Шу боисдан ҳар хил

ҳудудда ўзига хос Н. даврининг турли хил маданияти шаклланди. Ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачиликка асосланган маданий ҳаёт Яқин Шарқ мамлакатлари (Миср, Ироқ, ва Эрон) ҳудудларида мил. ав. 6—4-минг йилликлардаёқ кад. деҳқончилик

ўлкаларида тош тишли қадама ўроқ, тош ховонча ва суяқдан ясалган кертма кетмончалардан фойдаланилиб, арпа, жайдари <sup>^</sup>уғдой, тарик, ловия ва шоли каби бо-<sup>3</sup> шокди ўсимлиқлар маданийлаштирил-ди, гувалалардан уйлар бино қилиниб, аввал қўлда, сўнгра қўл чархида гул-дор сопол идишлар ва аёл ҳайкалчалари ясалди.

Мил. ав. 6—3-минг йилликларда Ўрта Осиёда истиқомат қилган қабила ва жамоалар 2 йўналишда ривож топди. Мас, унинг жан.-ғарбий ҳудудларида Н. даври жамоалари илк деҳқончилик ва хонаки чорвачилиқ (эчки, қўй ва қорамол) б-н шуғулланган бўлсалар, унинг шим. ва шим.-шарқий ҳудудларида эса бу даврда одамлар овчилик ва балиқ овлаш б-н кун кечирадилар.

Н. даврининг ўтроқ, илк қишлоқ ҳаробалари дастлаб Туркманистоннинг Копетдоғ этакларида топилган. Бундай ёдгорлиқлар Жойтун маданияти номи б-н аталган. Қадама тишли ўроқ, пи-чоқ, суяқдан ясалган игна, бигиз ҳамда турли рангли тасвирлар туширилган сопол идиш бўлақлари топилган. Бу илк зироаткор қишлоқда 150-180 нафар деҳқончилик, чорвачилиқ ва қисман овчилик б-н кун кечирган ўтроққишлоқжамоаси яшаган. Хўжалиқда аёллар, айниқса, оналарнинг мавқеи кучли бўлган. Чунки, бу даврда она уруғдошлиги муносабатлари кенгайиб, ундан кичик жуфт оилалар ажралиб чиқа бошлаган тарихий босқич қарор топган.

Ўрта Осиёнинг жан. ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилиқ қарор топиб, ишлаб чиқарувчи хўжалиқ шаклланаётган замонда, унинг шим. ва шарқий қисмида жойлашган кенг даштликлар ва тоғликларда овчи ва балиқчи, овчи ва термачи қабилалари яшардилар. Мил. ав. 5—3 минг йилликларда Амударё, Сирдарё ва Зарафшон хавзалари ва улардан шим.да яшаган овчибалиқчи қабилаларнинг турар жой қридиклари дастлаб кад. Хоразм ерларида топиб ўрганилди. Бу ёдгорликлар фанда

Калтаминор маданияти но-мини олган. Жонбос 4 ёдгорлигидан ул-кан чайла колдиклари кавлаб очилган. Унингмайд. 300 кв.м гатенг. Унда 100—120 нафарли уруғ жамоасининг балиқчиовчилари истиқомат қилган. Қайд этилган ёғоч ва қамиш қолдиқларига қараганда чайла кўп устунли, япалоқ-роқ шаклда бўлиб, томи қамиш б-н ёпилган. Унда битта катта ва унинг ат-рофида 20 дан ортиқ майдароқ ўчоқ ўринлари қайд этилган. Ўчоқдар гир-дидан ва чайладан балиқ, тўнғиз, жай-ран, буғу, қуш суяклари, туҳум пўчоқлари ҳамда тош қуроқлар, сопол парчалари топилган.

Калтаминор маданиятига мансуб ёдгорликлар Зарафшон водийсининг куйи оқимидан ҳам топиб ўрганилган. Дарво-защрликлар чапласи номи б-н юри-тилган бу ёдгорликдаги чайла тўғри бурчакли тўртбурчак шаклда қурилган. Саҳнининг уз. 11,6 м, кенглиги 7 м, майд. 81,5 кв.м га тенг. Унда 30—35 нафардан иборат овчи ва балиқчилар жамоаси истиқомат қилган. Чайла ташқарисида бир канча ўчоқ ўринлари қайд қилиниб, ундан чакмоқтош қуроқлар (ўқ-ёй пайконлари, ўроқ, ранда, кескич, қирғич, тешгич, сўзан, парма ва болта), сопол идиш бўлаклари, балиқ, парранда ва ёввойи хайвон суяклари топилади.

Дехқончилик ва чорвачилик хўжаликлари ҳамда ўтроқ ҳаёт б-н боғлиқ турли хилдаги касб-хунарларнинг кенгайиб бориши оқибатида чакмоқтошга бўлган талаб ошади. Шу боисдан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яшовчи қабилалар жамоасида тоғлардан юқори сифатли хом ашё конларини излаб топиш ва улардан чакмоқтош қазиб олувчи қончилар гуруҳи пайдо бўлади. Хом ашё, даставвал тоғ юзасига чиқиб қолган тош харсангларидан синдириб олинган, сўнгра қазиб чиқарилган. Бунинг учун ўра ва лағмлар кавланиб, қонлар барпо этилган. Бундай шахтали Н. даври қонларидан бири Навоий вилоятининг Учтут қишлоғи яқинида топиб текширилган (мил. ав. 5—3-минг йилликларга мансубдир.). Ўрта Осиёда,

хусусан, Ўзбекистон ҳудудида бундан 5—7 минг йил муқаддам илк бор қон са-ноатига асос солингани маълум бўлди. Н. даври шахталари Англия, Франция, Кения, Швеция, Германия ва Беларуссия каби ҳудудларида ҳам ўрганилган. Н. даврининг охирида одамлар металлдан, дастлаб мисдан ҳар хил тақинчоқлар, буюм ва қуроқлар ишлашни ўрганиб оладилар.

Ад.: Аскарлов А., Ўзбекистон тарихи, Т., 1994; Массой В. М., Поселение Джейтун, Л., 1971; Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскарлов А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т., 1966; Толстов СП., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964.

Абдулахад Мухаммадҷонов.

**НЕОЛОГИЗМЛАР** (юн. *neos* — янги, *logos* — сўз) — жамият таракқиёти, ҳаётнинг талаб-эҳтиёжи б-н пайдо бўлган янги нарса ва тушунчаларни ифодаловчи сўзлар. Н.нинг янгилиги дастлаб пайдо бўлган вақтлардагина се-зилиб туради: вақт ўтгач, улар «янгилик» хусусиятини йўқотиб, одатда, фаол сўзлар қаторига ўтади. Мас, ўзбек тили учун бир канча йил давомида янги ҳисобланган маркетинг, қайта қуриш, рейтинг, тендер сўзлари ҳозирги кунда умумистеъмолдаги сўзларга айланмоқ-да. Тилдаги умумий Н. б-н бир қаторда индивидуал-услугий ёки окказионал Н. ҳам мавжуд. Бундай Н. муаллифлар томонидан маълум бир контекстда услу-бий талаб асосида яратилади.

Н. илмий асарларда шу услубга хос термин сифатида аташ (номинатив) вазифасини бажаради. Бадиий асарларда, одатда, услубий вазифани бажаради. Н.нинг пайдо бўлиш йўллари хилма-хил бўлиб, улар тилнинг мавжуд луғавий таркиби ва грамматик қонун-қоидалари асосида янги сўз ясаш йўли, шунингдек, мавжуд сўзнинг луғавий маъноларидан бирини янги маънода қўллаш йўли б-н ва бошқа тилдан сўз қабул қилиш орқали

ҳосил қилинади.

**НЕОН** (нео..., лот. Neon), Ne — Менделеев даврий системасининг 0 гуруҳ элементи, инерт газларга мансуб. Тар-тиб рақами 10, ат.м. 20,179. 1 м<sup>3</sup> ҳаво-да 16 см<sup>3</sup> га яқин Н. бўлади. Учта барқа-рор изотопи; <sup>20</sup>Ne(90,92%), <sup>21</sup>Ne (0,257%), <sup>22</sup>Ne (8,82%) бор. Сунъий йўл б-н жуда қисқа муддат ( $T^{1/2} < 200$  сек.) мавжуд бўладиган радиоактив изотоплари ҳам олинган. 1898 й.да инглиз олимлари У. Рамзей ва М. Траверс топган. Газ ҳолатдаги Н.нинг зичлиги 0,90035 г/л (273 К, 0,1 МПа), суюқла-ниш т-раси — 248,6°; қайнаш т-раси — 245,9° (273 К, 0,1 МПа). Суюқҳолатдаги Н.нинг зичлиги 1240кг/м<sup>3</sup>. Н., одатда, кимёвий реакцияларга киришмайди. Лекин унинг Ne-6H<sub>2</sub>O таркибли гидрати, молекуляр боғланган би-рикмалари ҳосил қилинган. Н. саноатда суюқ ҳаводан ажратиб олинади. Ра-диотехникада, электрон асбобларда, вакуум техникасида ишлатилади.

**НЕОН ЛАМПА** — электр разрядининг паст босимли неон газида нурланишига асосланган газ-разрядли ёруғлик манбаи. Н.л. 2 электрод (анод ва катод)дан иборат бўлиб, баллон ичига неон (Ne) ёки неон газининг гелий ёки аргон газлари б-н аралашмаси тулдирилади. Бу турда Н. л.да газ босими 25—40 ГПа га яқин бўлади. Одатда, аргон гази разряди ёндирувчи кучланишни камайтириш учун киритилади. Аммо бу ҳолда шуъланинг ёрқинлиги хам па-саяди. Н. л. ёруғлиги бинафша-қизил ран-гда кўринади. Ёруғликнинг бошқа ран-гларда (сарик, қўк, яшил ва б.) бўлиши учун баллоннинг ички деворига люми-нофорлар ёпиштирилади.

Н.л. ўзгарувчан ва ўзгармас токда ишлайди. Фақат у ток кучини 0,20—30 мА гача тушириб чегаралаб берадиган тўғрилагич резисторлар б-н кетма-кет уланиб электр занжирига қўшилади. Н. л.да электр разряд ёниши учун кучла-

ниш 60—150 В, қуввати 0,01—3 Вт, шуъла ёрқинлиги 50—600 кЖ/м<sup>2</sup> бўлиши керак. Н. л.лардан сигнализация ва ёритиш тизимларида, назорат-ўлчов аппаратларида, шунингдек, тасвирни маълум ма-софада туриб қабул қилувчи ва узатувчи асбоблар (телевидение) да кенг фойдаланилади.

**НЕОПИФАГОРЕИЗМ** (нео... ва пифагореизм) — мил. ав. 1-а — мил. 3-а. юнон фалсафасидаги оқим. Н. намояндалари: Нигидий Фигул, Аполлоний Тианский ва б. Улар Пифагорнинг математик символизм методларини қайта жонланти-риб, ўз қарашларида ягона—кўп, монада—диада, айнанлик—тафовут, жуфт—ток, нукта—чизиқ—текислик-жисм тушунчаларига асосланиб фикр юритдилар. Платонизмтн фарқли ўларок, барча нарсанинг ибтидоси ақл (нус) эмас, балки монада—диада деб ҳисоблар эдилар. Кейинги даврда Н. фалсафада мустақил оқим сифатида ўз мавқеини йўқотди, унинг айрим жиҳатлари неоплатонизмца. ўз аксини топди.

**НЕОПЛАТОНИЗМ** (нео... ва платонизм) — юнон фалсафасидаги оқим. 3— 6-а.ларда пайдо бўлган. Н. намояндалари Плотин, Порфирий, Прокл. Н. вакиллари Платоннтг моддий дунё ғоялар дунёсининг сояси эканлиги тўғрисидаги фикрини яна хам диний шаклда баён этдилар. Н.нинг асосий мазмуни Платон триадаси — «ягона», «ақл» (нус), «жон» диалектикасини ишлаб чиқишдан иборат. Унга кўра, борлиқнинг асосида худо, қандайдир билиш ва тушунтириб бериш мумкин бўлмаган бошланғич моҳият ётади. Энг олий моҳият — худо эманация йўли б-н аввал дунё-вий ақлни, кейин дунёвий руҳни яра-тади, ундан кейин — сўнгги босқичда идрок қилинадиган моддий дунёни яратади. Неоплатончилар фикрича, инсоннинг яшашидан мақсад — руҳни танадан, гуноҳлардан халос этиб, яна худога яқинлашишдан, унинг шарофатига эришишдан иборат.



Инсоннинг гуноҳга ботиб қолганлигини асослашга уриниш, инсон фикрининг эркин-лиги ва мустақиллигига ишонмаслик — Н.да учрайдиган асосий белгилар деб ҳисоблашади. Н.ислом фалсафасига ҳам муайян таъсир кўрсатган. Сухравардий ва Ғазолий қарашларида, тасаввуф таълимотида Н.нинг баъзи белгиларини учратиш мумкин.

**НЕОПОЗИТИВИЗМ** (нео... ва позитивизм) — 20-а. фалсафасидаги асосий йўналишлардан бири. Позитивизмнинг ҳоз.замон шакли Н.га Вена тўғараги қатнашчилари М. Шлик, Р. Карнап, О. Нейрат асос солган. Н.нинг Англияда тарқалишида Б. Рассел, Л. Витгенштейн ва б. катта ўрин тутган. Н.нинг асосий ғоялари эмпиризм ва феноменализмга (Ж. Беркли, Д.Юм) бориб тақалади.

Фалсафанинг дунёқараш масалаларини назарий билиш воситаси сифатидаги имкониятларини рад этиб, фанни фалсафага қарши қўяди. Билимни (ёки илмий, фалсафий, оғзаки тилни) мантиқий ёки лингвистик таҳлил қилиш услубини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган. Н. ғоялари Вена тўғараги фаолиятида ўз ифодасини топди, унинг асосида мантиқий позитивизм вужудга келди. Н.ни фан фалсафаси (Ч. Моррис, П. Брижмен), Швециядаги Упсала мактаби ва б. йўналишларнинг вакиллари қўллаб-қувватладилар. 1950-й.ларда лингвистик фалсафа катта ну-фузга эга булди. Фаннинг услубий ма-салаларини ишлаб чиқишни даъво қилиб, амалда уларни ҳал эта олмади. Н. намояндалари ҳоз. формал мантиқ, семиотика ва фан мантиғи ривожига муайян роль ўйнади.

**НЕОРЕАЛИЗМ** (нео... ва реализм) — 1) 20-а.нинг 40-й.лари ўртасидан 50-й.лар ўртасигача италия к и носи да мавжуд бўлган оқим. Демократик мил-лий санъат учун кураш жараёнида тар-киб топган. Ижтимоий адолат ва оддий инсоннинг кадр-қиммати ғояларини ҳимоя қилди. Ҳаётий фактлар асосида қурилган филь-

млар аксарият ному-та-хассис ижрочилар иштирокида яратилди. Н.нинг бадий манифеста Р.Россе-линининг «Рим — очик шаҳар»и (1945) фильми-дир. Ч. Дзаваттини, Л. Висконти, В. Де Сика, Ж. де Сантис, П. Жер-ми кабилар Н.нинг кино санъатидаги асосий вакиллари-дир. Н. Италия кинематографияси ва б. мамлакатларнинг илғор киноси ривожига катта таъсир кўрсатди; 2) адабиётда Н. ёзувчилари ижоди демократик йўналиши, озодлик идеаллари ва ижтимоий адолатга инсоний ишончи б-н ажралиб туради. Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати, фашизмга қарши кураш мавзуи В. Праголинининг лирик эсдаликларида, Р. Вигано, И. Кальвино романларида, Ж. Бассани ва б.нинг қиссаларида ҳаққоний акс этирилган. Н. намояндалари ижодида ўткир ижтимоий ма-салаларга бағишланган асарлар ҳам бор: В. Праголинининг «Камбағал севишганлар қиссаси» (1947) ҳамда «Метел-ло» романи (1954); К. Леви очерклари; Э. де Филиппонинг «Неаполь — миллионер» комедияси (1945); П. П. Пазолини шеър-ияти ва б.; 3) Италия тасвирий санъати (1940—50 й.лар)даги йўналиш; Италия киноси, адабиёт-ти ва театридаги оқим ва айни бир вақтдаги йўналишлардан ном олган. 2-жаҳон уруши йиллари Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати натижа-сида умум демократик анъаналарнинг тикланиши, 19—20-а.лар Европа санъатидаги турли оқимлар (жумладан, романтизм ва экспрессионизм)нинг бадий усулларини ижодий қўллашлар Н.нинг шаклланишига омил бўлди. Неореалист-рассомлар (Р. Гуттузо, Г. Мукки, А. Пиццинато ва б.) воқеликни, унинг барча қарама-қаршилиқлар кескинлигини санъатда янги руҳий кадриятлар ва янги қаҳрамонлар — меҳнат аҳли, унинг ҳаётий катъияти ва ички қудрати б-н ҳаққоний акс этиришга интил-дилар. Н.га яқин анъаналар урушдан кейинги демократик тасвирий санъатда ва б. мамлакатлар (Мас, Францияда Б. Таслицкий, А. Фужерон ва б.)да ҳам намоён бўлди.

**НЕОРЕАЛИЗМ** (нео... ва реализм) — 20-а. инглиз фалсафасидаги кукмрон оқим. Кембриж ш.да 1903 й.да инглиз файласуфи Ж. Мур (1873—1958) асос солган. Н. неогегелчиликка, айрим фалсафий масалаларни спекулятив ишлаб чиқишга қарши қаратилган бўлиб, унинг вакиллари бу масалаларни ман-тикий таҳлил воситаси б-н, яъни та-биатшунослик услуби б-н ҳал қилишга уринадилар. Фалсафа тизим сифатида рад этилади. Фалсафий қизиқишлари марказида мантиқ, билиш назарияси, биол. ва физика турган. Ж. Мурдан ташқари, Н.нинг вакиллари С. Александер, инглиз файласуфи Ч. Д. Бродуд (1887—?), С. Л. Морган, Б. Рассел, инглиз-америка файласуфи А. Н. Уайтхед (1861 — 1947) ва б.дир. Неоре-алистлар иккинчи гуруҳининг раҳбари инглиз файласуфи А. Айер (1910— 89) бўлиб, неопозитивизмга яқин туради.

**НЕОСХОЛАСТИКА** — ўрта аср схола-стикасини тиклашга уринувчи католицизм фалсафасидаги турли оқимлар мажмуи. 19-а. бошида пайдо бўлган, охиридан эса кенг ёйилди, неотомизм Н.нинг асосий оқимига айланди. Ис-панияда (20-а. ўртасидан Германияда ҳам) испан илоҳиётчиси Ф. Суарес (1548—1617) таълимоти асосида ривожланди. Н.нинг бир канча мактаблари томизмни энг янги фалсафий оқимлар б-н бирлаштиришга уринмоқда.

**НЕОТЕКТОНИКА** (нео... ва тектоника), энг янги тектоника — тектониканинг Ернинг ҳоз. рельефи асосий қиёфасини шакллантирган турли структуралар, Ер пўсти ривожланишнинг тарихи ва тектоник ҳаракатларини ўрганувчи бўлими. Бу жараёнлар Ер пўсти тузилишида янги структура шакллари вужудга келтириб, қадимда пайдо бўлган структураларни фаоллаштирган. 1937 й. рус олими С. С. Шульц биринчи марта «энг янги тектоника» истилоҳини таклиф этди. У Тяньшан тоғлари ҳоз. рельефининг вужудга келишини энг янги текто-

ника жараёнлари б-н изохлади. 1948 й.да гео-логлар Н.ни геологиянинг мустақил бўлими қилиб ажратишни таклиф қилдилар. 1950 й.да олимлар тектоник ҳаракатлар кучайган давр (неоген-антро-поген даври)ни Ер пўсти ривожланишининг мустақил энг янги тектоник босқичига ажратдилар. Ер пўсти турли структура элементлари — материк платформалари, орогенез зоналари, ҳоз. геосинклиналь областлар, тафрогенезда энг янги тектоник ҳаракатлар фаоллигининг кучайиши бир вақтда кеч-маган (кечки олигоцен, неоген, антро-поген). Бу энг янги тектоник босқичнинг қуий чегараси масаласи бўйича олимлар ўртасида баҳсга сабаб булди.

Н.да тектоник жараёнларни урганишда турли методлар (тарихий-геологик, тектоник ва геоморфологик, геофизик, тарихий-археологик, биогеографик) ва б.дан фойдаланилади. Н.га дойр турли регионларнинг ҳар хил масштабдаги хариталари нашр қилинган.

Н.нинг назарий масалаларини ишлаб чиқиш амалий вазифалар — муҳандислик иншоотлари (тўғон, порт ва б.) лойиҳалаш ва қуриш, сув таъминоти, нефть ва газ қувурларини ётқизиш, конларни қидириш, зилзилаларни башо-рат қилиш б-н чамбарчас боғлиқ.

**НЕОТОМИЗМ** — католицизмдаги энг нуфузли фалсафий мактаб. Фома Аквинскийнинг 1879 й.да Рим папаси Лев XIII томонидан ягона чин фалсафа деб эълон қилинган таълимотига асосланган. Н. томизм тараққиётининг ҳоз. замон босқичидир. Италия, Испания, Франция, Бельгия, Германия, АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатларида тар-қалган. Намояндалари: Э. Жильсон, Ж. Маритен, М. Грабман ва б. Асосий маркази — Лувен ун-ти ҳузуридаги Олий фалсафа ин-ти (1888 й. Д. Мерсье асос солган).

**НЕОТРОПИК ОБЛАСТЬ** - курукликдаги флора ва зоогеография об-ласти; ўсимликлар Н.о.и. б-н хайвонлар

Н.о. ининг чегараси бир-биридан бир оз фарк қилади.

Неотропик флора области. Неотропик ўсимликлар дунёси — курукликдаги асосий ботаник-географик р-нлардан бири. Янги Дунёнинг материк қисмини, шим.да Куйи Калифорниядан ва Мексика тоғлигининг жан. қисмидан то жан.да 40°ж.к.гача бўлган жойларни ҳамда Марказий Америкага ёндош ороллارни ўз ичига олган. Иклими тропик, 25° ж.к.дан жан.да субтропик ва мўътадил иқлим. Ўсимлик дунёси бой ва хилма-хил, аксари қисми мезофил ўрмон ўсимликларидан иборат. Ўсимликлар орасида асосий ўринни пантропик ўсимлик оилалари (сутламадошлар, лаврдошлар, тоғбекатдошлар, тутдошлар, пальмадошлар ва б.), шунингдек, неотропик туркум вакилларида космополит ўсимлик оилалари (қокидошлар, бугдойдошлар, бурчокдошлар, ялпиздошлар ва б.) эгаллаган. Эндемик ўсимлик оилалари кам, лекин уларнинг бир қисми (кактусдошлар ва б.) ўсимликларнинг таркиби ва умумий манзараси учун жуда тавсифли. Нисбатан турғун мухит шароитида Н.о.нинг бошка областлар флораси б-н алоқаси ва флоранинг Н.о. доирасида дифференциацияланиши неотропик флоранинг узок, вақт ажралган ҳолда ривожланганлигини кўрсатади. Н.о.нинг тропик Африка ва Шим. ярим шарнинг баланд тоғ флоралари б-н ўхшашлик белгилари жуда кўп.

Н.о. бир неча кичик областларга бўлинади. Кариб кичик области — Мексиканинг чекка қисмлари, Марказий Америка, Антил ороллари ҳамда Колумбия ва Венесуэла қирғоқлари яқинидаги ороллари ўз ичига олади. Ўсимликлари пальмадошлар, бурчокдошлар, лаврдошлар ва б. турларга бой; дарахтсимон папоротниклар ва саговниклар кўп. Кичик областнинг шим.да қарағайдошларнинг баъзи вакиллари учрайди. Эндемик ўсимликлар кўп. Ориноко саванна кичик облает и да бурчокдошлар, йирик бугдойдошлар ва б. кўп. Эндемиклар эса мезофилда учрайди. Амазонка гилея кичик

области Амазонка дарёси хавзасидаги кенг гилея ўрмонларини ўз

ичига олади (Анд тоғларининг шар-кий этаклари б-н Атлантика океани оралиғи, 6—10° ш.к.дан 10—15° ж.к.гача). Ўсимликларга жуда бой; шароитнинг бир хил бўлишига қарамай ўсимликлари ихтисослашган. Эндемик паль-малар, бурчокдошлар, сутламадошлар, маренадошлар, эпифитлардан орхидеядошлар, бромели ва ароид турлари кўп. Бразилия кичик области (курук иқлими сийрак ўрмонлар ва саванналар кичик области) — Бразилия ясси тоғлигини ва 30° ж.к.дан бошлаб шим.даги майдонларни эгаллаган. Бомбакслар, пальмалар, сутламадошлар, кактусларнинг ўзига хос турлари учрайди. Бразилия кампос (саванна)ларида дарахтсимон ўсимликлардан таш-қари, бугдойдошлар, қокидошлар, бурчокдошлар, ялпиздошлар ва б. тур-кумларнинг турлари тарқалган. Бразилиянинг жан.да тропик ва субтропик доимий яшил дарахт ва буталар араукария б-н биргалликда учрайди. Ла-Плата паппа кичик области — Анд тоғлари б-н Атлантика океани оралиғи (30° ж.к.дан жан.даги текислик даштлар). Ўзига хос бугдойдошлар, қокидошлар, итузумдошлар ва б. ўсади. Эски Дунёдан келтирилган ўсимлик турлари ҳам анчагина бор. Анд кичик области — Жан. Америка материгининг тоғлиқ қисми, Колумбиядан Чилининг ўрта қисмигача бўлган ерлар. Мезофил ўрмонлар, доимий яшил лавр ўрмонлари, баланд тоғ ўсимлик формациялари ва чўллари ўз ичига олади. Эндемик турлар ва тур-кумлар кўп. Тинч океандаги ороллари (Галапагос ва Хуан-Фернандес) флораси ўзига хос хусусиятга эга.

Неотропик зоогеография области. Жан. Америка материгини, Марказий Американинг кичик қисми (шим.да Мексика тоғлигигача), Хуан-Фернандес, Галапагос, Оловли Ер ороллари, Фолькленд, Катта ва Кичик Антил ороллари ва Багама оролларида иборат. Н.о. характерли белгилари б-н бошка областлардан фарқ

қилади, чунки Жан. Америка палеоген ва неоген даврларида бошка материклардан ажралган эди. Н.о. фаунаси турларга бой. Сут эмизувчилардан чала тишлилар туркуми (зирхлилар, ялковлар, чумолихўрлар); ке-мирувчилардан гажак думли жайралар, денгиз чўчкалари, агутилар, шиншилалар ва б. эндемик турлар куп учрайди. Ток, туёқдилардан тапирларнинг бир канча турлари, буғуларнинг бир неча уруғлари (мазамалар, пуду) ва ламалар тарқалган. Халталилар кичик син-фиға кирувчилардан плавуллар, опос-сумлар ва эндемик целолестлар оила-

си; йирткичлардан итсимонлар ва еносимонлар оиласининг бир неча тури, айикнинг бир тури, ягуар, оцелот, пума ва майда мушукларнинг бир канча тури, приматлардан кенг бурунли маймуллар учрайди. Қон сўрувчи куршапаклар бор. Дарёларда ламантин ва даредельфинлари яшайди. Қушлари жуда хилма-хил, нанду туякуши, тинаму, колибри, тутилар, чумчук, симонлар, гоацин, кондор, гарпия, ту-канлар бор. Н.о.да қушларнинг 20 дан ортик, эндемик тури мавжуд. Уларнинг айримлари Голарктика областиал хам учрайди. Судралиб юрувчилардан кай-манлар, тимсохлар, ҳар хил тошбақалар, илонлар, калтакесаклар бор. Сувда ва қуруқликда яшовчилардан оёксизлар, думсизлар (пипа курбақаси ва б.) кўпроқ тарқалган. Балиқлардан икки хил нафас олувчи лепидосирен, улкан арапайма, йирткич пиранья ва б. жуда кўп. Ҳашаротлардан чумолилар ва барг кемирувчилар учрайди. Рангбаранг қанотли катта капалаклар яшайди. Ҷримчаклардан улкан кушхўр бор.

Н.о. Гвиана-Бразилия, Патагония-Анд (ёки Чили-Патагония) ва Антил кичик областларига бўлинади. Н.о. фаунаси анча вақт ажралган ҳолда тараққий қилганлигига қарамай қўшни зоогеография областлари таъсирида таркиб топган, чунки узоқ ўтмиш геологик даврларда Австралия, шунингдек, Эфиопия областлари ва ундан кейинроқ, бошка

областлар б-н алоқада бўлган. Баъзи олимларнинг фикрича, халталилар бўр даврида Австралияга Антарктида оркали Жан. Америкадан ўтган. Ёриқ тишлиларнинг тенреklar б-н ўхшашлиги, шунингдек, ламантин ва икки хил нафас олувчи балиқларнинг мавжудлиги Н.о.нинг қадимда Эфиопия области ва Мадагаскар б-н алоқада бўлганлигини кўрсатади. Н.о.дан уй ҳайвонлари хам келиб чиққан: сут эмизувчилардан лама ва денгиз чўчкаси, қушлардан мушкли ўрдак, умуртқасизлардан кошениль шулар жумласидандир.

**НЕОФАШИЗМ** — ҳоз. ўнг, тажовузкор ҳаракатларни англаувчи тушунча. 2-жаҳон урушидан кейин тарқатиб юборилган фашист ташкилотлари (қ. Фашизм)нинг сиёсий ва ғоявий издошлари фаолиятини ифодалайди. Неофашист гуруҳлари ва партиялари террористик диктатурага интилади. Бу йўлда улар сиёсий манфаатлари мос тушган хукмрон доиралар б-н яқин алоқада бўлади. Н. ашаддий шовинизм, ирқчилик ва жаҳолатпарастлик ғояларига суянади. Ҳоз. даврда бундай кайфиятдаги гуруҳлар турли мамлакатларда пайдо бўлмоқда. Улар ҳар хил кўпоровчилик ишлари б-н демократик жараёнларга ҳалакит бермоқда. Мас, Анг-лияда «Миллий фронт», Голландия, Бельгия, Скандинавия мамлакатлари, АҚШ, Россия ва б. давлатларда неофашист гуруҳлари ва ташкилотлари фаолияти намоён бўлиб турибди. Улар турли шиорлар ва мақсадлар остида гоҳ ошқора, гоҳ яширин тусда ҳаракат олиб бормоқда. Н. халқроқ кескинлик, милитаризм ва курулланиш пойғаси та-рафдоридир. Чунки бундай шароит улар кўзлаётган мақсадларига эришиш учун қулай вазиятни юзага келтиради.

**НЕОФРЕЙДИЗМ** — ҳоз. замондаги, айниқса, америка фалсафаси ва психологиясидаги оқим. 1930-й.лар охирида психоанализни америка социологик ва

этнографик назариялари б-н бирлаштириш жараёнида пайдо бўлди. Асосий вакиллари: К. Хорни, Х. С. Салливан, Э. Фромм. Шахслараро муносабатлардаги ички психологик жараёнларнинг муҳим томонини четлаб, Н. психологик нормаларни шахснинг ижтимоий муҳитга мослашуви сифатида изоҳлайди. З. Фрейднинг либидо ва сублимация ҳақидаги таълимотини Н. четга суриб қўяди ва ё умуман ғайри-шуурийлик ролини инкор этади ёки унда ижтимоий ва психик структуралар ўртасидаги боғловчи халқани кўради.

**НЕПАЛ** (Nepal), Непал Қироллиги (Nepal Adhirajya) — Жан. Осиёда, Ҳимолай тоғининг марказий қисмида жойлашган давлат. Майд. 140,8 минг км<sup>2</sup>. Аҳолией 25,87 млн. киши (2002). Пой-тахти — Катманду ш. Маъмурий жихатдан 14 зона (zone)га, зоналар туман (district)ларга бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — конституцияли монархия. 1990 й. 9 ноябда қирол томонидан эълон қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи — қирол (2001 й.дан Гьянендра Бир Бикрам Шох Дев). Қонун чиқарувчи ҳокими-ятни қирол ва икки палатали парламент (Вакиллар палатаси ва Миллий кенгаш), ижроия ҳокими-ятни қирол ва бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Н. худудининг аксар қисмини Ҳимолай тоғлари эгаллайди. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа томон 2 тоғ тиз-маси чўзилган. Н.нинг шим. ва шарқий чегараларида Жомолунгма (Эверест, Ер юзидаги энг баланд чўкки, 8848 м) ва Канченжанга (8585 м) тоғлари жойлашган. Олдинги тизмалар анча паст (Махабхарата, 2959 м гача, Сивалик, 2277 м гача). Тоғлар оралиғида кўпгина водий ва хавзалар бор. Уларнинг энг каттаси — Катманду водийси. Жан.да Ҳиндгангтекислигининг шим. чеккаси ётади.

Иклими баланд минтақага хос су-

бэкваториал муссонли. Жан.да янв.нинг ўртача т-раси 15°, сойликларда 0—10°, 4 минг м дан юқорида йилнинг кўп вақтида т-ра манфий. Июлнинг т-раси жан.да 30°, сойликларда 20°, 4,5—5 минг м баландликларда 10°. Жан. тоғ этаклари ва ён бағирларида йилига 2000 мм дан ортик, сойликларда 1500 мм дан кам ёғин тушади.

Дарёлари жўшқин, катта гидроэнергия захирасига эга. Йирик дарёлари: Карнили, Гандак, Коси, Бағхмати. Ҳимолай этаклари ва жан. ён бағирларида муссон иклими ўрмонлар, бот-қокликларда чангалзорлар, қияликларнинг ўрта қисмида доим яшил ўрмонлар, 3 минг м дан юқорида игна баргли ўрмонлар, 4 минг м дан юқорида чангалзорлар, субальп ва альп ўтлоқлари бор. Ҳайвонот дунёси бой ва хил-ма-хил. Чангалзорларда фил, йўлбарс, леопард, каркидон, тўнғиз, турли май-мунлар, қушлардан тўтиқуш, товус учрайди. Заҳарли илон кўп. Тоғларда Ҳимолай айиғи, қор қоплони, архар ва ёввойи эчкилар яшайди. Лантанг, Сагарматха, Читауэн миллий боғлари бор.

Аҳолиси ҳинд ва тибет-хитой тили оиласининг 60 тил ва шеvasида сўзлашади (шундан 14 таси ўз ёзувига эга). Асосий халқи непаллар (52,3%) мамлакатнинг маркази ва жан.-ғарбида яшайди. Майтхиллар, бхожпурлар, та-манглар, тхарулар, неварлар ҳам бор. Давлат тили — непал тили. Аҳолининг 90% га яқини хиндуиликка эътиқод қилади, 7,5% будда, 2% га яқини ис-лом динида. 10%га яқин ақоли шаҳарларда истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари: Катманду, Биратнагар, Патан, Бхактапур.

Тарихи. Мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталарида тоғ этакларидаги чангалзорларда видех, шакья, малла, личчхавларнинг қабила бирлашмалари яшаган. Мезолит даврида тоғ водийларига негр-австралоид ва монголоид қабилалари (невар, кирати ва б. халқларнинг аجدодлари) келиб ўрнашган. Милоднинг дастлабки асрларида Н. (Катманду) водийсида Невар

давлати пайдо бўлган. У ҳинд маданияти таъсирида ривожланган, Тибет ва Хитой б-н алоқа ўрнатган. 15-а.да Невар бир неча майда давлатлар (Бҳадгаон, Патан, Катманду, Жумла, Палпа ва б.)га бўлинган. Н.нинг шарқий қисмида бирлашган кирати ва лимбу қабилалари жойлашган эди. Ҳиндистондан Н.га кўплаб хинд-орий аҳолисининг кўчиб келиши (12-а.) ва уларнинг маҳаллий магар, гурунг ва б. қабилалар б-н аралашиб кетиши натижасида кхас-кура (ҳоз. Непал) тилида сўзлашувчи кхас халқи шакллана бошлади. 15—16-а.лардакхаслар Н. худудида энг йирик этник гу-рухга айланди. 16—17-а.ларда кхас-ма-гарларнинг Гуркх давлати кучайди. Унинг ҳукмдори Рам Шох (1605—32 й.лар ҳукмронлик қилган) ҳокимиятни марказлаштириш мақсадида бир неча маъмурий ислоҳлар ўтказган, қонулар тўлламини мукамаллаштирган. Нараян Притхви даври (1742—69)да Гуркх давлатига кўшни давлатлар кўшиб олиниб, марказлашган Н. давлати пайдо бўлди.

18-а. охирига келиб, Н. худуди ғарбда Кашмир, шарқда Секкимгача кенгайди. 18-а.нинг 2-ярмидан Н.га Англиянинг Ост-Индия компанияси хавф сола бошлади. 1814 й. компания гуркхларни инглиз чегара постларига ҳужум қилишда айблаб, Н.га уруш эълон қилди. Н. кўшинлари инглизларнинг ҳарбий кучларига қарши тура олмади. 1816 й. Н. Англия б-н асоратли шартномага имзо чекди. Шартномага кўра, Катмандуда Англиянинг резиденти бўлишига рухсат этилди; мамлакатнинг ташқи сиёсати бутунлай инглизлар назорати остига ўтди. 1846 й.да компания Рана уруғи бошлиғи Жанг Бахрдирга давлат тўнтариши ўтказиб, ҳокимиятни эгаллашда ёрдам берди. Қирол номигагина давлат бошлиғи бўлиб қолди. Рана уруғидан чиққан ҳокимлар ташқи сиёсатда инглизлар кўрсатмасига мувофиқ иш кўрдилар. Н.нинг ташқи давлатлардан ажратиб кўйилганлиги, мамлакат бойликлари чет элга олиб кетилиши, мамлакатнинг гео-

график ва иқтисодий жиҳатдан ажралганлиги ишлаб чиқа-рувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

2-жаҳон урушидан сўнг Осие мамлакатларидаги миллий озодлик курашининг муваффақиятлари ва мустамлакачилик сиёсатининг инқирози Н. халқига қарамликдан қутулиш учун қулай имконият яратди. Ҳиндистондаги непаллик сиёсий муҳожирларнинг фаолияти кучайди. Калькуттада Н. миллий конгресси партиясига асос штили (1947). Рана ҳукмронлигига қарши бирлашган фронт тузилди ва унинг ҳаракати натижасида Рана ҳукмронлиги тугатилди (1951). 1951 й. 18фев.дабош вазир мансабининг наслдан наслга утиши бекор қилинди. Н.нинг муваққат кон-ституциясида партия ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқи, умумий сайлов ҳуқуқи эълон қилинди. 1959 й. парламентсайло-вида Н. конгресси партияси ғалаба қозонди. Бу ҳукумат ер ислоҳоти ўтказиш, маъмурий аппаратни ва суд ишларини қайта ташкил этиш, меҳнаткашлар аҳво-лини яхшилашга ваъда қилди, лекин уларни амалга ошира олмади.

Ижтимоий ва иқтисодий низолар кескинлашган шароитда қирол Махендра Бир Бикрам Шох Дев (1955—72 й.лар Н. кироли бўлган) парламент ва ҳукумат аъзоларини тарқатиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди (1960 й. 15 дек.). Барча сиёсий партия ва таш-килотларнинг фаолияти тақиқланди. Янги конституция (1962) га мувофиқ, Н.да панчаятлар — маҳаллий ва мар-казий ҳокимият (Миллий панчаят) ижроия органлари тартиби ўрнатилди. Ҳукумат назоратидаги деҳқонлар, ишчилар, ёшлар, хотин-қизлар, болалар ташкилотлари тузилди. Балоғатга етмаганларни никоҳдан ўтказиш, турли меҳнат мажбурияти, мажбурий меҳнат шакллари тақиқланди, каста (табақа) тизими бекор қилинди. Н. — 1955 й.дан Кўшилмаслик ҳаракати, 1956 й.дан БМТ аъзоси. Н. қироллиги 1992 й. 2 янв.да ЎЗР суверенитетини тан олган. Миллий байрами — 28 дек. — қирол туғилган кун (1945).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмала-

ри. 1961 й. 5 янв.да қирол фармони б-н мамлакатдаги барча сиёсий партиялар тақикданган эди. 1979 й. 2 майда куп партияли тизимга қайтиш масаласи юзасидан миллий референдум ўтказилди. 1990 й. 11 апр.да сиёсий партияларнинг ошкора фаолиятига ижозат берилди. Асосий партия ва қасаба уюшмалари: Миллий демократик партия, 1990 й. майда асос солинган; Н. конгресси партияси, 1947 й.да тузилган, 1960 й. дек.да тақикланган, 1990 й. апр.дан яна ошкора фа-олият бошлаган; Н. коммунистик партияси, 1991 й.да тузилган. Н.нинг барча қасаба уюшмалари 1990 й. 11 апр.дан ошкора фаолият кўрсата бошлади.

Хўжалиги. Н. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 60%, саноат ва қурилишнинг улуши 14%. Иқтисодий фаол аҳолининг 92% аграр соҳада банд.

Қишлоқ хўжал и гининг асосий маҳсулоти — шולי. Н.да шакарқамиш, жут, чой, тамаки, ер ёнғок, хантал, буғдой, маккажўхори, соя, цитрус мевалар, арпа, жавдар, картошка, қора бушой, тоғ шолиси, беда, зираворлар ҳам етиштирилади. Уларнинг баъзилари 4 минг м баландликда экилади. Н. шим.да қўтос, цзо (қўтос б-н сигирнинг дурагайи), қўй, эчки, ўрта ва жан. қисмида зебусимон сигир ва буйвол боқилади. Қорамолдан, асосан, улов сифатида фойдаланилади. Тоғ ўрмонларида ёғоч тайёрланади.

Саноати аксарият кичик ва ярим кустар корхоналардан иборат. Уларда қ.х. маҳсулотлари қайта ишланиб, озик-овқат ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Бирганж, Биратнагарда қанд-шакар, Жанакпурда тамаки, шולי оқлаш ва б. озик-овқат корхоналари, жут ва ип газлама фкалари бор. Ёғочсозлик, қоғоз, кимё, чарм пойаб-зал, ғишт-черепица и.ч., темирчилик корхоналари мавжуд. Хунармандчилик ривожланган. Фойдали қазилмалар — кўмир, олтин, оҳақтош, темир руда, сланец, мис, қўрғошин, слюда, магнезит, тальк, охра конлари топилган бўлса ҳам, деярли

ўзлаштирилмаган. Улардан оз миқдорда кустар усудда қазиб олинади. Йилига ўртача 740 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Транспорти суст тараққий этган. Автомобиль ва от-улов йўллари уз. — 7007 км, тор изли т.й. узунлиги — 104 км; 42 км.лик осма йўл бор. Ҳиндистон, Бангладеш, Мьянма, Покистон, Таиланд б-н авиация қатнови йўлга қўйилган.

Н. четдан машина-ускуналар, нефть маҳсулотлари, саноат моллари, автомобиллар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, станоклар, электр асбоблари, қурилиш материаллари олади. Четга гилам, жут ва ип газламадан тайерланган буюмлар, шולי, хом тери, мойли экинлар маҳсулоти, доривор ўтлар, зираворлар, бадиий хунармандчилик буюмлари чиқаради. Ташки савдодаги асосий мижозлари: Ҳиндистон (товар айланмасининг 30% дан кўпроғи), Германия, Япония, Хитой, АҚШ, Швейцария, Бельгия, Сингапур. Чет эл сайёҳлиги ва альпинизм ривожланган. Пул бирлиги — не-пал рупияси.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 1950-й.ларнинг бошида мамлакат аҳолисининг 96% саводсиз эди. 2000 й. арафасида аҳолининг саводхонлик даражаси 40% га етди. Н.да ўрта таълим умумий, касб-хунар ва санскрит мактабларига бўлинади. Қ.Х., техника, ўрмоншунослик, кончил и к мактаблари, тиббиёт ва пед. би-лим юртлари бор. Энг йирик илмий ва ўқув маркази — Трибхуван номидаги ун-т бўлиб, унинг хузурида 11 коллеж (Миллий коллеж, Тричандра коллежи, савдо-сотик, ҳуқук, санскрит коллежи ва б.) ташкил этилган. Н. Қироллик академияси адабиётшунослик, тилшу-нослик, санъатшунослик, маданият, Н. тарихига оид китоблар, дареликлар, луғатлар нашр этади. Катмандуда Миллий кутубхона, Трибхуван номидаги ун-т кутубхонаси, Марказий кутубхона, Н. Миллий музейи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Н.да 400 дан кўпроқ газ. ва жур. нашр этилади. Энг муҳимлари:

«Аваж» («Овоз», непал тилида чиқадиган ҳафталик газ.), «Арати» («Чирок», непал тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1966 й.дан), «Арпан», («Фи-дойилик», непал тилида чиқадиган ҳафтанома, 1964 й.дан), «Горкхпатра» («Гуркхлар газетаси», непал тилида чиқадиган кундалик газ., 1954 й.дан), «Коммонер» («Оддий инсон», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1954 й.дан), «Мазерленд» («Ватан», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1957 й.дан), «Непали» («Непаллик», хинд тилида чиқадиган кундалик газ., 1958 й.дан), «Райзнинг Непал» («Тиклана-ётган Непал», инглиз тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1965 й.дан) «Самикша» («Танкид», непал тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1958 й.дан). Раштрия Самачар Самити — РСС миллий ахборот агентлиги 1962 й. да тузилган. Н. радиоси 1951 й.дан, Н. телевидениеси 1986 й.дан ишлайди.

Адабиёти. Н. адабиёти санскрит, непал ва невар тилларида. Кдд. адабий ёдгорликлар — эпиграфика (мил. 1-минг йилликнинг ўрталари), вашша-вали, маҳатмья — «Сваямбху пурана» (10-а.), «Непали маҳатмья» (11 — 15-а.лар) санскрит тилида яратилган. 15-а.дан бошлаб дунёвий адабиёт юзага келди. Поэзияда ступи жанри (худо ва қирол оиласи шаънига тўқилган мадҳиялар) асосий ўринни эгаллади, ишқий лирика ривожланди. 18-а.гача «Маҳабхарата», «Рамаяна» ва пураналардан драмалар учун сюжетлар олинди.

19-а.да непал тилининг давлат тилига айланиши б-н непал адабиёти яратила бошлади. Басанта, Индирас, Ядунатх, Рагхунатх, Б. Кесари каби шоирлар анъанавий сюжет (Кришна ҳаёти та-рихи ва б.)дан фойдаландилар. Бханубхакта Ачаря ижоди шеърятда янги босқич бўлди. 19-а. бошида насрий асарлар ҳам ёзила бошлади (Матсьенд-ранатҳа тўғрисида ривоят» ва б.). 1888 й. маърифатпарвар Мотирам Бҳатта Н.да биринчи ойнома — «Гуркх Бҳарат жи-ван»га асос солди. 20-а.да шоир Дх. Коирала биринчи

бўлиб оддий инсон мав-зуга мурожаат қилди. Н. адабиёти хинд чҳаявадаси (романтизми) ва инглиз романтикаси таъсирида ривожланди. Г. Майнали, П. Шалишер, Б. Бҳикшу, К. Малла, Б. Тивари, М. Коирала, Б. П. Коирала, Готҳале ва б.нинг ўрта ва қуйи табақа аҳоли ҳаёти тасвирланган ҳико-ялари босилиб чиқди. Рудрааж Пан-дейнинг «Рупмати», «Севги», «Гуноҳини ювиш», Рамирасаднинг «Такдир гар-диши» романларида маънавий камолотга етиш гоёси акс эттирилган. 30-й.ларда драматург Б. Сама ўз пьесалари («Мен», «Севгига бағишланган») да ёш болалар никоҳи ва хотин-қизлар ҳуқуқсизлигига қарши чиқди. 1951 й. Рана сулоласининг ағдарилиши Н. адабиётида ҳам ўз аксини топди. 50-й.лар шеърятда барча ирк ҳамда халқлар ўртасида тинчлик ва биродарлик гоёлари куйланди.

Невар тилидаги адабиёт 14-а. охиридан бошлаб ривожланди. 15-а.да тарихий воқеаномалар, афсона ва ривоятларга бой ваншаваллар яратилди. Невар тилига санскрит, форс ва араб тилидаги асарлар, «Минг бир кеча» ва б. таржима қилинди. Ёзувчи Ништҳананд Бажрачаря (1858—1935) диний асар — «Аъло донишмандлик»ни санскритчадан таржима қилди (1909) ва Будда ҳаётига оид «Чексиз уфқлар» насрий асарини ёзди. 1925 й. асос солинган «Буддха дҳарма патрика» жур. невар адабиётининг ривожланишига туртки берди. 1951 й.га келиб, Рана сулоласи ағдарилгач, невар адабиёти кенг ривожланиш имкониятига эга бўлди. Чет элларга кетган кўпгина адиблар ватанга қайтди. 1951 й. «Невар тили жамияти» тузилди, у невар тилида асарлар нашр этди. Сударшан Срамарен, Сатя-моҳан Жўши, Ҳемлал Жўшилар тари-хий драмалар яратдилар. Ишварананда Шрестҳачаря «Кўзгу», «Совуқ қон» романларида шаҳар ўрта табакасининг оғир ҳаётини тасвирлади. Шоирлардан Д. Шрестха, К. Чандра, Кхвабилу ва б. ватанпарварлик руҳида шеърлар ёзди.



Меъмори ва тасвирий санъати. Қад. Н.да Катманду яқинида Бодхнатх ва Сваямбхунатх ибодатхоналари (иккови ҳам мил. ав. 3-ага мансуб) катта тошлардан ярим гумбазли, минорали қилиб қурилган. 15—18-а.да барпо этилган ибодатхоналар ҳиндларнинг жим-жимадор галереяли, гумбазли эҳромлари (Патандаги Кришна-Мандир, 15—17-а.лар)ни ҳам, хитойларнинг рангдор ёғоч ўймакорли пагода (Бҳак-тапурдаги «55 деразали сарой», 1697; Нъятапол эҳроми, 1700—08) ларини ҳам эслатади. 19-а. охиридан форс ва араб, 20-а. бошларида Европа неоклассик меъмори таъсири сезила бошлади. 1950 й.дан Катманду, Жанакпур ва б. шаҳарларда замонавий бинолар қурила бошлади.

Ўрта аср Н. ҳайкалтарошлиги Ҳиндистоннинг Гупталар сулоласи ҳукмронлиги давридаги санъати ва Гандҳа-ра санъати, рассомчилиги эса (11 — 14-а.лардаги қўлёмалардаги миниатюралар) Шим.-Шарқий Ҳиндистон рассомчилиги б-н яқин. 16—17-а.лар санъати раджпут (Ҳиндистон), шунинг-дек, бобурийлар миниатюра мактаби б-н боғланган. 15—18-а.ларда матога солинган расмлар (тибетча «танка» санами тоифасида) кенг тарқалди. 20-а. рассомчилиги «Бенгалия Уйғониш дав-ри» ҳамда Европа реалистик рассомчилиги таъсирида ривожланди.

Н.да қадимдан ёғоч ва суяк ўймакорлиги, бамбукдан сават тўқиш, қулолчилик, жун ва шойи газламалар, гиламлар тўқиш, олтин ва қумуш тақинчоқлар ясаш урф бўлган.

Театри ва мусиқаси. Қадимдан театрларда халқ томошалари — нритя (нач)лар кўрсатилган. Ҳар бир халқнинг рамзий маънодаги рақс томошалари бўлган: деви нритя, гхату нритя (худолар ва афсонавий қахрамонлар ҳаёти) ва бара масе (никоҳ, ҳосил байрамлари ва б.). 15—18-а.лардаги халқ рақс томошалари 20-а.да ҳоз. шаклини олди. «Маҳақали», «Харисидҳа», «Пачали», «Канкешвари», «Гҳантешвари» каби халқ томо-

шалари тез-тез кўрсатилган. Бҳактапур ш.даги Суварна Малла са-ройида «Нав Дурга», «Маҳалакшми» ва б. томошалар кўйилган. 3 соат давом этган томошада актёр 8—10 ибора ай-тиб, хор жўрлигида шу сўзларнинг маъносини ўйин б-н очиб берган. Турли халқ томошалари таъсирида Н. мумтоз театр жанри — гитинатя (хореог-рафик спектакль) пайдо бўлди.

20-а. 40-й.ларида бир пардали драма ривожланди. Драматургиянинг ривожланишига карамай, доимий драматик театр бўлмаган, қаваскорлик труппалари томошлар кўрсатар эди. 1973 й. охирида мусиқали рақс ҳаваскорлар жамоаси мажозий гитинатя «Ҳимоя»ни кўйди. Унда худолар ва афсонавий қахрамонлар б-н бир қаторда замонавий қахрамонлар ҳам иштирок этади. 70-й.ларда бу жамоа профессионал труппага айлантирилди. Кейинли йилларда муал-лифлар вокеликни тасвирлай бошладилар. Н. радиоси хузуридаги ярим ҳаваскор театр жамоаси замонавий спектакллар кўрсатади. 1973 й.да профессионал мусиқа жамоаси ташкил этилди. Қироллик академияси хузурида мусиқд, халқ рақс ва ашула бўлими бор. Замонавий композиторлар орасида Шива Шанкар, Ната Кажя ва б. машхур.

**НЕПАЛ ТИЛИ**, непалий, най пали, горкхалий, кхаскура — ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб, асосан, Непал Қироллигида, қисман Ҳинди-стон шимоли ва Бутанда тарқалган тил. Сўзлашувчиларнинг умумий миқдори 10 млн. кишидан ортқроқдир. Тузилиши жиҳатидан ҳиндий ва шарқий ҳинд-орий тиллари (Мас, бенгал тили) ўртасидадир. Диалектал томондан марказий (Катманду водийси), ғарбий, шарқий ва тоғ этаклари лаҳ-жаларига бўлинади. Оғзаки тилга қўшни тибет-бирма тиллари, хусусан, невари тили сезиларли таъсир курсатган. Адабий тили Катманду шеvasи асосида шаклланмоқда, шу сабабли ёзма нутқда оғзаки тил унсурлари кўплаб учрайди.

Н.т.даги ҳоз. адабиёт 19-адан яратила бошлаган; амалда деванагари ёзуvidан фойдаланилади.

**НЕПАЛЛАР** (кхаслар, ўзларини — непали деб аташади) — 1) халқ, Непалнинг асосий аҳолиси (11,3 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). 2,1 млн. киши Ҳиндистонда яшайди. Непал тилида сўзлашади. Диндорлари — ҳиндуизмга эътиқод қилади. Антропологик жиҳатдан монголоид ва европеоид ирқлариға бўлинадилар. Н.нинг шаклланишида кхаси (гуркх) қабилалари иттифо-қиға кирган халқлар етакчи роль ўйнаган. Деҳқончилик (шоли), чорвачилик, хунармандчилик б-н шуғулладилар. **НЕПЕР** (Napier) Жон (1550, Мерчис-тон-Касл, Эдинбург яқинида — 1617.4.4) — логарифмларни кашф қилган шотланд математиги. Эдинбург ун-тида ўқиган. «Логарифмларнинг ажойиб жадвали тавсифи» (1614) ишида Н. логарифмларға таъриф берган, уларнинг хоссалари ва қўлланилишини тушунтирган. «Логарифмларнинг ажойиб жадвалини тузиш» (1619) ишида 1614 й.даги «... тавсифи»да баён этилган логарифм назарияси ва ўнли логарифмлар ғояси баён қилинган.

Н.ға сферик учбурчакларни логарифмлаш учун бир қатор қулай ечиш формулалари ҳам тааллуқли.

**НЕПЕР**,  $N_n$ ,  $N_p$  — логарифмик нисбий катталиқ (иккита бир хил номли физик катталиқлар нисбатининг нату-рал логарифми) бирлиги; Ж. Непер номи б-н аталган.  $F_2/F = e^{-2,1x\%}$  бўлганда  $1/N_n = \ln(F_2/F)$ , бунда,  $F_2$  ва  $F_1$  — физик катталиқ (кучланиш, ток кучи, босим ва б.) қийматлари;  $e$  — натурал логарифм асоси. Электро-техникада  $1/N_p = 0,868$  бел = 8,68 дБ.

**НЕПЕР СОНИ** (есони) -  $(1 + i)^n$  ифоданинг  $n$  чексизға интиладиган лимита,  $e = \lim(1 + i)^n = 2,718281828459045\dots$ , натурал логарифмнинг асоси. Ш. Эрмит (1873) Н.с. трансцендент сон эканли-

ғини исботлаган. Н.с. Ж. Непер номиға қўйилган.

**НЕПЕСОВ** Ғойиб Непесович (1907, Тошхувоз вилояти Кўҳна Урганч тумани, Туркменистон — 1976, Нукус) — тарихчи олим, Туркменистон ФА акад. (1951), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), тарих фанлари док-тори, проф. (1950). Ашхобод педагогика ин-тини туғатган (1939). Тошхувоз Ўқитувчилар ин-ти директори (1942—47), Туркменистон ФА тарих, археология ва этнография ин-ти илмий ходими (1953—59), Ашхобод педагогика ин-ти кафедра мудири (1962—65), Қр-рақалпоқ педагогика ин-ти кафедра мудири (1966—70). Илмий ишлари Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистоннинг 20-а. 1-ярмидаги тарихиға бағишланган.

**НЕПОМНИН** Владимир Яковлевич (1906.9.1, Днепрпетровск — 1978, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), тарих фанлари д-ри (1962), проф. (1963). Ўрта Осиё ун-ти ху-қуқшунослик фа-кулъетида (1934—36), партия ишларида (1937-45) ишлаган. «Правда Востока» газ. муҳар-рири (1946—48), Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори (1948-51), директор ўринбосари (1951—57), ТошДУ кафедра мудири (1965—70). Илмий ишлари Ўзбекистоннинг 20-а. 1-ярми тарихиға бағишланган.

**НЕПТУН** — Рим мифологиясида дастлаб булоқ ва дарёлар худоси, кейин юнонлар худоси Посейдон б-н айналлаштирилиб денгизлар худоси сифатида сиғинилган. Римда Фламиния циркида Н.ға бағишланган ибодатхона қурилган. Н. кўчма маънода — денгиз стихияси.

**НЕПТУН** — Қуёш системасида Қуёшдан узоклиги бўйича 8-сайёра. Кўзға кўринмайди, белгиси if ёки Т. Француз астрономи У. Леверьенинг ма-

тематик ҳисоблари асосида 1846 й. немис астрономи И. Галле кашф этган. Қуёшдан ўртача узоклиги 30,071 астрономик бирлик (4498,6 млн. км). Орбитасининг эксцентриситети 0,008, орбита текис-лиги эклиптика б-н  $Г46'$  бурчак таш-кил этади. Қуёш атрофидаги айланиш даври 164,788 й., ўз ўқи атрофида 16 соатда айланиб чиқади. Н.нинг экваториал радиуси 24750 км, массаси Ер массасининг 17,25 бараварига тенг. Н. моддасининг ўртача зичлиги бошқа гигант-сайёраларники каби  $1,71 \text{ г/см}^3$  га тенг. Экваторда оғирлик кучи тезланиши  $15\text{м/с}^2$ , Н. сиртида иккинчи космик тезлик  $25 \text{ км/с}$ . Н. атмосфераси водороднинг метан б-н бир оз аралаш-масидан иборат молекулаларидан ташкил топган. Н. ташки қатламнинг т-раси  $200^\circ$  атрофида. Оддий кўз б-н Н.ни кузатиб бўлмайди. Телескопда бурчак диаметри тахм. 2,5» бўлган яшил диск бўлиб кўринади. Н.нинг 8 та та-биий йўлдоши бўлиб, улардан 2 таси катта — Нерида ва Тритон бор.

Н.нинг кашф этилиши астрономиянинг катта ютуқларидан биридир. Уран кашф этилгандан икки йил ўтгандан кейин, 1783 й. рус астрономи А. Н. Лек-сель (1740—84) унинг ҳаракатини ўрга-ниб, Ураннынг ҳисобланган йўлдан мунтазам равишда оғишини аниқлади, бу оғиш 8-номайлум сайёранинг таъсири эканлигини айтган. Бу гипотезани француз физиги Д. Ф. Араго қўллаб-қувватлаган. Ж. К. Адаме ва У. Леверьелар бир-биридан мустақил ҳолда унинг ўрнини мустақил ишлаб чиққан.

**НЕПТУНИЗМ** (лот. Neptunus — рим мифологиясидаги денгиз ва сув худоси Нептун номидан) — геол. фанида 18-а. охири ва 19-а. бошида кенг ўрин олган концепция. Бунга кўра, барча тоғ жинслари (жумладан, отқинди жинслар ҳам) Ер юзини бутунлай қоплаган дастлабки Дунё океани сувида ва бутун олам тўфони сувида чўкиши натижасида пайдо бўлган деган тасаввур ҳукмрон эди. Н.

асосчиси — немис олими А. Г. Вернер. Бу концепция геология Фан сифатида шаклланаётган, лекин тўфон (оламини сув босиши) ҳақидаги ривоят таъсиридаги вақтда вужудга келган. Н.нинг энг танилган тарафдорлари (Германияда — А. Г. Вернер, Францияда — А. Делюк, Букж Британияда — Р. Кирван) плуто-нистларнинг интрузив тоғ жинслари магманинг совиб қришидан пайдо бўлади, деган тўғри фикрларини инкор этдилар. Улар тоғ жинсларининг бир жойда қатламланиб ётиш таркибини барча материкларга ҳам хос деб тушунтиришди. Тоғ жинсларини 2 гуруҳга бўлишди: «дастлаб вужудга келган» Дунё океани сувида кимёвий кри-сталланиш йўли б-н вужудга келган жинслар (гранит, гнейслар, кристалли сланецлар ва б. отқинди ва мета-морфик жинслар) ва улар устида ётувчи «флеци» ёки қатламли жинслар (оҳақтош, тошқўмир, гипс, тош тузи ва б.). Бу жинслар нептоунистлар томонидан тўфон давридаги «механик» ётқизиклар деб қаралди. Тектоник ҳаракатлар тан олинмади. Вулкан жинслари Ер пўстида оз тарқалган ва улар Ер пўстида кўмирнинг ёнишидан ҳосил бўлади деб қаралди. 19-а.нинг 20-й.ларидан отқинди жинсларнинг магмадан вулкан отилиши йўли б-н келиб чиқиши тўғрисидаги таълимотни кўпчилик эътироф этгандан кейин Н. ўз аҳамиятини йўқотди.

**НЕПТУНИЙ** (Нептун планетаси но-мидан олинган; лот. Neptunium), Np — сунъий радиоактив кимёвий элемент; актиноидлар оиласига мансуб. Тартиб рақами 93, масса сонлари 227—241 га тенг бўлган 15 та изотопи маълум. Энг барқарор изотопи  $^{237}\text{Np}$  ( $T_{1/2}=21,14\text{-}10(1 \text{ й.}, \text{ а-нурланувчи})$ , ат.м. 237,0482. Америка олимлари Э. Макмилан ва Ф. Эй-блсон топган (1940). Н. боғланувчан, кумуш рангли юмшоқ металл, зичлиги  $20,45 \text{ г/см}^3$ , суюқланиш т-раси  $640^\circ$ , қайнаш т-раси  $4082^\circ$ . Н.нинг  $^{237}\text{Np}$  изотопи  $^{23}(\text{iPu}$  и.ч.да бошланғич материал ҳисобланади.

**НЕРВ**, нервлар (юн. neuron — тола, ип), асаб — мураккаб анатомик тузилма. Бош мия, орқа мия ва нерв ту-гунларини гавданинг бошқа аъзо ва тўқималари б-н боғлайди; асосан, нерв толалари тутам идан иборат. Бу толалар бириктирувчи тўқималар пардаси б-н қопланган. Одам ва умуртқали ҳайвонларда бош миядан боги мия нервлари, орқа миядан эса орқа мия нервлари чиқади. Бир нечта Н.лар нерв чигалини ҳосил қилиши мумкин. Марказга интилувчи ёки сезувчи ва марказдан қочувчи ёки ҳаракатланувчи Н. толалар фарқ қилинади. Марказга интилувчи толалар орқали мияга импульслар йўналади, марказдан қочувчи толалар эса скелет мускулларига импульслар ўтказиши; ички аъзоларга вегетатив (симпатик ва парасимпатик) толалар келади. Маълум соҳаларда сезувчи Н. толалари юзага (тери ости ва шиллиқ пардаларга) чиқади. Н. толаларининг чиқиш жойи аниқ, билиш игна санчиб даволашаа муҳим ақамиятга эга. Н.лар зарарланганда сезувчанлик бузилгани ёки оғриқ пайдо бўлади, ши-кастланган Н. толалари борадиган мускуллар фалажланади. Тўқималарда мод-далар алмашинувини бошқариб тура-диган трофик импульслар Н. орқали ўтади. Шу сабабдан Н. шикастланганда ёки касалланганда терида яра пайдо бўлади, бўғимлар деформацияланади.

**НЕРВ ИМПУЛЬСИ** - нерв толалари бўйлаб тарқаладиган қўзғалиш тўлқинлари. Невр хужайралари (нейронлар) қўзғалганда пайдо бўлади. Сигналларни сезувчи периферик нерв учлари (ре-цепторлари)дан марказий нерв системасига ва ундан ижрочи аъзолар (мускуллар ва безлар)га ўтказиб беради. Н.и. асосида электр кимёвий реакциялар ўтади. Импульс ўтказиш тезлиги 0,5 дан 120 м/сек. гача. Н.и. нейрондан нейронга синапслар орқали ўтади.

**НЕРВ КАСАЛЛИКЛАРИ**, асаб ка-

салликлари — нерв системалар касалликлари. Марказий ва периферик нерв системасининг бирор сабабга қўра умуман ёки қисман шикастланиши натижасида келиб чиқади. Н.к. органик ва функционал бўлади. Органик Н.к. заминиди марказий ва периферик нерв системасининг анатомик структур ўзгаришлари ўтади. Бунга инфекция ка-салликлар, интоксикация, шикастла-нишлар, ўсмалар, томир касалликлари ва б. сабаб бўлади. Бош ёки орқа миянинг турли қисмлари зарарланиши б-н кечадиган органик Н.к.да периферик нерв системасида фалаж, тиришиш, гиперкинезлар, рефлекслар издан чиқиши, сезувчанлик, оғриқ ва б. сезиларнинг бузилиши кузатилади. Функционал Н.к.да нерв системасида айтарли анатомик ўзгаришлар бўлмайди, бунга неврозлар киради. Невр системасининг ирсий касалликлари (миопатия, миотония ва б.) алоҳида гуруҳни ташкил ўтади. Н.к.ни неврология ва невропатология фани ўргангани. Н.к.дан неврозлар, инсульт, энцефалит, менингит, полиомиелит, неврит, радикулит, эпилепсия ва б. учрайди.

**НЕРВ МАРКАЗИ** — нерв хужайралари (нейронлар) мажмуи. Одам, умуртқали ҳайвонлар ва айрим умурткасизлар организмнинг бирор функциясини бошқариш, рефлекс ҳосил бўлишида қатнашади. Оддий Н.м. ганглий ҳосил қилувчи бир неча нейрондан тузилган. Юксак даражадаги ҳайвонлар ва одамда Н.м. марказий нерв системаси таркибига кириб, бир неча минг, баъзан бир неча млн. нейронлардан ташкил топган. Организмнинг қўлчилик функци-ялари марказий нерв системасининг турли қисмларида жойлашган бир қанча Н.м. томонидан бошқарилади (Мас, кўриш системасининг Н.м. ораликмия, ўрта мия қатта ярим шарлари пўстло-ғида жойлашган). Сезги аъзолари ёки бошқа Н.м.дан нерв импульси тарзши келаётган маълумотлар қар бир нерв марказининг кириш канали орқали ўтади. Бу

маълумотларни Н.м.нинг нейронлари анализ ва синтез қилиб, уларга тегишли жавоб қайтаради. Н.м. таркибига ритмни бошқарадиган нейронлар ҳам кириши мумкин. Улар нерв им-пульсарини вақт-вақти б-н бошқариш хусусиятига эга. Н.м. фаолиятининг асосий моҳияти доминантлар принципига асосланган.

**НЕРВ ОХИРЛАРИ**, терминаллар — нерв хужайраларининг ўсиқчалари (аксонлар) охиридаги тузилма; ўсиқчаларнинг тўқималар, мускуллар, безлар, қон томир деворлари ёки бошқа бир нейронга келиб туташиш — синаптик контакт ҳосил қилиш жойи; таъсиротни қабул қилиш ва узатиш вази-фасини ба-жаради. Сезувчан ёки рецептор Н.о. — рецепторлар ва эффектор Н.о. ажратилади. Рецепторлар организмдаги ҳамма аъзо ва тўқималарда бўлиб, ташқи ёки ички муҳит таъсиротларини қабул қилади. Эффектор Н.о. кўзғалишни нерв толаларидан, шу толалар борадиган туқимага, шунингдек, бош-қа нерв хужайраларига ўтказиб беради. Н.о. функциясига, контакт ҳосил қилиш муҳитига қараб тугма-часимон, ҳалқасимон, пластинкасимон, тугунсимон бўлиши мумкин.

**НЕРВ РЕГУЛЯЦИЯ** - нерв системанинг хужайра, тўқима, аъзоларга улар фаолиятини организм эҳтиёжи ҳамда ташқи муҳит ўзгаришига муво-фик ҳолда уйғунлаштирувчи таъсири. Кўп хужайрали организмлар ўз ҳаётий жараёнлари (ўсиш, ривожланиш, ташқи омиллардан таъсирланиш ва ҳ.к.да бир бутунлигини намён этади. Буни бир неча бошқарувчи механизмлар, айниқса, қайвонларда муҳим аҳамиятга эга бўлган Н.р. таъминлайди. Н.р. натижасида хужайра, аъзолар фаолият-ти тўхташи, кучайиши, секинлашиши. функционал ва биокимёвий ҳолати. тузилиш хусусият-лари ўзгариши мумкин. Нерв системаси йўқ кўп хужайралилар (ўсимлик, ҳайвон эмбриони ва булутлар)да функциялар хужайраларнинг ўзаро таъсири (ионли,

метаболи-тик ва б.) орқали тартибга со-линади. Бир хужайра фаолияти бошқа хужайра-рада ҳосил бўлган моддалар алма-ши-нуви маҳсулоти б-н бошқарилади (қ. Гуморал регуляция). Бирон-бир хужайра мембранасида вужудга келган кўзғалиш баъзан хужайрадан хужайрага ўтиши мумкин. Шу тариқа ҳайвонларнинг эволюция жараёнида, асосан, 2 хил уйғунлаштирувчи механизм — Н.р. ва гормонал регуляция пайдо бўлган. Шун-га кўра, 2 хил модда — гормонлар ва ме-диаторлар ажратилади. Гормон бу-тун организмга қон б-н тарқалгани са-бабли гормонал регуляция кенг доирада секин, Н.р. эса тор доирада тез амалга оширилиши мумкин. Н.р. тез тарқалувчи нерв импульси таъсирида нерв учида хужайраларга тўғридан-тўғри медиатор-лар ўтиши туфайли содир бўлади. Н.р. б-н гормонал регуляция ўртасида кес-кин чегара йўқ, чунки баъзи нерв учи актив моддаларни қонга ажратади (қ. Нейро-секреция). Н.р. тезлиги ва қандай доира-да ўтиши ҳаракатни бошқаришда қатта аҳамиятга эга, шунинг учун такомил-лашган локомоцияли орга-низмлар нерв системаси яхши ривожланган. Эволюция жараёнида Н.р. юқори даражада тузилган ҳайвонларда етакчи бошқариш механиз-мига айла-ниб, фақат ҳаракатланишни эмас, балки организмнинг бошқа ҳамма систе-маларини ҳам қамраб олган.

**НЕРВ СИСТЕМАСИ** — одам ва ҳайвонлар организмда барча аъзолар фаолият-тини бир-бирига боғлаган ҳодда ҳаётий муҳим функцияларни бажаради-ган ҳамда организмни ташқи муҳит б-н боғлайдиган система. Ҳайвонлар орга-низмнинг эволюция жараёнида ва орга-низмлар б-н ташқи муҳит ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг шакллани-шида Н.с. ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Н.с. асосини нерв хужайралари таш-кил қилади. Ҳар бир хужайра ўзидан чиққан қалта шохчалар (дендрит), бит-та узун тола (аксон) б-н бирга нейрон деб аталади. Н.с., асосан, нейронлар

тўпламидан иборат. Н.с. филогенез ва онтогенезда гавданинг ташқи қавати — эктодермадан ривожланади. Организмларнинг тарихий ривожланиш жараёнида Н.с.нинг тузилиши мураккаблашиб, нерв хужайраларининг ҳажми ва турлари оша борган, нейронлар структураси ва айрим нерв хужайралари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шу б-н бирга Н.с.нинг функцияси ҳам шаклланган. Н.с.га хос иккинчи тўқи-ма — нейроглия пайдо бўлган (у таянч ва трофик функцияларни бажаради).

Н.с. нинг ривожланиши даврида марказий нерв системаси ва периферик нерв системаси вужудга келади.

Н.с. шартли равишда икки қисмга бўлинади. Улардан бири организмнинг одам ихтиёрига бўйсинмайдиган аъзоларига бориб, уларни нерв б-н таъминлайдиган вегетатив нерв системасидкр. Иккинчи қисм одам ихтиёрига бўйсиниб, скелет мускулларига ва ҳаракатда иштирок этадиган айрим аъзоларга боради.

Н.с. кўзғалиш тўлқини — импульс ларни нерв толалари орқали тез ўтказилишини таъминлайди. Невр импульслари бир лаҳзада рўй беради ва турли аъзолардан мияга ёки миядан аъзоларга боради. Н.с. ҳаракат функциясини, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш ва б. системалар фаолиятини, кон айланишини ва б. жараёнларни бошқаради.

Н.с. тузилмалари таъсиротни сезади, таъсиротлар энергиясини нерв кўзғалиши энергиясига айлантиради, бу энергия нерв импульслари шаклида нерв толаларидан ўтади. Н.с. мураккаблашган сайин ва унда махсус рецептор (сезувчи) хужайралар ихтисослашган сайин Н.с. функциялари тобора турли-туман бўлиб қолган.

Н.с. рефлекс йўли б-н ишлайди. Организмда ташқи ва ички муҳит таъсиротларини сезадиган рецепторлар бор. Нормал шароитда организмга ташқи муҳит турли-туман ва доимий таъсир курсатиши туфайли рецепторларда импульс лар вужудга келади, булар афферент нерв

толалари орқали марказий Н.с.га ўтади; ўзгартирилган импульслар эса марказий Н.с.дан эфферент нерв толалари орқали ишчи аъзолар (мускуллар, безлар ва ҳ.к.) га келиб, уларни ишга солади ёки ишлаш тезлигини ўзгарти-ради. Н.с.нинг фаолияти кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларига асосланган.

Бутун организм каби Н.с.да ҳам моддалар алмашилиб туради. Бу биокимёвий жараён натижасида энергия ҳосил бўлади. Невр толалари ишлаганда энергияни жуда кам сарф қилади, нервларнинг амалда чарчамай, барқарор ишлашига сабаб шу. Невр хужайраларининг таналарида энергия нисбатан купроқ сарфланади ва моддалар тезроқ алмашинади. Шунинг учун озик моддалар ва кислород камчилиги миянинг кулранг моддасига кучли таъсир кўрса-тади. Н.с.нинг фаолиятида бир нейрондан иккинчи нейронга ёки бошқа хужайрага импульс утишида физиологик фаол моддалар — медиаторлар муҳим роль ўйнайди.

Н.с.нинг ишлашида биотоклар (биоэлектр потенциаллари) муҳим аҳамият касб этади. Улар кўзғалиш жараёнининг характерли белгиси бўлиб, нерв импульсларининг утишида катта аҳамиятга эга. Н.с. биотокларини сезгир асбоблар ёрдамида қайд қилиш Н.с. физиологиясини ўрганишда асосий усуллардан биридир, баъзан одамдаги Н.с. касалликларини аниқлашда ҳам бу усул қўлланади.

И. П. Павлов нерв системасининг типлари (ҳайвонлар ва одам олий нерв фаолиятининг индивидуал хусусиятлари) ҳақидаги тушунчани физиологияга киритган. Кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи мувозанатланганлиги, ҳаракатчанлиги каби 3 та асосий функционал хоссани назарда ту-тиб, Н.с.нинг одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган куйидаги типлари аниқланган: 1) жуда жонсарак типда кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли, аммо мувозанатлашмаган (кўзғалиш тормозланишдан устун) бўлади; 2) жуда серҳаракат типда нерв жараёнлари

жуда кучли, мувозанатлашган ва яхши ҳаракатчан (тез алмашинадиган) булади; 3) жуда ювош типда нерв жараёнлари кучли, мувозанатлашган, лекин ҳаракатчанлиги камроқ (секин алмашинадиган) булади; 4) нимжон типда нерв жараёнлари суст, бош мия пўстлоғидан нерв хужайраларининг иш қриблияти паст бўлади. И.П. Павлов Н.с.нинг типлари б-н одамларнинг 4 хил темпераменти (мизож) ўртасида ўхшашлик борлигини аниқлади. Жонсарақтипхолик тип перамент-га, серхаракат тип сангвиник тем-пераментга, ювош тип флегматик тем-пераментга, нимжон тип меланхолик тем-пераментга мос келади.

Ад.: Аҳмедов Н., Содиқова Н., Нормал анатомия, нормал физиология, Т., 2003.

Носир Аҳмедов.

**НЕРВ ТОЛАЛАРИ** — нерв хужайраларининг ўсиқчалари. Марказий нерв системасидан аъзо ва тўқималарга ҳамда аъзо ва тўқималардан уларни иннервация қиладиган марказга импульс ўтказади. Н.т. нервлар таркибига кириб, сезувчан ва ҳаракатланувчан нерв охирларини ҳосил қилади. Неврология хужайраларидан ҳосил бўлган пардаларнинг тузилишига қараб мие-линли ва миелинсиз Н.т. бўлади. Н.т. пардаси трофик ва химоя ролини ўйнайди, нерв импульсларини алоҳи-да-алоҳида ўтказиш учун шароит яра-тади. Невр қўзғалишининг Н.т. бўйлаб тарқалиш тезлиги толаларнинг йўғон-ингичкалигига, миелинли парданинг ривожланганлик даражасига, шунингдек, унинг микроструктураси ва биокимёвий хусусиятларига боғлиқ.

**НЕРВ ТРОФИКАСИ** - нерв системаси (асосан, вегетатив нерв системаси) нинг аъзо ва тўқималардаги моддалар ал-машиниш жараёнини бошқариб туриши.

**НЕРВ ТЎҚИМАСИ** — нерв системасининг асосий тўқимаси. Организмда таъсиротни қабул қилиб, қўзғалишни

ўтказиб беради. Организмнинг тарихий таракқиёти жараёнида Н.т. элементлари тез қўзғалиб, нерв импульсларини дарҳол ўтказиб бериш хусусиятига эга бўлди. Н.т.даги нерв хужайралари (нейронлар) унинг тузилиш ва функционал жикатдан асосий элементларидир.

**НЕРВИЗМ** — одам ва юқори даражада тузилган ҳайвонлар организмдаги барча функциялар ва физиологик жараёнларни бошқарувчи бош омил — нерв системаси деган ғояга асосланган йўналиш. Н. терминини фанга И. П. Павлов киритди (1883), С. П. Боткин, И. М. Сеченов ва унинг издошлари асарларида Н. ғоясига асос солинди. Асосий Н. И. П. Павловнинг олий нерв системаси, шартсиз рефлекслар ва шартли рефлекслар қақидаги таълимотиدير. Ҳоз. нейро-гуморал регуляция ҳақидаги тушунчага кўра, организмдаги физиологик жараёнларни бошқаришда нафақат нерв системаси, балки гормонал-гуморал омиллар ҳам иштирок этади.

**НЕРЕИДА** — Нептун сайёрасининг йўлдоши. Диаметри 340 км, сайёрадан ўртача узоклиги 5,57 млн. км. Орбита эксцентриситети 0,75. 1949 й.да америкалик астроном Ж. П. Койпер кашф этган. Сайёра атрофини 360 суткада бир марта тўла айланиб чиқади.

**НЕРЕИДАЛАР** (Nereidae) - кўп килли халқали чувалчанглар синфининг оиласи. 450 га яқин тури маълум. Уз. 90 см гача. Барча денгизларда, айниқса, тропик сувларда кен тарқалган. Соҳил яқинида лойли жойларда яшайди. Айрим турлари Малайзия ороллари тропик ўрмонларининг тўшалмасида учрайди. Полифаг. Вояга етганларининг кўзи, паратодиялари катталашади, сузишга ёрдамлашадиган қиллар пайдо бўлиб, гетеронереид шаклга айланади. Кўпайиш даврида ичи тухумларга тўлган Н. сув юзасига қалқиб чиқади. Бунда ҳайвонларнинг ташқи кўриниши

кескин ўзгарган бўлади. Ана шу пайтда маҳаллий ахрли уларни йиғиб олиб, истеъмол қилади.

**НЕРЕИДАЛАР** — юнон мифологиясида денгиз нимфаларп, Нерейншт 50 та қизи, уларнинг номлари денгизнинг ўзгарувчанлиги, чуқурлиги, шиддатлилиги ва инжиклилигини кўрсатади. Юнонлар эътиқодига кўра, Н., кема ҳалокати пайтида денгизчиларга ёрдам беради.

**НЕРЕЙ** — юнон мифологиясида денгиз худоси. Денгиз туби осойишталиги тимсоли ҳисобланган.

**НЕРИТ ЁТҚИЗИҚЛАРИ** (юн. *perites* -денгиз моллюскаси) — саёз жойлардаги денгиз ва океан туби чўкиндиляри. Материк саёзлигица сув куйи қатламнинг яхши аэрацияланиши шаро-итида қосил бўлади. Н.ё. турли типга мансуб чўкиндиляр (майда тош, шагал, чиганоклар, оолитли ва фораминиферали кумлар ва алевритлар), гилли балчик, органоген, кам хрлларда хемоген чўкиндилярдан иборат. Умуман бу чўкиндиляр сув тўлкини таъсирида сараланади, ўзаро кескин фарқ қилади. Улар орасида сув тубида яшовчи организмлар колдиғи кўп.

**НЕРНСТ** (Nernst) Вальтер Герман (1864.25.6, Бризен, Польша — 1941.18.11, Оберцибелле, Германия) — немис физиги ва физик-кимёгари. Гёт-тинген (1891) ва Берлин (1905) ун-тлари проф., Берлин ун-ти қошидаги физика ин-ти директори (1924— 33). Қаттиқ ўтказгичларда т-ра градиента хамда ўтказгичда тик магнит майдони мавжуд бўлганда электр майдони ҳосил бўлиши ҳодисасини очган (Нернст эффекти). Бир-бирига аралашмайдиган ёки қисман аралашадиган икки модда эритмаси орасида эрувчан учинчи модда концентрациялари нис-бати ўзгармас катталиқ бўлишини аниқлаган (Нернст тақсимот қонуни, 1890), термодинамиканинг учинчи бош қонунини ту-

шунтириб берган (1906). Жойига қараб концентрацияси ўзгарувчи эритмаларда электр юритувчи кучлар назарияси, металлларнинг электролитик эритиш назарияси, электрод потенци-аллари назарияси ва б.ни ривожлантирган. Чўғланма лампани ихтиро қилган (бу лампа унинг номи б-н аталади). Нобель мукофоти лауреати (1920).

**НЕРОН** (Nero) Клавдий Цезарь (37-68) — Рим императори (54—68); Юлий-клавдийлар сулоласидан. Бағритош, тақаббур, маишатбоз бўлган. 59 й. Октавийга онасини ўлдиришни, 62 й. эса хотинини ўлдиришни буюрган. 64 й. Римнинг катта қисмига ўт кўйган, бунда уни кўли борлигида шубҳа қилишмаслиги учун Рим христианларини таъқиб эта бошлаган. Кейинчалик шаҳарни тиклаш учун провинциялар аҳолисида олинадиган солиқларни кескин оширган. Бу Н.га қарши норозиликни кучайишига сабаб бўлган. Н. қатағон сиёсати ва аҳоли мол-мулкини мусодара қилиш б-н Рим жамиятининг турли қатламларини ўзига қарши қилиб кўйган. Халқ кўзғолон кўтаришидан хавфсираб, Римдан қочган ва ўзини ўзи ўлдирган.

**НЕРПАЛАР** (Pusa) — тюленсимонлар оиласи уруғи. Баъзан оддий тюленлар оиласига киритилади. Гавдасининг уз. 1,5 м гача, вазни 100 кг гача. 3 та тури бор. Ҳалқали Н. Атлантика ва Тинч океанининг мўътадил ва совуқ сувларида ҳамда Шим. Муз океанида тарқалган. Балиқлар ва қисқичбақасимонлар б-н озикланади. Муз устида болалайди. Баъзан катта тўда ҳосил қилади. Чекланган миқдорда овланади. Каспий Н.си, яъни Каспий тюлени каспий денгизида, байкал Н.си Байкал кўлида яшайди. Каспий ва Байкал Н.ининг сони камайиб кетганлиги туфайли уларни овлаш чекланган. Финляндиянинг Сайма кўлида учрайдиган сайма нарпаси Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи Қизил китобига киритилган.



**НЕРУ** Жавоҳарлал (1889.14.11, Оллоҳобод — 1964.27.5, Дехли) — Ҳиндистон давлат, сиёсий ва жамоат арбоби. Миллий озодлик курашида М.К. Гандининг сафдоши, Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) раҳбарларидан бири. Мустамлака даврида (1947 й.гача) таъкиб қилинган. 10 й.дан ортиқ умри қамоқда ўтган. Тарихда «Янги Ҳиндистон бунёдкори» номи б-н машҳур. Н. 1947 й. 15 августда Дехлидаги машҳур Нал Қалъада Ҳиндистон миллий мустақилликни қўлга киритган-лигини эълон қилган. Ҳиндистон Рес-публикаси бош вазири ва ташки ишлар вазири (1947 й.дан). Н. раҳбарлигида Ҳиндистон халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ривожига катта муваффақиятларга эришган. Н. Ҳиндистоннинг ташки сиёсати асосларини яратди, халқаро чигал масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатди. Унинг мустамлакачилик, иркчилликка қарши изчил кураши, ёппасига қуролланишга чек қўйиш, халқлар ўртасида тенглик, дўстлик, ҳамкорлик сиёсати халқаро майдонда Ҳиндистон нуфузини оширди. Н. қўшилмаслик сиёсатини яратди. 1947 й.да ҳарбий блоklarга қўшилмаган мамлакат биргина Ҳиндистон ҳисобланган бўлса, ҳоз. қўшилмаслик ҳаракатида 120 дан ортиқ Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа мамла-катлари иштирок этмоқда.

Н. 1955 ва 1961 й.да кизи Индира Ганди б-н Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек халқининг турмуши, ҳаёти, тарихи б-н яқиндан танишган. Н. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарига юрдошимиз Бобур ва унинг набирасм Акбар ҳақида бундай дейди: «Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган».

**НЕРУ** Мотилал (1861.6.5, Агра -1931.6.2, Лакхнау) — Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати арбобларидан. Нагпур, Оллоҳобод коллежларида таълим олган, адвокат. Жавоҳарлал Нерунинг отаси. Бирлашган вилоятлар қонун чиқариш кенгаши аъзоси (1909, 1915), шаҳар Кенгаши аъзоси, Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) партиясининг раиси (1919 ва 1928). 1922 й. Конгрессдан чиққан, сvaraжи-стлар (мустақилчилар) партиясининг асосчиларидан бири (1923) ва унинг раҳбари. Бу партия инглиз мустамлакачиларининг ҳокимияти б-н ҳамкорлик қилишни ва улар ҳукмдорлигида Ҳиндистонга автономия ҳуқуқини берилишини талаб қилган. 1925 й. яна ҲМК партиясига қайтиб, раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1928 й. Ҳиндистонга доминион-ички ишларни ўзи идора қилиш қуқуқини беришни талаб қилган Конституция лойиҳасининг муаллифи (кейинчалик бу Конституция «Неру конституцияси» номи б-н машҳур бўлди).

Ад.: Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г., История Индии, 1979; Горе в А., Зимянин В., Неру, М., 1980.

**НЕРУДА** (Neruda) Пабло (тахаллуси; асл исм-шарифи Нефтали Рикардо Рейес Басуальто) (1904.12.7, Парраль ш. - 1973.23.9, Сантьяго) — Чили шоири, дипломат. Сантьяго ун-тида таълим олган. Чили Сенатининг аъзоси ва дипломат сифатида кўп мамлакатларда бўлган. «Ўлмайдиган одамнинг ҳатарли қадами» (1926) тўпламида шеърнинг анъанавий ўлчамлари ва крфияларидан воз кечиб, ички кечинмаларни сюрреализмга яқин тил ва образлар б-н ифодалаган. «Яшаш жойи — Ер» (1933, 2 жилд), «Юракдаги Испания» тўпламларига кирган асарларида инсоният озодлиги учун кураш го-ялари акс этган. Н. 1941—44 й.лар марксизм б-н қизиқа-ди, Чили коммунистик партиясига аъзо бўлади. Шу йилларда Чили пре-зидентини «АҚШ қўғирчоғи»

деб ҳақорат қилганликда айбланиб, ҳукумат томонидан таъқиб остига олинади. Н. Мексикага кетади ва у ерда 340 шеърдан иборат монументал асари «Умумжаҳон кўшиғи» (1950)ни ёзади. Асарда Лотин Америкасининг ўтмиши ва бугуни марксистик нуқтаи назардан талқин этилган. Китоб Чилида тақиқланган, коммунистлар уни яширин тарқатишга уринганлар. Шо-ирнинг 1950—60 й.лар ижоди Н. фикр доирасининг кенгайганидан, поэтик маҳоратининг янада такомиллашганидан далолат беради: «Севги ҳақида 100 сонет», «Чили тошлари» (1960), «Ди-ний маросим кўшиқлари» (1961), «Қиёмат» (1963) шеърӣ тўпламлари, «Қора орол мемориали» автобиографик достони (1—5-ж.лар, 1964) ва б. Тошкентда бўлган. Нобель мукофоти лауреати (1971).

**НЕСМЕЯНОВ** Александр Николаевич [1899.28.8(9.9) — Москва — 1980.17.1] — рус органик кимёгари, СССР ФА акад. (1943), президенти (1951—61). Асосий тадқиқотлари ме-таллорганик бирикмалар кимёсига бағишланган. 1929 й.да симоборганик бирикмаларни диазоусул ёрдамида синтезлашни тақлиф этди. Бу усул кейинчалик Sn, Pb, Ti, Sb, Bi каби металлорганик бирикмаларга ҳам қўлланилди (Несмеянов реакцияси). Mg, Zn, Cf, Al, Te, Sn, Pb, Sb, Bi каби металлорганик бирикмаларни симоборганик бирикмалардан синтезлаб олишнинг осон ва қулай усулини ишлаб чиқди. Хлорон, бромон ва та-риарилонксон бирикмаларини биринчи бўлиб синтез қилди; металлотро-пия ҳодисасини кашф этди.

Ас: Избр. труды в 4-х т., 1—4, М, 1959; Химия ферроцена, 1969; Исследования в области органической химии, М., 1971.

**НЕСТЕРОВ СИРТМОҒИ** («улик сиртмоқ») — самолётни бошқаришда ба-жариладиган олий учиш (пилотаж) шакли — вертикал текисликдаги берк эгри чизик. Уни биринчи марта рус си-новчи учувчиси П. Н. Нестеров 1913 й. 27 авг.

да амалга оширган. Н.с. ни В. П. Чкалов 1933 й. такрорлаган ва ўзи ҳам бир неча учиш шакллари ишлаб чиққан.

«**НЕСТЛЕ**» (Nestle — немис тилининг Швейцария шеvasида «жажжи уя») — Швейцариядаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компания. Жаҳондаги энг йирик компаниялардан бири.

Швейцариялик фармацевт Генри Нестли 1866 й.да она сути этишмаслиги оқибатида гўдаклар ўлимининг олдини олиш мақсадида сут, бугдой уни ва шакарнинг турли нисбатларда аралаштириб она сути ўрнини босадиган «Нестле сут уни»ни яратди ва уни и.ч.ни йўлга қўйди.

«Н.», асосан, турли сут маҳсулотлари, сут аралашмалари, минерал сувлар, алкоғолсиз ичимликлар, болалар озиқ-овқатлари, кофе, консерваланган ва пархез маҳсулот ишлаб чиқаради ва со-тади. Компания ишлаб чиқарадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тури 8 мингдан ортиқ.

Компаниянинг 70 га яқин давлатларда 500 дан ортиқ, корхоналари бор. Компания кўпгина мамлакатлардаги парфюмерия, косметика ва фармацевтика саноати корхоналари акцияларининг ҳам эгасидир. Даромади ҳажми жиҳатидан Европада 8-, дунёда 31-ўринни эгаллайди.

2001 й.да умумий савдо ҳажми 84,7 млрд. Швейцария франкини ташкил этди. Жами ишчиҳизматчилари сони — 230 минг киши.

«Н.» Ўзбекистонда 1996 й.дан фаолият кўрсатади. Тошкентда ўз ваколатхонасини очган. 1998 й. Наманган «Нафосат» акциядорлик жамияти (со-бик Наманган сут заводи)нинг 34,9% акциясини 287 минг АҚШ долларига сотиб олди. 1999 й.да эса ушбу корхона негизда «Ўзбекистон-Нестле» корхонаси тузилди. Компания 2002 й. фев.да қиймати 30 млн. АҚШ доллари бўлган Наманган болалар озиқ-овқати 3-дини ишга туширди. 3-д узоқ сақланадиган сут ва йогурт, турли хилдаги сут қоришмалари ишлаб

чиқаради. 2002 й.да йилига 22 млн.литр маъданли ичимлик сувини и.ч. йўлга қўйилди.

**НЕТТО** (итал. netto — соф) — махсулотнинг ўров-идишсиз соф оғирлиги; товарнинг ташламалар кирмаган соф нархи, харажатлар айириб ташлангандан кейинги соф даромад. Хўжалик амалиётида Н. активларининг (компания капиталининг номоддий активлар ва қарз мажбуриятлари б-н биргаликдаги) бозор нархларидаги киймати.

Н. - даромад (хамма чиқимлар чегирилгандан кейин қоладиган даромад), Н. - фойда (соф фойда), Н. - фоиз (солик/iar чегириб ташлангандан кейинги фоиз тўловлари) каби шакллари бор.

**НЕУСТОЙКА** (рус.) — фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири; қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси. Ўзбекистон Республикасининг ФК бўйича, Н. тўлаш ҳақидаги талаб юзасидан кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Н. б-н фақат ҳақиқий талаб таъминланади. Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор Н. тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Н. жарима ёки пеня шаклида бўлади. Н. тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади. Н. тўлаш тарафларнинг кели-шувида назарда тутилган ёки тutilмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган Н. (қонуний Н.)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний Н.нинг микдори, агар қонун тақиқла-маса, тарафларнинг келишуви б-н кўпайтирилиши мумкин. НЕФ (франц. nef, лот. navis — кема) — меъморликда интерьернинг узун, йўлаксимон хонаси, бир ёки икки ён томонлари узунасига қатор устун ёки колонналгф б-н тўсилган қисми. Ибо-датхоналарнинг катта-кичиклиги

улардаги Н.ларнинг сони б-н белгиланган. Равоксимон шаклдаги Н.лар 3 ёки 5 қисмга бўлинади. Ўртадаги қисми ба-зиликанинт асосий хонаси ҳисобланган.

**НЕФЕЛИН** (франц. nepheline, юн. nephele — будур) — каркасли силикатлар кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби  $KNa_3 [AlSi_4O_{14}]$ . Қўшимчалари Са, Mg, гоҳо Fe, Be, Cl, H<sub>2</sub>O, Ga. Гексагонал сингонияда кристалланади. Зич донадор агрегатлар, кам ҳолларда киска призматик кристаллар шаклида бўлади. Қаттиклиги 5,5—6; зичлиги 2600 кг/м<sup>3</sup>. Уланиш юзаси номукаммал. Ялтироқлиги ёғсимон. Кўпинча рангсиз, пушти, кулранг ёки яшилроқ. Кислотада осон парчланади. Н.— иш-қорли отқинди жинсларнинг асосий ми-нерали. Алюминий, силикагел олишда (йўлакай сода ҳам олинади) хом ашё. Гиперген шароитларда гидрослюда, монтморилло-нит, галлуазитга, латеритли нурашда эса гиббситга айланади. Н.нинг конлари РФ (Кола я.о., Урал), Ўрта Осиёда Кулжуктов (Қизилқумда), Олмалик яқинида ва Олай тоғларида, Гренландия, ГФР, Кения ва б. жойларда бор. Н. ойна ва керамика и.ч.да ва ўғит сифатида фойдаланилади.

**НЕФЕЛИНЛИ СИЕНИТ** - магма-тик ишқорли тўлиқ кристалли тоғ жинси; ишқорли дала шпати (65—70%), нефелин (тахм. 20%), биотит ва ишқорли амфиболлар ва пироксенлар, шунингдек, рангли металллар ва камёб-ер эле-ментларидан иборат.

Н.с.нинг бир нечта хили мавжуд: х и -бинит — пегматоид структурали яшилроқ-кулранг йирик донадор; мя-скит — сланецсимон биотитли; мариуполит — альбитга бой; луяврит — яшилроқ-қора, трахитоидли текстураси аниқ ифо-даланган; сайбарит — меланократли ва б. Конлари Ўрта Осиё, РФ (Кола я.о., Си-бирь), Украина (Мариуполь), Норвегия (Осло), Жан. Гренландия, Канада, Жан. Африка, Мадагаскар о. ва б. жойларда бор. Н.с. алюминий олиш учун руда, ой-

насослик хом ашёси. Н.с. б-н апатит, графит, криолит конлари, камёб-ер элементлари ва б. боғлик.

**НЕФЕРТИТИ** (қад. мисрча — сохибжамол келмоқда) — мил. ав. 14-а. бошидаги Миср маликаси (подшо-си), Аменхотеп IV нинг хотини. Эри ўтказган диний ислохотларда иштирок этганлиги тахмин қилинади; унинг исми ислохотлардан сўнг Нефер — Неферу — Атон («Атоннинг гўзаллар гўзали») деб ўзгартирилган. 1912 й. Амарнада Н.нинг ҳайкалтарош уста Тутмес томонидан нафис ишланган ҳайкаллари топилган (Қоҳира ва Берлин музейларида сақланади).

**НЕФРИДИЙЛАР** (юн. nephros — буйрак) — умуртқасиз хайвонларнинг айириш органи; осморегуляция, моддалар алмашинуви маҳсулотларини, баъзан жинсий маҳсулотларни организмдан чиқариш функциясини бажаради. Н. Кўп марта тармоқланган эпителий найчаларидан ёки найчалар системасидан, тубан кўп тукли ҳалқалиларда эса ҳар бир бўғимда бир жуфтдан жойлашган метанефридийлардан иборат. Ҳар бир метанефридий найининг воронкага ўхшаш кенгайган учи тана бўшлиғида жойлашган. Най бурилиб, навбатдаги бўғимга ўтади ва тери юзасига очилади. Н. сони 1 дан бир неча 100 тагача бўлиши мумкин. Бирмунча соддагузилган протонефридийларнинг танаси ичида жойлашган қисми ёпиқ солено-цитлардан иборат. Метанефридийларда соленоцитлар бўлмайд.

**НЕФРИТ** (юн. nephros — буйрак; Н.нинг майда тошлари буйрак шаклида бўлганлигидан қадимда ўша тошлар буйракни даволаш хусусиятига эга деб ишонганлар, номи шундан) (геология да) — минерал, тремолит-актинолит каторидаги амфиболларнинг микротолали тури,  $\text{Ca}_2(\text{Mg}, \text{Fe})_3[\text{Si}_4\text{O}_{12}](\text{OH}, \text{F})_2$ . Жуда ингичка толалари чигаллашиб

кетган агрегат қолида учрайди. Н.нинг қовушқрклиги ва қаттиклиги чигал толали агрегатлари микроструктураси б-н боғлик. Ранги (сутранг-оқ, оч яшилдан яшил ва кўнғир яшилгача)  $\text{Cr}_3, \text{Fe}^{2+}$  ва  $\text{Ni}^{2+}$  аралашмаларига боғлик. Н. кам қолларда кулранг, тутунранг, оқ ёки қора рангда учрайди. Қаттиқдиги 5,5—6,5. Зич-лиги 2900—3000 кг/м<sup>3</sup>. Яхши силлиқланади. Н.дан жуда қад. даврдан қурол. безак тош, декоратив бадий буюмлар ясашда фойдаланилган. Амир Темур сағанасига ўрнатилган тош ҳам Н.даи ишланган. Н. Хитой, Ҳиндистон, Мьянма каби мамлакатлар маданий тарихида муҳим ўринни эгаллайди — император ва юқори мартабали тўраларнинг ажралиб туриш белгиси ҳисобланган. Кимматбаҳо заргарлик тошларидан бири. Табиатда серпентинит, пироксенли ва амфиболли кристаллик сланецлар ва б.нинг метаморфизмланишидан ҳосил бўлади. Н., асосан, аллювиа.1 ётқиқиклардан майда тош ва харсажтош кўринишида ажратиб олинади. Йирик конлари Ёркенд, Хотан дарёлари ҳавзасида, Байкал кўли яқинида, Янги Зеландия о.да ва б. жойларда топилган.

**НЕФРИТ** (юн. nephros — буйрак) буйрак тузилмаларининг яллиғланиш б-н кечадиган касалликлар гуруҳи. Н.ia гломерулонефриш, пиелонефрит, тубулоинтерстициал, ирсий, нефротик синдром ва б. киради. Н. ривожланишига бир қанча патоген микроорганизмлар (бак терия, вируслар), организмнинг сон қотиши, иммун етишмовчиликлар ва б. сабаб бўлади. Н., асосан, иммун система б-н боғлиқ касаллик. Касалликниш ривожланиш механизмига кура, иммун-бирикмали ва аутоиммун Н. тафовут қилинади. Биринча ҳолда, антиген-антитело бирикмаси қонда ҳосил бўлиб, бошқа аъзо ва тўқималар б-н бир қаторда буйракда ҳам йиғилади ва уни шикастлайди. Аутоиммуи Н.да эса буйракда тузилма элементларига қарши ауто-антителолар ҳосил бўлади, улар ушбу элементларга бирикиб

яллиғланишни юзага келтиради. Н. кечишига кўра, ўткир, ўртача ўткир, хавфли, тез ривожланувчи ва сурункали хилларга ажратилади. Ўткир Н. кўпинча йилнинг совуқ фаслларида учраб, шиш, қон босимининг ошиши, пешоб миқдорининг камайиши, унда оксил, эритроцитлар учраши каби клиник аломатлар б-н кечади. Ўртача ўткир, хавфли ва тез ривожланувчи Н. нисбатан кам учрайди, касалликнинг бу турларида леталлик жуда юқори. Сурункали Н. вақт-вақти б-н зўрайиб туради ва касалликнинг ҳамма белгилари намоён бўлиши б-н кечади.

Давоси. Парҳез, пешоб ҳайдовчи, иммун тикловчи ва б. дори-дармонлар буюрилади. Организмдаги инфекция ўчоқлари аниқланиб, даволанади. Айрим оғирроқ ҳолларда «сунъий буйрак» апаратидан фойдаланилади. Буйрак фаолиятини тиклаш иложи бўлмаганда беморга соғлом буйрак кўчириб ўтказилади (қ. Трансплантация). Сурункали Н. б-н оғриган беморлар доимий врач назоратида бўлиши учун рўйхатга олинади. Н.нинг олдини олишда организمنى чиңқатириш, стрептококкли тонзиллит, фарингит каби ўткир юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаб даволаш, узок вақт совуқца қолмаслик лозим.

**НЕФРОЗ** — қ. Нефротик синдром.

**НЕФРОЛОГИЯ** (юн. nephros — буйрак ва logos —фан) — тиббиётнинг бир бўлими; буйракнинг тузилиши ва фаолияти, касалликлари: буйракнинг туғма касалликлари (буйрак гипоплазияси, буйрак аплазияси ва б.), ирсий касалликлари (тубулопатиялар, оилавий ирсий нефрит ва ҳ.к.), ортирилган касалликлари (гломерулонефрит, пиелонефрит, нефролитиаз ва б.) нинг юзага келиш сабаб ва механизмларини, уларнинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ўрганади.

Н. фан сифатида 20-а.нинг 50—60-й. ларида ажралиб чиқди. Унинг фан сифатида ривожланишида буйрак ультра ту-

зилишини урганишдаги, буйрак фаолиятини экспериментал текширишлардаги ютуқлар, экспериментал ва клиник иммунологиядаги янгиларнинг аҳамияти катта. Н.га гломеруло-нефритни ўрганган инглиз Р.Брайт асос солган (1927).

Охирги 30 й. ичида кўпгина буйрак касалликларининг табиати аниқланди, янги иммунтикловчи дорилар ишлаб чиқарилди, ирсий ва туғма касалликлар аниқланди, сунъий буйрак ва буйрак трансплантацияси қўлланила бошланди. Н. масалаларини клиницистлар, морфолог, физиолог, уролог ва б. мутахассислар ҳамкорликда ўрганади. Н. урология ва трансплантацион хирургия б-н чамбарчас боғланган.

Ҳоз. Ўзбекистонда барча тиббиёт интларидида Н. фан сифатида ўқитилади ва шу интлар таркибида Н. бўлимлари фаолият кўрсатади. Тошкентда ва б. йирик шаҳарларда Н. марказлари бор.

**НЕФРОН** (юн. nephros — буйрак) — буйрак қилнайчалари; умуртқали ҳайвонлар ва одам буйрагининг асосий структуравий-функционал бўлаги (элементи). Буйрак коптокчаси ва ундан тармоқланиб чиқувчи буйрак каналчаларидан тузилган. Н.лар сийдик ҳосил бўлиш жараёнида кондан моддалар ал-машинуви махсулотларини чиқариб ташлайди; бирламчи сийдик таркибидан сувнинг қонга қайта сўрилишини таъминлайди; оксил, сув-туз, ишқорий-кислотали муҳитни идора қилади, қон таркибини бошқаради. Ҳар бир буйракда тахм. 1 млн. Н. бўлади.

**НЕФРОПАТИЯ** (юн. nephros — буйрак, pathos — касаллик) — буйракнинг турли морфологик ва функционал касалликларини англатувчи умумий тушунча. Н.га нефритлар (гломерулонефрит, пиелонефрит, тубулоинтерстициал, ирсий ва б.), буйрак аномалиялари (буйракнинг артерия ва веналари нук.-сонлари, буйрак аплазияси, қўшимча буйрак, буйрак гипоплазияси, фесто-нияси ва б.), буйрак

поликистоз, пионефроз (буйракнинг йирингли-деструктив яллиғланиши), буйрак сили, раки, буйрак эхинококкози, буйрак амилоидози, буйракнинг ўтқир ва сурункали етишмовчилиги, нефротик синдром, нефроптоз, нефролитиаз, нефросклероз ва б. касалликлар киради. Н. ривожланишига баъзи юкумли касалликлар (ангина, нафас системасининг ўтқир яллиғланиш касалликлари, айрим вируслар), организмнинг совқотиши, қандли диабет, тиреоидит, амилоидоз, маълум бир гуруҳ дориларнинг нохуш таъсири, иммун системадаги етишмовчиликлар ва б. омиллар сабаб бўлади.

**НЕФРОПТОЗ** (юн. nephros — буйрак, ptosis — кулаш, тушиб кетиш) — гавданинг ҳолатини ўзгартирганда буйракнинг ўз физиологик ҳаракатлинишидан ортиқ силжиши б-н кечадиган патологик ҳолат. Кўпроқ аёлларда учрайди.

Н.нинг ривожланишида буйракнинг боғловчи аппаратидаги ўзгаришларга олиб келувчи омиллар (юкумли касалликлар, озиш) ва қорин олдинги девори тонусининг сусайиши (хрмила-дорлик ва б. сабабли) аҳамиятга эга. Н.нинг юзага келишига шикастланишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Белгилари: белда оғриқ бўлиб, ҳаракат вақ-тида кучаяди, баъзан оғриқ қоринга ўтиши, буйрак санчиғи бошланиши мумкин. Ўнг ёки чап ёнбош соҳасида буйрак қўлга уннайди. Буйрак ва унинг томирларидаги ўзгаришлар венноз қоннинг турғунлиги ва аъзо гипоксиясига олиб келади. Бу, ўз навбатида, буйрак паренхимасида уростоз ва инфекция ривожланишига сабаб бўлади. Гемо ва уродинамиканинг бузилиши туфайли пиелонефрит ва вазоренал гипертензия ривожланади. Пиелонефрит буйрак ат-рофида тортмалар ҳосил бўлишига олиб келади (фиксацияланган Н.). Н.ни аниқлаш учун, асосан, тасвирий ва контрастли урография қилинади.

Давос и : спазмолитик, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши дорилар ва иссиқ ванналар тавсия қилинади.

Шу б-н бирга бемор оёғини кўта-риб ётиши ва буйрак белбоғини тақиб юриши мақсадга мувофиқ. Бунда Н.нинг зўрайиши ва асоратларининг олди олинади. Беморга қорин олдинги девори мускулларини мустаҳкамлайдиган махсус гимнастика машқлари тўплами буюрилади. Н.ни ўз вақтида даволаш бемор меҳнат қобилиятининг тўлиқ тикланишига олиб келади. Н. оғирлашганда (пиелонефрит, вазоренал гипертензия, гидронефротик ўзгаришлар) нефропексия ўтказиш тавсия этилади.

**НЕФРОСКЛЕРОЗ** (юн. nephros — буйрак, sklerosis — зичлашиш) — буйракни бириктирувчи тўқима қоплаб кетиши натижасида унинг қаттиқдашиши ва «буришиб» қолиши. Гипертензия, пиелонефрит, буйрак сили, гломерулонефрит, буйрак-тош касаллиги (нефролитиаз) ва б.да кузатилади. Н.да, асосан, буйракнинг майда артериялари (арте-риолалари) шикастланади, улар буришиб қолиб парчаланади, натижада буйрак эпителийси нобуд бўлади. Асосан, тузсиз парҳез ва касаллик аломатларига қараб доридармонлар буюрилади.

**НЕФРОТИК СИНДРОМ**, нефроз-протеинурия, гипопроteinемия (асосан, гипоальбуминемия), шиш, гипер-липемия ва гиповолемия б-н таърифландиган симптомлар мажмуи. Н.с. буйракнинг бирламчи (гломерулонефрит, буйрак амилоидози, хомиладорлик нефропатияси, коллагенли нефро-патия) ва иккиламчи (қандли диабет, қон касалликлари, хавфли ўсмалар, аллергия, захм ва б.) касалликларида юзага келади. Бу синдром асосида организм иммун реактивлигининг бузилиши ётади, бунда буйрак қоптокча то-мирчалари девори шикастланади, натижада оксил йўқотилади, унинг қон зардобидаги миқдори камаяди, бу, ўз навбатида, қон плазмаси онкотик босимини камайтиради, пировардида суюқлик қондан тўқималарга ўтади ва шиш пайдо бўлади.

Н.с. алоҳида ёки гематурия ва гипер-тония б-н бирга учраши мумкин. Шу б-н бирга тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган (шиш-сиз), секин-аста (бир неча ой) ва рецидив кўринишида кечадиган, «гормон сезгир» ва «гормон резистент» Н.с. турлари тафовут қилинади. Н.с.нинг туғма тури ҳам мавжуд. Касаллик ауто-сом-рециссив йўл б-н ўтади, тез ривожланади ва кўп ҳолларда буйрак етишмовчилиги ривожланиши натижасида ўлим б-н тугайди.

Н.с.ни даволаш уни келтириб чиқарган сабаблари ва турига караб белгиланади. Н.с. ўз вақтида аниқланиб, тўғри даволанмаса сурункали буйрак етишмовчилиги пайдо бўлиши мумкин.

**НЕФТЕДОЛЛАРЛАР** (инг. petrodollars) — нефть экспорт қиладиган мамлакатлар нефтни четга соғанларида АҚШ долларида оладиган пул воситалари. Н. 20-а.нинг 70-й.лари ўрталаридан нефть нархларининг тез кўтарилиши оқибатида пайдо бўлди. Нефть казиб олувчи мамлакатлар инглиз-америка нефть корпорациялари б-н курашиш натижасида нефть казиб олиш устидан ўз назорати даражасини оширди ва нефтдан олин-диган даромадларда ўз хиссасини оширишга, нефтнинг жаҳон нархларини кескин кўтаришга эришдилар. 1970-й.лар ўрталари —80-й.лар бошида нефть казиб чиқарувчи мамлакатларнинг даромадлари катта микёсга етди. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти — (ОПЕК)га кирувчи мамлакатларнинг ташки даромади 300 млрд. доллардан ошиб кетди.

ОПЕК аъзоларининг кўпчилиги даромадларини миллий иқтисодиётни юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга сарфладилар, айрим-лари бўш турган пул маблағларини Ғарб мамлакатлари банкларига қўйдилар ва шу тариқа бу маблағлар «Н.» номини олди.

Н. ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини молиялаштиришнинг қўшимча манбаига айланди, тўлов балансы

тақчиллигини қоплашда фойдаланилди. Чет эллардаги қўйилмалардан Н. эгалари булган мамлакатлар катта даромад кура бошлади. Мас, Форс қўлтиғи мамлакатларининг 1980-й.ларда чет эллардаги қўйилмаларидан олган даромадлари бу мамлакатлар экспорт тушумларининг 7-Д қисмини таш-кил этди. Нефть казиб олувчи мамлакатларнинг чет эл бан-кларидаги қўйилмалари ҳажми ҳамон катта бўлиб қолмоқда. Мас, 1994 й.лар ўрталарида Қувайтнинг чет эллардаги хусусий қўйилмалари 120 млрд. доллар, БАА-ники 23 млрд. доллар, Катарники 14 млрд. доллар бўлган.

Қодиржон Юсупов.

**НЕФТЕКАМСК** — РФ Бошқирдистондаги шаҳар (1963 й.дан). Кама дарёси бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 117 минг киши (1998). Нефть казиб олина-ди (Арлан нефть кони). Автосамосвал, «Башсельхозмаш», темир-бетон буюмлар, сут ва пиво з-длари, гўшт, сунъий кўн к-тлари бор, ўрмон ва ўрмон кимёси саноатлари ривожланган. Нефть техникуми, театр, ўлкашунослик музейи мавжуд. Н. Арлан нефть конининг ўзлаштирилиши муносабати б-н вужудга келган.

**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ** -нефтдан нефть маҳсулотлари (бензин, керосин, дизель ёниғиси, мазут, мой, битум, гудрон, парафин ва б.) олишда қўлланадиган технологик усуллар мажмуи. Н.қ.и.да аввал нефть таркибидаги сув, туз ва механик аралашмалардан тозаланади, кейин уни стабиллаштириш, юқори ҳароратда буглатиб ҳайдаш, дистилляларни тозалаш, қўшимчалар қўшиш ва б. бажарилади. Нефтни ҳайдаш усули мил. ав. маълум эди. Бу усул нефтдан дори-дармон тайёрлаш мақсадида қўлланган. Қад. юнон табиби Кассий Феликс ва Абу Али ибн Сино нефтни ҳайдашга оид тажрибалар ўтка-зишган. Хоразм географи Бакрон (13-а.) Боку нефтини ҳайдаш ҳақида биринчи бўлиб

эслатиб ўтади. 18-а.га ке-либ нефть конларини кидириш ва ўрга-ниш муносабати б-н нефтни ҳайдашга катта эътибор берилди. Нефтни ҳайдаш лаб. куридди. 1823 й.да ака-ука Дубининлар Моздок ш. яқинида даврий ишлайдиган нефтни ҳайдаш з-дини

қурдилар. Улар кубга қуйилган 40 челақ нефтдан 16 челақ ҳайдалган нефть олганлар. Шу тариқа нефтни ҳайдаш з-длари тараккий эта бошлади.

Сув ва тузларни йўқотиш. Нефть таркибида, одатда, минераллашган бурғи суви, сувли 1 м<sup>3</sup> нефтда 30-50 г гача туз бўлади. Уларни йўқотиш учун Н.қ.и. з-дларида электр ёрдамида тузеизлантириш қурилмалари ишлатилади. Нефтьга деэмульгатор қўшилиб, чучук сув б-н ювилади. Ҳосил бўлган эмульсияни 100—140° гача қиздирила-ди ва узлуксиз ишлайдиган электр дегидраторига узатилади. Юқри кучла-нишли электр майдони, деэмульгатор ва қиздириш таъсирида эмульсия тезда парчаланadi, сув ва унда эриган тузлар чукади ва чиқариб ташланади. Сув ва тузлардан тозаланган нефть таркибида 0,2% гача сув ва 0,5 мг/л гача хлоридлар (тузлар) қрлади.

Нефтни стабиллаш . Нефть таркибида углеводородларнинг бутанпро-панли, қисман пентанли фракциялари булади. Нефтни ташиш ва саклашда энг зарур углеводородларнинг йўқолишини камайтириш, нефтни ҳайдаш қурилмасига келаётган нефть буглари босимини бир хил тутиб туриш учун бу фракциялар кетказилади. Бу иш сувсизлантириш ва тузеизлантириш қурилмалари б-н бирга қурилган комплекс ёки махсус қурилмаларда бажарилади. Стабиллаш натижасида ажратиб олинган пропанбутан фракциям нефть-кимё саноати учун муҳим хом ашё ҳисобланади.

Нефть идишга қуйилиб қиздирилганда, унинг ҳарорати кўтарилади ва бир қисми ҳатто 30—40° даёқ буғланиб ҳавога кўтарилди бошлайди. Нисбатан паст т-раларда буғланган углеводородлар нефтнинг энгил қисми (фрак-

цияси), идишда қолган углеводородлар нефтнинг оғирроқ қисми ҳисобланади. Буғланган нефть совитилса, у яна суюқ хрлатга ўтади. Нефтни буғлатиб, кейин буғланган углеводородларни су-юқликка айлантириш жараёни нефтни тўғри қайдаш деб, олинган маҳсулот дистиллят деб аталади.

Нефтни ҳайдаш. Одатда нефтдан қуйидага т-ралар оралиғида қайнаб буғланадиган дистиллятлар олинади: бензин 28—180°, лигроин 110—230°, керосин 120—315°; газойил 230—330°; соляр 280—380°; мой 320—500°.

Нефтни қайта ишлаб ёнилғи ва мойлар олишда уни тўғри ҳайдаш бирламчи ва асосий жараён ҳисобланади (схема). Тўғри ҳайдаш печь қувурларида ҳаракатда бўлган нефтни қаттиқ қиздириб буғлатиш, буғни ректификация устуни (колоннаси)да фракцияларга бўлиш йўли б-н амалга оширилади. Қувурли печларда нефть 330—350° гача қиздирилиб, кейин ректификация ус-тунининг ўрта қисмига юборилади. Нефтнинг суюқ қолдиқлари устуннинг деворларидан пастга сизиб тушади, энгил углеводород буғлари эса устуннинг тепа қисмига қараб интилади ва ректификация тарелкаларига урилиб, конденсатга (суюқликка) айланади. Тарелкалар устуннинг ҳар хил баландликларида жойлашган бўлиб, пастки тарелкаларда оғир углеводородлар, юқорирокдаги тарелкаларда энгилроқ углеводородлар конденсатга айланади.

Нефтни тўғри ҳайдашда ректификация устунларидаги босим атмосфера босимига тенг бўлади. Ректификация устунининг тагида йиғилган мазут крекинг қурил-маларида қайта ҳайдалиши ёки ёқилғи мазути сифатида ишлатилиши мумкин. Мазутларнинг иккиламчи қайта ишла-ниши вакуум қурилмаларида бажарилади. Вакуум устунларининг юқори қисмидан соляр фракциялари конденсатлари, қуйирокда мой фракциялари, устуннинг пастки қисмида эса гудрон ёки ярим гудрон йиғилади.

Нефтни тозалаш. Нефть



маҳсулотларининг сифатини яхшилаш мақсадида олинган дистиллятлар тозаланади. Дистиллятларни олтингугурт, азот, кислород ва тўйинмаган углеводородлардан тозалаш учун гидро-тозалаш жараёни қўлланади. Гидрото-залаш 350—420° да ва 1,7—40 МПа босимда катализатор ёрдамида амалга оширилади. Гидрото-залаш, асо-сан, дизель ёнилғиси ва мой дистиллятларини олтингугуртдан тозалашда ва айрим дистиллятларни иккиламчи жараёнга тайёрлашда ишлатилади.

Ёнилғи дистилляларидаги кислоталар ва олтингугуртли бирикмаларни йўқотишда ишқор б-н тозалаш усули ҳам қўлланади. Бу жараёнда тозаланаётган маҳсулотга ишқор ва сув қўшилиб, ҳосил бўлган бирикмани маҳсулотдан ажратиб олинади.

Ёнилғи ва мой дистиллятларининг совуқ пайтда қоғиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида улар парафинсизлантирилади. Бунда тез қуюк/гаша-диган парафин углеводород дистиллятлардан ажратиб олинади.

Нефтни тўғри ҳайдалганда ажралиб чиққан бензин, керосин ва дизель ёнилғиси фракцияларининг жами улуши нефть ҳажмининг 40—50%идан ошмайди. Ёнилғиларни ажратиб олиш улушини ошириш ва уларнинг сифат даражасини янада кўтариш мақсадида нефтни кимёвий қайта ишлаш, яъни иккиламчи жараёнлар қўлланади. Улар орасида крекинг жараёни — углеводородларни парчалаш жараёни кенг тарқалган. Бензинларнинг детонацияга тург-унлигини ошириш мақсадида углеводородларни алкиллаш ва изомерлаш жараёнлари ҳам қўлланиши мумкин.

Нефть маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун қўшимчалар қўшилади.

Эҳсон Умаров.

**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ** — оғир саноат тармоғи, нефтни қайта ишлаш ҳамда нефть маҳсулотлари и.ч.ни қамрайди. Нефтдан турли маҳсулотлар олиш қадимдан маълум

бўлсада нефть конларини қидириш, ундан саноат усулида қимматбаҳо маҳсулотлар олиш 19-а.нинг 1-ярмида пайдо бўлди. Ўзбекистонда Н.қ.и.с.нинг тўнғич корхонаси Ван-новск (ҳоз. Олтиариқ) нефть з-ди 1904 й.да ишга туширилган.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда янги нефть конлари очилиши б-н Н.қ.и.с. жадал суръатлар б-н ривожланди, техника даражаси ва и.ч. кўлами ўсди. 1959 й.да Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1нав-бати ишга туширилди. Кўкдумалоқ нефть-газ кони очилганидан кейин Франциянинг ТЕК-НЕП фирмаси б-н ҳамкорликда Бухоро вилоятининг Қо-ровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 1996 й.да қуриб битказилди. 1997 й.да юқори сифатли сурков мойлари и.ч. га ихтисослашган Ўзбекистон—АҚШ «Ўз-Тексако» қўшма корхонаси ташкил этилди. 2000 й.да Фарғона нефтни қайта ишлаш з-ди тўлиқ таъмирланди. Мазкур з-д сурков мойлари ва ёнилғи и.ч.га ихтисослашган, и.ч. бўйича 30 дан ортиқ тех-нологик қурилмага эга, Олтиариқ нефть з-ди эса ёнилғи йўналишида.

Нефтни қайта ишлаш з-дларида юқори октанли бензин (шу жумладан, Б-92 авиабензини), дизель ёнилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил автомашиналар учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, ур-чук мойлари), керосин, битум, мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Янги маҳсулот турлари и.ч.ни ўзлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлашти-рилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда нефть (газ конденсатага б-н бир-га) казиб олиш ҳажми кескин оширилди. Н.қ.и.с. АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Буюк Британияда, айниқса, ривожланган (яна қ. Ёқилғи саноати, Нефть саноати).

Абдурахим Ортиқов.

**НЕФТНИ ҲАЙДАШ** - қ. Нефтни щита ишлаш.

**НЕФТЬ** (туркча neft, форс, нефт), корамай — суюк ёнувчи қазилма бойлик, органик бирикмаларнинг, асосан, углеводородларнинг мураккаб аралашмасидан иборат модда. Ер юзасидан, асосан, 1,2—2,0 км чуқурликдаги ер ости гумбазларининг ғовак ёки серёрик тоғ жинслари (кум, кумтош, охактошлар)да жойлашган. Чиқарилаётган Н., асосан, бурғиланган кудуклардан олинади.

Н. ўта муҳим ёнилғи-энергия манбаи бўлиб, бензин, керосин ёнилғиси, мазут, мойлаш материаллари ва битумлар олишда асосий хом ашё сифатида ишлатилади.

Н. кора ёки қўнғир, баъзан оч малла рангли бўлиб, ўзига хос ҳиди бор. Зичлиги 750—970 кг/м<sup>3</sup>. Зичлиги 20° да 850 кг/м<sup>3</sup> дан паст бўлган Н.лар энгил,

851—885 кг/м<sup>3</sup> — ўртacha оғирликдаги ва 885 кг/м<sup>3</sup> дан юқорилари оғир Н. ҳисобланади. Қайнаш т-раси 28° дан юқрри. Қотиш т-раси —60° дан —26° гача, 50° даги крвушоклиги 1,2—55 мм<sup>2</sup>/с, солиштирама иссиқлик сиғими 1,7—2,1 кЖ/(кг.К), ёниш иссиқлиги 43,7—46,2 МЖ/кг га тенг. Чакнаш ҳарорати 35—120°. Органик эритувчиларда эрийди, сувда эримайди, лекин сув б-н турғун эмульсия ҳосил қилади.

Н. таркибида парафин, нафтен ва аро-матик углеводородлар бўлади, углевод 82—87%, водород —11,5—14,5%, олтингургурт 0,1—5,5%ни ташкил этади. Бундан ташқари, ванадий, никель, кальций, магний, темир, алюминий, кремний, натрий каби 20 дан ортик элементлар, 5% гача ҳар хил аралашмалар —нафтен кислоталар, асфальт-смола моддалар, меркаптанлар, водород сульфид, тиофен ва тиофанлар, дисульфидлар, пиридин, пиперидин ва б. мавжуд. Н. таркибидаги олтингургурт микдорига қараб кам олтингургуртли (0,6% гача), олтингургуртли (0,6—1,8%) ва кўп олтингургуртли (1,8%дан ортик) синфларга бўлинади.

Баъзи олимлар Н.ни табиатдаги кимёвий ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган деб ҳисоблаганлар. Бу ҳақда 2 карама-қарши фикр — аорганик ва ор-

ганик гипотезалар мавжуд. Аорганик гипотеза асосчиси француз кимёгари М. Бертло (1866) Н. ер қаърида карбонат кислотанинг ишқрий металлларга таъсири натижасида, шунга ўхшаш, Д. И. Менделеев (1877) ер қаърига синиш зоналари орқали тушган сувнинг углеводли металл (карбид) ларга таъсири натижасида ҳосил бўлган, деган фикрни билдирганлар.

20-а. бошларида эса Н. ҳосил бўлишининг органик гипотезаси ривожлантирилди ва чўкинди жинслардаги сапропель (органик балчик) б-н Н. узвий ало-қада деб топилди. Бу гипотезага кўра, Н. кўл ва денгиз остида чўкинди жинслар б-н бирга чўкадиган ҳар хил йирик ҳайвонлар (қад. ихтиозаврлар, китлар ва кашалотлар)дан тортиб планктонларгача бўлган жониворлар ва ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган. Денгиз ва кўл тубида йиғилган органик модданинг бир қисми денгиз жониворларига озик бўлса, бир қисми сувда эриган кислород б-н оксидланиб йўқолган ва органик модданинг жуда оз (2—3% гача) микдори денгиз тубида лойқага аралашиб, унга қорамтир тую берган. Лойка ичида органик модда кислородсиз муҳитда анаэроб бактериялар таъсирида ўзгарган. Чўкинди жинслар таркибидаги сапропельнинг бир неча млн. йиллар давомида ўзгариб Н. ҳосил бўлиши лаб. синовларида амалий жиҳатдан ўрганилган. Бунда Ер пўстининг 1200—1500 м чуқурлигидаги органик моддаларнинг мураккаб молекулалари парчаланиб, газеимон, суюк ва қаттик углеводородлар ажралиб чиқиши мумкин. Ундан ҳам чуқурроқ (3000—4000 м)да жараён янада тезлашиб, Н. ҳосил бўлишининг бош фазасини вужудга келтирган ва углеводородлар максимал микдорда ажралиб чиққан.

Н.ли қатламлар Ер пўсти тарихининг ҳамма даврларига мансуб қаватларида учрайди, аммо энг кўп захираси девон, юра, бур ва тўртламчи давр ётқизикларида жойлашган. Н.ли қатламлар майд. 1000 км<sup>2</sup>, қалинлиги 100 м гача етиб, бир кон-

да бир неча Н.ли қатлам мавжуд бўлиши мумкин.

Н. жуда қддимдан ишлатиб келинган. Яқин Шарқда жойлашган қад. давлатларда аҳоли Н. ва битумдан фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, тарихий манбаларда Сурия ва Ироқдан оқиб утадиган Фурот дарёсининг соҳилларида мил.дан 4—6 минг йил аввал, икки қароғайимга жойлашган Шувер давлати (ҳоз. Ироқ)да, Бобилда, Қад. Мисрда юнон ва римликлар идишлар ясада, ҳайкаллари беэада, сарой ва йўл қурилишларида, жасақлари нибальзамлаш ва мумиёлашда Н. ишлатганликлари қайд этилган. Н. қуйган жойни, шиш, ревматизм ва тери касалликларини даволашда ишлатилган. Юнон табиби Гиппократ Н. б-н тайёрланган дорилар таркибини, италиялик маш-хур сайёх. Марко Поло (1254—1324) Кавказда «ер мойи» борлигини, ундан ёнилги сифатида фойдаланиш ва туяларни даволашда ишлатиш мумкинлигини ёзиб қолдирганлар. Қдц. шарқда Н.дан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланганлар. Шунингдек, мил. ав. 331 й. Н.дан Генуя (Италия) қўчаларини ёри-тишда фойдаланганликлари маълум.

Н. чиқариш қадим замонлардан маълум. Мил. ав. Киссияда Н. қудуқлардан чиқарилган. Мидия, Бобил ва Су-рияда Н. очиқ сув хавзалари юзидан йиғиб олинган. Ўша даврда ерни бур-ғиламасдан ер ёки сув юзасидаги, қудуқлардаги тайёр Н.ни йиғиб олганлар. 15-а.да Италияда Н.ли қумтош ва оҳақтошларни қиздириб ва сиқиб Н. олинган. 1868 й.да Қўқон хонлигида қўлдан ариқларда оқиб чиқадиган сув юзасидан Н. йиғиб олинган; бунинг учун ариқларга остидан сув ўтадиган, юзида эса Н. йиғиладиган тўсиқ қилинган. 17-а.да Боқуда қудуқлардан Н. чиқарилган. Бундай қудуқларнинг чуқ. 27 м гача бўлиб, деворлари тошлар ёки ёғочлар б-н мустах-камланган.

Ўзбекистонда Н. чиқариш 1876 й.дан бошланган. Фарғонанинг Қамишбоши қишлоғида тадбиркор Д. П. Петров то-

монидан 19-а.нинг 80-й.лари бошида 25 метргача бурғиланган 2 та қудуқнинг ҳар биридан қунига 10 пуд (160 кг) гача Н. чиқарилган.

19-а.нинг 60-й.ларидан Н. бурғи қудуқлари орқали чиқарила бошлади. 1865 й.да АҚШда биринчи марта Н. механик усулда (насос ёрдамида) чиқарилган. Бу усул 1874—95 й.ларда Грузия, Боку ва Гроз-нийдаги қонларда ҳам жорий этилган. Н.ни бурғи қудуқлари орқали чиқариш усули, асосан, 20-а.нинг 30-й. ларига қелиб анча такомиллашди.

Н. чиқариш учун Н. агрофида жойлашган сув ёки газ босимини ошириш усули б-н қатлам ғовақларидаги Н. қудуқ забойига йиғилади. Сув босими, одатда, бошланғич Н. захирасининг 50—80% ини, газ эса атиги 20—50%ини сиқиб чиқаради. Одатда, та-шқаридан берилатган сув қазиб чиқарилаётган Н.нинг ўрнини тўла эгаллай олмаганлигидан босим камайиб кетади. Натижада Н.нинг фаввора бўлиб табиий отилиши тугайди. Шундан кейин Н. компрессор ёрдамида чиқарилади.

Н.ни компрессор б-н чиқаришда қудуққа Н. газини ёки ҳаво ҳайдалади; улар Н.га аралашиб, зичлигини камайтиради, натижада Н. ва газ аралашмасининг сатҳи қудуқ юзасигача қўтарилиб, Н.нинг фаввора бўлиб отилиши давом этади. Н. қудуқлардан Н. насоси ёрдамида ҳам чиқарилади.

Қатлам босимининг пасая бориши натижасида қудуқ дебитининг тушиши Н. чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштиради. Н. қонларини ишга тушириш назарияси, айниқса, ер ости гидрогазодинамикасининг ривожланиши натижасида Н. чиқаришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Буларда Н. қатламларига сув ёки газ ҳайдаш йўли б-н қатлам босимини бутун эксплуатация мобайнида деярли бирдай ушлаб туриш мумкин.

Ад.: Акрамходжаев А. М., Генезис нефти и газа, М., 1967; Геология и методы изучения нефтегазоносности древних

дельт: М., 1986.  
Эҳсон Умаров.

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ВА РАЗВЕДКАСИ ИНСТИТУТИ** — Тошкентдаги йирик и.т. маркази. 1959 й. Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-тининг нефть геологияси ва геокимёси бўлими ҳамда Бу-тунигттифоқ Нефть геологияси ва разведкаси и.т. институтининг филиали асосида ташкил этилган. 1969 й.дан Ўзбекистон Геология вазирлиги (1991 й.дан Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси) таркибида бўлган. 1995 й.дан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси қотила.

Ин-тдаги барча и.т. ишлари, асосан, 23 лаб. ва секторни бирлаштирган 6 та булим: регионал геол. ва тектоника, нефть ва газ конлари геол.си, геофизика, нефть ва газ геокимёси, нефть ва газли чўкинди жинслар формацияси, нефть ва газ конларини пармалаш бўлимларида олиб борилади. Булардан ташқари, ин-т қошида методикатажриба партияси ҳам мавжуд бўлиб, чу-қур ва ўта чуқур нефть конларини бур-ғилаш техникаси ва технологияси устида иш олиб боради. Нефть-газ углеводородларининг пайдо бўлиши ва тарқалиш қонуниятлари ҳам ўрганилади. 1970—71 й.ларда СССРда биринчи бўлиб табиий шароитларда нефть ва газ углеводородларининг пайдо бўлиши қонуниятлари тажрибавий модели ишлаб чиқилди. Ин-т олимлари томонидан нефть ва газ конлари истикболига бағишланган фундаментал асарлар, тавсияномалар яратилди. Хорижий инвесторларга Ўзбекистондаги нефть-газ захираларини илмий асослаб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Ин-тни ташкил қилишда ва унинг илмий йўналишларини белгилашда олимлардан О. М. Акрамхўжаев, А. Г. Бобоев, О. А. Рижков, Ш. Д. Давлатов, И.С.Старобинец, А. К. Каримов, У. Ж. Мамажонов, А. К. Раҳимов ва б. салмоқли қисса қўшганлар. Ин-тда 120 га яқин

илмий ходим фаолият кўрсатади (2003). Шулардан 1 акад., 9 фан д-ри, 4 проф., 22 фан номзоди, улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган нефтчи (А. Р. Хўжаев), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог, Давлат муко-фоти лауреати (А. Т. Иброҳимов), фахрий ихтирочи (А. В. Киршин, З. С. Иб-роҳимов), биринчи кон кашфиётчиси (А. Ш. Иброҳимов) унвонларига эга бўлганлар бор. Ин-т ходимларидан Ў. Ж. Мамажонов, М. К. Туробовлар бурғилашда ишлатиладиган янги (КО-4) эритмадан кашф этишдаги хизматлари учун Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати бўлдилар (1970).

**НЕФТЬ ГАЗЛАРИ** - нефть б-н бирга чиқадиган углеводород газлари, шунингдек, нефтни қайта ишлаш пайтида ҳосил бўладиган газлар. 1 м<sup>3</sup> ҳажмдаги Н. г. таркибида 100—150 г бензин фракциялари бўлади. Ёниш иссиқлиги 29-38 МЖ/м<sup>3</sup> (7000-9000 ккал/м<sup>3</sup>). Н.г. нинг алоҳида хусусиятларидан бири — таркибида метандан ташқари этан, пропан, бутан ва оғир углеводородлар буғларининг мавжудлигидир. Аксари Н.г.да қўшимчалар сифатида водород сульфид ва ёнмайдиган компонентлар (азот, углерод (У1)-оксид, аргон ва гелий) учрайди (яна қ. Газлар).

**НЕФТЬ КИМЁСИ** — кимё фанининг бир бўлими, нефть ва табиий газ компонентларининг таркиби, тузилиши, хоссалари ва кимёвий ўзгаришларини, шунингдек, уларни қайта ишлаш жараёнларини ўрганади. Н.к. соҳасидаги илк тадқиқотлар 19-а.нинг охиригача (тахм. 1880 й.) бошланган бўлиб, бу вақтга келиб дунё микёсида нефть қудуқларидан йилига 4—5 млн.т нефть чиқарилган. Нефтни термик крекинглаш пайтида ажралиб чиқадиган газлардан синтез йўли б-н олинган изопропил спирт (1920, АҚШ)

Н.к.нинг саноат микёсидаги биринчи маҳсулотлари эди. 1950—1960 й.ларда тош-

қўмирга нисбатан нефть-газ хом ашёларидан органик синтезда кўпроқ фойдаланиш Н.к.нинг кимёвий-илмий тадқиқотлардан мустақил йўналиш сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Н.к.нинг бош масаласи — нефть ва табиий газ компонентларини (асосан, углеводородлар, турли ёнилғилар, сурков мойлари, мономерлар, эритувчилар, сирт фаол моддалар ва б. олишда қўлланиладиган катта миқдордаги органик маҳсулотлар) қайта ишлаш жараёнларини ўрганиш ва самарали усулларини топишдан иборат. Шу мақсадда Н.к. нефть углеводларининг таркиби, тузилиши, хоссалари, углеводородлар аралашмалари ва нефть таркибидаги гетероатом бирикмаларнинг ўзгаришини текширади. Н.к. муаммоларни ечишда органик ва физик кимё, мат., исиклик техникаси, кибернетика ва б. фанларнинг усуллари ҳамда ютуқларидан комплекс фойдаланади.

**НЕФТЬ КИМЁСИ САНОАТИ** - оғир саноатнинг нефть ва табиий ёнувчи газларни қайта ишлаш маҳсулотларидан, асосан, сунъий материаллар ҳамда буюмлар ишлаб чиқарадиган тармоғи. Н.к.с. корхоналарида сунъий каучук, асосий органик синтез маҳсулотлари (этилен, пропилен, полиэтилен, сирт-актив моддалар, бензол, бутадиең, ювиш воситалари, баъзи минерал ўғитлар), коракую, резина буюмлар (авто-покришқалар, резина-техника буюмлари ва кенг халқ истеъмоли моллари), асбест-техника буюмлари ишлаб чиқарилади.

Нефтни қайта ишлашнинг крекинг ва пиролиз каби янги усуллари жорий этилиши Н.к.с.нинг вужудга келишига замин яратди. АҚШда крекинг газидан изопирил спирт (1918), алифатик кимёвий маҳсулотлар (1920), винилхло-рид ва б. и.ч. ўзлаштирилди. Ўзбекис-тонда Тошкент резина-техника з-дида (1944), Ангрен резина-техника акция-дорлик жамиятида (1975) синтетик ва табиий каучук, техник углероддан резина маҳсулотлари, автомобиль шиналари,

шамоллатиш шлемлари, калиш ва б. маҳсулотлар, Шўртган газ-кимё мажмуасидз. табиий газдан полиэтилен плёнқалари ишлаб чиқарилади.

Н.к.с.нинг тараққиёти нефтни қайта ишлаш микёсининг кенгайиши ва такомиллашиши б-н бевоСИТА БОғЛИҚ (қ. Газ саноати, Нефть саноати, Нефтни ишлаш саноати).

Абдурахим Ортиқов.

**НЕФТЬ КОНЛАРИ** - Ер пўстида маълум тектоник структурада жойлашган ва уни чиқариб олиш иқтисодий жи-хатдан фойдали ҳисобланган нефть уюмлари. Н.к. антиклиналь бурмаларда ва тектоник узилган моноструктурали табиий тутқичларда жойлашган. Н.к.ни тавсифловчи асосий пара-метрлар: кон майдонининг геологик тузилиши, локал структуранинг асосий структураларга нисбатан жойлашиши, турли структурали паланлар мавжудлиги, маҳсулдор горизонтлар, уюмлар тури, углеводородларнинг фазавий хрлати, захиралари, уларнинг майдон бўйлаб зичлиги ва б. Н.к. бир неча структурали қаватларни бирлаштириши мумкин. Уюмлар турига қараб конлар бир қатламли ёки кўп қатламли бўлади. Конда нефтнинг фазавий микдорига қараб нефть, нефть-газ, газ-нефть, газ-конденсат-нефть конларига бўлинади. Ўзаро яқин жойлашган бир неча йирик нефть-газ конлари ҳавзаларни ташкил қилади.

Н.к. табиатда, асосан, чўкинди жинслардан ҳосил бўлганлиги сабабли бир ёки бир неча маҳсулдор қатламдан тузилади. Н.к. захиралари умумий (геологик) ва олиниши мумкин бўлган (саноат) захираларига бўлинади.

Нефть ва газ уюмлари тузилишига кўра, қатламли гумбаз уюми (говакли жинсларда), қатламсиз гумбаз уюми (ғовак ёки дарзли жинсларда) ва стратиграфик чегараланган гуруҳларга бўлинади.

Н.к. Ер юзининг барча китъаларида, континентал шельфда учрайди. Жум-

ладан, Мексика кўлтиги нефть-газли ҳавзаси, Шим. денгиз, Каспий, Қора ва Ўрта денгизлар ва б. сув хав-залари ту-бидаги жинсларда мавжуд. Нефть ва газ конлари протерозой эрасидан тўртламчи давргача бўлган қатламлар орасида жой-лашган. Хорижда 19-а.да Апшерон я.о., Грозний ш. яқинида, Краснодар ўлкаси, Челикен я.о. ва б. жойларда топилган. Кейин-роқ Туркменистон, Қозоғистон, Украина, АҚШ, Нигерия, Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам Н.к. ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нефть ва газлиги аниқданган 5 реги-онда (Бухоро—Хива, Устюрт, Сурхон-дарё, Ҳисор жан.-ғарби ва Фарғона) нефть ва газни қидириш бўйича регионал иш-лар олиб борилмоқда. Нагигада 450 дан ортик суюқ ва газсимон углеводород йиғилмалари аниқланган бўлиб, улар 155 конда мужассамлашган.

Ҳоз.гача маълум бўлган конларда углеводород захираси миқдори бўйича Конлардан нефть чиқариш. биринчи ўринда (74,3%) кичик, иккинчи ўринда ўрта (14,4%), учинчи ўринда йирик (10%) ва тўртинчи ўринда (1,3%) уникал конлар туради. Углеводород конларининг 66% Бухоро—Хива, 17,5% Фарғона, 7% Сурхондарё, 5,7% Ҳисор жан.-ғарби ва 3,2% Устюрт регионларида жойлашган. Маҳсулдорликнинг стратиграфик диа-пазони палеозойдан (Устюрт региони) неоген (Фарғона региони) ётқизиклари оралиғини қамраб олган. Фарғона ре-гионида қидирув ишлари жадал олиб борилди. Дастлабки кон (Чи-мён) 1900 й.да очилган. 1980-й.ларнинг бошига-ча Фарғона региони нефть казиб олиш, захираларни ошириш суръати бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринда эди.

Фарғонадаги нефть конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ўзбекист-онлик олимлардан О.М. Акрамхўжаев, П. К.Азимов, О. С. Вялов, М. С. Сайда-лиева, А. Ҳ. Ҳожи-матов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар. 1985 й.дан бошлаб суюқ углеводородларни чиқариб олиш бўйича

Бухоро—Хива региони Фарғона регио-нидан ўзиб, Ўзбекистонда етакчи ўринни эгаллади. Бу регионда нефть, газ ва кон-денсат захираларини оширишда Н. Х. Алимухамедов, Т. Л. Бо-божонов, А. В. Вахрбов, А. Г. Иброхимов. В. А. Кулагин ва б. бир қанча олим ва и.ч. мутахассис-ларининг ҳиссаси бор.

Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга бўлган 86 та нефть кони очилган, улардан 36 таси нефть конлари, 24 таси нефть-газ ва газ-нефть конлари ва 26 таси нефть-газконденсат конлари тои-фасига кири-тилган ва ҳоз. нефть 63 кондан чиқариб олинмоқда. Ҳоз. нефть казиб олиш суръ-атида разведка қилинган нефть захираси республика эҳтиёжини 30 й.дан ортиқроқ муддатга таъминлайди. 14 та нефть ко-нида разведка ишлари олиб борилмоқда ва уларнинг жами захираси 185 млн. т ни ташкил этади.

Ўзбекистон регионлари бўйича неф-тнинг башоратли ресурслари нотекис так,симланиб, уларнинг асосий қисми Фарғона (74,8%) ва Сурхондарё (10,5%) регионларида мужассамланган. Фарғона регионидан нефтнинг башорат қилинган ресурслари, асосан, палеоген ва неоген ётқизикларида баҳоланган.

Бухоро—Хива регионидан нефтнинг башорат қилинган ресурслари юқори юранинг карбонат ётқизиклари ва куйи бўрнинг терриген ётқизиклари б-н бо-глик. Ўртача ва нисбатан йирик нефть конларининг очилиши Сурхондарё мега-синклиналининг туз ости ётқизикларида кутилмоқда. Устюрт региони Каспий олди синеклизиси б-н таққосланганда геологик тузилишдаги ўхшашликлар аниқланиб, бу регионда палеозой ётқизикларининг нефтлигини баҳолаш имконини берди.

Ўзбекистонда нефть казиб олиш узок, йиллик соҳа бўлишига қарамасдан шўролар режими даврида ўз эҳтиёжини қоплай олмаганлиги сабабли хар йили 6,0 млн. т нефть четдан олиб ке-линар эди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нефть казиб олиш суръати динамик тарз-

да ўсиб бормоқда (1999 й.да 8,2 млн. т) ва суюқ ёқилгига бўлган эҳтиёж тўла копланмоқда.

**НЕФТЬ САНОАТИ** — оғир саноат соҳаси. Нефть ва газ конларини кидириш, кон кудуклари қазиб, нефть ва нефть б-н аралаш чиқадиган газни қазиб олиш, нефть газини қайта ишлаш, нефтни қувурлар орқали жўнатишни ўз ичига олади. Н.с. нефть кудукларини механик усулда қазибга ўтилган даврдан (АҚШ, 1859) ривожлана бошлади, деб ҳисобланади. Россияда 1-нефть кудуги Кубанда 1864 й.да қазилган. Н.с. Канадада 1862 й.дан, Венесуэлада 1917 й.дан, Эронда 1908 й.дан пайдо бўлган.

Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1904 й.да очилган (Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 278 м чуқурликдан суткасига 130 т нефть олинган). Ўша йили Ванновск (ҳоз. Олтиарик) т.й. ст-ясида нефтни қайта ишлаш 3-ди ишга туширилди. Ўзбекистонда нефть саноатининг пайдо бўлиши шу санадан бошланади. Кейинроқ Фарғона ботиғида Ёрқўтон, Селрохс конлари ҳам очилди, Чимён-Ванновск нефть қузури қурилди, нефтни қайта ишлаш 3-ди кенгайтирилди. Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тўла ўз назоратига олди. «Санто» — Ўрта Осиё нефть савдоси ширкати ташкил этилди. 1913 й.да жами 13 минг т нефть қазиб олинди. Октябрь тўнтаришидан кейин нефть конлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналари национализация қилиниб, нефть конларини излаш, ишга тушириш ҳам шўролар ҳокимияти их-тиёрига ўтказилди. Ўзбекистонга бошқа республикалардан, айниқса, Россиядан кўплаб мутахассислар кела бошлади. Қўқон ш.да «Ўзбекнефть» (1924), Тер-миз ш.да «Термизнефть» (1936) трестлари ташкил қилинди. Қўқон нефть тех-никуми (1935) очилди. Урушгача бўлган даврда Сурхондарё вилоятида ҳам нефть конлари очилди ва ишга туширилди (1935;

Учқизил, Хавдаг). 1940 й.да мамлакатда нефть олинадиган конлар сони 11 тага етказилди.

1941—45 й.ларда янги нефть конлари (Фарғона водийсида Жан. Оламушук, Полвонтош, Андижон) очилди ва тез фурсатда ишга туширилди. Олтиарик 3-ди кенгайтирилди. Ўша даврда республикада нефть саноатининг инфратузй-маси ҳам вужудга келди. 1941 й.да 196 минг т, 1945 й.да 478 минг т нефть қазиб олинди, 50-й.лардан нефть конларида телемеханизация воситалари қўлланилди, турбинали бурғилаш жорий қилина бошлади. 1959 й.да Фарғона водийси ва Сурхондарё вилоятидаги 9 нефть конининг ўзидан 1460 минг т дан зиёд нефть олинди. Уша даврда Бухоро-Хива ҳудудларида топилган нефть конлари ишга туширилди, уларнинг негизида нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси ташкил этилди. 70-й.лар бошидан айрим нефть конларидаги захираларнинг тугаши натижасида нефть қазиб олиш камайди. Янги нефть конларини топиш учун чу-кур кудуклар қазиб ўзлаштирилди. Во-руҳда 5200 м, Ғумхонада 5670 м, Чуст-Попада 5805 м, Мингбулоқда 6006 м ўта чу кур нефть кудуклари бурғиланди.

1985 й.да Бухоро-Хива провинциясида яхши таркибли, нефть-газ конденсатли Қўқдумалоқ кони очилди.

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришганидан сўнг Н.с.ни ривожлантириш масаласи муҳим ишга айланди. 1992 й. 23. дек.да нефть ва газ саноати ҳамда у б-н боғлиқ барча корхона, ташкилот, муассасалар ягона бошқарувга бирлаштирилиб, «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорациям ташкил этилди. 1993 й. Фарғона ботиғининг ўта чукур қатламларидан (Мингбулоқ тузилмасидан) нефть отилиб чикди (кидирув-бурғилаш ишлари давом этмоқда). Республика нефть саноати халқ хўжалигининг нефтга бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятларига эга. Айниқса, Қўқдумалоқ кони жадал сурьатлар б-н ишга туширилди. 1995 й.да Ўзбе-

кислонда 7 млн. т га яқин нефть ва конденсат қазиб олинди. 1991—2003 й.ларда Ўзбекистонда нефть ва газ конденсатини олиш 2,8 марта ошди (1990 й.да 2,81 млн. т; 1997 й.да 7,9 млн. т) ва 1995 й.да нефть импортини тугатиб, республиканинг нефть мустақиллигини таъминлашга имкон яратди. 2001 й.нинг январь келиб Ўзбекистонда 59 кондан нефть олинди, 17 та кон ишлатишга тайёрланган ва кон-сервацияда. 13 та кон қидирув ҳолатида. Нефть қазиб олиш ва конларни излаб-текшириш бўйича Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси (Ўз-Малойл) (1994) ташкил этилди. Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришгач, четдан нефть ва нефть маҳсулотлари ташиб келтиришга зарурат қолмади. 2000 й.да Ўзбекистон Н.с.да газ конденсата б-н бирга 7,53 млн. т нефть қазиб олинди.

Нефть-кимё саноатининг ривожланиши туфайли ҳоз. замон иктисодиётида нефтнинг аҳамияти ортиб бормок-да. Жаҳонда Н.с. АҚШ, Россия, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Кувейт, Венесуэла, Хитой ва б. мамлакатларда ривожланган.

Абдурахим Ортиқов.

**НЕФТЬ СУВЛАРИ**, нефть конларидаги сувлар — нефтли гори-зонтлардаги ер ости сувлари; нефть ва унда эриган газ б-н бевосита алоқада бўлади. Нефть қатламларида ва нефть уюмларига нисбатан жойлашишига қараб қуйидаги Н.с. фарқ қилинади: чекка (контурли) сувлар — нефть уюмидан қуйида жойлашган; остки (тўшак) сувлар — қал-қиб турган нефть уюмининг тагида жойлашган; устки сувлар — нефтли қагламнинг устида жойлашган; боғланган сувлар — ғоваклар юзасини ўраб олувчи нефть қатламида майда капилляр найчаларни тўлдирувчи сув; сунъий киритилган сув — нефть уюмларини чиқариб олишда босимни зарур даражада сақлаб туриш учун киритилади. Н.с.нинг геокимёвий таркиби маҳсулдор горизонт ва уюм таркибининг литологик хусусиятлари б-н

боғлиқ. Нефть уюмларининг чекка Н.с.да органик кислоталар, бензол, фенол, оғир карбонсувларнинг кон-центрацияси юқори бўлади. Газ уюмларидаги сувларда, одатда, органик қўшимчалар кам. Кўпинча Н.с.нинг таркиби катта майдонларда деярли ўзгармайди. Нефть уюмлари б-н бевосита туташган сувлар (чекка ва остки)нинг минераллашуви (200 г/л гача ва ундан зиёд), газга тўйинганлиги, метан ва бензол, аммонийнинг микдори ўзига хос хусусиятларига эга. Гидрокарбонатнатрийли Н.с. эса кам (10 г/л гача) минераллашган. Н.с.ни ўрганиш нефтни кидириш, разведка қилиш ва кондан чиқариб олишда аҳамияти катта.

Кўпинча Н.с. шифобахш минерал сув сифатида ёки ундан йод, бром, бор, радий, барий, стронций ва б. олишда фойдаланилади. Нефть б-н бирга чиқадиган Н.с. каттик ноорганик тузлар ҳосил қилиши сабабли нефть қазиб олишни мураккаблаштиради. Бунинг олдини олиш учун Н.с. тузсизлантирилади ёки нефть сувсизлантирилади.

**НЕФТЬ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ТАШКИЛОТИ**, ОПЕК (Organization of Petroleum Exporting Countries, OPEC) — нефть қазиб олишни ва аъзо мамлакатларнинг нефть экспорта сиёсатини мувофиқлаштирувчи ҳамда аъзо мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қиладиган халқаро товар ташкилоти. Ташкилот расман 1960 й.да Венесуэла ташаббуси б-н Бағдод кон-ференциясида ташкил этилган. Низо-ми Каракас (Венесуэла)да 1961 й.да қабул қилинган ва кейинчалик кўпгина ўзгартиришлар киритилган. Эрон, Ироқ, Кувейт, Ливия муассис мамлакатлар ҳисобланади. Аъзо мамлакатлар Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Ливия, Катар, Кувейт, Нигерия, БАА, Саудия Арабистони, Эквадор (2003).

20-а.нинг 80-й.лари 2-ярмида бу ташкилотга кирмайдиган мамлакатлар ва Саудия Арабистонидан нефть таклифининг ўсиши натижасида ОПЕКнинг таъсири



кескин пасайди. Ҳоз. халқаро иқтисодий муносабатларда таъсир до-ираси ҳамон кучли. Ташкилотнинг олий органи — йи-лига 2 марта чакириладиган конференция бўлиб, унда иштирокчи мамлакатлар и.ч. стратегияси ва нархлар кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Идораси Австрияда жойлашган.

**НЕФУД** — Арабистон я.о.даги бир неча кум чўллари. Саудия Арабистони худудида. Энг йириклари: Катта Нефуд, Кичик Нефуд ва Нефуд-Дахи.

Катта Н ефуд Арабистон я.о.нинг шим. қисмида жойлашган. Майд. 670 минг км<sup>2</sup>. Уз. 500 км, эни 300 км гача. Бал. 600—1000 м ли платода жойлашган бўлиб, кум тепалар ва тошлоқлардан иборат. Куруқ ўзан кўп. Иқлими тропик, кескин континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси 10° дан юқри (баъзан —11° гача пасаяди), июлники 30° (максимал т-ра 54°). Йиллик ёғин 100 мм. Кучли шамоллар эсади. Ўсимликлари сийрак. Сиртлон, чиябўри, ке-мирувчилар, калтакесаклар яшайди. Чекка қисмида кудуқ ва воҳалар бор, кўчманчи чорвачилик ривожланган (қўй, туя боқилади). Кичик Нефуд (Дахно) Арабистон я.о.нинг марказий қисмидаги чўл, Катта Нефуд б-н Руб ул-Холи чўллари оралиғида. Уз. 1200 км, эни 20—70 км. Ўртача бал. 450 м.

Кум уюмлари кўчиб юради. Ўсимлиги жуда сийрак. Нефуд-Дахи Арабистон я. о.нинг марказий қисмида. Уз. 500 км, эни 100 км гача. Ўсимлиги жуда сийрак, кум уюмлари кўчиб юради.

**НЕЪМАТЛАР** — кишиларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга, уларга наф беришга қодир бўлган жами нарсалар. Н. истеъмол Н.лари (кишиларнинг бевосита эҳти-ёжларини қондиради), ресурслар (истеъмол Н.лари и.ч. учун зарур Н.)га; ўз тузилмасига кўра, хусусий ва иж-тимой Н.га бўлинади. Хусусий Н. яқка истеъмол этиладиган, ижтимой Н. бутун жамият фойдаланиши мумкин бўлган, истеъмол-

да чеклаш бўлмаган Н.дир (қ. Моддий форовонлик). Н. истеъмолга очиклиги жиҳатидан меъёрий (истеъмолчиларнинг да-ромадлари ўсишига қараб истеъмол қилиниши, талаб ортиб борадиган Н.) ва чекланган (ноёблиги ёки миқ-дори чекланганлиги сабабли и.ч. ва тақсимлаш зарур бўлган Н.)га бўлинади. Чекланган Н.га талаб уларнинг миқдоридан анча ортиқ бўлгани учун ҳам улар нархга эга бўлади. Ҳаво, куёш нури кабиларни истисно қилганда амалда барча Н. чекланган Н. сирасига қиради.

**НЕЪМАТОВ** Сойибжон Содиқович (1941. 16.4, Андижон) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1994), техника фанлари д-ри (1980), проф. (1984), Тошкент политехника ин-тини тугатган (1965). Тошкент автомобиль йуллари ин-тида кафедра мудири (1972— 78), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (1978— 85), Тошкент политехника ин-ти «Композицией материаллар» и.т. бўлими мудири (1985-89), «Композит» илмий-техника маркази бош ди-ректори (1990—92), «Фан ва тараккиёт» илмий-технология комплекси раиси (1992 й.дан). Асосий илмий ишлари қаттиқ жисмлар механоқимёси, мод-даларнинг радиоактивлик, магнит майдони, электр қуввати таъсирида иш-қаланишини қамайтириш, тебраниш қувватини ютиш, энергия ва моддий ресурсларни тежашга имкон берадиган технологияларни кашф этишга оид. Унинг раҳбарлигида полимер мате-риаллар ва саноат чиқиндилари асосида самарали антифрикцион, ёйилишга ва емиришга бардошли, тебранишга чидамли композицион материаллар

олиниб, машинасозлик, қурилиш, к.х. ва б. соҳаларда қўлланган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас: Адгезионные и прочностные свойства полимерных материалов и покрытий на их основе, Т., 1979; Основы создания полимерных композитов, ФРГ, США, Япония, Т., 1986; Композицион-

ные материалы на основе неорганических и органических веществ, Т., 1994.

**НЕЪМАТОВА** Адолат (1949.6.3, Олти-ариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1970). 1971 й.дан Олтиариқ тумани, Шахрихон, Тошкент ш. мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, чет тили ўқитувчиси. 1984 й.дан Мирзо Улугбек туманидаги 223-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси. Иш фаолияти давомида ўзини мохир педогог сифатида намоён этди. 1994/95 ўқув йилида 1 й.да икки синф дастурини (1—2синфлар) ўқитиш та-шаббуси б-н чиқиб, уни ўзи амалга оширди. Биринчилардан бўлиб «Одоб-нома» синов-тажриба даренини олиб борди. 1—4синфлар учун «Одоб сабоқлари» даре режаси ва дастури, «Одобнома» дарелиги ва методик кўлланмаси муаллифларидан бири.

**НЕЪМАТОВА** Назоқат(1922.21.3 - Бу-хоро — 2002.31.1) — Ўзбекистон халқ, артисти (1950). Саҳна фаолиятини Бухоро ёш томошабинлар театрида бошлаган (1938). 1941 й.дан Бухоро вилоят мусикали драма ва комедия театрида. Ёкимли ширадор овози (драматик сопрано) драма б-н бир қаторда мусикали драмаларда ҳам ранг-баранг лирик қахрамонлар образини яратиш имконини берган. Гулнор (Ш.Саъдулла, халқ мусикаси, «Ёрилтош»), Лайли (Хуршид; Т. Содиқов, Р. Глиэр, «Лайли ва Мажнун»), Зухра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зухра»), Ширин (К. Яшин; Ю. Ражабий, Б. Надеждин, «Фарход ва Ширин»), Санам (А. Бобожон; К. Отаниёзов, «Азиз ва Санам»), Сонни (Б. Гарги; М. Ашра-фий, «Мирза Иззат Ҳиндистонда») каби бош қахрамонлар сиймосини гавдалантирган. Драмаларда Жамила («Бой ила хизматчи»), Гули («Алишер Навоий»), Катерина («Момоқалдирик») сингаи образлар яратган.

**НЖАМЕНА** — Чад пойтахти. Шари

дарёсининг ўнг соҳилида, унга Логоне дарёси қуйилишида жойлашган. Шари-Багирми префектурасининг маъмурий маркази. Иклими экваториал, муссонли клим. Январнинг ўртача т-раси 24°, июлники 27,7°. Йилига 648 мм ёгин ёғади. Аҳолиси 530,1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари туғуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шаҳарга 1900 й.да Франциянинг Марказий Африкадаги ҳудудларининг маъмурий маркази сифатида асос солинган ва командир Лаами номи б-н 1973 й.гача Форглами деб аталган. 1920—58 й.ларда Франциянинг Чад мустамлакасининг маъмурий маркази. 1958 й.дан Чад мухтор Республикаси, 1960 й.дан мустақил Чад давлати пойтахти. Н.да президент қароргоҳи, Миллий мажлис, ҳукумат муассасалари ва б. жойлашган. Мамлакатнинг муҳим иқти-содий, савдо-молия ва маданий маркази. Озиқ-овқат ва энгил саноат қорхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Пахта, чорва б-н савдо қилинади. Ун-т, миллий музей бор. Мейморий ёдгорликлардан Катта масжид, собор ва б. сақланган.

**НИАГАРА ШАРШАРАСИ** - Шим Америкадаги шаршара, Эри ва Онтарио кўллариини бирлаштириб турувчи Ниагара дарёсида. Бундан 8—9 минг йил оддин доломитли оҳақтош ва гилли сла-нецлардан тузилган жарликда ҳосил бўлган. Н.ш. орол б-н 2 қисмга (чап томонда — Канада ҳудудидагисининг кенглиги 800 м, бал. 48 м, ўнг томонда — АҚШ ҳудудидагисининг кенглиги 300 м, бал. 51 м) бўлинган. Йирик ГЭС қурилган. Н.ш. ёнидан, Канада тарафида, кема қатнайдиған канал қазилган. Туристлар кўп келади.

**НИАМЕЙ** — Нигер пойтахти. Мамлакатнинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Ниамей департаментининг маъмурий маркази. Нигер дарёси соҳилида, 163 м баландликда жойлашган. Иклими субэкваториал клим, ўртача

йиллик т-ра 25°. Йилига 350 мм ёгин ёғади. Аҳолиси 627 минг киши (1999).

19-а. охирларида Н. ўрнида қишлоқ бўлган. 1926 й.да Нигер француз мустамлакасининг маъмурий маркази Зиндер ш.дан Н.га кўчирилган. 1960 й. августдан Нигер Республикаси пойтахти.

Мухим транспорт йўллари тугуни, Нигер дарёсидаги пристань. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Қ.х. районининг савдо маркази. Тўқимачилик ф-қаси, озик-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари, мебель, қ.х. анжомлари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган (қулоччилик буюмлари, тери, кумуш, олтин ва ёғочдан турли буюмлар тайёрланади). Иссиқлик электр ст-яси ишлаб турибди. Президент саройи, меҳмонхоналар, ун-т (1973), Соғлиқни сақлаш миллий мактаби, Геол. ва кончилик ишлари бўйича бюро, тропик ўрмончилик техника маркази, қ.х. ин-ти каби илмий муассасалар, миллий музей бор.

**НИВАЛ ИҚЛИМ** — крр эриб ва буғланиб улгурмайдиган иқлим. Абадий қор қатлами ҳосил бўлиб, музлик бошланишига сабаб бўлади. Қор икли-ми ҳам дейилади.

**НИВАЛ МИНТАҚА**, мангу қорлар минтақаси — тоғлардаги энг юқори табиий баландлик минтақаси; одатда, қор чизигидан юқорида жойлашган бўлади. Қутбий ва ундан қуйроқдаги ўлкаларда денгиз сатҳига қадар ёйилган. Қор бўронлари ва қор кўчкилари сабабли ҳамда муз тилларининг янада қуйроққа силжишидан Н.м. элементлари қор чизигидан ҳам пастроққа тушиши мумкин. Марказий Осиёдаги тоғларнинг чўл зонасида Н.м. чегараси энг юқори (айрим жойларда 6500 м дан баланд) дан ўтади. Н.м. ландшафти учун қор уюмлари ва музликлар, қоя ва қурумлар хос. Совукдан физик нураш жараёнлари жадал кечади. Органик ҳаёти яхши ривож топмаган. Ўсимлик қоплами (мох, лишайник ва

баъзи юксак ўсимликлар) жуда сийрак, хайвонлар кам учрайди; фақат қуш ва хашаротларнинг айрим турлари муқим яшайди.

**НИВЕЛИР** (франц. nivelet — тўғриламок, бараварламок) — геодезик асбоб. Ердаги икки нукта баландликлари фарқи (нисбий баландлиги) ни горизонтал визир нури б-н, шу нукталарга тик ўрнатиладиган Н. рейкалар ёрдамида аниқлайди. Тузилиши бўйича улар икки тур — визир нури цилиндрлик адилак (сув тарози) ёрдамида горизонтал ҳолатга келтириладиган Н.га ва визир нури ўз-ўзидан горизонтал ҳолатга келадиган (компенсаторли) Н.га бўлинади. Биринчи турдаги Н.нинг асосий қисмлари — қараш трубаши ва унинг ён қисмига ўрнатилган цилиндрлик адилак; иккинчи турдаги Н.да — қараш трубаши ва унинг ички қисмида жойлашган оптик призмали компенсатор ҳисобланади. Компенсатор механик маятник бўлиб, унинг оптик призмаси металл ёки синтетик икки толали ингичка ипда осиб кўйилган бўлади. У 15' (минут) гача қия бўлган визир нурни автоматик равишда горизонтал ҳолатга келтириб беради. Аниқлиги бўйича Н. аниқлиги юқрири (1 км масофага нивелирлаш аниқлиги 0,5—1,0 мм), аниқ (2—3 мм) ва техник (10 мм) Н.га бўлинади. Н.лар асосий геодезик ва топографик ишларда, барча турдаги қурилиш ишларида, ноёб бинолар ва мураккаб иншоотларнинг чўкиши ҳодисаларини кузатишда, Ер қобиғи вертикал ҳаракатини ўрганишда ва б. мақсадларда кенг қўлланади.

**НИВЕЛИРЛАШ** — геодезик ўлчашнинг бир тури; ер нукталари баландликлари фарқи (нисбий баландлиги) аниқланиб, улар орқали ушбу нукталарни қабул қилинган бошланғич сатҳдан ҳисобланадиган баландликлари топилади. Ўзбекистон худудида бажариладиган асосий геодезик-топографик ишларда нукталар баландлигини Кронштадт (Санкт-Петербург) футштоги-

нинг ноль чизиғи (штрихи)га нисбатан ҳисоблаш қабул қилинган (қ. Мутлақ баландлик). Н.ни бажариш услубига қараб геометрик Н., тригонометрик Н., физик (гидростатик, барометрик ва аэро) Н. ва стереофотограмметрик Н. турларига бўлинади. Геометрик Н. горизонтал визир нур, тригонометрик Н. эса кия визир нур ёрдамида бажарилади. Стереофотограмметрик Н. бир жойнинг иккита қўш аэросуратларини махсус оптик асбоб (Мас, стереоскоп)да кузатиб ҳосил қилинадиган жой рельефи моделида ўлчаб бажарилади. Геометрик Н. нисбатан содда ва аниқлиги юқори бўлиб, амалда жуда кенг қўлланади; тригонометрик Н. эса аниқлиги нисбатан паст, у тоғли ҳудудларда қўлланади. Катта ҳудудларнинг топофафик хариталарини тузишда стереофотограмметрик Н. асосий ҳисобланади.

**НИВХЛАР** (ўзларини — нивх деб ата-шади; эски номлари — гияклар) — Россия Федерациясидаги халқ, Амур дарёси қуйи оқими бўйлари (Хабаровск ўлкаси) ва Сахалин о.нинг туб аҳолиси. 4,6 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Нивх тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар; анъанавий диний эътиқрлар мавжуд.

**НИГЕР** — Ғарбий Африкадаги дарё, Гвинея, Мали, Нигер ва Нигерия ҳудудларидан оқади. Уз. 4160 км, ҳавзасининг майд. 2092 минг км<sup>2</sup>. Катталиги жиҳатидан Африкада Нил ва Конго дарёларидан кейин 3-ўринда туради. Леон-Либерия қирларидан Жוליба номи б-н бошланиб, юқори қисмида тоғлар орасидаги тор водийлардан, сўнгра Судан текисликларидан оқади. Текисликда кўплаб тармоқ ва ўзанларга бўлинади, Томбукту ш. яқинида улар яна ягона ўзанга бирлашади. Қуйи оқимида кенг водийдан оқиб, дельта ҳосил қилиб (майд. 24 минг км<sup>2</sup>) Атлантика океанининг Гвинея қўлтиғига қуйилади. Йирик ирмоқлари: ўнгдан — Бани, Мило, чапдан — Сокото, Кадуна,

Бенуэ. Июнь— окт.да, қуйи оқимида фев.—апр.да серсув булади. Дарё ёзги муссон ёмғирларидан сув олади. Йиллик ўртача сув сарфи 9300 м<sup>3</sup>/сек. (максимал 35 минг м<sup>3</sup>/сек). Дарё йилига 300 км<sup>3</sup> сув, 67 млн. т лойқа келтиради. Айрим қисмида кема қатнайди, ГЭС қурилган. Балиқ овланади. Н. соҳилида Куруса, Бамако, Томбукту, Ниамей, Жобба, Порт-Харкорт ш.лари жойлашган.

**НИГЕР** (Niger), Нигер Республикаси (Republique du Niger) — Ғарбий Африкадаги давлат. Майд. 1267 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 10,63 млн. киши (2002). Пойтахти — Ниамей ш. Маъмурий жиҳатдан 7 департаментга, улар округларга, округлар коммуналарга бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — республика. Амалдаги конституциям 1999 й. 18 июлдаги референдумда маъқулланган. Конституцияга биноан, давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи кокимиятни Миллий мажлис (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Н. ҳудудининг кўп қисми Сахрои Кабирда, бал. 200—500 м гача бўлган плато. Энг баланд жойи 2022 м (Аир платосида, Идукальн-Тагес тоғи), жан.-ғарби Нигер дарёсининг ўрта оқимидаги водий. Н.да олтин, уран, қалай рудалари, вольфрам, ниобий, темир, кўмир, фосфорит, платина конлари бор. Чад кули сойлигида ош тузи қатламлари топилган. Н.нинг шим. ва шим.-шарқида иклим чўл тропик, жан. ва жан.-ғарбида субэкваториалдир. Энг салқин ойлари — дек., янв.да ўртача т-ра 20—24°, энг иссиқ ойи — майда 32—34°. Ўртача ёғин шим. ва шим.-шарқда 100 мм дан кам, жан. ва жан.-ғарбда 600—800 мм. Жан.-ғарбида мамлакатдаги йирикдарё— Нигер оқибўтади. Жан. ва жан.-ғарбида акация, баобаб, дум-пальма, қовун дарахти ва б. ўсади. Шим. саванна ва чўл ўсимликларидан иборат. Ёввойи хайвонлардан шер, фил, буйвол, жирафа, кийик,

чиябўри, сиртлонлар бор. «Дубль-Ве» («W») миллий боғи ташкил этилган.

Аҳолиси. Н.да аҳолининг 50% га яқинини хауса элати ташкил этади. Сонгай ва жерма, кануру ва тубу, туарег, фульба ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг тахм. 90% и ислом динига, бир қисми христиан динига, қолганлари эса маҳаллий анъанавий динларга эътикод қилади. Расмий тил — француз тили. Асосий шаҳарлари: Ниамей, Агадес, Зиндер, Маради, Тахва.

Тарихи. Н. худудига қадимдан аҳоли яшаб келган. Аир тоғлиги, Тенер чўли, Агадес ш.даги археологик қазишмаларда неолит даврига мансуб ашёлар топилган. Қад. одамлар ёввойи меваларни териб кун кечирганлар, овчилик ва чорвачилик б-н шуғулланганлар. Мил. 1-а.да Сахрои Кабирнинг жан.га римликлар кириб келган. Араб ва барбар савдогарлари келиши б-н ислом дини тарқалган. 7—19-а.ларда Н.нинг айрим қисмлари ўрта аср Ғарбий Судан давлатлари — Сонгай ва Канем таркибида бўлган. 18-а. урталарида Нигер дарёсининг соҳиллари туареглар кул остига утган. 19-а.да Н. худудига европаликларнинг бир неча экспедицияси бўлган. 1898 й.дан французлар Н.ни мустамлака қилишга киришдилар. 1901 й. Н. Франция Ғарбий Африкаси (ҒҒА) га кирувчи Юқори Сенегал таркибига қўшиб олинди. 1922 й.дан Н. ҒҒАнинг алоҳида маъмурий бирлиги қилиб ажратилди. Мустамлакачилар мажбурий меҳнаттартиботини жорий қилдилар. Н. халқи мустамлакачиларга қарши кўзғолонлар кўтарди (1905, 1906—14, 1914—17). Мустамлакачиларга қарши кураш 1-ва 2-жаҳон урушлари ўртасидаги даврда ҳам давом этди.

2-жаҳон урушдан кейин миллий озодлик ҳаракати бошланди. 1946 й. Нигер тараққийпарвар партияси (НТП) тузилди. 1947 й. Франциянинг «денгиз орти худуди» мақомини олди. 1951 й. НТПнинг сўл қаноти Жибо Бакари раҳбарлигида партиядан ажралиб чиқиб, Н. демократик иттифоқини тузди. Унинг номи 1958 й. Саваба (Озодлик) деб ўзгартирилди.

1957 й. Ж. Бакари Н. ҳуку-мат кенгашининг бош вазири этиб сайланди. 1958 й. 28 сент.да Франциянинг янги конституцияси лойиҳаси ҳақидаги референдумда Саваба Н.га мустақиллик берилишини талаб қилди. 1958 й. 18 дек.да Н. Франция Ҳамжамияти таркибида ўзини ўзи бошқарувчи республика деб эълон қилинди. 1959 й.да Н. Рес-публикасининг биринчи конституцияси қабул қилинди. 1960 й. 3 авг.да Н. мустақил республика деб эълон қилин-ди ва у Ҳамжамиятдан чиқди. 1960 й. нояб.да Миллий мажлис янги консти-туцияни қабул қилди ва НТП раҳбари А. Диорини республиканинг биринчи президенти этиб сайлади. Н.да бир партияли тизим қарор топди. Барча жа-моат ташкилотлари НТП назорати остига ўтди. 1961 й.да Франция б-н сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Франция Н.нинг ташки савдоси, молияси, муҳофааси, маориф тизими устидан назоратни саклаб қолди. Ижтимоий-иқти-содий соҳаларда халқнинг аҳволи яхшиланмади, омманинг норозилиги кучайди. 1974 й. 15 апр. да, 1996 й. 27 янв.да содир бўлган ҳарбий тўнтаришлар ҳам аҳолининг аҳволини яхшилашга олиб келмади. Ниҳоят, 1999 й. 9 апр.даги ҳарбий тўнтариш натижасида мамлакат президенти Иброҳим Барре Майнассар ўддирилди, Миллий мажлис ва ҳукумат тарқатиб юборилди, 1966 й. конституци-янинг амал қилиши тўхтатиб қўйилди. 1999 й. 11 апр.да тасдиқланган Миллий яраш кенгаши майор Довуд Малам Ван-кени давлат ва ҳукумат бошлиғи этиб тайинлади. 1999 й. 18 июлдаги референдумда янги конституция маъқулланди. 1999 й. 24 нояб.даги сайловда Мамаду Танжа президент этиб сайланди.

Н. — 1960 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 18 дек. — Республика эълон қилинган кун (1958).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Тараққиёт жамияти миллий ҳаракати — Нассара, 1988 й. 2 авг.да ташкил этилган; Демократик ва соци-ал

конвент, 1991 й.да тузилган; Демократик тикланиш учун муस्ताқил миллий иттифок, 1996 й.да ташкил этилган; Миллий иттифок ва тараққиёт партияси — Салама; Демократик ва тараққиёпарвар ватанпарварлар итти-фоқи партияси. Н. меҳнаткашлари касаба уюшмалари бирлашмаси, 1960 й.да асос солинган.

Хўжалиги. Н. — аграр мамлакат. Мус-тамлакачилик ҳукмронлиги даврида иқтисодиёт, асосан, ер ёнғоқ етиштиришга ихтисослашган эди. 1960-й.лардан хўжаликни давлат томонидан тартибга солиш кучайди, давлат ва аралаш корхоналар мавқеи муस्ताққамланди. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 12%, к. х. улуши 37,5% ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги энг қолоқ тармоқ қисобланади. Аҳолининг 80% дан кўпроғи шу соҳада банд. Товар маҳсулотининг асосий қисмини майда анъанавий ярим натурал деҳқон хўжаликлари беради. Ниамей ва унинг атро-фида йирик механизациялашган хўжаликлар ташкил топа бошлади. Де-ҳқонларнинг ўзаро ёрдам уюшмалари ташкил этилди. Ер ёнғоқ, пахта, шолі етиштирувчи кооперативлар пайдо бўлди. Қ. х. учун яроқли 15 млн. гектар ердан (мамлакат ҳудудининг 12% га яқини) 42% ҳайдаладиган ва бўз ерлар, 53% яйлов, 4% ўрмон. Деҳқончилик мамлакат жан. ва жан.-ғарбида ривожланган. Атиги 12 минг га майдон суғорилади, бу жойларда ирригация иншоотлари барпо этилган. Асосий озик-овқат экинлари: тарик, ньебе, маниок, шунингдек, буғдой, маккажўхо-ри, шакарқамиш, батат ва б. Н.да кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик устун. Қорамол, қўй, эчки, туя, от ва эшак боқилади. Саванналар қовжирашининг олдини олиш ва яйловларни сақлаб қолиш учун янги ўрмонлар барпо этилган. Нигер ва Комадугу-Йобе дарёларида, Чад қўлида балиқ овланади.

Саноати. Н.да уран, қалай, гипс, ош тузи, сода қазиб олинади. И. ч. саноати маҳсулотининг 3/4 қисмини озик-овқат корхоналари беради. Мара-ди, Магариа ва Матамеядаги ёғ з-длари 130 минг т

ер ёнғоқни қайта ишлайди. Зиндерда ер ёнғоқ тозалайдиган 3 та з-д, ун-ёрма корхонаси, Ниамейда сут з-ди ва совиткичли кушхона, Тиллабери ва Ниамейда шолі оклаш фкалари, Ниамей ва Марадида пиво з-длари бор. Тўқимачилик ф-каси, 5 та пахта тозалаш корхонаси, кўнчилик з-ди мавжуд. Бинокорлик материаллари (цемент, сопол тахтачалар), кимё маҳсулотлари (совун, упа-элик ва дори-дармон) ишлаб чиқарилади. Автомашина кузови ва тиркамалари йиғилади, мебель ва майда к. х. анжомлари ва б. ишлаб чиқарилади. Каштачилик, кўнчилик, кулолчилик ички бозорда муҳим ўрин олади. Йилига ўртача 168 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Мамлакат эҳтиёжи учун за-рур электр энергиянинг 50% Нигери-ядан олинади.

Н.да т. й. йўқ. Автомобиль йўллари уз. 19 минг км, шундан 3 минг км асфальт -ланган. Нигер дарёсида кемалар катнайди. Ниамей ва Агадесда халқаро аэропорт бор. Четга уран экстрактлари, ти-рик мол ва чорвачилик маҳсулотлари, арахис ёғи, пахта, сабзавот чиқаради, четдан нефть маҳсулотлари, дон, транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар келтиради. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: Франция, Италия, Германия, Япония, Нигерия, Жа-зоир. Пул бирлиги — Африка франки.

Тиббий хизмати. Н.да 3500 га яқин ўринли 300 дан ортик даволаш муас-саси, 140 врач хизмат кўрсатади. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ишлар ва-зирлиги соғлиқни сақлашнинг марка-зий органи ҳисобланади.

Маорифи, маданий-маърифий ва ил-мий муассасалари. Мамлакат аҳолисининг 90% саводсиз. Мактаб ёшидаги болаларнинг 21% ўқишга жалб этилган. Н. маориф тизими француз тизими таъсирида ташкил топди. 6—7 ёшдан бошлаб болалар бошланғич мактабда 6 й. ўқийди. Ўрта мактаб — 7 й.лик. Давлатга қарашли бошланғич мактаблардан ташқари хусусий мактаблар ҳам бор. Ўқитувчилар нормал (пед.) би-лим юртларида 4 й. мобайнида тайёрланади, 4

й.лик ва 1 й.лик пед. курслари ҳам бор. Марадидаги техника ли-цейи, Агадесдаги кончилик билим юрти хунар-техника таълими беради. Зиндерда фельдшер ва санитарлар тайёрловчи миллий мактаб, Ниамейда со-ғликни сақлаш мактаби, фукаро авиа-цияси ва метеорология мактаби бор. Олий ўқув юртлари: Ниамей ун-ти, миллий маъмурий коллеж. Ун-т хузу-рида Мат. тадқиқот ин-ти, Ижтимоий фанлар тадқиқот маркази, Геол. тадқиқотлари бюроси ишлайди. Бундан та-шқари, Африка Бирлиги Ташкилотининг тилшунослик, тарих ва оғзаки анъаналар тадқиқот маркази, агрономия тадқиқотлари миллий ин-ти, ветеринария лаб. ва б. мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Н.да нашр этиладиган газ. ва жур.лар: «Сахел» (француз тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1960 й.дан), «Сахел эбдо» (француз тилида чиқадиган ҳукумат ҳафтаномаси, 1961 й.дан), «Журнал офисел де ла Републик дю Нижер» («Нигер Республикасининг расмий газетаси», француз тилида 2 ҳафтада бир марта чиқадиган ҳукумат хабарномаси, 1933 й.дан), «Нижеерама» (ҳар чоракда чиқадиган жур.). Н. матбуот агентлиги миллий ах-борот агентлиги бўлиб, 1987 й.да ташкил этилган. «Сахел овози» радио ст-яси ҳамда Н. радиоэшиттириш ва теле-кўрсатув ҳукумат хизмати мавжуд.

Меъморлиги ва бадий хунармандчилиги. Нигер дарёси юкори окимида яшовчи ўтроқ халқларнинг яшаш жойи гуваладан тўртбурчак қилиб қурилган ясси томли уйлардан иборат. Мамлакат жан.-ғарбида похол кулбалар, шарқида эса гувала ва тошдан қурилиб томи ха-шак б-н ёпилган уйлар кўп. Дон омборлари дойра шаклида гуваладан 3 м гача баландликда қурилиб, тепасидан туйнук қрлдирилади. Кўчманчи аҳоли (туареглар, фульбелар) тери б-н ёпилган чодирларда яшайди. Шаҳар меъморлиги — суданча услубнинг бир тури. Тулар жой ва масжидлар сомонлой (банко)дан

қурилади. Зиндер, Тахуа ва б. жойлардаги турар жойлар тўғри бурчакли режада, пальма устунлардан гумбазли қилиб ёки икки нишабли қамиш томли қилиб тикланади. Пештоқиға ўзига хос қабарик нақшлар солинади. Ниамей ва б. шаҳарларда европача замонавий уй-жой ва маъмурий бинолар қурилган.

Мамлакат пойтахти ва унинг атрофида, хауса элати истиқомат қиладиган вилоятларда босма рангдор нақш солинган чарм буюмлар — халталар, эгаржабдуқлар, шиппақлар, идишлар, хатто маржонлар ясалади. Ҳамма жойда темирчилик, заргарлик, тўқувчилик тарқалган. Бронза ва қумушдан қадама нақш солинган пичоқлар, қумуш билагузуклар ва шокилалар, от юганлари тайёрланади. Қулоччилик буюмлари орасида ботик нақшли идишлар ажралиб туради. Рангдор (қизил, оқ, зан-гори) газламалар, қовоқ пўстидан ясалган идишлар ишлаб чиқарилади.

Театри. Мусулмон байрамлари кунларида саёқ кизикчилар қишлоқларда ёғоч кўғирчоқларни ўйнатиб, масҳара-бозлик қилишлари қадимдан давом этиб келади. 20-а.нинг 50-й.ларида ташкил этилган маданият марказларида кичик театр труппалари ишлай бошлади. Ниамейдаги маданият марказининг директори Дандоби Махаман Н.нинг дастлабки драматургларидандир. Унинг «Эчкининг саргузаштлари» ва «Кабрин Кабра афсонаси» каби пьесаларини мамлакатнинг жуда кўп хаваскорлик жамоалари сахналаштирган. 1964 й.дан буен ҳар йили ўтказиладиган ёшлар ҳаф-тасида мамлакатнинг барча вилоятларидан келган драма ва фольклор труппалари мусобақалашади.

Киноси. Н. мустақилликка эришганидан кейин кино и. ч. ривожлана бошлади. 1962 й.да «Тўй» деб аталган биринчи фильм дунёга келди (реж. М. Алассан). Ушбу реж.нинг «Ганжанинг ўлими» деган мультфильм и 1966 й. Дакарда ўтка-зилган Жаҳон африкалик негрлар санъат ва маданият фестивалида соврин олди. Шундан кейин «Товламачининг

кайтиши», «Мен — нефман», «Кабаскабо», «Учрашув», «Қора булутлар», «Зиёратчи», «Сехргар», «Хотин, вилла, машина, пул» каби фильмлар яратилди.

**НИГЕРИЯ** (Nigeria), Нигерия Федератив Республикаси (Federal Republic of Nigeria) — Ғарбий Африкада Гвинея кўлига соҳилида жойлашган давлат. Майд. 923,8 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 129,93 млн. киши (2002). Пойтахти — Абужа ш. Маъмурий жиҳатдан 36 штат (state) ва пойтахт округига бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — федератив республика. Амалдаги конституцияси 1999 й. 29 майда қабул қилинган. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка аъзо. Давлат бошлиғи президент (1999 й.дан Олусегун Обасанжо). У умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади ва яна бир марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (икки палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Соҳили кам парчаланган камбар пасттекисликдан иборат. Ер юзаси шим.га томон баландлашиб бо-ради. Йоруба, Уди, Жос платолари (энг баланд жойи 1735 м) бор. Платолардан жан.да Нигер ва Бенуэ дарё водийлари жойлашган. Шарқий қисмининг рельефи тоғлик, айрим чўққиларининг бал. 2000 м дан ортик. Н. худуди тектоник жиҳатдан Африка платформаси таркибига киради. Заминининг метаморфик жинслари мамлакат майдонининг 50% ни ташкил этган. Улар таркибида то-кембрий гнейслари, магматит, амфиболит, кварцит ва сланецлар учрайди. Соҳил яқинидаги ботиклар денгиз ва континент чўкиндилари б-н тўлган.

Н.нинг Атлантика океани соҳилида нефть ва газ конлари бор. Тошқўмир, лигнит ва кўнғир кумир, ниобий (колумбит), калай, вольфрам, молибден, темир, боксит, марганец, асбест, кўрғошин, рух ва уран рудаси конлари топилган. Мамлакатнинг шим.-ғарбида олтин конлари

ҳам бор.

Иклими экваториал муссонли иқлим. Шим.да дек.дан мартгача қуруқ шамоллар эсиб туради. Баҳорда деярли ҳамма жойда ёмғир ёғади. Йиллик ёғин 500—4000 мм. Ички минтақаларда энг иссиқ ой (апр. ёки май)нинг ўртача т-раси 25—33°, энг салқин ой (дек. ёки янв.) ники 20—27°. Йирикдарёлари: Нигер ва унинг ирмоқлари ҳамда Комадугу-Йо-бе. Ни-герда кема катнайди. Чад кўлига қуйиладиган дарёлари қурғоқчил мавсумда жуда саёзланиб қрлади. Тупроқлари кизил-сарик, лагерит, кизил лагерит, кизил-кўнғир, қора тусли ва аллювиал тупроқлар. Ўсимликларининг аксари тропик ўрмон ва саванналардан иборат. Соҳили камбар мангра ўрмонлари б-н қопланган. Дарахларни кўплаб қирқиш нағижасида табиий ўрмонлар, асосан, қўриқхоналарда сақланиб қолган. Ҳайвонот дунёси бой: фил, каркидон, крп-лон, чиябўри, ёввойи мушук, кийик, жирафа ва б. яшайди.

Ахрлиси. Н.да турли тилларда сузлашувчи 200 га яқин халқ бор. Гвинея тилларида сўзлашувчи халқлар — йоруба, игбо, ижо ва нупелар кўпчиликни ташкил этади. Н.да хауса тилида сўзлашувчи халқлар анчагина. Канури, фульбе халқлари кам яшайди. Шарқий бантоид тилларида сўзлашувчи халқлардан ибибио ва тивлар бор. Шаҳар аҳолиси — 35,2%. Аҳолисининг ярмига яқини ислом динига, қолган қисми христиан ва маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Расмий тиллари — инглиз ва француз тили. Йирик ша-ҳарлари: Лагос, Ибадан, Огбомошо, Кано, Иво, Кадуна, Порт-Харкорт, Илорин, За-рия, Онича ва б.

Тарихи. Ҳозирги Н. худудиди дастлабки аҳоли манзилгоҳлари палеолит даврида вужудга келган. Мил. ав. 4—3-минг йилликдаёқ бу жойларда силликланган ва сайқалланган тош болталар ва сопол идишлар ясалгани маълум. 1-мингйилликда моддий маданият нисбатан

юқори даражада бўлган. Мил. 8—10-



а.ларда Н. худудиди хауса халқининг шаҳар-давлатлари (Кано, Кацина, Зария ва б.) вужудга келган. Бенин қироллиги ўша даврдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган. 13-а.да ҳозирги Н. худудига фульбе қабилалари келиб, улар тезда хаусалар б-н аралашиб кетган.

Н. кудудига европаликлардан дастлаб португаллар келган (1472). 1553 й.да Н. сохдлларига денгиз тарафдан инглизлар кириб борди. Европалик мустамлакачилар «қора танлиларни ов қилиб», Н. ха-лқларининг табиий тараққиёт жараёнини сусайтирди. 1849 й. Бенинда инглиз консуллиги пайдо булди. 1861 й.да инглизлар Лагосни эгалладилар. 1870-й.лар охирида мустамлакачилар Нигер дарёси ҳавзасида катта худудга урнашиб олдилар. 1885 й.да «Ойл-риверс протекторати» (1893 й.дан Нигер соҳили протектората\*) тузилди. 1906 й.да унинг таркибига Лагос ҳам қушиб олинди, шундан сўнг «Жан. Нигерия мустамла-каси ва протекторати» деб атала бошлади. 1914 й. 1 янв.дан ҳозирги Н. худуди «Нигерия мустамлакаси ва протекторати» номини олди. 20-а. бошидан инглизлар Н.дан арзон минерал ва к. х. хом ашёлари манбаи сифатида фойдалана бошладилар. Мустамлакачи маъмурларнинг жабр-зулми ва бедодлигига қарши тез-тез ғалаёнлар бўлиб турди.

1-жаҳон уруши (1914—18) дан сўнг Н.да дастлабки ижтимоийсиёсий ташкилотлар пайдо бўла бошлади. 1920 й.да Ғарбий Африка Миллий конгрессининг Нигерия бўлими ташкил этилди. 1922 й.да Н.да биринчи сиёсий партия — Миллий демократик партия тузилди. 20-й.лар охири — 30-й.лар бошида янги оммавий ташкилотлар вужудга келди. 2-жаҳон уруши даври (1939—45) да четдан товар келтириш кескин камайди, натижада маҳаллий саноатнинг ўсишига шароит туғилди. Тери ошлаш, ип газлама тўқиш, мева ва сабзавотни қайта ишлаш корхоналари вужудга келди. Маҳаллий тадбиркорлар Н.га ўз ички ишларини ўзи бошқариш ҳуқуқи ва си-

ёсий мустақиллик берилишини талаб қила бошлади. 1944 й. авг.да дастлабки Умумнигерия сиёсий партияси — Нигерия ва Камерун Миллий кен-гаши (1962 й.дан Нигерия фуқаролари Миллий кенгаши) тузилди. 1940-й.лар бошида Н.да касаба уюшмалари вужудга кела бошлади. 1945 й.да ҳали яхши уюшмаган ишчиларнинг биринчи иш ташлаши бўлиб ўтди. 1950—51 й.ларда яна янги партиялар тузилди. 1958 й. окт.да Лондонда бўлган конституцион конференцияда Н.нинг барча жойларидан келган вакиллар Н.га мустақиллик беришни Буюк Британиядан талаб қилдилар. 1960 й. Н.га Британия Ҳамдўстлиги таркибида мустақиллик берилди. Шу йили Н. БМТга қабул қилинди. 1963 й. 1 окт.дан Н. федератив республика деб эълон қилинди.

1964 й. 30 дек.да федерал парламентга сайлов ўтказилиб, янги ҳукумат тузилди. Аммо ҳукумат аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳақидаги ваъдаларини бажармай, миллий манфаатларга зид сиёсат юритганлиги илгор кучларнинг норозилик кайфиятини кўзғатди. 1966 й. 15 янв.да ҳарбий тўнтариш бўлиб, федерал ҳарбий ҳукумат тузилди. 1966 й. 29 июлда яна ҳарбий тўнтариш бўлди. Янги ҳукумат федератив идора усулини дархол тиклади. Аммо, шундан кейин ҳам кетмакет ҳарбий тўнтаришлар содир бўлиб, мамлакатнинг ижтимоийсиёсий ва иктисодий тараққиётига салбий таъсир қилди. Ниҳоят, 1999 й. 20 фев. куни парламент сайлови ва ўша йил 27 фев.да президент сайлови бўлди. Ҳарбийлар ҳокимиятни янги сайланган президент Олусегун Обасанжого топширдилар.

Миллий байрами — 1 окт. — Мустақиллик куни (1960). Н. ЎзР суверенитетини 1992 й. 11 мартда тан олди ва ўша йил 28 авг.да дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Сиёсий партия ва касаба уюшмалари. Демократия учун иттифоқ партияси, 1998 й.да ташкил этилган; Умумхалқ партияси, 1998 й.да тузилган; Халқ де-мократик

партияси, 1998 й.да асос со-линган. Н. меҳнат конгресси, мамлакатнинг ягона марказий касаба уюшма ташкилоти, 42 тармоқ касаба уюшмасини бирлаштирган, 1978 й.да тузилган.

Хужалиги. Н. — йирик саноат салоҳиятига эга бўлган афар мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ва ташки савдо қажми жиҳатидан Африкада 2-ўринда (ЖАРдан кейин) туради. Ялпи ички маҳсулотнинг ярми саноатда, тахм. 30% қ. х. ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилади. Н. дунёда нефть экспорт қилувчи 10 та йирик мамлакат жумласига киради, нефть казиб олиш соҳасида Африкада биринчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги — мамлакат иктисодиётининг асоси, иктисодий фаол аҳоли ярмидан кўпроғининг ти-рикчилик манбаи. Энг оммавий деҳ-қончилик шакли жамоа деҳқончилигидир. Мамлакатдаги 8 млн.га яқин фермер хўжалиги қ. х. маҳсулотининг 90% ни беради. Ҳайдаладиган ерларнинг анчагина қисмида озиқ-овқат экинлари, асосан, илдизмевали ва донли экинлар етиштирилади. Деҳқончиликда дуккакли экинлар, шакарқамиш, сабзавот ва ҳўл мевалар муҳим ўрин олади. Экспорт учун мойли пальма, какао, ер ёнғоқ, каучукли ўсимлик, пахта етиштирилади.

Чорвачилик, асосан, шим.да ва қуруқ саванналар минтақасида ривожланган. Қорамол, қўй ва эчки боқилади. Шим.да йилкичилик, жан.да чўчкачилик ва ҳамма минтақаларда парран-дацилик б-н шуғулланилади. Дарёларда, Чад қўли ва Гвинея қўлтиғи сувларида қимматбаҳо балиқ турлари кўп булсада, балиқ овлаш унчалик ривожланмаган. Балиқчилик маҳсулотлари мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондира олмайди. Ўрмон хўжалигидаги асосий ёғоч захиралари Нигер дарёси этакларида ва жан.-шарқий денгиз со-ҳилида жойлашган Дарахтзорлар 23 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Ўрмонлар тартибсиз кесилиши натижасида қимматбаҳо ёғоч олинadиган дарахтлар камайиб кетди. Мамлакатда

ўрмон хўжалигини тиклаш тадбирлари ишлаб чиқилди, ёғоч экспорт қилиш тақиқланди.

Саноатида қончилик асосий ўринни эгаллайди. Нефть ва табиий газ, шунингдек, қалай ва ниобий рудалари, тошқумир, темир рудаси ва б. баъзи турдаги фойдали қазилмалар — Н. қончилик саноатининг асосий хом ашё негизи. Озроқ миқдорда вольфрам, тантал, торий, циркон, уран, олтин, полиметалл рудалар ва б.лар ҳам қазиб олинади. Хилма-хил нометалл қазилмалар орасида оҳақтош, каолин, қурилишбоп қум, шағал бор. Маҳаллий темир руда, тошқумир, оҳақтош ва утга чидамли гилмоя негизида металлургияни ривожлантиришга киришилди. Жумладан, 2000 й. охирида Ажаокутда Тропик Африкадаги энг йирик металлургия к-тининг биринчи навбати қуриб битказилди. Нефтни қайта ишлаш з-длари, «Пежо», «Фольксваген», «Фиат» ва б. автомобиль з-дларининг йиғув линиялари бор. Йилига 9—10 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Нигер дарёси бўйидаги Каинжи ва Жебба ГЭСлари, мамлакат жан.даги йирик шаҳарларда жойлашган иссиқлик электр марказлари электр энергетиканинг асосини ташкил қилади.

И.ч. саноати тузилмасида озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари етакчи роль уйнайди. Н.да 95 та тўқимачилик ф-қаси, озиқ-овқат қорхоналари бор. Об-жувоз з-дларида пальма, ер ёнғоқ ва чигит ёғи ишлаб чиқарилади. Тамаки, мева-консерва, гўшт-сут, қанд-шакар и.ч. қорхоналари, тегирмонлар мавжуд. Ёғочсозлик саноати Сапелдаги йирик ёғоч тилиш-фанер и.ч. к-тидан, Эпадаги к-т ва б. 400 майда ёғоч тилиш қорхоналаридан иборат. Н.нинг йирик шаҳарларида мебель ф-қалари, гугурт ва целлюлоза-қоғоз қорхоналари бар-по этилди. Мамлакат жан.даги Нкала-гу, Порт-Харкорт, Абеокут, Калабар, Эмен ш.ларида цемент, асбест-цемент тахталар ва қувурлар и.ч. заводлари жойлашган. Лагос машинасозлик ва металл ишлаш тармоқларининг йирик

марказидир. Халқ хунармандчилиги ривожланган.

Транспорти. Автомобиль ва т.й. транспорти етакчи ўринда. Ташиладиган юкларнинг 80% дан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Т.й.лар уз. — 3,5 минг км, автомобиль йўллари — 124 минг км. Ғарбий (Лагос—Кано) ва Шарқий (Порт-Харкорт—Кадун) т.й. магистраллари денгиз соҳилини мамлакатнинг ичкари туманлари б-н туташтиради. Нефть қурурлари уз. — 3000 км. Асосий сув йўли — Нигер дарёси ва унинг ирмоқлари бўлиб, уларда деярли йил бўйи кемалар қатнайди. Ички сув йўлларининг уз. — 7,4 минг км. Асосий денгиз портлари: Лагос (Апапа ва Тин-Кан-Айленде), Порт-Харкорт, Бонни, Форкадос, Буругу, Варри. Ҳаво транспорти 2-жаҳон урушидан кейин ривожлана бошлади. Лагос, Кано ва Илоринда халқаро аэропортлар бор.

Ташқи савдоси. Четга, асосан, нефть, какао, каучук, пальма ёнғоғи мағзи, хом тери чиқарилади. Четдан машина ва асбоб-ускуна, истеъмол моллари, озик-овқат ва б. келтирилади. Савдо-сотикдаги асосий мижозлари: Буюк-Бри-тания, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Бразилия. Пул бирлиги — найра.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли тиббий муассасалар б-н бирга аралаш ва хусусий шифохоналар ҳам бор. Федерал соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакат микёсида оммавий профилактика тадбирларини ўтказиш, мутахассислар тайёрлаш, тиббиётдаги ҳуқуқий қонунқоидаларга риоя этилиши учун масъул. Даволаш ва касалликларнинг олдини олиш муассасаларига штатларнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари бевосита раҳбарлик қилади. Врачлар Ибадан, Лагос, Ифе, Энуку, Бенинсити, Зариядаги тиббиёт мактабларида тайёрланади. Тиббий ҳамширалар, доялар, тиш врачлари ва техниклари тайёрланадиган ўнлаб мактаблар бор. Лагос, Кадун, Ибадан, Узуаколи шларида тиббиёт и.т. марказлари мавжуд. Лагосда Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кураш халқаро маркази ишлайди.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Н. мустақилликка эришганидан кейин маорифни ривожлантиришга эътибор берилди бошлади. Катта ёшдаги аҳоли саводсизлигини тугатиш мақсадида қисқа муддатли

курслар очилди. 1976 й.да 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий 6 й.лик бошланғич таълим жорий этилди. Ўқиш маҳаллий ва инглиз тилларида олиб борилди. Ўрта маълумот 5 й.лик. Хусусий ўрта мактаблар ҳам бор. 2—5 й.лик хунар-техника мактабларида малякали ишчилар, 4 й.лик политехникум ва технология коллежларида эса ўрта техник ходимлар тайёрланади. 29 ун-т бор. Зария, Лагос, Ибадан, Ифе, Нсук-ка ун-тлари энг йирик олий ўқув юртлари ҳисобланади. Ўқиш — бепул. Кўпгина ун-тларнинг сиртки бўлимлари бор. Н. педагогика тадқиқотлари кенгаши, ун-тларнинг педагогика ф-тлари, ин-тлари ва тадқиқот марказлари, оширилган даражадаги баъзи пед. коллежлари маориф ва пед. фанлари соҳасида и. т. ишлари б-н шуғулланади.

Илмий муассасалари: Лагосдаги Н. фанлар академияси (1977 й.да ташкил этилган), Тиббиёт и. т. кенгаши (1974), Миллий океанография ва денгиз тадқиқотлари ин-ти (1975), Ибадандаги Н. ижтимоий ва иктисодий тадқиқотлар ин-ти (1950), Федерал ўрмончилик маркази (1954), Тропик ўсимликлар байналмилал ин-ти (1975), Ошодидаги Федерал саноат тадқиқотлари ин-ти (1955), Бенинситидаги пальма ёғи ин-ти (1939), Моордаги Федерал к. х. тадқиқотлари маркази (1910), Вомдаги Федерал ветеринария маркази (1924), Самарудаги к.х. тадқиқотлари ин-ти (1924) ва б.

Йирик кутубхоналари: Ибадан, Лагос ун-тларининг кутубхоналари, Ифе, Лагос, Бенинсити, Жос, Илорин ва б. шаҳарлардаги кутубхоналар, Н. Миллий кутубхонаси.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва

телекўрсатуви. Н. матбуоти — Тропик Африкадаги дастлабки ва энг ривожланган матбуот. Инглиз ва маҳаллий тилларда 20 дан кўпроқ газ. ва 10 хаф-таномашр этилади. Кўп нусхада чиқадиган энг нуфузли газлар: «Гардиан» («Посбон», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1982 й.дан), «Дейли скетч» («Кундалик баён» инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1964 й.дан), «Дейли тайме» («Кундузги вақт», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1925 й.дан), «Ирохин йоруба» («Йоруба халқи янгилликлари», йоруба тилида чиқадиган газ., 1945 й.дан), «Найжириан обсервер» («Нигерия кузатувчиси», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1968 й.дан), «Найжириан трибюн» («Нигерия минбари», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1949 й.дан), «Нэшнл конкорд» («Миллий тотувлик», кундалик

газ., 1980 й.дан), «Нью найжириан» («Янги нигериялик», инглиз тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1965 й.дан). Н. ахборот агентлиги (НАН), ҳукумат ахборот агентлиги, 1978 й.да ташкил этилган. Ҳукуматга қарашли Н. федерал радиокорпорацияси 1978 й.да тузилган. Н. телекўрсатув хизмати 1976 й.да ҳукумат томонидан асос солинган. 8 штатда штат ҳукуматлари қарамоғидаги радио ва телемарказлар бор.

Адабиёти халқ оғзаки ижодиёти б-н узвий боғланган. Йоруба, ибо, хауса тилларида адабий анъаналар вужудга келган. Замонавий Н. адибларининг кўпчилиги инглиз тилида ёзади. 19-а. охири ва 20-а. бошларида публицистика шаклланди. 20-а. 20—40-й.ларида ва-танпарварлик шеърияти (Н. Азизиёве, Д. Осадебей) юзга келди. 30-й.ларга келиб, драматургия пайдо бўлди ва христиан черковлари фаолияти б-н боғланган библия мавзуда пьесалар яратилди. 30—40-й.ларда Н.нинг баъзи шаҳарлари (Онича)да китоб бозорлари пайдо бўлди. С. Эквензининг ижтимоий муаммоларга бағишланган «Шаҳар одамлари» (1954) романи ва А. Тутуланинг йоруба фольклори мотивла-

ри асосидаги «Майхўр» (1952), «Рухлар ўрмонидаги ҳаётим» каби асарлари Н. прозасида янги босқич бўлди. Т. Алуконинг «Қариндошлар» (1968) романида инсонпарварлик ғоялари ўз аксини топди. О. Эгбунанинг «Уйланиш масаласи» романида замонавий ахлоқнинг анъанавий урф-одатлар б-н тўқнашу-ви муаммоси кўтарилган. Ёш адиблардан Ч. Ачебенинг «Емириш вақти келди», «Нотинч ҳаёт», «Худонинг ўқёйи» асарлари Н. прозасининг ривожланиш йўлини кўп жиҳатдан белгилаб берди. 70—80-й.лардаги драматургия ва шеърият ижтимоий мазмун б-н бойиди, уларда янги замон нишонлари ўз аксини топа бошлади (В. Шойинканинг «Иданре» поэмаси, «Ўрмон ракси», «Йўл» пьесалари, К. Окигбонинг «Осмон дарвозаси», «Лабиринтлар» шеърий китоблари ва б.). 90-й.ларда янги истеъдодли қалам соҳиблари адабиётга кириб келди. «Блэк Орфью» ва «Окике» каби адабий жур.лар нашр қилинади.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Халқ меъморлиги табиий иқлим шароитига мослашган. Жан., жан.-шарқ, жан.-ғарбдаги тропик ўрмонларда уйлар тўғри тўртбурчакли шаклда ёғоч, лой, тўқима новдадан қурилади, томи икки нишабли қилиб, похол ва пальма барглари б-н ёпилади. Марказий Н.да бинолар айлана шаклида девори лойдан, томи похол, шох-шаббадан конус шаклида ишланади. Саванна ва чала чўлларда уйлар лойдан тўғри бурчакли қилиб, томи ясси қилиб қурилади. 13—15-а.ларда шаҳарлар режа асосида қурилди. 14-а.да шим.да ислом дини тарқалган, масжидлар барго қилинди. 2-жаҳон урушидан кейин Европа меъморлигининг таъсири кучайди. Бинолар ҳайкал, нақшлар б-н кўпроқ безатидди. Н. мустақилликка эришгач, бетон ва металлдан қурилган иморатлар қуёш тўсқичли, пешайвонли ва пан-жарали қилиб миллий услубда қурила бошлади (Ибадан ун-ти бинолари, Ка-дунадаги Олий суд биноси ва б.). Му-ҳандис ва меъморлар Европада,

шунингдек, Лагосдаги технология коллежининг, Нсука ва Зария ун-тларининг меъморлик ф-тларида тайёрланади.

Н. шим.да топилган Нок маданияти махсули бўлган гўзал ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик асарлари мил. ав. 1-минг йилликка мансуб деб ҳисобланади. Мил. бошларида Ифе ва Бенин санъатининг илк намуналари — сопол ва бронза ҳайкаллар ишлангани маълум. Н. халқлари ёғочдан санамлар, аждодлар, ча-вандозлар, болали аёллар ҳайкалчаларини қадимдан ясаб келганлар. Н.да янги тасвирий санъатни ривожлантиришда А. Онаболу, О. Идах, Ф. Идехен, Ф. Идубор, Б. Энвонву каби ҳайкалта-рош ва рассомлар салмоқли хизмат қилди, уларнинг асарларида маҳаллий анъаналар давом эттирилгани ва замонавий Европа санъати ютуқлари ижо-дий ўзлаштирилгани кўзга ташланади. Рассомлар орасида Д. Нвоко, Ю. Грил-ло, Ж. Аколо, А. Эконг, А. Ласекан ва б. шуҳрат қозонган.

Бадий хунармандчилик ривожланган. Яхлит ёғочдан одам ва ҳайвон қиёфаси тасвирланган, гўзал нақш солиниб, манзаралар ўйиб ишланган рўзгор анжомлари, ғаройиб шаклдаги сопол, шиша ва чарм идишлар, зар-гарлик буюмлари тайёрланади. Бида ойнасозлари нақшли идишлар, Кано заргарлари олтин ва кумуш безаклар, на-қшли билагузуклар ясайдилар. Бенин-Ситида бронза қуймалар ва фил суғи ўймакорлиги анъаналари сақланиб қолган. Ниқоб (маросимларда, карнавалларда тақилади), ўйма нақшли курсилар тайёрлаш, матолар тўқиш, кашгачилик, наққошлик санъати ривож топган. Новда, похол ва қамишдан сават ҳамда бордон тўқиш, ёғочдан елпиғич, ковоқ пўстлогидан турли гулдор идиш ва қошиқлар ясаш кенг тарқалган.

Муסיқаси. Н. муסיқий маданиятининг хилма-хиллиги бу ердаги халқ анъаналарининг хусусиятлари б-н боғлиқ. Профессонал муסיқа санъати ўрта асрларда таркиб топган. Қабила кек-салари раҳбарлигида ёшлар маросим рақслари

ва кўшиқларини, созандалик сирларини ўрганар эди. Араб сайёҳларининг гувоҳлик беришича, ўрта аср ҳукмдорлари саройларида созанда, хонанда ва раққосаларни сақлаганлар.

19-а.да мустамлакачилик сиёсати ва христиан даъваткорларининг фаолия-ти оқибатида бир қанча маҳаллий динлар б-н бирга диний муסיқа ҳам йўқ бўлиб кетди. Европа муסיқасининг таъсири кучайди. Н. чолғу асбоблари орасида барабан энг кўп тарқалгандир. Елкага осиладиган нақш ва ҳайкалчалар б-н безатилган бир мембранали, кўлтиқ остига осиладиган икки мембранали барабанлар, нгдегву деб аталадиган чанг мавжуд. Араблар орқали най, кўшна, дойра, уд, цитра, алгант каби чолғу асбоблари кириб келган.

Мустақилликка эришилганидан сўнгра профессионал муסיқа маданияти ривожланди. Н.да ўзига хос композиторлар мактаби вужудга келди. А. Юба, Ф. Сованде, С. Акпабот, А. Банколе, А. Фиберезима ва б. композиторлар машҳур. Фольклор анъаналаридаги спектаклларда халқ кўшиқлари ва муסיқаси янграйди. Юбанинг «Ўрмон парилари», «Абику» ва «Алатангана» рақс драмалари бунга мисол бўла олади. Т. Ойелана «Адуфе», «Қондаги сеҳр» спектаклларида муסיқа ёзди. Н.нинг дастлабки операси — «Ору-коро» Фиберезима қаламига мансуб.

Театри. Н.да яшовчи халқлар анъанавий театр томошаларининг асосини маиший ва маросим рақслари ташкил этади. Қишлоқлардаги байрам ва тан-танали айёмларда миллий либос ва ниқоб кийиб юришган, афсонавий мазмундаги ўйинлар ўтказиб келинган. Уларда табиат кучларини ифодаловчи илоҳлар, аждодларнинг арвоҳлари, афсона қахрамонлари иштирок этган. 19-а. ўрталарида шу асосда замонавий театр шакллана бошлади. Йоруба театр-рининг асосчиларидан бири, шоир ва кўшиқчи Хуберт Огунде 1944—45 й.ларда сайёр театр жамосини ташкил этиб, унинг учун насихат ва тарғибот руҳидаги пье-

саларини ёзди. Мустақиллик йилларида бу труппа профессионал сайёр жамоага айланди. Драматург ва реж. Дуро Ладипнинг 60-й.ларда тузган театр труппаси кейинчалик «Миллий театр» номини олди. Ҳаваскорлик драма театрларида эса Европа драма-тургияси ва сахна техникасидан фойдаланила бошлади. Бир қанча штатларда янги жамоалар тузилган.

Киноси. 1945—47 й.ларда бир неча хужжатли ленталар суратга олинди. 1960-й.лар бошида реж. Ш. Олушола телевидение учун бир қанча адабий асарларни ва театр спектаклларини экранлаштирди. Шундан кейин яратилган хужжатли фильмларнинг айримлари Тошкентдаги халқаро фестивалларда намоиш этилди. Биринчи тўла метражли фильми «Икки киши ва эчки» (1966) дир. «Шаху Гарбай» (1971), «Икки тақдир» (1972), «Лорай бобо» (1973), «Ову-Арусун» (1974), «Қора маъбуда» (1977), «Айе» (1979), «Пул хукмронлиги» (1981), «Озодлик учун» (1981) ва б. бадий фильмлар яратилди. Мамлакатда 200 га яқин кинотеатр бор. Йилига 6—8 бадий фильм ишлаб чиқарилади.

**НИГЕР-КОНГО ТИЛЛАРИ** - нигеркордофан тиллари макрооиласига мансуб тил оиласи. Африканинг Сахрои Кабир жан.роғидаги катта худудда (Марказий Судан, Шарқий ва Жан. Африканинг баъзи минтақалари бундан мустасно) кенг тарқалган. Умуман, бу тилларда 300 млн. дан ортиқ киши сўзлашади. Сон-саноксиз катта-кичик тиллардан иборат. Н.-к.т. америкалик тилшунос Ж. Гринберг таснифи бўйича 6 та кичик оилага бўлинади: 1) ғарбий атлантика тиллари; 2) манде тиллари; 3) гур (вольта) тиллари; 4) ква (гвинея) тиллари; 5) бенуэ-конго тиллари; 6) адамауа-шарқий (адамауа-убанги) тиллари (оилачалар ғарбдан шарққа қараб саналган). Бошқа олимларнинг фикрича, бу тасниф шартли, тахм. хусусиятга эга, чунки ғарбий атлантика ва манде тиллари оилачалари бошқаларидан сезиларли фарқустанади;

аксинча, ква тиллари бенуа-конго тилларига жуда яқин туради. Н.-к. тдан акан, бамана, волоф, занде, игбо, йоруба, лингала, малинке, ньянжа, рунди, санго, суахили, фула, шона, эве кабилар 2,5 млн. дан 20 млн.гача сўзлашувчиси бўлган тиллардир. Н.-к.т.нинг баъзи хусусиятлари ва ёзувлари ҳақида қ. Нигеркордофан тиллари.

**НИГЕРКОРДОФАН ТИЛЛАРИ** (кон-гокордофан тиллари) — африка тиллари макрооиласи. Америка тилшуноси Ж. Гринберг таснифига қура, 2 оилага бўлинади: нигер-конго тиллари ва кордофан тиллари. Нигер-конго тиллари Ғарбий ва Жан. Африканинг катта қисмида, кордофан тиллари эса Суданнинг шарқидаги ва Кордофан тоғли ўлкасидаги кичкина худудда тарқалган. Ушбу тил оилаларининг генетик бирлиги бир қанча луғавий ўхшашлик ва морфологик мосликлар асосидагина исботланган бўлсада, аслида улар луғавий, морфологик, синтактик жиҳатлардан фарқланиб туради. Нигер-конго тиллари ўз навбатида 6 та кичик оилага бўлинса (қ. Нигер-конго тиллари), кордофан тиллари 5 гуруҳга бўлинади ва 30 дан ортиқ тилни ўз ичига олади (кордофан тиллари жуда кам ўрганилган). Н.-к. тда сўзлашувчилар тахм. 350 млн. кишидан ортиқроқдир. Бу тилларнинг кўпчилиги ёзувга эга эмас. Бир қанчаси Европа мустамла-касида мослаштирилган араб ёзувларидан фойдаланиб келган. Баъзилари эса (акан, волоф ва б.) лотин алифбосига қўшимча ҳарф ва белгилар қўшган ҳолда ўз ёзувларига эга бўлганлар.

**НИГИЛИЗМ** (лот. nihil — ҳеч нима) — мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш. Ижтимоий-тарихий тараққиёт инкирозга учраган даврларда айниқса кенг ёйилди. Н. терминини биринчи марта немис файласуфи Ф. Г. Якоби (1743—1819) қўллаган. Россияда бу термин И. С. Тур-геневнинг

«Оталар ва болалар» (1862) романи нашр этилганидан кейин кенг тарқалди. 19-а. нинг 2-ярмида крепостнойлик анъаналарини ва динни инкор этган различин-шестидесятникларнинг радикал оқими вакиллари нигилистлар деб аталган. Кейинчалик Н. тер-мини инқилобий мафкура ва демократик ҳаракатни таҳқирлаш учун ишлатилган.

**НИГРОСПОРОЗ** — маккажӯхори сўталари ва ғўза кўсақлари касаллиги. *Nigrospora oguzae*, *N. spraeica* (маккажӯхори сўталарида), *N. gossypii* (ғўза кўсақларида) чала замбуруғлари кўзгатади. Касалланган органларда қора доғлар ҳосил қилади. Кучли зарарланган сўталар ривожланмайди, зўғатаси ўртасидан ёрилиб кетади. Зарарланган сўталардаги маккажӯхори донининг унувчанлиги пасаяди. Зарарланган уруғлик майсаси кўпинча униб чиқиши б-н нобуд бўлади. Н.га чалинган кўсақнинг барча ёки баъзи чанокдари тўлиқ очилмайди. Касалланган тола қора-қизғиш рангга киради. Н.га қарши ўсимликларнинг бошқа замбуруғли касалликларига қарши кураш чоралари қўлланилади.

**НИДЕРЛАНД МАКТАБИ** - 15-16-а.лар мусиқасидаги ижодий йўналиш, Уйғониш даврининг етакчи композиторлик мактаби. Нидерландия (тарихий вилоят) илғор мусиқа маданияти юксак профессионализм, бадиий ютуқлар ва халқ анъаналари заминиде шаклланиб, Ғарбий Европа мамлакатларига тарқалган. Н.м. вокал-хор полифония та-раққиётини белгилаб берди ва унинг умумий асос ва усул (имитация, мураккаб контрапункт ва б.)ларини ишлаб берган. Етук намояндлари: Г.Дю-фаи, Й.Окегем, Я.Обрехт, Жоскен Дебре, Лассо. Н.м. иждокорлари диний ва дунёвий мусиқа (месса, мотет, мадригал, полифоник кўшиқлар), 16-а.да мураккаб чолғу пьесалар ҳам яратдилар. А капелла хор мессалари Н.м.нинг улкан ютуғи бўлди. Н.м. ишлаб чиққан кўп овозли-

лик қонунлари ва янги ифода воситалари композиторлик мусиқанинг кейинги таракқиётини таъминла-ди; услуб сифатида Европа мусиқа санъатида черков вокал-хор жанрлари ва уларда ифода топган диний дунёқа-рашининг кўп асрлик хукмронлигини яқунлади. Н.м. кўп бадиий хусусиятлари мусиқанинг кейинги ривож (полифония, гомофония, додекафония)да ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

**НИДЕРЛАНД САНЪАТИ** - Нидерландия худуди (ҳоз. Бельгия, Голландия, Люксембург ва қисман Франциянинг шимоли-шарқи)да ўрта асрларда мавжуд бўлган ягона бадиий мактаб; 14-а.дан то Нидерландия инқилоби ғалабаси (16-а.) га қадар бўлган даврда бу ерларда Ғарбий Европа Ўрта асрлар ва Уйғониш даври санъати шаклланган. Нидерландия худудида Каролинглар даврида базилика типидеги черковлар, баъзан марказий капеллалар қурилган, 11—13-а.ларда роман услуби ривожланган. Дастлабки турар жой бинолари атрофида айлана тархли ратуша, гильдия уйлари ва устахоналари бўлган шаҳарлар қад кўтарди, шаҳарнинг ми-норали деворлари, кўприклари мустаҳ-кам қилиб қурилди. Маас водийси меъморлигида роман ва готика услублари уйғунлашган. Шим. Нидерландияда ғиштли готика кенг тарқалган, бинолардаги ҳашаматли безаклар бинонинг маҳобатли шаклига бўйсундирилган. Н.с.да ҳайкалтарошлик ва рангтасвирда ютуқларга эришилди. 11-а.дан миниатюра (Стаvlo «Инжил»), 1093—97), бадиий бронза буюмлар тайёрлаш, зар-гарлик санъати, 13—15-а.ларда готика ҳайкалтарошлиги («Момо Ҳаво», Льеждаги Сен-Жан черковида), монумент-тал («Хочга михлаш», Утрехтдаги Синт-Питерскерк черковида) ва дастгохли (рассомлар Ж.Малуэль, А. Бель-шоз, М.Брудерлам) рангтасвир ривожланган; ҳайкалтарош К. де Верве, миниатюрочи рассомлардан ака-ука Лимбурглар машхур бўлган. 15-а.дан Н.с.

Шим. Европа санъатида етакчи ўрин тутди, инсон ва табиатга янгича муносабатлар шаклланди, инсон ва табиат орасидаги уйғунликни акс эттириш шу даврларда яратилган асарларга бетак-рор рух бахш этди. Жумладан, Я. ван Эйк асарларида кундалик ҳаёт ранг-баранглиги ва кўтаринки руҳи уз ифо-дасини топди, ранг ва нур алоҳида пластик куч ва ифодалилик кашф этиб, Европа рангтавирининг кейинги ривожиди муҳим роль ўйнади, рассомнинг узи Шим. Европа Уйғониш даври санъати асосчисига айланди.

15—16-а.лар Нидерландия Уйғониш даврида алтар картиналари, портретлар, миниатюраларда рассомлар (Р.Кампен, Я. ван Эйк, Рогир ван дер Вейден, Х. ван дер Гус, Х.Босх ва б.) дунёвий ҳаётни ҳаққоний акс этгир-дилар. 16-а. 2-ярмида дунёвий рангтавирнинг портрет (А.Мор, Д.Якобус), манзара (И.Патинир), маиший жанр (Лука Лейденский, П.Брейгель Катта) турлари тараққий этди. Н.с. амалий бе-зак санъатида мужассамоти куп шакли шпалерлар и.ч., заргарлик санъати, сопол буюмлар тайёрлаш, каштачилик, 16-адан бадиий тур кукиш кж-сак даражага кўтарилди.

Нидерландия буржуа инқилоби ғалабасидан сунг Н.с. икки мустақил — Голландия ва Фламанд мактабларига ажралди ва ўзига хос тарзда ривожланди ва талкин қилинди.

**НИДЕРЛАНД ТИЛИ**, голланд тили — хинд-европа тиллари оиласидаги герман тиллари гуруҳига мансуб, Нидерландия, Бельгия, Вест-Индияда, қисман АҚШда тарқалган. Нидерландия Қироллигининг расмий тили, Бельгия қироллигининг расмий тилларидан бири (француз тили б-н бирга). Н. Т.да 20 млн. дан ортиқ киши сўзлашади.

Н. т. ўрта асрларда салик франклар қабилавий лаҳжаларининг фриз ва сак-сон қабилавий лаҳжалари б-н ўзаро таъсирлашуви жараёнида шаклланган. Ўз тарихида 3 ривожланиш босқичини

ўтган: кад. нидерланд (9—11-а.лар), ўрта нидерланд (12—15-а.лар) ва янги нидерланд (16-адан бошлаб; бу давр хоз. нидерланд тилига ўтиш босқичидир).

1650 й.да шим. нидерландлар тили «голланд тили» деб аталган. 19-а.да Нидерландия Қироллиги вужудга келгач, «нидерланд тили» термини барқарорлашиб қолади. Ягона адабий тил меъёрий асослари, тил тараққиёти марказининг шимолга кўчиши муносабати б-н 17-а.да вужудга келади. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма кўринишларида, шунингдек, шим. ва жан. вариантларида фонетик ва грамматик сатхларда, лексикада муайян ҳудудий фарқлар мавжуд.

Н.т. диалектал жиҳатдан шим.-марказий, шим.-ғарбий, жан.-марказий, жан.-ғарбий, шим.-шарқий, жан.-шарқий лаҳжа гуруҳларига эга. Фонетикаси жарангсиз портловчи ундошларнинг мавжудлиги, дифтонгларга бойлиги, урғунинг, асосан, ўзакка тушиши б-н ажралиб туради. Тил хусусиятларига ва грамматик қурилишига кўра, Н.т. аналитик типдаги тиллардандир. Кўп жиҳатдан немис тилига жуда яқин, лекин сифатларнинг турланмаслиги, гапдаги сўз таркибининг ўзига хослиги жиҳатдан фарқланади. Н.т. ёзуви лотин графикасига асосланган.

Ад.: Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990.

**НИДЕРЛАНДИЯ** — ўрта асрларда Европанинг шим.-ғарбида жойлашган тарихий вилоят (хоз. Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Шим.-Шарқий Франциянинг бир қисми). 17 вилоят (жан. вилоятлар — Фландрия, Брабант, Люксембург, Артуа, Геннегау ва б.; шим. вилоятлар — Голландия, Зеландия, Фрисландия ва б.)дан таркиб топган. 15-а. охиридан габсбургларга (1556 й.дан — испан габсбургларига) тегишли бўлган; Нидерландия ичилоби Н.да бўлиб ўтган.

**НИДЕРЛАНДИЯ** (Niderland), Нидерландия Қироллиги (Koninkrijk der



Nederlanden) (норасмий номи — Голландия) — Ғарбий Европада, Шим. денгиз соҳилида жойлашган давлат. Майд. 41,5 минг км<sup>2</sup>. Аҳолией 16 млн. киши (2002). Пойтахти — Амстердам ш. Ҳукумат қароргоҳи Гаага ш.да. Маъмурий жиҳатдан 12 провинция (provincie) га бўлинади. Нидерландия Антил о.лари, Аруба о. Н. мулки ҳисобланади.

Давлат тузуми. Н. — конституцияли монархия. Амалдаги конституцияси 1983 й.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — қирол (қиролича) (1980 й.дан В.А.Беатрикс хоним). Унинг ҳузурдаги Давлат кенгаши аъзолари қирол томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва икки палатали Бош штатлар (парламент), ижроия ҳокимиятни қирол б-н ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Н. Ўрта Европа текислигининг ғарбий қисмида жойлашган. Шим. дан саёз қўлтиқ ва бухталар ўраб туради. Соқили 56 м гача баландликдаги дўнгликлардан иборат, тошқиндан сақланиш учун тўғон ва дамбалар қурилган. Ер юзаси, асосан, паёттексик. Н. худудининг 40% денгиз сатҳидан пастда, фақат 2% 50 м дан юқори. Энг баланд жойи 321 м. Н.нинг паёттексик қисмлари доим денгиз суви босиш хавфи остида. 1282 й.ги кучли сув тошқини натижасида Зейдер-Зе қўлтиғи ҳосил бўлган. 33 км ли дамба қурил-гач, Зейдер-Зенинг жан. қисми чучук сувли берк қўлга айланган. Н.нинг шарқи моренали тепалик; шим. кум ва гилли денгиз ва дарё ётқизикларидан, шарқи музлик ётқизикларидан, дарё дельталари эса аллювиал ётқизиклардан тузилган. Кумир, нефть ва газ, торф, ош тузи, каолин конлари бор.

Иқлим — денгиз иклими, киши юмшок, ёзи илиқ. Атлантика океанидан йил бўйи шамол эсади. Январнинг ўртача т-раси 1—3°, июлники 16—17°. Йиллик ёғин 650—750 мм. Тез-тез туман тушади. Қаттиқ совуқлар аёён-аёёнда бўлади. Қор кам, ёмғир кўпроқ ёғади. Дарё-

лар йил бўйи серсув; йириқлари: Рейн, Маас, Шельда. Сохил тупроғи унумдор, дарё водийлариники аллю-виал-ўтлоқи тупроқ. Н.нинг шим. ва шарқида, асосан, чимли подзол, ай-рим жойларида ботқоқланган тупроқ. Н. худудининг 70% маданий ландшафт, 8% ўрмон. Кумли жойлари бутали ве-реекзор (арчагул), дарёлар соҳили толзор. Ҳайвонот дунёси жуда камбағал. Ёввойи қуён, тийин, сувсар, сассик-қўзан, елик яшайди. Н.да қушларнинг 180 тури бор. Дарё дельталаридаги су-зувчи қушлар қишлайдиган жойлар қўриқланади. Велюзом, Кеннемер дўнгликлари, Хоге-Велюве миллий боғлари ва 8 та қўриқхонаси бор.

Аҳолисининг аксарияти голландлар. Йирик этник гуруҳлардан фламандлар, фризлар бор. Немислар, яҳудийлар, индонезлар ва б. ҳам яшайди. Диндор аҳолининг 50% га яқини католик, 37% протестант. Расмий тил — нидерланд (голланд) тили. Н. дунёда аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатлардан. Аҳолисининг 89% шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Амстердам, Роттердам, Гаага, Утрехт.

Тарихи. Н. худудида одамлар неолит давридан яшайди; мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида бу ерда кельт қабилалари яшаган. 1-а. бошида бу қабилаларни германлар сиқиб чиқарган. Мил. ав. 1-а. да Н. худудининг бир қисмини римликлар босиб олган. Мил. 3—4-а.ларда Н. худудига франклар ва сакслар ҳамда фризлар келиб ўрнашдилар. Франклар давлати тузилгач (5-а.), Н. худуди унинг таркибига, 843 й.ги Верден шартномасига биноан, «Мукаддас Рим империяси» таркибига кирди. 10—11-а.ларда Н. худудида бир неча муста-қил ер-мулклар (Фландрия, Голландия, Геддерн, Зеландия, Утрехт графликлари ва ҳ.к.) ташкил топди. 12-а.дан шаҳар ривожлана бошлади. 15-а.нинг2-чорагигача Н.да феодал тарқоқлик ҳукм сурди. 1433 й.да Голландияни, сўнгра Н.нинг бошқа князликларини Бургундия герцоглари босиб олдилар (қ. Нидерландия тарихий вилояти).

Карл V империяси парчалангач, Н. (1556 й.дан кейин) Испанияга қарам бўлиб қолди. 16-а. Н. инқилоби натижасида мамлакат испанлар зулмидан озод бўлди ва Бирлашган вилоятлар республикаси тузилди. 17-а.да савдо ва денгизчилик ривожланиши натижасида Н. Европанинг ривожланган давлатларидан бирига айланиб, Осиё, Америка, Африкада янги ер-мулкларни қўлга киритди, Индонезия, Гвиана, Кичик Антил о.ларини ва Кап вилоятини ўзига қарам қилиб олди. 1795—1813 й.ларда Голландия қироллиги Франция тар-кибига кирди. 1815 й.да Бельгия б-н бирлашиб, Н. қироллиги ташкил этилди. 1830 й. инқилоб натижасида Бельгия Н.дан ажралиб чиқди.

1848 й.да Н. конституцияси қабул қилинди. 1840—70 й.ларда саноат тез ўсди. 1860 й.дан давлат т.й. қуришни ўз қўлига олди. 1876 й.да Амстердам — Шим. денгиз, 1882 й.да Роттердам — Шим. денгиз каналлари қурилди. Роттердам Германия учун транзит портга айланди. 1861 й.да биринчи қасаба уюшмаси ташкил топди. Н.да 19-а.нинг сўнгги чорагида саноатлашув жараёни, асосан, ниҳоясига етди. Саноатнинг етакчи тармоқлари (кемасозлик, тўки-мачилик ва озиқ-овқат саноати) модернизация қилинди. Нефть монополиялари тузилди. Қ.х.да экстенсив деҳқончилик ва чорвачилиқдан замонавий и.ч.га ўтилди. Янги т.й.лар қурилди.

I-жаҳон уруши (1914—18)да Н. ўзининг бетарафлигини маълум қилди. 1917 й. иқтисодий қамал натижасида Н.да и.ч. ва савдо сусайиб кетди. 1918 й. баҳордан денгизда кема катнови ҳам тўхтади. 1925—29 й.ларда Н.да саноатнинг янги тармоқлари (радиоаппаратлар и.ч., нефтни қайта ишлаш) вужудга келди. Жаҳон иқтисодий бўҳрони даври (1929—33)да Н.да саноат маҳсулоти и.ч., экспорт ва импорт 2 бара-вар қамайди.

2-жаҳон уруши бошланиши б-н Н. бетарафлик эълон қилди. 1940 й. 10 майда фашистлар Германияси тўсатдан бостириб кирди ва 14 майда Н. таслим бўлди.

Қиролича Вильгельмина ва ҳуку-мат Буюк Британияга кўчиб кетди. Н.ни нацистлар идора қила бошлади. 1944 й. сент. — 1945 й. мартда Иттифоқчи давлатлар кўшинлари Н.нингжан.ни, 1945 й. апр. да шарқини озод қилдилар. 1945 й. май ойи бошларида Германия қуроли кучларининг Н.даги қисмлари таслим бўлди. 1948 й.га келиб, Н.да и.ч. урушдан аввалги даражага етди. Четга сармоя чиқариш кескин кўпайди. И.ч. нинг концентрациялашуви тезлашди. 1950-й.ларда миллий озодлик ҳаракати кучайиши натижасида Н. мустамлакаларидан маҳрум бўлди. Н. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 30 апр. (Қиролича куни). Н. 1991 й. 31 дек.да ЎзР суверенитетини тан олди ва 1992 й. 10 июлда дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Асосий сиёсий партиялари, қасаба уюшмалари. Давлат ислоҳот партияси, 1918 й.да тузилган; Марказ демократлари, 1993 й.да ташкил этилган; Де-мократлар-66, 1966 й.да асос солинган; «Сўл кўкатпарварлар», 1991 й.да тузилган; Озодлик ва демократия учун халқ партияси, 1948 й.да ташкил этилган; Меҳнат партияси, 1946 й.да тузилган; Ислоҳотчи сиёсий федерация, 1975 й.да асос солинган; Ислоҳот сиёсий иттифоқи, 1948 й.да тузилган; Социалистик партия, 1972 й.да ташкил этилган; Иттифоқ 55+, 1994 й.да ташкил этилган; Христиан-демократик даъват, 1976 й.да асос солинган; Кек-салар умумий уюшмаси, 1994 й.да тузилган. Н. қасаба уюшмалари федерацияси, 1976 й.да ташкил этилган; Қасаба уюшмалари христиан миллий уюшмаси, 1909 й.да тузилган.

Хўжалиги. Н. — юқори даражада ривожланган индустриал аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 24,4%, қ.х. улуши 4,3%. Н. муҳим денгиз ва курукликдаги транспорт йўллари кешишган ерда жойлашган.

Саноати нинг техника даражаси юқори, малакали ишчи кучи б-н таъминланган. Табиий газ Н.нинг асосий кон бойлигидир. Нефть, тошқўмир ҳам қазиб

чиқарилади. И.ч. саноатининг етакчи тармоклари — кemasозлик, қора ва рангли металлургия, металлсозлик ва машинасозлик, кимё, нефтни қай-та ишлаш ва нефть кимёси, электротехника, радио-электроника, озик-ов-қат, тўқимачилик. Авиасозик ва авто-мобилсозлик ҳам ривожланган. Рангли металлургия саноатида алюминий, рух ва калай эритилади. Амстердам, Роттердам, Утрехт, Харлем ва б. шаҳарларда умумий машинасозлик, Роттердам, Схидам, Дордрехт, Амстердамда йирик кemasозлик, Борн ва Эйндоховенда ав-томобилсозлик, Роттердам, Амстердам ва Флиссинген атрофларида нефтни қайта ишлаш қорхоналари бор. Пластмасса, ўғит ҳамда синтетик тола учун хом ашё ишлаб чиқарилади. Газ ва ош тузи хом ашё базасида кимё саноати ривожланган. Фармацевтика саноати, лок, бўёқ ва бўёвчи моддалар и.ч. жуда тараққий қилган. Хенгело ш.да қатта туз з-ди бор. Н.нинг кад. саноати — олмосга сайқал бериш, асосан, Амстердам ш.да жойлашган. Озик-овқат саноати маҳсулотининг 1/3 қисмини гўшт-сут қорхоналари беради. Мева-сабзавот консервалари, пиво, какао, шоколад и.ч. ривожланган. Тўқимачилик саноатида, асосан, ип газлама ва сунъий ипақдан шойи ишлаб чиқарилади. Йи-лига ўртача 74 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги кўп миқдорда товар маҳсулот ишлаб чиқариб, мамлакат экспорт қийматининг 1/4 семики беради. Қ.х.да фойдаланишга яроқди ерлар (2,2 млн. га)нинг 60% ўтлоқ, 35% ҳайдалади, 3% боғ, полиз ва гулчилик хўжаликлари. Н. — четга энг кўп сут маҳсулотлари, тухум, пар-ранда гўшти, гўшт консервалари, чўчка гўшти чиқарувчи мамлакатлардан. Қ.х. маҳсулотлари қийматининг 2/3 қисмига яқинини чорвачилик ва паррандачилик беради. Боғдорчилик, сабзавотчилик ва гулчилик деҳқончиликдан олинадиган маҳсулот қийматининг 60% ни беради. Н. — иссиқхоналарда етиштирилган сабзавот, мева ва узумни экспорт

қилишда дунёда 1-ўринда. Н. кўп миқдорда картошка экспорт қилади. Бундан ташқари, қанд лавлаги, донли экинлардан буғдой, арпа, сули экилади. Йилига 2 млрд. дондан кўпроқлола пиёзи етиштирилади. Балиқ овланади.

Транспорти. Савдо флотининг тоннажи жиҳатидан Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида 3-ўринда туради. Юк айланмаси бўйича дунёда энг қатта портлардан бири — Роттердам порти йилиги 280 млн. тонна юк ўтқа-зади. Мамлакат ичкарисида ташиладиган юкларнинг 80% автомобиль транс-портига, 17,1% сув транспортига, 2,9% т.й. транспортига тўғри келади. Т.й. уз. — 2850 км, автомобиль йўллари уз. — 118,2 минг км. КЛМ авиакомпанияси йўловчилар ташиш бўйича дунёда 7-ўринни эгаллайди. Амстердамда халқа-ро аэропорт бор.

Н. четдан пўлат, транспорт воситалари, кимёвий маҳсулотлар, минерал ёқилғи сотиб олади. Четга тайёр буюмлар, озик-овқат маҳсулотлари, рўзгорбоп электр асбоб-ускуна ва ашёлар чиқаради. Н., асосан, Европа мамла-катлари б-н савдо-сотик қилади. Чет эл сайёҳлиги ривожланган (йилига 3 млн. сайёҳ келиб-кетеди). Асосий мижози бўлган ГФР га импортнинг салкам 33% ва экспортнинг 22% тўғри келади. Пул бирлиги — гульден.

Тиббий хизмати, маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Аҳолига юқори даражали тиббий хизмат кўрсатилади. Давлат касалхоналари б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам мавжуд. Врачлар ун-тлар ҳузуридаги 8 та тиббиёт ф-тида тайёрланади.

1950 й.дан мамлакатда 8 й.лик бе-пул мажбурий таълим тўғрисидаги қрун кучга кирган. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар 6 й.лик мактабга қатнайдилар. Ўрта мактаблар икки турда: ун-тга кириш ҳуқуқини берадиган 6 й.лик гимназия, атениум (реал ўрта мактаб) ва лицейлардир. Умумий ўрта таълим мактаблари таркибига кичик, оралиқ ва юқори ўрта мактаблар қиради. Н.даги бошланғич ва

ўрта мактабларнинг фақат 30% давлат қарамоғида. Бошланғич мактаб негизидан ҳунар ва ўрта махсус таълим тизими ташкил этилган. Уларда ўқиш муддати бир неча ойдан 5 й.гача.

Н.да тўлиқ олий маълумот берадиган 9 та ун-т, 3 та техника ун-ти, ун-т даражасидаги 4 та коллеж, шу жумладан, Вагенингендаги олий қ.х. мактаби бор. Давлат ун-тлари: Лейден (1575 й.да асос солинган), Утрехт (1636), Гронинген (1614), Амстердам (1877), Роттердам ун-тлари ва б. Давлатга қарашли ва хусусий илмий муассасалар мавжуд. Ун-тлар ҳузуридаги ин-тлар, Амалий тадқиқот марказий ташкилотининг ин-тлари, Н. қироллик фанлар академияси ва вазирликларнинг, Н. фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш ташкилотининг ин-тлари, Ядро энергияси марказий кенгаши, Халқаро муносабатлар ин-ти ва б. мавжуд.

Йирик кутубхоналари: Амстердам, Лейден ун-тларининг кутубхоналари, Гаагадаги Қироллик кутубхонаси ва б. Амстердамда Давлат музейи (1808 й.да асос солинган), Ван Гог миллий музейи (1972), Рембрандт уй-музейи (1907), Қироллик тропик ин-тининг музейи, Гаагада муниципал музей, Қироллик расомчилик маскани (1820), Почта музейи (1929), Лейденда Миллий этнография музейи (1837), Миллий геол. ва минералогия музейи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Энг йирик газ. ва жур.лари: «Алхемейн дахблад» («Кундалик умумий газета», 1946 й.дан), «Бин-ненхоф» («Ички ҳовли», оқшом газ., 1945 й.дан), «Гаагсе курант» («Гаага газетаси», 1883 й.дан), «Телеграф» (кундалик газ., 1893 й.дан), «Трау» («Садокат», кундалик газ., 1943 й.дан), «Фолксскрант» («Халқ газетаси», кундалик газ., 1920 й.дан), «Фрай Недерланд» («Эркин Нидерландия», ҳафталик газ., 1940 й.дан), «Фрайе фолк» («Озод халқ», кундалик газ., 1900 й.дан), «Фрайхейд эн демократи» («Озодлик ва демократия», ҳафталик газ., 1949 й.дан), «Хруне амстер-даммер» («Кўкатпарвар

амстердамлик», ҳафталик газ., 1877 й.дан), «Демократ» (ойлик жур.), «Поли-тик эн кюль-тюр» («Сиёсат ва маданият», ойлик жур., 1940 й.дан). Алхемейн Недерландс Персбюро — АНП, Н. ахборот агентлиги, 1943 й.да тузилган. Голландия газ.лари ноширларининг кооператив уюш-маси. Н. радиоэшиттириш корпорацияси радиоэшиттириш ва телекўрсатув ташкилоти бўлиб, ҳукумат назоратида ишлайди, 1969 й.да ташкил этилган.

Адабиёти. Голланд тилидаги энг қад. адабий ёдгорлик 9-а.да дунёга келган. Нидерланд ва немис адабиётида Г. ван Фельдекс (1140—1200) сарой эпосини яратиб шуҳрат қозонди. «Рейнард ҳақида кўшиқ» деб аталган халқ достони халқчил шеърят ва драматургиянинг ривожланишига зўр таъсир ўтказди. 13-а.да диний адабиёт ривожланди. Н. адабиётининг йирик намояндаси Эразм Роттердамскийнинг «Бемаънилик мадҳи» ҳажвий асари (1509) Уй-ғониш даври руҳида ёзилган. 17-а. Н. маданиятида «олтин аср» бўлди. Бу даврда турли оқимларга мансуб адиблар иж-тимойи ва ахлоқ-одоб масалаларига оид асарлар яратдилар, гуманистик, демократик ғоялар ривожланди. Шоир ва драматург Й. ван ден Вондел (1587—1679)нинг «Мария Стюарт», «Люцифер» трагедиялари жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бўлиб қолди. 18-а. адабиётида миллий-демократик анъаналар су-сайди. 19-а.да яшаб, ижод қилган адиблар — А. Старинг, Э.Й.Потгитер, Н.Бетс ва б. голланд мустамлакачилигини танқид қилдилар ва умуман, ўткир ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқдилар. 19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида адабиётда социалистик ғоялар хукмронлик қилди. 30-й.ларда «Форум» жур. атрофида уюшган адиблар фашизмга қарши курашдилар. 50-й.ларда Л. Фроман, П.Роденко, Люсеберт, Р.Камперт, Х.Лампо Европа адабиёти оқимида борди. 80—90-й.ларда В.Рюислинк, Х. Хе-рессм, Ж. Гамелинк, Я. Кремер ва б. реалистик тамойилларни кучайтирди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати.

Қад. Н. худудида неолит даврининг сопол идишлари, тошдан қурилган мегалитик иншоотлари, мил. ав. 1-минг йилликка мансуб кельт манзилгоҳлари, мил. 1—3-а.лар қад. Рим биноларининг қолдиқлари, германларнинг металл, заргарлик буюмлари сақланган. Ўрта аср меъморлиги намуналари Амстердам, Гаага ва б. шаҳарларда мавжуд (шаҳар деворлари, сарой, қалъа, уйлар). Мамлакатда тупрокнинг ботқоқлиги, тош танқислиги биноларнинг ғишт ва ёғочдан қурилишига сабаб бўлган.

16— 17-а.лар тасвирий санъатида тур-муш манзаралари, натюрморт, портрет жанри ривожланди (яна қ. Нидерланд санъати). 17-а. ўрталарида классицизмнинг голланд бадий мактаби ривож топди (биноларнинг содда ва қулай бўлишига кўпроқ эътибор берилди). 17-а. 2-ярмида француз классицизмнинг бой сарой ва парк меъморлиги таъсири кучайди. Жамоат, савдо ва и.ч. бинолари (ратуша, биржа, савдо расталари ва б.) қурилди (меъморлар Я. ван Кампен, П. Пост, ака-ука Ф. ва Ю.Вингбонс ва б.). 17-а.да ҳайкалга-рошлик унчалик ривожланмади (бинолар ҳайкал б-н камданкам безатилди, портрет ҳайкаллар жуда кам ишланди). Рассомлик ва графика эса кенг ривож топди. Реалистик рассомлик юксалиб, бутун Европа тасвирий санъатига са-марали таъсир ўтказди. Голланд рассомлари, одатда, бирор жанрга ихтисослашган. Портрет (Ф.Халс), дехқонлар ҳаёти (А. ван Остаде) ва шаҳар ҳаёти (Я. Стен, Г. Терборх ва б.), ифодали маиший жанр, манзара (Я. Порселлис, Я. ван Рёйсдал) ва б. жанрларда ким-магли асарлар яратилди. Рембрандт, Ф. Халс, К. Фабрициус каби буюк рассомларнинг ижодида демократик кайфиятлар мохирона ифодаланди.

19-а.да шаҳарларда аҳоли тифизлашди, ихчам, тежамкор меъморлик шакллари эътибор кучайди. Тасвирий санъатда оддий меҳнаткаш кишилар ҳаётига аҳамият берилди. 2-жаҳон урушидан сўнг Амстердам, Гаага, Роттердам

ва б. шаҳарларда биноларнинг оқилона жойлашишига эришилди, миллий романтик тамойиллар б-н суғорилган функционализм етакчи оқим бўлиб қолди. 19-а. 2-ярмида Гаага ранг тасвир мактаби, 20-а.да голланд ҳайкалтарошлик мактаби шаклланди. Ҳоз. замон Н. тасвирий санъатида турли модернистик оқимлар ёйилган, аммо демократик тамойиллар ҳам (Чарли Тороп, Х. Шабо, П. Алма ижодида) сезилиб туради.

Муסיқаси. Н.нинг муסיқа маданиятига доир дастлабки маълумотлар илк ўрта асрларга мансуб. 12-а.дан рицарлик лирикаси ривож топди. 14-а.да менестреллар деб аталган саёқ созанда ва хонандалар халқ кўшиқчилигини профессионал санъат даражасига кўтардилар. Байрам, ярмарка, турли мусобақаларда муסיқа асбоблари жўрлигида ашула ва рақслар ижро этиш одат тусига кирди. 15—16-а.ларда муסיқа санъати, айниқса, юксалди. Хусусан, Уйғониш даврида вужудга келган Нидерланд мактаби Европанинг композиторлик ижодиётига таъсир ўткази бошлади. 17-а.да муסיқа ас-бобларини и.ч. ҳам ривожланди. 17-а. охирларидан Н.да инглиз, француз, италиян муסיқалари таъсири ошди, комик опералар сахнага қўйилди. К. Хакуартнинг «Ишқ тантанаси» (1678) классицизм услубидаги биринчи голланд операсидир. Шу йилларда муסיқа жамиятлари ташкил этилди. 19-а.нинг 1-ярмидан миллий-демократик муסיқа маданияти ривож топа бошлади. Амстердам консерваторияси (1884), Н. муסיқачилари қироллик жамияти (1875), Миллий опера (1916—23), Н. композиторлари жамияти (1911) ва б. ташкилотлар мамлакатда муסיқа маданияти ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Амстердамда 1948 й.дан ёзги муסיқа фестиваллари ўтказиб турилади. Мамлакатда бир неча опера ва балет театрлари, 12 симфоник оркестр, 7 консерватория (баъзиларида Шарк муסיқаси ўрганилади), 3 муסיқа лицейи, Амстердам, Лейден ва Утрехт ун-тларида муסיқа тарихи ва назарияси ф-тлари бор.

Композиторлардан Г.Ландре, С.Бессем, К. ван Барен, дирижёрлардан П. Хюппертс, Б.Хайтинк, муסיка ижрочиларидан К.де Грот, Л.Понсе, Г.Леонхарт, Т.Олоф, Т.Байле ва б. машхур.

Балети ўрта асрлардан вужудга кела бошлаган, байрам ва карнавалларда рақслар кўп ижро этилган. 1959 й.да Амстердам балет труппаси тузилган. Унинг С.Гаскелл труппаси (1954) б-н қўшилиши (1961) туфайли Н. миллий балети ташкил топган. Гаагада 1961 й.дан Н. раке театри ишлайди. 1945 й.дан болаларучун спектакллар қўядиган «Скапино» труппаси ишлаб турибди. О.де Хае, Я.Фли-ер, И.Сандерс Н. операсини ривожлантиришга катта хисса қўшди.

Театри. 12-а. охиридан бошлаб драматик асарлар сахналаштирила бошлади. 14-а.да адабиёт ва театр шинавандалари жамияти тузилди. 1638 й.да Амстердам ш. театрига асос солинди. Кўплаб сайёр труппалар мамлакат бўйлаб томошалар кўрсатарди. 1870 й.да тузилган «Нидерланд театр уюшмаси» миллий театр санъати ривожига катта хисса қўшди. Н.да хаваскорлик театрлари кенг тарқалган. Театрларда У. Шекспир, Ф. Шиллер, Ф. Достоевский, Н. Гоголь, А. Чехов, М.Горький асарлари кўрсатилган. Кейинги йилларда маҳаллий муал-лифлардан Я. Стал, С.Ноттебом, Я. ван дер Мерве ва б.ларнинг асарлари кўплаб сахналаштирилди. Арнем, Роттердам ш.ларида театрлар мавжуд. Замонавий сахна усталари орасида А. ван Далсюм, К. ван Дейк, Э. ван Линген, В. Фос машхур. Амстердамда Театр музейи бор.

Киноси. 1898 й.дан хужжатли, 1910 й.дан бадиий фильмлар ишлаб чиқарилган. 1927 й. Амстердамда кино санъатини тарғиб қилувчи «Фильмлига» кино клуби ташкил қилинди. Унинг таркибига кирган кино ходимлари «Улик сув» (реж. Г.Рюттен) ва б. фильмларни яратдилар. Фашистлар оккупацияси йилларида экранларда, асосан, немис фильмлари намойиш қилинди. Мамлакат фашистлардан озод қилингандан кейин

Қаршилик ҳаракати тўғрисида кўплаб хужжатли фильмлар суратга олинди (реж. Р.Хорнекер, Ж.Ферну, О. ван Нейенхоф ва б.), бадиий фильмлар яратиш кенг йўлга қўйилди. Кейинги йилларда «Амстердам, сув шаҳри» (реж. М.Хас) илмий-оммабоп фильми, «Сув овози» (реж. Б.Ханстра), «Касбдошлар, шовкин қилманг» (реж. Ф.Радемакерс), «Турк меваси» (реж. П.Ферхувен) каби бадиий фильмлар чиқарилди. Кинематография кадрлари Амстердам кино ин-ти ва кино академиясида тайёрланади.

Ўзбекистон — Н. муносабатлари. ЎЗР Президенти И.Каримовнинг 1993 й. Н.га қилган ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга негиз яратди. Ташриф чоғида «Ўзбекистон Республикаси б-н Нидерландия Қироллиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида қўшма баённома» имзоланди. 1996 й. Тошкентда «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида» битим тузилди.

ЎЗР б-н Н. ўртасидаги товар айланмаси 1999 й.да 139,6 млн. АҚШ долларини, шу жумладан, экспорт 98,1 млн. долларни, импорт эса — 41,5 млн. долларни ташкил қилди. ЎЗРда голланд сармоясини иштирокидаги 10 корхона рўйхатга олинган, шундан 7 тасида голланд сармоясини 100%ни ташкил этади. ЎЗР Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Н.нинг 7 фирмаси ўз ваколатхонасини очган.

**НИДЕРЛАНДИЯ ИНҚИЛОБИ** (1566—1609) — Нидерландия тарихий вилоятида содир бўлган инқилоб. Кальвинизм байроғи остида ўтган ва испанлар ҳукмронлигини батамом тугатиш ва феодалларнинг зўравонлигига қарши қаратилган. Консерватив руҳдаги бюргерлар оппозициядаги дворянлар (Вильгельм Оранский раҳбарлигида) б-н иттифоқ тузиб испанлар асоратига қарши чиққанлар. Асосий воқеалар: 1566 й.даги Иконаларга қарши қўзғолон, 1572 й. шим. вилоятларда қўтарилган оммавий

қўзғолон, 1576 й. жан. ви-лоятлардаги қўзғолон, Утрехт унияси (иттифоки) ни барпо этилиши (1579). Шим. вилоятларни испанлар хукмронлигидан озод бўлиши (ҳоз. Нидерландия давлати худуди) ва Бирлашган вилоятлар республикаси барпо этилиши б-н яқунланган (жан. вилоятларни 1585 й.га келиб Испания қайта босиб олган).

**НИДЕРЛАНДИЯ ҚИРОЛЛИГИ** - 1814—15 й.ларда Вена конгресси томонидан Нидерландия ва Бельгия таркибиде тузилган давлат. Қирол Вильгельм I хукмронлиги остида бўлган. Н.к.да амалда Нидерландия гегемонлиги ўрнатилиб, Бельгия вилоятларининг иктисодий ва сиёсий манфаатлари камситилган. 1830 й.ги Бельгия инқилоби Бельгияни ажралиб чиқиши ва Н.к.ни парчаланишига олиб келган.

**НИДЕРЛАНДИЯ ҚИРОЛЛИК ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**, Нидерландия фан ва санъат қироллик академияси — Нидерландиянинг олий илмий муассасаси. 1808 й. Амстердам ш.да фан, адабиёт ва санъат қироллик ин-ти номи б-н ташкил этилган. 1938 й.дан ҳоз. номда. Мат. ва табиий фанлар қамда филол., адабиёт, тарих ва фалсафа бўлимлари мавжуд. 180 дан ортиқ ҳақиқий ва 50 хорижий аъзоси бор.

**НИЁЗ МУҲАММАД ХЎҚАНДИЙ**, Мулло Ниёз Муҳаммад Хўқандий Ниёзий бин Мулло Ашур Муҳаммад (тахм. 1802/03—1878 й.дан сўнг) — қўқонлик тарихчи, шоир. 1860 й. Н.М.Х. Қаноатшоҳ бошлиқ Қўқон кўшинларининг Пишпак, Уч Олмати ва Узун Оғочга, 1861—62 й.ларда эса Туркистон атрофига қилган юришида иштирок этган. Шундан сўнг харбий хизматдан кетиб, Қўқонда ўз маҳалласида тинч меҳнат б-н банд бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд» муаллифи Муҳаммад Солиҳхўжа Тошқандий уни атторлик моллари б-н савдо қилувчи савдогар деб атайди.

«Ниёзий»тахаллуси б-н шеърлар битган. Н.М.Х. «Тарихи Шохрухий» асарини Худоёрхон топшириғига қўра ёзган (1871—72). Асар Шохрухбий давридан бошлаб 1872 й.гача Қўқон хонлигида содир бўлган сиёсий, иктисодий, маданий ўзгаришларни қамраб олган. Айниқса, муаллифнинг ўзи иштирок этган воқеалар баёни илмий жиҳатдан қимматли. Асар Қўқон хонлиги тарихини ўрғанишда муҳим манба ҳисобланади.

Ад.: Бобобоев Ҳ., Қўқон тарихи, Т., 1996; Бейсембиев Т.К., «Та’рихи Шахрухи» как исторический источник, Алма-Ата, 1987.

**НИЁЗБЕКҚАЛЪА** — Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги қалъа харобаси. Тошкент ва унинг атрофини сув б-н таъминловчи кад. ирригация иншооти — Бўзсувни душмандан ҳимоя қилиш учун қурилган. Н.ни 1935 й.да В.Д.Жуков текширган, лекин археологик казиш ўтказилмаган. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, 2 м баландликдаги кўтарма хандақ б-н ўралган. Н.нинг устки қисмидан Қўқон хонлиги (19-а.) даврига оид материаллар топилди. Генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги подшо кўшинлари Тошкент ш.ни қамал қилган пайт (1865)да ха-робага айлантирилган.

**НИЁЗЖОНХЎЖА** (18-а. 2-ярми — 19-а. бошлари, Хива) — хоразмлик ма-қомчихонанда, созанда ва ба-стакор. 19-а. бошларида Бухорога бориб, Шашмақомнинг ашула ва чолғу йўлларини ўрганган, уларнинг Хо-размда кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Хоразм Бузрук мақомидаги Сақили Ниёзжонхўжа ва б. бир қанча қуйлар муаллифи. Н.нинг ишини шогирдлари (Маҳсумжон Қози, Уста Муҳаммаджон Сандуқий, Комил Хоразмий, Аҳмаджон Табибий ва б.) давом эттириб, Хоразм мақомларига янги қуй ва ашула йўлларини киритган.

**НИЁЗИЙ** (тахаллуси; исми Отаниёз

Хўжаниёз ўгли, 1844 — Шовот тумани — 1928) — шоир, бастакор. К. Отаниёзовнинг отаси. Хивадаги Арабхон мадрасасида ўқиган. Араб, форс тилларини ўрганган, аруз илмини пухта эгаллаган. Хивадаги Абдуллахон мадрасасида мударрислик қилган (1920). Мумтоз шеърининг турли жанрларида ижод қилган. Шеърларидан 3063 байтли девон тузган. Уларда халқ ҳаётининг турли томонлари акс этган. Н. Хоразм мақомлари учун чизикли нота тизимини яратишда Комил Хоразмийга тижиндан ёрдам берган. Ўзи ҳам бир қанча куйлар яратган. Ҳасан Жабарутийнинг «Ажойиб ул-осор» («Ажойиб ёдгорликлар») асарининг 7—9-дафтарларини араб тилидан форсчага таржима қилган (1907). Н.нинг адабий меросидан намуналар турли мажмуа ва баёзларга кирган, улар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №120, 121, 192).

**НИЁЗИЙ** Мухаммад Ниёз Абдулғофурбек (19-а.) — уйғур тарихчиси, шоир, таржимон ва хаттот. 1851 й. умумий тарихга бағишланган «Қисас ул-ғаройиб» асарини туркий тилда ёзган. Асар муқаддима, хотима ва 3 қисмдан иборат. Асарнинг 1-қисмида Чингизхон давригача бўлган воқеалар баёни; 2-қисмида Чингизхон ва унинг авлодлари, Ҳумоюнгача бўлган бобурийлар тарихи баёни; 3-қисмда дастлабки 2 қисмда зикр қилинган муҳим воқеалар тафсилоти ёритилган. Асарга муаллифнинг шеърлари ҳам киритилган. Шарқий Туркистонда кўчирилган бир нус-хаси Россия ФА Шарқшунослик ин-тининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда (инв. № 106). Н. Мирза Мухаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Раши-дий» асарини форсчадан уйғурчага таржима қилган (1837). Таржимага насрий, шеърый бош сўз ва хотима киритилган. Таржиманинг муаллиф кўлёзмалари

Россия ФА Шарқшунослик ин-тининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда (инв. № 120, №121, №192). Н. форс ти-

лидан кўпгина шеърларни уйғур тилига таржима қилган.

**НИЁЗМАТОВ** Ибодулла Абдуллаевич (1942.17.10, Хива тумани-2003.20.9, Урганч) — реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1970). 1971 й.дан Хоразм мусикали драма театрида ишлайди. Н. сахналаштирган спектакллар чуқур психологик талқини, драматик тўқнашувларнинг ўткирлиги, воқеалар ривожини ва б. б-н диққатга сазовор. «Абу Райхон Беруний» (Уй-ғун), «Бировнинг ташвиши» (Ў. Ҳошимов), «Монсерро» (Э. Роблес), «Ибн Сино» (А. Шаломаяев), «Нур-хон» (К. Яшин ва Т. Жалилов), «Аждодлар қиличи» (Э. Самандаров), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид), «Марварид таккан аёл», «Феруз» (К.Аваз, О. Иброҳимов) ва б. спектакллари сахналаштирган.

**НИЁЗОВ** Амин Эрматович (1903.1.11, Фарғона вилояти, Марғилон тумани — 1973.26.12, Тошкент) — давлат ва сиёсат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор (1973). 1920—30 йилларда совет органларида ишлади. Москвадаги Саноат академиясида ўқиди (1930—34). 1940 й. Ўзбекистон КП МК курилиш бўлими мудири. 1940—46 й.ларда республика Молия халқ комиссари, 1946—47 й.ларда Ўзбекистон Мини-стрлар Совети раиси ўринбосари. 1947—50 й.ларда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси, 1950—55 й.ларда Ўзбекистон КП МК биринчи котиби. Ўзбекистон Коммунал хўжалик ми-нистри, Министрлар Совети Газ ва коммунал хўжалик Бош бошқармасининг бошлиғи (1956—60).

**НИЁЗОВ** Баходир Бобоевич (1959.15.8, Бешкент) — уста кулол, кулоллар сулоласининг вакили, Ўзбекистон халқ устаси (2003). Ҳунарни ота-бобосидан ўрганган. П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини



тугатган (1984). Қарши санъат билим юртида бадий безаш бўлими бошлиғи (1984—97). 1997 й.дан Қашқадарё вилояти «Хунарманд» уюшмаси раҳба-ри. Н. қад. кулоллик мактабларидан бири — Касби кулоллик мактабини тиклаш ва ривожлантиришга қатга ҳисса қўшди; анъанавий уй-рўзгор буюмлари (хум, кўза, офтоба, тунча ва б.)ни ўзига хос усулда яратади, бинолар беағи учун сопол, терра-котадан самарали фойдаланади.

**НИЁЗОВ** Муҳаммад Иброҳимович (1908, Чимкент — 1980, Тошкент) — кимёгар олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), проф. (1964). Ўрта Осие ун-тини тугатгач (1934), шу ун-тда декан ва проректор (1934—40), Ўзбекистон Маориф вазири ўринбосари (1940— 46), Тошкент политехника ин-ти рек-тори (1947—63), кимё технологиям жа-раёнлари ва курилмалари кафедраси мудири (1953—80). Шу кафедра қошида полимерлар муаммолари лаб.ни ташкил қилган. Асосий илмий ишлари адсорбция, дистиллаш, экстракция, куритиш ва б. жараёнларни интенсивлаш масалаларига оид.

**НИЖНЕВАРТОВСК** - РФ Хант-Манси мухтор округидаги шаҳар (1972 й.дан). Обь дарёсидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 235,7 минг киши (1998). Нефть қазиб олинади. Нефть-газни қайта ишлаш, ўрмон, қурилиш материаллари, озик-овқат саноати ривожланган, ўлкашунослик музейи бор.

**НИЖНИЙ НОВГОРОД** (1932-90 й.ларда Горький) — РФдаги шаҳар, Нижний Новгород вилояти маркази. Ока дарёсининг Волгага қуйилиш жойида. Йирик даре порти, т.й. тугуни. Аҳолией 1367,6 минг киши (1998). Машина-созлик ва металлсозликнинг (автомобилсозлик, станоксозлик, «Металлист» ва б. ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Красное Сормово», дизелсозлик, авиасозлик, алоқа аппаратураси, телевизор ва б.

з-длар) йирик маркази. Қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси, кимё-фармацевтика, ёғочсозлик, қурилиш материаллари, озик-ов-қат, енгил саноат корхоналари бор. 1985 й.дан метрополитен ишлаб турибди. 9 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 5 театр, бадий, М.Горький, Н.А.Добролюбов музейлари, тарихий-меморий кўриқхона бор. Шаҳарга 1221 й.да асос солинган. 1341—92 й.ларда Нижний Новгород-Суздаль князигининг пойтахти. 1611—12 й.ларда Н.Н.да К.М.Минин ва князь Д.М.Пожарскийнинг халқ лашкари тузилган. Н.Н. 1719 й.дан губерня маркази. 19—20-а. бошларида Н.Н. улгуржи бугдой савдосининг муҳим савдо-молия маркази. Шаҳарда подшо Россияси давридан деярли ҳар йили ярмарка ўтказилиб келинмоқда. Меморий ёд-горликлардан Кремль (16—17-а.лар), Благовещенск монастыри (17-а.), Печёра монастыри (17-а.), Смоленская (17-а. охири) ва Рождественская чер-ковлари сақланган.

**НИЖНИЙ НОВГОРОД ВИЛОЯТИ** -РФ таркибидаги вилоят. 1929 й. 14 янв. да ташкил этилган (1932 й.гача Нижний Новгород ўлкаси, 1936 й.гача Горький ўлкаси, 1990 й.гача Горький вилояти). Россия Европа қисмининг марказида, Волганинг ҳар иккала со-ҳилида жойлашган. Волга-Вятка икти-содий р-нига қиради. Майд. 76,9 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 3657,0 минг киши (2000). Шаҳар аҳолиси 78,2%. 1 км<sup>2</sup> га 48,1 киши тўғри келади. Вилоят аҳолисининг аксари қисми руслар (94,7%), шуниингдек, татар (1,6%) мордва (1,0%), украин (0,9%), чуваш (0,3%) ва б. яшайди. 48 маъмурий туман, 26 шаҳар, 71 шаҳарча бор. Маркази — Нижний Новгород. Н.Н.в. Шарқий Европа текислигининг марказий қисмида жойлашган. Асосан, ўрмонли ўр-қир даштдан иборат. Волга дарёси вилоят ҳудудини ўрмонли Чап соҳил (Заволжье) паetteкислиги ва Ўнг соҳил баландлигига бўлади. Рельефининг карст шакллари ривожланган. Қурилиш материаллари, торф, фосфо-

ритлар, темир рудалари конлари бор.

Иклими мўтадил континентал. Январнинг ўртача т-раси —12°, июлниги 19°. Йиллик ёғин миқдори 500 мм. Вегетация даври 165—175 кун. Асосий дарёлари: Волга ва унинг ирмоклари. Горький сув хавзаси, кўллар (асосан, Заволжьеда) бор. Н.Н.в. жан. тайга, ара-

лаш ва кенг баргли ўрмонлар минтакасида жойлашган. Тупроклари асосан, чимли подзол ва подзоллашган тупроқлар. Вилоят худудининг 40% га яқин майдони ўрмон. Ясси сувайирғич ва пастқамликларда ботқоқлик кўп. Ёввойи хайвонлардан бўри, тулки, кўнғир айик, силовсин, бўрсик, чипор юмрон-козиқ, олахуржун ва б. бор. Лось кўрикланади. Вилоят худудида Кержен кўриқхонаси мавжуд. Саноатнинг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (автомобиллар, даре ва денгиз кемалари, самолётлар, автомобиль ва кема двигателлари, станоклар, прибор ва асбоблар, кимё, енгил, озик-овқат саноати учун жиҳозлар, телевизорлар ишлаб чиқарилади), кимё ва нефть кимёси (органик синтез маҳсулотлари, пластмасса ва синтетик смолалар, органик шиша, бўёқ, лок, захарли кимё-вий препарат ва б.), ўрмон ва целлюлоза қоғоз, нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари ишлаб турибди. Бадий хунармандчилик буюмлари ҳам ишлаб чиқарилади. К-хнинг етакчи тар-моғи — чорвачилик. Корамол (сут-гўшти зотлари), буғу, парранда, чўчка боқилади. Буғдой, қанд лавлаги, сабзавот (шу жумладан, пиёз), жавдар, арпа, сули, гречиҳа, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Т.й. бор. Волга, Ока, Ветлуга ва Сура дарёларида кема қатнайди. Асосий даре порти — Нижний Новгород. 10 олий ўқув юрти, 5 театр, 9 музей мавжуд.

**НИЖНИЙ ТАГИЛ** - РФ Свердловск вилоятидаги шаҳар (1917 й.дан). Ўрта Урал тоғларининг шарқий ён бағрида, Тагил дарёси (Обь хавзаси) бўйида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 399,6 минг киши (1998). Қора металлургия (металлургия к-ти ва

б.), машинасозлик, вагонсозлик, шунингдек, кимё ва кокс-кимё саноатлари («Уралхимпласт» и.ч. бирлашмаси) ривожланган, ҳарбий техника ишлаб чиқарилади. Мис рудаси қазиб олинади. Педагогика ин-ти, 2 театр, ўлкашунослик, тасвирий санъат ва б. музейлар бор. Н.Т.га 1722 й.да асос солинган. Ўша ерда кончилик ривожла-ниши б-н вужудга келган.

**НИЗАК ТАРХОН**, Абул Хайёж (? —706) — Кўҳистондаги Бодхиз ш.нинг меросий ҳокими (7-а. ўртаси). Балхдаги Навбахор ибодатхонасининг бош кошени Бармакни (қ. Бармакийлар) ўлдир-гач (652), Балх ва Тохаристоннинг амалдаги ҳокими. Маҳаллий ҳокимларнинг араб босқинчиларига қарши ку-рашига раҳбарлик қилган. Балхдан жан. даги Дара-и Газ водийсидаги тоғ тепасида қурилган тош қалъа (Барбар ёхуд Фарздаз) Н.т. томонидан арабларга қарши мудофаа мақсадида бунёд этилган. 701 й. Н.т. Суғд подшои Тархуннинг чақирғига кўра, Термизга, Халифаликдан ажралиб чиққан Собит ибн Кутба ва Мусо ибн Абдуллоҳга ёрдам бериш учун келган. 706 й. Қутайба ибн Муслим б-н сулҳ битими имзолагач, арабларнинг Мовароуннаҳр шаҳарларига қилган ҳарбий юришларида қатнашган. Бирок арабларнинг муваффақиятларидан хавфсираб, уларга қарши курашга отланган. Н.т. Балх сипоҳбади, Марваруд шоҳи Базам, Толикон шоҳи Сахрек (Сухроб?), Форёб шоҳи Турсул ва Жузжон шоҳи ал-Жузжонийга нома йўллаб, уларни курашга даъват этган ва розилигини олган. Хулм йўлаги (тор дара)да бўлган жангда Қутайба ғолиб чиққач, Н.т. Бағлон яқинидаги Фанж Жоҳ булоғи бўйига чекинган. Қутайба унга қарши укаси Абдурахмонни илғор қилиб жўнатган, Н.т. тоғдаги ал-Курза қалъасига жойлашиб мустаҳкам истехком барпо этган. Қалъага фа-қат биргина тор сўкмоқ йўл орқали чиқилган. Қутайба қалъани 2 ой камал қилган. Қалъадагиларнинг озик-овқат захираси тугаган, кишилар ораси-

да чечак касали тарқалган. Қутайба Н.т. олдига элчисини юбориб унга омонлик, дахлсизлик бериш ҳақида ёлгон ваъда қилган. Бунга ишонган Н.т. қалъадан чиқиб келганда уни хибсга олган ва 700 та сафдоши б-н қатл эттирган.

Ад.: История ат-Табарий, Т., 1987; Ка-мал иддинов Ш. С, Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабо-язычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

**НИЗОМИДДИН АХМАД ХИРОТИЙ** (1549—94) — ҳинд тарихчиси. Акбар даврида юкори ҳарбий лавозимларни эгаллаган, 1585 й. Гужаротда бахши (ар-миянинг бош интенданти), 1593 й.дан давлат бахшиси. «Табакоти Акбарий» номли катта асар муаллифи (1593 й. ёзиб тугатилган), унда 30 га яқин турли манбалардан фойдаланилган. Асарда бобурий подшоҳ Акбар ҳукмронлиги тарихи б-н бир қаторда Ғазни, Ғур, Дехли султонлари, Баҳманийлар давлати, Гужарот султонлиги, Малва, Бенгалия, Синд, Кашмир ва Ҳиндис-тондаги бошқа му-сулмон давлатлари тарихи баён этилган

**НИЗОМИДДИН ШОМИЙ** (? - тахм. 1412) — тарихчи олим. Ўрта Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг 14-а. даги ҳаётига оид маълумотларни ёзиб қолдирган. Адабиётларда Шомий нисбаси б-н машҳур бўлсада, баъзан Шанби Ғозоний нисбаси б-н кам учрайди (Шом, Шанб ёки Шанби Ғозон — Табриз яқинидаги мавзе). Н.Ш.нинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Илмий ада-биётда мавжуд бўлган жуда оз маълумот эса унинг Амир Темур фармони б-н ёзилган асари «Зафарнома»ан олинган. Н.Ш.нинг «Зафарнома» асари аниқ, манбалар ва муаллиф ўз кўзи б-н кўрган воқеалар асосида ёзилган. Ад.: Н изомидди н Шоми й , Зафарнома., 1996.

**НИЗОМИЙ АРУЗИЙ** ибн Самарқандий (11-а.нинг 90-й.лари —

Самарқанд — 1160) — адиб, адабиёт-шунос олим. Котиб, шоир, мунажжим, табиб сифатида ҳам танилган. Арузни пухта эгаллагани учун Арузий номи б-н ҳам машҳур бўлган. 1111 й.да Шарқ мамла-катлари бўйлаб саёҳат қилган. Балх, Ҳирот, Туе, Нишопур ш.ларини кезиб, Афғонистоннинг Ғур ва Бомийён вилоятларида шансабийлар сулоласида 45 й. хизмат қилган. Бизгача «Мажмаъ уннаводир» («Нодирлар мажмуаси») ёки «Чаҳор мақола» («Тўрт мақола», 1156—57) деб номланган асаригина етиб келган. Асар муқаддима ва 4 мақоладан иборат. Муқаддимада китобнинг ёзилиш сабаблари, мақсади айтилган. Асосий қисмидаги мақолаларда дабирлик илмининг моҳияти ва етук дабир си-фатлари; шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти; илми нужумнинг моҳияти ва мунажжимнинг билими, тиббийёт илмининг моҳияти, табиблик, табибнинг ва-зифалари ҳақида фикр юритилган. Ҳар бир мақола муаллиф томонидан илгари сурилган ғоя ва фикрларни акс эттирувчи 10—12 ҳикоят б-н зийнатланган. Н. А. ҳар бир касбга таъриф берганда, шу касб эгасининг маънавий қиёфаси ва билими қандай бўлиши лозимлигини уқтиради. Айниқса, китобдаги иккинчи ма-қола — «Шеър илмининг моҳияти, шоир салоқияти»да ижодкор бурчи, масъули-яти, унинг ўзига талабчан, ҳамиша из-ланишда, ўрганишда бўлиши, ёш ижод-корларга ғамхўрлик қилиши кераклиги айтилган. Бадиий асарда шакл ва мазмун бирлиги, шеърятнинг инсон тафаккури-га таъсири, бадиий-эстетик, таълим-тар-биявий аҳамияти, унинг инсон камало-ти-га, эстетик ди-дига таъсири борасида ҳам қимматли фикрлар бор. Асар Ўрта Осиё ва Хуро-сон халқлари илм-фани, мада-нияти, ёзувчишоирлар ҳаёти ва ижодини ўрга-нишда муҳим манбадир. «Мажмаъ уннаводир»нинг дунё қўлёзма хазинала-рида 12 та қўлёзма ва бир неча тошбос-ма нусхалари мавжуд. Истанбул нусхаси энг мўътабар нусха ҳисобланади. Инглиз олими Эдуард Браун худди шу нусхани

инглиз тилига таржима қилган (1899). Эрон олими М. Муиннинг танқидий матни асосида асарни С. Баевс-кий ва З. Ворожейкина рус тилига (1963), асл форсий нусхадан М. Ҳасаний ўзбекчага (1985) қисқартириб таржима қилганлар.

Ас: Нодир ҳикоялар, Т., 1985.

Ад.: Бертельс Е.Э., Избранные труды, т. 1, История персидско-таджикской литературы, М, 1960 Абдуллоев И., Ҳикматуллоев Х., Самарқандлик олимлар, Т., 1969.

Бегали Қосимов.

**НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ** (тахаллуסי; асл исм-шарифи Абумуҳаммад Ил'ес ибн Юсуф ибн Закий Муайяд) (1141 — Ганжа ш., Озарбайжон — 1209.12.3) — озарбайжон шоири ва маърифатпарвари. Ота-боболари Эроннинг Қум ш.дан бўлиб, онаси (Ганжа атрофидаги кишлоқлардаги) курд саркардаларидан бирининг кизи бўлган.

Қуръонни ёд олган. Фикҳ, тарих, геогр., фалсафа, мантик ва адабдан таълим олиб, уларнинг ҳар бирида устод даражасига етишган. Табиий фанлар, хусусан, табобат ва илми нужум (аст-рономия)ни ҳам яхши билган. Замонавий илмлардан ташқари, юнон фалса-фаси ва адабиёти, эроний халқларнинг исломдан олдинги сўз санъати, хали-фалик даври илмий-адабий асарлари, яҳудий ва насроний халқлари тарихи, Кавказ халқларининг ўтмишидан етарли маълумотга эга бўлган. У етук математик сифатида ҳам эътироф этилган.

12-а.да Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг кўплаб шаҳарлари, жумладан, Ганжада ҳам жавонмардлик ёки ахийлик б-н машҳур ҳаракат кенг ёйилган. Ҳаракат аъзолари, асосан, косиб ва хунармандлардан иборат бўлиб, улар зolim ҳукмдор ва амалдорларга қарши курашган, кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилган. Эзгулик, адолат, инсоф, муруват, лутфу карамни шиор қилиб олган бу тоифа илму маърифатга катта аҳамият берган. Н.Г. бу ҳаракат қридаларини

ҳурмат қилган ва уларга мойил бўлган. Н.Г. шахсия-ти, дунёқараши ва ижтимоий ақидалари шу ташкилот гоյлари, косиб ва хунармандлар таъсирида камол топган. Н.Г. ўз асарларини ўша замондаги шоҳ ва шахзодаларга бағишлаган, лекин сарой шоири бўлишни истамаган, бу ҳақдаги таклифни рад этган.

Н. Г.нинг 20 минг байтдан иборат шеърый девони бўлган. Шоирнинг лирик шеърлари турли баъз ва тўпламлардан таркиб топиб, жамланган. Лекин ундан айрим парчалар: 16 қасида, 192 ғазал, 5 китъа, 68 рубоий ва 17 байт сақланиб қолган, холос.

Асосий асари «Ҳамса»: 1. «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси», 1173 ёки 1180)да муқаддима ва хотимадан ташқари 20 мақола бўлиб, ҳар мақолага оид 20 ҳикоя мавжуд. Асарда шоир яшган даврнинг муҳим ижти-мойсиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалари акс этган. Кейинчалик бу асарга жавобан форсий ва туркий адабиётларда 40 дан ортиқ достонлар (Навоий, «Ҳайрат ул-аброр») яратилган. 2. «Хусрав ва Ширин» (1181) севги ва са-доқат мавзuida; 3. «Лайли ва Мажнун» достони (1188) араб ривоятлари асосида яратилган; 4. «Ҳафт пайкар» достони (1196) Баҳром Гўр ва унинг номи б-н боғлиқ воқеаларга асосланган. Асар ҳикоя ичида ҳикоя тарзида ёзилган бўлиб, уларда инсон тарбияси, хулк-атвори б-н боғлиқ гоյлар илгари су-рилган. Ҳикояларида халқ эртақлари таъсири сезилиб туради; 5. «Искандарнома» достони (1190—1200) да Н.Г. ўзининг одил ва маърифатли шоҳ, комил инсон, идеал жамят ҳақидаги орзуларини Искандар образи ва хаё-лий тасвирлар орқали ифодалаган. «Ҳамса» Шарқ халқлари адабиётлари ривожига катта таъсир этган. 13-а.дан бошлаб бир қанча шоирлар (Амир Хусрав Дехдавий, Навоий, Жомий ва б.) «Ҳамса» ёзганлар.

Навоийдан тортиб барча ўзбек шоирлари Н.Г.ни ўзларига устоз деб билишган. Навоий «Насойим ул-муҳаб-бат»да уни шайхлар қаторида зикр этган. 14-а.

ўргаларида Қутб Хоразмий «Хусрав ва Ширин» достонини туркий тилга таржима қилган. Ҳайдар Хоразмий шоирнинг «Махзан ул-асрор» аса-рига жавобан «Гулшан ул-асрор» достонини битган. Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни насрий таржима қилган.

«Низомий шеърятидан» тўплами Шоислом Шомухамедов таржимасида чоп этилган (1983). Унда шоир касидалари, ғазаллари, китъалари, рубоийлари ва ҳикматларидан намуналар, шунингдек, «Махзан ул-асрор» ва «Ҳафт пайкар» достонларидан парчалар мавжуд. Тошкент пед. ин-тига Низомий номи берилган (1947). Асарлари асосида кинофильм ва балетлар, тас-вирий полотнолар яратилган.

Ас: Низомий Ганжавий, Гулдаста, Т., 1947; Низомий шеърятидан, Т., 1983; Инжулар уммони, Т., 1989.

Ад.: Бертельс Е. Э., Избранные труды, Низами и Фузули, М., 1962; Эркинов С, Ғанихонов М., Низомий Ганжавий, Т., 1992; Ҳомидий Ҳ., Кўҳна Шарқ дарғалари, Т., 1999; Абдурахмон Жомий, Бахористон, Т., 1997; Алишер Навоий, Насойим ул-муҳаббат, 17-ж., Т., 2001.

Эргаш Очилов.

**НИЗОМИЙ ХЎҚАНДИЙ** (тахаллуси; асл исм-шарифи Низомиддин Муҳаммадминхўжа ўғли) (17-а. охири — 18-а. боши) — шоир. Бухорода таҳсил кўрган. Н.Х.дан фалсафий мазмундаги «Мажмуат ул-мақосид» («Мақсадлар мажмуаси») номли китоб, 300 га яқин ғазал ва мухаммаслардан иборат шеърлар тўплами қолган. Унинг айрим шеърлари тошбосма усулда босилган баёзларда ҳам учрайди. Н.Х. асарларида ўз замонидаги иллатларга нафрат кўзи б-н қарайди, инсоний туйғуларни, муҳаббат ва садоқатни улуғлайди. Шеърлари равон, содда тилда ёзилган.

Ад.: Қаюмов А., Кўкон адабий мухити, Т., 1961.

**НИЗОМОВА** Раъно Ҳошимовна

(1935.25.12, Кўкон) — раққоса, балетмейстер, педагог. Ўзбекистон халқ ар-тисти (1974). Тошкент хореография билим юртини мумтоз рақс бўлимини (1954), Тошкент маданият ин-тининг реж. лик бўлимини (1982) тугатган. 1954—57 й. Навоий театрида, 1957—78 й.лар «Баҳор» ансамблида етакчи раққоса (айни вақтда 1956 й.дан репетитор-балетмейстер ва бадиий раҳбар ўринбосари). «Наргиз» болалар ашула ва рақс ансамблининг ташкилотчиси (1978), бадиий раҳбари ва балетмейстер (1989 й.гача). 1980 й.дан Тошкент маданият ин-тининг хореография бўли-мида ўқитувчи (1992 й.дан проф.).

Раъно Низомова («Помирча рақс Навоий театрининг «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», «Етти гўзал», «Эсмеральда», «Жизель» ва б. спектакларида балет партияларини ижро этган. Н.нинг ижоди серкирра бўлиб, Фарғона, Бухоро, Хоразм услубидаги ўзбек мумтоз, халқ замонавий рақсларини, қардош ва хорижий халқлар рақсини бир маромда маҳорат б-н ижро этган. Н. репертуаридан «Баҳор» ансамблида «Пилла», «Жонон», «Роҳат», «Танавор», «Фарғона рубоийси», «Аста киёлаб ўтди», «Ўйна Раъно», «Бухороча рақс», «Тоғли Бадахшон рақси», «Зав-ким келур», «Шўх қиз», «Ўйнасин» каби ҳамда афғон, ҳинд, покистон, поляк ва б. халқлар рақслари ўрин олган. Балетмейстер сифатида «Лолалар», «Ёшлик вальси», «Сокийномаи Баёт», «Дилхирож», «Ўзбекистон кизлари», «Духтари зебо» ва б. рақсларни саҳналаштирган. Австрия, Чехословакия, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Канада, Миср ва б. мамлакатларда гастролда бўлган.

Ас: Ҳаваскорлик болалар ва рақс ансамбллари ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти (ҳамкорликда), Т., 1985.

**НИЗОМУЛМУЛК** (1017, Туе - 1092, Наҳованд) — Салжуқийлар давлати арбоби Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусийнинг унвони, «Низо-мулмулк»,

яъни мулкнинг низоми, тартиби номи б-н шуҳрат қозонган. Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга ет-гач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига қиради. Кейинчалик у До-вуд ибн Микоилга дабир бўлади. Салжуқийлар шоҳи Алп Арслон саройида вазирлик мансабига кўтарилди. 1072 й. Алп Арслон ўлдирилгач, унинг ўғли, 17 ёшлик Маликшоҳ (1072—92 й.лар) саройида Н. вазирлик қилиб, қарийб давлатнинг ҳамма ишларини ўзи олиб борган. Маликшоҳ уни ўз хомийси — отабек деб атаган. Н. мамлакатда йирик мулкдорлар ва қабила бошлиқларининг айирмачилик (сепаратистах) ҳаракатларига қарши курашиб, давлатни бош-қариш ишларини марказлаштириш сиёсатини ўтказган. 1067 й. Бағдодда «Низомийя» ақоид ва ҳуқуқ мадрасасини қурдиради. 1091 й. «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук») асарини ёзади. Унда давлат бошқарувиغا алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, ҳатто шохнинг оилавий ишлари, солиқ ва хирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Асарнинг асосий ғояси шундан иборатки, вазир Н. шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва муруватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват қилади. Н. Бағдод сафари йўлида ёлланган қотил тигидан ҳалок бўлади.

Ад.: Низомулмулк, Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук, Т., 1997.

**НИЗОМХЎЖАЕВ** Жамол (1921.15. 12 -Тошкент — 1992.26.9) — опера хонан-даси (баритон), Ўзбекистон халқ артисти (1964). Москва Ўзбек опера сту-

диясида таълим олган (1938—39), Тошкент консерваториясини тугатган (1950). Навоий театрида солист (1939— 83), шунингдек, Тошкент маданий-оқартув билим юртида ўқитувчи (1961— 87). Н. мусикали драмаларда Қодир (Яшин, М.Мухамедов; Р.Глиэр, «Гул-сара») ва б., ўзбек операларида Нав-фал (Р. Глиэр ва Т. Содиков, «Лайли ва Мажнун»), Бўрон (С. Василенко ва М.Ашрафий, «Бўрон»), Фарход (В. Успенский ва Г.Мушель, «Фарход ва Ширин»), Ниёзматбек, Ардашер (М. Аш-рафий, «Шоир қалби»), «Дилором»), шунингдек, мумтоз операларда Эска-мильо (Ж. Бизе, «Кармен»), Томский (П. Чайковский, «Қарға моткаси»), Грязной (Н. Римский-Корсаков «Шоҳ қайлиғи») каби партияларни ижро этган. Опера ижрочилигида миллий ашула ижро услубини уйғунлаштиришга интилган. Ўзбек халқ ашулалари («Лайлодин ортиқсан»), «Қошлари қаламлар» ва б.), маком йўллари («Дугоҳ», «Дугоҳ таронаси», «Ушшоқ» каби) ва замонавий кушиқлар («Ватанга меҳр», «Шу тонг ҳамдам», «Ассалом» ва х.к.) Н. ижодида муҳим ўрин тутади.

**НИЗОМШОҲЛАР** - Шим.-Ғарбий Декандаги Аҳмаднагар давлатини бошқарган султонлар сулоласи (1490—1633). Асосчиси — Малик Аҳмад Баҳрий, бахманийлар лашкарбошиси. У ўзини мустақил деб эълон қилиб низомшоҳ унвонини қабул қилган. Бурҳон I (1509—53) даврида Н. ниҳоятда кучайган, бобурийлар б-н кураш олиб борганлар. Акбар Н.дан Берар вилоятини тортди олган. 1633 й. сўнги низомшоҳ Хусайн-шоҳ III (1630—33) бобурийларга асир тушган ва улар 1636 й. Аҳмаднагарни ўз давлатларига қўшиб олганлар.

**НИИГАТА** — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг ғарбий соҳилида, Синано да-реси қуйилишида. Ниигата префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 501,3 минг киши (2000). Йирик денгиз порти (йилига 20 млн. т юк ортиб-туши-

рилади). Нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ҳамда нефть кимёси маркази. Металлургия, электроника ва транспорт машинасозлиги, тўқимачилик (ипак ва сунъий матолар и.ч.), тахта тилиш, қоғоз, цемент саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси, ун-т бор.

**НИКАРАГУА** — Марказий Америкадаги энг катта қўл, Никарагуа давлати худудида. Майд. 8430 км<sup>3</sup>, уз. 160 км, эни 70 км гача. Энг чуқур жойи 70 м. Тектоник ботикда, денгиз сатҳидан 32 м баландликда жойлашган. Сув сатҳи йил давомида ўзгариб туради. Тинитапа дарёси орқали Манагуа қўли б-н боғланган. Н. суви Сан-Хуан дарёси орқали Кариб денгизга оқади (қадимда Н. қўлтиқ бўлган деб ҳам тах-мин қилинади, чун-ки денгиз фаунаси сақланган). Қирғоқлари пастте-кислик. Қўлнинг ғарбий қисмида Ометепе вулкани (1556 м) бор. Кема қатнайди, балиқ овланади.

**НИКАРАГУА** (Nicaragua), Никарагуа Республикаси (Republika de Nicaragua) — Марказий Америкадаги давлат. Майд. 129,494 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 5 млн. киши (2002). Пойтахти — Манагуа ш. Маъмурий жиҳатдан 15 департамент (departamento) ва 2 мухтор регионга бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — республика. Амалдаги конституцияси 1987 й. 9 янв. да қабул қилинган, унга 1995 ва 2000 й.ларда ту-затишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2002 й.дан Энрике Болань-ос Гейер). У тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади, кетма-кет иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокими-ятни Миллий ассамблея (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент амалга оширади.

Табиати. Кариб денгизи қирғоғидаги энсиз (130 км гача) аллювиал пастте-кислик Москито соҳили деб аталади. Мамлакат шим. ва марказидаги ясси тоғликни дарёлар кесиб ўтади (Кордильера-Исабе-

ля тогининг энг баланд чўққиси 2438 м). Ғарби ва жан.да тек-тоник ботик, вулканилар, қўллар бор. Йирик қўллари — Никарагуа ва Манагуа. Зилзила бўлиб туради. Олтин, кумуш, никель, симоб, мис, кўрғошин-рух, кумир, нефть конлари бор. Иклими тропик, пассатли, доимий нам. Ойлик ўртача температура 25—28°, тоғларда 16—18°, йиллик ёғин 2000—4000 мм дан 6500 мм гача. Дарёлари шар-шарали, серсув, энг катта дарёси — Рио-Гранде. Мамлакат ҳудудининг 50% дан кўпроғи ўрмон, ички худудларида саванна кўп. Н.да бугу, маймун, тапир, пекар, чумолихўр, шунингдек, жуда кўп кемирувчилар, қуршапалаклар, қушлар, судралувчилар учрайди. Воль-кан-Масая, Саслая миллий боғлари бор.

Аҳолисининг 87,7% га яқини никарагуанлар. Колган қисми самбо, мулатлар, тоғли жойларда москито (индейс) лар. Испан-индейс метислари латино деб аталади. Расмий тили — испан тили. Кўпчилик аҳоли католик, бир қисми протестант. Шаҳар аҳолиси 61%. Йирик шаҳарлари: Манагуа, Леон, Матагаль-па, Гранда.

Тарихи. Қадимда Н. худудида чибча, ацтек, толтек каби индейс қабилалари яшаган. Мамлакат қабилалардан бирининг бошлиғи Никарао номи б-н аталган. Н.га 1502 й. 16 сент.да европаликлардан биринчи бўлиб Х. Колумб борган. 1524 й.да испанлар уни мустамлака қилиб олдилар. 1573 й.да Гватемала генерал-капитанлиги таркибига ки-ритилди. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қириб ташланди, бир қисми кул қилинди. Испан конкистадорлари ва уларнинг авлодлари — креоллар мамлакат ерларининг кўп қисмини эгалладилар. Плантацияларда ишлатиш учун Африкадан кул негрлар келтирилди. 19-а. охирига келиб, Н.да Либерал ва Консерватив партиялар пайдо бўдди. 1821 й. 15 сент.да Н. мустақилликка эришди. 1824 й. қуддорлик бекор қилинди. Н. 1822 й. Мексика империяси, 1823—38 й.ларда Марказий Америка қўшма провинцияла-

ри таркибида бўлди. 1855 й. Н.ни АҚШ қўшинлари босиб олди. 1856 й. америкалик У. Уокер ўзини Н. президенти деб эълон қилди, аммо Гватемала, Сальвадор ва Гонду-раснинг бирлашган қўшинлари Уокерни Н.дан хайдаб юборди. Бу курашда фаол катнашган Т. Мартинес 1857—67 й.лар Н. президенти бўлди. Шундан кейин ҳокимият гоҳ консерваторлар, гоҳ либераллар қўлига ўтди. Х.С. Селая бошлиқ либералларнинг миллий сиёсатини ёқтирмаган АҚШ қўшинлари 1911 й. интервенция уюштириб, Н. ҳукуматини ағдариб ташлади ва мамлакатни оккупация қилиб олди (1912—33). 1927 й. А. С. Сандино бошчилигида миллий озодлик кураши кучайиб, ватанпарварлар ғалабаси б-н тугади. Аммо миллий гвардия қўмондони А. Сомоса хиёнат йўлига кириб, А. Сандино жонига қасд қилди ва 1936 й.да давлат тўнтариши уюштирди. Мамлакатда Сомоса хона-донининг ҳарбийсиёсий истибдоди ҳукмрон бўлиб олди. 60-й.лар бошида мамлакатда кенг халқ ҳаракати бошланди. 1961 й. Сандиночилар миллий озодлик fronti тузилди, у Сомоса режимини ағдариш учун курашда етакчи сиёсий ва ҳарбий кучга айланди. 1974 й. тузилган Озодлик демократик иттифоқи мамлакатнинг етакчи муҳолифат партияларини бирлаштирди, 1978 й. Кенг муҳолифат fronti тузилди. Сомоса диктатураси бутунлай яқкаланиб қолди. Ўша йил авг.да бутун мамлакатда халқ кўзғолони бошланди ва 1979 й. 19 июлда халқ инқилоби ғалаба қозонди, А. Сомоса диктатураси ағдариб ташланди. Бутун ҳокимият Миллий тикланиш ҳукумати қўлига ўтди. 1984 й. 4 нояб. да эркин ялпи сайлов ўтказилди. Сандиночилар миллий озодлик фронтининг номзоди Д. Ортега президент этиб сайланди. 2001 й. 4 нояб.даги сайловда ғалаба қозонган президент Э.Б. Гейер Либерал конституциячилар партиясининг раҳбаридир. Н. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрам — 15 сент. — Мустақиллик куни (1821).

Сиёсий партиялари, касаба уюшма-

лари. Н. социалистик партияси, 1939 й. асос солинган, 1944 й. 3 июлда ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган; Муста -қил либерал партия, 1944 й. ташкил этилган; Н. социал христиан партияси, 1957 й. тузилган; Сандиночилар миллий озодлик fronti партияси, 1961 й. ташкил этилган; Либерал конституциячилар партияси, 1967 й. тузилган; Миллий бирлик мустақил либерал партияси, 1988 й. тузилган; Н. консерватив партияси, 1922 й. Консерватив демократик партия б-н Социал-консерватив партиянинг қўшилиши натижасида ву-жудга келган; Сандиночилар янгиланиш ҳаракати, 1995 й. майда тузилган. Н.да 5 та касаба уюшмаси бор, уларнинг йириклари: Меҳнаткашлар миллий fronti, 1979 й.да асос солинган; Қ.х. меҳнаткашлари уюшмаси, 1979 й.да тузилган; Н. меҳнаткашлари касаба уюшма маркази, 1962 й. ташкил этилган.

Хўжалиги. Н. — аграр мамлакат, саноати суст ривожланган. Мамлакатда қимматбаҳо қизил дарахт, кедр, кебрачо, каучукли дарахтлар кўп. Фойдали қазилмаларни қавлаб олиш яхши йўлга қўйилмаган. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши — 30,8%, саноатнинг улуши — 17,5%.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади, унда пахта, кофе, шакарқамиш етиштирилади. Шоли, кунжут, ловия, маккажўхори, банан, тамаки, какао ҳам экилади. Яйлов чорвачилигида қорамол, чўчка бокилади. Иқтисодий фаол аҳолининг 47% қ.х.да банд. Соҳил аҳолиси балиқ ва денгиз жониворларини овлаш б-н шуғулланади.

Саноати. Олтин, қумуш, мис, кўрғошин-рух рудалари, нефть қазиб олинади. Озиқ-овқат ва енгил (асосан, тўқимачилик ва пойабзал) саноат — қайта ишлаш саноатининг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Қушхоналар, қанд-шакар, пахта тозалаш корхоналари, кўнчилик з-длари, металлсозлик, кимё, фармацевтика, цемент, қоғоз, ёғочсозлик тармоқларининг майда корхоналари бор. Манагуа яқинида нефть маҳсулотлари



3-ди қурилган. Йилига ўртача 1,07 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат мар-қазлари — Манагуа, Леон, Масая. Т.й. узунлиги — 403 км, автомобиль йўллари — 14,4 минг км. Денгиз портлари — Коринто, Блуфилдс, Сан-Хуан-дель-Сур. Н. четга пахта толаси, чигит, кофе, гўшт, қанд-шакар, ёғоч, минерал хом ашё чиқаради. Четдан машина ва асбоб-ускуна, тайёр буюмлар, хом ашё ва б.ни сотиб олади. Сав-до-сотикдаги асосий ҳамкорлари: АҚШ, Марказий Америка мамлакатлари, Германия, Япония, Канада, Испания, Мексика, Италия. Пул бирлиги — олтин кордоба (оро).

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Давлатга қарашли тиббий муассасалар б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам мавжуд. Врачлар Леондаги Н. Миллий мухтор ун-тининг тиббиёт ф-тида ва Манагуадаги тиббиёт коллежида тайёрланади. Н. маорифи А. Сомоса ҳукмронлиги даврида инкироз ҳолатида эди. 1978—79 й.ларда мамлакат аҳолисининг 70%, қишлоқ аҳолисининг 90% саводсиз бўлган. 1979 й.дан ялпи мажбурий умумий бошланғич таълим жорий этила бошлади. Ўрта таълим [ўрта мактабда 5 (3+2) ёки 6 (3+3) йиллик] бепул бўлди. Олий ўқув юрглари: Леондаги Н. Миллий мухтор ун-ти (1812 й.да асос солинган), Манагуадаги Марказий Америка ун-тининг Н. бўлими (1961), Манагуадаги ун-т (1976). Илмий муасса-салари: Н. тиллар академияси (1928), Геогр. ва тарих академияси (1934), Миллий фалсафа академияси (1964), Геол. маҳкамаси, Қ.х. ин-ти (хаммаси Манагуада). Манагуада Марказий ку-тубхона, Леонда ун-т марказий кутубхонаси ва Муниципал кутубхона, Манагуада Марказий музей (1896), Масая ш.да «Тендери» музейи ва б. бор.

Матбуоти, радиоэшитгириши ва теле-кўрсатуви. Йирик газ. ва жур.лари: «Баррикада» (қундалик газ., 1979 й.дан), «Бригадиста» (ойига 2 марта чиқадиган газ., 1981 й.дан), «Гасета» (қундалик

расмий газ., 1912 й.дан), «Нуэво диарио» («Янги газета», қундалик газ., 1980 й.дан), «Пренса» («Матбуот», қундалик газ., 1926 й.дан), «Сентроамерикано» («Марказий америкалик», қундалик кечки газ., 1917 й.дан), «Подер сандиниста» («Сандиночилар ҳокимияти», ҳафталик жур., 1980 й.дан) ва б. Ахенсиа Никарагуэнсе де Но-тисиас — АНН ҳукумат ахборот агент-лиги 1979 й. тузилган. «Телкор» давлат алоқа корпорацияси, Н. радиоси ҳукумат радио ст-яси (1979) ва Миллий телевидение тизими (1979) мавжуд.

Адабиёти испанлар Марказий Америкага келгандан кейин 16-а. 2-ярмидан испан тилида вужудга келиб, ривожлана бошлади. Фернандес де Овье-до-и-Вальдеснинг «Никарагуа тарихи» (16-а. охири)ни биринчи адабий ёдгорлик деб ҳисоблайдилар. 18-а. охирларида М. Ларрайнага ва Р.Ф. Осехо илмий-оммабоп асарлар ва сиёсий макрлалар б-н майдонга чикди. Испаниянинг Америкадаги мустамлакалари мустақиллиги учун уруш (1810—26) мамлакатда адабиётни ривожлантиришга туртки бўлди. Шу уруш қатнашчиси Ф. Кинь-онес Сунсиннинг кўшиқлар ва ҳажвиялардан иборат «Шеърлар» тўплами ада-биётда романтизмга асос бўлди. 19-а. охи-ригача давом этган мазкур оқим А. Арагон, Л. А. Вилья, К. Диас каби адибларни вояга етказди. 19-а. охири прозасида кос-гумбризм қарор тодди. Бу оқим Испания ва Лотин Америкаси мамлакатлари адабиёти ва тасвирий санъатида халқ турмушини реал акс этиришга интилиш тамойилини ифодалар эди (Г. Гусман романлари, Х. Д. Гамес, А. Ф. Бала-ньос очерклари). Р. Дарио поэзияда модернизмга асос солди. Шоирнинг «Ло-жувард», «Ҳаёт ва умид кўшиқлари» ва б. тўпламларига киритилган асарлари ватанпарварлик туйғуларини куйлайди. 20-а. бошларида С. Аргуэльо, Х. Олива-рес, Х. Сальгадо, С. Сакас, С. де ла Сельва шеърлари, Э. Роблето романлари шуҳрат қозонди. 30-й.лардан кейин кўпгина шоир ва ёзувчилар таъқ-ибга

учради. Сомоса режими ағдарил-гач, адабиёт гуркираб ривожланди. Ж. Белли, Э. Ильескас, К. Перес Алонсо, Э. Гутьеррес, Фанор Тельес, Х. Валье-Кастильо каби шоирлар озодликни мадх этувчи шеърлар яратишди. Адиблардан Л.А. Кабралес, Б.Моралес, С. Рамирес асарлари шухрат қозонди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Н.даги қад. индейс маданияти Мексика, Колумбия, Панама маданиятлари таъсирида бўлган. Қоялардаги тасвирлар, бўртма тош устунлар, тош ҳайкал ва ҳайкалчалар, сопол гулдон ва б. сақланиб қолган. Мустамлака даврида бир қаватли, қалин деворли уйлар (ҳовлиси б-н), тўғри, тор кўчалар ва майдонлардан иборат шаҳарлар барпо этилган. 17—19-а.ларда қурилган черковларда барокко (Леондаги собор, 1747—1825), сўнг классицизм (Гранададаги Сан-Франциско черкови, 1862) услу-бига хос нақшлар б-н безатилган. 20-а.да Манагуа ш.да замонавий меъморлик услубида қурилган иморатлар пайдо бўлди (меъмор П. Дамбах ва б.). Кейинги асрларда тасвирий санъат равнақ топди. Замонавий усталардан расом А. Алонсо Рочи, ўймакор Х. Амадор Лира, гравюрачи С. \_л^:\_2\_ Бараоналар машхур.

Халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, каштачилик каби турлари оммалашган. Манагуа ш.да нафис санъат мактаби мавжуд.

**НИКАРАГУАНЛАР** - халқ, Никарагуанинг асосий аҳолиси (3,5 млн. киши). Умумий сони 3,6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, метислар ва креоллар. Испан тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар, бир қисми — протестантлар.

**НИКЕЛИН**, қизил никель колчедан и — арсенидлар синфига ман-суб минерал. Кимёвий таркиби NiAs. Аралашма сифатида Co, Fe, Sb, S ва б. бўлади. Гексагонал сингонияли кри-сталлари кам учрайди, кўпинча дона-дор яхлит ёки таёқчасимон

массалар ҳосил қилади. Ранги оч қизил, метал-лсимон ялтироқ. Қаттиқлиги минера-логик шкала бўйича 5,5—6,0. Зичлиги 7600—7800 кг/м<sup>3</sup>. Электр токини яхши ўтказади. Н. магматик ва гидротермал мис-никель-кумуш ва уран-висмутли рудаларда учрайди. Ер юзасидаги қатлам шароитларида осонгина иккиламчи минерал аннабергитга айланади. Германия, РФ, АҚШ, Канада ва б. мамлакатларда учрайди. Каттароқуюмлари тўпланган жойда никель олиш учун муҳим руда ҳисобланади.

**НИКЕЛЛАШ** — металл буюмлар сир-тига никель қоплаш. Одатда, никель 1—2 мкм дан 40—50 мкм гача қалинликда қопланади. Электролит, кимёвий ва контакт усуллари бор. Энг кўп тарқалгани электролит усули (қ. Гальванотехника). Бунда учта асосий компо-нентдан иборат электролитлар: буюм сиртида электр-сизланувчи ионлар ман-баи ҳосил қилиш учун сульфат кисло-тали никель (70—280 г/л); катод қатла-мида кислота қатламини ростилаш учун борат кислота (30 г/л); анодларнинг нормал эришини осонлаштирувчи ош тузи (5—15 г/л) дан фойдаланилади. Кимёвий усулда натрий гипофосфатдан фойдаланилади. Электролит усулида Н. кийин бўлган сиртлар шу усулда никелланади. Контакт усулида 40 г/л борат кислота қўшилган никель хлориддан фойдаланилади. Вақт ўтиши б-н никелланган буюмлар сирти хира-лашиб қрлади. Шунинг учун, кўпинча, никель қатлами устига хром қатлами ҳам қопланади (қ. Хромлаш). Н.дан тиббиёт асбоблари, автомобиль, велосипед ва б. машина қисмларини безаш ёки корро-зиядан сақлашда фойдаланилади.

**НИКЕЛЛИ ҚОТИШМАЛАР** - асосини никель ташкил қиладиган қотишмалар. Н. қ. босим остида яхши ишланади ва станокларда осон кесилади. 19-а. охи-ридан бошлаб пластиклиги, электр ўтказувчанлиги юқори бўлган мис-никель қотишмалари кенг ишлатила

бошлади. Магнит жиҳатдан юмшоқ материалларга тегишли Ni (40—85%) нинг темир б-н ферромагнит қотишмалари техникада катта роль ўйнайди. Техник никель, кремнийли никель, хромель, алломель, нихром, пермаллой каби Н.к. кўп ишлатилади.

Техник никель — суюлтирилган тоза никелга оз миқдорда магний, марганец ва кремний қўшилиб, аралашмалардан тозалаб олинади. Коррозиябардош, атмосфера таъсирига тур-ғун қотишма. У кимё ва озик-овқат саноатида, электро-техникада, аниқ механика асбоблари яшашда ишлатилади. Кремнийли никель — техник тоза никелдан марганец, мис, олтин-гугурт, углерод ва фосфор аралашмаларини яхшилаб тозалаб олинади. У ра-диолампарлар, электр-вакуум асбоблари яшашда қўлланилади. Хромель — никелнинг асосан хром б-н қотишмаси ва алломель — никелнинг асосан алюминий б-н қотишмаси; термоэлектр юритувчи кучи юкори. Шунинг учун улардан 1000° гача т-рани ўлчай-диган термомпарлар ясалди. Пермаллой — никелнинг асосан темир б-н қотишмаси; магнит ўтказувчанлиги юкори, кучсиз майдонларда ҳам осон магнитланиш ва магнитсизланиш хос-сасига эга материал; у электротехника аппаратларининг қисмларини яшашда ишлатилади. Механик хоссаларининг яхшилиги, кимёвий таркибига қараб физик-кимёвий хоссаларининг турлича бўлиши туфайли Н.к. техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

**НИКЕЛЬ** (нем. Nickel, лот. Niccolum), Ni — Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 28, ат.м. 58,69. Табиий Н. 5 та барқарор изотоп  $^{58}\text{Ni}$  (67,88%),  $^{60}\text{Ni}$  (26,23%),  $^{61}\text{Ni}$  (1,19%),  $^{62}\text{Ni}$  (3,66%) ва  $\text{MNi}$  (1,04%) аралашмасидан иборат. Энг узок мавжуд бўлувчи сунъий радио-актив изотопи —  $^{59}\text{Ni}$  ( $T_{1/2} = 105$  йил). Н.ни дастлаб 1751 й.да швед кимёгари А. Кронстедт кашф қилган ва ном қўйган.

«Н.» номи купферникель ми-нерали — Kupfernickel ( $\text{NiAs}$ ) номидан олинган (нем. Kupfer — мис. Nickel — жин). Бу минерал кўриниши б-н мис рудаларига ўхшаб кончиларни кўп чалгитгани учун шундай ном олган. Не-мис кимёгари И. Рихтер 1804 й. анча тоза Н. олишга муваффақ бўлган.

19-а.нинг 80-й.ларига қадар Н.дан фақат заргарликда ва танга пуллар тайёрлашда фойдаланилган. Янги Каледонияда ва Канадада Н. рудаларига бой конлар очилиб, пўлатга Н. кўшиганида пўлатнинг хоссалари яхшиланиши аниқланганидан кейин Н. ишлаб чиқариш саноати кенг ривож топди. Масса жиҳатидан Ер пўстининг 8103%ини ташкил қилади. Н. табиатда пентлан-дит ( $\text{Fe, Ni}$ ) $_9\text{S}_8$ , миллерит  $\text{NiS}$ , никелин  $\text{NiAs}$ , хлоантин  $\text{NiAs}_2$ , геродорфит  $\text{NiAsS}$ , ульманит  $\text{NiAsSb}$  номи минераллар ҳолида ва б. металларнинг сульфидларига аралашган ҳолда учрайди. Н.нинг 50 дан ор-тиқ минерали маълум. Н. ишлаб чиқаришда, асосан, унинг сульфидли ми-нераллари, сульфидли мис-никель ру-далари, гарниерит минерали (магний ва Н.нинг ўзгарувчан таркибли силикатлари) ҳамда магнитли колчедан катта аҳамиятга эга.

Н.— кумуш каби оқ, яхши ясиланувчан ялтироқ металл. Бирикмалардан ажратиб олинган кукун ҳолидаги Н.нинг туси қорамтир. Н.нинг 2 та модификацияси маълум: гексагонал пан-жарали ҳолда кристалланидиган а-Н. ва куб панжарали р-Н. а-Н. 250—300° да р-Н. га айланади. Н. 0°дан 1200° га қадар, асосан, р-Н. шаклида бўлади. Н.нинг сунокланиш т-раси 1455°, қайнаш т-раси 2900°, зичлиги 8,9 г/см<sup>3</sup>. Н. худди темир ва кобальт сингари ферромагнит моддалар жумласига қиради. Н. кимёвий хоссалари жиҳатдан темир ва кобальтга, мис ҳамда асл металларга ўхшайди. Валентлиги 2 ва 3 Н.нинг жуда кўп комплекс бирикмалари маълум.

Саноатда бошқа металлар б-н қотишмалар ҳолида ишлатилади. Мис, темир, хром ва б. элементларнинг никелли

қотишмалари коррозияга чидамли юқори механик, магнит, электр хоссаларга эга. Шунинг учун Н. қотишмалари атом реакторлари қуришда ишлатилади. Н.нинг талайгина миққори ишқорли аккумуляторлар, коррозияга чидамли қопламалар, қувурлар учун кетади. Кимё саноатида кимёвий қурилмалар ва катализаторлар тайёрлашда ишлатилади.

Н. организм учун зарур микро-элементлардан ҳисобланади. Ўсимлик таркибида  $5,010 \gg 5\%$ , қуруқликдаги хайвонлар орға-низида  $1,0-10 \gg 6\%$ , денгиз хайвонлари организмда  $1,6104\%$  Н. бўлади. Н. аргиназа ферментини фаоллаштиради ва оксидланиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Никель бирикмалари. Никель галогенлар б-н бириқиб, асосан, дигалогенидлар ҳосил қилади.

Никель дифторид,  $NiF_2$  — яшил-сарғиш тетрагонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси  $1452^\circ$ , зичлиги  $4,72 \text{ г/см}^3$ . Сувда оз эрийди.  $NiO$ ,  $NiCl_2$  ёки никелнинг бошқа би-риқмаларига фтор таъсир эттириб олинади. Кимёвий реакцияларда катализатор, ток манбаларида катод, лазер ма-териалларнинг компоненти сифатида қўлланади.

Никель трифторид,  $NiF_3$  —  $KHF_2$  эритмасини электролиз қилишда пушти рангли қолдиқ кўринишида ҳосил бўлади. Қучли оксидловчи, сувда парчаланиб, ундан кислород ажратиб чиқаради.

Никель дихлорид  $NiCl_2$  — яшил рангли тригонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси  $1009^\circ$ , зичлиги  $3,54 \text{ г/см}^3$ . Сувда яхши эрийди. Никеллашда, никель қуқуни олишда, катализатор сифатида, шунингдек, термосезгир бўёқлар тайёрлашда ишлатилади.

Никель дибромид,  $NiBr_2$  — сарғиш-жигарранг тригонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси  $963^\circ$ , зичлиги  $5,45 \text{ г/см}^3$ ; гигроскопик, сувда, спиртда яхши эрийди. Сувли эрит-маларидан яшил рангли гексагидрат  $NiBr_2 \cdot 6H_2O$  ҳолида ажралиб чиқади.

Никель дийодит,  $NiI_2$  — пўлат каби

қуланг ёки қора рангли, тригонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси  $797^\circ$ , зичлиги  $5,83 \text{ г/см}^3$ , гигроскопик, сувда, спиртда яхши эрийди. Гексагидрат  $NiI_2 \cdot 6H_2O$  кўк-яшил рангли кристалл модда. Никель бромид ва никель дийодит катализаторлар ва тер-мосезгир бўёқлар олишда қўлланади.

Никель оксидларидан никель моно-оксид,  $NiO$  тўғрисидагина ишончли маълумотлар бор. Олиниш усули ва ҳолатига қараб  $NiO$  оч-яшилдан тўқ яшил ранггача ўзгаради. а- ва Р-шакллари мавжуд. Қучсиз асос хоссага эга, сувда эрмайди. 2 валентли никель тузларини  $1000-1100^\circ$  да қиздириш ёки никелни кислородли муҳитда ёки ҳавода қиздириш йўли б-н олинади.

Никель карбонат,  $NiCO_3$  — яшил (зичлиги  $4,39 \text{ г/см}^3$ ) ёки сариқ (зичлиги  $4,6 \text{ г/см}^3$ ) рангли кристаллар.  $300^\circ$ дан юқорида парчланади. Керамика ва шиша и.ч.да пигмент сифатида қўлланади.

Никель н и трат,  $Ni(NO_3)_2$  — куб сингонияли яшил кристаллар. Қиздирилганда аввал  $200-250^\circ$  да  $Ni(NO_2)_2$  гача, сўнгра  $300-350^\circ$  да  $NiO$  гача парчаланеди. Никелли катализаторлар олишда, металлларни никеллашда, рангли керамика и.ч.да ишлатилади.

Никель сульфат,  $NiSO_4$  — ромб панжарали оч сариқ рангли кристалл модда. Зичлиги  $3,65 \text{ г/см}^3$ , сувда яхши эрийди. Ҳаводан нам ютиб аста-секин яшил тусга қиради. Сувдаги эритмаларидан ромб панжарали зумрад тусли гўзал кристалл туз — Н. купороси  $NiSO_4 \cdot 7H_2O$  ҳолида ажралиб чиқади. Тоза никель олишда, гальвано-техникада, металлларни никеллашда ишлатилади.

Н. олтингургурт б-н  $NiS$ ,  $NiS_2$ ,  $Ni_2S_2$ ,  $Ni_3S_4$ ,  $Ni_6S_5$ ,  $Ni_7S_6$  каби сульфидлар ҳосил қилади. Н.-сульфидлари табиатда миллерит у —  $NiS$ . хизлевудит  $Ni_3S_2$ , годлевскит  $Ni_7S_6$ , полидимит  $Ni_3S_4$ , во-эсит  $NiS_2$ , пентландит  $Ni_5 \cdot xFe_4 + vS_8$  ( $0 < x < 0,5$ ) кўринишида учрайди. Пентландит, миллеритли рудалар никель и.ч.да хом ашё,  $NiS$ ,  $Ni_3S_2$  — гидроге-

низация ва дегидрогенизация катали-заторлари, NiS<sub>2</sub> — органик синтезда катализатор сифатида қўлланади. Н. углерод (II)-оксид CO<sub>2</sub> б-н учувчан суюқ бирикма — никель тетракарбо-нил Ni(CO)<sub>4</sub> ҳосил қилади. Бу модда қиздирилганда Н. ажралиб чиқаради. Н. рудаларидан Н. ажратиби олиш усулларидан бири ана шу модданинг ҳосил бўлишига асосланган.

Ад.: Перельман Ф.М., Зворыкин А.Я., Кобальт ва никель, М., 1975; Худяков И.Ф., Тихонов А.И., Деев В. И., Металлургия меди, никеля и кобальта, т.2, 2 изд., М, 1977.

Темиржон Отақўзиев.

**НИКЕЛЬ РУДАЛАРИ** - таркибидаги никелни саноат миқёсида ажратиби олиш иқтисодий фойдали бўлган та-биий минерал ҳосилалар. Н.р.нинг сульфидли-мис ва силикатли турлари бўлади. Ҳоз. таркибида никель бўлган 100 дан ортиқ минерал маълум. Сульфидли-мис Н.р.га, асосан, пирротин, пентландит, халькопирит ва магнетит, иккинчи даражали ва камёбларига пирит, хромит, кубанит, миллерит, полидимит, платиноид минераллар ва б. киради. Бу руда конларининг аксари қисми токембрий кристалли қалқонлар ва қад. платформаларга мансуб магматик ҳосилаларга тегишли. Яхлит ва хол-хол рудалар қатлам ва то-мирсимон тана, линза ва томир кўринишида жойлашган. Қалинлиги 50 м гача, баъзан 300 м гача. Сульфидли рудаларда никелнинг миқдори 0,3 дан 4% гача бўлади. Рудадан никель ва мисдан ташқари бир қанча бошқа элементлар ҳам ажратиби олинади. Конлари РФ (Норильск, Печенга), Канада, Австралия ва Жан. Африкада бор. Силикатли Н.р. ультрабазитлар нураш пўстининг бўш гилсимон ҳосилаларидан иборат. Уларда Ni 4% гача ва ундан юқори бўлади. Асосий минераллари: гарниерит, нон-тронит, непуит, ревдинскит, керолит, серпентин, гидрогетит, гётит, асболан, гидрохлорит. Силикатли рудалар орасида темирли, магнезияли, кремнийли, гил-тупрокли турлари мавжуд.

Конлари Греция, Туркия, РФ (Норильск ва Тувада), Украина ва б. жойларда бор. Ўзбекистонда Тошқазиган (Қулжуктов) ко-нида мавжуд.

**НИКЕЯ ИМПЕРИЯСИ** - Константинополь салибчилар томонидан босиб олинган, Кичик Осиёда вужудга келган давлат. Византия империясидан 1204 й. охири — 1205 й. бошларида ажралиб чиққан учта грек марказларидан бири (Н.и). Эпир подшолиги ва Трапезунд империяси). Пойтахти — Никея (ҳоз. Изник). 1261 й. Н.и. императори Константинопольни эгаллаб пойтахтини шу ерга кўчирган. Натижада Византия империяси қайта тикланган.

**НИКИТИН** Афанасий (? - 1472) - рус сайёҳи, тверлик савдогар. 1466 й. Тверь ш.дан чиқиб жан.га кетаётган карвонлар б-н бирга Волга дарёси ва Каспий денгизи орқали Дарбандга, Шемаха хонлиги орқали Бокуга етиб келган. Сунгра Эрон орқали юриб 1469 й. Хўрмуз ш.га, ундан Арабистон денгизини сузиб утиб Ҳиндистонга етиб борган ва ўша ерда қарийб 3 йил яшаган. Ватанига қайтишда Африка соҳилида (Сомали), Арабистон я.о.да (Маскат) бўлган. Сўнгра яна Эрон шаҳарлари орқали юриб Трабзон ш.га етиб боради. Қора денгизни сузиб ўтиб, 1472 й. Кафа (Феодосия) ш.га, ундан Киевга етиб борган. Тверга қай-тишда ватанига етмасдан ўша йили кузда Смоленск ш. яқинида вафот этган. Саёҳат давомида Н. Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми, давлатни бошқариш, хўжалик ҳаёти, дини, халқининг урф-одати, қисман табиати ҳақида хил-ма-хил маълумотлар тўплади. Ҳиндистон ва Эронда барча кўрган-кузатганлари ҳақидаги хотираларини, шунингдек, Шри Ланка, Хитой ва б. мамлакатлар ҳақида бошқалардан эшитганларини «Уч денгиз оша» кундалик дафтарига ёзиб қолдирган. Ундаги аниқ фактик материаллар Ҳиндистоннинг ўша даврдаги ижтимоий ҳаёти ҳақида муҳим манбадир. Тверь ш.да 1955

й.да Н.га хайкал қўйилган.

Ад.: Виташевский М.Н., Странствия Афанасия Никитина, М., 1972.

**НИКОЛАЕВ** Александр Васильевич — к. Уста Мўмин.

**НИКОЛАЕВ** Александр Иванович (1922.22.11, Рязань вилояти — 1994.26.11 — Тошкент) — иммунолог олим, Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси (1979). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), тиббиёт фанлари д-ри (1962), проф. (1964). 2-жаҳон уруши катнашчиси, ТошТИни тугатгач (1949), шу ин-т биокимё кафедрасида катта лаборант (1949—50), Ҳарбий академиянинг махсус курси ўқувчиси (1950—52), ТошТИ, сўнгра фармацевтика ин-тида ўқитувчи (1952—58), Ўзбекистон онкология ва радиология и.т. институти директори ўринбосари (1958—68), ТошТИнинг илмий ишлар бўйича проректори (1968—75), 1975 й.дан Ўрта Осий (ҳоз. Тошкент) педиатрия тиббиёт ин-ти биокимё кафедраси мудири. Илмий ишлари умумий иммунология, аутоиммунопатология ва биокимё масалаларига оид.

Ас: Иммунные реакции при химиотерапии, Т., 1969; Методы определения аутоантител и их сравнительная оценка, Т., 1971 (ҳамкорликда); Экспериментальные и клинические аспекты аутоиммунопатологии, Т., 1974.

**НИКОЛАЕВ** — Украинадаги шақар, Николаев вилояти маркази (1937 й.дан). Қора денгизнинг Буг қўлтиқчаси чап соҳилида. Жан. Буг ва Ингул дарёларининг қўшилган жойида. Денгиз ва даре порти. Т.й. тугуни. Аэропорта бор. Аҳолией 508 минг киши (1997). Н. Украинанинг жан.даги муҳим саноат ва маданият марказларидан бири. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (хусу-сан, кemasозлик). Енгил, озик-овқат, қурилиш материаллари, мебель саноатлари ривожланган. Глинозём з-ди ишлаб турибди. 2 олий ўқув юрти, 3 театр, филармония,

телемарказ, ўлка-шунослик, бадий, кemasозлик ва флот музейлари мавжуд. Н. 1784 й.да истех-ком сифатида вужудга келган. Шақар 2-жаҳон уруши йилларида вайрон қилинган. 1946—50 й.ларда тўла тикланди. Н.да классицизм усулида қурилган денгизчилар гимназияси ва казармалар (18-а.), Никола черкови, Офи-церлар мажмуи, расадхона (19-а.) би-нолари сақланган.

**НИКОЛАЕВ ВИЛОЯТИ** - Украина таркибидаги вилоят. 1937 й. 22 сент.да ташкил этилган. Майд. 24,6 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1322,1 минг киши (1997). Асосан, украинлар. Шунингдек, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 19 туман, 6 шақар, 19 шақарча бор. Маркази — Николаев ш.

Рельефи текислик; шим.дан жан.га (Кора денгизга) пасая боради. Худудининг кўп қисми Кора денгиз бўйи паст-текислигига қиради. Фойдали қазилмалари: гранит, гнейс, охдктош, мергель, гил, каолин, шағал, кум, кўнғир кўмир. Иқлими мўътадил континентал. Июлнинг ўрғача т-раси 27°, янв.ники —4, —5°. Йиллик ёғин миқдори 300—350 мм, шим.да 450 мм. Вегетация даври 210 кун. Асосий дарёлари: Жан. Буг, Ингул, Ингулец. Тупроқлари шим.да оддий қоратупроқ, жан.да қоратупроқ ва тўқ каштан тупроқлар. Табиий дашт ўсимликлари фақат жарлар ён бағирларидагина сақланиб қолган. Вилоят худудининг 2% ўрмон. Тулки, бури, малла то-вушқон, олаҳуржун, юмронқозик, қушлардан бедана, қирғовул, ёввойи ўрдак ва ғозлар, балиқчи, дашт дала тўрғайлари бор. Денгиз ва дарёларда балиқ кўп.

Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, қисман кemasозлик. Дизель, гидроаппаратура, мураккаб энергетика асбоб усқуналари, металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. «Дормашина» (Николаев) з-ди скрепер, бульдозер, асфальт ётқизувчи машина ва йўл машиналари ишлаб чиқаради. Озик-

овқат саноати ривожланган. Енгил саноатнинг энг йирик корхоналари: трикотаж, парфюмерияшиша к-лари, тикувчилик фкалари, пойабзал ф-каси, уйозлик к-ти, девор блоклари, гишт, черепица, оҳак-тош 3-длари бор.

Қ.х. механизациялашган, кўп тармоқли. Ғалла, сабзавот-полиз, картошка, техника, ем-хашак экинлари экилади, токзорлар, боғ ва мевазорлар, яйлов ва пичанзорлар бор. Балиқчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланилади. Асалари-чилик ривожланган. Чорвачиликнинг етакчи тармоғи — гўшт-сут етиштириш. Қорамол, чўчка, қўй бокилади. Т.Й., автомобиль йўллари зич. Денгиз транс-порти муҳим аҳамиятга эга. Порти — Николаев. 5 олий ўқув юрти, 2 музей, 3 театр, кутубхоналар бор.

**НИКОЛАЙ I** (Николай Павлович Романов) (1796.25.6, Царское Село, хоз. Пушкин ш. — 1855.18.2, Петербург) — Россия императори (1825—55). Павел I нинг 3-ўғли. Декабристлар кўзғолонини бостирган (1825). Н. I даврида марказлашган давлат бюрократик аппарати кучайтирилган, 3-бўлим (инқилобий ҳаракатга қарши курашиш учун сиёсий полиция) барпо этилган; Россия империяси қонунлар мажмуаси тузилган, янги цензура уставлари жорий қилинган (1826, 1828). 1837 й. Россияда биринчи марта Царское Селода т.й. ҳаракати очилган. Н. I ички сиёсатининг асосий мақсади — самодержавие-крепостнойлик тузумининг мустаҳкамлигини сақлаш эди. 1830—31 й.лардаги Польша кўзғолони; 1848—49 й.лардаги Венгрия инқилобини қонга ботирган. Муқаддас иттифокнинг тамойилларига қайтиши Н. I ташки сиёсатининг муҳим томони бўлган. Н. I. даврида Россия Кавказ (1817—64), Россия—Эрон (1826—28), Россия—Туркия (1828-29), Қрим (1853-56) урушларини олиб борган. Хива хонлигини босиб олиш мақсадида Перовский экс-педициясини жўнатган.

**НИКОЛАЙ II** (Николай Александрович Романов) (1868.6. 5, Царское Село, хоз. Пушкин ш. — 1918. 17.6, Екатеринбург) — Россиянинг сўнгги императори (1894—1917), император Александр III нинг ката ўғли. Н. II даврида мамлакат саноат-иқтисодий жиҳатдан тез суръатларда ривожланган. Россия Япония б-н бўлган уруш (1904—05)да мағлубиятга учраган, бу эса Россияда 1905—07 й.лар инқилобига сабаб бўлган. Инқилоб даврида (1905 й. 17 окт.) Манifest қабул қилинган. Унга кўра, мамлакатда сиёсий партиялар тузилишига ва Давлат думаси таъсис этилишига руҳсат этилган; Столипин аграр ислохоти амалга оширила бошланган. 1907 й. Россия Антанта аъзоси бўлган ва унинг томонида туриб Биринчи жаҳон урушига катнашган. 1915 й. авгдан олий бош қўмон-дон. Туркистон ва Россиянинг бошқа минтақаларидан фронт ва фронт ортидаги мудофаа иншоотларини қуриш учун кишиларни сафарбар қилиш тўғрисидаги (1916 й. 25 июнь) фармони Туркистонда оммавий кўзғолонлар кўтарилишига олиб келган. 1917 й. фев. инқилоби жараёнида тахтдан воз кечган [2(25) март]. Оиласи б-н бирга Екатеринбургда Ленин кўрсатмаси б-н большевикларнинг Урал область Совети қарори асосида отиб ташланган.

**НИКОЛАЙ КУЗАЛИК** (Nicolaus Cusanus), ҳақиқий исми Николай Кребс (Krebs) (1401, Мозелдаги Куза деган жой — 1464.11.8, Тоди, Умбрия вилояти) — немис файласуфи, ило-ҳиётчи, олим, динийсиёсий арбоб. Рим папаси Пий II (1405—64)нинг яқин маслаҳатчиси, кардинал (1448). Неоплатонизм диалектикаси ва немис мистикаси (Экхарт) ғоясидан келиб чиқиб, мутлақ қарама-қаршилиқларнинг мослиги (чексиз «максимум» б-н чексиз «минимум»)нинг айнанлиги деган таълимотни ривожлантирган. Унингча, инсон билими «билмаслик билими» («илмий билмаслик») дир; у мутлақга жо бўлган ҳақиқатга чексиз яқинлашишдан иборат бўлиб, «тах-

минлар» («фаразлар») ёрдамида рўёбга чиқади. Мат. рисоалар муаллифи, Коперникнинг космология ҳақидаги таълимотига (Ер ҳам, бошқа самовий jismlar каби, Коинотнинг маркази бўла олмайди) ва тажрибага асосланган табиатшуносликка йўл очганлардан бири.

**НИКОЛЬ** (Nicolle) Шарль Жюль Анри (1866.21.9, Руан - 1936.28.2, Тунис) — француз микробиологи. Де Франс коллежи проф. (1932 й.дан). 1903 й.дан Тунидаги Пастер ин-ти д-ри. Илмий ишлари, асосан, инфекцияон касалликлар (тери ва висцераль лейшманиоз, токсоплазмоз, трахома, скарлатина, грипп, Ўрта денгиз иситмаси ва б.)нинг қўзғатувчиларини ўрганишга ҳамда махсус вакцина ва зардоблар тайёрлаш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Тошмали терлама (тиф)нинг қўзғатувчиси кийим бити эканлигини тажрибада исботлаб берган (1909). Нобель мукофоти лауреати (1928).

**НИКОМАРОВ** Наум Давидович (1904.6.1, Боку - 1974.27.11, Москва) — Ўзбекистон халқартисти (1950). Боку театр техникумини (1920), Москва марказий театр санъати техникумини (1924), Дикция ва декламация ин-тини (1925) тугатган. Турли йилларда Боку, Самара театрларида, 1946 й.дан Тошкент рус драма театрида ишлаган. Кутузов («Фельдмаршал Кутузов»), Сатин («Тубанликда»), Мистер Дулитл, Генри Хиггинс («Пигмалион»), Монтанелли («Сўна»), Уриэль Акоста («Уриэль Акоста»), Егор Буличёв («Егор Буличёв ва бошқалар»), Фамусов («Ақллилик балоси») каби роллари б-н танилди. Саҳнавий жозиба, жўшқинлик, ўткир ифодавий воситалар топа билиш унинг ижодига хосдир.

**НИКОПОЛЬ** (1782 й.гача Никитине се-лоси) — Украинанинг Днепрпетровск вилоятидаги шаҳар. Днепр дарёсига қурилган Каховка сув омбори соҳилида. Даре порти. Т.й. станцияси. Аҳолиси 161 минг киши (1990-й.лар

ўрталари). Марганец рудалари қазиб олиш маркази. Қора металлургия (Никополь жанубий қувур-металлургия, феррокртишмалари з-длари), машинасозлик (кран қурилиш ва б. заводлар), қурилиш матери-аллари и.ч., енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Н.да Днепрпетровск металлургия ин-тининг умумий техника ф-ти, ўрта махсус ўқув юртлари, ўлкашунослик музейи бор.

**НИКОПОЛЬ ЖАНГИ** - Болгариянинг Никополь ш. яқинидаги жанг (1396.25.9). Султан Боязид бошчилигидаги турк армияси (тахм. 200 минг аскар) б-н венгер қироли Сигизмунд қўмондонлигидаги салибчилар қўшини (тахм. 70 минг аскар; французлар, итальянлар, инглизлар, испанлар, чехлар ва б.) ўртасида бўлган. Салибчиларнинг мағлубияти б-н тугаган. Бу ғалаба натижасида Туркия Болкрн я.о.даги ҳукмронлик мавқеини мустаҳ.-камлаб олган.

**НИКОСИЯ**, Лefкосия — Кипр пойтахти. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Оролнинг деярли қоқ марказида, Месаория текислигида жойлашган. Иклими субтропик, ўрта денгиз иклими. Январнинг ўртача т-раси 10°, июлники 28°. Йилига ўртача 360 мм ёғин ёғади. Шаҳар ўрмонсиз дашт зонадаги яшил воҳа кўринишига эга. Аҳолиси 270,8 минг киши (1999, шаҳар атрофи б-н).

Шаҳарга тахм. мил. ав. 7-а.да асос солинган ва дастлаб Ледра, кейинроқ Левкотеон деб аталган. Мил. ав. 58 й.да шаҳарни римликлар босиб олган ва Рим империяси, кейинроқ Византия таркибига кирган. 1192—1489 й.ларда Кипр салбчилари қироллиги пойтахти. 1570 й.да Усмонли турклар тасарруфига ўтган. 1960 й.дан Кипр Республикаси пойтахти.

Н. — транспорт йўллари тугуни. Аэро-порти халқаро ахамиятга эга Тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат, қўн-поябзал, ёғочсозлик, металл-



созлик саноати корхоналари мавжуд. Хунармандчилик (кулолчилик) ривожланган. Туризм маркази. Археология музейи, Кипр тарихи ва маданияти музейи, Султон Маҳмуд Никосия шаҳри. Архиепископ саройи.

II турк кутубхонаси, картиналар галереяси, олий ўқув юрглари, театр бор. Қалъа девори б-н ўралган шаҳар марказида меъморий ёдгорликлардан Аё София готика собори (ҳоз. Салимия масжиди), черковлар, Умария масжиди, архиепископ саройи, Бедистон ёпиқ бозори ва б. сақланган. Венеция қалъасидан ташқарида кўплаб замонавий бинолар қурилган.

**НИКОТИН**, C<sub>10</sub>H<sub>14</sub>N<sub>2</sub> — алкалоид, ўзига хос хидли, мойсимон, учувчан, рангсиз суюқлик. Қайнаш т-раси 247°, ҳаво таъсирида қўнғир тусга киради. Сувда ва органик эритувчиларда яхши эрий-ди, кучли асос. Тамаки ва баъзи бошқа ўсимликлар таркибида бўлади. Илк бор Европага тамакини француз дипломан-ти Ж. Нико (шу сабабли ўсимлик *Nicotiana tabacum*, алкалоиди *nicotine* деб номланган) олиб келган (1560). Н. 1828 й.да ўсимликдан ажратиб олинган, 1904 й.да эса швейцариялик кимёгар А. Пикте синтез йўли б-н олган. Н. кучли заҳар, унинг бир неча томчиси (200 г тамакидаги 100—200 мг миқдори) кишини ўлдириши мумкин. Одам Н.дан заҳарланганда қўнгли айнийди, кўсади, ичи кетади, нерв системаси, нафас ва юрак фаолиятининг бузилиши каби салбий оқибатлар келиб чиқади. Н. сульфатнинг 40%ли сувдаги эритмаси ва тамакининг суфдаги экстракти қ.х.да инсектицид сифатида қўлланади. Саноатда Н.дан никотин кислота олинади.

**НИКОТИН КИСЛОТАСИ**, пиридин 3-карбон кислота — сувда оз эрийдиган рангсиз кристалл. В витамин гуруҳига мансуб, суюқланиш т-раси 236—237°. Организмда кенг тарқалган. Сут, балиқ, сабзавотлар-мевалар, ачитки, буғдой

кепаги, гўшт, айникса, жигар ва буйракда кўп. Н.к. амиди — никотинамид (қ. Витаминлар) коферментлар — никотинами-дадениндинуклеотид (НАД) ва никотинамид-адениндинуклеотид-фосфат (НАДФ) таркибига киради. Н.к.нинг организмдаги аҳамияти меъда-ичак йўллари эпидермаси ва эпителийсини ҳамда нерв системаси функциясини нормал ҳолатда тутиб туришдан иборат. Кишининг Н.к.га бўлган бир кеча-кундуздаги эҳтиёжи 20—30 мг. Н.к. етишмаси, пеллагра келиб чиқади. Н.к. пеллаградан ташқари, меъда-ичак касалликлари, атеросклероз ва б. касалликларни даволашда ҳам ишлатилади. Саноатда никотинни оксидлаб олинади.

**НИКОҲ** — икки жинс вакиллари-нинг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифок. Н. оғмининг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари б-н эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади. Ижтимоий муносабат сифатида Н. турли жамят ва тузумларда турлича кўринишда бўлган. Н.ни қайд қилиш тартиби, Н. ёшига қўйиладиган талаблар турли мамлакатларда бир-биридан фарқ қилади. Бир қатор мамлакатларда Н. фуқаровий-ҳуқуқий битим ҳисобланиб, уни расмийлаштириш тартиби оила қонунчилиги б-н эмас, фуқаро қонунчилиги б-н белгиланади. Францияда Н. ёши аёллар учун 15, эр-каklar учун 18, Италияда тегишлича 14 ва 16, ГФРда эса 16 ва 21, АҚШда (турли штатларида турлича) 14—18 ва 15—21 ёш қилиб белгиланган. Н.дан ўтишда бўлажак эрхотиннинг мол-мулки тўғрисидаги масала катта аҳами-ятга эга. Бунинг учун Н. шартномалари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланишича, Н. томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади. Н. масалалари ЎзРнинг Оила кодексиди (1998 қабул қилиниб, ўша йили 1 сент.дан амалга киритилган) ўз ифодасини

топган. Амалдаги оила қонунчилиги Н.нинг тузилиши тартибига, уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради. Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 13-моддасига биноан, Н. фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай Н.гина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Диний расм-русумларга биноан тузилган Н. юридик кучга эга эмас. Шунингдек, сохта Н., яъни эр-хотин ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини кўзламай тузган Н.и ҳам ҳақиқий эмас деб топилди. Н.ту-зишнинг ихтиёрийлиги ва Н. ёши Н.дан ўтишнинг асосий шартлари ҳисобланади. Н.тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Н. ёши Ўзбекистонда эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳланувчиларнинг илтимосига кўра, Н. давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар қоқими Н. ёшини кўпи б-н 1 йилга камайтириши мумкин. Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа Н.да турган шахслар ўртасида, наслнасаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, фарзандликка олувчилар б-н фарзандликка олинганлар ўртасида, лоақал биттасининг руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида Н. тузишга йўл қўйилмайди. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш шарт қилиб қўйилган. Унга кўра, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтадилар. Белгиланган шартларнинг бузилиши суд томонидан Н.ни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Н. эр-хотиндан бирининг ўлими ёки ўлган деб эълон қилиниши оқибатида тугатилади. Эр-хотин ҳаётлигида Н. ни-коҳдан ажралиш йўли б-н бекор қилиниши мумкин.

**НИКОҲ ТҶЙИ** — келин ва куёвнинг никоҳини жамоатчиликка маълум қилиш тантанаси. Бу маросим даврлар ўтиши б-н қисман ўзгариб борган ва ҳар бир этник гуруҳда ўзига хос хусусиятлари б-н ўзаро фарқ қилган. Ўзбек халқининг қад. Н.т. тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик, унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), фотиҳа тўйи, тўй юбориш, қиз оши (қизлар мажлиси), никоҳ ўқитиш, келин тушди, келин салом, чарлар, куда қақирек каби маросимлар ва улар б-н боғлиқ урф-одатлар. Уларнинг аксари-яғни ҳозиргача сақланиб, амал қилиниб келинади. Н.т. куни ёки бир кун олдин қиз томонга тўйнинг оши-ни пишириб ёки хомлигича юборилади. Қиз хонадонига жамоага ош тортилади. Баъзан куёвникида ҳам ош берилади. Тўй куни ёки бир кун олдин қизнинг отасиникида никоҳ маросими ўтказилади. Куёв яқин жўраси, тоғаси б-н бўлажак келин хонадонига борган. Имом куёвга эр-хотинлик бурчи ва ҳуқуқларини тushунтиргач, қизнинг янғаси орқали руҳсатини олиб кейин «Хутбаи никоҳ» (никоҳ ҳақидаги дуо) ўқиган. Қад. ўзбекчилик удумига кўра, никоҳ тўйи тантаналари куёвникида ўтказилади. Тўй оқшоми куёв жўралари б-н, қарнай-сурнай, чилдирма-ю ноғоралар садолари остида шўх ўйин-кулги ва завкли қийқириқлар б-н келинникига келади. Улар чимилдик тор-тилган хонада, ноз-неъматлар тўла дас-турхон атрофида сийланадилар. Суяқ овқат, ош ейилиб бўлингач, куёв жўраларидан бири келин томондан куёв сарпосини «сотиб олади». Куёвни қибла тарафга қаратиб унга қизнинг онаси тайёрлаган чопон, салла кийгизилади. Куёв жўралар муборакбод этгач, сурнай хониши остида куёвни қизнинг онаси, хола-аммалари б-н кўришгани олиб келишади. Она ва бувининг оқфо-тиҳаси, эзгу дуоларини олиб куёв ўз жўралари б-н уйига қайтади. Келинга оқ либосини кийдириб, отаси, буvasи ва тоға, амаки каби яқин қариндошлар б-н хайрлашгани олиб чиқади. Келин янгалари, дугона-

лари даврасида отасининг олдига келиб таъзим ила берган нону тузига розилик сўрайди. Отаси қизининг пешонасидан ўпиб, елкасидан кучиб розилигини билдиради, бахт тилайди. Қиз онаси олдига бориб «она-жон, берган оқ сутингизга раҳмат» деб бағрига сингиб рози-розилик сўрайди. Келин машинага чиқмасидан аввал ота унга оқ фотиҳа беради, бахт тилайди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси дуога қўл очиб унга жўр бўладилар. Энг қадим одатимизга мувофиқ келин куёвнинг уйига қадар ёр-ёр б-н кузатиб кўйилади. Бу одаглар ҳар вилоятда, қишлоқларда ўзига хос тарзда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида

Н.т.ларида миллийликни сақлаган ҳолда даб-дабазликка берилмай, исрофгарчиликсиз, ихчам ўтказишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

**НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ**, ажралиш — эр-хотиннинг тириклик чоғида никоҳнинг бузилиши. Ўзбекистонда ОК ажралишнинг асосига қараб, уни амалга ошириш тартибини белгиллаган. Қонунчиликка кўра, никоҳдан судда ва маъмурий тартибда, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органида ажратилади. Ажралиш эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккисининг берган аризасига кура амалга оширилади. Агар эр-хотин алоҳида яшаса, даъво жавобгар эр ёки хотин турган жойдаги судда қўзғатилади, ту-рар жойи номаълум бўлса, ариза жавобгар охириги яшаб турган жойдаги судга топширилади. Ажралиш ишлари очик суд мажлисида кўрилади. Ажралиш тўғрисидаги иш эр-хотиннинг аризасига мувофиқ, зарур ҳолларда, суднинг ажримига асосан ёпиқ суд мажлисида кўрилиши ҳам мумкин. Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойга муҳлат тайинлашга ҳақли. Суд эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолларда, ажрим нухаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар кўмиталарига, ўзини ўзи бошқариш ор-

гани, маҳалла оқсо-қоллари кенгашига, улар ҳузуридаги яраштириш комиссияларига муҳокама

қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин. Аниқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд, эр-хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, уларнинг ярашиши учун берилган муҳлатни ўзгартиришга ва бу муҳлат ўтгунга қадар ишни кўришга ҳақли. Судлар ажралишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаб, ўзининг бутун фаолиятини оилани сақлаб қолишга ва уни мустаҳкамлашга, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши лозим.

Қуйидаги ҳолларда Н.б.к. суд тартибида кўрилади: эр-хотиндан бири н.б.к.га рози бўлмаса; ўртада вояга етмаган умумий болалар бўлиб, уларни кимда қолдириш ва таъминоти учун алимент ундириш юзасидан низо бўлса, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотинга алимент ундириш ва унинг миқдори ҳақидаги масала туғилса; бир-галикда умумий мулкни бўлиш бўйича низо бўлса.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин н.б.к.га ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органида ажратилади. Шунингдек, агар эр-хотиндан бири: суд томонидан бедарак йўқолган; руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; содир қилган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган фарзандлари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, ФХДЁ органида никоҳ бекор қилинади.

**НИКСОН** (Nixon) Ричард Милхауз (1913.9.1, Йорба-Линда, Калифорния штати - 1994.22.4) - АҚШнинг 37-президенти (1969—74). Республикачилар партиясидан. 1953—61 й.ларда вице-президент. 1973 й. Н. ҳукумати Вьет-

намда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш ҳақидаги шартномани имзолашга мажбур бўлган. 1972 й.дан олий даражадаги Совет—Америка учрашувларида қатнашган. «Уотергейт иши» деган ғайриқонуний ҳаракатларда иштироки учун айбланиш хавфи борлиги муносабати б-н истеъфога чиққан.

**НИКУЛИН** Юрий Владимирович (1921.18.12, Смоленск вилояти — 1997.21.8, Москва) — рус цирк артисти, киноактёр. Цирк санъатида машҳур масҳарабоз (клоун) сифатида танилган. 1982 й.дан Цветной бульвардаги Москва циркининг бош реж.и ва директори. Кинода 1958 й.дан суратга тушган: «Кавказ асираси», «Бриллиантли қўл», «Операция Ы ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари», «Дарахтлар қатта бўлганида», «Қароқчи чоллар», «Чучело» каби фильмларда комик роллар б-н бир қаторда драматик образларни ҳам бирдай маҳорат б-н ижро этган. У кинода яратган образлари орқали комик актёр сифатида шуҳрат қозонган.

**НИЛ** (ҳоз. мисрликлар тилида — Ал-Бахр; лот. Nilus, юн. Ntilos) — Африкадаги дарё, Руанда, Танзания, Уганда, Судан, Миср ҳудудларидан оқади. Дунёда энг узун, уз. 6671 км, ҳавзасининг майд. 2870 минг км<sup>2</sup>. Дарёнинг бош ирмоғи Шарқий Африкадаги Вирунга тоғларидан Катера номи б-н бошланиб, Виктория кўлига келиб қуйилади. Дарё мазкур кўлдан Виктория-Нил номи б-н оқиб чиқади. Сўнг Кьога ва Альберт кўлларидан ўтгач, дастлаб Альберт-Нил, сўнгра Бахр ул-Жабал деб аталади. Ясситоғ чегарасида кўплаб остона ва шаршаралар (Мерчисон ва б.) ҳосил қилган. Судан текислигида водийси бот-қокланган, бу қисмида дарё жуда се-кин оқади. Сувининг қатта қисми буғланишга сарф бўлади. Н. чапдан Бахр ул-Ғазал ва Бахр ул-Араб дарёлари б-н қўшилгач, Оқ Нил (Бахр ул-Абъяз) деб аталади ва Хартум ш.гача чала чўл ва чўл зонасидан оқади. Ўнгдан Асва, Сабат, Кўк Нил (Бахр ул-Азрак), Атбара каби ўнлаб

ирмоқпар қўшилган жойдан Н. номини олган. Кейинги 3000 км ли масофада, яъни Н. Ўрта денгизга қуйилгунча унга биронта ҳам ирмоқ келиб қўшилмайди. Ўрта денгизга майд. 24 минг км<sup>2</sup> га .тенг дельта ҳосил қилиб қуйилади. Дельтасида қатта ва кичик жуда кўп тармоқларга бўлинган кўллар мавжуд. Дарё сувининг бир қисми Иброҳимия канали ва Юсуф тармоғи ор-қали Биркат-Карун кўлига қуйилади. Н.дан чиқарилган Исмоилия канали Сувайиш канали соҳилидаги аҳоли пун-қтларини, Маҳмудия канали Искандария ш.ни чучук сув б-н таъминлайди.

Н.нинг сув режими мавсумларга қараб кескин ўзгариб туради. Асвон ш. ёнида ўртача сув сарфи 2600 м<sup>3</sup>/сек. (максимали 15000 м<sup>3</sup>/сек., минимали 400—500 м<sup>3</sup>/сек.), қуйилиш жойида 2900 м<sup>3</sup>/сек. Н.нинг экватор қисмидаги ҳавзасида ёз ва қиш мавсумларида, Миср ва Суданнинг марказий ва шим. ҳудудларида ёз — куз ойларида суви кўпаяди. Дарёнинг куйи оқимида айни жазирама езда сув кўпаяди. Тўлинсув даврининг чўққиси сент. ойига тўғри келади. Ўртача йиллик оқим 73,1 км<sup>3</sup>. Баланс Асвон тўғони қурилгунга қадар дарё куйи оқимига йилига 62 млн. м<sup>3</sup> лойқа келтирган. Н. суви оқимини тартибга солиб туриш мақсадида Асвон, Баланс Асвон тўғонлари, Асвон, Наг-Ҳаммади, Ул-Файюм, Оуэн-Фолс ГЭС-лари қурилган. Дарёнинг қуйилиш жойидан Асвон тўғонигача ва ўрта қисмларида кема қатнайди. Н. ва унинг ирмоқларида кема қатнайдиган қисмининг жами уз. 32 минг км. Н. суви баландқа бой. Дарё бўйида Қоҳира, Ис-қандария, Хартум ва б. шаҳарлар жойлашган. Н. водийси суғориладиган дех-қончилик асосида юзага келган қад. цивилизация марказларидан бири бўлган. Лҳмад аа-Фартний бошчилигида аббосий халифа ал-Мутаваккилнинг буйруғи б-н 861 й.да Н. сувининг сатҳ-ини ўлчайдиган иншоот қурилган. Бу қурилма дастлаб «Миқёси жадид» (Миқёс ан-Нил), кейинчалик Нило-метр деб аталган ва ҳозирга

қадар Сайёлат ул-Род мавзеси (Равзо о.) да сақланиб қолган.

**НИЛ**— кўк бўёқ модда. Мол. м. 262,27, 390—392° да суюқланиб парчаланеди. Сув ва спиртда эримайди, анилинда эрийди. Н. жуда қадимдан маълум. Н.ли ўсимликлар (индигофера ва б.)дан, саноатда эса анилин ёки изатинни синтез қилиб олинади. Н. қайтарилгандаунинг лейко-ҳосиласи — «оқ Н.» ҳосил бўлади. Н. газламаларни бўйашда ишлатилади. Унинг ҳосилалари, айниқса, тетраброминдиго ва аналоглари, Мас, тиоиндигоид бўёқлар катта аҳамиятга эга.

**НИЛОМЕТР** — Аҳмад ал-Фарғоний бошчилигида аббосий халифа ал-Мутаваккилнинг амри б-н 861 й.да Қохи-ра ш. яқинидаги Равзо о.да Нил дарёси сув сатҳини ўлчаш мақсадида қурилган иншоот. Баъзи Шарқ муаллифлари асарларида «Миқёс ан-Нил», деб аталади. Н. мурабба шаклидаги қудуқ кўри-нишида бўлиб, Нил дарёси б-н учта ер ости сув йўллари орқали туташган. Қудуқ уртасида оқ мрамр б-н қопланган (бал. 10 м чамасида) саккиз қир-рали устун ўрнатилган. Устунда сув сатҳини ўлчашга имкон берадиган йирик даражот бўлиб, у майда даражотга бўлинган. Йирик даражот араб тирсак бирлиги (тахм. 54 см)га, майдалари эса унинг 1/24 қисми (қирот)га, яъни 2,25 см га тенг. Кузатувчи сув сатҳи ҳақида ҳисоб олиш учун айланма зинапоядан тушиб чиққан. Н. дарё сув сатҳини катта аниқликда ўлчашга имкон берган. Жаҳон Метеорология Ташкилотига аъзо бўлган барча давлатларда сув хав-залари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, ҳатто денгиз ва океанлар)нинг сув сатҳлари ҳам шу принципда ўлчанади.

**НИЛОТ ТИЛЛАРИ** — Африка шарқидаги шарқий судан тиллари; Нил - Сахрои Кабир тиллари макрооиласининг шари-нил тиллари оиласига мансуб. Судан, Уганда, Кения, Танзанияда, шунингдек, Конго ва Эфиопи-

янинг айрим ҳудудларида тарқалган. Сўзла-шувчиларнинг умумий сони 20 млн. кишидан ортади. Н. т.нинг ўзаро қариндошлиги уларнинг фонетик тузилиши ва асосий луғат таркиби (50 фоизгача), кишилиқ, сўроқ ва кўрсатиш оломошлари; отларнинг кўплик шакли каби тил ҳодисаларини ўрганиш жа-раёнида аниқланган.

Мавжуд таснифларга кўра, Н.т. ғарбий, шарқий ва жан. зоналарга бўлинади; ғарбий Н.т. —3 гуруҳчага бўлина-ди ва 20 дан ортиқ тилни қамраб ола-ди; шарқий Н.т. —2 гуруҳчага бўлина-ди ва 12—14 та тилни ўз ичига олади; жанубий Н. т. —3 гуруҳчага бўлинади ва 10 дан ортиқ тилни қамраб олади. Шарқий ва жан. зоналарга мансуб Н.т. ти-пологик жиҳатдан ва ўзаро қариндошлиқ муносабатларига кўра бир-бирига яқин туради, ғарбий Н. т. эса бир неча фонетик ва грамматик хусусиятлари б-н улардан фарқ қилади. 1920—50 й.ларда Н. т. учун лотин графикаси асосида алифболар яратиш йўлида дастлабки уринишлар бўлган, бироқ бу жараён ниҳоясига етмаган.

**НИЛОТЛАР** — Шарқий Африкадаги халқлар гуруҳи (динка, нуэр, жан. луо, бари, лотуко, мисаи, нанди, покот ва б.). 19 млн. киши (1990-й.ларўргалари). Нилот тилларида сўзлашади. Диндорлари анъанавий диний эътиқодларга сиғинадилар, бир қисми сунний мусулмонлар, христианлар ҳам бор.

**НИЛ-САХРОИ КАБИР ТИЛЛАРИ** — Африка тиллари макрооиласи. Н.-С.К.т.нинг генетик яқинлиги ҳақидаги фараз америкалик олим Ж. Гринбергга тегишли. Бу тиллар, асосан, Марказий ва Шарқий Африкада тарқалган (энг ғарбий чегараси Нигер дарёсининг ўрта оқими). Н.-С.К. т.да 30 млн. дан ортиқ, киши сўзлашади; ушбу тиллар ғарбдан шарққа йўналган 6 оилага бўлинади: 1) сонгайзарма; 2) Сахрои Кабир; 3) маба; 4) фур; 5) шаринил; 6) кома.

Н.-С.К.т. ичида шари-нил оиласи

алоҳида ўринга эга, чунки бу оила ўз навбатида шаркий судан, марказий судан, кунама, берга каби тармоқларга, тармоқлар эса гуруҳларга бўлинади. Умуман, Н.-С.К.т.га мансуб 50 дан ор-тиқ тил ўз грамматик қурилиши ва луғат таркибига кўра ўзаро кескин фаркланади, чунки бу тилларга қўшни тиллар (айникса, хом-сом тиллари) кучли таъсир кўрсатган. Олимлар бу тилларни 160 дан ортиқ луғавий ўхшашликлар, шунингдек, 30 дан ор-тиқ морфологик кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги асосида генетик жиҳатдан бир деб ҳисоблаган бўлсаларда, бундай ўхшашлик ва мосликлар Н.-С.К.т. макрооиласидаги ҳамма тилларда ҳам мавжуд эмас.

**НИЛУФАР** (*Nelumbo*) — нилуфардошларга мансуб сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Иккала ярим шарнинг мўътадил минтақаларида ва тропикларда 2 тури — гули пушти ёнғоқчали Н. (*N.nicifera*) ва сариқ Н. (*W.lutea*) ўсади. Барги йирик, қалқонсимон, банди узун, сув бетига қалқиб туради ёки сувдан юқори кўтарилиб ўсади. Гули якка, йирик, икки жинсли, диаметри 16 см гача боради, оқ ёки пушти, хушбўй, барги устида очилади.

Меваси конуссимон, кўп ёнғоқчали, сув остида етилади. Н. уругидан ёки илдизпоясидан кўпаяди. Униб чикка-нидан кейин 3-йили гуллайди. Ҳиндистон ва Хитойда пушти Н. қадимдан муқаддас ўсимлик ҳисобланади. Н.нинг маданий шакллари кўп. Н.нинг пояси, баргларида витамин С ва каучук, банди ва новдаларида заҳарли модда — нелюмбин бор.

«**НИЛУФАР**» — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ассоциациясининг йиллик халқаро мукофоти. 1967 й.дан бошлаб адабиёт соҳасида эришган ютуқлари, шунингдек, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатини ривожлантиришдаги хизматлари учун мазкур мамлакатлар ёзувчиларига берилади. Ўзбекистонда Зулфия, К. Яшин ва

С. Азимов «Н.» халқаро мукофоти б-н тақдирланган.

«**НИЛУФАР**» («*Lotus*») — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ассоциациясининг 3 ойда 1 марта нашр этилувчи адабий-ижтимоий журнали. 1968 й. Қоҳирада, 1979 й.дан Байрутда, 1983 й.дан Тунисда инглиз, араб ва француз тилларида нашр этилади. 6-сонига қадар «Африка-Осиё адабиётлари» деб номланган. Бош муҳаррири Файз Аҳмад Аббос (1979 й.дан).

**НИЛФИЯ**, нимфея (*Nymphaea*) — нилфиядошларга мансуб сув ўсимликлари. Куп йиллик илдизли, барглари этли, узун бандли, юраксимон, сув бетига сузиб юради. Гули якка, йирик, гулбанди узун, косачабарги яшил, гулбарги ҳар хил рангли. Меваси шарсимон, этли, куп уруғли. Бутун ер юзида 40 дан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда Амударё хавзасида учрайди.

**НИМКОРЛИК** (форс- тож. — ярим ва иш) — хусусий эгаликда булган ерни ижарага олиб фойдаланиш шакли. Н.да кам ерли ёки от-улови етишмайдиган деҳқон олган ҳосилининг ярмини бериш шарти б-н ерга экин эккан. Н.да ер эгаси деҳқонга от-улов, уруғлик берган, айрим ҳолларда унинг оиласига иш вақтида яшаш учун турар жой ҳам ажратган. Хўжалик йили тугагач, ҳосилнинг ярмини деҳқон, қолган ярмини эса ер эгаси узаро тенг булиб олган. Н. Ўрта Осиёда 20-а.нинг 20-й.ларига қадар мавжуд булган.

1921—29 й.лардаги Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўтказилган ер-сув ислохотлари натижасида Н. барҳам топди (қ. Ўрта Осиёда ер-сув ислохоти).

**НИМРАНГ**, Шербанди, Ангури калон — ўртача кечпишар, хўраки маҳаллий узум нави. Ўзбекистон ва Тожикистонда куп тарқалган. Қозоғистон, Қирғизистон, Қрим, Доғистон ва б. жой-

ларда ҳам экилади. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача (14—17 см), сал тўғарак ёки 5 бўлакли, кам керткли, четлари юқорига қайрилган. Гули бир жинсли (функционал урғочи). Узум боши йирик (бўйи 20—22 см, эни 12—15 см), вази 550—600 г (баъзан 1—1,5 кг гача), кенг конуссимон ёки чўзик.

Гужумлари йирик, асосан, думалок, кунгай томони кизғиш, ширин ва сал нордон, карсиллаёди. Таркибида 22-25% қанд, 5—6% кислота бор. Сент. бошларида тўлиқ пишади. Чангловчи нанлар (Пушти Тоифи, Паркаги, Саперави ва б.) б-н аралаш экиб, новдалари узун кесилиб (тупида 300—400 куртак), яхши парвариш қилинса гектаридан 250—300 ц ҳосил беради. Узоқ жойларга жўнатишга, сақлашга чидамли.

**НИМФА** (юн. *nymphē* — личинка, келин, қиз) — ғумбак даврига эга бўлмаган бўғимоёклиларнинг вояга етишидан олдинги даври. Каналар ва чала ўзгариш б-н ривожланмаган ҳашаротлар (сувараклар, чигирткалар, саратонлар, қандалалар ва б.) учун хос. Н. ташки қўриниши б-н вояга етган ҳайвон (имаго) га ўхшаб кетади, лекин жинсий органлари ва қанотлари (қанотли ҳашаротларда) ривожланмаган бўлади. Н. бир неча марта пўст ташлагандан сўнг вояга етади.

**НИМФАЛАР** — юнон мифологиясида тоғлар, ўрмонлар, денгизлар, булоқларда яшовчи табиат маъбудалари. Зевснинг қизлари ҳисобланиб, Артемида ёки Диониснинг ҳамроҳлари деб тасаввур этилган ва кўпгина маҳаллий динларда уларга эътиқод қилинган. Н.га бағишлаб ғорларга, булоқларга, денгиз қирғоқларига қурбонликлар келтирилган. Н. ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида такрор-такрор тасвирланган.

**НИМФАЛИДЛАР** (*Mymphalidae*) -кундузги капалаклар туркуми. Қанотлари ёзилганда 25—80 мм, устки гомони чиройли нақшиндор. Куртларининг тана-

сида пихлари ва кутикуляр ўсимталари бўлади. 2 мингга яқин тури маълум. Турлари тропик ва субтропик минтақаларда айниқса хилма-хил. Капалаклари яхши учади; айрим турлари миграция қилади. Ёш куртлари ўргимчак тўрига ўхшаш учларида ғуж бўлиб яшайди. Ўтлар, баъзан дарахтлар барги б-н озикланади; кўпчилиги бирон ўсимлик турига ихтисослашган олигофаглар. Ғумбаги тана-сида ялтироқдоғлар бор; бошини пастга осилтириб бирон нарсага ёпишиб олади. Ёш капалаклик ёки куртлик даврида қишлайди. Н. орасида садафдорлар, тасмалилар, шашкадилар, кичитқон ўт капалаклари, турли рангли капалаклар, мотамсаро капалаклар, адмирал, геликонидлар ва б. кўпчиликка таниш.

**НИМЧА** — хотин-қизларнинг энг-сиз ва ёқасиз қалта устки кийими; кўйлак устидан кийилади. Бичими турлича — олди очиқ (учбурчак шаклда чуқур ўйилган), тугмачали, авра-астарли, баъзан икки ёнида чўнтақлар қилинган. Авраси бахмал, парча, кимхоб, шойи ва б. матолардан, астари ип матолардан тайёрланади; духобадан ёқали ва ёқасиз қилиб, баъзан орасига юпқа пахта солиб қавиб пахтали Н.лар ҳам тайёрланади. Кашта тикиб безатилган (зардўзи Н., ироки Н. ва б.) турлари ҳозирда ҳам кенг тарқалган. Н. қизларнинг сепига кирган.

**НИМШОҲИ**, нимшойи (форс, ним — ярим) — ярми ип ва ярми ипак (тенг нисбатдаги) иплардан тўқилган мато тури; яна қ. Шойи.

**НИНАЧИЛАР** (*Odonata*) — ҳашаротлар туркуми. Гавдасининг уз. 1,4—120 мм, қанотлари 90 мм гача. Фа-сеткали кўзлари ҳаракатчан, бошининг катта қисмини эгаллайди. Мўйловлари қалта, кўзга зўрға кўринади. Қанотлари қалин тўрланган. Дорзовентрал (орқадан қорин томонга йўналган) қанот му-скулларининг, эркакларида иккиламчи кўшилиш органининг бўлиши б-н бошқа

ҳашаротлардан фарқ қилади. 4500 га яқин (бошқа маълумотларга кўра, 3000 дан ортиқ) тури бор. Арктика ва қурғоқчилик ҳудудларидан ташқари ҳамма жойларда тарқалган. Асосан, тропик ҳудудларда, сув ҳавзалари яқинида учрайди. Йирткич вояга етган Н. ҳашаротлар б-н озикланади. Ўлжасини ҳавода тутуди. Йирик Н. личинкаси итбаликлар ва баликлар чавоқларига ҳужум қилиши мумкин. Ярим ўзгариш орқали ривожланади. Ҳавода уруғланади. Тухумларини сув тубига ёки сувдаги ўсимликларга қўяди. Личинкалари йирткич, оғиз органлари ўлжасини тутувчи орган — никобга айланган. Махсус ташқи жабралар (дум жабралари) ёки орқа ичак ўсимталари (ректал жабралар) ердамида нафас олади. 3 та кенжа туркум: тенг қанотлилар, ҳар хил қанотлилар, аралаш қанотлиларга бўлинади. Кейинги туркумга олдинги икки туркумининг ҳам белгиларини муҷассамлаштирган, тропик ҳудудларда тарқалган битта уруғ киради. Ўзбекистон ҳудудида Н.нинг ўнлаб турлари тарқалган. Тоғли ҳудудларда Ўрта Осиё учун эндемик, йирик Н. корду-легастер; воҳалар ва тоғ олди ҳудудларида шайнли ниначилар кўп учрайди. Н. қанотли қашаротлар, уларнинг личинкаси эса қон сўрувчи ҳашаротларнинг сувдаги личинкалари б-н озикланади. Н.нинг личинкалари баликлар учун озик.

**НИНЕВИЯ** (Ninua, Ninn) — қад. Осуриядаги шаҳар (ҳоз. Ироқдаги Мосул ш. яқинида). Мил. ав. тахм. 5-минг йилликда асос солинган. Мил. ав. 3-минг йилликдан миҳхат ҳужжатларида қайд этилган. Савдо йўллари кесишган ерда жойлашгани учун Олд Осиёнинг тарихида муҳим роль ўйнаган. Мил. ав. 9-а. дан оссурий шоҳлари қароргоҳи. Н.нинг юксалиши ва равақ топиши, уни Оссурия давлати ва «жаҳон»нинг пойтахтига айланиши мил. ав. 8—7-а.ларга оиддир (Синахериб ва унинг ворислари даврида). Н.нинг шим. қисмида Синахерибнинг «жан.-ғарбий саройи» ва ички қисми де-

ворлари ҳарбий, ов ва маиший сақналарни акс эттирган жуда кўплаб барельефлар б-н безатилган. Ашшурбанипалнинг ҳашаматли «шим. саройи» жойлашган. Аш-шурбанипал саройида давлат архиви ва подшоҳ. кутубхонаси бўлган. Кутубхонада 20 мингдан зиёд «китоб» — миҳхат сопол жадвалчалар бўлган. Н.нинг жан. қисмида Иштар маъбудасининг марказий саждагоҳи — Эмишмиш ибодатхонаси (мил. ав. 3-минг йилликдан бошлаб қайд этилган) ва подшоҳ Асархаддон саройи қурилган. Мил. ав. 612 й. Н. Янги Бобил подшоси Набопаласар ва Мидия подшоси — Киаксар томонидан ер б-н яқсон қилинган. Римликлар Н. ўрнида Claudia Ninus ҳарбий колонияси (манзилгоҳи)ни барпо этганлар. Н. харобалари Куёнжик шаҳар харобасида ўтқазилган археологик қазилмалар натижасида аниқланган.

**НИНСЯ-ХУЭЙ МУХТОР РАЙ-ОНИ** - Хитой таркибидаги маъмурий бирлик, мамлакатнинг шимолида. Майд. 60,4 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 5,38 млн. киши (1998); 1/3 қисми дунган (хуэй)лар. Маъмурий ва иқтисодий маркази — Иньчуан ш. Хўжалигининг етакчи тармоғи — дехқончилик. Шоли, бугдой, тарик, гаолян, пахта, мойли экинлар экилади. Чорвачилиқда, асосан, қўй ва қорамол боқилади. Радиотехника, электроника, металлургия, тўқимачилик ва озик-овқат саноати корхоналари бор. Иньчуан ш. яқинидан тошқўмир ва ош тузи қазиб олинади. Хуанхэ дарёсида кема қатнайди.

**НИОБАТЛАР** — ниобат кислота тузлари. Н. жумласига мета —  $\text{MeNbO}_3$  ва орто —  $\text{Me}_3\text{NbO}_4$ , пиро —  $\text{Me}_4\text{Nb}_2\text{O}_7$  ва полиниобатлар  $\text{Me}_2\text{O}_n\text{Nb}_2\text{O}_5$  киради. Бу ерда Ме — бир валентли катион,  $n=2, 1, 2, 3, 4$  валентли металлларнинг Н. и ҳам маълум. Ранги қора, баъзан сариқ, қизғиш ва кўнғир-қора. Ишуррий ва ишқорий-ер металлларнинг Н. и иссиққа чидамли моддалар. Улар юқори т-рада суюқланади (Мас,  $\text{NaNbO}_3$  1417° да,  $\text{KNbO}_3$  1039° да суюқланади). Н.нинг



табий бирикмалари (таркибида ниобий бўлган мураккаб минераллар) кўпинча пегматитлар ва гранитларда дала шпатлари (асосан, альбит) б-н бирга учрайди. Н. гуруҳига ильменорутил, пироклор, эшинит каби минераллар ҳам киради. Ишқорий металллар ва баъзи металлларнинг Н.и сувда оз эрийди. Кўпчилик металлларнинг Н.и сегнетоэлектрик ва пьезоэлектрик хоссаларни намоён қилади. Шунинг учун улардан керамик сегнето-конденсаторлар ва пьезоэлектр кучайтиригичлар тайёрланади.

**НИОБИЙ** (Niobium), Nb — Менделеев даврий системасининг У гуруҳига ман-суб кимёвий элемент. Тартиб рақами 41, ат. м. 92,9064. Битта табиий изотопи  $^{93}\text{Nb}$  бор. Н.нинг сунъий радиоактив изотопларидан  $^{95}\text{Nb}$  ( $T_{1/2}=35$  кун) радиоактив индикатор сифатида ишлатилади. Н.ни илк бор инглиз олими Ч.Хатчет 1801 й.да кашф қилиб, «Колумбии» деб атаган; кейинчалик унга юнон аф-сонасидаги қаҳрамон баҳодир Танталнинг қизи маъбуда Ниобея номи берилган, чунки Н.нинг хоссалари танталга ўхшайди. Металл ҳолидаги соф Н. 1907 й.да олинган. Атом радиуси 0,145 нм, ион радиуси (кавсларда координацией сон келтирилган)  $\text{Nb}^{2+}$  0,085 нм (6),  $\text{Nb}^{3+}$  0,086 нм (6),  $\text{Nb}^{4+}$  0,082 нм (8),  $\text{Nb}^{5+}$  0,062 нм (4), 0,078 нм (6), 0,083 нм (7), 0,088 нм (8). Оксидланиш даражаси +5, баъзан +4, +3, +2 ва +1.

Н. Ер пўстининг масса жиҳатидан  $2\cdot 10^{-3}\%$  ини ташкил этади. Минераллари сийрак учрайди. Улар 2 гуруҳга бўлинади: бири — танталниобатлар, яъни танталат ва ниобат кислоталарнинг тузлари, иккинчиси — титан-тантал-ниобатлар, яъни таркибида титан, тантал ва Н. бўлган мураккаб минераллар. Ниобит (ёки колумбит) номли минераллар  $\text{Fe}(\text{NbO})_2$  биринчи гуруҳга мансуб, унинг таркибида  $\text{Fe}(\text{TaO}_3)_2$  оз миқдорда бўлади. Л о парит  $\text{Me}(\text{NbO}_3) + \text{Me}(\text{TiO}_3)$  (бу ерда Me — Na, Ca, Ce, Sr бўлиши мумкин) ик-кинчи гуруҳга киради. Таби-

атда Н. тантал, титан, нодир-ер элементлари, уран, торий ва цирконий б-н бирга учрайди. Ниобит ва лопаритдан ташқари, пироклор номли минерал ҳам амалий аҳамиятга эга. Н.нинг йирик конлари Африкада, Канада ва Норвегияда, Кола я.о.да бор.

Н. — кулранг металл, зичлиги 8,57 г/см<sup>3</sup>; суюкланиш т-раси 2477°, қайнаш т-раси 4760° атрофида. Н. корро-зияга чидамли, кимёвий жиҳатдан жуда барқарор элемент. Кислоталарда, ҳатто зар сувида ҳам эримайди. Лекин суюклантирилган ишқорларда (ҳаво кислороди иштирокида) эрийди; натижада ниобатлар ҳосил бўлади. Кўпчилик металллар б-н қотишмалар беради. Нитрат кислота б-н фторид кислота аралаш-масида эриб, комплекс фторидлар ҳосил қилади. Юқори т-рада металлмаслар б-н реакцияга киришади. 200° дан юқорида ҳавода оксидланиб, Н. оксидларини беради. Н. монооксид,  $\text{NbO}$  кулранг ялтирок кукун, суюкланиш т-раси 1945°. Н. (У1)-оксид,  $\text{NbO}_2$  — қора рангли кристалл, суюкланиш т-раси 1917°, зичлиги 5,98 г/см<sup>3</sup>. Ҳавода киздирилса  $\text{NbO}_5$  га айланади. Н. (V)-оксид,  $\text{NbO}_5$  рангсиз кристалл, суюкланиш т-раси 1510°, зичлиги 4,55 г/см<sup>3</sup>. Н. пўлатни микролегирилашда, коррозияга чидамли, оловбардош юқори си-фатли пўлат олишда қўлланади.

**НИОБИЙ РУДАЛАРИ** - таркибидаги ниобий бирикмалари ва концентрацияси миқдори саноатда фойдаланиш учун техник имконият етарли ва иқти-содий жиҳатдан самарали бўлган таби-ий минерал ҳосилалар. Н.р. таркибида муайян миқдорда тантал бўлади. Нио-бийнинг асосий руда минераллари: пироклор, колумбит, фергусонит, эвксенит, лопарит. Руданинг генетик ти-пига қараб, шунингдек, таркибида фтор, цирконий, камёбер элементлари, уран, торий, литий ва б. минераллар мавжуд. Н.р. конлари пайдо бўлишига қараб ишқорий ва субишқорий жинслар б-н боғлиқ эндоген ва карбонатитлар ҳамда колумбитли гранитларда-

ги чизикли ва майдонли нураш пўстига мансуб, шунингдек аллювиал, делювиал-аллювиал, кўл ва флювиал-гляциал соч-мали экзоген конларга бўлинади. Дунё бўйича жами ниобий захираларининг 2/3 қисми пироклорли карбонатит конларига тўғри келади. Булардан эиг йириклари Бразилия, Канада ва б. мамлакатларда. Барча конлардан руда очик усулда казиб олинади. Н.р. таркибида Nb<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, микқори ўртача 0,2—0,6%; бой конларда 1% ва энг куп микқори 4% га етади.

**НИОБИЙ ҚОТИШМАЛАРИ** - ниобий б-н бошқа элементларни аралаштириб олинадиган, юқори (1000° дан юқори) т-рага чидамли материаллар. Ванадий, цирконий, вольфрам, молибден ва графит б-н легирлаб тайёрланган Н. к. энг сифатли хисобланади (к. Легирлаш). Мас, ВН-3 маркали қотишма таркиби: молибден (Мо) — 4,0 — 5,2 %, цирконий (Zr) — 0,8 — 2,0%, углерод (С) — 0,08 — 0,16% ва қолгани ниобий. Н. к. вакуум-ёйли, электрон-нурли ва плазма печларда олинади. Н.к. босим остида яхши ишланади, пайвандланади; улардан поковкалар, листлар, қувурлар тайёрланади. Н. к. моторсозлик, самолётсозлик ва ракетасозликда конструкцион материал сифатида ишлатилади.

**НИШПУР** (хоз. Ниффер ёки Нуффар, Ироқдаги Бағдод ва Басра ш.лари орасида) — қад. Шумер шаҳарларидан бири, унинг бош диний маркази (мил. ав. 3-минг йиллик боши — 2-минг йиллик бошлари). Мил. ав. 3-минг йилликда Н.да шумерийларнинг махаллий маъбудлари — «тогликлар» (Энлиль бошчилигида) ва Эриду — «денгиз» (Энки бошчилигида) маъбудларини бирлаштирган бир саждагоҳи (пантеон) қурилган. Мил. ав. 18-а.да Н. Бобил томонидан босиб олинган. Шу муноса-бат б-н Н. диний марказ сифатидаги ролини Бобилга берган. Бобилнинг бош маъбуди Мардук, олий маъбуд Бела номини олган Энлиль деб эътироф этила бошланган.

Н. диний марказ сифатида Шумер шаҳар-давлатлари ҳаётида катта роль ўйнаган. Н. кохинлари тан олмаган биронта ҳам подшо Шумерда тан олинмаган. Н. ибодатхонасида кутубхона бар-по этилган бўлиб (мил. ав. 3-минг йиллик), унда тарих, геогр., астрономия, ботаника, зоол., филология ва б. фанларга оид шумерийларнинг рисолалари илоҳиёт, мунажжимлик-сеҳргарликка (уларнинг кўпчилиги мил. ав. 1-минг йилликда Ашшурнасирипал ва Ашшур-банипал кутубхонаси олимлари томонидан қайта кўчирилган) оид асарлар б-н бирга сақланган. Мил. ав. 2-минг йиллик бошида кутубхона Элам истилоҳиси Қудурмабук томонидан ёқиб юборилган. Мил. ав. 2— 1-минг йилликларда Н. Бобилнинг «эркин шаҳри» сифатида ички мухторият ҳуқуқига эга бўлган. Ахоманийлар даврида (мил. ав. 5-а.) Н.да Мурашу савдосудхўрлик уйи мавжуд бўлган (унда катта архив хуж-жатлари сақланган). Сўнгра Н. кимсасиз шаҳарга айланиб, сосонийлар даврида некрополь бўлган Н.да казишма ишлари 19-а.дан олиб борилди; Энлиль (Экур) ибодатхонаси, мактаб, кутубхона (80 хонадан иборат, 80 мингга яқин миҳхат хужжатлари, шундан 23 мингги кутубхонанинг энг қад. даврига оид), хусусий уй-жойлар ва б. топилган.

**НИРВАНА** (санскритча, айнан - сўлиш) — буддизм ва жайнизмнинг асосий тушунчаси. Инсон интилишининг олий ҳолатини, мақсадини ифодалайди. Буддизмда Н. — инсон ички дунёсининг мукамаллиги, орзу-истакларсм яшаш ҳисси, қаноат, тарки дунёчилик каби рухий ҳолатлар. Буддизм тараққиёти жараёнида этик-психологик Н. тушунчасига уни мутлақ деган тасаввур ҳам қушилди. Жайнизмда Н. — материя кишанидан, туғилиш ва ўлишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ташвишларидан озод жоннинг мукамал ҳолати.

**НИРЕНБЕРГ** (Nirenberg) Маршалл Уоррен (1927.10.4, Нью-Йорк) - америка

лик биокимёгар. АҚШ миллий ФА (1967) ва Америка санъат ва фан академияси (1966) аъзоси. Мичиган ун-ти (1952—57), Артритлар ва моддалар ал-машинуви касалликлари ин-ти (1957—62) илмий ходими, 1962 й.дан Лингов юрак касалликлари миллий ин-ти био-кимё генети-каси лаб. мудири. Асосий ишлари гене-тик коднинг мазмунини очиб беришга бағишланган. У полиуридил кислота полифенилаланинни синтез қилиш учун матрица булиб хизмат қилишини ис-ботлаб берди. Нобель мукофоти лауре-ати (1968, Р. Холли ва Х. Г. Корана б-н ҳамкорликда).

**НИСБАТ**, икки сон нисбати — би-ринчи сонни иккинчисига булишдан ҳосил булган булинма. Каср сонларнинг Н.ини бутун сонлар Н.и б-н алмашти-риш мумкин. Иккита бир жинсли миқдор (кесма, бурчак, юз ва б.)нинг нисбати деб, уларнинг сонли ўлчовлари тушуни-лади. Иккита кесма узунлигининг нисба-ти рационал сон бўлса, улар ўлчовдош, иррационал бўлса ўлчовдош бўлмаган кесмалар дейилади. Бундай тушунчалар юз, бурчак ва б. учун ҳам тааллуқли.

**НИСБАТДОР МАСЖИДИ** - Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (1901). Абдуқодир Боқиев бошчилигида қурилган. Ака-ука Зайниддин ва Шам-сиддин Ғафуровлар (ғишт терувчи), уста Саъдулла (ганчкор), уста Маҳмуд (нак-кош)лар катнашган. Эски масжид ўрнида пишиқ ғиштдан қурилган хонақоҳ ва унга жан. томондан туташган кенг айвон-дан иборат. Айвон қаршисида унча баланд бўлмаган киррали минора жойлаш-ган. Н.м. баланд супа устига қурилган. Хонақокнинг шарқий тарзи 3 равоқли, ўрта қисмидагисининг 2 ёни гулдастали. Равоқларнинг ҳар бирида эшик, тепасида тобадони бор. Тобадони ганчкори пан-жарали, гирих нақшлар кирма услубида ишланган. Айвони ўзига хос, 2 эшикли, шипи нозик ганчкори безакда қизил ва қўқ бўёқлар б-н пардозланган. Ғарбий айвон

деворидаги меҳроб ва унинг ён томонла-ридаги намоёнлар ҳашамдор кўринишда, меҳроб тоқчасида мукарнасининг ироқи услуби қўлланилган. Айвон ўртасидаги устун бошаси мадохил нақшли, танаси-га эгри-бугри йўлли нақшлар ишланган. Хонақоҳ беағи содда, меҳроб беағи-да ўйма нақшлар сақланган. Айвондаги ўймақори эшикка ишланган нақшлар орасида бино қурилган сана ёзилган. Н.м. халқ усталари томонидан ижодий ҳамкорликда яратилган ноёб меъморий ёдгорлик ҳисобланади.

Ад.: Зоҳидов П., Самарқандская шко-ла зодчих XIX — начало XX века, Т., 1965.

**НИСБИЙ БАЛАНДЛИК** - Ер юза-сидаги икки нукта орасидаги тик баланд-лик, у мутлақ баландликлар орасидаги фарқка тенг. Мас, тоғ чўққиси б-н яқин жойлашган водий туби орасидаги тик ба-ландлик ёки даре икки кирғоғининг бир-биридан баландлиги.

**НИСБИЙ НАМЛИК** - атмосфе-радаги сув бугининг ҳақиқий парциал босимини шу т-радаги унинг максимал парциал босимига нисбатининг фоиз-ларда олинган қиймати. Мутлақ қуруқ ҳавода Н.н. нолга тенг, тўйинган ҳавода эса 100% бўлади. Н.н. — бирор ҳавонинг мутлақ ёки солиштирма намлигининг шу т-радаги тўйинган ҳолати учун мутлақ ёки солиштирма намлигига нисбати деб ҳам қаралиши мумкин.

**НИСБИЙ УЗИЛИШ КУЧИ** - ўсимлик экинларидан олинадиган тола-нинг пишиқлиги кўрсаткичларидан бири, толани узиш учун сарфланадиган ўртача узилиш кучи (гк ёки Н)нинг тола чизикли зичлиги (текс)га нисбати (к. Узилиш кучи).

**НИСБИЙ ҲАРАКАТ** — моддий нуктанинг шартли равишда кўзгалмас деб олинган асосий санок системага нисбатан кўчиб бораётган ҳаракатдаги

санок системага нисбатан ҳаракати. Инерциал санок системага нисбатан маълум тезланиш б-н ҳаракатланаётган ҳар қандай санок системаси ноинерциал санок, системани ташкил этади. Агар санок системаси  $S$  илгариланма ҳаракатда бўлса, кориолис тезланиш нолга тенг бўлади; илгариланма ҳаракат инерциал бўлса, кўчирма тезланиш ҳам нолга тенг бўлади. Шу сабабли, Ньютоннинг иккинчи қонуни мутлақ қўзғалмас ва инерциал координата системаларига нисбатан бир хил ёзилади. Агар қўзғалувчан координата системаси инерциал бўлса, Ньютон иккинчи қонунининг ифодасида кориолис ва кўчирма инерция кучлари бўлади. Координата системаси илгариланма ҳаракатда бўлса, кориолис ва инерция кучлари бўлмайди.

### **НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ** - қ. Ҳақиқат.

**НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ** - фазо ва вақтнинг ҳар қандай физик жараён учун ўринли бўлган хусусиятлари ҳақидаги ҳоз. замон физика таълимоти. А. Эйнштейн яратган Н. н. 2 қиёмдан: махсус Н.н. ва умумий Н.н.дан иборат бўлиб, махсус Н. н. 1905 й.да, умумий Н.н. 1916 й.да ниҳоясига етказилган.

Фазо ва вақт ҳақидаги тушунчалар турли даврда турлича бўлган. Классик физикада вақтнинг фазо б-н материяга ҳеч қандай дахли йўқ. Фазо ва вақт ҳақидаги классик механика таълимотини Галилей нисбийлик принципи асосида математик равишда ифодалаш мумкин. Фазонинг аниқ нуктасида аниқ вақтда рўй берувчи ҳодисани воқеа дейилади. Механик ҳодисалар барча инерциал санок системаларда бир хил рўй беради, демак, ҳаракат тенгламасининг ёзилиш шакли барча инерциал санок системаларда бир хилдир. Бу хусусият Галилей алмаштиришларига нисбатан Ньютон ҳаракат тенгламасининг инвариантлиги дейилади.

Н.н.га қўра, физик жараёнларда фазо ва вақт хусусиятлари узаро боғлиқдир. Фазо

ва вақтнинг узаро боғланиши ҳаракат ту-файлидир. Жисм турли ҳаракатда экан, фазо ва вақт хусусиятлари ҳам турличадир. Махсус Н.н. учун 2 принцип (асосий қонун) замин ҳисобланади: биринчиси нисбийлик принципи, иккинчиси ёруғлик тезлигининг доимийлигидир. Нисбийлик принципига асосан, физик қонуниятларни ифо-даловчи математик тенгламалар бир хил қўринишга эга, яъни улар турли инерциал санок системаларга нисбатан инвариантдир. Иккинчи принципни қуйидагича ифодалаш мумкин: ёруғлиқнинг бўшлиқдаги тезлиги барча инерциал санок системаларда бир хил қийматга эга бўлиб, ёруғлик манбаининг ҳаракатига боғлиқ эмас.

Гравитация, фазо ва вақт ҳақидаги ҳоз. замон физик назарияси, асосан, А. Эйнштейн томонидан яратилди ва у умумий Н.н. номини олди. Умумий Н.н.нинг яратилишида эквивалентлик принципи асос бўлиб хизмат қилди.

Н.н.дан келиб чикувчи хулосалар жуда кўп текширишлар, кузатишлар ва тажрибалар асосида тасдиқланган. Ҳозирги кунгача Н.н.нинг камчиликлари мавжудлигини кўрсатувчи бирор далил ёки тажриба натижалари маълум эмас.

Ад. Эйнштейн А., Сборник научных трудов, т.т. 1—4, М., 1965—67; Бекжонов Р., Эйнштейн ва нисбийлик назарияси, Т., 1978.

**НИСБИЙЛИК ПРИНЦИПИ** – ҳар қандай инерциал санок системаларида бир хил шароитларда барча физик ҳодисалар айнан бир хилда содир бўлиши ҳақидаги асосий қонун. Ньютоннинг иккинчи қонуни ҳам барча инерциал санок системаларда бир хил қўринишда ёзилади ва бир хил мазмунга эга, деган хулосага келиш мумкин. Бу хулоса Галилей нисбийлик принципи деб аталади. Кузатишлар натижасида тўпланган маълумотлар, фақат механик ҳодисалар эмас, балки ҳар қандай ҳодисалар ва уларни ифодаловчи табиат қонунлари ҳамма инерциал санок системаларда бир хилда содир бўлишини

кўрсатади.

1887 й.да А. Майкельсон ёруғликнинг бўшлиқцаги тезлиги ёруғлик манбаининг ҳаракатидан қатъи назар, барча инерциал санок системаларда бир хил қийматга эга эканлигини тажрибада исботлади. Физиканинг асосий қонунларидан бўлган электродинамика қонунларини ифодаловчи Максвелл тенгламалари ҳам барча инерциал санок, системаларда бир хил кўринишга эга. Максвелл тенгламалари Галилей алмаштиришларига инвариант эмас экан. А. Эйнштейн Галилей алмаштиришларини универсал характерга эга эмаслигини, бундай ҳолларда фазо б-н вақт орасида ўзаро боғланишлар мавжудлигини эътиборга олувчи Лорентц алмаштиришларидаги фойдаланиш зарур эканлигини кўрсатди. Ёруғлик нурининг бўшлиқдаги тезлиги барча инерциал санок, системаларда бир хил қийматга эга бўлиб, ёруғлик манбаининг ҳаракатига боғлиқ эмаслиги ва Н. п. асосида Эйнштейн нисбийликнинг махсус назариясини яратган.

Ад.: Эйнштейн А., Сбор. науч. трудов, т.т. 1—4, М., 1967; Бекжонов Р., Эйнштейн ва нисбийлик назарияси, Т., 1978.

**НИСО** — антик ва ўрта аср шаҳар ха-робаси; кад. Парфия давлатининг пойтахти (мил. ав. 3—мил. 3-а.лар). Ашхободдан 18 км шим.-ғарбда жойлашган. Н. иккита тепалик (Янги Нисо, майд. 18 га ва Эски Нисо, майд. 14 га)дан иборат. 1946—60 й.ларда Н.да проф. М. Е. Массон томонидан археологик казиш-малар олиб борилган. Натижада жуда бой ва хилма-хил археологик материаллар топилган. Улар орасидаги сополга битилган ёзувлардан бирида Эски Нисо тепалиги қадимда Михридаткирт деб аталгани маълум бўлди. Янги Нисо тепалиги эса антик даврда Парфия подшолигининг пойтахти бўлган. Н.дан ибодатхона қолдиғи, сопол ҳайкалли ҳашаматли зал, подшо хазинаси ва монументал уй-жой қолдиқлари очилган. Хоналардан бири тўртбурчакли санъат кошонаси бўлиб, у

эллинизм анъаналари асосида қурилган. Мил. ав. 3—1 -а.ларга оид бу залдан Парфия маданиятига оид мармар ҳайкал, фил суягига жило бериб ишланган қадах (ритон)лар ва б. буюмлар топилган. Н.даги хўжалик архивидан Парфия подшолигининг мил. ав. 1-а.га оид иқтисодий ва маъмурий тузумини жаҳонга маълум қилувчи сопол парчаларига битилган 200 та ҳужжат, шунингдек, ҳарбий қуроллар ва безак буюмлар, терракота ва металдан ишланган майда ҳайкалчалар, турли жиҳоз ва б. топилган. Ўрта аерларда Н. Хуросоннинг муҳим маркази бўлган.

Ад.: Труды ЮТАКЭ, том 1-2, 4, 6. Ашхабад, 1949—58; Кошеленко Г. А., Культура Парфии, М., 1966; Пугаченкова Г. А., Искусство Туркменистана, М., 1967.

**НИСО ЖАНГИ** (1221 й.) - Жалолиддин Мангубердининг мўғулларга қарши дастлабки зафарли жангларида бири. Чингизхон, Мухаммад Хоразм шохнинг фарзандлари Урганчдан чекинишганидан дарак топгач, Хуросоннинг шим. чегараларига мўғулларнинг қузатувчи қўшинларини жойлаштиришга фармон берган. Нисо ш.нинг теварак-атрофида 700 отликдан иборат мўғул аскарлари турган эди. Жалолиддин Қорақумдан ўтиб 300 отлик аскарлари б-н тўсатдан мўғулларга шиддат б-н ҳужум қилган. Мўғуллар саросимага тушиб қурол-яроғ ва озиқ-овқатларини ташлаб қочганлар, улардан озгинаси қутулиб қолган. Насавий бу жангни мўғуллар б-н бўлган урушдаги мусулмонларнинг дастлабки ғалабаси деб атайди. Н.ж.даги ғалаба туфайли Жалолиддин ва унинг сафдошлари хориган отларини алмаштириб, эсон-омон Нишопурга етиб олишга муваффақ бўлишган.

**НИСОРИЙ** (тахаллуси; асл исми-шарифи Ҳасанхожа Подшохожа ўғли) (1516 — Бухоро — 1597) — шоир, тазкиранавис. Таникли шоир ва давлат арбоби Хожа (Подшохожа)нинг ўғли. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Риёзиёт, хандаса, тиббиёт, мусика илмларини пухта эгал-

лаган, отасидан аруз сирларини ўрганган. Шеърлар машққилган. Отаси Балхда шайхулисломлик пайтида (1533—43) Н. шу шаҳардаги Камолиддин Қўноқ мадрасасида хандаса илмидан даре берган. Бухорога қайтгач, 1545—50 й.ларда Абдулазизхон, 1550— 66 й.да Миёнкол ҳокимлари хузурида садрлик вазифасини бажарган. Сўнг Бухорода умрининг охиригача мактаб-дорлик қилган, бадийий ижод б-н маш-гул бўлган. «Малик уш-шуаро» унво-нига мушарраф бўлган. Н. туркий ва форсийдаги шеърларидан девон тузгани маълум, лекин девон ҳали топилмаган. Фақат 16-а.да яратилган бир канча асарлар орқали унинг бир неча ғазал, рубойлари, «Баҳориёт» касидаси ҳамда «Музақкири аҳбоб» (1566) тазкираси етиб келган.

«Музақкири аҳбоб» Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Газкират уш-шуаро» ва Навоийнинг «Мажолис уннафоис» асарларидан кейинги учинчи тазкира деб ҳисобланади ва бу асар Макрла, 4 боб ва Хотимадан иборат. Макала қисми те-мурийлар ва шайбонийлар ҳамда бобу-рийлардан етишиб чиққан шоирларга бағишланган. 4 боби Мовароуннахр, Ху-росон, Шарқий Туркистон, Туркия, Озарбайжон ва Ҳиндистонда яшаган шоирлар ижоди ҳақида. Хотима қисмида эса муаллифнинг шеър ёзган ота-боболари ва яқин қариндош-уруғлари тўғрисида сўз юритилган. Асарда жами 288 шоир ва адиб ҳақида маълумот берилган. Асар адабиёт назарияси, хусусан, шеърят масалалари ҳақида, 16-а. Мовароуннахр, Хуросон ва Ҳиндистон каби ўлкалар адабиёти, маданияти, тарихи ва ижтимоий тафаккури ҳақида маълумотлар олишда муҳим манба бўла олади.

Асарнинг дунё қўлёзма хазиналарида 14 нусхаси мавжуд. Ўзбек тилига Исмоил Бекжон таржима қилган (1993). Қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. №4282, 1438, 4374, 7760).

Ас: Музақкири аҳбоб, Т., 1993.

Ад.: Исмоил Бекжон, «Музақкири аҳбоб» тазкираси ва унинг муаллифи ҳақида, Т., 1993.

Бегали Косимов.

**НИСТАГМ** (юн. nistagmos — мудрок) — кўз соққасининг беихтиёр кетма-кет (тез-тез ва суст) ритмик ҳаракат қилиши. Кўз соққасининг ҳаракатига қараб горизонтал, вертикал, диагонал, аралаш ва айланма Н. фарқ қилинади. Н. кўпинча икки, баъзан бир кўзда бўлади. Соғлом кишилар, Мас, кўз олдида тез ўтаётган нарсани кузатганда танани тез у ёқ бу ёққа бурганда, қулоққа иссиқ ёки совуқ сув қуйганда Н. пайдо бўлиши физиологик ҳолат. Кўз мускули фалажи, лабиринтит, истерия, интоксикация, марказий нерв системаси ва мия касалликлари, шунингдек, туғилганидан бошлаб хира кўра-диганларда патологик Н. кузатилади. Ноқулай шароитда ишлайдиганларда (қон ишчилари) кўпроқ касбга алоқа-дор Н. пайдо бўлиши мумкин.

Давоси Н.га сабаб бўлган касалликни даволашдан иборат. Н. касбга алоқадор бўлса, бемор бошқа ишга ўтказилади.

**НИТР... , НИТРО...** (юн. nitron — табийий сода; селитра) — қўшма сўзларнинг биринчи қисми; шундай қўшма сўзларнинг азотга, азот кислоталари тузларига алоқадор эканлигини билди-ради (Мас, нитратлар, нитрат кислота, нитробензол).

**НИТРАГИН** — бактериал ўғит, таркибида туганак бактериялари бор. 1 г қуруқ препаратда 50 млн. гача бактерия бўлади. Н. таркибидаги туганак бактериялар атм. азотин тўплаб, у ни ўсимликлар ўзлаштирадиган бирикмаларга айлантиради. Н. илдизларда тугунаклар сонини кўпайтириб, тупроқни азот б-н бойитади, бўлажак экинлар ҳосилини оширади ва сифатини яхшилади. Н. донли, дуккакли экинлар ва дуккакли ўтларни етиштиришда қўлланилади. Н. қуруқ хонада 0—10° да сақланади.

**НИТРАМИНЛАР**, N-нитроаминлар — молекуласидаги NO<sub>2</sub> гуруки органик радикалларга азот атомлари орқали боғланган органик бирикмалар. Н. бирламчи RNHNO<sub>2</sub> ва иккиламчи RR'NNO<sub>2</sub> бўлиши мумкин (бу ерда R, R' — алкил ёки арил радикаллари). Аро-матик Н., одатда, қаттиқ моддалар, алифатик Н. суюқлик ёки суюқланиши қийин қаттиқ моддалардир. Бирламчи алифатик Н. кислоталар таъсирида спирт ва азот (1)-оксид NO га айлана-ди, иккиламчиси эса кислоталар таъсирига чидамли, аммо концентранган H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> таъсирида альдегидлар ва нитрит кислотагача парчаланadi. Кўпчилик бирламчи Н. ишқорлар б-н туз ҳосил қилади. Қуйи Н. ниҳоятда портловчи. Н. гербицидлар, ўстирувчи модда, антисептик, физиологик фаол модда ва портловчи моддалар сифатида ишлатилади (Мас, тринитрофенилметилнитрамин — тетрил, циклотриметилентринитрамин — гексоген, циклотетраметилентетранитрамин — октоген).

**НИТРАТ КИСЛОТА**, HNO<sub>3</sub> - кучли бир асосли кислота. Сувсизи беқарор суюқлик. Мол.м. 63,016. Сувсиз Н.к.нинг суюқланиш т-раси — 41,59°, қайнаш т-раси 84°, зичлиги 1,513 г/см<sup>3</sup>. Н.к. сув б-н исталган нисбатда аралашади. Сувсиз Н.к. (98—100%ли) хона ҳароратида тутаб парчаланadi, бунда ҳосил бўлган NO<sub>2</sub> дан ҳаво сариқ тусга киради. Н.к. қайнатилганида ҳам парчаланadi:  $4\text{HNO}_3 \rightarrow 2\text{H}_2\text{O} + 4\text{NO}_2 + \text{O}_2$ . Амалда зичлиги 1,44 г/см<sup>3</sup> бўлган 63—65% ли концентранган кислота ишлатилади. Н.к. — кучли оксидловчи. Шу сабабли металлларга таъсир эттирилганда водород ажралиб чиқмайди. Н. к. металлмасларни ҳам оксидлайди. Концентранган Н.к. металллар ва металлмаслар б-н реакцияга киришганида, ал-батта азот (1У)-оксид ажралиб чиқади. Н.к.да олтин, платина, иридий, радий ва рутенийдан бошқа барча металллар эрийди. Н.к.га хлорид кислота қўшил-са, зар суви

ҳосил бўлади. Н.к.нинг барча тузлари сувда яхши эрийди. Н.к. саноатда аммиакни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади. Азотли ва мураккаб ўғитлар (аммиак селитраси, калийли ва кальцийли селитралар, нитрофоска) и.ч.да, олишда, металлургияда ва б. мақсадларда кенг қўлланади. Концентранган Н.к. портловчи моддалар, сульфат ва фосфат кислоталар, ароматик нитробирикмалар, бўягичлар олишда ишлатилади. Н.к. буғи нафасга тегса за-ҳарлайди, терини қуйдиради. Концентранган Н.к. органик моддаларга текканда портлайди ва ёнгин чиқади.

**НИТРАТЛАР**, металл нитратлари — нитрат кислота HNO<sub>3</sub> тузлари. Рангсиз кристаллар; оддий шароитда барқарор. Юқори т-рада кислород ажратиб чиқариб парчаланadi. Н. парчаланганида таркибидаги металлнинг фаоллигига қараб турлича мақсулотлар ҳосил бўлади. Мас, ишқорий ва иш-қорий-ер металлларнинг Н.и парчаланганида нитритлар ҳосил бўлади ва кислород ажралиб чиқади; оғир металлларнинг Н.и парчаланганида металл оксиди, азот (1У)-оксид ва кислород ҳосил бўлади. Аммоний нитрат NH<sub>4</sub>NO<sub>3</sub>, калий нитрат KNO<sub>3</sub>, кальций нитрат Ca(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub> селитралар деб аталади. Н. нитрат кислотани металллар, оксидлар, гидр-оксидлар ва баъзи тузларга таъсир эттириб олинади. Турли саноат соҳаларида, қ.х.да ўғит сифатида, портловчи моддалар и.ч.да, бўёқчиликда тезоб сифатида қўлланади. Н. заҳарли. Одам ўпкасида шиш пайдо қилади, кўнгилни беҳузур қилади, йўталтиради, ўткир юрак-томир етишмовчилиги ва б.га сабаб бўлади.

**НИТРАТЛАШТИРУВЧИ БАКТЕРИЯЛАР** — аммиак ва аммоний тузларини нитрат кислота тузлари — нитратларга айланттирувчи бактериялар. Н. б. нитратлашув жараёнига сабаб бўлади. Ажралиб чиққан энергияни Н.б. органик моддалар синтези учун ишлатади.

Н.б. тупрокда ва сув ҳавзаларида яшайди. Улар ишқорий ёки нейтрал муҳитли, яхши аэрацияли тупрокдарда ривожланади. Шунинг учун нитратлашув жараёни яхши ишлов берилган тупроқларда жадалроқ кечади. Н.б. муҳитнинг органик моддаларига жуда сезгир ав-тотроф организмлардир. Рус микробиологи С. Н. Виноградский 1890 й.да аммиакни нитритгача оксидаб, ҳужайра синтези учун энергия олувчи (қ. Хемосинтез) ва нитритларни нитратларгача оксидловчи Н.б.ни ажратиб олган.

**НИТРАТЛАШУВ** (лот. nitrum — азот ва facio — бажараман), нитрификация — аммоний тузларининг микробиологик йўл б-н нитратларга айланиш жараёни. Нитратлар ўсимликларнинг азот б-н озикданишидаги асосий шаклдир. Бу жараён тупроқ ва сув ҳавзаларида кечади. Азотнинг табиатда доиравий айланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Н.да аммонийлашув жараёнида бошланган азотли органик бирикмаларнинг минераллашувчи ниҳоясига етади. Н. нитратлаштирувчи бактериялар таъсирида рўй беради. Н. жараёни 2 босқичдан иборат. Н. жараёни фақат сувда эрувчан органик моддаларнинг бўлишига боғлиқ. Н. жараёнига аэрация, тупроқнинг кимёвий таркиби ва реакцияси (муҳи-ти), ҳарорати катта таъсир кўрсатади. Нитрификаторларнинг ривожланиши учун тупроқ, реакцияси рН 5—8 бўлгани маъқул. Тупроқ нами мўътадил (умумий сув сиғимининг 40—70% и мик-дориди), муҳити яхши (нейтрал ёки кучсиз ишқорий), т-раси 28 — 30° бўлиб, шўрланмаган бўлади. Н. жараёни шундай тез кечадики, ҳатто тупроқдаги минераллашган азотнинг асосий қисми нитрат шаклида қолади. Бунда нитрат кислота ўсимликни фақат азот б-н таъминлаб қолмасдан, балки қи-йин эрийдиган минерал тузлар (кальций фосфат)ни осон эрийдиган ҳолатга ўтказишга ва ўзлаштирувчанлигини оширишга катта таъсир қилади. Лекин нитратлар ўзининг яхши эрувчанлиги ту-

файли тупроқнинг пастки қатламларига тушиб ва ювилиб кетади. Етарли аэрация бўлмаганда улар яна денитратлаштирувчи бактериялар ёрдамида молекуляр азотгача қайтарилиши мумкин, бу эса тупроқ, азотининг сезиларли даражада йўқолишига олиб келади (қ. Денитрификация). Жадал Н.да азот йўқолишини камайтириш учун туп-роққа органик ўғитлар солиш керак.

**НИТРАТЛИ ЎҒИТЛАР** - таркибида нитрат шаклидаги азоти бор ўғитлар (қ. Азотли ўғитлар).

**НИТРИДЛАР** — азотнинг электр мусбат элементлар, асосан, металллар б-н ҳосил қилган бирикмалари. Кўпинча Н. деганда таркибида азот ва бирор металл бўлган бирикмалар тушунилади. Н. тузилиши ва хоссасига кўра 3 гуруҳга бўлинади: ион боғли, ковалент боғли ва металл боғли Н. (ёки металлсимон Н.). Ишқорий ва ишқорий-ер металлларнинг нитридлари, Мас, K3N, CaN2, мис ва рух нитридлари ион боғли Н.га киради. В, Al, Si, Ga, Ge каби элементларнинг нитридлари (BN, AlN, SiN4, GaN, GeN4) ковалент боғли Н.га киради. Булар кимёвий таъсирларга чидамли, кийин суюкланадиган ва термик барқарор моддалардир. Металл боғли Н. азотнинг баъзи элементлар б-н бирикишидан ҳосил бўлади. Мас, TiN, Cr2N, TaN, Ta2N ва х.к. W2N, Ti3N, Mn4N ўта каттик, мўрт, кийин суюкланадиган бирикмалар. Н. тех-никанинг турли соҳаларида, жумладан, яримўтказгичлар и.ч.да кенг қўлланади.

**НИТРИЛЛАР** — органик радикаллар б-н боғланган битта ёки бир неча циан гуруҳи —C≡N ни сақловчи органик бирикмалар. Н. изонитриллар + R — N = C изомерларидир. Н. номи, одатда, карбон кислоталарининг номидан келтириб чиқарилади, бунга мисол қилиб ацетонитрил CH3CN ни сирка кислота нитрили, адиподинитрил NC(CH2)4CN ни ади-



пин кислота ди-нитрили деб аталишини кўрсатиш мумкин. Н.ни цианид кислота ҳосилалари сифатида ҳам қаралади ( $\text{CH}_2=\text{NCH}_2\text{CN}$  — аллилцианид ва х. к.).

Н. — рангсиз суюқлик ёки қаттиқ моддалардир. Сувда оз, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди, электрофиллар ва нуклеофиллар б-н таъсирлашади, металллар тузлари б-н ком-плекслар ҳосил қилади, апротон муҳитда галогенводородлар б-н ҳам таъсирлашади, спиртлар ва тиоллар б-н имидаэфирлар ёки тиомидаглар тузларини беради. Карбон кислоталар б-н киздирилган Н. имидларга айлана-ди, аммиак б-н ёки бирламчи ёки ик-киламчи аминлар б-н амидинлар беради, гидроксилламин амидоксим, гидразон эса амидазон ҳосил қилади. Н. магнийорганик бирикмалар б-н бирикиб, магний алмашган кетиминларга, улар эса гидролизланиб (кислотали муҳитда) кетонларга айланади. Н. фос-форнинг галогенли бирикмалари б-н фосфазобирикмалар (иминофосфоранлар) беради. Риттер реакцияси орқали Н.га олефинлар ёки уларнинг функционал ҳосилаларини таъсир эттириш йўли б-н амидлар олиш мумкин. Н.дан тетразоллар, пиридин хреилалари, три-азинлар, иминонитриллар, занжирли кетонлар, аминобирикмалар, альдегид ва б. бирикмалар олинади.

Н. амидларни дегидратлаш, цианид кислота тузларини алкиллаш, углеводородларни аммонолиз қилиш, спиртларга аммиак таъсир эттириш ёки бошқа йўллар б-н олинади.

Н. эритмалар, радикал-занжир реакциялар инициаторлари сифатида, сунъий толалар олишда хом ашё, пластификаторлар, дори-дармон ва пестицидлар и.ч.да қўлланади.

**НИТРИТЛАР** — нитрит кислота тузлари. Ишқорий металллар ва аммоний Н.и кўпроқ, ишқорий-ер металллар, кўргошин ва кумуш Н.и нисбатан кам-роқ ишлатилади. Калий, натрий, барий Н.и сувда яхши эрийди, кумуш, симоб, мис Н.и эса

оз эрийди. Н.нинг аксарияти спирт, эфир ва б. органик эритувчиларда жуда оз эрийдиган термик бекарор бирикмалар. Фақат иш-қорий металлларнинг Н.и парчаланмай суюқланади, қолганлари  $25—300^\circ$  да парчаланади. Н.нинг ажралиш жараёни мураккаб бўлиб, параллел ва кет-ма-кет реакцияларни ўз ичига олади. Асосий газеимон ажралиш маҳсулотлари —  $\text{NO}$ ,  $\text{NO}_2$ ,  $\text{N}_2$  ва  $\text{O}_2$ , қаттиқ моддалар сифатида металл оксиди ёки элементар металл бўлади. Нейтрал муҳитда Н. азот (Н)-оксид  $\text{NO}$  гача қай-тарилади, кислотали муҳитда эса нит-ратларгача оксидланади. Органик гало-генидлар б-н реакцияга киришиб органик Н.  $\text{RONO}$  камда нитроби-рикмалар ҳосил қилади. Саноатда нит-розо газини ( $\text{NO}+\text{NO}_2$  аралашмаси) ишқорий металллар карбонатлари ёки гидроксидлари эритмаларига юттириш (абсорбциялаш) йўли б-н олинади. Бошқа металлларнинг Н.и  $\text{NaNO}_2$  га металлларнинг тузларини таъсир эттириб алмашиниш реакцияси ёрдамида ёки шу металллар нитратларини қайтариш йўли б-н олинади. Азо бўягичлар синтезида, капролактама и.ч.да, озиқ-овқат консервантлари ўрнида, резина и.ч.да, тўқимачилик ва металлни қай-та ишлаш саноатида оксидловчи ва қайтарувчи, амилнитрит  $\text{C}_5\text{H}_9\text{ONO}$  ва б. тиббиётда қон томирни кенгайтирувчи модда сифатида ишлатилади.

**НИТРОАММОФОСКА** - таркибида азот, фосфор, калий бўлган мураккаб донатор ўғит. Унда сувда эрувчан шаклдаги  $12—18\%$  N,  $18—20\%$  дан  $\text{P}_2\text{O}_5$  ва  $\text{K}_2\text{O}$  бор. Н.ни нитрат ва фосфор кислоталарини аммиак ёрдамида нейтраллаб ёки апатитни нитрат кислота б-н парчалаб ва эритмани калий хлорид б-н аралаштириб олинади. К.,х. экинларининг эҳтиёжига қараб N:P:K нисбати ўзгариши мумкин. Н. истиқболли концентранган ўғитдир. Барча тупроқ типларида асосий, экиш олдидан ва озиклантириш ўғити сифатида турли к.х. экинларига қўлланилади. Н. битум шимдирилган қоғоз қошларга со-

линиб, куруқ биноларда сақланади.

**НИТРОАНИЛИНЛАР** - органик бирикмалар. Мол.м. 138,12; сарикрангли кристалл моддалар. Исик, сувда, этанолда, диэтилэфирда, бензол, ацетон, хлороформада яхши эрийди. Ароматик аминлар ва нитробирикмаларнинг хос-саларини намоён қилади. Кучли аорганик кислоталар б-н тузлар беради. 2- ва 3- Н. ишқорлар б-н бирга қиздирилганда таркибидаги  $\text{NH}_2$  гуруҳи  $\text{NH}$ , кўринишида ажралиб чикиб, тегишли нитрофенолларга айланади. Нит-роланганда ди- ва полинитроанилинлар ҳосил бўлади. Булардан 2,4- динит-роанилин (мол.м. 183,12, суюқланиш т-раси  $187\text{—}188^\circ$ , зичлиги  $1,615 \text{ г/см}^3$ ) ва 2, 4, 6- тринитроанилин (мол.м. 229,12, суюқланиш т-раси  $188\text{—}189^\circ$ , зичлиги  $1,762 \text{ г/см}^3$ ) аҳамиятли ҳисобланади. Мононитроанилинлар (азоаминлар) — оч ва тўқ сарик, қизил рангли бўяғичлар олишда, окартирувчи модда, пигмент ва коррозия ингибитори сифатида қўлланади. 2, 4-динитроанилин дис-перс азобўяғичлар, пигментлар и.ч.да, органик синтезда ва б.да ишлатилади. Н. заҳарли. Кўз шиллик пардаси ва те-рига кучли таъсир қилади, терида пиг-ментланиш ва экземага олиб келади, юрак-томир ва марказий нерв система-сига, жигар фаолиятига салбий таъсир қилади, қондаги гемоглобинни метгемоглобинга айлантиради.

**НИТРОБЕНЗОЛ**,  $\text{C}_6\text{H}_5\text{NO}_2$  - сарғиш-яшил мойсимон суюқлик, ачиқ бо-дом ҳиди келади. Мол.м. 123,11. Суюқланиш т-раси  $5,85^\circ$ , қайнаш т-раси  $211^\circ$ , зичлиги  $1,2037 \text{ г/см}^3$ . Кимёвий хос-саларига кўра, ароматик нитроби-рик-маларнинг яққол вакили. Сувда оз эрийди, диэтил эфир, бензол б-н ҳар қандай нисбатда аралашади, бошқа органик эритувчиларда яхши эрийди. Саноатда Н. бензолни концентранган  $\text{HNO}_3$  ва  $\text{H}_2\text{SO}_4$  аралашмаси б-н узлуксиз нитро-лаш йўли б-н олинади. Анилин, тарки-бида азот тутган ароматик бирикмалар

(Мас, бензидин, хиолин, азобензол) и.ч.да хом ашё, целлюлоза эфирлари учун эритувчи, органик бўяғичлар ва б. олишда бошланғич маҳсулот сифатида қўлланади. Н. заҳарли. Тери оркали шимилади, марказий нерв сис-темасига кучли таъсир қилади, моддалар алма-шинувини издан чиқаради, қондаги ге-моглобинни оксидаб, метгемоглобинга айлантиради.

**НИТРОБИРИКМАЛАР** (С-нитроби-рикмалар) — молекуласида углерод ато-ми б-н тўғридан-тўғри боғланган битта еки бир неча нитрогуруҳ ( $\text{NO}_2$ ) сакловчи органик моддалар. Азотли ва кислородли нитробирикма-лар ҳам мавжуд. Оддий нитроалканлар рангсиз суюқликлар, ароматик Н. эса оч-сарикрангли, қайнаш т-раси юқори бўлган су-юқликлар ёки қаттик модда-лардир. Улар ўзига хос ҳидга эга, сувда эрийди, буғ б-н ҳайдалади.

Нитрогуруҳ кучли электронакцептор хусусиятга эга бўлиб, манфий зарядни делокаллайди. Ароматик бирикмаларда индукцион ва мезомер эффекти ту-файли электрон зичликнинг тарқалишига таъ-сир этади. Бунда орто- ва пара-ҳолатларда локалланган мусбат заряднинг маълум бир қисмини ядро ўзига олади. Органик бирикмаларга нитрогуруҳ киритилган-да уларнинг нуклеофиль реагентларга нисбатан реакцион хусусияти ошади, электрофиль реагентлар б-н реакцияси-ни эса кийинлаштиради. Бу Н.ни органик синтезда кенг қўллаш-га, реакцияларни бошқаришга ва керакли йўналишда да-вом эттиришга имкон беради. Н.дан те-гишли тузлар, алкиллаш маҳсулотлари, карбонил бирикмалари, гидроксам кис-лоталари, органик кислоталар, гидрокси-ламин, олефинлар, нитренлар, аминоби-рик-малар, эфирлар, нитрол кислоталари ва б. олинади. Полинитробирикмалар портловчи моддалар тайёрлашда, ракета ёнилгиси компоненти сифатида эритув-чилар, биологик фаол бирикмалар, нефтн и депарафинлашда, инсектицид ва герби-

цидлар и.ч.да қўлланади.

**НИТРОГЛИЦЕРИН**, гли-  
церин тринитрат, тринитрин,  
 $O_2NOCH(CH_2ONO_2)_2$  — глицерин ва ни-  
трат кислотанинг мураккаб эфири. Мол.  
м. 227,14; рангсиз ёпишқоқсуяқлик, зич-  
лиги 1,591 г/см<sup>3</sup> (25° да), қотиш т-раси  
13,2°. Бензинда, сувда эримай-ди, аце-  
тон, эфир ва бензолда яхши эрийди. Гли-  
церинни нитрат ва сульфат кислота ара-  
лашмасида этерификациялаб олинади.  
Н.ни ilk бор 1846 й.да италиялик олим  
А. Собrero синтез қилган. 19-а.нинг  
60—70-й.ларида А. Нобель (қ. Нобеллар)  
таклифига биноан, саноат миқёсида и.ч.  
йўлга қўйилган. Н. жуда кучли портловчи  
модда. Тутунсиз порох, шунингдек, дина-  
мит и.ч.да қўлланади. Тиббиётда спирт-  
даги 1% ли эритмаси ва таблеткаси ишла-  
тилади. Асосан, бош, юрак ва гавданинг  
юқори қисми терисидаги кон томирларни  
кен-гайтиради. Юрак ва мия томирлари  
спазмида буюрилади.

**НИТРОЗОБИРИКМАЛАР** (С -  
нит-розобирикмалар) — молекуласи-  
да углерод атомлари орқали боғланган  
бир ёки бир нечта нитрозогурух —N=O  
тутган органик моддалар. Н., одатда,  
мономер ва димерларнинг мувозанат  
ҳолатидаги аралашмаси кўринишида  
мавжуд бўлади. Мономер Н.ни номлаш-  
да асос бирикмалар номига «нитрозо»  
қўшимчаси қўшилади. Н.нинг аксариси  
димер кўринишидаги ҳолатда бўлади,  
аммо органик қолдиққа электронакцеп-  
тор ўринбосарлар киритилиши мономер-  
лар пайдо бўлишига олиб келади. Димер  
Н.да транс-изомерлар цис-изомерларга  
нисбаган барқарорроқ. Эритмаларда ёки  
киздирилганда димер Н. диссоци-аци-  
яга учрайди. Мономер Н. — газлар ёки  
хаворанг ёки яшил рангли суюқликлар,  
сувда яхши эрийди. Димер Н. — рангсиз  
кристаллар, кутбли эритувчиларда яхши  
эрийди. Н. бирламчи аминларни Каро  
кислотаси таъсирида ёки гидрооксила-  
минларни органик перкислоталар б-н ок-

сидлаш усулида олинади. Гетероциклик  
бирикмалар, аминокислоталар ва б. син-  
тезида, бўягичлар, доривор препаратлар,  
эласто-мерлар, иссиққа чидамли каучу-  
қлар и.ч.да қўлланади. Баъзи Н. мутаген  
ва канцероген фаол моддалар, тери ка-  
салликларини пайдо қилади.

**НИТРОЗОЛАШ** — органик бирик-  
малар молекулаларига нитрозогурух  
— NO бириктириш. Н. электрофиль  
ва радикал механизмлар бўйича амал-  
га ошиши мумкин. Н. реакцияларида  
фаол заррачалар, нитрозоний катиони  
NO<sup>+</sup> ва ра-дикали NO иштирок эта-  
ди. Асосий электрофиль нитрозоловчи  
агентлар — нитрит кислота HNO<sub>2</sub>, ни-  
трозилсульфат кислота ONOSO<sub>3</sub>H, ни-  
трозилгалогенидлар (Mac, NOCl), азот  
оксидлари (NO, N<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, N<sub>2</sub>O<sub>4</sub>), алкил-  
ёки ацилнитритлар, 3-нитрозокарбазол,  
нитрозоний тузлари (асосан, NOBF<sub>4</sub>).  
Радикал механизм бўйича Н.да, одатда,  
азот оксидлари, NOCl, алкилнитритлар,  
баъзан N - нитрозоаминлар қўлланади.  
Н. препаратив синтезларда, Mac, транс-  
формациялашда >CH<sub>2</sub>—> >CO, —> >C  
= =NOH->>CHNO<sub>2</sub>, доривор моддалар,  
каучуқлар учун мономерлар олишда ва  
б.да кенг қўлланади. НИТРОЛАШ —  
органик моддаларга нитрат ва сульфат  
кислоталар аралаш-маси таъсир эттириб,  
нитромахсулотлар ҳосил қилиш реакци-  
яси. Порт-ловчи моддалар, бўёқлар ва  
б. махсулотлар олишда кенг қўлланади.  
Н.да хавфсизлик техникасининг барча  
қридаларига риоя қилиш керак.

**НИТРОЛОҚЛАР** — нитроцеллюло-  
за асосида олинадиган лоқлар. Таркиби-  
да табиий ва сунъий смолалар, пласти-  
фи-каторлар, эритувчилар ва б. бўлади.  
Металл ва ёғоч буюмлар, тери ва б.ни  
бўяшда, эмал бўёқлар (нитроэмаллар)  
тайёрлашда қўлланади. Н.ни ишлатишда  
ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий  
риоя қилиш керак.

**НИТРОМЕТАН**, CH<sub>3</sub>NO<sub>2</sub> — аччиқ

бо-дом қиди келадиган рангсиз суюклик. Мол.м. 61,042. Суюккланиш т-раси — 28,55°, кайнаш т-раси 108,8°, зичлиги 1,1371 г/см<sup>3</sup>. Сувда оз эрийди, азетроп аралашма ҳосил қилади; органик эритувчиларда (алифатик углеводородлардан ташқари) яхши эрийди. Кимёвий хоссаларига кўра, Н. — алифатик углеводородларнинг яққол вакили. Саноатда куйи алканларни (Мас, пропан) 50—70% ли HNO<sub>3</sub> б-н 400—700° да кимёвий реакторда деструктив нитролаш нули б-н олинади. Н. — эфирцеллюлоза локлари ва смолалари учун эритувчи, дизель ёнилғиларига қўшимча, бир компонентли ракета ёнилғиси. Заҳарли. Марказий нерв системасини кучли заҳарлайди.

**НИТРОН** — полиакрилонитрилдан олинадиган сунъий тола. Чет мамлакатларда орлон, акрилан (АҚШ), кашмилон (Япония), куртель (Англия), дра-лон, вольпрюла (ГДР), анилана (ПХР) деган номлар б-н аталади. Н. механик жиҳатдан мустаҳкам (узилишга пишиқ-лиги 35—45 кг/мм<sup>2</sup>), иссиққа анча чидамли. Ҳар хил техник буюмлар ва газламалар тайёрлашда ишлатилади.

**НИТРОФОС**, нитрофосфат — таркибида азот, фосфор бўлган мураккаб минерал ўғит. Унда ўрта ҳисобда 20% дан N ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> бўлади. Олдин апатит концентратини ёки фосфоритларни нитрат кислота б-н, шунингдек, нитрат кислотанинг сульфат ёки фосфат кислота б-н аралашмаси ёрдамида парчалаб, кейин аммиак ёки б. асослар б-н нейтраллаб олинади. Преципитат, аммиакли селитра ва гипедан ёки преципитат, аммофос ва аммиакли селитрадан иборат донача (гранула)лар ҳолида ишлаб чиқарилади. Дондорлиги бир хил, яхши эланади. Н. калийли ўғит ишлатилиши талаб қилинмайдиган тупрокларга солинади. У ҳамма экинлар учун асосий ва экишдаги ўғит сифатида қўлланади.

**НИТРОФОСКА** — таркибида азот,

фосфор, калий бўлган мураккаб минерал ўғит. Унда 12% дан азот, фосфор ва калий бор. Н. фосфор хом ашёси (апатитлар ёки фосфоритлар)ни нитрат кислота б-н парчалаб, унга калий хлорид қўшиб дондорлаш ва қуритиш йўли б-н ишлаб чиқарилади. Ғўзага самарадорлиги оддий ўғит аралашмаси самарадорлигига яқин. Озиклантиришда 50—70 кг/га (азот бўйича) меъёрларда солинади. Н. ёпиқ биноларда қоғоз ва полиэтилен крпларда сақланади.

**НИТРОЦЕЛЛЮЛОЗА**, целлюлоза нитрати — целлюлоза (клетчатка) ва нитрат кислоталарнинг мураккаб эфирлари. Умумий формуласи [C<sub>6</sub>H<sub>7</sub>O<sub>2</sub>(OH)<sub>3</sub>x(ONO<sub>2</sub>)<sub>3</sub>]<sub>n</sub>. Зичлашмаган, оқ ёки сарғиш толасимон масса. Н. энг тўнгич полимер материал, уни илк бор француз кимёгари А. Браконно 1882 й.да олган. Зичлиги 1,58—1,65 г/см<sup>3</sup>, сувда эримайди. Н.нинг қандай мақсадда қўлланиши таркибидаги азот миқдорига қараб белгиланади. Амалда куйидаги турлари қўлланади (кавса азот миқдори берилган): коллоксилин (10,7—12,2%), приоксилин №2 (12,2—12,5%) ва пироксилин №1 (13,0—13,5%). Коллоксилин целлюлоид, пластмасса, фототасма, нитролок, нитроелим ва нит-роэмал и.ч.да, пироксилинлар тутунсиз порох, динамит ва б. портловчи моддалар тайёрлашда қўлланади.

**НИХРОМ** (никель ва хром) — никель оловбардош қотишмалари гуруҳининг умумий номи. Таркибида 65—80% никель (Ni), 15—35% хром (Cr), 1—20% темир (Fe), 0,5—2% марганец (Mn) ва алюминий (3,5% гача), кремний (1,5% гача), углерод, олтингургурт аралашмалари бўлади. Таркибида Fe миқдори 20% дан ортиқ бўлган Н. ферронихром деб аталади. У пастроқ т-рага чидайди. Н.нинг оловбардошлиги жуда юқри (1250° гача), солиштирма электр қаршилиги ҳам анчагина юқри (1,05—1,4 мком.м). Қаршилиқ элементлари, юқри т-рали шароитда ишлайдиган деталлар, баъзан,

реостатлар тайёрлашда ишлатилади (яна қ. Никелли қотишмалар).

**НИЦЦА** — Франциянинг жан. қисмидаги шаҳар, Ўрта денгиз бўйидаги порт. Ницца тарихий вилояти ва Сохилбўйи Альпи департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 345,9 минг киши (1999). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мовий қирғоқдаги муҳим курорт марказларидан. Киши илиқ, қуёшли (янв.нинг ўртача т-раси 7°), ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 22°). Йилга 1000 мм ёгин ёғади. Аҳолисининг катта қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, парфюмерия, мебель, электротехника ва б. саноат корхоналари мав-жуд. Эсдалик буюмлари (сувенирлар) тайёрланади. Шаҳар чеккасида гулчилик ва мевачилик ривожланган. Н.да ун-т, турли музейлар бор. Мемориал ёдгорликлардан 17—18-а.ларга оид собор, черков, саройлар сақланган.

**НИЦШЕ** (Nietzsche) Фридрих (1844.15.10, Реккен, Лютцен яқинида, Саксония — 1900.25.8, Веймар) — не-мис файласуфи, ҳаёт фалсафаси намояндаси. Протестант руҳонийси оиласида туғилди, тақводорлик муҳитида ўсди. Гимназиядаги дўстлари уни «кибодатхонадаги 12 ёшли Исо»га ўхшатиб, «мит-ти пастор» деб аташган. Н. Инжилдан парчаларни ва черков қўшиқларини таъсирчан ижро этган. 10 ёшидан шеърлар ҳам ёза бошлаган. Бонн ва Лейпциг ш.лари-датаълим олди (1864—68). Базель ун-тининг проф. (1869—78). Касаллиги туфайли ун-тдаги ишини ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1871 й.дан Н.нинг саломат-лиги ёмонлашиб, каттиқ бош оғриғига учрайди. 1888 й.да фалаж бўлиб қолади, кўп ўтмай акли заифлаша бошлайди. Сингласи Элизабет Фёрстер-Ницше унга ўлимига қадар меҳрибонлик кўрса-тади, вафотидан сўнг эса Н.нинг ижо-дий мероси ҳақида қайғуради. Н. касал-манд, одамларга қўшилиша олмайдиган, ноқулай инсон

эди. У ўзи хаёлан яратган идеал инсон тимсолига буткул берилиб, танх.олиқда яшашни афзал кўрарди. 1872 й. Н.нинг «Муסיқа руҳидан фожианинг туғилиши» деб аталган 1-китоби босилиб чикди. Бунда у борлиқнинг 2 асосини — бир томондан, «ҳаётийлик», «маишат» ва «фожавийлик»ни ва 2-томондан, «мушоҳадавийлик», «мантиқийлик», «бир томонлама интеллекту алл и к»ни ўзаро қарама-қарши қўйган. Бу китобни замондошлари ғайриилмий асар сифатида рад этишди. Н. 1873—76 йлардаёзилган «Бе-маврид мулоҳазалар»ида Д. Ф. Штраус ва тарихийлик тарафдорларини кескин танқид қилиб, айна вақтда файласуфлардан Шопенгауэр ва Рихард Вагнерни улуғлайди. Бироқ кўп ўтмай, Н.нинг Вагнердан ихлоси қайтади. Н.нинг машхур асари «Зардўшт таваллоси: ҳамма учун ва ҳеч кимга аталмаган китоб»дир (1 қисми — 1883, 1-тўлиқ нашри 1892 й.дачикқан). Ўзининг бу асарини Н. «ин-соният қўлидаги китоблар ичида энг те-рани», деб ҳисоблаган. Н. ўзини инсония-ят имкониятлари чегарасидан ташқарига чиққан онгни ўзида мужассамлаштирган Зардўшт б-н тенглаштирган. Н. «Ҳокимиятга интилиш» китобини ўзининг асосий дастурий асарига айлантиришни ўйлаган эди. Лекин Н. уни тайёрлаш жараёнида туғилган бир қанча фикрлар ва ҳикматли сўзларнигина ёзиб қолдирди. Китобни Э. Фёрстер-Ницше ва П. Гаст тақомил»ига етказиб, 1906 й.дагина нашр этишга муваффақ бўлдилар.

Н. фалсафасига Шопенгауэрнинг волюнтаристик метафизикаси ва Дарвиннинг яшаш учун кураш қонуни катта таъсир кўрсатди. Бу таълимотларга асосланган Н. барча сохта, чиркин, ҳаётга душман бўлган нарсаларни йўққилишга тайёртурувчи янги инсон идеалини яратишга интилди. Унинг фалсафаси яқинлашиб келаётган фалсафий нигилизм ўрнини эгаллаши лозим эди. Н. христи-анликка қарши курашди ва «қуллик ах-локи»ни христианликнинг маҳсули

деб баҳолади. У буржуазияга қарши эди, бу синф ахлоқини сохта ахлоқ деб билли. Н.чилиқнинг метафизик ғояси «барча мавжудотлар, шу жумладан, инсон онгида қам ҳрқимиятга интилиш шакли намоён бўлади, ҳеч қандай мутлак, қаёт йўқ, ҳамма нарса мангу қайтарилишга маҳкум» деган фикрда мужассамлашган. Н. фалсафага «ҳрқимиятга интилиш» ғоясидан ташқари, «барча қадриятларни қайта баҳолаш», «одамларнинг янги наели», «идеал инсон» тушунчаларини киритди.

Н. янги услубий шаклларни топган танқидчи ва шоир, афоризмлар устаси эди. Н. фалсафасининг софистика шакли уни тушинишни қийинлаштиради.

Ундан кейин яшаган файласуфларнинг уқтиришича, Н. фалсафасида узил-кесил ҳақиқат, эътикод деб қабул қилиш мумкин бўлган қодалар йўқ.

Асосий асарлари: «Тарихнинг қаёт учун фойдаси ва зарари тўғрисида» (1874), «Шопенгауэр мураббий сифатида» (1874), «Рихард Вагнер Байрет-да» (1875—76), «Эркин тафаккур соҳиблари учун қўлланма» (1876—78), «Тонг яллиғи» (1881), «Қувноқ билим» (1882), «Ёвуз донишмандлик: ҳикматлар ва доно сўзлар» (1882—85), «Ахлоқнинг моҳияти» (1887).

Ад.: Галеви Д., Жизнь Фридриха Ницше, М., 1991; Цвейг С., Вчерашний мир, М., 1991.

Саида Жўраева.

**НИШ** — Сербиядаги шаҳар, Нишава дарёсининг Жан. Моравияга қуйилиши яқинида. Аҳолиси 176 минг киши (1990-й.лар ўргалари). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Машинасозлик (хусусан, радиоэлектроника), озиқ-ов-қат, тўқимачилик, кимё саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, музейлар бор. Н.дан 10 км жан.-шарқда Нишка-Баня бальнеологик курорти жойлашган ва қад. Византия шаҳри — Медиана харо-балари сақланган. Меъморий ёдгорликлардан 4—5-а.ларда қурилган рим қальаси, ба-

зилика қолдиқлари, 15—18-а.ларга оид бинолар сақланган.

**НИШ**, ўсиш нуқтаси — ўсимликлар новдаси ва илдизининг учки ко-нуссимон қисми. Янги хужайралар ҳосил қилувчи тўқима (меристема)дан иборат. Бирламчи тўқима ва органларнинг шаклланишини, уларнинг ўсишини таъминлайди.

**НИШБОШСОЙ** - Тошкент вилоятидаги сой. Курама тизмасининг шим. ён бағридан, 3550 м баландликдаги унча катта бўлмаган қорликдан бошланади. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 180 км<sup>2</sup>. Юқори оқими — Қашқасой, ўрта оқими Лаш-караксой б-н қўшилгунга қадар Лояк-сой деб аталади. Юқори ва ўрта оқимида чуқур, ён бағирлари тик водийда оқади. Қуйи оқимида 2—3 кўҳна қайири (терраса) бор. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 2,55 м<sup>3</sup>/сек. Суви кўпайганда (март—июнь) сув сарфи 3,52 м<sup>3</sup>/сек.дан 8,66 м<sup>3</sup>/сек. гача ўзгариб туради. Умумий уз. 141 км бўлган 75 та ирмоғи бор. Энг йириқлари: Кичик Қашқасой, Тўрткўл, Парак, Теракли, Бешсандиқ ва б.

**НИШОЛДА** — ширинлик тури. Тайёрлаш усули: сирли идишга шакар ва сув солиб қайнатиб, қиём тайёрланади ва совитилади. Етмак (бех) ўсимлигининг илдизи тозаланади ва майдалаб сувда қайнатилади. Етмак қайнаб чиққандан сўнг, сувни доқадан ўтказиб, мис қозон (ё сирли костреюлька)га солиб бир оз совитилади, бунинг устига тухумнш оқи қўшилади ва чилчўп б-н аралаш тирилади. Ҳосил бўлган оқ кўпикка оз-оздан қиём қуйилади ва чилчўп уриш узокдавом эттирилади. Таъмини яхшилаш мақсадида қиёмга лимон кислота ва ванилин қўшилади. Н.да кристаллашган шакарнинг кумоқлашуви ва қиёмнинг кўпикдан ажралмаслиги Н. тайёр бўлганини кўрсатади. Тайёр бўлган Н.нинг ранги оппоқ бўлиб, махсус ёғоч куракчани ботирганда чўзилиб чиқади.

**НИШОН** — ўқ отиш учун мўлжалга олинадиган табиий ёки сунъий белги. Ҳарбий машқларда, спорт машқларида турли Н.лардан фойдаланилади. Н.нинг доиравий, кўчма радиолокаци-он, автомобиль кузовига ўрнатиладиган, шаклдор, Н. - самолёт, денгизда сузувчи ва муаллақ турувчи артиллерия шчитти ва б. хиллари бўлади. Турли мудофаа иншоотлари (окоп, блиндаж ва б.) дан ҳам Н. сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳаводаги отиш машқларида Н. - парашютларни сим б-н самолётга боғлаб қўйилади.

**НИШОН** (тиббиётда) — одамнинг бирор ташқи аъзоси нуқсони (Мас, тиртиқ лаб, бўри жағ, қулоқдаги ор-тик, ортиқча бармоқ ва б.); яна қ. Майиб-мажрухлик.

**НИШОН ТУМАНИ** - Қашқадарё вилоятидаги туман. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Жан.да Туркманистон, шим. да вилоятнинг Қарши, шарқда Ғузур, ғарбда Касби туманлари б-н чега-радош. Майд. 2,1 минг км<sup>2</sup>. Аҳолией 112,5 минг киши (2003). Н.т.да 2 шаҳар (Таллимаржон ва Янги Нишон), 1 шаҳарча (Нуристон), 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Балхияк, Нишон, Наврўз, Ойдин, Оқолтин, Пахтазор, Қирқду-лоч, Ширинобод) бор. Туман маркази — Янги Нишон ш.

Табиати. Туман ҳудуди Қашқадарё воҳасининг жан.да, Қарши чўлида жойлашган. Ҳудудининг асосий қисми чўл, кир ҳамда адирлардан иборат. Бу ерда Нишон, Гулбодом, Ғовур, Каптарли, Ойдин каби чўл ва яйловлар мавжуд. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 14,8°. Янв.нинг ўртача т-раси 0,2°, энг паст т-ра —15°, июлники 28,8°, энг юқори т-ра 45°. Вегетация даври 230 кун. Окт. ойининг охирлари ва нояб. ойининг бошларидан ҳаво совийди ва намгарчилик бошланади. Йиллик ёғин 180—220 мм. Туман ҳудудидан Қарши магистрал канали ўтган. Таллимаржон сув омбори

бор. Тупроғи асосан, бўз тупрок.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожик, туркман, козок, қорақалпоқ, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 53 киши.

Хўжалиги. Н.т. хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачиликка ихтисослашган. Туманда 377 кичик ва хусусий корхона, 52 акциядорлик жамияти, Таллимаржон ГРЭС қурилиш бошқар-маси, Таллимаржон иссиқлик электр ст-яси шўъба корхонаси мавжуд. Н.т.да 3 ширкат, 1967 фермер хўжалиги фао-лият кўрсатмоқда. 47196 га ер майдони суғорилади, шу жумладан, 24553 га пахта, 18640 га ғалла, 596,6 га сабзавот ва полиз, 1637 га ем-хашак экинлари б-н банд. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 22 минг қорамол, 42,1 минг қўй ва эчки боқилади. Туман марказини хўжаликлар б-н боғлайдиган йўллар ас-фальтланган. Туман ҳудудини Катта Ўзбекистон тракти ва т.й. кесиб ўтган. Нишон—Қарши (25 км) ва б. йўналишларда автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Н.т.да 33 умумий таълим мактаби, агроиктисодиёт коллежи, 3 касб-хунар мактаби, 21 кутубхона, маданият уйлари, стадион бор. Касалхона, фельдшер-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасаларда 156 врач ва 640 ўрта тиббий ходим ишлайди. 1975 й.дан «Нишон тонги» туман газ. чиқади (адади 960).

**НИШОН ЧЎЛИ** - Қашқадарё вилоятининг жан.-ғарбий қисмида (Қарши чўлининг жан.да)ги чўл. Ер юзаси текислик ва қирлар (Қорақир, бал. 500 м гача, Дўлталитоғ, бал. 510 м гача, Алоуддинтоғ, бал. 485 м гача) дан иборат. Қирлар вақтинча сув оқувчи сой ва жарликлар б-н парчаланган. Қорақирнинг сой ва жарлар б-н зич ва чуқур кесилган шарқий қисми «Саксон-дара» деб аталади. Текислик қисмида тақирлар ҳам учрайди. Чўлнинг текислик қисми

тўртламчи давр, қирлар эса бўр ва палеоген даврлари тоғ жинсларидан тузилган. Иклими кескин континентал.

**НИШОНОВ** Бобожон (1930, Фарғона вилояти Риштон қишлоғи) — кулол, Ўзбекистон халқ рассоми (1973). Отаси уста Нишонбой Зоировдан хунар ўрганган. 1941 й.дан «Янги ҳаёт» артелида кулол, рассом, 1970 — 90 й.лардан Риштон бадиий кулоллик буюмлари з-дида рассом. Н. Риштон кулоллиги мактабини ривожлантирди, нақш мужассамотини янги мавзу ва нақшлар б-н бойитди, анъанавий буюмларни маҳорат б-н беади. Н. ишлаган, сирлаб беаган сопол идишлар ва бадиий буюмлар халқаро кўргазмаларда намоиш қилинган; Н. яратган айрим бадиий буюмлар республика музейларида сақланади.

**НИШОНОВ** Рафиқ Нишонович (1926.15.1, Бўстонлик тумани) — сиёсат ва жамоат арбоби. 1951 й.дан туман партия комитети котиби, Тошкент ш. партия комитети бўлим мудири, Тошкент ш. ижроия қўмитаси раиси. Ўзбекистон КП МК котиби (1963—70). 1970 й.дан Шри Ланка Республикаси ва Мальдив Республикасида СССРнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси, СССРнинг Иорданиядаги элчиси. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазири (1985—86). Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1986—88). Ўзбекистон КП МК 1-котиби (1988—89), СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси (1989—91). Н. республикага раҳбарлик қилган йилларда қатъийсизлиги, узокни кўра билмагани туфайли Марказининг Ўзбекистонга нисбатан ғаразли сиёсати ва катагонлари давом этди, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт оғирлашди, миллатлараро адоватлар кучайди, республиканинг маъмурий-худудий тузилиши бўйича волонтеристик қарорлар қабул қилинди.

**НИШОНОВ** Ҳаким Кабиорович (1917.5.12, Андижон) — созанда, ба-

стакор. Ўзбекистон халқ артиста (1989). Тошкент консерваториясини тугатган (1957). Андижон болалар театрида актёр (1933—36), Ўзбек давлат филармониясида созанда (1936—39), Ўзбек ашула ва раке ансамбли (1957—59), «Шодлик» ансамбли (1971—76) бадиий раҳбари, директор ўринбосари (1976—79), Қибрай тумани Дўрмон қишлоғи «Дўстлик тараоналари» халқ ашула ва раке ансамбли бадиий раҳ-бари (1959 й.дан). «Ирода» (С. Жўра ва В. Саъдулла), «Қаҳрамон» (И. Ахмедов) мусиқали драмалар, айрим композиторлар б-н ҳамкорликда симфоник поэма ва сюиталар, шунингдек, хор ва қўшиқлар муаллифи.

**НИШОПУР** — Эроннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Хуросон оstonида. Аҳолиси 160 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Суғорма деҳқончилик қилинадиган р-н (пахта, мойли экинлар; боғлар, тоқчилик; чорвачилик) маркази. Озиқ-овқат ва кўн саноати корхоналари бор. Шаҳар яқинида феруза қазиб олинади. Ша-ҳарга 3-а. ўрталарида асос солинган. Шаҳар номи ни сосонийлар шоҳи Шо-пур I (ёки Шо-пур II) номи б-н боғлайдилар. Шаҳарни 7-а. ўрталарида араблар эгаллаган. 9-а.да Тоҳирийлар давлати, 10-а.да Сомонийлар давлатининг Хуросон ноиблиги пойтахти. Н. 9—12-а.ларда Урта Шарқнинг муҳим икти-содий марказларидан эди. 1153 й.да ўғузлар, 1221 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган, аҳолиси деярли кириб ташланган. 14—15-а.ларда шаҳар қайта тикланди, бироқ иқтисодий аҳамияти пасайиб борди. 1722 й.да аф-ғонлар томонидан вайрон қилинган. Н.да форс шоири Умар Хайём ва Фа-ридудин Аттор яшаб, ижод қилган ва ўша ерга дафн этилган.

**НИШОПУР ТОҒЛАРИ** - Эроннинг шим.-шарқий қисмидаги тоғлар, Туркманистон—Хуросон тоғларининг жан. тармоғи. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа тахм. 350 км га чўзилган. Уртача бал. 3000 м. Энг баланд жойи 3314 м (Кенг-



зошк чўққиси). Кенг ясси водийлар, ботиклар б-н ажралиб турган бир неча тизмадан иборат. Н. т. Гўргон—Машҳад ботиклари орқали Копетдоғдан ажралган. Тоғлар чўқинди ва метаморфик жинслардан, порфирит ва гранитлардан тузилган. Иссиқ сувли булоқлар, феруза конлари бор. Тоғ этаклари чўл, ён бағирлари чала чўл, юқори қисми тоғ даштларидан иборат.

**НИШОТИЙ** Муҳаммаднийёз (18-а., Хоразм) — шоир. Хива мадрасаларида ўқиган. Хоразм хонлигида сиёсий аҳвол оғирлиги туфайли Н. Бухорога келган, ғариблик ва муҳтожликда яшаган. Адабий мероси «Хусну Дил» достони, «Кушлар мунозараси» манзумаси ҳамда 1500 мисра шеър — 38 ғазал, 14 мухаммас, 1 қасида ва мусаддасдан иборат. Лирикаси дунёвий муҳаббат мавзуида. Унда шоир ўз кечинмалари, замона ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ифодалаган, вафо, садоқат, гўзаллик ва нафосатни куйлаган. «Кушлар муно-зараси»да 14 хил қушнинг ўзаро баҳсу мунозаралари орқали ўша даврдаги ижтимоий тузумга хос иллатлар, жа-хрлат, мансабпарастлик ва б. мажозий шаклда танқид қилинган, меҳнат аҳдининг камтарлиги улуғланган. «Хусну Дил» достони (1779) — шоир ижодининг чўққиси. У Шарқ халқлари орасида машҳур сюжет асосида назмда яратилган. Достон 15584 мисра, 62 бобдан иборат. Анъанавий кириш (1—5-боблар)дан сўнг шоир ўзи ҳақида, достоннинг ёзилиш сабаблари, сўз ва унинг қудрати, ҳамсанавислар (Низо-мий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва б.) ҳақида фикр юритган. Асосий қисм 11-бобдан бошланади ва асар хотима б-н якунланади. Ҳақиқат мавзуи — севги. У Хусн ва Дилнинг мураккаб саргузаштларида ўз аксини топган. Ақл, Ишқ, Вафо, Меҳр, Номус, Ҳиммат, Сабр, Рақиб каби образларда кишилардаги муайян хусусиятлар ифодаланган. Достон Хусн ва Дилнинг тўй тантанаси, яъни эзгуликнинг смонлик устидан

ғалабаси б-н тугайди. Асарда Ватанни севиш, халқ-парварлик, маърифат ва адолат, мардлик, севги-садоқат, яхши хулқ-одоб каби ғоялар илгари сурилган.

Достон кўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №1198, 7013, 1997, 1666, 1027), Сам-ДУ (инв. №21828) кўлёзма фондларида сақланади.

Ас: Танланган асарлар, Т., 1960; Хусн ва Дил, Лирика, Т., 1967.

Ад.: Абдуллаев В., Хоксор ва Нишотий, Самарқанд, 1960; Ўзбек адабиёти тари-хи [5 ж.ли], 3-ж., Т., 1978.

**НИШХҶРД** — ҳайвонларга берилган ем-хашак қолдиғи, чикит. Ҳайвонлар концентрат озукалардан (ёрма ҳолдаги дон ва дон чиқиндилари, кепак, кун-жара ва шротлардан), одатда, Н. қолдирмайди. Н. кўк ўтлар, силос, сенаж, пичан, похол ва тўпонлардан қолади. Бундай озукалардан чиқадиган Н. миқ-дорини уларга ишлов бериб едиришга тайёрлаш (ивитиш, буғлаш, майдалаш, минерал қўшимчалар аралаштириш ва б.) йўли б-н камайтириш мумкин. Н.ни камайтиришнинг яна бир йўли ттичанлардан донатор озукалар ва брикетлар тайёрлашдир. Брикет б-н боқилган қора-молларда Н. чиқариш 4% дан ошмайди.

**НИҚОБ** — маскарад, карнавал қатнашчисининг ўзини танитмаслик учун юзига киядиган (кўз ўрни очиб бўлган), баъзан одам башарасини, ҳайвон ёки афсонавий маҳдук бошини тасвирлай-диган махсус крплама. Ҳоз. Н.лар маг-зи сохта, пластмасса, резина ва б. ма-териаллардан ясалади. Н. кад. замонларда ов қилинган ҳайвон ва қушларнинг та-биий каллалари, пўстақлари ва патларидан ясалган. Одам тимсолларини кўрсатишда калла суяклари ишлатилган. Кейинчалик улар ўлган кишини эслаш ва аждодлар рухига сиғиниш б-н боғлиқ маросимларда қўлланувчи шартли тасвирлар б-н алмаштирилган. Юнон ва Рим театрида, Шарқ, мамла-катлари ва кад. Хоразм,

Бактрия, Пар-кона (Даван), Сўғдиёна давлатларидаги анъанавий шаклдаги театрларда Н.дан кенг фойдаланилган. Афросиёб, Холчаён, Ойхоним, Тупроққалъа каби қад. шаҳарлардан топилган Н. тасвирлари шундан далолатдир. Археологик қазилар натижасида Афросиёбдан (1 -а.) қўлида Н. ушлаб турган тўрт актёрнинг тасвири, Тупроққалъадан (3-а.) масхарабоз Н.и топилган. У рта асрларда Н. масхарабозлар театрида кенг қўлланилган. Хоразм масхарабозлари «Хатарли ўйин» деган туркум томошаларида шу кунгача Н.дан фойдаланиб келдилар. Мамлакатнинг бошқа жойларида Н. дор масхарабозлари томошаларида учрайди. Ҳиндистон, Хитой, Япония ва б.нинг замонавий театрларида Н. ўрнига кўпинча ниқобсимон гримлардан фойдаланилади. Шунингдек, бу мамлакатлар ва баъзи Африка халқлари томошаларида от, шер, аждарқо ва б. ҳайвон ҳамда афсонавий мавжудотлар ифодаланган Н. либослар кенг тарқалган (яна қ. Маска).

Мухсин Қодиров.

**НИҚОБЛАШ**, маскировка — ҳарбий ишда — ўз қўшинларини душман разведкаси кузатуvidан яшириш, душманни чалғитиш учун қўлланила-диган тадбирлар мажмуи. Ҳақиқий объектларни яшириш (паналаш), сохта объектлар куриш, чалғитма ҳаракатлар қилиш, радиотехника воситалари б-н ёлғондакам шовқинлар тарқатиш, Н. тўрлари қўллаш, сохта хабарлар тарқатиш, бошқарув пунктларининг ўрнини тез-тез ўзгэртириб туриш ва б. тадбирлар орқали амалга оширилади. Н.даги асосий воситалар: ниқобловчи кийим-бош, бўёқлар, ўсимликлар, ёруғлик, тутун, шовқинлар, тўрлар ва б.

**НИҒМАТОВ** Юсупжон Қўчқорович (1940.1.1, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1963). 1967 й.дан Собир Раҳимов туманидаги 11-, 1968 й.дан Шайхонтоҳур туманидаги 169-, 1974—99 йларда Собир Раҳимов ту-

манидаги 243-мактабда кимё ўқитувчиси. Педагоги к фаолияти даво-мида кимё бўйича ихтисослашган синфлар ташкил этиш ҳамда дарё сифати ва самарадорлигини оширишда ибратли ишларни амалга оширди.

**НИҲОВАНД** — қ. Ўн икки мақом.

**НИҲОЛ** — экилган уруғдан тупроқ, юзасига униб чиққан ўсимлик.

**НОБЕЛИЙ** (Nobelium), No - Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб сунъий кимёвий элемент; актиноидларга киради. Тартиб рақами 102. Барқарор изотоплари йўқ. Масса сонлари 251—259 бўлган 9 та изотопи маълум. Энг узок, мавжуд бўлувчи изотопи —<sup>259</sup>No (T<sub>1/2</sub>=1 соат). Оксидланиш даражеси +2, +3; ион радиуси No<sup>2+</sup> учун 0,11 нм. Огирлик миқдориди олинмаган, хоссалари 10 та атомидан фойдаланиб ўрганилган. Стокгольмда (Швеция) халқаро олимлар гуруҳи 1957 й.да Н. атоми олинганлигини эълон қилди ва уни А. Нобель (қ. Нобеллар) номи б-н аташни тавсия этди. Н.нинг масса сони 252—256 бўлган изотоплари 1963—67 й.ларда Дубна ш.да Г. Н. Флеров бошчилигида олимлар томонидан олинди.

**НОБЕЛЛАР** — швед ихтирочилари ва саноатчилари. Э м Мануэль Нобель (1801.24.3 - 1872.3.9) - сув ости миналари ихтирочиси. 1842—59 й.ларда Петербург (Россия)да яшаган, у ерда механика з-дига асос солган. Альфред Бернхард Нобель (1833. 21.10 — 1896.10.12) — динамит ихтирочиси. Эм Мануэль Нобельнинг ўғли. 1867 й.да динамит тайёрлашга Ан-глиядан патент олган. Динамит ишлаб чиқарадиган корхона эгаси. Кўп мамлакатларда динамит ишлаб чиқариш фкалари курган. Лондон Қироллик жамияти ва Швеция ФА аъзоси. Нобель мукофотлари таъсис қилиш ҳақида васият қилган. Людвиг Нобель (1831.27.7 - 1888.12.4) - корхона эгаси, станоклар конструктори.

Эммануэль Н.нинг ўгли. Петербургдаги отаси асос солган корхонани «Людвиг Нобель» номли йирик машинасозлик з-дига айлантирган. 1871 й. ака-укалари Роберт ва Альфредлар б-н биргаликда Боку (Озарбайжон) да нефть саноати корхонаси (1879 й.дан «Ака-ука Нобеллар ҳамкор-лиги»)га асос солган. Эммануэль Нобель (1859.22.6 - 1932.31.5) - Людвиг Н.нинг ўгли. Петербургда «Ака-ука Нобеллар ҳамкорлиги»ни, «Людвиг Нобель» жамияти ва б. корхоналарни бошқарган (1888—1917).

**НОБЕЛЬ МУКОФОТЛАРИ** - ҳар йили буюк ишлар учун бериладиган халқаро мукофот. Таъсис этувчиси А. Б. Нобелнинг (қ. Нобеллар) васиятига кўра, ундан кейин қолган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди; шу жамғармага ҳар йили келиб тушадиган даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, ирки, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилади (1968 й.да Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати б-н иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган кўшимча Нобель мукофотини таъсис этган).

Н. м. Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқ-дори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ (одатда, 30 мингдан 70 минг долларгача) бўлган маблағдан иборат. Альфред Нобелнинг васиятига кўра, Н. м.ни бериш вазифаси Стокгольмдаги Қироллик ФА га (физика, кимё, иқтисод фанлари бўйича), Стокгольмдаги Қироллик тиббиёт-жаррохлик ин-тига (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академия-1 сига (бадий асарлар бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш 4 йўлида кўрсатилган фаолият учун 1 Н.м.ни Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари беради. Тинчлик мукофотидан

ташқари ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тарзда берилади. Вафот этганларга Н.м. берилмайди. Н.м.ни топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Альфред Нобель вафот этган кун (10 декабрь) да ўтказилади. Биринчи мукофот 1901 й. топширилган. Нобель мукофотини 1901—2003 й.да 565 киши олган.

**НОБИЛЕ** (Nobile) Умберто (1885—1978) — италийн дирижабль конструктори ва саяхатчиси. Р. Амундсен экспедициясида ўзи курган «Норвегия» дирижаблида иштирок этган (1926), «Италия» дирижаблида Шим. кутбга қилинган экспедициясига раҳбарлик қилган. Н. 1932—36 й.ларда СССРда ишлаб, дирижабльсозликка ўз ҳиссасини қўшган.

**НОБИЛИТЕТ** (лот. nobilitas — юқори табақа, оқсуяк) — Рим республикасида мил. ав. 3-а. бошига келиб, патри-цийлар б-н плебейлар ўртасидаги кураш натижасида шаклланган ҳукмрон та-бақа. Н. давлатнинг олий мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга эди. Н. аристократик республиканинг сиёсат анъаналарини сакловчилари ҳисобланган, лекин унинг орасидан сиёсий мухолифлар ҳам чиққан. Императорлар даврида эски Н.га мансублик илгаригидек аҳамият касб этмаган. Кенг маънода (қад. муаллифларда) Н. — «халқ», «қора халқ»нинг зидди бўлган «юқори табақа», «оқсуяк».

**НОВ** — 1) канал, жар, сой ва йўллар устидан сув ўтказиш мақсадида қуриладиган махсус гидротехник иншоот (энсиз, қия сунъий канал, ариқча). Илгари чархпалакда чиқарилган сув Н. орқали экинзорларга юборилган. Н. Ўзбекистон ҳудудида қаддан қўлланиб келинган. Асосан, ёғоч ва тошдан ишланган (қ. Жўйи Арзиз). Ёғоч оқизиш нови ёғочларни битталаб ва кўплаб оқизиш, гидройншоотдан ўтказиш учун мўлжалланади. Балиқ ўтка-з и ш нови тўсиқсиз ва қарши оқимли бўлади. Тегирмон тоши ва ГЭС тур-биналарини

айлантириш, молларга сув бериш ва б. мақсадларда ишлатиладиган Н.лар ҳам бор (яна қ. Акведук); 2) океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиклар. Мас, Мариана нови, Ява нови ва б.

**НОВАДОН АРИҒИ** - Самарканд ш.нинг энг қад. сув манбаларидан бири. Шаҳар ҳудудини шим.дан жан.-га кесиб ўтувчи Н.а. булоқ сувидан ҳосил бўлган. Абу Тохирхожанинг «Самария» асарида «Самар қазирган булоқ» сифатида кайд этилган. Ман-баларда кўрсатилишича, Н.а.дан чиқарилган махсус ариқ орқали мил. ав. 5—4-а.ларда Афросиё'бга сув олиб келинган. Илк ўрта асрларда Н.а. «Чокардиза» номи б-н машҳур бўлган. Ундан сув шаҳарга Жўйи Арзиз орқали олиб ўтилган. Эҳтимол шу туфайли бу сув манбаи — Новадон, яъни «Новали» номини олган.

**НОВАЛИСОЙ** — Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги сой. Писком дарёсининг ўнг ирмоғи. Чорвоқ сув омборида сув сатҳи кўтарилган баҳор-ёз ойларида Н. бевосита сув омборига қуйилади. Угом тизмасининг жан.-ғарбий ён бағирларидаги булоқлардан бошланиб, жан.-ғарбий йўналишда оқади. Уз. 17 км, сув тўплаш майд. 99,4 км<sup>2</sup>. Бешта кичик ирмоқларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ирмоқларнинг энг йириги Яхаксой (11 км). Н. ёмғир ва қўпроқ қор сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 2,85 м<sup>3</sup>/сек. Оқимининг 65—70% март—июнь ойларига тўғри келади. Энг катта сўв сарфи май ойида кузатилади (6,32 м<sup>3</sup>/сек). Тўлинсув даврини ҳисобга олмаганда, суви доим тиник.

**НОВАЯ ЗЕМЛЯ** — Шим. Муз океанидаги архипелаг. Баренц ва Караденгизлари орасида, РФ Архангельск вилояти таркибида. Маточкин Шар бўғози (эни 2—3 км) ажратиб турадиган 2 қатга орол — Шим. ва Жан. ороллардан ва бир қанча майда ороллардан таркиб топган.

Жан.-ғарбдан шим.-шарққа тахм. 1000 км чўзилган. Майд. 83 минг км<sup>2</sup> дан зиёд. Н.З. Урал-Пайхой бурмали областининг шим. давоми ҳисобланади. Палеозой даврининг ётқизикларидан таркиб топган. Музлик, делювий, денгиз, торф-ботқоқ ётқизиклари кенг тарқалган. Энг баланд жойи 1547 м. Ҳамма жойда кўп йиллик тўнғиб ётган музлоқ ерлар бор. Иқлими денгиз арк-тика иқлими, совуқ. Киши узок, ва со-вуқ (—40° гача), кучли шамол (тезлиги 40—50 м/сек) ва бўронлар бўлади. Августинг ўртача т-раси шим.да 2,5°дан жан.да 6,5°гача. Йилига 300—600 мм ёғин тушади. Музнинг калинлиги 300 м дан ортиқ. Оролларнинг бир қисми тундра зонасида. Кўп жойлар ботқоқ. Йўсинлишайник ўсади. Сут эмизувчилардан қутб тулкиси, лемминг, шимол бугуси, оқ айик; денгизларда нерпа, денгиз қуёни, Гренландия тюлени, морж, белуха, треска, сельдь бор. Езда қушлар учиб келади.

**НОВАЯ СИБИРЬ ОРОЛЛАРИ** - Лаптевлар ва Шарқий Сибирь денгизлари орасидаги архипелаг. Саха (Якутия) таркибида. Майд. 38 минг км<sup>2</sup> га яқин. Новая Сибирь ёки Анжу (29 минг км<sup>2</sup>), Ляхов (6,1 минг км<sup>2</sup>), Де-Лонг о.ларидан иборат. Ороллар мезозой бурмала-нишида пайдо бўлган ва асосан, палеозой оҳақтошлари, мезозой сланецлари, қумтошлари ва отқинди жинслардан таркиб топган. Тўртламчи давр аллювиал, кўл-аллювиал, денгиз ва музлик ётқизиклари кенг тарқалган. Рельефи, асосан, аккумулятив текислик, ўртача бал. 60—80 м. Энг баланд жойи 374 м (Котельный о.даги Мала-катин-Тас тоғи).

Н.с.о. иклими нисбатан континентал Арктика совуқ иклими. Қиш 7—8 ой давом этади, қор қоқлами 9 ой эримади туради. Январининг ўртача т-раси —28°дан —3Ггача, июлники 1—3°. Йиллик ёғин 132 мм гача. Ер ости (қазил-ма) музликлари кенг тарқалган.

Тундра ландшафти асосий ўрин тутади. Шимол бугуси, бўри, қутб тул-

киси, оқ айиқ, оқ каклик, лемминг учрайди. Денгизларда моржлар, кояли кирғоқларда «кушлар бозори» бор.

**НОВВОС** - 2-3 ёшли букача. Н. 6-8 ойлигида жинсий етилади. Зотли Н.лар 16—18 ойлигида сигирларни қочиришга қўйилади. Хўжаликларда улғайган Н.лардан 6—8 йил сигирларни қочиришда фойдаланилади. Н.ларнинг аксарият қисми гўшт етиштириш учун боқилади. Н.лар жадал усулда боқилганда 15 ойликдан 18 ойликкача ҳар куни бир кг дан эт олади, экстенсив усулда парваришланганда кунлик ўсиш даражаси паст бўлади. Н.лар тирик вазни 420—450 кг га етганда сўйилади ва гўшт чиқими 58—60% гача боради.

**НОВВОТ** — шакар қиёмидан тайёрланадиган ялтироқ, қаттиқ, рангсиз ёки сарғиш тусли ширинлик. Йирик қанд кристалларидан иборат. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Таркибида 99,75% сахароза (шакар моддаси) бор. Намлиги 1% дан ошмайди.

Н. олиш технологияси: қозонга 2 улуш шакар ва 1 улуш сув (Мас, 10 кг шакарга 5 л сув) солиб, милтиллатиб қайнатиш йўли б-н шарбат ҳосил қилинади. Шарбатни яхшилаб аралаштириб, кўпик ҳосил бўлгунча қайнатилади, кўпикни олиб ташлаб, қайнатиш тўхтатилади. Шарбатга тухум (80—100 кг шакарга 1 л сувга чақилган 1 тухум) қўшилади. Шарбатни яна қайнатиб, кўпиги олиб турилади. Сўнгра махсус қозонга 3—4 қатор оқ ип па-раллел тортилади. Ипларнинг учини бирлаштириб, елим б-н ёпиштириб қўйилади. Бошқа қозонда қайнаб турган шарбат ип тортилган қозонга қўйилади, 1 соатча тургандан кейин шарбат сиртида парда ҳосил бўлади. Қозонни махсус қопқоқ б-н ёпиб, уч сут-ка шу қолича қолдирилади. Бу даврда иплар атрофида кристаллар ҳосил бўлиб, ўса бошлайди. Уч суткадан кейин қопқоқни очиб, қозонда қолган шарбат бошқа идишга қуйиб олинади. Ундан қандолат

махсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Қозон тагига ёпишиб қолган Н. ҳам истеъмол қилинади. Кристаллар ёпишган ипларни қозондан олиб, столда қуритилади. Н. шу ипи б-н сотишга чиқарилади. Бу Н. дури дейилади (65% ча дур чиқади). Н.ни кундалик ширинлик сифатида истеъмол қилиш мумкин.

Ад.: Рустамов А., Восточные сладости и другие сахаристые кондитерские изделия, Т., 1965.

Ҳожиакбар Муслимов.

**НОВГАРЗОН ДОВОНИ** - Оҳангарон ва Фарғона водийларини туташтириб турувчи довон. Қурама тизмасининг сувайирғич қисмида, 2200 м баландликда. Новгарзонсой водийсида. Довоннинг икки томонидаги ён бағирлари арча б-н қопланган.

**НОВГАРЗОНСОЙ** — Тошкент вилоя-ти Оҳангарон туманидаги сой. Оҳанга-рон дарёсининг чап ирмоғи. Қурама тизмасининг шим.-ғарбий ён бағридаги (2800 м) бир қанча майда булоқлардан бошланади. Умумий уз. 55 км бўлган 35 дан ортиқ ирмоғи бор. Юқори окимида водийси чуқур, ён бағирлари тик. Ўрта ва қуйи окимида водийси кенг, 2—3 та қўхна қайири (терраса) бор. Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1 м<sup>3</sup>/сек, фев.—март ойларидан 3—5,5 м<sup>3</sup>/сек.

**НОВГОРОД** — РФдаги шаҳар. Новгород вилояти маркази. Волхов дарёсининг ҳар иккала соҳилида, Ильмень кўлидан 6 км. Москва — Санкт-Петербург автомагистраллида. Т.й. туғуни. Пристань. Аҳолиси 232,4 минг киши (1998). Шаҳар дастлаб 859 й.га мансуб Новгород I йилномасида тилга олинган. Шар-кий Европанинг муҳим савдо йўли ўтган ерда жойлашгани учун йирик савдо марказларидан ҳисобланган. 10-а. да хунармандчилик ривожланган. Н. 1136—1478 й.ларда Новгород феодал республикасининг маркази. Н.га мўғуллар

истилоси даврида шикает ет-маган, шунинг учун миллий маданий бойликлар яхши сақланган. Москва князи Иван III 1478 й. Н.ни Москва княз-лигига кўшиб олди. 1727—1927 й.ларда Новгород губернясининг маъмурий маркази. 2-жаҳон уруши даврида ша-ҳар жиддий зарар кўрди. Шаҳарнинг кўпчилик з-д ва фкалари урушдан кейин қурилган. Саноати: машинасозлик ва металлсозлик (шу жумладан, радиоэлектроника саноати), кимё, ёғочсозлик, озиқ-овқат, енгил саноат. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Шаҳар худудида қад. ёдгорликлардан: София собори (1045—50) ва б. соборлар ва черковлар сақланиб қолган. Археологик қазилмалар натижасида ша-ҳар қурилиши қолдиқлари, ёғоч қрпланган кўчалар, моддий маданият бу-юмлари, береста ёрликлари топилди. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), театр, тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси бор.

**НОВГОРОД ВИЛОЯТИ** - РФ таркибидаги вилоят. 1944 й. 5 июлда ташкил этилган. Россия Европа қисмининг шим.-ғарбида жойлашган. Шим.-Ғарбий иқтисодий р-н таркибида. Майд. 55,3 минг км<sup>2</sup>. Аҳолией 728,7 минг киши (2000), асосан руслар, шунингдек, украин, белорус ва б. миллат вакиллари яшайди. Шаҳар аҳолиси 71,2%. 21 маъмурий туман, 10 шаҳар, 22 шаҳарча бор. Маркази— Новгород ш.

Н.в. рельефига кўра, текислик (ғарбий) ва баланд (шарқий) қисмларга бўлинади. Ғарбий қисми Ильмень бўйи пасттекислиги б-н банд. Жан.-шарқида Валдай қирлари (энг баланд жойи — Рижоха тоғи, 299 м) жойлашган. Иклими мўътадил континентал. Қиши юм-шок, қорли. Январнинг ўртача т-раси — 7°, июлники 16°. Ёзи мўътадил иссиқ. Йиллик ёғин 800 мм гача. Вегетация даври 120—130 кун. Йирик дарёлари: Мета, Ловать, Полисть, Шелонь. Ильмень кўлидан Волхов дарёси бошланиб Ладога кулига қуйилади. Кўл кўп. Туп-

роқлари, асосан, чимли-подзол, шим.-ғарбида ботқоқланган тупроқлар. Вилоят худудининг 50% ўрмон, 7% ўтлоқ, 11% торфли ботқоқзор. Ёввойи ҳайвонлардан лось, тулки, қундуз, норка, сассикқўзан, сувсар, тийин, қуён, бўри бор. Дарё ва кўлларда балиқ тури кўп.

Машинасозлик ва металлсозлик (рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, телевизион системалар, оптик приборлар, ёғочсозлик станоклари, автоматлаштириш воситалари ва б.), ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз (мебель, қоғоз, фанера ва б.), озиқ-овқат (сут-гўшт, консерва, кондитер), кимё (минерал ўғитлар, метанол ва б.), енгил (шу жумладан, зиғирга ишлов бериш) саноатлари, халқ хунармандчилиги — каштачилик («Крестец строчка» ф-каси) ривожланган. Вилоятнинг энг йирик корхоналари: «Акрон», «Квант», «Планета», «Старт», «Волна», «Спектр», (ҳаммаси Новгород ш.да); Боровичидаги ўтга чидамли қурилиш материаллари к-ти, Старая Руссадаги «Староруссприбор» авиаремонт з-длари. Қ.х.да зиғирчилик ва гўшт-сут чор-вачилиги асосий ўринда. Бугдой, жав-дар, сули, толали зиғир, картошка, сабзавот, ем-хашак экинлари экилади. Қорамол, қўй, чўчка, парранда боқилади. 1149 км т.й., 6 минг км га яқин автомобиль йўли, 700 км сув йўли бор. Волхов, Мета дарёлари ва Ильмень, Валдай кўлларида кема қатнайди. 2 олий ўқув юрти, жамоат кутубхоналари, 7 музей, драма театри фаолият кўрсатмоқда. Вилоят худудида Старая Русса бальнеобалчик курорти, санаторийлар бор.

**НОВГОРОД РЕСПУБЛИКАСИ** - Руснинг шим.-ғарби ва шим.да 1136—1478 й.ларда мавжуд бўлган давлат. Пойтахти — Новгород. Хўжалик асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил қилган. Овчилик, асаларичилик, балиқчилик кенг тарқалган. Хунармандчилик деҳқончилик б-н биргаликда олиб бо-рилган. Бошқарув органлари — боярлар кенгаши, епископ

(сўнгра архиепископ), посадник (шаҳар бошлиғи), мингбошиларни сайлайдиган вече бўлган. Князлар вече б-н келишилган ҳолда таклиф этилган ва улар асосан лашкарбошилиқ қилишган. Н.р.да шаҳар аҳолисининг 80 га яқин норозилик чиқишлари, жумладан, кўзғолонлари бўлган. 13—15 а.ларда шведлар ва Ливон ордени агрессиясини муваффақиятли қайтарган. Иван III ҳарбий юришлари натижасида Русь давлатига қўшиб олинган.

**НОВДА** (cornus) — юксак ўсимликлар — дарахт ва буталарнинг асосий органларидан бири. Поя, ундаги барг ва куртаклардан иборат. Н. илдиз сис-темаси б-н биргаликда қирққулоқлар, қирқбўғимлар, плаунлар, очик уруғли ва ёпиқ уруғли ўсимликларнинг танасини ташкил қилиб, новдали ўсимликлар (кормофитлар) деб номланади. Бир йиллик ўсимликлар Н.си фақат бир мавсум, кўп йилликлари эса ҳар хил яшайди ва ҳар йили куртаклардан янги Н. ўсиб чиқади. Ортотроп (ётик ўсадиган) ва, баъзан плагиотроп (ётик ўса-диган) Н.лар фарқ қилинади. Кўпчилик ўсимликларда Н. ёки унинг бир қисми кўриниши ўзгариб (метаморфозга учраб) тиканга (дўланада), туганакка (картошкада), га-жакка (токда) айланган.

**НОВЕЛЛА** (итал. novella) — насрнинг кичик жанри, ҳикоянинг бир тури. Дастлаб кисса ҳажмидаги асарлар ҳам Н. деб аталган. Н. ҳикоядан сюжет ва композициясининг қатъийлиги, тавсифийлиги ва психологик тасвирдан ҳолилиги, воқеаларнинг ғалати ва ҳайратомузлиги, рамзий унсурларнинг мавжудлиги ва б. б-н ажралиб туради. Жаҳон адабиёти классиклари Г. Мопассан, А. П. Чехов, Э. Хемингуэй, немис новеллачилари Л. Тик, Г. фон Клейст ва б. Н.нинг яхши намуналарини яратганлар. Ўзбек адабиётида А. Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хотин», «Думли одам» сингари ҳикоялари ҳажвий Н. жанр талабларига кўпроқ жавоб беради.

**НОВИКОВ** Василий Корнеевич (1907.28.8, Россия Федерациясининг Калинин вилояти Пено тумани Наумово қишлоғи — 1981.20.1, Тошкент) — 2-жаҳон уруши катнашчиси, подполковник. 1941 й. июлдан фронтда. 2-Украина фронтининг 4-гвардиячи арми-яси, 438-танкка қарши қирувчи артиллерия полки командири. 1944 й. 17 фев.да Черкасси вилоятининг Ли-сянка туманидаги Журжинци қишлоғи атрофида қуршаб олинган душман группировкаси б-н бўлган қўл жангида жасорат кўрсатган. 1945 й. 24 мартда Қаҳрамон унвони берилган.

Тошкентдаги Ҳарбийлар қабристонидagi Қаҳрамонлар хиёбонида дафн этилган. Жасорат кўрсатган жойда ёдгорлик белгиси қўйилган.

**НОВИ-САД** — Сербиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Дунай дарёси бўйида. Воеводина мухтор ўлкасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 179,6 минг киши (2000). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Юк ортиб-тушириш ҳажми бўйича мамлакатда Белграддан кейин 2-ўриндаги дарё порти. Н.-С. — йирик саноат шаҳри. Машинасозлик, кимё, фармацевтика, кўн-тери, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Мамлакатдаги муҳим қ.х. районининг маркази. Ун-т, музей, картиналар галереяси, курорт бор. Шаҳарда қ.х. ярмаркалари ўтказилади. 14—18-а.ларда қурилган меъморий бинолар сақланган.

**НОВОДЕВИЧИЙ МОНАСТИРИ** - қад. рус меъморий ёдгорлиги. Аёллар монастири. Смоленскнинг олинчи шарафига князь Василий III томонидан бунёд этилган (1524). Дастлаб Москвани жан. дан ҳимоя қилиш вазифасини ўтайдиган қалъа сифатида қурилган. 16—17-а.ларда аёллар монастири вазифасини ўтаган. Н.м. турли даврларда қурилган кунгурадор деворлар (17-а. охири), ҳашамамли собор (1524—25), ошхона, маликалар па-

латаси, ибодатхона (17-а.нинг 80-й.лари) ва кўп поғонали куркам қўнғирокхона минораси (1689—90) ва б.дан иборат. Уларнинг қурилиш усули ва меъморий безакларида 17-а. рус меъморлигининг ўзига хос томонлари ёрқин акс этган. 1922—34 й.лардан музей худудининг бир қисми рус маданиятининг таникли арбоблари, давлат, жамоат ва ҳарбий арбоблари ва б. дафн этилган Новодевичий кабриситонига туташ. 1994 й. бошларида аёллар монастири тикланган.

**НОВОКАИН** (Novocainum) — рангсиз ва хидсиз кристалл. Сувда ва спиртда яхши эрийди. Н. маҳаллий оғриқсизлантиришда, новокаин блокадасидз. ва б. да қўлланади. Н. қонга юборилганда орга-низмга умумий таъсир кўрсатади: аце-тилхолин ҳосил бўлишини камайтира-ди, вегетатив ганглийларга блокадаловчи таъсир кўрсатади, силлиқ мускуллар спазмини камайтиради, шунингдек, юрак мускули, бош мия пўстлогининг ҳаракат соҳалари кўзгалувчанлигини сустайтиради.

Организмда Н. парааминобензой кислота ва диэтиламиноэтанол ҳосил қилиб гидролизланади. Унинг 5—10% ли эритмаси физиотерапевтик (электрофорез) даволашда ишлатилади. Кўпгина антибиотиклар (Мас, пенициллин)ни эритишда ҳам қўлланади.

**НОВОКАИН БЛОКАДАСИ** - периферик нерв системаси элементларига новокаин эритмаси (0,25% ли) таъсир этириб даволаш усули. Новокаиннинг нерв хужайрасига оғриқсизлантирадиган ва хиёл кўзгатадиган таъсир кўрсатиш хусусиятига асосланган. А. В. Вишневский таклиф этган (1929). Нормал шароитда ва турли патологик ҳолатларда нерв системасининг организмда мод-далар алмашинуви ҳамда хужайра ва тўқималар ҳаёт фаолиятини мунтазам тартибга солиб турувчи таъсири Н.б. усулига асос қилиб олинган. Н.б.нинг бир неча тури бор. Суяк синганида, турли жароҳатларда

Н.б. оғриқсизлантиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бел, бўйин, думғаза блокадаси, шунингдек, ғилоф (оёқ-қўлларга) ва қисқа блокада (патологик ўчоққа яқин нервларга) қўлланади. Бунда новокаин қовурғалараро нерв толяарига таъсир этиб, оғриқ импульслари ўтишини тўхтатади. Суяк синганда, баъзи бир томир ва нерв касалликларида оёқ-қўл суяги яқинида жойлашган нервларга (ғилоф блокада), қовурғалар синганда, кўкрак қафаси жароҳатланганда бўйиндан ўтадиган нервларга, бачадон яллиғланганда эса думғаза суягидан ўтадиган нервларга, шунингдек, невралгия, миалгия, миоцитпарла шприц б-н новокаин эритмаси юбо-риб блокада қилинади.

**НОВОКУЗНЕЦК** (1622-1931 й.ларда Кузнецксібирский, 1932—1961 й.ларда Сталинск-Кузнецк) — РФ Кемерово вилоятидаги шаҳар. Томь дар-ёсининг ҳар иккала соҳилида. Т.й. ту-гуни. Аҳолиси 564 минг киши (1998). Н. 1617 й.да қалъа сифатида вужудга келган. РФнинг металлургия марказларидан бири. 1917 й.гача кичик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Саноати 1929 й. Кузнецк металлургия к-тининг қурилиши муносабати б-н ривожланди. Асосий корхоналари: Кузнецк, Ғарбий Сибирь металлургия к-тлари. Феррокртишмалар, алюминий з-длари ва б. ишлаб турибди. Машина-созлик ва металлсозлик ривожланган. Кимё-фармацевтика и.ч. бирлашмаси, енгил, озик-овқат саноати мавжуд. Тошқўмир қазиб олинади. 2 олий ўқув юрти, 2 театр, 4 музей (шу жумладан, ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари) бор.

**НОВОРОССИЙСК** - РФ Краснодар ўлкасидаги шаҳар. Қора денгизнинг музламайдиган Цемесская қўлтиқчасидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 204,3 минг киши (1998). Н.га 1838 й.да асос солинган. 1973 й. Нсент.да Кахрамон шаҳар фахрий унвони берилган.



Н. цемент саноатининг йирик маркази, шунингдек, машинасозлик ва металлсозлик, ёғочсозлик, озик-овқат саноатлари ривожланган. Давлат денгизчилик академияси, тарихий-ўлка-шунослик музейи бор. Аник, машинасозлик саноати корхоналари мавжуд.

**НОВОРОССИЯ** — Қора денгизнинг Шим. соҳилларини 18-а.нинг 2- ярмидан 1917 й.гача бўлган расмий номи. Туркия б-н имзоланган бир қанча би-тимларга (1739, 1774, 1791, 1812), асо-сан, 18-а.да Россияга қўшиб олинган. «Н.» атамаси янги худудни хўжалик жиҳатдан Россия томонидан ўзлашти-рилиши натижасида келиб чиққан. Россия ҳукумати бу ерларга украин ва русларни кўчириб келтира бошлаган, ко-лонистлар орасида кўплаб немис ва греклар ҳам бўлган. Ҳукумат зўр бериб Н. ерларини нафақат подшо амалдорларига, балки кўчиб келиш шарти б-н «хар қандай паст даражадаги» шахсларга ҳам тарқата бошлаган. Ўлка ҳаётида дехқончилик ва чорвачилик қатта ўрин тутган. 18-а.да Н.да Екатеринослав, Николаев, Херсон, Одесса каби шаҳарлар барпо этилган; 1838 й. 12 сент. да Новороссийск ш.га асос солинган.

**НОВОСИБИРСК** (1903-25 й.ларда Новониколаевск) — РФ даги шаҳар, Новосибирск вилояти маркази, Обь дарёсидаги пристань. Обь дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Н. яқинига Новосибирск ГЭС қурилган ва Новосибирск сув омбори бунёд этилган. Сибирнинг йирик транспорт тугуни. Аҳолиси 1399,4 минг киши (1998). Шаҳар 1893 й.да посёлка сифатида вужудга келган. Шаҳар саноатида машинасозлик ва металлургия (ялпи саноат маҳсулотининг 65%ни беради) асосий ўринни эгаллайди («Сибэлектротяж-маш», «Сибсельмаш», станоксозлик з-длари бор). Қора ва рангли металлургия, кимё ва фармацевтика, енгил, озик-овқат саноатлари, қурилиш ма-териаллари и. ч. ривожланган. ГЭС, метрополитен (1985 й.дан) бор. Россия

ФАнинг Сибирь бўлими, 13 олий ўқув юрти (шу жумладан, 2 ун-т, консерватория), 6 театр (шу жумладан, опера ва балет театри) фаолият кўрсатади. Суратлар галереяси, ўлкашунослик, геол., зоол., Сибирь халқлари тари-хи ва маданияти музейлари мавжуд.

**НОВОСИБИРСК ВИЛОЯТИ** - РФ таркибидаги вилоят. 1937 й. 28 сент. да ташкил этилган. Фарбий Сибирнинг жан.-шарқда жойлашган. Фарбий Сибирь иқтисодий рни таркибида. Майд. 178,2 минг км2. Аҳолией 2744,0 минг киши (2000), асосан, руслар, шунингдек, немис, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 30 маъмурий туман, 14 шаҳар ва 18 шаҳарча бор. Маркази — Новосибирск ш.

Н.в. асосан, Обь ва Иртиш дарёлари оралиғида жойлашган. Васюганье те-кислигининг жан. қисмини, Бараба паёттекислигини эгаллайди, шарқда Салаир қряжига туташган. Ер юзаси текислик, бал. 150—200 м, вилоятнинг фақат шарқий қисмида бал. 300—350 м бўлган Салаир қряжининг этаклари бор (энг баланд жойи 498 м). Фойдали қазилмалари: табиий газ, нефть, тош-қўмир, торф, олтин. Иклими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси жан.да —16° гача, шим.да —20° гача. Ии-лига 300—350 мм ёгин тушади. Вегетация даври шим.да 146, жан.да 160 кун. Асосий дарёси — Обь. Обь дарёсида Новосибирск сув омбори ва ГЭС бор. Қўл қўп. Н.в. қудудининг 28% ботқоқлик. Тупроқлари подзол, сур тусли, ва ўрмон, қоратупроқлар. Қатта майдонни асосан, игна баргли ўрмонлар эгаллайди. Ёввойи ҳайвонлардан шимол бугуси, лось, силовсин, елик, росомаха, қундуз, бўри, тулки, қуён, оқ товушқон, ғоз, ўрдак, қўлларда ондатра, сув каламуши бор.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (станоксозлик — «Тяжстанокгидропресс», «Станоксиб» корхоналари, «Сиблитмаш» з-ди; авиасозлик — авиация

и.ч. бирлашмаси, приборсозлик ва радио-электроника саноати — «Электросигнал» 3-ди, Коминтерн номидаги 3-д, алока, шу жумладан, космик алока воситалари; «Комета», Вега», «Луч» и. ч. бирлашмалари, яримўтказгич при-борлар и.ч., электровакуум, радиодеталлар, конденсатор 3-длари; «Восток» илмий и.ч. бирлашмаси, прибор созлаш 3-ди, «Север», «Химконцентрат» и.ч. бирлашмалари — атом энергетикаси учун аппаратура ва асбоб-ускуналар, ёқилғи энергетика мосламалари; энергетика ва электротехника машина ва асбоб-ускуналари и.ч. — «Электроафегат», «Элсиб» корхоналари, қ.х. машинасозлиги — «Сибсельмаш» и.ч. бирлашмаси; тўқи-мачилик саноат учун асбоб-ускуналар — «Сибтекстильмаш» 3-ди, кора («Новосибпрокат» корхонаси) ва рангли (Новосибирск қалайи к-ти, Новосибирск электрод 3-ди) металлургия. Ку-рилиш материаллари и.ч. (цемент ва асбоцемент маҳсулотлари), кимё, ўрмон ва ёғочсозлик, энгил (тикувчилик, ип-газлама — «Новосибирск ип газлама к-ти»; —трикотаж «Сибирь» корхонаси; кўн-пойабзал: «Коре», «Кожгалантерея» корхоналари), озик-овқат саноатлари ривожланган. Новосибирск ГЭС, Бара-ба ГРЭС мавжуд. Бош саноат шахарлари: Новосибирск, Бердск, Искитим.

Н.в. — Сибирнинг муҳим қ.х. райони. Қ.х. дон-чорвачилик йўналишига эга. Ғаллачилик, озуқа, техника экинлари, картошка, сабзавот экилади. Сут-гўшт чор-вачилиги, паррандачилик ривожланган. Обь дарёсида кемалар катнайди. Автойўллар зичлиги 51 км/минг км<sup>2</sup> (1997). Карачи (Карачи қўли) курорти бор.

**НОВУС**, наус — зардуштийларнинг остондон (оссуарий)ларини саклаш учун лой, тош, ғишдан қилинган иншоот. Зардуштийларда ўликларни ерга қўмиш, сувга ташлаш, ўтда ёқиш ман қилинган. Уликларни қоялар, қумлар устига ташлаб, дахмаларга қўйиб, йирткич ҳайвон ва қушларга едирганлар, суягини осто-

дон ёки хум ва хумчаларга солиб, Н.да саклаганлар. Н.лар 1,5 м кенгликдаги узун охур.

**НОВШАДИЛ** — қ. Аммоний хлорид.

**НОВШАДИЛ СПИРТ**, нашатир спирт — аммиакнинг сувдаги 3—10% Тиббиётда, асосан, 10% ли аммиак эритмаси ишлатилади. Хушдан кетганларга хидлатилади (бурун-ҳалқум шил-лик пардаси нервларига таъсир этиб, марказий нерв системасини кўзгатади), алкоғолдан захарланганларни қустириш учун ярим стакан сувга 5 томчи томизиб ичирилади. Териси ёғли юзни артиш, юз ва қўл терисини юмшатиш учун 0,5% ли эритмаси қўлланади. Микробларга қарши таъсирга эга бўлгани сабабли Н.с.дан баъзан хирургия амалиётида ҳам фойдаланилади.

**НОГИРОНЛИК**, инвалидлик — касаллик, шикастланиш, майиб-мажруҳлик, бахтсиз ҳодисалар туфайли бутунлай ёки маълум муддат меҳнат қобилиятини йўқотиш. Жисмоний ёки аклий нуқсонлари борлиги сабабли ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс ногирон ҳисобланади. Ўзбекистонда Н. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади. Н. меҳнат қобилиятини йўқо-тиш даражасига қараб 3 гуруҳга бўли-ниб, вақтинча (6—12 ой) ёки муддат сиз қилиб тайинланади. 1-гуруҳ Н.га меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган ваб.нинг доимий парвариши, ёрда-ми, назоратига муҳтож бўлган шахслар; 2-гуруҳ Н.га меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган, лекин бошқаларнинг доимий парваришига муҳтож бўлмаган, шунингдек, меҳнат туридан қатъи назар, унда узоқ муддат ишлай олмайдиган шахслар; 3-гуруҳ Н.га меҳнат қобилияти сезиларли даражада пасайган шахслар киради. Ногиронлар давлат нафақаси б-н таъминланади, зарур бўлганда даволанади, уларга протезлар берилади, ишга, маҳсус мактабларга

жойлаштириш учун шароит яратилади. Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш орқали фаол ҳаётга, меҳнатга жалб қилиш долзарб масала ҳисобланади.

ЎЗР қонунчилигида Н.нинг қуйидаги сабаблари назарда тутилади: умумий касалликлар (иш б-н боғлиқ бўлмаган) оқибатидаги Н.; турмушдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида шикастланиш оқибатида юз берган Н.; и.ч.даги жароҳатлар ва касб касаллигига дучор бўлиш натижасидаги Н.; касб касаллигига чалиниш туфайли юз берган Н.; Ўзбекистонни ҳимоя қилиш ёки бош-қача тарзда ҳарбий бурчни бажариш пайтида рўй берган Н.; ҳарбий бурчни бажариш б-н боғлиқ бўлмаган ҳарбий хизматни ўташ давридаги Н. Бу борадаги тартиб-қоидалар ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 24 нояб.даги 317-сон қарори б-н тасдиқланган «Тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари тўғрисида низом»да кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 й. 11 нояб.да «ЎЗРнинг ногиронларни реабилитация қилиш борасидаги чора-тадбирлари Давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг ижроси ногиронларни реабилитация қилиш марказлари системаси (Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш миллий маркази, Таянч-ҳаракат системаси касалликларида ногиронлар реабилитация маркази ва 10 та умумий типдаги ҳудудий реабилитация марказлари) ташкил этилди. Булар жойлардаги ТМЭЖлар б-н ҳамкорликда ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш чора-тад-бирларини амалга оширади.

Ад.: Ўзбекистон Республикасида имтиёзли пенсия таъминоти тўғрисида [норматив ҳужжатлар тўплами], Т., 1994; Ўзбекистон Республикасининг Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга шарҳлар, Т., 1996.

Носир Муҳаммаджонов, Йўлдош Турсунов.

**НОДАВЛАТ СЕКТОРИ** - миллий иктисодиётнинг давлат тасарруфида бўлмаган соҳалари. Н.с. Ғарб мамлакатларида приват, яъни хусусий сектор деб юритилади. Ўзбекистонда хусусий корхоналар, кўшма корхоналар, ширкатлар, кооперативлар, хўжалик уюшмалари, акциядорлик жамиятлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари Н.с.га ки-ритилган. У хусусий мулкнинг устуворлиги б-н ажралиб туради ва унинг миллий иктисодиётдаги ҳиссаси турли мамлакатларда турлича. Н.с. корхоналари, биринчидан, ўзаро бозор алоқалари ўрнатса, иккинчидан, давлат сектори б-н боғланиб, турли ресурслар ва хизматларни сотиб олади. Н.с. хўжаликнинг ҳамма жабҳаларида мавжуд бўлиб, савдо-сотик, хизмат кўрсатиш, к.х., транспорт, қурилиш, истеъмол буюмлари и.ч.да етакчилик қилади, аммо базавий тармоқларда унинг ҳиссаси нисбатан кичик. Н.с. иктисодиётнинг эркин, давлат арала-шувидан холи соҳаси сифатида бозор қоидаларига биноан ривожланади. Бу ерда и.ч. стратегиясини бозордаги талаб ва таклиф нисбати белгилаб беради. Н.с.да даромадлар эркин тақсимланиб ўзлаштирилади. Н.с. ўз товарларини давлат буюртмаларига биноан (бозор нархини ҳисобга олиб), давлат секторига сотади, давлат секторидан эса керакли товар ва хизматларни келишилган нархда сотиб олади. Н.с. эр-кин бўлганидан унга иктисодий фао-лиятни хилма-хиллиги хос. Н.с.нинг иктисодиётдаги ҳиссаси шу сектор корхоналарида жамғариш юз бериб, даромадлар инвестицияга йўналтирилиши натижасида и.ч.нинг кенгайиши ва давлат мулкининг хусусийлаштирилиши туфайли корхоналарнинг Н.с.га ўтиши йўли б-н ўсади. Бу ҳисса 4 кўрсаткичга биноан аниқланади: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ишловчилар сони, капитал маблағлар ва асосий капитал (фонд) миқдори кўрсаткичлари. Булар орасида асосийси — Н.с.нинг ЯИМ дага ҳиссаси ҳисобланади. Ўзбекистон иктисодиётида Н.с. ҳиссаси 2000 й.да

ялпи ички маҳсулотнинг 70,2% ни, банд бўлганлар сонининг 76% ни, корхоналар сони бўйича, 87,7% ни таш-кил этди (1995 й.да тегишлича 67,0, 63,9, 78,3%).

Аҳмаджон Ўлмасов.

**НОДИМ** Намангоний (тахаллуси; асл исм-шарифи Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли) (1844 — Наманган —1910) — шоир. Саидқулибек мадрасасида таҳсил кўрган. Араб, форс тилларини ўрганган. Кўкон ва Тошкентда бўлган, фан-техника янгиликлари, рус маданияти, адабий ва маданий доиралари б-н яқиндан танишган. Бухоро, Самарқанд (1899), Туркия, Миср, Арабистон (1902—03) га саёҳат қилган. Навоийдан ўрганган, ғазалларига тахмис, назиралар ёзган. Муқимий, Муҳйи, Фурқат, Завқий, Муҳаййир, Шавқий каби шоирлар б-н яқин дўст бўлиб, ижодий ҳамкорлик қилган, улар шеърларига мухаммаслар боғлаган. Мумтоз шеъри-ятнинг барча жанрларида, туркий ва форсийда ижод қилган. Ғазалларида инсон гўзаллиги, мухаббат ва вафо, аёллар эркини куйлаган («Соғиндим мен, соғиндингми?», «Мактуби мухаб-бат услуб» ва б.), она-Ватан табиати, унинг гўзаллигини тараннум этган, халқ ҳаётини реалистик акс эттирган, ижтимоий иллатларни фош этган, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган («Баҳор айёми келди», «Давр жав-ридин...», «Баёни дар сафари Тошканд» ва б.). «Шикоятти пахта» шеърида киш-лоқ меҳнаткашларининг ачинарли ҳаётини тасвирлаган.

Ҳажвий асарларида мактанчок, мутақаббир бойлар, чор амалдорлари танқид қилинган («Дар мазаммати замона», «Дар шикоятти қози» каби). Юмористик асарлар ёзган («Без-гак» ва б.).

Н. нинг шеърлари «Туркистон вилоятининг газе-яш»да босилган. Ўзи тузган «Баёзи Нодим»нинг мукамал нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №4179).

Ас: Танланган шеърлар, Т., 1964.

Ад.: Каримов Ф. К., Ўзбек адабиёти

та-рихи, 3-китоб, Т., 1987; Қайюмов П., Тазкираи Қайюмий, 2-дафтар, Т., 1998.

Бегали Қосимов.

**НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСА-СИ** - Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Имомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган (1622—23). Н.д.м. Лаби-ховуз ансамблининг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, хоннинг қарори б-н мадрасага айлантирилган. Унда мадрасаларга хос айвон, масжид ва катта дархона йўк, ҳовли атрофи 4 томондан 2 қаватли кичик хужралар б-н ўралган. Хужраларга ўймақори усулида безатилган эшиклар, эшиклар тепасидаги тобадонга панжаралар ўрнатилган. Ҳовлига пишик ғишт ётқизилган. Бош тарзи май-донга қараган. Олд томонида ховуз бор. Пештоғи ўзига хос маҳобатли ва серха-шамдир. Ундаги ўсимликсимон нақшлар орасида куёшга интилаётган афсонавий хумо куши ва буғунинг ўтлаб юрган тас-вири кошинқори безаклари ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Ҳошияларига, китобасига арабий ёзувлар битилган. Устунгўшаси бурамасимон. Пештоғининг 2 ён қанотидаги 2 қаватли 3 тадан чуқур равоқли пешайвон алоқида зеб бериб пардозланган. Бурчакларидаги 2 гулдас-та равоқлардаги нақшлар б-н ўзаро уй-ғунлашган. Мадраса тархи 52х49 м, ҳовли 34 х30 м. Н.д.м. бир неча марта таъмирланиб, гумбаз, равоқ ва деворларидаги намлиқ йўқотилиб, бузилиб кетган хуж-ралари қайта тикланди. Самарқанд ва Бухоро усталарининг саъй-ҳаракатлари б-н бош тарзи қайта жилоланди.

**НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ** — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (1630—31). Нодир девонбеги маблағига қурилган. Хожа Аҳрор хонакохи ёнида жойлашганлигидан баъзан халқ орасида Хожа Аҳрор мадрасаси ҳамда куёш ва шерлар тасвири туширилгани

учун кичик Шердор Мадраса номи б-н ҳам юритилади. Н.д.м. бир қаватли, ҳов-лиснинг 2 томонида айвон, хужралар, масжид ва дарсхона жойлашган. Бош тарзидаги пештоқ айвон безакларига ўзаро уйғунлаштириб феруза, яшил ва сарик рангларда майда ва жимжима-дор нақшлар б-н нафис безатилган. Гумбаз ости тоқи ва багаллари безагида устанинг ижодий эркинлиги кўзга ташланади. А. Ҳаққулов бошчилигида таъмирланган (1980).

### **НОДИР ДЕВОНБЕГИ ХОНАҚОҶИ**

- Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони Йомқулихоннинг вазири Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган (1620—21). Лабиҳо-вуз ансамблида ҳам ҳовуз б-н бирга бунёд этилган. Пештоғи ҳашаматли, равогининг қаноси анча баланд, улғувор, айрим ерларида кошинларнинг парчалари сақланиб қолган. 2 томонидаги тағи қиррали гулдаста-мезаналар олд кўринишига салобат беради. Хонақоҳнинг 2 ёнидан ҳам хужраларга кирила-диган эшиклари бўлган. Деворлари бир неча бор таъмирлангани (1914—16 й.ларда Бухоронинг охири амири Сайид Олимхон томонидан таъмирланган) дан асл кўриниши ўзгарган. Н.д.х. сим-метрик таркли (27,5X25 м), қираверишда айвон, хонақоҳ (11,2 x 11,2 м) ва унинг ён томонларида 2 қаватли дар-вишлар ётоғи бўлган. Гулдасталар ичидаги айлана зина б-н бино тепасига чиқилади. Хонақоҳ улкан гумбазли, деворларига тахмонлар ишланган. Ундаги серҳашам нақшлар сақланмаган. Пештоқ равоғидаги 3 тобадонни ганҷқори панжаралар безаган. Н.д.х.нинг ҳоз. кўриниши ўзгариб муҳташам, салобатли, қуркам иншоотга айлантирилган.

**НОДИР МЕТАЛЛАР**, сийрак металл — қ. Нодир элементлар.

**НОДИР МЕТАЛЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ** — нодир элементлар б-н бошқа элементларни қўшиб

суюклантириш натижасида ҳосил бўладиган қотишмалар. Н.м.к. учун умумий хоссалар — иссиқбардошлик, коррозиябардошлик, оловбардошлик ва б. Энг кўп ишлатиладиган Н.м.к. жумласига ванадий қотишмалари, вольфрам қотишмалари, молибден қотишмалари, ниобий қотишмалари, рений қотишмалари, тантал қотишмалари, цирконий қотишмалари ва б. қиради. Бу қотишмалар машинасозлик, асбобсозлик, ракетасозлик ва саноатнинг кўпгина бошқа тармоқларида ишлатилади.

**НОДИР ЭЛЕМЕНТЛАР**, сийрак элементлар — ер қатламида жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. Улар 45 га яқин металлдан иборат. Чунончи: литий (Li), рубидий (Rb), цезий (Cs), бериллий (Be), радий (Ra), галлий (Ga), индий (In), таллий (Tl), германий (Ge), ванадий (V), ниобий (Nb), тантал (Ta), селен (Se), теллур (Te), полоний (Po), молибден (Mo), вольфрам (W), рений (Re), скандий (Sc), иттрий (Y), лантан (La) ва 14 лантаноид, актиний (Ac), торий (Th), протактиний (Pa), уран (U) ва инерт газлар. Н.э. нисбатан янги ёки нисбатан кам ўзлаштирилган элементлардир. Н.э. нинг аксариси Ер пўстида оз, баъзилари кўп учрайди, ҳатто уларнинг Ер пўстидаги миқдори турмушда ва техникада энг кўп қўлландиган элементларни-кидан анча ортиқ эканлиги маълум. Мас, бир вақтлар «нодир» ҳисобланган титан элементининг Ер пўстидаги миқдори табиатдаги углерод, азот каби элементларникидан анча ортиқдир. Барча Н.э. Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,2%ини ташкил қилади. Тоғ жинсининг 1 т сида ўртача 65 г литий, 46 г церий, 150 г ванадий, 220 г цирконий бўлади. Н.э. кўпинча, Ер пўстида 2 та, 3 та, 4 та элемент б-н бирга учрайди. Мас, I гуруҳга мансуб Li, Rb, Cs III гуруҳга оид Se, Y каби нодир-ер элементлари б-н, IV гуруҳга оид Ge Zr б-н, V гуруҳга оид Nb Ta б-н, IV гуруҳ элементлари — Mo эса

W б-н биргаликда учрайди.

Ўрта Осиёдаги Н.э.нинг деярли барчаси таркиби мураккаб рудаларда учрайди. Ангрен конидан қазиб олинadиган кумир таркибида галлий, германий, ванадий, молибден, рений элементлари мавжуд. Олмаликдаги Қалмоққир металл конидаги рудалар таркибида эса молибден, рений каби Н.э. учрайди. Бу элементлар жуда оз миқдорда булганлиги сабабли уларни бойитиш ва ажратиб олишининг сама-рали усуллари ва технологиялари ҳозирча ишлаб чиқилмаган. «Қизил-кумнодирметаллолтин» концернига қарашли худудларда уран ва б. актиноид элементлар бор. Айни вақтда саноат миқёсида фақат уран бирикмалари ажратиб олинади. Н.э.дан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган қотиш-малар олишда, оптик асбоблар ва б. ясашда кенг фойдаланилади.

Ад.х Далимов Т. Н., Шаякубов Т. Ш., Троцкий В. И. ва б., Геология и полезные ископаемые республики Узбекистан, Т., 1998; Букин В. И., Ичумнов М. С., Сафонов В. В., Переработка производственных отходов и вторичных ресурсов, содержащих редкие, благородные и цветные металлы, М., 2002.

Омонулла Хўжаев.

**НОДИРА** (тахаллуси; исми Мохларойим) (1792, Андижон —1842, Қўкон) — шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. «Комила» ва «Макнуна» тахаллуслари б-н ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон қокими Раҳмонқулбий — минг қабиласидан, Фарғона хукмдори Олимхоннинг тоғаси. Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1807 й.да Н.га уйлантиради. Н.шу хонадонда шеър езишни машқ қилади, шоира Увайсий б-н танишади, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Н.нинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам Амирий тахаллусида ижод қилган.

1822 й.да Умархон вафот этиб, унинг ўғли, 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга қўтарилди. Лекин дав-

латни, асосан, Н.нинг ўзи идора қилди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Н.нинг замондоши қози Абдунаби Хотифнинг тамомланмай қолган воқеабанд достонида Н.нинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ишонарли далиллар б-н кўрсатиб берилган: «Асар ёзишдан мақсадим Н.нинг оқила, фахмли, илм ва сўзнинг кадрига етадиган донишманд аёл экан-лигини кўрсатишдир... Умархон вафо-тидан сўнг бу ифғат садафининг ин-жуси кунларни хасрату фироқ б-н шу тариқа ўтишини ношукурлик деб билди. У гулистондек Чаҳорчамаи боғига бориб, Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва б. шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди». Н. бир неча китобларни кўчиртирди ва шоирларни янги-янги асарлар ёзишга таш-виққилди. Шоира девонларнинг чиройли ёзилиши, муковасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У яхши ишлаган котибларга тилла калам, кумуш каламдон бериб, уларни «Заррин калам»лик мансабига қўтарган.

Н. бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Гўристонни ка-лондаги Мадрасаи Чалпак, Тақагарлик растасидаги Мох^аройим мадра-сасини бино эттирган. Бухоро амири Насрулло 1842 й.да Қўконга бости-риб кириб, Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Н.ни фожиа-ли равишда ўлдиради.

Н.нинг адабий мероси ўз ғоявий-бадий аҳамияти нуктаи назаридан мумтоз шеърятнинг гўзал намуналаридандир. Унинг тула бўлмаган узбекча девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сацланади (инв.№ 4132). Девонга Н.нинг 109 (ёки 1704 мисра) газали киритилган. Н.нинг узи ёзган де-бочада таржимаи холига оид баъзи муҳим маълумотлар берилган. 19-а.дакўчирилган, ҳоз. Ўзбекистон ФА Тарих музейи архивида сақланаётган девонда Н.нинг «Комила» тахаллуси б-н ёзган 19 (328

мисра) ғазали борлиги аниқланган. 1962 й.да Наманганда шоиранинг мукам-мал девони топилди. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги давлат ада-биёт музейида сақланаётган (инв. № 313) бу девон шоиранинг меросини тўлиқ қамраб олган, дейиш мумкин. Бунда шоира ёзган дебеча мукаммал берилган. Девонда шоиранинг «Ноди-ра» тахаллуси б-н ёзган 180 шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Жумладан, 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиббанд, 1 таркиббанд ва 1 фирокнома ҳам бор. Ўзбекистон ФА Шаркшунослик ин-ти фондида Н.нинг «Макнуна» тахаллуси б-н ёзилган, 333 ғазалдан иборат бир девони мавжуд (инв. № 7766). Бугунги кунда биз Н.нинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик меросига эгамиз.

Н. шеъриятининг асосини лирика ташкил этади. Н. муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. У гўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оху ғиғонларини куйлади. Шоира ўзини ишқ ойнаси деб атар экан, бу ойнада инсоннинг ҳаётга умид б-н қараши, эзгу истаклари ва орзуси акс этган. У муҳаббат Аллоҳ томонидан инсонлар қалбига солинган мангу ёғду эканлигини куйлади:

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,  
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт!

Н.нинг муҳаббат тушунчаси чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Муҳаббат шахсий туйғулар доирасидан юқори кўтарилиб, одамийликни чуқур идрок қилиш воситасига айлантиради. Н. инсоннинг энг юксак фазилати вафодорликда деб билади. Шоиранинг форс-тожик тилидаги мебош радифли ғазалида вафо мавзуи кенг доирада каламга олинади.

Шоира ҳиммат, сабр, қаноат, номус, ҳаё каби ҳислатларни маърифат, яъни Худо васлига эришишни яқинлаштирувчи манзиллар сифатида қайд этади, одам ана шу шарафли ҳислатларни ўз руҳига мукаммал сингдириб олиши ва

уни собиткадамлик б-н кўнгил ганжинасида асрамоғини образли қилиб тасвирлайди. Одамзод шу сифатлардан махрум бўлар экан, у риё йўлига кириб кетади.

Н. ўз ижодида дунёвийлик б-н бир қаторда тасаввуфнинг нақшбандия йўналишига асосланган бир бутунлик орқали инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини ҳам, илоҳий муҳаббат йўлидаги руҳий дунёсини ҳам жуда гўзал ва жонли мисраларда ифодалаб беради. Н. шеърларида ислом руҳи, та-савуф таълими ва ҳаёт фалсафасини чуқур идрок этган ҳолда ҳаётга ҳамма вақт умидбахш нигоҳ б-н қарайди ва ундан яхшилик уруғини қидиради. Н. саройда яшаса ҳам, ўзини маънавий жиҳатдан бахтиёр ҳисоблай олмас эди.

Шунинг учун ҳам у ғазалларидан бирида: «Мени салтанат маснадида кўриб, гумон этманг айшу фароғат б-н», дейди.

Н. олимлар, шоирлар, айниқса, шоираларни ўз ҳимоясига олган. Шоира ўз девонларининг «ҳамнишин олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамлангани»ни ўзбекча девонига ёзган сўзбошисида қайд этиб ўтади.

Н. мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг ўзбекча ва форсийҷатожиқча ғазаллари арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажмда яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми 7—9 байтлидир. Н. мумтоз адабиёт анъаналарини қунт ва ихлос б-н давом эттирган. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига муҳаммаслар боғлаган. Н. ўз ғазалларида кўпроқ «мукар-рар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «кўш мукаррар» усулларида фойдаланган. Асарларида талмех, мажоз, таш-бех, истиора, тазод, тадриж, ташхис, интоқ каби бадий воситалар маҳорат б-н қўлланган.

Н. форс-тожик тилида ҳам гўзал, таъсирчан шеърлар ёзган. Улар ҳам мазмун ва бадий маҳорат жиҳатдан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам

кенг ва тўлароқ ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Н. ижодига бўлган қизиқиш шоира қайтлик давридаёқ бошланган. Машҳур шоира Дилшод (1800—1905) Н.га махсус ғазаллар бағишлаб, уни «килм-адаб і ва назм осмонининг юлдузи, ушшоқлари ғазалхони, шакар сочувчи булбул» деб таърифлайди. Н. ғазалларига жуда «кўп шоирлар назиралар ёзганлар, мухаммас боғлаганлар. Ўзбек адабиётида ва саҳнада Н.нинг бадиий образи яратилди. Ҳ. Раззоқовнинг «Нодира», Туроб Тўланинг «Нодирабегим» мусиқали драмалари саҳналаштирилди. Комил Ёрматов ва М. Мелькумовларнинг сценарийси асосида «Нодирабегим» фильми яратилди. Шоира асарлари рус ва б. чет тилларга таржима қилинган. Ғазаллари ўзбек мақомлари ва халқ куйларига солинган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб кўчалар, кинотеатр, мактаб ва кутубхоналар Н. номи б-н юритилади.

Ас: Шерлар, Т., 1958; Девон, Т., 1963; Асарлар (2 жли), 1-ж., Т., 1968; 2-ж., 1-2-китоб, Т., 1971; Девон (фортожик тилидаги ғазаллар), Душанба, 1967; Увайсий ва Нодира, Т., 1994.

Ад.: Жалолов Т., Ўзбек шоирлари, 1-китоб, 2нашр, Т., 1970; Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, 1967; Қаюмов А., Кўкон адабий муҳити, Т., 1961; Қодирова М., Давр Нодираси (Нодиранинг ҳаёт ва ижод йўли), Т., 1991; Маъна-вият юлдузлари, Т., 2001.

Махбуба Қодирова.

**НОДИР-ЕР ЭЛЕМЕНТЛАРИ,** сийрак-ер элементлари — Менделеев даврий системасининг 111 гуруҳида жойлашган кимёвий элементлар: итрий Y, лантан La ва 14 та лантано-идлар. Баъзан скандий Sc ни ҳам шу элементлар жумласига киритилади. Н.-ер э. табиатда ўзаро бирга учрайди, кимёвий хоссалари ҳам ўхшаш. Кумуш каби оқ, ҳаво кислороди таъсирида оксид парда ҳосил қилганлиги сабабли қораяди. 2 гуруҳчага бўлинади: церий гуруҳчаси (La, Ce, Pr, Nd, Sm, Eu)

ва итрий гуруҳчаси (Y, Gd, Tb, Dy, Ho, Er, Tm, Yb, Lu).

**НОДИРОВ** Бозорбой (1937.7.4, Нукус) — қорақалпоқ хонандаси (драматик тенор). Қорақалпоғистон (1977) ва Ўзбекистон (1982) халқ артисти. Кучли ва жарангдор овоз соҳиби. Нукус санъат бил им юртида ўқитувчи (1969 й.дан), Бердақ номидаги мусиқали драма ва комедия театрида яккахон хонанда (1975—93). Опера саҳнасида Онегин (П. Чайковский, «Онегин»), Але-ко («Алек», С.Рахманинов), Жосус («Ажини-ёз», Н.Мухаммадинов) каби ролларни ижро этган. Концерт репертуаридан қорақалпоқ халқ («Жети аси-рим», «Гулзар», «Тарлан», «Ниго-рим» ва б.) ва бастакорлар («Элим бор», «Жигирма бесте», «Халким», «Туган жерге», К. Абдуллаев ва б.) кўшиқлари ўрин олган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофо-ти лауреати (1987).

**НОДИРОВ** Турди (1936.5.10, Тошкент) — кинореж.-оператор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1973). Москва кинематография ин-тини тугатган (1959). «Ўзбекфильм»да оператор (1959—61), Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида реж.-оператор (1961—86), директор (1976—86). 1989—2002 й.лар «Ўзбекистон видеомаркази» да реж.-оператор, 2002 й.дан Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари. Ижодий фаолиятини 1959 й. «Маҳаллада дув-дув гап» фильмига операторлик қилишдан бошлаган. «Зангори олов кишилари» ҳужжатли фильми (1960) Н.нинг ҳужжатли кинодаги биринчи ишидир. У ўз ижоди давомида 130 дан ортиқ илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар яратди («Салом, баҳор», «Олтин тўй», «Тожихон билан учрашув», «Аския», «Регистон», «Ўн уч қалдирғоч», «Канадада саккиз кун», «Олтин Бенгалия», «Халқ ўйинлари» ва б.). Операторга хос қузатувчанлик, воқеликка ижодий



ёндашув, ҳозиржавоблик, лавҳадаги ҳар бир эпизодни тез илғаб олиш, суратга олиш жараёнида импровизация б-н иш-лаш Н, ижодига хосдир. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1975).

**НОДИР-УЗЛАТ**, Махжур, Ша-риф (тахаллуслари; исми Муҳаммад Шариф) (1743 — ҳоз. Косонсой тумани — ?, тахм. Қўқон) — шоир ва хат-тот. Косонда ўқиб, савод чиқарган, котиблик қилган. Сўнг Қўқонга келган ва шу ерда яшаб крлган. Нодира уни ўз паноҳига олиб, саройда хаттот этиб тайинлаган. Н.-У. туркий ва форсийда ижод қилган, ғазал, маснавий, рубо-ий, мувашшах, таржӣ-банд, таърих, ўлан жанрларида 13 минг мисрадан кўпроқ шеърлар ҳамда «Ҳафт гулшан» достонини (1824—25) ёзган. Лирикаси, асосан, ишқий-фалсафий шеърлардан иборат. Халқ оғзаки ижоди б-н ёзма ада-биёт алоқалари унинг ўланларида ёрқин акс этган. Девон тузган. «Ҳафт гулшан» достони Нодирага бағишланган. Асар 5842 мисра — қамд, наът, чаҳор ёр таърифи, шоир ахволи ва дос-тоннинг ёзилиш сабаблари баёни (кириш) ҳамда 7 мустақил шеърий ҳикоядан иборат. Асарда малика Нодиранинг мамлакат ободончилиги ва илм-фан ривожига кўшган ҳиссаси, унинг юксак инсоний фазилатлари акс эттирилган. Шунингдек, бахтли ҳаёт ва одил шоҳ ғоялари илгари сурилган. Достонда бош мавзу — севги, садоқат тасвири биринчи ўринда туради. «Ҳафт гулшан» ҳамда Девоннинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари Қўқон адабиёт музейи (инв. № 1462, 88), Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №1801, 10114) фондида сақланади.

Ас: Ҳафт гулшан, Т., 1961.

Ад.: Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Ўзбек адабиёти тарихи. [5 ж.ли], 4-ж., 1978; Ғафуржонова Т., Нодир ва унинг «Ҳафт гулшан» достони, Т., 1982.

**НОДИРШОҲ** Афшор (1688.22.10,

Де-реғёз — 1747.20.6, Хабушон) — Эрон шоки (1736—47), кизилбошлиларнит афшор қавмидан бўлган. Хуросонда ҳарбий кўмондон сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1726 й.да сафавийлар шоҳи Тахмасп II (ҳукмронлик даври: 1722—32)нинг ҳарбий хизматида ўтиб, Машҳаддан афғонларни қувиб чиқарган. Хиротдаги афғонларнинг абдал ва Хуросондаги туркман қабилаларига қарши курашда ғолиб келган (1729). Эронни босиб олиш учун уруш бошлаган Усмонли турк султонлигига қарши самарали кураши Н.нинг нуфузини оширган (1730—31). Тахмасп II ни тахтдан ағдариб, унинг ўғли Аббос III ни шоҳ, ўзини эса унга ҳомий (регент) деб эълон қилган (1732). Турклар б-н уруш тугагач, Эрон шоҳи бўлган (1736). Н. Сафавийлар давлати ўрнида Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империя ташкил қилган. Қўшни давлатларга қарши талончилик юришлари ўтказиб, Арманистон, Озарбай-жон, Грузия, Доғистон, Афғонистон, Белужистон, Урта Осиёнинг катта қисми, Шим. Ҳиндистонни босиб олган. Бухоро хонлигига қарши унинг юриши дастлаб муваффақиятсиз тугайди. Н.нинг катта ўғли Ризоқули мирза 1200 кишилик лашкари б-н Амударёдан ўтиб, Қаршини қамал қилган. Муҳаммад Ҳақимбий оталиқ ва Бухоро хони Абулфайзхон шаҳар ичида туриб душ-манга қарши курашганлар. Бухороликларнинг иттифокчиси Хива хони Элбарс (ҳукмронлик даври: 1728—1740) катта қўшин б-н етиб келгач, Ризоқули мирза шошилинч сулҳ тузади ва орқага қайтади (1736). Бироқ Н.нинг ўзи катта қўшинга бош бўлгач, Балхни эгаллаб, Бухоро устига юриш қилганида уни Муҳаммад Ҳақимбий ва ўғли Муҳаммад Раҳим қўллаб-қувватлайди (1740). Бухоро устидан сиёсий ҳокимият ўрнатилгач, у Хива хонлигига қарши юриш қилади. Хонқани эгаллаш пайтида Хива хони Элбарс ўлдирилган (1740). Н. ҳукмронлигига қарши Хива ва Бухорода бир неча марта қўзғо-лонлар кўтарилган.

Эронда ҳам ички низолар ва сарой фитналари кучаяди. Н. Хуросон ноиби, ўзининг жияни Алиқулихон томонидан Машҳадда ўлдирилган. Алиқулихон ўзини Одилшоҳ номи б-н шокдеб эълон қилган. Н.нинг ўлими б-н Эрон давлатининг марказлаштириш жараёни тўхтаб қолган.

Ад.: Мирза Абдал'азим Сами, Тарихи салатин-и мангитийа, М., 1962.

Қаҳрамон Ражабов.

**НОДИРШОҲ** Муҳаммад (1883.9.4 — 1933.8.9) — Афғонистон подшоҳи (1929—33); 1973 й.гача Афғонистонда ҳукмронлик қилган сулола асосчиси. Афғонистоннинг мустақиллик урушида (1919) муқим роль ўйнаган (қ. Инглиз-афғон урушлари). 1919—24 й.ларда ҳарбий вазир, 1924—26 й.ларда Па-рижда элчи; 1926 й. истеъфога чиқиб Францияда яшаган. 1929 й. ватанига қайтиб Бачаи Сақога қарши курашга бошчилик қилган. 1929 й. окт.да Афғонистон подшоҳи (қироли) деб эълон қилинган. Суиқасд натижасида ўлдирилган.

**НОЕВКЛИД ГЕОМЕТРИЯЛАР** - Евклид геометриясидан фаркли бўлган барча геометриялар. Мас, Лобачевский геометрияси, Риман геометрияси, Минковский геометрияси ва қ. к. Текисликда 9 та, фазода эса 27 та геометрия мавжуд.

**НОЗЕМАЛАР** (Nosema) — микроспо-ридиялар типига мансуб бир хужайралилар уруғи. 120 га яқин тури бор. Ҳайвон тўқималари, органлари ёки орга-низмни зарарлайди. Типик тури ипак курти ноземаси споранти 2 ядроли спора ҳосил қилади. Тут ипак куртида пеп-рина (қорасон) касаллиги пайдо қилиб, куртларнинг ялпи кирилиб кетишига сабаб бўлади. Асалари ноземаси асаларида ичбуруғ пайдо қилади; арилар оиласининг ёппасига кирилиб кетишига сабаб бўлади. Одам ҳам нозематоз б-н зарарланиши ва ҳалок бўлиши мумкин.

**НОЗИГАРДОН** (форс. — бўйин безаги) — заргарлик буюми; аёлларнинг бўйинга тақадиган тақинчоғи. Н. марказий турунж, унинг 2 ёнидан 2 та дан 4 та мурабба шаклли, 1 тадан учбурчак шаклли япроқчаларнинг ўзаро 5—6 қаторли занжирлар б-н бир маромда маълум ораликда бирикишидан ҳосил бўлади; япроқчаларнинг ён томонларига балиқ ва б. шаклли шокилалар осилади. Турунж ва япроқчалар бир томонлама сиркори усулида ишланиб, ўсимликсимон нақшлар б-н безатилади, баъзан кўзлар қадалади. Марказий турунжга бир-бирига қараб турган қанотларини ёзаётган икки куш шакли ўрнатилади. Самарқандлик усталар ясаган Н. енгил кўринишга эга; турунж ва япроқчалар панжарали (тўрсимон) усулда ясашиб, зиғирақлар, баъзан феруза кўзлар б-н зийнатланган.

**НОЗИКНИҲОЛ**, космос, космея (Cosmos) — мураккабгуллилар оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўтлар туркуми, экма гул тури. 25 тача тури Америкада учрайди. Бўйи 1 м ча, по-яси шохланган, барги кўш патсимон қирқилган; тўпгули узун гулбандли са-вагча, гуллари оқ, пушти, кизил, икки жинсли. Ме-васи тез тўкиладиган пис-тача. Уруғлари март—апр. бошларида очик ерга экилади. Ўзбекистонда Мексикадан олиб келинган бир йиллик кўшпатли Н. (*C. bipinnatus* Cav.) ва са-рик гулли Н. (*C. sulphureus*) манзарали ўсимлик сифатида баҳорда экилади. Гулзорларда ўстирилади, гулда-сталар яшаш учун ишлатилади.

**НОЗИЛ**, Нозил Хўжандий (тахаллуси; исм-шарифи Авазмуҳаммад ибни Ҳожимуҳаммад) (1788, Хўжанд — 1876, Қўқон) — шоир. Дастлабки маълумотни Хўжандца олгач, умрининг охиригача Қўқонда яшаган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Асарларининг мавзуи бой ва ранг-баранг. Хажвий асарлари Махмур ҳажвиясига ҳамоҳанг. Ҳажвий шеърларини «Ҳашвиёт-нома» китобига жамлаган. Асар 3297 мисра

—100 ҳажвий шеър: 49 мухам-мас, 33 ғазал, 12 мусаддас, 3 рубойи, 1 мурабадан иборат. Шуларнинг 91 таси ўзбек тилида. Уларда амалдорлар, маккор шахслар, такаббур бойлар, майхўрлик ва бангилик танқид қилинган.

Н. халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни тўплаб, тўртликлар яратган ва уларни «Зарбулмасал» деб номлаган. Асар ўзбек ва тожик тилларида. 3000 ирсолул масал рубойини ўз ичига олган. Унда одамийлик, меҳр-мухаббат улуғланган, камчилик ва нуқсонлар танқид қилинган. Асардаги ҳикматли сўз ва мақолларнинг кўпчилиги Гулханийда учрамайди. Н. асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшу-нослик интида (инв. №12080), Тожи-кстон ФА Шарқшунослик интида (инв. №1033) сақланади.

Ад.х Шодиев Э., Алишер Навоий ва Хўжанд шоирлари, Т., 1981.

**НОЗИМ** Мулла Билал (1825, Ғулжа — 1899, Ёркент) — уйғур шоири. Ғулжа мадрасида ўқиган. Хаттотлик қилган. Араб, форс тилларини яхши билган. 1851 й. «Ғазалиёт» девонини тузган. Манжур-хитой босқинчиларига қарши 1864—67 й.лардаги Или қўзғолонига бағишланган «Китоби ғазот дар мулки Чин» («Чин империясидаги урушлар ҳақида китоб», 1876) тарихий достонида уйғур халқининг миллий қахрамони Содир Полвон жасоратини мадҳ этган. Халқ ҳикояси асосида ёзилган «Чонг мўза Юсуфхон» («Чўкки кулоҳли Юсуфхон», 1881) достони ва «Нозугум» (1882) қиссасида адолат ва эркинлик, кишиларнинг бахт-саодат ва ёрқин келажак ўлидаги кураши акс этган.

**НОЗИМ ҲИКМАТ РАН** (Nazim Hikmet Ran) (1902.20.1, Салоники - 1963.3.4, Москва) — турк шоири ва жамоат арбоби. Турк шеърятига янги ритм ва эркин шеър жанрини олиб кирган. Ҳарбий-денгиз билим юртида ўқиган. «Қирқ ҳаромилар асири» шеъри (1920)

Туркиянинг мустамлакачилик кишанларига тушаётганига қарши ёзилгани учун инглизлар ва султон саройи томонидан таъкиб этилган. Н. Ҳ. Р. шу йили инглизлар забт этган Истанбулни тарк этиб, Анатолияга кўчиб ўтади. Ғарб давлатларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ғоялари таъсирида Москвага келиб (1922), Шарқ халқлари меҳнаткашлари коммунистик ун-тида ўқийди. Ваганига қайтгач (1924), адабий фаолият б-н шуғулланади. 1927 й. коммунистлар ва уларга маслакдош кишиларнинг қувғин қилиниши б-н Н. Ҳ. Р. яна шўролар мамлакатига келади. Шoirнинг «Қуёш ичганлар қўшиғи» номли дастлабки шеърый тўплами Бокуда чоп этилади (1928). Н. Ҳ. Р. будаврда В. В. Маяковский эстетикаси таъсирида интим туйғулар тасвиридан онгли равишда қочиб, минбар шеърят намуналарини яратади. Шу йили Туркияга қайтиб, газета таҳрири-ятида ишлайди, Н. Ҳ. Р. шу йилларда «835 сатр» (1929), «Варан-3» (1930), «Сасини йўқотган шаҳар» (1931) шеърый тўпламлари, «Жиоконда ва Си-Я-у» (1929) романи, «Бенержи ўзини нега ўлдирди?» (1932) шеърый романи, «Бош чаноғи» (1932), «Унутилган одам» (1935) пьесаларини ёзиб, нафақат Туркия, балки ер юзида рўй бераётган муҳим воқеаларга муносабат билдиришга уринади.

Н. Ҳ. Р. умрининг аксар қисмини қувғинда ўтказган ва жами 17 й. қамоқда яшаган. Шу даврда у 20-а.нинг ўзига хос поэтик тарихи — «Инсон манзаралари» (1941) эпо-пеяси, «Турмадан хатлар» шеърый туркуми, «Бир севги афсонаси» (1965) ҳамда «Юсуф ва Зулайҳо» пьесаларини яратган.

1950 й. жаҳон жамоатчилиги Н. Ҳ. Р.нинг озод этилишига эришди. У яна шўролар мамлакатига кўчиб келиб (1951), адабий ва ижтимоий фаолият б-н шуғулланади. «Туркияда» (1952), «Анойи» (1955), «Бекат» (1958), «Гартиф-59» (1959), «Дамокл қиличи» (хотини С. Тулякова б-н ҳамкорликда, 1960)

сингари пьесалар, шеър ва дostonлар ёзади.

Ўзбекистонда Н. Ҳ. Р. ижодига кизиқиш 1928 й.даёқ бошланган. Фафур Гулом, Шайхзода, Миртемир ва б. Н. Ҳ. Р.нинг кўплаб асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Туркия ҳақида ҳикоя» пьесаси ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театрида, «Бир севги афсонаси» пьесаси асосидаги балет эса Навоий номидаги давлат академик кат-та театрида сахналаштирилган.

Н. Ҳ. Р. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатининг қатнашчиси, Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюроси (1951) ва хайъати (1959) аъзоси, Халқаро тинчлик мукофоти совриндори (1950).

Ас: Шеърлар, Поэма, Пьеса, Т., 1953; Бир севги афсонаси, Т., 1955; 65 шеър, Т., 1962; Сурур [роман], Т., 1966; Инсон манзаралари, Т., 1982; Қон гапирмас [роман], Ошиқ булут [эртақлар], Т., 1987.

Ад.: Бабаев А., Назым Хикмет, М., 1957; Фиш Р., Назым Хикмет, М., 1968.

Наим Каримов.

**НОЗИМАХОНИМ** (1870 – Тошкент — 1924) — шоира. Ўзбек аёллари орасидан чикқан биринчи журналист-публицист. Татар, араб ва форс тилларини ўрганган. Оренбург ва Қозонда чиқиб турган мағбуотни мунтазам кузатиб борган. Европа адабиёти ва маданияти б-н таниш, эркпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиётини, айниқ-са, Саъдий, хофиз асарларини ўқиган.

Шеър ва мақолалари 1900 й.дан мағбуотда босилган. 20 ёшларида шоира «бешёғочлик Нозимахоним» номи б-н машхур бўлган. Тараққиёт, маърифат ва маданиятни ташвиқ этувчи шеър ва манзумалари, жаҳолат, бидъат-хурофотни фош этувчи асарлари, замонасидаги ижтимоий тенгсизлик ва авж олган миллий истибдоддан кескин норозилик баён қилинган ўткир ҳажвий шеърлари «Шухрат», «Садойи Туркистон», «Тараққий» каби газларда мун-

тазам чиқиб турган. Шоира меҳнат-каш халқнинг миллий озодлик ҳара-катини қўллаб-қувватлаган, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида асарлар ёзган, жаҳолат ва зулм поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-хуқуқларини талаб қилиб чикқан («Инсонга қанча эрк даркор?», «Илм ва маориф борасида бир-икки сўз», «Хотинлар ҳуқуқига оид» ва б.).

Н. шеърляти 1905—17 й.лар ўзбек адабиётининг етакчи тамойилларини аниқлашда, 20-й.лар ўзбек шеърлятининг характерли хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Қосимов Б., Миллий уйғониш, Т., 2002.

**НОЗИР** (араб. — назоратчи) — 1) қилинаётган ҳаракатнинг тўғрилигини, қонун, қарор ва низомларнинг бажаррилишини назорат қиладиган мансаб-дор шахс, инспектор; 2) Туркистонда 20-а. бошларига қадар меросни сакловчи ҳомий; 3) БХСР ва ХХСРда вазириликни бошқарувчи масъул шахс — вазир. Н.лар киритилган ҳуқуқат Нозирлар шўроси деб аталган ва у олий ижроия қўмитаси саналган; 4) баъзи араб мамлакатлари (Мас, Миср)да вилоят бошлиғи.

**НОИНИЙ** Боқияий (16-а.нинг 2-ярми — 17-а.) — ўртаосиёлик созанда, шоир ва мусикашунос. Ўрта Осиё ва Шим. Ҳиндистонда яшаган. Кавкабий Бухо-рийнинг издоши. Форс тилида битилган шеърлий девон, фалсафий рисола ва «Замзамайи ваҳдат» («Муштарак наволари») мусика рисоласи Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сакдана-ди (инв. №10266/11, тахм. 1654). Рисола дебоча, муқаддима, 6 боб ва хулосадан иборат. Унда мусулмон Шарқ маданиятида ривож топган Ўн икки ма-қом тизими (6 овоза, 24 шўъба, 48 ғўша) ва ҳинд мумтоз мусика парда ту-зилмалари (6 рага, 30 рагини ва б.), мусика жанрлари (дубайт, пешрав, кор, амал, шунингдек, гита, ханд, хайал, фарси ва б.), мақом ва

рагаларнинг мазмун доираси, ижро этиш шароитлари (муайян вақти) масалалари ёри-тилган. Мазкур рисолада, айниқса, муаллифнинг Ўрта Осиё ва Шим. Хиндистон минтақалари мусиқа анъаналарининг ўзаро муносабатлари (яқинлиги) масаласига эътибори аҳамиятлидир.

**НОИН-УЛА** — хун зодагонлари қабристон (мил. ав. 1-а. — мил. 1-а. боши). Шим. Мўғулистондаги Ноин-Ула тоғида (Улан Батордан 130 км шим.д.) жойлашган. 1924—25 й.ларда археолог П. К. Козлов, кейинчалик МХР Фанлар комитети томонидан қазилма ишлари олиб борилган. Қабристонда 200 дан ортиқ квадрат шаклдаги катта мозорқўрғонлар (бал. 2 м гача) бор. Мозорқўрғонлардан хунлар даври мадани-ятини акс эттирувчи бой топилмалар чиққан. Бу даврда хун зодагонлари Хи-тойдаги Хань сулоласи б-н яқин маданий ва қариндошлик алоқаларида бўлганлар. Мозорқўрғонлардаги қабрлар ҳодалардан ишланган. Қабрлардан хунларга тегишли қурол-яроғ, рўзгор ашёлари, кийим-кечак, санъат буюмлари б-н бирга хитойликларга оид кўплаб жез, нефрит, усти локланган ёғоч буюмлар ва катта миқдорда ипак матолар топилган. Н.-У. дан чиққан юксак бадий қимматга эга бўлган жун матолар, айниқса, диққатга сазовор; улар Бактрия, Парфия, Кичик Осиёдан келтирилган бўлиб, Шарқ б-н Ғарб ўртасида бу даврда Буюк ипак йўли ор-қали олиб борилган кизғин савдо ало-қалари натижасида хунларда пайдо бўлган.

**НОЙИБ**, ноиб (араб. — ўринбосар, ёрдамчи) — ўрта асрларда мусулмон давлатларида тобе ўлка ёки вилоят ҳокими. Н.лар, одатда, олий ҳукмдорнинг ўринбосари ҳисобланган. 1) Ол-тин Ўрдада Н. хоннинг йирик вилоятларидаги ёрдамчиси (Мас, Хоразмда). 2) Муҳаммад Хоразмшоҳ тўнғич фарзанди Жалолиддин Мангубердига Ғазни, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Замин Давор камда қўшни Хинд ерларини

бошқаришга берган. Бирок, Жалолиддинни Урганчдан узоклаштирмаслик мақсадида Кузбар Маликни номи зикр этилган мамлакатларга шахзоданинг Н.и этиб жўнатган. 3) Амир Темур салтанатида соҳибқироннинг фарзандлари, неваралари, яқин сафдошлари турли ўлка ва вилоятларга Н. этиб тайинланган. Н. унга ишониб топширилган ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳолати учун масъул ҳисобланган. 4) Озарбайжонда Окт. тўнтаришидан (1917) олдинги маҳаллалар (мағаллар) бошлиғи. 5) Туркия султонлигида қози ва мулла ўринбосари. 6) 20-а.да Н. ата-маси Эрон ва Афғонистонда турли ҳарбий унвонларни англаган (Мас, «нойе-ебе аввал» — катта лейтенант, «нойебе сарҳанг» — подполковник).

**НОК** (Рус) — раъногулдошлар оиласига мансуб барг тўқувчи дарахтлар ёки буталар туркуми, мевали дарахт. Евросиёнинг мўътадил ва субтропик мин-тақалари (Шарқий ва Кичик Осиё, Кавказ, Жан. Европа)да 60 га яқин тури учрайди. Ўрта Осиё, Россиянинг жануби, Узок Шарқ, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи, Молдавияда 40 га яқин тури ўсади. Н. қадимий маданий ўсимлик. Дастлаб Эрон ва Арманистонда маданийлаштирилган деган тахминлар бор. Европа мамлакатлари, Американинг мўътадил иқлимли ҳудудлари (ай-ниқса, АҚШ)да, Африка, Австралия, Жан. Шарқий Осиёда кўп экилади. Дунё бўйича уруғли мевалилар ичида (экилган майдони жиҳатидан олмадан кейин) 2-ўринда турди. Хитой, Италия, АҚШ, Испания, Туркияда нокзорлар кўп. Н.нинг маданий навлари оддий Н. ёки ўрмон Н.и (P. communis), қор Н. (P. nivalis), Буасье Н. и (P. boissieriana), Коржинский Н.и (P. korshinskyi), кумокди ёки кечки Н. (P. serotina), ус-сурия Н.и (P. ussuriensis) ва б. турларга мансуб. Н.нинг оддий ёки урмон Н. тури кенг тарқалган. Ўзбекистонда Коржинский ноки мурут, олмурут (P. Korshinskyi Litv.); туркман ноки (P.

turcmanica Maleg.) тоғ ён бағирларида ёввойи қолда ўсади. Н. дарахти 50—300 йилгача яшайди, буйи 15—20 м га етади; шох-шаббаси ихчам, пирамида шаклида. Н. ёруғсевар, қурғоқчиликка ва совуққа ўргача чидамли. Н. қумли, шўрланган ерлардан бошқа ҳамма жойда яхши ўсади. Илдизи кам тармокли ўқ илдиз, асосий қисми тупрокнинг 20—80 см қатламида жойлашади. Барглари тухумсимон, туксиз, яшил, ялтирок, чети арра тишли. Гуллари оқ, баъзан пушти ёки кизил. Меваси турли шаклда, вазни 25—300 г, баъзан 500—700 г, ранги сариқ, яшил, пушти, зар-ғалдоқ ва б. Меваси янгилгида ейилади, қоқи, жем, компот, мураббо қилинади. Таркибида ўргача 80% сув, 10,4% канд, 0,3% органик кислоталар, 0,03% ошловчи моддалар, 2,6% клетчатка, 0,4% азотли моддалар, В, С витаминлари, А провитамини бор. Асалширари дарахт, айрим турлари ёғочидан мусика асбоблари ясаллади.

Н. пайвандлаш йули б-н кўпайтирилади; пайвандтаг ёввойи Н. ёки беҳи уруғларини ўстириб тайёрланади. Нокзорлар икки йиллик кўчаклардан бар-по этилади. Кучли пайвандтагга уланганлари 8x6 (7—6x4—2,5) м, пакана пайвандтагга уланганлари эса 6x4 м, 3,5x2,5 м схемада экилади. Купчилик Н. навлари кўшимча чангланишни талаб этади. Шу сабабли чангловчи навлар аралаш экилади. Кўчати ўтқазил-гач, 5—6-йили ҳосилга қиради, 20—25-йилда тўлиқ ҳосил беради. Навига, парвариш қилинишига қараб ҳосилдор-лиги 100—250 ц/га.

Кузда ёки эрта баҳорда органик ва минерал ўғитлар б-н ўғитланади, ўсув даврида озиклантирилади, суғорилади, қатор ва туп оралари культивация қилинади.

Асосий навлари: жаҳон бўйича Н.нинг 5 мингдан ортиқ навлари бор. Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида 20-а.нинг 50-й.ларидан бошлаб кўпгина Н. навлари чиқарилган ва Ўзбекис-тонда 40 га яқин маҳаллий ва селекция навлари

р-нлаштирилган. Саноат боғдорчилигида ёзги (Вильяме, Любимица Клаппа ва б.), кузги (Раъно, Бере-Боск, Зухра, Совға, Лесная красавица ва б.), қишки (Кулала, Дилафрўз, Кюре, Тошкент ноки, Оливье де Серр ва б.) навлари экилади.

Зараркунандалари: нок ва олма куртн, нок бити, нок канаси ва б. Касалликлари — калмараз, ун-шудринг, чириш ва б.

Ад.: Сорга плодовых, субтропических, орехоплодовых культур и ягод, Т., 1968; Рибакоев А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967; Помология Узбекистана, Т., 1983,

Султан Холназаров.

**НОКАУТ** (инг. knock — зарба, out — четлатиш) — рақибнинг берган зарбаси туфайли боксчининг бош айланиши, гарангсираш, баъзан ҳушини йўқотиш ҳолати. Н. ҳолатига тушган спортчи жангни давом эттира олмайди. Бокс учрашувн давомида рақиблардан бирининг олган жароҳатидан қрн кетиши тўхтамаса, ҳакам тиббиёт ходимлари хулосасига кўра, унга нисбатан «техник Н.» эълон қилиши ва учрашувни тухтатиши мумкин. Жангни Н. б-н ютказган боксчига, одатда, камида 3 ойгача мусо-бақаларда катнашишга руҳсат этишшайди.

**НОКДАУН** (инг. knock — зарба, down — қулатиш) — боксда рақибнинг кучли зарбасидан боксчининг га-рангсиб, ўз ҳаракатларини бошқара олмай қолиши ва бир неча сония жангни давом эттиришга қодир эмаслиги. Бунда боксчи 10 сек. ичида (ҳакам «тўққиз»гача санаганда) учрашувни давом эттириш ҳолатига кела олмаса, унинг ра-киби нокаут б-н ғалаба қилган ҳисобланади.

**НОКТИОРН** (франц. nocturne — тунги) — 1) 18-а. Европада, асосан, пуфлама ёки торли ва пуфлама созлар ансамбллари учун кечки очик ҳавода ижро этиладиган сюита шаклидаги кичик пьесалар туркуми (Мас, В. Моцарт, Й. Гайдн асарлари); 2) 19-а.дан қуйчан, лирик харак-

тердаги, кўпинча тун об-рази ва сокин-лиги б-н йўғрилган муסיқа асари. Секин ёки ўртача суръатда бўлиб, ўрта қисми жонлироқ. Н.нинг илк намунаси фортепиано учун Ж. Филд (Англия) томонидан яратилган, Ф. Шопен ижодида етук бадиий ривож топган. Н. айрим чолғулар, шунингдек, ансамбль (А. Бородиннинг 2-торли квартетидаги Н.), оркестр (Мас, К. Де-бюссининг Н.лари) учун ҳам ёзилган. Н. баъзан вокал муסיқада ҳам учрайди (Ж. Россини, М. Глинка ва б.). Ўзбекистон композиторларидан А. Козлов-скийнинг «Лола» Фаргона сюитасида, Г. Мушелнинг «Кашмир афсонаси» ба-летидаги Н.; Х. Изомов, Б. Зейдман, С. Вареласларнинг фортепиано пьесалари, И. Акбаров, М. Юсуповларнинг вокал асарларидан Н. ва унинг хусуси-ятларидаги лавҳалар ўрин олган.

**НОЛА** — муסיқа безакларица бири. Ашула айтганда сўзнинг бир бўғинида овозни тебратиб чўзиш. Кўпроқ лирик куйлар ижросида қўлланилади.

**НОМ** (мантиқда) — тил ифодаси. Предмет (атокли Н.) ёки бир гуруҳ предметлар (умумий Н.)ни англатади. Бунда предмет кенг маънода тушунилади. Атокли Н.лар айрим предметларнинг Н.лари (Мас, «Бобур», «Ўтган кунлар» муаллифи) ҳамда бир гуруҳ предметларнинг умумлашган Н.ларига (Мас, «инсоният») бўлинади. Гуруҳлар Н.ини умумий Н. (Мас, «инсон»)дан фарқлаш лозим. Содда ёки элементар Н.лар ва мураккаб Н.лар бўлади. Содда Н.лар бошқа Н.лардан ёки тилнинг бошқа маъноли ифо-даларидан тизилмайди. Мураккаб Н.лар эса маъно касб этувчи қисмлардан ту-зилган бўлади («инсоният» — содда Н. бўлса, «хрзирги инсоният» мураккаб Н.). Формаллашган тилларда атокли Н.ларнинг аналоги константадир; предметларнинг атокли Н.ларига индивид константалар, гуруҳларнинг атокли Н.ларига гуруҳ константалар мос бўлади. Н.лар ва улар б-н боғлиқ бўлган муно-

сабатлар (аввало Н. б-н у ифода этади-ган предмет уртасидаги муноса-бат)ни мантикий семантика ўрганади.

**НОМА** (форс. — хат, мактуб) — 1) хат, мактуб, фармон, ёзилган нарса; 2) ада-бий жанр; ўзбек ва форс мумтоз ада-би-ётларида яратилган, реал ёки хаёлий-тўқима шахсга асосан шеърий мак-туб тарзида ёзилган бадиий асар тури. Фахриддин Гургоний (11-а.), Авҳадий (1274—1338), Хожа Имод Кирмоний (14-а.)лар форс адабиётида Н. жанрига асос солиб, уни ривожлантирганлар. Ўзбек мумтоз адабиётида Н. жанрининг пай-до бўлиши Хоразмий номи б-н боғлиқ. Унинг «Муҳаббатнома» асари (1353—54) ошиқнинг маъшуқага йўллаган ғазал шаклидаги 10 та ишқий мактубидан иборат. Кейинчалик Хоразмийнинг «Му-ҳаббатнома»си таъсирида яратилган Хўжандийнинг «Латофатнома», Сай-ид Аҳмадининг «Таашшукнома», Юсуф Ами-рийнинг «Дахнома» асарларида ҳам Н. жанри анъаналарига риоя қилинган: уларнинг барчаси бир хил вазда, мас-навий шаклида ёзилган; барчаси ҳам 10 номадан иборат. «Муҳаббатнома», «Ла-тофатнома», «Таашшукнома» асарлари-да Н.лар ошиқ тилидан ёзилган булса, «Дахнома»даги Н.лар ҳам ошиқ, ҳам маъшуқа номидан йўлланган. Алишер Навоий ва Зокиржон Фуркатнинг ўз дўстлари ва устозларига ёзган шеърий мактубларини ҳам кенг маънода Н. жан-рига киритиш мумкин; 3) бирор тари-хий шахс ёки асар қахрамонининг сар-гузаштлари, сафар таассуротлари, ички кечинмалари назм ёки насрда баён этил-ган ҳар қандай (бадиий, илмий, мемуар ва б.) асар тури. Мас, Бобурнинг «Бо-бурнома», Муқимийнинг «Саёҳатнома», Шайхзоданинг «Тошкентнома» асарла-ри; 4) мазмунан мураккаб, йирик эпик асар; дoston. Мас, Фирдавсийнинг «Шохнома», Низомийнинг «Искандар-нома», Муҳаммад Солихнинг «Шайбо-нийнома» асарлари.

**НОМА** (юн. *nime* — тарқалувчи), «сувли рак» — гангрена тарзида кечади-ган касаллик; атрофидаги тўқималарга тез тарқалади. Кўпинча юзнинг юмшоқ тўқималари, орқа тешик атрофи, камдан-кам ҳолларда бўйин, қўл-оёқ бармоқлари териси касалланади. Одатда, оғир юкумли касалликларни бошидан кечирган ним-жон, дармонсиз болаларда, баъзан катталарда ҳам учрайди. Н.да касалланган соҳа шиллик қаватида кўкимтир-қизил доғ бўлади. Жараён юмшоқ тўқиманинг ҳаммасига жуда тез шикает етказида. Бе-морнинг умумий аҳволи оғирлашади, қарорати кўтарилади ва х.к. Н.нинг ҳеч бир ракка ўхшаш аломатлари йўқ, фақат тўқималар нобуд бўлишига кўра, уни «сувли рак» деб аташади; одатда, Н. ҳўл гангрена деб ҳам юритилади.

**НОМЗОДЛИК МИНИМУМИ**, номзодлик имтиҳонлари (ЎзРда)— олий ўқув юртлари ва и.т. муассасаларида номзодлик диссертациясини химоя қилишдан олдин аспирант ва тадқиқотчилар томонидан топшириладиган им-тиҳонлар. Фалсафа ва миллий истиклол ғояси ҳамда демократик жамият қуришнинг назарий асослари, чет тили, компьютер ва ҳисоблаш техникаси, диссертация мавзусига мувофиқ келадиган мутахассислик фанидан топширилади. Ижтимоий-гуманитар йўналишда диссертация ёкламоқчи бўлганлар буларга қўшимча равишда мустақиллик мафқураси ва демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоийсиёсий, маънавий негизлари ҳамда илмий асослари фанидан ҳам Н.м. топширадилар.

Фалсафа ва миллий истиклол ғояси ҳамда демократик жамият қуришнинг назарий асослари фанидан имтиҳон топширувчилар олий мактабларда ўқитиладиган классик фалсафа курсларидан ташқари, замонавий фалсафий оқим ҳамда йўналишларнинг моҳияти акс этган адабиётлар б-н танишишлари ва шу асосда Н.м.га тайёргарлик кўришлари керак. Бу имтиҳон саволларига фалса-

фа ва демократик жамият қуришнинг назарий асослари фанлари дастурлари таянч бўлиб хизмат қилади. Номзодлик имтиҳони мазмуни тегишли олий мактаб ёки и.т. муассасаси фалсафа кафедраси томонидан белгилана-ди ва шу кафедра томонидан тайёрланган махсус дастур асосида ўтказилади.

Чет тили бўйича олинадиган номзодлик имтиҳонида даъвогардан мутахассислигига дойр ва бирор ижтимоийсиёсий мавзудаги матнни лўғатсиз ўқиш, қайта сўзлаб бериш, чет тилида ўқилган матн юзасидан суҳбатлашиш қамда мутахассисликка оид мавзуда суҳбатлаша олиш талаб этилади. Имтиҳон қажми тегишли кафедра ёки сектор томонидан даъвогарнинг мутахассислигига қараб белгиланади.

Инсон интеллектуал фаолиятида компьютер техникасининг тобора катта ўрин тутиб бораётганлиги илмий даража даъвогарларининг компьютерни эгаллашларини шарт қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда компьютер ва ҳисоблаш техникаси фанидан Н.м. киритилди. Бу имтиҳонда компьютер ва ҳисоблаш техникаси ишлаш тамойилларининг назарий жи-хатлари ҳамда амалий кўникмалари, аспирант ёки тадқиқотчининг ўз мута-хассислиги бўйича изланишлар олиб боришида компьютердан фойдалана олиш малакаси текширилади. Даъвогарлардан компьютердан фойдаланишнинг назарий қоидаларидан ташқари амалий малакага эга бўлиш ҳам талаб этилади. Бу фандан олинадиган имти-ҳон мазмуни ҳам тегишли кафедра ёки сектор мутахассислари томонидан белгиланади ва муайян дастур шаклига келтирилиб, аспирант ва тадқиқотчиларга етказилади.

Мустақиллик мафқураси ва демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоийсиёсий, маънавий негизлари ҳамда илмий асослари фанидан Н.м. топширишда ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида диссертация ёзаётган аспирант ва тадқиқотчилардан мамла-



катимизда амалга оширилаётган ил-хотларнинг ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маънавий ва мафкуравий асосларини пухта билиб олиш талаб этилади.

Номзодлик имтиҳонлари топширилган кундан эътиборан 5 й. мобайнида кучга эга бўлади. Агар диссертация химоя кенгаши томонидан қабул қилиб олинган вақтда номзодлик имтиҳонларидан бирортасининг топширилганига 5 й.дан ошиб кетган бўлса, у қайта топширилиши лозим.

Аспирантурага кириш вақтида Н.м. топширишни истаган шахслар кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар. Хусусий йўсинда Н.м. топширган кишилар қабул комиссияси қарори б-н тегишли фанлардан кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар ва уларга Н.м.да олган баҳолари қўйиб берилади.

Аспирантурада сиртдан ўқиётган шахсларга Н.м.лари топшириш ҳамда диссертация юзасидан тадқиқотлар олиб бориш учун хар йили иш ҳақи сақланган ҳолда бир ойлик қўшимча таътил берилади.

**НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ** - пул шаклидаги иш ҳақи; ишчи ва хизматларнинг соат, кун, ҳафта, ой давомида ўз меҳнати эвазига оладиган даромади ҳисобланади. Товарлар нархлари ва хизматлар кўрсатиш ҳақига боғлиқ бўлмаган иш ҳақи даражасини ифодалайди. Унинг реал иш ҳақилт фарқи ҳам шунда (қ. Ишҳақи).

**НОМИНАЛ ҚИЙМАТ**, номинал (лот. *nominalis* — ном и ёзилган) — пул белгилари, банкнотлар ва қимматли қоғозларнинг устига ёзиб қўйилган қиймати, нархи. Қимматли қоғозлар курси Н.к.дан четга чиқиши мумкин.

**НОМИНАЛИЗМ** (лот. *nomen* — исм, ном) — ўрта аср схоластик фалсафасидаги йўналиш. Реализмга қарама-қарши равишда Н. оламда фақат яқка нар-салар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар (универсалийлар) эса фа-қат нарсалар-

нинг номларидангина иборат деб, ёки инсон ақл-идрокида бўладиган соф тафаккур ҳосилалари (концептлар, муътадил Н.нинг «концептуализм» номи шундан) деб ҳисоблайди. Вакиллари: И. Росцелин, Дуне Скот, У. Оккам. Н. 11—12-а.ларда пайдо бўлди, айниқса, 14—15-а.ларда ривожланди.

**НОМИНАЦИЯ** (лот. *nominatio* — номлаш, ном қўйиш, аташ) (тилшуносликда) — номлаш хусусиятига эга бўлган, яъни нолисоний борлик унсурларига ном бериш ва уларни ажратиб кўрсатиш, улар ҳақида тегишли тушунчаларни шакллантириш учун хизмат қиладиган тил бирликлари — сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологизмлар ва гапларни хреил қилиш. Н. жараёнининг натижаси ҳисобланган маъноли тил бирлиги ҳам айни шу термин орқали ифодланади. Айрим олимлар Н. терминини тилшуносликнинг номлаш жараёнлари таркибини ўрга-нувчи бўлимини билдириш учун ҳам қўллайдилар.

Н.да 3 жиҳат фарқланади: номланувчи объект, номловчи субъект, танлаб олиннадиган тил унсурлари. Алоҳида тушунча, предмет, белги («гўзаллик», «ки-тоб», «айтмоқ», «яшил»), муайян белгилари бўлган предмет («яшил да-рахт») ёки бутун бир воқеа-ҳодиса («Ба-ҳор!», «Қушлар учди») кабилар Н.нинг объекти бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан Н. луғавий ва пропозитив (сўз бирик-маси ва гап шаклидаги) Н.га бўлинади. Н. жараёнида номлаш учун асос сифатида танлаб олиннадиган белги(лар) номнинг ички шаклини ташкил этади. Демак, айни бир объект ўзининг турли белгилари асосида турлича номланиши мумкин (Мас, «болалар стулчаси» — мўлжалланганлик; «катта стул» — ҳажм, шакл белгиси). Номнинг ташқи шакли номлаш жараёнида танлаб олиннадиган лексик-грамматик воситалар б-н белгиланади. Шу сабабли ички шакл жиҳатидан бир хил бўлган номлар ўзларининг ташқи шакли б-н фарқландилар («нуроний» — «кекса

одам» — «чол»).

Н.ни вазифа ва келиб чиқиш жиҳатидан текшириш уни азалий, аввалдан мавжуд бўлган (ёки ҳоз. тилда туб деб қараладиган) Н. ва ясама (маъно ва сўз ясалишига кўра) Н. деб иккига ажратишга асос беради. Аввалдан мавжуд бўлган ёки бирламчи Н. жараёнлари — ҳоз. тилларда жуда кам учрайдиган ҳодиса: тилнинг номинатив бой-лиги, асосан, ўзлашмалар ёки иккиламчи Н. ҳисобига — Н. жараёнида олдиндан мавжуд бўлган бирликларнинг фонетик шаклидан янги ифодаланаётган нарсанинг номи сифатида фойдаланиш ҳисобига бойиб бормоқ-да. Бирламчи Н. натижалари муайян тил вакиллари томонидан азалий, дастлаб-ки ном тарзида идрок қилинади (Мас, сув, тоғ, ичмоқ, қора қаби). Бундай Н.ларнинг ясама эканлиги фақат эти-мологик ёки тарихий таҳлил орқалигина аниқланиши мумкин. Иккиламчи Н. натижалари эса морфологик таркиби ёки маъносига кўра, ясама ном сифатида идрок қилинади. Тилда тасвирий воситалар, перифраза ва идиомаларнинг ҳосил бўлиши иккиламчи Н.нинг алоҳида ҳолатидир.

Тилнинг ички ривожланиш қонуниятларига мос келадиган ва муайян тил вакиллари эҳтиёжларига жавоб бера оладиган Н.лар, одатда, умумистеъмолдаги луғат таркибидан ўрин олади. Лекин махсус терминологик тушунчалар учун яратиладиган ёки тор ижтимоий гуруҳлар доирасида (жаргонлар), шунингдек, алоҳида муаллиф томонидан сўз қўллашда пайдо бўладиган Н.лар ҳақида бундай деб бўлмайди.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

... **НОМИЯ** (юн. *nomos* — қонун) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, муайян фанни, қарашлар (ёки қоидалар) тизимини англа-тади (Мас, астрономия, агрономия).

**НОМИҚ КАМОЛ** (тахаллуси; асл исми Меҳмед, 1840.21.12, Тақиртоғ —

1888.2.12, Сакиз ороли) — турк ёзувчиси, публицист ва давлат арбоби. Турк драматургиясини ривожлантириб, романчиликка асос солган ёзувчилардан бири. «Янги усмонлилар» жамиятининг аъзоси (1865). «Фикр тасвири» газ.ни ташкил этган. Абдулҳамид II ҳукмрон-лиги даврида Н. К. Мидилли оролига сургун қилинган. Сургунда «Жалолоддин Хоразмшоҳ» пьесасини ёзган. Асарда бош қахрамон Жалолоддин Мангубердиннинг мўғул босқинчиларига қарши мардона кўраши мисолида хур-риятпарварлик фикрлари олға сурилган. Пьеса султон Абдулҳамид II га макбул келиб, Н. К.ни Родоси (1884), Сакиз (1887) о. ларига ҳоким этиб тайинлаган. Асарларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, хуррият, маърифат-парварлик, тенглик ғоялари акс этган. Шахс эрки, ваган манфаатини доим би-ринчи ўринга қўйган. Романтик руҳдаги асарларида ҳамиша адолат тантанаси тасвирланган. «Бечора бола» (1873), «Акифбей» (1874), «Гулнихол» (1875), «Жалолоддин Хоразмшоҳ» (1875) пье-салари, «Интибах» (1876), «Жазмий» (1880) романлари, шеърлари, публицистик мақолалари, усмонийлар тарихига бағишланган илмий асарлари (Усмонли тарихи, 1971—74; Буюк Ис-лом тарихи, 1975) Н.К.ни даврининг энг машҳур адиби сифатида танитди. Унинг шеърлари тўплам ҳолида 1941 й. С. Н. Эргун томонидан эълон қилинган. «Жалолоддин Хоразмшоҳ» пьесаси ўзбек тилига таржима қилиниб (таржимон Хуршид Даврон), телевидение ор-қали намойиш этилган.

**НОМЛАР** (юн. *nomos* — мамлакат, ви-лоят, округ) — Қад. Мисрдаги маъмурий округ (мисрча — «сепат»). Миср давлати ягона ирригация тизимини барпо этиш ва ишлаши учун зарур бўлган сиёсий бирлашмалар — Н.дан ташкил топган эди. Ҳар бир Н.нинг аниқ белги-ланган чегараси, сиёсий ва диний маркази, қўшини, герби ва ҳомий худолари бўлган. Н.нинг маъмурий аппа-рати но-мархга бўйсунган. Подшоҳлардан Сноф-

ру ва Неусерра (IV ва V сулолар) ибодатхоналарида 97 та Қад. подшолик (мил. ав. 28—23 а.лар) Н.ининг рўйхати келтирилган.

**НОМОГЕНЕЗ** (юн. nomos — қонун ва ... генез) — тирик табиатнинг тарихий ривожланишини ички программалаштирилганлиги тўғрисидаги эволюцион концепция. 1922 й. рус физиологи Л. С. Берг томонидан илгари сурилган. Н. мақсадга мувофиқлик (мосланиш)нинг объективлиги ва нисбийлигини инкор этиб, тирикликнинг олдиндан мақсадга мувофиқлигини тан олади. Олимнинг фикрича, мақсадга мувофиқлик протоплазма оксилларининг стереокимёвий хусусиятларига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, эволюция — олдиндан кўрсатилган белгиларнинг ривожланишидан иборат. Ана шу асосда онто-ва филогенез жараёнлари ягона қонуният асосида амалга ошади, яъни эволюция Н. бўлиб, қонуниятлар эволюциясидан иборат, деган хулоса чиқарилган. Бундан ташқари, Берг ирсият географик мухит таъсирида бир вақтнинг ўзида жуда кўп индивидларда намоён бўладиган муайян қонуният асосида бориши ва йўналтирилганлиги тўғрисидаги тушунчани илгари суради. Берг кўрсатишича, тур ҳосил бўлиши кескин сакраш орқали бориши мумкин (қ. Мутационизм). У конвергенция ва параллелизм тушунчаларидан фойдаланиб, таксонларнинг полифилик йўл б-н келиб чиққанлигини асослашга уринди. Органик дунёнинг хилма-хиллигини дивергенция нуктаи назардан тушунирувчи Дарвин таълимотига кара-ма-қарши равишда Берг ҳаётнинг азалдан хилма-хиллигини кўрсатади. Ана шу тушунчалар асосида Берг автоном ортогенез, яъни ташқи мухитга боғлиқ бўлмаган, морфофизиологик тузилишни мукамаллаштиришга қаратилган, тириклик учун хос бўлган қандайдир куч тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Н. та-рафдорлари дарвин таълимотини эволюцияда тасодифларни

абсолютлаштириш (тихогенез) дан иборат ғоя сифатида танқид қилишади. Н. ғоялари бошдан охиригача дарвинизмга қарши қаратилган, эволюция сабаблари ва қруниятларини янгидан тушунтиришга муваф-фақиятсиз уринишлардан бири ҳисобланади. Аслида Н.да Берггача ҳам илгари сурилган ғоялар акс этган. Бергнинг хизмати ана шу ғояларни умумлашти-риб, системага солиш б-н бирга эволюцион таълимотда ечилмаган муаммолар-га, хусусан, эволюцион жараённинг йўналтирилганлиги масаласига эътиборни жалб қилинганлигидан иборат. Ҳоз. замон биол.да Бергнинг мазмунан теле-ологик ғоясидан бир қанча макроэво-люцион жараёнларни антидарвинизм нуктаи назаридан тушунтиришда баъзан фойдаланилади (яна қ. Автогенез, Ортогенез, Телеология, Преформизм).

**НОМОГРАММА** (юн. nomos — қонун ва ... грамма) — турли микдорлар орасидаги функционал боғлиқликни ифо-далайдиган чизма. Н.нинг текисланган нукталардан тузилган, тўрли, транспарант ва кўп шкалали ва б. хилларга бўлади. Мас, логарифмик линейка икки шкалали Н. ҳисобланади. Турли муҳандислик ҳисоблашлари ва тенглаларни ечишда қўлланади (қ. Номография).

**НОМОГРАФИЯ** (юн. nomos - қонун ва ... графия) — номограмма тузишга оид математик назария. Мас, йўниш станоклари кескичининг параметрлари  $a, j, ay$  орасидаги  $tg ay = tg a \sin j$  боғланишни ифодаловчи чизма номограмма ҳисобланади (расм). Агар  $a$  ва  $j$  параметрларнинг қиймати берилган бўлса, четки шкалалардаги уларга мос нукталар тўғри чизик б-н туташтирилади. Бу тўғри чизик ўртадаги шкалани кесган нуктадан  $ay$  қиймати топилади. Мас,  $a=7,5^\circ, j=4^\circ$  бўлса, номограммага мувофиқ  $ay=6,2^\circ$ . Шу номограмманинг ўзидан  $a$  ва  $ay$  (ёки  $j$  ва  $ay$ )нинг берилган қиймати бўйича  $j$  ни (мос ҳолда  $a$

ни) топиш учун ҳам фойдала-ниш мумкин. Мат., физика ва техни-канинг турли соҳаларида кўп шкалалли ва б. мураккаб Н. усуллари қўлланади.

**НОМОЗОВА** Замира Хушвақтовна (1958.31.5, Хатирчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тининг кимё-биол. ф-тини тугатган (1980). 1980—2001 й.ларда Хатирчи туманидаги 24-мактабда кимё ўқитувчиси. Ўқувчиларга би-лим беришда ноанъанавий даре усулларини қўллади.

**НОМУНТАЗАМ ҚЎШИНЛАР**, лашкарлар — барқарор уюшмага эга бўлмаган аскарый қисмлар. Н.қ. тузилиши, хизматни ўташи, кийим-кечаги (униформаси) жиҳатдан мунтазам қўшинлардан фарқланади. Ўрта асрларда Н.қ. ҳарбий юришга чиққан армиянинг асосини ташкил қилган. Мунтазам қўшин мавжуд бўлсада, унинг миқ-дори Н.қ.га нисбатан озчиликни ташкил этган. Ҳарбий юришлар бошланишидан аввал ҳукмдор ўз қўл остидаги худудларга қўшин тўплаш учун ҳарбий нозирлар (тавочилар)ни жўнатган. Қўшин тўплаш ҳақидаги махсус буйруқ (тунқал)га биноан вилоят ҳокимлари, туман ва шаҳар беклари, қалъа, кўрғон доруғалари, олий бош қўмондон томонидан тузилган рўйхатга мувофиқ ўз аскарлари, зарур от-улови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ема-хашаги б-н олдиндан белгилаб қўйилган тўпланиш ўрнига ўз вақтида кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланган.

Бухоро амирлигида ҳарбий кучлар мунтазам қўшин (навқария) ҳамда Н.қ. (қора черик)дан иборат бўлган. Н.қ. амир фармонининг жарчи томонидан бозорларда эълон қилинишидан сўнг йиғилган. Хизматга чақирилган Н.қ. жангчилари қурол-яроқ ўрнида баъзан бел, кетмон, панжшаҳа б-н қуролланган. Эҳтиёж бўлмаган пайтларда Н.қ.га уйлари-га қайтишга руҳсат берилган.

Россияда (17—20-а.лар) Н.қ. аксарият

казаклардан ташкил этилган. 20-а.нинг бошларида Туркистондаги отлик дивизион, Доғистондаги отлик полк ҳам Россиянини Н.қ.и таркибига кирган. 17—20-а.ларда Австралия, Афғонистон ва Эронда ҳам Н.қ. мавжуд эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Н.қ. барча давлатларда тугатилган.

**НОМУС**, ор, орият — 1) кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш туйғуси; кишининг кадр-қиммати-га, ўз хатти-ҳаракатлари олдидаги ахлоқий масъулиятига бўлган қарашларни ифодаловчи тушунча. Асосан, индивидуал маънода ишлатилади. Хижолат тортиш, уялиш туйғусини, бундан ташқари, ҳазар қилиш, ор қилиш маъноларини ҳам билдиради; 2) бошқа шахсларга нисбатан шарм-ҳаё б-н муносабатда бўлишга ундовчи ҳис.

**НОМУСГА ТЕГИШ** - зўрлик ишлатиб, кўркитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш. Ушбу жиноятнинг жабрланувчиси фақат аёл киши, номусга тегишнинг субъекта эса аёлнинг хоҳиши, эркига қарши у б-н жинсий алоқага киришган эркак ҳисобланади. Кўпинча жиноятнинг мотиви жинсий эҳтиёжни қондиришдан иборат бўлади. Аммо суд амалиётида жиноят содир этишнинг мотиви сифатида ўч олиш, аёлни шарманда қилиш, оилани ҳақорат қилиш, аёл кишини эрга тегишга мажбур қилиш ва ҳ.к. ҳам учраб туради. Н.т. вақтида айбдор жисмоний ва руҳий зўрлик ишлатиши мумкин. Н.т. жиноятини содир этишдаги кўркитиш жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга ёки унга яқин кишиларга нисбатан ишлатиладиган турли хил руҳий таъсирларни англатади. Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш дейилганда жабрланувчининг ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини англай олмаслиги ёхуд содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусиятини англасада, айбдорга қаршилиқ кўрсатиш

имкониятига эга бўлмаган шахс б-н жинсий алоқа қилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК бўйича, Н. т. аёлларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига қаратилган энг оғир тажовузлардан биридир. Вояга етган аёлларнинг жинсий эркинлиги, 16 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни б-н муҳофаза қилинади. Н.т. жиноятини содир этган шахс учун белгиланган жазонинг энг оз муддати 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилишдир. Жавобгарлик ўта оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган деб топилса, айбдорга 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади (Ўзбекистон Республикасининг ЖК, 118-модда).

Мирзаюсуф Рустамбоев.

**НО МУ ХЁН** (1946.6.8, Кимхэ ш.) корей Республикаси давлат арбоби. 1971 й.дан ҳарбий хизматда. 1978 й.дан хусусий адвокатлик б-н шуғулланган. 1985 й.дан Пусан халқдемократик кен-гаши ижтимоий ташкилот раиси, 1987 й.дан Демократик конституцияни қабул қилиш фуқаролик ҳаракати Пусан бўлими ижроия раиси, 1991 й.дан Демократик партия спикери, 1993 й.дан партия юқори кенгаши аъзоси, 1995 й.дан вице-президенти. 1997 й.дан Янги сиёсат учун миллий конгресси партияси вице-президенти, 2000 й.дан Денгиз ва балиқчилик ишлари вази-ри, 2001 й.дан Янги миллениум демократик партияси юқори кенгаши аъзоси, сўнг доимий маслаҳатчиси. 2003 й. 25 фев.дан Корей Республикаси президенти.

**НОН** — қадим-қадимдан улуғланиб, инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас, азиз ҳисобланган неъмат. Турли таомларга кўшиб ёки ўзи ейилади. Археологик маълумотларга кўра, бо-шокли ўсимликлар донларини пишириб истеъмом қилиш мил.дан 10—15 минг йил муқаддам бошланган деб тах-

мин қилинади. Бу даврларда олов кашф қилинган бўлиб, донни пишириб ейишга имконият туғилган. Дастлаб, бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг бошоқ ичида қовурилиб, пишган дон уқаланиб, истеъмом қилинган. Н.га «Авесто»ця деярли бир боб бағишланган, дехқончиликнинг энг қимматбаҳо маҳсули сифатида таърифланган.

Ёрғучоқ пайдо бўлиши б-н донни тош орасида майдалаб ёрма ҳолатида истеъмом қилиш ўрнига ғалладан ун тайёрлаш ва хамир қориб, қизитилган тош устида ёки кўрга кўмиб Н. пиширишга ўтилди. Хамиртуруш кашф этилиши ҳамда ўчоқ, тандир, това ва б. Н. пишириш воситаларининг яратилиши ва такомили б-н тортилган ундан Н. тайёрлаш янги, ҳоз. замонга қадар давом этиб келаётган босқичга кўтарилди. Энг муҳими, хамиртуруш б-н кўпчигилган хамирдан пиширилган Н. иссиқликда ва ўз буғида пишади, пишган Н.да жуда кўп майда ғоваклар ҳосил бўлади. Н.нинг ғовақдор бўлиши унинг орга-низмда ҳазм бўлишини осонлаштиради. Буғдой унидан тайёрланадиган Н.нинг кимёвий таркибида, асосан, 30—35% оксил, 60—70% углеводлар, клетчатка, витаминлар В, В<sub>2</sub>, РР, минерал тузлар, шунингдек, темир, кальций, фосфор ва б. моддалар бор.

Йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, саноатнинг тараккий қилиши Н. ишлаб чиқаришни кенг қўламда ташкил этишни тақозо этди. Натижада Н. маҳ-сулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар — з-длар, к-тлар яратилди, уларнинг технологик жараёнлари юзага келди, нон саноати пайдо бўлди. Ҳоз. пайтда ҳар бир мамлакатда аҳолининг тарихий маънавияти негизида пайдо бўлган Н. маҳсулотларининг турли хиллари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда (умуман, Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ўртасида) Н. пишириш (ёпиш) усулининг ҳар хил турлари мавжуд бўлган. Шунга кўра, тандир Н., това Н., газ-печ Н.и ва б., ун тортилган ғаллага қараб буғдой Н.и, арпа Н.и, маккажўхори ва оқ жўхори Н.и ва б. тур-

ларга бўлинади.

Ўзбек пазандачилигида тайёрлаш тех-нологиясига караб оби Н., гижда Н., патир Н., ширмой Н. турларидан ибo-рат (баъзан лочира Н. ҳам алоҳида технологик турга киритилади; к. Лочира). Оби Н. (форс.-тож. — сувли нон деган маънони билдиради) тайёрлашда, асо-сан, хамир бугдой уни, хамиртуруш ва туз кўшиб оширилади. Оби Н.да хамирнинг нисбатан бўшроқ бўлиши, зуваланинг кичиклиги (200 г атрофида) характерлидир. Гижда усулида ҳам хамир бугдой уни, хамиртуруш ва туз кўшиб оширилади, сўнгра узоқ ийланади. Гиждада хамир қаттиқроқ бўлади ва Н. қалин қилиб ясалади (қ. Гижда).

Тандирга ёпишда ҳар бир Н. орка-сига намақоб сепилади. Тандирдаги чўғ ўртага 6, 7 — Самарқанд нонлари; 4 — Фарғона -14— Тошкент нонлари (патир, гўштли нон, уюлиб, устига кул (ёки темир қопқоқ) ёпилади. Н. тандирга яхши ёпишгач, Н. юзига сув севаланади ва чўғ очилади (баъзан нам сочиқб-н елпилади). Пишган Н. куракчаб-н олинади. Патир Н. хамири хамиртуруш ва туз солинган сув (сут)га ун солиб қрилади ва оширилади. Хамир ошгач, ёйилиб юзасига сариёғ, кўй ёғи, маргарин, жизза, қийма, тўғралган майда пиёз солиб ўралади ва зувала узилиб патир Н. ясалади, сўнг тандирга ёпилади (қ. Патир). Ширмой Н. (баъзи жойларда ширмон, ширмол деб аталади; форс-тож. «сутли нон» демақдир) хамирини тайёрлаш мураккаб; дастлаб махсус усулда олинган нўхат ва арпабодиён қайнатмасига бир микдор бугдой уни сепиб хамирпайгир қорилади. Пайгир 5—6 соатдан сўнг етилади. Уни хамиртуруш сифатида ишлатиб бугдой унидан сутга қориб хамир тайёрланади. Хамир муштлаб етилтирилади (қ. Ширмой).

Н. энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг тако-миллашуви натижасида оби, гижда, патир ва ширмой Н.нинг ўнлаб хиллари яратил-

ган. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўзига хос хилма-хил Н.лар тайёрланади: Тошкент ш.да ўзига хос обинон, жайдари Н., седанали Н., Тошкент патирини, юлдузча патир, гижда патир, гўштли патир, гўштли Н., ёғли патир, жиззали патир, пиёзли патир каби Н.лар ёпилади. Чирчик воҳаси кишлокла-р и д а ертандир ва ерўчоқларда тайёрланадиган уй. Н.лари, обинон, ёнғоқ мағизли Н., лочира Н. лар мазаси, тўйимлилиги б-н ажралиб туради. Шунингдек, хоразмликларнинг саватдек-саватдек (дойра кенглиги 0,4—0,5 м) нони ва патирини, гўштли нони, обинонга ўхшаш чурраги, қорақалпоқларнинг нонлари ҳам ўзига хос шакл ва таъмга эга. Фарғона водийсида тайёрланадиган Н. номлари: оби Н.; оби жимжима; уй Н., кулча Н., жиззали Н., гўштли Н., ёғли Н., чапчип Н., гижда Н., оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёгсиз патир, қатлама патир, тўй патирини, лўлда патир, кўша-лоқ ширмой, пайванд, оби хол олчагули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор Н.и, седанали бозор Н.и, байрам бе-зақли Н.и ва б.

Бухоро, Самарқанд, Сур-хондарё ва Қашқадарё воҳасида (Шаҳрисабз, Китоб) тайёрланадиган Н. номлари: оби, яққафо, гахсаки, нони заргарон, хиндуги, фатирини қашқарини, ширмоли ду-жуфт, тафтон, тафтори ду без, нони та-роқи, осийи, пўлодий, жаззаин, кулчаи раганин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чуррак, давра, совғатин нақшин, уй Н.и, кўшалок баракка кулча, куёв ширмой Н., парқуп Н., кунжутли оби Н., седанали оби Н., кунжутли патир Н. ва б. (яна қ. Нон саноати).

Ҳожиакбар Муслимов.

**НОН САНОАТИ** — озиқ-овқат саноати тармоғи. Ноннинг турли навларини, буханка, булка ва тешиқкулча, пар-ҳез, диабетик ва шифобахш нон турларини и.ч.га ихтисослашган. Ўзбекис-тонда

новвойлик кадимий тарихга ва бой анъаналарга эга.

Нон деярли ҳар бир оилада тайёрла-нишига карамай шаҳарлар ва йирик қишлоқларда йирик новвойхоналар аҳолининг ёпилган нонга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда муҳим мавкеда турган. Новвойлик касб-хунарнинг бир тури сифатида ривожланган. 1929 й.да Самарқанд ва Тошкент ш.да дастлабки нон пиширадиган саноат корхоналари қурилгач, новвойчилик озик-овқат саноати тармоғига айланди. Кейинги йилларда Қўқон (1930), Қарши (1936), Термиз (1940), Бухоро (1946), Урганч (1955), Наманган (1961) каби йирик шаҳар ҳамда шаҳарча, туман марказлари, йирик қишлоқларда нон з-длари, новвойхоналар қурилди. Ўзбекистонда Н.с. европача нон хилларини ишлаб чиқарадиган нон з-длари ва новвойхоналарни қуриш йўналишида ривожланди. 1960—85 й.ларда Тошкент, Жиззах, Нукус, Ангрен каби шаҳарларда катта (100 т/сутка) ва ўрта (30 т/сутка) қувватга эга бўлган 15 та нон з-ди қурилиб ишга туширилди. Н.с. корхоналарида миллий нонларни саноат усулида и.ч. имкониятини берадиган печлар (Брувер-Салихов, Данько-Семёнов печлари) ўрнатилди. Тошкент, Самарқанд ва Фарғона ш.ларидаги нон пишириш корхоналари тубдан қайта қурилди. Замонавий хамир тайёрлов агрегатларининг ўрнатилиши, узлуксиз хамир таксимловчи тизимлар, ун ва ёрдамчи маҳсулотларни (туз, ха-миртуруш сути, шакар, ёғ) идишсиз сақлаш қурилмаларининг барпо этилиши Н.с.нинг ривожланишига ёрдам берди. Шунингдек, оби ишлаб чиқарувчи цехлар йириклаштирилиб, савдо дўконларига эга бўлган янги цехлар қурилди. 1986 й. нон корхоналарининг умумий қуввати 1886,7 т/сутка нон маҳсулотларини ташкил этди (миллий нонлар ҳиссаси 18% бўлди). 1987 й. нон корхоналари республика Озиқ-овқат саноати вазирлигидан Дон маҳсулотлари вазирлиги тасарруфига ўтказилгач, фир-

ма дўконларига эга бўлган кичик новвойхоналар тизимини ташкил этишга устувор аҳамият берилди. Н.с. корхоналарида нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳ-сулотлари ишлаб чиқарила бошлади. 1988 й.да мамлакатда 29 та йирик нон з-длари ишлади.

Республика мустақилликка эришгандан сўнг, айниқса, шаҳар аҳолисини нон б-н барқарор таъминлаш мақ-садида Н.с. корхоналарини замонавий ускуналар б-н қайта жиҳозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар амалга оширилди. Даҳа ва гузарларда кичик нон корхоналари ишга туширилди. 1995 й.да «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси таркибида 4 нон и.ч. бирлашмаси (Тошкент, Янгийўл, Фарғона, Қарши), 21 нон з-ди ишлади ва бир суткада 1300 т дан зиёд нон маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилди. «Ўздонмаҳсулот» тизимида ҳар бири суткада 3 т дан 120 т гача нон и.ч. қувватига эга бўлган 200 дан ортиқ нон з-длари ва кичик новвойхоналар фаолият кўрсатади (2003). Уларда дунёдаги энг илғор «Винклер» (Германия) ва «Экмасан» (Туркия) каби фирмаларнинг замонавий жиҳозлари ўрнатилган. Ҳоз. «Тансиқ нон» (Тошкент), «Бухоро нон», «Самарқанд нон», «Нукус нон», «Ризк» (Андижон), «Қарши нон» акциядорлик жамиятлари тизимдаги йирик нон з-длари ҳисобланади. Нон и.ч. корхоналари фақатгина йирик шаҳарларда эмас, балки қишлоқ жойларида ҳам ривожланган. Айни пайтда «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси таркибида 844 та нон и.ч. цехлари, 3 мингга яқин тандир (новвойхона) ва кичик корхоналар бор. Улар томонидан бир йилда 160 минг т нон маҳсулотлари тайёрланди (2002). Ўзбекистон Н.с. корхоналарида 300 хилдан кўпроқ нон ишлаб чиқарилади.

Жаҳонда Италия, Германия, Туркия, АҚШ, Хитой ва б. мамлакатларда Н.с. ривожланган. Киши бошига ўртача йиллик нон истеъмол қилиш кўрсат-кичлари Италия, Дания, Германияда 70—82 кг ни,

Буюк Британия ва Фран-цияда 42—45 кг ни ташкил этади (2002).

Гофир Мирзаев.

**НОН СИНДИРИШ** - никоҳ тўйи маросимларидан. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган. Н.с. отанинг совчи юборган оилага кизини узатишга рози эканлиги, ваъданинг қатъий ва муқаддаслигини, шунингдек, куёв-келин, куда оилалар аҳил бўлишига билдирилган истакни ифодалайди. Н.с. одаги айрим маҳаллий тафовутларга эга. Чунончи, Фарғона водийсидаги ўзбекларда Н.с. кизнинг отаси рози бўлгач, бажарила-ди: совчилар келтирган дастурхон очилиб, нони синдирилади, сўнг тўй ма-салалари аниқланади. Илгари Сурхон-дарё водийсида Н.с. қалин миқдорини белгилашдан сўнг ўтказилган — нон тенг иккига бўлиниб, келин ва куёвнинг қариндошларига тақсимланган.

Н.с.нинг қай даражада ўтказилиши куёв ва келин томоннинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлган. Илгари Н.с. б-н фотиҳа тўйи алоҳида маросим тарзида уюштирилган бўлса, кейинги йилларда Н.с. ихчамлаштирилиб, қўшилиб ҳам ўтказилмоқда. Н.с.да унаштирилган киз йигит томонига ва йигит эса кизнинг яқин қариндош-уруғларига ҳурмат юзасидан кўринмасликка ҳаракат қилади.

**НОНИУС** [португалиялик ихтирочи П. Нуниш (P. Nunes) номидан] — оптик-механик ўлчаш асбобларидаги ёрдамчи (қўшимча) шкала. Асосий шкала бўлинмалари улушларини ҳисоблаш учун хизмат қилади. Н.нинг чизикли, бурчакли, спиралсимон ва трансвер-саль хиллари бор. Баъзан верньер (француз математиги П. Верньер номидан) деб ҳам аталади. ФТЛ—2 печида қолипли нон тайёрлаш цехи.

**НОНПАРЕЛЬ** (франц. nonpareille — бекиёс) — ўлчами (кегли) 6 пункт (2,25 мм) бўлган босмаҳона шрифти. Ихчам нашрлар (луғатлар, митти маъ-

лумотно-малар ва б.), газеталар учун мўлжалланган. Мас, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» даги макрлалаларнинг библиографиялари ва расмлар тагидаги ёзувлар Н. б-н терилган.

**НОНТРОНИТ** (Франциядаги Нонтрон ш. номидан) — смектитлар (монтмориллонит) гуруҳининг қатламли силикатлар кичик синфига мансуб минерал,  $(\text{Fe}, \text{Mg})_2[\text{Si}_4\text{O}_{10}] (\text{OH})_2\text{nH}_2\text{O}$ . Тар-киби барқарор эмас. Изоморф аралаш-малар сифатида Al, Mg, Ni, Co, Si, Zn мавжуд. Моноклин сингонияда кристалланади. Тупроксимон ва зич (опал кўринишида) агрегатлар ҳолида учрайди, ушлаб кўрилганда ёғсимон. Ранги яшилсимон-сарик, кўнғирдан тўқ яшилгача. Синиши чиғаноксимон. Қаттиклиги минералогик шкала бўйича 2, зичлиги 1700—1900 кг/м<sup>3</sup>. Сорб-цион хусусиятга эга, сувда кўпчийди. Н. — турли ўта асосли отқинди ва ме-таморфик тоғ жинсларидаги таркибидан темир бўлган силикатларнинг нурашидан ҳосил бўлган типик гиперген минерал. Никель рудаси таркибига киради. Қозоғистон, РФ, Куба, Франция, Австралия ва б. жойларда конлари бор.

**НООСФЕРА** (юн. noos — ақл-идрок ва sphaîra — шар) — биосферанннг инсон ақл-идроки ҳукмронлик қиладиган янги хрлати. Н.да инсон биосфера ривожла-нишини белгилаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Н. тушунчасини 1927 й.да француз олимлари Э. Лерун ва П. Теетяр де Шарден фанга киритишган бўлиб, улар Н.ни биосфера устидан ҳукмронлик қилувчи, ерни ўраб олган ақл-идрок кавати деб қарашган. В. И. Вернадский 20-а.нинг 30—90- й.ларида Н. тўғрисидаги материалистик тушунчани илгари сурди. Унинг фикрича, жамиятнинг ўзаро муносабатлари натижасида пайдо бўлган биосферанинг сифат жиҳатидан янги, инсон манфаати йўлида қайта ташкил этилган эволюцион хрлатидир. Тиббиёт қонуниятларининг тафаккур ва жамиятнинг ижтимоий-икти-



содий қонуниятлари б-н уйғунлашиб кетиши Н. учун хос хусусият ҳисобланади. Н.нинг айрим таркибий-функционал элементлари жамият ривожланишининг ҳоз. давридаёқ юзага келмоқда. Ривожланишининг умумбашарий муам-моларини ҳал қилиш мақсадида инсонлар куч-қудрати бирлашиб борган сари биосферанинг Н.га айланиши ҳам кучайиб боради.

**НОР** — бир ўрқачли (дромедар) эркак туянинг ўзбек тилидаги номи (к. Туя).

**НОРАДРЕНАЛИН**, норэпинеф рин, артеренол, аминоктанол-пирокатехин — буйрак усти беши мия моддаси гормони; нерв сис-темаси медиатори (к. Медиаторлар). Кимёвий тузилишига кўра, катехола-минларга мансуб. Н. адреналин аналоги ва организмда унинг ўтмишдоши ҳисобланади. У, асосан, симпатик нерв системасининг (к. Вегетатив нерв системаси) адренергик нейронларидан ажралади ва медиатор вазифасини ўтайди. Н.нинг қондаги миқдори нерв системаси ҳолатининг (тонуси ва реактивлиги) кўрсаткичи бўлиши мумкин. Н. тиббиёт амалиётида қон босими пасайганда, шок, қон йўқотиш б-н боғлиқ ҳолатларда қўлланади. Н. синтез йўли б-н олинади.

**НОРАЗТЕПА** — археологик ёдгорлик, истехкомсиз қишлоқ (10—13, 15-а.). Тошкент ш.нинг шим. қисмида (Чуқурсойда) жойлашган. 1969 й. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти археологик экспедицияси қазиш ишлари ўтказган. Қишлоқ бал. 5 м, эни 80 м лик тепалиқдан иборат. Қазишмалар нағижасида қишлоқ 10-а.да вужудга келганлиги ва девор б-н ўралганлиги аниқланди. 11-а.да қатта ёнғин бўлишига қарамай, 13-а. бошига қадар унда ҳаёт бўлган. Бинқат атрофидаги бошқа қишлоқлар сингари Н. ҳам шаҳар сав-до йўли устида барпо этилган ва шаҳар атрофидаги обод ерлардан бири саналган. 15-а.да қишлоқ харобалари ўрнида ҳаёт қисман қайта ти-

кланган.

**НОРАК** — Тожикистондаги дарё. Вахшнинг ўнг ирмоғи. Уз. 20 км, сув тўплаш майд. 88,6 км<sup>2</sup>, ҳавзасининг ўртгача бал. 1500 м. Ўртгача йиллик сув сарфи 1 м<sup>3</sup>/сек. чамасида. Н. асосан, мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Апр.—май ойларида суви кўпаяди. Н. дарёсининг Вахшга қуйилиш жойида Норақ сув омбори тўғони қурилган. **НОРАК** — Тожикистондаги шаҳар. 1960 й.да Ўрта Осиёнинг энг йирик электр ст-яси — Норақ ГЭСнинг қурилуши бошлаши муноса-бати б-н 3 та кичик қишлоқ (Дисабур, Тутқовул ва Лангар) ўрнида вужудга келган. Н. Душан-бадан 68 км жан.-шарқда, Вахш дарёсининг ўнг соҳилида, Душан-ба — Кўлоб автомобиль йўлининг чап томонида жойлашган. Аҳолиси 21 минг кишига яқин (1990-й. лар ўрталари). Шаҳарда темир-бетон, нон з-длари, тикувчилик, металлсозлик қорхоналари, стадион, кутубхона мавжуд.

**НОРАК ГЭС** — Тожикистондаги энг йирик гидротехника иншоотларидан бири, Вахш дарёсида, Норақ ш. яқинидаги Пулитангин дарасида 1961 й.дан қурилуши бошлаган. ГЭСнинг лойиҳа қув-вати 2700 МВт (300 МВтли 9 агрегатдан иборат). 2 та агрегати 1972 й.да, охириги агрегати 1979 й.да ишга туширилган. ГЭС йилига 11,2 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Тожикистон жан.даги саноат мажмуаларини энергия б-н таъминлайди. ГЭС сув омбори, тўғон ва электр ст-ясида'н иборат. ГЭС тўғони бал. 310 м дан ортиқ (жаҳонда энг баланд тўғон). Бу тўғон ўртгача 645 м<sup>3</sup>/сек сув ўткази-диган ускуналар б-н жиҳозланган. ГЭС 275 м сув босими остида ишлайди. Электр энергияси 500 ва 220 кВ қучланишли электр узатиш тармоқлари орқали Ўрта Осиё «Энергия» бирлашган энергетика тизимида қурилган.

**НОРАК СУВ ОМБОРИ** - Ўрта Осиёдаги йирик гидротехника иншооти. Тожи-

кистон Республикаси худудида, Вахш дарёсида Норақ ГЭС тўғони қурилиши натижасида вужудга келган. 1972 й.дан сув тўлдирила бошланган. Энергетика-ирригация максадларидаги гид-роузелнинг таркибий қисми ҳисобланади. Майд. 98 км<sup>2</sup>, ҳажми 10,5 км<sup>3</sup>, уз. 70 км, энг кенг жойи 1 км, ўргача чуқ. 107 м, сув омбори сатҳи 53 м чамасида ўзгариб туради. Н.с.о. дарё режимини мавсумий тартибга солади. Дашт ва чўлларни ўзлаштириш ҳамда 1 млн. га яқин ерни суғориш имконини берган.

**НОРБЕК БАХШИ** (тахаллуси; асл исм-шарифи Курбонназаров Абдулла) (1949.9.2, Хива) — Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси (2000), Хоразм дostonчилиқ мактабининг йирик вакили. Хива ш.даги «Достон» фольклор-этнографик ансамблининг бадий раҳбари, Озарбайжон бахшилар уюшмаси аъзоси (1989). Бола Бахшнинг ўғли ва шогирди, санъаткорлик сирларини яна Комилжон Отаниёзовгм ўрганган. Илк ижро этган кўшиги — «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидан «Она, мен Ғариб, мен Ғариб». Унинг репер-туарида «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Бозиргон», «Хирмондали», «Авазхон», «Кампир», «Қирқ минг», «Сафар кўса» ва б. бор. Ўзбекистан, Қозоғистон, Доғистон, Закавказье бахшилари кўрик-танловлари ғолиби. Республика миқёсида ўтка-зилган қатор анжуманлар, Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хива шақрининг 2500 йиллик юбилеи (1997), Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилеи (1999) ва б.нинг фоал иштирокчиси.

**НОРБЕКОВ** Комилбек (1880-Тошкент—1943) — ўзбек маърифатпарвари. Тошкентнинг маърифатли бойларидан Муҳаммадаминбекнинг ўғли. Укаси Каримбек (1882—1970) б-н бирга чарм и.ч.ни йўлга қўйган. Австрия ва Германия фирмалари б-н тери-чарм савдо алоқасини ўрнатган. Тараккийпарвар

дўстлари Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев (Асадуллахўжаев), Низомиддин Хўжаев, Орифхўжабой Ҳожинов б-н бирга «Имдодия» («Ҳайрия») жамияти (1909), «Турон» жамияти ва шу номли группани ташкил этган (1914). 1909—11 й.ларда 35 ўқувчига мўлжалланган усули жади́д мактабини куриб берган ва ўқувчиларни иқтисодий таъминлаган. 1917—18 й.лардаги очарчилик даврида аҳолига 600 пуддан ортиқ ғалла тарқатиб, халқни очлик азобидан қутқарган. Файзулла Хўжаевни амир айғокчилари таъкибидан сақлаб қолган, унинг амирга қарши курашида моддий ёрдам берган. 1919—24 й.ларда «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси. 1930 ва 1935 й.ларда сиёсий идора (ГПУ) томонидан қатағон қилинган. 1989 й.да оқланган.

**НОРБОЕВА** Ойдин Абдулҳақовна (1944.1.2, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1978). Тошкент театр ва расомслик санъати ин-тини тугатган (1964). 1964—90 й.лар Ҳамза театрида, 1990—94 й.лар «Илҳом» театрида актриса. «Қонли сароб» (С. Азимов) спек-таклидаги Ақиқа унинг сахнадаги илк образи. Н. ижодига чуқур психологик талқин, тиниқ ва равон нутқ, қахрамонларини романтик ва ёркин бўёқларда нозиклик б-н ифода-лаш хос. Асо-ский роллари: Асал (Ч. Айтматов, «Сарв-қомат дилбарим»), Унсин, Нури (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Корделия, Дездемона (У. Шекспир, «Қирол Лир»), «Отелло»), Умида (А. Қаҳҳор, «Аяжонларим»), Сайёра (Уйғун, «Абу Райҳон Беруний»), Герда (Е.Шварц, «Қор маликаси»), Анвара (Ў. Умарбеков, «Қиёмат қарзи»), Камола (Р. Тагор, «Ганг дарёсининг кизи»), Маша (Л. Толстой, «Тирик мурда»), Мария Стюарт (Ф. Шиллер, «Мария Стюарт»), Антигона (Софокл, «Антигона»), Шакунтала (Калидаса, «Йўқолган узук»), Милли (А. Фугорт, «Бу ерда одамлар яшайди»), Н. «Ўзбекфильм» ва «То-жикфильм» ки-ноларида ҳам ўзига хос образлар ярат-ди (Сурайё, «Сурайё»; Но-

дия, «26-отилмасин»; Замира, «Фидойи»; Хадича, «Қалбингда куёш»; Малоҳат, «Сенга интиламан»; Тахмина, «Рустам ҳақида дoston», «Рустам ва Сухроб»; Хайри, «Юрак амри билан» ва б.). Видеofilmларда ҳам суратга тушган (Хадичабегим, «Бобур» ва б.).

**НОРБОЕВА** Сапаргул (1946.20.1, Янгиариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халққитувчиси (1995). Хоразм пед. ин-тини тугатган (1967). 1967 й.дан Янгиариқ тумани Алишер Навоий номидаги мактабда, 1968 й.дан Питнак ш.даги 1-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

**НОРБЎТАБИЙ**, Норбўтахон (тахм. 1749—1798) — Қўқон хони (тахм. 1763—1798). Абдулқаримбийнинг набираси, Абдуракмонхоннинг ўғли. 14 ёшдан тахтга чиққан. Наманган бекларининг сепаратизмини бостирган. Қўзғо-лон кўтарган Хўжанд бегини енгиб, шаҳарни ўзига бўйсундирган. Аммо Ура-тепа номигагина Бухорога тобе бўлиб қолган. Н. ҳукмронлигининг сўнгги йилларида акаси Ҳожибек Ўратепа ва Қу-рама ҳркимлари ёрдамида исён кўтармоқчи бўлган. У Тўрақўрғон ва Анди-жонни маскан тутган. Н. Андижонга қўшин тортиб, акаси б-н сулҳ тузган.

Н. вафот этган йил (1798) Эрдона-хон макбараси яқинидаги Мадраса қурилиши ниҳясига етган (қ. Норбў-табий мадрасаси). Н. даврида Фарғона водийсини бирлаштириш жараёни ту-гаган, иқтисодиёт тикланган, мўл-қўлчилик, арзончилик бўлган. Бу эса Фарғонага чекка туман ва вилоятлардан қўлаб аҳолини кўчиб келишига замин яратган. Қўқон водийнинг маданий-иқтисодий марказига айланган.

**НОРБЎТАБИЙ МАДРАСАСИ** - Қўқондаги меъморий ёдгорлик (18-а. охири). Қўқон хони Норбўтабий ҳукмронлиги даврида қурилган. Халқ орасида Мадрасаи Мир номи б-н ҳам юри-тилади. Н.м. чорсу майдони яқинида

қурилган. Бир қаватли, ҳовлили, тўғри тўртбурчак тархли (52x72 м), 4 бурча-гига минора-гулдасталар ишланган. Ҳовли (38x38 м) атрофига қатор равоқли хужралар жойлашган. Пештоғи шим. га қараган. Миёнсаройнинг 2 та-рафида пештоқ бўйлаб туташган гум-базли масжид ва 12 та деразали (панжа-ра-лар ўрнатилган) дарсхона мавжуд. Н.м. пишиқ ғиштдан қурилган. Хоналар ичи ганчсувоқ қилинган. Масжиднинг гум-баз ости шарафаси ва мехробининг юл-дузсимон безаклари серҳашам кўринади. Эшиклари гириҳ нақшлар б-н безати-лган, ички қисмида эса ўймақори исли-мий нақш қўлланилган. Н.м.нинг ташқи кўриниши Бухоро меъморлик мактаби услубига хосдир.

Ад.: Азимов И., Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари, Т., 1986.

**НОРВЕГ ТИЛИ** — ҳинд-европа тиллари оиласидаги герман тиллари гуруҳининг скандинав тиллари шохоб-часига мансуб тил. Норвегияда, шу-нингдек, АҚШ ва Канадада тарқалган; Норвегия Қиролигининг расмий тили. 5 млн. дан ортиқроқ киши сўзлашади. Н.т. лаҳ-жалари ғарбий ва шарқий гуруҳларга бўлинади. Н.т. тарихи 2 даврга: қад. Н.т. (9-а.дан 1525 й.гача) ва янги Н.т. (1525 й.дан) даврларига бўлинади.

1380 й.дан Норвегия Данияга тобе бўлиб қолиши муносабати б-н бу ҳудудда ёзма дан (дат) тили кенг тарқалади ва 16-а.да расмий тил мақомини олади. 19-а. бошларида Норвегияда 2 та адабий тил вужудга келди: риксмол (дан-норвег ада-бий тили) ва ланс-мол (19-а. ўрталарида норвег тилшуноси И. Осен томонидан адабий тилнинг қад. шаклидан сунъий яратилган). 1929 й.да риксмол ва ланс-мол расмий равишда букмол ва нюнорск (янги норвег) атамалари б-н алмашти-рилган. Ҳар иккала адабий тил бир қатор фоне-тик жихатлари б-н ўзаро фарқланади, улардан букмол нисбатан кенгрок қўлланади. Адабий Н. т.нинг шакллани-ши ва такомиллашувида 1907, 1917, 1938

йларда имло соҳасида ўтказилган ислохотларнинг алоҳида ўрни бор.

Н.т.нинг қад. ёзуви руник ёзув асосида бўлган, замонавий ёзуви эса лотин алифбоси асосида яратилган.

**НОРВЕГИЯ** (Norge), Норвегия Қироллиги (Kongeriget Norge) — Шим. Европадаги давлат. Скандинавия я. о.нинг ғарбий ва шим. қисмида. Майд. 387 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 4,5 млн. киши (2002). Пойтахти — Осло ш. Маъмурий жиҳатдан 19 фюльке (вилоят)га, жумладан, фюлькега тенглаштирилган Осло ш.га бўлинади. Шпицберген архипелаги, Медвежий, Ян Мейен ва Буве о.лари ҳам Н.га қарайди.

Давлат тузуми. Н. — конституцияли монархия. 1814 й. 17 майда қабул қилинган Н. Қироллиги конституцияси амал қилади, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — қирол (1991 й. 21 янв.дан Харальд V). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали (юқори палатаси лагтинг, куйи палата-таси одельстинг) парламент — стортинг амалга оширади. Ижрочи ҳокимият қирол қўлида бўлиб, у Давлат кенгаши (хукумат)ни тайинлайди.

Табиати. Н. — тоғли ўлка. Худудининг қарийб 2/3 қисми денгиз сатҳидан 500 м дан баланд; денгиз соҳилидагина паст-текислик бор. Ғарбий қир-ғоғида тик ён бағирли тор қўлтиқ (фьорд) кўп. Ўйрик ороллари — Ло-фотен, Вестеролен, Сенья, Магерё ва б. Худудининг катта қисмини Скандинавия тоғлари ишғол қилади (энг баланд жойи Гальхёпигген тоғи — 2470 м). Фойдаланиш қазилмалари: темир, никель, мис, титан, уран, молибден, кобальт ва кумуш рудалари. Шим. денгизнинг курукликка яқин саёз қисмида нефть ва газ конлари бор. Иклими мўътацил, шим. чекқасида субарктика, соҳилида океан иклими. Январнинг ўртача т-раси шим.да —2—4°, жан.да 2°. Ёзи салқин, тез-тез ёмғир ёғади. Йиллик ёғин 1000—3000 мм. Музликларнинг умумий майдони 3000 км<sup>2</sup> га

яқини ташкил этади. Ўйрик дарёлари — Глом-ма, Логен (Гудбрансдаль), Логен (Ну-медаль). Катта гидроэнергия салоҳия-тига эга бўлган бу дарёлар қор, ёмғир ва музликлардан тўйинади. Энг катта кўли — Мьёса. Асосий тупроғи — юпка тундра тупроғи, жан.да тоғ подзол тупроғи учрайди. Мамлакат худудининг 27% ўрмон. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, силовсин, росомаха, сувсар, лось, буғу, куён, тийин, лемминг ва б. бор. Денгиз соҳилида гала-гала қушлар, денгизларда турли балиқ ва тюлень кўп.

Аҳолисининг 97% норвеглар. Саамлар, квенлар, шведлар, данлар, не-мислар ва б. ҳам яшайди. Расмий тил — норвег тили. Расмий дин — лютеранлик. Шаҳар аҳолиси 50%. Ўйрик шаҳарлари — Осло, Берген, Тронхейм ва б.

Тарихи. Н. худудида одам музлик давридан кейинги асрлардан бери яшайди. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида саам ва герман қабилалари яшаган. Норвегларнинг ҳаёти азалдан денгиз б-н боғлиқ: мамлакатнинг номи ҳам «норвег» — «шимолий йўл», «денгиз йўли» маъносини билдиради. 872 й. би-ринчи норвег қироли тахтга ўтирди. 8—11-а.ларда моҳир денгизчи бўлган норвег викинглари Исландияга, Гренландия соҳиллари ва Шим. Атлантикадаги оролларга етиб бориб, уларни мустамлакага айланттирдилар. 11-а.да христи-анлик жорий этилди, марказлашган монархия қарор топди. 14-а. ўрталарида тарқалган вабо мамлакат хўжалигини, ижтимоий ва сиёсий ҳаётни издан чиқарди, аста-секин мустақиллик барбод бўлишига олиб борди. 1319 й. Швеция, 1380 й. Дания б-н иттифок тузди. 1397 й. Кальмар иттифоқига кўра, Н. Данияга тобе бўлиб қолди, 1537 й. Даниянинг вилоятига айланди.

1805—14 й.лардаги Англиядания уруши ва ҳосилсизлик Н.ни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди, ўн минглаб киши очликдан ўлди. 1814 й. Киль сулҳ шартномасига кўра, Н. шведлар мулки бўлиб қолди. Бундан норози бўлган норвег халқи мустақиллик учун кураш бошлади. Ўша

йил 17 майда биринчи парламент (таъсис мажлиси) чақири-либ, конституция қабул қилинди ва қирол сайланди. Швеция-Н. иттифоқи 1905 й.гача амал қилди, Н. ички мустақилликдан фойдаланди. 1905 й. 7 июнда стортинг Швеция-Н. иттифоқини бекор қилди.

1-жаҳон урушида Н. бетарафлик эълон қилди. 2-жаҳон уруши бошланиши б-ноқ Н. бетараф эканини билдирган бўлса ҳам, 1940 й.да гитлерчилар Германияси унга бостириб кирди, Н. ҳукумати Лондонга кўчди. 1942 й. фашистлар Н.да В. Квислинг бошчилигида соттиқ ҳукумат тузди. Мамлакатда Қаршилик кўрсатиш ҳаракати авж олди. 1945 й. 8 майда Н. озодликка эришди. Урушдан кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш ва ривожлантиришга киришилди. 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎЗР б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 10 июнда ўрнатган. Миллий байрами — 17 май — Конституция куни (1814).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Н. ишчи партияси, 1887 й. асос солинган; Марказ партияси, 1920 й. ташкил этилган; Тараққиёт партияси, 1973 й. тузилган; Венстре, либерал партия, 1884 й. асос солинган; Социалистик сўл партия, 1975 й. ташкил этилган; Христиан халқ партияси, 1933 й. тузилган.

Хейре, консерватив партия, 1884 й. асос солинган. Н. касаба уюшмалари марказий бирлашмаси, 1899 й. ташкил этилган. Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси ва Европа касаба уюшмалари конфедерациясига қиради.

Хужалиги. Н. — ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,6%, қ.х. улуши 2,9%. Денгиз кема қатнови, балиқ овлаш, ташки савдонинг роли катта.

Саноатнинг етакчи тармоқлари: электр металлургия, электр кимё, целлюлоза-қоғоз, балиқ саноати, асосан ташки бозор учун ишлайди. Ички бозорга хизмат қиладиган тармоқлар орасида озиқ-овқат ва енгил саноат б-н бирга машинасозлик ва металлсозлик дуруст

тараққий этган. Кончиликда темир ва титан рудаси, кумир, нефть ва газ казиб олиш катта урин тутади. Электр энергиянинг 99% ГЭСларда ҳосил қилинади (йилига ўртача 122 млрд. кВт-соат). Қора ва рангли металлургия, кемасозлик, электротехника, радиотехника ва ёғочсозлик саноати кўпроқ ривожланган. Ахрли жон бошига электр энергияси, целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари, ферроқотишма, алюминий и.ч. ва кемасозликда Н. дунёда ол-динги ўринларда туради.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакатнинг табиий шароити қ.х. учун жуда ноқулай. Тоғ-тош кўплигидан Н. ҳудудининг 3% га яқини ҳайдалади. Қ.Х., асосан, гўшт-сут чорвачилигига ихти-сослашган. Дехқончилигида ем-хашак экинлари, бир оз миқдорда ғалла (сули ва арпа), картошка экилади. Чорвачиликда йилқи, қорамол, қўй, чўчка, парранда боқилади. Қ-х. мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қонди-ра олмайди. Мўйна хайвонотчилиги, балиқчилик ривожланган, ўрмонларда кўп миқдорда ёғоч тайёрланади.

Ички юклар ва ташки савдо маҳсулотларининг аксарияти денгиз кемаларида ташилади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 38,3 млн. тонна дедвейт. Йирик портлари: Осло, Берген, Ставангер. Т.й. узунлиги — 4 минг км, автомобиль йўллари 89,7 минг км. Асосий аэропортлари — Форнебу (Осло), Сулла (Ставангер) ва Будё. Четга нефть ва табиий газ, кемасозлик, целлюлоза-қоғоз ва кимё саноати маҳсулотлари, қора ва рангли металл, балиқ маҳ-сулотлари чиқаради. Четдан машина, минерал хом ашё, автомобиллар олади. Ташки савдодаги асосий ҳамкорлари: Буюк Британия, Швеция, ГФР, Нидерландия. Пул бирлиги — крона.

Тиббий хизмати. Н.да соғлиқни сақлаш юкори даражада ташкил этилган. Тиббий хизмат қийматининг 80% ижтимоий суғурта ҳисобидан қопланади. Врачлар ун-тларнинг тиббиёт ф-тларида тайёрланади. Санкт-Олафс-Килле, Сан-

нефьорд, Ларвик, Ханке бальнео-логик курортлари, ғарбий соҳилида Берген денгиз бўйи иклимий шифохонаси бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Дастлабки мактаблар 12-а. бошларида очилган. 1848 й. 7 ёшдан 13—14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилди, 1968 й. 16 ёшгача етказилди. Ҳоз. таълим тизими мактабгача тарбия муассасалари, 6 й.лик кичик ва 3 й.лик юқори мажбурий мактаблар, ўрта умумий таълим мактаби — гимназиялар, хунар-техникала ўрта махсус ўқув юр்தларини ўз ичига олади. Осло, Берген, Тронхейм, Тромсёдаги ун-тлар, 10 та ин-т олий таълим беради.

Мамлакатдаги и.т.ларни Фан ва техника давлат кўмитаси ҳамда и.т.лар маслаҳат кенгаши мувофиклаштиради. Н. фан ва адабиёт академияси (1857), 300 дан ортиқ илмий тадқиқот ин-ти, саноат ва савдо фирмаларининг 300 лаб., 40 га яқин илмий жамият ва б. бор. Бундан ташқари, Осло ун-тида 90, Тронхейм ун-тида 50 и.т. институт ва лаб. иш олиб боради. Ун-тлар ҳузурида йирик кутубхоналар ва Осло ш. кутубхонаси, Н. халқ музейи (1894), ун-т миллий осори атикалар музейи, Мил-лий галерея, Амаллий санъат музейи, Зоол. музейи ва б. бор. Норвег викингларининг кемалари, Т.Хейердалнинг «Кон-Тики» соли музейи да сақланаётир.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Энг йирик газ. ва жур. лари: «Адрессеависен» («Манзилли газета»), кундалик газ., 1767 й.дан), «Арбейдербладет» («Ишчилар газетаси»), кундалик газ., 1884 й.дан), «Бергене арбейдерблад» («Берген ишчилар газетаси»), кундалик газ., 1927 й.дан), «Вердене ганг» («Ҳаракатдаги дунё»), кундалик газ., 1945 й.дан), «Ворт ланд» («Бизнинг мамлакат»), кундалик газ., 1945 й.дан), «Дагбладет» («Кундалик газета», 1969 й.дан), «Моргенбладет» («Тонгги газета»), кундалик газ., 1819 й.дан), «Нашунен» («Миллат»), кундалик газ., 1896 й.дан), «Норгес индўст-ри» («Норвегия

саноати», 2 ҳафтада чиқадиган жур., 1920 й.дан), «Фремовер» («Олга», кундалик газ., 1903 й.дан), «Харстад тиденде» («Харстад газетаси»), кундалик газ., 1887 й.дан), «Актуэльт перспектив» («Долзарб истиқбол»), жур., 1963 й.дан), «Фри фагбевегельсе» («Эр-кин касаба ҳаракати»), 2 ҳафтада чиқа-диган жур., 1906 й.дан) ва б. Норвегия телеграф бюроси (НТБ) — норвег газ.ларининг акциядорлик жамияти, 1867 й.да тузилган. Н. давлат радиоэшиттириш маҳкамаси (1933 й.да асос со-линган) мамлакатдаги радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни назорат қилади. Адабиёти. Қад. норвег адабиёти ёдгорликлари деярли сақланиб қолмаган. Оғзаки халқ афсоналари ва қаҳрамонлик кўшиқлари ёзма адабиётнинг илк манбалари бўлган. «Тушдаги шарпа» достони ва «Кирол кўзгуси» айтишуви (диалог) 13-а.га оид адабий намуналардир. 14—15-а.ларда баллада пайдо бўлди. Дания хукмронлиги даврида адабиёт тушкунликка учради, дан тили кўп вақт Н.нинг адабий тили бўлиб турди. 18-а. да миллий туйғу кучай-иши б-н норвег адабиёти юксала бор-ди, драматургия ва лирика ривож топди. Норвег ва дан маданиятларининг атоқли намояндalары — Скандинавия театрининг ижодкори — Л.Хольберг ва шоир К.Туллин шу даврда фаолият кўрсатди. 1772 й. Ко-пенгагенда норвег адабиётини тиклаш мақсадида «Норвег жамияти» тузилди. Шу йили Ю.Н.Брун биринчи миллий драма ва Н. мадҳиясини яратди, К.Фастинг, К. Фриман миллий ватанпар-варлик руҳидаги шеърларини ездди.

19-а. 1-ярмида тарих ва фольклорга қизиқиш кучайди, П.К.Асбьёрсен ва Й.Э.Му норвег халқ эртақларини йи-ғиб нашр этдилар, халқ кўшиқлари ва балладаларини ёзиб олишга киришилди. Драматургия ва лирика ривожланди. 50-й. ларнинг 2-ярмида реализм хусуси-ятлари пайдо бўлди (Б.М.Бьёрнсоннинг «Баджахл Сегурд» драматик трилогияси, Я.К.Коллетнинг «Амтманн кизлари» романи ва б.). 70—90-й.ларда танкидий

реализм устунликка эришиб, норвег адабиётини жаҳон даражасига кўтарди. (Г.Ибсен, Б.М.Бьёрнсон, Ю.Ли, А.Хьелланн ижоди).

20-а. бошларида Ю.Бойер, У.Дуун, С.Унсет каби ёзувчилар адабиётга кириб келдилар. С.Хель, А.Омре, А.Сандемусе, Т.Весос, Ю.Борген инсон рухиятини тегран акс эттирдилар. 2-жаҳрн уруши йилларида Н. ёзувчилари фашизмга қарши курашда қатнашдилар, 300 га яқин яширин гшз. чиқариб турилди. Урушдан кейин яратилган кўпгина асарлар Қаршиллик кўрсатиш ҳаракатига бағишланди. 70—90-йилларда ижод қилган шо-ирлар Р.Якобсен, Я.Брюхейм, А.Андерсен атроф дунё чигалликларини тасвирладилар. Г.Людде, Э.Ховардсхолм ва б. жамият иллатларини танқид қилдилар.

Меъморлиги. Ўрта аерларда Н.да ёғоч меъморлиги ривож топди, қўш синчли черков («ставкирка»)ларнинг ўзига хос тоифаси вужудга келди (Урнес ва Боргуннадаги черковлар). 12—16-а.лардаги ғиштли иморатларда роман ва готика меъморлигининг таъсири сезилади. Бергендаги 16-а. 2-ярми ва 17-а.га мансуб Розенкранц минорасида Уйғониш даври, Сер-Фрундаги 18-а.га оид черковда барокко ва рококо, Тронхеймдаги 19-а.га мансуб қирол қароргоҳида классицизм меъморлиги унсурларидан фойдаланилди. 19-а. меъморлигида эклектизм (Бюгдё я.о.даги Оскарсхолль қасри, меъмор Ю.Небелонг), 20-а. бошларида функционализм (Ослодаги «Скансен» ресторани, меъмор Л.Баккер) усуллари устунлик қилди. Кейинги ўн йилликларда Ослодаги ратуша (меъморлар А.Арнеберг ва М.Поульсон), «Викинг» меҳмонхонаси (меъмор К. Кнутсен), Ҳукумат уйи (меъмор Э.Викше), Ховикаддендаги музей (меъморлар И.Эйквар, С.Энгеб-ретсен) бинолари қурилишида ўзига хос миллий меъморий шакллар пайдо бўлди. Маҳаллий халқ меъморлиги анъаналарига мурожат қилиниб, меҳмонхона, хусусий виллалар, ҳовлили кошона уйлар қурила бошланди.

Тасвирий санъати. Неолит ва жез даврларида қояларга ишланган расмлар Н. худудидаги энг қад. санъат ёдгорликларидир. 8-а. охирида ўрта аср санъати (ёғоч, фил суяги ўймакорлиги ва х.к.) таркиб топган. 13—14-а.ларда готика услубидаги тасвирий санъат ривожланди. Ҳақиқий норвег санъати 19-а.да юзага келди. Атоқли расом Ю.Даль гўзал манзаралар чизди, А.Тидеманн, Х.Гуде, Ф.Коллетт, Х.Баккер халқ ҳаётини тасвирладилар. 20-а. 1-ярмида монументал-безак санъатининг роли кучайди. Ҳайкалтарошлардан Р. Лунне, Г. Янсон машҳур бўлди. 20-а.нинг 2-ярмида абстракционизм ва турли модерн оқимлари вужудга келди. Амалий санъат (металл буюмлар, жимжимадор ёғоч анжомлар яшаш, газлама, тўр тўқиш, каштачилик, кулоллик) халқ орасида кенг тарқалган.

Муסיқаси қадимда юзага келган. Ўзига хос норвег халқ кўшиқлари (қахрамонлик ва муҳаббат кўшиқлари, қисса-кўшиқлар, чўпон ва балиқчи кўшиқлари), рақслар (халлинг, спрингтар ва б.), чолғу қуйлари (люарслотт ва б.) кенг ёйилган. Азалий чолғу асбоблари — бук-кехорн (эчки шохи), приллар (буқа шохи), селье (найнинг бир тури), хар-тингфеле (ғижжакнинг бир тури) ва б. 16-а.да сайёр бахши (зингмейстер)лар, моҳир скрипкачилар, органчилар бўлган. 18-а. охири — 19-а. бошларида Ф.Грот, АФлентенберг, Ф.Фогель, Л.М.Линнеман каби композитор, дирижёр ва муסיқа назариётчилари ижод қилган. 1850—60 й.ларда Х.Хьерульф, У.Булль, Р.Нурдрок ва б. миллий муסיқа мактабининг яратдилар. Э.Григ ижоди ва ижтимоий фа-олияти муסיқа маданияти юксалишига катта таъсир қилди. Композитор Ф. У. Вален замонавий норвег муסיқасига асос солди. 20-а. ўрталарида Х.Северуд, К.Эг-ге, Э.Твейт, Л.Йенсен, А.Янсон, Л.Нильсен каби композиторлар ижод қилдилар. Ослода Норвегия операси (балет труппаси б-н), Осло ва Бергенда консерватория, Тронхеймда Олий муסיқа мактаби ва б. бор.

Театри. Миллий театр фаолияти диний ва маиший удумларни сахналаштиришдан бошланган. 18-а. ўрталарида Кристи-ания (хоз. Осло) ва Бергенда хаваскор театр труппалари тuzилди. 1780 й. до-имий театр очилди. 1899 й. Кристиа-нияда барпо этилган Миллий театрда Г.Ибсен, Б. М. Бьёрнсон, У. Шекспир, Ф.Шиллер, Б.Шоу асарлари кўйилди. 19-а. охири — 20-а. бошларида Кристиания, Берген, Тронхейм, Ставангерда янги театрлар барпо этилди. Х.Крог, Н.Григ ва б. ёзувчиларнинг пьесалари сахналаштирилди. 2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Н. театрлари инкирозга учради. Мамлакат озод этилгач, театрларда жаҳон ва миллий мумтоз драматургиясининг асарлари кўрсатилди. Ослода актёр ва реж.лар тайёрлайдиган Давлат театр мактаби (1953) бор.

Киноси. 1908 й.дан кинофильмлар чиқарила бошланди. 20-й.ларда чет эл фильмларига таклидий фильмлар яратилган бўлса, 30-й.ларда ўткир ижтимоий ва тарбиявий мавзуларга мурожаат этилди («Саёк», «Торрес Снер-тевольд», реж. Т.Ибсен). 40—60-й.ларда Қаршилик кўрсатиш х.аракатига бағишланган фильмлар — «Яшашни хохлаймиз» (реж. У. Дальгар), «Қочоклар» (реж. Т. Сан не), «Тўққиз хаёт» (реж. А.Скоуэн) Н. киносининг катта ютуғи бўлди. Кейинги йилларда реж.лардан Н.Мюллер, Н. Кристенсен, Т.Вибе-Мюллер ва б. риё-корона ахлокини фош этувчи фильмлар яратишди. Н.да хуж-жатли, илмий омма-бop (реж. П.Хест, А.Берг, Т.Хейердал) ва мультипликация (реж. И. Каприно) киноси ҳам ривожланган.

**НОРВЕГИЯ ДЕНГИЗИ** - Шим. Муз океанининг чекка денгизи. Скандинавия я.о. б-н Шетленд, Фарер, Ирландия, Ян-Майен, Медвежий о.лари оралиғида. Атлантика океанидан сув ости тизмаси ажратиб туради. Майд. 1340 минг км<sup>2</sup>. Энг чуқур жойи 3970 м. Илиқ оқим ўтганлигидан қишда музламайди. Сувининг т-раси фев.да 8—12°. Шўрлиги

34—35,2‰/oo- Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади (бал. 3,3 м гача). Балиққа бой. Асосий портлари: Тронхейм, Тромсё, Нарвик.

**НОРВЕГЛАР** — халқ, Норвегиянинг асосий аҳолиси (4,15 млн. киши). Умумий сони 5 млн. киши (1990-й.ларўрталари). Норвег тилида сўзлашади. Дин-дорлари — асосан, лютеранлар, католиклар ҳам бор.

**НОРДЕНШЕЛЬД АРХИПЕЛАГИ** - Кара денгизининг жан.-шарқий қисмидаги ороллар (РФ). Ғарбдан шарққа 93 км чўзилган. 5 гуруҳга бўлинган 90 оролдан таркиб топган. Энг шим. ва энг йирик ороли Рус о.ли бўлиб, уз. 38 км, эни 14 км. Ороллар, асосан, отқинди жинслардан таркиб топган. Н. а. 20-а. нинг 30-й.лари ўрганилган. Н. а. швед кутбшуноси Н. А. Норденшельд (1832—1901) номи б-н аталган.

**НОРДИЗМ** (нем. Nord — шимол) -иркчилик кўринишларидан бири. Н. ғайриилмий назария бўлиб, унинг асосида шим. (норд) ёки «арий» ирки инсониятнинг бошқа ирқларидан устун эканлиги ҳақидаги даъво ётади. Н. асосчилари француз социологлари Ж.А.Го-бино ва Ж.В.Лапуж ҳисобланади. Н. маддохлари шим. ва «герман» ирқларини тенг кўйган, герман иркини «олий» ирқ ҳисоблаб, цивилизациянинг барча ютуқлари учун инсоният «олий» ирқдан миннатдор бўлиши керак, деб даъво қилган. Германия фашизми на-зариётчилари Н.ни ўз расмий мафку-расига айлантирган эди.

**НОРДКАП** — Норвегиянинг шим.-шарқий чеккасидаги бурун, Магерё о.да (71 ° 10' ш.к. ва 25°47' ш.қ.); қирғоклари тик қоялардан иборат, бал. 300 м дан зиёд. Н. — Европанинг энг маш-хур чекка шим. бурунларидан.

**НОРДОН ЁМҒИРЛАР** - таркибида олтингугурт водороди, карбонат ангид-



риди бўлган ёмғирлар. Йирик металл-созлик, кимё корхоналари, иссиқлик электр станцияларидан ҳавога кўтарилган тутун ва б. газлар ҳаводаги нам б-н кўшилиб ҳосил бўлади. Жониворлар, тупрок, ўсимликларга зарар келтиради.

**НОРДОН ТОҒ ЖИНСЛАРИ** - таркибида кремнезём жуда юқори (64—78%) бўлган магматик тоғ жинслари. Бу жинслардаги ортиқ даражада бўлган кремнезём кристалли кварц кўринишида ажралиб туради ёки эффузив тоғ жинсларида асосий массадаги вулкан шишаси таркибига киради. Асосий ми-нераллари: кварц (20—30%), ишқорли дала шпати (25—35%), нордон плагиоклаз (20—30%), рангли минераллар (5—15%) ва б. Н.т.ж.ни келиб чиқишига қараб плутоник ёки вулканик синфга ажратадилар (яна к. Магматик тоғ жинслари).

**НОРЖИГИТОВ** Абдуҳаким (1936.16.1, Даштобод ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1965). 1965— 77 й.ларда Даштобод ш.даги 25-мактабда физика ўқитувчиси, директор ўрин-босари, директор. 1977 й.дан Тошкент ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-тининг Янгиер фи-лиалида тайёрлов бўлими мудири, 1979 й.дан Зомин тумани 2- мактаблараро ўқув и.ч. к-ти директори, 1989—2002 й.ларда Зомин туманидаги 39-мактабда ўқитувчи. Иш фаолияти давомида замон талаби даражасидаги физика ва агрофизика кабинетлар, физика-мат, чуқур ўрганиладиган синфлар ташкил этди, табакалаштирилган тест усулини қўллади ва оммалаштирди.

**НОРИЛЬСК** — РФнинг Красноярск ўлкасидаги шаҳар (1953 й.дан). Дунёда энг шим. шаҳарлардан бири (Шим. Қутбий дойра оркасида жойлашган). Т.й. станцияси (т.й. орқали Енисейдаги Дудинка порти б-н боғланган). Ахрлиси 151,2 минг киши (1998). 1935 й.да кончи-

лик-металлургия к-ти қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Рангли металлургия маркази. Никель, кобальт, мис ва б. рудалар қазиб олинади ва қай-та ишланади; тошқўмир қазиб олинади. Металл-созлик ва қурилиш матери-аллари саноати корхоналари ишлаб турибди. Мессо-яха-Норильск газ қузури ўтказилган. Чекка Шимол қ.х. илмий тадқиқот ин-ти, театр, суратлар галереяси бор.

**НОРИМ-НОРИМ** (форс. — анор сўзидан) — Хоразмда кенг тарқалган куй ва анъанавий эркаклар рақси. Халқбайрамлари ва турли томошаларда халқ чолғу ансамбли жўрлигида ижро этилади, кўпинча қайроқ ҳам жўр бўлади. Ижрочилар (2—4 эркак) қарама-қарши туриб рақсга тушади. Рақс икки қисмдан иборат. Биринчиси тантанавор тарзда тўрт чоракли (4/4) усулда ижро этилади, асосан, қўллар рўбарў ҳолда тутилиб, юқоридан пастга, пастдан юқорига ҳаракат қилади. Иккинчиси шўх ва илдам уфар (6/8) усулида оёқ ва бутун гавда ҳаракати б-н ижро этилади. Н.-н. ва уфари сининг ашула ва-риантлари мавжуд. Ўзбек бастакор ва композиторлари ўз асарлари (Мас, С.Юдаковнинг «Хоразмча байрамона юриш» увертюраси ва б.) да Н.-н. куй ва усулларидан фойдаланганлар.

**НОРИН** — Ўзбекистон ва Қирғизистондаги дарё. Марказий Тяньшандан бошланади. Уз. 807 км, ҳавзасининг майд. 59,9 минг км<sup>2</sup>. Дарё Норин ш.дан 44 км шарқда Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин ш.дан 21 км оқиб ўтгач, унга ўнг томондан Ўнарча дарёси, сўнгра Сўнкўлдан чиқиб келадиган Кўкжерти дарёси қуйилади. Шундан сўнг, энг йирик чап ирмоқларидан Отбоши дарёси, ундан нарироқца Олабуға дарёси келиб қуйилади. Тўғузтўрў сойлигига оқиб чиққач, Н. дарёсига чап томондан анча йирик Кўкий-рим дарёси, 32 км оқиб боргач, Кўкўме-рен дарёси

қўшилади. Узунахмат ва Қо-расув дарё-лари қўшилгач, дарё Фаргона водийсига чиқади. Шу ердан бошлаб унинг суви қисман суғоришга олинади. Наманган ш. яқинидаги Балиқчи қишлоғи ёнида Н. Қорадарё б-н қўшилиб Сирда-рёни ҳосил қилади. Н. юқори оқимида кенг водийда, Ахала дарёсининг қўйилиш жойига қадар чуқур ва тор водийда жуда тез оқади. Норин ш.дан бошлаб дарё водийсида икки ёқлама қайир ҳосил бўлган. Узунахмат дарёси қўйилиш жойига яқин дарё водийси тобора тора-йиб, қояли дарага айланади ва Учқўр-ғон ш.дан ўтгач, кенгайиб, конуссимон ёйилмадан оқа бошлайди. Н.нинг ўртача кўп йиллик сув сарфи (Норин ш. яқинида) 87,5 м<sup>3</sup>/сек, ўртача оқим модули 8,24 м<sup>3</sup>/сек. Дарёсининг энг қатта максимал сув сарфи 1936 й. 20 майда 772 м<sup>3</sup>/сек, минимал ўртача ойлик сув сарфи 10,2 м<sup>3</sup>/сек. (1938 й. янв.) бўлган. Н. қор-музлик сувларидан тўйинади. Катта Фаргона, Катта Андижон, Шим. Фаргона, Катта Наманган каналлари шу дарёдан сув олади. Н. жуда қатта энергия захиралирига эга. Дарёда Уч-қўргон ГЭС, Тўктакул ГЭС қурилган. Н. бўйида Норин, Тошқўмир, Учқўр-ғон ш.лари жойлашган.

**НОРИН** — Қирғизистоннинг Норин вилоятидаги шаҳар (1927 й.дан), вилоят маркази. Норин сойлигида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси) бўйида, бал. 2000 м дан ортиқ бўлган Оламушук тизмаси этакларида; Рибачье т.й. стан-циясидан 180 км жанубда. Автомобиль йўллари туғуни. Аҳолиси 44,5 минг киши (1990-й. лар ўрталари).

Кашкардан Чуй водийсига ўтадиган савдо йўли устида истехком пункти сифатида вужудга келган. Механика з-ди, тикувчилик ф-каси, гўшт к-ти, педагогика ва тиббиёт билим юртлири, Тяньшан мусикали драма театри бор. Шаҳар 1867 й.да бунёд этилган.

**НОРИН** — миллий таом. Тайёрлаш усу-ли: қўй, от ёки мол гўшти (баъ-

зан, қазӣ) қозондаги совуқ сувга солиб, кейин милдира-тиб (янги мол ёки от гўшти 1 — 1,5 соат, сур от гўшти 2 соат) қайнатилади. Сўнгра совитилиб сомонча шаклида майда тўғралади. Ошхамир юпка 0,8—1 мм қилиб ёйилиб 10x10 см, 10x5 см ли шапалоқлар кесилади. Хамир гўшт шўрвасида пишириб олинади ва бир оз совитилгач, ҳар бир шапалоқ бети-га доғланган пахта ёғи (ёки қазӣ ёғи) сур-тилиб, лаганларга устма-уст тахланади. Сўнгра шапалоқ хамир пилта қилиб (3,5—4 см) кесилиб, майда қилиб тўғралади. Тўғралган гўшт хамир б-н аралашти-рилади. Бундай Н. қурук Н. деб аталиб, тақсимчаларга солиб, юзига зирапиёз ва 1—2 паррак қазӣ қўйиб, яхна таом сифа-тида дас-турхонгатортилади. Н. хамир пиширишдан аввал олиб қўйилган гўшт шўрваси ҳамда пиёз қўшиб кам истеъмол қилинади (хўл Н.). Бундай Н. қосаларда дастурхонга тортилади. Н. энг қадимий таомлардан ҳисобланиб, ўтмишда чорва-дор қабилалар ўртасида кенг тарқалган.

Ад.х Махмудов К., Ўзбек тансиқ та-омлари, Т., 1989.

**НОРИН ВИЛОЯТИ** - Қирғизистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1970 й. 11 дек.да ташкил этилган (1939—62 й.ларда Тяньшан вилояти). Жан.-шарқда ва жан.да Хитой б-н чегарадош. Майд. 47,3 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 259,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари), асосан, қирғизлар, шунингдек, рус, узбек, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар ах-рлиси 21%. 6 маъмурий туман, 1 шаҳар, 2 шақарча бор. Маркази — Норин ш.

Н.в. Ички Тяньшанда жойлашган. Ғарбдан шарққа баландлаша боради. Жан.-шарқда Қдқшалтов (энг баланд жойи 5982 м), жан.-ғарбда Фаргона тиз-маси (4692 м), шим.-ғарбда Суса-миров-нинг шарқий қисми (4048 м), Жумғолтов тизмаси (3947 м), шим.-шарқда Терскай-Олатов тизмасининг ғарбий қисми ва Етим тизмаси чўзилган. Вилоятнинг ички қисмини Жоматов (4718 м), Отбо-ши (4786), Норин-тов, Мўлдатов тизма-

лари ва б. қисман ясси сиртлар эгаллаган. Йирик сойликлар ва водийлар: шим.да Қўчқор, Жум-гол, марказида Норин, Отбоши, жан.да Оксой, Чатиркўл, ғарбида Тўғузтўрў, уларнинг туби 1000—1200 м дан 3800 м гача баландликда.

Иқдими кескин континентал. Қиши каттиқ совуқ, ёзи нисбатан салқин. Январининг ўртача раси—10,1° (Қўчқор-да) дан —27,7° гача (Оксой водийсида). Июлники 21° дан (Қазарман) 9° гача (Оксой водийси). Н.в.да хавонинг ўртача суткалик т-ра амплитудаси катта. Вилоят худудининг кўп қисмида йиллик ёгин 200—300 мм. Айрим водийларда қишда деярли қор ёғмайди. Вегетация даври 130 кун. Энг йирик музликлар Қақшалтов тизмасида.

Дарёлари Норин (70%), Тарим (20%), Чуй хавзаларига мансуб. Норин дарёсининг муҳим ирмоқлари: ўнгда Кичик Норин, Кўкўмерен; чапда Отбоши, Олабуға. Кўпчилик дарёлари музлик-қор сувларидан тўйинади. Дарёлари гидроэнергия ресурсларига бой. Норин дарёси ирмоқларидан, асосан, суғоришда фойдаланилади. Чуй дарёсида Ўртатўқай сув омбори қурилган. Йирик қўллари: чучук сувли Сўнқўл ва окмас шўр сувли Чатиркўл. Тоғ-дашт ва чалачўл ўсимликлари (тоғ водийларида шувок ва бошоқдилар) ўсади. Тоғ ён бағирларининг юқори қисмлари субальп ва альп утлоқлари б-н қопланган. Баланд тоғ тундраси, шарқида совуқ баланд тоғ чўли мавжуд. Наъматак, зирк, учқат, водийларида терак ва қоратол, тоғ ён бағирларида тяньшан қорақарағайи, арча ўсади. Н.в.да архар, тоғ эчкиси, барс, сувар, бўри, тулки, кулранг су-ғур яшайди. Иқтисодийетида к.х. асосий ўринда. Н.в. — чорвачилик р-ни. Рес-публикадаги қўйларнинг 1/4 қисми, эчки, қорамол, йилқи, қўтос боқилади. Н.в. худудидан олтин, тоштуз, қурилиш материаллари конлари бор. Қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш (гўшт к-тлари, мойсир з-длари, тегирмонлар), кенг истеъмол моллари ва қурилиш материаллари и.ч. корхоналари,

механика з-ди (Норинда), «Оргтехника» прибор з-ди ишлаб турибди. Автомобиль транспорти ривожланган. Асосий йўллари: Рибачье—Норин—Тўруғарт, Норин—Қазарман. Кутубхоналар, театр, Қир-ғизистон Чорвачилик ва ветеринария илмий тадқиқот ин-тининг чорвачилик бўйича Тяньшан тажриба ст-яси жойлашган.

**НОРИН СОЙЛИГИ** — Ички Тяньшандаги сойлик (Қирғизистонда). Норин дарёсининг ўрта оқимида. 1300—3000 м баландликда. Уз. 300 км, эни 50 км гача. Норин дарёси ўнг со-ҳили ўр-қирли ерлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ, деярли қор ёғмайди, ёзи салқин. Январининг ўртача т-раси — 15°, —18°, июлники 15—17°. Йиллик ёгин 200—300 мм. Тупроғи оч-қўнғир тупроқ. Шўра-шувок ва бошоқдилар ўсади.

**НОРИН ТУМАНИ** — Наманган вилоятининг жан.-шарқий қисмида жойлашган туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1962—1973 й.ларда ва 1988—89 й.ларда Учқўрғон тумани таркибида бўлган. Н.т. ғарбдан вилоятнинг Наманган ва Уйчи, шим.дан Учқўрғон туманлари, жан. ва шарқдан Андижон вилоятининг Балиқчи ва Избоскан туманлари б-н чегарадош. Майд. 207,1 км<sup>2</sup>. Ахриси 118,3 минг киши (2003). Н.т.да 1 шаҳар (Ҳаққулобод) ва 8 кишлоқ фуқаролар йиғини (Марғзор, Норин-капа, Пахтакишлоқ, Тошлоқ, Туда, Усмон Юсупов, Учтепа, Хўжаобод) бор (2003). Маркази — Ҳаққулобод ш. Табиати. Н.т. вилоятнинг шарқий қисмида, Фарғона тизмасининг этакларида жойлашган, ғарбий чегаралари бўйлаб Қорадарё ўтади. Рельефи паст-баланд текисликдан иборат (бал. 600—800 м). Тоғ этаклари палеоген даврининг гил, оҳақтош, мергель жинсларидан таркиб топган. Норин хавзаси ёппасига конгломератдан иборат. Қо-радарё хавзасида конгломерат уступи ўнлаб метр қалинликда қоплаб ётган лёсс катта майдонда текислик ҳосил қилган.

Нориннинг қайир текислиги Учқўрғон қишлоғидан бошлаб 2—3 км га кенгайди; бу ерда қумоқ ҳамда қум-лоқ жинслар кенг тарқалган. Туман ҳудудининг шим. дан жан.га томон Катта Андижон канали кесиб ўтади (туман ҳудудида уз. 13,5 км). Туманнинг жан.-ғарбий томонидан Қорадарёнинг эски ўзанидан ўтадиган Қолгандарё барча сизот сувларни йиғиб Қорадарёга қўшилади. Туттроғи жан. қисмида бот-қоқ-торфли, шим.да б.ўз тупрок. Норин Қорадарёга қўшиладиган ерда ўтлок-ли, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар учрайди. Иклими қуруқ континентал. Ёзи иссиқ, киши совук. Январнинг ўртача т-раси —6°, июлники 27°. Йилликёғин 190—215 мм. Вегетация даври 233 кун. Туман ҳудуди ҳайдаладиган ерлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан фақат даре бўйларида, канал, зовур четларидагина камиш, ажрик, ялпиз, қирқ-бўғин, кўйпечак, қизилмия, бурган, ғумай, янтоқ, шўра, отқулоқ, шувоқ, ёввойи жийда, момақаймоқ, самбит, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлар жуда кам қолган. Илонлар, сув ҳавзаларида ондатра, шунингдек, тулки, куён, калта-кесак, юмронқозиқ, баликлардан сазан, лакқа, чўрган ва б. бор. Қушлардан ёввойи ўрдақ, лойхўрак, қалдирғоч, бул-бул, чумчуқ, чуғурчик, мусича, ҳаққа, қарға, сўфитўрғай, синчалақ, қарқуноқ, қумри, лайлак ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, ко-рейс ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 571 киши (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Ширкат хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва пиллачилик б-н шуғулланади. Туманда 2 (Ўзбек-Литва «Клайна Текстиль» ва «Ҳаққулобод ПИК») қўшма корхонаси, кичик ва хусусий корхоналар, «Норинтола» акциядорлик жамияти ва б. мавжуд (2003). Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Қ.х.да суғориладиган ерлар 13

минг га, экинзорлар 12 минг га дан зиёд. Шу жумладан, 6,7 минг га ерга пахта, 4,6 минг га ерга буғдой, 563 га ерга ем-хашак,

Норин туманидаги Ўзбек—Литва «Клайна Текстиль» қўшма корхонаси цехи.

80 га ерга сабзавот, 30 га ерга картошка ва б. экинлар экилади (2003). Н.т.да 9 ширкат хўжалиги, 2 фермер хўжаликлар уюшмаси, 245 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Туман ширкат ва шахсий хўжаликлариди 19,9 минг қора-мол, 19,3 минг қўй, 44,2 минг пар-ранда боқилади (2003). 2002/2003 ўқув йилида 44 умумий таълим мактаби бўлиб, 28,0 минг ўқувчи таълим олди, 4 касб-ҳунар коллежи ва иқтидорли болалар лицейида 1530 ўқувчи ўқиди. 37 кутубхона, маданият саройи, 11 қишлоқ маданият уйлари, музей, «Гул-даста» халқ ансамбли, «Хўрозча» халқ кўғирчоқ театри ҳамда халқ дорбозлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Н.т.да марказий касалхона ва 21 та даволаш ва тиббиёт муассасасида 231 врач, 1210 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туманда ҳар 10 минг аҳолига 19,7 та врач, 103,2 ўрта тиббий ходим тўғри келади (2003). 1931 й.дан «Норин ово-зи» туман газ. чиқади (адади 5000).

Муродулла Ҳайдаров.

## **НОРИНЖОН БОБО МАЖМУАСИ**

- Қорақалпоғистон (Элликқалъа тумани) даги меъморий ёдгорлик (10—18-а.лар). Мажмуа қад. қалъа ўрнидаги қаб-ристон маркази — Норинжон бобо мақбараси атрофида турли даврларда зиёратхона, шарқий мақбара (14-а.), хонақоҳ айвон, қаландархона (18-а.) ва б. қўшимча хоналар қуриб барпо этилган. Норинжон бобо ҳақидаги аниқ маълумотлар сақланмаган. Мақбарадаги қабртошга «Бу оқил, обид, Аллоҳ йўлида доимий рўзадор, Аллоҳ қаро-матини ерда пайдо этувчи, Муҳаммад ибн Мусо ибн Довуд Абу Абдуллоҳ ан-Норинжоний қабридуру. Аллоҳнинг унга ва унинг дўстларига раҳмати бўлсин, хижрий 712 й.в.э.» — деб ёзилган. Ундаги

гирих нақшлар Термизий мақбарасидаги кабртошга ўхшашдир.

Дастлаб мурабба таркли пештоксиз мақбара қурилган (10-а.), зиёратхона ва унинг ёнидаги гўрхона (14-а.) томлари гумбазли қилиб бирлаштирилиб олдига пештоқ ва чиллахона ишланган. Шарқдан хонақоҳ ва айвон бунёд этилиб мақбаранинг шарқий эшиги ўрнига меҳ-роб қурилган. Пештоқнинг шарқий бурчагида кичик минора, ёнида қаландархона қурилган. 1981—83 й.ларда илмий ўрганилган. Мустақилликдан кейин қайта тикланди.

**НОРИНОВА** Мавлуда Ҳақимовна (1949.15.4, Янгиқўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тини ту-гатган (1972). 1972 й.дан Янгиқўрғон туманидаги 54-мактабда ўқитувчи, 1973 й.дан 81-мактабда ўқув бўлим мудир, 1984—2000 й.ларда Чортоқ туманидаги 27-мактабда директор. Иш фаолияти давомида ноанъанавий дарс усулларини қўллаган, педагогик-психологик тадқиқот материалларини амали-ётга тўлиқ жорий қилишга эришган.

**НОРИНТОВ** — Ички Тяньшандаги тоғ тизмаси. Қирғизистонда, Отбоши дарё водийси б-н Норин дарёси водийси орасида кенглик бўйича 145 км га чўзилган. У ғарбда Отбоши дарёси орқали Қоратов ва Бойбичатовдан, шарқда Жалдзар (Отбошининг ирмоғи) дарёси орқали Барколдой тоғидан ажралиб туради. Н.нинг жан.да Отбоши, шим.да Нура ва Жетимтов жойлашган. Н. баланд тоғ ҳисобланиб айрим чўққилари 4500 м дан зиёд. Тизманинг ўқ қисми оҳақтош ва метаморфик сланец, гранитлардан ташкил топганлиги ту-файли қояли, киррالي бўлиб, кичик музликлар ва доимий қорлар б-н қопланган. Қиши совук, давомли, ёзи сал-қин ва қисқа. Январнинг ўртача т-раси — 18, —20°, июлники қуйи қисмида 15—17°, энг баланд қисмида 0° атрофида. Йиллик ёгин 200—400 мм.

Шим. ён бағри Норин водийсига тик тушган. Жан. ён бағри қия, жарлар б-н ўйилган. Асосан, тоғ-ўтлоқ, тоғ-дашт ланд-шафти мавжуд бўлиб, баъзи нам кўпроқ бўлган қисмларида тяньшан қорақарағайи ўсади. Тик ён бағирлари қоя ва курум тошлардан иборат.

**НОРКАЛАР** — сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчилар. Танаси хипча, чўзиқ, оёқлари калта, бармоқларида сузгич пардалари бор. Юнги калин, ялтироқ, кулранг тусли. 2 тури бор. Европа норкаси Европа ва жан.-ғарбий Сибирда яшайди. Уз. 45 см гача, думи 20 см гача. Ноёб, йўқолиб бораётган тур. Қурил о.да ик/шмлаштирилган. Америка норкаси Шим. Аме-рикадатарқалган; уз. 54 см гача. Кўпчилик мамлакатларда, жумладан, Ўзбе-кистонда иқлимлаштирилган; Европа норкасини аста-секин сиқиб чиқармоқда. Америка норкаси ўрмонлар яқинидаги музламайдиган дарёлар, кўллар ва боткоқликлар яқинида уяда яшайди. Полигам. Бўғозлик даври 36—80 кун, 1—9 та, баъзан 16 тагача бола туғади. Лактацияси 2—2,5 ой. Майда сут эмизувчилар ва балиқлар б-н озикутанади. Н. мўйнаси учун овланади. Америка норкаси мўйначилик фермаларида боқилади. Селекция орқали Америка норкасининг ҳар хил рангли мўйна берадиган зотлари чиқарилган.

**НОРМАЛ ТАҚСИМОТ** -эҳтимоллар назариясиаагм муҳим тақсимотлардан бири дан иборат бўлган тасодифий миқдорлар тақсимоти (а — ихтиёрий қақиқий сон, а>0). Н.т. (1) га бўйсунган % тасодифий миқдорнинг ўрта қиймати а га, дисперсияси а2 га тенг бўлади: М2; = а, Dt, = а2. Н.т. х = а нуқтага нисбатан сим-метрияга эга. Ўзаро боғлиқбўлмаган i,;, i;2, ..., !,;, нинг тақсимоти (жуда кенг шартларда) Н. т.га яқин бўлиши ис-ботланган (қ. Лимит теоремалар). Бирор тасодифий миқдорни катта сондаги ўзаро боғлиқмас сабабларнинг натижаси

деб қараш татбиқларда кўп уч-раганлиги учун Н.т. эҳтимоллар назарияси ва табиатшуносликда катта аҳамиятга эга. Н.т.нинг вужудга келишига классик намуналар К. Гаусс (ку-затиш хатолари тақсимооти қонуни) ва Ж. Максвелл (молекулалар тезликлари тақсимооти қонуни) га тегишли.

**НОРМАЛЬ** (лот. *normalis* — тўғри) — эгри чизикнинг бирор нуқтасига ўтказилган уринмага (ёки сиртнинг уринма текислиги га) тиктўғри чизик. Текисликда  $F(x,y) = 0$  тенглама б-н берилган (L) текис эгри чизикнинг  $M(x_0, y_0)$  нуқтасидаги Нм MN тўғри чизикдан иборат (расм). Фазовий эгри чизикнинг ҳар бир нуқ-тасидан чексиз кўп Н.лар ўтади; улар уринмага тик бўлган Н. текисликни ташкил қилади.

**НОРМАНДИЯ** (Normandie) — Франциянинг шим.-ғарбидаги, асосан, Нормандия я. о.даги тарихий вилоят. Кальвадос, Манш, Эр, Денгизбўйи Сенаси, Оرن департаментларидан таркиб топган. Майд. 29,9 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 3,1 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Икки иқтисодий р-нга — Юқори Н. ва Қуйи Н.га бўлинган. Асосий шаҳарлари — Руан, Кан. «Н.» номи ушбу ҳудудни 10-а.нинг 1-ярмидабосиболган норманнлардан олинган. 10—13-а. бошида Н. — герцоглик, Англияни Нормандия, босиб олгач (1066 й.) — инглиз кироллари мулки. 1202—04 й.ларда Н.ни Франция қайтариб олган; 1790 й.гача вилоят мақомида бўлган.

**НОРМАНДИЯ ДЕСАНТ ОПЕРАЦИЯСИ** — 2-жаҳон уруши давридаги жан-говар операция (1944 й. 6.6 — 24,7). Иккинчи фронтнинг очилиши. Англия-Америка экспедицион кучларининг Ла-Манш бўғози орқали Нормандияга туширилиши ва қулай стратегик плац-дармни эгаллашлари. Бу ердан Шим.-Ғарбий Францияда хужумкор операция бошлаб юборилган.

**НОРМАНДИЯ ОРОЛЛАРИ** - Ла Манш бўғозидаги бир гуруҳ ороллар, Нормандия соҳиллари яқинида, Буюк Британия таркибида. Майд. 196 км<sup>2</sup>. Иккита йирик (Гернси ва Жерси) ва бир қанча майда ороллардан иборат. Гранит ва гнейслардан таркиб топган. Энг баланд жойи 148 м. Иқлими мўъта-дил иқлим. Балиқ овлаш, гулчилик, сабзавотчилик ривожланган. Иқлим курортлари бор. Сент-Хелиер порти — йирик моливий марказ.

**«НОРМАНДИЯ-НЕМАН»** - Иккинчи жаҳон уруши даврида Францияни фашистлар оккупациясидан халос қилиш ҳаракати — «Курашаётган Франция» қирувчи авиацияси полкининг номи. 1943—45 й.ларда совет-герман fronti-да ҳаракат қилган. Полк учувчилари немисларнинг 280 га яқин самолётини йўқ қилиб, 80 тасини шикастлаганлар. 1944 нояб.да Литвани озод қилишдаги жан-гларда ва Неман дарёсини кечиб ўтишда ўрناق кўрсатганликлари учун полк-ка «Неман» фахрий номи берилган.

**НОРМАНН НАЗАРИЯСИ** - Россия ва б. хорижий тарихшунослигидаги оқим. Унинг тарафдорлари норманнлар (варяглар) кад. Русдаги давлатга асос солишган деб ҳисоблайдилар. 18-а. 2-чорагида Г.З.Байер, Г.Ф.Миллер ва б. томонидан ишлаб чиқилган. Н.н.ни М.В.Ломоносов, Д.И.Иловайский, С.А.Гедеев ва б. рад этишган.

**НОРМАННЛАР** (скандинавча *northman* — шимол одами) — Скандинавия я.о.да яшаган ва Европа мамлакатларига босқинчилик юришлари (8— 11-а.лар) уюштирган халқлар; Ғарбий Европада шу ном б-н машҳур бўлишган. Скандинавиянинг ўзида юриш қатнашчиларини викинглар, Русда эса варяглар деб аташган.

**НОРМАТ ҚИЗИҚ СУЛОЛА-**

**СИ** - кўқонлик қизикчилар. 1) Нормат қизик (лақаби Мулла, Оғзи катта, 1849 — Кўқон — 1919) — Зокиржон қизикчининг тўдасида катта қизикчилардан таълим олиб, иш бошлаган. Туда б-н бирга Фарғона водийси бўйлаб ва Шарқий Туркистонда томоша кўрсатган. Зокиржон қизик вафотидан кейин Кўқонга қайтиб ўз тўдасини тузган. Тўдада унинг раҳбарлигида Рўзигов, Исмоил хўроз, Лўм-лўм Мамажон (Мухаммад Кундузов), Азим бола, Боймат қизик, Шомат қизик каби қилгу усталари ижод қилишган. Нормат қизик уларга ҳам устозлик, ҳам кор-фармонлик қилган. Катта қизикларнинг «Ҳожи кампир», «Қаландарлар», «Атторлик», «Бола ўқитиш», «Мударрис», «Мамаюсуф», «Кетмон тилаш», «Еғоч полвон» каби анъанавий комедияларини янги шароитларга мослаб тиклаган, ижро этган. У 360 та қизикчилик то-мошасини билган ва бир йил давомида ҳар куни янги томоша кўрсатиш имкониятига эга бўлган экан.

2) Пўлатжон қизик (1907 — Кўқон — 1960) — Нормат қизикнинг ўғли. Отасининг ва у раҳбарлик қилган қизикчилар тўдасининг томошаларини кузатган, ўзлаштирган, отаси унинг қизикчи бўлишига монелик қилишига қарамай ниҳоятда иқтидорли қизикчи бўлиб етишади. Ҳамид оғиз, Комилқори қизик Қулижонов б-н камкорликда қизикчилик қилган. 30-й.ларда Аъзам қизик тўдасида, уруш йиллари ва кейин Ака Бухор тўдасида фаолият кўрсатган. «Афғон табиб», «Ўлик сотди», «Хаммол», «Беда-на ўйини» каби комедияларда ўйнаган, ҳамтўдалари б-н лапар, аския айтишган. Тошкентда (1932, 1937), Москвада (1937) ўтган декада ва кўрикларда қатнашган. «Саодатхон» номли янги оғзаки комедиянинг яратилиши ва ижросида Пўлатжон қизикнинг хизмати катта.

3) Жўрахон аския Пўлатов (1934.10.6, Кўқон) — қизикчи, аскиячи. Пўлатжон қизикнинг ўғли. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1999). Болалигида отаси ва б. қизикчилар ижодини кузатган,

чолғулар (датор, танбур, рубоб, доира) чалишни, ашула айтишни ўрганган. «Мамаюсуф», «Тўн ўғриси», «Саодатхон» каби комедияларни ижро этишда қатнашган. Кулги санъатида ўз йўли, ўз услубини топишга интилиб, мусиқий қизикчилик б-н шуғулланган; машхур ашулачиларга муқаллидлар яратган. Ҳаётдан олинган кулгили воқеалар, антика воқеа-ҳодисалар асосида кулки-ҳикоя ва латифалар тўқиб томошабинни қулди-риб келган. Қизикчиликда Муҳиддин қизик Дарвешов б-н тортишган. Айниса, мустақилликдан сўнг аския санъатида катта ютуқларга эришди. У андижонлик Ҳасанбой Султонов, марғилонлик Мамасиддиқ Шираев, Ҳошимжон Ҳакимов, кўқонлик Йўлдошхон Носиров, Неъматжон Тошматов б-н бирга Наврўз ва Мустақиллик байрамлари томошаларида фаол қатнашиб келмоқда. Қизикчи ва аскиячи сифатида сўзнинг мазмунли, тағдор, ўйноки, жозибадор бўлишига, равон ва дона-дона жаранглашига интилади. У шунингдек, Ҳамза номидаги Кўқон мусикали драма театрининг актёри ҳамдир.

Муҳсин Қодиров.

**НОРМАТИВ - ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР** — ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг умуммажбурии кўрсатмаси. Уларда ҳуқуқ нормалари (қонун, кодекс, фармон, қарор, йўриқнома ва б.) ўрнатилади, ўзгартирилади ва бекор қилинади. Н.-х.х. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқнинг асосий манбаидир. ЎЗРнинг 2000 й. 14 декада қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасига кўра, «... умуммажбурии давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат Н.-х.х. деб ҳисобланади». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазир-

ликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар ЎзРда Н.-х.х.ни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Н. х.х. нинг асосий белгилари қуйидагилар: ваколатли давлат органи томонидан умумий қоидаларга асосан чиқа-рилади, аниқ ўрнатилган тартиблар асосида қабул қилинади; Н.-х.х. ни қабул қилиш жараёни ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули бўлиб ҳисобланади; Н.-х.х. ушбу ҳужжатнинг номидан келиб чиқиб умумий характердаги хулқ-атвор қоидаларини ҳуқуқ нормалари кўринишида мужассамлантиради; Н.-х.х. расмий ҳужжат бўлиб, белгиланган шакл ва реквизитларга эга: расмий номи, рақами, ушбу ҳужжатни қабул қилган органнинг номи, қабул қилинган ва кучга кирган вақти, расмий эълон қилинган жойи ва х.к.; Н.-х.х. юридик кучга эга.

Н.-х.х.га қуйидаги асосий талаблар қўйилади: Н.-х.х. лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тарикасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади; Н.-х.х. лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва б. ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин; Н.-х.х.ни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва б. ташкилотларга айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар б-н шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун тан-ловлар эълон қилишга ҳақлидир; ва-зирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг Н.-х.х. лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлашти-риб туриш ЎзР Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади; Н.-х.х.нинг матни лўнда, оддий ва раво тидда баён этилади. Н.-х.х.,да уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, муқофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари ва ш.к. кўрсатилиши мумкин.

Н.-қ.х. агар унинг матнида бошқа

изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади. Н.-х.х. амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Н.-х.х.нинг амал қилиши ЎзР фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек, ЎзР ҳудудидаги чет эллик юридик шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

Нурмат Сабуров.

**НОРМАТОВ** Умарали (1931.3.1, Беш-ариқ тумани) — адабиётшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), филол. фанлари д-ри (1978), проф. (1979). Тошкент ун-тининг филология ф-тини тугатган (1957). 1962 й.дан ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) филология ф-тининг ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, доцент; кафедра мудири (1974—2000), кафедра проф. (2001 й.дан). 1957 й.дан адабий-танқидий ва илмий мақолалари б-н адабий жараён-да иштирок этиб келади. Н.нинг илмий, адабий-танқидий тадқиқотлари янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиё-ти масалаларига, унинг ўзига хос анъаналари ва новаторлик хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Илмий фаолиятида реализм масалалари, 20-а. ўзбек адабиёти, адабий жараён ҳамда адабий танқидчилигининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, Қрдирий, Ш. Холмирозев, П. Қодиров, Ў. Хоши-мов ва б. ижодкорларнинг асарлари б-н боғлиқ масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Н. умумтаълим мактабларининг 5-, 9-, 11 синфлари учун «Ўзбек адабиёти» дарслик ва мажмуалари, олий ўқув юртлари учун «20-аср ўзбек адабиёти тарихи» (1999) дарслиги муаллифларидан бири. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат муқофоти лауреати (1989).

Ас: Насримиз уфқлари, Т., 1978; Қалб инқилоби, Т., 1986; Қодирий боғи, Т., 1996; Умумбахш тамойиллар, Т., 2000; Қаҳқорни англаш машаққати, Т., 2000.

**НОРРИШ** (Norrish) Рональд Жорж



Рейфорд (1897.9.1, Кембриж — 1978.7.6) — инглиз физик-кимёгари. Кембриж ун-т проф. (1937 й.дан). Асосий илмий ишлари ўта тезкор кимё-вий реакцияларни импульс усуллари б-н тадқиқ қилишга оид. Ёруғлик нури таъсирида кетонларнинг парчаланишини (Норриш реакцияси) топган (1936—38). Ж.Портер б-н ҳамкорликда импульсли фотолизнинг биринчи қурилмасини ясаган (1950). Бензинга тетраэтилқўрғошин қўшилганда пероксидлар — спонтан ёниш марказларининг қайтарилиши натижасида детонациянинг йўқолишини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1967, Ж.Портер ва М. Эйген б-н ҳамкорликда).

**НОРТ** (Nort) Дуглас Сесил (1920.05.11, Кембриж, Массачусета штати) — америкалик иқтисодчи. Сиэтл (1960—83) ва Сент-Луисдаги Вашингтон ун-ти проф. (1983 й.дан). Н. Европа ва АКШ иқтисодий ривожла-нишида институционал омилларнинг аҳамиятини тадқиқ этган. Институционал тузилмаларнинг иқтисодий би-тимлар ва харажатлар тавсифини белгилаб беришини, алоҳида хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятга киришиш имкониятлари ва афзалликлари масалаларини асослаб берди. Тарихий ҳодисаларни ўрганишда иқти-содий назария ва миқдорий усулларни қўллаш бўйича тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. Нобель мукофоти лауреати (1993; Р.Фоуджел б-н биргаликда).

**НОРТРОП** (Northrop) Жон Хоуард (1891.5.6, Йонкерс, Нью-Йорк штати — 1987.27.5) — америкалик биокимё-гар олим. Калифорния университети проф. (1949 й.дан). Илмий ишлари ферментатив реакциялар кинетикаси ва механизми ҳамда ферментлар хоссаларини ўрганишга оид. Илк бор соф кристалл ҳолдаги пепсин энзими (1930), трипсин (1932) ва б.ни, шунингдек, дифтерияга қарши антитоксинни (1941) ажратиб олган. Нобель мукофоти лауреати (1946,

У.М.Стэнли б-н ҳамкорликда).

**НОРУДА (НОМЕТАЛЛ) ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР** — саноат ва қурилишда табиий ҳолатда ёки турли хил ишлов берилгандан кейин фойдаланиладиган, шунингдек, улардан нометалл элементларни ёки уларнинг бирикмалари ажратиб олинадиган ёнмайдиган қаттиқ тоғ жинслари ёки минераллар. Улардан комплекс фойдаланиш мумкин. Н.ф.қ. тури юздан зиёд. Қазиб олиш ва улардан фойдаланиш бўйича энг муҳим хом ашёлар қаторида туради. Н.ф.қ.нинг ҳозирга қадар системалаштирилган ягона таснифи йўқ. Одатда фойдаланиш соҳасига қараб 4 гуруҳга бўладилар: кончилик-кимё хом ашёси — апатит, галит, туғма олтингургурт, олтингургурт колчедани, барит, табиий туз ва б. (буларнинг аксариятидан минерал ўғит ишлаб чиқарилади); кончилик-металлургия хом ашёси — ўтга чидамли материаллар и.ч., флюс си-фатида ишлатилувчи қолиплаш материаллари (гил ва кумлар); қурилиш материаллари — норуца қурилиш ма-териаллари, керамика ва шиша хом ашёси, боғловчи материаллар учун хом ашё, минерал бўёқлар, иссиқлик ва шовқин ўтказмайдиган материаллар; нометалл руда хом ашёси — техник кристаллар (олмос, пьезокварц, Исландия шпати, мусковит, агат ва б.), қимматбаҳо ва зебу зийнат буюмлари ясашда ишлатиладиган тошлар (заргарлик олмоси, зумрад, ёкут, топаз, малахит, феруза, қахрабо ва б.); бу тоифага яна, одатда, асбест, тальк, графит, корунд, наждакни ҳам киритадилар. Техника тараққиёти жараёнида Н.ф.қ. таркибига тобора янги тоғ жинслари ва минераллар қўшилиб бормоқда.

**НОРУДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ** — қ. Қурилиш материаллари саноати.

**НОРФОЛК** — АКШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Атлантика океани соҳилида, Виргиния штатида. Аҳолиси

234,4 минг киши (2000). Хэмптон-Роде кўлтиги соҳилидаги порт. Кемасозлик (жумладан, ҳарбий кемалар), нефтни қайта ишлаш, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, кимё, озик-овқат саноати корхоналари бор. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Ҳарбий денгиз базаси. Шаҳарга 1688 й.да асос солинган.

**НОРХЎЖАЕВ** Файзулла Хўжаевич (1911.25.11, Чует тумани Қизилтепа қишлоғи — 1983.25.5, Тошкент) — ҳарбий арбоб, генерал-лейтенант (1972). 1927 й.дан армия сафида. Н. Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий билим юртини (1931), Бош штаб ҳарбий академиясини (1959) тугатган. Хасан кўли ва Халхин-Гол дарёси бўйидаги жангларда иштирок этган (1938—39). 2-жаҳон уруши йилларида Жан.-Ғарбий, 3-Украина ва 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Урушдан кейин танкка қарши қирувчи артиллерия бригадаси (1946—52), алоҳида ўқчи бригада, мотоўқчи дивизия артиллерияси кўмондони. Шим. қўшинлар гуруҳининг ракета қўшинлари ва артиллерияси бошлиғи ўрин-босари (1961—64), Туркистон ҳарбий округи қўшинлари кўмондони ўринбо-сари (1964-73), 1974-82 й.ларда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини саклаш жамияти республика бошқармаси Президиуми раисининг 1-ўринбосари. Уруш фахрийлари кўмитаси Тошкент шўъбаси раиси (1982 й.дан). Н. «50 йил жанговар сафда» асари (1982) муаллифи. Тошкент кўчаларидан бири Н. номи б-н аталган.

Ад.: Раҳмат А., Ўзбек генераллари. Т., 1965.

**НОРХЎЖАЕВ** Қодир (1907.15.12, Тошкент) — ўзбек геодезист олимларидан. Ўзбекистонда геодезиянинг ривожланишига самарали ҳисса қўшган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1974), техника фанлари номзоди (1940). 1938 й.дан 1988 й.гача Тошкент темир йўл транспор-ти муҳандислари ин-тида ассистент (1938-

44), доцент (1944 й.дан), кафедра мудири (1955 й.дан). Илмий ишлари геодезия тарихига, муқандислик геодезиясига, умумий геодезияга оид. Геодезия фани бўйича «Инженерлик геодезияси» дарслиги (1984), ўндан ортик услубий кўлланмалар муаллифи.

**НОРҚЎЗИЕВ** Саидмакмуд (1883-Қўкон — 1967.27.12) — наққош, бўяма нақш устаси; Фарғона наққошлик мактабини яратган. Хунарни отаси уста Норқўзи Нурматовдан ўрганган. Отаси ва усти наққош Муҳаммад Соли раҳбарлигида ишлаган, турар жой, масжидларни безашда қатнашган. 1903 й.дан мустақил уста. Қўкон, Андижон (Мамажон мингбошининг уйи), Мар-ғилон, Ўш, Жалолобод (Барот ҳожи уйи, Матқосим масжиди) ва б. жойларда шухрат қозонган; клуб, чойхона, маданият саройларини безаган. Тошкентдаги Навоий театри биносининг Фарғона залини безаган усталарга раҳбарлик қилган, театр сахна пардаси учун нақшларнинг чизмасини яратган. Меъморий ёдгорликларни таъмирлашда фаоллик кўрсатган, жумладан, Қукондаги Худоёрхон ўрдасини таъмирлашда қатнашган (40—50-й.лар). Н. яратган нақшларида ранглар уйғунлигига эришган: нақш заминидан зангори, барги қарам (яшил), қизил ранглар, нақшларда ҳамма ранглардан фойдаланган, тилла ҳал ишлатган.

Н. яратган нақш мужассамотлари республика ва халқаро кўرғазмаларда намойиш этилган. Н. кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Шулардан ўғли Саид-аҳмад Маҳмудов Ўзбекистон БА академиги.

**НОСИР** — аббосийлардан бўлган халифа (1180—1225). Н. даврида халифалик б-н салжукийлар, хоразмшоҳлар ўртасидаги зиддият янада авж олди. Салжукий султонлар Бағдодда хутба ўқилаётган вақтда уларнинг ҳам номи қўшиб ўқилиши лозимлигини халифаликдан катъий талаб қилганлар. Н. буни катъи-ян рад этган. Хоразмшоҳ Такаш

1194 й. салжуқийларни енгач, ушбу талабни қўйган. Унинг ўғли Муҳаммад хоразмшоҳ ҳам отаси изидан борган ва 1217 й. қурол кучи б-н Бағдодни олишга ҳаракат этган, бироқ, юриш муваффақиятсиз тугаган. Жалолиддин Мангуберди ҳам Н.га қарши бўлган. Халифа Н.нингхалқ орасида обрўи паст эди. Халифа султонлардан ўзинигина эмас, балки ва-зирини ҳам иззат-икром қилишларини талаб этган. Н. мусулмон оламида хусусий ер мулки йўқ, чунки барча ерлар «амирал мўминин» (халифа)га тегишли деб эълон қилган. Н. ўз рақиблари б-н курашда ҳар қандай воситадан қайтмаган, унинг айғоқчилари ҳамма ерда изғиб юришарди, ўзи эса кечалари кийимини ўзгартириб Бағдодни кезарди. У давлат хазинаси учун янгидан-янги солиқлар, тўловлар ўйлаб топишга моҳир эди.

**НОСИР** Жамол Абдул (1918.15.1, Миср, Асьют вилояти Банн Мур қишлоғи — 1970.28.9, Қоҳира) - Миср Араб Республикасининг давлат ва сиёсий арбоби, 1939 й. ҳарбий билим юр-тини, 1942 й. ҳарбий-штаб коллежини тугатган. 1948— 1949 й.лардаги Араб—Исроил уруши иштирокчиси, «Озод зобитлар» ташкилотини тузиб инқилобий ҳаракатга раҳбарлик қилган. Н. Инқилобий кенгашининг ав-вало раис ўринбосари, сўнг раиси, 1952—56 й.ларда Миср Бош вазири ўринбосари, Ички ишлар вазири, Бош вазири бўлган. 1956 й. июнь — 1958 й. фев.да Миср президенти. 1956 й. Миср халқининг инглиз-француз-исроил агрессиясига қарши курашига бошчилик қилган. 1958 й. Н. раҳбарлигида Миср б-н Сурия қўшилиб, Бирлашган Араб Республикаси (БАР) вужудга келди. Н. 1958 й. БАР президенти, 1963 й. Араб социалистик иттифоқининг раиси, 1956 й.дан БАР қуролли кучлари бош қўмондони. 1961 й.да Сурияни БАРдан ажралиб чиқиши Н.нинг умум миллатпарварлик сиёсатига ҳамда 1967 й.даги Исроил б-н бўлган «олти кунлик уруш»да Миср

армиясининг енгилиши Н.нинг сиёсий мавқеига сезиларли зарба берган.

**НОСИР ХИСРАВ** (тўлиқ исми: Абу-Муъиниддин Носир Хисрав ал-Қубодиёний) (1004, Қубодиён — 1088, Бадахшон) — форс-тожик шоири, мутафаккири. Бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олган, кейин Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттирган. Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида мирзалик қилган, солиқ мақкамасини бошқарган. У 7 йил (1045—52) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатларини кезиб чиқади. Унинг «Сафарнома» асари шу саёхат натижасида яратилган. Адолатли ҳукмдорлар тўфайли осойишта ва фаровон шаҳарларни кўрган Н. Х. кейинчалик ўз асарлари орқали одил подшоҳ гоёсини илгари суради.

Мисрда 3 йил яшаб, фотимийлар тариқатига қиради ва исмоилийлар маслагини қабул қилади. Фотимийлар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Н.Х. Хуросон бўйича жазира бошлиғи — Хужжат этиб тайинланади (баъзи шеърларида Хужжат тахаллусини ҳам қўллаган). Кейинчалик, 1052 й.да Балхга қайтган Н.Х. бу ерда исмоилийлик ғояларини қизгин тарғиб-ташвиқ қила

бошлайди. Бу ҳаракати учун Н.Х. шиалик ва кофирликда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинади. Шундан сўнг у қолган 25 йиллик умрини Бадахшонда — Ҳазрати Саййид қишлоғидаги Юмғон дарасида ўтказди. Унинг даъватлари натижасида бу ерда исмоилийлар жамоаси вужудга келади. Мақбараси асрлар давомида зиёратгоҳлардан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Мозори Шоҳ Носир» деб аталган.

Н.Х. «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин», «Важҳи дин», «Саодатнома», «Рўшнонома», «Хон ул-ихвон», «Бўстон ул-уқул», «Далил ул-мутахаййирин», «Жомеъ ул-ҳикматайн»,

«Ри-сола дар жавоби 99 саволи фалсафи», «Кушойиш ва раҳойиш» каби кўплаб шеърӣ ва насрий асарлар яратган. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон ҳам тузган, лекин араб тилидаги девонининг тақдири ҳозиргача номаълум. Шоирнинг қасида, ғазал, китъа ва рубоийларини ўз ичига олган, 12 минг мисрадан иборат форсий девони эса Эронда бир неча марта чоп этилган.

Дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирган Н.Х. хур фикрли киши бўлган. Олам ва Одам моҳияти тўғрисида ақл воси-тасида фалсафий фикр юритган. Дунёнинг номукамаллиги, инсон табиатининг ноқислиги хусусида «Худо б-н мунозара» деган шеър ҳам ёзган. Ижо-ди орқали адолатсиз замон, жоҳил ва манфаатпараст кишиларни танқид қилиб, меҳнаткаш деҳқонни, косибу хунармандни, илм соҳибларини улуғлаган, инсоний камолотга даъват қилган. Унинг хур фикрлари ўзидан кейинги ижодкорлар, жумладан, Умар Хайёмга кучли таъсир кўрсатган.

Н.Х. асарлари дунёнинг кўплаб тиллариغا таржима қилинган. Бир нечта шеърлари, «Саодатнома» маснавийсидан парчалар ва «Сафарнома» асари М. Муинзода, Ш. Шомухамедов, Ф. Каримлар томонидан ўзбек тилига ўтирилган.

Ас: Сафарнома, Т., 2003.

Ад.: Бергельс А.Е. [Насир-и Хосрав и исмаилизм, М., 1959; Самарқандий Д., Шоирлар бўстони], Т., 1981.

Эргаш Очилов.

**НОСИРОВ** Абдулла (1899.6.12 - Тошкент — 1987) — библиограф, хаттот, манбашунос олим. Дастлаб Кўкалдош мадрасасида мударрис, кейинчалик хаттот ва шоир бўлган бобоси Сирождидин Махдум Сидқий Хондайликий қўлида тахеил кўрган. 1922—40 й.ларда Тошкент шаҳар ва р-н кутубхоналарида, 1940 й.дан эсаҳоз. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг шарқ кўлёмалари бўлимида ишлаган. 1943 й.дан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти илмий ходими. Н. Шарқшунослик

ин-тидаги кўлёмза ва босма китоблар бўйича Ўрта Осиё олимлари, шоирлари ҳамда ўлка ва шаҳарлар ҳақида библиографик маълумотлар тўплаган, уларга кўрсаткичлар тузиб, мавзуга кўра, соҳаларга тақсимлаб чиққан. Ўрта Осиё халқлари маданияти, тарихи ва б.ға оид бир канча илмий рисолалар муаллифи.

Ас: Ўрта Осиёлик қирқолим (ҳамкорликда), Т., 1962; Али Қушчи, Т., 1964; Аҳмад Фарғоний (ҳамкорликда), Т., 1966; Алишер Навоий кўлёмза асарлари каталоги (ҳамкорликда), Т., 1970.

**НОСИРОВ** Пулатжон Хайруллаевич (1948.6.1, Ургут ш. - 1999.15.9, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон қишлоқ хужалиги ФА акад. (1992), иқтисод фанлари д-ри (1987), проф. (1991). Тошкент халқ хужалиги ин-тини тугатган (1970). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида илмий ходим (1972—75), илмий котиб, бўлим бош-лиғи, директор ўринбосари (1975—90), Ўзбекистон Республикаси Давлат режалаштириш кўмитаси раисининг ўринбосари (1990—92), Ўзбекистон молия вазирининг 1-ўринбосари (1992—93), Истикболни белгилаш ва статистика давлат кўмитаси раисининг 1-ўринбосари (1993—94), шу кўмита Бош ҳисоблаш марказининг Бош директори (1994), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Бош маслаҳатчи — Таҳлил ва ахборот марказининг раҳбари (1994—96), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 1-проректор (1996—97), 1998 й.дан Банк ва молия академияси молия кафедраси мудири. Илмий ишлари Ўзбекистонда товар-пул муносабатлари, нархларнинг шаклланиши, режалаштириш ҳамда маркетинг муаммоларига бағишланган.

**НОСИРОВ** Темуржон Хайруллаевич (1941.25.7, Тошкент вилояти Зангиота тумани) — энергетик олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Техника фанлари д-ри (1989), проф. (1990), Тошкент политех-

ника ин-тини тугатган (1963). Шу ин-тида доцент, проф. (1963—95); «Электр станциялари» кафедрасининг мудир (1980-95), 1995 й.дан «Ўзбекистон энергомаркази»нинг бош директори, ТошТУ энергетика ф-ти проф., «Электр энергетика» йўналишининг илмий раҳбари. Илмий ишлари электроэнергетика тизимларнинг турли режимлари таҳлили учун назарий умумлаштирилган моделлари ва алгоритмларига ҳамда автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви тизимларига бағишланган.

Ас: Линейные расчетные модели сетей электрических систем, Т., 1982; Основы теории и расчета установившихся режимов электрических систем, Т., 1985; Установившиеся режимы электроэнергетических систем и их оптимизация, Т., 1999.

**НОСИРОВ** Убайдулла Насруллаевич (1935.18.2, Жиззах тумани) — зоотехник олим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби (1995), қ.х. фанлари д-ри (1974), проф. (1979), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФАнинг муҳбир аъзоси (1991).

Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1957). Зомин туманининг «Зомин» хўжалигида зоотехник-селекционер (1960—64), Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-тида илмий ходим (1964—67), лаб. ва бўлим бошлиғи (1968—82), Республика наслчилик маркази директори (1982—84), Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-ти директори (1984—89), «Племэлит» илмий-и.ч. бирлашмасининг бош директори (1989—99). 1999 й.дан Тошкент аграр ун-тининг проф. Илмий ишлари қорамолчиликда гўшт йўналишидаги «селекция, наслчилик хизмати» ташкил этиш, мол гўшти етиштиришнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган. Олий ўқув юртлари учун дарсликлар муаллифи.

Ас: Гўштдор қорамолчилиги, Т., 1971; Производство говядины в зонах жаркого климата, Т., 1985; Қорамолчилик, Т.,

2001; Фермер бўламан, Т., 2002.

**НОСИРОВ** Элёр Расулович (1953.22.9, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (2003). Тошкент театр ва расомлик санъати ин-тини тугатган (1974). 1974—87 й.лар Ҳамза театрида, 1987 й.дан Абдор Ҳидоятлов номидаги драма театрида актёр. Шуфтерле (Шиллер, «Қароқчилар») сахнадаги илк образи. Нодир (Э. Воҳидов, «Олтин девор»), Илҳом (У. Умарбеков, «Шошма куёш»), Раҳматилла (Уйғун, «Ибн Сино»), Исқандар (Навоий, «Исқандар»), Отелло (У. Шекспир, «Отелло»), Қоришқамба (С. Айний, «Бухоро»), Меҳмонхўжаев (Р. Бобожон, «Тоға-жиянлар») ва б. ролларни ижро этган. Н. телевизион ва видеофильмлар, телестановкаларда ҳам роллар ижро этган («Қиролнинг дил хуши», «Вафодор», «Баҳс», «Бир фожиа изидан», «У Ромео эмас», «Сўнги ўқ», «Ҳолисон», «Кўнгил кўчалари», «Нейрон операцияси», «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси» ва б.). Н. дубляж санъатининг етакчи актёрларидан.

**НОСИРОВ** Ҳамроқул (1904.2.1, Жиззах тумани — 1978.7.10, Жиззах ш.) — қ. х. ишлаб чиқариш ташкилотчиси, деҳқончилик амалиёти новатори, 2 марта Меҳнат Қаҳрамони (1956, 1978). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1966). 1944 й.дан Жиззах туманидаги «Москва» ширкат хўжалигининг (ҳоз. Ҳ. Носиров номидаги жамоа хўжалиги) раиси. Н. раҳбарлигида жамоа хўжалиги илғор, иқтисодий бақувват пахтакор, чорвадор хўжаликка айланди, пахтадан 40 ц/га дан ошириб ҳосил, соғин сигирларнинг хар бирдан 4000 л дан ортиқ сут олинди. Кўплаб турар жойлар, жамоат, маданият-маърифат бинолари, Ҳамид Олимжон музейи, хўжаликнинг «Шон-шухрат» музейи қурилди. Аҳоли газ, ичимлик суви б-н тўла таъминланди. Ширкат хўжалиги марказида Н.нинг бюсти ўрнатилган.

**НОСИРОВА** Муҳтарама (1925.1.7,

Қарши) — Ўзбекистон халқ артисти (1964). 1941 й.дан Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театрнинг актрисаси. «Ғунчалар» (З. Фатхуллин) спектаклидаги Нигор Н.нинг сахнада яратган илк образидир. Н. сахнавий жозоба, майин ва таъсирли овозга эга бўлгани сабабли мусикали драмаларда ҳам катта муваффақият қозонди: Лайли (Хуршид; Т. Содикрв, Н. Миронов, «Лайли ва Мажнун»), Ширин (Хуршид; Г. Мушель, В. Успенский, «Фарход ва Ширин»), Зухра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зухра») ва б. Айни чоғда драмаларда Жамила, Холисхон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Холисхон»), Гули (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Хур она (А. Орипов, «Жаннатга йўл»), Курбонгул (Фитрат, «Абул-файзхон»), Муштипар она (М. Халил, «Сеҳрли узук»), Азиза (А. Шаломоев, «Окибат»), Она (Ш. Пардаев, «Сўнгги қурбон») каби ролларни ижро этди. «Қадимда бўлган экан» (1995) фильмида Момо ролини ўйнади. «Шухрат» медали б-н тақдирланган (2001). НОСИРОВА Ҳалима (1913.7.12, Қўқон яқинидаги Тоғлик қишлоғи — 2003.3.1, Тошкент) — опера хонандаси (лирик-драматик сопрано), ўзбек хонандалик санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистон халқ артисти (1937). Бокутеатр-техникуми (1924—27), Москва ўзбек опера студияси (1934—37)да таълим олган. Тошкент консерваториясини тугатган (1977; 1977—82 й.ларда Шарқ мусикаси кафедрасида педагог). Мумтоз опера ҳамда миллий сахна ижрочиликанъаналарини Н. Нежданова, Н. Голованов, М. Уйғур, М. Мухамедов, Т. Жалилов ва б. устозлардан ўзлаштирган.

Фаолиятини актриса сифатида 1927 й.дан Ўзбек давлат намуна сайёр труппасида бошлаб, Мария Антоновна (Н. Гоголь, «Ревизор»), Маликаи Турандот (К. Гоцци, «Маликаи Турандот») каби ролларни ижро этган. 1929—39 й.ларда Ўзбек давлат мусикали театри, 1939—86 й.ларда Навоий театрнинг етакчи

яккахон хонандаси. Ноёб, ўзига хос ширали ва кенг диапазонли овоз, сахнавий истеъдодга эга бўлган Н. «Ҳалима» (Ғ. Зафарий), «Аршин мол олон» (У. Хожибеков), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид; Т. Содиков мусикаси), «Фарқод ва Ширин» (Хуршид; В. Успенский), «Гулсара» (К. Яшин ва М. Мухамедов; Р. Глиэр) каби мусикали спектаклларда бош ролларни ижро этиб шухрат қозонган.

Н.нинг мусикали драма театри сахнасида эришган муваффақиятлари ўзбек опера ижрочилигининг юзага келишига туртки бўлди. 1938 й. Ўзбек давлат мусикали театрида сахналаштирилган Е. Брусилковскийнинг «Эр Тарғин» операсидаги Окжунус образи Н.нинг биринчи опера партияси эди. Н. илк ўзбек опералари — «Бўрон» (Г. Василенко ва М. Ашрафий, 1939)да Норгул, «Лайли ва Мажнун» (Т. Содиков ва Р. Глиэр, 1940)да Лайли каби бош ролларни ижро этган. Кейинчалик у «Улугбек» (А. Козловский, 1942) операсида Син Дун Фан, «Кармен» (Ж. Визе, 1944, ўзбек тилида) да Кармен, «Тоҳир ва Зухра» (Т. Жалилов ва В. Бровцин, 1949)да Зухра, «Гулсара» (Р. Глиэр ва Т. Содикрв, 1949)да Гулсара каби образлар яратди. Гулсара партиясида Н. миллий куйлаш санъатини опера ижрочилигига узвий боғлашга муваффақ бўлди. Кейинчалик бу ҳол Н. яратган барча роллар талқинининг асосий хусусиятига айланди.

«Майсаранинг иши» (С. Юдаков)даги бош қахрамон талқинида ўзбек опера сахнасидаги илк ҳажвий образни яратди. Майсарага хос лирик ва комик ҳолатлар ишонарли намоен бўлди. Н.нинг Зайнаб (Т. Содиков, Ю. Ражабий, Д. Зокиров ва Б. Зейдман, «Зайнаб ва Омон»), Саодат (С. Бобоев, «Ҳамза»), Баҳор (М. Юсупов, «Хоразм қўшиғи»), Хадича хола (Я. Сабзанов, «Қайтиш») образлари фаолиятининг сўнгги йиллари маҳсулидир.

Н.нинг концерт репертуаридан ўзбек мумтоз мусика мероси намуналари катта ўрин олган: «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Самарқанд ушшоғи», «Ча-

пандози Наво» каби мақом йўллари, «Чаман ичра» ва б. А. Козловский овоз ва симфоник оркестр учун қайта ишлаган «Ўзганча», «Гулюз ичра», «Фигон» ва, айниқса, «Танавор» ашулаларнинг лирик-драматик жиҳати Н. иж-росида янада теранлашди. «Мен ўзбек кизиман», «Мехнат аҳли» (Ф. Борухо-ва б-н биргалликда катта ашула йўли-да) ва б. замонавий ашулаларни, «Ўзбек қизи овози» (М. Левиев), «Хуш келибсиз» (Сайфи Жалил) сингари компо-зиторларнинг кўшиқларини кўтаринки руҳла тараннум этган. Бошқа халқлар (тожик, қозок, арман, озарбайжон, хитой, рус, украин каби) кўшиқлари ҳам Н. репертуаридан ўрин олган. Осиё, Америка ва Европа мамлакатларида га-стролда бўлган. Давлат мукофотлари (1946, 1951, 1968), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971), «Буюк хизматлари учун» ордени (2000) б-н мукофотланган.

Ас: Мен ўзбек кизиман, Т., 1968.

Ад: Саидов А., Ҳалима Носирова, Т., 1974; Хамидова М., Ҳалима Насырова, Т., 1995.

### **НОСИРУДДИН АЛ-ҲАНАФИЙ,**

Носир Тўра (19-а. ўрталари, Бухоро — 20-а. бошлари, Кобул) — тарихчи олим, амир Музаффарнинг ўғли. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Бухоро илмий жамияти аъзоси (1921—23). У Бухоро Арки тарихига дойр «Таҳқиқоти Арки Бухоро» асарини шу жамият ҳамкорлигида ёзган. Шунингдек, унинг Бухоро амирлиги тарихига бағишланган «Осори салотин» («Султонлардан қолган ёдгорликлар»), «Тухфат уз-зоирин» («Зиёратчиларга тухфа», 1910 й.да Бухоро тошбосма нашриётида чоп этилган), «Ҳоди уз-зоирин» («Зиёратчилар учун кўрсаткич»), «Кунуз ал-атқиё» («Такводорларга аталган хазиналар») каби асарлари мавжуд. Амир Олимхоннинг талаби б-н унинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари қаторида (жами 51 киши) Афғонис-тонга юборилган (1923 й. июль).

**НОСИРХОН ТЎРА** Сайд Камолхон тўра ўғли (1871, Наманган — 1938.3.9) — Туркистон мухторияти ҳукумати маориф вазири (1917— 18), совет ҳокимиятига қарши олиб борилган ҳаракат рақбарларидан бири, йирик уламо. Бухорода, Кобул, Дехли, Бағдод ва Ҳижоз ш.ларида таҳсил олди. Туркистонга кайтгач (1912), Наманган шаҳар қозиси бўлган. 1913 й.дан бошлаб, жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. «Шуруй исломия» ташкилотининг Наманган шўъбаси раҳбари, Наманган ш. Думаси аъзоси (1917). Туркистон ўлка мусулмонлари фавқуллода IV курул-тойи (1917 й. 26—28 нояб.)ни ўтказишда жонбозлик кўрсатди. 1918 й. фев.да мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечирган. У Косон-сойда «Миллий иттиҳод» ташкилоти ячейкасини ташкил қилган (1919). Совет режими томонидан қамокқа олинадиган, сўнгра Оренбургга сургун қилинадиган (1924—29). Сургундан кайтгач, мавжуд тузумга қарши фаол ҳаракатни давом эттирди. Қатағон қилинган Н.т. қамокда вафот этади. «Тарихи Туркистон» (15 бўлимдан иборат), «Оренбург мактублари» эсдалиги ва б. асарлари мавжуд.

### **НОСИРХЎЖАЕВ**

Собитхон Ҳошимович (1929.28.12, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), тарих фанлари д-ри (1971), проф. (1972). Тошкент юри-дик ин-тининг тугатган (1951). Тошкент политехника ин-тида катта ўқитувчи (1954—64). Тошкент педагогика ин-тида доцент (1964—71), кафедра мудири (1971—82), демократик жамият куриш назарияси ва амалиети кафедраси проф. (1989 й.дан). Тошкент вилояти педагогика ин-ти ректори (1983—88). Асарлари Ўзбекистонда тарих, маданият, маърифат, миллий гоё, истиклол мафку-расига масалаларига бағишланган. «Ўзбекистон зиёлилари» (ўзбек ва рус

тилларида, Т., 1972), «Сиёсатшунослик фанидан қўлланма» (1992), «Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари миллий ғоя ва маънавият асослари, политология фанида фойдаланиш учун қўлланма» (2001), «Маънавият асослари» (2003) ва б. ўқув қўлланмалари муаллифи.

Ас: Сиёсатшунослик луғати, Т., 1993; Социология асослари, Т., 2001.

**НОСТРАТИК ТИЛЛАР** - тилларнинг тахмин қилинган макрооиласи. Ҳинд-европа, картвел, урал, дравид ва ол-той тиллари оилаларини бирлаштиради. Н. т.нинг генетик жихатдан қариндошлиги уларда генетик жихатдан тенг, ўхшаш кўплаб ўзак ва аффиксал мор-фемаларнинг ( 1000 га яқин) мавжуд-лигидир. Ўзак морфемалар қатлами асосий луғат таркибидаги ўзаклар бўлиб, тана аъзолари, қариндошлик муносабатлари, асосий табиат ҳодисалари, ҳайвон ва ўсимликлар номлари, оддий ҳаракат ва жараёнлар, асосий хусусиятларни (уларнинг номларини) кам-раб олади. Генетик жихатдан умумий, тенг бўлган хусусиятлар грамматика ва фонетика соҳаларида ҳам кузатилади.

Ностратик макрооилага кирувчи тиллар оилаларининг энг қад. қариндошлиги ҳақидаги масала ана шу оилаларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг илк даврида юзага келган. Дастлаб тил оилалари жуфт-жуфт қилиб қиёсланган. Бир жуфт эмас, балки бир қанча (яъни урал-олтой, ҳинд-европа, сом-хом) тил оилаларининг қариндошлиги ҳақидаги қондани биринчи марта даниялик тилшунос Х. Педерсен таърифлаб берган.

Мазкур масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ва материалларни тўплаш ҳамда қад. ностратик тилни, яъни боботилни тиклаш ўтган асрнинг 70-й.ларида биринчи марта рус олими В.М.Иллич-Свитич томонидан амалга оширилган.

**НОСҚОВОҚ**, носдон, носкади — нос солинадиган идиш. Оғзи тикин б-н бер-китиладиган бўғзи тор, қуйи қисми кенг шаклда бўлади. Қовоқ (сув-қовоқ) нинг пўсти қаттиқ алоҳида навидан махсус ўстириб тайёрланади (баъзан қовоқ туга бошлагандан сўнг исталган шаклда қолип ясаб, унга кийгизиб қўйилади ва керакли шаклга солинади); банди ўрни (бош қисми)дан тешилади, ичи қириб тозаланади, ичи 1—2 кун ёғга тўлдириб қўйилади, ёғ қовоқ пўстига шимилгач, ранги жигарранг, қизил тусга қиради. Шундан сўнг буюм юзаси силиқланади, ўйма ва бўйма нақшлар б-н безатилади; мис, биринж, қумуш ва б. хом ашёлардан қопқоқ, занжир, белбоғ қилинади, баъзан кўзмунчоқ ва тангачалар осилади ҳамда қопқоқ қисмига қимматбаҳо тошлар қадалади. Фарғона водийсида мис, қумуш, мол шохи ва б.дан думалоқ ва эллипс шакли (кўпинча обдас-та кўриниши)да ясалган тури носдон деб аталади.

**НОТА** (лот. nota — белги, огохлантириш) — қ. Дипломатии нота.

**НОТА** (лот. nota) — 1) мусиқа асарларини ёзиб олиш учун қўлланиладиган ёзув белгиси (қ. Нота ёзуви); 2) мусиқа асари ёзилган varaқ, дафтаp, китоб ва б.

**НОТА АЛМАШИШ** — халқаро шартномаларни тузиш шаклларида бири. Одатда, дипломатик муносабатларни ўрнатиш, дипломатик миссияларни элчихонага айлантириш, бирон-бир шартноманинг айрим қоидаларини аниқлаштириш, шартнома амал қилишини тўхтатиш, мулкни топшириш ва ш.к. масалалар бўйича давлатлар ўртасида битимлар тузишда ноталар алмашилади. Шартномани ташкил қилувчи нотанинг айнан бир хил матнини томонлар дастлабки тарзда оғзаки ёки дипломатик ёзишмалар йўли б-н келишиб оладилар.

**НОТА ЁЗУВИ**, нотация — мусиқа



товушларининг баландлиги, узунлиги ва б. хусусиятларини ифодаловчи белги (нота)лардан иборат ёзув усули; мусика асарининг ёзув ифодаси. Н.ё. қадимдан турли халқлар мусика амалиёти ва илмий изланишларнинг маҳ-сули сифатида юзага келган (Қад. Миср, Бобил, Қад. Хитой ва б.). Н.ё.нинг бизгача етиб келган дастлабки намуналари мил. ав. 3-а. да Юнонистонда пайдо бўлиб, ҳарфлар б-н ифодаланганлиги учун ҳарфли Н.ё. дейилган. Бундай Н.ё. нинг маълум турини Ўрта Осиёда Форобий ишлаб чиққан. Ҳарфли Н.ё. товушлар баландлиги ва парда тузил-маларини аниқлашга ёрдам берган. Н.ё.нинг мукаммаллашишида кўп мамлакатларда юзага келган турли табулатуралар муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиёда Сафиуддин ал-Урмавий (13-а.) томонидан уд чолғу асбоби пардаларига мўлжаллаб яратган 2 хил табулатуралар маълум бўлган. Улар жадвал шак-лида бўлиб, товушлар баландлиги турли ҳарфлар б-н, давомийлиги эса ра-камлар (ёки нукталар) ёрдамида ифодаланган. 19-а. охирида Хоразмда «танбур чизиги» деб номланган табулатура шаклидаги Н.ё. жорий этилган. Ўрта асрларда Европа черков вокал мусикасида невма (матн сўзлари устига кўйилган оҳанг йўналишини кўрсатувчи махсус белги) ларга асосланган Н.ё. кенг тарқалди. Товуш баландлигини аниқроқ кўрсатиш учун бу белгилар горизонтал чизикларга ёзила бошлаган. 11-а.да Гвидо д'Ареццо мазкур Н. ё. турини такомиллаштириб 4 чизикли Н.ё. ни кашф қилган. 16-а. охиридан гомофония услубида генералбас усули жорий этилган. Унда бас овози товушлари тагида ёзилган ракамлар муайян аккордларни ифодалаган. Ҳоз. Н.ё. 5 та горизонтал чизиклар (нота йўли)га (уларнинг орасига, юқориси ёки пастига) ёзиладиган ноталардан ташкил топган. Ноталар то-вушларнинг узун-қисқалигига қараб овал шаклидаги бўш ва қора доирача (бошча)лардан иборат бўлиб, улардан думли ёки думсиз (юқорига ёки паст-га) чизикчалар тортилиб ёзилади. Ноталар

номи 7 та бўлиб, улар муайян калитларица турлича ёзилади. Яна қ. Альтерация, Динамика, Пауза.

Ад.: Акбаров Ил., Музыка саводи, Т., 1953; Ражабов И., Макрмлар масалаеига доир, Т., 1963.

**НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР** - нотариал идоралар (нотариат) томонидан ҳуқуқий ҳаракатларни тасдиқдаш, шаходатлаш ва ҳужжат бериш борасида амалга ошириладиган ишлар. Ўзбекистон Республикасида Н.х.ни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи но-тариуслар амалга оширади. Нотариуслар бўлмаган ахрли пунктларида фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоқоллари), бошқа давлатларнинг ҳудудида ЎзР консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади. ЎзРда Н.х. ва уларни амалга ошириш қоидалари аввало Нотариат тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 26 декадаги қонуни (ўзгартиш ва қўшимчалар 2003 й. 25 апр.да киритилган), шунингдек, адага оид Адлия вазирлиги чиқарган қўлланма ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар б-н тартибга солинади. Қонунга кўра, давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар: битимпарни, васиятномаларни тасдиқлайди, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни беради; мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни та-қиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қиладди; меросга бўлган куқуқ тўғрисида гувоҳнома беради; мерос мол-мулкнинг кўрикланишига доир чора-тадбирлар кўради; ҳужжатлар нухаларининг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шакодатлайди; кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради; фуқаронинг тирик эканлиги, муайян жойда эканлиги, фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлай-ди ва х.к.

Хусуси й амалиёт б-н шуғулланувчи нотариуслар мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиклаб қўйиш ва тақикни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш ҳаракатларидан бошқа барча Н.х.ни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қуйидаги Н.х.ни амалга оширади: васиятномаларни, ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўра-ди; ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳуж-жатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Ўзбе-кистон Республикаси консуллик муассасалари қуйидаги Н.к. ни амалга оширади: битимлар (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳ.к.)ни тасдиқлайди. ЎЗРдаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно; фуқаронинг тирик эканлиги, фотосуратда акс этган шахс эканлиги ва ш.к.ни тасдиқлайди.

Н.х. нотариал идора ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода, фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра бора олмайдиган айрим ҳолларда мазкур фуқаро турган жойда, касалхонада ёки бошқа жойда амалга оширилиши мумкин. Н.х. ҳақ тўланган-нидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида Н.х. давлат тилида олиб борилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан, нотариус ёки Н.х. ни амалга оширувчи шахс томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа макбул тилда берилади.

Шоакбар Шораҳметов.

**НОТАРИАТ** (лот. notarius — мирза, котиб) — юридик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш ва-зифаси топширилган ва қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни бажарувчи органлар тизими. Ўзбекистон Республикасида давлат ва хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариал идоралар Н. тизимини таш-кил этади, улар бўлмаган аҳоли яшай-диган жойларда баъзи нотариал ҳара-катлар фуқаролар йиғинларининг ра-ислари (оқсоқоллар) томонидан амалга оширилади. Нотариал идоралар юридик фактларни белгилайдиган ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи суд муассасаларидан фарқланади. Бу идоралар фуқаролар б-н бевосита учрашиш йўли б-н ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳужжатларга асосан низосиз ҳуқуқларни ва юридик фактларни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасида Н.нинг ташкил этилиш принциплари ва фаолияти ЎЗРнинг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни (1996 й. 26 дек.), ЎЗР Ва-зирлар Маҳкамасининг Н. тўғрисида чиқарган қарорлари ва ЎЗР Адлия ва-зирлиги томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси нотариал идоралари томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 1997 й. 28 апр. даги қўлланмаси, ЎЗР Адлия ва-зирлиги ҳайъатининг 1997 й. 28 апр.даги қарори б-н тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролари йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳара-катларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қўлланмалари ҳамда

бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

**НОТРАМ МАКТАБИ** - 12-13-а. ларда Париждаги Биби Марям ибодат-хонасида фаолият кўрсатган композиторлар, хонандалар ва мусиқашунослар ижодида қарор топган ижодий йўналиш. Йирик вакиллари — Леонин, Перотин, Й. Гарландиа, Кёльнли Франко ва б. Н.-Д.м. вакиллари аввалги бир овозли григориан хорали неги-зида кўп овозли мусиқа услубини ривожлантирди, вокал мусиқанинг янги (кондукт, мотет каби) жанрларини яратди, бу жанрларда мукамал асарларни ижод қилиб, нота ёзувини ислоҳ қилди (ритмик модус — қолиплар ўрнига мензурали ёзувни кашф этди).

**НОТТИНГЕМ** — Буюк Британиянинг марказий қисмидаги шаҳар, Ноттингемшир графлигининг маъмурий маркази. Трент дарёси бўйида. Аҳолиси 282,4 минг киши (1990-й.лар охири). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Н. — мамлакатнинг энгил саноат маркази. Тўқимачилик (хусусан, ип газлама), тамаки, кўн-пойабзал, озик-овқат, фармацевтика саноати корхоналари мавжуд. Велосипед ва мотоцикллар ишлаб чиқарилади. Н. яқинида кўмир ҳавзаси жойлашган. Ун-т бор. 11 — 19-а.ларда қурилган меъморий ёдгорликлар сақланган. Шаҳар 9-а.дан маълум.

**НОТЎҚИМА МАТЕРИАЛЛАР** - йигириш ва тўқувчилик усулларини қўлламаган ҳолда толалар ёки ипларни турли йўллар б-н бириктириб олинadиган матолар ва б. тўқимачилик маҳ-сулотлари; тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларидан бири. Н.м. олишнинг физикавий-кимёвий ва механик усуллари бор. Физикавий-кимёвий усулда толалар ёки иплар ёпиштирувчи моддалар (Мас, елимлар) б-н бириктирилади, қиздириб прессланади, қоғоз олиш машиналаридан фойдаланилади. Фильерли усулда йигирув машинаси фильери (тешик-тешик мосламаси)дан чиқаётган синтетик то-

лалар махсус каналлар орқали ўтиб, ҳаво ёрдамида чўзилади, кейин ҳаракатланиб турган транспортёрда матога айланади. Бунда ҳам ёпишқоқ моддadan фойдаланиш мумкин. Булардан бошқа усуллар ҳам бор.

Механик усулда матолар холст (дағал толалардан тўқиладиган мато) тикиш, ипларни тикиб бириктириш, жун толаларни наматга ўхшаб босиш ва б. йўллар б-н олинади. Н.м.дан тайерланадиган маҳсулотлар: гиламлар, адёллар, попукли сочиқлар, сунъий чарм, линолеум, клеёнка тайёрланадиган матолар, фильтр материаллар, техник мовут, иссиқлик-товуш изоляцияси материаллари ва б.

**НОУ-ХАУ** (инг. know how — қандайлигини биламан), ишлаб чиқариш сирини — хали ҳаммага маълум бўлмаган ва кенг тарқалмаган янги илмий-техникавий, и. ч.-технологик, бошқариш, молиявий-иктисодий, тижоратга оид билимлар мажмуи ва уларни амалиётда қўллаш тажрибалари; уларга танҳо эга бўлиш. У корхона учун ҳам, шахс учун ҳам муайян устунлиқни таъминлайди. Н.-х. турли шаклларда: чиз-малар, схема-лар, йўриқномалар, маҳ-сулотлар намуналари, и.ч. технологияси ва уни ташкил этиш, ходимларни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар ва б. бўлиши мумкин. Одатда, Н.-х.да патентланган маҳсулотга тааллуқли маълумотлар эмас, балки ундан фойдаланишни ташкил этиш ёки уни и.ч. ва ўзлаштириш хусусиятларига доир махсус ахборот бўлади. Н.-х. маҳфийлиги б-н ажралиб туради ва тижорат сирини ошқор этилмаслигини талаб этади. Н.-х. патентланмайди, шунинг учун ҳам Н.-х. бўйича шартномада берилadиган маълумотлар сир сақланиши ва бу шарт бузилган тақдирда қўриладиган зарарни қоплаш ҳақида алоҳида банд бўлади. Муайян и.ч. жараёнидаги Н.-х. у ёки бу фирманинг мулки ҳисобланади ва шу сабабли олди-сотди қилинади. Одатда, Н.-х. товар сифатида патентлар ва лицензиялар б-н биргаликда сотилади, лекин Н.-х.

мустақил сотилиши ҳам мумкин. Н.-х.ни лицензия б-н бирга сотиб олиш (нархи арзон бўлади) и.ч.ни йўлга қўйишни, и.ч. сирларини тўла-роқ қўлга киритишни, и.ч. ни ишга туширишда сотувчи фирма мутахассислари иштирокини осонлаштиради.

**НОХУН** (форс. — тирноқ) — 1) мусиқада — танбур (баъзан, сато) ва дойра чалишда ишлатиладиган мослама. Икки тури мавжуд: танбур Н.и — бўйи бармоқнинг бир бўғинига тенг тирноқ шаклида (одатда, ўнг қўлнинг кўрсат-кич бармоғига кийилади); дойра Н.и — узунасига кесилган яримта ангишвона шаклида бўлиб, бармоққа боғлаб қўйилади. Н., кўпинча, пўлат, жез (баъзан кумуш, мис ва б.)дан ясалади; 2) зиҳдўзликда (йўрма жияк тикишда) чап қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийила-диган ангишвонага ўхшаган асбоб.

**НОШИРЛИК**, нашриёт иши — нашриётлар ташкил этиш, китоблар, газета, журналлар, тасвирий санъат асарлари ва б. босма махсулотларини тайёрлаш, нашр қилиш ва уни тарқатишга оид соҳа. Нашриётлар чиқарадиган махсулотининг турига қараб — китоб нашриёти, китоб-жур. нашриёти, газета-жур. нашриёти ва б., қандай ўқувчиларга мўлжалланганлигига кўра — илмий адабиёт, оммавий адабиёт, болалар адабиёти, ўсмирлар адабиёти нашриётлари ва х.к.га бўлинади; мавзусига кўра — универсал ва муайян соҳага ихтисослашган нашриётлар бор. Универсал нашриётлар (Мас, «Ўзбекистон» нашриёти) барча хил ёки кўп турдаги, ихтисослашган нашриётлар (Ибн Сино номидаги нашриёт ва б.) муайян соҳа бўйича китоблар нашр этади.

Китобчилик иши китоб босиш пайдо бўлишдан бир неча минг йиллар олдин мавжуд бўлган. Хусусан, Ўрта Осиёда мил. ав. асрлардаёқ китобчилик ишлари б-н шугулланганлар. Бу ерда араблар истилосига қадар анчагина нодир китоблар яратилган (қ. Китоб). Араб халифалиги

даврида ҳам бу иш тараккий этди. Тарихчи, хушнавис, қоғозчи, муқовасоз, безовчи (ловаҳ) ва ш. к. касб эгалари етишди. Тарихчиёзувчилар асарларини илгаригидек ўзлари кўчириб ўтирмасдан бу ишни улардан тез ва яхшироқ бажара оладиган мутахассисларга топширадиган бўлдилар. Км-тобларни, асосан, қўлда махсус хушнавислар кўчириб кўпайтирганлар. Шу тариқа хаттотлик санъати (каллиграфия) юзага келди ва такомиллашиб борди. Китоб бетларини турли ўлчамдаги катакларга бўлиш, саҳифаларнинг четларига ранг-баранг чизиклар, нақшлар чизиш, китоб номи-ни муқовасига ва зарварақларига олтин ҳал б-н ёзиш китоб беагининг одатдаги ус-лубига айланди. Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва б.нинг асарлари фақат мазмун жиҳатидан эмас, китобат санъати б-н ҳам нодир кисобланади. Уларнинг кўплари жаҳондаги йирик кутубхоналарда қимматли ёдгорликлар сифатида сақланади.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши (13-а.нинг 1-ярми) бутун маданий қаятда бўлгани каби китоб яратиш ва тарқатиш ишларини анча султайтирди. Темурийлар ҳукм-ронлиги даврида у яна кжеалди. Айниқ-са, Шоҳрух, Улуғбек даврида адабий фаолиятда, хусусан, китобчилик ишларида катта ўзгаришлар рўй берди. Шоҳрухнинг ўғли Бойсунғур ташаббуси б-н Ҳиротда катта бир кутубхона-устахона ташкил этилиб, унга уз дав-рининг машҳур котиблари, муқрвасозлари, расмоннақошлари ва б. китоб-соз мутахассислар жалб этилган. Уларга зарур китобларни кўчириб ёзиш ва кўпайтириш вазифаси юкланган эди. Устахонада ҳар бир қўлёзма китоб бир неча мутахассис қўлидан ўтарди. Алишер Навоий ўзбек халқи маънавий ха-зинасини бойитган асарлар ёзиш б-н биргаликда бадиий қўлёзма санъатини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 15-а. ва 16-а.нинг 1-ярмидаги бадиий қўлёзма санъатининг услуб ва анъа-

налари кейинги йиллардаги каллиграфия санъатининг асосини ташкил этди. Минглаб хаттотлар шу даврнинг усталаридан намуна олдилар, уларга эргашдилар (яна қ. Китобат санъати).

Нашриёт босма маҳсулотлари чиқарадиган корхона, муассаса сифатида Европада 16-а.да пайдо бўлди. Босмаҳоналарнинг йириклашиши, айрим китоблар наشري устида узок, муддат ишлаш, и.ч.ни техника ва маблаг б-н таъминлаш, китоб савдосини ташкил этиш зарурияти махсус касб эгалари — матбаачиноширлар пайдо бўлишини тақозо қилди. 19-а.га қадар нашриётлар китобчилик ишининг барча жараёнлари (тахририй иш, босмаҳона, реклама тарқатиш ва б.)ни ўз ичига олган. 19-а. ўрталарида полиграфия саноати ўсиб, янги, кучли техника базасининг вужудга келиши б-н Н.да нашриёт ва полиграфия корхоналарининг ихтисослашиш жараёни бошланди. 19-а. охири — 20-а. бошларида нашриётлар ялписига акци-ядорлик жамиятлари каби ташкилотларга айланди, кейинроқ китоб ва газета-жур. нашриётлари трестлари вужудга келди. Россияда ҳам Н. б-н шуғуллана-диган бир қанча фирмалар бўлган.

19-а.нинг 2-ярмида Россиянинг чек-ка ўлкаларида, жумладан, Туркистонда ҳам Н. юзага кела бошлади. Туркистонда китоб нашр этиш б-н дастлаб подшо Россияси статистика қўмиталари шуғулланди. Бу қўмиталар Туркистон ўлкасига оид турли маълумотлар-ни, кейинчалик туркистоншунос рус олимларининг илмий ишларини нашр қилдирган. 1868 й.дан 1910 й.гача Туркистонда нашр этилган китобларнинг асосий қисмини русча китоблар ташкил этган. Туркистонда китоблар нашр этишда Тошкентдаги О.А. Порцев, В. М.Ильин, Самарқанддаги Г.И. Демулов босмаҳоналари машҳур бўлган. 1910—17 й.ларда ўзбекча нашр қилинган китобларнинг кўплари шу босмаҳоналардан чиққан. 1874 й. Хивада

Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) томонидан ташкил этилган босмаҳона то

1910 й.га қадар китоб нашр этган. Ўлка аҳолиси ўртасида нодир қўлёзма асарларни кўплаб нусхаларда нашр этиб тарқатишда, айниқса, Тошкентда «Фуломия», Наманганда «Исхрқия» номи б-н маълум бўлган босмаҳоналар муҳим роль ўйнаган. «Фуломия»нинг ташкилотчиси Фулом Ҳасан Орифжонов ўз фаолиятининг дастлабки йилларида ўртаосиёлик буюк мутафаккирларнинг машҳур асарларини нашр этишга эъти-бор берган. «Исҳоқия» босмаҳонасида унинг ташкилотчиси маърифатпарвар ва рус тилининг илк тарғиботчиларидан Исҳоқхон тўра Жунайдулло Эшонов кўпгина асарларни нашр этган.

20-а.нинг 10-й.ларида Туркистонда китоб нашр эттириш ва омма ўртасида тарқатиш ишлари б-н шуғулланувчи ширкатлар, бирлашмалар, фирмалар пайдо бўлди. «Русская окраина», «Туркестанское товарищество печатного дела», «Маданият», «Мактаб», «Туркистон кутубхонаси» Н. ширкатлари шулар жумласидандир. Бу ширкатларга маҳал-лий ахрлининг бадавлат ва маърифатпарвар кишилари, жадидлар, шунингдек, илғор кайфиятдаги рус кишилари, татар зиёлилари уюшган эди.

Окт. тўнтаришидан сўнг босмаҳоналар мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди. 1918 й. Туркистон МИКхузу-рида Миллий ишлар халқ комиссария-тида ва Матбуот бюросида нашриёт бўлимлари тузилиб, маҳаллий тилда сиёсий адабиётлар нашр этила бошлади. Туркистон АССР Маориф халқ ко-миссарлигининг нашриёт бўлими дарсликлар чиқаришга ҳаракат қилди. Шу даврда бошқа турли идоралар ҳам оз миқдорда босма маҳсулотлар чиқарарди. Китоблар Туркистон матбуот мар-казий бошқармаси («Туркцентропечать») томонидан бепул тарқатиларди. 1920 й. мартда Туркистон МИК Туркистон давлат нашриёти (Туркдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу Ўрта Осиёдаги илк китоб нашриёти бўлиб, унга ўлкадаги барча нашр ишла-

рини бирлаштириш, қоғоз тақсимоти ва босмахона жихозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вази-фалари юкланди. Фуқаролар уруши та-мом бўлиб, ҳарбий интервенция тугатилгандан кейин барча нашр ишлари янги иқтисодий сиёсатга мувофиқ қай-та қурилди. ХКС нинг 1921 й. 28 нояб.даги қарори б-н нашрлар пулли бўлиб, китоб савдоси жорий қилинди. Нашриёт ва полиграфия корхоналари хўжалик ҳисобига ўтди. 1923 й.да Туркдавнашр Ўрта Осиеъ нашриёти деб атала бошлади. Бу нашриёт 1921 й.дан 1924 й.гача 1184 номда 3 млн.дан ортиқ нухада китоб нашр этди. Туркистонда нашриёт ишини йўлга қўйишда И. И. Гейер, Ғулом Ҳасан Орифжонов, Исҳоқжон Ибрат, Абдурахмон Сайёҳ Со-диқов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунав-варқори Абдурашидхонов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиеда миллий-давлат чегараланишидан сўнг (1925) Ўрта Осие давлат нашриёти негизда Ўзбекистон давлат нашриёти — Ўздавнашр (ҳоз. «Ўзбекистан») нашриёти) ташкил топди. 1925 й. Ўзбекистонда 334 номда 1,5 млн.дан ортиқ тиражда китоб нашр этилди.

30-й.лар нашриёт ишида кескин бу-рилиш даври бўлди. Нашриётлар маҳ-сулотларининг ғоявийсиёсий йўналишда партиявийлик ҳукмронлиги мус-тахкамланди. Марксизм-ленинизм асарларини ўзбек тилида чиқариш мақсадида Ўзбекистон К.П. МК ҳузурида Партия нашриёти (Ўзпартнашр) ташкил этилди. 30-й.ларнинг 2-ярмида тегишли халқ комиссарлари ва ташкилотларининг ихтисослашган тармоқ нашриётлари барпо этилди.

2-жаҳон уруши йилларида нашриётлар фронт ва мамлакат ичкарасидаги эктиёжга мувофиқ қайта қурилди. Узбе-кистондаги 8 мустақил нашриёт Ўздавнашрга бирлаштирилиб, матбаа корхоналари ҳам унинг ихтиёрига берилди. Айрим муассасаларга қарашли нашриётлар ёпилди. Китоблар нашри кескин қискарди.

Урушдан кейинги йиллар ихтисослашган нашриётларни тиклашга ҳаракат қилинди. 1950 й. «Ўқувпеддавнашр» (ҳрз. «Ўқитувчи») нашриёти) тикланди; 1957 й. Адабиёт ва санъат нашриёти; 1959 й. Медицина нашриёти; 1960 й. «Ёш гвардия», 1964 й. Нуқусда «Қорақалпоғистон» нашриёти, 1968 й.да Тошкентда Ўзбек совет энциклопедияси Бош таҳририяти очилди. Нашриёт ишларига раҳбарликни яхшилаш мақсадида 1963 й. Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги мат-буот комитети ташкил этилди (1978 й.дан Ўзбекистон Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат коми-тети, кейинчалик Давлат матбуот қўми-таси). Нашриётлар маҳсулотлари коммунистик мафкурага хизмат қилишга қаратилди. Шу мақсадда жуда кўп номда ва нухада марксизм-ленинизм асарлари, ижтимоийсиёсий адабиётлар нашр этилди. Айни вақтда Алишер Навоийнинг 15 жилдли асарлари, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳдор, Комил Яшин, Миртемир каби ёзувчиларнинг сайланма асарлари, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари чиқарилди.

Лекин, советлар тузумида Узбекистондаги нашриётларнинг моддий-техника базаси ривожланган мамлакатлар да-ражасидан анча орқада эди. Аксарият босмахоналарда ҳамон қўлёмалар кўрғошин б-н қуюладиган харфларда те-риларди. Босиш усуллари ҳам эскича. Шу сабабли босилган китобларнинг матбаа ижроси сифатсиз эди. Нашриётларда муҳаррирлар «сиёсий хатолар» ўтказиб юбормаслик учун мук тушиб қўлёмаскорректорларни қайта-қайта ўқишар-ди, айниқса, диний, тарихий адабиётларга «эхтиёт» бўлишарди. Мана шу эхтиёткорлик туфайли Ўзбекистон ФА «Фан» нашриётида нашр этилган Алишер Навоийнинг академик нашридан (15 жилдли) «илоҳий» ва б. мазмундаги шеърлар олиб ташланди ва ҳ.к. Нашриётларнинг йиллик режалари марказдан қатъий назорат қилинарди. Ижтимоий фанлардан маҳаллий муаллифлар дарсликлар

ёзишларига имкон қадар йўл берилмасди. Марказда нашр этилган дарсликлар, асосан, таржима қилинарди.

20-а.нинг 50-й.лардан кейинги даврларида Ўзбекистонда нашриёт ишини, матбаачиликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда Жалолхон Азизхонов, Файзулла Юнусов, Воҳид Валиев, Тўлқин Рустамов, Абдулла Уразаев, Азиз Клеблеев, Вали Раҳим, Файзулла Эрғозиев, Мели Жўра, Юнус Юсупов, Насрулло Охундий, Адҳам Акбаров, Зиёд Есенбоев, Абдувоҳид Абдувалиев, Ислон Шоғуломов ва б.нинг хизмати қаттиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Н.да кескин ўзгариш бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонуни (1996 й. 30 авг.) ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қонун асосида ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан, ноширлик йўналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда мустақил фаолият юритадиган бўлди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва лицензия олганидан кейин Н. фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлишди. Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказиш бекор қилинди. Матбаа маҳсулотини шартнома асосида тарқатиш жорий этилди. Нашриётлар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, харидорғир китоблар нашр этишга ҳаракат қила бошладилар. Китоб маҳсулотлари мазмун-мундарижасини белгилашда уларга тўла эркинлик берилди. Ўзбек тилига давлат маккоми берилиши муносабати б-н ўзбек тилидаги китоблар салмоғи ошди. Амир Темур мавзуи, буюк мутафаккирлар, диний, миллий кадриятлар б-н боғлиқ ўнлаб китоблар чиқарилди. Болалар адабиёти, илмий адабиётлар нашрига, истиклол, миллий тафаккур ғоялари сингдирилган, шарқона одоб-ахлоқ, биродарлик, миллий ғурурни кўтаришга ундайдиган адабиётларга,

мактаб дарсликлари нашрига алоҳида эътибор берилди. «Ўзбекистон» нашриётида УзР Президенти И.А.Кари-мовнинг иқтисодий ислохотлар, уларни амалга ошириш йуллари, мамлакат ижтимоий ва маънавий ҳаётни соғломлаштириш, миллий кадриятларни тиклаш, анъаналарни бойитиш ва ш.к.га бағишланган дастуриламал китоблари нашр этилди (яна қ. Китоб).

Китоб ва б. босма маҳсулотлар нашр этишда нашриёт муаллиф б-н тегишли шартнома — нашриёт шартномасини тузади. Унда муаллиф китоб қўлёзмасини маълум муддатда топшириш мажбуриятини, нашриёт эса уни нашр этиш, тарқатиш (айрим ҳолларда бу мажбуриятни олмайди) ва муаллифга тегишли ҳақ (гонорар) тўлаш мажбуриятини олади. Шартномада китобнинг адади, чоп этиш муддати ва б. мажбуриятлар ҳам кўрсатилади.

Нашриёт фаолияти марказида муҳаррирлик туради. Муҳаррир нашриёт чиқармоқчи бўлган китоб қўлёзмасини да-стлаб ўқиб чиқиб, ўз хулосасини беради: тахрир учун қабул қилади; камчиликларини кўрсатиб қўлёзmani қайта ишлашга муаллифга қайтаради ёки умуман тахрирга нолойиқ топади. Муҳаррир қўлёзmani тахрир қилишда ижтимоийсиёсий, илмий ва адабий нуқтаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув ундан муаллифнинг индивидуал услубини сақдаган ҳолда китобнинг мазмуни ва шаклини такомиллаштиришга қаратилган муайян билим ва ижодий жараёни талаб қилади. Нашриёт мусахҳиҳи имло ва б. грамматик ҳатоларни тузатади. Муҳаррир тахрир қилинган қўлёзmani матбаага топширишдан олдин нашриёт расоми (бадий муҳаррир) б-н китобнинг бадий беаги устида иш олиб боради. Айни вақтда техник муҳаррир б-н биргаликда тегишли шрифтлар белгиланади, безаклар жойлаштирилади, қўлёзма ёки терилган матн саҳифаланади ва ҳ.к. Нашриётда тайёрланган қўлёзма нашриёт (буюртмачи) ва босмаҳона (буюртма-

ни бажарувчи) ўртасида тузилган шартнома асосида чоп этиш учун мат-баага топширилади.

Ўзбекистон Н. ишига раҳбарлик қилиб келган ЎЗР Давлат матбуот кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (2002 й. 3 июль)га биноан, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта таш-кил этилди. Агентлик зиммасига, бош-қа вазифалар қатори, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш, амалдаги конунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ноширлик-матбаачилик фаолиятининг и.ч.-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда серти-фикациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бошқарувининг ташкилий тузилмасида куйидаги нашриётлар кирган: «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Чўлпон», «Меҳнат», Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, «Ижод дунёси» нашриёт уйи, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Ибн Сино номидаги нашриёт, «Ўзбланкнашр». Булардан ташқари, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази, Ўзбекистон ФА нинг «Фан» нашриёти, ЎЗР Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти, Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» кенгашининг «Маънавият» нашриёти, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Мовароуннаҳр» нашриёти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Академия» нашриёти, ЎЗМУ, Тошкент Ислом ун-ти ва б. йирик олий ўқув юр்தларининг на-шриётлари фаолият

кўрсатади, шунингдек, хусусий, вилоят<sup>^</sup> нашриётлари ҳам Н. б-н шуғулланади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида жами 58 нашриёт, 800 дан зиёд йирик ва кичик босмахона рўйхатдан ўтган (2003). Нашриётлар китоблари, асосан, Тошкент матбаа к-ти, Рангли босма ф-каси, 1-Тошкент босмахонаси, Тошкент китоб-журнал ф-каси, «Тезкор» босмахонаси, Янгийўл китоб ф-каси, «Растр» қўшма корхонасида, «Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилади. Нашриётчилар ва матбаачилар ўз соҳаларига замонавий ноширчилик, босма усуллар, янги техника жорий қилиб бормоқдалар. Босмахоналар кейинги даврда технологик жиҳатдан қай-та қурилди. Корхоналар ва ташкилотлар Германия, АҚШ, Швеция, Швейцария, Буюк Британия каби матбаа саноати та-раққий этган мамлакатлар б-н амалий алоқалар ўрнатишган. Ўзбекистонда 2002 й. жами 969 номда 16,5 млн. нусха китоб чиқарилди. 2002—2003 ўқув йилида жами 519 номда 31,0 млн. нусхада мактаб дарсликлари чоп этилди. Ўзбекистонда Н.ка дойр масалалар, асосан, «Ўзбекистон матбуоти» жур. да ёритилади.

Ўд.: Мели Жўра, Ноширнома, Т., 1979; Абдувалиев В., Нурли манзил, Т., 1995; Шоғуломов И., Саодат манзиллари, Т., 1996.

Муроджон Аминов, Ўткир Зокиров.

**НОВАБРЬ** (лот. November — тўққиз) — Григорий календарицъ йилнинг 11-ойи, 30 кунлик. Қад. Рим календарида 9-ой (қад. римликларда йил март ойида бошланиб, ўн ой бўлган).

**НОҚИС** (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдулқодир Муҳаммадшокир ўғли) (1860 — Каттакўрғон — 1929) — ўзбек шоири. Каттакўрғон, Бухоро мадрасаларида ўқиган. 1895 й.да Каттакўрғонга қайтиб, мадрасада мударрислик қилган, деҳқончилик б-н шуғулланган. Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий ва б.га эр-



гашган, улар ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Айниқса, Муқимий ижодига эҳтиром б-н қараган, тазмин мухаммаслар ёзган («Догмен», «Кел эртарок», «Нозаниним» ва б.).

1905 йдан Н. ижодида ижтимоий мазмун кучайган. Шеърларида ижтимоий адолатсизликка, нодонликка қарши нафрат ифодаланган. Ғазаллари «Баёзи Махдий», «Армуғони Хислат», «Баёзи Мирий», «Баёзи Жўрабек» ва б. баёзларга киритилган. Н. қўлёзмалари — «Баёзи Ноқис» Тожикистон ФА Шарқ-шунослик ин-ти (инв. №1005)да, «Девони Ноқис» Ўзбекистон ФА Шарқшу-нослик ин-ти (инв. №97)да сақланади. 19-а. охири — 20-а. бошларида Бухорода тузилган тазкираларда Н. ижодига юқори баҳо берилган. Шоир «Лайли ва Мажнун» сюжети асосида дoston ёзганлиги ҳақида маълумот мавжуд. Аммо у ҳали топилмаган. Н.нинг баёзлари ва 6 минг мисрага яқин шеърлари сақланган. Ға-зал ва мухаммаслари ҳофизлар томонидан куйлаб келинади («Ҳажрингда дарду ғам б-н ҳасратда доғман...») ва б.).

Ад.: Орзибеков Р., Абдуқодир Ноқис, XIX аср ўзбек адабиёти тарихига дойр материаллар, Самарқанд, 1985.

**НОҒОРА** (араб, наққора — зарб беврвчи) — урма мусиқа чолғу асбоби. Тузилиши турлича; туваксимон косахонаси, асосан, сополдан ясалади. Кийик ёки эчки (айрим жойларда бошқа ҳайвонлар) териси б-н қрпланади. Қадимдан ҳарбий, жарчи ҳамда оммавий маросим чолғу асбоби сифатида Шарқ мамлакатларида маълум бўлган. Ҳозирда ўзбек, тожик, уйғур, арман ва б. халқ созандалари томонидан қўлланилади.

Ўзбекистонда унинг дўл Н. (йўғон товушли катта Н., тери қопланадиган қисмининг диаметри 60 см), рез Н. (ингичка товушли кичик Н., диаметри 20—30 см), кўс Н. (товуши рез Н.дан йўғонроқ, диаметри 30—40 см) турлари кенг тарқалган. Рез ва кўс Н. иккита чўп б-н, дўл Н. нисбатан йўғон-роқ битта

чўп б-н чалинади. Халқ мусиқа ижрочилигида кўс ва рез Н.дан иборат қўш Н. қўлланилади. Қўш Н. то-вушлари бир-биридан тахм. кварта ин-тервалида фарқ қилади. Бу эса турли шаклдаги безакларга бой усулларни ижро этиш имкониятини яратади. Н.нинг чиндовул (мис ёки б. металлдан ясалган ҳажми катта Н.), таблак (қич-кина Н.) турлари ҳам бўлиб, улар кам тарқалган. Қўш Н. сурнай ва карнайлар б-н қўшилиб анъанавий миллий ан-самблни ташкил этади. Бундай ансамбллар очик жойларда ўтказиладиган томошалар, тантаналар, тўй маросимлари жарчиси бўлиб, «Шодиёна», «Катта ўйин», уйғурларда хайит кечаларида чалинадиган «Ноғора муқом» каби чолғу йўллари ижро этиб келмоқда.

**НОҒОРА БАЗМ** — ўтмишда ноғорачилар, созандахонандалар, раққослар иштирокида байрам сайли, тўйларда ўтказилган катта мусикий кеча, йиғин.

**НОҒОРА ВА БАЙРОҚ** - қадимда туркий халқларда ҳокимият белгиси, рам-зи. Н. ва б.ни олган шахс маълум мамлакатнинг олий ҳукмдори деб танилган. Мас, Амир Темур 1370 й. Балххркими амир Ҳусайнга қарши қўшин тортиб бораётганда, Термиз яқинидаги Биё кишлоғида маккалик шарифлардан Саййид Барака унга олий ҳркимият, салтанат рамзи катта ноғора — табл ва ялов — байроқ тортиқ қилади. Барокхон 1423—27 й.ларда Улуғ Муҳаммад устидан ғалаба қилиб, Оқ Ўрдада ҳокимият тепасига келгач, Улуғбек унга қимматбаҳо совғалар, шунингдек, Н. ва б. юборганлиги маълум.

**НОҒОРАХОНА** (накқоракхона) - ўрта асрларда ҳукмдор саройида мусиқа чолғу асбоблари (най, карнай, сурнай, ноғора ва х.к.) сақланадиган ва шу ас-боблар ижрочиларига мўлжалланган махсус жой. Хоразмшоҳлар даврида Н. ўрнида талб-хона истилоҳи қўлланишда бўлган.

Ҳарбий ҳаракатлар чоғида Н. олий бош қўмондоннинг баланд ерга ўрнатилган хиргоҳи олдидан жой олган, жангчиларни рухлантирувчи куйларни тинмай ижро этиб турган. Н.дан эшитилувчи мусиқа овозининг тиниши муайян даражада мағлубиятдан дарак берган.

Саройларда Н. дарвоза устидаги хонага жойлашган. Н.да мавжуд чолғу асбобларидан саройда ўтадиган турли тантаналар, байрамлар, халқ томошаларида фойдаланилган. Н.даги чолғучиларга меҳтар бошчилик қилган. Бу чолғучилар репертуарида халқ оғзаки ижо-ди анъаналаридаги профессионал мусиқа асарлари, шунингдек, сурнай, (нафир), ноғора (нақора, кўс, табл, ко-вурга) ва найларда чалинадиган турфа жанрлардаги оммабоп куйлар алоҳида ўрин эгаллаган. Ҳукмдор Н. созандалари хизматидан тез-тез уюштирилиб ту-радиган ов (чорга) пайтида ҳам фойдаланган.

**НУАКШОТ** — Мавритания пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Атлантика океани соҳилида. Иқлими тропик чўл иқлими. Январда ўртача-ра 21°, июлда 28°. Йилликёгин 150 мм. Аҳолиси 667 минг киши (1999), асли барбар арабларидан келиб чиққан маврлар.

Н. 17-а.да португал мустамлакачиларнинг ҳарбий қалъаси ёнида вужудга келган. Кейинрок, французларнинг Мавританияни босиб олишда асосий таянч базаларидан бўлди. 1950 й.да Сенегал дарёсининг кучли тошқинидан Н. бутунлай вайрон бўлган. 1957 й.да ундан 1 км шим.роқда шу номда янги шаҳар бунёд этилди. 1958 й.да мамла-кат пойтахти Сен-Луидан (Сенегал) Н.га кўчирилди.

Н. — денгиз порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Саноати озик-овқат, ёғочсозлик, металлсозлик, кичикрок кемалар курувчи верфлар, ишқор ф-каси, босмахона, денгиз сувини чучу-тувчи курилма, майда хунармандчилик корхоналари ва устахоналаридан иборат. Унт, Миллий кутубхона, иссиқлик электр

ст-яси бор. Меъморий бинолардан Президент саройи, Адлия саройи, Миллий мажлис бинолари қурилган.

**НУБИЙ ТИЛИ** - Нил-Сахрои Кабир тиллари макрооиласи таркибидаги шарқий судан тиллари тармоғига мансуб ва Нил водийсида (Миср ва Судан худуди), Кордофан платоси, Дарфур тоғларида, Атбара дарёси зонасида Таркалган тил; 2 млн. дан ортиқ киши сўзлашади. 6—14-а.ларда кад. Нубиянинг расмий тили бўлган. Н.т. нил ва тоғ (кордофан, дарфур) лаҳжаларига бўлинади. Н.т. агглютинативтил; кад. Н. т.да суффиксал сўз ясалиши устунлик қилган бўлса, кейинчалик префиксация ривожланган. Қад. Н.т. луғаттаркибида миср ва грек тилларидан кирган сўзлар кўп бўлган, хоз. Н.т.да эса арабча ўзлашмалар катта бир қатламни таш-кил этади. Н.т. қадимда (8—11-а.лар) ўзига хос алифболи ёзувга эга бўлган, бироқ ҳозир ўз ёзувига эга эмас.

**НУБИЙЛАР** (ўзларини — нуба деб ата-шади) — Мисрнинг жан.даги (350 минг киши; 1990-й.лар ўрталари) ва Суданнинг шим.даги (2,2 млн. киши) халқ. Нубиянинг туб аҳрлиси. Нубий тилида сўзлашади. Диндорлари — сун-ний му-сулмонлар.

**НУБИЯ** — Нил дарёсининг 1- ва 5-ос-тоналари оралиғидаги водийда, хоз. Миср ва Судан худудида жойлашган тарихий вилоят; 7—14-а.ларда нубийларнинг христиан давлати мавжуд бўлган. Пойтахти — Кўҳна Донгола ш. 14-а. охирида араб қабилалари келиб жойлашгач, аҳолиси ислом динига ўтган.

**НУБИЯ ЧЎЛИ** — Африкадаги чўл. Кўп қисми Судан худудида, Нил дарёси б-н Қизил денгиз оралиғида. Ер юзаси платодан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга зинапоясимон пасайиб борган. Шарқда бал. 1000 м, ғарбида 350 м. Энг баланд жойи 1240 м. Қизил денгиз бўйида кам-

бар пасттексик бор. Қирғоқ яқинида маржон орол кўп. Н.ч.нинг шарқий Фемида Нубия—Арабистон қалқонининг кад. кристалли жинслари, кумтошлар ер юзасига чиқиб қолган. Ғарбий қисмида кумликлар бор. Платони курук ўзанлар — водийлар кесиб ўтган. Ер ости сувлари кам. Йиллик ёғин 25 мм га яқин. Ўртача т-ра янв.да 15°, июлда 30°. Ўсимликлари сийрак. Ксерофит ғаллагуллилар, тиканли буталар ўсади. Аҳоли булоқлар атрофида яшайди, чорвачилик б-н шуғулланади. Чўлни т.й. ва автомобиль йўллари кесиб ўтган.

### **НУБИЯ-АРАБИСТОН ҚАЛҚОНИ**

-Африка платформаси токембрий фундаментининг шим.-шарқий қисмидаги туртиб чиққан жойи. Қизил денгиз рифтининг Н.-А.к. ўк. қисмини кесиб ўтиши туфайли қалқоннинг ғарбий қисми Африка (Нубия чўли)да, шарқий қисми эса Арабистон я.о.нинг ғарбий худудида жойлашган. Ёши жиҳатдан юкори протерозойга мансуб бўлган гнейсларнинг жуда қалин ва мустаҳкам ўрнашган қатлами ва кварцит ҳамда мрамрларнинг бир неча қатларидан тузилган кристаллик ва метаморфик сланецлардан ҳосил бўлган. Жинсларнинг бу қалин қатлами гранитлар ин-трузияси (бир неча генерация) томонидан ёриб чиқилган. Базальтларнинг ёш отқиндилари ҳам мавжуд.

**НУВАЙРИЙ** Шихобиддин Аҳмад ибн Абд ал-Ваҳҳоб (1279.6.4 - 1332.17.6, Қохира) — араб олими. Мисрда, мамлуқлар саройида яшаган. Н. 31 жилддан иборат «Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб» («Адабиёт ҳақида арабча етук китоб») номли йирик (9 минг бетдан ошиқ) асар муаллифи. Асарнинг ярми тарихга оид бўлиб, Миср, Олтин Ўрда, мусулмонлар Испанияси (Андалусия) тарихи батафсил баён этилган. Асар бир неча Европа халқлари тилларига тар-жима қилинган.

**НУЗХА**, нузҳат (араб. — кўнги

очувчи, лаззатбахш) — қонун туридаги қадимий кўп торли мусика чолғуси.

**НУКАТ** — ўрта аср шахри. Тошкентдан Тункатга ва Фарғонага борадиган сав-до йўлида жойлашган. Н. 11—12-а. лардаги Шарқ йўлномаларида қайд этилган. 9—10-а.ларда катталиги жиҳатидан Илоқда Тункатдан кейинги ўринда турган. Н.нинг кейинчалик Улкан Тўйте-па деб аталган шаҳар харобасини 1928 й. М. Е. Массон Тошкент яқинидаги Тўйтепа қишлоғидан топган. Н.нинг маркази тўғри бурчак шаклидаги шах-ристон бўлиб, майд. 18 га. У тўрт дарвозали улкан девор б-н ўралган. Шим. қисмида тўртбурчакли 0,75 га катталиқдаги қалъа бўлган. Н.нинг рабоди 100 гадан ортиқ майдонни эгаллаган. Шаҳарнинг шарқий қисмида ўликлар ос-суарийлар (остодон) да дафн қилинган қабристон жойлашган. Н.дан 8—12-а.ларга оид тангалар, сопол, олтин, мис ва жез идишлар, темир ўроқ, пи-чок, шунингдек, чиройли қандил ва мураккаб босма нақшлар б-н безалган идишлар топилган. Топилмаларнинг энг қад.си 6—7-а.ларга оид. 9—10-а.ларда шаҳар тез ривожланган. Идрисийнинг маълумотига кўра, 12-а.да Тункат та-назулга учраши муносабати б-н Илоқ давлатининг пойтахтига айланган. 13-а. бошида мўғуллар истилоси натижасида харобага айланган.

**НУКЛЕАЗЛАР** — нуклеин кислоталар (НК) ни парчалайдиган гидроли-тик ферментлар. Барча биологик объектларда борлиги маълум. Н. фос-фодиэстераза бўлиб, рибонуклеин кислотани парчалайдиган рибонуклеаза (РНКаза), дезоксирибонуклеин кислота-ни парчалайдиган дезоксирибонукле-аза (ДНКаза), айримлари ҳар икки нуклеин кислоталар (НК)га нисбатан фаол бўлган (номахсус) Н. деб аталади. Эзонуклеазалар нуклеин кислота молекуласининг бир учини, эндонуклеазалар полинуклеотид занжирни ораларидан гидролизлайди. Овқатдаги НКни ҳазм қилишда, орга-

низм учун ёт бўлган НКни чиқариб юборишда, хужайраларда НКнинг синтезланиши ва парчаланишини бошқаришда қатнашади. Н.дан НК структурасини тадқиқ қилишда ва баъзи вирусли касалликларни даволашда фойдаланилади.

**НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАР**, полинуклеотидлар — нуклеотидлар қолдиғидан ҳосил бўлган юқори молекулали органик бирикмалар. Н.к. таркибига қандай углевод — дезоксирибоза ёки рибоза киришига қараб дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) ва рибонуклеин кислота (РНК)ларга бўлинади. Нуклеотидларнинг Н.к.даги кет-ма-кетлиги уларнинг бирламчи структурасини белгилайди. Н.к. барча тирик организмларнинг хужайраларида мав-жуд бўлиб, ирсий (генетик) информацияни сақлаш ва наслданнаслга ўтқа-зишдек энг муҳим функцияни бажа-ради, хужайра оксилларининг бу ин-формацияни воқе килувчи синтези жараёнига таъсир кўрсатади. Организмда эркин ҳолда бўлади, оксиллар б-н бир комплекс (нуклепротеидлар)ни ташкил этади.

**НУКЛЕОЗИДЛАР** — таркибида пурин ёки пиримидин асоси ва рибоза ёки дезоксирибоза углеводи бўлган гликозидлар. Н. нуклеотидларнинг нуклеотидаза ферменти б-н парчаланишидан келиб чиқади. Барча тирик организмлардаги нуклеин кислоталар ва нуклеотидлар таркибида бўлади. Н.нинг номи унинг молекуласига қирадиган асосга қараб, Мас, аденин бўлса, аденозин, гуанин бўлса, гуанозин ва х.к. деб аталади.

**НУКЛЕОПРОТЕИДЛАР** - нуклеин кислоталарнинг оксиллар б-н биргаликдаги комплекси. Н. таркибига кирган нуклеин кислоталарнинг хилига қараб, дезоксирибонуклеопроteidлар (ДНП) ва рибонуклеопроteidлар (РНП) фарқланади. ДНП барча хужайралар ядроларида ва митохондрияларида, шунингдек, сперматозоидларнинг бошчасида бўлади.

ДНП оксиллари гистонлар ва протаминлар кўринишида бўлиб, ДНК икки-тали спирали тарновларида жоилашади, улар ДНК тузилишини мувофиқлашти-риб, фаоллигини оширади. Кўпгина вируслар, информосомалар РНПдан ташкил топган. Организмда Н.нинг биологик аҳамияти нуклеин кислоталар (НК) нинг функциясига боғлиқ.

**НУКЛЕОТИДЛАР**, нуклеозид-фосфатлар — нуклеозидларнинг фосфорли эфирлари. Н. — нуклеин кислоталар, коферментлар ва б. биологик фаол бирикмаларнинг таркибий қисмидир. Улар тирик хужайрада эркин ҳолда бўлиб, моддалар алмашинувида муҳим роль ўйнайди. Н. таркибига углевод (рибоза ёки дезоксирибоза), фосфор кислота ва азот асослари қолдиқлари қиради. Аденин, гуанин, гипок-сантин, цитозин, урацил ва тиминлар табиатда кенг тарқалган пурин ва пиримидин асосли табиий Н.дир.

**НУКЛЕУС** (лот. nucleus — ядро) (археологияда) — тош қуроллар яшаш учун чақмоқтош ёки бошқа тош парчаларидан учириб олинadиган тош бўлаги. Н.лардан қирғич ва найзасимон қуроллар ясалган.

**НУКЛИДЛАР** — бир-биридан ядросининг таркиби б-н (ёки бир хил сондаги нуклонлари б-н ёхуд нуклонлари сони бир хил бўлган ҳолда протон ва нейтронлар сонининг ҳар хиллиги б-н) фарқ қиладиган атомлар. Мас, бирон-бир кимёвий элементнинг изотоплари Н. ҳисобланади. Улар бир-биридан ядросидаги нейтронлар сони б-н фарқланади.

**НУКЛОНЛАР**, нуклеонлар — атом ядросини ташкил қиладиган зар-ралар — протон ва нейтронларнинг умумий номи. Протон ва нейтрон массаси деярли бири-бирига тенг ( $m_p=938,2$  МэВ ва  $m_n=939,5$  МэВ) бўлгани, протон ва нейтрон спини бўлиб, ўзаро кучли таъсирларда бир хил заррадек таъсирлангани учун протон ва нейтрон битта зарра (нуклон)нинг икки

электр хрлати деб қаралади. Н., асосан, учта квант сони — барион заряди ( $B=1$ ), ажиблик квант сони ( $^A=0$ ) ва изотопик спин ( $I = j$ ) б-н ифодаланади.

Спинлари бирор йўналиш бўйича жойлашган Н. оқими Н.нинг кутбланган дастаси дейилади. Н.ни кутбланининг бир неча усули мавжуд. Мас, секин ҳаракатланувчи про-тонларнинг кутбланган дастасини махсус ион манбаи ёрдамида олиш; ядро ва электромагнит сочилиш ҳодисаси нати-жасида нуклонларни кутблаш ва ҳ.к.

Н.нинг турли хил сочилиши нуклон спинининг йўналишига ва таъсир қилувчи кучларга боғлиқ. Шунинг учун сочи-лишигача нишонга тушувчи кутбланмаган дастани кутбланган ва кутбланмаган Н. оқимидан иборат дейиш мумкин. Нишондан сочилгандан кейин эса бу икки компонентнинг ин-тенсивлиги бир-биридан фарқ қилади, демак, Н.нинг кутбланган дастасини ажратиб олиш мумкин бўлади. Радио-тўлқинлар зарраларида ҳам кутбланган дастани ҳосил қилиш мумкин. Бу зар-ралар энергияси ва интенсивлиги чекланган (107—10<sup>9</sup> нуклон/ехтер дан кам) бўлишига қарамай, тез нейтронлар дастасини олишда энг қулай воситадир. Н.нинг кутбланган да-стасидан кўпгина тадқиқот ишларида, ядро кучларининг ўзаро таъсирлашувчи зарраларнинг спинларига боғликлигини аниқлашда фойдаланилади.

**НУКУАЛОФА** — Тонга давлати пойтах-ти, Тонгатапу о.да. Ахрли-си 21 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўргалари). Тинч океан соҳилидаги порт; четга копра ва банан чиқарилади. Туризм ривожланган.

**НУКУЗ**, некуз, некус — қўнғиротлар ҳамда қорақалпоқларнинг кена-гас каби-лалари таркибидаги уруғларидан бири. Н. аслида мўғул қабилаларидан бирининг номи. Мўғуллар истилоси даврида (13-а.) Н.ларнинг бир қисми Дашти Кипчокқа, кейинчалик бошқа ўзбек қабилалари б-н

бирга Мо-вароуннаҳрга келиб ўрнашган бўлишлари мумкин. Буларнинг кўпчилик қисми вақт ўтиши б-н маҳаллий халқлар — ўзбеклар, қорақалпоқларга арала-шиб кетган. Рашидуддиннинг «Жоме ат-таворих», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» (нугузлар, нўгузлар, нукузлар), рус тадқиқотчиси Н. Хани-ковнинг «Бухоро хонлигининг тавси-фи» (нукуз), Вамберининг «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» (нўкис, нукус, нукуз) аса-рида Н.лар қайд этилган. Н.ларнинг жуда оз қисми яқин вақтларгача (асосан, куйи Қашқадарёда) йирик қабилалар таркиби-да уруғ бўлиб, ўз номларини сақлаб кел-ганлар.

**НУКУС** (қорақалпоқча Некис) — Қорақалпоғистондаги шаҳар (1932 й.дан). Қорақалпоғистон Республикаси пой-тахти, Республика ҳудудининг мар-казий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳи-лида, 109 м баландликда. Жан. ва шарқда Кизилқум чўли б-н ўралган, шим.да Амударё дельтаси б-н туташган. Ўргача т-ра июнда 27°, янв.да —6,9°, максимал т-ра 46°, минимал т-ра —32°. Т.й. станцияси. Н.дан Тошкентгача 1265 км. Кизкетган канали шаҳарни кесиб ўтади. Майд. 200 км2. Аҳолиси 255 минг киши (2001; 1974 й.да 88 минг; 1959 й.да 39 минг; 1939 й.да 10 минг); асо-сан, қорақалпоқлар; козоқ, ўзбек, рус, корейс, татар ва б. ҳам яшайди.

Ҳоз. Нукус ш. ўрнида 19-а.нинг 60-й.ларида Н. овули мавжуд бўлган. 1870-й.лардан Н.да савдо-сотик, хунармандчилик, балиқ овлаш бирмун-ча ривожланди, Амударёнинг сув ре-жимини назорат қилувчи гидрологик пост қурилди. Рус мустамлакачилари Н.да 1500 кишилик гарнизонни жой-лаштирди. 1877 й. рус-тузем мактаби очилди. 20-а.нинг бошларида Н. овули Амударёнинг ўнг со-ҳилидаги энг йи-рик аҳоли пунктларидан бирига айлан-ди. 1930 й. 12 ноябрда Қорақалпоғистон Мухтор Республикасининг марказини Тўрткўл ш.дан Н. ову-лига кўчириш

ҳақида қарор қабул қилинди. 1932 й.дан Н.да янги маъмурий бинолар қурилиши бошланди. 1939 й. Республика маъмурияти Н. шаҳрига кўчиб ўтди.

Шаҳарнинг йирик автомагистраллар ту-ғунида жойлашган-лиги унда кўп тармоқли саноатининг тез ривожланишига сабаб бўлди. Н.— Тошхөвүз, Н. — Ғүзор автомагистраллари халқаро аҳамиятга эга. 345 км ли Навоий — Н. темир йўли., Н. б-н Хўжай-лини боғлайдиган кўприк. 243 км узунликдаги Туямўйин — Н., 112 км узунликдаги Н., Тахтакўпир сув узатиш тармоўтари қурилди. Республика саноати умумий маҳсулотининг 20% ни Н. шаҳар саноат корхоналари беради. Шаҳарда 50 дан зиёд саноат корхонаси бор. Металлсозлик, қурилиш материаллари, озик-овқат, енгил, ёғочсозлик ва полиграфия саноати тармоқлари мавжуд. Н.да йурилиш материаллари саноати яхши ривожланган, йирик панелли уйсозлик ва силикат-бетон з-длари, қурилиш материаллари к-тлари, ғишт, кабель з-длари, мрамар и.ч. бўйича Қорақалпоқ—Италия қўшма корхонаси бор. Нон, гўшт, сабзавот-консер-ва, тегирмон ва аралаш ем к-тлари, сут-ёғ, вино-арақ ва пиво-лимонад з-длари, бозорлар ишлаб турибди. Н.да ширинмия доривор ўсимлиги илдизини йиғадиган ва пресслайдиган тиббий корхона мавжуд. Бу корхонанинг маҳ-сулоти АК.Ш, Канада, Япония, шунингдек, Европа мамлакатларига экспорт қилинади. Енгил саноат корхоналарига Ўзбекистонда ягона ўтов-кигиз к-ти, тикув ва трикотаж фкалари, майшид хизмат кўрсатиш к-ти киради. Шаҳарда ўзбек, қорақалпоқ, ва рус тилларида газета-китоблар босадиган матбаа к-ти, мебель ф-каси бор. Н.дан турли йуналишларда автобуслар катнайди. Н. ҳаво йўллари орқали Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Европа мамлакатлари ша-ҳарлари, Москва, Минеральные Води, Киев, Волгоград, Боку, Остона, Кизилўрда, Тошкент ва Ўзбекистоннинг барча вилоят марказлари б-н боғланган.

Н. — Қорақалпоғистоннинг

илм-фан ва маданият маркази. Н.да Ўзбекистон ФА, Ўзбекистон БА ларининг Қорақалпоғистон филиаллари, Ўзбекистон тери-венерология, онкология, шунингдек, чорвачилик илмий тадқиқот ин-тларининг филиаллари, педагогика ин-ти, Қорақалпоғистон университети, ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти ва б. олий ўқув юртлари ишлаб турибди. 43 умумий таълим мактаби, бир қанча академик лицей, 2 спорт, 2 мусиқа мактаблари, 18 ўрта махсус билим юрти, клуб, кутубхона, спорт мажмуи, маданият саройи мавжуд. Н. телестудияси ўз дастурларидан ташқари, Москва, Тошкент, Аш-хобод телекўрсатувларини ҳам олиб кўрсатади. Шаҳарда 5 касалхона, поликлиника, дорихоналар ва консултация пунктлари, тез ёрдам ст-яси бор. Бер-дак номидаги давлат мусикали драма те-атри, филармония, санъат музейи ва б. музейлар, 5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, марказий стадион, 57 спорт зали, ботаника боғи мавжуд.

Н. Ўзбекистоннинг ёш ва қуркам шаҳарларидан бири. Шаҳар 1936 йилги бош план асосида қурила бошлаган эди. 1965 й. янги бош плани бўйича (меъмор А. М. Эркабоев ва муҳандис Т. З. Зиёев) Н. кўкаламзорлаштирилган тўғри тўртбурчакли даҳаларга бўлинган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига кўшаётган муносиб ҳиссаси ва шаҳарнинг 70 йиллиги муносабати б-н Н. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланди (2003 й. 11 сент.).

**НУКУС ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**, Ажиниёз Кўсибой ўғли номидаги Нукус давлат педагогика институти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1943 й. Қорақалпоғистон давлат ўқитувчилар ин-ти (1934) негизда Қорақал-поғистон пед. ин-ти номи б-н ташкил этилган. Дастлаб Тўрткўл ва Чимбойда бўлган. 1945 й.дан Нукус ш.да. 1976 й. ин-т Қорақалпоғистон университетига айлантирилганлиги муносабати б-н у тугатилди. 1990 й. хоз. номи б-н қай-

та ташкил этилди. 1993 й.дан Қорақалпоқ шоири Ажиниёз Кўсибой ўғли номи б-н аталган. Институтда 11 ф-т (қорақалпоқ тили ва адабиёти; табиатшунослик; филол.; рус-инглиз филол.си; мусика, тасвирий санъат ва чизмачилик; тарих-геоф.; мат.-информатика; бошланғич таълим методи-қаси;мактабгачатарбия; муҳандислик-пед.; жисмоний тарбия), сиртки, махсус сиртки ва магистратура бўлимлари, 35 кафедра, 38 кабинет, 13 лаб., 3 лингафон кабинети, 215 компьютер синфи, кичик босмахона,7 интернет тармоғи, 2 электрон кутубхона, замонавий 2 спорт зали, «Ту-рон» стадиони, 3 кутубхона, 4 кироатхона, 4 устахона, ўқув тажриба хўжаликлари, соғломлаштириш лагери, «Тўмарис» ва «Зиуар» ансамбллари бор. Кундузги бўлимда 20, сиртки бўлимда 10, махсус сиртки бўлимда 5 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 3 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. 1993 й.дан аспирантура мавжуд. 2002/03 ўқув йили ин-тда 4906 талаба таълим олди, 431 ўқитувчи, жумладан, 1 Ўзбекистон ФАнинг академиги, 17 фан д-ри ва проф., 111 фан номзоди ва доцент ишлади. Турли йўналишларда и.т. ишлари олиб борилади. Хорижий давлатлар ва МДХ мамлакатларининг олий таълим муассасалари б-н илмий-педагогик ҳамкорлик қилади. Ташкил бўлгандан бери ин-т 20 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади (2003).

## НУКУС ТУМАНИ —

Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1968 й. 25 дек.да ташкил этилган. Ғарбда Хўжай-ли, шим.-ғарбда Амударё орқали Қанликўл тумани, шарқда Қораўзак, шим.-шарқда Кегейли, шимолда Бўзатов ту-манлари, жан.-шарқда Амударё тумани б-н чегарадош. Майд. 1,0 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 43,5 минг киши (2001). Туманда 1 ша-ҳарча (Оқманғит), 6 овул фуқаролари йиғини (Арбаши, Бақаншақли, Кердер, Саманбай, Тақиркўл, Қиронтов) бор. Маркази — Оқманғит шаҳарчаси.

Табиати. Туман худуди Қорақалпоғистоннинг марказида, қуйи Амударёнинг шарқий соҳилидаги пасттекисликда жойлашган. Рельефи, асосан, пастбаланд текисликлар, ғарбий қисми Амударё ботиғи, шарқий қисми кум дўнғлари ва қатор кум тепаларидан иборат. Бал. 100 м. Шим. ва жан.-ғарбий қисмида ер усти Амударё оқизиб келтирган унудор аллювиал ва эол ётки-цикларида тузилган. Асосан, ботқоқ, ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи-тақир, Амударё бўйларида эса сур-кўнғир ва ўтлоқи-чўл тупроқлар тарқалган. Бу ерларда дехқончилик ва ўрмон хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд. Туманнинг жан. қисми геологик жиҳатдан Султон Увайс тоғининг давоми ҳисобланади. Лекин, рельефида унинг тоғли хусусияти яхши сақланмаган. Баланд тепаликлар Амударё бўйидаги кичик аллювиал пасттекисликлар б-н алмашиб боради. Тепаликларнингэн! баланд жойи 149 м (Бештўбе). Ланд-шафт жиҳатидан туманнинг бу қисми Қорақалпоғистон Қизилқуминингдавомидир.

Туман худудида сўғориш каналлари, зовурлар (коллекторлар), турли хил катгаликдаги кўтармалар бор. Қурилиш материалларидан тош, шағал, қум ва гил куп. Тумандаги Назархон кўли, Сапоқкўл на б. бир неча кичик кўллар хўжалик ахами-ятига эга. Назархон, Чўртонбой, Саманбой ўрмон хўжаликлари мавжуд (6,5 м<sup>2</sup> га). Турангил дарахти ёғочи мебель тайёрлашда ишлатилади. Туман қудудида табиий комплексни қайта тиклаш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар қилинмоқда.

Ёввойи ўсимликлардан кўпроқоқсақсовул ўсади. Амударё қайирларида туран-ғил, терак, юлғун, жийда, буғдойик, ажрик, қорабароқ, чий, қамиш, кўға тўқайлари бор. Қирларда оқ шувок, шўралар ўсади. Қамишзор ва тўқайларла қобон, чиябўри, куён, ондатра, бўрсик, қушлардан қирговул, ўрдак, чағалай, қаптар, қўтон, бир қозон, қорабузов (баклан), мўйловли читтак, инуя, дехқ-

ончумчук, оқ қанотли қизилиштон, попушак, зарғалдоқ, тентакқуш ва б. бор. Судралувчилардан тошбақа, калтакесаклар, каламуш, сичкон ва б. кемирувчилар кўп. Амударё ва кўлларда сазан, бакра, лакқа, чўртган, оқ амур ва б. баликлар сероб. Иклими кескин континента. Қишда т-ра кескин пасайиб кетади. Йиллик ўртача т-ра 11°, янв.да ўртача т-ра —6,9°, июнда 27°, энг паст т-ра —32'. энг юкори т-ра 46°. Вегетация даври 226 кун. Йиллик ёғин 92 мм. Ёғиннинг 45% г баҳорда, 27% қишда тушади. Асосий суп тармоғи — Амударё, Бўзатов каналлари Туман худудидан Қизкетган канали ҳам оқиб ўтади.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар (60,8%), шунигдек, қozoқ (30%), ўзбек (8,7%), рус, туркман, корейс, татар ва б. миллат вакиллари (0,5%) кам яшайди. 1 км2 га 43,5 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 8,3 минг киши (19,1%), кишлок аҳолиси 35,2 минг киши (80%) (2001).

Хўжалиги. Саноати аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат. Қ.х. Нукус ш. аҳолисини қ.х. маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. Қ.х. нинг барча тармоқлари ривожланган бўлиб, уларнинг асосий йўналиши мевачилик, токчилик, полиз ва сабзавотчилик, гўшт ва сут чорвачилиги, паррандачилик, шоликорлик, ғаллачилик ва пахтачиликдан иборат. Туманда бир қанча қўшма корхона (шу жумладан, Исроил-Ўзбе-кистон иссиқхонаси), бошқа саноат корхоналари, кичик, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари мав-жуд. Қ.х. нинг етакчи тармоқлари — ғаллачилик ва пахтачилик. Картошка ва беда ҳам экилади. Тутзор, пичанзор ва яйловлар бор (2003). Туман ширкат ва шахсий хўжаликларидан 13,3 минг қорамол, 7,6 минг қўй ва эчки, 800 от, шунигдек, парранда боқилади.

Асфальтланган автомобиль йўллари нинг уз. 100 км. Нукус—Халқобод— Чим-бой — Тахтақўпир, Нукус — Оқманғит — Қозонкетган

— Қозондарё, Нукус — Хўжайли — Кўнғирот — Мўйнок йўналишларда мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган. Туман худудидан т.й. ўтган. Умумий таълим мактаблари, лицейлар, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатади. 2 касалхона ва б. тиббий муассасалари мав-жуд. Н.т.да «Орол», «Алпомиш», «Умид» дам олиш масканлари бор.

**НУКУС - ТОШХОВУЗ АВТОМАГИСТРАЛИ** — Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон худудидан ўтган халқ-аро аҳамиятли йўл. 1950—53 й.ларда қурилган. Умумий уз. 152 км. Н.—Т. а. Нукус, Тахиятош, Хўжайли, Кўхна Урганч ва Тошховуз ш.ларини ўзаро боғлаб, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги иктисодий ало-қаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Йўлнинг республика ми-з худудидан қисми асфальтбетон бўлиб, уз. 36 км, транспорт харакатининг ўртача суткалик қатнов жадалиги 3096 автомобильга тенг (2002).

**НУКУС - ҒУЗОР АВТОМАГИСТРАЛИ** — Ўзбекистон Республикасидаги халқаро аҳамиятли автомобиль йўли. 1956—70 й.ларда қурилган. Газлидаги газ конининг очилиши ва Бухоро — Урал газ қувурининг қурилиши учун зарурий юкларни етказиб бериш, Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган туманларни иктисодий ривожлантириш мақсадида қурилган. Йўл Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси худудидан ўтган, Нукус, Беруний, Тўрткўл, Газли, Қарши ва Ғузор ш.ларини ўзаро боғлайди. Н.—Ғ. а. орқали қўшни Турк-менистондан мамлакатимизга кириб келаётган барча халқаро транзит юклар ҳам ташилади. Бугунги кунда Европа мамлакатлари чиқадиган «Астрахон — Оқтўба» автомагистрალიга боғланиш учун йўлнинг Манғишлоқ вилоятига олиб чикувчи 407 км узунликдаги қисми замонавий андозалар талабида



таъмирланмоқда.

Йўлнинг умумий уз. 770 км. Шундан 408 км асфальтбетон, 362 км қора қрплагани. Йўлдаги транспорт ҳаракатининг ўртача суткалик катнов жадаллиги Нукусда 1670, Хоразмда 1944, Бухорода 6289, Қашқадарёда 4945 авто-мобилга тенг (2002).

**НУЛЛИФИКАЦИЯ** (лот. nullificatio -йўқотиш) — бирор ҳужжатни юридик қучдан, қонунийликдан маҳрум этиш. Қимматли қоғозларга ва пул белгиларига нисбатан Н. уларнинг давлат томонидан бекор қилинишини билдиради. Баъзан амалда девальвациям тўғри келади.

**НУЛЬ** (лот. nullus — ҳеч нарса), ноль — 1) мусбат сонлар б-н манфий сонлар чегарасидаги сон. Асосий хоссалари: а)  $a+0=a$ ; б)  $a-0=0$ ; в) икки соннинг кўпайтмаси Н.га тенг бўлиши учун кўпайтувчилардан камида биттаси Н.га тенг бўлиши зарур; 2) ўнли санок системасида ёзилган соннинг бирор хонасида бириқлар олинмаган-ини кўрсатувчи ракам; 3) физикада бирор асбоб шкаласининг бўлимлари бошланадиган нуқта.

**НУМЕА** — Янги Каледония (Франция мулки)нинг маъмурий маркази ва энг катта шаҳри. Янги Каледония о.нинг жан.-шарқий соҳилидаги порт. Никель, хромит ва кобальт эритиш з-длари бор. Н. порти орқали четга никель, темир рудалари, копра чиқарилади.

**НУМИДИЯ** (лот. Numidia) - Шим. Африкадаги қад. вилоят (ҳоз. Жазоирнинг шарқий қисми). Аҳолисини нумидийлар ташкил этган. Мил. ав. 201 й. Н.нинг бутун худуди ягона Масиниссой подшоҳлигига бирлаштирилган. Мил. ав. 46 й. Римнинг Н. Африка провинциясига айлантилган. Мил. 429/430 й. — вандаллар, 533 й.— византияликлар, 7-а да — араблар томонидан босиб олинган.

**НУМИЖКАТ** — қадимда Бухорога

яқин, лекин ундан алоҳида бир шаҳар бўлиб, сўнг бу икки шаҳар бир-бирига қўшилиб кетган. Шунинг учун Бухоро гоҳо «Н.» деб ҳам аталган. (яна қ. Бухоро)

**НУМИЗМАТИКА** (лот. numisma — тан-га) — тангалар ҳақидаги фан; тангаларнинг тасвирлари, езувлари, оғирлиги, қандай металлдан ясалганлиги, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганати. Н. хронология, моддий маданият, ички ва ташқи савдо тарихи масалаларини текширишга имкон беради, тарих, археология, палеография, санъат тарихи, иқтисод, этнография фанлари учун катта аҳамиятга эга. Н. тушунчасига яна қоғоз пулларни ўрганиш (бонистика) ва медаль, жетон, орден ҳамда нишонларни ўрганиш (фалеристика) ҳам ки-ради. Металл пуллар пайдо бўлгунга қадар пул вазифасини ҳар хил товарлар: ҳайвонлар, тақинчоқлар, металл қуроллар ва қуймалар бажарган. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши, савдонинг ўсиши пулга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Фақат давлат бошқарлигига танга чиқариш ҳуқуқига эга бўлган. Биринча металл тангалар мил. ав. 7-а.да Кичик Осиёнинг Лидия давлатида зарб қилинган.

Ўрта Осиёда биринчи тангалар (қумушдан) мил. ав. 3-а.да чиқарилган. Унинг юза қисми (аверси)га подшонинг сурати, орқа томони (реверси)га эса ҳар хил худолар, муқаддас ҳайвонлар тасвири солинган ёки подшоҳларнинг номи ёзилиб, тамғаси туширилган.

Н. нумизматик коллекциядан фарқ қилади. Тангаларни коллекция қилиш 14—15-а.ларда Италияда пайдо бўлган. Илмий Н. фани 18-а.нинг 2-ярмида веналик Й. Х. Эккель томонидан асосланган.

Н. шартли равишда Антик давр, Византия, Шарқ (Осиё ва Африка мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиё, Кавказ, Қрим, Волга бўйида ўрта асрларда чиқарилган тангаларни ўз ичига олади), Ғарб (Ғарбий Европа ҳамда АҚШ, Канада ва Лотин Америкасида чиқарилган

тангалар) ва рус Н.сига бўлинади.

Шарқ Н.сига Х. Д. Френ асос солган. Ўрта Осиё давлатлари тангаларини ўрганишда рус олимлари П. С. Савельев, В. Т. Тизенгаузен, Е. А. Давидович, О. Н. Смирнова, Ўзбекистонлик олимлардан М. Е. Массой, Ш. Р. Пидаев, Э. В. Ртвеладзе, Т. С. Ерназарова, Е. В. Зеймаль, Б. Д. Кочнев, А. А. Мусакаева, И. Т. Тўхтиев ва б.нинг хиссаси катта.

Ад.: Смирнова О. И., Каталог монет с городища Пенджикент, М., 1963; Давидович Е. А., История монетного дела Средней Азии XVII—XVIII вв., Душанбе, 1964; Ерназарова Т. С, Денежное обращение Самарканда по археолого-нумизматическим данным (до нач. IX в.). в сб. «Афресиаб» . вып. 3., Т., 1974; Ртвеладзе Э. В., Пидаев Ш. Р., Каталог древних монет Южного Узбекистана, Т., 1981; Нумизматика Узбекистана, Т., 1990.

**НУНАВУТ** — Канададаги маъмурий кудуд. Мамлакатнинг шим.-шарқий қисми ва атрофдаги оролларни ўз ичига олади. Майд. 2,0 млн.км<sup>2</sup>. Маъмурий маркази — Икалуит ш. Аҳолиси 28,1 минг киши (2002).

Н. 1999 й. 1 апр.да Шим.-Ғарбий худудларнинг бир қисмидан ажратиб олинган ерлардан ташкил этилган. Н. майдони Канада худудининг 25% ни ташкил қилади. Худуднинг 85% аҳолией Арктиканинг туб ахрлиси — кана-далик эскимослар, яъни инуитлардан иборат. Уларнинг тилида «нунавут» — «бизнинг ер» деган маънони англатади.

Фойдали қазилма, шу жумладан, разведка қилинмаган конларга бой. Материк саёзлигида нефть ва табиий газ конлари, Баффин Ерида полиметалл рудалар, мис-никель ва темир рудалари, нодир ер элементлари ва х.к. бор. Бирок транспорт алоқаси яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли улардан тўлиқ фойдаланилмайди. Хўжалигида етакчи тармоқ — кончилик, куруклик ва денгиз ҳайвонларини овлаш; қисман балиқ ҳам овланади. Озиқ-овқат (хусусан, консерва қилиш) саноати кор-

хоналари мавжуд. Хунармандчиликда тош ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, графика ривожланган, анъанавий эс-далик буюмлари тайёрланади. Туризм ривожланганлиги сабабли аҳолининг кўп қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Н.да 28 турар жой (қишлоқ) бор. Факат Икалуит (аввалги Фробишер-Бей) шаҳар мақомига эга.

**НУР** (математикада) — қ. Ярим тўғри чизиқ.

**НУР** — (физикада) ёруғлик манбаидан ингичка тола тарзида таркала-диган ёғду; тўлқинли жараён (Мас, ёруғлик, товуш, электрон тарқалиши) да тўлқин фронтда тарқалаётган энергия оқими; геометрик оптикада нурланиш энергияси, геометрик акусти-када товуш энергияси тарқалади, деб қараладиган чизик. Бир жинсли мухитда тўғри чизик холида, оптик хоссалари ўзгарувчан мухитда эса эгри чизик холида тарқалади.

**НУР БИЛАН ДАВОЛАШ**, нуртерапияси — ионловчи нурлар (альфа, бета, нейтрон, электрон, протон зарралар ҳамда рентген ва гамма нурлар)дан даво мақсадида фойдаланиш; ҳар хил ўсмалар ва баъзи яллиғланиш жараёнларини даволашда кенг қўлланади.

Н. б-н д. ионловчи нурларнинг биологик таъсир кўрсатишига асосланган. Бунда нурлар тўқималар б-н ўзаро таъсирлашиб, уларда ионланиш ҳамда мураккаб физик-кимёвий ва биокимёвий жараёнларни юзага келтириб, нурлантирилган тўқималарнинг ҳаёт фаолиятини издан чиқаради. Ионловчи нурлар хавфли ўсма тўқималарига соғ тўқималарга қараганда кўпроқ таъсир қилади; ўсмаларни Н. б-н д.да унинг ана шу хусусияти назарда тутилади. Н. б-н д. мустақил ёки даво усуллари б-н бирга олиб борилади. Н. б-н д. хирургик даво усуллари б-н бирга олиб бориладиган бўлса, нур операциядан олдин ёки кейин берилади. Ҳоз. кўпчилик мамлакатларда онкологик беморларнинг

70% и нур б-н даволанади. Ўсмаларга нур берилганда аввал хужайралар бўлиниши ва кўпайиши секинлашади, кейин тўлиқ тўхтади. Лекин ўсма хужайраларининг бир қисми доимо тирик қолади. Бу жуда хавфли, чунки уларнинг бир қисми — рецидив (қайталанган) ўсмага, бошқаси — метастаз (иккиламчи) ўсмага айланади. Хужайраларнинг омон қолиши, атроф муҳитнинг турли омиллари таъсирида пайдо қилинган зарарларни бартараф қиладиган (репарацияловчи) ферментли система б-н таъминланганидадир. Бу система яхши ишласа, шикастланган хужайранинг фаолияти тўлиқ, тикланади. Ҳар бир хужайранинг умрида нурга нисба-тан юқори ва паст сезгирлик даври бўлади. Агар ионловчи нур хужайранинг юқори сезгирлик пайтида таъсир этса, у қаттиқ шикастланади, сезгирлик паст вақтида бўлса, фаолияти унча ўзгармайди. Кўпгина тадқиқотларда кўрсатилишича, ўсма хужайрасининг нур б-н зарарланиш даражаси ундаги кислород миқдорига боғлиқ: кислород кўп бўлса, нур таъсири кучли, кам бўлса, аксинча. Шунинг учун кислородга бой ўсма хужайралари нобуд бўлади, сийрак бўлса, омон қолади.

Клиник амалиётда Н. б-н д. режаси ўсма пайдо бўлган нормал тўқиманинг нурга сезгирлигига ва ўсма хужайраларининг морфологик етуқлиги даражасига асосланади: лимфоид тўқимадан ўсиб чиққан саркомалар бириктирувчи тўқима ўсмаларига нисбатан нурга ўта таъсирчан, ҳазм йўли ўсмалари — нурга чидамли.

Ўсмаларни Н. б-н д.да, асосан, икки нур манбаи: зарядланган зарралар тезлаткичлари (рентген асбоблар, циклик ва чизикли тезлаткичлар) ва сунъий радиоактив моддалар (гамма-мосламалар, радиоактив моддалар)дан фойдаланилади. Н. б-н д.нинг организмга ташқи (ди-станцион ва контакт усуллар) ва ичидан нур таъсир эттириш (нур чиқарувчи манба бемор организмга киритилади) йўли б-н амалга оширилади. Амалиётда

кўпроқ ташқи нурлаш қўлланилади.

Ўсмаларни Н. б-н д.да уларни тўлиқ емириш учун ионловчи нурларнинг катта дозасини қўллашга тўғри келади: бунда нур реакциялари (нурга нисбатан организмнинг маҳаллий ва умумий реакциялари) кузатилади, бунда дарҳол врачга муурожаат қилиш зарур. Н. б-н д.нинг самарали бўлиши беморнинг врач кўрсатмаларига риоя қилишига боғлиқ.

Наримон Муродхўжаев.

**НУР БИЛАН ИСИТИШ** - хоналар асосан иссиқлик нурланиши ва баъзан конвекция орқали иситиладиган иситиш тури. Бунда иситиш асбоблари хона шипига, полга, деворларга ўрнатилади. Шу асбоблардан тарқаладиган иссиқлик нури оқими (кўзга кўринмайдиган нурлар) хонани, шу жумладан, хонадаги кишиларни иситади. Н. б-н и.да иссиқлик элтгич (ташувчи) сифатида иссиқ сув, буғ, қайноқ сув, электр энергияси ишлатилади. Иситиш асбоблари, кабель (электр б-н иситишда) шип, девор ёки пол ичига жойлаштирилади. Хонадаги кишилар ўзини яхши ҳис қилиши учун шип, девор ёки пол т-раси 25° дан ошмаслиги лозим. Езда Н. б-н и. тизимдан хоналарни сал-қин қилишда ҳам фойдаланилади. Бунингучун иситиш асбоблари орқали совуқ сув қайдалади.

**НУР КАСАЛЛИГИ** - ионловчи нурларнинг организмга таъсир этишида юзага келадиган касаллик (қ. Ионланиш). Н.к. бутун гавда ёки унинг қаттагина қисми ташқаридан нурланганда, шунингдек, организмга нафас, меъда — ичак йўли ва тери орқали радиоактив моддалар кириши натижасида у ичка-ридан нурланганда, аксарият нурланиш нормал микдордан ортганда рўй беради. Ионловчи нурларнинг қисқа вақт (бир неча минут, соат) таъсир этиши натижасида пайдо бўладиган ўткир ва камрок дозадаги нур узок, вақт (бир неча ой ва йиллар) таъсир этганда юзага келадиган сурункали Н.к. фаркқилинади. Бунда, асосан, кон

яратувчи аъзолар, нерв системаси, меъда-ичак йўли ва б. аъзолар зарарланади. Ионловчи нурлар ишлатилганда махсус химоя материаллар ва кимёвий препаратлар қўллангани учун нур касаллиги, асосан, ядро куроли портлаганда ёки ядро реактори ва радиоизотоп аппаратлар аварияси натижасида вужудга келади. Организмнинг шикастланиш даражаси (енгил, ўртача, оғир ва жуда оғир), асосан, нур дозасига, шунингдек, организмнинг нурни индивидуал сезувчан-лигига боғлиқ. Н.к.нинг ўткир, ўртача ўткир ва сурункали хили фарқ қилинади. Қисқа вақт ичида катта дозада нур таъсир этганда, Мас, атом ва термоядро куруллари портлаганда ўткир Н.к. кузатилади. Одатда, камроқ дозадаги нур узок таъсир этганда ўртача ўткир ва сурункали Н.к. рўй беради. Касалликнинг бир шакллари организмга радиация таъсир этгач, ойлар ва йиллар ўтгандан кейин пайдо бўлиши б-н ўткир Н.к.дан фарқ қилади.

**НУР ОПТИКАСИ** — ёруғлик нури-нинг тарқалиш, чегара сиртдан қайтиш ва синиш қонуниятларини ўрганувчи оптика бўлими (қ. Геометрик оптика).

**НУР САИДБЕК** (? -1467) - темурийлардан Улуғбек ва Абу Сайд мирзоларнинг нуфузли амирларидан бири. Амир Темур, Шохрух ва Улуғбекнинг амирларидан бўлган Шохмаликнинг ўғли, машхур тарихчи, «Шайбонийнома» асари муаллифи Муҳаммад Солихнинг отаси. Билқут қабиласидан. Дастлаб, Н. С. Улуғбек хизматида бўлиб, унинг ўли-мидан сўнг (1449), бошқа чиғатой беклари қатори падаркуш Абдулла-тифга, сўнгра темурийларнинг янги хукмдори Абу Саидга (1451—60 й.ларда хукм-ронлик қилган) бўйсунидан бош тортган. Н.С. Бухоронинг Нур қишлоғи яқинидаги тоғларни маскан тутиб, Самарқанд ва Бухоро агрофларига чоп-қунлар қилиб турган. Уни муро-сага келтириш учун Абу Сайд бир неча марта ўз вакилларини, жумладан Хожа

Ахрорни юборган. Бироқ Н. С. уларга бўйсу-нишдан воз кечгач, Самарқанд қўшинлари уни Нурдан қувиб юборган. Н. С. киска фурсатдан сўнг Абу Сайд хузу-рига бош эгиб келгач, афв қилиниб, туманбоши этиб тайинланган. 1460 й. Н. С. қўшини Хоразм орқали Хуросонга бостириб кирган Хусайн Бойқарога қарши юборилган. Бироқ Сабзавор йўлида у Мовароуннахрга қайтиб, Шохрухия яқинида Абу Саидга қарши исён кўтарган Муҳаммад Жўгий (Улуғбекнинг набираси) б-н қўшилган. Му-хаммад Жўгий кўчманчилар ёрдамида Туркистон, Сайрам, Тошкент ва Шох-рухияни эгаллаб олган эди. 1462 й. гача Н. С. унинг хизматида бўлган. Абу Сайд фақат Хўжа Ахрорнинг ёрдамидагина Шохрухияни эгаллаб (1462 й. 5 окт.), исённи бостирган. Афв этилган амир Н. С. Хоразм ҳокими (волииси) этиб тайинланган. Хусайн Бойқаро Дашти Қипчоқдан Хоразмга бостириб кирганда Н. С. вилоятни мудофаа этишда кўп хатоликларга йўл қўйган. Натижада тахтдан туширилиб, Хиротга чақиртирилган ва қатл этилган. Муҳаммад Со-лихнинг сўзига кўра эса Н. С. бирмунча пайт Марвда яшаган ва Хусайн Бой-қаро фармонига кўра шу ерда қатл қилинган.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т. II (2), М., 1964; Ахмедов Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XIV—XVIII вв. Письменные памятники, Т., 1985.

**НУР ТЕЗЛИГИ** (астрономияда) — осмон жисми (Мас, юлдуз) фазовий тезлигининг кузатувчидан шу жисмга ўтказилган тўғри чизикка, яъни кўриш нури йўналишига проекцияси. Доплер эффекти бўйича аниқланади. Унга кўра, ёруғлик манбаи кузатувчидан узокда-шаётган бўлса, нурланишнинг тўлқин узунлиги узаяди, яқинлашаётган бўлса, кискаради. Н. т.ни аниқлаш учун осмон ёритқичидаги нурланиш (ёки ютилиш) тўлқин узунлиги спектри б-н кўзгалмас ёруғлик манбаи тўлқин узунлиги спек-

трининг ўзаро фарқи расмга олинади ва уларни бир-бирига таққосланади. Шу усулда неча минг юлдузнинг Н.т. аниқланган. Кўпчилик юлдузларнинг Н.т. неча ўн км/с, баъзилариники бир неча минг км/с.

**НУРА**, Керегетас, Қарашўки, Байғўжа — Қозоғистон Республикасининг Қарағанда ва Оқмўла вилоятларидаги даре. Қарқарали тоғлари этагидан бошланади ва шим., шимоли-ғарбга оқиб бориб Тенгиз кўлига қуйилади. Уз. 978 км, ҳавзасининг майд. 60,8 минг км<sup>2</sup>. Тўлиб оққан даврларда Н.нинг анчагина суви Мухор тармоғи орқали Ишим дарёсига қуйилади. Ўртача йиллик сув сарфи қуйилиш жойидан 369 км да 19,5 м<sup>3</sup>/сек. Асосан, қор сувларидан тўйинади. Бир ойча (асосан, апрель ойида) тўлиб-тошиб, қолган вақтларда эса жилдираб оқади. Нояб. да музлаб апр.да муздан бўшайди. Н. Қарағанда ва Темиртовни сув б-н таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Н.да сув омборлари қурилган.

**НУРАЛИ ҚИЗИҚ** Нурмат ўғли, Лайзонгул (1882— Кўкон —1969) — халқ қизиқчиси, аскиячи, найрангбоз, эртақчи. Тошкентлик Ориф найранг, қашқарлик Исмоил Ҳожидан найранг ва чиннилар (лаган, тақсимчалар ва б.) б-н томоша кўрсатишни ўрганган. 1909—14 й.ларда Юсуфжон қизиқ б-н аския ва қизиқчиликда тортишган. Асосан, томошаларни якка ўзи кўрсатган. Репертуаридан кулки-хикоялар, лоф, нақд ва латифалар ўрин олган. Н.қ.нинг иплар ердамида ҳаракатга келтирувчи Лайзонгул деган кўғирчоғи бўлиб, уни таърифлаб қўшиқ айтган. «Лайзонгул» лақаби шундан. Ўрта Осиё ва Қозоғис-тоннинг кўпгина шаҳарларида томошалар кўрсатган, хикоялари, таърифларини ўзбек, козок, тожик, уйғур тилларида олиб борган. Асосан, Фарғона водийси ва Тошкентда ижод этган. Н.қ. тилидан ўнлаб қизиқчилик ва эртақлар ёзиб олинган, шундан бир қисми 1990 й.да «Луқмони

Ҳаким» номи б-н нашр қилинди.

## **НУРАЛИЕВ**

Акрамжон Ҳожикўзиевич (1948.5.6, Андижон тумани) — Ўзбе-кистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Андижон пед. ин-тини тугатган (1975). 1967 й.дан Андижон туманидаги 28-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси, 2001 й.дан 52-мактаб ди-ректору. Мактабда фан кабинетларини ташкил этиш ва уларни замонавий ўқув куроллари б-н жиҳозлашда алоҳида ўрнак кўрсатди.

**НУРАЛИЕВ** Олтинбек Нуралиевич (1912.28.4, Қозоғистон Республикаси Қизилўрда вилояти Туманариқ қиш-лоғи — 2002.19.8, Тошкент) — пахтани қайта ишлаш соҳасидаги олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника ар-боби (1972). Тошкент тўки-мачилик ин-тини тугатган (1938). Самарқанд ва Хоразм вилоятидаги пахта тайёрлаш трестларида бош муҳандис (1938—45), Ўзбекистон Енгил саноат вазирлиги пахта бош бошқармаси бош-лиғи (1945—46), СССР Енгил саноат вазирлиги Пахта тозалаш саноати Мар-казий и.т. ин-ти директори (1946—74), лаб. мудири ва катта илмий ходим (1974—94), айна пайтда Ўзбекистон пахтачилик вазири ўринбосари (1953— 54), «Хлопковая промышленность» («Пахта саноати») жур. бош муҳаррири (1954—74). Н.нинг илмий асарлари ва ихтиролари пахта-ни, айниқса, машина терими пахтасини қайта ишлашнинг янги техника ва илғор технологиясини яратиш (Нуралиев пахта куритгичи, парракли куритгич, ОВП ва ЗОВП тола тозалагичлар, панжарали ар-рали ЧХ-3 пахта тозалагич ва б.), пахта тозалаш саноати учун янги техника ва технологияни жорий этиш ма-салаларига бағишланган. «Шухрат» медали б-н му-кофотланган (1994). Н

**НУРАЛИЕВ** Ўринбой (1942.25.9, Наманган вилояти Бешкапа қишлоғи) — актёр, хонанда, реж. Ўзбекистон халқ ар-

тисти (1991). Андижон педагогика ин-ти (1970), Тошкент театр ва рассомлик санъат ин-тини (1979) тугатган. Наманган театрида (1958—60, 1977—91), Андижон театрида (1961—77) актёр. 1991—92 й.лар Наманган театри, 1992 й.дан Маданият бошқармасига қарашли Халқ ижоди уйи (Наманган) директори. Н. Фарҳод, Мажнун (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»), Хайдар (К. Яшин, «Нурхон»), Навоий (Уйғун, И. Султон, «Навоий»), Ибн Сино, Умар Хайём (А. Шаломоев, «Ибн Сино», «Умар Хайём»), Зокирхўжа (Т. Малик, «Сўнгги ўк») каби миллий драматургия асарларида яратган образлари б-н ўзбек театри тарихидан муносиб ўрин олди. Унинг ижоди кучли драматизми, сахна ҳаракатларининг аниқлиги, образларидаги кўтаринкилик, жўшқинлик, соддалик, олижаноблиги б-н ажралиб туради. Н. хонанда сифатида «Онагинам», «Сўрамайсиз», «Сиз яхши одамлар», «Кўча боғи-2», «Баёт-2», «Қуёш» каби кўшиқлари б-н танилган. Реж. сифатида «Чимилдик» (Э. Хушвақтов) каби спектакллари сақналаштирган.

**НУРАЛИЕВ** Ҳайдарали (1944.10.12, Тошкент) — наққош, Ўзбекистон халқ устаси (1998). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1969). 1969—78 й.ларда Тошкентдаги «Сувенир» ф-касида наққош, бош уста лавозимида ишлади. 1978 й.дан «Усто» бирлашмасида наққош уста. Кўп йиллар давомида устози Ҳаким Жалолов гуруҳи б-н Ўзбекистоннинг кўплаб маданий, маъмурий бинолари шифт ва деворлариға куркам безаклар ишлашда маҳорат кўрсатди. Айниқса, «ислимий» нақшлар ишлашда ютуқларға эришди. Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис биноси интерьерлари ва б. га ишлаган нақшлари наққошлик санъати намуналари ҳисобланади.

**НУРАЛИЕВА** Муҳаббат (1954.10.5, Сарийосиё тумани) — Ўзбекистон Ре-

спубликаси халқ ўқитувчиси (1995). Душанба пед. ин-тини тугатган (1977). 1973 й.дан Денов туманидаги 41-мактабда, 1976 й.дан 42-мактабда мат. фани ўқитувчиси.

**НУРАЛИХОН** (18-а.) - Хива хони (1741—47). Абулхайрхон ўғли. Хиваликлар Эрон шоҳи Нодиршоҳ ноибига қарши кўзғолон кўтардилар, унда Н. катта роль ўйнайди. Кўзғолончилар Хивани қамал қилиб уни эгаллайдилар. Хива ноибни ўлдириб, унинг қўшини қириб ташланган. Тахтга Н. ўтиради. Бундан хабар топган Нодиршоҳ Марвдаги ўғли Насрулло мирзога хат юбориб, унга Хоразмга бориб, Эрон ҳукмронлигини қайта тиклашни буюрган. Н.ни тахтга кўтаришга ёрдам берган Хива амалдорлари Марвга, Насрулло мирзо олдига келиб тавба қиладилар. Хиваликлар илтимосига кўра, Нодиршоҳ Элбарсхоннинг Хуросонда турган ўғли Абу Муҳаммадни Хивага хон қилиб тайинлайди. Насрулло мирзо отасининг буйруғига кўра, ороликлар ва хиваликлардан ёрдамчи лашкар тўплаб, унинг ҳузурига юборади, туркманлар ва ёвмуларни эса Хоразмдан Хуросонга кўчиртириб юборади. Н. даштга қочиб кетган. 1746 й. эронликлар Н. ни Хива тахтига ўтиришга яна таклиф қилганлар, бироқ Н. бу таклифда бирор най-ранг бўлса керак деб хавотирланиб Хивага бормаган. Н.га душман қозоқ султони Ботирнинг ўғли Ғойиб Хива тахтига ўтказилган.

**НУРАШ** — атмосферанинг физик-кимёвий, ер ости ва ер усти сувлари ҳамда организмларнинг таъсирида ер юзидаги тоғ жинслари ва минералларнинг бузилиш ва емирилиш жараёни. Н.нинг физик, кимёвий ва органик турлари маълум. Содир бўлиш муҳитига кўра, атмосфера ва сув ости Н. фарқланади. Физик Н. т-ранинг кескин ўзгариб туриши ва тоғ жинсларининг қуёш нуридан ҳар хил кизиши сабабли катта-кичик бўлақларға бўлинишидир. Бунда нураган тоғ жин-

сини ташкил этувчи минералларнинг кимёвий тар-киби деярли ўзгармайди. Тоғ жинсларида кўплаб ёриқларнинг бўлиши ва сувнинг музлаб қолиши физик Н.ни тезлаштиради. Сув музлаганда ҳажми кенгайиб, ёриқ деворларининг 1 см<sup>2</sup> юзасига таъсир этган кучи 870 кг га етади. Бундай Н. яланг тоғ жинсларида, баланд тоғларда йилнинг ҳамма фаслида содир бўлади. Натижада чақик жинслар уюми ҳосил бўлади. Емирилган жинслар заррачаларининг катталиги 0,01 мм гача етиши мумкин.

Кимёвий Н.да тоғ жинсларининг кимёвий таркиби ўзгариб ер юзасида барқарор минераллар ҳосил бўлади. Тоғ жинслари ёриқларидаги эркин кислород, карбонат, сульфат ва органик кислоталарга бой бўлган сув оксидланиш ва қайтарилиш редукцияларига сабаб бўлади. Кимёвий Н. натижасида турли тоғ жинслари, гиллар ҳосил бўлади.

Органик (биологик) Н. ўсимлик ва организмларнинг тоғ жинсларига таъсири натижасида содир бўлади. Бунда ер юзасидаги ўсимликлар асосий омиллардан ҳисобланади. Ўсимликларнинг илдизи тоғ жинслари орасига ёриб кириб, уларни турли бўлақларга ажратади ва дарзларни кенгайтиради. Чириган илдизлардан кирган сув тоғ жинсларида музлаб, Н. жараёнини тезлаштиради. Ердаги микро-организмлар гил ва лёсс жинслари орасида кўп миқдорда ғовақлар ҳосил қилиб уларни еми-ради. Н. жараёни натижасида турли чўкинди жинслар ва кўпгина фойдали қазилмалар (каолин, охра, ўтга чидамли тупроқлар, кум, темир, алюминий, марганец, никель, кобальт, олтин, платина сочмалари ва б.) ҳосил бўлади.

**НУРАШ КОНЛАРИ** - Ер юзасига яқин тоғ жинсларининг нураш катламида сув, углекислоталар, кислород ҳамда органик ва ноорганик кислоталар (кимёвий нураш) таъсирида парчаланишидан пайдо бўлган фойдали қазилмалар қони. Н.к. аввалги геологик даврларда шаклланган бўлиб, ҳрз. даврда эса чуқурликдан ер

юзасига чиқа-рилган ва янги термодинамик шароитларда барқарор бўлмаган тоғ жинслардан ташкил топган. Нураш жараёнлари натижасида тоғ жинслари мураккаб таркибли силикатлардан сод-дароқ таркибли оксид ва гидроксидларга ўтади. Янги ҳосил бўладиган бирик-малар эриган ҳолда ер ости сувлари б-н кўтарилиб қайтадан чўкинди ҳосил қилади ва инфилтрацион конларни ташкил этади. Бу турдаги конларга уран, мис рудалари, олтингурут конлари қиради. Бошқа қийин эрийдиган бирикмалар ер юзаси яқинида йиғилиб қолдиқ конлар деб аталувчи конларни ташкил этади. Бу гуруҳга силикатли никель рудалари, темир, марганец, боксит, магнезит, каолин конлари мансуб.

**НУРАШ ПЎСТИ** — тоғ жинсларининг нураши натижасида ер юзасида ҳосил бўладиган континентал геологик формация. Ўзгарган нураган жинслар ўз жойида қолса, қолдиқ Н.п., туб жинс б-н алоқаси узилмай қандайдир масофага силжилса кўчирилган Н.п. деб аталади. Баъзи бир геологлар ак-ку мул яти в Н.п. (ювилиб келтирилган гил-тупроқ ва қолдиқ Н.п. ўзгарган нураган жинслари) ни алоҳида ажрата-дилар. Ётиш шаклига кўра, Н.п. майдонли (катта ҳудудларда ҳосил бўла-ди, қалинлиги 10 м гача ва ундан ор-тик) ва чизикли бўлади (бир йўналишда чўзилиб, тоғ жинслари ёриқлари бўйлаб 100—150 м ичкарига кириб боради).

«Н.п.» терминини фанга швейцариялик геолог А. Гейм киритган (1879). Н.п.нинг ҳосил бўлиши жойнинг иклими, тоғ жинсларининг таркиби, гидро-геологик шароити, рельефи, тектоник тузилиши, ҳосил бўлиш вақти ва б. омиллар б-н боғлиқ. Бунда асосий омил иклим ҳисобланади. Ернинг геологик тарихида бир неча марта (токембрий, юқори палеозой, триас-юра, бўр-палеоген, палеоген-тўртламчи давр) катта қалинликда Н.п.нинг шаклланиш даври бўлган. Н.п.нинг ҳосил бўлишида дастлаб ишуррий, кейин нордон муҳит юзага кела-

ди. Ҳар муҳитда ўзига хос минераллар ҳосил бўлади. Натижада Н.п.да пастдан юқорига қараб айрим зоналар (дезинте-фация, дресва, гидрослюдамонтморил-лонит ва каолинит минераллари зонаси) пайдо бўлади. Н.п. зоналарининг ҳосил бўлишида жинсларнинг таркиби катта роль ўйнайди. Мас, ёгин-сочин кўп шаро-итда нордон жинслар нураш натижасида каолинит, гидрослюда, дезинтеграция зо-налари, асосли ва ўта асосли жинслардан эса темир, марганец, баъзан алюминий-нинг сувли, ярим оксидли зонаси ҳосил бўлади. Н.п. б-н алюминий, темир, титан, марганец, стронций, никель, галлуазит, оловга чидамли гил, сочма олмос, олтин, платина, қиммат-баҳо тошларнинг конла-ри боғлиқ. Ўзбе-кистонда Оҳангарон во-дийси, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ён бағирлари ва Марказий Қизилқумда 2 м дан 150 м гача каолин қатламлари ҳосил бўлган.

**НУРИДДИН** (? -1440) - Нўғай Ўрда хони (1426—40). Едигей (Идику)нинг кичик ўғли. Н. отаси сиёсатини давом эт-тирган, Нўғай Ўрданинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида кўп тadbирларни амалга оширган. Унинг исми кейинча-лик мажозий маъно касб этган: Н. — Нўғай Ўрдада валиахд (мамлакат ғарбий қисмининг ҳарбий бошлиғи).

**НУРИДДИН ҒОРИ** - Зарафшон тиз-маси сувайирғич қисмига яқин жой (То-жикистоннинг Суғд вилояти Пан-жакент тумани)даги ғор. 2500 м баландликда. Силур даврига мансуб оҳақтошларда ҳосил бўлган. Оғзи шим.-шарқ томонга очилган, эни 2,5 м, бал. 4 м. Ғорга 5 м кирилгандан сўнг унинг саҳни 40 м гача пасая бориб, шипи эса кўтарилади ва 15 м баландликда ғор торайиб ер юзасига тирқиш шаклида очилади. Ғор саҳ-нида қалинлиги 0,3 м гача бўлган ғор гиллари, унинг шипи ва деворларида калта ста-лакитлар ва кальцит минералидан таш-кил топган қоплама (қалин-лиги 1—3 см) ҳосилалар учрайди.

Н.ғ. Ўрта Осиё шароити учун жуда ноёб ҳисобланади. Чунки, унинг ичида йил бўйи муз ва қор қоплами сақланади. Қор ғорнинг шипидаги тешиқдан туша-ди. Қор сувлари эриб, музга айланади. Қорнинг қалинлиги, тешиқ остида 5 м гача, қор остидаги музнинг қалинлиги 0,5 м дан зиёд. Ғорнинг умумий уз. 49 м, майд. 125 м<sup>2</sup>, ҳажми 1000 м<sup>3</sup> дан зиёд.

**НУРИДДИНОВ** Акмал Ваҳобович (1959.27.2, Наманган) — рангтавир устаси; Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (2003). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1978), Маннон Уйғур номи-даги театр ва рассомлик санъати ин-ти (1984)ни тугатган. Н. ижодида эз-гулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат тўқнашуви ва бунда эзгулик ва ёруғликнинг тантанаси, маънавий кадр-иятлар тараннум этилади, мустақиллик олиб келган ўзгаришлар, муҳаббат, оилавий бахт-саодат, инсоф ва диёнат ўз аксини топди. Асарлари: «Ҳаёт бошланмоқда» учлиги, «Умид булоғи», «Аждодлар назари» (1987); «Қушан қишлоғи», «Тонг», «Қушан афсонаси» (1988); «Оила» (1990); «Дарвиш», «Ша-ҳар тақдири», «Тун ва кун», «Унутил-ган кадр-иятлар», «Ширин туш» (1992); «Тожмахал», «Муҳаббат боғи» (1993); «Ишқ олмаси», «Тун ва кун. Зулмат ва Зиё» (1995); «Жайхун», «Фикр парво-зи» (1996); «Тавҳид» (1997); «Риштон натюрморти», «Илҳом парией» (1998); «Муҳаббат водийси», «Армон» (2000); «Ой устидаги пари» (2001); «Жаннат уч-лиги», «Она» (2003) ва б.

Н. 1987 й.дан республика ва халқаро кўرғазмаларда асарлари б-н иштирок этади. Асарлари республика ва хори-жий мамлакатлар (АҚШ, Ҳиндистон, Швейцария ва б.) музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

**НУРИДДИНОВ** Зухриддин Расу-левич (1918.18.3-Тошкент-1988.22.11) -тарихчи олим, Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган фан арбоби (1974). Та-



рих фанлари д-ри (1966), проф. (1964). 2-жаҳон уруш қатнашчиси (1941—45). ЎзДУнинг тарихф-тини тугатгач (1939), Тошкент педагогика ин-тида ўқитувчи, доцент (1952), умумий тарих ка-федраси проф. (1964), кафедра мудири (1966), шу ин-т ректори (1971—76), 1976 й.дан кафедра мудири, 1982—88 й.ларда проф. маслаҳатчи. Илмий фао-лияти Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи, тарихшунослигига оид. Н. Марказий Осиев худудида биринчи бўлиб Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида «Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917—71)» дарелиги ҳамда «Ғарб мамлакатлари энг янги тарихининг тарихшунослиги (1917—39)» ўқув кўлланмаси муаллифи. Тошкент ш.даги кўчалардан бири Н. номи б-н аталган (1990).

**НУРИМОВ** Қуронбой (1949.1.10, Урганч тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). ТошДУни тугатган (1974). 1974 й.дан Урганч туманидаги 5-мактабда мат. фани ўқитувчиси, 1977 й.дан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ин-тида кабинет мудири, директор. 1995—97 й.ларда Хоразм вилоят халқ таъли-ми бошқармасида ишлаган. 1997 й.дан Урганч туманидаги 45-интернат-ли-цейи директори, 2000 й.дан Урганч ш. халқ таълими бўлими мудири. Иш фа-олияти давомида аниқ фанлар бўйича ихтисослашган мактаб ва синфлар ташкил этган, таълим жараёнига янги пе-дагогик технологиялар, илғор иш ус-лубларини жорий қилади.

**НУРИСТОН**, собиқ Кофиристон — Афғонистоннинг шим.-шарқидаги баланд тоғли вилоят. Аҳолиси, асосан, нуристонилар. 19-а. охирига қадар Н.да мустакил деҳқон жамоалари яшаган; улар араблар, Амир Темур, Акбар, Нодиршоҳ б-н бўлган урушларда ўз мустакилликларини сақлаб қолишган. 1896 й. афғон амири Абдурахмон томонидан буйсундирилган, аҳоли исломга киргизилган.

**НУРИСТОН** — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Жайрон (6 км). Вилоят маркази (Қарши ш.)гача 50 км. Аҳолиси 10,5 минг киши (2003). Жами 35 миллат вакиллари яшайди. Қарши магистрал каналидан сув олади. Маъмурий идоралар, алоқа бўлими, сув тозалаш иншооти, сав-до, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1768 ўринли умумий таълим мактаби, маънавият ва маърифат маркази, касалхона, дорихона бор.

### НУРИСТОНИЛАР

Афғонистоннинг шим.-шарқидаги қардош қабилалар гуруҳи (кати, вайгаллар, ашқуни, прасун), 150 минг киши (1990-й.лар ўрталари); Покистон б-н қўшни р-нларда (10 минг киши) ҳам яшайди. Нуристон тилларида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

**НУРЛАНИШ** — 1) эркин электромагнит майдон ҳосил бўлиш жараёни. Эркин, яъни нурланган электромагнит майдоннинг ўзи кам «Н.» термини б-н аталади; 2) радиодиапазондаги электромагнит тўлқинларнинг ғалаёнланиши ва фазода тарқалиши. Бунда ўзга-рувчан ток ёки зарядлар энергияси фазода тарқалаётган электромагнит тўлқинлар энергиясига айланади (қ. Радиотўлқинлар); 3) табиий шароитда тирик организмга инфрақизил, кўринадиган ва ультрабинафша нурларнинг биологик таъсири. Тирик организм кос-мик нурлар ва ион нурлари б-н ҳам нурланади. Даволаш мақсадида тирик организм ультрабинафша, ультраоккри частотали нурлар б-н сунъий нурлантирилади. Н.нинг тотал (тўла), локал (қисман), тез (қисқа вақт ичида), хроник (узок вақт давомида), ташки, ички ва б. хиллари мавжуд. Нурларнинг биологик таъсири Н. дозаси, хили, энергияси ва организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ.

Н.дозалари — нурларнинг бирор муҳитга таъсирини белгилловчи

микдорлар. Бир неча турлари мавжуд. Ютилган доза — нурланаётган мухитнинг масса бирлигига ютиладиган Н. энергияси; ионлаштирувчи нурлар (рентген 7-нурлар,  $\alpha$  - ва  $\beta$  -зарралар, нейтронлар, космик нурлар ва х. к.)нинг мухитда ютилган дозалари радларда ифодаланadi. Нурлантириш дозаси — Н. микдорини ифодалайдиган ва ҳавонинг тонланиши б-н ўлчанадиган микдор, рентген ва у-нурлари рентгенларда, бошқа ионлаштирувчи нурлар эсабёрларда ифодаланadi. Биологик доза — нурларнинг организмга биологик таъсирини ифодаловчи микдор; бэр (рентгеннинг биологик эквивалент-ти)ларда ўлчанади. Интеграл доза— нурланаётган ҳажм бўйича тўла ютилган ионлаштирувчи нурларнинг умумий дозаси; грамм-рентген ёки грамм-радларда ўлчанади. Вакт бирлигидаги Н. доза қуввати дейилади. Баъзи Н. дозаларининг қийматлари: табиий фон (космик нурлар, мухит ва одамни ўраб олган радиоактивлик)нинг Н. дозаси 0,1 бэр/йил; нур касаллигига олиб келадиган Н. дозаси — 400 — 500 бэр; терапияда қўлланиладиган Н. дозаси 10000 бэр гача (яна к. Дозиметрах асбоблар, Дозиметрия, Дозиметрия назорати).

**НУРЛИ ИССИҚЛИК АЛМАШИ-НУВИ** — жисм ички энергиясининг нурланиш энергиясига (фотонлар ёки электромагнит тўлкинлар энергиясига) айланиши, нурланиш йўли б-н энергиянинг фазога узатилиши ёки жисмларга ютилиши. Бошқа турдаги иссиқлик алмашинувларидан фарқи шуки, бу ҳодиса иссиқлик алмашинадиган сиртларни ажратиб турувчи моддий мухитсиз ҳам содир бўлиши мумкин, чунки нур электромагнит нурланиш натижасида тарқалади. Шаффофмас жисм сиртига тушадиган нур энергиясининг бир қисми жисмга ютилади, бир қисми эса ундан қайтади. Т-раси мутлақ нолга тенг бўлмаган ҳар қандай жисм қиздирилса, ўзидан энергия (нур) чиқаради. Бир хил т-радаги жисм нур чиқариш қобилятининг мутлақ қора

жисм нур чиқариш қобилятига нисбати жисмнинг мутлақ қоралик даражаси дейилади. Барча жисмлар учун мутлақ қоралик даражаси 1 дан кичик. Н. и. а. тизимидаги ҳар қандай жисм нурлар окимини қайта-ради ва хусусий нурлар окимини чиқаради. Жисм сиртидан кетадиган энергиянинг умумий микдорига эффектив нурланиш оқими дейилади. Жисм ютган энергиянинг бир қисми тизимга хусусий нурланиш сифатида қайтади. Шунинг учун Н. и. а. ни ютилган ва хусусий нурлар оқими айирмаси деб қараш мумкин. Н. и. а. металлургия, ядро энергетикаси, ракета техникаси, кимё технологияси, қуритиш техникаси, гелиотехника ва б. соҳаларда қўлланади.

**НУРЛИ ТОШ**, нур сочувчи тош — амфиболлар гуруҳига мансуб минерал (к. Актинолит).

**НУРМАНОВ** Менглибой (1947.15.6, Чимбой тумани — 2001.27.1, Бўзатов тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қорақалпоғистон пед. ин-тини тугатган (1967). 1969 й.дан Бўзатов туманидаги мактабларда бошланғич таълим ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1998 й.дан 17-мактаб директори ўринбосари бўлиб ишлаган.

**НУРМАТОВ** Ҳожиакбар (1944.25.11, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1989). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1968). 1966 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)да актёр. «Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон) спектаклидаги Мўмин Мирзо унинг саҳнадаги илк образидир. Подколёсин (Н. Гоголь, «Уйланиш»), Франц Моор (Шиллер, «Қароқчилар»), Ибн Сино (Уйғун, «Абу Райҳон Беруний»), Протасов (Л. Толстой, «Тирик мурда»), Нодир (Э. Воҳидов, «Олтин девор»), Оқ йигит (М. Карим, «Ой тутилган тунда»), Глостер (Шекспир, «Қирол Лир»), Куёв (У. Назаров,

«Ойна»), Содик (Ў. Умарбеков, «Қиёмат қарз»), эркак (Ш. Бошбеков, «Такдир эшиги»), Искандарнинг отаси (А. Навоий, «Искандар») ва б. театрдаги энг яхши ролларидан. Видеофильмлар: домла («Домла»), майор Солиев («Шайтанат» ва б.) ва кинода ҳам бир қанча роллар ўйнаган: Равшан («Йигит ва киз»), Дони Исломович («Бир муддатли даҳо»), Маҳмуд («Фаришта олов ичра»), Каримов («Абдуллажон»), Ука («Кичкина табиб»), Алишер («Осмондаги болалар»), Мурод ака («Калиш»), Ака («Нотаниш полвон»), Терговчи («Тухмат») ва б. 2000 га яқин фильм («Ишдаги ишк»), «Оловни бўйсундириш», «Бобби», «Подшоҳ», «Қирол Лир», «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради», «Даллас», «Маҳабҳарата» ва б.) дубляжида қатнашган.

**НУРМЕТОВ** Сотим (1924.15.6, Хива — 1994.4.8, Урганч) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи сержант. 1943 й.дан армия сафида. 51-алоҳида гвардиячи сапёрлар батальони (3-Белоруссия fronti 43-армиянинг 13-гвардиячи ўкчи корпуси)нинг бўлинма командири. Кенигсберг (ҳоз. Калининград) ш. учун олиб борилган жангларда (1945 й. 7 апр.) жасорат кўрсатган. 1945 й. 19 апр. Қахрамон унвонини олган. Урушдан сўнг Урганч ш.да хўжалик ишларида меҳнат қилган.

**НУРМОН АБДУВОЙ ҲҒЛИ** (1862 -Пайариқ тумани Энамяхши қишлоғи — 1940) — ўзбек халқ достончиси. Дех-қон оиласида туғилган. Қирқёшида Абдуҳолиқ бахшидан фотиҳа олиб, мустақил достончи сифатида эл орасида танилади. У ҳозиржавоб бахши бўлган. 20-а. бошларида Самарқанд атрофларида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган оммавий ҳаракат бошлиғи Намоз Пиримқул Ҳғли ҳақида достон яратиб, халқ орасида куйлаб юрганлиги учун Каттакўрғон ҳокими томонидан қамоққа олинган (1914). Жис-

монан майиб (шол) бўлиб, қамоқдан чиққан Н.А.Ў. достон куйлашни қанда қилмаган. Уни мухлислари елкаларида кўтариб, достончилик дав-раларига олиб борганлар. У 20 дан ор-тиқ анъанавий достонларни куйлаб келган. Шоирдан «Кунтуғмиш», «Ор-зигул» («Абдулла қофир»), «Намоз» (парчалар) достонлари, «Чигиртка», «Дўмбирам», «От» сингари термалар ёзиб олинган. Унинг термалари «Ўзбек фольклоридан намуналар» (1935), «Ўзбек фольклори» (1939) тўпламларида нашр этилган.

Тўра Мирзаев.

**НУРМОҢОВ** Иброҳим (1936.29.12, Самарқанд вилояти) — актёр, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тининг актёрлик бўлимини (1965) ва реж.лик бўлимини (1982) тугатган. 1965 й.дан Каттакўрғон театрида ишлайди (1982—85 й.лар театр директори ва бадиий раҳбари, 2000 й.дан бош реж.). Комилов (И. Султон, «Имон»), Соррини (М. Лермонтов, «Испанлар»), Ниёз (И. Султон, «Номаълум киши»), Навоий (И. Маҳсумов, «Навоий Астро-бодда»), Ҳусниддин (Я. Худойқулов, «Суд») каби образлар яратди. У ўз қахрамонларини романтик ҳис-туйғулар ва фалсафий мазмун б-н чуқур очишга интилади. Н. саҳналаштирган «Олтин девор» (Э. Во-ҳидов), «Меҳрибонлар» (Ж. Асомидди-нов), «Тобутдан товуш» (А. Қаҳҳор), «Зебуннисо» (Уйғун), «Макр ва муҳаб-бат» (Ф. Шиллер), «Ўзинг учун ўл етим» (Ў. Умарбеков), «Армон» (Я. Худой-қулов) каби спектаклларда ижро-чилар ансамблининг яхлитлиги таъмин-ланган.

**НУРМОҢОВ** Пиримқул (1911.20.4 -Пайариқ тумани Оқкўрғон қишлоғи — 1978.10.12) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи қатта сержант. 1942 й. июндан фронтда. 178-гвардиячи ўкчи полки (3-Украина fronti 6-арми-яси 60-гвардиячи ўкчи дивизияси) нинг

бўлилма командири. Н. 1943 й. 26 окт.да ўз бўлимаси б-н биринчилардан бўлиб Запорожье р-нидаги Разумовка киш-лоғи атрофида Днепр дарёсини кечиб ўтган ва плацдарм учун бўлган жангда алоҳида жасорат кўрсатган. Н.га 1944 й. 22 фев. да Қахрамон унвони берилган. Урушдан кейин жамоа хўжалиги, қишлоқ совети раиси, бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Ўзи туғилиб ўсган жамоа хўжалигига Н. номи берилган.

**НУРМУҲАМЕДОВ** Бадал (1913.13.2 -Тошкент — 1991.21.6) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1990). Тошкентдаги ишчиёшлар театр техникумини (1935), «Ўзбекфильм» қошидаги киноактёр, кинореж., кинооператор тайёрлов студиясини (1938) тугатган. 1938—41 й.лар Республика кўғирчоқ театрида реж., актёр, 1941—48 й.лар Муқимий театрида, 1948—91 й.лар Ёш томошабинлар театрида актёр. Карл бобо («Буратино»), Даврон («Ўқитувчи»), Мўмин ота («Оқ кема»), Охун-бобоев («Ота юртим оқсоқоли»), Қовоқвой («Чипполино»), Маҳкам ота («Ўз уйингдасан»), Маҳалла оқсоқоли («Фарзандим жиғарбандим») каби ранг-баранг характердаги кишилар образини яратиб, миллий театр санъати ривожига муносиб хисса қўшди. Саҳнада кўп гапирмасада, бутун хатти-харакат, кўз карашлари, юз ифодаси б-н қахрамоннинг ички дунёсини очиб бера олиш, ишонарли талкин, самимийлик Н. ижодига хос. Бир қанча фильмлар (Нозим, «Тоҳир ва Зухра»; домла, «Алишер Навоий» ва б.да ҳам суратга тушган. Телевидениеда «Оталар сўзи — аклнинг кўзи» кўрсатувининг доимий (1978—91) бошловчиси бўлган.

**НУРМУҲАМЕДОВ** Марат Коптилеувич (1930.6.1, Қорақалпоғистон, Тўртқўл ш. — 1986.21.6, Туркия; Нукусда дафн этилган) — қорақалпоқ адабиётшуноси. Ўзбекистон ФА акад. (1974). Ўзбекистонда (1980) ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973).

Филол. фанлари д-ри (1965), проф. (1968), Қорақалпо-ғистон пед. ин-ти рус тили ва адаби-ёти ф-тини тугатган (1950). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимнинг Иқтисодиёт ва мада-ният ин-тида катта илмий ходим, бўлим мудири, директор ўринбосари (1953—59), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими раиси (1959—61). «Амударё» жур. бош муҳаррири (1957—58), Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюш-маси раиси (1958—59). Ўзбекистон ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими акад.-котиби (1966—74, 1979—80). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти директори (1974). Ўзбекистон ФА вице-президенти (1974—79). Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Пре-зидуми раиси ўринбосари (1980—83), Нукус ун-ти ректори (1983—85). Асосий илмий ишлари қорақалпоқ про-засининг ривожланиш йўллари мавзусида. Ўрта мактаблар (9—10 синфлар) учун адабиётдан дарслик, ўқув дастурлари тузган. «Қорақалпоқлар» (тарихий-этнографик очерк) китоби (Т. А. Жданко, С. К. Камоловлар б-н ҳамкорликда, 1971) муаллифларидан. Беруний номидаги Ўзбекистон (1983) ҳамда Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотлари лауреата (1970).

Ас: Довоенная каракалпакская проза, Нукус, 1959; Қорақалпоқ адабиёти тарихи, Т., 1962; Ҳозирги замон қорақалпоқ прозаси, Т., 1968; О зарождении письменной литературы полуоседлых и кочевых тюркоязычных народов Средней Азии и Казахстана, Т., 1970; Из истории русско-каракалпакских связей, Т., 1974.

**НУРМУҲАМЕДОВ** Раҳим Муҳамедович (1925.26.4, Янгийўл) — хирург ва геронтолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), тиббиёт фанлари д-ри (1969), проф. (1970). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. ТошТини тугатгач (1954), шу ин-т хирургия кафедрасининг клиник ординатори (1954—57), ассистента (1957—58), до-центи (1958—69), педиатрия ф-ти (1969—72),

1972 й.дан даволаш ф-ти умумий хирургия кафедраси мудири, ўқув ишлари бўйича проректор (1971 — 81), Андижон тиббиёт ин-ти ректори (1981—89). Н. Ўзбекистонда геронтология хизмати ташкилотчиси ва раиси. Илмий фаолияти яра касаллиги, жи-гар, ўт пуфаги, чурра касаллиги, турли шикастланишлар, хусусан, бош мия шикастлари, перитонит, ичакдан тўсатдан ҳеч нарса ўтмай қолиш ҳолатлари, томир патологиясининг хирургияга хос жиҳатларини ўрганиш ва даволаш, шунингдек, операция жараёнида огриксизлантириш муаммоларига оид.

Ас: Некоторые вопросы хирургического лечения больных пожилого и старческого возраста, Т., 1973.

**НУРОБОД** — Самарқанд вилояти Ну-робод туманидаги шаҳар (1983 й.дан). 1990 й.дан «Нуробод» номи б-н аталади. Туман маркази. Яқин т.й. станци-яси — Улус (15 км). Вилоят марказидан 75 км. Аҳолиси 8,7 минг кишига яқин (2003). Н. Навоий кон-металлургия к-тига қарашли Жан. кон бош-қармаси томонидан 1965—70 й.ларда посёлка сифатида қурилган. Н.да мар-мар з-ди ишлаб турибди. Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилади. 3 умумий таълим мактаби, саноат касб-хунар коллежи, Навоий политехника билим юртининг кечки ўқув филиали, катталар ва болалар кутубхоналари, «Кончилар» маданият саройи, туман мар-казий касалхонаси, 2 тиббиёт санитария қисми, юқумли касалликлар касалхонаси бор. Н. — Улус, Н. — Кетмончи йўналишида автобуслар кат-нови йўлга қуйилган.

**НУРОБОД** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кенгашига қарашли шаҳарча (1984 й.дан). Чатқол тоғининг этагида жойлашган. Яқин т.й. станци-яси — Оҳангарон (12 км). Майд. 164,3 га. Аҳолиси 6,5 минг киши (2003). Н.да умумий таълим мактаби, алоқа бўлими, кутубхона, маданият уйи, дорихона, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо тармоқлари бор. Н.

яқинидан Тошкент—Ангрен— Кўкон— Наманган—Андижон—Ўш автомобиль йўли ўтади.

**НУРОБОД ТУМАНИ** - Самарқанд вилоятитт туман. 1975 й. 26 ноябда ташкил этилган. Шим.дан Каттакўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари, ғарбдан Навоий вилояти, шарқдан Самарқанд, Пастдарғом туманлари, жан. дан Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 4,79 минг км2. Аҳолиси 98,7 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Нуробод), 7 кишлоқ фуқаролар йиғини (Жарқудук, Жам, Нурбулоқ, Сазағон, Тим, Тутли, Улус) бор. Маркази — Нуробод ш.

Табиати. Рельефи, асосан, ясси-тоғлик, текислик, адир ва қирлардан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга нишаб. Қарноб чўлининг бир қисми туман худудида жойлашган. Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 14°, энг юқори т-ра 43°. Вегетация даври 180 кун. Йиллик ёган 275 мм. Ёғиннинг асосий қисми қишда ва баҳорда тушади. Шарқидан Эски Анхрр ва Москва каналлари, туман марказидан Галабек-Собирсой оқиб ўтади. Қоратепа тоғларидан Оксой, Анжирли, Омондара сойлари оқиб тушади. Асосан, бўз ва қум тупроқли ерлар. Янтоқ, шувоқ, қаррак, оққурай, кўзиқулоқ, читир ва б. ўсади. Бўри, тулки, қуён, жайран; қушлардан чумчуқ, чуғурчиқ, зарғалдоқ, тустовуқ, ўрдақ, қарға; судралиб юрувчилардан қалтакесак, тошбақа, илон, эчкемар; кемирувчилардан юмронқозик, кўшоёқ, кўрсичкон, қаламуш ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км2 га 20 киши. Шаҳар аҳолиси 8,7 минг киши, қиш-лоқ аҳолиси 90,0 минг киши.

Хўжалиги. Туман хўжаликлари асосан, чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа қорхоналари бор. Ширкат хўжаликлари ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, мевачилик, тоқчилик, чорвачилик б-н

шуғулланади. Туманда 2 қўшма корхона, 58 кичик корхона, 5 акциядорлик жамияти мавжуд (2003).

Қ.х.нинг етакчи тармоғи ғаллачилик. Қ.х.да суғориладиган ерлар 5627 га, шу жумладан, 2 минг га ерга ғалла, 130 га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 30 га ерга кунгабоқар, 155 га ерга беда экилади, 3370 га ер боғдан иборат. Н.т.да 8 ширкат хўжалиги, 520 фермер хўжалиги мавжуд. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларидан 20,7 минг корамол, 280,2 минг қўй ва эчки, 16,7 минг парранда, 1461 от бор (2003).

2002/2003 ўқув йилида 75 умумий таълим мактаби бўлиб, 26 минг ўқувчи таълим олди. Касб-хунар коллежи, касб-хунар мактаби, мусиқа ва спорт мактаблари фаолият кўрсатади. Кутубхона, 52 клуб, 16 маданият уйи, стадион ва спорт майдонлари ишлаб турибди.

10 касалхона, туғруқхона ва б. тиббий муассасаларда 120 врач, 624 ўрта тиббий ходим ишлайди (2003). Туман худудида минерал булокли «Нагорний» санаторийси бор. Халқаро ва Самарқанд—Қарши йўналишидаги поездлар туман худудидан ўтади.

**НУРОТА** — Навоий вилояти Нурота туманидаги шаҳар (1976 й.дан). Оқтоғнинг этагида, 524 м баландликда жойлашган. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Тинчлик (85 км). Н. вилоят маркази (Навоий ш.)дан 85 км. Ахрлиси 30,1 минг киши (2003).

Н. Ўзбекистоннинг қад. шаҳарларидан бири. Шаҳар дастлаб 10-а.да Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида «Нур» шаклида (шу ердаги машхур «Нур» чашмаси номидан) тилга олинган. Маҳаллий ривоятларда шаҳарнинг пайдо бўлиши Искандар Макдуний даврига бориб тақалади. Кейинчалик шақар бу ерда яшаб ўтган машхур Шайх Абулҳасан Нурий (9-а.) шара-фига «Нурота» деб атала бошлаган. Н. устидан Буюк ипак йўлининг бир тар-моғи ўтган. У ўтмишда харбий-стратегик аҳамиятга эга бўлиб,

йирик савдо маркази ҳам ҳисобланган. «Нур» қалъаси қадимдан Жиззахдан сўнг Бухоро ва Самарқанд воҳасига кириш учун иккинчи дарвозаҳисобланган. Н. (қад. «Нур») Бухоронинг шим.даги чекка шаҳар бўлиб, маданий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқлар яшайдиган қудуд че-гарасида жойлашган. Ўғуз турклари Н. воҳасидан аввал Хуросон, сўнгра Кичик Осиё я.о.га бориб ўрнашган ва Салжуқийлар давлатига асос солган (11-а.). Қад. тош йўли орқали Нурга кўплаб карвонлар келиб тўхтаган. Чингизхон қўшинлари Бухорога боришда худди ана шу йўлдан (1220 й. янв.) Нурга кириб келган. Шу боис тош йўли «хон йўли» номи б-н ҳам юритилган. Н. Сомонийлар, Абдуллахон даври (16-а.)

ва ундан кейинги даврларда ҳам муҳим стратегик ис-техком ҳисобланган. Н.нинг улкан бой-лиги унинг мармар конидир. Шаҳардаги «Нуротамармар» саноат корхонаси ушбу кон хом ашёси асосида ишляп-ти. Шунингдек, Н.да нон к-ти, ти-кувчилик ф-қаси, «Нурбулоқ», «Ну-робод» акциядорлик жамиятларига қарашли корхоналар, бир неча бозор, савдо дўконлари, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 8 умумий таълим мактаби, педагогика, қ.х. касб-хунар коллежлари, 7 оммавий кутубхона, клуб, «Чашма» ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади (2003). Н.да 2 касалхона, 10 дорихона ва б. тиб-биёт муассасалари мавжуд.

Халқ амалий санъат ва хунармандчилиги қадимдан ривожланган. Н. ус-талари томонидан тайёрланган ду-радгорлик, темирчилик, чилангарлик, курувчилик, кулолчилик, мисгарлик, каштачилик, заргарлик маҳсулотлари ҳамиша харидоргир бўлиб келган.

Н.да антик даврда қурилган Нур қалъаси қолдиқлари (уни Искандария, Искандар қалъаси ҳам дейишган), Пиро-ста мудофаа девори қолдиқлари ва қад. коризлар системаси (тахм. мил. ав. 4—3-а.лар), «Чилустун» жоме масжиди (9— 20-а. бошлари), Катта Гумбаз мас-

жиди (1582 — 90 й. лар), «Сайидота», «Окмас-жид», «Баргсўз» масжидлари (19-а. охири — 20-а. бошлари), Судур Бобо ҳаммоми (1928 й.) каби меъморий ва тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. Шаҳарда Мозори Санг Андоз (Пахлавон Аҳмад Замжои), Шои-рис (Бибиситам Тагалбос), Мозори бандикушо (Хожи Бурҳониддин Жаррох), Чилла мазор (Хожа Убайдулло Жаррох), қад. Нур чашмаси каби зиёратгоҳлар мавжуд.

Қаҳрамон Ражабов, Зулхумор Абдиева.

## НУРОТА

**ҚЎРИҚХОНАСИ** -Жиззах вилоятининг ғарбий қисми (Фориш тумани)да, Нурота тоғининг шим. ён бағрида жойлашган қўриқхона. 1975 й.да ташкил этилган. Майд. 17752 га, шу жумладан, ўрмонлар б-н қопланган 2599 га (2001), денгиз сатҳидан 530—2100 м баландликда. Асосий вазифаси шу ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган архарнинг Осиё қўйи турига мансуб Северцев қўйи (Кизил-қум қўйи) популяциясини ҳамда ён-ғокнинг табиий хилма-хиллигини сақлашдан иборат.

Қўриқхонада ўсимликларнинг 629 тадан, қушларнинг 195 тадан, ҳайвонларнинг 60 тадан ортиқтури бор. Уларнинг кўпчилиги эндемик (лола турлари, анзур пиёзи). Ёнғок дарахтлари б-н бирга ёввойи олма, қайрағочлар ўсади. Буталар коплами, асосан, Тур-кистон дўланаси, қизил, учқат, зирк, ирғай, ёввойи тоқлардан иборат.

Қўриқхона худуди табиат манзараларига, археологик топилмаларга бойлиги б-н ҳам ажралиб туради: қоятош (тоғ қўйини овлаш) суратлари, Мажрумсойдаги танаси йўғонлиги 8,5 м кела-диган шарқ биотаси дарахти (ёши тахм. 1000 йилдан ортиқ) каби ёдгорликлари бор. Архарлар сони 500 дан кўтгрок (2003).

Абдушукур Хоназаров.

## НУРОТА ДОСТОНЧИЛИК МАК-

**ТАБИ** — Нурота туманининг шим.дан Қизилқум бўйлаб Қизилтепа, Конимех туманларигача бўлган ҳудудларда етишиб чиққан бахшиларни бирлаштирган достончилар гуруҳи. Қурбон бахши, Ашур бахши, Исиргап бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Қурбон Наврузов, Турсун Ше-ров, Маъмур Эрматов, Файзи Нажмид-динов каби ўнлаб ижодкорлар шу мактабга мансуб бўлиб, Нурота, Навоий, Томди, Конимех, Навбахор, Ғиждувон, Шофиркон туманлари аҳолисига хизмат қилганлар. Бу мактабнинг сўнгги талантили вакиллари Саидмурод Паноҳ ўғли ва Бекмурод Жўрабой ўғлидан «Алпомиш», «Одилхон», «Қунтуғмиш» («Холбека»), «Гўрўғлининг Қримга бориши», «Авазхон», «Маликаи айёр» («Гулшанбоғ») каби достонлар ёзиб олинган ва нашр этилган. Бу бахшилар репертуарида бошқа ҳудудларда тарқалмаган «Сормонхон», «Аҳмадхон», «Чўпон киз», «Мастон кампир» каби достонлар ҳам бўлган. Аммо улар ўз вақтида ёзиб олинмаган. Бу бахшилар «Гўрўғли» туркуми достонларини 64 достон қилиб қуйлаганлар. Шунингдек, бу ҳудудлардаги қорақал-поқ ва қозоқ халқлари орасида ҳам 20-а. бошларигача изчил достончилик анъаналари давом этган. Бу анъаналарнинг Н.д.м. вакилларига таъсири сезиларли бўлган. Бу таъсир репертуар таркибини ўзгартира олиш даражасида бўлмасида, кўпгина мотивлар талқини, ижро усулларида яққол кўзга ташланади.

Ас: Одилхон, Т., 1972; Алпомиш [Бекмурод бахши варианты], Т., 1999; Авазхон, Т., 1965; Гулшанбоғ, Т., 1966; Холбека, Т., 1967. Ад.: Мирзаев Т., Халқ бахшиларининг эпик репертуари, Т., 1979.

Тўра Мирзаев.

**НУРОТА МАРМАР КОНИ** - Ғозғон шаҳарчаси яқинидаги қон, Навоий вилоятининг Нурота ш.дан 3 км ғарбда, Навоий ш.дан 90 км масофада жойлашган. Қон тоғ этагидаги мрамар қатламидан иборат. 1972 й.дан қазиб олинмоқда.

Мармар ўрта ва йирик кристал-ли, ранги окдан кулранггача. Ажратиб олинadиган мармар блокларида дарзликлар йўк, мейрида юмшоқ; ҳар 1м<sup>3</sup> дан 16—18 м<sup>2</sup> дан кўпроқ мармар плиталари олинади. Н.м.к.нинг захиралари 1700 минг м<sup>3</sup> миқдорида баҳоланган. Н.м.к.дан олинган мармар плиталарининг сифати ва чиройли ранглари учун Нурота мармари Парижда бўлган халқаро кўرғазмада (2000 й.) Катта олтин медаль б-н тақдирланди. Н.м.к.да йилига 3,5 минг м<sup>3</sup> атрофида (2000 й.) мармар блоклари казиб олинади.

**НУРОТА ТОҒЛАРИ** — Туркистон тиз-масининг шим.-ғарбий тармоғи. Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида. Жан.-шарқда Сангзор дарёсидаги Илонўтти тоғ йўлаги Н.т.ни Молгузар тиз-масидан ажратиб туради. Жандан Зарафшон ботиғи, шимдан Қизилкум чўли б-н чегараланган. Н.т. бир-бирига параллел бўлган иккита тизмадан иборат.

Шим. тизма Н.т., аниқроғи, Шимолий Н.т., жанубийси — Жанубий Н.т. деб юритилади. Шимолий Н.т. жан.-шар-кий қисмини Қўйтош тоғлари ишғол қилган. Қўйтош тоғлари шим.-ғарбда Совурбел довонидан жан.-шарқда Сангзор дарёсигача боради. Уз. 70 км, ўртача бал. 1260 м. Шим. Нурота тизмасининг марказий қисми нисбатан баланд, ўртача бал. 1750 м. Энг баланд жойи (Зар-гартоғ) — 2169 м. Бу қисмида Катта Фо-зилмон (2134 м), Қарчиғай (2105 м) каби чўкқилар ҳам бор. Шимолий Н.т.нинг шим.-ғарбий қисми унча баланд эмас, ўртача бал. 900—1100 м. Жанубий Н.т. бир қанча меридианал во-дийлар б-н қирқилган; жан.-шарқдан шим.-ғарбга чўзилган Ғубдинтоғ, Қароқчитоғ, Октоғдан иборат. Октоғнинг шим.-ғарбидаги Қоратоғ ҳам жанубий Н.т.га киради. Бу тоғлар бир-биридан Қўшрабат, Қўйтош ва Нурота орқали ажралиб туради. Н.т. шимоли-ғарбга томон 180 км чўзилган. Ўртача бал. 1000—1500 м. Палеозойнинг оҳактош, кумтош ва сланецларидан, метаморфик жин-

слардан ташкил топган. Булар орасида от-қинди жинс кўп. Жан. тизмаларнинг пастроқ қисмлари ва ботикларда неоген ва тўртламчи давр ётқизиклари ҳам тарқалган. Тектоник жиҳатдан тизмалар мегантиклиналь структурага эга бўлиб, герцин бурмаланишида ҳосил бўлган ва ҳоз. баландлигида янги тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган.

Н.т.нинг пастроқ қисмида ёз қуруқ ва иссиқ, киш у қадар совуқ эмас. Иқлими тоғ ён бағирларида ва юқори қисмларида салқин, ёғин кўпроқ. Йиллик ўртача т-ра 13,4—14,4°, янв.ники -0,6° —2,3°, июлники 15°—25,4°. Энг юқори т-ра тоғолди ҳудудларда 46°—47°, энг паст т-ра —29°, —30°. Йиллик ёғин миқдори 251—452 мм, қор қопламанинг қалинлиги 15—30 см. Ша-молнинг ўртача тезлиги секундига 2,0—3,2 м, баъзида 28 м га етади.

Н.т.дан кўплаб дарё ва сойлар (Осмонсой, Қулбасой, Учмасой, Мажрумсой, Ухумсой, Сентабсой, Тусунсой, Оқтепасой, Кўксаройсой, Оқчопсой ва б.) бошланади. Уларнинг сув сарфи кам бўлганидан текисликка чиққан, қуриб қолади ёки сугоришга сарфланади. Баҳорда уларда сел ҳодисалари ҳам содир бўлади.

Н.т.да, асосан, бўз тупроқлар, 1600—1700 м баландликларда жигарранг бўз тупроқлар тарқалган. Тоғ этаклари ва 1600 м баландликгача бўлган қисмида эфемер ва эфемероидлар ўсади. Бута ва дарахтлардан бодом, ёнғоқ, наъматак, учқат, дўлана ва б. бор. Баланд қисмида арчазорлар учрайди. Ҳайвонлардан бўри, тулки, юмронқозик, куён, тоғ эчкиси, бўрсиқ, илонлар, каклик, бул-дуруқ ва б. яшайди. 1975 й.да ташкил этилган Нурота тоғ-ёнғоқзор давлат кўрикхонасида тоғ ландшафти ва у ердаги ўсимликлар (ёнғоқ, олма, олча, тут), ҳайвонлар (муфлон, қобон, тулки, жайра, каклик, бургут, илонлар) муҳофаза қилинади. Н.т.дан яйлов си-фатида фойдаланилади. Соилар водийларида полизчилик, боғдорчилик қилинади. Ён бағирларида буғдой, арпа ва б. экинлар экилади.



**НУРОТА ТУМАНИ** - Навоий вилоятидаги туман. Шимдан вилоятнинг Томди, ғарбдан Конимех туманлари, Бухоро вилояти, шарқдан Жиззах вилояти, жандан Навоий, Хатирчи туманлари, Самарқанд вилояти б-н чегарадош. Майд. 6,5 минг км<sup>2</sup>. Аҳолией 78 минг киши (2003). 1 шаҳар (Нурота), 7 киш-лоқ фуқаролари йиғини (Нурота, Деҳи-баланд, Сентоб, Қизилча, Чуя, Гум, Ғозғон) бор. Туман маркази — Нурота ш.

Н.т. 1926 й. 29 сент.да Нурота уезди (маркази Нурота қишлоғи) ўрнида ташкил этилган. 1930 й. 17 авпдан Н.т. Самарқанд вилояти, 1982 й.дан Навоий вилояти, 1988 й.дан Самарқанд вилояти, ва ниҳоят, 1992 й. мартдан яна Навоий вилояти таркибида.

Табиати. Н.т. худудининг шим. Айдар шўрхоқлари, Қизилқум ва Қоратоғ б-н, маркази ва жан. Нурота ва Оқтоғ тизмалари ҳамда улар орасидаги ботиклар б-н банд. Ботикларда ёз қуруқ ва иссик, киш у қадар совуқ бўлмади. Баландроқ жойларда ёз салқин, киш эса совуқ бўлиб, узокдавом этади. Й иллик ўртача т-ра 13,4°. Янв.нинг ўртача т-раси —1,0°, энг паст т-ра —29°, июлда 27—28°, баланд жойларда 25—15°, энг баланд т-ра 43°. Вегетация даври 202 кун. Йиллик ёғин 200—222 мм. Сувлари тоғдан оқиб тушадиган сойлардан (Оқсой, Фангатсой, Навкатсой, Оқчопсой, Орасой, Гумсой ва б.) ибo-рат бўлиб, маълум ҳавзага қуйилмасдан, текисликка чикқач, суғоришга сарф бўлади. Лёсс, тош-шағал пролю-виал жинслардан тузилган ботикларида оч бўз тупроқ, бўз тупроқ, оддий бўз тупроқ, юкорироқца тўк тусли бўз тупроқлар учрайди. Ёввойи ўсимликлардан эфемерлар, оқ қурай, гулхайри ва б. ўсади. Буталардан дўлана, пис-та, ирғай, қоратикан, чий, бодомча, куёнсуяк, жингил ва б. учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан кийик, архар, чиябўри, қарсоқ тулки, қо-бон, куён, сувсар, типратикан, қоп-лон, бўри, силовсин, айик, қала-муш, ўрмон сичко-ни, юмронқозик,

тошбақа, эчкемар ва илонлар; қушлардан қаклик, булдуруқ, қорабовур, бургут, қорақарға, олашақ-шақ, чумчук, кир-ғий, лочин, қалхат, қўққарға, бедана, мусича, тўрғай ва б. кўп. 1997 й.да «Оқтоғ» ландшафт қўриқхонаси ташкил этилди (майд. 15,5 минг га).

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (86%), шунингдек, тожик (11%) ва б. миллат вакиллари ҳам (3%) яшайди. 1 км<sup>2</sup> га ўртача 12 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 30,1 минг киши, қишлоқ аҳолиси 47,9 минг киши (2003).

Хўжалиги. Республикада салмоқли ўринлардан бирини тумандаги «Ғозғонмармар» акциядорлик жамияти қорхонаси эгаллайди. Ундан ташқари, «Нуротамармар» и.ч. қорхонаси, «Нурота-автойўлмармар», «Нурбулоқ» минерал сув қадоклаш қорхонаси, «Чашма», «Истиклол» савдо қорхоналари, тикувчилик фкалари мавжуд. Тумандаги 700 га яқин қорхонадан 551 таси кичик фирма, 70 га яқин кичик ва ўрта қорхона. Шунингдек, 120 га яқин майший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 200 дан зиёд савдо дўкони ишлаб турибди.

Туман к.х., асосан, чорвачилик ва деҳқончилик (ғаллақорлик)қа ихтисослашган. 4 хўжалик қорақўлчилик б-н шуғулланади. 10 ширкат, 500 га яқин деҳқон-фермер хўжалиги мавжуд. Қ.х.да фойдаланиладиган 503 минг га ернинг 3,1 минг га си шартли суғорилади. Лалмикор ерлар 16,3 минг га ни ташкил этади. 1,1 минг га ерга дон, 1,1 минг га ерга озука экинлари экилади. 187 га ме-вазор, 125 га тоқзор, 213 га тутзор б-н банд. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларига 9,6 мингдан зиёд қррамоқ, 1,5 мингга яқин от бор. Парранда ҳам боқилади. Туман хўжалигида автотранспорт асосий ўринда. Вилоят марка-зига Нурота ш.дан автобуслар мунта-зам қатнайди.

54 умумий таълим мактаби (19,7 минг ўқувчи), касб-хунар коллежлар, 19 жа-моат кутубхонаси, 26 клуб, «Чашма» ўлкашунослик музейи, 3 стадион, 26 спорт майдончаси фаолият қурсатади.

Туман марказий касалхонаси, болалар юқумли касалликлар, 5 қишлоқ участка касалхоналари, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 10 қишлоқ врачлик пункти, катталар ва болалар поликлиникаси ва б. тиббий муассасаларда 152 врач (ҳар 10 минг аҳолига 20,6 врач), 594 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туман худудида, Нурота ш.даги меъморий обидалар б-н бирга, Абдулла-хон банди гидротехника иншооти қрл-диклари (16-а.) сақланиб қолган.

Қаҳрамон Ражабов, Зулхумор Абдиева.

**НУРОТА ҚАЛЪАСИ** - Нуротадаги қалъа харобаси (тахм. 5—6-а.лар); тоғнинг этак қисмида жойлашган. Асли номи Нур, халқ уни ҳурматлаб, «ота» сўзини кўшиб атайди. Қалъада катта булоқ бор, атрофда ундан бошқа оқар сув йўқ. Сув бошига эгалик қилиб, душман қамалига бардош бериш мақсадида қадимда булоқ, устига пахсадан қалъа қурилган. У бир неча марта таъНурота қалъаси.

мирланган. Қалъанинг ичида булоқ, бошига тушиб сув олинадиган махсус йўл бўлган. Қалъанинг тепаси баланд қирлик бўлгани учун душманни кузатиш мақсадида қирнинг тепасига мўла (бурж) қурилган. Мўла б-н қалъа орасида йўлак бўлиб, унинг уз. 60 м. Н.қ. қадимдан муҳим стратеги қалъа ва савдо манзили бўлган. Н.қ.да, кейинчалик Бухоро амирлигининг Нурота беги турган.

**НУРПЕЙСОВ** Абдужамил Каримович (1924, Оролбўйи, Ушқон қишлоғи) — Қозоғистон халқёзувчиси (1985). 2-жа-хон уруши қатнашчиси. М. Горький но-мидаги Адабиёт ин-тини тугатган (1953). «Жулдиз» жур. бош муҳаррири (1954). Биринчи романи — «Қурландия»да урушнинг сўнгги кунлари тасвир этилиб, Ваган ҳимоячилари образи яратилган. Н. «Қутилган кун» (1957), «Оқшом» (1960), «Сарсонлик-саргардонлик» (1970) романлари муаллифи. Сўнгги уч роман кейинчалик «Қон ва тер» три-

логиясини ташкил этиб (1974), кўплаб тилларга таржима этилган. Н.нинг очерк, эссе ва танқи-дий мақолалари «Ўйлар» (1974) кито-бидан ўрин олган. Н. А. П. Чехов, А. М. Горький ҳикоялари, испан драматурги А. Кэссонинг «Дарахтлар тик туриб ўлади» ва Нозим Ҳикматнинг «Кўк подшо» асарларини қозоқ тилига таржима қилган. Жамбул номидаги Қо-зоғистон Давлат мукофоти лауреата (1947).

**НУРПЕЙСОВ** Плис Кольгелдиевич (1919, Тахтақўпир — 1945.23.4, Берлин) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи катта лейтенант. 1939 й.дан армия сафи-да. Мелитополь ҳарбий авиация билим юртини битирган. 1943 й.дан фронтда. 47-гвардиячи ало-ҳида разведка авиация полки (2-Белоруссия фронтининг 4-ҳаво армияси)нинг кузатувчиучувчиси; разведка мақсадида душман томонга 100 марта жанговар парвоз қилган. Жумладан, марта кундузи Берлинга учган. 18 авг. (вафотидан сўнг) Қаҳрамон унвони берилган. Нукус ун-ти биносига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Тахтақўпир туманидаги мактаб ва Хўжайли пед. билим юртига Н. номи берилган.

**НУРСИМОНЛАР**, нурлилар сохта оёқдилар синфига мансуб бир хужайрали ҳайвонлар кенжа синфи (қ. Радиоляриялар).

**НУРСОЯ** — пластик санъат (тасвирий ва амалий безак санъати, меъморлик, дизайн)нинг ифода воситаларидан бири. Турли ёрқинликдаги ранглараёки бир ранг тусларининг ажралишидаги изчилликка асосланади. Н.даги изчиллик нур ва қоронғи (соя)нинг тарқалиши, тасвирланаётган мучит, нарсаларни ҳажмли нур-ҳаво оғушида ид-рок қилиш имконини беради. Нарсаларга ёруғлик тушиши нағижасида унинг сатҳи ёруғ ва қоронғи (соя) юзаларга ажралади (Мас, тўртбурчак шаклдаги буюмларда бу ажралиш кес-кин бўлса, думалоқ ва цилин-

дрсимон буюмларда бу ажралиш аста-секинлик б-н боради). Натижада бундай буюмларда Н. орасида ярим соя ва соя томонида қайтган нурлар кисобига ёритилган юза — рефлекс мавжуд бўлади. Н. нур йўналиши, нарсаларнинг ҳажмли шакл хусусиятлари, сифати ва хаво ҳолатига боғлиқ; у орқали ижодкор (рассом, ҳайкалтарош ва б.) ўз ғоявий эстетик қарашларини ифодалайди, ундан лирик ёки драматик кайфият ҳосил қилишда фойдаланади.

Н. имкониятлари қадимдан қўлланилган. Юнон рассомлари (Полигнот, Парраси ва б.) Н. воситасида катта ижодий ютуқларга эришган. Мусулмон Шарқида қадимдан меъморлик, амалий безак санъатида Н. имкониятларидан кенг фойдаланилган; ўймакорлик (ганч ва ёғоч), ҳайкалтарошлик (рельеф ва б.) да безакни жозибали бўлиши, таъсирчанлигини оширишда Н. ўйинига асосланилган. Н. ва унинг назарий асослари Уйғониш даври усталари (Леонардо да Винчи) томонида ишлана бошланди. Шу даврда Н. рассомлар томонидан бадий асарнинг ифодалилигини белгилловчи восита сифатида кенг фойдаланилади, имкониятлари янада бойитилади. Бугунги кунда ҳам Н. реалистик тасвирнинг асосини ташкил этади, психологик асарлар яратишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Нетьмаг Абдумоев.

**НУРУЛЛАБОЙ САРОЙИ** - Хивадаги меъморий ёдгорлик. Асфандиёрхоннинг собиқ расмий қабулхонаси (20-а.). Бу сарой-боғни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II Феруз ўғли Асфандиёрхон учун қурдирган (Нуруллабой деган шахснинг боғи ўрнига қурилгани учун Н.с. деб аталади). Н.с. 9 та катта-кичик хоналар, дарвозахона, сарой, қабулхона, арзхона, Мадраса, хизматчилар учун турар жой, боғ, гулзорли ҳовлилардан иборат. Мажмуага (185,6x143,0 м) жан.даги ариқ устига қурилган кўприк орқали дарвозадан кирилади. Дарвозахонанинг

далонида бир неча хоналар бор. Сарой тўғри тўртбурчак тархли (87,1x65,0 м), 4 ҳовлили, қалъабанд девор (бал. — 7,5 м) б-н ўралиб, буржлар ишланган. 3 ҳовлида 2 қават-ли, жан.-ғарбий ҳовлида 1 қаватли хоналар жойлашган. Бош тарзи дарво-заси Мадраса, турар жой ва арзхона б-н ўзаро боғланган. Сарой шим.даги 2 ҳовли айвонларнинг томи иккинчи қават учун ўтиш жойи вазифасини ўтайди. Катта ҳовли саройнинг шим.-ғарбий қисмини эгаллаган. Ҳовлида кудук бор.

Қабулхона (27,5x32,1 м) саройнинг шим.-шарқида, ўзига хос евро-пача услубда қурилган. Бош тарзи жан.га қаратилган. 1 қаватли, 7 хонаси бор. Олд ва орқа томони айвонли.

Арзхона (82,0x71,0 м) саройнинг шарқида жойлашган. Тарҳи «Г» шаклида, жан. қисми уч бурчакли, шим. ва ғарбга қаратилган айвонлари мавжуд.

Мадраса бош тарзи шарққа қараган. Жан.-шарқий бурчагида 4 устунли 2 қаватли масжид, шим.-ғарбида айвон, ҳовли атрофида дарсхона ва хужралар жойлашган. Ташқи деворлари ва 4 бурчагидаги гулдасталар пишиқ ғишт ва кошн б-н безатилган.

Боғ саройга тушган бўлиб, баланд қалъабанд девор б-н ўралган, буржлар ишланган. Боғнинг 3 томонида эшик бўлиб, 2 эшик сарой б-н, шарқдагиси арзхона, қабулхона б-н боғланган. Боғ ўртасида 8 киррали ҳовуз бор.

Н.с.нинг ганчкор деворлари олтин ва қумуш б-н ҳалланган, залнинг «олтин шифти» ниҳоятда қуркам, ундаги мурак-каб гирих. нақшлар ўзига хос, ички ва ташқи дарвозалари, эшиклари, айвон устунларидаги нақшлар Хоразм ёғоч ўймакорлигининг юксак намуна-сидир. Қабулхонадаги баланд эшиклар, катта рангдор ойналар, паркет поллар ва кошнкор печлар европа меъморлиги б-н уйғунлашган. Ташқи томони силлиқ ғишглар ва феруза ранг кошнлар б-н шахмат тахтаси шаклида безатилган. Уни қуришда ганчкор усталар Худойберган

хожи, уста Нурмат, Рўзимат Машари-пов, ёғоч ўймакорлиги ва уни бўяш ус-талари Бобожон Қаландаров, Ота Шайх, Исмоил Абдуниёзов, гишт терувчи Қу-рёз Бобо-жонов ва б. қатнашган.

Н.с. мужассамотида Хоразм миллий уй-жой қурилишининг аънавий хусу-сияти ўз ифодасини топган.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В., Па-мятники зодчества Хорезма, Т., 1978.

**НУРУЛЛИН** Рустам Абдурахимович (1929.4.1, Наманган) — тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби (1981). Тарих фанлари д-ри (1970), проф. (1975), Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида катта ил-мий ходим (1959—72), партия тарихи ин-тида ди-ректор ўринбосари (1972— 78, 1988— 90), жур.да бош муҳаррир (1978—88). Ўзбекистон ФА Тарих ин-ти етакчи ил-мий ходими, бўлим бош-лиғи (1990— 98). Илмий фаолияти Тур-кистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари тарихи маса-лаларига оид.

**НУРУМОВА** Айитжон Ёқубовна (1954.10.9, Тўртқўл тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). ТошДУни тугат-ган (1979). 1973 й.дан Тўртқўл тума-нидаги 15-мактабда тарих ўқитувчиси. Ўқувчиларга Ватан тарихи, бой маданий мероси бўйича дарсларда янги педагогик технологиялардан самарали фойдалана-ди.

**НУРХАЦИ** (1559—1626) — манжур хони. Ойсингоро қавмидан. Мин суло-ласи ту-манбошиши Мангу Темурнинг авлоди. Цзяньчжоу жужанлари қабиласи бош-лиғи (1583). Мин империяси васса-ли; 1589 й. минларга кўрсатган хизмати учун дуду цянъши (генерал) ҳарбий ун-вонини олган. Н. манжур қабилаларини бирлаштиришга киришган. 30 йиллик уруш ҳаракатларидан сўнг, 1616 й. Н. Хэту-ола (ҳоз. Ляонин вилоятида) ш.ни марказ қилиб хонлик ташкил этиб, ўзини

«Йингмин хон» деб эълон қилган. У дав-латига «Дажин» (Улуғ олтин маъносида, русча Дацзин) деб ном берган, унинг асосини 8 қисмдан иборат армия ташкил этган. ХаР бир қисмнинг туғи (бай-роғи) бўлиб, уларнинг ранги бир-би-ридан фарқ қилади. Шу туфайли Н.нинг арми-яси «8 туғли армия» деб номланган. 1618 й.дан Мин империяси б-н уруш олиб бор-ган. 1626 й. Нинъюань ш.га на-вбатдаги хужуми вақтида Н. минларнинг генерали Юань Чунгхуан қўшинидан мағлубиятга учраган. Унинг ўрнини 8-ўғли Хунтай-жи эгаллаган ва ишини давом эттирган. 9набираси Ойсингоро-Фу-лин (Шизу — 1638—61) даврида ман-журлар Мин су-лоласини ағдариб, Ман-журия ва Хитой худуди асосида Чин (Цин) империясини ташкил этган. Н. нинг руҳини шод этмок учун унга «Тайзу хуанди» («Сулола асос-чиси бўлган хоқон») деб ном берилган. Манбаларда ушбу номни бошқа сулола-лардан фарқ қилиш мақсадида «Чин Тай-зу» деб аташ қабул қилинган.

Абдулахад Хўжаев.

**НУРХОН** Йўлдошхўжаева (1913-Марғилон — 1929.1.7) — про-ффессионал театр соҳасига кириб келган биринчи ўзбек раққосаси. 1928 й.дан М. Қориёқубов раҳбарлигидаги кон-церт-этнографик ансамблида раққоса бўлиб ишлаган. Ансамблнинг Марғилонга қилган гастролли вақтида ваҳшиёна ўлдирилган. Бу фожиага бағишланган «Нурхон» (К. Яшин асари; Т. Жалилов мусикаси) мусикали драмаси яратилган. Марғилон ш. маданият уйи олдида Н.га ҳайкал ўрнатилган (1968, ҳайкалтарош В. Клебанцов).

**НУСАЙРИЙЛАР**, алавийлар — шиаликцагп фирқалардан бирининг та-рафдорлари. 10-а.да Шим. Сурияда энг кескин шиалар даврасида пайдо бўлган. Фирқанинг номини Муҳаммад ибн Ну-сайр ан-Нумайрий (тахм. 883 й. Басрада вафот этган) б-н боғлайдилар. Н.нинг асосий ақидаси — Али ибн Абу Толиб-

ни илохийлаштириш («алавийлар» номи шундан), унда Худонинг ўзи мужжасамланган деб ишонишдан иборат. Уларнинг диний таълимоти ва исмоилийларнинг қарашларига асосланган маросимларига христиан дини ва айрим қад. эътиқодлар таъсир этган. Христианликкаги муқаддас учлик каби, Н. ҳам Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форисийни Худонинг уч хил намоён бўлиши деб, уларга эътиқод қиладилар. Улар Қуёш, Ой ва ёритқичларга сиғинади, эркакларда жоннинг кўчиб юришига ишонади. Н. хажни эътироф қилмайди, зақотни бошқа мусулмонлар тушунгандек белгиламайди.

Хукмрон диний оқимлар томонидан асрлар давомида таъқиб қилинган сабабли Н. ўз эътиқодларини сир тутати, маросимларини кечалари, махфий адо этади. Улар намоз, рўза ва б. ислом маросимларини адо этмайдилар, уларнинг масжидлари йўқ. Н.нинг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этади. Уларнинг ярмидан купи ҳоз. вақтда Сурияда, тахм. учдан бир қисми Туркияда, қолганлари Шим. Ливанда яшайди.

**НУСРАТ ФАТЕХ АЛИ** (Nusrat Fateh Ali Khan; 1948, Файсалобод -1997.16.8, Лондон) — Покистон хонан-даси, 20-а. оммабоп мусиқа мадания-тида шуҳрат қозонган мусиқа намоён-даларидан. Вашингтон ун-ти проф. (1993 й.дан). Машхур мусиқачилар оиласидан. Пан-жоб мактаби вакили. Дастлаб, Покистон мумтоз мусиқасининг йирикус-таси сифатида Покистон ва Ҳиндистонда «Қаваллининг шаҳаншоҳи» унвонига сазовор бўлган. 1970—80 й.ларда Покистон киностудияларида ишлаб, юзлаб фильмларга овоз берган. 1985 й.дан Европа ва Америка мамлакатларида гастродда бўлиб, энг йирик концерт сахналарида қавалли жанрини тар-ғиб этган; поп-мусиқа, рок-мусиқа юл-дузлари (П. Гэйбриэл, Э. Уэддер, Н. Кеннеди ва б.) б-н ҳамкорлик қилган, 100 дан ортиқальбом чиқарган. Покистон ва Ҳиндистоннинг давлат мукофотлари б-н тақдирланган.

**НУСХА** — 1) тасвирий санъатда — муаллифнинг ўзи ёки бирор бошқа рассом томонидан бирор асарни такроран яратилган намунаси. Н. аслидан ишланиш усули ва ўлчами б-н фарқ қилиши мумкин; бироқ, аслининг усули ва композициясини айнан так-рорлаши шарт; 2) амалий санъатда — бир хил қилиб ясаш учун тайёрланган буюм намунаси, нақш андазаси (ахта), қолип. Халқ усталари ижодий ҳаёлотни асосида юзага келади, давр та-қозоси б-н ўзгариб, янгиланиб боради.

### **НУСХА КЎЧИРИШ ҚУРИЛМАСИ**

- 1) матнларнинг асл нусхалари (оригиналлар) дан нусха (нусхалар) олинадиган қурилма. Энг кенг тарқалганлари фото, ёруғлик, ксеро (электр-фото), термо... ва электрон Н.к.қ. Буларнинг ёрдамида ҳар хил ўлчамли бир ва бир неча нусхани кўчириш мумкин;

2) машинасозликда — металл кесиш станогининг кескичи ёки заготовка ҳаракатини автоматик бошқариб турадиган қурилма. Унда ишланадиган буюмнинг шакли андаза, модель, эталон ёки чизма ёрдамида берилган буюм шаклига ўхшаб чиқади. Нусха кўчириш қаллаги, кескич ўрнатиладиган қаллак, ижро механизмидан иборат. Ижро механизми б-н кескич орасидаги алоқа механик, электр, гидравлик ва б. усуллар б-н амалга оширилади; 3) мат-баада — босма қолипларни фотомеханик усулда тайёрлайдиган жиҳоз тури; 4) кинотехникада — тас-вир негатив» ва фонограмма негативидан киноплёнкага позитив нусха кўчирадиган қурилма.

**НУТАЦИЯ** (лот. nutatio — тебратиш) — 1) механикада — қаттиқ жисмнинг ўз ўқи атрофида айланиши жараёнидаги тебранма ҳаракати; у жисмнинг хусусий айланиш ўқида содир бўлади; жисм қанча тез айланса, унинг нутацион тебраниш частотаси шунча катта, амплитудаси шунча кичик бўлади. Н.

прецессия б-н бир вақтда юз беради. Н. вақтида жисмининг хусусий айланиш ўқи б-н прецессия юз берадиган ўқ орасидаги бурчак ўзгаради; 2) астрономияда — Ер айланиш ўқининг бир оз тебраниши. Ернинг суткалик айланишига Куёш ва Ойнинг тортиш кучлари таъсир этади. Ернинг суткалик айланиш ўқи эклиптика қиялигини ўзгартирмаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартириб боради, чунки Куёш ва Ойнинг прецессион кучлари ҳам ўзгариб туради ва Куёш ҳамда Ой Ер экваторида бўлганида бу кучлар нолга тенг бўлади, оғиши энг катта бўлганида эса максимумга эришади. Ернинг айланиш ўқи Н.сини 1737 й. Ж. Бродлей кашф қилган. Бундай нутацион тебранишлар 18,6 йиллик даврга, яъни Ой орбитаси тугунларининг айланиш даврига тенг. Осмон сферасит кутб ярим ўқлари 9», 21 ҳамда 6», 86 нутацион эллипс чизади. Н.нинг аниқ қийматини 1953 й. америкалик астроном Э. Вулард топган.

**НУТКА** — Канададаги (Ванкувер о. соҳили) вакашлар гуруҳига мансуб индейс халқи; бир қисми (маких) АҚШ (Вашингтон штати)да яшайди. Умумий сони 2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Катта монголоид иркининг америка иркига мансуб. Н. тили шевалари: нутка, нитина, маких; шунингдек, инглиз тили ҳам кенг тарқалган. Диндорлари — христианлар.

**НУТРИЯ**, сув бобри (*Myocastor coypus*) — кемирувчилар туркуми, нутриясимонлар оиласига мансуб ҳайвон. Оиланинг ягона тури. Танасининг уз. 60 см гача, думи 45 см гача, оғирлиги 8 кг гача. Орқа оёқларининг деярли барча бармоқларида сузгич парда бўлади, кулоқтешиги сувда бекилиши мумкин. Жан. Американинг тропик ва субтропик минтақаларида тарқалган. Жан.-ғарбий Европа, Закавказье ва Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбе-кистон жан. да акклиматизация қилинган. Сувда ва сув бўйида яшайди; яхши сузади ва шўнгийди. Кечаси ва окшомлари фаол.

Ботқоқ ўсимликлари поясидан ин қуради, ин қазиси ҳам мумкин. Бир йилда 2 марта 2—8 та (одатда, 5 та) кўзи очиқ, юнгли бола туғади. Қимматли мўйнаси ва гўшти учун овланади. Мўйначилик фермаларида боқилади. Ҳар хил рангли мўйна берувчи зотлари чиқарилган.

**НУТТАЛЛИОЗ** — тоқ туёк/ш ҳайвонлар, асосан, отларда учрайдиган протозой касаллиги. Кўзгатувчиси эритро-цитларда паразитлик қилувчи бир хужайрали *Nuttallia equi* организмлари. Н.ни каналар тарқатади. Касал ҳайвоннинг ҳарорати кўтарилади, бўшашади, иштаҳаси йўқолади, шиллик пардалари сарғаяди. Қонда эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори камаяди. Ка-саллик 2—6 ҳафтагача, баъзан ундан ортиққа чўзилади. Ташхис клиник белгилар ва қонда кўзгатувчининг топилишига қараб қўйилади.

Даволаш: флавакридин, пиро-плазмин (акарпин), азидин, сульфантрол ва б. дори-дармонлар қўлланилади.

Олдини олиш: Н. касаллигини тарқатувчи иксод каналарини йўқотиш.

**НУТҚ** — тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли. Н. деганда унинг оғзаки (овозли) ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси (хотирада сақланган ёки ёзувда қайд этилган нутқий фикрлар, асарлар) тушунилади.

Лингвистик назарияда Н. тушунчаси муайян тил жамоасида қабул қилинган ифода воситалари тизими ҳисобланган мавҳум тил тушунчасига ҳамда ижтимоий борлиқ (хаёт)нинг энг характерли кўринишларидан бўлган аниқ, бир қадар умумийроқ тил тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Бошқа одамлар хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга ахборот, хабар етказишга хизмат қиладиган асл Н. (ташқи

нутқ), яъни га-пириш, тил белгиларининг эшитиш аъзолари томонидан идрок қилинадиган (овоз ёзиб олувчи усқуналар ёрда-мида қайд этиладиган ва қайта такрорланадиган) артикуляцияси тарзида ёки ушбу белгиларнинг ёзувда шартли акс этиши тарзида юзага чиқади.

Асл нутқ («ташки нутқ») б-н бир қаторда ички Н. ҳам бор. У сўзловчи онгида билишга ёрдам берадиган турли хил масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга қаратилади. Ички Н. ташки Н. асосида, товуш ёки ёзув қўлланмаган ҳолда, фақат овозли Н.даги сўзлар ҳақидаги аниқ тасавурлар б-н кечадиган ак/шй жараёнлар тарзида амалга ошади. Ёзма Н. оғза-ки Н.дан бир қадар шаклланганлиги, сўзларнинг ўта синчковлик б-н танлаб олиниши, грамматик жиҳатдан аниқ, лекин мураккаб шаклланганлиги, оғзаки Н. учун хос бўлган оҳанг, мимика ва қўл ҳаракатларининг бевосита қўллана олмаслиги б-н фарқланади. Н.нинг монологик (қ. Монолог) ва диалогик (қ. Диалог) турлари мавжуд.

Н. алоқа-аралашув вазифасидан ташқари яна бошқа вазифалар, чунончи, поэтик вазифа ҳам бажариши мумкин. Н.нинг алоҳида кўриниши ўқишдир.

Ҳар бир кишининг Н.и. индивидуал, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади; ва-ҳолонки, асосий тил унсурлари — луғат таркиби ва грамматик курилиши яқка шахсларгагина тегишли бўлмай, умумникидир, яъни муайян тил жамоасига умуман тааллуқия бўлади. Н. киши та-фаққури, унинг онги б-н чамбарчас боғлиқдир. Н.да кишининг ўй-фикрлари шаклланади ва мавжуд бўлади. Н. туфайли ва Н. асосида борлиқни умумлашган ҳолда мавҳумий акс этириш, индивидуаллик доирасидан чиқиб, жамоатчилик маҳсулига айланадиган мантикий тушунчавий фикрлаш мумкин бўлади. Н. киши руҳиятининг бошқа жиҳатларини, унинг сезгилари, идроки, хотираси, ўй-хаёллари, ҳиссиёти, иродаси ва б.нинг намоён бўлиши ва амал қилишида, киши онгининг ривожланишида ҳам катта

аҳамиятга эга.

Н. қўлланиш соҳасига қараб бади-ий Н., илмий Н., расмий Н. каби шаклларга эга бўлади. Ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқлик, раволик, соддалик, таъсирчанлик Н.нинг энг муҳим белгилари бўлиб қолиши керак.

Абдувахоб Мадвалиев.

**НУТҚ АЪЗОЛАРИ**, нутқ аппарати — одам организмнинг нутқ товушлари ҳосил бўлишида қатнашадиган турли қисмлари. Тил, лаб, юмшоқ танглай, ҳиқилдоқ мусқуллари ва нафас мусқулатурасидан ташкил топган пе-риферик нутқ аппарати фаолиятини бош мия пўстлоғи бошқаради. Актив Н.а.га тил, лаб, юмшоқ танглай, пассив Н.а.га эса тишлар, қаттик танглай, бурун бўшлиғи қиради. Н.а. 3 қисмдан иборат: 1) нафас йўли — нутқ аппаратининг куйи қисми; 2) ҳиқилдоқ — нутқ аппаратининг ўрта қисми; 3) томоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари — нутқ аппаратининг юқори қисми. Нутқ аппаратининг куйи қисми (нафас йўли) товуш чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Нутқ аппаратининг юқори қисми — бўғиз ва томоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари муҳим Н.а. бўлиб, нутқ товушларининг ранг-баранг турларини ҳосил қилади.

**НУТҚ МАДАНИЯТИ**, нутқ одоби — 1) оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрлари (талаффуз, ургу, сўз қўллаш, грамматика, услубшунослик қоидалари)ни эгаллаш, шунингдек, турли алоқа-аралашув шароитларида тилнинг тасвирий воситаларидан нутқнинг мақсад фойдаланиш маҳорати; 2) тилшуносликнинг тилни маданият қуроли сифатида мукаммаллаштириш мақсадида меъёрлаштириш (тартибга солиш) муаммо ларини ўрганувчи бўлими. Ҳарб тилшу-нослигида умумий маънода «тил маданияти» термини ҳам қўлланади. 1-маънодаги «Н.м.» тушунчаси адабий тилни ўзлаштиришдаги икки бос-қични камраб олади: а) нутқнинг тўғрилиги ва

б. нутқий маҳорат. Н у -тқнинг тўғрилиги муайян тилда сўзловчилар ва ёзувчилар томонидан «идеал» ёки умум томонидан қабул қилинган ва анъанавий сақланиб келаётган одатлар, ибрат ва намуналар тарзида идрок этиладиган адабий меъёрларга амал қилишдир. Нутқий маҳорат эса нафақат адабий меъёрларга амал қилиш, балки ўзаро мавжуд бўлган вариантлардан мазмунан энг тўғри, энг аниқ, услуб ва вазият нуктаи назаридан энг мақбули ва ифо-далисини танлаб олиш маҳоратигидир (Мас, ака — ока — ако; келяпти — кевогги — келопти вариантларидан би-рининг адабий меъёр сифатида танла-ниши). Юксак Н. м. кишининг умумий юксак маданиятини, фикрлаш мадани-ятини, тилга нисбатан онгли меҳр-муҳаббатини намоён қилади.

Н.м. назариясининг асосий тушун-часи тил меъёридир. 2-маънодаги Н.м.нинг асосий вазифаси ижтимоий тил амалиётига фаол таъсир кўрсатиш макс-адида (тилнинг барча сатҳларида) объектив тил меъёрларини уларнинг барқарорлашган шаклларида, зиддиятла-рида, вужудга келувчи тамойилларида ва б.да ўрганишдир.

Замонавий Н.м. назарий ва амалий фан бўлиб, у тил амалиётига таъсир этиш макс-адида адабий тил тарихи, грамматика, услубшунослик ва б. тил-шунослик булимларининг ютуқлари ва хулосалари умуллаштиради. Н.м. на-зариясида адабий тил миллий тилнинг олий шакли деб эътироф этилади; ба-дий адабиёт тили ўзининг энг яхши намуналари б-н халқнинг маданият соҳасидаги ютуқлари ва анъаналарини мустаҳкамлайди ва бойитади.

Н.м. ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият, фан ва техника, маданий ва ада-бий ҳаёт ривожига б-н чамбарчас боғлиқ ҳолда таракқий этади. Жамият аъзолари-нинг маданий савияси орган сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, Н.м. қоидалари ва меъёрларига муво-фиқ ҳолда такомиллашиб боради. Н.м.нинг шаклланиши ва ривожланишида адаби-

ёт, санъат, радио, телевидение ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор. Айнқиса, адабий тилни меъёрлаштириш ва Н.м. назариясини ривожлантиришда лексико-графия, хусусан, изох^ли, имло, талаф-фуз, ўқув ва б. махсус луғатлар муҳим аҳамиятга эга.

15-а.даёқ ўзбек адабий тилининг Н.м. ва унинг ўзига хос меъёрлари бўлган — Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаётини ва ижодий фаолияти б-н ўз даври Н.м.га, нутқ одобига мислсиз ҳисса қўшган бўлса, кейинги даврда яшаган Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Гулҳаний, Нодира, Огаҳий, Фуркат, Муқимий ва б. шоир-ларнинг асарлари тилида ҳам ўша давр тили ва Н.м. маълум даражада акс эт-ган. «Яхши сўз — жон озиғи», «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин», «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», «Ҳар нени емак — ҳайвоннинг иши, ҳар нени демак — но-доннинг иши» каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг пай-до бўлиши ҳам ўзбек халқида Н.м. га ав-валдан эътибор кучли бўлганидан дарак беради.

Ўтган асрнинг 20-й.ларидан сўнг ўзбек тилининг Н.м. халқ тилига яқинлаштирилган миллий адабий тил меъёрларига асосланади. Бу меъёрларни шакллантириш ишига олимлар (Отажон Ҳошим, Т. Н. Қориниёзий, С. Иброҳи-мов, Олим Усмон ва б.), адибу шоирлар (Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Ой-бек, Ғафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ва б.) муносиб ҳисса қушдилар.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Йўлдош Со-лижонов.

**НУФАР**, сарик нилфия (Nyphar) — нилфиядошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми, экма гул. Кўп йил-лик, илдизпояси йўғон. Барги қалин, юраксимон, узун бандли, сув юзида су-зиб туради. Гули якка (диаметри 4—5 см), сарик, 10 га яқин (бошқа маълумот-ларда 25) тури бор. Асосан, Шим. ярим шарнинг мўътадил зонасидаги қўлларда 2 тури ўсади. Шундан сар и қ Н. (N.



luteum) Ўзбекистон сувларида ўсади. Илдизида алкалоидлар (нуфурин), таннидлар, крахмал бор. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

**НУФУС** - қ. Аҳоли.

**НУЦЕЛЛУС** (лот. nucella— ёнғоқча), уруғкуртак мағзи — уруғлиўсимликлар уруғкуртагининг марказий қисми (ядроси); қирққулоқсимонларнинг мегаспорангийига ўхшайди. Н. ичида мегаспорцит шаклланади ва унинг ядроси 4 та ядро ҳосил қилиб бўлинади, натижада 4 та мегаспора ривожланади. Шундан 3 таси нобуд бўлади, биттаси эса урғочи гаметофитга айланади. Баъзи гулли ўсимликларнинг 4 ядроли хужайраси 2 ядролига айланади ёки бутунлай бўлинмайди, гаметофит эса битта икки ядроли хужайрадан (иккинчиси ўлади) ёки 4 ядролидан вужудга келади. Уруғда сақланиб қолган Н. п е -риспеам деб аталади.

**НУШИЧ** (Нушип) Бранислав (1864.8.10 - Белград - 1938.19.1) - серб ёзувчиси, драматурги. Сербия ФА акад. (1933). 1915—18 й.ларда муҳожирликда яшаган. Ўткир ҳажвий асарларида Сербияда сиёсий тутуриксизликларни, сайловларнинг сохталигини, полиция бюрократизмини қаттиқ қоралаган («Халқ депутати», 1883; «Протекция», 1888; «Оддий киши», 1899 ва б.). «Рамазон оқшомлари» (1898, хикоялар тўплами), «Ташула» (1902) қиссаси шарқ экзотикаси мавзуйига ба-ғишланган. Н. «Бир минг тўққиз юз ўн бешинчи йил» (1916) асарида ватан-парварларнинг 1-жаҳон урушига на-фратини ифодалаган. «Мистер доллар» (1932), «Изтироб чеккан оила» (1935), «Доктор» (1936), «Мурда» (1937) комедиялари Н. сатирик истеъдодининг янги парвози бўлган. Н. ижоди ҳажвий ва юмористик пафосининг кучлилиги б-н жаҳон адабиётида муҳим ўрин ту-тади ва кўплаб ёзувчилар ижодига са-марали таъсир кўрсатиб келмоқда. Асарлари

ўзбек тилига таржима қилинган («Ғар-жимаи ҳолим», 1970; «Кикандон машма-шалари», 1981 ва б.).

**НУЭВОЛЕОН** — Мексиканинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 64,5 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 3,8 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Монтеррей ш. Штатнинг ғарбий ва жан. қисмини Мексика тоғлиги, кенг майдонларни платолар эгаллаган. Икклими тропик, киши қуруқ иклим. Ўртача ойлик т-ралар 15° дан 28° гача. Йиллик ёғин 300—600 мм.

Н.-Л. — Мексиканинг нисбатан ривожланган штатларидан. Саноати етакчи ўринда (мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 15%). Фойдали қазилма конларига бой. Саноатининг етакчи тармоғи — қора ва рангли металлургия. Металлсозлик ва кимё саноатлари ҳам ривожланган. Қ.х.да чорвачилик етакчи ўринда. Пахта экилади. Мевачилик ривожланган. Цитрус мевалар плантациялари бор. НУЭР (ўзларини наас деб аташади) — Жан. Судан (1,6 млн. киши, 1990- йлар ўргалари) ва Эфиопиянинг қўшни туманларида (100 минг киши) яшовчи нилотлар гуруҳига мансуб халқ. Тогонаас тилида сўзлашади. Анъанавий эътиқодларга амал қилишади. Асосий машғулотлари — яйлов чорвачилиги (зебу, қўй, эчки), деҳқончилик (маккажўхори, ловия, ер ёнғоқ, кунжут, тамаки), теримчилик, овчилик, балиқ. овлаш. Хунармандчилик соҳалари — темирчилик, кулолчилик, терини қай-та ишлаш, пальма барглари тўқиш.

**НУҚТА** — энг кўп қўлланадиган ва энг қад. тиниш белгиларидан бири (•); 11-а.да араб, матнларида ёзув белгиси сифатида пайдо бўлган. 19-а. гача униш вазифаси ва қўлланиши ҳоз. айна тиниш белгисиникидан тамомилла фарқ қилган. Ҳоз. ўзбек имлосида Н. қуйидаги ўринларда қўлланади: 1) дарак гаплар охирида (Қуёш ҳамма ёкни киздирмоқда); 2) орзу-истак, илти-

мос, ялиниш, даъват, ундаш, маслаҳат, огоҳлантириш каби мазмунни ифода-ловчи буйруқ гаплар охирида (Бугун эртарокборинг. Бизга овқат келтирсангиз. Майли, ўқинг бўлмаса, ҳамма эшитсин); 3) бош ҳарфлар ёки бўғинлар б-н кўрсатилган шартли қисқарт-малардан сўнг (С. Раҳимов; М. Т. Ойбек; ва ш.к.; ва б.); аббревиатураларда Н. қўйилмайди; 4) рақамлар ёки ҳарфлар б-н кўрсатилган нумеративлардан сўнг (1. А. 2. В. каби. Бунда нумеративдан кейин келади гаплар мустақилликка эга бўлиши шарт); 5) баъзан саналар рақам б-н ёзилганда, йил, ой, кунларни ўзаро ажратиш учун улар орасига қўйилади (2003 й. 19 окт.); 2000.14.VIII. (2000 й. 14 август) ва қ.к.

Ад.: Назаров К., Ўзбек тили пунктуацияси, Т., 1976.

**НУҚТА** (математикада) — геометриянинг асосий тушунчаларидан бири. Геометрияни изчил баён қилишда Н., одатда, бошланғич тушунчалардан бири сифатида қабул қилинади. Ҳоз. замон мат.сида ҳар хил фазоларни ташкил қиладиган турли элементлар Н. деб аталади (Мас, и-ўлчовли эвклид фазосида «-та сонлардан ҳосил бўлган тартибланган тўплам Н. деб аталади).

Мат.нинг кўп соҳаларида махсус ном б-н аталадиган Н.лар учрайди. Мас, геометрияда эгри чизикларнинг асосий нуқталари ўрганилади; қайтиш Н.си, як-каланган Н., эгилиш Н.си, бурчак Н.си. Тўплам назариясида каралаётган тўплам хоссаларини тавсифловчи Н. лар текширилади: лимит Н., чегаравий Н., зичлик Н.си, дифференциал тенгламалар ечимларининг махсус Н.лари ва ҳ.к.

**НУҚТАВОР** — нуқталар асосида яратилган нақш.

**НУҚТАЛИ ВЕРГУЛ** — устма-уст жойлашган нуқта ва вергулдан ташкил топган, икки унсурли тиниш белгиларидан бири (·). Ўзбекча матнларда 19-а. охирларидан қўллана бошлаган.

Ҳоз. ўзбек имлосида Н.в. қуйидаги ўринларда қўлланади: 1) боғловчисиз қўшма гап таркибида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлмаган гаплар орасида (Қаландаровнинг таклифи, шубҳасиз, ўтмайди; унда раиснинг обрўйи тушадди); 2) гапдаги уошиқ бўлақлар мураккаб бўлиб, улар маълум гуруқларга ажратилганда, шу гуруқлар орасида (Боғимизда шафтоли ва олма; қовун ва тарвузлар пишиб ётибди. Мажлисда талаба ва ўқитувчилар; муҳандис ва фаррошлар қатнашиши); 3) ярим қавс б-н ажратилган рақам ёки ҳарфлардан кейинги гаплар охирида (Ҳозирги асосий вазифа қуйидагилар: а) даре жад-валини тузиш; б) ўқитувчиларни огоҳлантириш; в) графикка риюа қилиш ва б.); 4) мураккаб (аралаш) қўшма гаплар орасида (Ер кўкармас, эл яшна-мас, бўлмаса кўк томчиси; Қайдан олеин шерьни шоир, бўлмаса илҳомчиси (А. Тўқай)].

Ад.: Назаров К., Ўзбек тили пунктуацияси, Т., 1976.

**НУХ** — Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, Аллоҳ Н.ни ўз қавмига пайғамбар қилиб юборган. Н. ўз қавми ичида узоқ умр кўрди, яъни 950 йил яшади (Анкабут сураси, 14-оят). Утурли илоҳларга, бутларга сиғинган қавмини тўғри йўлга бошлаб, фақат Аллоҳга ибодат қилишга даъват этди. Лекин қавм унинг сўзига кирмади, уни мас-хара қилди. Н.нинг даъватига ҳатто ўзининг хотини ва фарзанди ҳам ишон-мади. Шунда Н. Аллоҳдан ёрдам беришни, кофирларни жазолашни сўради (Шуаро сураси, 118—119-оятлар). Аллоҳ унинг илтижосини қабул этиб, Н.га кема ясашни ва барча жониворлардан бир жуфтдан олиб кемага жойлаштиришни буюрди. Кейин осмондан жуда кўп ёмғир ёғдирди, ернинг ҳамма томонидан ҳам сув чиқартирди. Осмон суви б-н ер суви қўшилиб улкан тўфон пай-до бўлди. Тўфонда барча кофирлар ҳдлок бўлди, фақат кемадагилар соғ қолдилар. Тўфон бошланишидан олдин Н.нинг фарзанд-

ларидан бири кемага чиқмади. Н.нинг оталик меҳри кўзгаб, ўғлини кемага чиқишга ундади. Аллоҳга куфр келтирган фарзанд эса отасига рад жавоб айтиб имон келтиришдан яна бош тортди ва тоққа чиқиб жон сақламоқчи бўлди, лекин у ҳам ҳалоқатга учради (Худ сураси, 45—47-оятлар). Сув пасайгандан кейин кема Жу-дий тоғи устида тўхтади. Кема тоғ те-пасига келиб тўхтаб, ер тўфон сувини ютиб битиргач, Аллоҳ Н.ни кемадан ерга тушишга буюрди. Н. ва унга имон келтирган кишилар кемадан тушишди. Бу замин Музил деган юрт эди. Қуръонда Н. киссасини баён қилувчи «Нух» сураси бор.

Ад.: Пайғамбарлар киссаси, Т., 1993.

**НУҲ ибн АСАД** (? — 841) — сомонийлардан бўлган Самарқанд ҳокими (820—841). Тоҳирийларц&n Абдулла ибн Тоҳир б-н бирга халифаликпш муста-қил сиёсат юрғизишга интилган, Ис-шаҳрий ва Ибн Ҳавқалларнннг ёзишича, халифа Муътасим (833—842) бундан норози бўлиб Абдулла ибн Тоҳирга нома юбориб, уни койиган. Абдулла бу хатни Самарқандга жўнатган. Н. ибн А. ўзининг жавобида Мовароуннаҳрда 300 минг кишлок борлигини, ҳар бир кишлок битта сарбоз ва битта навкар беришга кодир эканлигини кўрсатиб ўтади. Бу б-н у халифадан кўрқиб керак эмаслиги, чунки фақат Мовароуннаҳрнинг ўзигина 600 минг сарбоз ва навкардан иборат кўшин тўплай олишини билдирган. Бу даврда кўчманчи туркий қабилалар Шошга кўп хужум қилиб турарди. Шош Яхъё ибн Асад их-тиёрида эди. Унинг илтимосига кўра, Н. ибн А. 840 й. Исфижобнинг туркий қабилаларидан бўлган ҳокимига қарши кўшин тортган. Бу уруш Н. ибн А. нинг ғалабаси б-н тугаган. Балозурийнинг ёзишича, бу вақтда Н. ибн А. экинзорлар, токзорлар, боғлар, кишлоклар ва шаҳарларни кўчманчиларнинг хужумидан сақлайдиган қатта мустаҳкам девор куришни буюрган.

**НУҲ ибн МАНСУР**, амири Рашид (963 — Бухоро — 997) — Сомонийлар давлатининг амири (976—97), амир Мансур ибн Нухнпш ўғли. Отасининг вафотидан сўнг тахтга ўтирди (976 й. 26 сент.). Сиёсий ва ҳарбий соҳада ис-лохотлар ўтказган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Азиз вазир, Абулҳасан Сим-журий сипоҳсолор (бош кўмондон) бўлди. Сиёсий жараёнларда турк лашкарбошиларининг макеи кучайган. Н.ибн М.нинг лашкарбошиси Фойиқ Работи Малик яқинида бўлган жангда атайлаб енгилган ва қорахонийлар ҳукмдори Бугроҳон (Ҳорун ибн Мусо) Бухорони урушсиз ишғол қилган (992). Бироқ, Бугроҳон касаллик туфайли Қашқарга қайтиб кетаётганда йўлда вафот этган (992). Н. ибн М. Амул (Чор-жўй)дан қайтиб, Бухорони қайта эгаллаган. Бу пайтда Сомонийлар давлатига қарашли Хуросон Абу Али Симжу-рий (Абулҳасан Симжурийнинг ўғли) ва Фойиқ, Ғазна ва Ҳирот вилоятлари Сабуктегин кўлида бўлган.

Н.ибн М. б-н Сабуктегин ўртасида Кеш ва Нахшабда ўзаро учрашув бўлиб, унда Сабуктегин сомонийларни кўллаб-қувватлашга ваъда берган. Гар-дизийнинг ёзишича, Сабуктегиннинг 20 минг кишилик кўшини Абу Али Симжурий (997 й.в.э.) ва Фойиқ ас-карларига Ҳирот атрофида кучли зарбалар берган. Н.ибн М. Бухорога қайтган. Бироқ унинг Сомонийлар давлатини таназзулдан сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари ўз натижасини бер-мади. Қорахонийларнинг Бухорога 996 й. қилган хужумлари оқибатида Сабуктегин б-н Бугроҳоннинг вориси Наср Илоқхон ўртасида Н. ибн М.нинг иштирокисиз музокаралар ўтказилиб, сомонийларга Мовароуннаҳрнинг фақат маркази колдирилади.

Н.ибн М. саройида шоир Дақиций ижод қилган. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино 16 ёшида Н.ибн М.ни даволаб, ўша даврда Шарқдаги энг бой кутубхона саналган Сомонийлар давлатининг кутубхонасида мутолаа қилиш имкониятига

эга бўлган.

Ад.: Абу Са'ид Гардизи, Зайн ал-ахбар., Т., 1991.

**НУҲ ибн НАСР**, амири Ҳамид, Абу Муҳаммад (? — Бухоро — 954) — Сомонийлар давлатининг амири (943— 954), амир Наср II ибн Аҳмаднинг ўғли. Отаси 30 й. ҳукмронлик қилгач, тириклик пайтида тахтни унга топширган (943 й. 10 апр.). Бухоро крзиси, фикҳ илмининг билимдони Абулфазл Мар-вазий (946 й.в.э.) унинг вазири бўлган. Н.ибн Н. мамлакатда кенг ёйилган қар-матийлар ҳаракатини бартараф этиш чораларини кўрган. Мовароуннахрдаги бу ҳаракат раҳбари Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабийни Бухорода дорга остирди. Бирок Сомонийлар давлатининг молиявий аҳволи оғирлашганлиги учун у солиқ ва турли тушумларни кўпайтиришга мажбур бўлган. Мамлакатда исён ва ғалаёнлар кучайган. Наршахийнинг ёзишича, ҳатто унинг ама-киси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад Ироқдан келиб, Нишопур амири Абу Али Сағоний ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаб олган (947 й.). Орадан кўп ўтмай Н.ибн Н. Самарқанддан қайтиб, тахтни қайтариб олгач, марказий ҳокими-ятга қарши исён кўтарган қариндош-уруғларини жазолаган, Марвдаги исёнларни ҳам бостирган. Аммо у Абу Алини аввал Чағониён, сўнгра Хуросонга ҳоким қилиб (652) тайинлашга мажбур бўлган. Сомонийлар давлати инкирозини тўхтатишга ҳаракат қилган. Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асари (943—944)ни унга бағишлаган. Оғир ка-салликдан сўнг Бухорода вафот этган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1993.

**НУҲ ибн ЯЗИД ал-МАРВАЗИЙ** Абу Асома (? — 789/90) — ўртаосиёлик илк қомусий олимлардан бири. Марв ш.нинг крзикалони бўлган; турли фанларни пухта эгаллаганлиги туфайли ал-Жоме лақабини олган. У Марвда 4 та фан: ҳадисшунослик, фикҳ, араб тили

грамматикаси ва шеърятидан дарс берган. Самъонийнинг ёзишича, у Марвда биринчи бўлиб ҳанафия маз-ҳаби бўйича тўплам (жоме) тузган, Марвда ҳамда Хуросон ва Ироқнинг бошқа шаҳарларида кўплаб шогирдлари бўлган.

Ад.: Камолиддинов Ш. С, «Китобал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии, Т., 1993.

**НУҲУФТ** (форс. — яширин, хуфия) — Ўн икки мақом тизимидаги шўъба.

**НЬЮ...** (инг. new — янги) — инглизча кўшма сўзлар, асосан топонимларнинг биринчи қисми бўлиб, «янги» маъносини билдиради (Мас, Нью-Йорк, Нью-Дели).

**НЬЮ-БРАНСУЙК** - Канаданинг шарқий қисмидаги провинция, Атлантика океани соҳилида, Майд. 72,9 минг км2. Аҳолиси 756,6 минг киши (2002), аксари қисми француз-канадаликлар. Маъмурий маркази — Фредериктон ш. Аҳолисининг катта қисми шаҳарларда яшайди.

И.-Б.нинг ер юзаси қир ва паётте-кисликдан иборат. Худудининг 75% ўрмон. Фойдали қазилмалардан мис, никель, кўрғошин, рух, кумуш рудалари конлари бор. Ёғоч тилиш, целлю-лоза-қоғоз саноати ривожланган.

Н.-Б. худудига дастлаб, 1604 й.да французлар бориб ўрнашган. 1794 й.дан Буюк Британия мустамлакаси, 1867 й.дан Канада таркибига кирган.

**НЬЮ-ЖЕРСИ** - АҚШнинг шарқий қисмидаги штат. Майд. 20,16 минг км2. Аҳолиси 8,6 млн. киши (2002), 89% ша-ҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Трентон ш. Йирик шаҳарлари: Ньюарк, Жерсисити, Н.-Ж.нинг кўп қисми Атлантика бўйи пасттекислигида, шим. қисми Аппалачи тоғлари этакларида. Иқлими мўътадил, сернам. Январнинг ўртача т-раси Гдан —5° гача, июлни-ки 22-24°.

Н.-Ж. — АҚШнинг аҳолиси энг зич ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган штатларидан. Ишлаб берувчи саноат етакчи ўринда. Тўқимачилик, рангли металлургия, силикат-керамика, ти-кувчилик корхоналари бор. Боғдорчилик ривожланган. Н.-Ж. худуди орқали АҚШнинг йирик шаҳарларини боғловчи т.й. ва автомобиль йўллари ўтган.

**НЬЮ-ЙОРК** — АҚШнинг энг катта саноат, молия, савдо-транспорт ҳамда сиёсий ва маданий маркази, дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири. Атлантика океани соҳилида, Гудзон дарёсининг қуйилиш жойида. Шаҳарнинг марказий қисми Манхаттан о.да жойлашган. Иқли-ми мўътадил, сернам икдим; янв.нинг ўртача т-раси 7°, июлники 23°. Йиллик ёғин 1000 мм. Майдони (шаҳарнинг муниципаль чегараси доирасида, сув ҳавзаларисиз) 953 км<sup>2</sup>. Аҳолиси 8 млн. киши (2001). Н.-Й.нинг амалда қўшилиб кетган шаҳарлар ва шаҳар атрофи б-н бирга майд. 27 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 19 млн. киши. Шаҳар аҳолисининг қўпчилиги асли европалик, осийлик ва африкаликлар, хусусан, 15% коратанлилар, 14% келиб чиқишига кўра италянлар, 12% пуэрториканлар ва б.дан иборат. Н.-Й. 5 та шаҳар р-нига бўлинган. Шаҳарни мэр, муниципаль кенгаш ва ҳисоблар бошқармаси идора қилади. Мэр ахоли томонидан 4 й. га сайланади. Илк бор Манхаттан о.га 1613 й.да голландлар келиб ўрнашган. Шаҳарга 1625 й.да асос солинган. 1626 й.дан Янги Амстердам деб аталган. 1664 й.да Янги Амстердамни инглизлар босиб олиб, герцоғ Йоркский шарафига Н.-Й. деб атаганлар. 1785—90 й.ларда Н.-Й. АҚШнинг муваккат пойтахти. Шаҳарда БМТ ва б. халқаро ташкилотларнинг штаб-квартираси жойлашган.

Н.-Й. — АҚШда энг катта, дунёда энг йирик денгиз портларидан. Четдан келтириладиган юклар (нефть, тропик ўсимликлар маҳсулоти, хом ашё, саноат буюмлари) четга чиқариладиган

юклар (саноат буюмлари, озиқ-овқат) дан 3 марта кўп. Мамлакат ташки савдо айланмасининг 1/4 қисми Н.-Й. орқали ўтади. Шаҳарда фонд биржаси, банк, суғурта жамиятлари, саноат ва б. корпорацияларининг бошқармалари жойлашган. 3 та катта халқаро аэропорт мавжуд. Тикувчилик ва полиграфия саноатлари салмоқли ўрин тутди. Машинасозлик ва металлсозлик (жумладан, электротехника, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, авиаракетасозлик, оптика-механика), кимё ҳамда галантерея ва заргарлик буюмлари и.ч. ривожланган. Нефтни қайта ишлаш, рангли металлургия, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Шаҳарнинг айрим қисмларини 60 дан ортиқ кўприк, бир нечта автомобиль туннели (умумий уз.

370 км) ва йўловчилар ташиш паромлари бирлаштириб туради. 1868 й.дан метрополитен ишлаб турибди.

Н.-Й.да 6 ун-т, 40 дан ортиқ коллеж, ФА ва б. академиялар, ин-тлар, йирик кутубхоналар, музейлар, 70 дан ортиқ театр бинолари, Филармония зали, консерватория, концерт заллари ва б. бор.

Н.-Й.да италянлар, яхудий, хитой ва б. миллатга мансуб аҳолининг кўча ва кварталлари мавжуд. Шаҳар 19-а. бошидан тўғри бурчакли режа асосида шакллана бошлади. 19-а. ўрталарига келиб, улкан шаҳарга айланди. Энг катта кўчалардан бири — Бродвей (уз. 29 км). 19—20-а.ларда кўп қаватли баланд бинолар қурила бошланди. 20-а. ўрталарига келиб Н.-Й. уз. 200 км келадиган ва бир-бири б-н туташиб кетган улкан шаҳарлар тўдасига айланди. 17—18-а.ларда қурилган бинолардан ратуша (1803—12), Тринити-Чёрч черкови (1839—46), катта муҳандислик иншо-отларидан Бруклин кўприги (1869—83) ва б. сакланган. Кўп қаватли бинолардан Эмпайр стейт билдинг (102 қават, 1930—31), БМТ штаб-квартираси биноси (1947—52), Халқаро савдо маркази (2 та 110 қаватли минора, бал. 412 м; 1971—73; 2001 й. 11 сент. да террорчилар томонидан портлатилган) ва

б. Йирик кўприклари: Жорж Вашингтон ва Веррацано-Норроус. Муҳим ёдгорликлари: Озодлик хайкали, Вашингтон арки.

**НЬЮ-ЙОРК** — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Атлантика океани соҳилида (Лонг-Айленд о. ҳам Н.-Й. таркибида), Канада б-н чегарадош. Майд. 127,2 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 19,2 млн. киши (2002); 84% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Олбани ш. Йирик шаҳарлари: Нью-Йорк, Буффало, Рочестер, Сиракьюс. Штат худудининг кўп қисмида Аппалачи тоғ тизмалари (энг баланд жойи 1628м) жойлашган. Иклими мўътадил, сернам иқлим. Январнинг ўртача т-раси 0—8°, июлники 20—23°. Йиллик ёғин 800—1000 мм. Йирик дарёлари: Гудзон, Санлаврентий. Ўрмонлар бор.

Н.-Й. — АҚШнинг иктисодий жиҳатдан энг ривожланган ва аҳолиси зич штатларидан. Саноат маҳсулоти и.ч. ва савдо айланмаси бўйича АҚШда 1-ўринда. Қ.х.нингетакчи тармоқлари сут чорвачилиги, паррандачилик, сабзавотчилик, тоқчилик.

Н.-Й. худудини 17-а. бошида голландлар босиб олган. Штатнинг маҳаллий аҳолиси кириб ташланган. 1664 й.да Н.-Й.ни инглизлар эгаллади. 1776 й.да Н.-Й. АҚШни тузишда қатнашган дастлабки 13 штатдан бири бўлган.

**«НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС»** («New-York Times» — «Нью-Йорк вақти») — АҚШнинг йирик кундалик газетаси. Нью-Йоркда чоп этилади. 1951 й.да асос солинган. Дастлаб 4 саҳифали нашр кўринишида бўлган. 1997 й. 15 июндан рангли тарзда чоп этила бошлади. 2000 й. сентябрида «Н.-Й.т.» оддий иш кунлари 1,1 млн., якшанба кунлари 1,7 млн. нусхада чоп этилган. Йирик монополистик капитал манфа-атларини акс эттиради. АҚШнинг энг нуфузли, маълумот-ахборотларга бой газ.ларидан. Расман мустақил деб ҳисоблансада, асо-

сан, Демократлар партиясини қўллаб қувватлайди. Париж ва Лима (Перу)да ҳам чоп этилади.

**НЬЮКАСЛ** — Австралиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Янги Жан. Уэльс штатида. Тасман денгизи соҳилидаги порт. Аҳолиси 479,3 минг киши (1999). Австралиядаги йирик кумир ҳавзаси маркази. Қора металлургия, кема-созлик, автомобилсозлик, кимё сано-ати корхоналари, ун-т бор. Н. порти орқали четга кўмир чиқарилади.

**НЬЮКАСЛ** — Буюк Британиядаги шаҳар, Англиянинг шим.-шарқий қисмида. Тайн-энд-Уир метрополитен графлигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 283,5 минг киши (1990-й.лар охири). Транспорт йўллари тугуни. Тайн дарёсининг Шим. денгизга қуйилиш жойидаги порт. Мамлакатнинг савдо-молия ва саноат марказларидан. Кема-созлик ва кема таъмирлаш, электротехника саноати корхоналари, ун-т, фан ва техника музейлари бор. Меъморий ёдгорликларидан 12—19-а.ларда қурилган рагуша, қаср, собор, темир кўприк ва б. сақланган.

**НЬЮКОМ** (Ньюкомб, Newcomb) Саймон (Симон) (1835.12.3, Уоллис, Янги Шотландия — 1909.11.7 Вашингтон) — америкалик астроном. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1869), Лондон киролик жамияти аъзоси (1877), Петербург ФА фахрий аъзоси (1896). Гарвард ун-тини битирган (1858) Асли канадалик, 1853 й. АҚШ га кўчиб ўтган. Асосий илмий ишлари катта сайёралар харакатини ўрганишга, астрономик доимийларни аниқлашга, юлдузларнинг аниқ вазиятларини белгилаб берувчи каталоглар тузишга оид. Аберра-цион ваكت, нутация ва прецессия доимийларининг Н. томонидан топилган сон қийматлари ҳозир ҳам қўлланилади. Н. моҳир фан тарғиботчиси ҳам бўлган. Унинг машҳур «Умумий маънодаги астрономия», «Ҳаммабоп астрономия» китоблари нашр қилинган.

**НЬЮ-МЕКСИКО** - АҚШнинг жангарбий қисмидаги штат. Мексика б-н чегарадош. Майд. 314,9 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1,85 млн. киши (2002), 73% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Альбукерке ш. Штатнинг маркази Кр-яли тоғлар (энг баланд жойи 4000 м), ғарби Колородо платоси, жан.-шарқи Льяно-Эстакадо платоси б-н банд. Иклими субтропик, куруқ иклим. Ўртача т-ра июлда 23°, янв.да Г. Йиллик ёғин 250—500 мм. Энг катта дарёси — Рио-Гранде.

Н.-М. АҚШнинг аҳолиси сийрак штатларидан. Уран рудаси қазиб чиқаришда етакчи ўринда. Калий тузлари, нефть, табиий газ, мис, кўрғошин, рух, олтин, кумуш, ванадий конлари бор. Саноатининг етакчи тармоқлари: рангли металлургия, озик-овқат, нефтни қайта ишлаш. Атом энергиясини ўрганиш марказлари бор. Қ.х.да яйлов чорвачилиги асосий ўрин тутати. Н.-М. худудини 16-а.да испанлар босиб олган. 1821 й.да Мексика таркибига қўшилган. 1848 й.дан АҚШ босиб олган. 1912 й.дан АҚШнинг 47-штати.

«**НЬЮМОНТ МАЙНИНГ**» (инг.-янги тоғ конлари) — жаҳондаги олтин қазиб чиқарадиган ва сотадиган йирик корпорация. Марказий бошқарув идораси АҚШнинг Колорадо штата Денвер ш.да. «Н.М.» 1921 й.да АҚД1нинг Делавер штатида таъсис этилган. Фаолиятининг дастлабки йилларида фойдали қазилмаларни (асосан, никель, мис, кумуш, олтин, кумир ва б.) қидириш, кdziб олиш ва и.ч. б-н шуғулланган.

20-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб корпорация олтин и.ч.га ихтисослашган. 2002 й.да бир йилда олтин и.ч. ҳажмини 270 т га, мис и.ч.ни 8 млн. т га ет-қазиб, дунёда 1-ўринга чиқиб олди. Корпорация ўз фаолияти давомида и.ч.ни кенгайтиришга, янги конларни қидириб топишга, рудадан ажратиб олинадиган олтин миқдорини кўпайтиришга, ишлатиладиган техника ва технологияни такомиллаштиришга

катта эътибор беради. Нагижада 1 унция (31,4 г) олтин и.ч. таннархини жаҳондаги энг паст миқдорга — 175 долларга пасайтиришга эришди. Корпорация конлари АҚШнинг Шим. Невада ва Калифорния штатлари, Перу, Индонезия, Австралия, Мексикада жойлашган. Ўзбекистонда «Зарафшон—Ньюмонт» кўшма корхонасини ташкил этган.

«Н.М.» ҳар йили жаҳон бозорида 1,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида олтин сотади. Жами ишчиҳизматчилар сони 10 мингдан зиёд.

**НЬЮТОН** (Newton) Исаак (1643.4.1, Вулсторп — 1727.31.3, Лондон; Вестминстерда дафн этилган) — инглиз олими, ҳоз. замон табиатшунослиги асосчиларидан бири. Лондон Қироллик жамияти азоси (1672 й.дан) ва унинг президенти (1703 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1665). Илмий ишлари учун унга лорд унвони берилган (1705).

Н. механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратди, бутун олам тортишиш қонунини очди, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқди, кўзгули телескопии кашф қилди. У оптикага оид муҳим экспериментал ишлар муаллифи. «Ёруғлик ва рангларининг янги назарияси» асарида (1672) ёруғликнинг корпуску-ляр тузилиши ҳақидаги гипотезани илгари сурган. Н. «Оптика» асарида (1674) ёруғлик аберрацияси, интерференция, ёруғликдаги дисперсия, дифракция, ёруғликнинг кутбланиши ва б. ҳоди-саларни ёритган. У биринчи бўлиб ёруғликнинг тўлқин узунлигини ўлчаган. Н. «Натурал философиянинг математик негизлари» («Негизлар»; 1687) Н.нинг энг муҳим илмий асари ҳисобланади. У бу асарида ўзидан илгари ўтган олимлар (Г.Галилей, Р.Декарт, И.Кеплер, Х.Гюйгенс, Р.Гук, Э. Гатей ва б.) ҳамда ўзи эришган илмий натижаларни умумлаштирган ва классик физиканинг асоси бўлган Ер ва осмон механикаси системасини яратган ва осмон жисмларининг ҳаракат назариясини

ишлаб чиққан; классик механиканинг асосий тушунчалари — массаси ва зичлигига эквивалент бўлган материя микдорига; импульсига эквивалент бўлган ҳаракат микдорига ва кучнинг ҳар хил турига таъриф берган; ўзининг 3 машҳур «аксиома ёки ҳаракат қонунлари»: инерция қонуни (Н.нинг биринчи қонуни), таъсир ва акс таъсир қонуни (учинчи қонуни)ни таърифлаган.

Н. барча сайёра ва кометаларнинг кўёшга, йўлдошларнинг эса сайёраларга улар орасидаги масофа квадратага тескари бўлган куч б-н тортишишини асослаб берган. У бутун олам тортишиш қонунидан Кеплер қонунлари келиб чиқишини исботлаган. Н. бу асарида Ой ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини тушунтирган, шунингдек, Ер шакли ва унинг ҳаракатига оид хусусиятларни аниқлаган. У гидростатика ва гид-родинамиканинг баъзи масалаларини қайта ишлаб чиққан; муҳит (газ ва су-юқлик)даги жисм ҳаракатини шу муҳитнинг аралашуви таълиғига боғлиқ ҳолда текширган.

Н. илгари сурган табиатшунослик масалалари бутунлай янги математик усулларни ишлаб чиқишни талаб этарди. У дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиққан, дифференциал ва интеграл ҳисобнинг ўзаро тескари характерга эга эканлигини кашф қилган, чексиз қаторлар соҳасида янгилик яратган. Н. ва ундан мустақил равишда Г.Лейбниц томонидан яратилган дифференциал ҳисоб ва интеграл ҳисоб мат. тараққиётида янги босқич бўлди. Н. Ньютон биноми формуласини ихтиёрий кўрсаткича умумлаштирган, ҳисоблаш мат.си соҳасида тенгламаларни тақрибий ечиш усули ва интерполяция формуласини топган. Унинг алгебра ва геом.га оид бошқа ишлари ҳам муҳим. Н. физика ва кимёнинг кўп соҳаларига катта таъсир кўрсатди. Баъзи оптик ва кимёвий ҳодисаларни тушунтиришда Н. механик моделлардан фойдаланди.

Ад:Вавилов С. И., Исаак Ньютон, М.,

1961.

**НЬЮТОН** — Халқаро бирликлар тизими СИ да куч ва оғирлик ўлчов бирлиги: Н б-н белгиланади. 1 кг массали жисмга 1 м/с<sup>2</sup>тезланиш бера оладиган кучга тенг. И. Ньютон шарафига қўйилган.

**НЬЮТОН БИНОМИ** - икки қўшилувчи йиғиндисининг ихтиёрий бутун мусбат даражасини қўшилувчилар даражалари йиғиндисини кўринишда ифодаловчи формула. Биномиал коэффициентлари арифметик учбурчак ташкил қилади.

Н.б. формуласи И. Ньютондан анча аввал ҳам маълум бўлган. Мас, Умар Хайём (11 — 12-а.лар), Жамшид Коший (14—15-а.лар) биномиал коэффициентларни ҳисоблаш қондасини билганлар. И. Ньютон эса бином ёйилмасини ихтиёрий кўрсаткич учун умумлаштирган. Н.б. математик анализ, сонлар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва б. соҳаларда муҳим аҳамиятга эга.

**НЬЮТОН СУЮҚЛИГИ** - И. Ньютоннинг қовушқоқ ишқаланиш қонунига мувофиқ оқадиган қовушқоқ суюқлик. Ламинар оқимда  $h=P/Q$  қовушқоқлик-ка эга бўлади, бунда, P — оқиш, сил-жиш тезлиги, Q — ламинар оқим тезлиги градиенти, h — суюқлик молекуляр табиғига боғлиқ физик-кимёвий доимий катталиқ. Суюқ ҳолатдаги барча молекуляр моддалар, уларнинг аралашма ва эритмалари (сув, металл эритмаси, тузлар, шиша ва ҳ.к.) Н. ега қиради. P ва Q катталиқлари кичик су-юқликлар Н.с бўлмайди, бундай суюқликларга полимерлар эритмаси, юм-шаш т-расидаги шиша ва ҳ.к. қиради.

**НЬЮТОН ҲАЛҚАСИ** - шиша пластинканинг ясси сиртига тегиб турган ясси-қаварик, линзадан ўтаётган ёруғликнинг қайтиши (синиши) дан ҳосил бўлган интерференцион ҳалқасимон йўллар. Биринчи марта 1675 й.да И. Ньютон кашф қилган. Ҳалқалар диаметри катта-



лашган сари уларнинг зичлиги ортади ва ҳалқалар полосаси кенглиги, яъни икки қўшни ҳалқа орасидаги масофа кичиклашади (1-расм). Н.х. махсус микроскопда кузатишган.

Микроскоп столида ясси шиша пластинка жойлашган, унинг устига эгрилиги кичик қавариқ линза қўйилган. Микроскопда шиша пластинка текислигига перпендикуляр йўналишда кузатиш олиб борилади. Манба L дан чиқаётган ёруғлик шиша пластинка текислигига перпендикуляр тушиши учун MM шиша пластинкани микроскоп ўқиға 45° бурчак остида қўйилади. Шундай қилиб, интерференцион манзара шу шиша пластинкадан кузатилади. Пластинка Н.х.ни кузатишга ҳалакит бермай-ди, чунки ундан етарли даражада ёруғлик ўтади. Н.х. сферик ва ясси сиртларнинг шаклини тўғрилашни текшириш ва б.да қўлланилади.

**НЬЮТОННИНГ МЕХАНИКА ҚОНУНЛАРИ** — классик механика асосини ташкил қиладиган учта қонун. И. Ньютон томонидан таърифланган (1687). Биринчи қонун — ҳар қандай жисмга ташқи куч таъсир қилмагунча у ўзининг тинч ҳолатини ёки тўғри чизикли текис ҳаракатини саклайди (қ. Инерция қонуни). Иккинчи қонун — ҳаракат миқдори (жисм массаси б-н тезланиши кўпайтмаси) нинг ўзгариши жисмга таъсир қилувчи кучга пропорционал, йўналиши эса таъсир этади. Учинчи қонун — икки жисмнинг ўзаро таъсир кучи бир-бирига тенг, йўналиши эса қарама-қарши бўлади (қ. Таъсир ва акс таъсир қонуни). Н.м.к. Г.Галилей, Х.Гюйгенс, Р./укҳамда И.Ньютоннинг ўзи ўтказган кўплаб кузатишлар, тажрибалар ва назарий тадқиқотлар натижасида пайдо бўлган. Н.м. қ. элементар зарралар ва тезлиги ёруғлик тезлигига яқин моддалар учун ўринли эмас.

**НЬЮТОННИНГ ТОРТИШИШ ҚОНУНИ** — қ. Бутун олам тортишиш қонуни.

**НЬЮФАУНДЛЕНД** - Атлантика океанидаги орол. Шим. Американинг ша-рқий қирғоқлари яқинида, Канадага қарашли Ньюфаундленд провинцияси таркибида. Майд. 111 минг км<sup>2</sup>. Ер юзаси тўлқинсимон текислик. Айрим те-паликларининг бал. 200—300 м, энг баланд жойи 814 м. Кўл ва ботқоқлик кўп. Н. материкдан антропоген даврида ажралган. Иқлими мўъттадил, денгиз иклими. Январнинг ўртача т-раси —4° дан — 10° гача, июлники 10—15°. Йилига 750—1500 мм ёғин ёғади. Н., асосан, игна баргли ўрмонлар б-н қопланган. Гро-Морн ва Терра-Нова миллий боғлари ташкил этилган. Балиқ овланади, ёғоч тайёрланади. Бош шаҳри — Сент-Жонс. Н. сохилларига дастлаб европаликлардан 11-а.да норманнлар борганлар.

**НЬЮФАУНДЛЕНД** - Канаданинг шарқий қисмидаги провинция. Атлантика океани соҳилида. Ньюфаундленд о. ва Лабрадор я.о.нинг шим.-шарқий қисмида. Майд. 405,2 минг км<sup>2</sup>. Ахрлиси 513,6 минг киши (2002), 54% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази ва энг катта порти — Сент-Жонс ш. Н.нинг ер юзаси сертепа текислик. Даре ва кўл кўп. Худудининг катта қисми ўрмон, шим. тундра. Хўжалиги экспорт маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган. Темир рудаси, кўрғошин, рух ва мис казиб олинади. Целлюлоза-қоғоз, нефть кимёси, транспорт машинасозлиги, озик-овқат (хусусан, балиқни қайта ишлаш) саноатлари ривожланган. Қ.х. ёрдамчи аҳамиятга эга. Н.га 11-а.да дастлаб норманнлар борган. 1497 й.да у ерда инглиз экспедицияси бўлган. 1713 й.дан Н. Англия муштамакаси. Маҳал-лий аҳоли (индейс ва эскимослар) жуда кам қолган. 1917 й.дан доминион, 1949 й. мартдан Канада таркибидаги провинция.

**НЬЮ-ХЭМПСИР** - АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Янги Англияда, Канада б-н чегарадош. Майд.

24,03 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 1,27 млн. киши (2002), 51% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Конкорд ш. Энг катта шаҳри — Манчестер. Н.-Х. майдо-нининг катта қисмида Аппалачи тоғлари жойлашган, шим.-шарқида Оқ тоғлар бор. Йирикдарёлари: Мерримак ва Коннектикут. Кўл кўп. Игна баргли ўрмонлар бор.

Машинасозлик, кўн-пойабзал, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, кемасозлик саноатлари ривожланган. Иссиқлик электр ст-ялари ва ГЭСлар бор. Қ.х. товар маҳсулотининг катта қисмини сут чорвачилиги ва паррандачилик беради. Деҳқончиликда ем-хашак экинлари, сабзавот экилади. Туризм ривожланган.

Штат ҳудудига европаликлар 1623 й.дан бориб урнаша бошлаган. Н.-Х. АҚШни тузишда қатнашган дастлаб-ки 13 штатдан бири.

**НЬЮ-ХЕМПШИР** — гушт ва тухум учун боқиладиган товукзоти. 20-а. бошларида АҚШ (Нью-Хэмпшир штати)да Ред-айланд товук зотидан танлаш йули б-н яратилган. 1935 й.да Америка мукамаллик стандартига киритилган. Пати тилларанг-сарик ёки оч жигар-ранг. Товуклари тез етилади. Хўрозларининг вазни 3,2—3,5, товуклариники 2,6—2,7 кг, йилига ўртача 180—190 тухум қилади. Тухуми вазни 60—62 г, пучоги сарғимтир-жигаранг. Купгина мамлакатлар (Германия, Голландия, АҚШ)да Н.-х. б-н Леггорн зотини чапиштириб, йилига 280—310 дона тухум қиладиган жигаранг патли кросслар яратилган (ломанн-браун, хайлайн ва б.). Ўзбекистон паррандачилик хужаликларида ломанн-браун кросси товукларинингтухумлари келтирилиб купайтирилмоқда (2003).

**НЬЯМВЕЗИ** (узларини ваньямвези деб аташади) — Танзаниядаги халқ. Кардош сукума ва ньятурулар б-н биргаликдаги умумий сони 4,5 млн. киши (1990-й.лар урталари). Анъанавий диний эътиқодларга риоя этишади, сунний

муслмонлар ва христианлар (асосан, католиклар) бор.

**НЬЯНКОЛЕ** (хима) — Угандадаги бангу гуруҳига мансуб халқ. 1,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), Анъанавий диний эътиқодларга риоя этадилар, христианлар ҳам бор.

**НЬЯСА**, Малави — Африкадаги кўл. Мозамбик, Танзания ва Малави худудларида. Шарқий Африка ёриқлар зонасидаги тектоник ботиқда, 427 м баландликда жойлашган. Майд. 30,8 минг км<sup>2</sup>, уз. 580 км, эни 80 км гача, энг чуқур жойи 726 м. Шим. ва шим.-шарқий қирғоқлари баланд, тик ва қояли, жан. — паст. Кул Шире дарёси орқали Замбези дарёсига оқади. Балиққа бой (230 дан ортиқ тури, купи эндемик), тимсох, каркидон яшайди. Балиқ, овланади. Кема қатнайди. Кул соҳилида Нкота-Кота, Каронга, Бандаве, Мвая, Мбаиба-Бей, Кобве, Метангула йирик порт ш.лари жойлашган. Кул атрофи миллий боғ таркибида.

**НЬЯЯ** (санскритча — мантиқ) — ҳинд фалсафасидаги 6 ортодоксал (ведаларни эътироф этадиган) тизимлардан бири. Ҳинд файласуфи Готама (тахм. мил. ав. 2-а. — мил. 2-а.) асос солган. Н. марказида билиш назарияси ва мантиқ масалалари туради. Мантикий хулоса чиқаришнинг 5 қисмли усулини ишлаб чиққан. Н.нинг мантикий реализ-ми уни вайшешика атомистик таъли-моти б-н яқинлашиб, бирлашишга олиб келган. Буддизм билиш назарияси (мадхьямика) нинг скептицизмга қарши чиққан.

**НЭШ** (Nash) Жон (1928.13.6, Блуфильд, Фарбий Виржиния) — америкалик иқтисодчи. Массачусетс технология ин-ти проф. (1951—59), Принстон ун-ти математика ф-ти проф. (1959 й.дан). Н. уйин назарияси ва мувозанатлик назариясига бағишланган ишлари б-н танилган. У умумий уйин назариясига нокоопера-

тив уйинлар концепциясини киритди. Бу концепция рақобат, олигополия, саноатни ташкил этиш назарияси, шунингдек, иқтисодий сиёсатни таҳлил қилишнинг макроиқтисодий назариясида кенг қулланилади. Нобель мукофоти лауреати (1994; Ж. Харшаньи ва Р. Зелтен б-н бир-галикда).

**НЮ** (франц. пи — яланғоч) — тасвирий санъатнинг яланғоч, кўпроқ аёл танасини тасвирловчи жанри. Уйғониш даврида мифология, аллегория (мажоз), тарихий ва маиший жанрлар соҳасида юзага келган. Жоржоне, Тициан, Коррежо ва б.нинг асарларида яланғоч аёл танаси тасвири оркали италян инсонпарварларининг аёл гўзаллиги ҳақидаги тасаввурлари ифода этилган. Жанр сифатида 17-а.да шаклланган.

П.П.Рубенс асарларида бароккога хос хашамдор шакллар, ёш гўзалнинг ҳаётий нафосати акс этган. Веласкеснинг «Венера кўзгу б-н» (1651) асарида аёл танаси асосий мавзуга айланса, Рембрандтнинг «Сувга тушаётган аёл» (1655) асарида аёл нозик маиший ҳолатда тасвирланади. Г. Курбе асарларида мифологик асосдан воз кечади, О. Ренуар асарларида яланғоч аёл манзара б-н уйғунликда (нур ва ҳавога чўмилаётгандай) тасвирланади. Н. намуналаридан бири — А.С. Белолли (1820—1881) нинг «Чўмилаётган аёл» асари (1870) Ўзбекистон санъат музейида сақланади. 20-а. тасвирий санъатида Н. ривожини янги ифода воситалари излаш б-н боғлиқ бўлиб (П. Пикассо, А. Модильяни ва б.), бу образлар таъсирчанлигини оширди.

**НЮРНБЕРГ** — Германиядаги шаҳар, Бавария ерида. Пегниц дарёси ва Людвиг канали бўйида. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Аҳолиси 486,4 минг киши (1999). Мамлакатнинг йирик саноат марказларидан. Аэропорт бор. Майн-Дунай каналидаги порт. Электротехника, станоксозлик, аник, механика, кимё, тўқимачилик, кўн-тери, озик-

овқат, ёғочсозлик, полиграфия саноати ривожланган. Амалий техника ва тасвирий санъат академиялари, ун-т, и.т. марказлари, опера ва драма театрлари, музейлар (жумладан, ўйинчоқлар музейи) бор. Меъморий ёд-горликлар сақданган. Метрополитен қурилган.

Н. қўлёмаларда 1050 й.дан тилга олинган. 1219 й.дан эркин шаҳар. 14—15-а.ларда хунармандчилик ва савдонинг йирик маркази. 1806 й.дан Бавария қироллиги таркибида. 1945-46 й.ларда Н. да Халқаро ҳарбий трибунал 2-жаҳон урушининг бош айбдорлари иши юзасидан суд жараёни ўтказган.

**НЮРНБЕРГ СУД ЖАРАЁНИ** - асосий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан ўтказилган суд жараёни. Нюрнберг ш. (Германия)да 1945 й. 20 нояб. — 1946 й. 1 окт.да бўлиб ўтган. Фашистлар Германиясининг олий давлат ва ҳарбий арбоблари жавобгарлик-ка тортилган. Н.с.ж.да национал-социалистлар партиясининг раҳбар таркиби ва бу партиянинг соқчи отрядлари (СС), хавфсизлик хизмати (СД), давлат махфий полицияси (гестапо) жи-ноятчи деб топилган. 12 киши (Г. Геринг, Э. Кальтенбруннер, А. Йодль ва б.) ўлимга, 7 киши узок, муддатли ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Тарихда 1-март Н.с.ж.да агрессия инсониятга қарши энг оғир жиноят эканлиги эътироф этилди. Суд жараёнини иттифокчилар томонидан тузилган Ха-лқаро ҳарбий трибунал амалга оширди.

**НЯНЬХАО** (хитойча) — Хитойда йил ҳисоби шаклидан бири, император ҳукмронлиги «шиори». Мил. ав. 141 й. охири —140 й. бошидажорий қилинган. Мил. 536 й. йил ҳисобининг бу шакли Кореяда (корейсча — нёнко), 644 й. — Вьетнамда (вьетнамча — намхао), 645 й. — Японияда (японча — нэнго) пай-до бўлган. Н. баъзан бир император ҳукмронлиги даврида бир неча бор ўзгарган, зеро шиорнинг алмаштирилиши салтанатни янада бахтлироқ қилади

деб ҳисобланган. Хитойда Н.нинг бот-бот ўзгариб туриши қад. замонлардан то 17-а.гача давом этган. Японияда бир император даврида шиорларнинг тез-тез ўзга-риб тургани 13—15 ва 19-а.ларда содир бўлган. Хитойдаги Цин сулоласи даврида х.ар бир императорнинг биттадан шиори бўлган. Н., одатда, рамзий маъно касб этган, Мас, Мин сулоласи императори Чжуди (Тай Цзун) [1402/3—24] нинг Н.си Юнлэ, яъни Абадий қувонч деб аталган, Японияда Мэдзи (1868—1912) нэнгоси Маърифатли бошқарувни англаган.

**НҶЁН**, нўёнлар (мўғулча нойон, поуан, поуп — жаноб, князь) — ўрта аерларда Мўғулистондаги олий табақа вакиллари. Дастлаб (11-а. — 12-а.нинг 1-ярми) қад. мўғулларнинг аслзода уруғ бошиқларини англаган, сўнгра (12-а.нинг 2-ярмида) — чўл зодагонларини, уруғчилик тузуми емирилиб мулкдорлик муносабатлари шаклланаётган даврда ажралиб чиққан аслзодаларни билдирган. Чингизхон империяси ташкил топгунга қадар Н.лар ўзларига тааллуқли қавмларга бошчилик қилган. Мўғуллар давлатия (13—14-а.лар) Н. — чингизий шахзодалар, туманбошилар, мингбошилар, юзбошилар, умуман барча «оқ суяқлар» («цаган ясун»). Н.лар аксарият ҳолларда сечан (чечан), бай-ан, батур каби юқори унвонларга сазовор этилган. Этник тарққлик шароитида (14—17-а.лар) Н. — марказлашган хон ҳокимиятидан мустақил бўлган мулк ҳокимлари; улар мустақил ташки сиёсат юргизиб, ўзларига қарам аратларни эксплуатация қилишга тўла ҳуқуқли бўлганлар. 16—19-а.ларда, асо-сан, антропонимнинг компонентиға айланган ва киши номидан кейин келган. Манжурлар ҳукмронлиги даврида (17—20-а. боши) Н. — турли даража ва рут-бадаги ҳокимлар — сиёсий мустақилликдан махрум бўлишган, бироқ ўзларининг мулкдорлик ҳуқуқлари ва имтиёзларини дахлсиз сақдаб қолишган. 1911 — 19

й.ларда Н. яна давлат ҳокими-ятиға эға бўлишган. Халқ инқилобининг дастлабки йилларидаёқ Н. ҳокимиятдан четлатилиб, барча табақавий имтиёзлардан махрум этилганлар. 1940 й.ға келиб Мўғулистонда мулкдорлар синф сифатида тугатилиши муносабати б-н Н. та-рих сахнасидан тушган.

Ҳамидулла Дадабоев.

**НҶҲАТ** (Cicer) — дуккаклилар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик туркуми, дуккакли дон экини. 30 дан ортиқ, асосан, кўп йиллик турлари Евросиё, Шим. ва Шарқий Африкада учрайди. Жуда қадимдан бир йиллик маданий тури (*C.arietinum*) Ҳин-дистон, Италия, Украина жануби, Закавказье, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Греция, Болгария, Миср, Жазоир, Туркия ва Эронда экилади. Маданий Н.нинг илдизи —ўк илдиз (100—150 см). Пояси ўтсимон, тик ўсади, дағал, қовурғали, сершоҳ, тукли, бал. 30—70 см. Барги мураккаб, тоқ патсимон. Гули икки жинсли, капалаксимон, майда. Ранги оқ, сариқ, сарғиш-яшил, оч-пушти ва кўк. Меваси — дуккак, дукагида I—2 та, гоҳо 3 та дон бўлади. 1000 та уруғининг вазни 220—300 г, гоҳида 600 г гача боради. Донининг ранги оқ, пушти, тўқ-сарик. Н. ғовақ, қумоқ, енгил шўрланган тупроқли ерларға экилади. Қора, бўз, каштан тупроқларда мўл ҳосил беради. Н. иссиқсевар, ёруғсевар, бахрри экин. Бошқа дуккакли экинларға нисбатан қурғоқчилик ва шўрға чидамли, уруғи 2—5° ҳароратда униб чиқади, паст ҳароратда секин ўсади. Майсаси баҳорги — 6°дан —8°гача қорасовуқларға чидайди. Н. гуллаш ва меваси шаклланиш даврида иссиқликка талабчан. Намлик мейёрдан ортиқ бўлса касалланади, шона ва гули тўкилади. Ўзидан чангланади. Ўсув даври 70—190 кун. Н. до-нидан ёрма, айникса, ўзбек пазандачилигида ҳар хил таомлар, қандолат махсулоти тайёрланади, ундан нон ёпилади (буғдой униға Ю—20% кўшилади), суррогат кофе ишлаб чикарилади. Дони таркибида

19—33% оксил, 4-7% мой, 0,2-4,0% кул, 48-61% азотсиз моддалар, 2—12% клетчатка, ви-таминлар ҳамда аминокислоталар мав-жуд. Н. буғдой ва ғўза учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бир мавсумда бир гектар ерда Н. илдиэлари 50—70 кг соф модда ҳисобида азот тўплайди.

Н. Ўзбекистоннинг лалми ерларида 6—8 ц/га, суғориладиган ерларда 22-32 ц/га ҳосил беради. Н. кенг қаторлаб (қатор ораси 45—60 см) ёки ёппасига қаторлаб (қатор ораси 15 см), баъзан сепма усулида экилади. Эқши усулига ва нав биологияси ва морфологиясига қараб 150—200 кг/га уруғ сарфланади. Ўзбекистонда аксарият лалми ерларда экилади. Суғориладиган ерларда қатор ораси 1—2 марта культивация қилинади. Н. кам суғорилади. Гуллаш даврида сувни кам меъёрда бериш яхши нагжа беради, тўлиқ пишганда барги тўкилади, дуккаги деярли чатнамайди, ҳосили дон қомбайнларида йғиб олинади.

Ўзбекистонда Зимистоний, Лаззат, Ўзбекистон32, Юддуз навлари экилади.

Касалликлари : аскохитоз ва фузариоз; зараркунандалари: Н. донхўри, Н. бити, Н. трипси.

Зулфия Йўлдошева.

**НҲХАТГУЛ** (*Lathyrus odoratus* L.) -дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик сертук ўт. Бўйи 15—60 см. Пояси камшоҳ, бандининг учи жингалак; жингалаклари ёрдамида бошқа ўсимликларга илашиб ўсади. Барги узун банд-ли, жуфт япрокли. Гули зигоморф, кат-талиги 2—3 см, ранги оқ, пушти, қизил, хиди ўткир, узун гулбандга 1 — 3 тадан ўрнашган. Меваси ингичка (уз. 25—50 мм) сертук дуккак. Ҳар бир дуккагида 4—6 тадан шарсимон уруғи бор. Апрдан совуқ тушгунга қадар гуллаб уруғлайди. Асосан, тоғ ён бағирлари, дарё ўзанлари, водийлар, баҳорикор ерларда ўсади. Иссиқхоналарда ҳам етиштирилади, авг. да экилганда январда гуллайди.

**НҲХАТТОШ** — 1) минералогия-д а

— иссиқ булоқлар сувидан чўккан оҳак зарраларининг тўпланишидан пайдо бўладиган структурали жинс. Нўхат донасидек, юмалоқ (номи шундан). Структура жиҳатидан арагонитнинг ўзи. Н. марказдан хар томонга ўсиб чиққан бўлади; 2) петрографияда — йирик солитли охактош. Озарбайжонда ва Чехияда (Карлова-Вари) учрайди.

**НҲХАТХЎРАК** (форс. -тож. — нўхат ва хўрак — емак) — куюқтаом. Н.ни тайёрлаш усули: нўхат бир сутка совуқ сувда ивителиб 10 соатдан 24 соатгача салқин жойга олиб қўйилади. Сувини бир икки марта янгиллаб турилади. Ивитилган нўхат тезроқ бўртиши учун озроқ чой содаси қўшилади. Ивиган нўхат қозонга соли-ниб, уни кўмиб турадиган даражада сув куйилади, милдиратиб 30—35 мин. қайнатилади, сувини тўкиб, қопқоғини буғ чикмайдиган қилиб жипс ёпиб, яна 20—25 мин. дамланади. Юмшаган нўхат қошиқ б-н эзилиб, ликобларга солинади ва бе-тига зирапиёз, туз, қалампир сепил-гач, дастурхонга тортилади.

**НҲХТА** — чорвачилик анжоми, отуловни (от, эшак, хачир) ва қорамолларни боғлаш, етаклаш учун қўлланилади. Махсус Н.лар хайвон тури ва бошининг шаклига мос ҳолда махсус тас-малар ёки пишиқ хом теридан тайёрланади.

**НҲҒАЙ** (13-а.нинг 1-ярми — 1300) — Олтин Ўрда туманбошиси, Жўжихоннинг эвараси. Беркахон қўшини кўмон-дони сифатида Ҳулоку ва унинг ворисларига қарши бир қанча юришлар қилган. Жанглardan бирида бир кўзидан ажралган. Беркахон вафотидан сўнг Олтин Ўрдада Н.нинг обрў-эътибори тез ортиб борган. Дондан Дунайгача бўлган улкан ҳудуд Н. назорати остида бўлган. 13-а.нинг 70-й.ларидан ўз тасарруфидаги улусда мустақил сиёсат юргиза бошлаган. Н. Византия императори Михаил Палеологнинг никоҳсиз туғилган қизи — Евфросинияга уланган

(1273). 1271, 1277, 1278 й.ларда Н. император Михаилнинг илтимосига кўра, Болгарияга қарши юриш қилади. Кейинги ўн йилликда Н. кўшинлари Болгария, Фракия ва Македония ерларини бир неча бор ғорат қилади. Дунай орти давлатлари, хусусан, Тирново шохдиги, Браничевский ва Видин князликлари Н.га тобе этилади. 90-й.ларда Сербия қироли Милутин ўзини Н.нинг вассали сифатида тан олади. Н. б-н иттифокда бўлишга рус князликлари, Польша, Венгрия, Болгария, Сербия ҳаракат қилишган. Н. ёрдамида Телебуғахон (Тўлабуғахон) Олтин Ўрда тахтидан туширилиб, ўрнига Тўкта ўтқазилган. Тўкта қудратли туманбошидан халос бўлиш мақсадида Н.га қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаган. 1300 й. Доннинг ғарбидан оқувчи Кўканлик дарёси бўйидаги ҳал килувчи жангда Н. кўшини тор-мор келтирилган. Н. асир олиниб, қатл этилган. Н. номи б-н кейинчалик нўғайлар атала бошлаган.

Ад.: Егоров В. Л., Историческая география Золотой Орды в XIV—XVI вв., М., 1983.

Ҳамидулла Дадабоев.

**НЎҒАЙ ЙЎЛИ**, Нўғай шляхи -13—17-а.ларда кўчманчи халқларнинг рус ерларига қиладиган чопқунларининг асосий йўлларида бири (Волганинг куйи оқимидан Коломна ва Ря-зангача)нинг 16-а. бошидан эътиборан манбаларда учрайдиган номи. Бу йўлдан қилинадиган чопқунларнинг олдини олиш учун рус ҳукумати Воронеж (1586), 17-а.нинг 30-й.ларида Тамбов, Козлов, Ломов қалъаларини қурдирган.

**НЎҒАЙ ТИЛИ** — туркий тиллар оиласига мансуб, Россия Федерациясининг Чечен Республикасида, Ставрополь (жумладан, Қорачой-Черкес Республикаси) ва Краснодар ўлкаларининг бир қатор туманларида тарқалган. Окнўғ-ай, нўғай, қоранўғай лаҳжаларига бўлинади. 60 мингга яқин киши сўзла-шади. Н. т. фонетик ва грамматик хусусиятлари б-н

қозок. ва қорақалпоқ тилларига ўхшайди, мае. умумтуркий «ч» ва «ш» товушлари Н. т.да «ш» ва «с»га мувофиқ келади (Н. т.даги шик ва тас сўзлари бошқа туркий тилларда чик ва таш тарзида талаффуз этилади). Адабий Н.т. 20-а.да шаклланган; унинг таъсирида диалектал фарқлар йўқолиб бормоқда. Ёзуви 1924—28 й.ларда араб алифбоси, 1928—38 й.лардалогин алифбоси асосида бўлган; 1938 й.дан эса рус графикаси асосидаги алифбодан фойдаланилади.

**НЎҒАЙ ЎРДА**, Нўғай хонлиги — Шим. Каспий ва Орол денгизлари бўйидан Тура ва Камагача, Волгадан Иртишгача бўлган ҳудудда ташкил топган кўчманчилар давлати. 14—15-а. бошларида Олтин Ўрдадан ажраб чиқади. Идиқунинг ўғли Нуриддин замонида (1426—40) кучайган. Аҳолиси, асосан, манғит ва қўнғиротлардан иборат бўлган. Пойтахти — Саройчик ш. У Қора денгиз бўйларида Ўрта Осиёга бора-диган савдо йўлидаги йирик шаҳар эди. 16-а.да Н. Ў. Москва ва Қозон бозорларини чор-ва маҳсулотлари б-н таъминлаган. Н. Ў. муззалар бошқарган улусларга бўлинган. 16-а. 2- ярмида Н. Ў. Катта Нўғай, Кичик Нўғай ва Олтиовул Ўрдalarига парчала-ниб кетган. Н. Ў.да «Идику» («Едигей») достони яратилган.

Ад.: Похлѣбкин В. В., Татары и Русь, МЛ, 2001.

**НЎҒАЙЛАР**, нўғай (13-а.даги Олтин Ўрда хони Нўғай номи б-н боғлиқ) — халқ, Россия Федерациясининг Ставрополь ўлкаси, Доғистон, Чеченистон, Ингушистон Республикалари ҳамда Қорачой-Черкасия вилоятларида яшайдилар (75,2 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). Ўзбекистонда жуда озчиликни ташкил этади.

Н.нинг қора нўғай (Доғистон), нўғай ёки ачиқулоқ (Ставрополь ўлкаси), ок нўғай ёки кубань нўғайлари (Қорачой-Черкасия) ва астрахон нўғайлари каби этник гуруҳ^ари мавжуд. Жан. Сибирь

(Турон) ўтиш ирқига мансуб. Нўғай тилиА сўзлашадилар. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Н. аждодлари Нўғай тасарруфидаги худудларда яшаган туркмўғул қабилалари ҳисобланади. Улар Уралдан то Днепргача, жумладан, Шим. Кавказ, Қуйи Волга, Кримда кўчиб юрганлар. Дашти Қипчоққа қипчоқлар б-н аралашиб туркий тилни қабул қилишган.

Ўтмишдаги анъанавий машғулотлари — кўчманчилик ва яйлов чорвачилиги (қўй, эчки, йирик шохли мол), туячилик, отчилик, қисман деҳқончилик бўлган. Ҳунармандчиликда мовут тайёрлаш, чарм ва қўй терисини қайта ишлаш, кигиз босиш ва ундан чакмон, этик, бош кийимларни тикиш, айниқ-са, кенг расм бўлган.

Ад.: Гаджиева С. Ш., Материальная культура ногайцев в XIX — нач. XX в., М., 1976; Гаджиева С. Ш., Очерки семьи и брака у ногайцев в XIX — нач. XX в., М., 1979.

Очил Бўриев.

**НЎҒАЙҚЎРҒОН МАҚБАРАСИ** - қ. Хайробод масжид-мақбараси.

**НЎҒОЕВ** Нажиб Нуъмонович (1910, Ульяновск вилояти, Старая Култатка посёлкаси — 1964.6.5, Шаҳрисабз) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, кичик сержант. 1941 й.дан армия сафида. 1669-танкка қарши қирувчи артиллерия полки (Дашт фронтининг 7-гвардиячи армияси)нинг тўп наводчиги. 1943 й. 5 окт.да Днепропетровск вилоятининг Верхнеднепровск туманидаги Бородаевка кишлоғи атрофидаги жангда душманнинг 4 та танкини яқсон қилган, 3 миномёт батареяси, 6 пулемёт нуктаси ўтини ўчирган, юк ортилган 2 ав-томашинасини юки б-н, 100 га яқин гитлерчини яқсон қилган. 1943 й. 26 окт.да Қаҳрамон унвони берилган. Шаҳрисабздаги кўчалардан бирига унинг номи берилган ва бюсти ўрнатилган.